2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИ ТАРИХИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА









63.3(5У)
Ў-43

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

ИККИНЧИ КИТОБ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА

БИБЛИСТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ Ч 2184

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Тузувчилар:

М.ЖЎРАЕВ, Р.НУРУЛЛИН, С.КАМОЛОВ, Р.РАЖАПОВА, А.ГОЛОВАНОВ, Қ.РАЖАБОВ, А.МАВРУЛОВ, Р.АБДУЛЛАЕВ, С.АЪЗАМХЎЖАЕВ, Д.АЛИМОВА, Н.КАРИМОВ, Б.КОШАНОВ, К.ОҚИЛОВ, З.ОРИФХОНОВА, Л.ТЕТЕНЕВА, Ш.ТУРДИЕВ.

Таҳрир ҳайъати:

А.АЗИЗХЎЖАЕВ *(раис)*, Б.АҲМЕДОВ, М.ЖЎРАЕВ *(илмий муҳаррир)*, С.КАМОЛОВ, А.САГДУЛЛАЕВ, Ф.ЭРГАШЕВ, З.ЧОРИЕВ

Тақризчилар:

Р.МУРТАЗАЕВА, Қ.УСМОНОВ, Ш.ОРАЗИМБЕТОВ, А.АЗЛАРОВ, С.ХОЛБОЕВ, З.ЭШОНХЎЖАЕВА, Т.ҲАМРОЕВ, У.АМИРОВ, Н.ТОЖИБОЕВ, М.ИСҲОҚОВА, С.ЎЛМАСОВ, С.ТЎРАЕВ

Ў—43

Ўзбекистоннинг янги тарихи.

К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида //Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С. Камолов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев (раис) ва бошқ./. — Т.: «Шарқ», 2000. — 688 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази.

ББК 63.3(5У)+63.3(2)6

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000
© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2000

Сўзбоши

Бу даврнинг илгариги замонлардан фарқи шуки,.. айниқса, шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз...

Мен айтмоқчи бўлган фикр... ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда, барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.

ИСЛОМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Яқин ўтмишимизнинг собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган даври (1917—1991 йиллар) мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу давр, гарчи тарихан қисқа бўлса-да, лекин ўзининг мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан ажралиб туради. 1917 йил октябрида большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш собиқ Иттифоқ халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихида салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини бошлаб берди. Натижада чор мустамлакачилик империяси ўрнини «қизил империя» эгаллади. Янги мустамлакачилик зулми остида яшаган ўлка халқлари большевиклар «социалистик тажрибаси»нинг барча машъум мушкулотларини бошдан кечирдилар. Энг ачинарлиси шундаки, республикадаги ижтимоий-сиёсий тарихий жараённинг ўта мураккаб ва зиддиятли кечиши кўплаб қурбонлар берилишига, маданий ва маънавий йўқотишларга олиб келди.

Октябр тўнтаришидан кейин Ўзбекистоннинг Туркистон ҳудудида бўлган анчагина қисми Туркистон Автоном Республикаси сифатида РСФСР таркибига қўшиб олинди. 1924 йилда зўраки ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топиб, ССР Иттифоқи таркибига киритилди. ССР Иттифоқи ўз моҳиятига кўра унитар (қўшма) давлат эди. Оқибатда Ўзбекистон тўла-тўкис Москвага қарам бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР фақат номигагина мустақил эди. Республиканинг раҳбар органлари Компартия Марказий Қуми-

таси (МҚ) ва Иттифоқ ҳукумати томонидан тайинланар, бинобарин, уларга бўйсунарди. Улар республика ва унинг халқлари манфаатлари эмас, балки Марказ (Москва; умуман Совет Россияси. — *Таҳририят*) манфаатлари йўлида сиёсат юргизишга мажбур эдилар. Ўзбекистон халқларининг суверен ҳуқуқлари асосида уларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ватанпарварлик кайфиятидаги миллий раҳбарларнинг чиқишларини мустабид тузум ғоят қатъиятлик билан барҳам топтирарди.

Мустабид тузум Ўзбекистонни Марказ таркибидаги мустамлака сифатида ўз исканжасида доимий сақлаб қолиш ва уни метрополиянинг хом ашё базаси ва маҳсулот бозори сифатидаги ҳолатини янада мустаҳкамлашга интилди. Бундай сиёсат оқибатида республиканинг иқтисодий ривожланиши бир томонлама кечди, унинг қишлоқ хўжалиги тобора кўпроқ пахтачилик йўналишига эга бўлиб борди, шу алфозда пахта якка-ҳокимлиги қарор топди. Ўзбекистон саноати асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилган эди. Саноатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки тарзда ишлов берадиган тармоқлар асосий ўринни эгалларди. Республика хом ашёсининг пировард маҳсулоти Иттифоқ саноат марказларида ишлаб чиқарилар, бинобарин, фойданинг асосий қисми ҳам ўша ерда қоларди.

Марказнинг Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсати республиканинг маданий ривожида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Гарчи бу соҳада бирмунча ижобий силжишларга эришилган бўлса-да, ўлка халқларининг маънавий ҳаёти тўла-тўкис ўз даврининг ҳукмрон мафкураси ва сиёсати таъсирига олинди, байналмилаллик ниқоби остида республикани руслаштиришга интилиш рўй берди. Ўзбек халқининг миллий маданий қадриятлари, бой маънавий мероси, унинг қадимий эзгу анъана ва урф-одатлари унутилди. Ислом дини, унинг қадриятлари оёқости қилинди, ўзбек тили иккинчи даражали тилга, рус тили эса давлат ва асосий муомала тилига айлантирилди.

Дарвоқе, Марказнинг бундай мафкура сиёсати туфайли халқимиз ҳаётининг барча соҳаларига путур етказилганлигини таъкидлаш баробарида республика тарихий ўтмишининг совет даврида ҳам бир қатор ижобий ишлар қилинганлигини айтиб ўтмаслик нохолислик бўлур эди. Зеро, ўша йилларда халқимизнинг фидокорона меҳнати билан кўплаб завод ва фабрикалар қурилди, миллионлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди, катта-катта каналлар қазилди, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи мустаҳкамланди, унинг маҳсулотлари ҳажми ортди. Ўнларча олий ва ўрта махсус ўқув

юртлари очилди, уларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрланди, умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг кенг тармоги ташкил этилди, кўпгина маданий-маърифий муассасалар барпо қилинди. Натижада аҳолининг таълимий ва маданий савияси ошди. Тўғри, бу ютуқларнинг барчасига мустабид тузум даврида айтиш одат бўлиб қолган «партиянинг доно сиёсати» туфайли эмас, балки халқимизнинг садоқатли, фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оғир ва машаққатли меҳнатлар эвазига яратилган ана шу моддий бойликлар ўзбек халқи, унинг фаровонлиги учун хизмат қилмади. Аксинча, бу моддий-маънавий бойликлар ўзбек халқини камситиш, миллий ғурурини оёқости қилиш, ўзлигини унутириш, коммунистик мафкурани янада кучайтириш учун хизмат қилди. Ўзбекистон ҳудудида бунёд этилган корхоналар (айниқса, кимё комбинатлари), керагидан ортиқча ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерлар, қазилган каналлар, қурилган сув омборлари республиканинг экологик аҳволини мураккаблаштирди, Орол денгизининг қуриб боришини тезлаштирди, деҳқончилик ерлари таркибини ўзгартириб юборди, атроф муҳитни, ичимлик сувини заҳарлади. Модомики шундай экан, Совет давлати «экспериментлари» натижасида барча халқлар бошига тушган фожиалар ва кулфатларни, мустабид тузум, ҳукмрон партия томонидан совет халқларига қарши олиб борилган зўравонлик ва ғайриинсоний сиёсатни ҳеч қачон оқлаш мумкин эмас.

Ҳа, Ўзбекистон халқларининг деярли чорак кам бир аср мобайнида босиб ўтган анча мураккаб ва зиддиятли тарихий йўлини бир хилда баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам советлар даврини ҳақиқатда қандай кечган бўлса, уни шундайлигича: барча ижобий ва салбий жиҳатлари, парвозларию таназзуллари, тарихий жараённинг барча ўнқир-чўнқирликларини назарда тутган ҳолда тадқиқ этиш лозим бўлади. Зеро, бу даврни мустабид совет тузуми ёки «доно партия» тарихи сифатида эмас, балки бунёдкор, фидокор халқимиз тарихи сифатида ўрганиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида мустабид совет тузуми даврига муносабат билдирар экан: «Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустабид турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқ-

лолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзғириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди...

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга... сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»,[1] деб таъкидлаган эди. Модомики шундай экан, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, мустабид сиёсий тузум тарихи билан халқимиз тарихини ажрата билишимиз, уни холисона илмий асосда ёритиш зарур.

Тарих фани мустабидчилик даврида Ўзбекистоннинг совет даврини (1917—1991 йиллар), республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгунга қадар бўлган тарихини ўрганиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Тарихчи олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан, ўша давр нуқтаи назаридан, катта миқдордаги тарихий манбалар тўпланди, улар бир тизимга солиниб, илмий жиҳатдан умумлаштирилди. Бироқ бу асарлар жамиятшуносликда ҳукмрон бўлган марксча услуб асосида, синфийлик ва партиявийликнинг асосий принциплари негизида ёзилган эди. Шу боисдан бу асарларда тарихий жараён кўп жиҳатдан бир томонлама, нохолис, тарихий далил ва воқеалар атайлаб бузиб кўрсатилди, коммунистик мафкурага хос хулосалар қилинди.

Бинобарин, чоп этилган ана шу илмий, илмий-оммабоп ишлар концептуал тузилиши, олдига қўйган вазифаси, услубий жиҳатлар хилма-хиллигига йўл қўйилмаганлигини, ягона сиёсий мафкура қолипида ёзилганлигини эътиборга олиб, совет даври тарихий адабиётларининг ҳар бирига алоҳида баҳо беришни лозим кўрмадик. Шунингдек, 73 йиллик совет тузуми даврида социализмни улуғлаб ёзилган тарихий адабиётларнинг сон-саноғи йўқлигини инобатга олиб, мавзуга оид адабиётлар рўйхатини беришни ҳам мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобладик.

Фақат, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан тарихий ҳақиқатни тиклаш учун, янгича ва холис ёндашув, совет даврида юзага келган Ватанимиз тарихидаги нохолисликлар ва «оқ доғлар»ни миллий мустақиллик мафкураси асосида тугатиш учун қулай шарт-шароит қарор топди. Бунга бош мезон сифатида тарихий далил ва воқеаларга, бутун тарихий жараёнга республика ва унинг халқи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда принципиал баҳо бериш асос қилиб олинди. Айнан

---

[1] *Каримов И.А.* Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз // «Туркистон». 1999, 2 февраль.

шундай ёндашувларнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш» ва 1998 йил июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида баён этилган бўлиб, ушбу илмий-оммабоп китобнинг муаллифлар жамоаси ҳам шу асосда совет даври Ўзбекистон тарихини, совет давлатчилигининг мустабидчилик моҳиятини холисона ёритишга ҳаракат қилди. Муаллифлар жамоаси бу ишнинг уддасидан қанчалик чиққанлигига баҳо бериш, Сиз — муҳтарам китобхонлар ҳукмига ҳавола.

* * *

Ушбу илмий-оммабоп асар қуйидаги муаллифлар жамоаси томонидан ёзилди: тарих фанлари номзоди М.Жўраев (I қисм, II бобнинг 4 §и; II қисм, IV бобнинг 2, 4 §лари), тарих фанлари докторлари Р.Нуруллин (I қисм, I бобнинг 3, 5, 7, 8 §лари; II қисм, I бобнинг 1 §и; II бобнинг 2 §и), академик С.Камолов (II қисм, II бобнинг 6 §и, III бобнинг 5 §и), Р.Ражапова (I қисм, I бобнинг 1, 9 §лари, II бобнинг 7 §и), А.А.Голованов (I қисм, II бобнинг 1, 2 §лари; II қисм, I бобнинг 2, 3, 4, 5 §лари; II бобнинг 1, 2, 3, 4, 5 §лари; III бобнинг 4, 8 §лари), тарих фанлари номзоди Қ.Ражабов (I қисм, I бобнинг 6 §и; II бобнинг 3, 5 §лари), тарих фанлари докторлари А.Маврулов (I қисм, II бобнинг 6 §и; II қисм, III бобнинг 6 §и; IV бобнинг 3 §и), Р.Абдуллаев (I қисм, I бобнинг 1 §и), Д.Алимова (II қисм, I бобнинг 6, 7 §лари), С.Аъзамхўжаев (I қисм, I бобнинг 2, 4 §лари), филология фанлари доктори Н.Каримов (I қисм, I бобнинг 9 §и; II бобнинг 6 §и; II қисм, I бобнинг 7 §и; III бобнинг 6 §и; IV бобнинг 3 §и), тарих фанлари докторлари Б.Кошанов (I қисм, II бобнинг 8 §и; II қисм, I бобнинг 10 §и; III бобнинг 9 §и), К.Оқилов (II қисм, I бобнинг 3 §и; II бобнинг 5 §и), З.Орифхонова (II қисм, I бобнинг 8 §и; III бобнинг 7 §и), Л.Тетенева (II қисм, III бобнинг 1, 2 §лари; IV бобнинг 1, 3 §лари), филология фанлари номзоди Ш.Турдиев (II қисм, I бобнинг 9 §и).

«Сўзбоши» ва «Хулоса»ни Р.Нуруллин ва М.Жўраевлар ёзишди. Матнда берилган тарихий шахслар ҳақидаги ва бошқа маълумотларни М.Жўраев, Р.Ражапова ва Қ.Ражабовлар тайёрлашди.

Асар қўлёзмасидаги барча битикларни қўшимча янги материаллар билан бойитиш, қўлёзмани илмий-назарий жиҳатдан қайта ишлаш, «Муҳим воқеалар хроникаси»ни тузиш М.Жўраев томонидан амалга оширилди.

Китобнинг айрим битикларини ёзишда Б.Лунин, Т.Файзуллаев, Ш.Зиёмов, Р.Носиров ва Е.Прилуцкий материалларидан қисман фойдаланилди.

Китоб безаклари учун фотосуратлар ва карталарни топиш ва нашрга тайёрлаш ишлари М.Жўраев ва Қ.Ражабовлар томонидан бажарилди.

Асар қўлёзмасини нашрга тайёрлашда ёрдамчи ишларни ЎзР ФА Тарих институтининг илмий ходимларидан Г.Солижонова, Л.Зотова, ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ходимларидан Д.Файзуллаева ва С.Шайховалар бажаришди.

Биринчи қисм

ТАРИХНИНГ БУРИЛИШ НУҚТАСИ: ЎЗБЕКИСТОН 1917—1924 ЙИЛЛАРДА

Биринчи боб

Шиддатли ўзгаришлар даври (1917—1920 йиллар)

1. РОССИЯДАГИ ФЕВРАЛ ИНҚИЛОБИ: ТУРКИСТОНДА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЖАДАЛЛАШУВИ

Туркистон Феврал инқилоби арафасида

XX асрнинг бошланиши Туркистон ўлкаси тарихида энг жиддий бурилиш юз берган даврлардан бирига тўғри келди. Ўтган ўн йилликлар мобайнида ўлка бағрида етилган жараёнлар ижтимоий ҳаёт юзасига қалқиб чиқиб, унинг негизини қамраб олган чуқур тангликни очиб ташлади. Ташқи ва ички омиллар туфайли вужудга келган бу жараёнлар ўз табиатига кўра бир хил эмас, лекин ўзининг емирувчилик таъсири жиҳатидан яхлит эди.

XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди таркибига уч давлат бирлашмаси: Россия Ўрта Осиёни забт этганидан кейин тузилган ва унинг таркибига мустамлака сифатида қўшиб олинган Туркистон генерал-губернаторлиги, шунингдек, юзаки равишда мустақил бўлган, аммо Россияга қарам ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги кирар эди. Ўша вақтда ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Туркистон ўлкаси ёки Туркистон деб аталган Туркистон генерал-губернаторлиги энг йирик саналарди. Унинг таркибига Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Закаспий ва Еттисув вилоятлари кирар эди. Ўлкадаги беш миллиондан кўпроқ аҳолининг асосий, кўпчилик қисмини ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ва бошқа ерли халқлар ташкил этарди. Уларнинг ҳаммаси ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар эди. Бироқ ўша вақтда «мусулмон», «мусулмон аҳоли» тушунчалари диний мазмунгагина эмас, балки этник мазмунга ҳам эга бўлиб, ундан маҳаллий аҳолини Россиядан кўчириб келтирилган русийзабон аҳолидан ажратиш учун фойдаланилар, кўчириб келтирилганлар сони ўлкадаги бутун аҳолининг ўндан бир қисмидан ҳам кам эди.

Кўпчилик аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва унинг қашшоқлашуви билан уйғунлашиб кетган давомли турғунликка олиб келган омилларнинг биринчи қаторида Туркистон жамиятини ғарб усулида зўрлик билан янгилаш (замонавийлаштириш) турарди. Мустамлакачилик усуллари билан ташқаридан амалга оширилган бу янгилаш жараёни доимо қолоқликда сақ-

лаш омилига айланиб кетди. Биринчидан, иқтисодий экспансия (босқинчилик) йиллари мобайнида вужудга келтирилган Туркистон халқ хўжалигининг янги учоқлари — зўр бериб ривожланаётган пахтачилик, пахта тозалаш, пахта ёғи ишлаб чиқариш, қазилма хом ашёларни қазиб олиш (кончилик), темир йўл транспорти тармоқлари ва бошқа соҳалар ўлка миллий хўжалик мажмуасининг таркибий қисми эмас эди. Бу тармоқлар Россия марказий саноат районларининг талаб-эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, булар маҳсулотининг Туркистон доирасидан четга чиқарилиши уни олинадиган фойдадан бутунлай маҳрум этар, бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини барбод қиларди. Иккинчидан, капиталистик ишлаб чиқариш учоқларининг барпо этилиши ўлка иқтисодиётини издан чиқарди, кўп укладли ижтимоий тузилмани вужудга келтирди. Бунда асосан ҳунармандчилик ва косибчилик ишлаб чиқариши метрополия саноат товарларининг рақобати сабабли тобора кўпроқ тушкунликка учраб, емирила борди. Ва, ниҳоят, Россия иқтисодиёти учун ишлаган ўлка хўжалигининг деҳқончилик — хом ашё етиштириш йўналишида бўлиши, донли экин майдонларининг қисқартирилиши, ҳунармандчилик-косибчилик ишлаб чиқаришининг тушкунликка учраганлиги ўлканинг иқтисодий жиҳатдан тобелигини янада кучайтирди. Ана шу тобелик ҳалокатли оқибатларининг бутун оғирлигини Биринчи жаҳон уруши (1914—1917) йилларида халқ оммаси ўз гарданида синаб кўрди: мунтазам ҳаракатда бўлган темир йўллар ишидаги узилиш ва барбод бўлиш ҳолларининг тез-тез содир бўлиб турганлиги сабабли озиқ-овқат танглиги ва очарчилик сурункали тус олди.

Чоризм ўрнатган ва босқинчи армиянинг найзаларига таяниб ўлкани идора қилган маъмурий мустамлакачилик девонининг чекланмаган ҳукмронлиги шароитида келгинди аҳолининг барча табақалари имтиёзли яшагани ҳолда, иқтисодий қолоқлик ўлкадаги маҳаллий халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги сабабли кўпроқ кучайиб борди.

Маданият соҳасида ташқаридан тиқиштирилган замонавийлаштириш жараёни миллий маданий меросни барбод этиш, халқнинг яшовчан анъанавий қадриятларини йўқ қилиш хавфини туғдирди.

Мустамлакачилик Туркистон хўжалигининг анъанавий таркибига путур етказиш билан бир қаторда миллий асосда буржуа йўналишида ўз аҳволини мустақил равишда ўзгартириш имкониятидан уни маҳрум этди, турғунликка, инқирозга, қолоқликка маҳкум қилди, ишсизлик ўсишига, халқ турмуш даражаси пасайиб кетишига кўмаклашди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаётда низо ва можароларни кўпайтирди, сиёсий беқарорликни, кучлар қарама-қаршилигини кучайтирди. Халқ тартибсиз равишда бошлаган кўпгина қўзғолонлар бунинг

далили бўлиши мумкин, бундай қўзғолонлар ўлкани доимо ларзага солиб турди.

Ташқаридан зўрлаб тиқиштирилган замонавийлаштириш жараёнига қарама-қарши ўлароқ, Туркистон жамияти бағрида бунга зид жараён етилиб келарди, бу жараённинг асосий тамойили мустамлакачиликка қарши кайфият кучайиб боришида ифодаланди. Мавжуд мустамлакачилик тартиби ўлкадаги ерли халқларнинг мустақилликка эришишига таҳдид солишини, уларнинг анъанавий турмуш тарзига путур етказишини омма тобора кўпроқ тушуна бошлади. Ўз миллий мавқеини ҳимоя қилишга бўлган интилиш халқ оммасининг тартибсиз норозилик билдиришларида намоён бўлди. Турли важлар сабабли вужудга келган ва мустамлакачилик тартиби асосларини қақшатган халқнинг тор маҳаллий чиқишларидан тортиб, бутун минтақани қамраб олган катта қўзғолонларгача доимо исломни, мустақиллик ва озодликни ҳимоя қилиш шиорлари остида ўтарди. 1916 йилги қўзғолон ўлка халқларининг озодлик учун кураш тарихига ёрқин саҳифа бўлиб битилди. Бу қўзғолон ерли аҳолининг миллий ўз-ўзини англашида, унда мустамлакачиликка қарши, мустақиллик ва ислом негизлари бузилмаслиги учун кураш ғояларини мустаҳкамлашда ўчмас из қолдирди.

Тарихий жиҳатдан бу жараёнда мусулмон руҳонийлари зиммасига бирлаштирувчилик вазифаси юкланди. Барча даражадаги уламолар (ваъзхонлар, диний ўқув юртларининг муаллимлари, қозикалонлар, хайр-эҳсон қилувчи муассасалар бошқарувчилари ва бошқалар) ўз тасарруфларида бўлган тарбия, маориф, таълимнинг кенг тармоқлари — масжидлар, мактаблар, мадрасалар, оила, маҳалла орқали ислом мавқеини мустаҳкамлаш, унинг ақида ва нормалари, анъанавий алоқалари ва ислом қадриятларининг бузилмаслигини сақлаб қолиш борасида мунтазам равишда иш олиб бордилар.

Бироқ, исломнинг шариат мавқеини мустаҳкамлашга ва ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати, ўзи бошчилик қилган кучларнинг ниятлари қандай бўлишидан қатъи назар, мусулмон жамияти ижтимоий тузилмаларининг аслида заифлашувига олиб келди, унинг ўзи ишлаб чиқарувчи кучлар турғунлигини вужудга келтирди, ўз жамиятининг ташқи дунёдан яккаланиб, ажралиб, бегоналашиб қолишини аста-секин кучайтирди.

Туркистон жамиятида яккаланиб қолиш ва қолоқлик хавфли эканини англаш тобора яққолроқ сезилаётган эди. Турғунликка, халқ оммаси қашшоқлашувига олиб борувчи тамойиллар ўлкадаги илғор намояндаларни бефарқ қолдирмаслиги мумкин эмасди. Жамиятни ислоҳ қилиш, янгилаш, замон талаблари билан ўзаро боғлиқ ҳолда, бошқа цивилизацияларнинг энг яхши илмий, техникавий ва маданий ютуқларидан фойдаланиб, жамиятни тараққиёт, фан, таълим йўлида ривож-

лантириш ғоялари жамоатчилик онгида тобора кучайиб борди. Туркистоннинг ақл-заковатли кучлари исломнинг инсонпарварлик қадриятларини сақлаб қолиш, ижтимоий ҳаёт асосий таркибий қисмларидан бири сифатида унинг мавқеини мустаҳкамлаш йўлини тутиб ислоҳ қилишни, унинг ақидаларини замонга мослаштириб талқин қилиш зарурлигини, одамларнинг кундалик турмушида шариат асосларини юмшатишни ёқлаб фикр билдирдилар.

Зиёлиларнинг муайян гуруҳи ана шу муддаоларнинг онгли ифодачилари сифатида майдонга чиқдилар, уларнинг кўплари бир неча марта чет элларда, Араб дунёси мамлакатларида, Туркия ва Россияда бўлиб, у ерда замонавий билим олишган, XIX аср ўрталаридан бошлаб ислом мамлакатларида ривожланган ислоҳотчилик ҳаракати раҳбарлари билан шахсий мулоқотлар таъсири остида яшардилар.

Кўпгина ёш тараққийпарварлар Туркиядан, Афғонистондан ва бошқа мамлакатлардан қайтиб келганларидан кейин у ёки бу даражада пантуркизм, панисломизм ва паносиёча ғояларнинг тарқатувчилари бўлишди. Тилга олинган таълимотлар миллий озодлик ҳаракатининг мафкуравий негизини шакллантиришга таъсир ўтказди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, Танзимат давридаёқ Туркияда вужудга келган (бу Усмонлилар империясидаги ислоҳотлар номи бўлиб, феодал тузумининг тушкунлигини бир оз жадаллаштиришга ва буржуа муносабатларининг пайдо бўлишига ёрдам берди. — *Таҳририят*) пантуркчилик XIX асрнинг 70-йилларида барча турк халқларини миллий ва давлат йўли билан бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган таълимот эди. Зиё Пошо, Аҳмад Вафиқ Пошо, Охунзода Мирза Фаттоҳ Ғали ва бошқалар бу таълимотнинг дастлабки мафкурачилари эдилар.

Бошда пантуркчилар аниқ дастур асосида жипслашган маслакдошларнинг сиёсий бирлашмаси эмас эди. Уларнинг доираси асосан аҳоли оммаси билан яқиндан алоқада бўлмаган оқсуяк оилалар вакилларидан иборат бўлиб, ғоялари эса Туркиянинг ўзида ҳам ҳали кенг оммалашмаган эди. Бунга сабаб, турклар олдида умумтуркий вазифалардан кўра миллий турк вазифалари муҳимроқ бўлиб турарди ва улар ана шу доиралардан чиқмасликка ҳаракат қилдилар.

Бироқ XIX ва XX асрлар маррасидаёқ, пантуркчилик, шунингдек, панисломчилик қарашларининг жамоатчилик фикрини шакллантиришга ўтказаётган таъсири сезиларли даражада ўсди. Афтидан, миллий масаладаги танглик (македонияликлар, албанлар, арманлар, араблар ва бошқалар ўртасидаги зиддиятлар ҳамда миллий озодлик ҳаракатининг фаоллашганлиги) ана шу таълимот аввало Туркиянинг ўзида оммалашувига кўмаклашувчи омил сифатида хизмат қилган бўлса керак, Усмонлилар империяси ана шу тангликни бошидан кечираётган эди. Мил-

лий озчиликни ташкил қилувчи аҳоли ўртасида «усмонлилар» мафкурасини таргиб қилиш йўли билан мазкур жараённи тўхтатиш борасидаги уринишлар ижобий натижа бермади.

Болқондаги урушлар кейинчалик шуни кўрсатдики, империянинг турк бўлмаган аҳолиси ўзини «усмонли турк» деб ҳисоблашни асло хоҳламади ва тўла мустақилликка эришишга ҳаракат қилди. Пантуркчилик мафкурачилари бундай мураккаб тарихий шароитда пантуркчилик турк жамиятини қамраб олган ҳаяжон ва саросимани бартараф қилиб, миллатни янги ғоя тевараги да жипслаштириши мумкин, деб ҳисоблардилар.

Миллий сиёсатнинг танглиги билан боғлиқ баъзи жиҳатдан шунга ўхшаш вазият чор Россиясида ҳам вужудга келди. Маълумки, биринчи рус инқилоби кўпгина халқларда миллий озодликка эришиш борасида муайян умид туғдирган эди. Лекин шундан кейин мазкур инқилобга алоқадор бўлган ҳамма нарса таъқиб қилина бошланди. Туркий халқларнинг намояндалари ҳам қувғин қилинди.

Инқилобдан кейинги воқеалар татар, туркистонлик ва озарбайжон пантуркчиларининг турк пантуркчилари билан алоқаларини фаоллаштириш учун туртки бўлиб хизмат қилди. Россия пантуркчилари ўз фаолиятида туркий халқларни сиёсий ва маданий эркинликка эришиш учун олиб бораётган умумий курашда уларни бирлаштириш (фақат Туркистондагина эмас) ғоясини тарғиб қилдилар, бу ғояни Шарқ халқларининг миллий уйғониш байроғи деб ҳисобладилар.

Табиийки, бу таълимот доимо мавжуд бўладиган ўзгармас нарса эмасди.

Сиёсий қарашларнинг ривожи жараёнида ақл-идрок билан иш кўрувчи кўпгина мафкурачилар, ортодоксал одамлардан фарқли ўлароқ анъанавий пантуркчиликдан воз кечиб, янги нуқтаи назарни, туркийчилик нуқтаи назарини (туркизмни) илгари сурдилар. Улар туркийчилик ғоясини кўпгина халқларнинг ўзаро мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатадиган бир қанча мустақил миллий давлатларни вужудга келтириш йўлидаги кўп асрлик орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган реал куч, деб ҳисоблардилар (шунинг учун ҳам кейинчалик большевиклар ҳукумати пантуркизмга қарши жон-жаҳди билан курашган эди. — *Таҳририят*).

Туркистон пантуркчилари орасида ҳам ана шундай табиий чегараланиш жараёни кузатилди. Анъанавий пантуркчилар ўзларининг аввалги мавқеларини аста-секин йўқотиб, улар ўрнига ҳаракат раҳбарларининг янги авлоди келди: улар Туркистонни Туркия ҳимоясидаги қандайдир умумтурк давлатининг таркибий қисми сифатида эмас, балки ана шу вилоятларда яшаётган барча элатларнинг ўз миллий-маданий тақдирини ўзлари белгилаши асосида ташкил этилган айрим ҳудудий мухтор федерация тарзида кўрардилар.

Панисломчиликнинг аҳамияти тўғрисида ҳам гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бу таълимот ҳам Туркистонга кўшни мамлакатлар (Афғонистон, Туркия, Эрон)дан кириб келди. Атоқли афғон маърифатчиси, сиёсий ва диний арбоби Жамолиддин ал-Афғоний (1839—1897 йиллар) ана шу таълимотнинг асосчиларидан бири эди.

Ал-Афғоний исломнинг диний, ижтимоий-фалсафий тизимини мустамлакачиликка қарши кураш вазифалари асосида қайта кўриб чиқиш зарурлигини Шарқ маърифатпарварлари орасида биринчилар қаторида тушунди. У Шарқ ҳам Ғарб босиб ўтган йўлни босиб ўтади, ислом шиорлари эса мусулмонлар дунёсида христиан тафаккурининг турли оқимлари зиммасига тушгани сингари жипслаштирувчи ролни ўйнаши лозим, деган фикрга ўз маслакдошларини ишонтиришга ҳаракат қилди.

Ал-Афғоний ва унинг шогирдлари 1888 йилда Россияда бўлиб, Россия мусулмонлари билан учрашган чоғида исломни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақидагина эмас, балки мусулмонларнинг фан ва техника ютуқларини эгаллаш вазифалари тўғрисида ҳам гапирдилар. Аммо бу, уларнинг фикрича, Европа маданияти унсурларини Шарқ муҳитига юзаки жорий этишни англатмасди; Шарқнинг ғоят бой маънавий маданияти ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни бир-бирига уйғун яқинлаштириш ва шу тариқа унда ўз миллий уйғониши учун шарт-шароитларни яратиш муҳим эди.

Мусулмонларни умумий душман — мустамлакачиликка қарши курашда бирликка ва бирдамликка даъват этган бу янги таълимотнинг ижобий ролини таъкидлаш билан бир қаторда, мусулмон халқларининг миллий тафовутларини инкор этган мазкур мафкуранинг икки томонлама тавсифини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ялпи мусулмонлар қардошлиги ва бутун жаҳон демократик теократияси — «имомат» ғояси, умуман айтганда, пантуркизм (кейинчалик туркизм)нинг кўпчилик мафкурачиларида алоҳида завқ-шавқ туғдирмади. Пантуркизм мафкурачилари, гарчи мусулмон бўлсалар ҳам, бу ғояга ошкора қарши чиқишга журъат эта олмадилар (шу жумладан, Туркистонда ҳам), аксинча, панисломчилар билан ёнма-ён бордилар.

Бироқ ажралиш муқаррар эди. Чунончи, туркчилик асосчиларидан бири Зиё Гўкалп «Туркчилик асослари» деб аталган китобида бундай деб ёзади: «...Панисломчилик мафкураси мусулмон халқларига мустақилликни таъминлаб беради ва уларнинг мамлакатларини бегоналар мустамлакаси бўлиш ҳолатидан халос этади, деб бир вақтлар тахмин қилинган эди. Тажриба шуни кўрсатдики, панисломчилик, бир томондан, теократик-клерикал-реакцион оқимларни вужудга келтирди, иккинчи томондан эса, мусулмонлар дунёсида миллий мафкуранинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиб, ана шу халқларда миллий ўзўзини англашга қаршилик кўрсатмоқда, уларнинг тараққиётига

ғов бўлмоқда ва шу тариқа уларнинг мустақил миллатлар бўлишига халақит бермоқда».

Туркистоннинг ўзида пантуркчилик ва панисломчилик кайфиятлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўздан кечиришга уриниб кўрадиган бўлсак, улар ўртасидаги чегара ниҳоятда ноаниқ эканини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бу ҳол, афтидан, биринчидан, минтақанинг ўзига хос хусусияти билан (бу ерда туркий халқлар билан бир қаторда форсийзабон гуруҳлар ва бошқа этнослар яшарди), иккинчидан эса, Туркистон жамиятида миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиш жараёни, янги, буржуа муносабатларининг вужудга келиш жараёни эндигина бошланганлиги билан изоҳланади.

Умумтурк ғояларига, аввало, Туркистон зиёлилари ва буржуазиясининг анча тор доиралари хайрихоҳлик билдирар эди. Ислом шиорлари эса руҳонийлар, шаҳар аҳолиси ўрта табақаларининг муайян қисми, мутаассиб зиёлилар ва савдо буржуазияси, шунингдек, деҳқонлар ўртасида оммалашган эди.

Шундай қилиб, Россиянинг рус-япон урушида мағлубиятга учраганлиги ва биринчи рус инқилоби барча мазлум халқлар кўз ўнгида чоризм обрў-эътибори ва кучини бўшаштириб, инқилобий тафаккурга қизиқишни уйғотган ва миллий озодликка эришиш имкониятига умид бағишлаган бўлса, Шарқдаги инқилоб ва ўша минтақалардан Туркистонга кириб келган мафкуравий оқимлар (зиддиятли ва хилма-хил бўлишига қарамай) мухолиф кучларни бирлаштиришга, маҳаллий сиёсий кучларнинг қарор топиши ва ривожланишига кучли туртки бўлди.

Туркистоннинг ижтимоий ҳаёт майдонига маданий-маърифий ҳаракат сифатида келган ва ўз олдига эски мактаб таълимини ислоҳ қилишни мақсад этиб қўйган жадидчилик XX асрнинг бошларида кенг ижтимоий ҳаракат тарзида шаклланди. Жадидчилик турли табақалардан чиққан фуқароларни: вужудга келаётган ёш миллий зиёлилар намояндаларини, мусулмон руҳонийлари илғор унсурларини, савдогарларни, диний мактаблар муаллимлари ва талабаларини, майда амалдорларни, илғор ноширлар, ёзувчилар, журналистлар ва бошқаларни ўз сафларида бирлаштирди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Мунаввар Қори, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Тавалло жадидларнинг энг таниқли намояндалари эди.

Истиқлол учун курашган миллий тараққийпарварлар ҳақида маълумотлар

Махмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) — XX асрнинг бошларида ўзбек зиёлиларининг энг кўзга кўринган намояндаси, жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бири. У Самарқандда мулла оиласида туғилди. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олди, ўша ерда араб ва форс тилларини

ўрганди. Кўп саёҳат қилди. Узоқ вақт Туркияда ва Мисрда яшаб, халқ таълимининг аҳволи — янги усул мактаблари, олий ўқув юртлари билан батафсил танишди. Ўзининг Петербург, Москва, Қозон ва Оренбургда бўлишини у янги усул мактаблари иш тажрибасини, уларнинг таълим-тарбия тизимини, адабиёти ва матбуот намуналарини ўрганиш билан қўшиб олиб борди. Самарқандга қайтиб келганидан кейин у фаол иш олиб боради: янги усул мактабларини очади, янги ўқув қўлланмалари ёзади, «Самарқанд» рўзномаси ва «Ойна» жаридасини чиқара бошлайди. Ўша йилларда унинг адабий истеъдоди намоён бўлади. У «Падаркуш» пьесасини ёзади, бу пьеса Туркистондаги кўпгина шаҳарларнинг саҳналарида қўйилади. Беҳбудий кўпгина жадид нашрлари — «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Хуршид» ва бошқа шу каби рўзнома ва ойномаларда фаол ҳамкорлик қилади. Ўзининг «Бухорода усули жадид», «Ёшларга мурожаат», «Туркистонда мактаб жаридаси», «Туркистон идораси», «Саёҳат хотиралари» сарлавҳали мақолаларида ва бошқа чиқишларида у қадимий урф-одатларга, мадрасадаги қуруқ сафсатадан иборат эски таълимга, хурофот ва нодонликка, маҳаллий ҳокимларнинг саводсизлигига ислоҳотчи-маърифатчи нуқтаи назаридан танқидий баҳо беради. У илғор миллатларнинг тажрибаси ва билимлари билан бойиган ҳамда буларни ўз халқи орасида жорий этишга қодир бўлган янги миллий зиёлиларни тайёрлаш қолоқлик, жаҳолат ва нодонликдан халос бўлишнинг ягона йўли, деб ҳисобларди. Беҳбудий Феврал инқилобидан кейин Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. У 1917 йилнинг апрелидан бошлаб мусулмон депутатлари ўлка совети раёсати аъзоси, «Ҳуррият» рўзномаси таҳририяти ҳайъати аъзоси бўлди. Самарқандда дастлабки миллий сиёсий ташкилотлар барпо этилиши М.Беҳбудийнинг номи билан боғлангандир. У ўлка мусулмонларининг I—IV съездларида қатнашди. Туркистон Мухторияти тор-мор қилинганидан кейин у фаол сиёсий фаолиятдан четлашди. Беҳбудий 1919 йилда фожиали ҳалок бўлишига қадар Самарқанд совети халқ маорифи бўлимининг нозири вазифасида ишлади.

Абдурауф Фитрат (1886—1938) — олим, ёзувчи, Туркистон жадидчилигининг энг таниқли намояндаси, Бухоро жадидларининг мафкурачиси ва раҳбари эди. У Бухорода туғилди, шу ердаги мадрасада таълим олди, Истанбулда ҳам ўқиди, Бухородаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий аҳволнинг энг яхши билимдони эди. Фитратнинг тақдири жадидчилик билан чамбарчас боғлиқдир. У октябргача бўлган даврда Туркистон халқлари адабиёти, ижтимоий ва фалсафий тафаккурининг жуда муҳим ёдгорлиги бўлмиш «Раҳбари нажот» асарини яратди. Бу асарда ўлка халқларини нодонлик ва қолоқликдан тараққиёт ва янада ривожланиш йўлига олиб чиқиш кўрсатиб берилган эди. Феврал инқилобидан кейин у Бухоро амирлигида тузилган ёш бухороликлар ташкилоти марказий қўмитасининг котиби бўлди. Фитрат Самарқандда чиққан «Ҳуррият» газетасининг муҳаррирларидан биридир (1917). У Бухорода ҳуқуқий давлатчиликни жорий этишни, ўрта аср истибдодини туб маданий ва иқтисодий янгилаш, Европа намунасидаги маърифатли мустақил ҳокимият билан алмаштиришни кўзда тутувчи ислоҳотлар лойиҳасининг муаллифи эди. 1920 йилда, амир ҳокимияти ағдариб ташланганидан кейин, Фитрат Бухоро ҳукуматида вақф бошқарувининг мудири, ташқи ишлар ва маориф нозири лавозимини эгаллади. 1923 йилда уни ҳокимиятни суиистеъмол қилишда ноҳақ айблаганларидан кейин сиёсатдан узоқлашиб, ўзини илмий, муаллимлик ишига бағишлади. Ўша йилларда у бир қанча бадиий асарлар, шу жумладан, «Қиёмат», «Абулфайзхон» асарларини яратди, уларда у тоталитаризм (зулмкор тартиб) куртакларини шафқатсиз равишда савалайди. Фитрат 1938 йилда қатағон қилинди.

Абдулла Қодирий (тахаллуси Жулқунбой, 1894—1938) — ўзбек романчилигининг асосчиси, Туркистон жадидлари вакили. Қодирий Тошкентдаги Эшонгузар маҳалласида туғилди, эски усул мактабида ўқиди, «рустузем мактаби»ни имтиёзли гувоҳнома билан тугаллади, мадрасада араб ва форс тилларини ўрганди, Шарқ классикларининг асарларини ўқиди. У

БИБЛИСТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ 7/2484

ўзининг шеърий тарзда ёзган дастлабки — «Бизнинг ҳолимиз», «Менинг миллатим» асарларидаёқ Туркистон жадидчилиги ғояларига содиқ эканини билдирди. Абдулла Қодирий ўзининг бутун ижоди давомида ана шу ғояга содиқ бўлиб қолди. У ўзининг кўпгина ҳикояларида, ҳажвий асарларида, адабий-танқидий ишларида, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида ўз халқининг яқин ўтмишини гавдалантирди, мамлакатни идора қилишнинг ўз умрини яшаб бўлган тартибини, миллат ва жамият манфаатларига зарарли иш кўрган хон ва унинг атрофидаги энг яқин шахслар истибдодини кескин қоралади, халқнинг сиёсий қолоқлигидан ниҳоятда ташвишланар эди. Қодирий ўз асарлари билан халқ орасида ватанпарварлик, ватанга муҳаббат уруғини сочди, миллий бирликни мустаҳкамлашга даъват этди. У оммавий миллий онгни уйғотишда муҳим роль ўйнади. Абдулла Қодирий 1937 йилда қамоққа олиниб, «халқ душмани» деб эълон қилинди. 1938 йилда қатл этилди, 1956 йилда оқланди.

Убайдулла Хўжаев (тўлиқ номи Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли, 1882—1938) — дастлабки ўзбек адвокатларидан бири, журналист, жадидлар ҳаракатининг етакчиси. У Тошкентдаги «Қорёғди» маҳалласида боғбон оиласида туғилди. Рус-тузем мактабида ўқиди, адвокатлар идорасида таржимон бўлиб ишлади, Саратов дорилфунунида олий юридик маълумот олди. Тошкентда адвокатлик соҳасида олиб борган фаолияти уни таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида жамоатчилик орасида кенг машҳур қилди. Ўз ватани, ўз халқи тақдирига бепарво қарамайдиган бу киши ўлкада жадидлар ҳаракатининг фаол қатнашчиси бўлди. «Садои Туркистон» рўзномасининг муҳаррири, «Туркестанский голос» рўзномасининг мухбири лавозимида ишлаб, «Тараққийпарварлар» деб аталган жадидлар ташкилотининг таркиб топиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказди, бу ташкилот фаолиятида муҳим роль ўйнади. Феврал инқилобидан кейин у Тошкентдаги «Шўрои Ислом» ташкилотининг раиси, Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўросининг котиби ва аъзоси, Бутунроссия мусулмонлари I ва II съездларининг делегати, Бутунроссия мусулмонлар Кенгаши («Миллий Шўро»)нинг аъзоси этиб сайланди. У мусулмонлар барча тўртта ўлка съездлари раёсатининг раиси қилиб сайланган. Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати таркибида ҳарбий вазир лавозимини эгаллади. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг дастурий ҳужжатлари муаллифларидан бири бўлди. Истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қараган. Советлар даврида бир неча марта қамоққа олинди ва сургун қилинди. Сўнгги марта у 1937 йил баҳорида сургундан қайтиб келди. Бироқ 1938 йилда у яна қамоққа олинди ва сургун қилинди, кўп ўтмай ўша ерда вафот этди.

Мунаввар Қори (тўлиқ номи Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, 1878—1931) — ёзувчи, маърифатпарвар педагог, Туркистон жадидларининг раҳбарларидан биридир. У Тошкентда мударрис Абдурашидхон оиласида туғилди. Даставвал домла Усмон мактабида ўқиди, сўнгра Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таҳсил кўрди, 1898 йилдан эътиборан эса Бухоро мадрасасида таълим олди. Тошкентга қайтиб келганидан кейин бир оз вақт Дархон мачитида имом бўлиб ишлади. У ўз мустақил фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ вужудга келаётган тараққийпарвар-ватанпарварлар (жадидлар) ҳаракати сафига кирди ва қисқа вақт ичида унинг раҳбарларидан бири бўлиб қолди. Мактаб таълимини ислоҳ этиш, халқни маърифатли қилиш ва тараққиёт йўлига олиб чиқиш тўғрисида Исмоил Гаспринскийнинг ғоясини сўзсиз маъқуллаб қабул қилди. У ўзининг бутун ҳаётини ана шу ғояни Туркистонда амалга оширишга бағишлади. Янги усул мактабларини очиш, шу мактаблар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш, «Жамияти хайрия» ташкил қилиш унинг номи билан боғлиқдир. Бу жамият ўқувчиларга моддий ёрдам берди, улардан энг яхшиларини ўқиш учун Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига юборишни ташкил қилди. У «Хуршид» рўзномасининг (1906 йил) ноширн ва муҳаррири, кейинчалик эса «Нажот» (1917 йил), «Кенгаш» (1917 йил) нашрларининг бош муҳаррири бўлди; «Садои

Туркистон» рўзномасида (1914—1915 йиллар) бўлим муҳаррири бўлиб ишлади; у ана шу нашрларда босилган редакцион мақолалар, очеркларнинг муаллифидир. У миллий театр ва драматургиянинг вужудга келиш сарчашмаларида турди, артистлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди, кўпгина миллий адабиёт ва драматургия намояндаларининг маънавий мураббийси бўлди. Мунаввар Қори таниқли жамоат арбоби бўлиб, унинг сиёсий фаолияти 1916 йилдаги воқеалар жараёнида, айниқса, Феврал инқилобидан кейин фаоллашди. «Шўрои Ислом» жамиятининг асосчилари ва раҳбарларидан бири бўлди, у мусулмонларнинг I—IV ўлка съездларида қатнашди. Октябр тўнтаришидан кейин фаол сиёсий фаолиятдан четлашди, маориф соҳасида шуғулланди. У 1929 йилда 51 ёшида собиқ жадидлар гуруҳи (78 киши) билан бирга қамоққа олинди ва узоқ вақт давомида тергов қилинди. ДХҚ архивларида тергов материаллари «Мунаввар Қори ва бошқалар»нинг иши алоҳида ажратиб қўйилган.

Тараққийпарварлар (жадидлар ўзларини шундай деб атардилар) чоризмнинг қаршилигини бартараф этиб, жисмоний жиҳатдан йўқ қилиб юбориш таҳдидига ҳам қарамасдан, ўз маърифатпарварлик фаолиятидан қайтмадилар, табиий фанлар асослари ўқитиладиган янги усул мактаблари тармоқларини очиб, газета ва журналлар нашр этдилар, чоп қилинган маҳсулотларни тарқатиб, ўзларининг бадиий асарлари асосида халқ оммаси билан алоқани йўлга қўйиб, ана шу алоқа воситаларини мустаҳкамладилар, халқда тараққиёт, илм сари интилишни уйғотдилар, буларни бутун инсоният ҳаёти билан боғладилар.

Ўн йилликлар мобайнида аста-секин ривожланган жараёнлар, ҳам ташқи сиёсат, ҳам ички сиёсат борасида янги тамойиллар ва воқеалар XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошларига келиб Ўрта Осиёдаги бошқа давлат бирлашмалари — Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаёт майдонига чиқди.

Монархияга асосланган тартибнинг тобора чуқурлашаётган танглиги ташқи сиёсат соҳасида ҳал қилувчи омил бўлди, бу тартиб XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида Россия ва Туркияда портлаш тусини олди. Европа ва Америкадаги давлатларнинг демократик тузуми уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг илғор тарзда жадал ривожланишига олиб келди. Шу давлатларнинг таъсири остида монархияга асосланган Бухоро ва Хива давлатларида жамиятни янгилаш учун ислоҳотчилик ҳаракати тобора қатъий (кескин) тус ола бошлади. Ўз мустабид ҳокимиятларига қарши Россияда 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган инқилоб, 1908 йилда Туркияда руй берган кичик инқилоб воқеаларининг акс-садоси Ўрта Осиё хонликларигача етиб келди. Бу ердаги сиёсий майдонда жамиятни ислоҳ қилишга ўзларининг содиқ эканликларини ҳали унча қатъий бўлмаса ҳам билдирган кучлар пайдо бўлди. Маданий-сиёсий, маърифий оқим сифатида Туркистон тараққийпарварлари билан айни бир вақтда вужудга келган Бухоро ва Хиванинг демократик руҳдаги ёш зиёлилари ҳам шу даврда сиёсий тус ола бошлади. Лекин ўзларининг пировард мақсадини ўз халқини чоризм мустамлакачилигидан халос қилишдан, мустақиллик ва озодликка эришишдан иборат деб билган Тур-

кистон тараққийпарварларидан фарқли ўлароқ, Бухоро ва Хива маърифатпарварларининг асосий мухолифи ўз давлатларининг мутлақ ҳокимлари эди. Улар ўзларини «ёш бухороликлар» ва «ёш хиваликлар» деб атаб, тактика соҳасида мўътадил ислоҳотчилар сифатида кураш майдонига чиқдилар. Конституцион монархия уларнинг пировард мақсадлари эди, улар мавжуд тузум доирасида ислоҳот ўтказишга ҳаракат қилдилар. Аммо ёш бухороликлар ва ёш хиваликларнинг ана шу ўртамиёна талаблари ҳам шиддатли қаршиликка дуч келди, қаттиққўллик билан бостирилди. Улар ғоят махфий ишлашга ўтиб, яширин шароитда ҳаракат қилишга мажбур бўлдилар.

Хонликларда монархия тартибларининг мавқеи ҳали мустаҳкам эди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги чор Россиясининг протекторати остида бўлса ҳам, расман мустақил давлат ҳисобланарди. Ана шу давлатларнинг бошлиқлари — Бухорода амир Саид Олимхон, Хивада эса Асфандиёрхон ва туркман уруғ-қабила сардорлари чекланмаган ҳокимиятга эга эдилар. Улар олий ҳукмдор эдилар, ҳамма ерларни тасарруф қилар, бошқарар, барча катта амалдорларни, бекликлар ва туманларнинг ҳокимларини тайинлар ва бўшатардилар. Монархия тартиби анча нуфузли, эскиликка ёпишиб олган кучлар — бекликларнинг ҳукмдорлари, маҳкамалар амалдорлари ва ана шу кабилар томонидан қўллаб-қувватланарди, улар янги тартиблар билан ҳисоблашишни истамасдилар, Бухоро ёки Хиванинг азалий анъанасига кўра монархияни қаттиқ туриб ҳимоя қилардилар. Мусулмон руҳонийлари монархия тартибининг ишончли таянчи эди. Кўп жиҳатлар халқ оммасига ўзининг таъсири билан кучли бўлган бу мусулмон руҳонийлари монарх билан халқ ўртасидаги мустаҳкам боғловчи бўғин бўлиб, халқда монархия ҳокимиятининг муқаддаслиги ва илоҳийлигига ишонч туғдириб, мусулмон жамиятида ҳукмрон мавқеини эгалладилар.

Ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ўз юртида халқнинг кенг қўллаб-қувватлашига, ижтимоий таянчга эга бўлмаганликлари туфайли ўзларига ташқаридан иттифоқчилар қидиришга — Россияда, айнан қўшни Туркистон ҳарбий губернаторлигида, шунингдек, хонликларнинг ўзида Россия фуқаролари орасида шундай иттифоқчиларни излашга мажбур бўлдилар.

Чоризмнинг Бухоро ва Хива устидан ярим асрлик протекторатлиги (уларни қарам қилиб олганлиги) бу ерда Россиянинг мавқеини кучайтирди. Россия билан ташқи савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши, Россия сармоясини олиб киришнинг кучайиб бориши, Закаспий ва Ўрта Осиё темир йўлларининг қурилиши бу ерда буржуа муносабатлари қарор топиши учун етарли даражада таъсирчан омил бўлди. Лекин буларнинг ривожланиши хонликларда ўзига хос кўринишга эга эди. Кўпчилик ҳолларда Россия капиталистлари қўлларида бўлган фабрика-завод корхоналари, банклар, савдо фирмаларининг пайдо бўлганлиги Россия иқтисодиётининг асосан хом ашёга бўлган талабини, унинг

эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки Россия фуқаролари — амалдорлар, саноатчилар, савдогарлар, ишчилар, чор гарнизонларининг зобитлари, солдатлари, христиан руҳонийлари ва шу кабиларнинг бу ерга кўчиб келиши кучайишига ҳам олиб келди, улар яшайдиган алоҳида манзилгоҳлар юзага келди. Темир йўллар ва дарё пристанлари бўйларида вужудга келган бундай манзилгоҳлар жуда тез ўсиб йирик шаҳарларга айланди, Янги Бухоро, Янги Чоржуй, Керки, Янги Термиз, Янги Урганч шаҳарлари булардан энг катталаридир. Бухоро амирлигида ва Хива хонлигида чоризмнинг мавжудлигини кўрсатувчи ана шу манзилгоҳлар чор Россиясига хос бўлган жамиятнинг ижтимоий парчаланиши ва сиёсий кучларнинг қарама-қаршилигини ифодалаш билан бирга, ички сиёсий вазиятни ҳам қандайдир кўринишда такрорларди.

Бухоро ва Хиванинг мухолиф кучлари Россия императорлик сиёсий агентликлари қарамоғида бўлган ана шу рус манзилгоҳларининг муайян либерал ва демократик доиралари орасидан хуфиёна мадад, кўмак ва бошпана топдилар. Россия демократик доираларининг муваффақияти ёш бухороликлар ва ёш хиваликларни руҳлантириб юборди, ўз мақсадларига эришиш учун уларга комил ишонч бағишлади.

Минтақадаги ниҳоятда кескин ва беқарор бўлган ички ижтимоий ҳаётнинг ана шундай вазиятида Туркистон ўлкасидаги мустамлакачиликка қарши, Бухоро ва Хивадаги монархиянинг мутлақ ҳукмронлигига қарши кучлар ҳам ўз миллий негизида озодлик ва тараққиёт йўлига олиб борадиган ижтимоий кураш тамойилларини қидираётган эдилар. Ана шундай шароитда Туркистоннинг туб аҳолиси бутун Россия империясини қамраб олган 1917 йилги инқилобий воқеаларга тортилган эди.

Сиёсий уйғониш

1917 йил 28 февралда Петропавловск қалъаси ва Қишки саройни босиб олиш, чор ҳукумати вазирларини қамаш билан Петроградаги инқилобий воқеалар ниҳоясига етди. Ишчиларнинг иш ташлаши, умумшаҳар намойишлари, миршаблар билан бўлиб ўтган қонли жанглар, солдатларнинг кўзғолон кўтарган халойиқ билан биродарлашуви, сиқуви остида чор мустабид ҳокимиятининг қўрғонлари таслим бўлди. Россия империяси пойтахтида демократик инқилоб ғалаба қозонди, бу инқилобни бутун мамлакат қўллаб-қувватлади.

2 мартда ишчи ва солдат депутатлари Петроград советининг буржуа партиялари ва ташкилотлари вакилларидан иборат бўлган ҳамда «Прогрессивный блок» номи билан бирлашган Давлат думаси Муваққат қўмитаси билан келишув асосида Россияда Муваққат ҳукумат тузилди[1]. Россияда қўшҳокимият — икки дик-

[1] Қаранг: История Отечества: люди, идеи, решения. Очерки истории Советского государства. — М., «Политическая литература». 1991. С. 8—9.

татура: Муваққат ҳукумат сиймосида демократик диктатура ва Советлар сиймосида пролетариат ва деҳқонларнинг инқилобий-демократик диктатурасининг ўзига хос қўшилуви юзага келди. Бу ҳодиса ғолибона Феврал демократик инқилобининг ўзига хослигини, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва сабабларини акс эттирди ҳамда мамлакатдаги воқеаларнинг шундан кейинги ривожланишида ўзига хос из қолдирди.

Муваққат ҳукумат 3 мартда эълон қилган Баённомаси ва 6 мартда эълон қилган Россия фуқароларига Мурожаатномасида ўз дастурини баён қилиб берди. Ҳукумат сиёсий эркинликлар — сўз, матбуот, иттифоқлар тузиш, йиғилишлар ва иш ташлашлар эркинлиги жорий этилганини; барча табақа, диний ва миллий чеклашларнинг бекор қилинганини; бошқарув шаклини ва мамлакат конституциясини белгилаши лозим бўлган ҳамда умумий, тенг, тўппа-тўғри ва яширин овоз бериш асосида ўтказиладиган Таъсис мажлисини чақиришга дарҳол тайёргарлик кўриш; умумий, тўппа-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайлов ўтказиш; полицияни халқ милицияси билан алмаштириш; тўла сиёсий амнистия (умумий афв) эълон қилиниши лозимлигини тантанали равишда маълум қилди. Муваққат ҳукумат ташқи сиёсатида урушни «ғалабагача» етказиш муддаосини ва аввалги ҳукумат иттифоқ давлатлари билан тузган шартномалар ва битимларни оғишмай бажаражагини эълон қилди.

Петроградаги воқеалар, янги ҳокимият тузилмаларини барпо этиш, дастлабки қонун актлари Россия мустабид ҳокимининг кўп асрлик ҳукмронлиги билан алоқани узиб, демократия, ижтимоий адолат йўлига кираётганини бутун дунёга маълум қилди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги, унинг жуда кўп халқлари, турли синфлари, ижтимоий гуруҳлари, сиёсий партиялари ва ижтимоий ҳаракатлари инқилобни баланд руҳ билан қабул қилдилар ва уни қўллаб-қувватладилар. Ғалаба шавқ-завқи, озодлик, тенглик ва мустақиллик шиорлари жамоатчилик кайфиятини кўтариб юборди, халқларнинг орзу-умидларини тиклади, уларнинг онгини оширди. Ўз турмушини демократик асосда қайта қуриш, ўз давлатини идора қилишда бевосита қатнашиш истаги уларнинг ижтимоий ижодкорлигини фаоллаштирди.

1917 йилнинг кўклами Туркистон ўлкасининг мусулмон аҳолисини сиёсий жиҳатдан уйғотишда, авж олаётган демократик жараёнларга бошчилик қилиш муддаоси бўлган янги кучларнинг сиёсий майдонга чиқишида бурилиш нуқтаси бўлди. Жадидлар вужудга келаётган миллий-демократик кучларнинг ўзаги бўлишди, улар бу вазифани бажаришга ўзларининг илгариги фаолиятлари давомида тайёргарлик кўрган эдилар. Улар ўлка туб халқларининг тараққиёти ва мустақиллиги тўғрисидаги ўз идеалларини ўлкадаги демократик инқилоб билан боғлаб, ўзлари эълон қилган принципларни амалга оширишга фаол киришдилар. Авж олиб бораётган демократик жараёнларда туб

халқлар сиёсий манфаатларининг устиворлигини ҳимоя қилиш февралнинг дастлабки кунлариданоқ сиёсий майдонда улар фаолиятининг асосий йўналишини белгалиб берди. Бу ҳол маҳаллий ҳокимият тузилмаларини шакллантириш чоғида анча тўлиқ намоён бўлди.

Туркистонда февралнинг дастлабки кунларидаёқ тартибсиз оммавий тус олган маҳаллий ҳокимият органларини тузиш жараёнида Россия марказига ўхшаш қўш хокимиятнинг таркиб топиш тамойили яққол кўзга ташлана бошлади.

Бир томондан, ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советининг даъватига мувофиқ, ишчи депутатлари Советлари билан солдат депутатлари Советлари тузила бошлади. Тошкент ишчилари ва солдатлари ана шу ишнинг ташаббускорлари бўлдилар. 3 мартда ишчи депутатларининг Тошкент Совети, 4 мартда эса солдат депутатлари Совети ташкил қилинди. Кўп ўтмай, улар ишчи ва солдат депутатлари ягона Тошкент Советига бирлашдилар. Ана шу Советнинг чақириги билан Туркистон шаҳарлари ва ишчи посёлкаларида Советлар барпо этила бошланди. 1917 йил мартининг охирига бориб, ўлка ҳудудида ишчи ва солдат депутатларининг 75 Совети бор эди. Советларни шакллантиришнинг синфий принципи дарҳол уларнинг миллий таркибига таъсир ўтказди. Советларнинг сайланган депутатлари асосан европалик миллатлар вакилларидан иборат эди.

Советларни тузиш билан бир вақтда жамоат ташкилотлари ижроия қўмиталарининг ва жамоат хавфсизлиги қўмиталарининг сайловлари бошланди. Бу қўмиталар жойларда муваққат ҳукумат органлари ролига даъво қилиб, барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар сифатида иш кўрдилар. Ана шу органларнинг қонуний ҳуқуққа эга эканлиги ўлка миллий жамоатчилиги томонидан ҳамма жойда эътироф қилинди.

Миллий демократия тузилаётган ижроия қўмиталарда маҳаллий аҳоли вакилларининг бўлишини таъминлаш мақсадида феврал давридан кейинги дастлабки ойлардаёқ аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳар хил табақаларини бирлаштириш, уларнинг онгида жипслашиш эҳтиёжини уйғотиш, мусулмон аҳолининг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида кўп куч-ғайрат сарфлади. 6, 9, 13 март кунлари Тошкентнинг «эски» шаҳар аҳолиси кўп минг киши иштирокида ўтказган йиғилишларда бу ҳол айниқса тўла намоён бўлди, бу йиғилишлар миллий демократия ташаббуси билан чақирилган эди[1]. Жадидлар йиғилишларда қатнашиб, инқилоб муносабати билан ўлка халқлари тақдирида очилаётган истиқболлар тўғрисида оташин нутқлар сўзлаб, йиғилиш қатнашчиларида ишонч ва бирлик муҳитини вужудга келтирдилар. Маҳаллий аҳолидан Тошкент шаҳар жамоат ташкилотларининг ижроия қўмитасига якдиллик билан, барча

[1] «Нажот». 1917, 23 март.

қатнашчиларнинг қўллаб-қувватлаши асосида делегатлар сайланди[1]. Лекин ана шу йиғилишларда Тошкент «эски» шаҳрининг барча қисмларида таркиби жиҳатидан кенг ваколатли орган тузилганлиги ўша кунларнинг ғоят муҳим воқеаси эди. Ана шу орган янги тузилган ташкилотнинг ўзаги бўлди.

14 мартда халқ вакилларининг биринчи мажлиси бўлди. Унда аҳолининг татар ва қозоқ вакиллари билан тўлдирилган 61 кишидан иборат бўлган янги ташкилотнинг таркиби тасдиқланди. Бу орган «Шўрои Ислом» деб ном олди. Мажлис қатнашчилари ўз ташкилотининг номини танлаб, «Бутун ҳокимият Советларга» деган «жозибали» шиорга содиқ эканликларини, уни халқ ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини ифодаловчи орган сифатида тушунаётганликларини таъкидладилар. Бироқ шаҳарнинг европалик аҳолини бирлаштирган ишчи ва солдат депутатлари Советларидан фарқли ўлароқ янги тузилган миллий ташкилот ислом динига эътиқод қилувчи туб аҳолидан сайланган депутатлар Совети деб тушунилди. «Шўрои Ислом» номи ҳам шундан келиб чиқди. Ана шу мажлиснинг ўзида мазкур ташкилотнинг 15 кишидан иборат бошқарувини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бошқарув таркибига Абдувоҳид Қори Абдурауф Қори ўғли, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Каттахўжа Бобохўжа ўғли, Мулла Ризо Охунд Йўлдошхўжа ўғли, Абдусами Қори Ҳидоятбой ўғли, Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли ва бошқалар кирди[2]. «Шўрои Ислом» ва унинг бошқаруви таркиби уларнинг сафларида мусулмон бирлиги ғояларини билан бирлашган турли дунёқарашдаги вакиллар борлигидан далолат беради. Аммо жадидлар ҳаракатининг Убайдулла Хўжаев, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний сингари таниқли раҳбарлари «Шўрои Ислом»нинг жону тани, унинг фаол кучи бўлишди. Ташкилотнинг фаолиятига ва дастурий ҳужжатларига уларнинг таъсири кучли бўлди.

Бошқарувнинг дастлабки мажлисларидан бирида қабул қилинган мувақкат Низомда «Шўрои Ислом»нинг асосий мақсади: Туркистон мусулмонлари орасида замонамизга ҳамоҳанг бўлган сиёсий, илмий ва ижтимоий ислоҳот ғояларини тарқатишдан; Туркистон мусулмонларини ғоя ва мақсадлар бирлиги асосида жипслаштиришга оид ишларни кучайтиришдан; янги ҳукуматнинг принциплари ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш борасида халққа даъватдан; хорижий мамлакатларда давлат ҳокимиятининг шакллари тўғрисида аҳолини хабардор қилиб туришдан ва Таъсис мажлисига тайёргарлик кўришдан иборат, деб кўрсатилган.

Ана шу мақсадларга мувофиқ Низомда «Шўрои Ислом»нинг ташкилий тузилмаси, аъзолиги, вазифаси ва молияси ба-

---

[1] 1917 йил 6 мартда Тошкент Думаси мажлисида сайланган.

[2] «Нажот». 1917, 9 апрел; «Улуғ Туркистон». 1917, 25 апрел.

тафсил ишлаб чиқилган. Аҳолининг умумий йиғилишларида кўпчилик овоз билан сайланган, шунингдек, турли қумиталардан, жамиятлардан, иттифоқлардан ва партиялардан сайланган делегатлар асосида «Шўрои Ислом»нинг умумий йиғилишини ташкил этиш кўзда тутилган. Низомга мувофиқ Туркистоннинг барча шаҳарлари ва қишлоқларида «Шўрои Ислом» ташкилотини тузиш зарур, деб ҳисобланди. Ҳужжатда булар Тошкент «Шўрои Ислом»ининг кичик бўлимлари деб аталди. Низомга асосан Тошкент «Шўрои Ислом» ташкилоти марказ ҳисобланиб, унинг қарори бўлимлар учун мажбурий эди.

Шундай қилиб, Муваққат низомга биноан «Шўрои Ислом» жамияти мусулмон аҳоли учун бамисоли демократик, ваколатли орган ҳисобланарди. Сиёсий, илмий ва ижтимоий тарғибот мақсадида шаҳарларда, қишлоқларда ва овулларда мунтазам равишда митинглар ўтказиш; эски маъмуриятнинг истеъфога чиқиши ва янги маъмуриятни кўрсатиш зарурлигини аҳолига тушунтириш; ўлкадаги турли миллатлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва шубҳаланишларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишни ривожлантириш ва уларни бир-бирларига яқинлаштириш ҳамда бирлаштириш чора-тадбирларини белгилаш; турли миллий қумиталар ва партиялар билан алоқани йўлга қўйиш, мусулмон аҳолининг хоҳиш-иродасини уларга етказиш, ижтимоий, сиёсий, илмий, диний ҳаётни ислоҳ қилиш лойиҳаларини тайёрлаш, туркистонликларни тарбиялаш ва янги бошқарувга жалб этиш; мусулмонларни ғоявий ва сиёсий жиҳатдан жипслаштириш учун уларнинг Бутунтуркистон съездларини чақириш; ўз вакилларини Россиянинг ваколатли органларига юбориш орқали Бутунроссия мусулмонлар иттифоқи билан алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари ана шу орган вазифасига кирар эди[1].

Шундай қилиб, «Шўрои Ислом» ташкилотининг Муваққат низомида ўртага қўйилган мақсад ва вазифалари Тошкент миллий демократиясининг ўлка мусулмон аҳолисини жипслаштиришга, бирлаштиришга интилаётганлигидан, аҳолининг сиёсий онгини ривожлантиришга, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилишга ҳаракат қилаётганлигидан далолат берарди.

Тошкентликларнинг ана шу муддаолари ўлкада кенг қўллаб-қувватланди. «Шўрои Ислом»нинг 8 апрелда бўлиб ўтган олтинчи мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, Ўшда, Андижонда, Скобелевда, Туркистонда, Марида «Шўрои Ислом»нинг кичик бўлимлари тузилганлиги ҳақида хабар олинган. Ана шу кичик бўлимлар номига «Шўрои Ислом»нинг Муваққат низомини ва бошқа ҳужжатларини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди[2].

---

[1] «Нажот». 1917, 28 апрел.
[2] Ўша жойда, 21 апрел.

Апрел ойида маҳаллий жадидларнинг ташаббуси билан Наманганда, Самарқандда, Қўқонда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам «Шўрои Ислом» ташкилотлари ташкил қилинди.

«Шўрои Ислом» жамиятининг (мусулмонлар советларининг) ташкил қилиниши Туркистоннинг сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу нарса ўлкада сиёсий кучларни жойлаштиришга, ҳокимият тузилмалари барпо этишга жиддий тузатишлар киритди, «Шўрои Ислом» ташкилотининг халқ оммаси ўртасидаги таъсирини кучайиб бориши Туркистонда Марказга ўхшаб қўш ҳокимият эмас, балки сиёсий майдонда уч ҳокимиятни юзага келтирган эди:

— Туркистон Советлари — булар инқилобий демократиянинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи европалик ишчи ва солдатларнинг органлари бўлиб, жамиятга таъсир ўтказиш учун реал кучга эга эди. Шу боисдан ҳам улар Муваққат ҳукумат давлат муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлишга даъво қилардилар;

— ижроия қўмиталар — Советларга нисбатан аҳолининг анча кенг ижтимоий миллий гуруҳлари намояндалари бўлиб, булар таркибига турли партиялар — меньшевиклар, эсерлар, советлар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий ташкилотлар ўз вакилларини делегат қилиб юборган эдилар, улар барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар сифатида иш кўрдилар ва жойларда Муваққат ҳукумат органлари ролини ўйнашга даъво қилдилар;

— «Шўрои Ислом» жамияти — бу ташкилот ташкилий жиҳатдан таркиб топиш пайтидаёқ мусулмон аҳолининг ваколатли органлари сифатида дарҳол расмийлашиб, шу аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этди ва унинг манфаатларини ҳимоя қилди.

Ана шу уч сиёсий кучнинг дастурий ва тактик кўрсатмалари ҳамда йўл-йўриқлари 1917 йилнинг апрелида ўтказилган ўлка съездларида тўла-тўкис намоён бўлди. Урушга, Муваққат ҳукуматга муносабат тўғрисидаги, Таъсис мажлисига тайёргарлик, Россияни идора қилишнинг келгусидаги шакллари ҳақидаги масалалар, ўлкани идора қилиш, озиқ-овқат масалалари ва бошқа масалалар барча съездлар ишининг диққат марказида турди. Аммо бу масалаларни амалга ошириш усуллари ва булар юзасидан қабул қилинган қарорларда шу съездларни чақирган ва уни бошқарган ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлари ўз изини қолдирди.

Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Туркистон ўлка съезди биринчи бўлиб иш бошлади[1]. Съезд 1917 йил 7 апрелдан 15 апрелгача Тошкентда бўлиб ўтди. Унда 263 делегат

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), 17-фонд, 1-рўйхат, 399-йиғма жилд, 187-варақ; Тошкент шаҳар ДА, 10-фонд, 1-рўйхат, 28-йиғма жилд, 2—9-варақлар.

қатнашди. Уларнинг ҳаммаси европалик миллатга мансуб вакиллардан иборат эди.

Съездда маҳаллий аҳолининг вакиллари йўқлигига қарамай, барибир ўлка ҳокимияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш чоғида ва бир қанча делегатларнинг нутқларида қуйидаги огоҳлантириш жаранглади: олий ўлка ҳокимиятини тайинлаган вақтда маҳаллий ва келгинди аҳолининг манфаатларини ифода этувчи ягона ҳокимият тузиш тўғрисида мусулмон аҳолининг кайфияти ҳисобга олиниши лозим (В.А.Чайкин, эсер) ва ҳатто съезд бу масалани ҳал қилиш учун қонуний ҳуқуққа эга эмас, чунки у ўз таркиби жиҳатидан ўлкадаги бутун аҳолининг ва аввало туб халқларнинг вакилига эга эмас (А.Грудницкий, солдат депутатлари Кушка Советидан делегат). Солдат қўмитасидан делегат бўлиб қатнашган С.Юсупов съездга туб аҳоли вакиллари таклиф этилмаганлигидан афсусланиб, ҳокимиятни бўлиш ҳақидаги таклифга қарши чиқди ва қандай шаклда бўлмасин, барибир рус ва мусулмон назорати остида Туркистонда ягона ҳокимият тузишни таклиф қилди.

Шунга қарамай, съезд Россияда кучли марказий органи бўлган демократик республика тузиш зарурлигини ёқлаб чиқди, Туркистон халқлари учун муҳим бўлган ўлка мухторияти, миллий тенгсизликни тугатиш каби масалаларга съезд ўз муносабатини билдирмади, буларни ҳал қилишни Таъсис мажлисига қолдирди.

Бу масалалар Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари съездининг ҳам (1917 йил 9—16 апрел) диққат марказида бўлди. Съездда 171 делегатдан 99 нафари европалик ва 72 нафари маҳаллий аҳолидан сайланган вакиллар қатнашди[1].

Россияда давлатчиликнинг келгусидаги шакли тўғрисидаги масалалар қизғин муҳокама қилинганлиги кўплаб фикрлар ва нуқтаи назарларни вужудга келтирди. «Россиядаги барча халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини» берувчи шакл сифатида илгари сурилган федератив республика тузуми ғояси унинг тарафдорлари томонидан ҳам, шунингдек, мухолифлари томонидан ҳам турлича қабул қилинди.

Россия учун марказлашган республиканинг яроқсиз эканлигига қарши фикр билдирилди. Федератив тузум тарафдорларининг бир қисми шу билан мухторият бериш тўғрисидаги масалани халқларнинг маданий ва сиёсий ривожланиш даражасини белгилаш билан боғлади, шу муносабат билан Туркистон халқларига «Мухториятдан фойдаланиш имконияти кейинчалик берилиши лозимлиги» тан олинди; шу тузум тарафдорларининг иккинчи бир гуруҳи мухторият миллий эмас, балки ҳудудий мухторият бўлиши лозим, деб ҳисоблади.

---

[1] Қаранг: Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. — Т., 1917.

Федератив тузум мухолифлари ҳам якдил эмас эдилар: баъзилар синфий нуқтаи назардан туриб, қуйидагиларни таъкидладилар: «Бутун дунё ишчиларининг манфаатлари — ягонадир, шу боисдан федератив тузумни жорий қилиб, давлатни айрим қисмларга бўлиш учун ҳеч қандай эҳтиёж йўқ»; бошқа бировлар эса аксинча, гўё мусулмон аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиб, бундай дейишди: «Россияда федератив республика жорий қилинган чоғда мусулмонлар фақат ютқазади, чунки улар мухторият асосида ўзини-ўзи идора қилишга ҳали тайёр эмаслар... эшонлар ва муллалар қўлига тушиб қолишлари мумкин, улар ҳамма вақт тараққиётга қарши бўлиб келганлар».

Умуман, бу фикрларнинг мазмуни қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси асл моҳияти билан ўлканинг кўп миллионли аҳолиси манфаатларига менсимай қарашдан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига беписандлик билан муносабатда бўлишдан иборат эди. Съездда сўзга чиққан миллий демократия раҳбарлари буни алам билан таъкидладилар. М.Беҳбудий ўлка халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, энг қадимий тарих ва маданият соҳиби бўлган (уларнинг ютуқлари бутун инсониятнинг маданий хазинасига кирган), дунёга таниқли олимларни, ҳуқуқшуносларни, юксак меъморчилик намуналарини берган, ўз турмуш тарзига, юксак деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик маданиятига эга бўлган ана шу халқлар тўғрисида фахр билан гапириб, халқнинг ҳозирги аҳволи учун, унинг жаҳолатпарастлиги ва нодонлиги учун айбни чоризмга юклади[1].

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда съезд «озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, баъзи ҳолларда тўла федеративлик бериш йўли билан давлатнинг айрим вилоятларига кенг мухторият бериш принциплари асосида Россияда демократик республика ўрнатиш бирмунча мувофиқ» эканини тан олди[2]. Яъни съезд ўзининг ноаниқ, мужмал ва бетайин таърифида миллий мухториятдан кўра кўпроқ ҳудудий мухториятни ёқлаб фикр билдирди.

Туркистон ўлкасида шаҳарнинг ўзини-ўзи идора қилишини ислоҳ қилиш тўғрисида Н.Т.Маллицкийнинг маърузасини муҳокама қилиш чоғида зиддиятлар янада кучайиб кетди. У шаҳарнинг ўзини-ўзи идора қилишини икки мустақил органга — европалик аҳоли учун алоҳида ва туб аҳоли учун алоҳида органга бўлиш тўғрисидаги ўз лойиҳасини европалик аҳолининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш зарурлиги билан исботлашга уринди, бу аҳоли кам сонли бўлганлиги учун маҳаллий вакиллари томони-

---

[1] Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. — Т., 1917. С. 8.

[2] Ўша жойда, 9-бет.

дан бостирилиши мумкин, деди у. Маллицкийнинг лойиҳаси сўзга чиққан деярли ҳамма нотиқлар томонидан танқидий қабул қилинди. Нотиқларнинг баъзилари бу лойиҳада миллатларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, уларни бир-биридан ажратиш, миллий адоватни кучайтириш хавфи бор деб билдилар. Сўзга чиққан нотиқлар шаҳарнинг ўзини-ўзи идора қилиш бирлигини ҳимоя қилиб, Туркистонда яшаётган барча элатлар вакилларининг мутаносиб бўлиши принципи асосида ҳокимиятни шакллантириш бирдан-бир тўғри йўл деб билдилар. Миллий демократия вакиллари, айниқса, муросасиз йўл тутдилар. Аҳмад Заки Валидий Тўғон бу лойиҳани русларни маҳаллий аҳолидан ажратиб қўйиш, мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўли, деб таърифлади. Беҳбудий шаҳарнинг ягона ўзини-ўзи идора қилишини ташкил этишни ёқлаб гапириб, уни одамларни бир-бирини тушуниш руҳида тарбияловчи орган, аҳолининг маданий жиҳатдан анча ривожланган қисмининг кам ривожланган қисмига таъсирини кучайтирувчи орган деб билди. Озчиликнинг, яъни аҳолининг европалик қисми манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида у ўзаро келишилган қарорни: ўзини-ўзи идора қилиш органларини тузган чоғда мутаносиблик принципи ўрнига европалик аҳолига барча ўринларнинг учдан бир қисмини беришни таклиф қилди[1].

Съезд анча кўпчилик овоз билан ягона ўзини-ўзи идора қилиш тизимини ёқлаб фикр билдирди.

Ишчи ва солдат депутатлари Советлари ўлка съезди ва Ижроия қўмиталар съезди ишининг бориши, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш тавсифи, турли сиёсий кучлар ва оқимларнинг аниқ маълум бўлиб қолган нуқтаи назари Туркистон миллий демократия вакилларини бир оз ҳушёр қилиб қўйди, таркиб топаётган сиёсий вазиятнинг реал моҳиятини улар олдида очиб ташлади. Туркистон қўмитаси аъзоларининг келиши ҳам бунга кўп даражада таъсир ўтказди, бу қўмита «Муваққат ҳукумат 1917 йил 6 мартда умумхалқ олдида эълон қилган мурожаатномаси асосида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва Туркистон ўлкасини барпо этиш мақсадида ҳамда ўлкани идора қилиш соҳасида вужудга келадиган масалаларни ўша жойнинг ўзида ҳал қилиш учун» Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ тайинланган эди[2].

Туркистон қўмитасининг 9 кишидан иборат биринчи таркибида маҳаллий миллатларга мансуб 4 вакил: I, II, III чақириқ Давлат Думасининг аъзоси А.Букейхонов, II чақириқ Давлат Думасининг аъзоси Муҳаммаджон Тинишпаев, III чақириқ Дав-

---

[1] Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. — Т., 1917. С. 28—29.

[2] Победа Октябрской социалистической революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. I. — Т., 1963. С. 57—58.

лат Думасининг аъзоси Садри Низамович Мақсудов ва генерал-майор Абдилазиз Азизович Давлетшин бор эди[1]. Муваққат ҳукумат бу шахсларни Туркистон қўмитаси таркибига киритиб, афтидан, туб аҳоли манфаатларини ҳисобга олишга интилаётганини таъкидламоқчи бўлган. Аммо уларнинг деярли ҳаммаси Туркистондан кўпдан бери алоқасини узган, маҳаллий шароитларни яхши билмайдиган заиф сиёсатчилар эди, шу боисдан улар (М.Тинишпаевдан ташқари) Туркистон қўмитасининг пассив аъзолари бўлиб, ўлкадаги воқеаларнинг ривожига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмадилар[2]. Туркистон қўмитасининг бошқа аъзолари ҳам, шунингдек, унинг раиси — Давлат Думасининг аъзоси кадет Н.Н.Шчепкин ҳам Туркистон билан кам таниш эди.

Шунга қарамай, Н.Н.Шчепкин келганидан кейин иккинчи куни Ижроия қўмиталарнинг ўлка съездида дастурий нутқ сўзлади, бу ерда у Муваққат ҳукуматнинг Баённомасини ўқиб эшиттириб, бундай деди: «Туркқўмита таянадиган асосий қоидалар Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Туркистон ўлкасига татбиқан идора қилишнинг демократик принципларига риоя қилишдир»[3]. Бироқ, ўлкани идора қилишнинг у тақдим этган схемаси ана шу «идора қилишнинг демократик принциплари»ни ғоят ўзига хос тарзда тушуниш кераклигини кўрсатди. «Қўмита шундай фикрдаки, — деб таъкидлади Шчепкин, — ташкил қилиш энг қуйидан бошланиб, навбатдаги поғоналарга ўтиши лозим, ана шу поғоналар ўртасида амалий алоқа бўлиши керак. Шу билан бирга, биз овул, волост, участка ва уезд бошқарувини ташкил қиламиз... Вилоятни идора қилишга ва бутун ўлкани идора қилишга келганда шуни айтиш керакки, бу иш Туркистон қўмитаси зиммасига тушади». Сўнгра у Туркқўмита ҳузурида маҳаллий аҳоли намояндаларидан кенгаш тузишни таклиф этди (бунда у ўлканинг бутун аҳолисини назарда тутган эди).

Шчепкиннинг ва Туркқўмита бошқа аъзоларининг ўлкани идора қилишга оид ўз вазифаларини тушунтириб беришга қаратилган дастлабки нутқлари ўша пайтдаёқ Туркистон жамоатчилиги орасида баъзи бир шубҳалар туғдирган эди. Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари делегатларининг съездида Елпатьевскийнинг сўзлаган нутқига М.Беҳбудий ташлаган луқмасида бу нарса тўлиқ акс этди. «Йўриқномаларни ким чиқаради (нашр этади)? — деб сўради Беҳбудий. — Бизми ёки Туркистон қўмитаси? Демократик асослар йўқ бўлиб кетди, биз нима учун бу

---

[1] Собрание узаконений и распоряжений правительства. Отдел 1-ый, № 79, 13 апреля 1917 г. С. 673.

[2] Қаранг: *Мустафо Чўқай*. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). — Т., 1992, 34—35-бетлар.

[3] Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. — Т., 1917. С. 15—16.

ерга тўпландик ва жойларга нима билан қайтиб борамиз? — буни тушуниб бўлмайди. Туркистон қўмитасининг аъзолари бизнинг ҳаётимизни билмаганлари ҳолда, идора қилиш учун йўриқномалар чиқарармишлар»[1].

Аслида Муваққат ҳукумат Туркистон генерал-губернаторини Туркистон қўмитаси билан алмаштириб, ўлкани мустамлакачилик усулида бошқаришнинг ташқи лавҳасинигина ўзгартирди, холос, унинг моҳияти эса аввалгича қолаверди. Бинобарин, бу нарса сезилмай қолмади ва, кўп ўтмай, Туркистон қўмитаси билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида қарама-қаршиликни вужудга келтирди.

Кескинлик кучайиб бораётган бир вазиятда Тошкентда 1917 йил 17 апрелдан 21 апрелгача мусулмонларнинг I Бутунтуркистон съезди бўлиб ўтди. «Шўрои Ислом» ташкилотининг ташаббуси билан чақирилган бу съездда ўлкадаги барча туб халқларнинг вакилларидан иборат 150 делегат қатнашди. Раёсат таркибига Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Шерали (Серали) Лапин, Мустафо Чўқаев, Тошпулатбек Норбутабеков, Аҳмад Заки Валидий, Содиқ Сатторов, И.Шоаҳмедов, Абдураҳмон Ўразаев, Мулла Абдулмажид Маҳмудов, Серекбай Акаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Собиржон Юсуповлар кирди. Кун тартибига кўпгина масалалар, жумладан, Муваққат ҳукуматга муносабат; Россияда идора қилиш шакли тўғрисида; Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш ҳақида; Туркистондаги маҳаллий фуқаролар муассасалари; Туркистонда диний-шариат муассасалари; мактаблар, мадрасалар ва вақфлар; молиявий ишлар; аввалги замондан қолган муассасаларни янгилаш; Туркистондаги барча мусулмонларга раҳбарлик қилувчи ислом диний бошқарувини тузиш тўғрисида; озиқ-овқат масаласи; урушга муносабат, фронт ортида (мамлакат ичкарисида) хизмат қилувчилар ҳақидаги масала; «Шўрои Ислом»ни ўлка миқёсида бирлаштириш тўғрисида; «Шўрои Ислом»нинг ижроия қўмиталарга муносабати; Россия Умуммусулмонлар съездига делегатлар сайлаш ҳақида; ерсув тўғрисидаги масалалар киритилган эди.

Истиқлол учун курашган миллий зиёлилар хақида маълумот

Мустафо Чўқаев (Мустафо Чўқай ўғли, 1890—1941) — Туркистон мустақиллиги учун таниқли курашчи. Қизилўрда шаҳрида аслзода қозоқ уруғига мансуб бўлган волост бошлиғи оиласида туғилди. Мактабда ўқиди, сўнгра Тошкентдаги рус гимназиясида таълим олди. Петербург дорилфунунининг юридик факультетини имтиёзли тугаллади. Дорилфунунни битириб чиққандан кейин Давлат Думасининг мусулмонлар фракциясида Туркистон ишлари котиби бўлиб ишлади, бу вазифани 1917 йилнинг февралигача адо этди. Петербургдан Туркистонга қайтиб келганидан сўнг сиёсий фаолиятга фаол киришди; мусулмон депутатларининг ўлка Советига

[1] Протоколы съезда делегатов Исполнительных комитетов Туркестанского края. — Т., 1917. С. 28.

раис этиб сайланди. «Улуғ Туркистон» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг ходими, қозоқ тилида чиқадиган «Бирлик туғи» рўзномасининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. М.Чўқаев Қўқонда ташкил қилинган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг асосчилари ва раҳбарларидан бири эди, у даставвал Муваққат ҳукумат ташқи ишлар вазири қилиб сайланди, Тинишпаев истеъфога чиққандан кейин Туркистон Мухторияти ҳукумати раиси бўлди. Туркистон Мухторияти тор-мор қилингандан сўнг у Қўқондан қочиб, истиқлолчиларга қўшилди. 1919 йилда Туркистонни тарк этиб, 1921 йилгача Гуржистонда яшади, кейин чет элга кетди. Туркияда, Берлинда, Париж яқинида яшади. Қувғинда Мустафо Чўқаев мусулмон муҳожирларининг шубҳасиз миллий раҳбари сифатида танилди. Парижда 1929 йилдан то 1939 йилгача «Яш Туркистон» мажмуасини чиқарди. Бошқа нашрларда, шу жумладан, «Журнал Королевского общества Средней Азии», «Азиатское обозрение» (Лондон) каби нашрлар билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилди. У XX асрдаги Туркистон тарихига оид кўплаб мақолалар ва монографиялар эълон қилди, шу жумладан, «Туркистон под властью Советов» асарини (рус тилида, Парижда, 1935 йилда) чиқарди. «Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари)» китоби ўзбек тилида нашр қилинган. У Берлинда вафот этди.

Россияда бошқарувнинг келгусидаги шакли ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий жиҳатдан бирлашуви масаласи съезднинг диққат марказида турди. Съезд Муваққат ҳукуматни ва унинг дастурини эътироф қилиб, барча вилоятларга, шу жумладан, Туркистонга ҳам кенг мухторият берган ҳолда, Россияда федератив демократик республикани тасдиқлаш ғоясини якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Съезднинг сўнгги мажлисида марказий раҳбарлик органини — Туркистон ўлка мусулмонлар Шўроси (Ўлкамусшўро)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўлкамусшўрони тузиш миллий ҳаракатга уюшган ва марказлашган тус бағишлаш учун барча тарқоқ, бир-бири билан ўзаро боғланмаган мусулмон жамиятлари, қўмиталари ва иттифоқларини бирлаштиришни кўзда тутар эди. Ўлкамусшўронинг 1917 йил 12 июнда бўлиб ўтган мажлисида Низом қабул қилинди, ана шу Низомга мувофиқ барча шаҳар, уезд, волост, мусулмон советлари ва «Шўрои Ислом», «Равнақ ул-ислом», «Мирваж ул-ислом», «Муаллимлар жамияти», «Талабалар жамияти» сингари бошқа жамоат ташкилотлари миллий ва синфий тафовутларига қарамай, мусулмон депутатлари волост, уезд ва шаҳар Шўроларига бирлашишлари, уларнинг ҳаммаси биргаликда мусулмон депутатлари Туркистон Марказий Шўросига бўйсунишлари лозим эди. Ўлкамусшўро бирон-бир синф, партия ёки қабиланинг органи бўлмай, балки қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ваколатли умуммусулмон раҳбарлик орғани сифатида тузилаётгани ҳақида Низомда аниқ изоҳ берилган эди.

Ўлкамусшўронинг ташкилий бўлими таркибига Заки Валидий, Фарид Тоҳирий, Толибжон Мусабой, Ибн Ямин Янбоев, Муҳаммадамин Афандизода, Низомиддин Асомий, Абдусами Қори Зиёбой, Муродхўжа Солихўжа, Шокиржон Раҳимий, Ту-

зел Жонбой, Абдулла Авлоний, Салоҳиддин Муфтизода, Пири Мурсилзода ва Муҳаммадхон Пошшаҳўжаевлар кирди.

Ўлкамусшўро ҳузурида маориф бўлими ҳам ташкил қилинган эди, унинг таркибига Мунаввар Қори, Заки Валидий, Бурхон Ҳабиб, Пўлатхон Пошшабеков, Абулқосим Аминзода, Абдусами Қори, Рустамбек Юсуфбек, Иброҳим Тоҳирий ва бошқалар сайланди.

Шундай қилиб, 1917 йилнинг кўкламида Туркистон халқларини бирлаштириш йўлида муҳим қадам қўйилди: тарихда биринчи марта умумминтақавий кўламда мусулмонлар съезди чақирилди, бу съездда халқлар мухторият сари, ўз урф-одатларини, турмуш тарзини ҳимоя қилишга қатъий интилаётганлиги айтилди, ана шу манфаатларни ифодаловчи марказий орган — раёсат бошчилигида мусулмон депутатларининг ўлка Шўроси ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди, уни Туркистон жамиятининг жамоатчилиги, айниқса, унинг илғор қисми миллий марказ деб биларди.

Бу — Туркистон тараққийпарвар кучларининг муваффақияти эди, албатта, лекин ривожланиб бораётган воқеалар улардан иш шаклларини ва усулларини такомиллаштиришда катта эпчиллик ва қатъиятликни, дастурий ва тактик йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни ўзгартиришни талаб қилар эди.

2. ТУРКИСТОНДА МУХТОРИЯТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ИККИ МУҚОБИЛ ЁНДАШУВ

Феврал инқилобидан сўнг Туркистонда туғилган сиёсий ташкилотлар ўз фаолиятларининг биринчи куниданоқ мухторият масаласини кун тартибига қўйишмади. Туркистон ўлкасига мухторият бериш масаласи биринчи бор мусулмонларнинг I Бутунтуркистон съездида (1917 й. апрел) қўйилди. Шунингдек, бу масала «Шўрои Ислом» Марказий Қўмитаси доирасида ҳам муҳокама қилинган эди. «Кенгаш» газетасининг далолат беришича, Марказий Қўмита аъзолари мухториятни шундай тушунишар эди: Туркистоннинг ўзига махсус идора ва ижроия муассасалари, яъни қонун ишлаб чиқадиган парламенти, иш юритадиган ҳукумати бўлиши лозим. Ташқи сиёсат, молия, йўллар, ҳарбий ишлар Умумроссия Федерацияси ҳукуматининг иши деб ҳисобланди. Маориф ишлари, маҳаллий йўллар масаласи, маҳаллий идоралар, аллия ҳамда ер масалаларининг ҳаммаси маҳаллий мухторият ҳукумати доирасидаги ишлар деб қаралди.

Мухторият масаласи мусулмонлар орасида 1917 йил май ойининг бошида Москвада бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонларининг биринчи съездидан кейин янада фаолроқ қўйила бошлади. Бироқ съезд раҳбарлари ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, ягона фикрга келиш ниҳоятда мушкул бўлди. Чунки, мам-

лакатнинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудлари мухторияти хусусидаги масала кескин баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган эди. Мухтория хусусидаги тортишувлар, чиқишлар съездни иккига бўлиб юборди. Натижада, Россиянинг Туркистон, Қирғизистон, Кавказ, Қрим ва ҳоказо ўлкалари вакиллари федератив республика тарафдори бўлганликлари учун ўзларини «федералистлар», Россиянинг ички губерниялари ва Волгабўйи мусулмонлари вакиллари эса унитар (бир бутун, қўшма) республика тарафдори бўлганликлари учун ўзларини «унитаристлар» деб атадилар. Лекин, ҳар қалай съезд демократик руҳдаги қарорни қабул қилишга муваффақ бўлди. Унда Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилди. Туркистон ўлкасидан Убайдулла Хўжаев ана шу комиссия таркибига аъзо бўлиб кирди.

Бутунроссия мусулмонлари съезди қарорлари Туркистондаги воқеалар ривожига туртки берди. Заки Валидий ўз «Хотиралари»да шундай ёзади: «Июн ойи бошидан бошланган кураш натижасида мухторият ғояси таъсири ҳамма ерда кучая бошлади. Бу эса бизнинг Россия Таъсис мажлиси (Учредительное собрание)га вакиллар сайлашда бирдан-бир миллий дастур атрофида тупланиб боришимизни кўрсатди»[1].

1917 йилнинг 12—14 июлида Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида вилоят мусулмон ташкилотларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда деярли демократик йўналишда бўлган турли мусулмон ташкилотларидан жами 137 киши қатнашди. Қабул қилинган дастурий ҳужжатда съездда тузилган «Турк адами марказияти» (Туркистон федералистлари) партияси Туркистон, Қозоғистон, Кавказ ва Бошқирдистон учун миллий-ҳудудий мухториятни, Волгабўйи, Қрим татарлари ва бошқа туркий халқлар учун эса миллий-маданий мухториятни талаб қилади, дейилади. Дастурда ёзилишича, мухтор жумҳуриятлар парламенти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ташкилотларига сайловлар умумий асосда, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Миллатнинг 20 ёшга етган барча аъзолари, қайси жинс, синф ёки динга мансублигидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлиб, ўзлари ҳам сайлана оладилар». Мусулмон аёлларининг сайловдаги иштироки эса «шариат қонун-қоидалари асосида ўтиши лозим»[2], дейилди.

Шуниси диққатга сазоворки, улар ўз дастурларида Туркистон федералистлари мухториятга эришган ўлкалар ички бошқарув масалаларида, молия, шариат, маданият, адлия ва халқ маорифи масалаларида мустақил бўлмоқлари керак, деган фикрни олға суришди. Бунда ҳар бир республика вилоят, уездларга бўлиниб, уларга маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ҳуқуқи, Россия-

---

[1] *Аҳмад Заки Валидий.* Хотиралар // «Шарқ юлдузи». 1993, № 5—6, 138-бет.
[2] «Фан ва турмуш». 1990, № 7.

да яшаб келаётган барча туркий миллат ва элатларга эса тегишли масалаларни ҳал этиш юзасидан умумий миллий-маданий уюшма ташкил этиш ҳуқуқи берилиши лозимлиги таъкидланди.

Федералистлар дин масаласида ҳам талабларини аниқ белгилаб олишганди. Бу борадаги барча масалаларни ҳал этиш учун махсус — «Маҳкамаи шариа» ташкилоти тузишни, унинг вилоятлардаги бошқармаларига, қишлоқларда эса қуйи бўлинмалари бўлган қозихоналарга топширилиши кўзда тутилди. Россия мусулмонларига тааллуқли барча муаммоларни ҳал этиш учун шайхулислом томонидан бошқариладиган умумий кенгаш сайлаш мўлжалланди.

Дастурда фуқароларнинг ҳуқуқларига бағишланган бўлим, айниқса, эътиборга лойиқ бўлиб, унда: «Жумҳуриятнинг бутун аҳолиси, дини ва миллатидаги фарқидан қатъи назар, қонун олдида бир хил жавобгардир», деб махсус қайд этилган эди. «Виждон эркинлигига кафолат берилиб, ҳеч кимса ўзининг эътиқоди учун таъқиб қилинмайди», бунинг устига «ҳукумат тарафидан бирор-бир дин ёки мазҳаб оқими бошқалари олдида алоҳида мавқега эга эмас», деб таъкидланди[1]. Туркистон федералистлари сўз ва матбуот, йиғилишлар, уюшма ва жамиятлар тузиш эркинлиги, шунингдек, шахс дахлсизлиги тарафдори эди. Шунга кўра, бирор шахс тегишли ташкилотлар кўрсатмаси билан ҳибсга олинган тақдирда, унга 24 соат ичида айбнома эълон қилиниши кераклиги уқтирилди. Улар, шунингдек, паспорт тартибини бекор этиш ва ҳар бир фуқаронинг мамлакат ичида ва ундан ташқарида ҳам эркин ҳаракат қилишига рухсат берилишини ёқлаб чиқишди. Дастурда таъкидланишича, солиқ ҳажми даромад ва фойдадан келиб чиққан ҳолда белгиланиши зарур.

Ер масаласида эса барча давлат мулклари мусодара қилиниб, аҳолига ижара учун бериш ёки фуқароларга сотиш таклиф этилади. Хусусий мулк эгаларининг мулклари хусусида эса «Россиянинг Туркистондан бўлак барча вилоятлари ўзлари учун керакли қонунларни чиқариб олишлари» таъкидланади. Бироқ Туркистонда жуда катта ер эгалиги мавжуд бўлмаганлиги боис улар мулкдорларнинг ўз қўлида қолади. Бунда баъзи бир воқеалар туфайли зўрлаб тортиб олинган ерларни ўз эгаларига қайтариб берилиши зарурлиги уқтирилади.

Туркистон мухториятчилари ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари борасида ҳам бир тўхтамга келган эди. Дастурда ишчилар уюшмалар, жамиятлар тузиш, шунингдек, зарур пайтларда қисман ёки умумий иш ташлаш усули билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлиги баён этилади. Дастурга ишчи ва хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун алоҳида қонунлар зарурлиги тўғрисида махсус модда киритилди. Меҳнаткашларнинг ўз

[1] «Фан ва турмуш». 1990, № 7.

«ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунларни назорат қилиб бориш» вазифаси юклатилган ташкилотлар ишида қатнашишларини белгилаб берувчи қонун шулар жумласидандир.

Аёллар ва болалар меҳнатини ҳимоя қилиш, шунингдек, саломатлик учун зарарли бўлган ишлаб чиқариш соҳасидаги иш соатларини тартибга солиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Чунончи, қонунчилик томонидан кўзда тутилган, ишчилар ва капиталистлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни «ҳар икки томон вакилларидан иборат комиссия» ҳал этиши керак. Шунингдек, «капиталистлар ҳукумат идоралари орқали ўз ишчиларини суғурта қилишлари зарур, қарилик ёки мажруҳлик оқибатида ишга яроқсиз бўлиб қолган ишчилар давлат томонидан суғурта қилиниши, яъни меҳнат ҳақидаги қонунларнинг барқарорлигини» талаб этиши таъкидланди.

Мухтор жумҳуриятнинг қонуний тизимини дастур муаллифлари қуйидагича ёритадилар: суд ва юстиция (адлия) ташкилотлари бирор кимсанинг аралашувидан холи бўлиб, фақат шариат ва қонунга бўйсунмоғи даркор. Яъни суд томонидан ҳукм чиқарилгунга қадар айбланувчини ҳеч ким жазога торта олмайди. Ҳокимиятнинг ижрочи ташкилотлари судьяларнинг тайинланиши, жойини ўзгартириш ёки бўшатиш, шунингдек, уларнинг ишларига аралашишлари мумкин эмас. Жазо тизими парламент томонидан ишлаб чиқилган асосий қонунлар негизида белгиланиши керак. Суд ишлари, қонун ҳимояси, албатта, адвокат иштирокида олиб борилиши лозим.

Мухториятчилар томонидан маориф масаласи жуда пухта ишлаб чиқилган эди. Билим олиш ҳуқуқи, кишиларнинг жинси, миллати ва динидан қатъи назар, ҳимоя қилиниши таъкидланган. Маориф ишини ташкил этишдаги хусусий ташаббуслар маҳаллий ҳокимият томонидан бирон-бир тарзда чекланишига йўл қўйилмайди. Дастурда мактаб мустақиллиги эълон қилиниб, унинг турли босқичларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тартибда «изчилликка эга бўлиши» кўзда тутилган ва шу асосда «қуйи мактабдан олий мактабга ўтилишининг осонлик билан кечиши имкони яратилади». Бошланғич мактаб бепул, умумтаълим мажбурий бўлиши кераклиги алоҳида эътироф этилган. Қуйи синфларда ўқитиш маҳаллий аҳоли кўпчиликни ташкил қилган тилда олиб борилиши, олий ўқув юртлари ҳамда ўрта мактабларда эса рус ва умумтуркий тил мажбурий саналган. Бироқ, олий мактабда дарслар барча маҳаллий аҳоли учун умумий ҳисобланган адабий тилда олиб борилиши зарур, деб таъкидлаб қўйилган эди дастурда.

1917 йил август ойида «Кенгаш» газетасида Мухторият дастурининг лойиҳаси эълон қилинади. Бу лойиҳа Туркистонда машҳур сиёсий арбоблар, ҳуқуқшунослар ва уламолар иштирокида юзага келган эди. Улар Мулла Камолуддин Қози, Мулла Обиджон Маҳмуд ўғли (Қўқон), Миродил Мирзо Аҳмад ўғли

(Фарғона), Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли (Тошкент), Маҳмудхўжа Беҳбудий (Самарқанд), Абулқосим Муҳаммад Аминзода (Самарқанд), Муҳаммад Амин Афандизода (Кавказ уламоларидан), Садриддин Маҳмуд Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли (Тошкент), Мулло Мир Абдулло Мулло Шоҳмирза оҳунд ўғли (Тошкент) ва бошқалар эдилар[1].

«Туркестанский курьер» газетаси Фарғонада бўлиб ўтган съезд натижалари ва унда қабул этилган ҳужжатларни шарҳлаб, шундай ёзган эди: «У ўз аҳамиятига кўра, биринчи ўринда турмоғи керак. Зотан, ана шу съездда ўлканинг мусулмон аҳолиси ўзининг сиёсий организм сифатида мавжуд эканлигини англаб етди ва ўлкадаги барча мусулмонларни бирлаштириши керак бўлган дастурни қабул қилди. Ана шу съездан эътиборан биринчи мусулмон фирқаси — Турк адами марказияти (федералистлар) фирқаси иш бошлади»[2].

Фарғонада бўлиб ўтган ва унда қабул этилган Туркистон ўлкасининг демократик янгиланиш ғоялари эркин қарашлардаги (либерал) зиёлилар ва мусулмон руҳонийларининг демократик кайфиятдаги фаол қисмида жиддий қизиқиш уйғотди. Бу эса ўта кескин кайфиятдаги миллатчилар ва ислом мутаассибчиларининг ғашини келтирмай қолмади. Улар ислом дини номидан сўзлаб, жамиятда демократик ислоҳотлар ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин қарши чиқишди, европача, улар иборасига кўра, кофирча маданият кириб келишини мутлақо рад этишди. Гап нима ҳақида кетмасин, мулк ҳақидами, ахлоқ ва одоб ҳақидами ёки дин масаласидами — барчаси олдиндан Қуръони карим оятларида ва шариат қоидаларида айтиб қўйилганлигини пеш қилиб, улар ўзгармас қолиши керак, деб жавоб берардилар.

Туркистоннинг илғор жадид зиёлилари ва қадимчилари орасидаги бу зиддиятлар миллий озодлик кучлари сафида парчаланишга олиб келди. Ташкилий жиҳатдан бу ҳол 1917 йил июн ойининг ўрталарида «Шўрои Ислом» ташкилотидан ажралиб чиқиб, «Шўрои Уламо» жамияти тузилишида ифодаланди. «Шўрои Уламо» жамияти аъзолари руҳоният тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Улар ўз ғояларини тарғибот қилиш учун «Ал-Изоҳ» журналини чиқара бошладилар. Журнал ноширн ва муҳаррири Абдумалик Ҳожи Набиев бўлиб, унинг биринчи сони 1917 йил 19 июнда чиққан эди. Журнал саҳифаларида асосан диний масалаларга кўпроқ эътибор берилиб, ахлоқ, маданият, ижтимоий ҳаёт руҳоният нуқтаи назаридан тарғибот қилинди. «Ал-Изоҳ» эскича турмуш, тор диний муносабатларни ҳимоя қилиб, тараққиёт йўлидаги янги демократик фикрларга қарши турди.

---

[1] «Фан ва турмуш». 1990, № 7.

[2] «Туркестанский курьер». 1917, 26 июля.

Ғоявий жиҳатдан ажралиш миллий озодлик ҳаракатидаги кучлар нисбатининг ўзгаришига олиб келди. «Шўрои Уламо» ташкилоти аъзолари асосан руҳонийлардан иборат бўлиб, улар аҳоли ўртасида амалда катта таъсир кучига эга эди. Чунки, Туркистон ўлкаси аҳолисининг диний эътиқодга, ислом қадриятларига берилганлиги уламочи фаолларнинг анъанавий ислом ақидаларини сақлаб қолишдаги хатти-ҳаракатларининг кенг қўллаб-қувватланишига сабаб бўлганлиги табиий эди.

Кучларнинг парчаланиши ниҳоятда ноқулай вақтга — Тошкент шаҳар думаси учун сайлов даврига тўғри келди. Тошкент шаҳар думаси сайловининг демократик руҳда ўтиши маҳаллий аҳоли ўртасида «Шўрои Уламо» фракцияси катта обрўга эга эканлигини яна бир бор кўрсатди. 112 мандатдан 64 таси шу жамият вакилларига тегди. Шўрои исломчилар — 11, эсерлар — 24, социал-демократлар — 5 ўрин олди. Маҳаллий аҳоли вакиллари 74 овозга, европалик халқ вакиллари эса 38 овозга эга бўлдилар[1]. Сиёсий кучларнинг бундай тақсимоти «Шўрои Уламо» фракцияси ўзига мақбул бўлмаган ҳар қандай қарор ёки таклифни инкор эта олиш имконига эга бўлганлигидан далолат эди. Бундан хавфсираган Туркистоннинг европалик демократик кучлари уламочиларга нисбатан салбий муносабат билдирдилар. Улар, маҳаллий аҳолининг асосий қисми сиёсий жиҳатдан етилмаганлиги учун консерватив кучлар улар устидан ҳукмдордир, деган гаплар билан аҳолини уламочиларга қарши қўйишга ҳаракат қилдилар.

1917 йил кузида давом этаётган империалистик уруш натижасида мамлакатда очарчилик, ишсизлик авж олди, иқтисоднинг таназзули янада чуқурлашди. Бу эса ўз навбатида меҳнаткаш омманинг норозилигини кучайтирди ҳамда марказ ва жойларда ҳокимиятнинг инқирозига олиб келди. Бундай вазиятдан фойдаланган Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети (Ташсовет)га кирган большевиклар «Бутун ҳокимият Советларга» деган шиорни кўтариб чиқдилар ва тезда инқилобий қўмита ташкил қилишни таклиф этдилар. Бироқ, маҳаллий миллий ташкилотлар бошқа фикрда эдилар. Марказий «Шўрои Ислом»нинг ташаббуси билан 1917 йил 7—11 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган II Ўлка мусулмонлар съездида қуйидагича қарор қабул қилинди: «Съезд ҳокимият ишчи, солдат ва крестьянлар Советларига ўтишига қарши чиқади. Ҳокимият коалицион бўлиши ва мамлакатнинг ҳамма кучларига таяниши, бу дегани умумхалқ ҳокимияти бўлиши керак».

Большевикларнинг «Бутун ҳокимият Советларга» шиори нафақат Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси томонидан, шунингдек, европалик аҳолининг демократик доираларида ҳам қўллаб-қувватланмади.

---

[1] «Ҳуррият». 1917, 11 август.

Худди ана шу вақтда демократик руҳдаги миллий етакчил бутун мусулмонлар бирлашуви шиори билан чиқдилар. Бу з «Шурои Ислом» билан «Шурои Уламо» жамиятларининг бирл ликда ҳаракат қилишларига имконият яратиб берарди. «Эй Ту кистон халқи мусулмонлари, — деб ёзган эди Фитрат, — Танг учун, пайғамбар учун, дин учун, миллат учун, келинг, бирл шайлик, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айриликла дан кўз юмайлик. Ислом динининг биринчи буйруғи бўлган қардошлик ва иттиҳод боғлари билан боғланайлик, қўлни қўл берайлик. Ҳақ йўлида, дин йўлида, Ватан йўлида, миллат йўли жадидмиз, қадиммиз, мулломиз, боймиз, бир ерда тўпланайлик

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам дин ва миллатни иттифоқ этиш га, ислоҳот ўтказишга, зиёли ва тараққийпарварларни, бой уламони бирлаштиришга даъват этди. У тараққийпарвар улам ларнинг халқ орасида обрўси унчалик катта эмаслиги, шу бо қадимчи уламолар билан иттифоқсиз иш олиб бориш мумки бўлмай қолгани тўғрисида куюниб сўзлаган эди.

Айнан шу нуқтаи назар 1917 йил 17—20 сентябрда улам чилар томонидан чақирилган умуммусулмон съезди вакилла нинг чиқишларида ҳам ўз аксини топди. Съезд «Шурои Исло ва «Турон»ни тугатиб, улар ўрнига ягона «Иттифоқи мусл мин» сиёсий партиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилди Қарорда «Шурои Ислом», «Турон», «Шурои Уламо» — барча халқ жамиятлари бўлиб, биргалашиб, ягона куч сифатида и кўриш вақти келгани алоҳида таъкидланган эди[2].

Бироқ съезднинг аҳамияти миллий-сиёсий ташкилотларни руҳонийлар байроғи остида бирлашишга бўлган ҳаракати бил чекланиб қолмасди. Энг асосийси шунда эдики, унинг жўғр фий қамрови кенг бўлиб, съезднинг 500 иштирокчиси орасид Туркистондан ташқари Урол ва Тўрғай вилоятлари вакилла нинг борлиги, туркий мусулмон халқларнинг бирлигини юза келтириш, биргаликда ягона давлат тузиш учун биринчи қада қўйилганлигида эди.

Шунингдек, съездда Туркистоннинг миллий-давлатчилик т зуми ҳақида турли фикрлар ҳам билдирилди. «Улуғ Туркисто газетасида ёзилишича, съезд «мулла Муҳаммадхўжа эшон ва му ла Сиддиқхўжа эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги нутқл рини тинглаб, дуою ижобат ила Туркистон Мухториятини тайи этишга жазм қилди. Бу эса Туркистон ўлкасининг маҳаллий в миллий мухторияти бўлиб, ўз ички ишларини мустақил ҳал эт жагини» билдирар эди[3]. Съездда қабул қилинган ҳужжатлар ўлка нинг бўлажак ижтимоий-сиёсий тузумини ўзида яққол акс эттир рарди. Жумладан, Туркистон федерациясининг қонун чиқарувч

---

[1] «Ҳуррият». 1917, 25 июл.
[2] «Улуғ Туркистон». 1917, 30 сентябр.
[3] Ў ш а ж о й д а.

олий ташкилоти парламент бўлиши ва у «умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан беш йиллик муддатга Туркистонда яшаб турган барча миллатларнинг тенг вакиллари асосида» сайланмоғи кўзда тутилган эди. Туркистон парламентининг қонун чиқарувчилик вазифалари Россия республикасининг асосий қонунларига ва шариат талабларига мос бўлмоғлигини таъминлашдан иборат, деб топилди. Бунда «Туркистон федерацияси ўз пулини муомалага чиқариши, ўз милициясига эга бўлиши, тинч вақтларда чет давлатлар билан ўз чегарасини қўриқлаш учун қўшин сақлаши» мумкин бўларди.

Бу қарорлар шуни кўрсатадики, Туркистон демократик кучлари режалаштирган дастлабки ислоҳотчилик йўналиши ўз моҳиятига кўра мухторият учун ҳаракат ёки мухториятчилик ҳаракати эди. Аввалига «Кенгаш», «Турон» газеталари, кейинчалик эса Туркистон федералистларининг газетаси бўлган «Турк эли» — «Яшасун қўшма халқ жумҳурияти» шиори билан чиқа бошлади. Ушбу шиорга «Турк эли» газетаси қуйидагича изоҳ берган эди. «Бу жумла шундай муқаддас бир жумладурки, бутун Туркистоннинг истиқболи ва бутун Туркистоннинг кўзи очуқларининг тўрт кўз ила кутган нарсаси шулдур... Чунки, «Яшасун қўшма халқ жумҳурияти» бу, яъни ўзига хайрихоҳ миллатлар ила бирлашган ҳолда турклик бешиги Туркистонга миллий, маданий ва ҳам ерлик мухторият олмоқдир»[1].

Лекин Туркистон ўлкаси демократларининг бирлашиш ҳақидаги ҳаракатлари большевикларни мутлақо қониқтирмас эди. Чунки уларнинг ўзлари қандай ва қайси йўл билан бўлмасин ҳокимиятни қўлга олишга интилмоқда эди. Мухториятчиларнинг қатъий ҳаракатлари большевикларни Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимиятни қўлга олишлари зарурлигини, агар шундай қилмасалар Туркистон бошқа сиёсий кучлар қўлига ўтиб кетиши мумкинлигини англатар эди. Ўлканинг илғор зиёлилари ва демократик руҳдаги руҳонийлари ташаббуси билан ўтказилган мусулмонлар қурултойларида Туркистонга мухтор республика мақоми берилиши тўғрисидаги қарорлари Тошкент ишчи ва солдатлар депутатлари Советини умуман қизиқтирмас эди.

Шундай қилиб, 1917 йилнинг октябр ойларига келиб Туркистонда ҳокимият масаласида икки муқобил йўналиш юзага келди. Биринчиси — миллий демократларнинг ўлкадаги бошқа ерлик бўлмаган миллатлар вакиллари иштирокида демократик руҳдаги Туркистон Мухториятини ташкил этишга бўлган интилишлари, иккинчиси эса — большевиклар томонидан мухториятчиларнинг бу интилишларини инкор этиб, зўрлик билан ҳокимиятни эгаллаб, унга мутлақ ҳукмрон бўлиш эди. Большевикларнинг бу ҳаракатлари ўша суронли даврнинг дастлабки кунлариданоқ маълум бўлиб қолган эди.

---

[1] «Турк эли». 1917, 4 октябр.

3. ҲОКИМИЯТНИНГ БОЛЬШЕВИКЛАР ВА СЎЛ ЭСЕРЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛГА ОЛИНИШИ

Туркистон халқлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ва миллий етакчилари ўлкада эркинлик ва мустақиллик учун, унинг демократик Россия таркибида мухтор республика шаклидаги миллий давлат тузилиши учун фидокорона кураш олиб бораётган, шу билан бирга буларнинг ҳаммасига тинч воситалар билан эришишга интилаётган бир пайтда Туркистон большевиклари ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида уруш ва хўжалик соҳасидаги вайронгарчилик туфайли юзага келган иқтисодий ва озиқ-овқат қийинчиликларидан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга киритиш учун жон-жаҳдлари билан ҳозирлик кўрдилар.

1917 йил кузига келиб ўлкадаги сиёсий кучларнинг жойлашувини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, большевикларни аҳолининг асосий қисми қўллаб-қувватламас, улар бирон-бир даражада кенгроқ ижтимоий базага (аввало маҳаллий аҳоли ўртасида) эга эмасдилар. Аҳоли ўша вақтларда ўз миллий ташкилотларига, биринчи навбатда «Уламо» ва «Шўрои Ислом» ташкилотларига эргашарди. Бунинг тасдиғи сифатида 1917 йил ёзининг охири — кузи бошларида шаҳар думаларига бўлиб ўтган сайлов якунларини айтиб ўтиш мумкин. Кўпгина шаҳарларда сайловчиларнинг аксарияти ана шу миллий партиялар номзодлари учун, большевиклар вакилларига эса жуда озчилик овоз берган эди. Бир қанча шаҳарларда большевиклар ҳатто ўз номзодлари рўйхатини кўрсатмадилар, чунки улар барибир шаҳар думасига ўтмасликларини олдиндан билар эдилар. Бу вақтда Туркистондаги большевиклар сони бор-йўғи бир неча юздан ошмасди, шу билан бирга улар орасида маҳаллий аҳоли вакиллари деярли йўқ эди. Шунга қарамасдан, ўлка большевиклари Россиядаги ўз партияси таъсирининг ортиб бораётганлигидан фойдаланиб, зўр бериб ҳокимиятга интилар эдилар. 1917 йилнинг июн ойидаёқ большевиклар етакчиси Ленин советларнинг I Бутунроссия съездида ўз партиясининг мамлакатдаги бутун ҳокимиятни қўлга олишга тайёр эканлигини ошкора баён қилган эди. 1917 йил 26 июлдан 3 августгача большевиклар партиясининг Петроградда бўлиб ўтган VI съезди ҳокимиятни қуролли қўзғолон йўли билан қўлга олишга кўрсатма берди.

Тошкент большевиклари ўз партияси йўл-йўриқларига амал қилиб, 1917 йил 12 сентябрда бўлиб ўтган ишчи ва солдатларнинг оммавий митингида VI съезд кўрсатмалари руҳида тузилган қарорни илгари сурдилар. Қарорда ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтиши зарурлиги, Муваққат инқилобий қўмита тузилиши, саноат ва банкларнинг национализация қилиниши, помешчиклар ерларининг деҳқонларга берилиши, ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатилиши, капиталистлар, бойлар ва

қулоқлардан озиқ-овқат захиралари дарҳол мусодара қилиниши зарурлиги ва ҳоказолар кўрсатилган эди. Бироқ митингда қабул қилинган большевикча резолюцияда Туркистоннинг кўп миллатли маҳаллий аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг асрий орзу-умидларининг адо этилиши, унга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Агар митингда иштирок этганларнинг аксарият кўпчилиги туб ерли бўлмаган аҳоли вакиллари эканлигини, резолюцияни тузиб чиққан большевиклар аслида буюк давлатчилик шовинизми оғуси билан бениҳоя заҳарланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, митинг қатнашчилари ва қабул қилинган қарорни тузувчилар томонидан мусулмон аҳоли манфаатлари мутлақо назар-писанд қилинмаганлиги батамом тушунарли бўлади. Улар учун асосий нарса пролетариатнинг синфий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб, мазлум — маҳаллий аҳолининг манфаатлари эса иккинчи даражали иш эди. Бундай синфий ёндашув ва маҳаллий аҳоли манфаатларини менсимаслик Муваққат инқилобий қўмита аъзоларининг сайловида ҳам яққол намоён бўлди. Мазкур қўмита таркибига 13 киши: 3 большевик, 5 сўл эсер, 3 байналмилалчи меньшевик ва 2 анархист кирган эди[1].

Тошкентда бўлиб ўтган «сентябр воқеалари»да эски шаҳар аҳолиси амалда иштирок этмади. Бунинг устига эски шаҳар аҳолиси ва туб аҳолининг ижтимоий-сиёсий ташкилотлари мазкур воқеаларга салбий муносабатда бўлдилар.

Муваққат инқилобий қўмита Тошкент совети ижроқўмининг қўллаб-қувватлаши билан (унда 1917 йил сентябрининг ўрталарида аксарият кўпчиликни большевиклар ва сўл эсерлар ташкил этар ва ўзбек аҳолисининг вакиллари деярли йўқ эди) маҳаллий аҳолининг иродаси ва истаклари билан ҳисоблашмасдан, ҳақиқатда бирмунча вақт шаҳардаги ҳокимиятни тортиб олиб, ўз таъсирини бутун ўлкага ёйишга уринди. Муваққат ҳукумат «исёнкор» Тошкент Совети ва Муваққат инқилобий қўмитага қарши генерал Коровиченко бошчилигида қўшин юборди. Бу вақтда Коровиченко «Туркистон ўлкаси бош комиссари» қилиб тайинланган эди.

Тошкент совети ижроқўми шаҳардаги бир қатор саноат корхоналари ишчилари (улар орасида туб ерли аҳоли вакиллари жуда оз эди) ва Тошкент гарнизони айрим ҳарбий қисмлари солдатларининг кўмагига таяниб, ҳокимиятни қўлга киритиш йўлини қатъият билан олиб борди. Туркистон бюроси бош комиссарининг ёрдамчиси граф Доррернинг ёзишича, «27 октябрда бош комиссар қўлига бир қатор ғоят муҳим маълумотлар, ҳужжатлар тушганки, унда Тошкент солдат ва ишчи депутатлари ижроия қўмитаси томонидан ҳокимиятни қурол воситасида босиб олиш учун уюштирилаётган фитна ҳақида сўз юритилади.

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. — Т., 1967. Т. III, 84—85-бетлар.

Фитна большевикларнинг Бутунроссия фитнаси билан муқаррар равишда боғлиқ ва келишилганлигини англаш қийин эмас»[1].

Бу вақтга келиб Туркистонда ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтиши учун объектив шарт-шароитлар ҳам, субъектив шарт-шароитлар ҳам йўқ эди. Бу ерда амалда саноат пролетариати мавжуд эмасди (унинг умумий миқдори ўлка аҳолисининг бир фоиздан камроғини ташкил қиларди), ҳокимиятнинг советларга ўтишини ёқлаб чиқадиган сиёсий кучлар (Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда) шаклланмаган, омманинг ўзи ҳам бунга ғоявий жиҳатдан етилмаган эди. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездлари аҳолининг ҳокимиятни советларга ўтишини талаб қилувчи фаол чиқишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилар, большевиклар ва бошқа экстремистларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган Таъсис мажлисини чақириш ғояси қўллаб-қувватланарди. Ўлка Советларининг ўзи (Тошкент кенгашларидан ташқари) ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтишини ёқлаб чиқмадилар, чунки уларнинг кўпчилиги ўша вақтда коалицион Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистон қўмитаси таркибига кирган эсерлар ва меньшевиклардан иборат эди.

Туркистон маҳаллий советлари кўпчилигининг бу масалада тутган йўли Октябр тўнтаришидан кейингина ўзгара бошлади. Бу вақтда Марказда советлар ҳокимияти ўрнатилиб, ҳамма жойда советлар қайта сайланиши натижасида улар таркибидаги эсерлар ва меньшевиклар сиқиб чиқарилган, советлардаги ўринларнинг кўпчилигини «ҳукмрон партиялар» бўлган большевиклар ва сўл эсерлар қўлга киритган эдилар. Ўлка советлари: ишчи ва солдат депутатлари ўлка кенгаши, 1917 йил 20—26 октябрда бўлиб ўтган II Туркистон деҳқонлар қурултойи, мусулмон ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтишига қатъиян қарши чиқдилар. «Туркестанский курьер» газетаси 1917 йил 27 октябрда қуйидагиларни хабар қилди: «Бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб Умуммусулмон ўлка кенгаши томонидан телеграмма юборилиб, унда Муваққат ҳукуматни зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлашга даъват этилган, зарурат туғилган тақдирда куч ишлатиб ҳаракат қилиш кўрсатилди». Большевиклар ва бошқа экстремист унсурларнинг ҳокимиятни советлар қўлига ўтиши талабини шаҳар думалари кескин қоралаб чиқдилар. Шаҳар думалари таркибида уларни қайта сайлаш натижасида унинг кўпчилик аъзолари маҳаллий аҳоли ва унинг сиёсий ташкилотлари намояндаларидан, аввало «Шўрои Уламо» ва «Шўрои Ислом» вакилларидан иборат бўлиб

[1] «Красная летопись Туркестана». 1923. № 1—2. С.75—76.

қолганди. Большевиклар ва сўл эсерларнинг ҳокимиятни эгаллашга доир интилишларига нисбатан салбий позицияда ўлканинг бошқа кўпгина ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ҳам турдилар, улар келгинди («европалик») аҳоли қатламларини, шунингдек, маҳаллий аҳолининг турли қатламларини бирлаштирган эди.

Тошкент большевиклари ва сўл эсерлари Туркистон халқлари иродасини, ўлкадаги маҳаллий аҳолининг, шунингдек, маҳаллий бўлмаган аҳолининг кўпчилик ижтимоий-сиёсий ташкилотларининг кескин норозилигини назар-писанд қилмай, зўр бериб қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўра бошладилар. 1917 йил 25 октябрда Тошкент кенгаши асосан большевиклар ва сўл эсерлардан иборат президиуми яширин мажлисида Муваққат ҳукуматга қарши қуролли қўзғолон кўтариш режасини ишлаб чиқди.

1917 йил 27 октябрда Петроградда Октябр тўнтариши ҳақида, Муваққат ҳукуматнинг ағдариб ташлангани ва советларнинг II Бутунроссия съездида большевиклар етакчиси Ленин бошчилигидаги Халқ Комиссарлари Кенгаши сайлангани ҳақида хабар олиниши қуролли қўзғолоннинг амалда рўёбга чиқарилиши учун туртки бўлди.

27 октябрдан 28 октябрга ўтар кечаси Тошкент кенгашининг полк, рота ва қўмондонлик қўмиталари иштирокида бўлиб ўтган қўшма мажлисида 28 октябр куни эрталаб қуролли қўзғолонни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди ва бу қўзғолон белгиланган вақтда содир бўлди. Бу вақтда 2500 кишидан иборат ишчилар дружинаси ва шаҳар гарнизонининг бир қатор ҳарбий қисмлари Тошкент кенгаши томонида эди[1].

Қуролли тўқнашувда маҳаллий аҳоли амалда иштирок этмади, дейиш мумкин[2]. Тўрт кечаю тўрт кундуз давом этган қонли жангларда, ҳақиқатда, европалик қуролланган ишчилардан иборат бир неча минг киши иштирок этди. Улар орасида Тошкент ҳарбий билим юртининг ўқувчилари, аскар ва зобитлар иштирок этди. Шаҳарнинг туб ерли аҳолиси (асосан ўзбеклар) эса асос эътибори билан бетараф позицияда турди. Шаҳар кўчалари ва майдонларида авж олиб кетган шафқатсиз жанглар қўзғолон кўтарганлар ғалабаси билан тугади. 1917 йил 1 ноябрида Тошкентда совет ҳокимияти қарор топди. Бироқ ғалаба кўп қон тўкилиши эвазига амалга оширилди. Кўча жанглари вақтида фақат советлар тарафдорларидан 80 га яқин киши ҳалок бўлди. Аввалги ҳокимият тарафдорлари эса бундан ҳам кўпроқ талофат кўрдилар[3]. Тошкентдаги ана шу жангларда ҳалок бўлганлар

---

[1] *Вахабов М.Г.* Ташкент в период трех революций. — Т., 1957. С. 252.

[2] Ҳар иккала томондан кўча жангларида ҳаммаси бўлиб бир неча юз киши қатнашган, бу Тошкентда жанг қилганларнинг фақат бир неча фоизини ташкил этарди.

[3] *Вахабов М.Г.* Кўрсатилган асар. 258-бет.

сони Петроградаги октябр тўнтариши вақтида ҳалок бўлганларнинг умумий миқдоридан кўп марта ортиқ эди. Шундай қилиб, Тошкент большевиклари ва сўл эсерлари шаҳарда бўлиб ўтган қуролли қўзғолон кунларида бегуноҳ ҳалок бўлганлар қони эвазига ҳокимият тепасига келдилар.

Қуролли қўзғолон натижасида Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси ағдарилди, янги ҳокимиятнинг ўлка органи эса дарҳол тузилмади. Унинг вазифасини дастлабки пайтларда Тошкент кенгаши бажариб турди, у 1 ноябрда ўлкадаги барча кенгашларга телеграмма юбориб, унда «Бутун ҳокимиятни советлар қабул қилди. Ҳокимиятни ўз қўлингизга олингиз», дейилган эди. Агар Петроградда ҳокимият тўғрисидаги масала дарҳол Советларнинг II Бутунроссия съездида ҳал қилинган бўлса, Туркистонда ҳали Тошкентдаги Октябр тўнтаришида иштирок этган партиялар ва ташкилотлар ўртасида, шунингдек, ҳокимиятнинг советларга ўтишига қарши чиққанлар ўртасида ҳокимият учун жиддий кураш олиб борилиши лозим эди. Қарши чиққан партиялар ва ташкилотлар, шу жумладан, миллий партиялар ва ташкилотлар оз эмас эди. Тошкентда бўлиб ўтган Октябр тўнтаришидан кейин уларнинг сони бир неча марта ортиб кетди. Ўлка мусулмонлар кенгаши билан бир қаторда Тошкентдаги октябр тўнтариши бошланмасдан олдин бунга қарши чиққан қирғиз депутатлари ўлка кенгаши, мусулмон депутатлари Фарғона вилоят кенгаши, туб аҳолининг бошқа кўпгина ташкилотлари ҳам ҳокимиятнинг советларга ўтишига қарши бутунлай салбий муносабат билдирдилар.

Ҳокимиятнинг советларга ўтишини таниқли мусулмон жамоат арбоблари: Убайдулла Хўжаев, Султонбек Хўжанов, Мустафо Чўқаев, Ислом Султон Шагиаҳметов ва бошқалар ҳам қатъиян қораладилар. Улар Тошкентда ҳокимиятни большевиклар ва сўл эсерлар босиб олишига қарши норозилик билдириб, ҳокимият келгинди аҳолига эмас, балки маҳаллий аҳолига тегишли бўлиши, Туркистон халқлари ўз тақдирларини ўз қўлларига олишлари лозим, дедилар. Ўлкада чиқиб турган «Улуғ Туркистон» номли мусулмон газетаси Тошкентдаги октябр тўнтаришидан кейин орадан кўп ўтмай «европалик» аҳоли орасидан чиққан экстремистларга ҳокимиятни топшириб қўйиш мумкин эмас, «Туркистонда ҳокимиятни ўз қўлимизга олишга биз даъвогармиз», деб ёзди[1]. Миллий сиёсий ташкилотларнинг талабларида ва мусулмон етакчиларининг нутқларида ҳам ўлка халқларининг нуқтаи назари, уларнинг Туркистондаги ҳокимият масаласига муносабати ўз аксини топган эди.

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 11 ноябр.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Султонбек Хўжанов (1894—1938) — давлат ва сиёсат арбоби.

Султонбек Хўжанов 1894 й. Сирдарё вилоятининг Туркистон туманида (ҳозирги Чимкент вилояти) кўчманчи қозоқ чорвадор оиласида туғилди. У Туркистон шаҳрида рус-тузем мактаби ва уч йиллик шаҳар билим юртини туғатди, сўнгра Туркистон ўқитувчилар семинариясида ўқиди. У маҳаллий миллат ёшлари иштирокида тузилган «Кенгаш» яширин ташкилотининг асосчиларидан бири эди (1915—1917). Бу ташкилот чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борди. У 1917 й. августидан бошлаб Тошкентда чоп этилган «Бирлик туғи» газетасининг муҳаррири бўлди.

Ўлкада Совет ҳокимияти зўрлик йўли билан ўрнатилгач, С.Хўжанов дастлаб маориф соҳасида ишлади. 1920 й. у Сирдарё вилояти инқилобий комитетининг раиси қилиб тайинланди. С.Хўжанов фаолиятида 1920—1924 й. алоҳида ажралиб туради. Айнан шу даврда С.Хўжанов Туркистон АССР ички ишлар (1920—21), Маориф (1921—22), ер ишлари халқ комиссари, Туркистон МИҚ раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

С.Хўжановнинг қатъий ва муросасиз фаолияти, Совет ҳокимиятининг Туркистонда ўтказаётган сиёсатини очиқ танқид қилиши Марказ сиёсий раҳбариятига ёқмас эди. 1923 й. июнда Москвада бўлган миллий республикалар раҳбарларининг кенгашида И.Сталин Туркистон раҳбарлари қаторида С.Хўжановни ҳам кескин қоралади.

С.Хўжанов Туркистондаги энг мураккаб масалалардан бири бўлган миллий масала ва миллий-ҳудудий чегараланиш билан жиддий шуғулланди. С.Хўжанов Ўрта Осиё Федерацияси ғоясини илгари сурди. Шу билан бирга у ҳудудий масалада фақат қозоқ халқи манфаатларини ҳимоя қилди. Шу сабабдан уни Ф.Хўжаев қаттиқ танқид қилди.

С.Хўжанов РКП(б) Қозоғистон ўлка комитетининг котиби (1925 й.) лавозимида бир йил ишлагач, Москвага чақириб олинди. Худди шу вақтда Қозоғистонда «хўжановчилик»ка қарши кампания авж олиб кетди. У 1928—1934 йилларда Москва ва Тошкентда турли масъул лавозимларда ишлади. Шу даврда у фан ва адабиёт, публицистика билан ҳам шуғулланди. 1928 й. унинг «Туркистон Совет автономиясининг ўн йиллиги» китоби нашр қилинди.

1937 й. 16 июлда С.Хўжанов қамоққа олиниб, мустабид тузум томонидан 1938 й. 8 февралда отиб ташланди.

Маҳаллий аҳоли большевиклар илгари сурган синфий кураш, пролетар инқилоби ва пролетариат диктатураси, бойлардан ер ва бошқа мол-мулкларини зўрлик билан тортиб олиш, яъни ўзгалар мол-мулкини ўзлаштириш, «адолатли социалистик жамият» барпо этиш ғояларидан жуда узоқда эди. Улар, айниқса, большевиклар тарғиб қилган даҳрийлик ғояларини қабул қилмади, бу ғоялар диндорларда (ўша вақтда маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммаси диндор эди) кескин норозилик туғдирди. Туркистоннинг таниқли жамоат арбобларидан бири Абдулла Раҳимбоев маҳаллий аҳолининг «инқилоб» ва большевиклар амалга ошираётган «социалистик жамият қурилишига доир тажриба»га муносабати ҳақида қуйидагича ҳаққоний фикр

билдирган эди: «Мусулмон аҳоли ҳар қандай янгиликдан қўрқар, социалистик инқилоб тамойиллари унга тушунарсиз эди, чунки булар аҳолининг европалик қисмидан келиб чиққан бўлиб, шубҳали ҳам эди. Мусулмон камбағаллари инқилоб вақтида ўзларини янгиликларга ғазаб-нафрат билан қарашга мажбур этган «рус озодлиги»нинг тугашини сабрсизлик билан кутишга мажбур этган кўплаб ҳолларга дуч келди»[1].

Маҳаллий аҳоли асосий оммасининг орзу-умидлари Россия империясининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш, мустақил демократик миллий давлат барпо этиш, асрий урф-одатлар, анъаналарнинг, бутун мусулмон турмуш тарзининг сақланиб қолишидан иборат эди. Бироқ «инқилоб» тўлқинида ҳокимият тепасига келган большевиклар ва уларнинг вақтинчалик иттифоқчилари бўлган сўл эсерлар Туркистон халқларининг иродаси ва истаклари билан мутлақо ҳисоблашмадилар. Ленин ҳукумати ва ўлкада унинг сиёсатини амалга оширувчи туркистонлик большевиклар ўлканинг мустамлака ҳолатини ўзгартиришни ва унинг халқларига енгиллик беришни мутлақо истамас эдилар. Бошқа партиялардан фарқли ўлароқ, маҳаллий большевиклар турли баҳоналар билан ҳокимиятни аҳолининг 95 фоизини ташкил этувчи маҳаллий аҳолига беришни, ҳатто улар билан бўлишиб олишни ҳам хоҳламас эди. Туркистонлик большевикларнинг тутган бу буюк давлатчилик йўли Тошкентда 1917 йил 15—22 ноябрда бўлиб ўтган советларнинг III ўлка съездида айниқса яққол намоён бўлди.

Съезд ишида 114 та делегат қатнашган бўлиб, улар орасида маҳаллий аҳоли вакиллари фақат бир неча кишидан иборат бўлди, яъни съездда маҳаллий аҳолининг ваколатли намояндалари деярли бўлмади. Шундай қилиб, ўлка ва унинг халқлари тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини большевиклар, сўл эсерлар ва барча турдаги менъшевиклардан иборат «европалик» аҳоли вакилларининг кичик бир тўдаси ўз қўлига киритди. Шу билан бирга съездда большевиклар фракцияси энг кучли фракция бўлди[2]. Натижада большевиклар ҳокимият масаласини амалда Туркистон халқлари вакилларининг съездда кенг иштирокисиз ҳал қилдилар. Бу масала юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. 16 ноябрда советларнинг III ўлка съездига у билан бир вақтда ўтаётган деҳқон депутатлари съезди ҳам қўшилди ва сўл эсерлар фракцияси билан бутунлай бирлашди, бу ҳол съездда большевикларнинг иттифоқчиси бўлган сўл эсерлар мавқеини анча-мунча кучайтирди, натижада меньшевиклар ва ўнг эсерлар мавқеи анча тушиб кетди. Съезднинг кун тартибида қуйидаги масалалар турар эди: ўлка

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 40-йиғма жилд, 14—19-варақлар.

[2] Государственный архив Российской Федерации (ГАРФ), ф. 393, оп. 2, д. 125, л. 25, 26.

ҳокимиятини ташкил этиш, жойларда ҳокимият тузиш ва Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш. Бу масалаларнинг энг асосийси ўлка ҳокимиятини ташкил этиш ҳақидаги масала эди.

Туркистон халқлари учун ғоят муҳим бўлган мазкур масала 1917 йил 12—15 ноябрда Тошкент шаҳрида «Шўрои Уламо» ташкилотининг етакчиси Шерали Лапин раислигида ўтказилган «Турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгаши»да[1] ҳам муҳокама қилинган эди. Ушбу кенгашнинг вазифаси «Туркистон ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиш эди. Кўриниб турибдики, бу масалани айни бир вақтнинг ўзида иккита анжуман — мусулмонлар анжумани ва, таъбир жоиз бўлса, «европаликлар» анжумани муҳокама қилган. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, улар бу муҳим масалага бутунлай қарама-қарши нуқтаи назардан ёндашганлар.

Кутилганидек, мусулмон ташкилотларининг кенгаши (съезди) мазкур масалани ҳал қилиш чоғида биринчи ўринга маҳаллий аҳоли манфаатларини қўйди ва айни вақтда ўлкадаги «европалик» аҳоли манфаатларини ҳам камситмади. Кенгаш қабул қилган резолюцияда кўрсатиб ўтилишича, ўлка ҳокимияти — «Туркистон ҳукумати қўмитаси» 12 кишидан иборат вакиллардан ташкил топиши ва унинг органи бўлган «Туркистон ўлка кенгаши»ни назорат қилиши лозим эди. Туркистон ҳукумати таркибига ишчи ва солдат депутатлари кенгашларидан ҳамда шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораларидан 3 тадан вакил ва ўлка мусулмон съездидан 6 вакил киритилиши кўзда тутилган эди. Туркистон ўлка кенгаши эса мусулмонлар съездининг 10 вакили ва советлар ҳамда шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораларининг 5 тадан вакилидан иборат бўлиши лозим эди[2]. Ўлка ҳокимият органларидаги жойларнинг мазкур тақсимоти маҳаллий миллат вакилларининг бирмунча кўпчиликни ташкил қилганлиги маҳаллий аҳолининг ўлкада кўпчилик эканлигини ҳисобга олинганида эди. Мазкур резолюция мазмунини мусулмон ташкилотлари кенгаши (съезди) советларнинг III съезди делегатлари эътиборига етказиш мақсадида Шерали Лапин бошчилигида комиссия тузди.

Мазкур топшириқни бажариш учун Шерали Лапин 1917 йил 18 ноябрда советларнинг III ўлка съездида мусулмон ташкилотлари кенгаши (съезди)нинг резолюциясини эълон қилди. Шундан кейин у айтдики, мусулмонлар совет ҳукумати томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига асосланиб, ўзларига бутун ҳокимиятни топширилишини талаб қилишлари ҳам мумкин эди, лекин улар «келгинди элементлар» вакилларининг ҳокимиятда қатнаши-

---

[1] «Улуғ Туркистон» газетаси мусулмон ташкилотининг мазкур анжуманини гоҳ «кенгаш», гоҳ «съезд» деб атайди.

[2] «Туркестанские ведомости». 1917, 21 ноября.

шига йўл қўйиб, уларга ён бермоқдалар. Пировардида Шерали Лапин бундай деди: «Мусулмонларнинг тутган йўли мустақил йўлдир, бу йўлни уларга Қуръон ва шариат қоидалари кўрсатиб берган. Шунинг учун улар рус сиёсий партияларидан бирортасига ҳам қўшила олмайдилар, лекин барча халқ ташкилотларига таяниб, Таъсис мажлисига олиб келадиган ҳокимиятни қўллаб-қувватлайдилар... Мусулмонлар рус инқилобининг халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ваъдасига ишонадилар»[1]. Шундан сўнг Шерали Лапин мусулмонлар кенгаши (съезди) номидан ўлкани идора қилишни ташкил қилиш ҳақидаги таклифларни маълум қилади. Бироқ советларнинг III ўлка съезди, мусулмонлар съезди, мусулмон ташкилотлари ўлка кенгаши (съезди)нинг ўлкани идора қилишни ташкил этиш ҳақидаги таклифларини бутунлай рад этди. Бунга сабаб, бу съездда маҳаллий ишчилар ва бошқа «меҳнаткаш аҳоли» қатламларининг вакиллари жуда озчиликни ташкил этганлигида эди. Шундан кейин Шерали Лапин советлар съездини ташлаб чиқиб кетади.

Шуни ҳам айтиш керакки, съезддаги айрим фракцияларнинг раҳбарлари ўлканинг раҳбар органлари таркибига маҳаллий аҳоли вакилларини озроқ миқдорда бўлса-да киритиш ҳақидаги таклифлар билан чиқдилар. Чунончи, социал-демократлар бирлашган фракциясининг раҳбари Россия социалистик инқилоб учун ҳали етилган эмас, айниқса Туркистон бу инқилоб учун етилмаган, деган фикрни айтган. Шу сабабли у ўз фракциясининг номидан «барча социалистик партиялар», шаҳар думалари ва ўлка мусулмонлари съезди вакилларидан коалицион ҳукумат тузишни, сўл эсерларнинг вакиллари «ўлканинг янги органи»да 18 та ўриндан 3 тасини «мусулмон пролетариати» вакилларига беришни, ўлка деҳқон депутатлари съезди таклиф қилган ўлка ҳокимиятини ташкил этиш масаласига доир лойиҳада ўлка кенгашида 34 та ўриндан 10 тасини мусулмон депутатларига бериш таклиф этилди[2]. Большевиклар ва максималистлар фракцияси ўлка ҳокимиятини ташкил этиш масаласида бошқа барча фракцияларнинг таклифларини барбод қилиб, съездга ўзларининг синфий ва буюк давлатчиликшовинистик руҳдаги декларациясини таклиф қилди. Бу декларацияга мувофиқ, Туркистондаги олий ҳокимият органи «ҳозирги вақтда Туркистон Ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгаши деб аталаётган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари ўлка кенгаши» ҳисобланди. Унга мудофаачи гуруҳларнинг, шунингдек, маҳал-

---

[1] «Туркестанские ведомости». 1917, 21 ноября.

[2] «Наша газета». 1917, 18 ноября; Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Архиви (ЎзР ПДА), 60-фонд, 1-руйхат, 1-йиғма жилд, 3—4-варақлар; Победа октябрской социалистической революции в Узбекистане //Сборник документов. — Т., 1963. Т. I. С. 577; *Вахабов М.Г.* Кўрсатилган асар. 263-бет.

лий аҳолининг вакиллари киритилмади. Сунгги масала юзасидан декларацияда «ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳокимиятининг олий ташкилотига киритиш мақсадга мувофиқ эмас» деб кўрсатиб ўтилган эди. Большевиклар ва максималистлар декларациясини ёқлаб 97 делегат овоз берди, 17 делегат бетараф қолди ва бир делегат унга қарши овоз берди.

Большевиклар билан максималистларнинг буюк давлатчилик-шовинистик руҳдаги резолюцияси Туркистон Ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгашининг (ХКК) таркибини шакллантириш жараёнида амалда рўёбга чиқарилди. Кенгашга 8 сўл эсер ва 7 большевик ҳамда максималист кирди. «Халқ комиссарлари» орасида кўп миллионли маҳаллий аҳолининг бирорта ҳам вакили йўқ эди. Ҳукумат бошлиғи қилиб Ф.И.Колесов сайланди. ХКК таркибига ҳам синфий нуқтаи назардан қатъий риоя қилинди. Унда кўпчиликни ишчилар эгаллашди, ҳолбуки, уларнинг улушига, юқорида айтиб ўтилганидек, ўлка аҳолисининг бир фоиздан ҳам камроғи тўғри келарди[1]. Биринчи ўлка совет ҳокимиятининг фарқ қилувчи хусусиятларидан бири яна шу эдики, унда қонун чиқарувчи орган Марказий Ижроия Қўмита (МИҚ) сайланмади.

Съезд большевикларнинг ташаббуси ва тазйиқи билан ўлкадаги янги ҳокимиятнинг раҳбар органи таркибига кўп миллионли маҳаллий аҳолининг бирорта ҳам вакилини киритмасдан, бу аҳолига нисбатан ўтакетган даражада адолатсизлик қилди, бу билан ҳокимият тепасига келган большевиклар чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини яна давом эттиришини тасдиқлади. Бундан ташқари, съезд большевикларнинг буюк давлатчилик-шовинистик сиёсати натижасида чоризм замонига нисбатан бир қадам орқага ташланди. Чунки чоризм замонида Туркистон халқларининг вакиллари Давлат Думасига сайланган эдилар ва Муваққат ҳукумат мавжуд бўлиб турган қисқа муддатли даврда улар Туркистон қўмитаси таркибига кирган эдилар.

Ҳатто, Туркистонга мухторият берилиши ҳақидаги мулоҳазалар Петроғраддаги муваққат ҳукуматга маълум эди. Муваққат ҳукумат бош вазири А.Ф.Керенский «Муваққат ҳукумат Туркистоннинг эҳтиёжларидан хабардор ва унга диққат билан қулоқ солади. Туркистонликлар Таъсис мажлиси қарорларини сабр-тоқат билан кутишларига тўғри келади», деган эди. Большевиклар эса, Туркистонга мухторият бериш у ёқда турсин, мусулмон аҳолига мутлақо ишонмайдиган, унинг манфаатлари ва орзу-умидларини назар-писанд қилмайдиган чинакам шовинистлар сифатида ўзларини кўрсатдилар.

Съезд ўзининг 1917 йил 22 ноябрда бўлиб ўтган охирги мажлисида жойларда ҳокимиятни ташкил этиш масаласини қараб чиқди. Шу масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 5—6, 7—28-варақлар.

жойлардаги бутун ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари кенгашларига берилади, деб кўрсатиб ўтилган эди. Бу билан съезд бутун ўлкада ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтиш жараёнини тезлаштирди.

Шу тариқа, большевиклар сўл эсерларнинг қўллаб-қувватлаши билан кўп миллионли маҳаллий аҳолининг амалий иштирокисиз, унинг фикри ва манфаатларини ҳисобга олмасдан туриб, Туркистонда октябр тўнтаришини амалга оширдилар, совет ҳокимиятини эълон қилиб, большевиклар тузумини ўрнатдилар. Лекин Туркистондаги миллий сиёсий ташкилотлар тақдирга тан бериб сиёсий курашни тўхтатмадилар. 1917 йилнинг охирига келиб ўлкадаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият шундан далолат берар эдики, Туркистон амалий жиҳатдан мухториятга эришиш арафасида турган эди.

4. ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ — МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБАСИ

Туркистон большевиклари ва сўл эсерлари мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган ҳуқуқини инкор қилиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини йўққа чиқардилар ва шу билан ўлка сиёсий ҳаётидаги кучларнинг келгусида мухолифатга айланишини олдиндан муқаррар қилиб қўйдилар.

Тошкентдаги Халқ Комиссарлари Кенгаши Туркистон мусулмонлари ваколатли съездининг мамлакатни идора қилишни ерли халқ қўлига топшириш ҳақидаги қарорини рад этганидан сўнг, «Марказий Шўрои Ислом» ташкилоти ҳокимият масаласини ҳал этиш учун мустақил ҳаракат бошлашга мажбур бўлди. Бироқ Тошкентда мустаҳкам жойлашиб олган совет комиссариати қизил қўшин кучига таяниб, миллий марказ деб ҳисобланган «Марказий Шўрои Ислом» ҳаракатига очиқдан-очиқ тўсқинлик қилди. Шундан кейин миллий марказ ўз ҳаракатини Қўқондан туриб давом эттиришга қарор қилди.

1917 йил 26 ноябрда Қўқон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди иш бошлади. Унда ўлканинг барча минтақалари ва кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакил ҳозир бўлди. Кун тартибига ўлкани бошқариш шакли, Туркистон Марказий мусулмонлар советини қайта сайлаш, Туркистон Таъсис мажлиси, милиция, молия ва бошқа масалалар қўйилди.

Мандат комиссиясининг аъзоси Т.Норбутабеков съезд қатнашчиларининг таркиби ҳақида ахборот берди. Бунга кўра съездда Фарғонадан — 100, Сирдарёдан — 22, Самарқанддан — 21, Бухородан — 4 ва Каспийортидан — 1 вакил қатнашаётган эди. Шунингдек, вилоят вакилларидан ташқари съездда «Шўрои Ислом», «Шўрои Уламо», мусулмон ҳарбийлари кен-

гаши, Ўлка яҳудийлар жамияти (Паолей Сион), маҳаллий яҳудийлар вакиллари қатнашдилар[1]. Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз чиқишида съезднинг ҳуқуқий жиҳатдан қонунийлиги ҳақида шундай деганди: «Съезд қарорлари шунинг учун ҳам катта мавқега сазоворки, унда Туркистоннинг овруполик аҳолиси вакиллари ҳам қатнашмоқда». М.Беҳбудийнинг таъкидлашича, ҳайъатни шундай тузиш керакки, унга турли мусулмон гуруҳлари билан бирга рус, яҳудий ва бошқа халқларнинг вакиллари киритилсин. Съездда қатнашаётган вакиллар бу фикрни қўллаб-қувватладилар. Сўзга чиққан кўқонлик вакил О.Маҳмудов «Ҳайъатни сайлашда вилоятлар бўйича эмас, балки алоҳида диний қарашлар ва миллий гуруҳларни ҳисобга олган ҳолда, яъни билимдон, уқувли ва ғайратли кишиларни танлаб олиш керак», деб алоҳида таъкидлади[2]. Муҳокамадан кейин 13 кишидан иборат ҳайъат сайлашга келишиб олинди. Очиқ овоз билан ҳайъат аъзолигига қуйидагилар сайландилар: М.Чўқаев, У.Хўжаев, Ю.Агаев, С.Акаев, С.Герцфельд, О.Маҳмудов, А.Ўразаев, И.Шоаҳмедов, Кишчинбоев, Камол Қози, Абдул Бадин, Тилиев, Каримбоев.

Съездда уч кунлик мунозарадан сўнг вакиллар Туркистоннинг бўлғуси сиёсий тузуми тўғрисида қатъий бир фикрга якдиллик билан келишиб олдилар. 27 ноябр куни кечаси соат 12 да 2 киши қарши бўлиб қабул қилинган қарорда, жумладан, шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис мажлисига ҳавола этади». Шундан кейин съезд «Туркистонда яшаб турган миллий озчилик аҳоли ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилади».

28 ноябрда ташкил топаётган мазкур давлатнинг номи «Туркистон Мухторияти» деб аталадиган бўлди[3]. Ҳокимиятни эса Таъсис съезди чақирилгунга қадар Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси қўлида бўлиши таъкидланди. Шунингдек, съездда Муваққат Кенгаш таркибига 12 кишидан иборат аъзолар сайлаш таклиф этилди. Халқ мажлиси таркибига сайланадиган 54 ўриндан 18 ўрин ўлкадаги турли европалик аҳоли ташкилотларининг вакиллари учун ажратилди. Бу эса учдан бир ўрин европалик аҳоли вакилларига тегишини билдирар эди.

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 8 декабр.

[2] «Туркестанский вестник». 1917, 9 декабря.

[3] «Улуғ Туркистон». 1917, 8 декабр; «Туркестанский вестник». 1917, 1 декабря.

Ўша давр матбуотининг гувоҳлик беришича, демократик руҳдаги бу съезд кескин тортишувлар асосида ўтган. Баъзи масалаларда турли сиёсий гуруҳларнинг бир фикрга келиши жуда қийин кечган. Ҳатто Шерали Лапин бошчилигидаги уламочилар вакиллари съезддан чиқарилган. Бироқ, ўзаро келишувлардан сўнг бир тўхтамга келиниб, уламочилар съездга қайтарилади. Ниҳоят, съезд қатнашчилари ўзаро баҳсларга чек қўйиб, сиёсий гуруҳбозликни тўхтатадилар. Натижада съездда Муваққат ҳукумат ташкил қилиниб, унинг аъзоларини сайлашга муваффақ бўлинади. Муваққат ҳукумат таркибига қуйидаги аъзолар сайланади:[1]



Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари. Қўқон шаҳри.
1917 йил ноябр — 1918 йил феврал.

1. М.Тинишпаев — бош вазир, ички ишлар вазири, II-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, муҳандис.

2. Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) — бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. Мустафо Чўқаев — ташқи ишлар вазири, Туркистон Мусулмонлар Шўроси Марказий қўмитасининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши МҚ аъзоси, ҳуқуқшунос.

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 13 декабр.

5. Юрали Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Маҳмудов — озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар думасининг раис ўринбосари, тоғ-кон саноати муҳандиси.

7. Абдураҳмон Ўразаев — ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.

8. Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири, ҳуқуқшунос.

Муваққат ҳукумат таркибига 12 аъзо ўрнига 8 киши сайланганлигининг сабаби яна тўрт киши — европалик аҳоли вакиллари ичидан номзодлар кўрсатилгач, қайд этилиши кўзда тутилган эди.

Съездда, шунингдек, Халқ Мажлиси аъзолари ҳам сайланди. Халқ Мажлиси раиси лавозимига сайланган «Шўрои Уламо» раҳбари Шерали Лапин бу таклифни рад этди. Халқ Мажлиси таркибига съезд томонидан қуйидаги аъзолар сайланди: Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошпулатбек Норбўтабеков, Садриддин Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов, Исматулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Саид Жаъфарбой Саидов, Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов, Абдураҳмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Юрали Агаев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдулқодир Қўшбегиев, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбой Қорабеков, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дербисалин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Давлетшин, Муҳаммаджон Тинишпаев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Камолқози Раҳмонбердиев, Алихонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров[1].

Туркистон Мухторияти ташкил бўлганидан кейин, 1917 й. 5 декабрда Оренбургда қозоқ тараққийпарварларининг II Умумқозоқ съезди бўлиб, унда «Алаш-Ўрда» автоном республикаси тузилганлиги эълон қилинади ва янги ҳукумат таркибига Муҳаммаджон Тинишпаев сайланади. М.Тинишпаев «Алаш-Ўрда» ҳукумати ишини йўлга қўйиш мақсадида Семипалатинскка (янги ҳукумат Семипалатинскни пойтахт деб эълон қилган эди) кўчиб кетади. Шу муносабат билан Туркистон Мухторияти бош вазири лавозимига Мустафо Чўқаев сайланади.

«Алаш-Ўрда» автоном республикаси 1920 й. март ойида совет ҳукумати томонидан тугатилди.

Бу улкан аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеани «Улуғ Туркистон» газетаси шундай шарҳлайди: «Большевиклар ҳукуматининг бошлиғи Ленин ҳам сўнгги фармонида Россияда яшаган миллатларга ва, шул жумладан, қозоқлар ила Туркистон мусулмонларига мухторият эълон қилиб, ўз ишларини қўлларига олурға мумкин бўлганлиғини баён этди. Шунликдан букун Тур-

[1] «Эл байроғи». 1917, 9 декабр; «Улуғ Туркистон». 1917, 18 декабр.

кистон съездининг Туркистон Мухториятини эълон қилиши ҳам халқ, ҳам марказ ҳукуматининг тилагига хилоф тугулдир. Зотан, сўнгги вақтда майда миллатлар ҳаммаси мухторият эълон қилиб ёталар. Нуфуслари бошқаларга қарағанда юздан етмиш беш бўлғон (75 фоиз) миллатлар ерлик мухторият эълон қилурға ҳақли эдилар. Сўнгги қоидаларға кўра юздан олтмиш ташкил қилган (60 фоиз) миллатларда мухторият эълон қилувға ҳақлик санала бошладилар. Ҳол шу ила юзга ташкил қилган (95 фоиз) Туркистон мусулмонларининг мухторият эълон қилишиға ҳақлари борлиғин ҳеч ким инкор қила олмаса керак. Биздан вакил чиқарилған эди ва ёхуд биз бу ишни эртароқ кўрамиз деб кўришурда ўринсиз, ҳам мусулмон манфаатига хилофдур. Саккиз ойдан бери ерли Туркистоннинг мухторияти ҳақинда сўйлаб келиб, келубда бугун мухториятга қарши чиғалар ва ёхуд тасдиқ этмасдан монеъ бўлувға экан, бу иш мусулмонларнинг бутун орига ва иймон ва эътиқодлариға қарши болта чопадиган сўз бўлажакдур. Мусулмонлар букун мухторият эълон қилар экан, бунинг ила ҳеч кимнинг ҳуқуқига тегмаслар, бу билан Туркистон Русиядан асло айрилмай, балки унинг бир мустақил аъзоси бўлиб қолади. Туркистонда яшаган рус, яҳудий, армани ва бошқа ҳар миллатга ўзининг ҳақи берилар. Улар ҳам Туркистон Мухториятининг тенг ҳуқуқли бир аъзоси бўлиб яшаяжаклар»[1].

Умуммусулмон съездининг 27 ноябрда Туркистон Мухториятини ташкил қилганлиги ҳақидаги қарори ўлка халқларини руҳлантириб юборди. Туркистон халқлари мухториятни қўллаб-қувватлаб митинглар, йиғинлар уюштирдилар. 1917 йилнинг 6 декабрида Тошкентдаги Жомеъ масжидида ўтказилган митингда жами 60 минг киши қатнашган эди. «Улуғ Туркистон» газетасининг хабарига кўра, «Масжиднинг ички саҳни ва томлари одам билан лиқ тўлган». Митинг Саидғани Маҳмуд раислигида ўтган. Мунаввар Қори, Мулла Одил, Шерали Лапин ва бошқалар унинг ўринбосарлари эди. Газетанинг таъкидлашича, йиғилганлар мухториятни бир овоздан маъқулладилар ва бундан буён Туркистонда ана шу Муваққат ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан олмасликка қарор қилдилар. Шундан кейин 60 минглик митинг «Омин, Аллоҳу акбар!» деб фотиҳа ўқиб, халқ кенгашига содиқ қолишга қасамёд этган. Митингда сўзга чиққанлар совет ҳокимиятига муносабатларини ҳам билдиришди. «Улуғ Туркистон»нинг ёзишича, Халқ Комиссарлари Кенгашининг шаҳар думасини тарқатиб юбориш ҳақидаги буйруғи «бугунги кунда мутлақо мумкин бўлмаган ҳодиса» деб баҳоланган. Чунки, «300 минг киши номидан демократик йўл билан тўрт босқичли сайлов ҳақидаги қонунга мувофиқ сайланган Тошкент Думаси аъзо-

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 8 декабр.



یاشاسون ترکستان مختاریتی!

ترکستان مسلمانلاری نگ دورتونچی فوق العاده قوروللتای
ترکستان اولکه سیده بولغان خلق لار نگ خواهش
لری بوینچه بیوک روسیه انقلابی طرفیدن برلیگان اساسلرگه
بنا فیدیرالیستیک اساسیگه قورولغان روسیه جمهوریتی ایله
برلیکده قالغانی حالده ترکستانني یرلیک مختاریتلی یعنی
« تیریتوریالنی آفتانومیه لک » اعلان قیلادور .
بو مختاریت نگ شکلنه صورتده وجوده قویلماغینی یاقن آراده
یغیلادورغان عموم ترکستان خلقی نگ اوچریدیتلینی صابر ایتیگه
(ترکستان مجلس مؤسسانی) گه تاپشورادور .
شونگ ایله برابر ترکستان اولکه سیده اقلیت تشکیل قیلغان
ملت لرنگ حقوقلری نگ هر جهتدن ساقلانیلماغینی هم طنظنه لی
صورتده بیان ایتیه دور . « شهر خوقند »
هجریه ۱۳۳۶ سنه ۲۵ صفر پنجشنبه میلادیه ۱۹۱۷ ۲۷ نویابر

Туркистон Мухторияти ташкил топганлиги тўғрисида баёнома.

лари ўрнига 700—800 солдат ва ишчилар Александров паркида сайлаган 4—5 комиссар билан алмаштирилган, холос»[1]. Айни пайтда митингда сўзлаган нотиқлар Туркистон Мухториятига қарши чиққан ва мусулмон бойлари мулкларини мусодара қилишни талаб қилган мусулмон ишчилари ва уларнинг касаба уюшмасини танқид қилдилар. Уларнинг фикрича, «мусулмон ишчиларнинг рус большевиклари билан яқинлашуви мусулмонларнинг манфаатига зиддир».

Митинг якунида бир овоздан ушбу қарор қабул қилинди: «Биз мусулмонлар синф ва даража айирмаларига қарамасдан, Туркистон Мухториятини олқишлаган ҳолда, Қўқондаги фавқулодда съезд тарафидан эълон этилган Туркистонда халқ ҳукуматини вужудга келтирув ҳақидаги қарорга бутун вужудимиз бирла қўшилиб, ишонамизки, буюк Русия революцияси тарафидан эълон этилган ҳокимияти... Туркистон халқининг тарафидан бир оғиздан баён этилган тилагига қўшилур, ҳам бирга истиқлол йўлида қадам босишда ва ўз кунимизни ўзимиз кўра бошлашда ёрдам этар. Шунга иймон этган ҳолда биз ўлкадаги ҳамма мусулмонларни мухториятли Туркистон ҳукумати атрофида жипслашиб, ҳозирги ўлка идораси бошида бўлиб турган муваққат ташкилотлар билан қандай бўлмасин душманларча муомала қилувдан сақланишга даъват қиламиз. Туркистон Мухторияти амалий суратда тезроқ вужудга келиши учун тинч ва тотувликни сақлашимиз керак. Тоинки, шунинг орқасинда ўзаро уруш ва бугундан эътиборан ҳур бўлган Туркистоннинг бир туғон каби халқларимиз орасида гуноҳсиз қон тўкилмасин.

Яшасун мухториятли Туркистон!»[2]

1 декабрда Наманган уездида 100 мингга қадар киши иштирок этган намойиш бўлиб ўтди. Унда намойишчилар байроқларига «Яшасун мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!» деб ёзилган сўзлар ҳилпираб турар эди[3].

6 декабрда Жалолобод волостига қарашли Хонобод қишлоғида ҳам мухторият эълон этилиши муносабати билан намойиш ўтказилди. Бир неча мингдан ортиқ киши Фозилхон мозоридан то бозорга қадар йиғилиб турди. Намойишда Абдулла эшон ва Ҳусейн Валидий сўзга чиқиб, халққа мухториятнинг ташкил этилиши, мақсадларини тушунтиришди.

7 декабрда Қўқон шаҳрининг 42 жамоат ташкилотлари номидан йиғилган вакилларнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда кўп миллионли Туркистон халқига табриклар йўлланди[4].

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 8 декабр.
[2] Ўша жойда, 10 декабр.
[3] Ўша жойда, 13 декабр.
[4] Ўша жойда.

Самарқандда бўлиб ўтган вилоят Совети съездида йиғилганлар Туркистон Мухториятига қўшилишга қарор қилдилар ва Халқ Мажлиси таркибига 5 вакил сайладилар[1].

Каспийорти вилоятида ҳам съезд чақирилиб, унда Туркистон Мухториятига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Миллий матбуотда Туркистоннинг таниқли маърифатчилари, сиёсий ва жамоат арбоблари ўз мақолаларида мухториятни табрикладилар. Улар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Абдулҳамид Чўлпон, Ислом Шоаҳмедов, Мунаввар Қори ва бошқалар бор эди. Жумладан, Абдурауф Фитрат «Мухторият» номли мақоласида ички туйғусини қуйидаги сўзларда ифодалайди: «Туркистон Мухторияти... Темур ҳоқоннинг чин болалари ёнида, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан уғурли, мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмайман. Туркистон туркнинг қонини қайнатувчи, иймонни юксалтгувчи бир қувват бор эса ёлғуз шу сўзда бордур: Туркистон Мухторияти! Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остиға олинди — тўзумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйриғга бўйсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, иймонларимизма авраб сақладик: Туркистон Мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртғувчи жандарманинғ тепгуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулғанда, диндошларимиз осилғанда онгимиз йўқолди, миямиз бузулди, кўзимиз ёруқсиз қолди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушгун руҳимизни кўтармак учун шул қоп-қоронғу дунёнинғ узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди? Туркистон Мухторияти!»[2]

Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати Мавлуди шариф байрами куни, яъни 13 декабрни «Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни» деб эълон қилди ҳамда бу маблағ мустақиллик ва озодликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини билдирди. Мухторият ҳукумати аъзолари имзо чеккан «Мурожаатнома»да съезд қарорлари ва ҳукуматнинг яқин иш режалари хусусидаги маълумотлар билан бирга, бутун Туркистон аҳлига чақириқ ҳам бор эди. Унда, жумладан, қуйидагилар қайд этилди: «Туркистоннинг барча фуқаролари — мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчилар, аскарлар ва деҳ-

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1918, 7 январ.
[2] «Ҳуррият». 1917, 5 декабр.

қонлар, ўлкада яшаб турган барча элатлар ва халқлар, шаҳар ва земство бошқармалари, сиёсий, ижтимоий ва касаба уюшмалари, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасалар Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашиб, унинг зиммасига юкланган вазифаларни ҳаётга жорий этишда кўмак беришга чақиради. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ваҳимали урушлар гулдураги остида бутун жаҳонга ўт кетай деб турган бир маҳалда дунё халқлари ўз озодликларига замин яратадилар. Инсон қони билан тўйинган ер кўкларга қараб оҳ чекади ва ҳориган инсон кучсизланиб қонли қиличини қуйи солади. Одамзоднинг ақлсизлиги илоҳий онг олдида тан беради ва шундай кун яқинлашадирки, бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлиб, дунё халқлари мавжуд куч ила бузилган ҳаётни қайта барпо этишга киришадилар... Мана, энди занжирлардан халос бўлган Туркистон ўз ерига ўзи хўжайин бўлиб, тарихини ўзи яратажак вақт келди. Бизларнинг олдимизга қўйилган масалаларнинг ниҳоятда масъулиятли ва улуғворлигини англаган ҳолда, ўз ишимизнинг ҳақлигига жуда чуқур ишонган ҳолда биз Аллоҳу таолодан ўз меҳнатларимизга ривож сўраймиз ва ишга киришамиз»[1].

Худди ўша кунлари Тошсоветга Эски шаҳар аҳолиси номидан митинг ва намойиш учун ариза тушди. Тошсовет қарорига кўра, митинг ва намойиш Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўтказилиши маъқулланиб, Янги шаҳарда ўтказилишига рухсат берилмади. Туркистон большевикларининг нашрига айланган «Наша газета»нинг ахборотига кўра, «Тошсовет бу билан мусулмон аҳолисининг кенг оммаси рус аксилинқилобчи тўдаларининг найрангларига учиб, кўр-кўрона равишда жабрдийда бўлиб қолмаслигининг олдини олган»[2].

13 декабр куни эрталаб соат бешда эҳтимолдаги тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида ҳарбий қисмлар Ўрда яқинида Эски шаҳарга ўтиладиган йўлларни беркитди.

Шу куни эрта тонгдан Эски шаҳар байрам қиёфасида эди. Ҳар тарафдан, кўча ва торкўчалардан Шайхонтоҳур масжиди томон гуруҳ-гуруҳ одамлар оқиб кела бошлади. Соат 12 ларда кўп минг кишилик йиғин тўпланди. Ҳукмрон партияларнинг раҳбарлари ва Халқ Комиссарлари Кенгаши (Совнарком) аъзолари митингга қўшилди[3].

Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми ҳам гавжум эди. Эрта тонгдан бу ердан ҳам жуда катта гуруҳ «Туркистон ўлкасига мухторият!» шиори ёзилган байроқ билан кела бошлади. Бу, шаҳардаги рус жамоатчилиги вакиллари эди. Улар Шайхонтоҳур масжиди томон юриб, мусулмонларни табрикламоқчи эди. Ҳарбийлар уларни ўтказиб юборади. Соат 9 дан 30 дақиқа ўтганда

---

[1] ЎзР ФА Тарих музейи архивидан.
[2] «Наша газета». 1917, 15 декабря.
[3] «Улуғ Туркистон». 1917, 13 декабр.

Ўрда кўприги олдида яна бир тўда пайдо бўлади. Уларнинг сони 2—3 минг кишига етарди. Ҳарбийлар қон тўкилмаслиги учун буларни ҳам ўтказиб юборади. Улар ҳам Шайхонтоҳур масжиди олдидаги митинг сафига қўшилади. Намойишга мусулмонлардан ташқари руслар, яҳудийлар, арманлар, шунингдек, большевиклардан бошқа турли ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг вакиллари ҳам чиқишди. Тўпланганларнинг бошлари узра 100 га яқин қизил, мовий ва яшил байроқлар ҳилпирарди. Митингни Мунаввар Қори очди. У йиғилганларни муборак кун билан табриклади. Бу ерга йиғилган муллалар Қуръондан суралар ўқишди. Митингда турли ташкилот ва уюшмалар вакиллари нутқ сўзлади. Улар маърузаларида ўзларини халқ комиссарлари деб атаган большевикларнинг хатти-ҳаракатларидан норозиликларини билдиришди»[1]. Шу пайтда тўпланганлар орасидан бузғунчилар чиқиб, оташин нутқларида йиғилганларни қамоқхонага бориб, собиқ Муваққат ҳукумат комиссари Г.И. Доррер ва ҳибсдаги бошқа кишиларни озод қилиш, сўнгра ҳокимиятни қўлга олишга чақира бошлашди. Ана шу чақириқлардан таъсирланган бир гуруҳ митинг қатнашчилари умумий оммадан ажралиб чиқиб, Ўрда кўпригидан ўтиб, Москва кўчаси бўйлаб Янги шаҳар томон йўл олишди. Ҳарбийлар тўқнашув юз бермаслиги учун намойишчиларни ўтказиб юборишга мажбур бўлишди. Бироқ, Янги шаҳарга ўтгач, намойиш тинч юриш ҳолатини тезда йўқота бошлади. Намойишчилар орасидаги бир гуруҳ зобит ва амалдорлар шаҳар соқчилари бошлиғи Гудовични гаров учун қўлга олишди. Шундан кейин одамлар тўдаси қамоқхона томон юрди. Доррер ва Ивановлар озод этилди. Улар автомобилга ўтказилиб, намойишчилар кузатувида Кауфман боғига (ҳозирги Амир Темур хиёбони) йўл олишди. Солдатлар Доррер ўтирган машинани тўхтатмоқчи бўлганида оломон ичидан ўқ отила бошланди. Шундан сўнг солдатлар ўзларини тутиб туролмай, аввал милтиқлардан, сўнгра пулемётдан ўт очишади. Натижада эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлишади, Доррер ва Иванов эса большевиклар томонидан ушланиб, отиб ташланади.

Мухторият раҳбарлари бу воқеалар юзасидан махсус мурожаат қабул қилдилар, унда қуйидагилар таъкидланган эди: «Биз Халқ Мажлиси ва Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамиз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу ҳис-туйғуларини ҳақоратловчи бу воқеаларга қарши чиқамиз. Ана шу муносабат билан бизлар мамлакатда тартиб ва осойишталик ўрнатилиши учун зарурий чоралар кўрилиши йўлида барча кучларимизни ишга соламиз. Ҳозирча эса Туркистон халқидан собитлик ва хотиржамлик кўрсатишларини сўраймиз. Бу энг оғир кунлар-

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 16 декабр.

да мусулмонларнинг тинчликни сақлаб қолишлари ниҳоятда зарурдир»[1].

Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ўша заҳотиёқ Петроградга, Халқ Комиссарлари Кенгашига ўлка Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимини эгаллаб турган Колесовдан қуйидаги мазмунда телеграмма юборилади: «Қўқонда реакцион буржуазия томонидан тайёрланган мусулмонлар съезди Туркистон Мухториятини эълон қилди, энди вужудга келган Мухторият ҳукумати Туркистон пролетар оммаси томонидан тан олингани ҳолда, бор кучи билан ўлканинг айрим шаҳарларида мухториятни эълон қилишга тайёрланмоқда. Шу йил 13 декабрда Муҳаммад пайғамбар туғилган кунда Тошкентда мухторият эълон қилинди». Бу телеграммага Петрограддан: «Жойларда ҳокимият сиз ўзингизсиз, демак, сиз ўзингиз буйруқларни ишлаб чиқинг», деган мазмунда жавоб келади.

13 декабр воқеалари юзасидан ўлкадаги мавжуд газеталар ўзларининг сиёсий позициялари нуқтаи назаридан муносабат билдирдилар. Жумладан, большевикча руҳдаги «Наша газета» 13 декабр воқеаларини шундай шарҳлайди: «Қора кучлар айтишича, биз мухториятга қарши эмишмиз, биз фақат қоғозда мухторият тарафдори-ю, уни ҳаётга жорий этишга қарши эканмиз. Ахир, биз бир неча бор ўқувчиларимиз эътиборига, асосан мусулмон аҳолига... бизлар принцип жиҳатидан мухторият тарафдорларимиз, шу боис эзилган ва хўрланган мусулмон аҳолининг нафақат озод бўлишлари, балки мусулмон аҳолининг тездан фикрлари очилмоғи ва миллий иштиёқларининг амалга ошишига чин дилдан ҳаракат қиламиз». Ана шу муносабат билан «Халқ Комиссарлари Кенгаши махсус қарор қабул қилди ва уни Ижроия қўмитаси тасдиқлади. Бу ҳужжатга асосан Туркистонда Таъсис съезди чақирилади. Фақат унинг ўзигина Туркистон ўлкаси мухториятини эълон қилишга ҳуқуқлидир»[2].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сиёсий гуруҳлар, партияларнинг мухториятга бўлган муносабати бир хил эмас эди. Агар Туркистон эсерлари 1918 йил 8—10 январда бўлиб ўтган иккинчи съездида Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаб, Халқ Мажлисига ўз вакили Скомороховни юборишга қарор қилган бўлсалар, Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлиб ўтган митингда эса тошкентлик уламочилар Муваққат Мухтор ҳукуматни танқид қилиб, «улар шу вақтгача бизнинг манфаатимиз учун ҳеч нарса қилолгани йўқ», дея уни қўллашдан бош тортдилар. Бу хабар, «Улуғ Туркистон» рўзномасининг ёзишича, мусулмонлар орасида кенг тарқалиб, Туркистон Мухторияти масаласида фикрларнинг бўлинишига олиб келган. Митингда, Тошкентда алоҳида ўзига хос мухторият эълон

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1917, 20 декабр.
[2] «Наша газета». 1917, 15 декабря.

қилиниб, унинг номидан иш кўрилишига қарор қилинади[1]. Ислом ҳуқуқшунослари «Фуқаҳо» жамияти 8 январ куни ўзининг махсус мажлисида Тошкент уламочиларининг бу хатти-ҳаракатини «ақлга сиғмайдиган ва шариатга зид иш» деб эълон қилди[2].

Тошкент уламочиларининг Туркистон Мухториятини тан олмасдан, ўзларига алоҳида «Тошкент уламоси жумҳурияти» деган мухториятни ташкил қилишга қарор қилганликларидан хабар топган Фаргона уламолари йиғилишиб, Тошкент «Шўрои Уламо» вакилларига Умумтуркистон Иттифоқидан айрилмасликка чақирувчи мурожаатнома тайёрлаб, уни машҳур уламочи қўқонлик Мулло Камол қози билан марғилонлик Қосимхон қози орқали Тошкентга юборадилар. Мурожаатномада жумладан шундай дейилади: мустамлакачилардан «халос бўлмак учун Туркистон аҳли ва унинг вакиллари мухторият эълон қилдилар. Шундай муҳим ва масъулиятли вазиятда биз ихтилоф ҳолатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак Ватанимиз ва динимизни саломатлиги иттифоқ ва иттиҳоддадир»[3].

Туркистон Мухториятига муносабат тўғрисидаги масала 25 декабр куни Қўқонда ўз ишини бошлаган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съезди диққат марказида турди. Бир неча кунлик баҳслардан сўнг, съезд 1917 йил ноябр ойида Умуммусулмон съездида тузилган Туркистон Мухторияти вақтли ҳукуматини қўллаб-қувватлашга ва унинг таркибига мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари съезди вакилларини киритишга қарор қилди[4].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўша кунларда съездда В.Ленин ҳузурига махсус вакиллар юбориш масаласи ҳам муҳокама этилди. Зотан, совет ҳокимиятининг раҳбари шахсан ўзи туркистонликларга мухторият қандай бўлишини тушунтириб бериши умид қилинди. Бироқ съезд, сўнгги қарорига кўра, Петроградга Халқ Комиссарлари Кенгашига телеграмма йўллайдиган бўлди. 1917 йил 27 декабр куни юборилган телеграммада шундай дейилади: «Халқ Комиссарлари Кенгаши эълон қилган шиорлар Туркистонда жорий этилмоқда. Бутун Туркистон халқи иккала съездда (Умуммусулмон IV съезди ва мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съездида кўзда тутилган. — *Таҳририят*) Туркистон Мухториятини бир овоздан эълон қилди ва Туркистон Таъсис мажлисига ўлкани бошқаришнинг сўнгги шаклини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Барча шаҳарлар ва қишлоқларнинг турли ташкилотлари намойишлар ва қарорларида мухториятнинг эълон қилинишини қўллаб-қувватла-

---

[1] «Улуғ Туркистон». 1918, 10 январ.
[2] Ўша жойда, 11 январ.
[3] Ўша жойда, 16 январ.
[4] «Улуғ Туркистон». 1918, 4 январ.

яптилар. Сайланган Халқ Советида руслар ва европаликлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг 2 фоизини ташкил этса-да, биз томонимиздан 33 фоиз ўрин ажратилган, халқларнинг урушига чек қўйилиши, аннексия ва контрибуциясиз сулҳ тузилишига бир овоздан қўшиламиз. Мусулмон пролетариатининг фавқулодда съезди Халқ Комиссарлари Кенгаши томонидан Туркистон Мухториятининг мустаҳкамланиши учун ҳақиқий чоралар кўрилади, шу билан халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш тўғрисидаги шиорининг қатъийлиги ва бунга чин дилдан интилаётганлигини намойиш этади, деб ишонади. Туркистон мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съездида қабул этилган қарор ҳақида маълумот бериб, сизлардан Россия демократик республикасининг олий ҳокимияти сифатида Тошкент Халқ Комиссарлари Кенгашига ҳокимиятни Туркистон Муваққат ҳукуматига топшириш тўғрисида фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу билан сиз Туркистонни жуда катта фалокатга олиб келувчи анархия ва қўшҳокимиятчиликдан қутқарган бўлурдингиз»[1].

Мухториятчиларнинг эътироф ҳақидаги бу адолатли талабларини Бутунроссия мусулмонлари Миллий Совети қўллаб-қувватлади. Лекин марказий совет ҳукумати миллатлар ишлари бўйича комиссари И.В.Сталин 1918 йил 5 январда бу талаб хатига юборган жавобида: «Тошкентдаги Совет комиссариятини йўқ этиш ҳақида Петроградга мурожаат қилишнинг эҳтиёжи йўқ, агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан йўқота биласиз», деб ёзди. Сталин Туркистон Мухториятининг қўлида куч йўқлигини яхши биларди.

Тошкентдаги совет ҳукумати Туркистон Мухториятини ўзи учун хавфли деб билди ва қандай бўлмасин уни йўқотишга тайёргарликни бошлади. Улар Қўқондаги воқеаларни диққат билан кузатиб, унинг ривожига ўз таъсирини ўтказишга уриндилар. Жумладан, совет комиссари большевик П.Г.Полторацкий I фавқулодда съездда сўзга чиқиб, Туркистон ўлкаси советларининг навбатдаги съездида Туркистон Мухторияти масаласи кўрилишини маълум қилар экан, шундай деди: «Биз камбагалларнинг мухториятига қарши эмасмиз, аммо биз бойларнинг мухториятига қаршимиз. Биз мухторият учун курашар эканмиз, буржуазия қўлидаги ҳокимиятни ўзимиз учун тортиб олганимиз йўқ, биз ишчи синфи ва камбағаллар учун тортиб олдик. Биз ҳокимиятни рус буржуазияси қўлидан мусулмон буржуазияси қўлига топшириш учун тортиб олганимиз йўқ. Ҳокимиятни биз ишчи ва солдат депутатлари совети учун олдик. Биз мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга қўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз»[2].

---

[1] «Ишчилар дунёси». 1918, № 2. 22—23-бетлар.

[2] История гражданской войны в Узбекистане. — Т.1, 1963. С. 126—127.

П.Полторацкий нутқидан сўнг фавқулодда съезд томонидан махсус қарор қабул қилиниб, унда шулар таъкидланган эди: «27 ноябрда бўлиб ўтган Умуммусулмон съездида Туркистоннинг мухторият деб эълон қилиниши муносабати билан ўлкада вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб, ўлка съезди шуни баён қиладики, бу съезд буржуазия съезди бўлди деган гапларнинг баъзи гуруҳлар томонидан тарқатилиши ҳақиқатга тўғри келмайди, зеро, 27 ноябрдаги съезд — Умуммусулмонлар съезди бўлиб, унда бутун аҳоли вакиллари қатнашди. Мазкур съезд мавжуд Советларга ва Туркистон Мухторияти ҳукуматига тўла ишончдадир, унинг таркиби ишчи ва деҳқонлар манфаати учун хизмат қилувчи тараққийпарвар зиёлиларимиз ҳамда диний тарбиячиларимиз — Қуръони шарифни ўргатувчи инқилобий домлаларимиздан иборат». «Ички ишларга» аралашишларни номақбул деб билган съезд «рус демократларини» «Шарқ халқларига мурожаатнома»да таъкидланган шиорларни амалда кўрсатиш ва унга риоя этишга чақиради»[1].

Вазият мухториятчилар фойдасига ўзгараётганини сезган большевиклар мухториятнинг, шунингдек, уни қўллаб-қувватлаган кишиларнинг шахсий ҳисобларидаги барча маблағни мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарди. 29 декабрда эса бутун ўлка бўйлаб қамал ҳолати эълон қилинди. Тошкент совети ва бошқа жойлардан Қўқон советига тинимсиз равишда ҳарбий мадад юборила бошланди. Натижада мухториятчилар билан большевиклар ўртасидаги кураш тобора кескин ва муттасил тус олиб борди. Жумладан, большевиклар Тошкент шаҳар Думасини тарқатиб, «Туркестанский вестник» газетасини ёпиб қўйдилар. Бу хатти-ҳаракатлар ўз навбатида, ҳар икки ҳукуматнинг бир-бирига мухолифлигини янада кучайтирди, ўртадаги муносабатлар жиддийлашиб, зиддиятли шаклга кира бошлади. Туркистон большевиклари раҳбарларидан бўлган И.Тоболин 1918 йилнинг 19—26 январида бўлиб ўтган Туркистон ўлка советларининг IV съездидаги нутқида мухториятга очиқдан-очиқ қарши чиқиб, «Мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Зеро, мухториятнинг энг биринчи шартига кўра бу ўлкадан ҳарбий қўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак. Агар биз мухторият тушунчасидан келиб чиқадиган ана шу асосий ҳолатни амалга оширсак, унда инқилоб биқинига зарба берган бўлур эдик, ўлкада эса яна аксилинқилобчилар ҳокимияти қарор топар эди», шунинг учун «Мамлакатнинг уруш ҳолатида эканлигини назарга олган ҳолда, бизлар мухторият ҳолатидаги ва ҳатто мустақил давлатни ташкил этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз», деб Туркистон Мухториятининг мавжуд эканлигини очиқдан-очиқ инкор этди.

---

[1] «Ишчилар дунёси». 1917, № 1. 18-бет.

Шунингдек, адолатсизларча муносабатга қарамасдан, Туркистон Мухторияти ҳукумати советларнинг IV ўлка съезди номига телеграмма юборади. Унда 1918 йилнинг 20 мартида «умумий тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида» Туркистонда Таъсис мажлисини чақириш тайёргарлиги борлиги маълум қилинади. Бу мажлисга вакиллар сайлашда мусулмон бўлмаган аҳолига 1/3 ўрин берилиши назарда тутилади. Телеграммада эътироф қилинишича: «Туркистон Таъсис мажлиси, халқларнинг барча орзу-истакларини амалга оширишга даъват этадиган, Туркистон Мухториятида ўлканинг оз сонли аҳолиси ва меҳнаткаш халқ ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган Россия инқилоби томонидан олдинга сурилган демократик қонун-қоидалар билан тўла келишган ҳолда демократияни ташкил этади». Ана шу муносабат билан Мухтор Туркистоннинг Халқ Мажлиси (Миллий Мажлис) яна бир марта Туркистон халқларига «Халқ Мажлиси томонидан мазкур ҳолатнинг (модданинг) ишлаб чиқилаётгани, ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан чоралар кўрилаётганини баралла маълум қилишни ўз вазифаси деб билади».

Бироқ Туркистон ўлка советларининг IV съезди Туркистон Мухторияти томонидан юборилган телеграммага эътиборсизлик билан қаради ва мухтор ҳукуматни ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳисоблаб, уларнинг бошлиқларини қамоққа олишга қарор қилди.

Қўқонда эса иш қизғин борарди. Халқ Мажлиси томонидан тасдиқланган Асосий қонунлар лойиҳасини тайёрлаш билан бир қаторда ўзбек, қозоқ, рус тилида бир неча оммавий нашрлар чоп этила бошлади. «Эл байроғи», «Свободный Туркестан» ва 1917 йил 13 декарда рус тилида чиқа бошлаган «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» нашрлари шулар жумласидандир. Бу оммавий нашрларни чоп этишда Мухторият ҳукумати ҳисобига ўтган Обиджон Маҳмудовнинг босмахонаси жуда қўл келди.

Шунингдек, Мухторият фаолиятини йирик маблағлар билан таъминлаш зарур эди. Потеляховнинг айтишича, яҳудийлар ярим миллион сўм беришган. Бундан ташқари, Наманган ва Андижон банклари 500.000 сўмдан пул ажратган. «Улуғ Туркистон» рўзномасининг хабар беришича, бунга эришиш осон бўлмаган. Мустафо Чўқаев бу шаҳарларга махсус келиб, миллий заёмни сотиб олишни тарғиб қилган. Большевиклар ҳукумати Туркистон банкларига қўйилган пулларни мусодара эта бошлагач, хусусий банк эгалари ўз пулларини Муваққат ҳукуматга беришга ва заём сотиб олишга ҳаракат қилишган. Ана ўша пайтда «Улуғ Туркистон миллий банки»ни ташкил этиш гояси юзага келган[1]. Бинобарин, ҳукуматни қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия маблағлари ҳам туша бошлади. Тўғри, улар миқдори кўп эмасди. Жумладан,

[1] «Улуғ Туркистон». 1918, 7 январь.

Жалолобод волости, Хонобод қишлоғининг Фозилхон мақбараси олдида бўлиб ўтган минг кишилик митинг қатнашчилари жами 500 сўм пул йиғишиб, Мухторият ҳукуматига юборишган.

Мухторият ҳукумати тўпланган бу маблағларни янги қонунларни ишлаб чиқиш ва уни чоп этишга, оммавий матбуотни қўллаб-қувватлашга, ҳукумат аскарларини таъминлашга сарфлади. Лекин бу маблағлар ҳали етарли эмасди. «Улуғ Туркистон»нинг ёзишича, январ ойининг бошларида аскарлар сони 1000 кишини ташкил қилган бўлиб, шу ойнинг охирига келиб ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев раҳбарлигида ҳарбий кўрик ўтказилган пайтда миллий қўшин сафи 2000 кишига етган. Миллий қўшинни боқиш, кийинтириш ва қуроллантириш учун катта миқдорда маблаг керак эди. Ана шундай қийин шароитда ҳам Қўқон Мухторияти Тошкент большевиклари ҳукуматига бўйсунмади ва иккала ҳокимият айни пайтда бир-бирини рад этувчи қонунлар қабул қилди ва бажарилишини талаб этди. Туркистонда икки ҳокимиятчилик юзага келган эди.

Мухториятчилар 29 дан 30 январга ўтар кечаси оқ гвардиячилар ёрдамида инқилобий қўмита жойлашган Қўқон қалъасига ҳужум уюштириш билан бир қаторда телефон станциясини ҳам эгаллаб олдилар. Аммо Қўқон ҳарбий инқилобий қўмитаси телеграф ва телефон алоқаси узилгунга қадар содир бўлаётган воқеа тўғрисида Тошкентга хабар бериб, ҳарбий ёрдам сўрашга улгурган эди. 31 январ кечаси соат учда Фарғонадан тўртта замбарак ва тўртта пулемет билан қуролланган 120 (айрим маълумотларга қараганда 146) кишилик ҳарбий қисм етиб келди. Шу туннинг ўзидаёқ инқилобий қўмита Мухторият ҳукуматига талабнома йўллаб, кундузги соат учга қадар қурол-яроғни топшириш, ваколатларидан воз кечиб, совет ҳукуматини тан олиш шартини қўяди. Мухторият ҳукумаги аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қолдирдилар. Шундан кейин инқилобий қўмита Мухторият аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқаради.

Лекин, 18 февралда «Уламо» жамияти ташаббуси билан Мухториятда тўнтариш юз беради. Мустафо Чўқай ўғли бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилади ва ҳукумат бошқаруви Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи Кичик Эргашга ўтади. 18 февралдан 19 февралга[1] ўтар кечаси Тошкентдан ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан қуролланган қўшин етиб келди. Перфильев шаҳарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 феврал куни эрталаб Эргашга талабнома йўллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Қўқон шаҳрини 12 замбаракдан ўққа тутди. Кундуз соат бирда бошланган ўқ ёмғири шомгача шаҳарни вайронага айлантирди. Аммо

---

[1] 1918 йил 1 февралдан бошлаб кунлар янги сана бўйича кўрсатилади. Чунки Совет ҳокимиятининг декрети билан 1918 йил 31 январдан кейин 1 феврал эмас, балки 14 феврал деб ҳисобланди.

шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмадилар. Ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя қилдилар. Шаҳарни қизил гвардиячилар, австро-венгер ҳарбий асирлари ва арман бирлашмалари (дашноқлар)дан ташкил топган совет қўшинлари ҳужумидан уч кун ҳимоя қилдилар. Аммо тинч йўл билан ҳокимиятни олишга ишонган Туркистон Мухторияти ўзини ҳимоя қилишга қодир эмас эди. Чунки улар яхши қуролланмаган бўлиб, уларнинг қуроли асосан таёқ, болта, кетмон, ошпичоқдан иборат эди. «Туркистон — туркистонликлар учун» шиори билан чиққан мухториятчилар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Вилоятлардан эса уларга ёрдам келмади. Яхши қуролланган совет қўшинларининг тажовузкорона ҳужуми натижасида «Қўқонда даҳшатли манзара ҳосил бўлди». Бегуноҳ тинч аҳоли, болалар, аёллар, кексалар ҳалок бўлдилар. Қизил гвардиячилар, айниқса, арман дашноқлари кўп ваҳшийликлар қилиб, шаҳарни талон-торож қилдилар.



Туркистон Мухторияти қизил аскарлар томонидан тор-мор қилингандан сўнг Қўқон шаҳрининг кўриниши. 1918 йил феврал.

Шу тариқа, қадимги маданий марказ ва бой савдо шаҳри бўлган Қўқон таг-туги билан вайрон қилинди ва кўп йиллар шу ҳолатда қолди. Мухторият ҳукумати большевикларнинг қизил гвардиячи отрядлари ва каллакесар арман дашноқлари[1] дружи-

[1] *Дашноқ* — 1890 йилда Тифлисда ташкил этилган «Дашнакцутюн» («Иттифоқ») арман миллий партияси аъзоси. Дашноқларнинг бир қисми 1915 йилги турк-арман қирғинидан қочиб Туркистондан паноҳ топган эдилар.

налари томонидан ваҳшийларча тор-мор этилди. Маҳаллий аҳолининг асосий талаби ва орзуси бўлган миллий давлатчиликни демократик асосда барпо этиш учун қўйган илк амалий қадами большевиклар томонидан барбод қилинди.

Туркистон Мухторияти миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган халқ ва унинг илғор зиёлилари заковати ва иродаси заминида вужудга келган эди. Табиийки, зўравонлик, шовинизм билан қуролланган янги мустабид большевиклар режими миллий мустақилликка интилишнинг ҳар қандай кўринишига тиштирноғи билан қарши чиқди. Синовдан ўтган усул — халқни алдаш, шафқатсиз қириш, талаш бу гал ҳам ишга солинди ва эзгу ниятлар, катта мақсадлар билан юзага келган ҳаётбахш ғоялар куртаклигидаёқ эзиб ташланди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши туркистонликларни большевиклар режимига қарши ўз она Ватанларини ҳимоя қилиш учун қўлларига қурол олишга мажбур этди. Бу қуролли ҳаракатнинг моҳияти миллий озодлик анъаналарининг давоми бўлиб, истиқлол учун кураш эди. Ўша даврда ана шу умумхалқ курашининг моҳияти «Туркистоннинг Россиядан озодлиги учун!», «Золимларсиз Туркистон учун!», «Туркистон — туркистонликлар учун!» ва шу каби бошқа сиёсий талабларда ўз ифодасини топди. Аммо бу даврга келиб Қўқон Мухториятини тор-мор этиб ўлкада яккаҳукмрон бўлиб олган, куч ва қуролга таянган большевиклар Туркистонда советлар андозасидаги мухториятни ташкил этишга киришган эдилар.

5. СОВЕТЛАР «АНДОЗАСИ» АСОСИДА ТУРКИСТОН АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

«Қўқон фожиаси» шу ҳақиқатни яққол тасдиқладики, Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳукумати ва Туркистонда большевик Ф.И.Колесов раҳбарлигидаги ўлка Халқ Комиссарлари Кенгаши (ХКК) сўзда «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» ҳуқуқи учун жонбозлик кўрсатсалар-да, амалда «ягона ва бўлинмас Россия» учун кураш олиб борди ва бу борада чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини очиқдан-очиқ давом эттирди. Уларни ҳар қандай мухторият эмас, балки РСФСР таркибида совет мухторияти шаклидаги, большевикларга маъқул бўлган ва улар ҳомийлигида ташкил этиладиган мухториятгина қаноатлантирар эди. Большевиклар «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» тушунчасига ўта синфий мазмунни сингдириб, ўз тақдирини ўзлари белгилайдиган миллатлар иродаси билан ва мавжуд маҳаллий воқелик билан мутлақо ҳисоблашмадилар.

Бу, айниқса, 1918 йил 19—26 январда бўлиб ўтган ўлка

советларининг IV съездида Туркистон Мухторияти масаласини муҳокама қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Съезд делегатлари орасида оз миқдорда бўлса-да, маҳаллий миллат вакиллари ҳам бор эди. Туркистонга мухторият бериш масаласини муҳокама қилиш вақтида кескин мунозара авж олиб кетди. Съезд ишининг бориши ҳақидаги ахборотда маълум қилинишича, «сўзга чиққан нотиқлар асосан большевиклар ва байналмилалчи (байналмилалчи-меньшевик)лар партияларига мансуб бўлиб, масалалар ана шу икки партиянинг қарашлари нуқтаи назаридан ёритилган»[1] эди.

Большевик-делегатлар Туркистонга «пролетар мухторияти» берилиши учун жонбозлик кўрсатдилар, чунки «марказий ишчи-деҳқон ҳукумати» бу мухториятни тасдиқлашига ишонар эдилар. Шунинг учун ҳам ўлка большевиклари Туркистон халқларига, аниқроғи, уларнинг меҳнаткашлар оммасига совет андозасидаги мухторият берилишини астойдил ёқлаб чиқдилар. Айниқса сўзга чиққан байналмилалчи-меньшевик Павличенко буюк давлатчилик шовинизми масаласида большевиклардан ҳам ўзиб, «Биз мусулмонларга ҳеч нарса бермоқчи эмасмиз», деб очиқчасига гапирди. Тошкентлик байналмилалчи-меньшевиклар етакчиси ўзининг нутқида «Кенг демократик асосдаги мухторият»ни ҳимоя қилиб, айни вақтда уни дарҳол эълон қилиб бўлмайди, бунинг учун синчиклаб тайёргарлик ишлари олиб бориш кераклигини айтди. Мухторият эълон қилингунга қадар эса «ҳокимият вақтинча **рус инқилобий демократияси** (таъкид бизники. — *Таҳририят*) қўлида бўлиши лозим», деди. Сўл эсерлар вакили (Смотрова) эса, Туркистонга умуман мухторият берилишига қарши чиқди. Бунга асосий сабаб қилиб «мусулмон халқининг оми»лигини кўрсатди[2].

Съезд делегатлари орасида маҳаллий аҳоли вакиллари бўлсада, улар сўзга чиқиб мунозараларда қатнашмадилар, ўлкага қоғозда эмас, амалда, большевик-меньшевиклар тасаввуридаги мухторият эмас, балки ҳақиқий миллий мухторият берилиши лозимлигини талаб қилмадилар. Большевик-меньшевик ва сўл эсер делегатлари нутқларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда Туркистонга мухторият бериш зарурлиги сўзда эътироф қилинса-да, бу ишни дарҳол эмас, балки узоқ келгусида амалга ошириш мумкинлигини ёки уларга умуман берилмаслигини англаш қийин эмас эди. Айни вақтда, бу мухторият миллий тусда бўлиши, бу масалани халқнинг ўзи ҳал қилиши, ўлкага берилган мухторият меваларидан аввало маҳаллий халқ фойдаланиши кераклиги ҳақида лом-мим дейилмаган эди. Советларнинг III ўлка съездида бўлганидек, Туркистон халқлари учун ғоят муҳим бўлган ўлканинг мухторияти масаласи тор доирада-

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 25-варақ.
[2] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 27—30-варақлар.

ги «рус демократияси» вакиллари томонидан ҳал қилинди, амалда Туркистон халқларининг вакиллари иштирок этмади ва IV ўлка умуммусулмон съездида Туркистон Мухторияти эълон қилинган бўлса-да, уларнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинмади. Туркистон большевиклари ўлкада «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» сиёсатини советлар андозаси асосида амалга оширишга қаратилган йўлни қатъият билан олиб бордилар.

Мазкур масала юзасидан большевиклар фракцияси таклиф этган ва съезд қабул қилган резолюцияда жойларда ҳокимият советларга тегишли бўлиши лозим, деб айтилган эди. «Буржуа мухторияти» сифатида таърифланган Туркистон Мухториятига қарама-қарши ўлароқ большевиклар резолюцияси Туркистонда ҳали шаклланмаган «ўлканинг пролетар мухторияти»ни таклиф қилди, унга тайёргарлик кўришни «пролетариатнинг мусулмон қатламлари орасида синфий онгни кўтариш учун» касаба уюшмаларида ва советларда «мусулмон пролетар оммаси»ни ташкил этиш йўли билан бошлаш кераклигини уқтирди. Резолюцияда тўғридан-тўғри «биз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилини умуман социализмга бўйсундирамиз... Биз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини меҳнаткаш синфларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши сифатида тушунамиз»[1], деб кўрсатиб ўтилди. Шундай қилиб, съездда большевиклар «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» тамойилини «меҳнаткаш синфлар»нинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили билан алмаштирдилар, яъни «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» асосига бутунлай синфий тус бердилар.

Бундан кўриниб турибдики, октябр тўнтаришидан кейинги большевиклар режими ўрнатилган дастлабки кунларданоқ улар миллий сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири бўлган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқишгача бўлган ҳуқуқини эълон қилиб, мазкур инсонпарвар ҳуқуқни амалда рўёбга чиқаришга синфий ёндашиб, бу ҳуқуқни ўз тақдирини ўзи белгиловчи бутун миллат доирасида эмас, балки фақат «меҳнаткаш омма» қатлами билангина чегараландилар.

Мусулмон жамоатчилиги томонидан маҳаллий аҳолига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги кўп марта қилинган илтимосларига қарамасдан, большевиклар ва сўл эсерлар Туркистон халқлари учун ҳаёт-мамот ҳисобланган муаммога, яъни ўлкада миллий давлатчиликни барпо этиш масаласига буюк давлатчилик-шовинистик нуқтаи назаридан қарадилар, бу халқларнинг иштирокисиз, уларнинг орзу-умидларини ҳисобга олмасдан ўзларича ҳал қилдилар. Шу муносабат билан 1918 йил январда «Уламо» ташкилотининг етакчиси Шерали Лапин «рус социалистларига» мактуб билан мурожаат қилди, унда

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 31-варақ.

қуйидагилар таъкидланган эди: «Агар сиз, большевик фуқаролар, чинакам социалистлар бўлсангиз ва Туркистоннинг мусулмон халқига яхшилик истасангиз, унга ўз ҳаётини янгича демократик асосларда барпо этишига ёрдам беришингиз лозим. Сиз унга сиёсий эркинлик бердингиз, энди унинг мустақил равишда ўз тақдирини ўзи белгилаши учун имконият беринг»[1]. Советларнинг IV ўлка съездида Туркистон Мухторияти тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилиниши якунларига қараганда, большевиклар мусулмон жамоатчилигининг бу илтимосига мутлақо эътибор бермаганлар.

Миллий-давлатчилик қурилиши муаммоларига синфий ёндашув Россиянинг бошқа минтақаларидаги большевиклар учун ҳам, умуман бутун большевиклар режимига хос хусусият эди. РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг 1918 йил март-апрелда қабул қилган директиваларида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилганидек, мухториятни жойлардаги советлар негизида қуриш зарур, токи «Мухторият мазкур миллатнинг юқори табақаларига эмас, балки қуйи табақаларига ҳокимиятни таъминлаб берсин»[2]. Сталин бошчилик қилаётган Миллатлар халқ комиссарлиги шуни маълум қилдики, шўро ҳукумати жойларда вужудга келган ҳар қандай миллий давлат тузилмасини эмас, балки фақат советларга тегишли бўлган тузилмаларнигина эътироф этади. Мазкур халқ комиссарлиги ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда айрим халқларнинг миллий-давлат тузилиши ҳақида эмас, балки уларнинг ҳудудлари ҳақида гап борган. РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг «Қозон, Уфа, Оренбург, Екатеринбург советларига, Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари кенгашига ва бошқаларга» юборган мурожаатномаси ана шундан далолат беради. Уларда совет ҳукумати «Татар-Бошқирд ҳудудининг мухториятини эълон қилади... Қиргиз ҳудудини, Туркистон ўлкасининг ҳудудини мухторият деб эълон қилиш лойиҳалаштирилмоқда»[3], дейилган эди. Бу Россияда совет тасарруфидаги мухтор тузилмаларнинг ташкил этилиши чекка ўлкалар халқларининг ташаббуси билан эмас, балки юқоридан бўлган кўрсатма асосида ва РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг бевосита раҳбарлиги остида содир бўлган.

РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг бу директивaси, унинг номидан кўриниб турганидек, Туркистонга ҳам тўғридан-тўғри алоқадор эди. 1918 йил 20 мартда Тошкентдан РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигига телеграмма юборилади, унда «шошилинч равишда ички Россия мусулмонлари ишлари юза-

---

[1] *Абдуллаев Р.* Туркестанские прогрессисты и национальное движение //«Звезда Востока». 1992, № 1. С. 113.

[2] История Советской Конституции //Сборник документов. 1917—1957 гг. — М., 1957. С. 7.

[3] История Советской Конституции //Сборник документов. 1917—1957 гг. — М., 1957. С. 7.

сидан битта комиссарни юбориш, уни тўлиқ йўл-йўриқлар билан таъминлаш»[1] илтимос қилинган эди. Ана шу илтимосга жавобан Туркистонга совет ҳукуматининг Ўрта Осиё ва Чўл ўлкасидаги комиссари Н.А.Кобозев ҳамда РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг вакиллари — А.Ш.Клевлеев ва Х.Иброҳимов юборилади, улар Туркистон совет мухториятини тайёрлашда бевосита иштирок этадилар.

Марказ вакилларининг раҳбарлигида туркистонлик большевиклар совет мухторияти ғояларини кенг тарғиб қилишни авж олдириб юбордилар. Матбуот саҳифаларида, большевикларнинг йиғилишларида аҳолига ўлкага фақат совет асосларида мухтория берилиши, ҳокимиятга унинг «меҳнаткаш қатламларини кенг жалб қилиш, миллий тилни ва маданиятни ривожлантириш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни сақлаб қолиш ва бойитиш имкониятини, бутун ҳокимиятни тўла-тўкис халқнинг қўлига беради», деб ишонтиришга уриндилар.

Айни вақтда 1918 йилнинг баҳорида маҳаллий советларни қайта сайлаш юзасидан кенг тадбир ўтказилди, бунинг натижасида советлардан, бир томондан, эсерлар ва меньшевикларнинг вакиллари сиқиб чиқарилди, уларнинг ўрнини большевик депутатлар ва сўл эсерлар эгалладилар, иккинчи томондан, советларга «меҳнаткаш қатламлар»дан бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари жалб қилинди. Маҳаллий советларни қайта сайлаш натижасида маҳаллий миллат вакиллари Андижон кенгаши аъзолари орасида 50 фоизни, Наманган кенгаши аъзолари орасида 40 фоизни, Ўш кенгаши аъзолари орасида 30 фоизни ташкил этди ва ҳоказо. Фақат Тошкент кенгаши таркибида ўзбек «пролетариати»нинг 100 дан ортиқ вакили бор эди[2]. Шу муносабат билан П.А.Кобозев 1918 йил 16 апрелда РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашига йўллаган телеграммасида қуйидагиларни маълум қилди: «Тошкент пролетар парламенти сафларида оқ мусулмон саллалари сезиларли равишда кўпайиб қолди, унинг таркибидаги аъзоларнинг учдан бир қисмига етди»[3]. Маҳаллий советлар таркибида маҳаллий миллатлар депутатлари сони 1918 йил баҳоридаги қайта сайловлар натижасида қисман кўпайганлигини эътироф этган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайланган депутатларнинг умумий сонига нисбатан маҳаллий миллатлар депутатлари сони аввалгидек советларда мутлақо озчиликни ташкил этаётган эди. Шаҳар ва вилоят советларининг раҳбарлари орасида улар умуман йўқ эди. Яна шу муҳим нарсани ҳам унутмаслик керакки, сайланган депутатлар бутун маҳаллий аҳолининг манфаатларинигина эмас, балки фа-

---

[1] История Советской Конституции //Сборник документов. 1917—1957 гг. — М., 1957. С. 7.

[2] *Иноятов Х.Ш.* Октябрская революция в Узбекистане. — М., 1958. С. 300.

[3] ЎзР МДА, 25-фонд,1-рўйхат, 78-йиғма жилд, 5-варақ.

қат унинг «пролетар» қисмининг манфаатларини ифодалар эди. Маҳаллий аҳоли орасида эса «пролетар» қатлам мутлақо озчиликни ташкил қилар эди.

Шаҳарларда ишчи ва солдат депутатлари кенгашларини қайта сайлаш билан бир қаторда советлар Туркистон қишлоқлари ва овулларида ҳам кенг тарқала бошлади. 1918 йилнинг баҳорида Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган, Скобелев ва бошқа бир қатор уездларнинг кўпгина ҳудудларида бўлим ва қишлоқ кенгашлари ташкил этилди[1].

Туркистонда большевиклар режимининг қарор топиши ва мустаҳкамланиб боришига қараб халқ комиссарлари кенгаши ва маҳаллий советлар томонидан аввалги ҳокимият органлари — ижроия қўмиталар ва жамоат хавфсизлиги қўмиталари, шаҳар думалари ва земство маҳкамалари тарқатиб юборилди. Муваққат ҳукуматнинг уезд комиссарлари лавозимлари бекор қилинди. Жойлардаги ҳокимиятнинг бутун ваколатлари тўлалигича маҳаллий советлар қўлига ўтди. Шу билан бир қаторда миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар («Шўрои Уламо», «Шўрои Ислом» ва бошқалар) тарқатиб юборилди, газета ва журналлар, шу жумладан, «Улуғ Туркистон», «Изоҳ», «Изҳор ул-ҳақ» ва бошқалар ёпилди, бу нашрлар большевиклар режимини, унинг халққа қарши қаратилган хатти-ҳаракатларини фош этган эди. Шошилинч равишда янги ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий аппарати, даставвал унинг жазо органлари — фавқулодда комиссиялар, инқилобий трибуналлар ташкил этилди. Инқилобий трибуналлар бошқача фикрловчиларни, эркинлик ва демократияни бостиришда большевиклар режимининг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилди ва мустабид тузум тарихига кўпгина даҳшатли саҳифалар ёзди. Янги ҳокимият фармони билан ёпиб қўйилган газета ва журналлар ўрнига большевиклар измидаги ҳукумат органлари ва маҳаллий советлар органлари бўлган янги газета ва журналлар ҳамма жойда чиқа бошлади[2].

Шундай вазиятда 1918 йил 20 апрелда Тошкентда советларнинг V ўлка съезди очилди. Унинг ишида 263 делегат, шу жумладан, маҳаллий миллатлардан 50 делегат иштирок этди, бу эса делегатларнинг бор-йўғи 20 фоизидан кўпроғини ташкил этарди. Кўриниб турибдики, маҳаллий миллат вакиллари съездда мутлақ озчиликни ташкил қилган. Улардан икки нафари — Ҳусайн Иброҳимов ва Саъдулла Турсунхўжаев съезд ҳайъати таркибига сайланди. Делегатларнинг аксарияти большевиклар ва сўл эсерлар эди. Большевиклар 86, сўл эсерлар 70 киши эди[3]. Бинобарин, улар съезд ишининг йўналишини белгилаб бердилар. Съезд кун тартибида қуйидаги масалалар турарди:

---

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд, 51—52, 60-варақлар.
[2] Ў ш а ж о й д а.
[3] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 2-варақ.

Халқ Комиссарлари Кенгашининг маърузаси, саноатни национализация қилиш, очарчиликка ва ишсизликка қарши кураш, ҳозирги шароит, Туркистон совет мухториятининг эълон қилиниши муносабати билан комиссарликларни, ҳокимиятни қайта ташкил этиш ва бошқалар. Съезднинг асосий вазифаси Туркистон совет мухториятини эълон қилиш эди.

Бу мухториятнинг қандай бўлиши масаласи Марказнинг юқорида тилга олиб ўтилган директиваларида олдиндан ҳал қилинган эди. Марказнинг бу йўли совет ҳукуматининг бошлиғи В.И.Ленин ва миллатлар ишлари халқ комиссари И.В. Сталиннинг съездга йўллаган телеграммасида яна бир бор ўз ифодасини топди. Телеграммани делегатларга А.С.Клеблеев ўқиб беради. Телеграммада тўғридан-тўғри «Халқ Комиссарлари Кенгаши ўлкангиз мухториятини совет асосларида қўллаб-қувватлайди»[1] деб кўрсатиб ўтилган эди. Шундай қилиб, Москвадан келган ҳужжатда аслида ўлка мухториятининг қандай бўлиши ҳақида аниқ кўрсатма мавжуд бўлиб, съезд делегатларига РСФСР ҳукумати Туркистоннинг ҳар қандай мухториятини ҳам қўллаб-қувватламаслигини, фақат Марказга маъқул келадиган совет мухториятини қабул қилишини очиқчасига билдириб қўйган эди. Делегатлар учун Москванинг бундай кўрсатмасидан кейин Туркистоннинг совет мухториятини эълон қилишдан бошқа иложи қолмаган эди.

1918 йил 30 апрелда съезд «Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисида Низом»ни қабул қилди. Бу низомга кўра Туркистон ўлкасининг ҳудуди «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси» деб эълон қилинади. Унинг таркибига Туркистоннинг барча ҳудуди ўзининг географик чегараси билан киритилди, Хива билан Бухоро эса бундан мустасно эди. Туркистон республикаси мухторият тарзида бошқарилиб, ўзининг барча фаолиятини РСФСР ҳукумати билан мувофиқлаштирар ва уни эътироф қилар эди. Россия билан ўзаро муносабатларни белгилаш учун съезд 5 кишидан иборат комиссия сайлади.

Съезд биринчи марта олий қонун чиқарувчи орган — Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасини (ТуркМИҚ) 36 кишидан иборат қилиб сайлади. МИҚ аъзоларидан 18 киши большевиклардан, 18 киши эсерлардан эди. Аъзолар орасида мазкур партияларга мансуб бўлган маҳаллий миллат вакилларидан — Ҳ.Иброҳимов, Д.Мирзабоев, А.Ш.Шарафутдинов, О.Юсупов, Қ.Отабоев ва бошқалар бор эди. Бироқ улар озчиликни ташкил этарди. МИҚ раиси қилиб П.А.Кобозев, иккинчи раис қилиб большевик А.Ф.Солькин сайланди. Туб аҳоли вакиллари бўлмаган кишилар МИҚ раҳбарлари қилиб сайланган эди.

---

[1] В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане. — Т., 1957. С. 72.

Съездда Ф.И.Колесов бошчилигида 14 кишидан иборат халқ комиссарлари кенгаши ҳам (7 киши большевиклардан ва 7 киши сўл эсерлардан) сайланди. Туркистон ҳукумати таркибига биринчи марта маҳаллий миллат вакиллари О.Турсунхўжаев, Х.Иброҳимов ва Ашурхўжаев ҳам сайландилар. Съездда сайланган 14 халқ комиссаридан ташқари яна 2 халқ комиссари — темир йўллар ҳамда почта ва телеграф комиссарлари сайланди, съезд уларни «мазкур съезд тайинлаган идораларнинг бошлиқлари қилиб сайлади»[1]. Шундай қилиб, Туркистон Республикаси ҳукуматининг аъзолари қилиб ҳаммаси бўлиб 16 киши сайланди, улардан фақат уч киши маҳаллий аҳоли вакиллари эди, ҳолбуки, маҳаллий аҳоли ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этарди.

Шу тариқа, Москванинг кўрсатмаси билан Туркистонни совет мухтор республикаси деб эълон қилган советларнинг V ўлка съездига қадар бўлганидек, кўп миллионли маҳаллий аҳоли вакилларидан ўлкани бошқаришда иштирок этиши арзимас даражада қолаверди. Аввалгидек Туркистонни маҳаллий аҳоли вакиллари бўлмаган, большевиклар ва сўл эсерлар партияларига мансуб ишчилар, солдатлар, зиёлилардан чиққан тор доира вакиллари бошқаришни давом эттирди, улар ўзлари хоҳлаган тарзда, Марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўлка халқлари тақдирини ҳал қила бошладилар. Туркистон Автоном Республикаси ҳокимият тузилмаларига октябр тўнтариши натижасида ўрнашиб олган большевиклар ва умуман европаликларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан зўравонлиги ҳақида Туркистон Автоном Республикаси МИҚ раиси Абдулла Раҳимбоев советларнинг IX ўлка съездида (1920 йил сентябр) қилган маърузасида таъкидлаганидек, «...кўпгина ҳолларда ўша рус келгиндиси социалистик инқилоб шиорларини ўз фойдасига қаратиб, тинч маҳаллий аҳолини талашда давом этди»[2].

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Абдулла Раҳимбоев (1896—1938) — давлат ва жамоат арбоби.

Абдулла Раҳимбоев 1896 йилда Хўжанд шаҳрининг Раззоқи маҳалласида савдогар оиласида дунёга келди. 1910—1912 йилда у Самарқанддаги эркаклар гимназиясида, сўнгра Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида билим олди (1917). У 14 та тилни билган.

А.Раҳимбоев 1919 йилдан бошлаб совет идораларида хизмат қила бошлади. Туркистон АССР МИҚнинг раиси (1920—1922), Туркистон АССР Маориф халқ комиссари лавозимларида ишлади. Унинг онгига «коммунистик ғоя»ни сингдириш учун 1922 йилда у Москвага чақирилади.

---

[1] «Голос Самарканда». 1918, 12 мая.
[2] ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 627, л. 43.

Марказий ҳукумат қошидаги «тайёрлов»дан сўнг А.Раҳимбоев Бухоро Компартияси ва Туркистон КПнинг Марказий Қўмитаси котиби лавозимларида ишлади (1923—1924). Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказишда фаол қатнашди ва бу тадбирни қўллаб-қувватлади.

А.Раҳимбоев 1925 йилдан Москвада яшай бошлади. СССР халқлари Марказий нашриёти бошқармаси раиси лавозимида ишлади (1928). Сўнгра у Душанбега юборилди. Тожикистон ССР ХКнинг раиси (1934—1937) сифатида фаолият кўрсатди.

А.Раҳимбоев 1937 йилда қамоққа олинди ва 1938 йил 7 майда отиб ташланди.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, советларнинг V ўлка съезди қарорларига мувофиқ мухтор Туркистоннинг федерал ҳукумат билан ўзаро муносабатларини аниқлаш учун Москвага 5 кишилик комиссия юборилди, улардан фақат биттаси (Собиржон Юсупов) маҳаллий аҳоли вакили эди. Комиссия марказий ҳокимият вакиллари билан биргаликда ҳарбий, молиявий ва темир йўл тармоқлари соҳаларини марказлаштириш, давлат бошқарувининг бошқа тармоқларини Туркистон Республикасининг ўз ихтиёрига бериш, «маҳаллий аҳолига тааллуқли» бўлган айрим Марказ делегатларини ўзгартириш ҳуқуқини бериш тўғрисида битимга эришди[1]. Бироқ, Марказ эришилган битим шартларини мунтазам бузиб, Туркистон Республикасининг ички ишларига қўпол равишда аралашиб келди.

Кейинчалик Туркистон Автоном Республикасининг ҳуқуқлари янада торайтирилди. Туркистон Автоном Республикасининг 1918 йил октябрда советларнинг VI ўлка съездида большевиклар таҳририда қабул қилинган биринчи Конституциясида бошқарувнинг мудофаа, ташқи алоқа, темир йўллар, савдо ва молия каби энг муҳим соҳалари федерал ҳукумат тасарруфига берилди[2]. Конституция Туркистон Республикасининг синфий хусусиятини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унда кўрсатиб ўтилишича, советларга сайлаш ва сайланишга фақат «бошқалар меҳнатини эксплуатация қилмайдиган, меҳнат билан топиладиган даромадга яшайдиган шахслар: саноат, савдо ва қишлоқ хўжалигида ва бошқа соҳаларда банд бўлган барча турдаги ва тоифадаги ишчилар, хизматчилар, бойлик орттириш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган деҳқонлар, казаклар ва фуқароларнинг бошқа айрим тоифалари» ҳақли эдилар. Айни вақтда «меҳнатсиз даромад» ҳисобига яшайдиган шахслар, дин пешволари, роҳиблар, хусусий савдогарлар, тижоратчилар, тадбиркорлар ва ҳоказолар сайлаш ва сайланиш ҳу-

---

[1] ЎзР МДА, 1338-фонд, 1-руйхат, 627-йиғма жилд, 43-варақ.

[2] Конституция Туркестанской Республики Российской Социалистической Советской Федерации, принятая 6-м Туркестанским съездом Советов. — Т., 1918. С. 8—14.

қуқидан бутунлай маҳрум этилди. Шу тариқа, қонун йўли билан Туркистон жамиятининг кўпгина ижтимоий қатламлари ва тоифалари давлатни бошқаришда иштирок этишдан четлаштирилган эди. Съезд большевиклар билан сўл эсерлар ўртасидаги кескин кураш билан ўтди. Бу кураш пировард натижада 1919 йилнинг баҳорида сўл эсерлар партиясини тарқатиб юбориш билан якунланди. Ана шу вақтдан бошлаб большевиклар Туркистонда ягона ҳукмрон партия бўлиб олдилар, уларнинг Марказдаги партияси ҳам 1918 йилнинг ёзида шундай партияга айланган эди. Россия совет федерациясининг Туркистон Автоном Республикаси миллий республика эмас, балки ҳудудий республика эди. Чунки Марказ томонидан берилган автономия маҳаллий аҳолига эмас, балки ҳудудга берилган эди. Большевиклар эълон қилган совет асосларидаги Туркистон автономияси самараларидан биринчи навбатда кенг маҳаллий аҳоли эмас, балки энг аввало, маҳаллий аҳолининг жуда ҳам озчилигини ташкил қилган, «ҳукумат» партиялари бўлган большевиклар ва сўл эсерлар партиялари таркибига кирган «пролетар оммаси» қисмигина фойдаланди, холос. Большевиклар ва сўл эсерлар Туркистон Автоном Совет Республикасининг вилоятлар, шаҳар ва уезд советларида муҳим лавозимларни эгаллаган эдилар. Ҳукуматда ва маҳаллий кенгашларнинг раҳбар органларида ўринларнинг асосий кўпчилиги уларга тегишли эди. Маҳаллий аҳоли, шу жумладан, унинг «меҳнаткаш оммаси» бу ҳуқуқдан четда қолган эди. Большевиклар ва уларнинг вақтинчалик иттифоқчилари бўлган сўл эсерлар ўзларининг буюк давлатчилик-шовинистик сиёсатини Туркистон ҳаётининг барча соҳаларига ўтказдилар, шу асосда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирдилар. Ўлка халқлари ўзларининг миллий ижтимоий-сиёсий арбоблари бошчилигида буюк давлатчи-шовинистларнинг зўравонлигига ва уларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши, Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи учун, мухториятни миллий мазмун билан тўлдириш учун, мамлакатни бошқаришни ўз қўлларига олиш, ўлка маҳаллий аҳолисининг мустақиллиги учун қатъий кураш олиб боришлари лозим эди.

Бу кураш Туркистон Автоном Совет Республикаси эълон қилинган дастлабки кунларданоқ авж олиб кетди. Советларнинг V ўлка съездида ташкил этилган Туркистон Автоном Совет Республикасининг Миллатлар халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги бўлимлари маҳаллий аҳолини давлатни бошқариш ишларига жалб қилиш юзасидан катта ишлар олиб борди.

Мусулмонлар жамоатчилиги ва миллий ватанпарварларнинг дастлабки йирик ғалабаларидан бири Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати томонидан рус тили билан бир қаторда маҳаллий тилнинг давлат тили деб эълон қилиниши

бўлди. Бу ҳақдаги декретни бажариш юзасидан барча «масъул хизматчилар» «сарт тили»ни ўрганиш мажбуриятини олдилар[1]. Шунингдек, Туркистон Республикасининг «пролетар байрамлари» билан бир қаторда «Наврўз» ҳам миллий байрам сифатида эътироф этилди. Бу байрам 1920 йилдан эътиборан 22 мартда нишонлана бошлади. Шу муносабат билан МИҚнинг ички ишлар бошқармаси «Наврўз» байрами (баҳорнинг бошланиши) 22 мартда жорий қилинсин ва доимий байрам деб ҳисоблансин»[2], деб маълум қилди.

Миллий ватанпарварларнинг давлат ва партия органларига жойлашиб олган буюк давлатчи-шовинистларга қарши кураши 1919 йил баҳорида Ўлка Мусулмонлари бюроси ташкил этилганидан кейин янада уюшқоқлик ва собитқадамлик билан олиб борилди. Туркистон Компартияси (ТКП) ҳузуридаги мазкур бюро таркибида Т.Рисқулов (раис), А.Муҳиддинов, Н.Хўжаев, Ҳ.Иброҳимов, Ю.Алиев бор эди. Ўлка Мусбюроси ва унинг жойлардаги ташкилотлари Туркистон маъмурларининг буюк давлатчилик сиёсатини дадил фош қилиб, ўлкани бошқаришга маҳаллий аҳолини янада кенгроқ жалб қилишга даъват этдилар.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Турар Рисқулов (1894—1938) — Туркистон халқининг таниқли давлат ва жамоат арбоби.

Т.Рисқулов 1894 йил Еттисув вилояти Верний уездининг Шарқий Тўрғай волостида камбағал қозоқ чорвадори оиласида туғилди. Унинг отаси Рисқул Жилҳайдаров волост бошқарувчиси Учкемпировни ўлдиргани учун аввал Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳридаги қамоқхонага ташланади, сўнгра Сибирга сургун қилинади (1904—1905). Ёш Турар отасининг хоҳиши билан қамоқхонага кетади. У илк сабоқни турмадаги савод чиқариш мактабида олади. Сўнгра у Авлиёота уезди Мерки шаҳридаги рус-тузем мактаби ва Пишпек (ҳозирги Бишкек)даги қишлоқ хўжалик ўқув юртини тугатади (1907—1914). Т.Рисқулов 1914 йили Тошкентга келади ва турли юмушларни бажаради. У 1916 йилда чор Россиясига қарши кўтарилган миллий-озодлик курашида фаол қатнашди. 1916—1917 йилда Тошкент ўқитувчилар институтида ўқиди.

1918—1924 йиллар Т.Рисқулов ҳаётида асосий давр ҳисобланади. Шу йилларда у Туркистон Автоном Республикасида муҳим вазифаларни бажаради: Туркистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918—1919), Очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссияси раиси (1918—1919), РКП(б) ТКП Мусулмонлар бюроси раиси (1919—1920), Туркистон АССР МИҚ раиси (1920 й. январ—июл), Туркистон АССР ХКК раиси (1922 й. сентябр — 1924 й. январ) лавозимларида ишлади. Т.Рисқулов Туркис-

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 23-варақ; 39-йиғма жилд, 8-варақ.

[2] Ўша жойда, 17-фонд, 1-руйхат, 916-йиғма жилд, 453—454-варақлар.

тондаги очарчилик ва унинг дахшатли оқибатларини тугатиш учун курашди, большевикларнинг маҳаллий халқларнинг очликдан қирилишига бефарқ, менсимаслик муносабатини очиқ танқид қилди. Т.Рисқулов бошчилигидаги айрим миллий коммунистлар Марказнинг шовинистик сиёсатини, Туркбюро ва Туркомиссиянинг зўравонлик кирдикорларини, қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончиликларини очиб ташладилар. Ўлка Мусулмонлари Бюроси раиси сифатида у «Турк Республикаси» ва «Турк Компартияси» тузиш ҳақидаги масалани Марказ сиёсий раҳбарияти олдига қуяди. Бироқ Марказнинг топшириғи билан Туркомиссия Туркистон халқлари бирлашишига йўл қўймайди. Аксинча, уларни ажратиш чора-тадбирларини кўради.

Туркистон халқларини бирлаштириш тарафдори бўлган Т.Рисқулов лавозимидан бўшатилиб Марказга чақириб олинади. У Марказнинг назоратида: РСФСР Миллатлар иши халқ комиссарининг иккинчи ўринбосари, ушбу комиссарликнинг Озарбайжондаги Мухтор вакили лавозимларида ишлади (1920—1922). Бироқ, Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати кучайиб, сиёсий вазият кескинлашгач, у Туркистонга яна қайтарилади. Т.Рисқулов истиқлолчилик ҳаракатига қарши курашга раҳбарлик қилган совет давлат арбобларидан бири бўлишига қарамасдан, у истиқлолчилар курашининг моҳиятини тўғри тушунган ва уларга хайрихоҳлик билан қараган эди.

Марказ 1924 йил бошидан Туркистон халқларини бўлиб ташлаш мақсадида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегаралаш ўтказиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Туркистон халқларининг бирлиги, Турк Республикаси ташкил қилиш тарафдори бўлган Т.Рисқулов Туркистонда туришидан Марказ манфаатдор эмас эди. Шунинг учун у 1924 йил февралда Марказга яна чақириб олинади. Т.Рисқулов Коминтерн Ижроия Қўмитасининг Ўрта Шарқ бўлимида ишлади, Мўғулистон Республикасида ўз тажрибасини ўртоқлашди (1924—1926), РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши раисининг муовини (1926—1937) лавозимларида фаолият кўрсатди. У қайси лавозимда ишламасин, ҳар доим Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон манфаатларини ҳимоя қилди.

Т.Рисқулов Туркистондаги 1916 йил қўзғолони ва истиқлолчилик ҳаракати тўғрисида ва бошқа мавзуларда бир қатор мақолалар, асарлар ёзди. Жумладан, унинг «Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси» (1-қисм, Тошкент, 1925) асари ҳозирги кунда ҳам қимматлидир.

Т.Рисқулов 1937 йилда Москвада қамоққа олинади ва мустабид совет тузуми томонидан 1938 йилда отиб ташланади.

Туркистон ўлкасида большевиклар тузумига қарши бошланиб кетган истиқлолчилик ҳаракати марказий ҳукуматнинг маҳаллий аҳолига нисбатан ўз сиёсатини бир оз юмшатишга мажбур қилди. РКП(б) МҚнинг 1919 йил 12 июлда ТКП Ўлка қўмитаси ҳамда ТуркМИҚ номига йўллаган радиограммасида маҳаллий аҳолини давлат фаолиятига иштирок этишга кенг жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди[1]. Буюк давлатчи-

[1] ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 636а, л. 75.

лик оғуси билан заҳарланган Туркистон Автоном Совет Республикаси МИҚ ва ТКП Ўлка қумитаси раҳбарлари (Казаков, Успенский ва бошқалар) МҚ курсатмаларини амалга оширишга қатъиян қарши чиқдилар. Улар МҚга йўллаган телеграммада ўлкани бошқаришга маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш ҳақидаги директивани тезлик билан бажариш мазкур минтақада совет ҳокимиятининг ҳалокатига олиб келиши мумкинлигини исботлашга уриниб кўрдилар[1]. Ўлка партия ва совет органларига жойлашиб олган буюк давлатчи-шовинистларнинг зўр бериб қаршилик кўрсатишларига қарамай ўлка Мусбюроси ва унинг жойлардаги ташкилотлари Тошкент, Самарқанд, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда оммавий митинглар ва йиғилишлар ўтказдилар, уларда большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати фош қилинди, мамлакатни бошқаришга маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш тўғрисидаги талаблар илгари сурилди[2]. Миллий ватанпарварларнинг Туркистон Автоном Республикаси раҳбар ходимлари орасидаги буюк давлатчилик кайфиятини тарқатувчиларга қарши олиб борилган қатъий кураши натижасида 1919 йил сентябрда бўлиб ўтган ТКП IV съезди ва советларнинг VIII съезди Казаков-Успенскийнинг буюк давлатчи-шовинистик оғмачилигини фош қилдилар ва маҳаллий аҳоли вакилларини давлат қурилишига жалб қилиш чора-тадбирларини белгиладилар[3].

Миллий ватанпарварлар бутун куч-ғайратлари билан Туркистон Автоном Совет Республикасининг ўз халқлари истиқомат қиладиган чинакам миллий республикага айлантиришга ҳаракат қилдилар. Мусулмон коммунистик ташкилотларининг III ўлка конференцияси (1920 йил январ) Туркистон Автоном Совет Республикасини «Турк Республикаси», Туркистон компартиясини «Турк Коммунистик партияси» деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, Турк Республикаси ўзининг маҳаллий армиясига эга бўлиши зарурлиги қайд этилди. Бироқ ўлка халқларининг бу талабига Туркомиссия кескин қарши чиқди, у РСФСР ҳукуматининг 1919 йил 8 октябрдаги қарори билан Туркистонга махсус юборилган эди. Туркомиссия «МИҚ ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг вакили бўлиб, Туркистон ўлкаси ва у билан чегарадош давлатлар ҳудудида улар номидан ҳаракат қилиш учун» вакил қилинган эди. Марказнинг ваколатли органи бўлган Туркомиссия аввало бу ерда унинг манфаатларини ифодалар ва ҳимоя қиларди, бу манфаатларга мувофиқ келмайдиган ҳамма нарсага қатъиян қарши чиқарди. Туркко-

---

[1] Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории (РЦХИДНИ), ф. 17, оп. 4, д. 22, л. 28.

[2] Ўша жойда, 22-йиғма жилд, 26—27-варақлар; «Туркестанский вестник». 1919, 3, 6 августа.

[3] ЎзР МДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 127-йиғма жилд, 10—13-варақлар; Ўша жойда, 17-фонд, 1-рўйхат, 287-йиғма жилд, 3-варақ.

миссия ўзига берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланиб, ўлка партия ва совет органларининг марказга маъқул келмайдиган қарорларини бекор қилар, ўз қарорлари билан Туркистон Республикаси раҳбар органларини тарқатиб юборар ва Марказга маъқул келадиган кишилардан янги ҳокимият органларини тузар, республика ҳокимият органларини алмаштирар эди. Туркомиссия билан олдиндан келишиб ва унга маъқуллатиб олмасдан туриб, Туркистон Автоном Республикаси раҳбар органлари томонидан бирорта ҳам жиддий ҳужжат қабул қилиниши мумкин эмасди. Шундай қилиб, Туркомиссия республика ҳокимият органларининг ташаббуси ва мустақиллигини жиддий равишда чеклар, Туркистоннинг мухтор ҳуқуқларини поймол қиларди. Ўзининг империяча принципларига содиқ қолган Туркомиссия 1920 йил 23 февралда мусулмон коммунистларининг III ўлка конференцияси томонидан қабул қилинган ТАССРни «Турк Республикаси» ва Туркистон КПни «Турк Компартияси» деб қайта номлаш ҳақидаги қарорини бекор қилди. Туркомиссиянинг бу хатти-ҳаракатини РКП(б) МҚ маъқуллади ва қўллаб-қувватлади.

Туркистон комиссияси, Туркомиссия — РКП(б) МҚ, Бутунроссия МИҚ ва РСФСР ХКнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси 1919 й. 8 октябрда ташкил қилинди. РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида комиссия аъзолари қилиб В.Бокий, Ф.Голошчекин, В.Куйбишев, Я.Рудзутак, М.Фрунзе, Ш.Элиава тасдиқландилар. Улар қаторига кейинчалик маҳаллий раҳбарлардан А.Раҳимбоев, А. Тўрақулов, Қ.Отабоев, Т.Рисқулов, С.Хўжанов киритилди. Туркомиссияга чексиз ҳуқуқ берилган эди. Уларнинг асосий вазифаси қандай қилиб бўлса ҳам, Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш эди. Туркомиссия бу вазифани амалга оширишда зўравонлик усулидан асосий восита сифатида фойдаланди. Фаолиятининг дастлабки куниданоқ комиссия ўзининг ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилди. Марказдан келган комиссия аъзолари миллий раҳбар кадрларнинг Туркистон ўлкаси ва халқи манфаатларини ҳимоя қилишларига, марказ сиёсатига қарши чиқишларнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз курашди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатларини тугатиш учун барча имкониятларни ишга солди. «Турк Республикаси» ва «Турк Компартиясини» ташкил қилиш, Туркомиссия фаолиятини тўхтатишни талаб қилиб чиққан Т.Рисқулов, А.Тўрақулов, Қ.Отабоев каби бир қатор миллий раҳбар кадрларга нисбатан қувғинлар ва қатағонлар ўтказди. Совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлмаган маҳаллий аҳоли вакилларини «босмачилар»га шерик сифатида айблаб, уларни қамоқларга ташладилар, судсиз-сўроқсиз отиб ташлашгача бориб етдилар. Аслида, Туркистонда ТуркМИҚ ва ХКК эмас, балки Туркомиссия ҳукмрон эди. Республикада амалга оширилиши зарур бўлган барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар фақат Туркомиссия рухсати ва кўрсатмаси билан қилинди.

Ўрта Осиёдаги охирги миллий давлатлар — Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тугатилишида Туркомиссия «бош-қош» бўлди. Бу мустақил

давлатларга нисбатан босқинчилик режалари Туркомиссия аъзолари М.Фрунзе, В.Куйбишев, Я.Рудзутак, Ф.Голошчекинлар томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бухоро ва Хоразмда советлар андозасидаги давлатларни (БХСР, ХХСР) ташкил қилиниши ҳам Туркомиссия «сценарийси» асосида қилинди. Туркомиссия Ўрта Осиё ҳудудида том маънодаги мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги бойликларининг Марказга мунтазам равишда ташиб кетилишига раҳбарлик қилди.

1920 й. июлда РКП(б) МҚ Туркистон бюроси ташкил қилиниши муносабати билан Туркомиссиянинг партиявий ваколати тўхтатилди. 1923 й. РКП(б) МҚнинг қарори билан Туркистон комиссияси бутунлай тугатилди.

Бироқ миллий ватанпарварлар қўл қовуштириб ўтирмадилар. Улар Москвага Т.Рисқулов, Н.Хўжаев ва Бех-Ивановдан иборат делегация юбордилар. Делегация аъзолари 1920 йил 23 майда РКП(б) МҚга маълумотнома топширдилар, унда мухтор Туркистоннинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани, унга катта мустақиллик бериш лозимлиги ва ҳоказолар айтилган эди. Делегация Туркомиссияни бекор қилишни ва уни чақириб олишни талаб қилди. Унинг мавжудлиги ва хатти-ҳаракатлари Туркистон автономиясига зид эканлиги айтилди. Бироқ, кутилганидек, делегациянинг таклифлари МҚ томонидан қўллаб-қувватланмади. Шунга қарамасдан, «буржуа миллатчилари» ёрлиғи тақилган бу миллий ватанпарварларнинг саъй-ҳаракатлари изсиз кетмади. Марказ бирмунча ён беришга мажбур бўлди. Маҳаллий миллатларнинг вакиллари 1920 йил ўрталаридан бошлаб раҳбарлик лавозимига бир қадар кенгроқ кўтарила бошладилар. Масалан, ТКП МҚнинг масъул котиби қилиб Назир Тўрақулов, ТуркМИҚ раиси қилиб Абдулла Раҳимбоев тайинланди. Туркистон Автоном Республикаси раҳбарлигига ўтган миллий ватанпарварлар кенг халқ оммасини мамлакатни бошқаришга жалб қилишга, ўз халқининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу ҳуқуқни қўлдан бермасликка куч-ғайрат сарфладилар. Бироқ Россияда ҳукмрон бўлган большевиклар режимини ва унинг империяча манфаатларини ҳимоя қилган Туркомиссия бутун куч ва воситалар билан миллий ватанпарварлар муддаоларининг тўла-тўкис рўёбга чиқишига тўсқинлик қилди. Республикани бошқаришга миллий кадрлар кенг жалб қилинса-да, Туркистон амалда аввалгидек Марказга мустамлака қарамлигида қолаверди, унинг бу соҳадаги аҳволи чоризм ҳукмрон бўлган замонларга нисбатан кам ўзгарди. РКП(б) МҚ миллий республикалар ва вилоятларнинг масъул ходимлари билан ўтказган 4-кенгашида Туркистоннинг таниқли жамоат ва сиёсий арбоблари Акмал Икромов, Султонбек Хўжанов сўзлаган нутқларида буни ошкора ва дадиллик билан айтдилар. Уларнинг фикрича, «Ҳозирги Туркистон билан подшо Туркистони ўртасида

ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат лавҳа ўзгарди, Туркистон, аввалгидек, чоризм даврида қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолаверди»[1].

Туркистонни Россия Федерациясининг автоном совет республикаси деб эълон қилинганлиги ва Туркистон Автоном Республикасининг дастлабки йиллардаги фаолияти таҳлилига якун ясаб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, октябр тўнтаришидан кейинги барча ўзгаришлар Туркистон халқларининг хоҳиш-иродаси билан амалга оширилмади, балки Москванинг бевосита кўрсатмаси билан, советлар V съездида кўпчиликни ташкил этган бир неча шовинист большевиклар ва сўл эсерлар томонидан амалга оширилди. Ўлка халқлари эса Туркистон совет автономиясини тузишда мутлақо иштирок қилмадилар, уларнинг хоҳиш-истаклари сўралмади. Бинобарин, ТАССР ташкил этилишидек «муқим тарихий» тадбирнинг амалга оширилишидан фақат «пролетариат» орасидан чиққан, «ҳукмрон партиялар»га мансуб маҳаллий бўлмаган аҳоли вакиллари манфаат кўрдилар. Улар республикани бошқаришга келар эканлар, Марказ сиёсатини қаттиқ туриб амалга оширдилар, Туркистон халқларига эмас, балки Марказга астойдил хизмат қилдилар. Буларнинг ҳаммаси табиий равишда маҳаллий аҳолини, айниқса, миллий ватанпарварлар норозилигининг кучайишига олиб келди.

6. БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ МУСТАБИД ТУЗУМИГА ҚАРШИ КУРАШ. ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Туркистонда «буюк октябр инқилоби»дан кейинги содир бўлган воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, марказий совет ҳукумати ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухториятни ҳам раво кўришни истамади. Тўғри, бу аччиқ ҳақиқатни даставвал барча Туркистон халқлари тушуниб етмади. Буни фақат миллий ватанпарварлар, жадидлар, айрим раҳбар ходимларгина тасаввур қилолган эдилар. Большевикларнинг маккорона сиёсатига ишониб, унинг тарафдори бўлган ёки унга хайрихоҳ бўлганлар ҳам оз эмас эди. Улар Туркистонда мавжуд бўлган завод ва корхоналарда европалик ишчилар билан ёнмаён ишлаган, уларнинг таъсирига берилган маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлган ишчилар, шаҳарларда оиласини боқиш учун сарсон бўлиб иш қидириб юрган ишсизлар (мардикорлар), қишлоқларда ерсиз бўлиб, чорикорлик, мардикорлик қилиб кун кечириб юрган камбағал деҳқонларнинг бир қисмини ташкил қилар эди.

Озодлик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга қурол олиб большевиклар режи-

[1] *Сталин И.В.* Асарлар. Т. V. 306-бет.

мига қарши истиқлолчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Совет мустабид тузуми мафкураси ҳукмронлиги йилларида уларга «босмачилар»[1] деб тамға осилиб, атайлаб камситилган эди.

Истиқлолчилик ҳаракати «Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор қилиниши билан бошланганлиги»[2] деярли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, мухторият ҳукумати ағдариб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият истиқлолчилик ҳаракатининг бошланишини муқаррар қилиб қўйган эди. Чунки Туркистонда истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши учун мухториятнинг тор-мор қилиниши билан бирга бошқа бир қатор жиддий сабаблар ҳам мавжуд эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октябр тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданоқ ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки кунданоқ ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ-ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда ўрнатилган большевиклар тузуми чор Россияси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданоқ ошкор бўлган эди.

---

[1] *«Босмачи»* сўзи аслида «босмоқ» феълидан олинган. Туркияда нашр қилинган «Буюк турк сўзлиги» (Катта турк луғати)да бу сўзнинг маъноси «бирдан ҳужум қилмоқ» деб ифодаланган. Аслини олганда Фарғона водийсида, умуман, бутун Туркистон ҳудудида подшо ва советлар Россияси — большевикларга қарши қуролли кураш олиб борган туркистонликлар узларини «босмачилар» деб тушунишмаган. «Босмачи» деб халқ ўртасида ҳарбий соҳага алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, «уғри» ва «безорилар тўдаси» тушунилган. Шу билан бирга бировларнинг юртини босиб олган босқинчиларни ҳам «босмачилар» деб аташ мантиқан тўғри келади. Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилган 1918—1919 йилнинг ўрталарига бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам «босмачи» сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда «қароқчи» (разбойник), «шайка», жуда бўлмаса «босқинчи» (бандит) иборалари қўлланилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб совет вақтли матбуотида, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда «босмачи» иборасини қўллаш бошланган. «Босмачи» ва «босмачилик» иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг Россия зулми ва большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўшлаш учун буюк давлатчи-шовинистлар томонидан ўйлаб топилган ва «бандитлик», «қароқчилик» сўзлари билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди. Коммунизм мафкурачилари ва уларнинг маддоҳлари ҳатто 1917 йилгача бўлган миллий озодлик ҳаракатларини ҳам кўп ҳолларда шу атама билан номладилар. Хайриятки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, «босмачи» ёрлиғи ёпиштирилган ота-боболаримизнинг муборак номлари қайта тикланди ва уларнинг ҳақиқий қиёфалари истиқлолчилар сифатида намоён бўлди.

[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 90-йиғма жилд, 329-варақ.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган кунданоқ маҳаллий халқнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, миллий қадриятлари топталди. Қози судлови бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.

Туркистон Мухториятининг тугатилиши истиқлолчилик ҳаракатининг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтади, холос. Чоризмнинг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар. Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча режимга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар эди. Туркистон Республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, истиқлолчилик ҳаракатида «асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар қатнашди»[1]. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми: ўзига тўқ бадавлат оилаларнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Истиқлолчилар сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар — зиёлилар ҳам кўпчиликни ташкил қиларди ва улар жадидлар орасидан ажралиб чиққан Туркистон мунавварлари ва муборизлари эди. Бир сўз билан айтганда, истиқлолчилар сафида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар бор эди.

Дастлабки истиқлолчи гуруҳларнинг ташкил топиши Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан боғлиқдир.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қўшинига бошчилик қилган Кичик Эргаш қўрбоши 1918 йил 19—21 февралда Қўқон шаҳрида қизил аскарларга қарши бўлган «икки кунлик уруш натижасида мағлубиятга учради, унинг 2.000 кишилик армиясидан омон қолган икки юзтача киши Кичик Эргаш раҳбарлигида Қўқон уездидаги Бачқир қишлоғига (Қўқондан 18 чақирим шимоли-шарқ томонда) жанг билан чекинишди»[2]. Ўзининг киндик қони тўкилган Бачқир қишлоғида Кичик Эргаш йигитлари билан қалъа шаклида истеҳком қуриб, мустаҳкам ўрнашиб олди. 26 феврал куни Бачқирга 5 та қизил гвардиячилар отряди ва дашноқлар дружинаси ҳужум қилишди. 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш қўрбоши Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади. Совет ҳокимияти ва большевикларга қарши миллий истиқлол ҳаракатини ташкил қилиш энди унинг зиммасига тушган эди[3].

---

[1] ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 45-йиғма жилд, 375-варақ.

[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-йиғма жилд, 227-варақ; 90-йиғма жилд, 329-варақ.

[3] *Dr. Baymirza Hayit.* «Basmatchi». Nationaler Kampt Turkestans in den Jahren 1917 bis 1934. Koln. S. 68—70.

Катта Эргаш (—1921) — Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки таниқли намояндаси. У Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида туғилган. Қўқоннинг энг машҳур муллаларидан бири бўлган, шунинг учун уни Мулла Эргаш ҳам дейишган. Катта Эргаш чор Россиясининг Туркистонга қилган босқинчилигини кечира олмади, уларга қарши курашди. У Туркистон Мухториятининг тарафдори, унинг ҳимоячиларидан бири эди. У 1921 йил 19 декабрда ўз қароргоҳи Хонободда қизил аскарларга қарши бўлган жангда ҳалок бўлган.

Кўп ўтмай Мулла Эргаш қўрбоши йигитлари сафига Фарғонадаги советлар тузумидан норози бўлган юзларча ва мингларча кишилар келиб қўшилдилар. Маркази Бачқир қишлоғи бўлган Қўқон уезди истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки таянч нуқтаси бўлиб қолган эди. 1918 йил март ойининг охирига келиб Катта Эргашнинг номи Фарғона водийси аҳолиси ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди[1]. Совет айғоқчиларидан бирининг маълумотига кўра, «Эргаш қўрбошининг мусулмон ва рус аҳолиси ўртасида пайдо бўлиши олқишларга сазовор бўлди, унга энг юксак тилаклар тиланди ҳамда унинг қиёфасида Андижон ва Қўқонда ўрнашган совет қўшинларидан, ҳукумат вакилларидан ва ҳар қандай зўравонликдан халос қилувчи инсонни кўрдилар»[2].

«Мулла Эргаш қўрбоши ниҳоятда ҳушёр, ботир қумондон. У йигитлари билан меҳр-муҳаббат ва бирликда бўлур эрди»[3], деб ёзади у ҳақда хориждаги ватандошимиз Шаҳобиддин Яссавий. Ҳатто Эргаш қўрбошининг душманлари ҳам унинг ботир ва қўрқмас эканлигини, ёвларга нисбатан шафқатсиз муносабатини тан олишган эди.

Эргаш қўрбоши йигитлари 1918 йил мартидан то май ойигача Бачқирга қизил армия қўшинлари қилган тинимсиз ҳужумларни қайтаришди. Шу билан бирга улар ҳам қизил аскар қисмлари турган жойларга 50 мартача зарба беришди. Бу даврда истиқлолчилар сафига ўз ихтиёрлари билан кўплаб йигитлар келиб қўшилмоқда эди. Натижада Эргаш қўрбоши қўл остида 1918 йил кузига келиб ҳар бирида 20 тадан 1.800 тагача йигит бўлган 70 та қўрбоши дасталари ҳаракат қилган эди. Октябр ойига келиб эса унинг қўшинлари сафида 15.000 киши бўлган[4]. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, Эргашнинг қўшинлари сафида 20.000 дан 24.000 гача йигит бўлган[5]. Бу истиқлолчилик ҳаракатининг кенг тус олганлигидан далолат эди.

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 25-варақ.

[2] Ўша жойда, 3-варақ.

[3] *Шаҳобиддин Яссавий.* Turkistan acciq haqiqatlari. 2-baski (араб имлосида ўзбек тилида). — Истанбул, 1984, 104-бет.

[4] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 3-варақнинг орқаси.

[5] *Dr. Baymirza Hayit.* «Basmatchi». Nationaler Kampt Turkestans in den Jahren 1917 bis 1934. Koln. S. 88.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзи катта эшон бўлганлиги учун ҳам диний эътиқодига кўра Мулла Эргаш қўрбоши ўз қўли остида бўлган барча жойларда фақат ислом шариати номидан иш юритиб, ислом шариати тартиб-қоидаларини ўрнатишга ҳаракат қилган.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли — Мадаминбек эди.

Истиқлол учун курашганлар



Мадаминбек.

Мадаминбек (1892—1920) — Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг энг машҳур намояндаси. Мадаминбекнинг асл исми Муҳаммад Аминбек бўлиб, у 1892 йилда Марғилон яқинидаги Сўкчилик қишлоғида (ҳозирги Тошлоқ туманида) ўртаҳол Аҳмадбек оиласида туғилди. Мадаминбек чор Россиясига қарши ҳаракатлар қилганлиги учун қамоққа олиниб, 1914—1917 йиллар давомида Сибирнинг Нерчинск деган жойида сургунда бўлади. 1917 йилдаги феврал инқилобидан кейин у сиёсий маҳбус сифатида озод қилинади ва Марғилонга қайтиб келади. «Шўрои Уламо» жамиятининг раҳбарлари Мадаминбекни шаҳар миршаблари бошлиғи лавозимига тавсия этишади. Мадаминбек бу лавозимда 1918 йил январ ойининг охиригача хизмат қилади. Совет ҳокимиятига нисбатан ишончини йўқотган Мадаминбек 1918 йилнинг эрта баҳоридан истиқлолчилар сафига ўтади. У Туркистонда миллий демократик давлат барпо қилиш тарафдори эди.

У халқ ишончига сазовор бўлганлиги сабабли унинг йигитлари сафи тез орада ортиб борди. 1918 йилга оид архив ҳужжатларининг бирида «Яккатут волости Гарбобо қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшиларди»[1], деб ёзилган эди. Мадаминбекнинг истиқлолчилар сафига узил-кесил ўтишида қуйидаги воқеа сабаб бўлган эди: «Эски Марғилон шаҳрига Сугрубов фавқулодда

[1] Фарғона вилоят Давлат архиви (Фарғона ВДА), 121-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 247-варақ.

комиссар қилиб тайинлангандан сўнг, у билан Мадаминбек ва унинг тарафдорлари ўртасида қатор низолар пайдо бўлди». Комиссар Сугрубов Фарғона вилояти комиссари номига 1918 йил 19 январда йўллаган билдиришномасида ҳали истиқлолчилар сафига ўтмаган Мадаминбекни қоралаб, «...18 январ эрталаб соат 6 да қароқчилар гуруҳининг машҳур бошлиғи Мадаминбек Аҳмадбеков, ўз кишилари билан Эски Марғилон шаҳрига кирди ва милиция жиноят қидирув бўлими бошлиғи Мадазим Муҳаммад Зоҳидовнинг маҳкамасини қуршаб олди»[1], деб маълумот беради. Аслида эса «Мадазим ўғри» деб халқ ўртасида ном чиқарган ушбу кимса совет ҳукуматида эгаллаган ўз лавозимидан фойдаланиб, Марғилон шаҳри ва унинг атофидаги аҳолини талар ва хонавайрон қилар, бегуноҳ кишиларни ўлдирарди. Мадаминбек бу адолатсизликка чек қўйиш учун 18 январда «Мадазимнинг маҳкамасидан унинг тўртта яқин кишиси — Теша Шарипов, Собир Зоҳидов, Исҳоқ Мадумаров ва исми номаълум яна бир кимсани ушлаб, шаҳардаги Ўрда таги майдонига олиб келди ва уларни марғилонликлар олдида суд қилди»[2]. Лекин Мадаминбекнинг бу иши Марғилон шаҳар комиссари Сугрубовга ёқмаган эди. Ушбу воқеадан кейин кўп ўтмай, Сугрубов ва унинг ўринбосари Семёнов Мадаминбек ва унинг ёрдамчиси Соли Махдум (Муҳаммаджон)нинг уйларини ёқиб юборишади, мол-мулкларини эса талон-торож қилишади[3]. «Халқпарвар» совет давлати раҳбарларининг унга нисбатан қилган адолатсизлиги Мадаминбекни 1918 йил эрта баҳорида истиқлолчилар сафига узил-кесил ўтишига сабаб бўлди. Мадаминбек тез орада Фарғона ватанпарварларининг йўлбошчиларидан бирига айланди. Миллий озодлик ҳаракати сафига Мадаминбек сингари салоҳиятли саркарданинг келиб қўшилиши ўша даврда муҳим аҳамиятга эга эди.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ қўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездида, Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Паҳлавон, Қобул, Сотиболди қози ва Раҳмонқул Наманган уездида, Парпи қўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат қўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар-Чоли Урганжи қишлоғида, Жонибек қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новқатда ҳаракат қилмоқда эди[4].

Бу тарқоқ ҳолда бўлган истиқлолчилик ҳаракатини ягона қўмондонликка бўйсундириш ва биргаликда ҳаракат қилиш мақ-

---

[1] Фарғона ВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 158-варақ.

[2] Ў ш а ж о й д а, 158-варақнинг орқаси.

[3] Ў ш а ж о й д а, 31-йиғма жилд, 153-варақ.

[4] Қ а р а н г: *A.Z.Validi Tugon*. Bugungi Turk eli Turkistan va jaqin tarihi. — Istanbul, 1942—1947. S. 388.

садида «Шўрои Ислом» ва «Шўрои Уламо» ташкилотлари аъзоларининг ташаббуси билан 1918 йил март ойининг охирида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун қўрбошиларнинг биринчи қурултойи чақирилди. Унда 40 дан ортиқ йирик қўрбошилар қатнашди[1]. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг бошлиғи қилиб Катта Мулла Эргаш сайланди ва унга бутун мусулмон қўшинларининг олий бош қўмондони — «Амир алмуслимин» унвони берилди. Эргаш қўрбошининг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек тайинланди.

Умуман олганда, Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрталарига келиб, тахминан юзга яқин қўрбоши ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бормоқда эди. Лекин шуни тан олиш керакки, барча қўрбоши дасталари ҳам миллий мустақиллик учун курашдилар деб бўлмайди. Баъзи гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида тўнтаришдан кейинги тартибсизликлар ва бошбошдоқликдан фойдаланиб халқни талаш, бойлик орттириш мақсадида ҳаракат қилиб аҳоли орасида обрусизландилар. Булар кичик-кичик гуруҳлар бўлиб, улар умумий истиқлолчилик ҳаракатига қўшилмас, ўзлари мустақил ҳаракат қилар эдилар. Совет ҳукумати эса бундан усталик билан фойдаланиб, Туркистон халқлари ўртасида ҳақиқий истиқлолчиларни обрусизлантиришга, уларга «босмачилар» деб тамға осишга ҳаракат қилар эди.

Лекин Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характери ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳаракатдаги қўрбоши дасталари ва гуруҳлари фаолиятида, уларнинг мақсад ва истакларида ўз ифодасини топган эди. Буларда ислом шариати қонун-қоидалари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузиш каби ғоялар мужассамлашган эди.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг муҳим хусусияти шундаки, бу ҳаракатда мақсадлар, вазифалар қандай бўлишидан қатъи назар, бошдан охиригача бир устивор ғоя — **Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги** ётади. Истиқлолчилик ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туриши, унда иштирок этувчиларнинг таркиби ўзгариб бориши ва иккиламчи манфаатлар ўртада турганлиги ҳамда объектив ва субъектив омиллар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий моҳияти Туркистон мустақиллиги учун кураш бўлиб қолаверди.

Мадаминбек 1919 йил 11 мартда Фарғона фронти (1919 йил 23 феврал) қўшинлари қўмондони М.В.Сафонов номига йўллаган мактубида истиқлолчилар қандай мақсад йўлида курашаётганликларини, бу ҳаракатнинг моҳияти ва «босмачи» деб ким-

---

[1] *Шамагдиев Ш.А.* Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. — Т., 1961. С. 61—62.

ни айтиш кераклигини яққол кўрсатиб, қуйидаги сўзларни ёзган эди: «Гапнинг лўндасини айтсам, бизнинг халқимиз ўз турмушида Карл Маркс ёки большевиклар дастурини қўллаб кўриш даражасида ҳали онги ривожланмаган... Туркистонда бўлса, яна қайтараман, сизлар қиладиган иш йўқ ва бу ерда зўравонлик билан душманлар орттирасиз, холос... Сиз федерация тузилади деб эълон қилдингиз, сиз халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилдингиз, шундай экан, нега сиз уларни бизга бермайсиз? Ёки биз фақат мусулмон бўлганлигимиз учунми? Бизга кўнглимиз тусаганча яшашга имкон беринг, майли, сиз эълон қилган шиорларга биз амал қиламиз, бизларга ўзимиз хоҳлагандек бошқарув усулини танлашга имкон беринг, ахир биз — мусулмонлар кўпчиликни ташкил қиламиз-ку. Аммо зўравонлик қилманг...»[1] Шунингдек, Мадаминбек хатида ўзларини пролетариат ҳимоячиси ва капиталистларга қарши курашаётган қилиб кўрсатаётган қизил армия жангчилари ва командирларининг ҳақиқий босқинчилар тўдасига айланганликларини таъкидлаб, «...отряд бошлиқларининг биттасидан 20 миллион сўмлик мол-мулк топилган, ҳақиқий большевик-коммунист — босмачилар тўдаси бизнинг камбағал, ярим оч мусулмонларимиздан сўнгги кўрпа ва кигизларини ҳам тортиб олишди»[2], деб ёзган эди.

Истиқлолчилар курашининг ҳақиқий моҳиятини совет қўмондонлиги вакиллари ҳам эътироф қилишга мажбур бўлган эдилар. Туркистон фронтининг қўмондони, истиқлолчиларнинг бош жаллоди М.Фрунзе «Босмачиликка қарши кураш тамоман янги, айрича хусусияти бор бўлган, ўзига хос душман билан кураш демакдир», деб ёзган эди. Унинг фикрича, истиқлолчиларнинг «Йўқолсин совет ҳокимияти!» ва «Мустақил бир мусулмон давлати тузамиз!»[3] талаблари ҳаракатнинг аниқ ғояси эди. «Босмачи» ва «қароқчи» тўдалари эса бундай ғоялар билан чиқмаслиги табиийдир. «Босмачилик» ҳаракати ҳақиқатан босмачиликми ёки йўқлигига Фрунзе 1920 йилнинг бошида Фарғона фронти қўмондонлигига юборган телеграммасида ўзи жавоб берган эди: «Туркистон марвариди бўлган Фарғона икки йилдан ортиқроқ вақтдан бери қонли бир уруш майдони ҳолатидадир... Бу ердаги совет ҳокимияти илк тузилиш даврида рус ва ерли ишчи, деҳқон оммаларини ўзига тортиш ўрнига, меҳнаткаш халқни ўзидан узоқлаштириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришнинг национализация қилинишида фақат буржуазиянинг мулки эмас, балки ўртаҳол деҳқонларники ҳам тортиб олинди... Бу ерда ҳаракат қилган қизил аскар қисмлари, инқи-

---

[1] Российский Государственный Военный архив (РГВА), ф. 28113, оп. 1, д. 1, л. 1; ф. 149, оп. 1, д. 51, л. 53.

[2] Ўша жойда.

[3] *Фрунзе М.В.* Собрание сочинений. Т. 1. С. 128.

лобни ҳимоя қилган баъзи раҳбарлар меҳнаткаш халқни истибдод воситаси сифатида тушунди. Босмачилик ҳаракати деган бу ҳаракат шу асосда вужудга келди. Босмачилар — оддий қароқчилар эмас. Шунда уларни тез йўқ қилиш мумкин бўлар эди»[1].

М.Фрунзе бундан сал олдинроқ Туркистон фронти (1919 й. 15 август) кўмондони вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан 1919 йил 11 августда чиқарган буйруғида Туркистон фронтининг ташкил қилинишидан мақсадни қуйидаги тарзда очиқ билдирган эди: «Туркистон юришининг асл мақсади, бутун Туркистонни ишғол қилишдан иборатдир»[2]. Чунки, Фарғона водийсидаги бу ҳаракат Марказ ва бутун Туркистон ўлкасида большевиклар режимига қарши кўтарилган халқ ҳаракати бўлиб, совет ҳокимиятини ларзага келтирди, айниқса, Фарғонада уни ҳалокат ёқасига олиб келди.

1920 йил 18 августда 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Ф.Карпов Туркфронт қўмондони М.Фрунзе билан телеграф орқали бевосита суҳбатида шундай деган эди: «Фарғонадаги уруш қароқчиларга қарши кураш бўлмасдан, балки бу ерда кураш туб аҳолининг совет ҳокимиятига қарши ташкилий равишдаги қўзғолони ҳисобланади. Босмачилар бўлиб ўтган жангларда катта куч йўқотсалар-да, ҳозирги вақтда уларнинг сафи янгидан, ҳаттоки, аввалгидан ортиқ даражада тўлиб бормоқда...»[3]

Туркистон Автоном Совет Республикаси ХКК раиси Қайғусиз Отабоев 1922 йил июлида бўлган Туркистон МИҚ 4-пленумида истиқлолчилик ҳаракатлари натижасида ўлкада вужудга келган вазиятни тўғри баҳолашга ҳаракат қилиб шундай деган эди: «...Дастлабки даврларда босқинчилик руҳида бўлган бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шуни таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ қўзғолони вужудга келди.

Биз 4 йил давомида бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ қўзғолони бўлгани ҳолда босмачилик деб атадик (таъкид бизники. — *Таҳририят*). Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони англатади, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндашувларга олиб келди. Ва алалоқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон-бир жиҳатини тугата олмадик»[4]. Бу тарихий ҳужжат шундан далолат берадики, совет ҳокимиятининг Туркистондаги раҳбарлари ўзлари истамаган ҳолда истиқлолчилик ҳаракатига ва унинг моҳиятига илк бор тўғри баҳо беришга,

---

[1] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 234, л. 4—5.
[2] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 46, л. 60, 107.
[3] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 309, л. 7—10.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 90-йиғма жилд, 331-варақ.

кўтарилган халқ ҳаракатини совет тузумига, большевиклар режимига қарши қуролли қўзғолон эканлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Бу ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Марказий совет ҳокимиятининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай, миллий қадриятларнинг оёқости қилиниши истиқлолчилик ҳаракати доимий равишда авж олиб боришига ҳамда узлуксиз давом этишига, улар сафининг мунтазам ортиб боришига, ҳатто улар миллий таркибининг байналмилаллашувига олиб келди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг миллий таркиби асосан туб жой аҳолиси — ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, уйғурлардан иборат эди. Айниқса, Мадаминбек ўз йигитлари сафида ҳар хил миллат вакиллари бўлишига эътибор берди. У Фарғона водийсидаги рус аҳолисига мурожаат қилиб, ўз армиясига қўшилган ҳар бир оддий аскарга ойига минг сўмдан, зобитларга эса икки минг сўмдан маош тўланишини[1] ва уларнинг диний эътиқодларига дахл қилинмаслигини эълон қилди[2]. Мадаминбек қўшинлари билан Жалолободда турган К.Монстровнинг крестьянлар (рус деҳқонлар) армияси ўртасида 1919 йил 2 сентябрда советларга қарши биргаликда курашиш учун ўзаро битим тузилганлиги юқоридаги фикримизга далилдир[3].

К.Монстров бошлиқ крестьянлар армияси Жалолобод ва Ўшдаги рус қишлоқларида (булар чоризм даврида кўчириб келтирилган рус крестьянлари эди) жойлашган рус крестьянларидан ташкил топган бўлиб, 1918 йил кузида уларга совет ҳокимияти (ўзларини ҳимоя қилиш учун) қурол-яроғ тарқатган эди. Дастлаб крестьянлар армияси қизил аскарлар ва дашноқлар қаторида туриб истиқлолчиларга қарши курашдилар, тинч аҳолини қиришда қатнашдилар. Уларнинг Фарғонадаги Бозорқўрғон, Қўконқишлоқ, Сўзоқ қишлоғидаги тинч аҳолига нисбатан қилган хунрезликлари бунга далилдир. Бироқ большевиклар юритаётган сиёсат крестьянлар армияси раҳбарларига ёқмаётган эди. Чунки улар хусусий мулкнинг тугатилишига қарши эдилар. Бунинг устига кўчиб келинган вақтда маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ер-сувни совет ҳокимияти қайтариб олаётган эди.

1919 й. ёзида Мадаминбек тактик мақсадларни кўзлаб, большевикларга қарши Фарғонада ягона куч ташкил қилиш учун крестьянлар армияси раҳбарлари билан музокаралар олиб борди ва 1919 й. 2 сентябрда Мадаминбек қўмондонлигидаги истиқлолчилар қўшини билан К.Монстровнинг крестьянлар армияси ўртасида ўзаро иттифоқ тузилди. Мадаминбек бирлашган қўшиннинг олий бош қўмондони қилиб тан олинди. Бу иттифоқ большевиклар томонидан атайлаб тарқатилган Мадаминбек «рус-

---

[1] РГВА, ф. 149, оп. 1, д. 51, л. 90.

[2] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 3-варақнинг орқаси; 90-йиғма жилд, 78-варақ.

[3] РГВА, ф. 149, оп. 1, д. 51, л. 126.

ларга нисбатан хунрезлик қилмоқда», деган гапларнинг асоссиз эканлигини, Мадаминбекнинг мақсади большевиклар режими ва босқинчи қизил армияга қарши истиқлол кураши олиб боришдан иборат эканлигини исботлади.

Бироқ, кейинги воқеалар Мадаминбек крестьянлар армияси билан иттифоқ тузиб, хато қилганлигини кўрсатди. Чунки энг қалтис вазиятда крестьянлар армияси раҳбарлари истиқлолчиларни ташлаб, қизил армия томонига ўтиб кетишган эди.

Истиқлолчиларнинг жанг қилиш тактикаси ҳам ўзига хос эди. Уларнинг сафида маҳаллий шароитни пухта билган йўлбошловчилар кўп бўлиб, улар бўлажак жанг шарт-шароитларини олдиндан билишган: чунончи, қизил аскарлар миқдори, улар қурол-ярогининг тури ва сони, ҳужум усуллари ёки чекиниши — ҳамма-ҳаммаси олдиндан пухта ўрганилган. Ўша давр тарихий ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, истиқлолчилар «разведкаси ажойиб ишлар», жангларда бўлса «кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган босмачилар ғолиб чиқишар эди»[1]. Истиқлолчилар маҳаллий шароитни яхши билганликлари учун ҳовли ва боғларда, қишлоқлардаги деворлар ортида, маҳалла ва гузарларда, тоғ-тошларда, чўл-биёбонларда, одам бориши қийин бўлган дараларда ҳам эркин ҳаракат қилишган.

Истиқлолчи дасталарнинг бундай кураш усуллари совет қўшинларининг уларга қарши ўтказаётган ҳарбий операцияларини қийинлаштирар эди. Фаргонадаги миллий қуролли истиқлолчилар билан курашнинг ўзига хослигини тавсифлаб, Туркистон фронтининг қўмондони М.Фрунзе буйруқларининг бирида шундай эътироф этади: «Аҳоли зич жойлашган ва ўнқир-чўнқирлари кўп Фарғона районларида шайкаларни таъқиб қилиш жуда қийин вазифа бўлиб, ҳаддан ташқари катта куч-қувватни талаб қилади... Барча томонлари ариқлар билан кесишган ва бир-бирини тўсиб турган тоғлар билан қуршалган туманлардан иборат бўлган, аҳолиси зич жойлашган Фарғона водийсида кураш ҳаддан ташқари мушкул эди. Ҳолдан тойдирилган душман бир жойда тарқалиб кетса, дам олиб ҳамда пастқам ва овлоқ ўринларда куч тўплагач, яна бошқа жойларда пайдо бўларди. Уларнинг қўққисдан қилган ҳужумлари ҳали жангга тайёргарлик кўришга имконияти бўлмаган жангчилардагина эмас, балки барча аҳоли ўртасида ҳам тўхтовсиз асабий зўриқиш туғдирарди ва шу сабабли Фарғонада курашнинг усуллари бошқа фронтлардаги кураш усулларидан фарқ қилади. Бу ерда фронт чизиги йўқ, у ҳамма жойдан ўтади»[2].

Истиқлолчиларнинг ўзига хос бу кураш усуллари, уларнинг халқ оммаси томонидан доимо қўллаб-қувватланиши қизил ас-

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 90-йиғма жилд, 331—333-варақлар.
[2] РГВА, ф. 25859, оп. 4, д. 94, л. 3—9; д. 14, л. 183.

карларнинг тобора ғазабини қўзғатарди. Натижада совет армияси жангчилари бутун-бутун шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совуришар[1], қишлоқларни ҳаводан туриб самолётларда бомбардимон қилишар[2], тинч аҳолини қириб ташлашар[3], Фарғона халқини заҳарли газ ишлатиб бўғиб ўлдиришар[4], қисқаси, М.В.Фрунзе ва кейинчалик С.С.Каменев томонидан махсус Туркистон учун ишлаб чиқилган «Босмачиликка қарши кураш» йўриқномасини[5] сўзсиз бажаришар эди.

Бунга қарши истиқлолчилар ўз сафларидаги ҳарбий уюшқоқликни мустаҳкамлаш мақсадида ўз қўшинларининг мураккаб тузилмаларини ишлаб чиққан эдилар. Умумий ҳаракатнинг бош қўмондонлари «Амир ал-муслимин», кейинроқ эса «Амирлашкарбоши» деб номланган эди. Нуфузли қўрбошилар (одатда «қўрбоши» унвони «генерал» даражасига тенг бўлса, «понсод» эса «полковник» билан баробар бўлган) «лашкарбоши», «мингбоши», «тўқсабо», «тўпчибоши» унвонларига мансуб бўлиб, ўртача даражадаги сардорлар — понсод қўрбошилар эса «юзбоши», «мирохўр», «амин», «қоровулбеги» деб аталган.

Қўрбошиларнинг аксарияти саводли кишилар эди. Йирик қўрбошилар ўз туғларига, байроқлари ва шахсий муҳрларига эга бўлишган. Истиқлолчилар учун жанг майдонида туғ ва байроқнинг аҳамияти, рақиб томонидаги қўмондоннинг асирга олиниши ёки ўлдирилишидан кам бўлмаган. Кичик қўрбоши ва понсодлар йирик қўрбошилар қўл остида хизмат қилганлари учун улар ўзларининг алоҳида тугларига эга эмас эдилар.

Маълумки, Туркистон аёллари учун ватан озодлиги ва унинг тинчлиги муқаддас ҳисобланган. Олис ва яқин тарихда босқинчиларга қарши маҳаллий аёлларимиз ҳам неча бор жанг майдонларида от сурганлиги, ватанпарвар кучларга бошчилик қилганлиги маълум. Ҳатто аёллардан махсус бўлинмалар тузилган. Асримиз бошларидаги истиқлолчилар сафида ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг аёллари ҳам бўлганлиги маълум бўлса-да, лекин бу ҳақда китобларда маълумотлар берилмас эди. Архив манбаларининг далолат беришича, Фарғона водийсидаги истиқлолчилар сафида ўзбек ва қиргиз аёлларидан қўрбошилар бўлган. Хусусан, Муҳиддинбекнинг онаси[6] ва Шакархон қўрбоши бошчилик қилган гуруҳлар қизил аскарларга қарши эркаклар билан баробар курашишган. Асли олтиариқлик уста Холиқбойнинг қизи бўлган Шакархон қўрбоши 1921 йилнинг охирида Қайрағоч қишлоғида бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлади.

---

[1] Қаранг: Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 196—197-варақлар.
[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1192-йиғма жилд, 12—13-варақлар.
[3] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 205-йиғма жилд, 2—3-варақлар.
[4] Ўша жойда, 203-йиғма жилд, 3—5-варақлар.
[5] Сборник указаний по борьбе с басмачеством. — Т., 1924. С. 6—26.
[6] Қаранг: ЎзР МДА, 25-фонд, 2-рўйхат, 38-йиғма жилд, 4-варақ.

Истиқлолчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан уюштиришда қурбошилар қурултойининг аҳамияти катта бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонда ўша йиллари қурбошиларнинг ўттиздан ортиқ қурултойлари бўлиб ўтди. Ушбу қурултойларда раҳбарлар сайланган, қурбошилар ягона кўмондонлик остида бирлаштирилган. Ҳолбуки, бунга ҳамма пайт ҳам амал қилинмас эди. Шунингдек, қурултойда қурбоши дасталари ҳаракат қиладиган жойлар ва уларнинг таъсир доираси ҳам белгилаб олинган.

Миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган ва унинг ғоявий мафкурачилари бўлган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатининг пирлари кўп бўлишган. Хорижлик тарихчи Мэри Броксапнинг ёзишича, Фарғонадаги энг қаттиққўл қурбоши Холхўжа Эшон яссавийлик тариқатининг вакили бўлган. Ислом Паҳлавон ва Мулла Деҳқон қурбошилар эса тасаввуф шайхлари эдилар.

Туркистон истиқлолчилари орасида танилган ва халқнинг ҳурматига сазовор бўлган Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар ўзаро қўшилиб кетган эди. У Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг ҳақиқий маънодаги доҳийси, тан олинган йўлбошчиси эди. «Ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Фарғона Мухториятини тиклаш вазифасини қўйган Мадаминбек тадбиркор сиёсатчи ва уддабурон ташкилотчи фазилатларига эга эди»[1], деб тан олинади расмий бир ҳужжатда. Мадаминбек водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда большевиклардан озод қилинган ҳудудларда ўзининг сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. Бундай бошқарув усулини яна Эргаш ва Шермуҳаммадбек қурбошиларгина ташкил қилган эдилар. «У бизнинг раҳбарлик фаолиятимизда йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг ўз «бошқарув аппарати», ўзининг «трибунали», ўзининг «генштаби» бўлган: у қонунлар чиқарган»[2], деб эътироф қилади Мадаминбекка қарши курашган Граматович. Бу фикрни Мадаминбекни жанг майдонларида яхши билган мухолифи М.Поликовский ҳам ўз хотираларида тасдиқлайди.

1918 йил март ойида бўлган Фарғона водийси истиқлолчиларининг биринчи қурултойида истиқлолчилар ҳаракатининг кўмондони қилиб Катта Эргаш (Мулла Эргаш) сайланган бўлсада, аслида, бу бирлашиш амалда мустаҳкам бўлмаган эди. Бунга сабаб, биринчидан, «Амир ал-муслимин» унвонига эга бўлган Мулла Эргашнинг дунёқараши, ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги ва, энг муҳими, ҳарбий салоҳияти кўп ўтмасданоқ унга берилган унвон ва, вазифа талабига жавоб бермаслиги сезилиб қолди. Иккинчидан эса, шуҳратпарастлик ва ман-

---

[1] РГВА, ф.149, оп.1, д.108, л.161—162.
[2] Война в песках. — М., 1935. С. 202.

мансираш касалига мутбало бўлган қўрбошилар ўзини мустақил «қўмондон» сезиб бошқаларга буйсунмасдан алоҳида ҳаракат қилишга интилиши кун сайин кучайиб борди. Жумладан, Мадаминбекнинг ўзи ҳам Катта Эргашга буйсунишни истамас эди. Ана шу салбий хусусиятлар истиқлолчиларни ягона бир қўмондонлик остига бирлашиб мустамлакачиларга қарши курашиш имконини бермас эди.

Шундай бўлса-да, Мадаминбек 1918 йилнинг ўрталарида мустақил ҳаракат қилишга уринаётган йирик қўрбошилар фаолиятларини бошқаришга муваффақ бўлди. Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек, Холхўжа Эшон, Маҳкам Ҳожи, Раҳмонқул, Омон Паҳлавон ва қирғиз истиқлолчиларининг бошлиғи Муҳиддинбек сингари қўрбошиларни ягона қўмондонлик остига бирлаштириш ундан жуда катта куч-ғайрат талаб қилди. Ўз қишлоғи ва туманида «ўзига бек» бўлган бу қўрбошиларнинг қаршилиги ва ўзбошимчалигини Мадаминбек синдиришга муваффақ бўлди. У Холхўжа Эшоннинг шуҳратпарастлиги ва калтабинлигига қарши анча курашди[1]. Эргаш қўрбоши билан Мадаминбекнинг муносабатлари ҳам тез-тез ўзгариб турарди. Баъзан улар биргаликда ҳаракат қилишса[2], баъзида эса муросалари келишмай, ўзаро тўқнашардилар[3]. 1918 йил 14 апрелда «Исфара ёнида Мадаминбек ва Мулла Эргаш қўшинлари ўртасида ўзаро жанг бўлди. Бу жангда мағлубиятга учраган Эргаш Сўх қишлоғига чекинади»[4]. Бундай ҳолатлар истиқлолчилик ҳаракатининг янада ривожланишига, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишларига тўсқинлик қилиши табиий эди.

Шундай қилиб, 1919 йилнинг бошига келиб, Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракатининг иккита катта маркази вужудга келди. Биринчи марказ Мадаминбек бошчилигида бўлиб, вилоятнинг Скобелев, Андижон ва Наманган уездларини қамраб олганди. Мадаминбекнинг қароргоҳи Марғилон шаҳридан унча узоқ бўлмаган Тошлоқ туманининг Гарбобо қишлоғида жойлашган эди[5]. «1919 йил январида Мадаминбек қўл остида 16.000 кишидан иборат қўшин бўлган»[6], деб таъкидланади Фарғона вилоят ижроқўми номига 1919 йил 27 январда йўлланган ўта шошилинч маълумотномада. 1919 йилнинг феврал ойига келиб эса Мадаминбек йигитлари 20.000 кишига етган бўлса[7], шу йилнинг ўрталарига келганда 25.000 кишидан ортиб[8], Фар-

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-йиғма жилд, 224—240-варақлар.

[2] Таққослаш учун қаранг: ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 79-йиғма жилд, 19—20-варақлар.

[3] Қ а р а н г: РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 211, л. 12.

[4] РГВА, ф. 149, оп. 1, д. 196, л. 1—10; ф. 25859, оп. 1, д. 4, л. 44.

[5] РГВА, ф. 11, оп. 3, д. 163, л. 83.

[6] Фарғона ВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 219-йиғма жилд, 34-варақ.

[7] РГВА, ф. 149, оп. 1, д. 191, л. 10.

[8] Ў ш а ж о й д а, 51-йиғма жилд, 54-варақ.

ғона водийсида мустамлакачи совет ҳукуматига қарши тура оладиган салмоқли ҳарбий кучга айланган эди.

Мадаминбекнинг саъй-ҳаракати билан Соли Махдум, Исмоил Паҳлавон, Усмонбек, Фаёз Махдум, Қозоқжонбек, Ҳошим Паҳлавон каби йирик қўрбоши дасталари унинг қўл остига бирлаштирилган эди. Соли Махдум Мадаминбекнинг ўринбосари ва ўнг қўли бўлиб хизмат қилди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг иккинчи маркази қўрбоши Катта Эргаш бошчилигидаги Қўқон уездида бўлиб, Эргашнинг қароргоҳи Янгиқўрғон волостидаги Бачқир қишлоғида жойлашган эди[1]. Унинг асосий ўринбосари қўрбоши Эшмат қирғиз эди. Туйчи, Умар, Ҳамдам энг обрўли қўрбошилардан ҳисобланган. Уш уездида Эргаш қўрбошининг таъсири нисбатан кучли бўлган. Қирғиз қўрбошилари ҳаракат қилган Олой воҳасида асосан Муҳиддинбек ва Жонибек Қози раҳбарлик қилдилар[2]. Шу тариқа, иккинчи марта қилинган ҳаракатда ҳам Фарғона водийси истиқлолчилари ягона кўмондонлик қўл остига тўлиқ бирлаша олмадилар.

1919 йил 24 январда Мадаминбек бошчилигидаги истиқлолчилар гуруҳи Эски Марғилон шаҳрига ҳужум қилдилар. Минг кишидан ортиқ Мадаминбекчилар шаҳарни икки кун ўз қўлларида сақлашди. Мадаминбек шаҳар марказидаги Ўрда таги майдонида туриб, халқ вакиллари билан маслаҳатлашди[3].

Бу ғалабадан руҳланган Мадаминбек 18 февралда Фарғона вилоятининг маркази Скобелев шаҳрига (ҳозирги Фарғонага) бостириб кирди. Қизил аскарлар билан шаҳар кўчаларида қизғин жанглар борди. Истиқлолчилар шаҳардаги вилоят қамоқхонасига ҳужум қилиб, у ерда ҳибсда ётган 200 нафар сафдошларини озод этиб, ўзлари билан олиб кетдилар.

Бутун водий бўйлаб фаол жанг ҳаракатларини олиб борган Мадаминбек йигитлари 1919 йил 20 февралда Наманган уездининг энг катта шаҳарларидан бири бўлган Чустни эгалладилар. Скобелевдан қўшимча қизил аскар кучлари келгач, 28 соатлик жанглардан сўнг истиқлолчилар шаҳарни тарк этдилар[4].

1919 йил апрел ойида Наманган ва Қўқон шаҳри атрофларида Мадаминбек лашкарлари билан қизил аскар қисмлари ўртасида шиддатли жанглар бўлди. Жангларда Мадаминбек йигитлари ғолиб чиқдилар. «Мадаминбек турли сиёсий оқимдаги кишиларни бирлаштира олди. Шунинг учун ҳам ҳеч қайси қўрбоши унингчалик куч-қудратга эга бўлмаган эди»[5], деб ёзган эди унинг ғоявий мухолифларидан бири.

---

[1] РГВА, ф. 149, оп. 1, д. 16, л. 12.
[2] РГВА, ф.149, оп 1, д. 108, л. 161—164.
[3] Фарғона ВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 217-йиғма жилд, 34-варақ.
[4] «Наша газета» (Ташкент). 1919, 20 февраля.
[5] *Кувшинов В.* Ферганский район // «Военная мысль». Кн. 1, 1920. С. 260.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати 1919 йилнинг ёзи ва кузида узининг энг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги қўшинлар сафига крестьянлар армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятининг бўлиши ёки бўлмаслигини шубҳа остига қўйган эди. Сентябрнинг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллашди[1]. Қуршоб посёлкаси (қасабаси) ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари катта маглубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекиндилар[2]. «Ўш — Фарғонанинг ҳаёт-мамотини белгилайдиган шаҳар»[3] бўлиб, ҳарбий-стратегик жиҳатдан жуда қулай жойда жойлашган эди. У Фарғона водийсини, умуман, Туркистон Республикасини Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон, бу томони Бухоро билан боғлайдиган йўлларнинг устида эди. Ўш шаҳри «жаҳон томи» — Помир рўпарасида бўлиб, ундан Гулча ва Эргаштомдаги чегара пунктларига олиб борадиган йўл ўтарди. 8 сентябрда бир ярим кунлик қизғин жанглардан кейин Ўш шаҳри гарнизони таслим бўлди, қамоқхонада ётган маҳбуслар истиқлолчилар томонидан озод қилинди[4]. Мадаминбек бошчилигидаги армия тантана билан шаҳарга кириб келди. Ўш шаҳрида 9 сентябрда бўлган катта митингда Мадаминбек ёрқин нутқ сўзлади. Митингда қатнашганларнинг гувоҳлик беришича, Мадаминбек ирод этган нутқда истиқлолчилик ҳаракатининг сиёсий моҳияти ва асосий мақсадлари очиб берилган[5].

Мадаминбекнинг қўшинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни қамал қилишга киришдилар. Бир ой давомида Фарғона водийсини ларзага келтирган истиқлолчилар қўшинларининг ҳужумлари водийда совет тузумини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Фарғона водийси бутунлай истиқлолчилар қўлига ўтиши муқаррарлигини сезган совет ҳокимияти тезлик билан кескин чоралар кўришга киришди. 1919 йил 23 февралда Туркистон Автоном Республикасининг инқилобий ҳарбий кенгаши Фарғона водийсида тобора кучайиб бораётган истиқлолчилик ҳаракатига қарши курашиш учун махсус Фарғона фронтини ташкил қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. Бироқ, махсус ташкил қилинган Фарғона фронти Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракатини бостира олмади. Натижада, 1919 йил 15 августда М.Фрунзе қўмондонлигида Туркистон фронти ташкил қилинди[6]. «Инқилобий ҳукуматнинг ҳимоячиси» М.Фрунзенинг Туркистон фронтига қўмондон қилиб тайинланиши ўлкада истиқлолчилик ҳара-

---

[1] РГВА, ф. 110, оп. 2, д 26, л. 19.
[2] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 163, л. 29.
[3] РГВА, ф. 149, оп. 1, д. 75, л. 48.
[4] РГВА, ф. 25859, оп. 1, д. 44, л. 42, 328.
[5] Ўш а ж о й д а, 320-варақнинг орқаси, 329-варақ.
[6] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 46, л. 60, 107; ф. 4, оп. 2, д. 192, л. 43.

катининг авж олиб, совет ҳукуматига жиддий хавф солаётганлигидан далолат эди.

Туркистон фронти таркибига Россия Федерациясидан келтирилган 1, 4, 11-армиялар киритилди. Фарғона фронти эса тугатилиб, унинг асосида Фарғона ўқчи дивизияси (кейинчалик 2-Туркистон ўқчи дивизияси) ташкил қилинади[1]. Шунингдек, Туркистондаги собиқ ҳарбий асирлардан иборат 5000 киши киритилган интернационал отрядлар тузилиб, Туркистон фронти ихтиёрига берилди[2]. Шу тариқа, Туркистон фронти қўшинларининг умумий сони 1919 йил август ойининг охирларига келиб 115376 жангчига етказилди ва улар 1112 та пулемёт, юзлаб тўплар, ўнлаб самолётлар ва бошқа замонавий қуроллар билан қуроллантирилди[3]. Натижада Туркистон фронти таркибида озодлик курашчиларига нисбатан тенг баробаридан ортиқ ҳарбий куч тўпланди ва уларга қарши қўйилди. Шу асосда 1919 йил сентябр ойининг охирларида тобора авж олиб келаётган Мадаминбек қўшинларининг ҳужумлари тўхтатилиб, биринчи зарба берилди.

Бироқ бу илк мағлубият Мадаминбек иродасини бука олмади. 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида бўлган анжуманда Мадаминбек бошчилигида **«Фарғона Муваққат Мухторият ҳукумати»** тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 киши киритилди[4]. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бир қаторда бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди.

Орадан сал ўтмай, яъни 1919 йил октябр ойининг сўнгги кунларида Фарғона водийсидаги барча йирик қўрбошилар Ойимқишлоқда тўпланди. Тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, истиқлолчилик ҳаракати тарихида энг йириги бўлган бу қурултойда, Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган 150 тача қўрбоши дасталари тўртта йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холхўжа Эшон қўмондонлиги остида бирлаштирилди[5]. Қурултойда ислом қўшинларининг олий бош қўмондони — «Амир ал-муслимин» қилиб Мадаминбек сайланди. Аммо бу бирлашув кутилган натижани бермади. Қурултойдан кейиноқ Холхўжа Эшон бош қўмондон Мадаминбекка бўйсунмаслигини айтиб, мустақил ҳаракат бошлади. У ўзининг таъсир доирасидаги ҳудудларда ислом шариати асосида қаттиққўллик билан тартиб-қоида ўрнатди. Бу даврда «Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин[6], Шермуҳаммадбекда 20.000, Эр-

---

[1] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 201, л. 1, 15.
[2] РГВА, ф. 110, оп. 2, д. 430, л. 14.
[3] Тошкент ВДА, 754-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 58-варақ.
[4] Ўшажойда, 149-фонд, 1-рўйхат, 51-йиғма жилд, 77-варақ.
[5] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 220-йиғма жилд, 102-варақ.
[6] РГВА, ф. 110, оп. 1, д. 43, л. 139—140.

гаш қўрбошида эса 8.000 йигит бўлиб»[1], айнан шу учта лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни бошқариб турган эди.

Бироқ Фарғона водийсига тобора қўшимча кучларнинг ташланиши натижасида 1920 йил январ ойининг ўрталарига келиб жанговар ташаббус қизил армия қўлига ўтди. Фаргона фронти қўшинлари биринчи бўлиб Катта Эргаш қўрбошини мағлубиятга учратишди. П.Парамонов бошчилигидаги йиғма отряд Қўқондан чиқиб 1920 йил 18 январда Эргашнинг қароргоҳи жойлашган Бачқир қалъасини эгаллади[2].

Феврал ойидан бошлаб қизил армиянинг истиқлолчиларга қарши ҳужумлари янада кучайди. Туркфронт қўмондонлиги «Мадаминбек бутунлай тор-мор қилинмагунча таъқиб этилсин»[3] мазмунидаги буйруқни Фарғонадаги ҳарбий қисмларга юборди. 1920 йил феврал ойида Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек бошчилигидаги истиқлолчиларга қарши совет қўшинлари ҳужумга ўтди. Қизил аскарларнинг ҳужумини ўнлаб самолёт, бронепоезд, бронемашиналар, тўп ва пулемётлар қўллаб туришди[4]. Натижада феврал ойининг охирларида Шермуҳаммадбек Олой воҳасига чекинишга мажбур бўлди. Мадаминбек ва Холхўжа Эшон қўшинлари ҳам катта мағлубиятга учради. Феврал ойининг охирида Гарбобони қизил армия жангчилари ишғол қилдилар.

Ҳарбий ташаббус қўлдан кетганлигини, ҳар қадамда хиёнат таъқиб қилаётганини кўрган Мадаминбек ўз йигитлари ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Фарғона қўшинлари қўмондонлигига яраш музокаралари бошлашни таклиф қилди. Натижада Мадаминбек билан 2-Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Веревкин-Рахальский ўртасида 1920 йил 6 мартда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида яраш битими имзоланди[5]. Мадаминбек билан бирга совет ҳокимияти томонига унинг ўнлаб қўрбошилари ва 3500 йигитлари ўтган эди.

Советлар тарафига ўтган Мадаминбек қизил аскарларнинг катта кучга эга эканлигини, истиқлолчилар бу кучга бардош бера олмасликларини ўша даврдаёқ яхши тушунган эди. Қўрбошиларга ишониб ўз ҳаётларини озодликка тиккан йигитлар беҳуда қурбон бўлиб кетишини истамаган Мадаминбек уларнинг қуролини ташлаб, тинч ҳаётга қайтишга ундаш учун советлар томонида туриб ҳаракат қилди. Лекин Мадаминбекнинг дипломатик тадбирлари самарасиз тугади. Советлар томонидан музокаралар ўтказиш учун қўрбошилар орасига юборилган Мадаминбек Шермуҳаммадбекнинг розилиги билан Холхўжа

---

[1] Ўша жойда, 149-фонд, 1-рўйхат, 75-йиғма жилд, 48—50-варақлар.
[2] Ўша жойда, 110-фонд, 3-рўйхат, 82-йиғма жилд, 133—135-варақлар.
[3] Ўша жойда, 43—47, 84—86-варақлар.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 283-йиғма жилд, 104-варақ.
[5] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 285, л. 40—41, 75—76.

Эшон томонидан 1920 йил 14 майда Қоровул қишлоғида ўлдирилди[1].

Совет қўмондонлиги «Мадаминбекнинг ўлими билан Туркистон Мухторияти ва миллий мафкура учун кураш ҳам ўлади»[2], деган хом хаёлга борган эди. Мадаминбекни Холхўжа Эшон буйруғи билан Соқи жаллод ўлдирган бўлса-да, аслида унинг ҳақиқий қотили большевиклар эди. Чунки, Мадаминбек билимдонлиги, ташаббускорлиги, ўзининг демократик қарашлари ва ҳарбий салоҳияти билан бошқа қўрбошилардан фарқ қилиб, халқ орасида катта обрўга сазовор бўлган эди. Табиийки, бундай миллий қаҳрамон ва миллий мафкура тарафдори бўлган Мадаминбекдек йўлбошчи большевиклар учун керак эмас эди. Шу сабабдан ҳам Мадаминбекнинг ҳалок бўлишидан биринчи навбатда большевиклар манфаатдор эди. Қуролини ташлаб, тинч ҳаётга қайтган истиқлолчиларни афв этиш ҳақидаги совет ҳукуматининг қарори эълон қилинишига қарамасдан, Мадаминбек ўлимининг эртасигаёқ истиқлолчилардан шафқатсиз ўч олишга киришилганлиги юқоридаги фикримизга далилдир.

Шундай қилиб, Мадаминбекнинг қатл этилиши билан Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи босқичи тугади. Икки йилдан зиёд давом этиб, 1920 йил баҳорида якунланган бу босқичда Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати юзага келди ва ташкилий жиҳатдан шаклланди. Истиқлолчилар йирик ҳарбий кучга айланиб, водийдаги большевиклар тузумини ларзага келтирди ва қарийб икки йил давомида Фарғонадаги вазиятни бошқариб турди. Бу давр ичида истиқлолчилар ҳарбий ташкилий жиҳатдан бирлашишга ҳаракат қилдилар. Бироқ том маънодаги бирлашиш амалга ошмади. Қўрбошилар онгига ўрнашиб қолган фақат ўзини ўйлаш, манмансирашлик, шуҳратпарастлик касаллиги уларни бир-бирларига ён беришга қўймасди. Шунингдек, «қизил империя»нинг ташвиқотчи машинаси ҳам бенуқсон ишлаб, ҳавойи ва дабдабали шиорлари билан истиқлолчилар қаторига раҳна солишга муваффақ бўлди. Бунга асосий сабаб, Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган 150 га яқин қўрбошилар дасталарининг манфаатларини бирлаштира оладиган ягона миллий дастурнинг йўқлигида эди. Чунки Туркистондаги истиқлолчилар ҳаракати заминида турли манфаатлар ётган бўлиб, баъзида улар ички зиддиятга ҳам айланар эди. Бу ҳолатдан эса большевиклар усталик билан фойдаланди. Фарғона водийсига 1919 йилнинг охирларида ташланган катта миқдордаги ҳарбийлар кучлар нисбатини советлар томонига бурib юборди. Шунга қарамасдан, Туркистон ўлкасида истиқлолчилар ёмон қуролланган, ҳарбий тайёргарлик кўрмаган ва кат-

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-йиғма жилд, 230-варақ.
[2] РГВА, ф. 2 8113, оп. 7, д. 84, л. 1—4.

та талафот кўраётган бўлсалар-да, босқинчи қизил армия қисмларига қарши курашни тўхтатмадилар. Чунки Туркистонда большевиклар айби билан юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан норози бўлган деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа ватанпарварлар истиқлолчилар ҳаракатининг янги даврини бошлашга ундамоқда эди.

7. ХАЛҚҚА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН «ҲАРБИЙ КОММУНИЗМ» СИЁСАТИ

Туркистон ўлкасининг халқ хўжалиги Биринчи жаҳон уруши ва октябр тўнтариши натижасида юзага келган умумий вайронгарчилик ва қаҳатчилик ҳолатини бошидан кечираётган эди. 1917 йилда экин экиладиган майдонлар 1915 йилдаги 3,5 млн десятинадан 2,3 млн десятинага тушиб қолди. Қишлоқ хўжалигининг таназзули 1917 йилги ҳосилсизлик туфайли янада кескинлашди, бу вақтда бутун ўлкада бор-йўғи 52 млн. пуд ғалла йиғиб-териб олинди, ҳолбуки, ғаллага бўлган эҳтиёж 111 млн. пудни ташкил этарди. Натижада очарчилик бошланди[1]. Вайронагарчилик саноатни ҳам четлаб ўтмади. Саноатнинг етакчи тармоғи бўлган пахта тозалаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1917 йилда 1915 йилга нисбатан 2 баробардан кўпроқ қисқарди. Саноат ишлаб чиқаришининг камайиб кетиши ва Россиядан саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тобора қисқариб бориши натижасида қимматчилик тўхтовсиз ортиб борди.

Большевиклар режимининг хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-давлат мулкчилигини авж олдиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни ниҳоятда марказлаштиришга, шу билан бирга иқтисодий усуллар билан эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсати очарчилик ва вайронагарчиликни янада чуқурлаштирди.

Туркистоннинг экстремистик кайфиятдаги раҳбарлари большевиклар режимининг олиб бораётган иқтисодий сиёсатини Марказга қараганда янада кескинроқ чоралар ва жадал суръатлар билан амалга оширишга интилдилар. 1917 йилнинг охирларидан эътиборан ўлкада ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати жорий қилина бошлади. 1918 йил март ойига келиб саноат корхоналарининг тахминан 10 %и ишчи назорати билан қамраб олинди[2]. Бундай назорат барча корхоналарда ёки ҳеч бўлмаганда улардан кўпчилигида ўрнатилишини ҳам кутиб ўтирмай, Туркистон совет ҳукумати саноатнинг бутун-бутун тармоқлари-

---

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 70—74-варақлар.

[2] *Ульмасов А.* Национализация промышленности в советском Туркестане. — Т., 1960. С. 37.

ни национализация қилишга ўтди. 1918 йилнинг биринчи ярмида ўлка саноатининг етакчи тармоқларидаги корхоналар — пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, пахтанинг мавжуд барча захиралари, шунингдек, босмахоналар, банклар, темир йўллар, кўмир конлари, нефт конларининг бир қисми, саноатнинг бошқа тармоқларидаги айрим корхоналар — умуман олганда 330 дан ортиқ саноат корхонаси[1] давлат мулки қилиб ўтказилди.

Национализация қилинган ана шу саноат тармоқлари (матбаачилик тармоғидан ташқари) Биринчи жаҳон урушига қадар ўлкадаги ялпи саноат маҳсулотининг 80 %идан кўпроғини берарди. Туркистон саноатни национализация қилиш суръатлари бўйича РСФСРнинг бошқа минтақаларидан, шу жумладан, унинг саноат марказларидан анча илгарилаб кетган эди. Национализация қилинган корхоналарнинг аксарият кўпчилиги, айниқса, пахта тозалаш корхоналари, большевиклар ҳукумати мулки бўлиб ўтгач, хом ашё, маблағ, ишчи кучининг етишмаслиги ва уларга «янги хўжайинлар»нинг уқувсиз раҳбарлик қилиши оқибатида умуман ишламай қўйган эди. Совет органларининг пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган тармоқларни национализация қилганлиги фақат корхона эгаларигагина эмас, балки пахтакор деҳқонларга ҳам катта зарба бўлди, натижада пахтанинг нархи кескин пасайиб кетди, бу эса пировард натижада чигит экишнинг бирмунча қисқариб кетишига олиб келди.

Маъмурлар советларнинг II Бутунроссия съезди (1917 й. октябр) қабул қилган ер ҳақидаги декретни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиладилар, уларга мувофиқ ерга бўлган хусусий мулкчилик бекор қилинди, барча меҳнаткашлар ихтиёрига ўтказилган ерлардан қишлоқ аҳли тенг асосда фойдалана бошлади. 1917 йил 6 декабрда ўлка халқ комиссарлари кенгаши қабул қилган қарорда бундай дейилган эди: «Давлат аҳамиятига эга бўлган ерлардан ташқари, барча ерлар дарҳол вилоят ва уезд ер қўмиталари ҳисобига ўтказилсин, бундай қўмиталар бўлмаган жойларда деҳқон ва мусулмон депутатлари вилоят ва уезд кенгашлари ихтиёрига берилсин, улар энди ер қўмиталарини ташкил этишга киришмоқлари лозим»[2]. Ана шу директива асосида 1918 йил кузида Сирдарё вилоятида 51 та, Самарқанд вилоятида 50 та, Еттисув вилоятида 25 та ер қўмиталари тузилди. Фарғона вилоятида ҳам бундай қўмиталарни тузиш бошланди.

Ер қўмиталари ўзига тўқ деҳқонларнинг ерларини ҳисобга олар эдилар. Деҳқонлар совет маъмурларининг жойларда ер қўмиталарини тузиш ҳаракатини жиддий қаршилик кўрсатиш билан кутиб олдилар. Шу муносабат билан советларнинг IV ўлка съездида (1918 й. январ) Ер ишлари халқ комиссарлиги вакили

---

[1] История народного хозяйства Узбекистана. — Т., 1962, Т. 1. С. 30; ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 375-йиғма жилд, 33-варақ.

[2] «Наша газета». 1917, 18 декабря.

бундай деган эди: «Ер қумиталарини тузиш осон иш эмас. Бизнинг ташвиқотчиларимиз ҳатто сайлов бўладиган жойларга ҳам бора олмадилар... Комиссарларимиз кетишга мажбур бўлдилар, чунки ҳатто қурол билан қаршилик кўрсатишга даъватлар бўлди»[1]. Айни вақтда ер қумиталари тузилиши билан 1918 йилнинг биринчи ярмида бир неча ўнлаб подшо, помешчикларга қарашли мол-мулклар ва бадавлат деҳқонларнинг йирик хўжаликлари национализация қилинди[2].

1918 йилнинг иккинчи ярмидан эътиборан большевиклар амалга ошираётган ўзгаришлар Россияда авж олиб кетган фуқаролар уруши муносабати билан янада қатъий ва кенг миқёсли хусусиятга эга бўлди.

Большевикларнинг тусатдан ҳокимиятни босиб олиши, мамлакат демократик йўлдан ривожланишининг сунъий равишда тўхтатилиши, большевиклар ўрнатган ўзбошимчалик ва зўравонлик, маъмурий чора-тадбирлар билан социализм қуриш учун бошланган халққа қарши тажриба халқнинг большевистик режимга нисбатан оммавий норозилигини вужудга келтирди. У пировард натижада фуқаролар урушига қўшилиб кетди, бу урушга кўп миллионли россияликлар ва унинг мустамлака ўлкалари ҳам жалб қилинган эди.

Большевиклар режимига қарши кураш Туркистонни ҳам четлаб ўтмади. 1918 йил ўрталарида бу ерда Закаспий, Оренбург-Актюбинск ва Еттисув фронтлари ташкил этилди. Истиқлолчилик ҳаракати Фарғона водийсида авж олиб кетди. Натижада Туркистон Автоном Республикаси таянчи бўлган Марказдан узилиб қолди. Большевиклар режимининг танг аҳволи, шу жумладан, Туркистонда ҳам жиддий бўлиб қолган эди.

Бундай, ғоят мураккаб вазиятда Совет ҳукумати ҳарбий чора-тадбирлар билан бир қаторда фавқулодда иқтисодий чора-тадбирлар ҳам белгиладики, уларнинг жамини бу режим бошлиғи Ленин кейинроқ «ҳарбий коммунизм сиёсати» деб атади. Бу сиёсат бир кўринишда умумий вайронагарчилик туфайли очлик гирдобига тортилган халқни озиқ-овқат билан кескин таъминлашга қаратилгандек кўринади. Аслида эса бу сиёсат шаҳар билан қишлоқ ўртасида бозордан ташқари тўғридан-тўғри маҳсулот айирбошлашга, лекин бу тадбир иқтисодий ва ҳарбий тарздаги зўравонлик билан амалга оширишга қаратилган бўлиб, очарчиликка мубтало халқни эмас, балки фронтда инқилобни ҳимоя қилаётган қизил армияни ва мамлакат ичкарисида большевиклар режимининг бош таянчи ва совет ҳокимиятининг «хўжайини» бўлган ишчилар синфини озиқ-овқат билан таъминлашни мақсад қилиб қўйган эди. Шу билан бирга, «ҳарбий коммунизм» сиёсати айни вақтда инқилобни ҳарбий йўл билан

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2-йиғма жилд, 22-варақ.
[2] «Наша газета». 1918, 20 апреля.

ҳимоя қилиш ва социализм қуриш усули сифатида большевиклар томонидан ўртага ташланган сиёсат эди. Мазкур сиёсат натижасида жамиятни бошқаришда, «инқилобий» ўзгаришларни амалга оширишда, истиқболсиз ва ҳалокатли «штурмчилик» усули, шунингдек, «коммунизм»га бирданига тўғридан-тўғри, бевосита ўтиш, бошқарувни қатъий марказлаштириш ва тартибга солиш, ҳарбий буйруқбозлик тизими совет ижтимоий ҳаётига шу даражада ўрнашиб қолдики, у Россиядаги фуқаролар уруши ниҳоясига етганида ҳам жамиятни бошқаришнинг асосий ва ягона усулига айланди ва совет ҳукумати таназзулининг охирги йилларигача бошқарув воситаси сифатида қўлланди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати марксчиларнинг эскича тасаввурини акс эттирарди, яъни пролетар инқилоби ғалаба қозониши билан «қиймат қонуни» ўз аҳамиятини йўқотади, товар-пул муносабатлари ва бозор барҳам топади, уларнинг ўрнини тўғридан-тўғри маҳсулот айирбошлаш эгаллайди, деган фикрларини ифодаларди. Шу тариқа, большевиклар «ҳарбий коммунизм» сиёсатини жамиятни «бир сакраш» билан «коммунизмга» ўтиш усули деб талқин қилдилар[1].

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати ўз моҳиятига кўра халққа қарши қаратилган бўлиб, социализм қуриш усули сифатида мутлақо яроқсиз эди. У, айниқса, Туркистоннинг муайян тарихий шароитида кераксиз ва зарарли сиёсат эди. Бироқ Туркистон Автоном Республикаси ва ТКП раҳбарлари маҳаллий шарт-шароитларни бутунлай ҳисобга олмасдан, «ҳарбий коммунизм» сиёсатини қатъият билан амалга ошира бошладилар, унинг айрим таркибий қисмларини рўёбга чиқаришда ҳатто анча тараққий этган минтақаларни ҳам орқада қолдириб кетдилар.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг моҳиятига кўра фақат йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва ҳатто майда корхоналарни ҳам давлат қўлида умумийлаштиришни тақозо қилар эди. Туркистон маъмурлари учун бу тадбирни амалга оширишда дастур ва асос бўлиб РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 28 июндаги йирик саноатни ва транспортни ялписига национализация қилиш тўғрисидаги декрети хизмат қилди[2]. Ана шу декрет асосида ва уни амалга ошириш учун 1918 йилнинг иккинчи ярмидан — 1919 йил биринчи ярмигача қабул қилинган ҳукумат қарорлари, хусусан, халқ хўжалиги кенгашлари ва маҳаллий кенгашларнинг қарорлари асосида бу ерда фабрика-завод типидаги барча йирик ва ўрта корхоналар, шунингдек, ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик типидаги майда корхоналарнинг бир

---

[1] «Правда». 1989, 24 марта; «Вопросы истории КПСС». 1988, № 9. С. 40.

[2] Из истории гражданской войны в СССР //Сборник документов. — М., 1960, Т. 1. С. 243—264.

қисми деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан давлат ихтиёрига олинди. 1919 йилнинг охирида бутун-бутун саноат тармоқларини (тамакичиликдан ташқари) национализация қилиш тугалланди ва кейинги йилларда эса Туркистон қишлоқларида фақат айрим майда корхоналарни умумийлаштириш амалга оширилди. Марказий совет ҳукуматининг бошқа минтақаларига нисбатан Туркистон саноатини национализация қилиш хусусиятларидан бири шу бўлдики, бу тадбир ўлка большевик раҳбарларининг «ташаббуси» билан анча жадал суръатлар билан амалга оширилди. Агар 1919 йил кузига келиб, умуман РСФСР бўйича ишлаётган саноатнинг фақат 57 фоизи давлат мулки қилиб ўтказилган бўлса, Туркистон Автоном Республикасида тармоқ корхоналарининг аксарият кўпчилиги давлат мулкига айлантирилган эди[1].

Туркистон Автоном Республикаси ҳамда партия хўжалик раҳбарлари ўзларининг капитализмни «штурмчилик» усули билан тугатишга ва «социалистик жамият» барпо этишга зўр бериб интилишлари билан саноатни национализация қилишни кўп ҳолларда зарур тайёргарлик кўрмаган ҳолда, шошма-шошарлик билан ва ҳатто ҳеч қандай иқтисодий заруриятсиз амалга оширдилар. Кўпинча бутунлай таназзулдаги корхоналар умумийлаштирилдики, уларни ишга тушириш учун катта маблағ ва вақт талаб қилинарди, кўпчилиги эса давлат учун зарар келтирар ва ортиқча бир нарсага айланиб қолган эди[2]. Саноат корхоналарининг тартибсиз равишда жадаллик билан национализация қилиш, ишлаб чиқаришни издан чиқариб, тармоқнинг орқага кетиш сабаларидан бирига айланган эди.

Туркистон раҳбарлари ўлкадаги саноат ишлаб чиқариши жиловини тезроқ ўз қўлларига киритишга интилиб, фабрика-заводлар билан бир қаторда кўпгина ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик типидаги корхоналарни ҳам умумийлаштирдиларки, буни хўжалик заруриятидан эмас, балки бутун саноат ишлаб чиқаришини жадал умумийлаштириб, марказий ҳукуматга ҳисобот бериш ва «социализм»га тез суръатлар билан ўтишга интилиш деб баҳолашни тақозо этади. Совет маъмурларининг бу хилдаги экстремистик хатти-ҳаракатлари ҳунармандкосиблар орасида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлди, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кўпроқ кескинлаштирди. Ҳунармандчилик-косибчилик саноати барча саноат муассасаларининг деярли 80 %ини ўзида жамлаган бўлиб, Туркистондаги бутун саноат маҳсулоти қийматининг тўртдан бир қисмидан кўпроғини ишлаб чиқарарди[3]. Тўғри, кейинчалик саноатни на-

---

[1] Из истории гражданской войны в СССР //Сборник документов. — М., 1960, Т. 1. С. 654—655.

[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 137-варақ.

[3] История народного хозяйства Узбекистана... Т. 1. С. 18.

ционализация қилишдаги бу нуқсонларга барҳам берилгандек бўлди. Масалан, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1920 йилда ҳунармандчилик типидаги майда кўнчилик корхоналаридан 16 таси эгаларига қайтарилди, хусусан, Самарқанд вилоятида 31 та майда ва ўрта ҳунармандчилик корхонаси аввалги эгаларига қайтариб берилди ва ҳоказо[1]. Лекин, бу чоралар вақтинчалик бўлиб, норозилиги кучайган аҳолининг бир оз бўлса-да тафтини туширишга қаратилган эди.

Большевиклар томонидан 1920 йил охирларида Туркистон республикасида 1075 та саноат корхонаси (уларнинг кўплари майда корхоналар эди) штурмчилик усуллари билан национализация қилинди ва пролетар давлати мулкига айлантирилди. Натижада, давлат корхоналари барча ёлланма ишчиларнинг 90%ини ва ўлка саноатида мавжуд бўлган механик двигателларнинг 80 %дан кўпроғини қамраб олди. Ялпи саноат маҳсулотининг деярли 3/4 қисми давлат сектори улушига тўғри келарди[2]. Бу даврга келиб хусусий ва кооператив мулкчилик ихтиёрида фақат энг майда-чуйда корхоналар (асосан ҳунармандчилик ва косибчилик) қолган бўлиб, улардаги ўртача ёлланма ишчилар сони 4 тадан ошмасди, ёки ёлланма меҳнат умуман татбиқ этилмасди[3].

Совет ҳокимияти Туркистондаги барча фабрика-завод шаклидаги саноатни зўрлик билан ўз қўли остида тўплаб, ундан аввало мудофаага мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланди, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш махсус ҳарбий-хўжалик органи бўлган Марказий ҳарбий тайёрлов бўлими қўлида марказлашган эди. Унинг корхоналари фақат 1920 йил мобайнида 172,5 минг донадан ортиқ гимнастёрка, 81 мингта калта пўстин, 324 минг донага яқин кўйлак, 202 мингдан ортиқ бош кийим, 111,2 минг жуфт пойабзал ва бошқа нарсалар ишлаб чиқарди[4].

Йирик, ўрта ва ҳатто майда фабрика-завод типидаги корхоналарни национализация қилиш билан бир вақтда большевиклар режими кўпгина ҳунармандчилик устахоналарини ҳам ўз назоратига олди. Ҳунармандчилик устахоналари асосан маъмурий усуллар билан бирлаштирилиб, ҳунармандчилик артеллари ташкил қилинди. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 1920 йил декабрга келиб, Туркистонда қарийб 800 ҳунармандчилик артеллари (шу жумладан, 10 таси — хотин-қизлар ишлайдиган артель) бор эди, уларга 25 мингдан ортиқ ҳунарманд бирлашган эди. Ҳунармандчилик артеллари мустақил фаолият кўрсатишдан

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 821-йиғма жилд, 313-варақ; 27-фонд, 1-рўйхат, 445-йиғма жилд, 104—105-варақлар.

[2] История народного хозяйства... Т. 1. С. 80.

[3] Статистический ежегодник. 1917—1923. — Т., 1924, Т. 1, Ч. III. С. 99—107.

[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 346-йиғма жилд, 3—8-варақлар.

бутунлай маҳрум этилган бўлиб, турли давлат ва ҳарбий ташкилотларнинг буюртмаларини бажарар эдилар. Большевиклар тузуми органларининг халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчилик тармоқлари устидан қатъий назорат ўрнатиши билан Туркистонда моддий ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалган бу соҳасида хусусий мулкчиликни тугатиш борасидаги вазифаси умуман ҳал этилди ва шу асосда большевикларнинг штурмчилик, ҳарбий-маъмурий усуллар билан «мустабид социализм тузуми»ни қуриш юзасидан ўз олдига қўйган вазифасини ҳал қилишда катта қадам ташланди.

Большевиклар «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида умумий меҳнат мажбуриятини жорий қилдилар. 1918 йил 9 сентябрда Туркистон Автоном Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши «Умумий меҳнат мажбуриятини ҳаётга татбиқ этиш» тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу директивага мувофиқ «меҳнат билан шуғулланмайдиган» унсурлар зўрлик билан жамоат ишларига жалб этила бошланди. 1919 йил мартда советларнинг VII ўлка съездида «умумий меҳнат мажбуриятини ўрнатиш» мақсадида республиканинг 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча эркак ва аёл аҳолисини ҳисобга олишга қарор қилинди, бундан мақсад келгусида уларни саноатнинг ишчи кучи етишмаётган тармоқларига ишга юбориш эди[1]. Шу билан бирга, умумий меҳнат мажбурияти маҳаллий хотин-қизлар учун ҳам мажбурий эди, улар ўша вақт урф-одатларига кўра жамоат корхоналарида ишлаш у ёқда турсин, ҳатто жамоат жойларида очиқ юз билан намоён бўлишлари ҳам мумкин эмасди. Большевиклар режими дастлабки даврда қатъий синфий сиёсатга амал қилиб, меҳнат мажбуриятини бажаришга фақат «эксплуатация қилувчи унсурлар»ни, шунингдек, ишсизларни жалб қилди. Лекин жойларда меҳнат мажбурияти пала-партиш, уюшқоқсизлик билан ўтказилди, жамоат ишларига сафарбар этилганлар ҳақида ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатилмади, дўқ-пўписа қилиш, зўравонлик кенг татбиқ этилди, бу эса аҳоли орасида кучли норозилик келтириб чиқарди. Аҳолининг мусулмон қисми меҳнат мажбурияти баҳонасида ўз оилалари ва туғилган жойларидан ажратилиб, мажбуран фронт ортидаги ишларга юборилди, бунинг учун подшо ҳукуматининг 1916 йилда «мардикорлик» ҳақида эълон қилган сафарбарлиги рўкач сифатида кўрсатилди.

1920 йил 29 январда Ленин ҳукумати «Умумий меҳнат мажбурияти тартиби тўғрисида» декрет қабул қилгандан сўнг 1920 йилда меҳнат мажбурияти, айниқса, кенг кўлам касб этди. 1920 йилда — 1921 йилнинг биринчи ярмида Туркистон Республикасида умумий меҳнат мажбуриятига қарийб 300 минг киши

[1] ЎзР МДА, 2-фонд, 1-руйхат, 30-йиғма жилд, 42-варақ.

жалб этилган эди[1]. Умумий меҳнат мажбуриятини ўтказишда узбошимчалик ва зўравонлик мисли кўрилмаган даражада қулоч ёйди. Марказий ҳукумат декрети ўлкада Марказга нисбатан янада «инқилобийроқ» қабул қилинди[2]. Куплаб кишилар бир ҳудуддан бошқасига кўчирилди, жамоат жойларида одамларни қуршаб олиб уларни тутиш ва мажбурий меҳнатга юбориш каби усуллар қўлланди. Туркистон Автоном Республикаси МИҚ раиси Назир Тўрақулов Туркистон КП VI съездида (1921 й. август) қилган маърузасида большевик маъмурлар томонидан умумий меҳнат мажбурияти ўтказишдан иборат ғайриинсоний тажрибаси ҳақида чуқур ғазаб-нафрат билан бундай деганди: Меҳнат сафарбарлигини «шундай ўтказишдики, меҳнатга яроқли шаҳар аҳолисининг ярми... қишлоқларга қочиб кетди... Аҳвол шу даражага етдики, меҳнат сафарбарлиги учун зарур миқдорда одам тўплаш учун масжидларда ва бошқа жойларда одамлар қуршаб тутиб олинди»[3].

Большевикларнинг халққа қарши қаратилган «ҳарбий коммунизм» сиёсати, айниқса, деҳқонларга катта зарба бўлиб тушди. Большевиклар ҳокимият тепасига келиши билан ўлкада озиқ-овқат соҳасидаги аҳвол янада ёмонлашди. 1918 йил охирига келиб 1 млн.дан ортиқ киши очарчиликка дучор бўлди, уларнинг аксар кўпчилиги маҳаллий аҳоли вакиллари эди[4]. Шаҳарларда нон бериш нормаси киши бошига кунига 1/8 фунтгача, яъни 50 граммгача қисқарди.

Совет ҳокимияти мамлакатни қамраб олган озиқ-овқат танглигини бироз юмшатиш учун уриниб кўрди. 1918 йил 11 июнда ТуркМИҚ «Озиқ-овқат директорияси ҳақида Низом» қабул қилди, унга мувофиқ Туркистон Республикасида озиқ-овқат диктатураси ўрнатилди[5]. 1918 йил 2 августда ТуркМИҚ ва Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати ҳосилни фоиз тарзида ажратиш ҳақида буйруқни эълон қилди. Ер эгалари давлат фойдасига қатъий нархлар бўйича 1—4 десятина экин майдонидан 4 пуддан, 10—50 десятина ердан ҳар десятина ҳисобидан 6 пуддан ғалла ажратиш мажбуриятини олдилар[6]. 1918 йилнинг иккинчи ярмида — 1919 йилнинг бошларида ички ва ташқи бозорда улушли ғалла ажратиш ва харид қилиш асосида Туркистон Автоном Республикасида озиқ-овқат органлари 3.430.196 пуд ғалла тайёрлади[7]. Бироқ бу ғалла армияни ва шаҳар аҳолисини таъминлаш учун мутлақо етарли эмасди.

---

[1] *Акрамов А.* Борьба коммунистической партии Туркестана за осуществление политики «военного коммунизма» (1918—1921 гг.): Дисс. канд. ист. наук. — Т., 1965. С. 268.

[2] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 29, л. 74—84.

[3] ЎзР МДА, 35-фонд, 4-рўйхат, 32-йиғма жилд, 65—66-варақлар.

[4] Ўша ж о й д а, 17-фонд, 1-руйхат, 45-йиғма жилд, 379-варақ.

[5] ГАРФ, ф. 1334, оп. 1, д. 10, л. 72.

[6] ЎзР МДА, 31-фонд, 1-рўйхат, 82-йиғма жилд, 45-варақ.

[7] ЎзР МДА, 27-фонд, 1-рўйхат, 173-йиғма жилд, 220-варақ.

1921 йилдан эътиборан большевиклар режими озиқ-овқат ресурсларини сафарбар этиш юзасидан қаттиқ ва халққа қарши қаратилган чора-тадбирлар белгилади. 1919 йил 11 январда РСФСР ХКК озиқ-овқат разверсткаси тўғрисида декрет қабул қилди. Бу декретга кўра, деҳқонлардан уларнинг барча ортиқча ғалласи қатъий белгиланган нархини тўлаб тортиб олинадиган бўлди. Озиқ-овқат разверсткаси армия ва ишчилар синфи манфаатлари йўлида жорий этилди. Бу ҳақда большевиклар раҳбари Ленин ҳам ошкора гапирган эди[1]. Масалан, 1920 йилнинг ёзида мамлакат умумий истеъмолидан қизил армия улушига 25% ун, 50% ёрма, деярли шунча миқдорда ем учун дон, 60% балиқ ва гўшт, 40% ёг, 100% тамаки ва ҳоказолар тўғри келарди[2].

РСФСР раҳбариятининг тутган қатъий йўлига амал қилган Туркистон Автоном Республикаси раҳбар органлари ҳам озиқ-овқат ресурсларини сафарбар қилиш юзасидан қаттиқ чоралар кўрди. 1919 йил июнда ТуркМИҚ ғалла монополияси ҳақида декрет қабул қилди, унинг моҳияти «ҳукуматга озиқ-овқат комиссарлиги орқали тўғри тақсимлаш мақсадларида қатъий белгиланган нархлар бўйича барча ортиқча ғалла»ни топширишдан иборат эди. Ўша куниёқ ТуркМИҚ махсус декрет билан озиқ-овқат комиссарига ТАССРда озиқ-овқат сиёсатини ўтказиш юзасидан фавқулодда ваколатлар берди[3].

Ғалла монополиясининг жорий этилиши, озиқ-овқатнинг монополиялаштирилган турларини эркин равишда сотишнинг тақиқланиши ҳақиқатда бозорларнинг ёпилишини назарда тутарди, бу эса охир-оқибатда очликка халқни маҳкум этиш демак эди. Бу ҳолатларни эътиборга олиб кўпгина мусулмон жамоат арбоблари ғалла монополиясига қарши чиқдилар. Чунончи, Мунаввар Қори советларнинг VIII ўлка съездида (1919 й. сентябр) қуйидагиларни айтиб ўтди: «Россияда ғалла монополияси аллақачон ўтказилган, бизда эса ҳали ўтказилган эмас. Бизнинг Туркистонда Марказда ўтказилган ҳамма нарсани ҳам ўтказиб бўлмайди»[4]. Турар Рискулов ТуркМИҚ мажлисида сўзлаган нутқида бозорларнинг беркитилишига ва деқонларнинг ортиқча озиқ-овқатлари тортиб олинишига қарши қатъий фикр билдирди[5]. Кўпгина маҳаллий советлар ва мусулмон коммунистик ташкилотлари ғалла монополиясининг жорий этилишига қарши чиқдилар (Андижон советлари уезд съездида, Фарғона вилоят мусулмон-коммунистлар конференцияси ва бошқа бир

---

[1] Қ а р а н г: *Ленин В.И.* Тўла асарлар тўплами. Т. 43, 219—220-бетлар.
[2] *Гладков И.А.* Очерки Советской экономики 1917—1920 гг. — М., 1956. С. 354.
[3] ЎзР МДА, 31-фонд, 1-рўйхат, 61-йиғма жилд, 87-варақ.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 355-варақ.
[5] Ў ш а ж о й д а, 10-йиғма жилд, 13-варақ.

қатор ташкилотлар)[1]. Мусулмон ташкилотлари ва жамоат арбобларининг ғалла монополияси ҳақидаги декретга қаршилик кўрсатиши шу қадар кучли бўлдики, ТуркМИҚ 1919 йил 1 декабрда бозорларда ғаллани эркин равишда сотишга рухсат этишга мажбур бўлди[2]. Бу билан аслида илгари эълон қилинган ғалла монополияси бекор қилинган эди.

1920 йил февралдан бошлаб озиқ-овқат разверсткаси фақат кўчириб келтирилган рус деҳқонларига нисбатан татбиқ қилина бошланди. Маҳаллий деҳқонлар эса ТуркМИҚнинг 1920 йил 9 мартдаги натура шаклидаги ғалла мажбурияти ҳақидаги декрети бўйича улушли ажратма асосида экин экиладиган майдон ҳажмига мувофиқ ўртача ҳосилнинг 1/10 дан 4/10 гача улушини давлатга топширишлари лозим эди[3]. Бу декрет Туркистон деҳқонларига муайян ён босиш эди. Бироқ бу декрет нисбатан озроқ муддат амал қилди, холос. Туркқомиссия ва ТКП ўлка қўмитасининг кўрсатмасига кўра 1920 йил ёзидан бошлаб озиқ-овқат разверсткаси маҳаллий деҳқонларга ҳам татбиқ қилинди. 1920 йил 16 августда ТуркМИҚ бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди[4]. Унга кўра озиқ-овқат разверсткаси дастлаб ғалла ва хашак тайёрлашда жорий этилди. Сўнгра у гўшт, мол ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари турларига ҳам татбиқ этилди. Озиқ-овқат разверсткасини ўтказиш учун ишчилардан ҳарбий озиқ-овқат отрядлари ташкил қилинди. Уларнинг умумий сони 56 та бўлиб, уларда 3 мингдан 4 минг нафаргача ишчи қатнашди[5]. Озиқ-овқат отрядлари қишлоқ аҳолисидан фақат ортиқча ғаллани эмас, балки уларнинг оиласини боқиш учун қолдирган ғалласини ва бошқа маҳсулотларини ҳам зўравонлик билан тортиб олар эдилар. Бу манзарани ўз кўзи билан кўрганлардан бирининг ёзишича, «озиқ-овқат разверсткаси... қишлоқларни расман талашдан иборат эди...»[6]

Озиқ-овқат органлари ва ҳарбий озиқ-овқат отрядлари деҳқонлар оммасига нисбатан ёвузларча ўзбошимчалик ва зўравонлик қилиш ҳисобига 1920 йил августдан 1921 йил июлгача озиқ-овқат разверсткаси бўйича 9.708.703 пуд дон, 1.606.201 пуд гўшт, 465.889 пуд сабзавот, 584.977 пуд қуритилган мева ва 6.358.144 пуд ем-хашак тайёрланди[7]. Разверстка бўйича ғалла режаси 44%га, ем-хашак бўйича эса 42%га бажарилди.

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 3-рўйхат, 42-йиғма жилд, 8—9-варақлар.

[2] «Известия ТуркЦИК». 1919, 3 декабря.

[3] «Известия ТуркЦИК». 1920, 3 марта; ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 258-йиғма жилд, 180-варақ.

[4] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 393-йиғма жилд, 109-варақ; «Известия ТуркЦИК». 1920, 26 августа.

[5] ЎзР МДА, 805-фонд, 1-рўйхат, 8-йиғма жилд, 33-варақ.

[6] *Зуев Д.Д.* Ферганское басмачество (1918—1922). Қуйидаги китобда: «Гражданская война». Материалы по истории Ферганского басмачества и боевых операций в Бухаре. — М. 1924. Т. III. С. 47—48.

[7] ЎзР МДА, 31-фонд, 1-рўйхат, 112-йиғма жилд, 257—258-варақлар.

Большевиклар режимининг халққа қарши қаратилган «ҳарбий коммунизм» сиёсати асосида ўтказган озиқ-овқат сиёсати деҳқонларни ёппасига талашга айланиб кетди ва уларнинг анчагина қисмини очлик ва ўлимга маҳкум этди. Туркистоннинг таниқли жамоат арбобларидан бири бўлган Собир Юсупов 1918 йил 15 майда ТуркМИҚ мажлисида қилган маърузасида Фарғона вилоятининг уездларида «очлик вабоси авж олмоқда, ҳар куни 60 киши очлик туфайли ўлмоқда»[1], деган эди. Ҳақиқатда очлик кун сайин ортиб борди. Туркистон Автоном Республикаси Озиқ-овқат халқ комиссари В.Лапин советларнинг VII ўлка съездида (1919 й. март) қуйидагиларни эътироф қилишга мажбур бўлган эди: «Бир қатор уездларнинг хабарларидан маълум бўлишича, аҳолининг (мусулмон аҳолининг) деярли ярми ўлган, хусусан, кўчманчи аҳоли кўп ўлган»[2].

Озиқ-овқат разверсткасининг жорий этилиши маҳаллий аҳолининг, аввало қишлоқ меҳнаткашларининг озиқ-овқат соҳасидаги аҳволини янада ёмонлаштирди. «Қишлоқ аҳолиси, — деган эди шу муносабат билан Н.Хўжаев 1920 йил охирларида бўлиб ўтган ТуркМИҚ мажлисида қилган маърузасида, — турли-туман ўт-ўланлар билан овқатланади, шу туфайли ўлиш ҳоллари юз бермоқда, ўлим, айниқса, болалар орасида кўп». Маърузада келтирилган маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятида аҳолининг 35—40%и, шу жумладан, Марғилон уездида — 60%и, Қўқон уездида — 50%и очликка дучор бўлган ва ҳ.к.[3] Ўлкада, шу жумладан, Фарғонада авж олган даҳшатли очарчилик ҳақида Фаргона вилояти очарчиликка қарши кураш комиссиясининг раиси Камолхўжаевнинг ҳисоботи аниқ тасаввур беради. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларидан бирида ана шу ҳисоботдан қуйидаги парчани келтирган эди: «Вайрон бўлган қишлоқларда ва очарчилик авж олган районларда кучалар ва йўлларда ҳар куни очлик туфайли ўлганларнинг жасадлари сочилиб ётарди, шунингдек, шундай ҳоллар ҳам бўлганки, анча вайрон бўлган айрим қишлоқларда очликдан ўлган кишилар жасадларини йиғиштириб оладиган ҳеч ким йўқ эди»[4].

Шундай қилиб, «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг жорий қилиниши, биринчидан, халқ учун зарур бўлган иқтисодий масалани ҳал қилишга эмас, балки большевикларнинг сиёсий ҳокимиятини сақлаб қолишида ва фуқаролар урушида енгиб чиқишида ёрдам берди. Иккинчидан, бу сиёсат очликка мутбало бўлган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга эмас, аксинча, уларнинг бор-йўғини тортиб олиб, большевиклар режи-

---

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 5-варақ.
[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 199-варақ.
[3] Ў ш а ж о й д а, 75-а йиғма жилд, 29—31-варақлар.
[4] «Правда Востока». 1991, 15 сентября.

ми ҳимоячилари бўлган қизил армияни ва ишчилар синфини боқиш учун хизмат қилди. Туркистон халқини эса «халқпарвар» большевиклар очликдан ҳимоя қилмади, аксинча, унинг манфаатларини оёқости қилди. Бу сиёсат туркистонликлар учун жуда қимматга тушди.

8. ХИВА ХОНЛИГИ ВА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҚИЗИЛ АРМИЯ ТОМОНИДАН ТУГАТИЛИШИ. ХХСР ВА БХСРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1917—1920 йиллар фақат Туркистон халқлари учунгина эмас, балки Хива ва Бухоро халқлари учун ҳам жиддий ларзалар келтирган давр бўлди.

1917 йилнинг бошларида Ўрта Осиё хонликлари Россия протекторати остида эди. Ўша йили содир бўлган феврал инқилоби натижасида чор самодержавиеси ағдарилиб, Бухоро ва Хивада эса амирлик ва хонлик тузуми сақланиб қолди. Чоризмга вассал бўлган Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги кўринишидан мустақил давлатлар бўлса-да, улар аслида ўз мустақиллигини йўқотган ва амалда чоризмнинг мустамлакасига айланган эдилар.

Шунинг учун ҳам 1917 йил февралда Россияда бўлган демократик инқилобнинг ғалабаси ва «оқ подшо»нинг тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги хабар хонликлар халқлари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Улар бу тарихий воқеани ўз мамлакатларининг чоризм империяси мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши ҳамда мустақиллик ва тараққиёт йўлидан ривожланиши учун имкон берадиган илоҳий куч сифатида қабул қилдилар. Чор самодержавиесининг ағдариб ташлангани ҳақидаги хабарни жамиятнинг энг илғор вакиллари бўлган жадидлар айниқса умид билан қарши олдилар. Бу воқеалардан бурмунча вақт илгари, 1916 йилда ёш туркларнинг «Бирлик ва тараққиёт» партияси намунаси асосида жадидлар ўзларини ёш бухороликлар (Бухорода) ва ёш хиваликлар (Хивада) деб атай бошладилар. Улар ўз мамлакатларининг аниқ тарихий шарт-шароитларини эътиборга олиб, дастлабки пайтларда монархияча тузумни йўқ қилишни, феодал ер эгалигини чеклашни ўз мақсадлари қилиб қўймадилар. Ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар аввало юқоридан туриб демократик ислоҳотлар ўтказиш йўли билан хонликларнинг капитализм ва ижтимоий тараққиёт йўлида ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилдилар.

Чор самодержавиесининг ағдарилиши мамлакат ичида ижтимоий таянчга эга бўлмаган ёш бухороликларда Россия демократик Муваққат ҳукуматининг тазйиқ ўтказиш йўли билан амирдан демократик ислоҳотлар ўтказишга эришишига умид уйғотган эди. Ана шу мақсадда улар Петроградга телеграмма

юбориб, Муваққат ҳукуматдан амирни Бухорода ислоҳотлар ўтказишга ундашни илтимос қилган эдилар. Амирликда ўтказиладиган ислоҳотлар лойиҳаси Россиянинг Бухородаги регенти А.Я.Миллер томонидан ишлаб чиқилган эди, аслида эса унинг ўзи ислоҳотлар тарафдори эмасди, уларни ўтказишга ҳали вақт эрта ва амирлик ҳамда чоризм империяси учун ҳатто хавфлидир, деб ҳисобларди[1]. Мазкур лойиҳани амир ва унинг яқин амалдорлари чуқур ва асосли равишда ўрганиб чиққанларидан кейин 1917 йил 7 апрелда амирнинг манифести эълон қилинди, унда мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш мўлжалланди, ислоҳотлар аслида монархия негизларига, ислом ва шариат асосларига дахл қилмас эди. Ислоҳотларнинг эълон қилиниши Бухоро жамиятини жунбушга келтирди, мамлакатдаги сиёсий вазиятни кескинлаштирди. Амирликнинг барча мутаассиб кучлари кенг суратда ислоҳотларга қарши чиқдилар. 1917 йил 8 апрелда улар амир эълон қилган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун ёш бухороликлар пойтахтда уюштирган намойишни тарқатиб юбордилар. 1917 йил апрелдаги бу фожиавий воқеалар тўғрисида Саид Олимхон кейинчалик шундай ёзган эди: «Бироқ уларни тарқатиб юборишди. Бунга консерватив кайфиятдаги Бухоро руҳониятининг кучайиб бораётган сиёсатида туб ўзгариш рўй берганлиги сабаб бўлди»[2]. Амирликда реакция авжга чиқди. Жазо олишдан сақланиш учун омон қолган ёш бухороликлар Тошкент, Самарқанд ва Янги Бухорога (Когонга) оммавий равишда муҳожир бўлиб кета бошладилар.

Россиядаги феврал инқилоби Хива хонлигида ҳам сиёсий жараёнларнинг кучайишига туртки берди. Кўпгина шаҳарларда йиғилишлар, митинглар ва намойишлар бўлиб ўтди. 1917 йил 4 апрелда хонлик пойтахтида ёш хиваликлар бошчилигида бўлиб ўтган намойишда кўпчилик иштирок этди. Уларга қўшилган Хивадаги Россия гарнизони аскарлари тинч намойишга хонга қарши йўналиш беришга уриндилар ва унинг қатнашчиларини хонга қарши қуролли қўзғолон кўтаришга даъват этдилар. Айнан шу тарихий шароитда бундай даъват қилиш ғаламислик, нопок мақсадни кўзлаб қилинган бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам осойишта намойиш қилишга қарор қилган ёш хиваликлар уларни қўллаб-қувватламадилар. Ёш хиваликлар руҳонийлар ва қишлоқ оқсоқоллари вакиллари кенгашида ислоҳотлар талабини ишлаб чиқдилар, уларда феодал истибдоддан конституцион монархияга ўтишни, хон ҳокимиятининг мажлис томонидан чекланишини ёқладилар ва ҳоказо. Ёш хиваликлар бунга тинч йўл билан, яъни хоннинг бу талабга ён бериши асосида эришишга умид қилган эдилар.

---

[1] *Медведев В.* Нечаянная революция //«Дружба народов», 1992, № 1. С. 141.
[2] «Фан ва турмуш». 1991, № 3, 18-бет.

Ёш хиваликларнинг бу талаблари манифест лойиҳаси сифатида баён қилинган бўлиб, уни хон имзолаши лозим эди. Лойиҳа Матмуродов бошлиқ ёш хиваликлар делегацияси томонидан Асфандиёрхонга топширилди. 5 апрелда манифестни хон имзолайди ва уни хон ҳокимияти вакиллари йиғилишида ўқиб берилади[1]. Манифестга кўра Хивада хон бошчилигида конституцион монархия ўрнатилиши, унинг ҳокимияти мажлисда сайланган руҳонийлар ва савдогарлар вакилларидан иборат 30—50 киши ва нозирлар кенгаши томонидан чекланиши лозим эди. Хон манифестда кўрсатилган кўпчилик масалаларда ён берган бўлса-да, булар вақтинчалик бўлиб, жунбушга келган халқни тинчлантириш учун атайлаб қилинганлигини воқеаларнинг кейинги жараёнлари яққол кўрсатган эди.

Манифест қоидалари асосида тезда янги давлат идоралари — мажлис ва нозирлар кенгаши тузилди, улардаги энг муҳим ўринларни ёш хиваликлар эгаллаган эдилар. Мажлис раиси қилиб таниқли ёш хиваликлар вакили Бобо Охун сайланди, нозирлар кенгашига ёш хиваликлар етакчиси Матмуродов бошчилик қилди[2]. 1917 йил июн ойининг биринчи ярмида Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили, генерал Мирбадаловнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянган Асфандиёрхон Матмуродов бошлиқ ёш хиваликлар раҳбарларини ҳибсга олди ва ёш хиваликлар партиясининг барча аъзоларини диндан қайтган, деб эълон қилиб, уларга қарши қатағон бошлади. Хоннинг ёш хиваликлар устидан ғалабасини мустаҳкамлаш, хонликда мавжуд бўлган тузумга қарши янги чиқишларга барҳам бериш учун Муваққат ҳукумат 25 июлда Хивада комиссар лавозимини таъсис қилди. Бу комиссарга Хива хонлигини бошқаришни ташкил этиш қоидаларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Айни вақтда Муваққат ҳукумат томонидан хонликка чоризм қўшинларининг янги қисмлари, асосан казак қўшинлари юборилди.

Шундай қилиб, Бухоро ва Хивадаги ёш демократлар — ёш хиваликлар ва ёш бухороликларнинг хонликлардаги монархия тузумига қарши қаратилган биринчи ҳужуми муваффақиятсизликка учради. Бунда шу ҳолат муҳим роль ўйнадики, чоризм ўрнига келган Муваққат ҳукумат ўзи эркинликлар эълон қилишига қарамай, амалда хонликларда ўша эски чор маъмурларининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди, хонликларда туб ўзгаришлар бўлиши мумкинлигидан чўчиб, бу ердаги мавжуд режимларни бутун куч ва воситалар билан ҳимоя қилди. Чунки хонликларда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар

---

[1] История Бухарской и Хорезмской народных советских республик. — М., 1971. С. 51—52.

[2] *Непесов Г.* Из истории Хорезмской революции (1920—1924 гг.) — Т., 1962. С. 78—79.

натижасида чоризм империяси ўзи учун шу қадар қулай ва муҳим бўлган шарқий мустамлакалардан маҳрум бўлиб қолиши мумкин эди.

Петроградаги 1917 йил октябр тўнтариши ҳамда Муваққат ҳукуматнинг ағдариб ташланиши натижасида Бухоро ва Хива чоризм «протекторати»дан озод бўлишди, унга қарам бўлмаган давлатларга айланишди. Уларнинг мустақиллигини РСФСР Ҳукумати ва Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳам эътироф этдилар. Лекин янги большевиклар режими ўрнатилиши билан хонлик ва амирлик Россия ҳукумати томонидан кўрсатиладиган ва кўп йиллар давомида эга бўлиб келган ҳарбий-сиёсий ёрдамдан маҳрум этилдилар[1].

Шундан кейинги тарихий воқеалар жараёни шуни кўрсатдики, большевиклар режими Марказий Осиёдаги бу хонликларнинг мустақиллигини фақат қоғоздагина тан олган. Унинг раҳбарлари Бухоро билан Хивани Россиянинг таъсиридан чиқариб юборишни мутлақо истамаслиги, бутун куч ва воситалар билан хонликларни «жаҳон инқилоби олови»га ташлашга ҳаракат қилаётганликлари кундан-кунга яққол сезила бошлади.

Большевиклар режими совет Туркистонидан, аввало хонликлар ҳудудига туташиб кетган Амударё бўлими ва Бухоро рус манзилгоҳларидан (бу жойларда 1917 йил охирида совет ҳокимияти ўрнатилган эди) фойдаланишга уринди. Бу жойларга хонлик режимларига қарши турган ва унинг қатағонидан қочиб келган мухолифатдагилар муҳожир сифатида атайлаб юборилдилар. Улардан ана шу жойлардаги партия ва совет органлари ёрдамида хонликларга бостириб кириш учун қуролли отрядлар ва мазкур мамлакатлар аҳолиси орасида ташвиқот ишлари олиб бориш учун тарғиботчи кадрлар тайёрладилар. Большевиклар ёрдамида ёш бухороликлар ва ёш хиваликларнинг инқилобий ташкилотлари тузилди. Шу тариқа, Амударё бўлими ва Бухоронинг рус манзилгоҳлари хонликларга ҳужум қилиш ва улардаги мавжуд тузумни ағдариб ташлаш учун большевиклар томонидан плацдармга айлантирилди.

1917 йил декабр бошларида Бухородаги рус манзилгоҳлари советларининг II вилоят съезди, РСФСР ва Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг Бухоро ишлари бўйича комиссияси ёш бухороликлар раҳбарларини амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун ҳарбий ёрдам сўраб совет Туркистони раҳбариятига мурожаат қилишга ундади. 1918 йил 2 мартда ўлка ХКК раиси, большевик Ф.И.Колесов бошчилигидаги Туркистон қизил гвардияси отрядлари 200—300 кишидан иборат ёш бухороликларнинг кичик отряди иштирокида суверен Бухоро амирлигига қарши очиқ қуролли ҳужум бошладилар. Совет Туркистони қўшинларининг бостириб кириши Бухоро халқида кескин

[1] *Ходжаев Ф.* Избранные труды. Т. 1. — Т., 1970. С. 199.

норозилик уйғотди, амир тузумига қарши турган халқ энди ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга отланди. Натижада Туркистон большевиклари раҳбариятининг қизил гвардиячилари найзалари ёрдамида Бухоро амирлигини тугатишга қаратилган босқинчилик уруши барбод бўлди. 1918 йил 25 мартда Бухоро билан Туркистон ўртасида Қизилтепа битими тузилди, мазкур битим, асосан ҳарбий можаро оқибатларини тугатишга тааллуқли бўлиб, амирликнинг ички ҳаётига мутлақо эътибор берилмаган эди[1].

1918 йил март воқеалари совет Туркистони раҳбариятининг қизил гвардиячилари найзаси ёрдамида «жаҳон инқилоби»нинг алангасини Бухорога ташлаш, у ердаги мавжуд режимни ағдариб, унинг халқига, давлатига бутунлай қарам бўлган янги тузумни тиқиштиришга ҳаракат қилинганлигини кўрсатди. Бу воқеалардан кейин амирликда реакция кучайди, пойтахтда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ёш бухороликларнинг ташкилотлари тор-мор келтирилди. Ёш бухороликларга ва демократик кайфиятдаги бошқа шахсларга қарши оммавий қатагонлар бошланиб кетди. Ф.Хўжаевнинг берган гувоҳлигига қараганда, ёш бухороликлар партияси аъзоларидан ва уларга хайрихоҳ бўлганлардан қарийб 1,5 минг киши ўлдирилди[2].

Хива хонлигида ҳам аҳвол мураккаб бўлди. Асфандиёрхон ўз ҳокимиятининг мамлакатда кескин тус олган сиёсий вазиятга қарши кураш олиб бориши учун заифлигини ҳис қилиб, 1918 йил 22 январда Жунаидхонга хонликни биргаликда бошқариш ва большевикларга қарши кураш олиб боришни таклиф этди. Жунаидхон 1917 йил сентябрда Эрондан Хивага қайтиб келди[3]. Асфандиёрхон пойтахтга етиб келган Жунаидхонни қўшинлар қўмондони (сардори карим) қилиб тайинлади ва мамлакатдаги бутун ҳокимиятни тўлалигича унга топширди[4]. Бироқ, Асфандиёрхон тахт тепасида кўп ўтирмади. Орадан кўп ўтмай у ўзининг бир неча яқин кишилари билан бирга Жунаидхоннинг кўрсатмасига мувофиқ ўлдирилди. Жунаидхон тахтни эгалламади, аксинча, анъанага содиқ қолган ҳолда, тахтга (марҳум хоннинг акаси) Саид Абдуллохонни ўтқазди, ўзи эса ҳақиқатда мамлакатнинг ҳукмдори бўлиб қолаверди.

Туркистон Автоном Республикаси, хусусан, унинг Амударё бўлими билан Жунаидхон ўртасида қуролли тўқнашув муттасил кучайиб борди. Туркистон Автоном Республикаси ва унинг Амударё бўлими Хива хонлигининг ички ишларига доимий равишда аралашиб, у ерга Наумов, Лейггольд, Каноплёв ва бошқалар бошчилигидаги жазо отрядларини юбориб турдилар, мам-

---

[1] «Новый Туркестан». 1918, 13 апреля.
[2] *Ходжаев Ф.* Избранные труды. Т. 1. С. 147.
[3] «Асхабад». 1917. 22 сентября.
[4] Ўзбекистон ССР тарихи. Т. III. — Т. 1967, 277—278-бетлар.

лакатнинг тинч аҳолисини таладилар[1]. Совет Туркистони айрим раҳбарлари бу билан чекланмасдан мустақил Хива хонлигига бевосита қуролли ҳужум қилиш ва уни ТАССРга қўшиб олиш режаларини ўйлаб юрардилар[2].

Туркистон большевиклари ва ТАССР ҳукуматининг Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тугатиш мақсадида уларга эътиборни тобора кучайтирганлиги тасодифий эмасди. Бу РКП(б) ва РСФСР раҳбариятининг Шарққа нисбатан тутган янги йўлининг Туркистонда акс этиши эди. 1918—1920 йилларда Хива ва Бухорода, шу жумладан, Ўрта Осиё хонликларига яқин жойлашган Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда ўз миқёсига кўра жуда катта озодлик ҳаракатлари рўй берди. Большевиклар тузуми раҳбарлари орасида 1919 йил ёзида Шарқ мамлакатларида авж олган озодлик ҳаракатларини совет Россияси манфаатларига буйсундириш учун фойдаланиш режаларини амалга ошириш, бу империяча режага эришиш учун ҳатто ҳарбий куч ишлатишдан ҳам тўхтамаслик фикри юрарди. Большевиклар раҳбариятининг империяча сиёсатини Хива хонлиги биринчилардан бўлиб ўзида синаб кўрди.

Бу мустақил давлатга босқинчилик ҳужумини уюштириш учун 1919 йилнинг кузида қулай шароит вужудга келди. Хонликда ҳукм сурган вайронагарчилик, очлик, хон маъмурлари ва уларнинг ҳарбий таянчи — Жунаидхон отрядларининг ўзбошимчалиги кенг аҳоли қатламларида кескин норозилик туғдирди, бу норозилик 1919 йил ноябрда Жунаидхонга қарши Иляли, Кўҳна Урганч ва Қўнғирот бекликларида айрим туркман уруғлари раҳбарларининг қуролли чиқишига айланди. Бу қуролли чиқишни қисман ўзбек аҳолиси ҳам қўллаб-қувватлади. Лекин Жунаидхоннинг 15 минг кишилик қўшинини ўз кучлари билан енгишга кўзлари етмаган қўзғолончилар Петроалександровск (Тўрткўл)га делегация юбориб, ёрдам кўрсатишни илтимос қилдилар[3].

Бу совет Туркистони большевиклари орзиқиб кутган воқеа эди. Чунки бу «қўзғолон кўтарган Хива халқига ёрдам кўрсатиш» ва унинг «илтимоси» билан қўшни мустақил давлатга қўшин киритиш учун большевикларга катта баҳона эди. Бу масалада уларни Туркқомиссия тўла қўллаб-қувватлади. 1919 йил 20 ноябрда РСФСРнинг Хивадаги вакили Г.К.Скалов Туркқомиссиянинг «қўзғолон кўтарган Хива халқи»га ёрдам кўрсатиш ҳақидаги директивасини олди. Бу директиванинг қабул қилиниши ва унинг амалий жиҳатдан бажарилиши РСФСР ҳукуматининг суверен Хива давлати ички ишларига тўғридан-тўғри аралашуви

---

[1] *Кошанов Б., Сейтназаров М.* Революция? Вторжение? Событие в Хивинском ханстве (1919—1920 гг.) — Нукус, 1997. С. 3—4.

[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1208-йиғма жилд, 25—26-варақлар.

[3] История Хорезмской Советской Республики. Сб. док... — Т., 1976. С. 22.

эди. Туркомиссия РСФСР ҳукуматининг минтақадаги «назоратчиси» сифатида бу босқинчиликни бевосита ижрочиси бўлди. Туркомиссиянинг Хива хонлигига қўшин киритиш тўғрисидаги директиваси, Туркистонга махсус юборилган бу сиёсий ташкилот олдига РСФСР ҳукумати ва РКП(б) томонидан қўйилган умумий вазифанинг инъикоси эканлигини англаш қийин эмас эди. Бу директива Туккомиссия фаолиятининг асл мақсадини, большевикларнинг Шарққа доир сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини яққол кўрсатган эди. Туркомиссиянинг шу қадар масъулиятли қарорни қабул қилишидан мақсади Хивадаги мавжуд режимни тугатиб, Хивада бундан кейин қандай давлат бўлиши масаласини ечишда ва уни идора қилишда советларга маъқул бўлган шаклни танлашда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш эди. Совет раҳбарияти мазкур масалага доир ҳужжатлардан бирида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтганидек, хонликдаги қўзғолоннинг советлар томонидан қўллаб-қувватланишидан мақсад «вужудга келган ҳаракатни сўндириб қўймаслик ва уни керакли йўналишга солиш»дан иборат эди.[1]

1919 йил 22 декабрда Туркомиссия директивасига биноан Туркомиссия ва Туркфронт вакили Скалов ва Амударё қўшинлари гуруҳи қўшинининг қўмондони Шчербаков Хива хонлиги ҳудудига «унинг қўзғолон кўтарган халқига ёрдам кўрсатиш учун» бостириб кириш тўғрисида буйруқ бердилар. Амударё (Хива) қўшинлари гуруҳининг қисмлари ики отрядга: Н.А.Шайдаков қўмондонлигидаги Шимолий ва Н.М.Шчербаков қўмондонлигидаги Жанубий отрядларга бўлинди. 23 декабрда совет қўшинларининг хонлик ҳудудига бостириб кириши бошланди. Жанубий отряд таркибида хивалик қочоқлардан (ёш хиваликлар, коммунистлар ва ҳоказолардан) ташкил топган кўнгилли отряд ҳам курашди. Совет қўшинлари илгарилаб борган сари уларга туркман ва ўзбек аҳолисидан ташкил топган қўзғолончилар отрядлари қўшилаверди. 28 декабрда уларга Гучмамадхон Яхшигелди, Муродбахши, Ғуломали отрядлари қўшилди. Тез орада хивалик қўзғолончиларнинг умумий сони 3 минг кишига етди. Совет қўшинлари Жунаидхон қўшилмалари қаршилигини енгиб, қўзголончилар отрядлари билан биргаликда Кўҳна Урганч, Эминқалъа, Порсу, Иляли, Тошҳовузни қўлга киритди. Қизил армия қисмлари ва қўзғолончилар отрядлари 1920 йил январнинг иккинчи ярмида Жунаидхон қўшинларига Ғозовот туманида жиддий зарба бериб, пойтахтга яқинлашиб келдилар ва 1 февралда шаҳарга жангсиз кирдилар[2].

Совет қўшинлари ва қўзғолончилар босиб олган ҳудудда тинч аҳолига нисбатан ўзбошимчалик ва зўравонлик қилдилар.

---

[1] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 253, л. 24—31.

[2] Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. — Т., 1967. С. 674—675.

лакатнинг тинч аҳолисини таладилар[1]. Совет Туркистони айрим раҳбарлари бу билан чекланмасдан мустақил Хива хонлигига бевосита қуролли ҳужум қилиш ва уни ТАССРга қўшиб олиш режаларини ўйлаб юрардилар[2].

Туркистон большевиклари ва ТАССР ҳукуматининг Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тугатиш мақсадида уларга эътиборни тобора кучайтирганлиги тасодифий эмасди. Бу РКП(б) ва РСФСР раҳбариятининг Шарққа нисбатан тутган янги йўлининг Туркистонда акс этиши эди. 1918—1920 йилларда Хива ва Бухорода, шу жумладан, Ўрта Осиё хонликларига яқин жойлашган Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда ўз миқёсига кўра жуда катта озодлик ҳаракатлари рўй берди. Большевиклар тузуми раҳбарлари орасида 1919 йил ёзида Шарқ мамлакатларида авж олган озодлик ҳаракатларини совет Россияси манфаатларига буйсундириш учун фойдаланиш режаларини амалга ошириш, бу империяча режага эришиш учун ҳатто ҳарбий куч ишлатишдан ҳам тўхтамаслик фикри юрарди. Большевиклар раҳбариятининг империяча сиёсатини Хива хонлиги биринчилардан бўлиб ўзида синаб кўрди.

Бу мустақил давлатга босқинчилик ҳужумини уюштириш учун 1919 йилнинг кузида қулай шароит вужудга келди. Хонликда ҳукм сурган вайронагарчилик, очлик, хон маъмурлари ва уларнинг ҳарбий таянчи — Жунаидхон отрядларининг ўзбошимчалиги кенг аҳоли қатламларида кескин норозилик туғдирди, бу норозилик 1919 йил ноябрда Жунаидхонга қарши Иляли, Куҳна Урганч ва Қунғирот бекликларида айрим туркман уруғлари раҳбарларининг қуролли чиқишига айланди. Бу қуролли чиқишни қисман ўзбек аҳолиси ҳам қўллаб-қувватлади. Лекин Жунаидхоннинг 15 минг кишилик қўшинини ўз кучлари билан енгишга кўзлари етмаган қўзғолончилар Петроалександровск (Тўрткўл)га делегация юбориб, ёрдам кўрсатишни илтимос қилдилар[3].

Бу совет Туркистони большевиклари орзиқиб кутган воқеа эди. Чунки бу «қўзғолон кўтарган Хива халқига ёрдам кўрсатиш» ва унинг «илтимоси» билан қўшни мустақил давлатга қўшин киритиш учун большевикларга катта баҳона эди. Бу масалада уларни Туркқомиссия тўла қўллаб-қувватлади. 1919 йил 20 ноябрда РСФСРнинг Хивадаги вакили Г.К.Скалов Туркқомиссиянинг «қўзғолон кўтарган Хива халқи»га ёрдам кўрсатиш ҳақидаги директивасини олди. Бу директиванинг қабул қилиниши ва унинг амалий жиҳатдан бажарилиши РСФСР ҳукуматининг суверен Хива давлати ички ишларига тўғридан-тўғри аралашуви

---

[1] *Кошанов Б., Сейтназаров М.* Революция? Вторжение? Событие в Хивинском ханстве (1919—1920 гг.) — Нукус, 1997. С. 3—4.

[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1208-йиғма жилд, 25—26-варақлар.

[3] История Хорезмской Советской Республики. Сб. док... — Т., 1976. С. 22.

эди. Туркомиссия РСФСР ҳукуматининг минтақадаги «назоратчиси» сифатида бу босқинчиликни бевосита ижрочиси бўлди. Туркомиссиянинг Хива хонлигига қўшин киритиш тўғрисидаги директиваси, Туркистонга махсус юборилган бу сиёсий ташкилот олдига РСФСР ҳукумати ва РКП(б) томонидан қўйилган умумий вазифанинг инъикоси эканлигини англаш қийин эмас эди. Бу директива Туккомиссия фаолиятининг асл мақсадини, большевикларнинг Шарққа доир сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини яққол кўрсатган эди. Туркомиссиянинг шу қадар масъулиятли қарорни қабул қилишидан мақсади Хивадаги мавжуд режимни тугатиб, Хивада бундан кейин қандай давлат бўлиши масаласини ечишда ва уни идора қилишда советларга маъқул бўлган шаклни танлашда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш эди. Совет раҳбарияти мазкур масалага доир ҳужжатлардан бирида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтганидек, хонликдаги қўзғолоннинг советлар томонидан қўллаб-қувватланишидан мақсад «вужудга келган ҳаракатни сўндириб қўймаслик ва уни керакли йўналишга солиш»дан иборат эди.[1]

1919 йил 22 декабрда Туркомиссия директивасига биноан Туркомиссия ва Туркфронт вакили Скалов ва Амударё қўшинлари гуруҳи қўшинининг қўмондони Шчербаков Хива хонлиги ҳудудига «унинг қўзғолон кўтарган халқига ёрдам кўрсатиш учун» бостириб кириш тўғрисида буйруқ бердилар. Амударё (Хива) қўшинлари гуруҳининг қисмлари ики отрядга: Н.А.Шайдаков қўмондонлигидаги Шимолий ва Н.М.Шчербаков қўмондонлигидаги Жанубий отрядларга бўлинди. 23 декабрда совет қўшинларининг хонлик ҳудудига бостириб кириши бошланди. Жанубий отряд таркибида хивалик қочоқлардан (ёш хиваликлар, коммунистлар ва ҳоказолардан) ташкил топган кўнгилли отряд ҳам курашди. Совет қўшинлари илгарилаб борган сари уларга туркман ва ўзбек аҳолисидан ташкил топган қўзғолончилар отрядлари қўшилаверди. 28 декабрда уларга Гучмамадхон Яхшигелди, Муродбахши, Ғуломали отрядлари қўшилди. Тез орада хивалик қўзғолончиларнинг умумий сони 3 минг кишига етди. Совет қўшинлари Жунаидхон қўшилмалари қаршилигини енгиб, қўзғолончилар отрядлари билан биргаликда Кўҳна Урганч, Эминқалъа, Порсу, Иляли, Тошҳовузни қўлга киритди. Қизил армия қисмлари ва қўзғолончилар отрядлари 1920 йил январнинг иккинчи ярмида Жунаидхон қўшинларига Ғозовот туманида жиддий зарба бериб, пойтахтга яқинлашиб келдилар ва 1 февралда шаҳарга жангсиз кирдилар[2].

Совет қўшинлари ва қўзғолончилар босиб олган ҳудудда тинч аҳолига нисбатан ўзбошимчалик ва зўравонлик қилдилар.

---

[1] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 253, л. 24—31.

[2] Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. — Т., 1967. С. 674—675.

Бу ҳақда Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгашининг мухтор вакили Г.И.Бройдонинг 1920 йил 6 апрелдаги буйруғида: «Жанглар вақтида ва қўшинлар ҳамда бизга иттифоқчи туркман отрядлари ҳаракати даврида Хива мамлакати бўйлаб аҳоли устидан кўпгина нотўғри хатти-ҳаракатлар ва зўравонликлар қилинишига йўл қўйилди»[1]. Туркфронт Инқилобий трибунали раиси И.Р.Фонштейн 1920 йил 6 августда Тошкентга йўллаган телеграммасида қизил аскар қисмларининг ўзлари босиб олган Хивада қилган ўзбошимчалиги ҳақида янада даҳшатли манзарани тасвирлайди: «Биз бу ерда дарҳол аниқлаган даҳшатни ҳеч қаерда кўришга тўғри келгани йўқ. Бу ошкора ташкил этилган ҳарбий талончилик эди... Хотин-қизларни олиб кетиш, уларни худди тутқунлар, қуллар каби асраш, Петроалександровскдаги ва Хивадаги бозор майдонида кимошди савдоси билан сотиш, Хива саройларининг талон-тарож қилиниши, қизил аскарлар томонидан биринчи учраган одамнинг мол-мулкни тўплашдан бош тортиш баҳонасида отиб ташланиши содир бўлди»[2].

Хивада инқилобий қўмита — 5 кишидан иборат муваққат коалицион ҳукумат ташкил этилди, унга раис Жуманиёз Султонмуродов, аъзолар — Бобо Охун Салимов (ҳар иккаласи ёш хиваликлар), Жалол Охун (Хива олий диндорлари вакили), Гучмамадхон ва Мулла Ораз Ҳожимамедов (туркман уруғлари раҳбарлари вакили)[3] кирган эди. 2 февралда қизил аскарлар қисмлари ва ёш хиваликлар тазйиқи остида Саид Абдуллохон тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги манифестни имзолади[4]. Шу тариқа, қизил армия қисмлари ёрдамида Хивада давлат тўнтариши амалга оширилиб, монархия тузуми ағдариб ташланди. Большевиклар хоҳиши билан мамлакатда ҳокимият тепасига ўзбеклардан чиққан ёш хиваликлар, туркман уруғлари раҳбарлари ва мусулмон диндорлари қўйилди.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Бобо Охун Салимов (1874—1929) — ёш хиваликлар партиясининг раҳбарларидан бири, давлат ва жамоат арбоби.

Бобо Охун Салимов (асл исми Муҳаммад) 1874 й. Гурлан беклигида қозикалон Салим Охун оиласида дунёга келди. Унинг отаси Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг пири бўлиб, ўз маблағидан Қозикалон

---

[1] РГВА, ф. 267, оп. 1, д. 2, л. 3.

[2] *Кошанов Б., Сейтназаров М.* Курсатилган асар. 27-бет.

[3] *Погорельский И.В.* История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики. 1917—1920. — Л., 1984. С. 110.

[4] *Саид Абдуллохон* 1920 йил ёзигача Хивада ўз саройида қолдирилади. Сунгра РСФСР ҳудудига сургун қилинди. 1922 йили у ҳибсдан озод қилиниб, унга Екатеринбург яқинидан кичикроқ ер участкаси ажратиб берилади ва у ўша ерда ўз меҳнати билан деҳқончилик қилиб кун кечиради. (*Кошанов Б., Сейтназаров М.* Курсатилган асар. 22-бет.)

мадрасасини қурдирган эди. Бобо Охун Хивадаги Оллоқулихон мадрасасида таҳсил олди. У араб, форс ва рус тилларини пухта ўрганади, шеърлар ёзди. 1910—1917 й. Хива хони Асфандиёрхон саройида отаси ўрнига шайхулислом (қозикалон) лавозимини эгаллайди. 1916 й. у ёш хиваликларнинг раҳбарларидан бири сифатида Асфандиёрхон зулмига қарши қўзғолон кўтарган деҳқонларнинг фаолиятини махфий бошқарган эди. Бобо Охун Салимов хон ҳузурида мамлакатни бошқариш учун ёш хиваликлардан тузилган парламент мажлисининг раиси (1917 й. 8 апрел — 23 май). 1918—1919 йилларда у Туркўлда яшаб, хонликка мухолифатда бўлди ва большевикларга яқинлашди.

Бобо Охун Салимов ХХСР тузилгач, адлия нозири (1920—1921, 1924) лавозимида ишлади. Шунингдек, Олий Инқилоб суди ва Ҳарбий трибунал раиси бўлди. РСФСР билан шартнома тузиш учун Москвага юборилган делегацияга раҳбарлик қилди (1920 й. июл—сентябр). Хоразм Республикасининг Афғонистондаги бош консули (1921 й. ноябр — 1922 й. феврал). У Хоразм халқ маорифи мактаблари учун ёзилган «Алифбе» ва «Ўқиш китоби»нинг муаллифидир. 1924 й. апрелдаги Хоразм уламолари I қурултойининг чақирилиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилди. У ХХСРнинг биринчи ҳукумат раиси П.Юсупов билан айрим масалаларда келишмаган бўлса ҳам, Хоразм Республикасининг мустақиллиги учун курашди. Совет режимига қарши дадил фикрлар айта олди. Шунинг учун ҳам 1925 й.дан бошлаб, у давлат ишларидан четлатилди.

Бобо Охун Салимов 1929 й. 10 май кечқурун ўз уйида совет маъмурлари томонидан отиб ўлдирилди.

Хон ҳокимияти ағдариб ташланганидан сўнг орадан кўп ўтмай ёш хиваликлар манифест эълон қилдилар, унда мамлакатни демократик ривожлантириш йўлида кенг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий чора-тадбирлар назарда тутилган эди. 1920 йил 4 апрелда Россия большевикларининг саъй-ҳаракатлари билан Хива шаҳрида коммунистларнинг умумий йиғилиши ўтказилиб, унда Хоразм компартиясининг ташкилот қўмитаси сайланди. Партия ташкилий қўмитаси тузилиши муносабати билан ёш хиваликлар ўз партиясини тарқатиб юборилган, деб эълон қилдилар, ёш хиваликларнинг анчагина қисми, шу жумладан, Ж.Султонмуродов ва бошқа кўзга кўринган ёш хиваликлар янги ташкил топган ХКП сафига кирдилар. 1920 йил 7 апрелда инқилобий қўмитанинг ва ХКП ташкилот қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Хивада халқ-демократик тузуми ўрнатилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Лекин бу ишда халқ оммаси иштирок этмади, мазкур масала юзасидан референдум ўтказилмади. Барча ишлар ими-жимида, Туркомиссия кўрсатмаси билан қилинди.

1920 йил 27—30 апрелда Хивада бўлиб ўтган халқ вакилларининг I Бутунхоразм қурултойи Хива хонлигини бекор этилган деб эълон қилди ва мамлакатни Хоразм Халқ Республикаси деб эълон қилди. Қурултой ХХРнинг Муваққат Конституциясини қабул этди, у рўй берган тўнтаришни ва унинг натижасида ўрнатилган тузумни антимонархистик, ан-



Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида тузилган Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати — Нозирлар Кенгаши аъзолари. Хива, 1920 йил.

тифеодал, халқ-демократик хусусиятига эга бўлган тузум сифатида акс эттирди. Айни вақтда Конституцияда РСФСРнинг ҳокимият шакли бўлган совет андозаси қабул қилинди, лекин Хоразмдаги советлар ўз мазмунига кўра пролетар диктатурасини ифода этмасди, у демократик хусусиятга эга эди. Қурултой собиқ ёш хиваликлар аъзоси бўлган Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида Халқ Нозирлар Кенгашини сайлади. Ҳукумат собиқ ёш хиваликлар, туркман уруғлари раҳбарлари ва коммунистлардан ташкил топди. Қизил аскар найзалари ёрдамида ўрнатилган бу тузумни ўз кучлари билан сақлаб ва мустаҳкамлаб бўлмаслигини яхши тушунган Хоразм Халқ Республикаси раҳбарлари РСФСРнинг кўмагига умид қилишга интилди.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот

Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861—1936) — Хоразмда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, ёш хиваликлар партиясининг асосчиси бўлган.

Полвонниёз Ҳожи Юсупов 1861 йил Хива шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Эски мактабда таҳсил олгач, савдо ишлари билан шуғулланган. П.Юсупов 1877 йили амакиси билан Москвада бўлади. У араб, форс, рус тилларини яхши билган. 1904 йили Туркия, Миср, Сурия мамлакатларида ва Макка шаҳрида бўлган. 1914 йили у жадидларнинг «сўл оқими»дан

ажралиб чиққан ёш хиваликлар партиясини бошқаради. П.Юсупов 1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёрхонга тақдим этилган давлат бошқарувида ислоҳотлар ўтказиш тўғрисидаги манифест муаллифларидан бири эди. Манифестга биноан 1917 йил 8 апрелда Хива хони ҳузурида мамлакатни янгича бошқариш учун Мажлис тузилади. П.Юсуповга Россия ҳукумати ва рус қўшинлари билан муносабатларни барқарорлаштириш вазифаси юклатилди. Бироқ Асфандиёрхоннинг жадидларга қарши сиёсати натижасида у 1917 йил охиридан бошлаб икки йил Тошкентда муҳожирликда яшайди. Туркомиссия муҳожирликдаги ёш хиваликлар партиясидан Хива хонлигини ағдариб Хоразмда советлар андозасидаги янги ҳукумат ташкил қилишни режалаштиради. 1918 йил бошида Тошкентда муҳожир ёш хиваликлардан ташкил қилинган Комитет большевиклар таъсирида эди. П.Юсупов ёш хиваликлар Комитетининг раиси қилиб сайланади. Шу тариқа, большевикларга яқинлашган ёш хиваликлар партияси ва унинг раиси П.Юсупов Хива хонлигини ағдаришда улардан «ёрдам» сўрашга мажбур бўлади. Қизил қўшинлар босқини натижасида 1920 йил февралда Хива хонлиги тугатилади. П.Юсупов 1920 йил 30 апрелда янги ташкил қилинган Хоразм Халқ Нозирлар Кенгашининг дастлабки раиси бўлиб сайланади.

П.Юсупов Хоразм ҳукуматининг раиси сифатида биринчи кунданоқ ўзининг мустақил сиёсатини олиб боради. Бироқ П.Юсуповга «ўзбошимчалик» билан иш юритишга Туркомиссия имкон бермайди. 1921 йил 6 мартда большевиклар томонидан ҳарбий давлат тўнтариши қилиниб, П.Юсупов ҳукумати ағдарилади. П.Юсупов яширинишга улгуради. У фаол сиёсий кураш олиб боришдан воз кечганлиги учун большевиклар томонидан афв қилинади. Хивадаги Ичанқалъа музейида ва совет идораларида оддий ходим бўлиб ишлайди. Унинг ёзган хотиралари бор. П.Юсупов 1936 йил вафот этади.

1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан ХХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси, шунингдек, ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битимлар тузилди. Бу ҳужжатлар, бир томондан, мамлакатдаги тўнтариш натижасида ўрнатилган тузумни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, унинг РСФСРга тўлиқ қарамлигини қонунлаштирди. Шундай қилиб, РСФСР ҳукумати раҳбарияти Хоразм Халқ Совет Республикасини ташкил қилиб, пировард натижада социалистик лагер «темир қўрғони»га олиб келадиган устивор сиёсатнинг биринчи босқичига якун ясади.

Лекин большевикларнинг «Шарққа доир сиёсати»нинг биринчи босқичи режасида ҳали Бухоро амирлигини қулатиш вазифаси турар эди. Шу сабабдан энди Хива хонлигидан кейин Россия большевикларининг «Шарқдаги сиёсати»ни ўзида синаб кўриш навбати Бухоро амирлигига келган эди.

1918 йил воқеалари Бухоро амирлиги Туркистон Автоном Республикаси ҳарбий ҳужуми олдида қанчалик ҳимоясиз эканлигини, большевик раҳбарларнинг амалий хатти-ҳаракатлари Бухоро билан тинчлик ва дўстлик ҳақида берган сўзларига қан-

чалик мос келмаслигини кўрсатди. Кейинчалик Саид Олимхоннинг ёзишича, «Большевойлардан бўлган бу жамоанинг тартиб-қонунларини на кўриб бўлинди, на билиб бўлинди. Чунки ҳамиша беқарорлик юзага келди, бу жамоа ҳукуматни хароб этиб, мамлакатни вайрон қилишга йўл қўйди, динларни, ибодатхоналарни йўқ қилишди, муътабар ва давлатманд бўлган ҳар бир гуруҳ мол-мулкини босиб олиб, талон-торож қилдилар, ўзларини қатл этишни ўзларига бурч деб билардилар. Уларнинг сўзларига ишонилмайдиган даражага келинди»[1].

Бухорони ҳам Хива хонлигининг фожиавий қисмати кутаётганини яхши тушунган амир шошилинч равишда ўз мамлакатининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга уринади. Бухоронинг муқаддас чегараларини, унинг эркинлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган бу саъй-ҳаракатларни совет раҳбарияти амир ҳукумати Туркистон Республикасига ҳужум қилишга тайёрланмоқда, деб кўрсатишга бутун чоралар билан уринди. Ҳақиқатда эса ҳамма нарса аксинча эди. Айнан большевиклар режими суверен Бухоро давлатига ҳарбий интервенция қилиш режаларини мулжаллаб юрарди. Ўзининг босқинчилик режасини яшириш ва аҳолининг диққат-эътиборини чалғитиш мақсадида большевиклар атайлаб бу «ёлғон»ни ўйлаб чиқарган эди. Большевикларнинг ана шу босқинчилик режасини амалга ошириш учун қулай шароит 1920 йилнинг ёзида етила бошлади. 1919 йил сентябрда Туркистон қамалининг ёриб ўтилиши ва Оренбург-Актюбинск фронтининг тугатилиши натижасида бу ерга яхши қуролланган, Туркистон фронтининг жангларда чиниққан қисмлари юборилди, улар ёрдамида Закаспий ва Еттисувда советларга қарши бўлган кучлар тор-мор келтирилди. Натижада 1920 йил февралда Закаспий ва Еттисув фронтлари тугатилди. Фарғона водийсидаги қўрбошилар отрядларига эса совет қўшинлари томонидан жиддий зарбалар берилди. Хива хонлиги тугатилди. Совет раҳбарияти вужудга келган ана шу қулай вазиятдан фойдаланиб, Бухорога қуролли бостириб киришга зўр бериб тайёргарлик кўра бошлади.

1920 йил 7 январда ва 30 мартда Туркомиссия аъзолари амир ҳузурига ташриф буюрдилар. Улар амирни РСФСР ҳукуматининг Бухорога нисбатан тинчлик ниятларида эканлигига ишонтиришга уриниб кўрдилар. Музокарада ҳар икки томон ўзининг талабларини қўйди. Масалан, Бухоро амири Когон станциясига олиб келинган қизил аскар қисмларини олиб кетишни, янги Бухоро ва Чоржуйдан жадидларни чиқариб юборишни, Колесов босқини (1918 й.) даврида босиб олинган амирга қарашли пахта заводини, янги Бухородаги саройни қайтаришни, Бухоро устидан ҳарбий самолётлар учишини тўхтатишни талаб қилди. Туркомиссия вакиллари эса, амирлик томонидан

[1] *Амир Саид Олимхон.* Бухоро халқининг ҳасраги тарихи. — Т., «фан», 1991, 11-бет.

рус посёлкаларига нисбатан иқтисодий чеклашни, совет Россиясига қарши ташвиқотни, советларга қарши «ғазавот уруши»га чақиришни тўхтатишни ва дарҳол Бухоронинг ҳаракатдаги армиясини тарқатишни талаб қилди[1]. Амир Туркомиссиянинг талабларини рад қилди, уларнинг бу хатти-ҳаракатини суверен давлатнинг ички ишларига аралашиш, деб баҳолади. Айни вақтда Туркомиссия аъзолари ҳам Бухоро томонининг илтимос ва таклифларини эътиборсиз қолдирдилар, уларни тўлатўкис рад этдилар[2]. Туркомиссия музокаралар вақтида Бухоро ҳукуматининг тутган бу қатъий йўлини, унинг РСФСР ҳукуматининг Туркистондаги ваколатли вакили амрига бўйсунишни истамасликда, Бухоронинг Россияга нисбатан «нодўстона», ҳатто «душманлик» муносабатида бўлмоқда деб тушунишга интилди. Амирлик ҳарбий жиҳатдан Туркистон фронти қўшинларига кўп жиҳатдан бас кела олмаса ҳам шундай муносабатда бўлган эди.

Бухоро амирлиги Туркистонга бостириб киришга тайёргарлик кўрмоқда ва уни қайтариш керак, деган сохта баҳоналар билан совет қўмондонлиги 1920 йил ёзида йирик қўшинларини амирлик чегараларига яқин келтириб қўйди. Шунингдек, Бухоро чегараларига яқин бўлган совет Туркистони шаҳарларидаги гарнизонларни ҳам мустаҳкамлади[3].

Москвада Бухоро амирлигига бостириб кириш ва уни тугатиш режаси зўр бериб ишлаб чиқилаётган эди. 1920 йил 21 майда РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарининг ўринбосари Л.М.Карахан большевиклар ҳукумати бошлиғи В.И.Ленинга йўллаган телеграммасида бундай деб ёзган эди: «Биз Туркомиссия билан тўла ҳамжиҳатликда Тошкентдаги вакилларимизга амирни тугатишни ва Бухорода демократик республика тузишни, унга ёш бухороликларни (эндиликда эса коммунистларни) бошлиқ қилиб қўйишни таклиф этамиз»[4]. Мазкур телеграммадан кўриниб турибдики, Туркомиссия 1920 йил май ойидаёқ Бухородаги мавжуд тузумни ағдариб ташлашни ёқлаб чиққан эди. Туркомиссия аъзоси, Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзе ана шу масала юзасидан ўз фикрларини РКП(б) МҚга юборди. Фрунзенинг телеграммаси 1920 йил 10 августда РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида муҳокама қилинди. Эртаси куни қабул қилинган қарор Сиёсий бюронинг директиваси сифатида Тошкентга юборилди. Директивада Бухорога қуролли бостириб кириш принцип жиҳатидан маъқулланиб, айни вақтда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси уни амалда рўёбга чиқаришдаги ташаббус советлар томонидан келиб чиқмаслиги керак, деб

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 44, л. 209.
[2] РГВА, ф. 268, оп. 1, д. 149, л. 147.
[3] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 308, л. 35.
[4] *Ишанов А.И.* Бухарская Народная Советская Республика. — Т., 1969. С. 164—165.

огоҳлантирилган эди. Сиёсий бюро директивасида таъкидланишича, амирликка қилинадиган ҳужум операциялари «фақат маълум даражада халқ эътиборига тушган Бухоро инқилобий маркази мавжуд бўлгандагина содир бўлиши мумкин, бу марказ ҳеч бўлмаганда бизнинг ҳудудимизда бўлиб, бизни ана шундай ҳужумга чорлаши керак»[1].

Совет қўшинларининг мустақил Бухоро амирлигига бевосита ҳужуми большевикларнинг «биз Шарқда озодлик миссиясини бажармоқдамиз», деган гапларининг ёлғонлигини бутун дунёга кўрсатди. Москва ва Тошкентда ишлаб чиқилган сценарий бўйича амирлик режимига биринчи зарба ёш бухороликлар ва бухоролик коммунистлардан иборат Бухоро оппозицияси бериши, шундан кейин уларнинг расмий илтимосига кўра «қўзғолган халқ» номидан уларга қизил армия қисмлари ёрдамга келиши лозим эди»[2].

Туркомиссия мамлакатдаги амирлик режимига қарши турувчи мухолифат кучларини жипслаштириш ва Бухорода тунтариш ҳозирлаш билан бевосита шуғулланди. Туркомиссиянинг бевосита раҳбарлигида 1920 йил 24 июндаёқ Бухорода қуролли қўзғолон тайёрлаш бўйича ҳарбий-инқилобий бюро тузилган бўлиб, унинг таркибига Туркомиссия аъзолари М.В.Фрунзе ва В.В.Куйбишев, ТКП МҚ котиби Назир Тўрақулов, БКП МҚ котиби Нажиб Ҳусаинов, ёш инқилобчи бухороликлар партияси Марказий бюросининг раиси Файзулла Хўжаев ва бошқалар кирган эди. Ҳарбий-инқилобий бюро хитобнома ва декретларнинг лойиҳаларини тайёрлади, уларни «инқилоб» ғалаба қозонадиган куни Бутунбухоро инқилобий қўмитаси номидан эълон қилишни мўлжаллаган эдилар. 1920 йил 10 августда Туркомиссия, БКП МҚ ва инқилобий ёш бухороликлар партияси Марказий бюросининг қўшма мажлисида Бухоронинг Муваққат инқилобий қўмитаси ва Халқ Нозирлар Кенгаши ташкил этилди, улар амирлик агдариб ташлангандан кейин мамлакатни бошқаришлари лозим эди. 23 августда бўлган Туркомиссия мажлисида Бухоро «инқилобий ҳукумати»нинг дастури муҳокама этилди ва қабул қилинди[3].

Шундай қилиб, Бухорода ҳали «инқилоб» бошланмасдан туриб, Тошкентда РКП(б) МҚ ва РСФСР ҳукуматининг Туркистондаги мухтор вакилининг бевосита раҳбарлигида «инқилоб» ғалаба қозонгандан кейин ўрнатиладиган янги тузум ва давлат шакли қандай бўлиши кераклиги аниқлаб олинди, янги хукумат раҳбар органларининг таркиби, уларнинг дастури, декретлари ва бошқа ишлар белгилаб қўйилган эди. Гап энди фа-

---

[1] *Медведев В.* Кўрсатилган асар. 165-бет.

[2] «Фан ва турмуш». 1991, № 4, 19-бет.

[3] *Ишанов А.И.* Бухарская Народная Советская Республика. С. 179—180, 186—187.

қат даъват қилиниши лозим бўлган «инқилоб»нинг ўзини амалга оширишда қолган эди. Туркқомиссия, БКП МҚ ва инқилобчи ёш бухороликлар партияси Марказий бюроси мазкур масалани ҳал қилиш устида зўр бериб ишлашарди. 1920 йил августнинг ўртасида Чоржўйда Бухоро компартиясининг IV съезди бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган резолюцияда қуролли қўзғолон Саид Олимхон ҳокимиятини ағдариб ташлашнинг асосий воситаси деб қаралган эди. Съезд РКП(б) МҚ ва Туркқомиссиянинг бевосита кўрсатмаси асосида инқилобчи ёш бухороликлар партияси билан вақтинча иттифоқ тузишни лозим, деб топди, мазкур партия 1920 йилнинг бошларида Ф.Хўжаев томонидан тузилган эди.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот



Файзулла Хўжаев.

Файзулла Хўжаев (1896 й., Бухоро — 1938 й., Москва) — атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Бухоро жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири.

Ф.Хўжаев 1896 йил Бухоро шаҳрида йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа оиласида туғилди. У Бухоро мадрасаларидан бирида икки йил таҳсил олгач, 1907—1912 йилларда Москвада хусусий муаллимлар қўлида ўқиди. Бухорога қайтгач, 1912 йил ёш бухороликлар партиясининг, 1913 йилдан партия МҚнинг аъзоси бўлди. У отасидан қолган бойликни жадид мактаблари очишга, ёш бухороликлар фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфлади.

1917 йилдан бошлаб Ф.Хўжаев ва А.Фитрат ёш бухороликлардан ажралиб чиққан «сўл қанот»га бошчилик қилишди. Бухорода, аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар. 1918 йил мартида Бухоро амири томонидан ёш бухороликлар қиргин остига олинганидан сўнг Ф.Хўжаев, унинг сафдошлари Бухорони тарк этишга, Туркистон Республикасида, Москвада муҳожир бўлиб юришга мажбур бўлдилар. Россия большевиклари Бухоро амирига мухолифатда бўлган ёш бухороликлар ва унинг раҳбари Ф.Хўжаевдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, келгусида ёш бухороликлар негизида Бухоро компартиясини тузиш, амирга қарши бўлган, большевиклар таъсиридаги ҳукуматни Туркистон Республикасида ташкил этишни мақсад қилиб қўйдилар. Большевикларнинг бу мақсади узоқни кўзлаб қилинган стратегик қадам эди. Унинг заминида Бухоро давлатини йўқотиб, секин-аста уни Совет давлатига қўшиб олишдек маккорона режа

ётарди. Большевиклар таъсирида муҳожирликда юрган Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги «сўл қанот» ёш бухороликлар орасида бўлиниш юз берди. 1918 йил ёзида Тошкентда ёш бухороликлардан бир қисми Бухоро компартиясини туздилар. Большевикларнинг баландпарвоз шиорлари ва ваъдаларига ишонган Ф.Хўжаев амирликни ағдариш учун бирдан-бир тўғри йўл М.Фрунзе қўмондонлигидаги қизил қўшинлардан «ёрдам сўраш», деб билди. У 1920 йил январда Тошкентда ташкил топган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Марказий бюроси раиси, «Учқун» газетасининг муҳаррири (1920 йил апрел-сентябр) бўлди. Большевиклар томонидан амирлик ағдарилгач, 1920 йил 14 сентябрда Ф.Хўжаев бошчилигида Бухоро Халқ Нозирлар Кенгаши тузилди. Ф.Хўжаев БХСРнинг ташқи ишлар нозири (1920—24), ҳарбий ишлар нозири (1921—24) лавозимларида ҳам ишлади. Бухоро Республикаси ҳукумати бошлиғи бўлган Ф.Хўжаев биринчи кунданоқ мустақил сиёсат юргазишга, совет Россияси ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. 1922 йил у Германияга чет эл савдо компаниялари ва банклари билан мустақил шартнома тузишга борди. Ф.Хўжаев Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қаради. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилишига (1923 йил март) қарши фикр билдирди.

У 1925 йил февралдан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашига раислик қилди. Марказнинг Туркбюро, Туркомиссия, РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлар тазйиқларидан чўчимади. Ф.Хўжаев «ўн саккизлар гуруҳи»нинг ғоявий илҳомчиси эди. У Бухородаги жадидлик тарихига бағишланган «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (1926 й.) асари учун компартия томонидан танқидга учради. Ўзбекистонда ёппасига пахта экилиши — пахта яккаҳокимлигини юзага келтириши мумкинлигини очиқ айтган эди. Ф.Хўжаев 1937 йил ёзида ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимида турган чоғида Москвада қамоққа олинди. У 1938 йил 13 мартда Москвада отиб ташланди.

Москва ва Тошкентда ишлаб чиқилган режага асосан 1920 йил 23 августда коммунист Бешим Сардор қўмондонлигидаги туркманлар полки Сакарни эгаллади, кейин қизил армия қисмларининг қўллаб-қувватлаши билан 29 август эрта тонгда Эски Чоржўйни босиб олди. Шундан сўнг Бешим Сардор бошчилигида инқилобий қўмита ташкил қилинди[1]. Чоржўй инқилобий қўмитаси олдиндан келишилганидек, ўша куниёқ совет ҳукуматига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ўша куниёқ илгаридан тайёрлаб қўйилган совет қўшинларига тегишли кўрсатмалар юборилди, «қўзғолон кўтарган Бухоро халқи»га ёрдам кўрсатишга киришиш тўғрисида Туркфронт буйича буйруқ берилди[2].

«Қўзғолон кўтарганлар»га ёрдам бериш баҳонасида Бухоро амирлигини ағдариб ташлаш учун йирик ҳарбий кучлар ҳаракатга келтирилди. Расмий маълумотларга қараганда, уларда 7000 милтиқ ва қилич, 40 та тўп, 230 тага яқин пулемёт, 10 та зирҳли автомобиль, 5 та зирҳли поезд ва 12 та самолёт бор эди.

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 10, л. 262.
[2] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 237, л. 1—3; д. 360, л. 115.

Туркистон фронти қисмлари билан биргаликда жанговар операцияларда қарийб 5 минг кишига эга бўлган бухоролик «инқилобий тузилмалар» ҳам бор эди. Уларга қарши турган Бухоро амирлигининг қўшинлари 8725 та милтиқ ва 7850 та қилич, бир неча ўнлаб тўп ва пулемётлар билан қуролланганди. Мунтазам қўшинлардан ташқари 20 мингга яқин лашкарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар жуда заиф қуролланган ва ҳарбий жиҳатдан мутлақо тайёргарлик кўрмаган эди[1].

Большевиклар режимининг ҳарбий жиҳатдан анча устун қўшинлари 1920 йил 28 августдан 29 августга ўтар кечаси Бухоролик «инқилобий тузилмалар» иштирокида амирлик ҳудудига шиддат билан бостириб кирдилар. Улар Қарши, Китоб, Шаҳрисабзни босиб олиб, амирлик пойтахтига яқинлашиб қолдилар. Лекин бу ерда босқинчилар амир қўшинларининг қатъий қаршилигига дуч келдилар. Амир қўшинлари билан елкама-елка тинч аҳоли ҳам шаҳарни ҳимоя қилишга отланди. Туркфронт қўмондонлиги буйруғи билан Эски Бухоро самолётлардан бомбардимон қилинди, тўплар ва бронепоездлардан туриб қаттиқ ўққа тутилди. Амирлик пойтахти остонасидаги қонли жанг 4 кеча-кундуз давом этди. 1920 йил 2 сентябрда босқинчиларнинг тўхтовсиз зарбалари остида амирликнинг сўнгги таянчи — Арк мағлуб бўлди. Бироқ бу ғалабани босқинчилар осонлик



Қизил аскарлар босқинидан сўнг Бухоро шаҳрининг умумий кўриниши. 1920 йил сентябр.

[1] РГВА, ф. 268, оп. 1, д. 145, л. 17; Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. С. 699—700.

билан қўлга киритмади. Қизил қўшинлар 500 кишидан ажралди. Бухоролик «инқилобий отрядлар» ҳам катта талафот кўрди.

Даҳшатли жанглар натижасида Эски Бухоронинг тинч аҳолисидан анчагина қисми, шунингдек, шаҳар деворлари орқасида жон сақлаган атроф қишлоқларнинг кўпгина аҳолиси ҳалок бўлди. Воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлардан бирининг гувоҳлик беришича, ўлганлар шу қадар кўп эдики, уларни йиғиштириб олишга улгуришмасди[1]. Қадимий Бухоро ўт ва харобалар ичида қолди. Шаҳарнинг деярли ярми ёниб бўлган, 4/5 қисми харобалар остида ётар эди. Айниқса Арк (қўрғон) катта шикаст кўрди, қизил артиллерия унга қараб тўғридан-тўғри ўқ ёғдирган эди.

Эски Бухоро мағлуб бўлишидан бир оз вақт илгари Саид Олимхон ўзининг бир гуруҳ яқинлари ва қуролли соқчилари билан биргаликда босқинчиларга қаршилик кўрсатишни давом эттириш мақсадида шаҳарни яширин тарк этади[2].

Эски Бухоронинг босиб олинишида, шунингдек, умуман амирликнинг тугатилишида Туркистон фронти қўшинлари ҳал қилувчи роль ўйнади. Бухоролик «инқилобий тузилмалар» босқинчилар армиясига қўшимча куч сифатида хизмат қилган бўлсалар, аслида улардан совет қўмондонлиги гўё амирга қарши «қўзғолон кўтарган халқ» илтимосига кўра жангга кириб, фақат ёрдам кўрсатганлигини намойиш қилиш учун ниқоб сифатида фойдаланди.

Амирлик пойтахти босиб олингандан кейин ҳокимият муваққат Бутунбухоро инқилобий қўмитаси ихтиёрига ўтди. Муваққат инқилобий қўмита дарҳол Туркомиссия раҳбарлигида илгаридан тайёрлаб қўйилган Манифестни эълон қилди. Унда Бухоро давлати «Мустақил Бухоро Совет Республикаси» деб кўрсатилган эди. 1920 йил 11 сентябрда инқилобий ёш бухороликлар партияси тарқатиб юборилди, унинг кўпчилик аъзолари Ф.Хўжаев бошчилигида БКП таркибига киришди. 1920 йил 14 сентябрда БКП МҚ Муваққат Умумбухоро инқилобий қўмитаси ва Халқ Нозирлари Кенгашининг бирлашган мажлисида Абдулқодир Муҳитдинов бошчилигидаги Умумбухоро инқилобий қўмитаси — олий қонун чиқарувчи орган ва Файзулла Хўжаев раислигида республика ҳукумати — Халқ Нозирлар Кенгаши ташкил қилинди.

6 октябрда амирнинг ёзги саройи — Ситораи Моҳи Хосада халқ вакилларининг I Умумбухоро қурултойи иш бошлади. Қурултой Бухорони халқ совет республикаси деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди. 1921 йил 4 мартда Москвада БХСР билан РСФСР ўртасида Иттифоқ шартномаси ва иқтисодий

---

[1] *Крушельницкий В.* Телеграф орқали сўралган диктатура //«Фан ва турмуш». 1990, № 4, 13-бет.

[2] «Фан ва турмуш». 1991, № 4, 27-бет.



Файзулла Хўжаев бошчилигида тузилган Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати — Нозирлар Кенгаши аъзолари. Бухоро, 1923 йил.

битим тузилди. Бу ҳужжатлар Хоразм Халқ Республикаси каби Бухоро Халқ Республикасининг ҳам РСФСРга ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўлганлигини қонун йўли билан мустаҳкамлади[1].

Шундай қилиб, 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида амалга оширилган ҳарбий тўнтариш бу мамлакатлар ички ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнининг табиий ва зарурий ҳодисаси бўлмади. У Марказ ва Тошкентда олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида сунъий равишда мавжуд жамият тараққиётига мажбуран куч ишлатиш йўли билан аралашиш бўлди. Бу ишда большевикларнинг қуролли кучлари ҳал қилувчи роль ўйнади. Ўрта Осиё хонликларида рўй берган бу тўнтариш большевикларнинг «жаҳон инқилоби» деб ном олган хаёлий ва ноилмий ғоясини амалга оширишдан иборат бўлди, бу мақсадга эришиш учун большевиклар режими суверен Хива ва Бухоронинг «қўзғолон кўтарган халқи»га ёрдам

[1] Образование СССР //Сб. док. (1917—1924 гг.) — М—Л., 1949. С. 251—255.

кўрсатиш баҳонаси билан уларга қуролли босқинчилик қилишдан ҳам тап тортмадилар.

Қизил армия қисмлари ёрдамида амалга оширилган тўнтариш оқибатида бу мамлакатлар ижтимоий ривожланишининг табиий эволюцион-жараёни сунъий равишда узиб қўйилди, дастлабки босқичда халқ-демократик кўринишида бўлган совет тузуми бу мамлакатлар халқларига мажбуран тиқиштирилди. Гарчи БХСР ва ХХСР расман суверен давлатлар бўлсалар-да, ҳақиқатда эса улар аввалбошданоқ Совет давлатига тўла-тўкис қарам бўлиб қолган эдилар.

9. МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ШИДДАТЛИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДА

1917—1920 йилларда Туркистон мактаблари. Олий таълимнинг шаклланиши.

1917 йилги феврал воқеаларидан кейин Туркистонни қамраб олган «инқилобий» жараёнлар миллий маданият, айниқса, халқ таълими соҳасига ҳам дахлдор эди. Бу жараёнларнинг ташаббускорлари миллий демократия вакиллари бўлишди.

Бу вақтда Туркистонда туб ерли аҳоли учун хилма-хил мактаб турлари: мактаблар, қорихоналар, мадрасалар, хотин-қизлар мактаблари, янги усул мактаблари, рус-тузем мактаблари мавжуд эди. Улардан ташқари, европаликларнинг фарзандлари учун ўлкада рус мактаблари— қавм ва шаҳар мактаблари ҳам бор эди. Вилоят шаҳарларида гимназиялар, Тошкентда эса ўқитувчилар семинарияси ва реал билим юрти ҳам мавжуд эди. Генерал-губернаторлик маъмурлари халқ таълимига арзимаган маблағлар ажратишар, унинг ҳам кўпроқ қисми рус мактабларини сақлаб туришга сарфланарди. Кўп сонли мактаблар ва янги усул мактаблари жамоат маблағи ҳисобидан таъминланарди.

Миллий маданиятнинг энг қадимги ва йирик маркази бўлган Самарқандда машҳур маърифатпарварлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Акобир Шомансурзода, Саид Аҳмад (Васлий), Саидаҳмадхўжа Сиддиқий, Мардонқули Шомуҳаммадзода зудлик билан мактаб ислоҳотини амалга ошириш фикри билан майдонга чиқдилар. Улар 1917 йил апрел ойидан бошлаб чиқаётган «Ҳуррият» газетаси саҳифаларида янги усулдаги мактабларнинг кенг тармоқларини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикрни илгари сурдилар. «Анжумани маориф» жамиятининг маблагларига «Рушдия» мактаби очилди, унда бепул ўқитилар эди. Абдурауф Фитрат билан Камол Шамсо бу мактабда ўқувчиларга ислом дини таълимотини, ислом тарихини, мусулмон ҳуқуқини, турк, араб ва форс тилларини, арифмети-

ка, геометрия, география, табиатшунослик, тарихни ўқитар эдилар. Ёз фаслида Самарқанднинг ўзида таниқли маърифатпарвар, шоир ва драматург Ҳожи Муин Шукрулло «Тарбият» мактабини очди.

1917 йил феврал билан октябр орасида Туркистоннинг йирик шаҳарларида турли тилларда дарс бериладиган хусусий мактаблар очилди. Лекин ўқитувчилар тайёрлаш сифати замон талабларидан орқада қолганлиги сабабли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш курслари ҳам очила бошланди. Чунончи, июлда Самарқанддаги «Нашри маориф» жамияти миллий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш курслари очди. Уларда бадавлат ўқитувчилар билан бир қаторда аҳолининг камбағал табақаларидан чиққан ўқитувчилар ҳам таълим олишлари мумкин эди. Камбағаллар учун ўқиш бепул эди. Абдурауф Фитрат янги Туркистоннинг фуқаросини тарбиялаш учун яхши тайёрланган ўқитувчи зарурлигини тушуниб етиб, истеъдодли ўспиринларни Россиянинг Оврупо қисмидаги ўқитувчилар семинарияларига ва мусулмон мактабларига юборишни ёқлаб чиқди.

Ана шу даврда миллий халқ таълимини ташкил этиш муаммоси алоҳида кескин бўлиб турган эди. Туркистон ўлкасининг маркази — Тошкентда 1917 йил 9—14 май кунлари ўқитувчиларнинг I ўлка қурултойи бўлиб ўтди, у таълим тизимининг аҳволи билан боғлиқ кўпгина масалаларни муҳокама қилди ва «Туркистон ўқитувчилар иттифоқини» ташкил этди. Қурултойда маърузалар қилган Муваққат ҳукумат Туркистон қўмитасининг аъзоси С.Мақсудов, йирик шарқшунос Л.Зимин, Фарғона вилоятининг маориф бўйича инспектори Ф.Егоров маҳаллий аҳолига таълим бериш ишида рус-тузем мактабларининг яроқсиз эканлигини исботлаб бердилар. Қурултой ана шу типдаги мактабни она тилида ўқитиладиган миллий мактаб билан алмаштириш фикрини маъқуллаб чиқди.

Орадан кўп ўтмай, 1917 йили 20 майдан 23 майгача Тошкентда мусулмон ўқитувчиларнинг қурултойи бўлиб ўтди. Унда асосан мусулмон мактабларидаги ўқитувчиларнинг иши масаласи муҳокама қилинди. Қурултой қарорларида асосан рус-тузем мактабларини миллий мактаблар билан алмаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди, бу мактаблар уч босқичга — қуйи, ўрта ва юқори босқичга бўлиниши лозим эди. Бошланғич таълим умумий, мажбурий, бепул, олти йиллик бўлиши керак эди. Асосий ўқитиладиган фанлар орасида ислом таълимоти асослари она тили, рус тили (4-синфдан бошлаб), арифметика, табиатшунослик, тарих (миллий ва рус тарихи), география (умумий ва рус географияси) бор эди[1].

Қурултойда ташкил этилган «Мусулмон ўқитувчилар кенгаши» (раиси — Муродхўжа Солиҳхўжаев, котиби — С.Абдусат-

[1] ЎзР МДА, И-1944-фонд, 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 44—48-варақлар.

торов) рус-тузем мактабларини миллий мактабларга айлантириш дастурини ишлаб чиқди. Янги ўқув йили арафасида унинг лойиҳаси Тошкент шаҳар думаси тасдиғига тақдим этилди. 1917 йил 10 сентябрдаги Дума мажлисида сўзга чиққан Мунаввар Қори мактабни ислоҳ қилиш ҳақидаги «Мусулмон ўқитувчилар кенгаши»нинг маърузасини тақдим қилди ва унда мусулмон маориф ходимлари — ўқитувчиларга ниҳоятда эҳтиёж сезилмоқда, деб қурсатиб ўтди. Думанинг диққат-эътибори ерли аҳолининг фарзандлари учун мўлжалланган мактаблар сонини кескин кўпайтириш зарурлигига ва аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида оврупо типидаги мактаблар бир текисда тақсимланмаганлигига қаратилди. Шу муносабат билан рус-тузем мактабларини миллий мактабларга айлантириш, уларга қўшимча қилиб яна 11 та мактаб очиш, мусулмон ўқитувчиларининг маошини рус ўқитувчиларинiки билан бараварлаш ҳамда икки йиллик ўқитувчилар курслари очиш таклиф этилди[1].

Дума узоқ муҳокамадан кейин рус-тузем мактабларини миллий мактабларга айлантириш лойиҳасини тасдиқлади. Лекин Туркистон мактаблари 1917 йил февралида қўлга киритган эркин ривожланиш имконияти большевиклар томонидан октябрда амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида рўёбга чиқмади.

Октябр тўнтаришидан сўнг янги совет мактабини ташкил этиш вазифаси илгари сурилди. Бу жараёнга комиссарликлар тизимида ташкил топган Маориф халқ комиссарлиги (биринчи халқ комиссари К.Я.Успенский) раҳбарлик қилиши лозим эди. Бироқ маълум вақтгача мактаб тармоқларини бошқаришнинг эски тизими ҳам сақлаб қолинди.

1918 йилнинг мартигача Туркистонда Васийлик қўмитаси мавжуд бўлиб турди. Қўмита ўқув юртлари тармоқларига раҳбарликни амалга ошириб, Туркистон педагогларининг манфаатларини ифодалади ва мактабни сиёсат таъсиридан сақлашга ҳаракат қилди.

Янги ҳокимият ўз навбатида Васийлик қўмитаси ва ўлканинг барча ўқитувчиларини Халқ Комиссарлари Кенгаши билан ҳамкорликда ишлашларини талаб қилди, ҳамкорлик қилишга жавоб тариқасида мактаб ходимлари маошини кўпайтиришга ва ўқув юртларига маблағлар ажратишга ваъда қилди. Бироқ ўқитувчилар иттифоқи Халқ Комиссарлари Кенгаши билан ҳамкорлик қилишни истамаганлиги сабабли улар иш ҳақини ошириш ва мактабларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун маблағлар ажратмадилар. Бунинг устига март ойида маъмурлар ўрта ўқув юртларини ёпиб қўйиш ҳақида фармойиш бердилар, бундан мақсад навбатдаги ўқув йилининг бошланишига қадар уларни «янгича асосларда» ташкил этишдан иборат эди[2].

---

[1] Ўша жойда, 45—47-варақлар.

[2] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 42-йиғма жилд, 122-варақ.

1918 йилнинг 23 мартида РСФСР Маориф халқ комиссарлиги «фармойишига биноан» Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгаши Ўлка халқ таълими кенгашини ташкил этиш ҳақида буйруқ чиқарди. Мазкур кенгаш Туркистон ҳудудида халқ таълими тизимига раҳбарлик қилиши лозим эди. Жойларда уларнинг вилоят, шаҳар, уезд кенгашлари ҳузурида халқ таълими кенгашлари ташкил этилди. Лекин дастлабки кунлардан бошлаб туркистонлик ўқитувчилар кўпчилик қисмининг манфаатларини ифодалаб, умумдемократик йўлда қаттиқ турди. Бундан норози бўлган совет ҳукумати ва хусусан Маориф халқ комиссарлиги ўзининг тор синфий мақсадларига амал қилиб, мазкур кенгашга нисбатан ажратувчилик сиёсатини амалга ошира бошлади.

Большевикларнинг эски мактабга душманлиги хусусий ўқув юртларига бўлган муносабатда анча кескин намоён бўлди: янги усул мактабларига кредит ажратилмади, айрим хусусий рус мактаблари маъмурларнинг фармойишлари билан ёпиб қўйилди.

Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 14 майдаги буйруғи билан ягона умумий мактабни ташкил этишга киришилди. Турли типдаги ўқув юртлари «улар ўқишни хоҳлайдиганлар учун ёши, миллати, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар гувоҳномаларсиз» очиқ қилиб қўйилди. Июн ойида Маориф халқ комиссарлиги барча мактабларда бепул ўқитиш жорий этилишини эълон қилди[1].

1918 йил июн ойининг ўрталарида бўлиб ўтган Умумтуркистон халқ таълими арбобларининг қурултойида мактабни қайта қуриш масалалари муҳокама қилинди, унда коммунистларнинг оз сонли гуруҳи «қурултойга коммунистик ўзак раҳбарлик қилиши лозим»[2] деб қатъий туриб олди. Ўз навбатида мусулмон делегатлар гуруҳи қурултойни ваколатсиз деб ҳисоблаш таклифини киритди, чунки Туркистон Республикасидаги аксарият кўпчиликни туб ерли аҳоли ташкил этарди, лекин қурултойда уларнинг оз сонли делегатлари вакил бўлиб қатнашаётган эди. Шу муносабат билан туб ерли миллатлар ўқитувчиларининг вакиллари қурултойни ташлаб чиқиб кетдилар. Уларга овруполик ўқитувчиларнинг бир қисми қўшилди, бу ўқитувчилар учун большевикларнинг мактабга ҳукмронлик қилиш усули мақбул эмасди.

1918 йилнинг ўрталаридан бошлаб янги типдаги мактабларнинг тез, асосан миқдор жиҳатидан ўсиши кўзга ташланди. Контрибуция сиёсати, Туркистон жамияти аҳолисининг бадавлат қатламларидаги жуда кўп миқдордаги маблағнинг тортиб олинганлиги ўлка иқтисодиётини камбағаллаштириб қўйди, айни

---

[1] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 35-йиғма жилд, 307-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 33-йиғма жилд, 22-варақ.

бир вақтда совет ҳокимиятини зарур маблағлар билан таъминлади, бунинг натижасида мактаб қурилишига раҳбарлик қилувчи Маориф халқ комиссарлиги 1918 йилда маълум даражада кредитга эга бўлди.

Большевиклар ижтимоий, синфий мазмунига кўра ягона мактабни ташкил этар эканлар, миллий шаклнинг зарурлигини эътироф этдилар, шу боисдан Туркреспублика миллий асосда — украин, арман, яҳудий мактаблари ва, табиийки, «Туркистонда миллий турк оммаси устивор бўлганлиги» учун ҳаммадан кўпроқ ва биринчи навбатда ўзбек мактаблари ташкил қилинди[1].

Ўзбек совет мактабини ташкил этиш жараёни 1918 йил май ойида, халқ комиссарлари кенгашининг ҳамма учун қулай ягона мактабни ташкил этиш ҳақидаги қароридан кейин бошланди. Бунда эски усул мактабларига тегилмади, янги усул мактаблари (жадид мактаблари) халқ таълими бўлимлари ихтиёрига ўтди. 1918 йилда ўқитувчиларнинг ўзлари дастурлар ва ўқув режаларини тузиб чиқдилар. Дастурга ўзбек ва рус тиллари, арифметика, география, табиатшунослик, меҳнат, ашула, гимнастика фанлари киритилган эди. Туб ерли аҳоли орасида билимга интилиш кучли эди. Шунинг учун ҳам янги мактаблар ташкил этиш фақат давлат идораларинигина эмас, балки жамоат вакилларининг ҳам фаол иштирокини тақозо қиларди. Масалан, Тошкентнинг Бешёғоч қисмида 1917 йилнинг декабридаёқ Башорат Жалилова ташкил этган хотин-қизлар мактаби ишлай бошлади, унда 40 дан ортиқ ўзбек қизлари таълим олишарди. Қоратош маҳалласида бир неча маҳалла фаолларининг (М.Содиқова, М.Аҳмедова, Т.Солиҳова ва бошқалар) ташаббуси билан Саъдий номидаги мактаб ташкил этилди[2].

Дастлабки ўзбек совет мактаблари маблағлардан қисиб қўйилган бўлиб, уларга ўқув воситалари ва қўлланмалар етишмасди. Моддий аҳволнинг оғирлигига кўп жиҳатдан маъмурларнинг ерли аҳолининг билимли бўлишига нисбатан мустамлакачилик муносабатида бўлиши таъсир қилди, бу эса 1918—1920 йиллар даврида рус тилидаги ўқув юртлари ва туб ерли аҳоли болалари учун мўлжалланган мактабларни маблағ билан тенг асосда таъминламасликка олиб келди. Бундан ташқари, кўпинча халқ таълими учун ажратилган маблағни депутатлар кенгашлари бошқа мақсадлар учун ишлатишарди.

Маориф халқ комиссарлиги учун кадрлар масаласи мактаб қурилишидаги бош муаммо эди. Янги тузум педагогларини тайёрлаш, айниқса, биринчи навбатда маҳаллий мактаблар ўқитувчиларини тайёрлаш учун ҳар томонлама чора-тадбирлар белгиланди. Бинобарин, ўқитувчилар тайёрлаш бутунлай янгича негизга — қисқа муддатли курслар орқали йўлга қўйилди. 1918

---

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 86-йиғма жилд, 126-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 37-йиғма жилд, 36-варақнинг орқаси.

йилнинг ёзида Самарқандда «мусулмон ўқитувчилари учун педагогик курслар» очилди. Ўша йилнинг кузида Тошкентда — Тошкент уездининг туб ерли аҳолиси учун мактаб ўқитувчилари курслари очилди.

1918 йил 18 июнда Тошкентда мусулмон ўқитувчилар институтида машғулотлар бошланди, у «янги ташкил этилаётган бошланғич билим юртларига» ўқитувчилар тайёрлай бошлади. Институтда Абдурауф Фитрат, Исмоил Ҳаққий, Камол Шамсо, Мунаввар Қори, Иброҳим Исмоилов (мудир), Анна Поройкова ва бошқалар дарс беришди. Тингловчилар орасида мадраса ва рус-тузем мактабларини тамомлаб чиққан шахслар кўпчиликни ташкил этарди. «Пансионнинг йўқлиги ва кун кўришнинг қимматлиги» республиканинг бошқа шаҳарларидан тингловчилар келишига халақит берарди. Институт янги очилаётган ўзбек мактабларига ўқитувчилар тайёрлашда молиявий жиҳатдан анчагина қийинчиликларни бошдан кечирди, бу ҳол тингловчиларни чекланган миқдорда қабул қилишга мажбур этди[1].

Касб таълимининг ниҳоятда паст даражада эканлиги шароитида қисқа муддатли курслар тизими, энг аввало бўлажак ўқитувчиларда сиёсий онгни шакллантиришга ва фақат янги режимнинг мафкуравий йўл-йўриқларини ўзлаштиришга қаратилган эди. Курсларнинг дастурлари, хусусан, социализм ва инқилобий ҳаракат тарихини, сиёсий иқтисод ҳамда миллийлаштириш ва ижтимоийлаштириш ғояларини, турли сиёсий партияларнинг дастурлари ҳамда тактикасини ўргатишни ўз ичига олган эди.

Туркистондаги эски мактабларни тезроқ бузиб ташлаш мақсадида маориф комиссарлиги «мактабдаги инқилобни жадаллаштириш»га қаратилган «кескин чора-тадбирлар» белгилади. Синф мураббийси вазифаси бекор қилиниб, мактаб қўмиталари ва ўртоқлик судлари жорий этилди. Бу тадбирлар халқ таълими раҳбарларининг фикрича, «кучли инқилобий пойдевор»[2] эди. Ўқувчилар ташкилотининг тузилиши, баҳолар тизимининг бекор қилиниши, бир синфдан бошқа синфга ўтишнинг осонлаштирилганлиги мактабларнинг сиёсий тус олишига хизмат қилиши керак эди. Туркистон ўқитувчилари, айниқса, уларнинг Тошкент ташкилотлари Бутунроссия ўқитувчилари иттифоқининг умумдемократик платформасида туриб, иложи борича большевикларнинг ана шу мактаб ислоҳотини амалга оширишига қаршилик кўрсатишарди.

Ноябрда Туркреспубликанинг Халқ Комиссарлари Кенгаши черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида декрет чиқарди. Шу муносабат билан «билим юртларида Аллоҳ

---

[1] ЎзР МДА, Р-368-фонд, 1-руйхат, 34-йиғма жилд, 120—122-варақлар.
[2] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-руйхат, 21-йиғма жилд, 141-варақ.

қонунини ўқитиш» тақиқланди. Маъмурлар фақат «мусулмон билим юртларига нисбатан»[1] истиснони сақлаб қолдилар.

1918 йилнинг охирида совет мактаби билан рақобат қиладиган турли типдаги мактабларни тугатишга қаратилган қонуний чора-тадбирлар белгиланди. 25 ноябрда Маориф халқ комиссарлигининг буйруғи барча хусусий ўқув юртлари «ҳамма асбоб-ускуналари, ўқув қўлланмалари ва мавжуд ходимлари билан» халқ таълими маҳаллий бўлимлари ихтиёрига берилди[2]. Бу шаклдаги миллийлаштириш умумтаълим тарзидаги ўқув юртларини ташкил этишга давлат монополиясининг ўрнатилганлигини билдирар эди. Шунингдек, декабрда черков-қавм, рустузем, русча-яҳудийча ва бошқа типдаги мактабларни бекор қилиш ҳақидаги фармойиш эълон қилинди. Уларнинг ўрнига рус, ўзбек, қирғиз, татар, яҳудийча ва бошқа миллий мактаблар ташкил этилиши лозим эди. Булар совет ягона меҳнат мактабининг миллий кўринишлари эди. Эски усул мактаблари ва мадрасалар ҳозирча қайтадан ташкил этилмади. Лекин уларни давлат манбалари ҳисобидан маблағ билан таъминлашга йўл қўйилмайди деб ҳисобланди.

Бошланғич етти йиллик мактаб икки поғонага бўлинди: 1-поғона билим юртлари (дастлабки уч синфни ўз ичига оларди) ва 2-поғона билим юртлари (қолган тўрт синфдан иборат эди). Ўрта мактаб ҳам мавжуд бўлиб, кейинги уч синфни ўз ичига оларди. Бироқ бундай мактаблар жуда оз бўлиб, 1-поғона билим юртлари, яъни энг оддий таълим берадиган мактаблар кўплаб ташкил этилган эди. Уларнинг сони 1918 йилда (922 та мактаб) 1917 йилдагига нисбатан (576 та мактаб) анча ўсди. Бироқ туб ерли аҳолининг фарзандлари учун янги совет мактабини ташкил этиш жараёни секинлик билан борарди.

Тошкентдаги 1919 йил январ воқеалари («Осипов исёни» деб аталган исён) мактаб тизимига, унинг европача қисмига ҳам таъсир этди. Ўрта мактабнинг айрим ўқувчилари — «буржуа синфининг болалари» бу исёнда иштирок этганидан фойдаланган Муваққат ҳарбий-инқилобий кенгаш ва Халқ Комиссарлари Кенгаши ўрта мактабни тарқатиб юбориш ва «синфий мактаб» ташкил этиш ҳақида буйруқ чиқардилар. «Йўқсилларнинг фарзандлари» бўлган ўқувчилар ўрта мактабда ўқиётган бўлсалар, ўзларининг «йўқсиллар синфи»га мансуб эканлигини тасдиқловчи гувоҳномаларини кўрсатиб мактабга янгидан қабул қилинишлари лозим эди[3]. Барча мактабларга «партияли шахслар»ни, яъни большевикларни ёки сўл эсерларни мудир қилиб тайинлаш таклиф этилди. Маориф халқ комиссарлиги раҳбариятининг фикри буйича «буржуа таркибли ўқувчилар таълим

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 41-йиғма жилд, 123-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 33-йиғма жилд, 63-варақ.
[3] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 25-йиғма жилд, 2-варақ.

оладиган мактаблар»га «йўқсиллар мафкурасини тарғиб қиладиган» ўқитувчиларни тайинлаш имконияти бор эди. Шунингдек, халқ университетини ҳам тарқатиб юбориш ва унинг ўрнига «синфий университет» ташкил этиш мўлжалланди. Бироқ ҳарбий-инқилобий кенгаш ўрта мактаб ва университет машғулотларида танаффус бўлишига йўл қўймаслик мақсадида бу қарорни бекор қилди[1].

Январ воқеаларидан кейин орадан кўп ўтмай коммунист-ўқитувчиларнинг ташаббуси билан эски ўқитувчилар иттифоқига қарама-қарши ўлароқ байналмилал ўқитувчилар иттифоқи ташкил этилди. Лекин ҳали «миқдорий жиҳатдан» заиф бўлган мазкур иттифоқ «барча ўқувчиларни қайта тайёрлашга, уларга синфий ривожланиш ғоясини сингдиришга»[2] қодир эмас эди.

Туркистонда мустамлакачи унсурлар билан синфий муросасизлик жанглари давом этмоқда эди. 1919 йил мартда, турли фронтларда миллий истиқлолчилар билан қизил аскарлар ўртасида жанговар ҳаракатлар тўхтовсиз давом этаётган бир шароитда Советларнинг VII қурултойи ўлка туб ерли халқлар ҳаётида ана шу тарихий шароитда, ҳақиқатда, танг бир вазият вужудга келганлигини, минглаб маҳаллий аҳоли ҳар куни очлик ва касаллик туфайли ҳалок бўлаётганини алоҳида қайд қилиб ўтди.

Қурултой бошқа кескин масалалар билан бир қаторда халқ таълими муаммосини ҳам кўриб чиқди. Миллий ишлар бўйича шўъба «аҳолининг камроқ таъминланган қисмининг ҳимоячиси» сифатида майдонга чиқиб, иккита маориф комиссарлигини ташкил этишни таклиф қилди — биттаси аҳолининг европалик қисми учун, иккинчиси эса ўлканинг туб ерли халқларининг ўз миллий мактабларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган эди[3]. Бунда таълимга ажратилган смета маблағларини аҳолининг сонига мутаносиб тақсимлаш талаби илгари сурилди. Бироқ Туркреспублика маъмурлари, бу миллатчилик йўлини тутишдан иборат, бунинг устига бу таклиф шунга олиб келадики, мусулмон мактаблари «кўпроқ ўзининг маҳдудлигида қолади... ўзига хос маданият тазйиқи остида бўлади», бу эса «Туркистон меҳнаткашлар оммасининг ягона мактаби фойдасига» ҳал бўлмайди[4], деб талқин қилдилар.

1919 йилнинг 1 июлида ТуркМИҚ «Туркистон Республикасининг барча шаҳарларидаги, қишлоқларидаги мактабларга энг яхши биноларни реквизиция қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ҳокимият идораларига «шошилинч равишда маблағлар-

---

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 124-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 141-варақнинг орқаси, 142-варақ.
[3] Ў ш а ж о й д а, 17-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 99-варақ.
[4] Ў ш а ж о й д а.



Хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш мактаби. 20-йиллар.

ни мактабларни тузатиш ва қуришга ажратиш»[1] буюрилди. Халқ таълими бўлимларининг асосий вазифаси «мусулмон мактаблари»ни ташкил этишдан иборат, деб ҳисобланди.

Айниқса, тарғибот учун кўргазмали мактаблар ташкил этилишига катта эътибор берилди. Масалан, 1919 йилда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Бешёғочда Алмаий номидаги 1- ва 2-босқич мактаби очилди, унинг ҳузурида мактаб-интернат ҳам бор эди. Машғулотлар яхши жиҳозланган математика, кимё, физика, тарих хоналарида ўтказиларди. Устахоналарда ўқувчилар айрим касблар соҳасида малакаларни эгаллаб боришарди. Мактабларда турли тўгараклар ҳам ишлаб турди. Масалан, ташкил қилинган мусиқа тўгарагига Юнус Ражабий ва Иноғом Икромов раҳбарлик қилдилар. Шунингдек, драма тўгараги ва бошқа тўгараклар ҳам иш олиб борди. Таниқли педагог В.Ф.Лубенцев томонидан ташкил этилган Тошкентдаги К.Либкнехт номли тажриба меҳнат мактаби шуҳрат қозонди. Лекин бу мактаблар миллий асосларимиздан узилган, халқимизга ёт бўлган янги ғоя асосида ташкил қилинган эди.

Шунингдек, мактабларда устахоналар ташкил этишга ҳам эътибор берилди, чунки совет мактабида ўқитиш усулларига меҳнат асос қилиб олинган бўлиб, у большевиклар педагогик

[1] Ўша жойда, 10-йиғма жилд, 114-варақ.

тасаввурларига биноан, «инсон зотини ҳар жиҳатдан ривожлантиришнинг энг яхши воситаси»[1] эди. 1919 йилнинг октябрида Маориф халқ комиссарлигининг йўриқномаси билан бошланғич етти йиллик мактабга «бутун етти йил давомида тарбия принципи сифатида мажбурий қўл меҳнати»[2] киритилди. Россияда бўлгани каби, Туркреспубликасида ҳам меҳнат мактаблари, уларда ўқувчилар мактаблари-коммуналар ташкил этилиб, уларда ўқувчилар фақат маълумот олмасдан, шу билан бирга «янги ижтимоий тузум руҳида меҳнат тарбияси»[3]ни ҳам оладиган бўлишди. Шунингдек, мактаб-интернатлар тармоғи ҳам вужудга келди, бу ерда болалар фақат билим олмасдан, бутун ўқув йили мобайнида яшар эдилар. Улар асосан кўчманчи аҳолининг болалари учун ташкил этилган эди.

Янги совет мактаби ўқув адабиётларига ниҳоятда муҳтож эди. 1919 йилда ўзбек тилида «Бошланғич география» ўқув қўлланмаси, «Туркистон» (тарих ва географияни ўқитиш учун қўлланма), арифметика дарслиги, Т.Н.Қори-Ниёзийнинг «Табиатнинг бир бўлаги» (табиатшуносликни ўқитиш учун қўлланма), шунингдек, алифболар ва ўқиш китоблари ҳам чоп этилди. Ўзбек тилидаги дарсликлар рус тилидаги дарсликларга қараганда бир неча баравар кўп эди. Лекин ўқув адабиётлари билан бир қаторда Маркс, Троцкий, Луначарский портретлари, яъни соф тарғиботчилик тарзидаги ўқув воситалари ҳам кўплаб миқдорда босилиб чиқди.

Кадрлар масаласининг кескинлиги 1919 йилда ҳам сақланиб қолди. Мусулмон ўқитувчиларнинг етишмаслиги шунга олиб келдики, кўпчилик мактаблар қоғоздагина мавжуд эди («қоғоздаги мактаблар»). Самарқанд вилоятининг қишлоқ туманларида мактабларнинг ярмидан кўпроғи ўқитувчилар етишмаганлигидан ишламас эди[4]. Фарғона водийсида ҳам мактабларнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди, бу ерда тўхтовсиз давом этаётган жанговар ҳаракатлар шароитида мактаблар вайрон этилиб, ўқитувчилар асир қилиб олинар, мактаб биноларига одатда қизил аскар қўшинлари жойлаштирилар эди. Қишлоқларда очилган мактаблар шу тариқа ўқитувчилар ва пул маблағларининг йўқлигидан ёпиб қўйиларди.

1920/21 ўқув йилининг бошларида Туркистон Автоном Республикасида туб ерли миллатларнинг болалари учун мўлжалланган 1-босқич мактабларининг (яъни дастлабки уч синфли мактабларнинг) сони 802 тага етди, 2-босқич мактаблари 4 та эди, европаликлар учун мактаблар эса тегишли равишда 604 та ва 45 та эди. Республиканинг барча вилоятларида европаликлар

---

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 330-йиғма жилд, 14-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 17-фонд, 1-рўйхат, 1066-йиғма жилд, 27-варақ.
[3] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 192-йиғма жилд, 11-варақ.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 105-варақ.

учун мактаблар ташкил қилиш устивор аҳамиятга эга эди. Бу борада Тошкент алоҳида ажралиб турарди, маблағ ва моддий воситаларни тақсимлашда унинг янги шаҳар (европа) қисми имтиёзли мавқега эга эди.

Большевиклар ҳукумати таълимнинг кундан-кунга ошиб бораётган моддий талабини таъминлашга қодир эмасди. Агар 1918 йилда Маориф комиссарлиги «чекланмаган кредит»га эга бўлган бўлса, 1920 йилда эса мактаб қурилиши учун жуда оз миқдорда маблағлар ажратилган эди[1]. Шу билан бирга маблағлар пул «белгилари» шаклида бўлмасдан «истеъмол бойликлар шаклида» бўлиб, улар озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бошлар, пойабзал ва шу кабилардан иборат эди. Ана шундай шароитда ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам, айниқса, қишлоқ ўқитувчиларининг моддий аҳволи ниҳоятда оғир кечаётган эди.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати даврида Совет ҳукумати Туркистон халқ таълими соҳасига умуман эътибор бермади. Кўпинча ТуркМИҚ ва Маориф халқ комиссарлигининг мактаблар учун маҳсулотлар ва мануфактура ажратиш ҳақидаги фармойишлари қоғозда қолиб кетар, уларни ҳеч ким назар-писанд қилмас эди. Халқ таълими бўлимларининг ҳуқуқсизлиги натижасида улар турли идоралар, айниқса, ҳарбий идоралар томонидан оёқости қилинарди, уларга нисбатан зўравонлик ишлатиларди (Фарғонада, Самарқандда).

1920 йилга келиб большевикларнинг мактаб тармоқларини, унинг миқдорий жиҳатдан кўпайтириш ҳақидаги кўр-кўрона сиёсати маглубиятга учради. Кампаниячилик асосида ташкил қилинган мактаблар маблағ етишмаслигидан ишламади. Эндиликда халқ таълими ходимлари олдида мактаб тармоқларини кўпайтириш эмас, балки уларни мустаҳкамлаш вазифаси кўндаланг бўлиб турди. Туркистон халқ таълими бўлим мудирларининг 1920 йил май ойида бўлиб ўтган I қурултойи совет мактаб тизимини яхшилаш зарурлигини эътироф қилди. Лекин бу йўналишдаги ишларнинг муваффақияти биринчи навбатда яхши билимга эга бўлган ўқитувчиларнинг мавжудлигига боғлиқ эди. Ҳолбуки, ўқитувчиларнинг ҳарбий ва фуқаро идоралари томонидан доимий равишда сафарбар қилиб турилиши бусиз ҳам етишмаётган «мактаб ходимларидан иборат кадрлар»нинг ҳақиқатда «қириб битирилиши»га сабаб бўлди. Кўпгина мактабларда ўқитувчилар таркиби 75% ва ундан ҳам кўпроққа қисқариб кетди. Айниқса, партиявий сафарбарликлар мактаб елкасига оғир юк бўлиб тушди.

1920 йилда Туркистонда ўқитувчилар тайёрлашга қисман бўлса-да эътибор қаратилди. 1 октябрда Тошкентда халқ маорифи институтлари (инпрослар), рус тилида таълим берадиган К.А.Тимирязев номли ўлка аҳамиятига эга бўлган олий педаго-

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 461-йиғма жилд, 27-варақ.

гика ўқув юрти, ўзбек халқ маорифи институти, қирғиз ва татар маориф институтлари очилди. Халқ маорифи институтлари ҳақидаги Низомга кўра Туркистон Республикасидаги ҳар бир миллат, «элатларнинг маданий ўзини-ўзи бошқариш» принципига амал қилиб ўзининг маориф институтини очиш ҳуқуқига эга эди. Тез орада тожик ва туркман маориф институтлари ҳам ташкил этилди. Лекин бу йўналишда олиб борилган сиёсат кўпга бормади. Кейинчалик миллий инпрослар ягона рус тилида ўқитиладиган бўлди.

1918—1920 йилларда совет мактаби қурилишига миллий ўқитувчилар ҳам жалб қилинди. Масалан, ўша даврнинг тажрибали ўқитувчиларидан Оқилхон Шарафиддинов, Жўра Одилов, Тўхтаназар Шермуҳамедов, С.Содиқов, Т.Содиқов, К.Додамуҳамедов ва бошқалар ўзбек совет мактабини ташкил этиш соҳасида иш олиб бордилар. Янги совет мактабини йўлга қўйишда рус педагогларидан Фарғонада ишлаган А.В.Яхонтов ва А.П.Сутягин, Тошкентда К.Либкнехт номидаги тажриба меҳнат мактабини ташкил этган В.Ф.Лубенцовлар кўп иш қилдилар. Йирик шаҳарлардаги бир қатор рус мактаблари ва Тошкентдаги ўзбек мактабларида фидокор педагогларнинг интилишлари туфайли 1920 йилнинг охирида ўқув-методик ишлар аста-секин йўлга қўйила бошланди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврда ҳали ўқитувчиларнинг касбий савияси жуда паст эди [1].



Ўқитувчи Абдуқодир Шокирий ўзининг ўқувчилари билан. 20-йиллар.

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 461-йиғма жилд, 22-варақнинг орқаси, 33-варақ.

Замонавий миллий мактаб ташкил этишга интилган Туркистон жадидлари дунёвий билим олиш ғоясини ҳимоя қилдилар. Улар 1917 йил октябр тўнтариши арафасида ҳам соф конфессионал мактабларга қарши кураш олиб борган эдилар. Лекин уларни ниҳоятда сиёсий тус берилган совет мактаби ва унинг тор синфий мафкуравий йўналиши ҳам қониқтирмас эди. Масалан, совет мактабларида ўқувчиларнинг ашула дарсларида эски ўзбек қўшиқларининг ўрганишлари ва ижро этишлари тақиқланган бўлиб, большевикларнинг фикрича, бу қўшиқлар «тор миллий» қўшиқлар ҳисобланарди. Ўзбек совет мактабларининг ночор аҳволга тушиб қолиши, шунингдек, ўқувчиларнинг анъанавий диний мактабларга кетиб қолиши, 1920 йилда жадидларни миллий ўзбек мактабини ташкил этиш дастурини таклиф қилишга ундади. 1920 йил май ойида бўлган халқ таълими бўлимлари мудирларининг I қурултойида Мунаввар Қори Маориф халқ комиссарлигининг ўша вақтда тугатилган турк шўъбаси номидан маъруза қилди.

Мунаввар Қорининг фикрича, вақфлардан тушадиган даромадлардан фойдаланиб, ҳукуматнинг тегишли ёрдам кўрсатиб туриши билан минглаб эски усул мактаблари ва мадрасаларни (уларнинг дастурини ўзгартириш ва бошқа чора-тадбирлар билан) диний ўқув юртларидан «маданий-оқартув манбаларига айлантириш»[1] мумкин эди. Бироқ бир партияли коммунистик диктатура шароитида жадидларнинг миллий мактаб ҳақидаги ғояси амалга ошиши мумкин эмасди. Эски мусулмон конфессионал мактабини тугатиш зарурлигини англаб етган ҳокимият фақат биргина типдаги совет мактабини ташкил этишни мўлжаллаган эди. Эски мактаб эса бошқа типдаги мактаблардан фарқли ўлароқ, вақтинча дахлсизлигини сақлаб қолган эди.

1917—1920 йиллардаги қисқа даврга, шу жумладан, халқ таълими соҳасида рўй берган ўзгаришларга 1920 йилда якун ясалди. Совет мактабларининг тез ўсиши Туркистон мактаб тизимини боши берк кўчага олиб кирди. Жиддий моддий таъминотнинг йўқлиги ва кадрлар билан таъмин этилмаганлик кўпгина «қоғоздаги мактаблар»нинг мавжудлигини шарт қилиб қўйди. Натижада мактаб ёшидаги болаларнинг 70%дан кўпи мактабга жалб қилинмади. Масалан, ҳатто Тошкентда, унинг эски шаҳар қисмида мактаб ёшидаги 40 минг боладан фақат 10 минг нафарга яқини, яъни 25%и ўқирди, холос. Ҳокимият тепасида большевиклар турган қисқа даврда европача типдаги («буржуа» мактаби) — рус, рус-тузем мактабларига, янги усул (жадид) мактабларига путур етди. Бироқ большевикларнинг янги «ягона меҳнат мактаби» кўп жиҳатлардан путур етказилган мактабларга нисбатан етарли даражада билим беролмас эди. 1920 йил-

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 461-йиғма жилд, 216—217-варақнинг орқаси.

нинг охирига келиб ўқувчи ёшларнинг билим савияси ниҳоятда пасайиб кетди. Умуман, билим олиш I босқич (дастлабки уч синф) бошланғич мактаби даражасида бўлди. Ташкил қилинган II босқич мактаблари (4—7 синфлар) ўқувчилар йўқлигини сабаб қилиб тарқатиб юборилди.

ТуркМИҚ янги ижтимоий тузумнинг келажаги ёш авлоднинг умумтаълим савиясига боғлиқ эканлигини тушуниб, 1920 йилнинг ноябрида мактаб тизими аҳволини яхшилаш мақсадида қарор қабул қилди. Унда Маориф халқ комиссарлиги зиммасига «савод ўргатиш ишини биринчи ўринга қўйиш» ва мактаб ўқувчиларининг таъминоти ҳамда овқатланишини яхшилаш учун чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юкланди. ХХМК (Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши) «имкон борича» мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланмалари ва биринчи галда зарур бўладиган ашёлар ишлаб чиқаришни кўпайтириши лозим эди. Халқ Комиссарлари Кенгашига ўқув юртларини бинолар билан таъминлаш ва «имкон борича Маориф халқ комиссарлиги ҳайъати кўрсатмалари бўйича сарфланадиган пул белгилари фондини кўпайтириш» буюрилди.[1] Лекин бу чораларнинг ҳаммаси бошқа даврда — янги иқтисодий сиёсат даврида натижалар бериши мумкин эди.

Олий таълим масаласига келганда шуни айтиш керакки, Туркистоннинг миллий зиёлилари ва, шу жумладан, илғор рус олимлари (акад. С.Ф.Ольденбург) XX асрнинг бошларидаёқ Тошкентда университет типидаги олий ўқув юртини очиш зарурлиги масаласини кўтариб чиққан эдилар. Бироқ аҳвол қуруқ гапдан нарига силжимаган эди. 1918 йилнинг февралига келиб Тошкентда «Олий таълим дўстлари жамияти» фаолият кўрсата бошлади, унинг таркибида педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, агрономлар ва маҳаллий зиёлиларнинг бошқа вакиллари ҳам бор эди[2].

Жамият олий типдаги ўқув юрти ташкил этилишига қадар дастлаб бепул таълим берадиган кенг ихтисосдаги ўқув юрти ташкил этишга ҳаракат қилди, бу ўқув юртда таълим олувчиларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар аҳолининг барча қатламларига қулай бўлиши лозим эди. Бу хилдаги ўқув шакли кейинчалик таълимни олий ўқув юртларида давом эттирадиган кадрлар тайёрлаши, шунингдек, улардаги тингловчиларга халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ҳунарларга (агроном, техник, монтёр, транспорт ҳайдовчилари, этикдўзлик ва тикувчилик каби) эга бўлишларида ёрдам бериши керак эди.

1918 йил 21 апрелда тантанали равишда очилган Туркистон

---

[1] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 656-йиғма жилд, 7-варақнинг орқаси.

[2] *Лунин Б.В.* Из истории создания системы высшего образования в Средней Азии // «Общественные науки в Узбекистане». 1971, № 9. С. 27—38.

халқ университети шу тариқа вужудга келди[1]. Университет ўзига Тошкентнинг энг яхши ўқитувчиларини жалб қилган эди. Унинг ихтиёрига Тошкентдаги бир қанча бошланғич мактаблар (13 та мусулмон ва 11 та рус мактаби), 8 болалар майдончаси, Туркистон халқ кутубхонаси, Халқ музейи ва консерваторияси бериб қўйилганди. Маҳаллий миллат ёшларидан кадрлар тайёрлаш учун университет қошида мусулмонлар шўъбаси ташкил этилиб, у Тошкентнинг эски шаҳар қисмида фаолият кўрсатди. Шўъба «Халқ дорилфунуни» деган илмий-адабий газетани чиқариб турди.

Университет таркибида ижтимоий-иқтисодий, табиий-математика, тарих-филология, қишлоқ хўжалиги ва техника факультетлари бор эди. 1919 йил февралдан университет қошида ишчи факультети ҳам фаолият кўрсата бошлади. 1920 йилнинг охирига келиб, университетда таълим олувчиларнинг 60%ини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қилган эди. Ўзбек тилидаги машғулотларни Аҳмад Файзий, Бурҳон Ҳабиб, Иброҳим Тоҳирий, Усмон Хўжаев, Ҳоди Файзий ва бошқалар олиб боришди.

Октябр тўнтаришидан кейинги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар даврида университет асосан ўқитувчилар ва тингловчиларнинг фаол меҳнати ва ташаббуси билангина ишлаб турди. Г.Н.Черданцевнинг (университетнинг биринчи ректори, иқтисодчи олим, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги бўлган) сўзларига қараганда, «кун кечириш учун иш ҳақи етишмаган бир шароитда яшаган ўқитувчилар ва талабалар ўз мактабларини ўзлари қурдилар ва мустаҳкамладилар..., университет аҳил оила бўлиб яшади, улар университет ҳаётида рўй берадиган барча муваффақиятлар ва ғам-ташвишларни биргаликда бошдан кечирди»[2]. 1918—1920 йилларда Ўзбекистон маданий ҳаётида танилган Халқ университетининг ташкилотчилари ва арбоблари бўлган Г.Абдурашидов, А.А.Диваев, Абдулла Қодирий, Мурод Ҳожи, Г.Н.Черданцев, Р.Юсупбеков ва бошқа кўпгина зиёлилар фаолият кўрсатган эдилар.

Орадан кўп ўтмай Тошкентда махсус шарқшунослик ихтисослигидаги олий таълимнинг тунғичи — Туркистон шарқ институти вужудга келди[3]. У ўз фаолиятини 1918 йил ноябрда бошлади. Институт ҳақидаги низомда унинг асосий вазифалари қилиб Туркистон маҳаллий аҳолиси ва қўшни мамлакатлар аҳолиси тилини яхши биладиган шарқшунос олимлар ва ама-

---

[1] Народный университет. Очерки Туркестанского народного университета. — Т., 1918, С. 1—88 (рус ва ўзбек тилларида); *Рашидов Г.* Первый университет в Средней Азии // ОНУ. 1963, № 4. С.52—55.

[2] *Черданцев Г.Н.* К истории первых лет Ташкентского (народного) университета // «Наука и просвещение». 1922, № 2. С. 97.

[3] Туркистон шарқ институти 1924 йилгача ишлади, сунгра у шарқ факультети сифатида Урта Осиё Давлат университети таркибига кирди.



Ўрта Осиё Давлат университетининг (САГУ) дастлабки биноси. Тошкент, 1920 йил.

лиётчи ходимлар тайёрлаш, Туркистон тарихи ва маданиятини ҳамда унинг аҳолиси тилини ўрганиш деб белгилаб берилган эди.

Институтнинг биринчи курсига 234 киши, шу жумладан, ўлкадаги маҳаллий миллатлар вакиллари ҳам жалб қилинди. Институт ўқув дастурида қадимги Шарқ тарихи, мусулмон Шарқи тарихи, халифалик тарихи, Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихи, уларнинг географияси, исломшунослик, мусулмон санъати ва нумизматикаси, Шарқ фалсафаси тарихи каби фанларни ўқитиш ва, шунингдек, араб, форс, ўзбек, туркман, қиргиз, тожик, татар тиллари билан бир қаторда инглиз, немис, француз тилларини ҳам ўргатиш кўзда тутилган эди.

Институт ташкил қилинган кунданоқ унинг таркибида 5 профессор ва 21 ўқитувчи бор бўлиб, улар Тошкентнинг юқори малакали шарқшуносларидан Абдураҳмон Саъдий, Бадар Каримов, Мирза Иброҳим, Мирза Тагиев, Ван-Изи-Мин, М.Андреев, А.Диваев, А.Семёнов, И.Умняков, А.Шмидт ва бошқалар эди[1]. Улар қадимги Шарқ тарихини, маданиятини ўқитишда ва шарқ тилларини ўргатишда катта хизмат қилдилар.

1920 йилда большевиклар режими Туркистон Халқ университетига муқобил сифатида Туркистон Давлат университети

[1] *Лунин Б.В.* Из истории первого высшего учебного заведения в Сердней Азии // Очерки по истории востоковедения. VI. — М., 1963. С. 302—346.

(кейин Ўрта Осиё, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети)ни ташкил қилди[1].

Университет ташкилий қўмитаси большевик раҳбарларнинг «маслаҳатига» биноан Москва ва Петербург олимлари, педагогларига мурожаат қилиб, уларни Тошкентда ишлашга ўтиш ва бу билан Туркистонда «олий таълимни ташкил қилишдек олижаноб ишда ёрдам кўрсатишга» чақирди. Ана шу даъватга марказдаги бир қатор юқори малакали мутахассислар (43 профессор ва 43 ўқитувчи) «лаббай», деб жавоб бердилар. Уларнинг кўплари оилалари билан бир неча поездда Тошкентга етиб келдилар. Улар орасида А.Б.Благовешченский, А.Л.Бродский, А.М. Введенский, Д.Н.Кашкаров, Е.П.Коровин, М.А.Орлов, М.М.Слоним, А.С.Уклонский, А.Э.Шмидт каби бир қатор таниқли олимлар бор эди. Шунингдек, университетнинг илмий ходимлари ва педагоглари гуруҳига Туркистондаги Н.Д.Димо, Н.А.Кейнер, Л.В.Ошанин, В.И.Романовский, Г.М.Сваричевский, А.А.Семёнов, Г.Н.Черданцев, Р.Р.Шредер ва бошқа профессор ва ўқитувчилар ҳам киритилди. Туркистон Давлат университети ташкил қилинган биринчи кунданоқ унинг профессор ва ўқитувчилар таркиби асосан рус олимларидан иборат бўлганлиги сабабли, рус тилини билмайдиган маҳаллий аҳоли ёшлари учун университетда ўқиш дастлабки кунданоқ муаммо бўлиб қолди. Натижада дастлабки йилларда университетда асосан европаликлар таълим олдилар. Университет фаолиятининг биринчи йили охирига келиб, унда олтита факультет: ижтимоий-иқтисодий, тарих-филология, физика-математика, техника, тиббиёт, қишлоқ хўжалик факультетлари иш олиб борди[2].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вақт ўтиши билан университет фақат энг йирик ўқув юртигина эмас, балки илмий-назарий ва амалий тафаккурнинг, табиий ва амалий фанларнинг жуда хилма-хил соҳалари бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг энг муҳим маркази ҳам бўлиб қолди.

Большевикларнинг таълим соҳасига бу қадар эътибор бериши узоқни кўзлаб қилинган стратегик сиёсат эканлигидан далолат эди. Чунки большевиклар раҳбарияти ҳокимиятни қўлга олибоқ иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш мумкинлигини, бироқ маънавий ва мафкуравий томондан бирданига халқни йўлга солиш мумкин эмаслигини, бунинг учун маълум муддат ва халқни янги мафкура руҳида қайта тарбиялашда муҳим восита бўлган халқ таълими ва олий таълимни ривожлантириш кераклигини ва шулар асосидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини яхши билар эди.

---

[1] *Дворкин Е.А.* Основание университета в Туркестане (1918—1920 гг.) //Труды Ср-Аз. Гос. Университета. Новая серия, Вып. 90., — Т., 1957. С. 12—36.

[2] Ташкентский Государственный университет. — Т., 1970. С. 352.; Очерки истории Ташкентского государственного университета. — Т., 1980. С. 234.

Лекин совет ҳукумати раҳбарлари тушунчасида халқ таълими ва олий таълимнинг хизмати бу билан чекланмас эди. Уларда социализмга хизмат қиладиган: ёшларни янги руҳда тарбиялайдиган миллий педагоглар, социализмни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва мафкуравий мустаҳкамлашда ёрдам берадиган турли соҳалардаги мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган эди.

Фан, матбуот, адабиёт ва санъат

Большевик маъмурлар Туркистонда илмга эътибор у ёқда турсин, уни ташкилий жиҳатдан йўлга қўйишни ҳам ўйлаб кўрмадилар. Фақат айрим фан фидойиларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўлкада «археологлар», «ўлкашунослар» жамиятлари тузилиб фаолият кўрсатаётган эди. Улар ҳам асосан европалик олимлар ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, унинг асосида Россия манфаатлари турарди.

Октябр тўнтаришидан сўнг Совет ҳукумати бу масала юзасидан ўз мақсадлари нуқтаи назардан ёндашган ҳолда сиёсат олиб борди.

1919 йилда Тошкентда бадиий мусиқа этнографик комиссияси ташкил этилди, унинг ходимлари ўзбек халқининг анъанавий мусиқасини ўрганишга доир бой материални ёзиб олдилар ва қисман эълон қилдилар. Халқ оғзаки ижоди (фольклор) намуналарини тўплаш юзасидан ҳам баъзи ишлар олиб борилди.

Самарқандда 1919 йилда ўтмиш ёдгорликларини муҳофаза қилиш доимий комиссияси таъсис этилди, бирмунча кейинроқ эса Тошкентда музей ишлари, ўтмиш ёдгорликларини, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишлай бошлади. Тошкентда давлат халқ кутубхонаси таркибидаги шарқ бўлими ходимлари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тилларидаги китобларни ва қадимий Шарқ қўлёзмаларини тўплаш юзасидан катта ишлар олиб бордилар, бу қўлёзмаларнинг кўплари Ўрта Осиёнинг ғоят бой тарихий ўтмишини ўрганишга доир жуда қимматли маълумотларни ўз ичига олган эди. Ўша 1919 йилнинг ўзидаёқ Тошкентда Архив ишлари Марказий бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви) ташкил этилди.

1918—1920 йилларда маҳаллий олимларнинг ўзбек тилида тарихий мазмундаги илмий ва илмий-оммабоп асарлари ҳам босилиб чиққан эди. Масалан, тарихчи олим Пўлат Солиевнинг «Ҳиндистон Англия зулми остида» (1920 й.) ўлкашунос олим, Мухтор Бакировнинг «Туркистон ўлкаси тарихий ва географик нуқтаи назардан» (1918 й.) каби китоблари нашр этилди.

1919 йилда Тошкентдаги энг яхши бинолардан бирида Туркистон халқ музейи очилди. Унинг экспозициялари ва тўпламларига Туркистоннинг ўтмиши ва янги даврини, ўзбек халқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳаёти ва турмушини, урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи экспонатлар кирган эди. Шунингдек, бу даврда, Самарқанд, Фарғона ва Наманганда ўлкашунослик музейлари ҳам ишлаётган эди. Бироқ бу музейларга қўйилган экспонатларда ўша даврдаёқ ўлка халқлари маданиятсиз, саводсиз қилиб кўрсатилган бўлиб, «озодлик», маърифат ва маданият, гўё «буюк октябрнинг» неъмати сифатида талқин қилиш бошланган эди.

1919—1920 йилларда ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг этнографияси бўйича материаллар тўплаш ва ўрганиш юзасидан ҳам ишлар олиб борилди. Бу борада Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси турмушини ўрганиш илмий комиссияси фаолият кўрсата бошлади. Кейинчалик бу комиссия ўлканинг этнографик харитасини тузишга асос солган эди.

Бироқ, бу ўринда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, 1918—1920 йиллардаёқ большевиклар раҳбариятининг фан ва маданият соҳасида ўтказаётган сиёсатининг синфий моҳияти яққол намоён бўла бошлаган эди. «Дин — халқ учун афюндир» деган принцип асосида қатъият билан динга қарши атеистик тарғибот бошлаб юборилди. Асрлардан буён давом этиб келаётган ислом диний-тарбиявий ўқув юртлари тизимини сиқиб чиқаришга қаратилган йўл амалга оширила бошланди. Натижада Ўрта Осиёнинг ат-Термизий, ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор сингари халқ томонидан эъзозлаб келинган жаҳонга машҳур илоҳиётчи олимлари қораланди ва «ўрта аср жаҳолати» тоифасига киритилди.

Матбуотнинг қудратли мафкуравий қурол эканлигини билган жадидлар феврал инқилобидан кейинги қулай тарихий шароитдан фойдаланиб, янги газета ва журналларни чоп этишга алоҳида эътибор бердилар. 1917 йил март ойининг ўзидаёқ туб ерли халқлар тилларида бирин-кетин ўнларча вақтли нашрлар пайдо бўлди. Масалан, Тошкентда «Кенгаш», «Турон», «Турк эли», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Хуршид», «Садои Туркистон», «Шўрои Ислом», Самарқандда «Ойна», «Ҳуррият», Бухорода «Турон», «Бухорои шариф», Қўқонда «Садои Фарғона», «Тирик сўз», «Эл байроғи», «Равнақул ислом», Наманганда «Фарғона саҳифаси», Фарғонада «Фарғона нидоси» газеталари нашр этила бошлади[1].

Бу газеталарга таниқли арбоблардан Заки Валидий, Мунаввар Қори, Фитрат ва бошқалар муҳаррирлик қилишди. Кўпинча бу нашрлар ўзларини адабий-сиёсий, ижтимоий-сиёсий

[1] Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Маърузалар тўплами. — Т., 1992. 158-бет.

нашрлар деб аташарди. Улар саҳифаларида биринчи навбатда ўлка туб ерли аҳолисининг манфаатларини ифодалайдиган сиёсий масалалар акс эттирилди.

Лекин миллий матбуотнинг гуллаб-яшнаши давом этмади. Октябр тўнтаришидан кейинроқ уни қисқартириш бошланди ва 1918 йил мобайнида газета ва журналларнинг хилма-хил йўналишлари большевиклар матбуотининг ғоявий бир хиллиги билан алмашди.

1918—1920 йиллар давомида маҳаллий аҳоли тилларида ва рус тилида большевикча руҳдаги бир неча ўнлаб янги газета ва журналлар нашр этилди. Фақат 1918 йилнинг ўзида ўзбек тилида 11 та газета чиқа бошлади. Булар «Иштирокиюн», «Халқ дорилфунуни», Наманганда «Ишчилар қалқони», Самарқандда «Меҳнаткашлар товуши», Қўқонда «Халқ газетаси» ва бошқалар эди. Кейинроқ уларга «Учқун», «Қизил юлдуз», «Қизил байроқ» каби умумреспублика газеталари, шунингдек, Тошкентда нашр этиладиган «Қутулиш», «Бухоро ахбори», Фарғонада чиқадиган «Янги Шарқ», Наманганда нашр этиладиган «Эркинлик», Урганчда нашр этиладиган «Инқилоб қуёши» ва бошқа газеталар қўшилди.

Бу газеталарга большевиклардан Ориф Клевлеев, Усмон Эшонхўжаев, Ҳоди Файзи, Тоҳир Фатҳуллин, Галим Юничев, Ҳожи Муин Шукруллаев муҳаррирлик қилдилар.

Шунингдек, рус тилида «Наша газета», «Известия», «Красный фронт», «Туркестанский коммунист» газеталари чиқиб турди. Маҳаллий газеталар ичида «Щит народа», «Пролетарская мысль», «Кокандская правда», «Голос Самарканда» каби органлар ҳам бор эди.

Вақтли матбуот большевиклар синфий курашининг муҳим қуроли сифатида хизмат қилди. 1918 йилда большевиклар газеталари сўл эсерларга қарши кураш олиб бордилар, сўл эсерлар эса ўз нуқтаи назарларини «Новый Туркестан» саҳифаларида ҳимоя қилишарди, шунингдек, «буржуа миллатчилари»га ва бошқа «оғмачилар»га қарши кураш ҳам матбуот орқали олиб борилди.

Коммунистик тарғибот, айниқса, зиёлилар томонидан қарши зарбага учради, бу тарғиботга, айниқса, мусулмон руҳонийлари фаол қаршилик кўрсатдилар.

Инқилобий 1917 йилдаги Туркистоннинг адабий ҳаёти ўзида бундан аввалги давр адабиётининг ривожланишидаги асосий тамойилларни акс эттирар эди. Бу давр адабиётини жадидларсиз тасаввур қилиш қийин эди. Агар жадидлар 10-йиллар ўрталарида асосан мактаб ва маориф соҳасида фаолият кўрсатган бўлсалар, 1917 йил воқеалари арафасида улар ўз олдиларига сиёсий-ижтимоий вазифаларни ҳам қўя бошлаган эди. Шунинг учун ҳам Россияда Феврал инқилоби рўй бериши биланоқ жадидчилик сиёсий ҳаракат сифатида майдонга

чиқди. Бу ҳаракатнинг пешқадам намояндалари айни пайтда ижод аҳли бўлганлиги сабабли жадид адабиёти ўз тарихининг шиддатли даврига кириб борган эди. Ана шу шиддатли йилларда жадид адабиётининг таниқли намояндалари Сиддиқий-Ажзий, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва бошқалар ижод қилдилар. Улар ижодида халқни бирлаштиришга қаратилган ғоя устиворлик қилди.

1917 йилда «Нажот» газетасининг 1-сонида босилган «Хитобнома» бу жиҳатдан ибратлидир. «Бизнинг шиоримиз, — деб ёзилган эди унда, — мусулмонлар, бирикингиз. Биз, мусулмонлар, аксарият ила «демократ», яъни авом аталган халқдан иборатдир. Катта бойлар бизнинг орада бутун йўқ. Синфларнинг фарқлари мусулмонлар орасида жуда заиф, бизнинг камолотимиз шундадир. Камчилигимиз ҳам шунда, синфларнинг фарқлари сиёсий ҳаётни жуда кучайтирадир, унинг фазилати шундадир. Лекин ул миллатни буладир — унинг камчилиги шундадир, биз фазилатни орттирайлик, камчилигимизни тугаллатайлик».

Феврал инқилобидан кейин фаоллашган Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Шокиржон Раҳимий, Абдулла Авлоний сингари публицистлар ана шу фикрни халқ ўртасида кенг тарқатишга, уни айрим иқтисодий, ижтимоий ва маданий фарқларига қарамай бирлашишга чақирдилар. Фитрат феврал инқилоби билан октябр воқеалари ўртасида кечган даврда «Ҳуррият» газетасида «Юрт қайғуси» деб аталган шеър ва сочмалар туркумини эълон қилиб, пароканда ҳолда яшаётган ватандошларида бирлашиш ва истиқлол йўлида курашиш туйғусини уйғотмоқчи бўлди.

«Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдур? Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари!.. Қуллик чуқурларига недан тушдинг?»

Агар Фитрат дастлабки сочмасида шеър имкониятларидан фойдаланиб, бевосита халққа мурожаат этиш, унинг кўзларини очишга интилган бўлса, бошқа сочмасида Туркистон юртини ғариб бир она сифатида тасвирлаган. У ана шу онага мурожаат қилиб бундай ёзади:

«Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй ғамли она, нечун мундан айрилмайсан? Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечун ахтарасан, нечун кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра қолган ёғдусиз кўзларинг у ёш ёмғурларини нечун тўкадур? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладур, нима тилайсан?..» Лирик қаҳрамон бу аёл қиёфасида ўз ватанини кўргач, Фитрат бундай оловли сўзларни айтади: «Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.

Туроним, сендан айрилмоқ менинг учун ўлумим. Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигумдир...»

Фитрат ана шу тарзда шиддатли давр адабиёти пойдеворига дастлабки ғиштни қўйди. Бу адабиётнинг мақсад-вазифаси мудроқ халқни нафақат уйғотиш, бирлаштириш, балки миллий мустақиллик учун кураш жабҳаларига ҳам олиб чиқиш эди. Минг йиллик тарихга эга бўлган адабиётимиз тараққиётининг бошқа бирор даврида бундай улуғ мақсад бўлмаган. Халқ адабиёт намуналарини ўқиб, курашга чиқмаган. Шунинг учун ҳам янги давр адабиёти янги тасвир воситаларини топиши, халқ онгига таъсир ўтказишнинг янги йўлларини ахтариши лозим эди. Фитрат бошлиқ бу давр адабиёти вакиллари шундай восита ва йўлларни публицистик ва ҳажвий шеъриятда, халқ оғзаки ижодида, драматургиянинг жанговар жанрларида топдилар. Чўлпон, Тавалло, Камий, Л.Олимий, М.Сиддиқий сингари шоирлар халқнинг басират кўзларини очишга алоҳида эътибор қаратдилар. Тавалло «Нажот» газетасида эълон қилинган шеърларининг бирида бундай деб ёзди:

Биз қачон, аҳли ватанлар, иттифоқ айлашамиз,
Тарк этиб бизлар хусумот, яхшилик ўйлашамиз,
Болта чопиб ўз оёғимизга юрсак, дўстлар,
Бир кун ўлгай, бир-биримиз этимиз чайнашамиз,
Иттифоқ тарғиб айла бу ватан авлодина,
Бўлмаса бир кун, Тавалло, суд йўқ, йиғлашамиз.

Адабиёт шу тарзда халқ тақдири учун куюниб, унинг большевиклар босқини арафасида бирлашиш ва ўз мустақиллиги учун курашиши зарурлигини сезди ва шу йўлда фаолият кўрсатди.

Бу давр адабиётининг ўзига хос томони шундаки, пешқадам ёзувчилар ижодий фаолиятлари билангина эмас, балки айни пайтда сиёсий ҳаракатлари билан ҳам халқнинг тарихий тақдирини ўзгартиришга уриндилар. 1917 йил 26—28 ноябр кунларида Қўқонда Туркистон Мухторият ҳукуматининг эълон қилинишида ўзбек ёзувчиларининг иштироки айниқса самарали бўлди. Улар Мухторият ҳукуматининг ташкилотчиларидан бири бўлибгина қолмай, унинг Фарғона водийси халқлари орасида эътибор қозонишига муносиб ҳисса қўшдилар. Чўлпон «Озод турк байрами», Ҳамза «Туркистон Мухториятина», Ҳ.Алиев «Туркистонга», «Мухторият шодлиги» деган шеърлари, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат эса публицистик мақолалари билан халқда мухториятга нисбатан хайрихоҳлик ва мустақил келажакка умид туйғуларини уйғотдилар. Чўлпоннинг «Озод турк байрами» шеъри Туркистон Мухторияти ҳукуматининг норасмий мадҳияси сифатида қуйланди.

Эрк ва истиқлол куйчиси

Чўлпон (1897, Андижон — 1938, Тошкент) — жадид адабиётининг йирик намояндаси, истиқлол куйчиси, янги ўзбек шеъриятининг асосчиси.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли (тахаллуси Чўлпон) 1897 йил Андижон шаҳридаги Қатортерак маҳалласида савдогар оиласида туғилди. Унинг отаси замонаси пешқадам зиёлиларидан бўлиб, «Расво» тахаллуси билан ғазаллар ёзган. Чўлпон эски мактаб ва мадрасада сабоқ олган, рустузем мактабида ўқиган. Чўлпон 16 ёшидан бошлаб ижод қила бошлади. Унинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» каби жадид газеталарида ҳамда Оренбургда чиқаётган «Шўро» журналида босила бошлади. Чўлпоннинг номи тез орада Туркистон минтақасидан ташқарида ҳам машҳур бўлиб, у жадид адабиётининг йирик вакилларидан бирига айланди.

«Ўзбек ёш шоирлари» (Тошкент, 1922) тўпламида Чўлпоннинг 14 та шеъри босилган. Унинг «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) каби 4 та шеърий тўпламлари нашр қилинган. Унинг «Ёркиной» (1926) ва «Гуноҳ» (1923) драматик асарлари, «Кеча ва кундуз» (1936) романи машҳурдир.

Чўлпон ўз ижодида истеъдод ва жаҳолат миллатнинг тараққиёт ва ҳурлигини бўғувчи иллатлар эканини бадиий акс эттирди. Чўлпон Туркистон Мухторияти ҳукуматини олқишлаб, оташин сатрлар ёзди. У ўз ижодида чоризм ва совет истибдодининг бутун даҳшатларини, босқинчи қизил армиянинг талончиликларини кўрсатиб беришдан чўчимади. Чўлпоннинг «Озод турк байрами» (1917), «Бузилган ўлкага» (1920), «Гўзал Туркистон» (1922), «Қурбон» (1923) шеърлари ва «Вайроналар орасидан», «Чимкент хатлари», «Йўл эсдалиги» (1921—1922) каби публицистик мақолаларида Туркистон истиқлоли курашчиларининг ёрқин образи чизилади, мустабид совет режимининг кирдикорлари фош қилинади. Хусусан, унинг Анвар Пошо ўлимига бағишлаб ёзган «Балжувон» (1922) марсияси тилларда достон бўлди. Чўлпон ижодининг асосий мезонини Туркистон истиқлоли учун кураш ва миллий ғоя ташкил қилган эди.

Чўлпон совет режими томонидан 1937 й. қамоққа олинади ва 1938 й. 4 октябрда Тошкентдаги Бўзсув бўйида Фитрат ва Қодирий билан биргаликда отиб ташланади.

Туркистон Мухториятининг тор-мор этилиши ва большевикларнинг мамлакат «жилови»ни бутунлай ўз қўлларига олишлари билан умуман жадидчилик ҳаракатида бўлганидек, жадид адабиётида, жадид ёзувчилари орасида ҳам ажралиш юз берди. Октябр воқеалари арафасида рус ишчилари ва большевиклари билан яқинлашган Ҳамза совет сиёсий тузумини қабул қилиб, унинг мустаҳкамланиши йўлида хизмат қила бошлади. Бошқа айрим ёзувчилар ҳам собиқ жадид маслакдошлари сафини тарк этишди. Ана шундай парокандалик шароитида Фитрат 1919 йилда «Чиғатой гурунги» ташкилотини тузиб, ўз атрофига миллий бирлик ва мустақиллик ғоясига содиқ бўлган зиёлиларни тўплади.

Маълумки, Мовароуннаҳрга туташ ўлкаларда яшаган халқлар бу ерларни «Чиғатой улуси» деб атаб келганлар. Бу ерларда яшаган халқлар тили ана шу атама билан узвий боғлиқ ҳолда «чиғатой тили», мўғуллар истилосидан кейинги адабиёт эса «чиғатой адабиёти» деб юритилган.

Октябр тўнтаришидан кейин Туркистонда сунъий равишда йўқсил пролетар адабиёти яратилаётгани ва бу адабиётнинг мақсади халқнинг миллий манфаатларидан тамомила узоқ эканлигини кўрган Фитрат ва унинг маслакдошлари ана шу «чиғатой адабиёти» анъаналарини ва «чиғатой тили»нинг софлигини сақлаб қолиш мақсадида мазкур ташкилотга асос солдилар. «Миллий-маданий мухторият» сўзларини ўзига шиор қилиб олган «Чигатой гурунги» бундан бир йил муқаддам большевиклар томонидан тугатилган «Туркистон Мухторияти» ғоясини адабий-маданий жабҳада давом эттирди. «Гурунг» ўзбек тилининг софлиги учун курашиш билан бирга халқ қўшиқларини ва умуман маданий меросни тўплаш, ёш адабий авлодни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, ўзбек миллий маданиятини барпо этиш, аниқроғи, тирилтиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Шунингдек, улар ҳукумат идоралари олдига ўзбекларни ўзбеклар деб аташ масаласини қўйди. Ўз моҳиятига кўра совет давлати сиёсатига зид маданий тадбирларни амалга оширган «гурунг»нинг узоқ яшаши мумкин эмас эди. Буни сезган «гурунгчи»лар расман тарқалишлари олдидан 1921 йил январида ўзбек тили ва унинг имлосини ўрганишга бағишланган биринчи ўзбек ўлка қурултойини ўтқаздилар.

Шу тариқа, шиддатли давр ўзбек адабиёти намояндаларини икки қутбга ажрата бошлаган эди. Агар Фитрат ва Чўлпон бошлиқ биринчи гуруҳ большевиклар мавқеининг мустаҳкамлана бораётганига қарамай, совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатига қарши, миллий мустақилликка эришиш йўлида ижод этишда давом этган бўлсалар, бошқа гуруҳ вакиллари вазият большевиклар фойдасига ўта бошлаганини кўриб, улар томон оғдилар. Бу гуруҳнинг бошида Ҳамза, Садриддин Айний турди ва кўп ўтмай улар сафига Абдулла Авлоний қўшилди.

Шундай қилиб, бу даврда XX асрнинг бошларида майдонга келган жадид адабиёти ўз тарихининг сўнгги босқичига кирди ва шу босқичда халқни большевикларнинг мустамлакачилик сиёсатидан, тобора ошиб бораётган зулмдан огоҳ қилиб, уни миллий мустақиллик учун ҳал қилувчи курашга даъват этди.

Ўтмишда ўзбек халқининг театр санъати халқ ҳаваскорлик театридан иборат бўлган. Бу биринчи навбатда импровизация санъатида юқори маҳоратга эришган масхарабозлар ва қизиқчилар театри эди. Буларда томошалар якка шахслар ёки озроқ миқдордаги персонажлар қатнашадиган томошалар бўларди. Шуниси диққатга сазоворки, эркаклар труппалари билан бир

қаторда хотин-қизлар труппалари («гуплари») ҳам мавжуд эди, уларда «масхарабоз хотин» ва «қизиқчи хотин» чиқишарди. Инқилобдан олдинги даврда хотин-қизлар оғзаки драмасининг марказий мавзуи аёллар тақдири, уларнинг ҳуқуқсиз аҳволи, айни вақтда ҳаётни севиш, озодлик ва тенг ҳуқуқликка интилишдан иборат бўларди. «Замбур», «Домла эшон», «Лой совун» комедияларидаги ҳажв, аввало, маъмурият ва диндорлар вакилларига қарши қаратилган эди[1].

Эркаклар театри каби хотин-қизлар театрининг томошалари ҳам кўпинча халқ байрамлари (масалан, Наврўз) ва урф-одатлари — тўйлар ва бошқа маросимлар билан боғлиқ бўларди. Бироқ улар фақат хотин-қизлар йиғилишларида — оилавий тантаналар, байрамлар муносабати билан, хотин-қизларнинг қишки кечаларида ўтказиларди. Хотин-қизлар халқ театри уларни ғоявий ва эстетик руҳда тарбиялашда сезиларли роль ўйнади.

Инқилобдан олдинги халқ театри ҳаётни асосан меҳнаткашлар нуқтаи назаридан туриб акс эттирар ва ҳажв қилиш — фош этиш йўналишида эди[2].

Халқ орасида театрнинг қўғирчоқ театр ва сояли театр каби турлари ҳам кенг тарқалган эди. Ана шу сайёр труппаларнинг артистлари — мусиқачилар (сурнайчилар) ва қўғирчоқ ўйнатувчи актёрлар (қўғирчоқбозлар) «меҳтарлик» деган ҳунармандчилик уюшмасига киришарди. Жам бўлиб чиқишлардан кейин актёрлар ишлаб топган пулларини баравар бўлиб олишарди. 1917 йил воқеалари арафасида Тошкентнинг ҳар 4 қисмидан бирида 13 нафардан актёрлар бор бўлиб, уларнинг умумий сони 60 нафардан ошмас эди[3].

Бироқ халқ актёрлари ва мусиқачилари аҳоли кўз ўнгида катта ҳурматга эга эмасдилар ва ижтимоий погонанинг қуйи табақа қисмида туришарди. Тошкентлик сурнайчилардан бирининг эслашича, 1917 йил февралдан сўнг Эски шаҳарда ташкил этилган «Шариат талқинларига асосланган масалаларни тартибга солиш диний бошқармаси» («Маҳкамаи Шаръия») меҳтарлар уюшмасининг аъзолари бўлган артистларни «шариатга зид бўлган номуносиб ҳунарлар билан шуғулланувчилар» деб атади. Қабул қилинган қарор амалга оширилмай қолди, чунки катта меҳтарлардан бири бошқармага «рисола» тақдим этиб, уюшманинг қонуний равишда мавжудлигини исботлаб берди[4].

Абдулла Авлоний томонидан ташкил этилган ва Тошкентда 1917 йилда иш бошлаган «Турон» труппасининг фаолиятини

---

[1] *Кадыров М.Х.* Женский народный театр Узбекистана. — М., 1964. С. 3.
[2] Ўша жойда, 2-бет.
[3] *Гаврилов М.* Кукольный театр Узбекистана. — Т., 1928. С. 9.
[4] Ўша жойда, 10-бет.

профессионал ўзбек театри тарихининг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин.

1917 йил октябри театр ишига кескин ўзгаришлар олиб кирди. Ишлаб турган халқ театрининг репертуари ўзгарди. Чунончи, хотин-қизлар театрининг пьесалари эндиликда асосан ўтмиш сарқитларига қарши қаратилди. Қўғирчоқ театрига, ҳажв қилиш, янги ва эски турмуш масалаларига, динга қарши тарғиботга, қишлоқ хўжалик билимларини оммалаштиришга, намунали суд ишлари жараёнларини кўрсатишга бағишланган пьесаларни қўйиш таклиф этилди[1]. Лекин қўғирчоқ театрининг ўзи оғир уруш шароитида ва «ҳарбий коммунизм» даврида совет давлатининг молиявий ёрдамисиз яшай олмас эди. Тошкентда актёрларнинг сони бир неча баравар ортиб кетган бўлиб, уларнинг иқтисодий аҳволи анча ёмонлашган эди.

Янги ҳокимият профессионал ўзбек ва рус совет театрини ташкил этишга жиддий эътибор берди. Эндиликда театр коммунистик тарғиботнинг қуролига айланиши тушунарли эди. 1918—1920 йилларда ҳаваскор театр тўгараклари, ярим профессионал театр труппалари ташкил этилди, Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида махсус санъат бўлими ташкил этиш (1918 йил), «Театр ишлари бўйича бирлашма» ташкил қилиш ҳақида (1919 йил) қарорлар қабул қилинди.

Бу соҳада жуда катта қийинчиликларни енгишга тўғри келди, бу қийинчиликлар фақат ташкилий қийинчиликлар эмасди. Миллий зиёлиларнинг вакиллари инқилобий пьесаларни қўйишга қарши чиқдилар, мусулмон руҳонийлари театр билан дин бир-бирига сиғишмайди, деб қаттиқ туриб олдилар. Иккинчи томондан, буюк давлатчилик шовинизми профессионал ўзбек театрининг ривожланиш йўлида кучли тўсиқ бўлиб турарди. Шовинистлар ўзбек театрининг мустақил ривожланиш йўлини инкор этиб, халқ санъати анъаналаридан фойдаланишга қарши кураш олиб бордилар, миллий театрга давлат томонидан маблағ ажратилишини чеклашга интилдилар.

Фаргонада Ҳамза томонидан 1918 йил сентябр ойида ташкил этилган «Мусулмон труппаси» Туркфронт Сиёсий бошқармаси ихтиёрига ўтказилди ва «Ўлка мусулмон сиёсий драма труппаси» деб қайта номланди. Машҳур артистлардан Қори Ёқубов, Ҳожи Сиддиқ Исломов ва бошқалар ўз ижодий фаолиятларини ана шу труппада бошлаган эдилар. Репертуар асосини Ҳамза драмалари: «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожиаси», «Лошмон фожиаси», «Ким тўғри?», «Туҳматчилар жазоси» асарлари ташкил этди.

Актёр ва режиссёр Маннон Уйғур (Мажидов) «Турон» труппаси асосида К.Маркс номли драматик труппа ташкил этди. Труппа таркибига ёш актёрлардан А.Ҳидоятов, О.Жалилов,

[1] Ўша жойда, 21-бет.

С.Олимов, Т.Иброҳимов, Ф.Умаровлар киришди. Труппа саҳнага қўйган дастлабки пьеса Уйғурнинг «Туркистонлик табиб» асари бўлди, Ҳамза пьесаларига ҳамоҳанг «Фан қасри», «12 соатли ҳокимият» каби пьесалар ҳам қўйилди.

Истиқлолчилар уруши даврида ўзбек пьесаларидаги асосий мавзу ўтмиш сарқитларига қарши кураш, эски оила турмуши анъаналарини ва диний ақидаларни янги ғоявий-сиёсий вазифалар билан боглаган ҳолда танқид қилишдан иборат бўлди. Ҳамза ва Уйғур труппалари Туркфронт Сиёсий бошқармасининг ташвиқот поезди таркибига кирган бўлиб, бу поезд бир неча марта истиқлолчилик уруши фронтларига борган эди. Труппалар 1920 йилнинг охирида Тошкентда ташкил этилган Давлат намунали драматик труппасининг ўзагини ташкил қилди[1]. Қўқон, Андижон, Марғилон ва бошқа шаҳарларда совет андозасидаги миллий театрлар вужудга келди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида саҳна асарларини жанрлар бўйича аниқ чегаралаш бўлмаган, масалан, Ҳамзанинг «Бурунги сайловлар» номли пьесасини мумтоз асар сифатида ҳам ўйнашган, қизиқчилар халқ театрида ҳам қўйишган[2].

Амалий санъат халққа деярли энг яқин санъат турларидан бўлиб, халқнинг кундалик турмушига сингиб кетганди. Гиламдўзлик, кулолчилик, дурадгорлик, тикувчилик, зардўзлик, мисгарлик, заргарлик, пичоқчилик, манзарали ва маиший каштачилик, тамакидон тайёрлаш, кўнчилик, этикдўзлик каби ҳунармандлик буюмлари халқ усталарининг фахри бўлган[3]. Ҳунармандчиликнинг жуда кенг тарқалган тармоғи ип газламалари ва шойи матолар тўқиш эди. Ўрта Осиё шойи газламалари (яъни ипак кановиз, шойи, хонатлас ва ярим шойи газламалар — беқасам, банорас, адрас), жилвагар абрли қимматбаҳо шоҳилар кўп миқдорда хорижга чиқарилар, ўзбек газламаларининг шуҳратини оширарди.

Бироқ 1917 йилги воқеалар арафасида амалий санъатда салбий тамойиллар ҳам пайдо бўлдики, улар XIX асрнинг охирларидан бошлабоқ ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Натижада амалий санъат эски қонунлар билан чекланиб, унинг ривожланиши бир текисда бормаётган эди[4]. Бир қатор ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг тушкунлигига Россиядан кўплаб фабрика маҳсулотларининг олиб келиниши сабаб бўлди. Ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари, яъни абрли газламалар ишлаб чиқариш, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик ва бошқалар сақланиб қолди. Лекин Россиядан асосан фабрикада

---

[1] Советский театр. Док. и материалы. Театр народов СССР. 1917—1921. — Л., 1972. С. 118.

[2] Искусство Советского Узбекистана. 1917—1922. — М., 1976. С. 116.

[3] *Абдуллаев Т.А.* Ремесла Узбекистана XIX—XX вв. — Т., 1976, С. 7—17.

[4] *Фахретдинова Д.А.* Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. — Т., 1972. С. 8, 45.

тўқилган мануфактуралар келтирилганлиги сабабли ҳунарманд тўқувчиларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашди. «Туркестанские ведомости» газетаси «Ҳунарманд истеъмол қиладиган овқатнинг миқдори аскар паёгидан 2,5 марта кам эди»[1], деб ёзган эди.

Мустамлакачи маъмурлар ҳунармандчилик турларини сақлаб қолиш юзасидан айрим чора-тадбирларни кўрдилар. Жумладан, 1914—1917 йилларда Тошкентда керамика мактабини ташкил этишга ҳаракат қилдилар. 1915 йилда ташкил этилган Туркистон ҳунармандлар қўмитаси ҳам касб-корларнинг аҳволига таъсир кўрсата олмади, бу қўмита айрим ҳунарларни батафсил ва режали равишда ўрганишни бошлаган эди[2].

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки қадамларидан бошлабоқ манзарали-амалий санъатнинг социализм қурилишидаги асосий вазифаларини унинг халқни ғоявий-эстетик руҳда тарбиялашдаги фаол иштирокини белгилаб берди.

1918 йилда ТАССР ХКК ҳузурида Ҳунармандчилик бўлими таъсис этилди. Бўлимга «пролетар оммасида ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришда ижодий туйғуни ва унга бўлган меҳр-муҳаббатни ривожлантириш ва оммалаштириш» вазифаси юкланган эди[3]. 1918 йилда ташкил қилинган Самарқанд бадиий мактаби қошида керамика бўлими ҳам очилди, унда халқ устаси уста Ғулом ёшларга кулолчилик ишларини ўргата бошлади[4].

1919 йилнинг баҳоридан эътиборан Туркистонда бадиий ҳунармандчилик соҳасида артеллар ташкил этиш бошланди. 1920 йилнинг ёзида ўлкага пилла тортиш, пилла йигириш ва шойи тўқиш фабрикаси асбоб-ускуналари келтирилди, улар асосан Фарғона ва Марғилонда жойлаштирилди[5]. Совет ҳокимияти бадиий санъатни ривожлантириш асосида халқ санъати ютуқларини ёйишга, санъаткорларнинг ноёб ва ўзига хос маҳоратларини ягона қолипга солишга умид боғлаган эди.

Лекин бадиий санъатнинг асоси бўлган халқ ҳунармандчилик корхоналарининг аҳволи оғир эди. Инқилоб арафасидаги иқтисодий танглик даврида ва истиқлолчилар уруши йилларида зардўзлик, чармдўзлик, папье-машега нақшлар ишлаш каби ҳунарлар йўқ бўлиб кетди. Фақат ҳаётий жиҳатдан муҳим бўлган ип-газлама тўқиш ва кулолчилик ҳунарлари сақланиб қолди, лекин бу ҳунармандчилик маҳсулотларининг бадиий сифати анча пасайиб кетган эди. Каштачилик, шойи

---

[1] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX—XX вв. — Т., 1986. С. 48.

[2] *Чепелов В.* Искусство Советского Узбекистана. — Л., 1935. С. 27—28.

[3] *Фахретдинова Д.А.* Ўша асар. 8-бет.

[4] Ўша жойда.

[5] Ўша жойда.

тўқиш, гиламдўзлик, наққошлик, заргарлик, мисгарлик маълум даражада давом этиб келди. 1919 йилдан бошлаб эса анъанавий ўзбек газламаларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш секин-аста қайта тиклана бошлади. Бунга сабаб Россиядаги фуқаролар, Туркистондаги истиқлолчилик урушлари натижасида Россиядан мануфактуралар ва бошқа фабрика маҳсулотларини олиб келиш тўхтаб қолганлигида эди.

Шундай қилиб, шиддатли 1917 йил февралидан бошлаб миллий маданият турли кўринишларда юксала бошлаган давр бўлди. Бироқ октябр тўнтаришидан эътиборан бу жараён мутлақо янги сифат касб этди. Миллий санъат оқимини большевизм андозасига солишга ҳаракат қилинди («оқим»га тушишни истамайдиган санъакорларни маълум даражада мажбур қилинди). Оқибатда уларнинг бир қисми бошқа, пролетар, социалистик оқимга «буриб» юборилди. Маданий, маънавий бузилиш, «янги коммунистик маънавий қадриятларни» кўзлаб ишлаш даври бошланди.

Бу ҳол, биринчидан, санъатга сиёсий тус беришда, мафкуралаштиришда ўз ифодасини топди. Санъатнинг бутун қудрати, санъаткорларнинг истеъдоди социализм ғалабаси ва унинг келажаги учун хизмат қилиши лозим эди. Бадиий асарлар — шеърлар, қўшиқлар, пьесалар, ҳатто ҳунармандчилик буюмлари ташвиқотчилик сифатига эга бўлди, бу нарса инқилобнинг ва истиқлолчилик урушининг боришида кенг халқ оммасига таъсир кўрсатиш учун айниқса зарур эди. Иккинчидан, санъатдаги миллий анъаналар ўртасида узилиш рўй берди, изчилликка путур етказилди. Дастлабки вақтларда ўзбек совет санъатининг ривожланиши қандайдир даражада илгари рус санъаткорлари бошлаган йўлдан борди. Зўраки «халқчиллик» социалистик реализмнинг принципларидан бири бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси «совет маданияти» ҳақидаги таърифга жамланди, бу таъриф «шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган метафора маъносини касб этди.

Иккинчи боб

Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги беқарорлик (1921—1924 йиллар)

1. ТУРКИСТОНДА 20-ЙИЛЛАР БОШЛАРИДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1921—1924 йиллар ўзбек халқи тарихида ўзига хос бир босқич бўлди. Бу давр большевикларнинг октябр тўнтариши, истиқлолчиларга қарши кураш ва «ҳарбий коммунизм» сиёсати оқибатида вайронага айланган халқ хўжалигини тиклаш ва турли ижтимоий кучлар, ижтимоий ҳаракатлар сиёсий курашларининг кучайганлиги, большевиклар раҳбариятининг «социалистик қурилиш» стратегиясини ислоҳ қилиш борасидаги дастлабки уринишлари ва Туркистон билан Марказ ўртасида империяча муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши билан ажралиб турди.

Туркистонда «советлаштириш» йўлининг кучайиши

Мустабид совет ҳукумати дастлабки кунданоқ мамлакатда «коммунизмга сакраш» сиёсатини ўтказишга киришди. Бу ҳол ўзига хос хусусиятга эга бўлган Туркистон ҳаётининг барча жабҳаларини остин-устин қилиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда ҳар томонлама бузилишларни келтириб чиқарди. Шу билан бирга, бу ўзгаришларнинг умумий йўналиши аниқ ифодаланган салбий хусусиятга эга бўлди. Миллий тафаккур тарзига ёт бўлган социалистик давлатчилик андозасининг зўрлик билан сингдирилиши, янги типдаги тоталитар (мустабид) — мустамлакачилик режими таянч тузилмаларининг мажбуран юзага келтириши танглик ҳолатларини янада кучайтирди, Туркистон халқини ҳақиқатда ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Чунончи, мустабид тузум фуқароларни бир-бирига қарама-қарши қўйиши, унинг ўтказган оммавий қатағонлари ва қувғинлари оқибатида ўлкадаги туб аҳолининг қўшни мамлакатларга кўплаб кетиб қолиш ҳоллари рўй берди. Шунингдек, мустақиллик учун юз минглаб курашчилар большевизмга қарши кураш фронтларида, бир миллиондан ортиқ туркистонликлар очлик ва эпидемиялардан ҳалок бўлдилар[1].

Натижада бу даврга келиб аҳоли сони кескин равишда қисқариб кетди.

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1197-йиғма жилд, 20-варақ.

Агар 1915 йилда Туркистонда 7 млн. 149 минг киши истиқомат қилган бўлса, 1922 йилга келиб, уларнинг сони бор-йўғи 4 млн. 835 минг кишига тушиб қолди[1]. Ўлка иқтисодиёти ниҳоятда оғир аҳволда эди. Унинг деярли барча тармоқлари амалда инқирозга учради, ишлаб чиқарувчи кучлар барбод бўлди, табиий ресурслари жиҳатидан ғоятда бой ўлканинг аҳолиси ўта қашшоқлик, очлик, мулксизлик ҳолатига ва, ниҳоят, унинг вайрон бўлган хўжалиги эса натура шаклига тушиб қолган эди.

Иқтисодий танглик сиёсий танглик билан бирга қўшилиб кетди. 20-йилларнинг бошидаги Туркистон Республикасининг сиёсий ҳаёти беқарорлиги, миллий истиқлолчилик ҳаракатининг янада кучайиши билан ажралиб турарди. Қизил аскарлар найзаси ёрдамида зўрлик билан ўрнатилган совет тузуми ўлканинг асосий аҳолиси томонидан ўз манфаатларига зид ҳокимият сифатида қабул қилинди. Большевиклар томонидан тузилган советлар ва уларнинг ижроқўмлари аҳоли орасида обрў-эътиборга эга эмасди. Маҳаллий аҳоли ўзига қулай бўлган барча воситалар билан жойларда совет давлати тузилмалари ўрнатилишига қаршилик кўрсатди, уларни сайлашда имкони борича қатнашмади. Натижада «совет қурилиши» асосан европаликлар яшайдиган шаҳарларда, ишчи посёлкаларида, темир йўл станцияларида ўрнатилди, лекин маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган асосий жойларга ҳали ёйилмаган эди[2].

Туркистондаги бу вазият Россиянинг сиёсий раҳбариятини ниҳоятда ташвишга солиб қўйди. Чунки унинг умумий сиёсати аввало ўлкада ўз таъсирини кучайтиришга ва шу асосда иқтисодиёт, маданият, сиёсий соҳани бошқаришни социализм моҳиятидан келиб чиққан ҳолда марказлаштиришга қаратилган эди. Марказнинг Туркистондаги «ишончли» ҳокимият тузилмалари даставвал Туркқомиссия ва 1920 йилнинг ёзида ташкил топган РКП(б) МҚнинг Туркбюроси эди. Улар Кремлдаги раҳбариятнинг сиёсати, роли ва манфаатлари ифодачиси бўлиб, ҳақиқатда ТАССРдаги барча ҳукумат тузилмалари устидан назорат қилиб турарди. Улар билан бир қаторда ТАССРда Олий Халқ Хўжалик Кенгаши (ОХХК), Бутуниттифоқ Фавқулодда Комиссияси (БФК)нинг, Иттифоқ халқ комиссарликларининг вакиллари ҳам бор бўлиб, Ўрта Осиё минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини Марказ манфаатлари йўлига йўналтириб туришлари лозим эди.

Москва мунтазам равишда Марказ таъсирини мустаҳкамлашга интилиб, ўлкадаги маҳаллий кадрлар устидан марказий назоратни амалга ошириш учун масъул ходимларни юбориб туришни анча кучайтирди. 1920—1923 йилларда Туркистонга

---

[1] ЎзР МДА, 9-фонд, 3-рўйхат, 64-йиғма жилд, 60—61-варақлар.
[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 3-рўйхат, 39-йиғма жилд, 34-варақ.

унинг 1396 эмиссари юборилган эди[1]. Бироқ, марказий ҳокимият «назоратчилардан» кўра кўпроқ ҳарбий кучга ишонарди. Шу сабабдан 20-йилларнинг бошидаёқ қизил армиянинг Туркистондаги, Бухоро ва Хоразмдаги қисмлари сони 200 мингдан ортиқ эди[2].

Ўрта Осиё давлатлари суверенитетини ва улар халқларининг миллий қадр-қимматини камситиш бу халқлар норозилигига сабаб бўлди. Бироқ, Москва раҳбарияти қаттиқ марказлаштириш сиёсатини изчиллик билан давом эттирди. Масалан, 1922 йилнинг май ойида РКП(б) МҚнинг Туркбюроси Ўрта Осиё бюросига айлантирилди, унинг назорат доирасига энди бутун минтақа кирарди. 1923 йилнинг мартида Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши — СредазЭКОСО ташкил этилди, у Москванинг кўрсатмаларига мувофиқ Ўрта Осиё «мустақил» давлатларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириб, РСФСРнинг умумий иқтисодий измига солиши ва социализм қурилиши жараёнини Марказ манфаатлари асосида йўналтириб туриши лозим эди.

20-йилларнинг бошларида большевиклар режими ўзининг таъсир доирасида бўлмаган қишлоқ ва овулларни «советлаштириш»га биринчи даражали аҳамият берди.

1921 йилда советларнинг маҳаллий кенгашларига сайлов ўтказиш кампанияси кенг авж олдирилди. Сайловларга раҳбарлик қилиш учун жойларга махсус йўриқчилар юборилди, партия ва совет ташкилотлари ўз ихтиёрида бўлган барча тарғибот ва ташвиқот кучларини сафарбар қилдилар, ҳамма жойларда йиғилиш ва митинглар ўтказилди. Бироқ тузум томонидан кўрилган мафкуравий ва ташкилий чора-тадбирларга қарамай, маҳаллий аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми советларга сайловларни очиқдан-очиқ рад қилдилар. Сайлов кампаниясини «лозим даражада» йўлга қўйиш учун кўп жойларда қўшимча сайловлар ўтказилди, улар жараёнида «душман унсурлар» маъмурий воситалар билан «бетарафлаштирилди»: «феодал-бойлардан иборат юқори табақа» вакиллари сургун қилинди, камбағал қатламларни қўрқитиш ишлари амалга оширилди.

Марказ раҳбарияти «пролетариат диктатураси давлати»нинг асосий ижтимоий таянчи — ишчилар синфининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берди. Партия ва хўжалик ходимлари биринчи навбатда ишчилар синфи орасидан кўтариларди, уларнинг ҳокимият тузилмалари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлардаги вакиллиги кучайтирилди. Мисол учун, Туркистон советлари XII қурултойи (1924 й. январ)нинг 356 делегатидан 117 нафари ишчилар бўлиб, улар ўлка аҳолисининг 1%идан ҳам камроғини ташкил қилган ишчилар вакилли-

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 61, оп. 1, д.2 9, л. 1.
[2] Ўша жойда, д. 88, л. 27.

ги эди, аҳолининг 80%ини ташкил этадиган деҳқонлар вакиллиги ҳам шунча эди.[1] Давлат аппаратидаги, бошқарув бўғинларидаги ишчилар ва бошқа ижтимоий қатламлар нисбатида бундан ҳам кўпроқ тафовут кўзга ташланарди. Туркистон Автоном Республикасидаги ишчилар синфи асосан «европаликлар»дан иборат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, республикада ҳокимиятни бошқариш кимнинг қўлида эканлиги яққол кўзга ташланади.

Бу буюк давлатчилик-шовинистик йўл мустабид тузумнинг кадрлар сиёсатида яққол ўз ифодасини топди. «Ҳокимият тузилмаларида маҳаллий аҳоли вакиллари кенг иштирок этаётир», деган уйдирмани большевиклар расмий эълон қилишларига қарамасдан, партия-ҳукумат органларидаги энг муҳим раҳбарлик мансабларини марказдан келган эмиссарлар муттасил эгаллаб келишди. Хусусан, 20-йилларнинг биринчи ярмида ўлкадаги раҳбарлик лавозимларида Марказнинг таниқли большевикларидан Л.Каганович, М.Фрунзе, Ш.Элиава, Я.Рудзутак, М.Томский, В.Куйбишев, С.Будённий, Г.Сокольников, Л.Иоффе, В.Ногин кабилар ишладилар. Буларга қўшимча Марказнинг махсус топшириқлари билан С.Оржоникидзе, С.Каменев, А.Цюрупа, М.Калинин ва бошқалар ҳам келишган эди.

Большевиклар олий табақа раҳбарларининг Туркистон ўлкасига бунчалик «илтифот» кўрсатишига сабаб бор эди. 20-йилларнинг биринчи ярмида ўлкада юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият большевикларни нохуш аҳволга солиб қўйган эди. Бу ҳолатдан чиқиш учун Марказ большевикларнинг энг кўзга кўринган, тажрибали партия, хўжалик ва ҳарбий соҳадаги раҳбарларини юборишга мажбур бўлиб, улар ёрдамида Туркистонда совет тузумини сақлаб қолишга ҳаракат қилган эди.

Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасидан чиққан мансабдор шахслар қатлами ҳам аста-секинлик билан кўпайиб борди. Масалан, 20-йилларнинг бошларида ўлка партия-давлат даражасидаги раҳбарлар гуруҳига Турар Рисқулов, Назир Тўрақулов, Қайғусиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Иномжон Хидиралиев, Низомиддин Хўжаев ва бошқалар кўтарилди. Бироқ уларнинг лавозими даражасидаги сиёсий мавқеи ва таъсири чекланган эди. Марказий ҳокимият аслида маҳаллий кадрларга эҳтиёткорлик билан қарарди. Бунинг устига, бу кадрлар маҳаллий халқлар орасидан чиққан бўлиб, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини жиддийроқ идрок қилар эдилар ва шу сабабли уларнинг тутган йўли ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига доир муҳим масалалар юзасидан кўпинча москвалик вакилларнинг тутган йўлига тўғри келмасди.

---

[1] *Вахабов М.Г.* Формирование узбекской социалистической нации. — Т., 1961. С. 350.



Турар Рисқулов бошчилигидаги Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати. Тошкент, 1923 йил.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Қайғусиз Отабоев (1887—1937) — Туркистон халқлари орасидан чиққан давлат ва жамоат арбоби.

Қайғусиз Сардорович Отабоев 1887 й. Закаспий вилояти Тажан уездининг Меан овулида туркман сардори Тож-Гоек оиласида туғилди. У Тажандаги рус-тузем мактаби ва Тошкентдаги ўқитувчилар семинарияси-

ни тугатади. 1917 й.гача у Мари шаҳрида ўқитувчи ва банк ходими бўлиб ишлади. Бу пайтда у эсерлар партиясининг аъзоси эди. 1917—18 йилларда Марв уезди Советининг туркман секцияси раҳбари, уезд озиқ-овқат қўмитаси раиси лавозимларида ишлади.

Коммунистик ғоялар таъсирига берилган Қ.Отабоев 1919—20 йилларда туркман овулларидаги совет ташкилотларида ишлади. 1920 й.да у Тошкентга чақирилади ва Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси (1920—1922) лавозимига қўйилади. Қ.Отабоев истиқлолчилик ҳаракатининг моҳиятини тўғри англаб етган миллий раҳбарлардан бири эди. У 1922 й.да Туркистон МИҚ IV пленумида қилган маърузасида бу ҳаракат «босмачилик» эмас, балки «Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракати», «халқ қўзғолони» эканлигини очиқ айтиб, истиқлолчилик ҳаракатини ҳарбий куч билан бостиришга қарши чиққан эди. 1922 й. сентябрда Самарқанд вилоятида большевиклар режимига қарши курашаётган Баҳромбек қўрбоши билан тенг асосларда тинчлик шартномасини имзолагани учун Қ.Отабоев, А.Раҳимбоев, А.Сергозиевлар лавозимларидан бўшатилган эдилар.

Қ.Отабоев «қайта тарбиялаш» учун 1922 й. кузида Москвага Сталин бошлиқ Миллатлар халқ комиссарлигига ишга чақирилади. 1923 й. ёзида у Бухоро Халқ Республикаси Нозирлар Кенгаши раисининг биринчи муовини вазифасига тайинланади ва Бухорога юборилади. Бу лавозимларда ишлаш жараёнида у туб ерли халқлар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берди.

У Туркистон ва Бухорода ер-сув ислоҳотини ўтказишда фаол қатнашди ва унга раҳбарлик қилди.

Қ.Отабоев Туркманистон ССРни ташкил қилишда жуда фаол иштирок этди ва Туркманистон ССР ХККнинг биринчи раиси бўлди (1925 й. февралл — 1937 й. июн). Қ.Отабоев иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган Туркманистонни хўжалиги ва саноати ривожланган республикага айлантириш борасида катта меҳнат қилди. К.Отабоевнинг қатъий талабларидан сўнг Жунаидхон афв қилинган эди.

Мустабид совет тузумига Қ.Отабоевдек халқпарвар, катта обрўга эга бўлган раҳбар керак эмас эди. У 1937 й. июн ойида Москвада қамоққа олинади ва ўша йили отиб ташланади.

Миллий масалага доир тактик йўлнинг янгиланиши

20-йилларнинг бошларида Туркистондаги сиёсий вазиятни белгилаб берадиган муҳим омил миллий масаладаги қарама-қаршиликлар эди. Бу масалани маҳаллий жамиятнинг турли қатламларида бир хилда тушунишмасди. Миллий ўзлигини англаш йўллари ва усуллари, уни ифодалаш даражаси ва сифати тўғрисидаги тасаввурлар ниҳоятда хилма-хил эди. Лекин миллий ҳуқуқларни амалда таъминлашга интилиш, халқларнинг ўз сиёсий иродаларини ўзлари белгилаш истаги асосий бирлаштирувчи куч бўлиб майдонга чиққан эди.

Миллий омил Совет давлати сиёсий раҳбариятини ҳам жиддий ташвишга солган эди. Россия большевиклари раҳбари В.И. Ленин 20-йилларнинг бошларида «ҳарбий коммунизм» си-

қувидан норози бўлган деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари ва «миллий чекка ўлка» халқлари, шу жумладан, Туркистон халқларининг мустабид тузум сиёсатига қарши олиб борган озодлик курашларини кузатар экан, миллий масалага доир партиянинг тактик йўлини янгилаш зарур, деган хулосага келди. Ижтимоий қайта қуришлар жараёнларига «қизил гвардиячи ҳужумлар» усулидан воз кечиб, миллий сиёсатда жузъий муроса-мадора ва ён беришлар тактикасига ўтиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблади. Бироқ большевикларнинг умумий сиёсий дастури стратегиясида ўзгаришлар содир бўлмади. Москва раҳбарияти янги типдаги империя — коммунистик империяни барпо этиш йўлига муттасил амал қилиб келди. Уни амалга ошириш учун, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг бутун мажмуи сафарбар қилинди. Большевиклар йўлбошчиси Ленинни фақат барча миллий ўлкаларни РСФСР-га қандай қилиб бўлса ҳам бирлаштириш ва боғлаб қўйиш, бу ишлар миллий ўлкалар учун уларни Марказ томонидан ютиб юбориш ёки мустамлака қилиш тарзида кўриниб қолмаслиги ҳақидаги фикр ташвишга соларди. Шунинг учун ҳам у тўғридан-тўғри ҳужум қилиш усулидан воз кечди. «Рўпарадан қилинган ҳужум иш бермадими, — деб ёзган эди Ленин 1921 йил октябрда, — у ҳолда айланиб ўтамиз, қамал қиламиз ва зимдан ҳаракат қиламиз»[1].

Янги тактика йўли РКП(б) X съезди (1921 й. март) қарорларида ўз ифодасини топди. Съезд ҳокимият ва бошқарув органларида миллий вакилликни кенгайтиришни, диний маросимларни бажариш учун ва гарчи халқларнинг миллий ўзига хослиги қисман намоён бўлса ҳам янада қулайроқ шарт-шароитлар яратишни, миллий камситишнинг экстремистик шаклларига қарши курашни авж олдириш ҳақида кўрсатма берди. Айни вақтда совет ҳокимиятининг сиёсий мавқеини яхшилаш ва партиянинг миллий чекка ўлкаларнинг кенг аҳоли оммаси ўртасида обрў-эътибор қозониши мақсадида, съезд чоризм даврида эзилган халқларнинг «асрий иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш ва уларнинг «анча тараққий этган халқлар» ёрдамида ҳақиқий тенгликка, мустамлакачилик сарқитлари»ни тўлиқ барҳам топтиришларига эришиш вазифасини илгари сурди.

Миллий республикалар съезд қарорларига ишониб ва унга таяниб, маданият, фан ва санъатда миллий асосларни нисбатан тиклашга, иқтисодиётни қайта қуришга ва ҳокимият органлари ва уларнинг аппаратини «маҳаллийлаштириш»га киришдилар. Бироқ, бу кўрилган чора-тадбирларнинг ҳаммаси марксча ақидалар, синфий ёндашув асосида амалга оширилди. Бунинг устига мавжуд ҳаётда четдан оқилона бўлиб туюлган бу

---

[1] *Ленин В.И.* Тўла асарлар тўплами. 33-том, 47-бет.

қарорларни ҳаётга татбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилмаганлиги сабабли бу қарорлар кўпинча қуруқ гап бўлиб қолди ёки чекланган тарзда амалга оширилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш муҳимки, марказий раҳбарият миллий қурилишнинг янгиланган дастуридаги соғлом негизларни амалга оширишга фаоллик билан қаршилик кўрсатди. 1922 йилда партияга бошчилик қила бошлаган Сталин миллий суверенитетни озгина бўлса ҳам кенгайтиришни орзу қилган «миллатчи-огмачилар»га қарши кескин ҳужум бошлади. Сталин қатъий унитар давлат андозасини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, бу шароитда республикалар, нари борса, вилоят мухторияти ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин эди. 1922 йил декабрда Иттифоқ шартномаси «имзоланди», у мамлакатни СССР деган ном билан атаб, миллий ўлкаларни «автономлаштириш» деган қаттиқ сиртмоққа тортди. Миллий республикаларнинг раҳбарлари орзу қилган ва большевиклар «ваъда» қилган суверен давлатлар иттифоқи эмас, балки қудратли унитар давлат тузишдан иборат бўлган буюк давлатчилик стратегияси тантана қилди. СССРнинг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган ялпи марказлаштириш, умумий бирхиллаштириш, миллий маданиятларни «европалаштириш» асосида рус андозасига мослаштириш жараёни тезлашди, миллий сиёсатда эса қинғирликлар юз берди. Буларнинг ҳаммаси ўлкамиз халқлари ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Ҳокимият поғоналарида миллий ихтилофнинг кучайиши

РКП(б) X съездида эълон қилинган миллий сиёсатдаги йўл аслида зиддиятли ва якка мафкура йўналишида бўлганлиги, Туркистон Автоном Республикасида миллий-давлат қурилишининг мураккаб манзарасини юзага келтирди. Бир томондан, янги тактик ёндашувлар таъсирида баъзи умидбахш ижобий силжишлар рўй берган бўлса, иккинчи томондан, миллий зиддиятлар сезиларли равишда кескинлашди.

Миллий сиёсат соҳасидаги «янги йўл»нинг ижобий натижаларидан бири сифатида Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг тикланиши, ўлкадаги маҳаллий аҳоли тилларининг татбиқ этилиш доирасининг кенгайиши борасидаги чора-тадбирларни айтиб ўтиш мумкин. Хусусан, 1921 йил май ойида ТАССР ХКК қарорига мувофиқ ўзбек, қирғиз ва туркман тиллари, рус тили билан бир қаторда Туркистон ҳудудида тўла ҳуқуқли давлат тиллари деб эълон қилинди[1]. 1922 йил декабрда Туркистон Автоном Республикаси советлари МИҚ руҳонийларнинг вақф мулкига бўлган ҳуқуқини қайта тикловчи декретни тасдиқлади. Қози ва бий судлари ошкора иш олиб бора бошлади. Советлар-

[1] «Жизнь национальностей». 1921, 28 мая.

да ва давлат бошқаруви органларида маҳаллий аҳолининг «меҳнаткаш»лар қатламини кенгайтиришга эътибор кучайди. Масалан, расмий маълумотларга қараганда, 1924 йилда республика совет органларида маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиққан ходимлар миқдори 17% га, вилоятларда 45%га, уездларда 90%га етди.[1] Шу билан бирга, совет тузумининг аввалбошдан мустабид-империяча табиатга, совет ҳокимиятининг босқинчилик ҳусусиятига эга эканлиги туфайли, миллий ва диний камситишларга етарли даражада барҳам беришга муваффақ бўлинмади.

Маҳаллий тиллар рус тили билан тенг ҳуқуқли давлат тили деб эълон қилингани билан давлат идораларида рус тили асосий муомала тили бўлиб қолаверди. Давлат бошқарув органларида маҳаллий аҳоли вакилларининг кўпайиб борганлиги билан давлатнинг асосий «жилови» европаликлар қўлида эди.

Гарчи минбарлардан туриб маҳаллий аҳолининг қадр-қимматини ерга урадиган сўзлар айтилмаса ҳам, маҳаллий кадрларга муносабат бирмунча мўътадил бўлиб қолган бўлса ҳам, ўлкадаги ҳаётнинг барча муҳим масалаларини Туркомиссия ва Туркбюро бошқарарди, уларнинг аъзолари асосан империяча тафаккурнинг тарафдорлари бўлиб, РСФСРнинг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш йўлини қаттиқ туриб амалга оширар эдилар. Хўжалик тузилмалари фаолиятига партия органларининг зўравонлик билан аралашуви дастлабки йиллардаёқ кўзга ташланган эди. Минтақанинг кўпгина жойларида ҳарбий диктатура амал қиларди. Бошқача фикрловчиларни, миллий зиёлиларни, диний арбобларни «буржуа миллатчилиги», панисломизм ва пантуркизм гояларига тарафдорликда айблаб, таъқиб қилишлар тўхтамасди.

Туркистон бюроси (Туркбюро) — 1920 й. июлда РКП(б) МҚ томонидан ташкил қилинди ва Туркистонга юборилди. У Марказнинг Туркистондаги ишончли «мафкуравий идораси» эди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида большевиклар ташкил қилган компартияга «ғоявий-ташкилий» жиҳатдан «ёрдам бериши» керак эди. Аслида, Туркбюронинг ташкил қилинишига Ўрта Осиё республикаларидаги истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиб бориши, ТАССР, БХСР, ХХСРдаги бир қатор раҳбар кадрларнинг миллий манфаатларни қатъийлик билан ҳимоя қилиши, республикаларда «советлаштириш» жараёнининг жадаллик билан амалга ошмаётганлиги ва, энг асосийси, Марказнинг Ўрта Осиё республикаларидаги маҳаллий раҳбар кадрларга ишонмаслиги сабаб бўлган эди.

Туркбюро Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда «ёт-унсурлардан тозалаб» турди. Миллий раҳбар кадрларнинг «ғоявий софлиги»ни назорат қилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистонга мунтазам равишда «таж-

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 784а-йиғма жилд, 137—140-варақлар.

рибали большевиклардан» юбориб турди. Биргина 1921 й. РКП(б) МҚ Туркбюро ихтиёрига 354 коммунист-эмиссарларини юборган эди. Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида масъул лавозимларда ишладилар. Ўрта Осиёнинг шарт-шароитларини, урф-одатлари ва хусусиятларини билмаган бу эмиссарлар зўравонлик билан ҳокимият органларида хукмронлик қилдилар. .

1922 й. майда РКП(б) МҚнинг Туркбюроси — РКП(б) МҚнинг **Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)**га айлантирилди. Унга Туркбюронинг зиммасидаги барча вазифалар юкланди, шу билан бирга унинг ғоявий-сиёсий таъсир доираси янада кенгайди. Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш, зўравонлик билан ўтказилган жамоалаштириш, сунъий саноатлаштириш, Ўзбекистонни хом ашё базасига айлантириш, мулкдорларни синф сифатида тугатиш Средазбюронинг фаол иштирокида, унинг ғоявий раҳнамолигида амалга оширилди. Ўрта Осиё республикаларидаги барча ғоявий-сиёсий тадбирлар, ўзгаришлар Средазбюронинг рухсати ва унинг раҳбарлигида қилинди. Туркбюро ва Средазбюро Марказнинг Ўрта Осиё республикалари устидан назорат қилувчи махсус бошқарув органи эди. Ўрта Осиё республикалари бу ташкилотга сўзсиз бўйсунишга мажбур эдилар.

Туркбюро ва Средазбюро Туркистон АССР, Ўзбекистон ССРдаги фаолияти давомида маҳаллий халқ онгига унга ёт бўлган коммунистик ғояни сингдириш билан бир қаторда миллий раҳбар кадрларга, миллий зиёлиларга нисбатан куплаб қувғинлар ва қатагонлар уюштирди. Уларнинг миллий маданияти, ислом дини ва қадриятларини оёқости қилинишида бошқош бўлди.

1934 й. 2 октябрда СССР ХКК ва ВКП(б) МҚнинг қарори билан Средазбюро фаолияти тугатилди.

Буларнинг ҳаммаси Туркистон маҳаллий аҳолисининг норозилиги ортиб боришига олиб келди, бу норозилик турли шаклларда намоён бўлди. Булардан бири совет тузумига қарши қуролли кураш олиб бораётган истиқлолчилар бўлса, иккинчиси ҳокимият поғоналарида хизмат қилаётган давлат ва жамоат арбобларининг бир гуруҳи бўлиб, улар мустабид тузумга, унинг сиёсатига очиқдан-очиқ қарши фикр билдирган эдилар. Миллий раҳбарлар Т.Рисқулов, Қ.Отабоев, Н.Тўрақулов ва бошқалар даставвал минтақадаги аҳвол совет ҳокимияти эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга доир шиорлар ва социализмнинг ташқи жиҳатдан жозибали идеаллари асосида изга тушиб кетишига умид боғлаб, маҳаллий аҳолининг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилдилар, марказий ҳукумат вакилларининг шовинистик сиёсатларига қарши чиқдилар. Миллий раҳбарларнинг ватанпарварлик қарашлари Ўрта Осиёдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг иродаси билан қўшилиб, Марказдан бўлаётган «инқилобий-мафкуравий» босқинчиликнинг сезиларли либерал-демократик муқобили сифатида майдонга чиққан эди. Миллий мухолифат раҳбарларининг фикрича, ўлканинг мустақил ҳаёт кечиришига маҳаллий империяча фикрловчи европалик коммунистлардан ташқари,

Марказ ва унинг Ўрта Осиё минтақасидаги ваколатли вакилларининг ўтказаётган сиёсати ҳам тўсқинлик қилмоқда эди.

РКП(б) X съезди арафасида авж олиб кетган миллий мухолифатчиларнинг партия ички қурилиши муаммоси билан боғлиқ «касаба уюшмалари мунозараси»га доир фаолияти айниқса жиддий тус олди. Умуман олганда, Марказда бошланган касаба уюшмалари ҳақидаги мунозара миллий масалалар билан бевосита боғлиқ бўлмаган ўзига хос вазифаларни ҳал қилишга қаратилган эди. Бироқ, Туркистонда барча ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий муаммолар муқаррар равишда миллий муносабатларга бевосита дахлдор бўлганлиги сабабли, касаба уюшмалари ҳақидаги мунозара ҳам миллий аҳамият касб этган эди. Мазкур мунозаранинг боришида С.Турсунхўжаев, И.Хидиралиев ва туркистонлик бошқа кўпгина миллий ватанпарварлар Туркистон КПнинг РКП(б)дан тўлиқ мустақил бўлишини, Турккомиссияни бекор қилишни талаб қилиб чиқдилар.[1] Т.Рисқуловнинг 1921 йил 6—7 мартда Москвада бўлиб ўтган туркий халқлар коммунистларининг II Бутунроссия кенгашида сўзлаган нутқида ҳам ана шундай талаб қўйилган эди. Туркистонлик мухолифатчиларнинг бундай чиқишлари Москвани жиддий ташвишга солиб қўйди. РКП(б) МҚ Марказнинг партиявий-сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш мақсадида 1921 йил 21 мартда Я.Э.Рудзутакни Турккомиссия раиси қилиб тайинлади ва Туркбюро таркибини қайта кўриб чиқди, улар олдига «партиянинг миллий масала соҳасидаги йўлидан барча оғишларга қарши курашни кучайтириш»дан иборат устивор вазифани қўйди. Шу билан бирга, «миллатчилик билан заҳарланган коммунистларни Туркистон Республикаси доираларидан эвакуация қилиш»ни амалга ошириш таклиф этилди.[2]

Бироқ Марказ ва унинг Туркистондаги «ҳукмдорлари» бўлган Турккомиссия ва Туркбюро томонидан маъмурий-мафкуравий тазйиқнинг кучайишига қарамасдан миллий мухолифатчилар маҳаллий аҳолининг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилдилар. Масалан, ТКП VI съездида (1921 й. август) Т.Рисқулов РКП (б) МҚни Ўрта Осиёда зарарли миллий сиёсат ўтказишда, Россия қизил армиясининг Фарғона водийсида муттасил зўравонликни амалга ошираётганликда айблади.[3] Т.Рисқуловнинг бу фикрини унинг ўрнига ТАССР МИҚ раиси лавозимига тайинланган А.Раҳимбоев қўллаб-қувватлади. У ҳозирги вақтнинг асосий вазифаси «очлик ва мустамлакачиликка қарши кураш олиб боришдан иборат бўлиши лозим», кейин эса «ўз бойларига қарши кураш»га киришиш мумкин бўлади»,[4] деб Турк-

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 3, д. 9, л. 8—9.
[2] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 12, д. 659, л. 52.
[3] Ўша жойда, оп. 13, д. 1139, л. 25—26.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 13-варақ.

рибали большевиклардан» юбориб турди. Биргина 1921 й. РКП(б) МҚ Туркбюро ихтиёрига 354 коммунист-эмиссарларини юборган эди. Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида масъул лавозимларда ишладилар. Ўрта Осиёнинг шарт-шароитларини, урф-одатлари ва хусусиятларини билмаган бу эмиссарлар зўравонлик билан ҳокимият органларида хукмронлик қилдилар.

1922 й. майда РКП(б) МҚнинг Туркбюроси — РКП(б) МҚнинг **Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)**га айлантирилди. Унга Туркбюронинг зиммасидаги барча вазифалар юкланди, шу билан бирга унинг ғоявий-сиёсий таъсир доираси янада кенгайди. Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш, зўравонлик билан ўтказилган жамоалаштириш, сунъий саноатлаштириш, Ўзбекистонни хом ашё базасига айлантириш, мулкдорларни синф сифатида тугатиш Средазбюронинг фаол иштирокида, унинг ғоявий раҳнамолигида амалга оширилди. Ўрта Осиё республикаларидаги барча ғоявий-сиёсий тадбирлар, ўзгаришлар Средазбюронинг рухсати ва унинг раҳбарлигида қилинди. Туркбюро ва Средазбюро Марказнинг Ўрта Осиё республикалари устидан назорат қилувчи махсус бошқарув органи эди. Ўрта Осиё республикалари бу ташкилотга сўзсиз бўйсунишга мажбур эдилар.

Туркбюро ва Средазбюро Туркистон АССР, Ўзбекистон ССРдаги фаолияти давомида маҳаллий халқ онгига унга ёт бўлган коммунистик ғояни сингдириш билан бир қаторда миллий раҳбар кадрларга, миллий зиёлиларга нисбатан кўплаб қувғинлар ва қатагонлар уюштирди. Уларнинг миллий маданияти, ислом дини ва қадриятларини оёқости қилинишида бошқош бўлди.

1934 й. 2 октябрда СССР ХКК ва ВКП(б) МҚнинг қарори билан Средазбюро фаолияти тугатилди.

Буларнинг ҳаммаси Туркистон маҳаллий аҳолисининг норозилиги ортиб боришига олиб келди, бу норозилик турли шаклларда намоён бўлди. Булардан бири совет тузумига қарши қуролли кураш олиб бораётган истиқлолчилар бўлса, иккинчиси ҳокимият поғоналарида хизмат қилаётган давлат ва жамоат арбобларининг бир гуруҳи бўлиб, улар мустабид тузумга, унинг сиёсатига очиқдан-очиқ қарши фикр билдирган эдилар. Миллий раҳбарлар Т.Рисқулов, Қ.Отабоев, Н.Тўрақулов ва бошқалар даставвал минтақадаги аҳвол совет ҳокимияти эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга доир шиорлар ва социализмнинг ташқи жиҳатдан жозибали идеаллари асосида изга тушиб кетишига умид боғлаб, маҳаллий аҳолининг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилдилар, марказий ҳукумат вакилларининг шовинистик сиёсатларига қарши чиқдилар. Миллий раҳбарларнинг ватанпарварлик қарашлари Ўрта Осиёдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг иродаси билан қўшилиб, Марказдан бўлаётган «инқилобий-мафкуравий» босқинчиликнинг сезиларли либерал-демократик муқобили сифатида майдонга чиққан эди. Миллий мухолифат раҳбарларининг фикрича, ўлканинг мустақил ҳаёт кечиришига маҳаллий империяча фикрловчи европалик коммунистлардан ташқари,

Марказ ва унинг Ўрта Осиё минтақасидаги ваколатли вакилларининг ўтказаётган сиёсати ҳам тўсқинлик қилмоқда эди.

РКП(б) X съезди арафасида авж олиб кетган миллий мухолифатчиларнинг партия ички қурилиши муаммоси билан боғлиқ «касаба уюшмалари мунозараси»га доир фаолияти айниқса жиддий тус олди. Умуман олганда, Марказда бошланган касаба уюшмалари ҳақидаги мунозара миллий масалалар билан бевосита боғлиқ бўлмаган ўзига хос вазифаларни ҳал қилишга қаратилган эди. Бироқ, Туркистонда барча ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий муаммолар муқаррар равишда миллий муносабатларга бевосита дахлдор бўлганлиги сабабли, касаба уюшмалари ҳақидаги мунозара ҳам миллий аҳамият касб этган эди. Мазкур мунозаранинг боришида С.Турсунхўжаев, И.Хидиралиев ва туркистонлик бошқа кўпгина миллий ватанпарварлар Туркистон КПнинг РКП(б)дан тўлиқ мустақил бўлишини, Турккомиссияни бекор қилишни талаб қилиб чиқдилар.[1] Т.Рисқуловнинг 1921 йил 6—7 мартда Москвада бўлиб ўтган туркий халқлар коммунистларининг II Бутунроссия кенгашида сўзлаган нутқида ҳам ана шундай талаб қўйилган эди. Туркистонлик мухолифатчиларнинг бундай чиқишлари Москвани жиддий ташвишга солиб қўйди. РКП(б) МҚ Марказнинг партиявий-сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш мақсадида 1921 йил 21 мартда Я.Э.Рудзутакни Турккомиссия раиси қилиб тайинлади ва Туркбюро таркибини қайта кўриб чиқди, улар олдига «партиянинг миллий масала соҳасидаги йўлидан барча оғишларга қарши курашни кучайтириш»дан иборат устивор вазифани қўйди. Шу билан бирга, «миллатчилик билан заҳарланган коммунистларни Туркистон Республикаси доираларидан эвакуация қилиш»ни амалга ошириш таклиф этилди.[2]

Бироқ Марказ ва унинг Туркистондаги «ҳукмдорлари» бўлган Турккомиссия ва Туркбюро томонидан маъмурий-мафкуравий тазйиқнинг кучайишига қарамасдан миллий мухолифатчилар маҳаллий аҳолининг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилдилар. Масалан, ТКП VI съездида (1921 й. август) Т.Рисқулов РКП (б) МҚни Ўрта Осиёда зарарли миллий сиёсат ўтказишда, Россия қизил армиясининг Фарғона водийсида муттасил зўравонликни амалга ошираётганликда айблади.[3] Т.Рисқуловнинг бу фикрини унинг ўрнига ТАССР МИҚ раиси лавозимига тайинланган А.Раҳимбоев қўллаб-қувватлади. У ҳозирги вақтнинг асосий вазифаси «очлик ва мустамлакачиликка қарши кураш олиб боришдан иборат бўлиши лозим», кейин эса «ўз бойларига қарши кураш»га киришиш мумкин бўлади»,[4] деб Турк-

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 3, д. 9, л. 8—9.
[2] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 12, д. 659, л. 52.
[3] Ўша жойда, оп. 13, д. 1139, л. 25—26.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 13-варақ.

комиссиянинг «маҳаллий бойларнинг танобини тортиш» ҳақидаги кўрсатмасига қарши чиққан эди.

Миллий раҳбарлар Марказнинг Туркистондаги ваколатли тузилмаларининг империяча сиёсат ўтказиш борасида ҳаддан ошишларини чеклашга уриндилар. Афсуски, уларнинг имкониятлари чекланган эди. Шунга қарамасдан, улар халқнинг пишиб етилган норозилигини 1921 йил кузида Москвага йўллаган мактубларида батафсил ифодалаб, норозиликларни келтириб чиқараётган Туркомиссияни тугатиш масаласи қатъий қўйилган эди. Бирмунча кейинроқ, 1921 йилнинг декабрида бўлиб ўтган РСФСР Советларининг IX қурултойида сўзга чиққан А.Раҳимбоев РСФСР МИҚ ва РКП(б) МҚнинг мухтор органлари томонидан рағбатлантириб турилган «Туркистондаги жазолаш сиёсати ҳар қандай чегаралардан ошиб тушди. Жазолаш органлари Фаргона водийсида мутлақо ўз ҳолича ҳаракат қилмоқда, партия органлари билан ҳам, совет органлари билан ҳам ҳисоблашаётгани йўқ...»,[1] деб таъкидлаган эди.

Бу даврда ТКПга бошчилик қилиб турган Н.Тўрақулов Туркомиссия ва Туркбюронинг буюк давлатчилик хатти-ҳаракатларига норозилик белгиси сифатида улар сафидан чиқиш тўғрисида ариза берди.[2] Ундан илгарироқ Туркистон Компартияси МҚ таркибидан сиёсий сабабларга кўра, Т.Рисқулов ва бошқа бир қатор масъул ходимлар ҳам чиқиб кетган эдилар.

Маҳаллий аҳоли вакилларидан чиққан ватанпарвар раҳбарлар «Туркистоннинг марказий совет органлари етарли даражада мустаҳкам» ва улар ўлкани бошқариш вазифаларини мустақил равишда бажаришга қодир эканликларини, шунинг учун ҳам Марказнинг Туркомиссия ва Туркбюро каби назоратчиларининг мутлақо керак эмаслигини таъкидлаган эдилар.[3]

Марказ назорат қилувчи органларининг минтақадаги нуфузи тушиб кетаётганидан ташвишланган ва айни вақтда Россиянинг ўлкада мунтазам иштирокини сақлаб қолиш билан бир қаторда Туркистоннинг хорижий Шарқ халқларига «инқилобий роли»ни оширишдан манфаатдор бўлган В.И.Ленин синалган йўлдан: ҳеч нарсани ўзгартирмасдан ўзгартиш йўлидан борди. 1921 йил 12 октябрда бўлиб ўтган партия МҚ Сиёсий бюроси мажлисида «меҳнаткашларнинг кўп сонли илтимослари»га кўра Москванинг Туркистондаги «кўз-қулоғи»ни сақлаб қолишга қарор қилинди, шу билан бирга аҳоли кўзига Туркбюро ва Туркомиссия таркибини маҳаллий миллат раҳбарларини қўшиш

---

[1] ЎзР МДА. 17-фонд, 3-рўйхат, 70-йиғма жилд, 22-варақ.
[2] Ўша жойда, 1-рўйхат, 45-йиғма жилд, 45-варақ.
[3] Ўша жойда, 20-варақнинг орқаси.

ҳисобига янгилашга қарор қилинди. Янги қўшилган раҳбарларнинг бир қисми марказий ҳукумат сиёсатига қарши чиққанлардан эди. Янгиланган бу ташкилотлар таркибига Н.Тўрақулов, А.Раҳимбоев, Қ.С.Отабоев, С.Хўжанов, С.И.Гусев, Я.З.Суриц ва И.Г.Сольц кирдилар. Туркомиссия ва Туркбюро раиси қилиб С.И.Гусев тайинланди[1].

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Назир Тўрақулов (1892—1939) — давлат, сиёсат арбоби, тилшунос олим ва дипломат.

Н.Тўрақулов 1892 й. Қўқоннинг Бойбўта кўприк маҳалласида ўзига тўқ қозоқ оиласида туғилди. Рус-тузем мактабини тамомлагач, савдо билим юртига ўқишга киради. 1913 й.да у Москвадаги савдо институтига талабаликка қабул қилинади. Талабалик йилларида 10 га яқин тилларни ўрганади. Биринчи жаҳон уруши йилларида у Ғарбий фронтга сафарбар қилинади ва Белоруссияга юборилади. Феврал инқилобидан кейин Н.Тўрақулов Туркистонга қайтади. Шу йилларда у эсерлар партиясига кирган эди.

1918—1919 й.да у Қўқондаги совет идораларида турли лавозимларда ишлайди. У тез орада Тошкентга чақирилиб, унга масъул лавозимлар топширилади: Туркистон АССР МИҚнинг ҳамраиси (1919), Туркистон АССР Маориф халқ комиссари (1920), Туркистон Компартияси МҚ масъул котиби (1920—1922) бўлиб ишлади. Н.Тўрақулов бу лавозимларда ишлаш жараёнида совет ҳокимиятига, большевиклар партиясига садоқатини намойиш қилди. Т.Рисқулов ва унинг тарафдорлари бўлган миллий коммунист раҳбарлар фикрларига қарши турди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига тўғри баҳо бера олмади, уларни «босмачилар» сифатида қоралади ва уларни йўқотиш тарафдори бўлди.

Н.Тўрақулов 1922 йилда Москвага чақирилади ва совет халқлари Марказий нашриёти раиси лавозимига (1922—1928 й.) тайинланади. У моҳир журналист ва публицист ҳам эди. У ўз мақолаларида асосан совет турмуш тарзининг афзалликларини кўрсатишга ҳаракат қилди.

1928 йилда Н.Тўрақулов элчилик ишига жалб қилинади ва СССРнинг Ҳижоз давлатидаги (ҳозирги Саудия Арабистони) Бош консули ва Мухтор элчиси вазифаларида ишлади (1928—1936). У Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини яхши билганлиги учун ислом оламида шуҳрат қозонди.

1936 йилда СССР га қайтгач Н.Тўрақулов Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ва Москва шаҳарларида яшаб, Шарқ халқлари тили ва адабиёти институтида ишлади.

Н.Тўрақулов қанчалик совет ҳукуматига, большевиклар партиясига содиқ бўлмасин, мустабид тузумнинг қонли қатағонидан қутулиб қола олмади. У 1939 йилда отиб ташланди.

Кўрилган бу чора-тадбирлар, шак-шубҳасиз, вақтинча эди. Чунки, бу тадбирлар миллий мухолифатчиларнинг талабларидаги энг муҳим масалани — ТАССРга мустақиллик бериш ва

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 56, л. 34—35.

Россия билан Туркистон ўртасидаги империяча муносабатларни тугатиш масаласини ҳал қила олмади.

Москвалик эмиссарларнинг янги гуруҳи аввалгидек ўлкани ҳукмдорларча бошқара бошладилар. Маҳаллий раҳбар кадрлар ва юборилган «бошқарувчилар» ўртасида кескин зиддиятлар сақланиб қолди. Бу жиҳатдан ТАССР ХКК раиси Қ.Отабоевнинг Туркистон Советларининг X қурултойидаги (1921 й. сентябр) нутқи ўзига хосдир. У Россиядан келган ходимлар маҳаллий аҳолининг мустақил бошқаришга бўлган қобилиятига ишонмасликларини, ўзлари эса «Туркистоннинг шарт-шароитлари ва турмуши билан таниш бўлмаганлари ҳолда маъмурий ишга яроқсиздирлар, келганларнинг кўпчилиги эса... марказий аппаратда бош вазифаларда ишлашни даъво қиладилар»,[1] деб ачиниш билан гапирган эди.

Маҳаллий раҳбар кадрлар Марказ раҳбариятининг эътиборини Туркистондаги аҳволнинг ўта жиддийлигига қаратдилар, сиёсий тангликдан чиқишнинг самарали воситаларини қидирдилар, жамиятнинг барча қатламларини бунёдкорлик ишларига жалб қилиш йўли билан фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликка эришишга чақирдилар, ҳокимият Марказнинг ваколатли органларида эмас, балки ТуркМИҚ қўл остида тўлатўкис жамланган тақдирдагина бу муаммолар ҳал бўлиши мумкинлигини уқтирдилар. Улар миллатни маданий жиҳатдан қолоқдир деб расман эълон қилинган таҳқирловчи афсоналарни рад қилдилар, дин ва руҳонийларни қувғин остига олишни яроқсиз усуллар, деб ҳисобладилар.

Миллий раҳбарлар истиқлолчилик ҳаракатининг хусусияти ва тарихига баҳо беришдаги нуқтаи назари ҳам чуқур реалистик бўлиб кўринади. Масалан, ТКП VI съездининг (1921 й. август) ёпиқ мажлисида Н.Тўрақулов совет ҳокимиятига қарши қуролли курашнинг юзага келишига, биринчи навбатда, маҳаллий аҳолининг оғир иқтисодий аҳволи сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, совет ҳокимиятининг «ишонган тоғлари»нинг «сиёсий калтабинлиги» сабаб бўлди, деб очиқ кўрсатиб ўтган эди. Шунингдек, у Фарғонадаги ва бошқа жойлардаги истиқлолчилар билан курашаётган қизил армия қисмларининг ўзини озиқ-овқат билан мустақил таъминлаш соҳасидаги ишларини, айниқса, бу ишлар аҳоли устидан очиқдан-очиқ зўравонликка айланиб кетганлигини кескин қоралади[2].

Туркистондаги ҳукумат ва партия органларига бошчилик қилган миллий раҳбарлар қуролланган мухолифат билан музокараларни фаоллик билан олиб боришни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тадбирларни маҳаллий аҳолининг эҳтиёжлари ва талаблари билан боғлиқ ҳолда ўтказишни, ўлканинг

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 45-йиғма жилд, 456-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 374-варақ.

зарар кўрган аҳолисига товон тўлашни, жазо отрядларининг фаолиятини, «инқилобий учлик»ни тақиқлашни, ҳаракат қатнашчиларини сиёсий жиҳатдан оқлашни таклиф қилдилар.

Ҳокимият таркибидаги миллий мухолифат етакчиларининг ватанпарварлик чиқишлари марказнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Мухолифатчиларни сиёсий жиҳатдан «яккалаб қўйиш» мақсадида, Марказ уларга қарши қувғинни кучайтирди. 1922 йил 25 сентябрда РКП(б) МҚ Ташкилий бюросининг қарори билан «қўпол хатолари учун» ТКП МҚ котиби Н.Тўрақулов, Туркистон Автоном Республикаси ХКК раиси Қ.Отабоев ва ТАССР МИҚ раиси А.Раҳимбоев эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди[1].

Бироқ миллий раҳбарлар сиёсий таъқибларга қарамасдан маҳаллий аҳолининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни давом эттирдилар. Бунинг учун улар ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Т.Рисқулов РКП(б) XII съездида (1923 й. апрел) сўзлаган нутқида совет тузуми ўрнатилганига қарийб олти-етти йил бўлган бўлса-да, «Сарт (ўзбек) аҳолиси ҳаётида ҳеч қандай ижтимоий силжишлар бўлмади...»,[2] деб дадил гапирган эди. Худди шу фикрни миллий республикалар масъул ходимларининг IV кенгашида (1923 й. апрел) С.Хўжанов ҳам айтиб ўтган эди. Ўша йилнинг ўзида ўлканинг бир гуруҳ масъул ходимлари очиқ хат эълон қилиб, унда «Туркистоннинг октябрдан кейинги ривожланиши» натижаларига танқидий баҳо бердилар.[3]

1922 йил 8 октябрда Туркистон АССР МИҚ раиси лавозимига қўйилган И.Хидиралиев шу йилнинг охирида Бутунроссия МИҚга махсус хат билан мурожаат қилиб, «Маҳаллий аҳолининг барча қатламларини совет ишларига жалб қилишга, бу ишларни аҳолининг миллий турмуш тарзига мослаштирган ҳолда амалга оширишга, Туркистонда иш юритишни маҳаллий аҳоли тилига ўтказишга» эътиборни қаратган эди[4]. И.Хидиралиев фикрича, октябр тўнтаришидан сўнг қарийб 5 йил ўтган бўлса-да, қуйидан юқоригача бошқарув аппаратларида асосан европалик кишилар ўтирганлиги маҳаллий аҳолида чоризм мустамлакачилик сиёсати советлар даврида ҳам давом этмоқда, деган хулосани келтириб чиқармоқда. Бошқарув идораларида ўтирган европаликлар асосан Россия шароитидан келиб чиқувчи кишилар бўлиб, маҳаллий аҳоли тили, урф-одатини билмайдиган, деҳқончилик ва чорвачиликда машғул бўлган кўплаб аҳоли хусусиятига мос мафкуравий қарашларни тушунмайдиган шахслардир[5]. Бу ўз навбатида дарҳол бошқарув аппаратини

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 3, л. 5.
[2] XII съезд РКП(б). Стен. отчет. — М., 1968. С. 514.
[3] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3742-йиғма жилд, 139—142-варақлар.
[4] ЎзР МДА, 17 фонд, 1-рўйхат, 791-йиғма жилд, 89-варақ.
[5] Ў ш а ж о й д а, 90-варақ.

маҳаллий халқлар руҳияти ва турмушига мослаштиришни тақазо қилади. Чунки, ҳозирги давлат аппарати чоризм давридаги бюрократик давлат аппаратига ўхшайди. «Шунинг учун, — деб таъкидлайди И.Хидиралиев, — қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Маҳаллий аҳоли ичидан марказий давлат идоралари томонидан кўзда тутилган ўринлардан ташқари 814 кишини турли халқ комиссарликлари ва уларнинг бўлимлари, 100 кишини эса маҳаллий идоралар учун тайёрлаш лозим.

2. Бунинг учун маҳаллий кадрлар ичидан олинадиган ходимларни махсус назорат тайёргарлигидан ўтказиш, уларни ҳуқуқ, молия ходими, иш юритувчилар, ҳисобчилар, почта-телеграф, волост ижроия комитети секретарлари тайёрлайдиган курсларга жалб қилиш лозим. Юқоридаги мақсадларга сарфланадиган барча харажатлар молиявий тақчилликка қарамасдан, маҳаллий бюджетдан эмас, балки марказдан тақсимланадиган давлат бюджетидан ажратилиши керак».[1]

И.Хидиралиевнинг бу амалий таклифи билан марказий идоралар қисман бўлса-да ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Масалан, Туркистонда ташкил этилган Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги 1923 йил 1 июлдан бошлаб иш юритишни туб миллатлар тилларида олиб бора бошлади.[2] Адлия халқ комиссарлиги кўп миллатли аҳолини совет қонунлари билан таништириш мақсадида Туркреспублика ҳукумати декретлари ва фармойишларининг ҳафталик тўпламларини ўзбек, қирғиз, рус тилларида чоп эта бошлади. Туркистон КП МҚ 1923 йил 23 июлда бўлиб ўтган Пленумида иш юритишни маҳаллий миллатлар тилларига ўтказишни жадаллаштириш, давлат идораларини маҳаллий тилларни биладиган шахслар билан тўлдириш зарурлигига эътибор қаратди. Шунингдек, пленум ТКП сиёсий бюроси ва республика ҳукумати зиммасига маҳаллий аҳоли вакилларидан молия, почта, темир йўл ва девон ходимлари тайёрловчи курслар ташкил қилиш вазифасини юклади.[3]

1923 йил августда ТАССР ХКК «иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш бўйича комиссия» таъсис этди. Унга Туркистон МИҚ, Туркистон Компартияси МҚ, Туркистон коммунистик ёшлар иттифоқи МҚ, «Қўшчи» уюшмаси МҚ, Бутуниттифоқ Касаба уюшмалари Марказий Кенгаши, Туркбюро, Меҳнат ишлари халқ комиссарлиги, Ички ишлар халқ комиссарлиги вакиллари киритилди. 1924 йил 2 февралда бу комиссия «муассасаларни маҳаллий ходимлар билан тўлдириш ҳамда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш бўйича комиссия» деб

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўихат, 179-йиғма жилд, 90—92 варақлар.

[2] *Ғойибназаров Ш.* Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. — Т., 1994, 96-бет.

[3] *Ғойибназаров Ш.* Ўша асар, 96-бет.

қайта номланди ва у ТуркМИҚга бўйсундирилди.[1] ТуркМИҚнинг 1924 йил 15 майда ТАССРда совет қурилишининг аҳволи тўғрисида қилган маърузасида волост ва уездларда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш 100 фоиз ҳал этилганлиги таъкидлаб ўтилган эди[2].

Мухолифатдаги миллий раҳбарлар томонидан илгари сурилган ўлканинг мустақил демократик ривожланиш дастури ва уларнинг маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятлари 20-йилларда Ўрта Осиё минтақасидаги ижтимоий онгнинг умумий ифодаси сифатида намоён бўлиши эди. Миллий-демократик муқобиллик тарафдорларининг сони изчиллик билан ортиб борди. У партия-совет ва хўжалик ходимлари, миллий зиёлилар орасида қўллаб-қувватланди.

Туркистонда кучайиб бораётган «миллий оғмачилик»ка қарши курашда маъмурий-сиёсий усулларнинг кенг имкониятларидан фойдаланилди. 20-йилларнинг бошларида, асосан СССР ташкил топганига қадар, миллий-мухолифатчи раҳбарларга нисбатан «партиявий ишлов бериш», дўқ-пўписа, шартлар қўйиш усуллари кенг ишлатилди. Улар лавозимларидан олиб ташланди, шу билан бирга марказий раҳбарият уларнинг маҳаллий аҳоли орасидаги обрўси катта эканлигини ва ўлкадаги вазиятнинг умумий тарзда кескинлигини ҳисобга олиб ва ўзларига нисбатан маҳаллий аҳоли ишончини бутунлай йўқотиб қўймаслик мақсадида бу ходимларнинг ўз «хатолари»ни тан олиш шарти билан ҳокимият поғоналарига қайтишларига йўл қўярди. Худди шундай тарзда Т.Рисқулов, Н.Тўрақулов, Қ.Отабоев, А.Раҳимбоев ва бошқалар яна раҳбарлик ишига қўйилдилар. Бироқ улар «қайтиб келганлари»дан кейин ҳам миллий қурилиш истиқболларига доир ўз режаларини ҳимоя қилишни давом эттирдилар.

СССР ташкил топгандан кейин «миллий оғмачилар» деб «тамға» босилган миллий ватанпарвар раҳбарларни «бетарафлаш»га қаратилган йўл яна ҳам жиддий тус олди. 1923 йил апрелда бўлиб ўтган РКП(б) XII съездида «миллатчилик сарқитларига қарши кураш» биринчи даражали вазифа сифатида эълон қилинди. Ўз халқи ва ватани манфаатларини ҳимоя қилган ҳар бир миллий раҳбар «миллатчи» сифатида қораланди. РКП(б) съезди қарорларига мувофиқ ТКП МҚнинг май (1923 й.) пленуми ҳам ҳамма жойда «давлат ва партия аппаратини миллатчи унсурлардан»[3] тозалаш зарурлигини қатъият билан кўрсатиб ўтди.

Авж олдириб юборилган кенг миқёсли «тозалаш» кампаниясининг бориши жараёнида ТКП таркиби ва партия-совет органларидан минглаб «ижтимоий ёт унсурлар», «миллатчи-оғмачи-

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 317-йиғма жилд, 24-варақ.
[2] ЎзР МДА. 17-фонд,1-рўйхат, 791-йиғма жилд, 90-варақ
[3] «Спутник коммуниста». 1923, № 9—10. С. 84—92.

лар» ҳайдалди. Фақат 1923 йилнинг ўзида ТКП аъзолари сони учдан бир қисмга камайди.[1] Совет давлат тузилмалари аппарати ҳам жиддий равишда янгиланди.

Шундан кейинги йилларда «миллий оғмачилик»ка қарши кураш муттасил кескинлашиб, зўравонлик тусини олди, партиянинг «қатағон қилиш машинаси»дан тўла куч билан фойдаланилди. Натижада маҳаллий миллатлардан чиққан раҳбар ходимлар мухолифатининг кучи вақтинча синдирилди. Шунга қарамасдан, республика миллий раҳбарлари мустабид тузумнинг энг оғир шароитида ҳам халқ манфаатларини ўз кучлари ва имкониятлари даражасида ҳимоя қилишга ҳаракат қилдилар.

2. ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА УНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ. ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТНИНГ ЖОНЛАНИШИ

Иқтисодий сиёсатдаги бурилиш

«Ҳарбий коммунизм» — совет мустабид давлат тузумининг дастлабки андозаси бўлиб, у ўзининг мутлақо яроқсизлигини кўрсатди, у эркин фикрлаш ва эркин меҳнатни, омманинг ташаббуси ва ижодини бўғди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати амалга оширилиши натижасида ҳақиқатда большевиклар тасаввуридаги ҳарбийлашган жамият юзага келдики, унинг асосий белгилари бошқарувни мутлақ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, хўжалик юритишнинг мусодара усуллари, жазо чоралари билан меҳнатга мажбур қилиш, мавжуд бозор иқтисодиёти тизимини барбод қилиш, миллий ва инсонпарварлик қадриятларини марксча синфий қадриятлар билан зўравонларча алмаштиришдан иборат эди. Большевикларнинг ана шу ноилмий сиёсати ҳаётга жорий қилиниши оқибатида иқтисодиётнинг ҳалокатли инқирози, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви юз бердики, натижада совет ҳокимиятининг яшаш ёки яшамаслиги гумон бўлиб қолди. Юзага келган бу жиддий вазият коммунистик империя раҳбариятини бу иқтисодий сиёсатнинг мазмуни ва моҳиятини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилди. Асосий мақсадга эришиш учун «тактик ён беришларга уста» бўлган Совет давлатининг бошлиғи В.И. Ленин 20-йилларнинг бошларида «социалистик қурилиш»нинг янги андозасини жорий қилиш зарур, деган фикрга келди. У мамлакат коммунистларини «чекиниш»га, «қайта гуруҳланиш»га, «штурм ва тазйиқ» ўтказишнинг кескин усулларидан воз кечишга чақирди.

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3451-йиғма жилд, 9, 11-варақлар.

Бундай «чекиниш» муваққат чора сифатида товар-бозор муносабатларининг айрим белгиларини тиклашни, хўжалик юритишда ташаббускорликка йўл беришни, етарли воситаларга эга бўлган тадбиркорларни издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш ишига жалб қилишни назарда тутар эди.

«Социалистик жамиятни барпо этиш» вазифасини амалга оширишга янгича тактик ёндашувлар РКП(б)нинг X съездида (1921 й. март) расман қабул қилинган янги иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини топди. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим буғинлари озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотиқни эркинлаштириш, саноатда, хизмат кўрсатиш ва майда ҳунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка рухсат этиш, бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди.

Объектив жиҳатдан олганда янги иқтисодий сиёсат маданий ривожланишга имкон яратди. Бироқ уни амалга ошириш жараёнида чуқур зиддиятлар намоён бўлди. Улардан энг асосийси янги иқтисодий сиёсат принципларининг ҳукмрон мафкура ғоясига мос келмаслиги эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси социализм манфаатларига, совет коммунистик тузумини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим эди, лекин коммунистик мафкура эса, аввалбошдан, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини, хусусий тадбиркорликни, иқтисодий ва сиёсий фикр эркинлигини инкор этарди.

Янги иқтисодий сиёсат йўлининг зиддиятлари уни Туркистонда амалга оширишда яққол кўзга ташланди. Шу билан бирга, бу зиддиятлар мураккаб маҳаллий ўзига хос хусусиятлар билан чуқурлашиб борди. Туркистонда янги иқтисодий сиёсат бир қатор йўналишлари бўйича марказий Россияга нисбатан бирмунча кечроқ ўтказила бошланди. Бу ерда «ҳарбий коммунизм»га хос муносабатлар таъсири сезиларли даражада бўлиб, янги иқтисодий сиёсат ислоҳотлари давлат монополияси манфаатларига қаратилганлиги яққол намоён бўлди. Расмий жиҳатдан Туркистондаги янги иқтисодий сиёсат йўли Туркистон коммунистик партиясининг VI съезди (1921 й. август)[1] ва республика советларининг X қурултойи (1921 й. сентябр) қарорларида тасдиқланди. Уларда ўлканинг иқтисодий ривожланиши совет-империяча тузумининг мустаҳкамланиши ва «коммунизм сари ҳаракат» стратегиясини амалга ошириш билан чамбарчас боғланди. Буларнинг ҳаммаси соғлом бозор асосларининг тўлақонли намоён бўлиш имкониятларини чеклар, мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларига тўсиқ бўлар эди.

---

[1] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. — Т., 1988. С. 140.

Қишлоқ хўжалиги: тангликдан жонланиш сари

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати Туркистон Автоном Республикаси халқ хўжалигининг барча тармоқларини тушкунлик ҳолатига, айниқса, аграр соҳани ҳалокатли аҳволга олиб келди. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилги даражага нисбатан 1921 йилда 48,8%га қисқарди. Суғориш иншоотлари мисли кўрилмаган даражада барбод бўлди. Чорвачиликка жиддий зиён етди. Чорва моллари 1920 йилга нисбатан 3 баравардан зиёдроқ қисқарди: 1915 йилда мавжуд бўлган 24 млн. бошдан фақат 8.112 минг бош мол сақланиб қолган эди.[1] 1921 йилда эса бу жараён яна ҳам кучайди.

Деҳқон хўжаликлари ва ишга яроқли аҳолининг сони сезиларли равишда камайди. Хусусан, 1921 йилнинг бошларига келиб, деҳқон хўжаликларининг сони 1915 йилдагига нисбатан 15%, уларда ишловчи ишга яроқли эркакларнинг сони 36% қисқарди.[2] Бошқача айтганда, оилаларнинг учдан бир қисмидан кўпроги боқувчисиз қолди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан аграр ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган хўжалик тадбирлари занжирида мустақил иш олиб борувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка деҳқоннинг манфаати олдинги ўринга қўйилди. Майда товар ишлаб чиқарувчи эса иқтисодий тизимнинг мустақил ҳаракат қилувчи субъекти бўлиши учун унинг ерга эгалик қилишини таъминлаш, имтиёзли солиқ солиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришнинг иқтисодий омилларини жорий этиш мўлжалланган эди. Бунда хўжалик жараёнини бошқаришда давлатнинг фаол роли белгилаб берилди.

Пахтачилик алоҳида ғамхўрликни талаб қиладиган соҳа бўлиб, унда юзага келган танглик ҳолатлари анча кескин даражада эди. 1915 йилда Туркистонда 669 минг десятина майдонга пахта экилиб, ундан 831 минг т. ҳосил олинган эди. 1921 йилда эса, ялпи териб олиинган пахта ҳосили фақат 15 минг т.ни ташкил этди, пахта етиштириладиган майдон 1922 йилга келиб 11,5 минг десятинага тушиб қолди.[3]

Пахтачиликнинг инқирози метрополиянинг иқтисодий манфаатларига жиддий таъсир қилди. Шунинг учун ҳам марказий ҳукумат биринчи навбатда пахтачиликни тиклаш ҳақида ташвиш торта бошлади. Мамлакатда пахтачиликни марказлашган

---

[1] «Ирригация, сельское хозяйство и животноводчество». 1922, № 1—2. С. 29—30.

[2] *Аминова Р.Х.* Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917—1920 гг.) — Т., 1963. С. 243.

[3] Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства. — Т., 1949. С. 14.

ҳолда ривожлантириш учун РСФСР Олий Халқ Хўжалик Кенгаши ҳузурида Бош Пахта қўмитаси (Главхлопком) ва пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунадиган пахта қўмиталари таъсис этилди. 1921 йил 13 сентябрда Ленин «Пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисидаги Низом»ни имзолади. Бу низом пахтани давлат монополияси қилиб мустаҳкамлади.[1] Деҳқонларни пахта етиштиришга рағбатлантириш мақсадида марказий давлат тузилмалари қишлоқ хўжалик ишларини бюджетдан маблағ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик қуролларини олиб келиш, камқувватли хўжаликларни иш ҳайвонлари билан таъминлаш чораларини кўрдилар. Кўрилган чоралар хўжалик соҳасида муайян самарасини берди.

Ирригацияни қайта тиклаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш муаммолари ўта қийинчилик билан ҳал қилинаётган эди. Ҳокимият органлари сув хўжалигини тиклаш ишларига кенг деҳқонлар оммасини мажбуран жалб қилишга асосий эътибор бердилар. 1921 йил 11 майда Туркистон Автоном Республикаси ХКК Москванинг талаби билан ўлкадаги ирригация ишларини ҳарбийлаштириш тўғрисида декрет қабул қилди.[2] Айни вақтда то 1923 йилга қадар деҳқонлар зиммасида меҳнат ва отулов мажбурияти сақланиб қолди, кейин у «натура мажбурияти» деб қайта номланди. Деҳқонлар 1921 йилда бу мажбурият ҳисобига ирригация тизимларида 2 млн. киши-кунидан ортиқ тиклаш ишларини бажардилар, бу пул билан ҳисобланганда 2.390 минг сўм олтинни ташкил этарди.

Туркистонлик деҳқонларнинг мажбурий бепул меҳнати ирригация шохобчаларини таъмирлаш масалаларини қисман ҳал қилишга ёрдамлашди. Лекин сувдан фойдаланиш тизимини таъмирлаш ва тартибга солиш соҳасидаги асосий ишларни фақат аҳолининг кучи билангина амалга ошириб бўлмасди. Давлат буни ҳис қилган ҳолда ирригация ишларига бюджетдан тобора кўпроқ маблағ ажрата бошлади. 1923 йилда бу маблағлар 5.567 минг, 1924 йилда эса 6.260 минг олтин сўмни ташкил этди.[3] Шу билан бирга деҳқонларнинг бепул меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган йўл сақланиб қолди. 1923 йилда қишлоқ аҳли натура мажбурияти ҳисобига қарийб 3,6 млн. киши-куни ишлаб берди, унинг умумий миқдори 3,8 млн. сўмдан ортиқ эди.[4] Янги иқтисодий сиёсатни ислоҳ қилиш йилларида аграр ўзгаришларнинг муҳим йўналиши — мувофиқлаштирилган ер сиёсатининг ўтказилиши бўлди. Бироқ, унда аввалги

---

[1] *Темирходжаев П.* Ленинский союз рабочих и дехкан Туркестана. — Т., 1969. С. 41—42.

[2] Съезды Советов в документах. Т. I. — М., 1959. С. 482—483.

[3] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 34, л. 27.

[4] ЎзР МДА, 215-фонд, 1-рўйхат, 473-йиғма жилд, 41—47 варақлар.

йиллардаги аграр сиёсатнинг кўпгина жиддий нуқсонлари сақланиб қолган эди. Булар жумласига синфий ёндашувнинг устиворлиги қишлоқ аҳолиси орасида ҳар томонлама ижтимоий табақаланишни кучайтириш, Туркистон қишлоқларини социалистик қайта қуриш кирар эди. Мазкур ёндашув 1921—1922 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳотида яққол ифодаланди. Аграр ислоҳот янги босқичининг умумий вазифалари ТКП V съезди ва Туркистон советларининг IX қурултойи (1920 й. сентябр) қарорларида белгилаб берилган эди. Бу вазифаларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи вазифа — социалистик йўналишда бўлиб, у «меҳнат билан шуғулланмайдиган бойқулоқ хўжаликлари»ни тугатиш ва кучманчи аҳолини ўтроқ ҳолатга ўтказишдан иборат эди. Иккинчи вазифа — «инқилобий-демократик хусусият»га эга бўлиб, у ерларни ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, батраклар, чорикорлар ўртасида меҳнат нормалари бўйича тақсимлашни ўз ичига оларди[1]. Учинчи устивор йўналиш чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг кучли сарқитларини енгишга қаратилган бўлиб, бу сарқитлар шу нарсада ифодаланар эдики, маҳаллий аҳоли ерларининг кўпчилик қисми, айниқса, Столипин ислоҳотлари даврида чоризмнинг кўчириш сиёсати натижасида келгинди рус деҳқонлари томонидан эгаллаб олинган эди. Ислоҳотларнинг бошланиш даврига келиб қишлоқ хўжалигидаги кўчириб келтирилган рус аҳолисининг сони ҳаммаси бўлиб 8%ни ташкил этарди, лекин улар бутун маданий ерларнинг деярли ярмини эгаллаган ва маҳаллий аҳолига нисбатан ер билан 15 баравар кўп таъминланган эди.[2]

Ислоҳотни амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришга 1921 йилнинг баҳорида киришилди. Ислоҳот ўтказиш учун дастлаб Ettисув, Сирдарё, Фарғона вилоятлари олинди. Ислоҳотнинг биринчи босқичида асосий вазифа кўчириб келтирилган русларнинг ерларини тортиб олишдан иборат сиёсий «фойдали» ишни амалга ошириш бўлди. Кўчириб келтирилганларнинг асосий қисми қулоқлар деб эълон қилинди, уларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга уринишлари «қулоқ-мустамлакачи унсурларнинг қаршилик кўрсатиши» деб баҳоланди. Ер-сув ислоҳоти фавқулодда тадбирлар шаклида ўтказилди. Ислоҳотнинг асосий воситаси — маъмурий тазйиқ ўтказишдан иборат бўлди.

Вақт ўтиши билан ислоҳотнинг стратегик вазифаларига мувофиқ кўчириб келтирилган руслардан ерларни мусодара қилиб олиш билан бир қаторда вақф ерларини тортиб олиш, бойлар, маннопlар, савдогарлар, диний хизматчилар ва қишлоқ ҳамда овулларнинг «меҳнат билан шуғулланмайдиган юқори табақа-

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1459-йиғма жилд, 106-варақ; ЎзР МДА, 25-фонд, 1-руйхат, 358-йиғма жилд, 110-варақ.

[2] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 862-йиғма жилд, 165—166 варақлар.

лари» деган бошқа вакиллари ерларини камайтириш юзасидан жиддий ишлар қилинди. Бунда «Қўшчи» иттифоқи «аграр ҳужум»нинг зарбдор кучи бўлиб майдонга чиқди, бу иттифоқ 90 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолисини бирлаштирган бўлиб, унинг аъзолари тортиб олинган ерларни биринчи навбатда ўзларига олишарди. Улар «меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар»ни аниқлар, бадавлат хўжаликларнинг ер, чорва моллари, меҳнат қуролларини ҳисобга олишар, «яшириб қўйиш»га уринишларни фош этишарди. Умуман олганда, Туркистон Республикасида «Қўшчи» иттифоқи ёрдами билан «меҳнат билан шуғулланмайдиган» 8034 та хўжалик тугатилган эди.[1]

Террорга учраган ислоҳот қурбонлари зўр бериб қаршилик кўрсатдилар. Кўпгина мулкдор деҳқонлар, шу жумладан, ўртаҳол деҳқонлар ўз ерларига экин экишдан бош тортдилар, чорва молларини тоғларга яширдилар, дон-дунларини «кўмиб ташладилар», баъзан ҳатто ўз уйларига ўт қўйдилар. Маъмурлар бу хатти-ҳаракатларга зўравонлик билан жавоб бердилар.

Умуман, ислоҳот жараёнида ер тузиш жамғармасига 1.722.626 десятина ер қўшилди. Шулардан кўчириб келтирилганлар посёлкаларини, хуторлар ва биринчи келиб эгаллаб олинган жойларни тугатишдан олинган ерлар 205.059 десятинани, европалик аҳоли посёлкаларида белгиланган меъёрдан ортиқча олинган ерларни тортиб олишдан қўлга киритилган ерлар — 85.107 десятинани, эркин ва кўчиб келганлар жамғармасини тугатишдан олинган ерлар — 1.321.720 десятинани, «меҳнат билан шуғулланмайдиган» хўжаликлардан тортиб олинган ерлар — 40.835 десятинани, монастирлар, черковлар ва вақф ерларини бегоналаштириш натижасида қўлга киритилган ерлар — 27.016 десятинани ташкил қилган эди. Ана шу ресурслардан маҳаллий аҳолининг 15.745 хўжалигига қарийб 600 минг десятина ерни экин экиш ва яйловлар учун берилди (шу билан бирга кўпроқ ўзбек аҳоли истиқомат қиладиган туманлардаги бундай хўжаликлар сони 3 мингта эди), кам ерли ва ерсиз ўзбек аҳолиси учун эса 117.512 десятина ер ажратиб берилган эди.[2]

1921—1922 йиллардаги ер ислоҳоти ҳар хил жараёнларни келтириб чиқарди. Бир томондан, у маълум маънода ер масаласини ҳал қилишга ёрдам берди. Бироқ ерсизларни ер билан таъминлаш соҳасида кўрилган бу тадбирлар Туркистон хўжаликларининг, айниқса, унинг ўзбеклар яшайдиган қисмига ниҳоятда кам манфаат келтирди, чунки уларга берилган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган барча ерларнинг 0,7%ини ташкил этар эди, холос.

---

[1] ГАРФ, ф. 3260, оп. 4, д. 70, л. 7—10.
[2] ЎзР МДА, 20-Р-фонд, 1-руйхат, 278-йиғма жилд, 28—33 варақлар.

Ислоҳот қишлоқдаги сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди. Қишлоқлар ҳаётида қатъий синфий зиддиятлар бошланганлиги кўзга ташланди. Кўпгина туманларда маҳаллий идоралар иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик қуролларини умумийлаштириш йўли билан аҳолини сунъий равишда деҳқончилик артелларига бирлаштиришга уринарди. Масалан, 1921 йилнинг ўрталарига келиб фақат Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳудудларида 8.745 хўжаликни бирлаштирган 275 та жамоа хўжалиги ташкил этилди. Давлат хўжаликлари тармоғи ҳам кенгайиб борди. 1923 йилда Туркистон Республикаси Ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрида 161 та давлат хўжалиги бор эди.[1] Ер-сув ислоҳотининг натижалари ТАССР МИҚнинг 1922 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Туркистонда ердан меҳнат мақсадида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида мустаҳкамланди.

1922 йилнинг иккинчи ярми — 1923 йилнинг бошларидан эътиборан хўжаликлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби янги иқтисодий сиёсатни янада амалийроқ руёбга чиқаришга қаратилган чоралар бўлди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш соҳасидаги қонунчилик мажмуида Туркистон Советлари МИҚнинг 1922 йил 11 апрелдаги «Натура солиғи ҳақида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга кўра деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озиқ-овқат разверткаси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10%и миқдорида озиқ-овқат солиғи белгиланди. Лекин орадан кўп ўтмай хўжаликнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий этилди. Солиқ қуйидаги пропорцияларда олиниши белгилаб қўйилди: 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлардан ҳосилнинг 5%и миқдорида, 2—4 десятинагача ери бор хўжаликлардан — 10%и, 4—6 десятинагача ери бор хўжаликлардан — 12%и, 6—8 десятинагача ери бор хўжаликлардан — 14%и, 8—20 десятинагача ери бор хўжаликлардан ҳосилнинг 16%и миқдорида ва ҳоказо.[2] Бу нафақат қишлоқдаги хўжаликларнинг турли тоифаларидан, айниқса, камбағал-батраклар қатламларидан олинадиган солиқни камайтирди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишга уриниб ҳам кўрилди.

Қишлоқ хўжалигининг юксалишини таъминлашда иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа воситалари ҳам қўлланди, булар қатъий валютанинг жорий этилиши, қарз беришнинг янги тартибини белгиланиши, деҳқонларга давлат томонидан қарз беришни кенгайтириш, имтиёзлар белгиланиши, қишлоқ кооперациясининг авж олдирилишидан иборат эди.

---

[1] *Ризаев Г.* Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. — Т., 1957. С. 71.
[2] История народного хозяйства Узбекистана. Т. I. — Т., 1962. С. 112.

Янги иқтисодий сиёсат пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Лекин бу ўзгаришлар чекланган тарзда эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг чинакам моҳиятини намоён қилиш йўлидаги асосий тўсиқ ТАССРда, кейинчалик Ўзбекистонда Иттифоқ Бош Пахта қўмитасининг ташкил қилиниши бўлди. Туркистонлик кўпгина арбоблар пахтачиликда давлат монополиясини тугатиш зарурлигини бир неча бор кўтариб чиққан эдилар. Мазкур монополия пахтачиликда рақобат ва соғлом товар-пул муносабатларининг намоён бўлиш имкониятларига тўсиқ бўларди. Хусусан, Ер ишлари халқ комиссари О.Асфандиёров Туркистонда пахтанинг давлат монополиясини тугатиш масаласини фаоллик билан ўртага қўйди. Янгича иқтисодий йўл мантиғи гарчи қийинчилик билан бўлса-да, одатдаги маъмурий-буйруқбозлик воситалари «захирасини» қайта кўриб чиқишга мажбур этди. 1923 йил январда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда: «Республика ичида пахтани харид қилиш давлат монополиясини бекор қилинсин»,[1] деб кўрсатиб ўтилган эди. Шу билан бир вақтда пахтанинг қатъий нархи бекор қилинди, чунки у пахта етиштириш харажатларини қопламас эди. Пахтакорларни товарлар билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Уларга ёлланма меҳнатдан фойдаланишга рухсат этилди, улар сув билан биринчи навбатда таъмин этиладиган бўлди, от-улов солиғидан, камқувватли хўжаликлар озиқ-овқат солиғидан озод қилинди. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг кайфиятида, уларнинг кўпроқ пахта етиштиришга бўлган интилишида ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Афсуски, бозорни тартибга солишга доир кўпгина муаммолар лозим даражада амалга оширилмай қолди. Хусусан, Бош Пахта қўмитаси ўз фаолиятини бирмунча қайта қурган бўлишига қарамай, аслида монополиячи бўлиб қолаверди. У товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини (қулай бўлиши учун у товар ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ хўжалик ширкатларига бирлаштирган эди) яккабошчилик билан бошқариб борди ва бу ишни кўпинча қаттиққўллик билан ва волюнтаристик тарзда амалга оширди: пахтакорларга қарз берар экан, ҳеч нарса билан ҳисоблашмасдан бу қарзнинг ўз вақтида тўланишини талаб қилди. Тўловни кечиктириб юборганларни, ҳатто табиий офат ёки ҳосилсизлик туфайли зарар кўрганларни ҳам аяб ўтирмади. Деҳқонлар қарз тўлаш учун уруғлик жамғармасини ҳам беришга, кейинги йилга эса уруғсиз қолишга мажбур бўлар, ёхуд қарз ҳисобига чорва молларини топшириб, очликка дучор бўлар эдилар.

Туркистон қишлоқ хўжалигини тиклашда ва янада ривожлантиришда кооперация сезиларли роль ўйнади. У ўн минглаб алоҳида майда деҳқон хўжаликлари билан саноат ўртасида мус-

---

[1] *Голованов А.А.* Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917—1937 гг. — Т., «Фан», 1992. С. 76.

таҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатиши, меҳнат унумдорлигини оширишга, деҳқонларнинг моддий аҳволини яхшилашга, давлат корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлашга ёрдам кўрсатиши лозим эди. Кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалигида устивор ривожланишга эга бўлди. Шу билан бирга дастлабки йилларда Туркистон Автоном Республикасида кредит кооперацияси анча кенгроқ оммалашди. Шуни ҳам айтиш керакки, Туркистон қишлоқларида қарз бериш муаммоси заиф соҳалардан эди. Бу ерда бой-судхўрлик ва савдо капитали асосий мавқеини эгалларди. Ундан 1921—1922 йилларда деҳқонларнинг 80—90%и қарз олди. Давлат йўли билан кредит бериш деҳқон хўжаликларининг фақат 15—20%ини таъминлар эди.[1] Бундай аҳвол шу нарсага имкон бердики, ҳақиқатда монополист бўлиб қолган хусусий капитал кредит тўлашнинг ҳаддан ташқари юқори миқдорини белгилай оларди.

Бой-судхўрлик ва савдо капиталига қарши кураш воситаларидан бири деҳқонларнинг ўзаро ёрдам жамиятининг ташкил этилиши бўлди. Бу жамият 1923 йилда пайдо бўлди. 1925 йилда Ўзбекистонда бу жамиятнинг 809 та шўъбаси бор эди. Ўзаро ёрдам жамиятлари кам қувватли деҳқон хўжаликларига қўлларидан келганча ёрдам кўрсатдилар. Бироқ уларнинг молиявий ёрдам кўрсатиш имконияти ниҳоятда чекланган эди.

Ҳокимият тузилмаларининг фикрига кўра, кредит кооперацияси судхўрлик капиталини сиқиб чиқаришда давлатга анча самарали таъсир кўрсатиш имконини берарди. Бу кооперациянинг шаклларидан бири кредит ва ссуда-омонат ширкатлари бўлди. 1923 йилда уларнинг сони 275 та эди. Шу билан бир қаторда қишлоқ аҳолисига қарз бериш қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали ҳам амалга оширилар эди, бу кооперация 1924 йилда қишлоқ аҳлига кредит беришда етакчи ўринни эгаллаган эди. Масалан, у пахтани кредит билан контрактация қилиш соҳасида давлат билан пахтакорлар ўртасидаги бирдан-бир воситачига айланиб қолди. Натижада қайд қилинган даврда хусусий сектор ҳиссасига барча тайёрланган пахтанинг қарийб 3%и тўғри келди, холос. Бошқача айтганда, битта монополия бошқаси билан алмашди.

1923 йилнинг май ойида РСФСР ҳукумати Давлат қишлоқ хўжалик банкини таъсис этди. Тез орада унинг филиали Туркистон Автоном Республикасида ҳам ташкил этилди. Қишлоқ хўжалик банки ўз операцияларини кредит ширкатлари ва қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали амалга оширарди. 1923 йилда Туркистонда 1169 та кредит-кооператив ширкати мавжуд бўлиб, ширкат аъзоларининг аксарият кўпчилиги Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки воситачилигида ссудалардан фойдаланди.[2] Кредитдан фойдаланадиган хўжаликлар эса 28 мингдан ортиқ эди.

---

[1] ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 1271-йиғма жилд, 5-варақ.
[2] *Ризаев Г.* Кўрсатиб ўтилган асар. 69-бет.

Туркистон қишлоқларида кооператив ҳаракатнинг ривожланишида 1923 йилда ташкил этилган Қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш қўмитаси салмоқли роль ўйнади. Бу қўмита фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ хўжалик ширкатларининг ташкил этилиши бўлди. Улар қишлоқ хўжалик кооперациясининг бошланғич шакли эди. Уз таркибий тузилишига кўра у унчалик мураккаб эмасди ва шу сабабдан деҳқонларнинг камбағал қатламларига анча тушунарли эди. 1923 йилнинг ўрталарига келиб бундай ширкатлардан 246 таси иш бошлаган эди. Улар аграр ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига хизмат кўрсатарди. Уларнинг кўпроқ қисми пахтачиликни ҳам қамраб олганди.

Қишлоқ хўжалик ширкатлари билан бир қаторда Туркистонда кооперацияларнинг бошқа турлари ҳам оммалашган эди. Чунончи, 1923 йилда республикада ҳар хил турдаги 877 та кооператив мавжуд бўлиб, уларга 288,1 минг киши аъзо эди. Улар орасида 259 таси матлубот кооперативлари бўлиб, 155,5 минг кишини таъминларди. 346 таси қишлоқ хўжалик кооперативлари бўлиб, улар 128,9 минг кишини, 199 таси ҳунармандчилик кооперативи бўлиб, улар 3,3 минг кишини бирлаштирган эди. 1924 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари сони ортиб, 910 тага етди. Натижада кооператив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи кучига айланиб қолди. Айниқса, пахтачиликда уларнинг аҳамияти катта бўлди. Шуни айтиш кифояки, 1924 йилда кооператорлар умумий пахта майдонларининг 92,6%ига чигит эккан эдилар.[1]

Бироқ, кооператив ҳаракатида муваффақиятлар билан бир қаторда унинг қудратли имкониятларидан тўла фойдаланилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бунга ҳам қисман бўлсада, иқтисодиётнинг мафкуралашганлиги сабаб бўлди. Улар кредитлар бериш ва кооперативларга аъзолар қабул қилиш масалаларида яққол кўзга ташланди. Ҳар кимни ҳам кооперативга қабул қилишавермасди. Синфий танлов мавжуд эди. Камбағалларга устиворлик бериларди.

1924 йил 11 январда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши Ўрта Осиё Тижорат банкини таъсис этди, унинг вазифасига қуйидагилар кирарди: республикаларда пахта тайёрлашни кредит билан таъминлаш, уларга СССРнинг фабрика-завод маҳсулотларини келтириб бериш, ТАССР, Бухоро ва Хоразм республикаларида ички товар айирбошлашни амалга ошириш. Тижорат банкининг кредит операциялари қишлоқ хўжалигини, айниқса, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1924 йилда банк томонидан берилган 13,5 млн. сўм ссудадан 55%и хом ашё тайёрлашга, шундан 17%и пахта тайёрлашга сарф қилинди.[2]

---

[1] ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 1271-йиғма жилд, 5-варақ.
[2] *Ризаев Г.* Курсатиб ўтилган асар. 68-бет.

Хўжаликларга раҳбарлик қилиш тизимларининг нисбатан соғломлаштирилиши, иқтисодий таъсир кўрсатиш воситаларидан кўпроқ фойдаланилиши 1923—1924 йилларда аграр ишлаб чиқаришда бурилиш ясади. Умумий экин экиладиган майдон 1 млн. десятинадан 1924 йилда 1 млн. 632 минг десятинага етди, бу урушдан олдинги миқдорнинг 57,8%ини ташкил этарди. 1923 йилда чорва моллар миқдори деярли учдан бир баравар кўпайди. 1924 йилда эса 300 минг бошдан кўпроққа ортди. 1924 йилда териб олинган пилла 1920 йилга нисбатан 3 баравар кўпайди ва 125 минг пудни ташкил этди.[1] Шундай қилиб, янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки тадбирларидаёқ унинг барча мураккаблиги ва зиддиятлари намоён бўлишига қарамасдан, қисман бўлсада, соғлом иқтисодий мунсабатни йўлга қўйишга, қишлоқ хўжалигининг фалажлик ҳолатидан чиқишига доир кескин муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди.

Саноатда янги иқтисодий сиёсат ислоҳотининг зиддиятлари

Туркистон қишлоқ хўжалигида бўлгани каби унинг саноатида ҳам 1920 йилга келиб чуқур инқироз юз берди. Айниқса, қайта ишлаш, қазиб чиқариш тармоқлари ва транспорт бутунлай издан чиққан эди. Ўлка саноати ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми 1920 йилда 1914 йилдагига нисбатан 80% камайган эди, шулха, пахта ёғи, пахта толаси ишлаб чиқариш 17 баравар пасайиб кетганди. Темир йўлларда паровозларнинг бешдан бир қисми зўрға ишлаётган эди. Тошкўмир ва нефть қазиб чиқариш эса кундалик эҳтиёжни ҳам қопламас эди.[2]

Янги иқтисодий сиёсат ислоҳотларини саноат соҳасида қўлланилишининг таркибий элементларидан бири ленинча «давлат капитализми» ғояси эди. У хўжалик юритишнинг носоциалистик шаклларини вақтинча тиклашни назарда тутарди, бироқ муҳим соҳалар, биринчи навбатда йирик саноат социалистик қайта қуришнинг асосий ижрочиси, мулкдори ва бошқарувчиси бўлган давлат қўлида сақланаётган эди.

Саноат ишлаб чиқаришининг социалистик секторида етакчи бўлган «янги иқтисодий сиёсат йўналиши» саноатда ва корхоналарда қатъий режалаштиришни ва хўжалик ҳисобини жорий этиш асосида бошқарувни кенг миқёсда қайта қуришга қаратилди, у сўм билан назорат қилишни ва ишлаб чиқариш демократиясини бир қадар кенгайтиришни таъминлар эди.

1921 йилда саноатга раҳбарлик қилишни қайта ташкил этиш амалга оширилди. Унинг асосий моҳияти йирик ва муҳим корхоналарда ишлаб чиқаришни марказлаштиришдан иборат эди.

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. Т. III. — Т., 1967. 363—364-бетлар.
[2] ЎзР МДА, 27-фонд, 28-рўйхат, 496-йиғма жилд, 35-варақ.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар бирлаштирилди, фойда келтирмайдиган корхоналар эса ёпилди.

Янги иқтисодий сиёсат шароитида давлатнинг саноатни қайта ташкил этиш сиёсатининг энг мақбул шакли сифатида ишлаб чиқариш бирлашмалари — марказлаштирилган трестлар эътироф қилинди. 1921 йилнинг охирига келиб Туркистонда ана шундай трестлардан 10 таси ташкил этилди, улар хўжалик ҳисобига ўтказилган 99 та йирик корхонани бирлаштирган эди. Масалан, ёқилғи саноати корхоналари «Туркёқилғитрести»га, металл ишлаш саноати корхоналари «Саноатметалл» трестига, бинокорлик материаллари корхоналари «Қурилиштрести»га, ун-тегирмон саноати корхоналари «Унтрест»га бирлаштирилди. «Тошгэстрам», «Тошремтех», «Хомтери» трестлари ва бошқалар ҳам иш олиб борарди.[1]

Иқтисодиётни бошқаришнинг марказлашган органлари ўрнига келган трестлар янги шаклланиб келаётган хўжалик механизмининг бир қисми сифатида (агарда уларни айланма капитал билан тегишли суратда таъминлаб, вазифалари аниқ белгиланиб, хўжалик ҳисобига асосланган фаолиятини изчиллик билан ривожлантирган тақдирда) иқтисодиётнинг тикланишида ижобий роль ўйнади. Натижада Туркистон Республикаси Олий Халқ Хўжалик Кенгаши тасарруфидаги ишламай турган корхоналар сони 46%дан 28%га тушди.[2]

1921 йилда йирик Хилково цемент заводи қурилиши қайта тикланди. Фарғона пиллакашлик фабрикаси, Тошкентда гидроэлектрстанция барпо этила бошлади. 1924 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қуриб битказилган Бекобод цемент заводи, 9 та электростанция, 2 та металл ишлаш заводи, 2 та тикувчилик ва 1 та пиллакашлик фабрикалари ишлай бошлади ва ҳоказо.[3]

Туркистон саноати биринчи навбатда социалистик ишлаб чиқариш воситаси сифатида тикланди ва ривожланди. Умуман ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида 1924 йилда давлат сектори улуши 97,1%ни, хусусий капиталистик сектор улуши 1,8%ни ва кооператив сектор улуши 1,1%ни ташкил этди.[4]

«Хусусий капитал» саноатнинг асосий бўлмаган тармоқларга ишлатилиши мумкин эди ва қатъий давлат назорати остида бўларди. Бу капитални тиклаш шаклларидан бири ижаранинг жорий этилиши бўлди. Олий Халқ Хўжалик Кенгашига бўйсунадиган корхоналарни ижарага бериш РСФСР ХККнинг 1921 йил 5 июлдаги Декрети билан белгиланган эди. Мазкур декретга биноан фақат норентабель, майда ва фаолияти тўхтатиб қўйилган корхоналарни ижарага бериш тавсия этилган эди. Ижа-

---

[1] *Ульмасбаев Ш.Н.* Промышленные развитие Советского Узбекистана. — Т., 1958. С. 77.

[2] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 108-йиғма жилд, 6-варақ.

[3] РЦХИДНИ, ф. 62, оп.1, д. 305, л. 14.

[4] ЎзР МДА, 10-фонд, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд, 4-варақ.

рачилар асосан хусусий шахслар бўлиб, улар кўп ҳолларда корхоналарнинг ёки кооператив ташкилотларнинг собиқ эгалари (30%) эди.

Янги иқтисодий сиёсат ислоҳотларининг бошланғич босқичида корхоналарнинг аралаш хусусий ҳиссадорлик тарзида ижарага берилиши нисбатан кенгроқ ривожланди. Бундай ижарани кўпроқ хусусий капитал асосида жамиятлар ва ширкатлар амалга оширардилар. Масалан, 1922 йилнинг июн ойида Самарқандда пиво пиширish заводини фойдаланишга топшириш бўйича савдо-саноат ширкати ташкил этилган эди[1]. 1922 йилнинг охирларидан эътиборан хусусий капитал негизида «Туркистон», «Тижорат», «Экспорт-импорт», «Уч бош», «Воситачи», «Карвон» ва бошқа ширкатлар ишлай бошлади.[2] Фақат Фарғона вилоятининг ўзида бу даврда 24 та савдо ва ижара ширкатлари рўйхатга олинган эди.[3]

Совет давлати саноат соҳасида хусусий ташаббуснинг кенг тарқалишини чеклашга, хусусий капитал мавқеининг кучайишига таъсирчан тусиқ қўйишга бутун воситалар билан уринди. Шундай бўлса ҳам, қаттиқ шартларга қарамасдан, хўжалик юритишнинг янги шакллари кириб келаверди. 1921 йилдаёқ Туркистон Автоном Республикасида 86 та корхона ижарага берилган эди.[4] Гарчи давлат монополияси ҳукмрон бўлса-да, хусусий капитал пахтачиликка зўр қизиқиш билан қаради. Хусусий капиталга «майда ва ярим-ёрти бузилган» пахта тозалаш ва ёғ заводлари ижарага берилди.

Туркистонда йирик фабрика-завод саноатининг заиф даражада ривожланиши ҳунармандчилик саноатининг авж олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Хом ашё тайёрлаш ва маҳсулот сотишни биргаликда олиб боришнинг фойдали эканлигини тушунган ҳунармандлар артелларга бирлашдилар, ҳунармандчилик кооперациясини ташкил этдилар. 1921 йилда ўлкада ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига оид 1270 та кооператив-ҳунармандчилик артеллари ишлаб турарди, уларга 30 мингга яқин ҳунарманд бирлашган эди.[5]

Кооперациялар фаолиятида аҳолининг мустақиллиги олдингига қараганда кўпроқ намоён бўлди. Кооператив ташкилотларга бошқалардан ажралиб турадиган иқтисодий мавқега эга бўлган ижтимоий табақаларнинг вакиллари кирарди. Ишлаб чиқариш натижалари ҳам етарли даражада самарали бўлди, бу эса маданий товар-пул муносабатлари доирасида ривожланувчи кооператив ҳаракатнинг кенг имкониятларга эга эканлигидан далолат

---

[1] ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 181, л. 32.

[2] ЎзР МДА, 43-фонд, 1-рўйхат, 11-йиғма жилд, 3,19, 29-варақлар; 126-йиғма жилд, 1—2-варақлар.

[3] Ў ш а ж о й д а.

[4] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 305, л. 35.

[5] «Известия» (Ташкент). 1922, 3 июня.

берарди. Афсуски, бу имкониятлардан тўла маънода фойдаланишнинг имкони бўлмади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кооперациядан ниҳоятда кам фойдаланилди, расмиятчиликка асосланган йўл-йўриқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган эди. Кооператив секторнинг шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам фаолият кўрсатишига мафкуравий мутаассибликлар, молиявий-иқтисодий қийинчиликлар, маъмуриятчилик тўсқинлик қиларди.

Янги иқтисодий сиёсат ислоҳотининг зиддиятлари Туркистондаги саноат ишлаб чиқаришини тиклаш жараёнларига ўз таъсирини кўрсатди. Бир томондан, хўжалик юритиш янги механизмларининг жорий этилиши, иқтисодий фикр эркинлигининг нисбатан тикланиши сифат ўзгаришларига олиб келди. 1923/24 хўжалик йилида ТАССРдаги бутун йирик ва ўрта саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1921 йилдагига нисбатан 1,7 мартадан зиёдроқ кўпайди.[1]

Саноатнинг тикланиши ва ривожланиши большевиклар истаганидек республикада синфий табақаланишни сезиларли даражада тезлаштирди. 1922 йил январдан 1925 йил январгача ишчилар ва хизматчиларнинг сони 6244 кишидан 14824 кишига етди, яъни 2 баравардан кўпроқ ўсди. Ишчиларнинг 30%ини маҳаллий миллатларнинг вакиллари ташкил этарди.

Бинобарин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг тикланиш суръатлари янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши муносабати билан иқтисодий ўсиш учун яратилган имкониятларга мутлақо мос келмасди. 1924/25 хўжалик йилида республика саноати ялпи маҳсулотининг миқдори 1914 йилги даражанинг фақат 65%ини ташкил этарди.[2]

Товар-пул муомаласида янгича муносабатларнинг қарор топиш муаммолари

Янги иқтисодий сиёсат йўлининг ўзига хос хусусияти — товар-пул муносабатларининг жонланиши, савдо ва айирбошлаш классик шаклларининг «ҳарбий коммунизм»га хос чеклашлардан озод бўлиши эди. Эркин савдо 1921 йилдан эътиборан ривожлана бошлаган ва тезда иқтисодиётнинг таъсирчан механизмига айланиб қолган эди. Унинг соғломлашувига 1922—1924 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берди. Давлат пул муомаласидаги тартибсизликларга чек қўйди, муомалага эркин алмаштириладиган валюта — червонец чиқарилди, унинг курси олтинга тенглаштирилган эди. Натижада бозорнинг роли тикланиб борди. Бозорлар, ярмаркалар очилиши муносабати билан банклар тармоғи, кредит ва суғурта хизматлари ташкил этилди.

---

[1] ГАРФ, ф. 3429, оп. 117, д. 516, л. 201.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. III том. 317-бет.

Туркистон деҳқонлари Туркистон МИҚнинг 1922 йил 11 апрелдаги «Натура солиги тўғрисида»ги қарорини катта қувонч билан кутиб олишди. Бу қарор барча учун манфур бўлган озиқ-овқат разверсткасини бекор қилган эди. Мазкур қарорнинг амалга оширилиши деҳқонларнинг турли тоифаларидан олинадиган солиқни нафақат сезиларли равишда камайтирди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг иқтисодий омилларини ривожлантиришга имкон туғдирди. Бироқ дастлабки йил давомида озиқ-овқат солиғи ғояси жуда заиф амалга оширилди. Туркистонда озиқ-овқат солиғи 8 хил натура солиғидан ташкил топар эди. У қишлоқ хўжалик маҳсулотининг озиқ-овқат турлари билан бир қаторда техникавий экинлар ва емхашакни ҳам қамраб оларди.

Туркистонда озиқ-овқат солиғи натура шаклининг жорий қилинишини озиқ-овқатнинг кескин етишмаслиги, инфляциянинг авж олиши, пул муомаласининг издан чиққанлиги тақозо этган эди. Бироқ озиқ-овқат солиғининг бу шакли солиқ тўловчилар учун ҳам, солиқ идоралари учун ҳам маҳсулотни ташиб келтириш ва сақлаш билан боғлиқ бир қатор қийинчиликларни юзага чиқарди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг соғломлашуви ва деҳқон хўжаликлари молиявий аҳволининг мустаҳкамланишига қараб солиқни бирхиллаштириш юзасидан чоралар кўрила бошланди. 1923 йил 13 июнда ТуркМИҚ ва ТАССР ХКК озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалик солиғига ўтиш тўғрисида декрет чиқарди. Натижада товар-пул муносабатларининг субъекти бўлган деҳқонларнинг роли сезиларли равишда кучайди.

Товар-пул муносабатлари янги тизимини шакллантириш жараёнларининг кучайишига янги иқтисодий сиёсатни фақат аграр ва саноат ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, балки шаҳар хўжалиги, аҳолига савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам қўллаш ёрдам берди. Ҳамма жойда савдо шохобчаларини, умумий овқатланиш корхоналарини, уйлар, томоша муассасалари, ҳаммом, бозор, карвонсарой, ер участкалари, боғлар ва бошқа объектларни ижарага бериш тажриба қилина бошланди. Лекин характерли томони шундаки, мазкур соҳалардаги ижарага бериш муносабатларининг кўлами саноатдагига нисбатан анча кенгроқ миқёс касб этган эди.[1]

Қишлоқда ҳам ижара кенгайди. Бу ерда маҳаллий ҳокимият органлари ерни, ирригация иншоотларини, насослар ва шу кабиларни фойдаланиш учун ижарага бердилар. Хусусан, фақат 1921—1922 йилларда қишлоқ жойларида 30 та суғориш станцияси ижарага топширилди. Қишлоқда ижара-тижорат фаолиятини авж олдириш сиёсатини амалга оширишда синфий-мафкуравий йўл қўлланилди. Ижарага бериладиган объектларни дав-

[1] РЦХИДНИ. ф. 62, оп. 1, д. 248, л. 61—62.

лат назоратида бўлган хўжалик ташкилотларига, «Қўшчи» иттифоқига, артеллар ва кооперативларга беришдан иборат биринчи даражали иш амалга оширилди.[1]

Хусусий капитал асосида ташкил этилган воситачилик ва савдо ширкатлари, артеллар қаттиқ мафкуравий назорат остида бўлди. Хусусан, партия ҳужжатларида ширкатлар ва артеллар ниқоби остида «соф капиталистик бирлашмалар яширинган бўлмаслиги»ни қатъий равишда кузатиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Янги иқтисодий сиёсат воқеликларининг шак-шубҳасиз ижобий томони шу бўлдики, давлатнинг хусусий капитал билан, ижарачилар, турли-туман мол-мулк эгалари ва хўжаликлар билан муносабатлари солиқлар орқали йўлга қўйилди. Бироқ солиқ хизмати фаолиятида ҳам синфий ёндашув устиворлик қилар эди. Кўпинча «хусусийлар»га жуда катта миқдорда солиқлар солинар, тадбиркорликнинг эркин фаолияти эса бутунлай чеклаб қўйилган эди.

Иқтисодиётнинг эркин ривожланишига, тадбиркорлар гуруҳлари мавқеининг кучайиб боришига қарши шак-шубҳасиз давлат томонидан тусиқлар қўйиларди. Улар ўртасидаги «келишмовчилик» натижасида юзага келган зиддиятлар янги иқтисодий сиёсат ислоҳотлари ва шаклланиб келаётган янги товар-пул муносабатлари имкониятларини заифлаштирди.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг биринчи ярмида Туркистонда вужудга келган иқтисодий вазиятга умумий баҳо бериб шуни айтиш мумкинки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошланган эркин фаолият жараёни, янги иқтисодий сиёсат принциплари ва таркибий қисмларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари вайронагарчиликни секин-аста тугатишга ва хўжалик ҳаётининг тикланишига олиб келди. Иқтисодий жонланиш саноатни, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини, қишлоқ хўжалигини қамраб, товар-пул муносабатларида ўз ифодасини топди. 1924 йилдаёқ республикада товар оборотининг умумий ҳажми 60 млн. сўмликни ташкил этди, чакана савдо корхоналарининг сони бир мингтадан ошиб кетди, умумий овқатланиш соҳасида турли ихтисосдаги корхоналар фаолият кўрсата бошлади. 1924/25 хўжалик йилида улгуржи савдо соҳасида давлат ва кооперациянинг улуши 59,4%ни, умумий товар оборотининг 48,4%ини ташкил этди.[2] Қолган қисми эса «хусусий»лар зиммасига тўғри келди. Бироқ большевиклар андозасида бўлса ҳам ҳаракатга туширилган янги иқтисодий сиёсат Туркистондаги истиқлолчилик курашлари янги босқичининг авж олиши натижасида ўзини тўлиқ намоён қила олмади.

---

[1] «Бюллетень Центросоюза». 1924, № 1. С. 14.
[2] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 248, л. 178—179.

3. ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МУХОЛИФАТ ВА ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Лекин истиқлолчилик курашининг янги босқичи ўзига хос хусусиятга эга бўлган мураккаб ва зиддиятли даврни ўз ичига олган эди. Курашнинг биринчи даврида большевиклар ҳукуматига қарши чиққан истиқлолчилар туб ерли аҳоли вакилларидан иборат бўлиб, улар асосан россияликлардан ташкил топган қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар, яъни маҳаллий халқ билан келгинди, босқинчилар ўртасида ҳаёт-мамот кураши бўлган эди.

Большевиклар ҳукуматида хизмат қилаётган туб ерли раҳбар ходимларнинг неча бор маҳаллий аҳоли вакилларини ҳам қизил армия сафига чақириш ҳақидаги талаблари большевиклар, айниқса, Туркомиссия томонидан инобатга олинмади, сирасини айтганда, улар туб ерли аҳоли вакиллари қўлига қурол беришдан чўчидилар. Натижада, истиқлолчилик курашининг биринчи босқичи, моҳият нуқтаи назаридан олганда, том маънодаги босқинчларга қарши миллий истиқлол учун кураш бўлди.

Марказий ҳукумат раҳбарлари ва унинг Туркистондаги таянчлари фақат 1920 йилнинг бошларидагина бу ҳақиқатни тушуниб етдилар. Маҳаллий аҳоли вакилларидан қизил армия сафларига олиб, уларни истиқлолчиларга қарши қўйиш билан бу кураш моҳиятини ўзгартиришга, Туркистон халқини Россиядаги каби фуқаролар уруши гирдобига тортишга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе 1920 йил 7 майда қизил армия сафларига маҳаллий миллат фуқароларидан 30 минг кишини олиш тўғрисида буйруқ чиқарди.[1]

Лекин бу билан масала уйланганидек ҳал бўлмади. Қизил армия сафида истиқлолчиларга қарши жанг қилишни истамаган чақирув ёшидаги минглаб эркаклар истиқлолчилар сафини тўлдирдилар. Шу билан бирга, совет ҳукумати ташвиқотларига, большевикларнинг баландпарвоз ваъдаларига ишонган юзлаб маҳаллий аҳоли вакиллари қизил армия сафига кириб, истиқлолчиларга қарши курашдилар. Натижада, шу даврдан эътиборан, бу курашнинг мазмуни ва моҳияти сал бошқача руҳ касб эта бошлади, у яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди.

Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе 1920 йил 15 майда Фарғона вилоятидаги 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Веревкин-Рахальский номига буйруқ юбориб, истиқлолчиларга қарши кураш тактикасини ўзгартириш ва уларни ёппасига қириб ташлашни топширди. Фрунзе «қурбошилар билан

[1] РГВА, ф. 110, оп. 5, д. 585, л. 224—225.

музокаралар олиб боришни тўхтатишни, босмачи шайкалар таркибига кирган ҳар қандай шахслар халқ душмани сифатида отиб ташланишини»[1] буюрди. 1920 йил 28 майда М.Фрунзенинг буйруғи билан истиқлолчиларни қиришга мўлжалланган махсус «жанговар учар отрядлар» тузилди.[2] Шу билан бир қаторда яна махсус жазо отрядлари ташкил қилиниб, улар ҳам Фарғона водийсига ташланган эди.

Шундай қилиб, Туркомиссия ва Туркфронт раҳбарлари истиқлолчиларга қарши кураш стратегияси ва тактикасини тубдан ўзгартириб, кечагина ўзлари эълон қилган сиёсий тадбирлар, истиқлолчиларни тинчлик йўли билан ўз томонларига оғдириш каби нозик дипломатик ўйинлар бир чеккага йиғиштирилиб, «қурол кучи ҳамда зўравонлик билан»[3] истиқлолчилик ҳаракатини бутунлай тор-мор қилиш тўғрисида қатъий қарорга келдилар.

Туркфронт қўмондонлигининг 1920 йил май ойи ўрталарида қабул қилган бу тадбирлари истиқлолчиларнинг иродасини буколмади. 1920 йилнинг май ойидан бошлаб ўзининг янги палласига қадам қўйган истиқлолчилик ҳаракати кураши байроғини Мадаминбек ўрнига кўтарган Шермуҳаммадбек номи билан бевосита боғлиқдир.

Истиқлол учун курашганлар

Шермуҳаммадбек (1893—1970) — Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли арбоби. У Фарғонадаги Тошлоқ туманининг Гарбобо (Карбобо азизлар) қишлоғида беклар авлодидан бўлган Қўшоқвой ҳожи хонадонида 1893 йилда туғилди. А.З.Валидий Тўғоннинг ёзишича, Шермуҳаммадбек 1916 йилда чор Россияси томонидан мардикорликка олинган ва Польша фронти ихтиёрида ишлаган. 1918 йилдан истиқлолчилар сафида турган. Унинг асосий мақсади Туркистонда ислом жумҳуриятини ташкил қилиш бўлган.

У хорижда 1942 йилда тузилган туркистонлик муҳожирларнинг «Ватанни озод қилиш» (баъзи манбаларда «Фаол») номли яширин ташкилотининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Дин пешвоси Мубоширхон Тарозий бу ташкилотнинг бошлиғи, Шермуҳаммадбек эса ҳарбий қўшинлар бош қўмондони эди. 1943 йил март ойида Афғонистон ҳукумати ташкилот раҳбарларини, шу жумладан, Шермуҳаммадбекни ҳам қамоққа олади. У икки йил давомида Кобул қамоқхонасида туткунликда туради. Қамоқдан чиққанидан сўнг у маълум муддат Ҳиндистонга кетади. 1951—1959 йилларда Покистонда яшайди. 1959 йилдан то умрининг охиригача Туркиянинг Адана шаҳрида ҳаёт кечиради. Шермуҳаммадбек 1970 йил 10 мартда, укаси Нурмуҳаммадбек 1983 йил 10 январда Адана шаҳрида вафот

---

[1] РГВА, ф. 110, оп. 3, д. 290. л. 128; оп. 1. д. 71, л. 20.
[2] Ў ш а ж о й д а, д. 235, л. 40—45.
[3] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 206-йиғма жилд, 92-варақ.

этишади. Уларнинг фарзандлари ҳозирги кунда АҚШ ва Туркияда яшайдилар. Шермуҳаммадбек муҳожирликда Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати ва ўзи бошчилик қилган мужоҳидлар фаолияти ҳақида ўзининг хотираларини ёзиб қолдирган.

1920 йил май ойи бошида Олтиариқ туманидаги Ғарибота қишлоғида Фарғона водийси қурбошиларининг навбатдаги қурултойи бўлди. Қурултойда **«Туркистон мустақил ислом жумҳурияти»,** яъни Туркистон муваққат ҳукумати тузилди. Ушбу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўшинларининг олий бош қўмондони — «амир ал-муслимин» қилиб сайланди.

Туркистон муваққат ҳукумати Фарғона водийсидаги озодлик курашига маълум даражада хизмат қила олди. Заки Валидийнинг ёзишича, ҳукумат таркибига Шермуҳаммадбек — ҳукумат раиси ва бош қўмондон; Муллажон Қори — миршаблар бошлиғи; Акбаржон Эшон — шайхулислом; Абдусалом Қори — ҳукумат бош котиби; Назиржон — молия директори; Муллаҳожи Ниёз — муҳим масалаларга масъул қилиб киритилган.[1] Бундан ташқари, 14 кишидан иборат ҳарбий маслаҳат маҳкамаси тузилган бўлиб, унда истиқлолчилик ҳаракатининг истиқболлари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни кўриб чиқиш мўлжалланган эди.

Шермуҳаммадбек томонидан большевиклардан озод қилинган жойларда элликбошилик, мингбошилик лавозимлари қайтадан тикланди. Аҳолидан солиқларни элликбошилар йиғиб, мингбошилар орқали қурбошиларга етказишган. Қурбошилар эса бу тўловларни молия директори орқали ҳукумат хазинасига топширган. Кўп ўринларда бадавлат кишилар ҳисобланган бойлар, савдогарлар ва руҳонийларга қўшимча солиқлар ҳам солинган. Ушбу тўловлар совет ҳокимияти томонидан белгиланган солиқлардан бир неча марта кам бўлган. Қурбошилар ва улар йигитларининг озиқ-овқат таъминоти эса одатга кўра улар жойлашган қишлоқ аҳли зиммасига юкланган.[2] Оқибатда халқ икки томонлама, ҳам қизил аскарлар, ҳам истиқлолчилар томонидан таланиб хонавайрон бўлган, «икки ўт» ўртасида ёнган.

Шермуҳаммадбек қўшинлари сафига Фарғона водийсидаги барча қурбошилар, шунингдек, Мадаминбек билан бирга ёки ундан кейин совет ҳокимиятига таслим бўлган қурбошиларнинг аксарияти ва уларнинг йигитлари ҳам келиб қўшилдилар. Ўша давр ҳужжатларининг бирида эътироф этилишича, «Мадаминбек қурбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шер-

---

[1] *Ҳайит Б.* Туркистон XX асрда (олмон т.) — Дармштадт, 1956, 202-бет.

[2] Таққослаш учун қаранг: *Ҳайит Б.* Туркистон XX асрда. 202—203-бетлар; РГВА, ф. 28113, оп. 7, д. 84, л. 1—4.

муҳаммадбек шубҳасиз энг хавфлиси эди».[1] 1920 йил августининг охири ва сентябрнинг бошида Туркфронт қўмондони М.Фрунзенинг буйруғига кўра, Фарғонадаги қўшинларнинг катта қисми Бухоро амирлигини тугатиш учун юборилди. Ушбу имкониятдан фойдаланган истиқлолчилар ҳарбий ташаббусни ўз қўлларига олиб, ҳаракатни янада кучайтирдилар. Фақат 1920 йил 10—27 сентябрда улар Водил, Гурунчмозор, Чувол, Урганжи қишлоқларини қўлга киритиб, Ўш ва Қўрғонтепа станцияларида турган қизил аскар гарнизонларига қақшатқич зарба бердилар[2]. Ўш шаҳри вақтинчалик бўлса-да, яна истиқлолчилар қўлига ўтди.[3] Бухоро амирлиги қурол кучи билан тугатилган кун — 1920 йил 2 сентябрда Туркистон Автоном Республикаси ҳукуматининг Туркфронт қўмондони номига йўллаган мактубида «босмачилик Фарғона вилояти ҳудудидан чиқиб, ҳатто Тошкент уездининг 8 та волостини ўзига қамраб олди», деб ташвишланиб ёзилган эди.[4]

Фарғонадаги қизил армия группасининг қўмондони Коноваловнинг С.С.Каменев номига ёзган маълумотномасида айтилишича, «Фарғонада босмачилик 1920 йил сентябр ойида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, яширин ҳолда ишлаётган мусулмон ташкилотлари ўз фаолиятларини бутун совет Фарғонасида авж олдирдилар ва Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга тайёрландилар».[5]

Бунга қарши Туркфронт қўмондонлиги Г.В. Зиновьев раҳбарлигидаги «30.000 кишидан иборат»[6] катта ҳарбий кучни бир вақтнинг ўзида Фарғона водийсига ташлади. Истиқлолчилар қўшинлари сон жиҳатдан нисбатан ортиқ бўлса-да, қурол-яроғларининг миқдори ва сифати тўғрисида бундай деб бўлмасди. Қўрбоши йигитларининг аксарият қисмида қуролнинг ўзи мутлақо йўқ эди. Масалан, Йўлчи қўрбошининг 500 йигити бўлиб, уларнинг «фақатгина ярмиси қуролланган эди»[7]. Бу ҳақда 1920 йил 8 августда 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Ф.Карпов Туркфронт қўмондони М.Фрунзе билан телеграф орқали қилган суҳбатида «Босмачилар бўлиб ўтган жангларда катта куч йўқотсалар-да, ҳозирги вақтда уларнинг сафи янгитдан, ҳатто аввалгидан ҳам ортиқ даражада тўлиб бормоқда, ҳар бир милтиққа бешта номзод даъвогарлик қилмоқда», деб айтган эди[8]. Демак, ҳар битта милтиққа истиқлолчи йигитлар ўртасида бештагача даъвогар бўлган. Уларга фақатгина қурол-яроғ эмас, бал-

---

[1] *Кувшинов В.* Ферганский район //«Военная мысль». 1920. Кн.I. С. 260.
[2] РГВА. ф. 268, оп. 1, д. 129, л. 4—13; ф. 110, оп. 1, д. 182, л. 52.
[3] Ўш а ж о й д а. ф. 268, оп. 1; д. 129. л. 2.
[4] ЎзР МДА. 25-фонд, 1-руйхат, 300-йиғма жилд, 33-варақ.
[5] ЎзР МДА. 17-фонд, 3-руйхат, 36-йиғма жилд, 107-варақ.
[6] Ў ш а ж о й д а. 1-рўйхат, 90-йиғма жилд, 333-варақ.
[7] ЎзР МДА. 25-фонд, 1-руйхат, 300-йиғма жилд, 33-варақ.
[8] РГВА. ф. 110, оп. 5, д. 309, л. 7—10.

ки ўқ-дори, кийим-кечак ва озиқ-овқат ҳам етишмас эди. Йигитларнинг баъзилари эса оёқяланг эдилар.[1] Бу аҳвол истиқлолчилар ҳаракатининг жиддий натижаларни қўлга киритишига имкон бермас эди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда совет ҳукумати истиқлолчиларга ва биринчи ўринда Шермуҳаммадбек қўрбошига мурожаат қилиб, улардан таслим бўлишни талаб қилди. Шермуҳаммадбек бу таклифни рад этди. Шермуҳаммадбекнинг 1920 йил 10 декабрда ёзган жавоб мактубида «совет ҳокимияти ва бизнинг вакиллар ўртасида тинчлик музокаралари фақат Миллий Республика Конституцияси (бу ерда сўз Шермуҳаммадбек томонидан 1920 йил май ойида тузилган Туркистон Муваққат ҳукумати Конституцияси устида кетмоқда. — *Таҳририят*) асосида гап юритилгандагина бўлади. Шундай ҳолатда музокаралар олиб боришни хоҳласангиз, биз қачон ва қаерга вакиллар юборишимизни хабар қилинг»,[2] дейилган эди. Бош қўмондон Шермуҳаммадбек муҳри урилган ва Алиёрбек қўрбоши томонидан Фарғонадаги совет ҳокимияти вакилларига берилган ушбу мактуб 19 декабрда Тошкентдан Москвага жўнатилди.

Истиқлолчилар жуда катта талафот кўраётганликлари ва ҳарбий қудрат жиҳатидан босқинчиларга тенг кела олмасликларига қарамасдан, улар большевикча режим учун жиддий хавф бўлиб қолавердилар. Шунинг учун ҳам катта миқдордаги ҳарбий кучни тўплашга муваффақ бўлган Фарғона армия группаси 1921 йил 31 январда истиқлолчиларга қарши кенг миқёсда ҳужумга ўтди. Дастлабки зарбага Андижон уездида фаолият кўрсатаётган Парпи қўрбошининг гуруҳи учради. Парпининг мингдан ортиқ йигитларидан иборат дастасига Исроил қўрбоши ўз одамлари билан кўмакка келса-да,[3] сон жиҳатдан ортиқ бўлган қизил аскарлар бир неча кунлик жанглардан сўнг уларнинг қаршилигини синдирдилар. Анчагина йигитларидан ажраган Парпи Учқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлди. У кейинги жангларнинг бирида оғир яралар бўлиб, 9 апрелда вафот этди.[4] Парпи қўрбоши ўлимидан сўнг унинг йигитларига раҳбарлик қилиш учун Маҳкам Ҳожи ва Исроил қўрбошилар ўртасида ўзаро рақобат бошланди. Бу курашда Исроил ғолиб чиқиб, тўқнашувларнинг бирида Маҳкам Ҳожи ўлдирилди[5]. Қўрбошилар ўртасидаги бундай шуҳратпарастлик, ўзаро келишмовчилик ва тарафкашликлар истиқлолчиларни бирлаштирмас, уларни парчалаб, охир-оқибатда маглубиятга олиб келиши табиий эди.

---

[1] Ўша жойда, ф. 278, оп. 4, д. 26, л.14.

[2] РГВА, ф. 110, оп.3, д. 253, л. 11.

[3] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 61-йиғма жилд, 25-варақ ва унинг орқаси; РГВА, ф.278, оп. 4, д. 331, л. 7.

[4] Краткий очерк возникновения и развития басмачества в Фергане по данным к 1-го марта 1922 г. — М., 1922. С. 24.

[5] РГВА, ф. 278, оп. 4, д. 493, л. 6.

Фарғона вилояти ревкоми ўзининг 1921 йил 9 мартдаги қарори билан «1 апрелдан 1 майгача бир ойлик муддат ичида босмачиларни қуроллари билан келиб, ихтиёрий таслим бўлиш»-га чақирди.[1] Натижада қўрбошилар билан совет ҳокимияти вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда Шермуҳаммадбекнинг энг обрўли қўрбошилардан бири Алиёрбек истиқлолчилар номидан қуйидаги шартларни ўртага қўйди: «1. Шариатга риоя қилиш; 2. Мустақил қозилар сайлаш; 3. Озиқ-овқат тақсимотини бекор қилиш».[2] Табиийки, совет қўмондонлиги бу таклифларни рад этди. Кейинчалик қизиллар томонидан қўлга олинган Алиёр қўрбоши Ревтрибунал ҳукми билан 1921 йил ноябрда отиб ўлдирилди.



Шермуҳаммадбек совет ҳукумати вакиллари билан музокара ўтказмоқда. Фарғона шаҳри, 1921 йил.

Ниҳоят, 1921 йил август ойида бўлган Туркистон советларининг X съездига Фарғона истиқлолчилари диний, ҳўжалик ва сиёсий масалаларга оид қатор шартлар билан яна бир бор мурожаат қилдилар. Улар шариатга йўл бериш, масжид, мадраса ва мактабларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш, вақф ерларини қайтариш, бозорларга, деҳқончилик ҳўжалиги ва ҳунармандчилик корхоналарига эрк бериш ҳамда қўрбоши гуруҳларини қизил армия сафига қабул қилиш каби шартларни қўйган эдилар. Музокараларда тинч аҳоли ҳам иштирок этди. Шундай экан, истиқлолчилар қўйган бу талаблар айни пайтда

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 716-йиғма жилд, 42-варақнинг орқаси.
[2] Ў ш а ж о й д а, 142-варақ.

Фарғона халқининг ҳам талаби эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди.

Хўш, ушбу вазиятда ўлкадаги большевиклар ҳукумати ва Туркбюро қандай йўл тутди? Туркистон ХКК раиси Қ.Отабоевнинг эътироф қилишича, «биз барча шартларни рад этдик. Ҳолбуки, биз учун жуда қулай фурсат келган эди. Биз ундан фойдалансак, аҳоли билан узил-кесил битим тузишимиз ва вилоятни тинчлантиришда улкан ютуқларга эришишимиз мумкин эди. Тадбиркорлик билан оқилона музокаралар олиб борганимизда эди, сўзсиз, босмачилар сафи парчаланиб кетган бўлур эди. Ана шу қисқа муддатда содир бўлган икки ҳодиса эътиборни ўзига тортади. Биринчи бўлиб таслим бўлган нуфузли қўрбошилардан бири бўлмиш Бойтуман, афв этиш ҳақидаги буйруқ четлаб ўтилиб, 40 йигити билан ҳибсга олинди ва авахта қилинди. Иккинчиси бўлса, совет ҳокимияти томонига ўтган қўрбошиларнинг бир тўдаси Фарғона армия кўмондони Зиновьев томонидан хоинларча қўлга олинди ва отиб ташланди»[1].

Бу воқеалар нафақат қўрбошилар ва уларнинг йигитларини, балки бутун тинч аҳолининг совет ҳокимиятидан яна бир бор ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида истиқлолчилик ҳаракатининг янги куч-қудрат билан авжга чиқишига сабаб бўлди. Совет қўмондонлиги бўлса, истиқлолчилик ҳаракатини бир пайтнинг ўзида «ўт ва қилич» билан тугатишга ҳаракат қилди. Ана шу мақсадда «босмачилик билан заҳарланган» катта-кичик қишлоқлар шафқатсизларча вайронага айлантирилди, оқибатда уларнинг тирик қолган аҳолиси совет ҳокимиятидан тобора узоқлашиб борди.

Кенг миқёсдаги қатағон ва ҳарбий ҳаракатларнинг фаоллашганлиги ҳам истиқлолчиларни Ватан озодлиги учун курашдан қайтара олмади. Фаргона армия группаси штабининг «мутлақо махфий» маълумотларига қараганда, 1921 йил июн-сентябр ойларида вилоятда икки юздан ортиқ қўрбоши дасталари ҳаракат қилган.[2]

Большевикча режим 1921 йил 13 сентябрда Фарғона водийсида фавқулодда ҳолат эълон қилди.[3] «Душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлаймиз» шиорини амалга ошириш бошланди. Туркбюро томонидан 1921 йил ноябрда Фарғона вилоятида ҳарбий диктатура ўрнатилди ва Туркфронт Инқилобий Ҳарбий Кенгаши (РВС) аъзоси П.И. Баранов Фарғона вилоятининг ҳарбий диктатори қилиб тайинланди.

Совет қўшинлари 1921 йил сентябрда Марғилонда Шермуҳаммадбек ва Андижонда Исроил қўрбоши гуруҳига қарши бир пайтнинг ўзида ҳужумга ўтдилар. 1 октябрда Муҳиддинбекка

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 90-йиғма жилд, 335-варақ.
[2] РГВА, ф. 278, оп. 4. д. 493, л. 6—15.
[3] Ўша жойда, оп. 1, д. 90, л. 90.

қарши жанг ҳаракатлари бошланди.[1] Уч ой давомида қизил аскарлар Шермуҳаммадбекнинг асосий қароргоҳи — Гарбобони ишғол қила олмадилар. Жангларда устунлик гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда булар эди. Ушбу ўринда совет қўмондонлиги жуда «нозик» ва айёр тактикани ишлаб чиқди. Водийдаги ўзбек қўрбошиларга тоғларда ҳаракат қилаётган қирғиз қўрбошилари қарама-қарши қўйилди. Шермуҳаммадбек ва Муҳиддинбек ўртасида ўзаро келишмовчилик ва ихтилофлар туғдирилди ҳамда бу зиддиятлар янада авж олдирилди.[2]

1921 йил январ-сентябр ойларидаги жангларда Фаргона водийсидаги истиқлолчилар 2.500 йигитларидан ажралишди. Ана шундай шароитда бош қўмондон Шермуҳаммадбек Марғилон атрофида қўрбошиларнинг умумий қурултойини чақирди. Қурултойда уламолар ва жадид мунавварларининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Шермуҳаммадбек водийда юзага келган янги сиёсий ва иқтисодий вазиятда ўзига хос кураш олиб бориш лозимлигини, энди кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб қизил армия қисмларига зарба бериш кераклигини таъкидлади.[3]

Декабр ойининг бошларида Шермуҳаммадбек Фарғонадан Кичик Олой воҳаси орқали Шарқий Бухорога ўтди. Бу ерда у Бухоро Халқ Совет Республикасидаги қўрбошилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб боришга ҳаракат қилди. Шермуҳаммадбек билан Шарқий Бухоро озодлик курашчиларининг етакчиси Иброҳимбек Лақай ва Анвар Пошо ўртасида мулоқотлар бўлганлигини айрим манбалар тасдиқлайди.[4] Лекин, Қоратегин беклигида Шермуҳаммадбек билан Фузайл Махдум ўртасида баъзи низолар юзага келди.[5] Натижада Шермуҳаммадбек 1922 йил январ ойининг бошларида, жуда ноқулай об-ҳаво шароитига қарамасдан, Қоратегин беклигидан довон орқали Фаргона водийсига қайтиб келди.

Туркистон истиқлолчилари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик ва шуҳратпарастлик одати Ўрта Осиёдаги кўплаб қўрбошиларга хос хусусият эди. Шермуҳаммадбек Қоратегин қўрбошилари билан бўлган музокарада жиддий натижага эришиа олмаганлигига ана шу «хусусиятлар» сабаб бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Лекин, Туркистон истиқлолчиларининг ғоявий раҳнамолари барча қўрбошиларнинг бошини бирлаштириб, уларни умумий душман — большевиклар режимига қарши курашга йўнал-

---

[1] Краткий очерк ...басмачество в Фергане. С. 26—27.
[2] РГВА, ф. 278, оп. 4, д. 483, л. 102.
[3] ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 1332-йиғма жилд, 84-варақ.
[4] Қ а р а н г: *Али Бодомчи.* 1917—1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар (турк т.) — Истанбул, 1975, 163-бет.
[5] РГВА, ф. 28113, оп. 7, д. 58, л. 97.

тиришга ҳаракат қилганлар. Ғоявий раҳнамолар одатда жадидлар ва уламоларнинг билимдон ва уддабурро вакилларидан иборат бўлиб, қўрбошилар уларни ўзларининг пирлари деб атаганлар. Ана шу раҳнамолардан бири наманганлик Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли (1871—1938) бўлиб, у Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ маорифи вазири сифатида ҳукумат таркибига киритилган эди. Мухторият қонга белангач, у бир йил давомида яширин ҳаёт кечирди. Сўнгра Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоларидан бири бўлиб, истиқлолчилар ўртасида танилди. Намангандаги «Шўрои Ислом» ташкилотининг раҳбари бўлган Носирхон Тўра бу ташкилот тақиқлангач, 1919—23 йилларда бу ердаги «Маҳкамаи шаръия» диний бошқармасига раислик қилди. ОГПУ маълумотида ёзилишича, Носирхон Тўра «Миллий иттиҳод» ташкилотининг ячейкасини Косонсой шаҳрида ташкил қилган. Шермуҳаммадбек қўрбоши Носирхон Тўрани ўзига пир деб эълон қилиб, ундан доимо маслаҳат олиб турган. У раҳбарлик қилган махфий ташкилот орқали Фарғонадаги совет қўшинларининг аҳволи тўғрисида маълумотлар олиб турган эди.

Туркистон Мухторияти Миллат мажлисининг бошқа бир аъзоси муфтий Садриддинхон афанди ҳам Фарғона водийсидаги қўрбошилар ўртасида жуда катта ғоявий ташвиқот ишларини олиб борди. Унинг тўлиқ исми Садриддин Махсум Шарифхўжа қози ўғли бўлиб, асли тошкентлик ўзбеклардан эди. 1921 йил августда ташкил топган Туркистон Миллий Бирлиги уюшмасининг қарорига биноан Фарғона қўрбошилари орасига юборилган «Садриддин Махсум Ашт туманидаги Раҳмонқул гуруҳининг сиёсий раҳнамоси»[1] сифатида истиқлолчилар ўртасида мустақилликка ишонч руҳини кучайтирди, қўрбошиларни Туркистондаги мавжуд аҳвол билан таништириб борди.

Шунингдек, Туркистондаги жадидлар ва Туркиядан келган афандилар ҳам истиқлолчилик ҳаракатини ташкил қилиш ва уюштиришда, унинг ғоявий йўналиши ва мақсадини белгилашда муҳим роль ўйнаган эдилар.

1920 йил декабрда Бухоро шаҳрига келган таниқли бошқирд мунаввари Аҳмад Заки Валидий Тўғон Бухоро, Хоразм, Туркистондаги барча истиқлолчилар гуруҳларини бирлаштира оладиган ва уларга раҳбарлик қила оладиган марказ тузиш учун фаоллик кўрсатди. У Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулқодир Муҳитдинов билан ўз режалари ҳақида маслаҳатлашади. Бу ҳақда у 1921 йилнинг охирларида Бухорога келган Анвар Пошо билан ҳам бир неча бор суҳбатлашган эди.

---

[1] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 209-йиғма жилд, 2-варақнинг орқаси.

Аҳмад Заки Валидий Туғон (1890 й., Бошқирдистон — 1970 й., Истанбул) — туркий халқларнинг миллий мустақиллик кураши йўлбошчиси, таниқли шарқшунос ва турколог олим.

Валидий 1890 й. 10 декабрда Бошқирдистонда, Уфимск губернаси, Стерлитомоқ уезди, Кузяново овулида бошқирд мулласи оиласида туғилди. У 1908—1912 йилларда Қозондаги Қосимия мадрасасида ўқийди ва 1910—1913 йилларда шу мадрасада туркий халқлар тарихи ва адабиётидан дарс беради. «Турк ва татар тарихи» (Қозон, 1912) номли илк китоби унга шуҳрат келтиради. 1913 й. кузида Қозон университетининг тарих, археология ва этнография жамияти уни шарқ қўлёзмаларини ўрганиш учун Фарғона водийсига илмий сафарга юборади. Валидий сафар чоғида 72 та қўлёзма топади ва илмий тадқиқ қилади. 1914 й. Россия ФА Марказий Осиё ва Узоқ Шарқни тадқиқ этиш халқаро жамияти йўлланмаси билан у Бухоро амирлигида бўлади. Валидий Қуръони каримнинг X асрда туркий тилга ўгирилган энг қадимги ноёб нусхасини топишга муваффақ бўлади.

Валидийнинг сиёсий фаолияти 1915 й. Санкт-Петербург Давлат Думаси мусулмон фракциясида иштироки билан бошланади. У 1917 й. Россиядаги туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бирига айланади. 1917 й. апрелда Тошкентга келади ва Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг марказида туради. Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўросининг бош котиби ва «Кенгаш» газетасининг муҳаррири бўлди. Валидий Туркистондаги туб халқларнинг мухториятчилик ҳаракатида фаол қатнашиб, тарихий ўтмиши муштарак бўлган туркий халқларнинг бирлиги ва мустақиллиги ғоясини илгари сурди. У 1917 й. ёзида Тошкент шаҳар Думасига сайланади. 1917 й. октябрда Бошқирдистон Марказий Шўроси уни Оренбургга чақиради. 1917 й. охиридан 1920 й. бошигача у Бошқирдистон мухторияти ва бошқирд миллий ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлди, Бошқирдистон ҳукумати бошлиғи ва ҳарбий нозир вазифасида ишлади. У 1920 й. ёзида советлар билан ҳамкорлик қилишни тўхтатди.

1920—1923 йй. Валидий сиёсий фаолиятининг сунггиси — Туркистон даври ҳисобланади. У Боку, Туркманистон, Хоразм орқали 1920 й. декабрда Бухоро шаҳрига келди ва Бухоро, Хоразм ва Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи марказ тузиш учун ҳаракат бошлади. Бухорода 1921 й. августда Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси — кейинчалик «Туркистон Миллий Бирлиги» (ТМБ) номи билан машҳур бўлган ташкилот Валидий раислигида тузилди. ТМБнинг 1921 й. сентябрда Самарқандда чақирилган 6-чи конгрессида бутун Туркистондаги қўрбоши гуруҳлари билан алоқа ўрнатиш ва ҳар бир қўрбошининг ҳузурига сиёсий маслаҳатчилар юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1923 й. февралда Валидий Туркманистон орқали Машҳад — Эронга ўтиб кетишга мажбур бўлди. Унинг ҳаётида муҳожирлик даври бошланган эди. У хорижий мамлакатларда илмий фаолият билан шуғулланди, сиесатни тарк этди. Истанбул университетида турк халқлари тарихидан сабоқ берди. У турк, немис, француз, инглиз, араб, венгер, рус, бошқирд тилларида 400 дан ортиқ илмий иш эълон қилди. «Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи» (Истанбул, 1942—1947) ва «Хотиралар» (Истанбул, 1969) каби машҳур асарлари шулар жумласидандир. Туркистон тарихи-

нинг теран тадқиқотчиси Тўғоннинг хотиралари «Бўлинганни бури ер» номи билан ўзбек тилида нашр қилинган. Валидий 1970 й. 26 июлда Истанбул шаҳрида вафот этган.

Кейинчалик Валидий ўзининг «Хотиралар» китобида ёзишича, 1921 йил 2—5 августда Бухорода бўлган Миллий Бирлик конгрессида «Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси» — кейинчалик Туркистон Миллий Бирлиги номи билан машҳур бўлган уюшма тузилади[1]. Валидий уюшманинг раиси қилиб сайланади. Унинг раҳбарлигида 1921 йилда ишлаб чиқилган Миллий Бирлик Дастури ҳам шу конгрессда тасдиқланади. Туркистон Миллий Бирлигининг навбатдаги конгресслари 1921 йил 5—7 сентябрда Самарқандда, 1922 йил 18—20 сентябрда Тошкентда чақирилади. Самарқанддаги конгрессда уюшманинг 24 банддан иборат низоми ва Туркистоннинг Миллий байроги қабул қилинади. Миллий байроқ бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб X асрдаги салжуқий ва қорахонийлар давридаги байроқ танланган эди. Байроқни тайёрлаш ишида Заки Валидий билан бирга Мунаввар Қори ва Турақул Жонузоқов иштирок этишди. Самарқанд конгресси Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий жиҳатдан жипслашувига хизмат қилди. Фарғона қўрбошилари ҳузурида бир йилча бўлган Т.Жонузоқов ўз фаолияти ҳақида конгрессда ахборот берди. Анжуманда бутун Туркистондаги қўрбоши гуруҳлари билан алоқа ўрнатиш ва ҳар бир қўрбошининг ҳузурига сиёсий маслаҳатчилар юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.[2]

Самарқанд вилоятининг бош қўрбошиси, найманлардан бўлган Очилбой ҳузурига обрўли ўзбек зиёлиларидан Қори Комил юборилди. Заки Валидий Фарғона истиқлолчилари билан алоқани мустаҳкамлаш учун Шермуҳаммадбек олдига Ҳарис Иглиқовни, Раҳмонқул ҳузурига Мустафо Шоҳқулни юборади. Бундан ташқари, Ўзган тоғларига — қирғизларнинг бош қўрбошиси Парпибек ҳузурига 1921 йил октябрида бошқирд Минҳож Чолни махсус мактуб билан юборади. Бу мактубда Валидий Парпибекка Қошғар томонга кетишни маслаҳат берган эди.[3]

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилиш борасида жадидлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Истиқлолчиларнинг йўлбошчиларига дастлабки пайтларда жадид мунавварларининг («Шўрои Ислом», «Иттиҳод ва тараққий» аъзоларининг) таъсири кучли бўлган бўлса, кураш жараёнида устунлик уламочи-

---

[1] *Аҳмад Заки Валидий Тўғон.* Бўлинганни бури ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). — Т., 1997, 114—115-бетлар.

[2] *Аҳмад Заки Валидий Тўғон.* Ўша асар, 114—115-бетлар.

[3] Ўша асар. 122—123, 179—180-бетлар.

лар қўлига ўтди. Буни қўрбоши гуруҳларининг «жиҳод ва ғазот» ҳақидаги шиорларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Натижада миллий озодлик ва мустақиллик курашининг демократик моҳияти айрим мутаассиб руҳонийларнинг амаллари асосида кўпгина ҳолларда ислом ғояларига сингиб кетди ва чекланиб қолди. Истиқлолчилик ҳаракатининг бош мақсади — бутун Туркистоннинг Миллий истиқлоли ва Мустақиллиги ғояси ўзгармаган бўлса-да, кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг самарали бўлишига тўсқинлик қилди.

1922 йил 15—20 апрелда Самарқанд шаҳрида ярим очиқ ҳолатда Туркистон мусулмонларининг 2-қурултойи бўлиб ўтди. Унда Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги барча нуфузли қўрбошилар ўнтадан йигитлари билан, шу жумладан, Хоразм, Бухоро республикалари ва Закаспий, Оқмўла вилоятларидан кўплаб вакиллар иштирок этдилар.

Тарихчи Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, қурултойда Шермуҳаммадбек истиқлол кураши ҳақида катта маъруза қилди. Шермуҳаммадбек бошчилигида 1920 йилнинг май ойида тузилган Туркистон Муваққат ҳукумати, яъни «Туркистон — турк мустақил ислом жумҳурияти» шу қурултойда тасдиқланди. Қурултой охирида 7 бўлим ва 36 банддан иборат махсус қарор қабул қилинди. Мазкур қарор мамлакатнинг Асосий Қонуни (Конституцияси) бўлмоғи лозим эди. Ушбу Қарорнинг 5-бўлимида ёзилишича, Туркистон муваққат ҳукумати 15 кишидан иборат бўлиши, улар орасидан мамлакат президенти, вице-президенти ва бош котиб сайланмоғи ва бу уч кишидан иборат Ижроия Қумита тузилиб, улар пойтахтда доимий равишда ишлаши кўзда тутилган эди. Ҳукуматнинг бешта аъзоси Фарғона вилоятидаги Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон, Ўш каби бешта туманнинг ҳарбий бошлиқлари қилиб тайинланадиган бўлди. Қолган 7 киши эса, ҳарбий, ташқи ишлар, ички ишлар, почта ва телеграф, диний ишлар, молия, адлия, транспорт вазирлари қилиб тайинланиши керак эди[1].

Шермуҳаммадбек Самарқанддан қайтиб келгач, 1922 йил 22 апрелда Қўқон уездидаги Қорабува қишлоғида Фарғона қўрбошиларининг навбатдаги қурултойини ўтказди. Водийда ҳаракат қилаётган 200 атрофидаги қўрбоши дасталарининг жанг ҳаракатлари ва уларнинг фаолият доиралари қурултойда келишиб олинди. Шунингдек, қурултойда Шермуҳаммадбек Самарқандда куни-кеча бўлиб ўтган анжуман иши тўғрисида ҳам ҳисобот берди.

Фарғона вилояти қўшинлари қўмондонининг 1922 йил 5 июндаги буйруғида айтилишича, истиқлолчилик ҳаракати «йилдан-йилга камайиш ўрнига, аксинча, кучайиб бормоқда» эди.[2]

---

[1] *Hayit B.* Turkistan im XX Jahrhundert. S. 203—208.
[2] РГВА. ф. 28113, оп. 7, д. 58, л. 32.

Шу сабаб бўлса керак, 1922 йил 10 июнда Фарғона вилоятига Россия ҳарбий ишлар халқ комиссари Л.Д. Троцкий келди. У истиқлолчиларга қарши бошланган қизил армия қисмларининг жанг ҳаракатларини бошқаришни ўз қўлига олди.[1] «Қизил террор»нинг асосчиларидан бири бўлган Троцкий истиқлолчиларга қарши шафқатсиз жазо чоралари қўллашни буюрди.

Қизил армия қўмондонлиги 1922 йил август ойида Андижон шаҳрига «афсонавий» Будённийни юборди. У ўзининг отлиқ бригадасини уч йўналишда: Қўқон, Марғилон ва Андижон бўйлаб истиқлолчиларга қарши курашга ташлади. Англиялик тадқиқотчи Гленда Фрэзернинг ёзишича, Андижон ва Ўзган орасидаги Гурунчмозорда жойлашган истеҳком Будённий қўшини томонидан эгалланди[2].

1922 йил 13 июлда Фарғона вилоят партия қўмитаси «учар қирувчи отрядлар» тузишни кўпайтириш йўли билан истиқлолчиларни тез муддат ичида бутунлай тугатишга қарор қилди. Озодлик курашчиларининг оила аъзоларини гаровга олиб, қамоқхоналарга ташлашдек[3] қабиҳ усуллар ҳам большевиклар томонидан қўлланди.

1922 йил 23 июлда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси ватанпарварларга қарши курашиш учун махсус фронт комиссиялари тузди. Қатағон ишларини олиб бориш мақсадида вилоят ва уездларда махсус «сиёсий учлик»лар ташкил қилинди. Ушбу «учлик»лар қўлига жойлардаги бутун ҳокимият тўлалигича олиб берилди. 25 июлдан бошлаб совет қўмондонлиги қўрбошилар билан музокараларни тўхтатди ва шу кундан бошлаб таслим бўлган қўрбошилар ва уларнинг йигитлари афв қилинмайдиган бўлди.[4] Натижада истиқлолчиларга қарши шафқатсиз террор ва қатағон яна қайтадан авж олди.

Ўрта Осиё бюроси раиси Я.Э.Рудзутакнинг Марказга юборган ҳисоботи асосида РКП(б) МҚ 1922 йил 25 ноябрда Туркистондаги аҳвол бўйича қабул қилган махсус қарорида ҳам қўрбошиларга нисбатан шафқатсиз жазо чораларини қўллаш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Лекин мустамлакачилар томонидан кўрилган бу қатъий чоратадбирлар ҳам истиқлолчилар курашини тўхтата олмади. Улар мағлубиятга учраб турсалар-да, қуролларини ташламадилар, бирлашиш учун яна имконият қидирдилар.

Шермуҳаммадбек 1922 йил кузида Туркистон ўлкаси халқига мурожаатнома эълон қилади. Унда айтилишича, «Афғонистон, Туркия, Хитой консуллари Шермуҳаммадбекка Салим Пошо билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозимлигини уқти-

---

[1] ЎзР. МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-йиғма жилд, 342—344-варақлар.
[2] *Фрэзер Гленда.* Босмачи — II. Оксфорд, 1987, 8-бет.
[3] УзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2213-йиғма жилд, 48-варақ.
[4] РГВА, ф. 28113, оп. 7, д. 58, л. 54.

ришган». Шермуҳаммадбек эса, консуллар олдига 20.000 кишилик қўшин билан ёрдам бериш талабини қўйган. Бу талаб қондирилади, деб ваъда қилинган бўлса-да, ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатилмайди. Салим Пошонинг Фаргона истиқлолчиларига юборган мактубини Шермуҳаммадбекнинг ўзи қўрбошиларга таништиради. Ушбу мактубда тез орада совет ҳокимиятига қарши янги жанг ҳаракатларининг бошланиши, барча қўрбошилар ўз йигитлари ва кучларини жанговар ҳолатда ушлаб туришлари лозимлиги таъкидланган эди.[1]

Истиқлол учун курашган хорижликлар

Салим Пошо — асл исми Ҳожи Сомий афанди бўлиб, Туркия армиясининг зобити эди. У Анвар Пошонинг ёрдамчиси сифатида унинг ҳалокатидан кейин 1922 йил сентябрда Шарқий Бухорога келади ва бу ерда Бош қўмондонликни ўз қўлига олиб, қизил армияга қарши курашни уюштиради. Иброҳимбек дастлаб унга бўйсунишдан бош тортади, лекин кейинчалик уни Бош қўмондон сифатида тан олади. Салим Пошо 1923 йил ёзигача қўмондонлик қилади. Қатор жангларда мағлубиятга учрагач, 15 июлда Афғонистонга қочиб ўтади. СССРнинг талаби билан у Афғонистондан Эронга чиқариб юборилади.

Лекин декабр ойида қизил армия қисмлари истиқлолчиларга кучли зарба беришга муваффақ бўлдилар. Ҳарбий куч-қудрат ва миқдор жиҳатдан устун бўлган қизил аскарлар қатор ғалабаларга эришдилар. Натижада 1922 йил декабр ойининг ўзида истиқлолчилардан 1.582 қўрбоши ва йигитлар ўлдирилди.[2] Бунинг устига Фаргона водийси халқи ҳам 5 йил давом этган узлуксиз жанглардан анча чарчаган эди.

Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон Муваққат ҳукумати 1922 йил охирига келиб тарқалиб кетишга мажбур бўлди. Чунки ҳукумат аъзолари ўзларига топширилган вазифаларни бажариш ўрнига жангларда иштирок этишга мажбур бўлдилар. Шермуҳаммадбек ҳукумати хорижий давлатлар билан ҳам самарали алоқа ўрната олмади. Афғонистон, Туркия, Хитой вакиллари билан бўлган музокаралар қуруқ гапдан нарига ўтмади. Бинобарин, Туркистон Муваққат ҳукумати тарқалиб кетган бўлса-да, Шермуҳаммадбек 1923 йилнинг бошигача ҳукумат раиси сифатида истиқлолчиларга раҳбарлик қилди.

Шермуҳаммадбекнинг ўзи эса қатор жанглардан сўнг, 1922 йил декабр ойининг сўнгги кунларида укаси Нурмуҳаммадбек ва қўрбоши Тухтасин Мақсуд билан умумий миқдори 450—500 йигитдан иборат қўшинни олиб, олдин Бухоро Республикаси ҳудудига, 1923 йилнинг баҳорида эса Афғонистонга ўтиб кет-

---

[1] Ўша жойда, 84-йиғма жилд, 38—40-варақлар.
[2] РГВА, ф. 28113, оп. 7, д. 84, л. 1—4.

ди.[1] Унинг кейинчалик водийга яна қайтиб келиш мақсадида қилган барча уринишлари совет ҳокимияти томонидан йўққа чиқарилди.

Мазкур воқеалар билан истиқлолчилик ҳаракатининг катта бир босқичи тугади. Икки ярим йилдан оргиқ давом этган ва асосан Шермуҳаммадбек фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ушбу иккинчи босқичда истиқлолчилар водийдаги қизил аскарларга қақшатқич зарбалар беришга муваффақ бўлдилар. Истиқлолчилар ҳамда жадид зиёлилари бошчилигида ташкил топган Туркистон Муваққат ҳукумати ва Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти озодлик курашининг мантиқий ҳосиласи сифатида истиқлолчиларни ғоявий жиҳатдан бирлаштиришда муҳим роль ўйнади. Бироқ, 1922 йилнинг охирига келганда совет ҳокимияти ва большевикча режимнинг Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши кенг кўламда олиб борган уруш ҳаракатлари натижасида ватанпарварларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди.

Бунинг устига 1921—1922 йилларда Туркистон ўлкасида, айниқса, Фарғона водийсида юзага келган ижтимоий-иқтисодий аҳвол истиқлолчиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Чунки, 1920 йилнинг охири, 1921—1922 йилнинг бошларида Фарғона водийсида совет ҳукуматининг айби билан содир бўлган очарчилик истиқлолчиларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи босқичида уларни маҳаллий аҳоли ихтиёрий равишда озиқ-овқат, отларини ем-хашак билан таъминлаган бўлса, иккинчи босқичида эса, авж олган очарчилик натижасида аҳолининг ўзи бир бурда нонга зор бўлганлиги сабабли озодлик курашчиларига озиқ-овқат бера олмади. Натижада айрим қўрбошилар йигитларининг қорнини тўйдириш мақсадида аҳолининг охирги нони, ғалласи ва молини тортиб олишгача бориб етдилар. Аҳоли энди нафақат қизил аскарлардан, шу билан бирга айрим қўрбоши йигитларидан ҳам зулм кўра бошлади. Шунингдек, Холхўжа Эшон ва бошқа қўрбошиларнинг маиший бузуқликлари, аёлларга зўрлаб уйланишлари ҳам халқнинг кўз ўнгида содир бўлди.[2] Бундай салбий ҳолатлар аҳолининг истиқлолчиларга нисбатан муносабатининг ўзгаришига олиб келиши табиий эди.

Бундан ташқари, 1921 йилдан бошлаб, Туркистон ўлкасида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши, 1921—1922 йилларда амалга оширилган биринчи ер-сув ислоҳоти натижасида чоризм мустамлакачилиги даврида Россиядан кўчириб келинганларга мажбуран олиб берилган ерларни қайтариб олиниб, туб ерли деҳқон хўжаликларига бўлиб берилиши натижа-

[1] Қаранг: РГВА. ф. 28113, оп. 7, д. 84, л. 16.
[2] Фарғона ВДА. 435-фонд, 1-рўйхат, 248-йиғма жилд, 44—45-варақлар.

сида 1922 йилнинг охири, 1923 йилнинг бошларидан бошлаб, бир оз бўлса-да Туркистонда, айниқса, деҳқонлар, ҳунармандкосиблар ва бошқалар ҳаётида эркинлик ва жонланиш содир бўла бошлади. Бу ҳол урушдан чарчаган ва хонавайрон бўлган қишлоқ аҳолиси, ҳунармандларнинг тинч ҳаётга қайтишлари учун имконият туғдирди. Натижада, шу йиллардан эътиборан истиқлолчилар сафига совет ҳукуматидан норози бўлган деҳқонлар ва ҳунармандларнинг келиб қўшилиш ҳоллари камайиб борди.

Лекин бу истиқлолчилар кураши тугади ёки заифлашиб кетди, деган маънони англатмас эди. Бу Туркистонда озодлик курашининг учинчи босқичи бошланганлигини билдирарди. Истиқлолчилик ҳаракатининг учинчи босқичида ватанпарварлар курашнинг янгича тактикасини қўллашни лозим топдилар. Энди улар 1923—1924 йиллардан бошлаб кичик-кичик дасталарга бўлинган ҳолда жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Натижада Фарғонадаги кичик қўрбоши дасталарининг сони 1923 йил ўрталарига келиб 350—400 тага етди. Уларга даставвал қўрбошилардан Ислом Паҳлавон,[1] кейин эса Ёрмат Махсум[2] раҳбарлик қилишди. Лекин қўрбошилар эрк ва истиқлол курашининг кейинги босқичида турли сабаб ва маҳаллий шарт-шароитлар натижасида бир-бирлари билан доимо келишиб иш тута олмадилар. Улар ўртасида жиддий келишмовчилик ва сотқинликлар юз бера бошлади. Масалан, наманганлик Ёқуббек қўрбоши ўзини сақлаб қолиш мақсадида 1923 йилда хиёнаткорона равишда сафдоши Омон Паҳлавонни қизил аскарлар қўлига топширади.[3] Лекин орадан кўп вақт ўтмасдан унинг ўзи ҳам қизил аскарларга таслим бўлади. Қизил аскарлар эса Ёқуббекни отиб ташлашади.[4]

Большевикча режим қўрбошилар ўртасига турли низолар солиб, уларнинг бирлигига путур етказишга муваффақ бўлди. Улар ўртасидаги бу келишмовчиликни қуролли тўқнашув ва можаролар даражасигача олиб чиқдилар. Шу йўл билан улар истиқлолчилар сафини заифлаштиришни ва Туркистонга янги қизил армия қисмларини олиб келиш орқали 1923 йилда уларни тугатишни режалаштирган эдилар. Лекин РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси ва Туркфронт қўмондонлиги 1923 йил давомида ҳам мақсадга эриша олмади. Олти йиллик урушдан чарчаган ва ҳолдан тойган Фарғона халқи эса, бир томондан, очлик ва қашшоқлик натижасида совет ҳукуматининг «мурувват» кўрсатиши (деҳқонларга қарз бериш, уларни уруғлик ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш) эвазига большевикча тузумни эътироф

---

[1] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 115-йиғма жилд, 320-варақ.
[2] РГВА, ф. 28113, оп. 7, д.21, л. 63.
[3] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 248-йиғма жилд, 44—45-варақлар.
[4] РГВА, ф. 28113, оп. 7, д. 84, л. 35.

қилишга мажбур бўлса, иккинчи томондан, миллий ғурури, миллий қадриятлар ва шарқона турмуш тарзи оёқости қилинаётганини кўриб, озодлик курашчиларини имконият даражасида қўллаб-қувватлашда давом этарди.

Истиқлолчиларга қарши большевиклар ҳукумати курашнинг барча воситаларини ишга солиб, аҳоли ўртасида уларга қарши тарғибот ва ташвиқотни авж олдирди, уламо ва эшонларнинг бир қисмини совет тузумини қўллаб-қувватлашга кўндирди, асир олинган ёки таслим бўлган қўрбоши ва уларнинг йигитларини аҳоли кўз ўнгида аёвсиз равишда жазолади, истиқлолчиларга хайрихоҳ деб топилган ва уларнинг таъминотчилари деб шубҳа қилинган кишилар оммавий равишда ҳибсга олинди ва отиб ташланди, озодлик курашчиларининг оила аъзолари гаровга олиниб, қийноқларга солинди ва ўлдирилди, уларнинг мол-мулклари мусодара этилди, авиация ёрдамида истиқлолчиларнинг манзилгоҳлари бомбардимон қилинди, ариқ, булоқ ва қудуқлардаги сувни заҳарлаш каби усуллар ёрдамида ватанпарварларни йўқ қилишга ҳаракат қилдилар. Ўзини «халқчил» деб атаган совет ҳукумати ва унинг «байналмилал» қизил армияси ана шундай ёвуз чоралар билан бутун Туркистондаги ва Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши кураш олиб бордилар.

Фарғона вилояти қўшинларининг қўмондони Тодорский томонидан 1923 йил 5 ноябрда Туркистон фронти ҳарбий прокурори, ҳарбий трибунал раиси, қўшинлар бошлиғи, махсус бўлим бошлиғи номига, нусхалари эса Алихўжаев, Сегизбоев ва қўшинлар штаби номига юборилган «шошилинч ва махфий» маълумотноманинг гувоҳлик беришича, жорий йилнинг 11 июнидан то 4 ноябригача бўлган вақт ичида 30 та қўрбоши ўлдирилган, 33 та қўрбоши асир олинган, 167 та қўрбоши эса таслим бўлган.[1] Демак, 1923 йилнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсида ҳаммаси бўлиб 230 та қўрбоши истиқлолчилик курашидан четлаштирилган.

1923 йил ноябрда Туркистон ХКК раиси Т.Рисқулов ҳамда Лисовский ва Кондибинлар иштирокида тузилган махсус Фарғона вилояти ҳарбий инқилобий кенгашининг 2 ноябрдаги 1077-қарори бўйича қамоққа олинган 183 та қўрбошининг иши ҳарбий трибуналга оширилган.[2] Трибунал ушбу қўрбошиларнинг дастлаб бир қисмини отишга буюрди. 1924 ва ундан кейинги йилларда барча таслим бўлган қўрбоши ва уларнинг йигитларини отиб ташлаш ҳақида ҳукм чиқарилган.

РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 6 январда бўлган йиғилишида истиқлолчиларга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини кучайтириш масаласи кўриб чиқилди. Бу-

[1] Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 218-йиғма жилд, 117—118-варақлар.
[2] История гражданской войны в Узбекистане. Т.II. —Т., «Фан», 1970. С. 309.

тун Туркистон минтақасидаги озодлик курашчиларини меҳнаткашлар кўз ўнгида «босмачи» ва «халқ душмани» сифатида кўрсатиш лозимлиги, бунинг учун матбуотнинг барча воситаларидан кенг фойдаланиш кераклиги таъкидланди. Рус ва маҳаллий тилларда варақалар чиқаришни кучайтириш ҳам кўрсатиб ўтилди.[1]

Туркистон фронти қўмондони Пугачёв ва Инқилобий Ҳарбий Кенгаш (ИХК) аъзолари Берзин ва Шапошниковлар «Босмачиликка қарши кураш кенгашлари» тузиш ҳақидаги низомни ишлаб чиқдилар.[2] Ушбу низомга кўра, «Доимий Кенгашлар» Туркистон Республикасининг барча вилоятларида ҳамда Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларида тузилиши, уларнинг ҳаммаси «Фронт Кенгаши»га бўйсуниши лозим эди. Ушбу «Фронт Кенгаши» таркибига раис қилиб РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг раиси, унга ўринбосар сифатида Туркистон МИҚ раиси, аъзолари қилиб эса Туркистон ХКК раиси, Туркистон фронти қўмондони, ИХК аъзолари, ТКП МҚ масъул котиби, Туркистон ички ишлар халқ комиссари, Бухоро ва Хоразм Республикалари МИҚ масъул вакиллари, ГПУ бошлиғи киритилди.[3] РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси истиқлолчиларга қарши курашни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаслик кераклиги ҳақида кўрсатма берди.

Фарғона водийсидаги истиқлол курашчилари дастлабки кунданоқ ана шундай кучли ва маккор душманга қарши курашга тушган эдилар. Ватанпарварлар қўлидан бирин-кетин водийдаги барча йирик қишлоқлар ва шаҳарлар тортиб олинди. Истиқлолчилар шундай оғир шароитда кичик-кичик дасталарга ва гуруҳларга бўлиниб, тоғу тошларда, дашт ва адирларда курашни давом эттирдилар. 1924 йил 1 майда Фарғона водийсида ана шундай кичик қўрбоши дасталаридан 70 таси қизил аскарларга қарши уруш олиб бораётган эди.[4]

Тинимсиз давом этган етти йиллик курашдан Фарғона халқи ҳам, қўрбоши ва уларнинг йигитлари ҳам толиққан эдилар. Шунинг учун бўлса керак, озодлик курашчиларининг кўпчилиги 1923 йилнинг охири ва 1924 йил давомида қаршиликни тўхтатдилар. Шундай қилиб, 1924 йилнинг охирларига келиб, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг учинчи босқичи ҳам якунланди. Туркфронт қўмондонлиги томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида истиқлолчилар вақтинчалик мағлубиятга учраб чекиндилар. Улар кейинги жанглар учун куч тўплашлари лозим эди. Чунки ҳали олдинда курашнинг тўлиқ 10 йили турарди.

---

[1] УзР МДА, 17-фонд, 3-рўйхат, 98-йиғма жилд, 3-варақ.
[2] Сборник указаний по борьбе с басмачеством... С.50—54.
[3] У ш а ж о й д а, 52—54-бетлар.
[4] *Ҳайит Б.* Босмачи... 365-бет.

* * *

1925—1929 йиллар давомида Фарғона водийси истиқлолчилари сўнгги амир-лашкарбоши унвонига сазовар бўлган Ёрмат Махсум раҳбарлигида кураш олиб бордилар. Унинг қўл остига бирлаштирилган қўрбоши дасталари асосан Марғилон, Қўқон ва Сўх ҳудудларида фаолият кўрсатдилар. Ёрмат Махсумнинг сўнгги қароргоҳи Сўх туманидаги Ҳайдаркон эди (кейинчалик Ҳайдаркон Қирғизистон ССР ҳудудига қўшилган). 1929 йилда қизил аскарлар билан бўлган жангларнинг бирида сўнгги амир-лашкарбоши ҳам ҳалок бўлади.

Шундан сўнг Фарғона қўрбошиларининг ҳар бири ўзича мустақил ҳаракат қилади. Умар Али қўрбоши Қувада, Қоровул қўрбоши Олтиариқ атрофида, Турдибек Исфарада, Жонибек Қози Олойда ва Урганжида курашни давом эттирдилар.

1929 йилда Фаргона қўрбошиларининг собиқ йўлбошчиси Шермуҳаммадбек ўз йигитлари билан Афғонистондан Шарқий Бухорога ўтаётганида қизил аскарларнинг қаттиқ зарбасига учраб, орқасига қайтишга мажбур бўлади.[1]

20-йилларнинг охирларида бошланган ва 30-йилларнинг бошларида авж олдирилган совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати ва деҳқон хўжаликларининг мажбурий равишда жамоа хўжаликларига бирлаштирилиши, ўзига тўқ деҳқонларнинг «қулоқ» сифатида қатағон қилиниши Фарғона водийсида истиқлолчилик курашини қайтадан авж олдириб юборди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1930 йил 17 июнга оид «мутлақо махфий» маълумотига кўра,[2] Фарғона водийсида жорий йилнинг 15 феврал — 1 май кунларида ўнлаб қўрбоши дасталари ҳаракат қилган. Жумладан, Андижон округида Тошмат қўрбоши (11 йигити билан), Фармон Худойбердиев (7 йигити билан), Орзи Қора Сангинов (5 йигити билан), Умрзоқ Понсод (9 йигити билан), Раҳмат Туйчибоев (13 йигити билан), Фарғона округида Мулла Умар (11 йигити билан), Қирғизистоннинг Ўш округида Мирза Раҳим Аҳмедов бошлиқ йигитлар фаолият кўрсатган[3].

30-йилларнинг бошларига келиб Фарғона водийсининг Сўх тумани озодлик курашчиларининг марказий манзилгоҳига айланди. Чунки Сўх водийнинг шундай нуқтасига жойлашган эдики, бу ерда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларининг чегаралари туташган эди. Сўхнинг атрофи тоғлик ва ҳаракат учун қулай жойга жойлашгани учун 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошида бу ерда ўнлаб қўрбоши дасталари турган. Улардан энг нуфузлиси Жийлон қўрбоши бўлиб, у 1929—1934 йиллар давомида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борди.

---

[1] *Фрэзер Г.* Босмачи — II. 20-бет.

[2] ЎзР МДА, 86-фонд, 3-рўйхат, 149-йиғма жилд, 47-варақ.

[3] Ў ш а ж о й д а, 50—51-варақлар.

Лекин кичик-кичик гуруҳлардан иборат бўлган ушбу қўрбоши дасталари бу даврга келиб ўзини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаб олган совет ҳукумати учун катта хавф туғдирмас эди. Бинобарин, 1926 йилда тугатилган Туркистон фронти ўрнига Туркистон ва Ўрта Осиё ҳарбий округларининг ташкил қилиниши, уларнинг замонавий қуроллар ва ҳарбий самолётлар билан қуроллантирилиши озодлик курашчиларини оғир аҳволга солиб қўйди ва уларни қуролни ташлаб, курашни тўхтатишга мажбур қилди.

Шу тариқа, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати бутун Туркистон тупроғида бўлганидек, 1935 йилга келиб бутунлай мағлубиятга учради. Лекин, уларнинг бу муросасиз курашлари изсиз қолмади, албатта.

4. ХОРАЗМ ВА БУХОРО РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Большевикларнинг Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги устига қуролли хуружи ва бу хонликлар ўрнида советлар типидаги «давлатчилик»нинг ташкил этилиши бу икки мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хавф-хатарли жараёнларнинг шиддат билан авж олишига, улар ҳудудидаги халқлар тақдирида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди. Қизил армиянинг босқинчилик уруши натижасида содир қилинган вайронагарчилик ҳар икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига жиддий таъсир қилмай қўймади. Бунинг устига М.Фрунзе бошчилигидаги ҳарбий қисмлар Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудида қолдирилиши ва уларни озиқ-овқат, отларини ем-хашак билан таъминлаш ҳам ҳар икки республика зиммасига юклатилиши бусиз ҳам мураккаб бўлган ижтимоий-иқтисодий аҳволни янада танг ҳолга келтирди. Большевиклар хонликларни зўравонлик билан босиб олиб улар ўрнида том маънодаги миллий демократик давлатни ташкил қилишни кўзламаган эди. Улар аввал бошданоқ бу ҳудудларда Марказга мутлақ бўйсунадиган, большевиклар андозасидаги «мустақил» давлатларни юзага келтириб, сўнгра уларни устамонлик билан СССР таркибига «сингдириб» юборишни мақсад қилиб қўйганди. Уларнинг дастлабки тўрт йил (1920—1924 йиллар) давомида Бухоро ва Хоразмда изчиллик билан олиб борган сиёсати ана шу стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган эди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар

1920 йилнинг бошларидаги таҳликали ва фожиали воқеалар Хоразм халқининг кейинги тақдирида ўчмас из қолдирди. Бу

воқеалар хонлик тузумининг емирилишига ва ўзбек халқи давлатчилигининг қадимий бешиги бўлган Хоразм давлатининг тугатилишига олиб келди. Буни Россия большевиклари қизил аскарлар қуроли ёрдамида очиқдан-очиқ босқинчилик йўли билан амалга оширди. Россиянинг расмий доиралари, Туркомиссия ва Туркфронт вакиллари Хивадаги давлат тузумини ағдариб ташлашдаги ҳарбий босқинларини яшириш мақсадида бўлиб ўтган воқеаларни шоша-пиша «инқилобий ҳаракат», «халқ инқилоби» деб атадилар, аммо бу воқеанинг моҳияти ҳаммага аён эди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси Т.Рисқулов 1920 йил 25 майда В.Ленинга юборган хатида бу ҳақда ўзига хос дадиллик ва ошкоралик билан ёзади. У Шарқдаги миллий озодлик ҳаракатининг ривожланишида Россиянинг ўрни ҳақидаги ўз фикрини баён этиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Россиянинг Шарқдаги қўшни давлатлар ишларига бевосита аралашуви, қизил армия қўшинларини юбориш йўли билан сунъий тўнтаришлар қилишга интилиши, Туркфронтнинг Хивада қилганидек талон-торожлар билан шуғулланиши ва Бухорога нисбатан ҳам шундай йўл тутишни мўлжаллаши империалистик босқинчилик сиёсатининг янги усулини билдирган бўлур эди...»[1]

Ўрта Осиёдаги тарихий жараёнларнинг бундан кейинги йўналиши Т.Рисқулов сўзларининг башоратомуз эканлигини кўрсатди.

1920 йил апрелида Хивада халқ вакилларининг I Умумхоразм қурултойида ташкил этилган Хоразм Халқ Республикасини большевиклар Россияси зўдлик билан тан олди. Шу йили 13 сентябрда РСФСР ва Хоразм Республикаси ўртасида 24 моддадан иборат «Иттифоқ шартномаси» ва 15 моддадан иборат «Иқтисодий битим» имзоланди.[2] Бу ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битимларда большевиклар Россияси томонидан Хоразм Республикасига ҳарбий, иқтисодий ва маданий ёрдам бериш кўзда тутилганди. Лекин шу билан бирга янги давлатнинг иқтисодий тараққиётидаги эркинлиги бутунлай чеклаб қўйилган эди. «Аҳдлашувчи томонлар бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаши қоидаларига асосан, — дейилган эди битим моддаларидан бирида, — Хоразм Республикаси ўзининг ички истеъмоли учун зарур бўлганидан ортиқча барча хом ашёни Россия Республикаси ихтиёрига топширади». Битимда, аввало, пахта ва унинг маҳсулотлари, мўйна, гилам, тери, жун, уруғликлар шундай маҳсулотлар жумласига киритилган эди.[3] Шундай қилиб, Хоразм Республи-

---

[1] *Ражапова Р.Я.* Суронли замонлар //Хива — минг гумбаз шаҳри. — Т., 1997. 48-бет.

[2] ЎзР МДА. 71-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 128—129 варақлар; 30-йиғма жилд, 31—32 варақлар.

[3] Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Т. 1. — Т., 1963. С. 541—544.

каси Россиядан бошқа давлатлар билан эркин савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, унинг иқтисодиёти эса Россиянинг иқтисодий эҳтиёжларига маҳкам қилиб боғлаб қўйилди.

Хоразм халқининг анъанавий турмуш тарзига ва миллий давлатчилигига зид бўлган янги тузумнинг мажбуран тиқиштирилиши халқнинг норозилигини уйғотди. 1920 йил 13 июнда Хивада хон тарафдори бўлган Иброҳим Охун бошчилигида кўтарилган руҳонийлар намойиши шулар жумласидан эди. Улар Муҳаммад Аминхон мадрасаси олдида бир неча минг диндорларни тўплаб, шариатни ҳимоя қилиш шиори остида халқ ҳокимиятини ағдариш ва хон ҳокимиятини тиклашни талаб қилдилар.[1] Жунаидхон бошчилигидаги озодлик курашчилари бу қўзғолонни бажонидил қўллаб-қувватлади.

Лекин РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор вакиллари Измайлов, Бройдо, Шокиров, Сафонов ва бошқалар бу воқеага аралашиб, қўзғолонни ваҳшийларча бостирдилар. Хива хонлиги даврида қозикалон вазифасида ишлаган Иброҳим Охун, Рафиқ Охун, Саиджон Қори, Мулла Муҳаммадниёз Бадирхонли, Муҳаммадамин Охун ва бошқалар намойиш раҳбарлари сифатида отиб ташланди. Хиванинг собиқ хони Саид Абдуллахон, унинг оиласи ҳамда яқинлари РСФСР ва Туркистоннинг турли бурчакларига сургун қилинди.[2] Бу воқеалар халқнинг РСФСР ҳукуматига нисбатан норозилигини янада кучайтирди.

Большевиклар ҳукуматининг зўравонлик сиёсати бу билан чекланмади. 1920 йил сентябр ойининг ўрталарида ХХСР Нозирлар Кенгашининг иккинчи муовини Қўшмамедхон бошчилигидаги туркман бошлиқлари ва 100 нафар аскарлари хоинона қўлга олиниб, судсиз-сўроқсиз отиб ташланди. Янги ҳокимият тарафдори Ғуломалихон қочишга улгурди. Аммо уни тутиш учун қизил аскарлар жазо отряди юборилди. Бу отряд йўлда учраган бир неча қишлоқни ер билан яксон қилиб кетди. Бу воқеа оқибатида туркманларнинг ёвмут аҳолиси чўл орқали оммавий равишда Эронга ўтиб кетишга мажбур бўлди. Натижада Хоразм Республикасида миллатлараро муносабатлар кескинлашди, Россияга қарши кайфият янада кучайди. Бундан фойдаланган Жунаидхон миллий озодлик курашини кучайтириб юборди.

Истиқлол учун курашганлар

Жунаидхон (1857—1938) — унинг асл исми Қурбон Мамед (Муҳаммад) сардор бўлиб, у 1857 й. Хива шаҳридан 30 чақирим шимоли-ғарбда жойлашган Бадиркент қишлоғида (ҳозирги Тошҳовуз вилояти, Тахта тума-

---

[1] История Харезмской Народной Советской Республики. Сбор. документов. — Т., 1976. С. 55.

[2] Хоразм тарихи. II жилд. Урганч, 1997, 32-бет.



Жунаидхон.

ни) туркман ёвмутлари уруғининг жунаид тармоғига мансуб мулкдор Ҳожибой оиласида туғилди. У ўта мураккаб ва зиддиятли шахс эди. Жунаидхон 1873 йилда Хива хонлигига ҳужум бошлаган чор Россияси генерали Головачёв қўшинига қарши курашган ёвмут йигитлари сафида бўлди. У узоқ йиллар давомида ўз уруғининг мироб, қози ва оқсоқоли бўлган. 1912 йилдан бошлаб, Хива хонига қарши қаратилган туркманларнинг турли чиқишларига раҳбарлик қилди. Хива хони Асфандиёрхон (ҳукмронлик йиллари 1910—1918) ўз томонига ағдариб олиш мақсадида 1915 йилда Жунаидхонга бутун туркман қабилаларининг сардори — ҳарбий қўмондони унвонини беради. Туркман уруғларининг оқсоқоллари уни жунаид уруғининг хони — Жунаидхон деб эълон қилишади. Туркманларнинг мустақил ҳарбий феодал давлатини тузиш учун интилган Жунаидхон Бадиркентда тўплаган қўшинини олиб, 1916 йил февраль ойида пойтахт Хива шаҳри устига юради. Тошкентдан етиб келган генерал Галкиннинг жазо отряди Асфандиёрхон ҳукуматига қарши кўтарилган бу қўзғолонни шафқатсиз бостиради. Жунаидхон Қорақумга чекинади, қисқа муддат Эрон ва Афғонистонда бўлади. У 1918—1920 йилларда Хива хонлигининг мутлақ ҳукмдорига айланади.

1920 йил март ойида қизил аскарлар томонидан Хива хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига Хоразм Халқ Республикаси ташкил этилганидан сўнг, Жунаидхон совет ҳукуматига жиддий хавф сола бошлайди. Бу даврда Жунаидхон қўл остида 30.000 кишилик қўшин бор эди. 1923 й. 8 августда Тахта Бозор қалъасида большевиклар таъсирида бўлган туркман қабила доҳийларининг қурултойида «Жунаидхон туркман халқи ва совет ҳокимиятининг душмани», деб эълон қилинди.

1924 й. ноябрда совет ҳокимияти маъмурлари билан Жунаидхон вакиллари ўртасида музокаралар бўлади. Туркманистон ССР советларининг I съездида (1925 й. февраль) Жунаидхон ва унинг сафдошлари афв қилинади. Бироқ у 1927 й. 19 сентябрда Тошҳовуз округидаги Оқтепада совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаради. Лекин унинг қўшинлари қизил аскарлар томонидан мағлубиятга учратилади. У 1931 йилда Эрон орқали Афғонистонга ўтиб кетади ва 1938 йилда Ҳирот атрофида вафот этади. Унинг авлодлари ҳозир Эроннинг Ҳамадон шаҳрида яшашади.

Хоразмда большевиклар вакиллари томонидан атайлаб мураккаблаштирилган бу вазиятни назорат қилиб туриш мақсадида 1920 йил 19 октябрда ХХСРга РСФСРнинг мухтор элчиси сифатида Фарғона фронти қўшинларининг қўмондони М.Са-

фонов юборилди. У билан бирга Хоразм Республикасига Туркфронтнинг 3-Туркистон отлиқ полки ҳам келди.[1]

Сафоновнинг Хоразмга келиши бу ердаги мураккаб аҳволни ўзгартираолмади, аксинча, ўзидан олдинги вакилларга нисбатан ҳам демократик руҳдаги маҳаллий раҳбарларга қарши сиёсатни кучайтириб юборди. Унинг буйруғи билан 1920 йил 17 ноябрда армия ичида сиёсий бошқарма ташкил қилинди. Унга раҳбарликни Сафонов ўз қўлига олди ва қизил армиядаги ХХСР ҳукумати раҳбарлари таъсирига тушиб қолганлар армия сафидан четлатилди.

Сафонов Хоразм Республикасида ўз ваколатчилик фаолиятини кенг авж олдириб юборганлиги, бутун республика ҳудуди бўйлаб сафар қилиб, учрашув ва митинглар уюштирганлиги унинг республика қонуний ҳукуматини писанд қилмаётганлигидан, республика ишларига бевосита аралашишга ҳаракат қилганидан далолат берарди.

Ёш хиваликлар ҳукумати ўз мавқеини мустаҳкамлашга, Сафоновни Хоразмдан чақиртириб олишга ҳаракат қилади, миллий армияни ташкил этиш, мамлакатда мустақил сиёсат ўтказишга интилади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм Республикасида юз бераётган бу воқеалар заминида 1919 йил сентябрида тузилган РСФСР МИҚ ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг Туркистон ишлари бўйича мухтор комиссияси (Туркомиссия) турарди. РКП(б) МҚ 1919 йил 10 октябрда махсус мандат билан Туркомиссиянинг ваколатларини янада кенгайтирди. Унинг зиммасига энди бутун Ўрта Осиё ҳудудида сиёсий-партиявий назорат қилиш вазифаси юкланди. Бу эса Туркомиссияга ёш коммунистик ташкилотларга ёрдам бериш ниқоби остида, воқеаларнинг ривожланишига таъсир ўтказиш ва уларни Россия манфаатлари йўлига солиб юбориш учун баҳона бўлди. Туркомиссия ҳали ҳар жиҳатдан жуда заиф бўлган хивалик ва бухоролик коммунистик гуруҳларни ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга доимо эътибор берганлиги ҳам бежиз эмас эди. Марказ большевиклари Хоразм ва Бухоро давлатларида ўзларининг манфаати йўлида сиёсатни амалга ошириши учун шу гуруҳлардан фойдаланмоқчи бўлди. Улар аввало хивалик коммунистларга «ҳарбий мадад бериш» йўли билан «Хива инқилоби»ни амалга ошириб, тарих ғилдирагини бошқа томонга буриб юборишга, кейинчалик эса ёш хиваликларни ўз йўлидан адаштиришга муваффақ бўлдилар.

1920 йил 4 апрелда Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаолларининг йиғилишида Россиянинг мухтор органлари тазйиқи билан ягона партия — Хива коммунистлари қўмитасини тузишга қарор қилинди. Қўмита таркибига кирган ёш хиваликлар аввалги келишувга биноан ўз партиясининг тарқатиб юборил-

[1] Хоразм тарихи. II жилд, 33-бет.

ганлигини эълон қилди.[1] Шу тариқа, Россия большевикларининг тазйиқи билан, коммунистик ҳаракатнинг базаси сифатида саноат пролетариати мутлақо бўлмаган бир мамлакатда коммунистларнинг яккаҳокимлиги эълон қилинди ва миллий-демократик партия тугатилди.

Лекин ватанпарвар миллий-демократик кучлар ўз йўлидан қайтмади. Янги коммунистик ташкилотлар сафига кирган собиқ ёш хиваликлар мамлакатнинг сиёсий ва давлат ҳаётига раҳбарликни давом эттирдилар. Улар халқ вакиллари I Умумхоразм қурултойида сайланган биринчи республика ҳукуматининг ўзагини ташкил қилдилар. Полвон Ниёз Юсупов Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси қилиб сайланди.[2] Ёш хиваликлар ҳукуматининг кўпчилик аъзолари демократик қарашларга яқин бўлганликлари учун, ўз мамлакатининг мустақил давлат сифатида миллий-демократик йўлдан боришини ёқлаб чиқдилар. Бу эса РСФСР ҳукумати раҳбарларига маъқул келмас эди. Шу сабабдан бир томондан Туркомиссия, иккинчи томондан РСФСРнинг мухтор вакили Сафонов Хоразм Республикасининг демократик йўлдан бораётган ёш хиваликлар ҳукуматини бадном қилишга уриндилар.

М.Сафоновнинг буйруғи билан 1921 йил 6 март куни мамлакатда ёш хиваликлар ҳукуматига қарши оммавий митинглар ўтказилди. Митингда қизил армия сиёсий бошқармасининг талаби билан ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Қуролланган ҳарбий қисмлар ҳукумат уйига бостириб кириб, ҳукумат раҳбарларини ҳибсга олдилар. Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси Полвонниёз Юсупов яширинишга улгурди. Қизил аскарлар қўлига тушмай қолган нозирлар эса, Жунаидхонга қўшилдилар. Шундай қилиб, Хоразм Республикасида яна ташқи кучлар большевиклар томонидан давлат тўнтариши ўтказилди ва қонуний сайланган ёш хиваликлар ҳукумати ағдарилди. II Умумхоразм қурултойи чақирилгунга қадар давлатни бошқариш 6 кишидан иборат тузилган муваққат инқилобий қўмитага топширилди.[3] Ж.Қўчқоров раислигидаги инқилобий қўмита республикани икки ой давомида бошқарди.

1921 йил 15—23 майда Хивада халқ вакилларининг II Умумхоразм қурултойи бўлиб ўтди. Хоразм Республикаси МИҚ раиси қилиб Муҳаммадрайим Оллоберганов, Халқ Нозирлар Кенгашининг раиси қилиб қорақалпоқ Менглихўжа Ибниямінов сайланди. Қурултойда ёш хиваликлар ҳукуматининг сиёсати «халққа қарши қаратилган сиёсат эди», деб қораланди.[4] Шу-

---

[1] Хива — минг гумбаз шаҳри. — Т., 1997, 50-бет.

[2] Хива — минг гумбаз шаҳри. — Т., 1997, 50-бет.

[3] Хоразм тарихи... 34-бет.

[4] Қаранг: ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 13—15, 20—24-варақлар.

нингдек, қурултой республиканинг янги Конституциясини тасдиқлади. Унга собиқ хон ҳукуматининг тарафдорлари, дин хизматчилари «текинхўр унсурлар» (ёлланма меҳнатдан фойдаланган бадавлат деҳқонлар ва ҳунармандлар) сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши тўғрисида алоҳида модда киритилди. Руҳонийларга иқтисодий тазйиқ ўтказиш мақсадида вақф ерларига ҳужум қилинди, шу ерларда ишловчи деҳқонлардан давлат фойдасига солиқ ундириш жорий этилди.[1] Умуман, қурултойда қабул қилинган қарорлар Хоразм Республикасининг ривожланиш йўлини бутунлай ўзгартириб юборди, миллий-демократик йўлдан эмас, аксинча, жамиятни, большевиклар истаганидек, синфий табақаланиш йўлига бошлади.

Афсуски, янги сайланган ҳокимиятнинг фаолияти ҳам узоққа чўзилмади. 1921 йил сентябр ойида бўлган ХХСР МИҚ мажлисида «ўз вазифасини бажара олмаган ва ишни чалкаштирган» деган сохта айблар билан М.Оллаберганов ўз лавозимидан олиб ташланди ва ўлимга ҳукм қилинди. Хоразм МИҚ раиси қилиб Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов тайинланди. О.Муҳаммадраҳимов ҳам ўз ўтмишдошлари сингари Хоразм Республикасини мустақил давлат сифатида ривожланиши учун бир қанча ишларни амалга оширди. У куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслигини тушунгач, Жунаидхон билан муросага келиш учун махсус комиссия тузиб унинг қароргоҳига жўнатди. 1921 йил 6 ноябрда Хоразм Республикаси ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида «Келишув шартномаси»ни тузишга муваффақ бўлинди.[2]

У ХХСРнинг мустақил давлат сифатида ривожланишини таъминлаш мақсадида қўшни Афғонистон, Бухоро ва бошқа давлатларда элчихоналар очиш ва мазкур давлатларнинг элчихоналарини Хоразмда очишга рухсат берди. О.Муҳаммадраҳимов динга, руҳонийларга ва вақф ерларига большевиклар чизиб берган андоза асосида ёндашмади. У халқ вакилларининг II Умумхоразм қурултойида қабул қилинган вақф тўғрисидаги қарорни, вақф даромадларидан олинадиган солиқни бекор қилди.[3]

Хива хонлиги ағдарилганидан сўнг Хоразмнинг беҳисоб бойликлари, қимматбаҳо асори-атиқалари талон-торож қилиниб Россияга олиб кетилганди. Бу талончилик жараёни эса ҳали давом этмоқда эди. Шу муносабат билан республиканинг ҳарбий ишлар нозири Миркомил Миршаропов ташаббуси билан 1921 йил 18 октябрда ХХСР МИҚ буйруғи эълон қилинди. Унга биноан ХХСР ҳудудидан халқнинг миллий маданий ме-

---

[1] *Ражапова Р.Я.* Кўрсатилган асар, 51-бет.

[2] Қ а р а н г: ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 204—207 варақлар.

[3] Хоразм тарихи... 36-бет.

росига тааллуқли бўлган бойликларини олиб чиқиб кетиш тақиқлаб қўйилди.[1]

Хоразм Республикаси раҳбарларининг бу «ўзбошимчалиги» большевикларга ёқмади. Марказдан ҳукумат таркибини ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатма олингач, қатъий ҳаракатга ўтилди. 1921 йил 27 ноябрда бўлган Хоразм Компартияси МҚ, Хоразм Республикаси МИҚ ва Халқ Нозирлари Кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлисида Хоразм Республикаси МИҚнинг раиси Қ.Муҳаммадраҳимов, Хоразм Халқ Нозирлари Кенгаши раиси М.Ибнияминов, МИҚнинг иш бошқарувчиси Мулла Бекжон Раҳмонов, ва ижроия бўлимининг бошлиғи Муҳаммаджон Абдалов, молия нозири Муҳаммад Юсуф Отажонов, дохилия нозири Ҳасан Эрматов, хорижия нозири Мулла Ўроз Хўжамуҳамедов, ҳарбий ишлар нозири Миркомил Миршаропов, шунингдек, Тригулов, Агайдаров, Юнгировлар «Хоразм халқининг душмани» деб эълон қилинди. Улар лавозимларидан бўшатилиб, қамоққа олиш ҳақида қарор қилинди.[2] Мажлисга келмай Оллоқулихон мадрасасида яширинган республика ижроқўми раиси О.Муҳаммадраҳимов отишма пайтида ўлдирилди. Шу тариқа, Хоразмда учунчи марта большевикларнинг мухтор вакиллари томонидан давлат тўнтариши ва РСФСРга маъқул бўлмаган ҳукумат раҳбарларини очиқдан-очиқ бадном қилиш амалга оширилди.

1921 йил 4 декабрда ХХСР МИҚнинг мажлиси бўлиб, унда О.Муҳаммадраҳимов раҳбарлигида амалга оширилган демократик йўналишдаги барча ишларни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Хоразм Компартиясининг I съезди эса (1921 йил декабр) республика қуролли кучлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда Россия большевикларининг кўрсатмасига амал қилиб, уни битта отлиқ полк ва ўқчи батальон билан чеклаш мумкин деб ҳисоблади. Бу, аслида, мустақил давлатнинг миллий армияга эга бўлишдан бош тортиши эди. Республика армиясини шу қадар оз миқдорга чеклаб қўйиш, аслида, давлат мустақиллигининг мана шу муҳим рамзи-негизи тугатилишини билдирар эди.

Россия большевиклари бу билан чекланмадилар. Улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига ҳам ҳужум бошладилар. РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг қарорига биноан Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий бирлаштириш учун тайёргарлик бошлаб юборилди. РКП(б) МҚнинг Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида 1923 йил 5—9 мартда Тошкентда ўтказилган Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришга бағишланган I Иқтисодий конференция — Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши

---

[1] Ўша жойда.
[2] ЎзР МДА, 71-фонд, 1-руйхат, 3-йиғма жилд, 235-варақ.

(СредазЭКОСО) тузилганлигини маълум қилди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларининг сиёсий, иқтисодий, молиявий ҳаётига раҳбарлик қилишнинг асосий воситалари Россия назоратига ўтибгина қолмай, ҳатто унинг бошқарув тизимидаги асосий бўғинлардан бири бўлиб қолди.

СредазЭКОСО ташкил этилганидан сўнг РКП(б) МҚнинг сиёсий бюроси учала республикадаги пул муомаласини ва солиқ тизимини бирлаштириш зарурлигини иқтисодий бирликнинг ҳал қилувчи шарти қилиб қўйди Россия червони ҳар учала республика пул муомаласининг асоси деб топилди.[1] Шу тариқа, Бухоро ва Хоразм Республикалари армиядан кейин давлат мустақиллиги ва суверенитетининг муҳим тимсолларидан бири бўлган миллий валютасидан ҳам маҳрум бўлди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) — 1921 й. март ойида РСФСР ХКК қарори билан ташкил қилинган Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС)нинг вориси бўлиб, у 1923 й. мартда Ўрта Осиё республикалари: ТАССР, БХСР, ХХСРни иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришга бағишланган I Иқтисодий конференцияда (1923 й. 5—6 март) ташкил қилинди. В.Ленининг ибораси билан айтганда, Иқтисодий Кенгашлар Марказнинг жойлардаги «кўз-қулоғи» бўлиши керак эди. Конференцияда қабул қилинган Низомда ҳам СредазЭКОСОнинг асосий вазифаси қилиб Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий имкониятларини бирлаштириб, Марказ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда социализм қурилишига йўналтириш, деб белгиланган эди. СредазЭКОСО қарорларини барча Ўрта Осиё республикалари ҳукуматлари бажаришга мажбур эди. СредазЭКОСО ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини Марказ манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилди. Ўрта Осиё республикаларининг Иттифоқ иқтисодий мажмуасидаги ўрни ва вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг юзага келишида, саноатни бир томонлама, чала, хом ашё шаклида маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришда СредазЭКОСОнинг «хизмати» катта бўлди. Республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш истиқболлари асосан СредазЭКОСОда ишлаб чиқилди.Марказнинг мустамлакачи тузилмаси — СредазЭКОСО республикаларни иқтисодий жиҳатдан бошқарув тизимини марказлаштиришда муҳим роль ўйнади.

СредазЭКОСО 1934 й. 2 октябрда СССР ХКК ва ВКП(б) МҚнинг қарори билан тугатилди.

1923 йил 18—20 октябрда Советларнинг IV Умумхоразм қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой республиканинг янги Конституциясини тасдиқлади. Янги Конституция мамлакатда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси ўзининг янги, социалистик ривожланиш даврига кирди деб баҳо-

[1] ЎзР МДА, 69-фонд, 1-рўйхат, 32-йиғма жилд, 21-варақ.

лади ва давлат номини шу кундан бошлаб Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб белгилади.[1]

Янги Конституцияга биноан ернинг хусусий мулклиги бекор қилинди, барча ерлар халқнинг мулки деб эълон қилинди ҳамда ерсиз ва кам ерли деҳқонларга топширилди. Қурултойда вақф тўғрисидаги зиддиятли масала ҳам советлар андозаси асосида ҳал қилинди: «Барча вақф ерларига ягона қишлоқ хўжалик солиғи солинади, вақф ерларида ўтирган деҳқонлар эса бунинг учун ҳақ тўлашга мажбур қилинмайди»,[2] деб таъкидланди қарорда. Вақфга қарашли бўлган барча мулклар маориф нозирлиги ихтиёрига берилди.

Шунингдек, янги Конституцияда ўзгалар меҳнатидан фойдаланадиган руҳонийлар, собиқ амалдорлар, хон авлодлари, савдогарлар, бойлар ва бошқа табақалар советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар. Қози судлари бекор қилиниб, янги судлар, қишлоқларда эса советлар кенгаши ташкил қилинди.[3]

Қурултойда қабул қилинган барча қарорлар Хоразм Республикасида мавжуд бўлган барча ижтимоий табақаларда жиддий норозилик туғдирди. Хоразм халқига мажбуран тиқиштирилган янги «социалистик йўл»дан норози бўлган барча кучлар мамлакат мустақиллиги учун курашаётган миллий мухолифат сафларини тўлдирдилар. Халқ оммаси эса, 1924 йил январда янги ҳукуматга қарши қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолон ҳам февраль ойи бошларида қизил аскарлар кучи билан бостирилди.[4]

Лекин, Хоразмдаги халқ қўзғолони Россия большевиклари раҳбариятини ташвишга солиб қўйди. Улар Хоразмдаги вазиятни назорат қилиб туриш учун партия Марказий Қўмитасининг тажрибали аъзоларидан юбориб турдилар. Биргина 1924 йилнинг февраль-март ойларида ХССРга марказдан 60 кишидан иборат «назоратчилар» келган эди.[5]

Хонликнинг қизил армия кучи билан тугатилиши ва унинг ўрнига халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмасдан Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил қилиниши шусиз ҳам мураккаб бўлган ижтимоий-иқтисодий аҳволни янада мушкуллаштириб юборди. Бу аҳвол қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда яққол кўринди. Агар 1915 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 1 млн. 740 минг пудни ташкил қилган бўлса, 1920 йилда 100 минг пудга тушиб қолди[6]. Хоразмдан олиб кетиладиган хом

---

[1] ЎзР МДА, Р-71 фонд, 1-рўйхат, 37-йиғма жилд, 116—117 варақлар; 45-йиғма жилд, 25—29 варақлар.

[2] Съезды советов Союза ССР, союзных и автономных советских социалистических республик. Сбор. документов. Т.2. — М., 1960. С. 18.

[3] Ўша жойда.

[4] Хоразм тарихи... 41-бет.

[5] Ўша жойда.

[6] Среднеазиатский экономический район. ТЭС. 1922. С. 40—42.

ашё эвазига Россиядан келтириладиган қишлоқ хўжалик ускуналари, металл, қанд, мануфактура ва бошқа товарлар ҳам кескин камайиб кетди. Қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ҳам бутунлай тўхтаб қолди. Бундай оғир аҳволдан чиқиш учун ёш Хоразм Республикасининг раҳбарияти эҳтиёткорлик билан иш юрита бошлади. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни большевиклар талабидек қатъийлик билан эмас, балки эҳтиёткорлик асосида босқичма-босқич амалга оширишга киришди.

Муваққат инқилобий ҳукумат ўзининг дастлабки, «Хоннинг мулки тўғрисидаги декрет»ига мувофиқ, аввал хонга, унинг қариндош-уруғларига ва ворисларига қарашли барча кўчмас мулклар мусодара қилинди ва ҳукумат ихтиёрига олинди.[1] Умуман, 1920 йил апрелдан 1921 мартигача национализация қилинган мол-мулклардан давлат ҳисобига 2 млн. сўм (Хоразм пули ҳисобида) даромад тушди.[2]

Демократик ҳукумат қабул қилган декретларининг деярли ҳаммаси учун шариат қонунларини асос қилиб олишга ҳаракат қилди. Масалан, «Судхўрлик ишларини амалга ошириш тўғрисидаги декрет»да судхўрлардан 20%дан зиёд фойдаси билан қарз олган барча қарздорларнинг қарзларини бекор қилиш, берилган қарз учун 10%дан зиёд фойда олган судхўрларга 1 йилдан 5 йилгача қамоқ жазосини белгилаш кўзда тутилди.[3]

1921 йил декабрда Хива шаҳрида ерсиз ва кам ерли деҳқонларнинг биринчи қурултойи бўлди. Қурултойда камбағал деҳқонларни ер-сув, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, уруғлик дон, қарз пули билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Деҳқонларни доимо кредит билан таъминлаб туриш учун қишлоқ хўжалик банки ташкил қилишга қарор қилинди. Қурултой қарорига биноан, 1922 йилнинг баҳорида 3 млрд. сўм асосий капиталга эга бўлган қишлоқ хўжалик банки ташкил қилинди. Банк шу йилнинг ўзида камбағал деҳқон хўжаликларига 1,5 млрд. сўм миқдорида қарз пули берди.[4] Аммо, республика қишлоқ хўжалигини тиклаш учун бу кредитлар етарли эмас эди. Аввало, деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатадиган турли хилдаги ширкатлар ташкил қилиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация шахобчаларини таъмирлаш ва кенгайтириш зарур эди. Бу эса жуда кўп миқдорда маблаг талаб қиларди.

1923 йилда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раҳбарлигида ва унинг маблағи ҳисобига ташкил қилинган 2 та йирик банк ана шундай имкониятга эга бўлди. Биринчиси 12 млн. сўм (олтин қийматида) капиталга эга бўлган Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик

---

[1] ЎзР МДА, 69-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғма жилди, 12-варақ.
[2] ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилди, 107-варақ.
[3] ГАРФ, ф. 1318, оп.1, д.715, л.58.
[4] «Жизнь национальностей». 1922, № 1. С. 191.

банки, иккинчиси, 7,5 млн. сўм маблағга эга бўлган Ўрта Осиё тижорат банки эди.[1] Бу банклар камбағал деҳқон хўжаликларига узоқ муддатли ссуда бериш билан шуғулланди.

Ерсиз, кам ерли деҳқон хўжаликларини ер, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари билан таъминлаш мақсадида давлат ер фонди ташкил қилинди.[2] Ер фонди томонидан 1922 йил октябрдан 1923 йил апрелгача хон, унинг қариндошлари ва амалдорларидан, йирик ер эгаларидан тортиб олинган 62400 таноб ерлардан 7250 таноби 1170 камбагал деҳқон хўжаликларига бўлиб берилди.[3]

Советларнинг IV Умумхоразм қурултойи (1923 йил 18—20 октябр) ерга нисбатан хусусий мулкчиликни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунга биноан, ер-сув ислоҳотини большевиклар талабидаги синфий ёндашув асосида кескин тусда амалга ошириш бошланди. Натижада, 1923 йил охирида яна 64 минг таноб ер ўз эгаларидан тортиб олинди ва камбағал деҳқонларга бўлиб берилди.[4]

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат маҳсулотлари билан айирбошлашда кооперациялар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хоразмдаги дастлабки кооперациялар оддий бўлиб, улар товар айирбошлаш ширкатлари кўринишига эга эди. 1921 йилда, ана шундай кооператив-ширкатлардан пахтачилик бўйича Шовот, Ғозовот, Моноқ, Гурлан, Урганч, Хонқа, Хива ва бошқа туманларда ташкил қилинди. Улар ҳар 50 пуд пахта эвазига 2 кетмон, 90 аршин мануфактура, 6 ғалтак ип, 4 фунт керосин, 30 қути гугурт, 60 фунт туз, 6 фунт арава ёғи, 3 дона ишланган тери, 5—7 пуд уруғлик дон бердилар.[5] Бундай маҳсулот айирбошлашни деҳқонлар қўллаб-қувватладилар, натижада деҳқонларни пахта етиштиришга бўлган қизиқиши тобора ортиб борди. Агар, 1921—1922 йилларда Хоразм Республикасининг умумий экин майдони 461666 танобни (2,5 таноб — 1 га) ташкил қилган бўлса, 1923—1924 йилларга келиб, 509555 танобга етди. Бу даврда пахта майдони 3 минг десятинадан (1 десятина — 1,08 га) 18 минг десятинага кўпайди. Пахта ялпи ҳосили эса, 1922 йилда 250 минг пудни (1 пуд — 20 кг) ташкил қилган бўлса, 1924 йилда 800 минг пудга етди.[6] Лекин етиштирилган бутун пахта ҳосили Россияга олиб кетилди.

Республикадаги суғориш иншоотлари ҳам ишдан чиққан, таъмирланишга муҳтож эди. Бунинг учун эса, янги ҳукуматнинг маблағи етишмасди. Туркистон ва Бухоро республикаларида бўлганидек, Хоразмда ҳам оғир меҳнат талаб қиладиган

---

[1] ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилди, 15—17-варақлар.
[2] Ў ш а ж о й д а, 71-фонд, 1-рўйхат, 45-йиғма жилд, 29—41-варақлар
[3] Ў ш а ж о й д а, 74-фонд, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 93—99-варақлар.
[4] Ў ш а ж о й д а, 73-фонд, 2-рўйхат, 3-йиғма жилд, 18—20-варақлар.
[5] «Хлопковое дело». 1923, № 7—8. С.21.
[6] Хлопководство в Туркестане. — Л., 1925. С. 138.

бу ишлар қишлоқ аҳолиси зиммасига юкланди. Аҳоли натура мажбурияти асосида ишлаб беришга мажбур эди. Масалан, 1922 йилда ана шу ишлар учун 35 минг деҳқонлар сафарбар қилиниб, 10 дан ортиқ каналлар таъмирланди, 200 км масофада дамбалар қайта қурилди. 1923 йилда эса, қишлоқ аҳолиси кучи билан яна 24 йирик суғориш иншоатлари қайта тикланди.[1] Деҳқонларни суғориш иншоотларида мажбуран ва бепул ишлатиш кейинги йилларда ҳам давом этди.

Хоразм Республикасидаги мавжуд саноат корхоналари ҳам ҳарбий тўнтариш ва мухолифат урушлари натижасида издан чиққан эди. 1920 йил сентябр-октябрда маҳаллий саноат корхоналари (булар асосан ҳунармандчилик устахоналари эди) билан биргаликда россиялик капиталистларга қарашли бўлган корхоналар ҳам советлар услубида национализация қилиниб, саноат соҳасида давлат сектори шакллантирилди. Давлат секторига ўтказилган саноат корхоналари жумласига Урганч шаҳридаги «Ярославл катта мануфактураси» пахта тозалаш заводи, Тошҳовуз, Манғит, Янги Урганч, Гурлан пахта тозалаш заводлари кирарди.[2]

1923 йилга келиб, давлат тасарруфига олинган корхоналардан 6 пахта заводи, 4 тери заводи, 10 ғишт заводи ва ёғ заводи тикланиб ишга туширилди. Шунингдек, бу даврга келиб, маҳаллий-ҳунармандчилик устахоналари ҳам ривожлана бошлади. Биргина Хива шаҳрида 1923 йилда 120 га яқин темирчилик устахонаси, 131 дурадгорлик устахонаси, 50 бўёқчилик ҳамда 136 терини қайта ишлаш кичик корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда 2058 ҳунарманд иш билан таъминланган эди[3]. Лекин бу корхоналар Хоразм Республикаси эҳтиёжларини қондира олмас, борлари ҳам фақат Россия корхоналари учун хом ашё тайёрлаб беришга ихтисослаштирилган эди.

1920 йил 1 августда Хива шаҳрида РСФСР ташқи савдо банкининг бўлими очилди. Натижада Хива шаҳрида товар базаси, Петро-Александровск, Урганч шаҳарларида унинг конторалари ташкил қилинди. Булар Хоразм ҳудудида тайёрланган маҳсулотлар ва хом ашёни Россия учун арзон нархда сотиб олишда ва республика бозорларида РСФСР назоратини кучайтиришда асосий омил бўлди. Россия билан савдо-иқтисодий муносабатлар 1920 йил 13 сентябрда РСФСР ва ХХСР ўртасида тузилган «Иқтисодий битим» асосида белгиланган бўлиб, унга кўра Хоразм Республикаси ташқи савдони фақат Россия орқали амалга ошириши лозим эди. Хоразм Республикаси ўзи учун зарур товарлар номлари ва миқдорини РСФСРдан сўраши ва бунинг

---

[1] ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 670, л. 89.

[2] Хоразм тарихи... 48-бет.

[3] Экономическая история советского Узбекистана (1917—1965 гг.) — Т., 1966. С. 72.

эвазига Россия учун энг зарур товарлар бўлган пахта ва пахта маҳсулотлари, тери, гилам, жун, уруғлик беришга мажбур эди. Шунингдек РСФСР билан Хоразм Республикаси ўртасидаги савдо иқтисодий алоқалар фақат Россия қоғоз пули асосида амалга оширилиши кераклиги ҳам қатъий қилиб қўйилди[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1922 йилда ҳали маҳаллий савдо-сотиқ ҳажмининг 90%и хусусий савдогарлар қўлида эди. Бу аҳвол РСФСРни қониқтирмасди. Чунки, Хоразм бозорларидан хом ашё сотиб олишда маҳаллий савдогарлар билан ҳисоблашишга мажбур эди. 1922 йил 29 июнда РСФСР билан ХХСР ўртасида янги «Иқтисодий битим» имзоланди. Битимга биноан Хоразм Республикасида савдога, давлат назорати кучайтирилди. Натижада 1923 йилга келиб ташқи савдонинг асосий қисми давлат қўлига ўтди. Буни 1923 йил 19 февралда ташкил қилинган Россиянинг пахтачилик ширкати мисолида кўришимиз мумкин. Унинг асосий ташаббускори Россия Бош Пахта қўмитаси ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бўлди. Пахта ширкатининг асосий мақсади Хивада, Ҳазораспда, Гурланда, Тошҳовузда, Хонқада (жами 6 жойда) ва бошқа туманларда пахта пунктлари ва заводлари ташкил қилиб, уларда деҳқонлардан пахта олиш ва қайта ишлашни амалга ошириш эди.[2]

Лекин Россия пахта ширкатлари деҳқонлардан олинадиган пахта харид нархини пасайтириб юборди. ХХСР МИҚнинг биринчи котиби, хорижия нозири, Хоразм пахта ширкатининг нозири Ҳаниф Каниев ва ХХСР савдо ва саноат нозири Муҳаммадраҳим Нуруллаев пахтанинг харид нархини кўтариш ва шу асосда деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида пахта савдосида эркин савдони, яъни янги иқтисодий сиёсат асосида савдо юритишни талаб қилдилар. Лекин Марказнинг Хоразм Республикасидаги ваколатли эмиссарларининг кўрсатмаси билан Ҳ.Каниев ва М.Нуруллаев «халқ душмани» деб айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар билан бирга ишлаган ходимлар ҳам турли муддатларга қамалдилар.[3]

Хоразм Республикаси ҳукумати дастлаб, РСФСР, БХСР, Туркистон АССР, Финляндия, Швеция, Германия, Туркия, Афғонистон, Эрон каби ва бошқа хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустақил олиб боришга ҳаракат қилди. Лекин янги ҳукумат раҳбарларининг бу демократик йўли большевиклар Россияси раҳбариятига маъқул келмади. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкил қилиниши билан ташқи савдо Иқтисодий Кенгаш рухсати билан амалга ошириладиган бўлди.

---

[1] Хоразм тарихи... 48—49-бетлар.
[2] ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 43-йиғма жилд, 57—63-варақлар.
[3] «Инқилоб қуёши». 1922, 19 апрел.

Хоразм Республикаси ташкил қилинган кунданоқ большевиклар Россиясининг таъсири кучлироқ бўлганлиги сабабли солиқ тизимида синфий ёндашув ўзини яққол намоён қилди. ХХСР ҳукумати биринчи навбатда камбағал деҳқонларни оғир солиқ мажбуриятларидан озод қилди. Солиқнинг оғир юки савдогарларга, судхўрларга, катта ер эгаларига тушди. Бу сиёсат 1920—1921 йилларда давлат хазинасига 100 млн. сўм пул тушишига ёрдам берди. Қишлоқ хўжалигида ягона солиқ тизими жорий қилинди. Бунга биноан 10 таноб ерга эга бўлган юқори ҳосилли ерлардан 2 сўм 50 тийин, ўртача ҳосилли ерлардан 2 сўм, кам ҳосилли ерлардан 1 сўм 50 тийин солиқ олинадиган бўлди. 10 танобдан ортиқ ерга эга бўлганлар 2 сўмдан 3 сўмгача солиқ тўлашлари зарур эди. 1923 йил охирига келиб қишлоқ хўжалигида яна ягона солиқ тизими таркиб топди. Бу солиқ тизимида синфий сиёсат яна ҳам жиддийроқ қилиб қўйилди.

1923 йил июнда саноат соҳасидаги солиқлар ҳам бир тизимга солиниб «давлат саноат солиги» жорий қилинди. Бу ҳам синфий характерга эга бўлиб, турли табақаларга мослаштирилиб солиқ белгиланган эди.[1]

ХХСР ҳукумати маданий-маърифий ишларга ҳам кенг эътибор беришга ҳаракат қилди. 1920 йил баҳорида янги ҳукумат таркибида мулла Бекчон Раҳмонов бошчилигида маориф ва маданият нозирлиги ташкил этилди. Лекин янги ҳукумат қўлида ҳали етарли маблағ, мактаблар учун бинолар, муаллимлар, энг муҳими тажриба етишмас эди. Республикада янги типдаги мактаблар 1920 йил баҳорида ташкил қилина бошланди. Дастлабки, бошланғич умумтаълим мактаблари Хива, Янги Урганч, Кат, Дарғон ота шаҳарларида пайдо бўлди. Бу мактабларда дарслар ўзбек ва туркман тилларида олиб борилди. Муаллимлар етишмаслиги сабабли эски мактаб ходимларидан фойдаланилди. 1921 йилда ана шу муаллимлардан 16 нафари совет мактабларида ишлашга ўтган эдилар.[2]

Шу билан бирга маориф нозирлигининг махсус топшириғи билан Хоразмдаги мавжуд 1500 га яқин эски мактаблар ва 130 мадрасаларнинг ўқув дастурига қисман ўзгаришлар қилинди, диний билимлар билан бир қаторда тарих, жуғрофия, арифметика, ўзбек тили ва бошқа дунёвий фанларни ҳам ўқитиш ҳақида кўрсатма берилди.

1923 йил ёзига келиб ХХСРдаги янги типдаги бошланғич мактаблар сони 29 га етди. Шунингдек, 9 та мактаб интернат ва 3 та ихтисослашган намуна мактаблари фаолият кўрсатди. Уларда жами 1600 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар билим олдилар.[3]

---

[1] Хоразм тарихи... 50—51-бетлар.

[2] *Погорельский И.В.* История Хивинской революции и Хорезмской народной Советской Республики. — Л., 1984. С. 176.

[3] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. — Т., 1968, 302-бет.

Республика халқ маорифи катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берди. Саводсизликни тугатиш мактабларига 17 ёшдан 35 ёшгача жалб қилинди. Шаҳар ва қишлоқларда саводсизликни тугатиш курслари ва мактаблари очилди. Ушбу мактабларда 1921 йилнинг ўзида 410 киши ўқиш ва ёзишни ўрганди. 1923 йилга келиб катта ёшдагилар учун 20 та саводсизликни тугатиш мактаблари очилиб, уларга 767 киши жалб қилинди. Порсу, Хўжайли, Қунғирот ва Алиэли туманларида қозоқ ва туркман тилларида ҳам ана шундай мактаблар ташкил қилинди. Умуман республика бўйича 1920—1924 йиллар давомида 1800 дан ортиқ аҳоли саводсизлигини тугатган эди.[1]

ХХСР ҳукумати халқ маорифини қўллаб-қувватлаш мақсадида имкон даражада маблағни йилдан йилга ошириб борди. Агар 1922 йилда шу мақсад учун ажратилган маблағ 42,2 минг сўмни ташкил қилган бўлса 1924 йилга келиб 253 минг сўмга (олтин ҳисобида) етди.[2] Шунингдек, республикада маориф учун хайрия жамғармалари тўплаш ҳам йўлга қўйилди.

Лекин республика маориф тизимида малакали кадрлар етишмасди. Бу муаммони ҳал қилиш учун, РСФСР ва Туркистон АССРда бўлганидек, ХХСРда ҳам қисқа курслар ва махсус ўқув юртлари кўплаб ташкил этилди. 1920 йилда Хивада ташкил қилинган муаллимлар тайёрлаш уч ойлик курсини 40 киши тамомлади, 1921 йилда 100 киши, 1922 йилда эса 92 киши битириб, мактабларга йўлланма олдилар.[3] Бироқ қисқа курсларни битириб чиққан бу муаллимлар ўқувчиларни фақат ўқишга ва ёзишгагина ўргата олар эди, холос. Чуқур билим беришга уларнинг малакаси етишмасди. Бунинг учун эса, олий таълимни ташкил этиш ва уни ривожлантириш зарур эди.

1921 йил сентябрда Хивада очилган Халқ университети республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига кадрлар тайёрлаш учун ташкил этилган бу университетда ўқиш 3 йилга мўлжалланган бўлиб, дастлабки йилда унга 83 нафар маҳаллий ёшлар қабул қилинди.[4] 1922 йилдан бошлаб, Хивада қисқа муддатли курслар ўрнига уч йиллик муаллимлар семинарияси очилди. 1923 йилга келиб, булар педагогика техникумига айлантирилди.

1923 йилда РСФСРдан Хоразмга маҳаллий тилни биладиган 23 ўқитувчи юборилди. Улар Оренбург шаҳрида маҳаллий ўқув юртини тамомлаган мутахассислар эди. Яна 16 нафар ўқитувчи шартнома асосида ишлаш учун Хоразмга келди.[5]

---

[1] *Билолов Г.М.* Из истории культуры и просвещения в ХНСР (1920—1924 гг.) — Т., 1966. С. 56—57.

[2] Ўша жойда, 29-бет.

[3] Хоразм тарихи... 64-бет.

[4] *Погорельский И.В.* Ўша асар, 177-бет.

[5] *Мухаммадбердиев К.Б.* История Хорезмской революции. — Т., 1986. С. 170.

Шу билан бирга Хоразм Республикасининг бир қатор ўқувчи-ёшлари Ўрта Осиё ва Россиянинг марказий шаҳарларига ўқишга юборилдилар. Чунончи, 1923 йилда Тошкент, Москва, Қозон, Оренбург ва бошқа шаҳарларга Хоразмдан 70 нафар, 1924 йилда эса 150 дан ортиқ йигит ва қизлар турли ихтисосликлар буйича ўқишга юборилган эди.

Янги услубдаги совет мактабларини ўзининг қадимий ўқиш ва ўқитиш анъаналарига эга бўлган Хоразм халқига бирданига жорий қилиниши халқ, айниқса, руҳонийлар орасида норозиликларга сабаб бўлди. Масалан, 1920 йил 8—9 июлда Хива шаҳрида бўлган кўп кишилик намойишда,[1] 1923 йилда Янги Урганчда Абдиниёз Охун бошчилигида 300 яқин киши қатнашган намойишда янги типдаги совет мактаблари шариат қоидаларига тўғри келмаслиги айтилиб, болаларни бу мактабларга бермасликка чақирдилар.[2]

1924 йил августда Амударё орқали кемада марказий шаҳарларга ўқишга кетаётган 22 нафар хоразмлик йигит ва қизлар маърифат душманлари томонидан ҳалок қилиндилар.[3]

20-йилларнинг бошларида Хоразм Республикасида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу ишлар асосан, советлар Россияси ташаббуси ва рус олимлари томонидан амалга оширилганди. Чунки узоқни кўзлаб қилинган бу тадқиқотлардан Хоразм билан бир қаторда ва кўпроқ Россия манфаатдор эди. 1923 йилда И.Н.Шастал, Г.Н.Черданцев, С.К.Малюкин каби иқтисодчи олимлар иштирок этган махсус илмий экспедиция Хоразм Республикасининг иқтисодий аҳволи ва унинг ривожланиш имкониятларини ўрганди. Экспедиция тадқиқотларининг якуний ҳужжатлари Ўрта Осиёни миллий чегаралашда кенг фойдаланилди. Шу йилларда қуйи Амударё этакларида текшириш ишларини ўтказган Б.М.Георгиевский бошлиқ экспедиция Хоразмни геологик ва гидрогеологик жиҳатдан ўрганди.

1921—1924 йилларда машҳур олим, инженер-ирригатор Ф.П.Моргуненков бошчилигидаги экспедиция Хоразмнинг суғориш тармоқларини, ер-сув ресурсларини ўрганиш ишларини олиб борди. Экспедицияда иштирок этган олимлар томонидан тўпланган қимматли материаллар ва илмий хулосалар кейинчалик Жанубий Хоразм сув хўжалигини илмий асосда тубдан қайта қуриш учун асос бўлди ва Хоразмда пахтачиликни ривожлантиришда катта хизмат қилди.

Шунингдек, Хоразм Республикасида тарих илмига ҳам алоҳида эътибор берилди. Халқ маорифи нозирлигида ишлаётган тарихчи олим Муҳаммад Юсуф Баёний (1870—1925) ҳукумат

---

[1] История Бухарской и Хорезмской народной советской республики. — М., 1971. С. 150.

[2] *Муҳаммадбердиев К.Б.* Ўша асар, 170-бет.

[3] Хоразм тарихи... 66-бет.

топшириғига биноан «Хоразм тарихи» асарини ёзди. Баёний ўзининг 1920 йилдаги большевиклар босқинидан олдин тайёрлаган «Шажараи Хоразмшоҳий» асарини қайта ишлаб, Хоразмнинг ҳаққоний тарихини яратади. «Хоразм тарихи» асари 16 бобдан иборат бўлиб, бизгача 8 боби етиб келган, холос. Ўша йилда яратилган «Хоразм мусиқаси тарихи» номли тадқиқот ҳам муҳим тарихий асарлар сирасидан жой олди. Бу асар 1925 йилда Москвада чоп этилган эди.

Республикада маданий оқартув муассасаларини ташкил этишга, улар асосида аҳолини «янгича маданият», «янгича маънавият» ва социализм руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Халқ ҳукумати ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан республиканинг шаҳар ва қишлоқларида клублар, кутубхоналар, қизил чойхоналар ташкил этилди. Дастлабки клуб ва кутубхона Хива шаҳрида 1920 йил ёзида собиқ хон саройи биносида ташкил қилинди. 1921 йил 11 апрелда Хивада хоннинг Тошҳовли биносида халқ музейи очилди. Музейга Хоразм тарихи, маданияти ва этнографиясига оид қимматбаҳо маълумотлар қўйилди. Шунингдек, клуб ва кутубхоналар Янги Урганч, Тошҳовуз, Хўжаэли, Қўнғирот ва бошқа шаҳарларда ҳам барпо этилди. 1923 йилга келиб Хоразм Республикасида 8 клуб ва маданият уйлари, 5 оммавий кутубхоналар, 4 қизил чойхона ва кино театрлар аҳолига маданий-маърифий хизматлар кўрсатди.[1]

Хоразм Республикаси маданий ҳаётида Худойберган Девоновнинг (1870—1940) ўрни салмоқли бўлди. У биринчи ўзбек фотосуратчиси ва киночиларидан бўлиб, бутун умрини Хоразмнинг архитектура ёдгорликларини, хоразмликларнинг турмуш тарзини, диёр табиатини, республика ҳаётида содир бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий воқеаларни фотосуратга ва кино тасвирига туширишга бағишлади. Х.Девонов Хоразм халқи учун муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган бир мингга яқин фотосурат, унга яқин ҳужжатли кинолавҳаларни маданий мерос сифатида қолдирди.

ХХСРда мусиқа ва театр санъатини замонавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Ҳ.Ҳ. Ниёзий (1921—1924 йилларда Ҳамза Хоразм Республикасида яшаган эди)нинг хизматлари катта бўлди. Хивага таниқли бастакорлар, ҳофизлар, раққосалар, қизиқчи-масхарабозлар тўпланиб, улар иштирокида бадиий тўгараклар, концерт группалари, мақомчилар ансамбллари ташкил этилди. 1920 йил ўрталарида Хивада дастлабки саҳна театрига асос солинди. 1922 йилда Ҳ.Ҳ.Ниёзий Хивада бир неча драма театрини ташкил этди. Театрда Ҳамзанинг «Туҳматчилар жазоси», «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожиаси» каби «инқилоб»ни улуғловчи асарлари қўйилди.

---

[1] Хоразм тарихи... 67-б.

20-йилларнинг дастлабки ойларида Хоразм ҳаётида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва амалга оширилаётган туб ўзгаришлар адабий жараёнга ўз таъсирини кўрсатди. Хоразм бадиий адабиёти ташкил қилинган ёш Хоразм Халқ Республикасини қўллаб-қувватлади, унга озодлик, демократик тузум тимсоли сифатида қаради. Баёний, Сафо Муғанний, Девоний, Сойиб Назарий ва бошқалар ўзларининг «Яхши даврон», «Ҳуррият», «Инқилобга», «Бизларга байрам» каби ва бошқа шеър ва ғазалларида янги халқ республикасига умид билан қарадилар ва уни олқишладилар.

ХХСР ҳукумати матбуот ишларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берди. 1920 йил март ойидан бошлаб республикада биринчи «Инқилоб қуёши» номи билан ўзбек ва туркман тилларида газета нашр қилина бошланди. 1921—1922 йилларда РСФСР Хоразмга 2 замонавий босмахона ускуналари ва уларни ишга тушира оладиган бир гуруҳ мутахассислар юборди. Бу Хоразмда матбуотни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1921—1924 йилларда яна «Хоразм хабарлари», «Қизил ёшлар овози», «Ишчилар товуши» ўзбек ва туркман тилларида, «Сўнгги ахборот», «Оқ йўл» газеталари қозоқ тилида, «Донг юлдузи» туркман тилида, «Нажот» форс тилида нашр қилинди. Шунингдек, 1922 йилдан бошлаб, «Қизил Хоразм», «Маориф» ва ҳажвий «Қопқон» журналларини чоп этиш бошланди. 1923—1924 йилларда Хива босмахонасида дастлабки асарлар «Югурма» тўплами ва «Оталар насиҳати» номли халқ мақоллари тўплам шаклида ўзбек тилида босилиб чиқди.

Хоразм Халқ Республикасида ижтимоий масалаларга, айниқса халқ саломатлигини яхшилашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада Туркистон Республикаси ва РСФСР малакали врачлар, фельдшерлар, дори-дармонлар ҳамда касалхона ва амбулаториялар учун зарур анжомлар билан ёрдам берди. 1923 йилда Хивада 100 ўринли касалхона қурилиб битказилди. Касалхонада 3 нафар юқори малакали врачлар ва бир неча фельдшерлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. Касалхона қошида очилган поликлиникада ҳар куни 150 га яқин беморларга тиббий ёрдам қилинди. Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам бир қатор фельдшерлик даволаш пунктлари ишга туширилди. Хоразмда болалар орасида чечак касали кўпайганлиги сабабли унга қарши курашда ёрдам бериш учун 1923 йилда Тошкентдан таниқли эпидемиолог Минкевич бошчилигида бир гуруҳ тиббиёт ходимлар юборилди.

Республика ҳукумати халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1923—1924 йилга мўлжалланган режасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янада кенгайтириш вазифасини белгилади. Натижада, 1924 йилга келиб Хоразмда 3 стационар касалхона, тиш даволаш пунктлари, безгакка қарши эмлаш станцияси, 4 дори-

хона ҳамда 16 амбулатория-фельдшерлик пунктлари ишга туширилди ва уларда 74 нафар медицина ходимлари фаолият кўрсатди. Улар бир кунда 500 дан ортиқ беморларга тиббий ёрдам кўрсата бошлади.[1] Бу тадбирлар халқ саломатлигини яхшилаш, тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш борасида қўйилган дастлабки қадам эди.

Бироқ республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган бу тадбирлар мамлакатдаги сиёсий вазиятни тубдан ўзгартира олмади. Сиёсий аҳвол мураккаблигича қолаверди. Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бўлганидек, Хоразмда ҳам халқнинг тинимсиз қаршилиги ўз давлатчилигини, турмуш тарзи, дини, миллий қадриятларини ўзгармаслигини ҳимоя қилиш йўлидаги кенг миқёсли озодлик ҳаракатига айланиб кетди. Шу билан бирга асрлар давомида шаклланган бу давлатларнинг мавжудлиги большевикларнинг Ўрта Осиё юзасида мўлжаллаган мақсадларини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилар эди. Лекин, қизил армия қисмларининг қудратли кучи ҳам бу халқларнинг озодлик учун курашларини тўхтата олмас эди. Буни яхши тушунган Россия большевиклари раҳбарияти бу давлатларга бутунлай чек қўйиш мақсадида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегаралаш ғоясини ўртага ташлади ва уни зудлик билан амалга оширишга киришди.

Бухоро Халқ Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар

«Бухорода мустақил демократик давлат тузишга кўмаклашиш» ниқоби остида ҳамда қизил аскарлар қуроли ёрдамида зўрлик билан амалга оширилган «инқилоб»ни сақлаб қолиш баҳонасида большевиклар бу ерда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни Россия манфаатлари йўлига буришга ҳаракат қилдилар. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Туркомиссиянинг 1920 йил 10 сентябрдаги қарорига биноан В.Куйбишев РСФСР ҳукумати, шунингдек РКП(б) МҚнинг Бухоро Халқ Республикасидаги вакили сифатида юборилди.[2] 1920 йил 14 сентябрда эски Бухорода БКП МҚ, Инқилобий Қўмита ва Халқ Нозирлар Кенгашининг бирлашган мажлисида В.Куйбишев БХР ҳукуматининг бошлиғи Ф.Хўжаевга ўзининг ишонч ёрлиғини топширди. У ишонч ёрлиғи топшириш пайтида «РСФСРнинг асосий талаби Бухоро давлати мустақиллигини ҳурмат қилиш, барча рус фуқаролари ва ташкилотларини ҳам Бухоро мустақиллигини ҳурмат қилишга ундашдан иборат» эканлигини қайд этди.[3]

---

[1] История Хорезма. — Т., 1976. С.180.
[2] *Файзиев Р.* Бормисан, эркинлик? //«Гулистон», 1991, № 4, 7-бет.
[3] История Бухарской и Хорезмской советских республик. — Т., 1970. С. 128.

Лекин бундан кейинги Бухорода кечган тарихий жараёнлар «гап бошқа-ю, иш бошқа» эканлигини кўрсатди. Бухоро Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган барча тадбирлар В.Куйбишевнинг «йўл-йўриқлари» ва унинг очиқдан-очиқ аралашуви асосида қилинадиган бўлди. Янги давлат тизимининг шаклланиши, иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизимларининг ташкил қилиниши ҳам асосан советлар андозасида амалга оширилди.

1920 йил 6 октябрда амирнинг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хосада халқ вакилларининг I Умумбухоро қурултойи бўлди. Қурултойга асосан большевиклар Россияси манфаатларини кўзлайдиган делегатларни кўпроқ чақиришга ҳаракат қилинди. Қурултой Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу тариқа, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Бухоро Халқ Республикаси — Бухоро Халқ Совет Республикасига (БХСР) айланди.

Бироқ қизил аскарларнинг босқинчилиги ва Бухоро халқининг турмуш тарзига ёт бўлган большевистик усулдаги қайта қуришнинг зўрлик билан жорий этилиши аҳолининг норозилигига сабаб бўлди, Бухоро жамиятини таназзулга олиб келди, мамлакатни урушнинг дўзах оловига ташлади, иқтисодиётга ва халқнинг турмуш даражасига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлиши натижасида, аграр тармоқдаги ишлаб чиқариш даражаси 1922 йилда 1918 йилга нисбатан деҳқончиликда 40%га, чорвачиликда 53%га тушиб қолди, экин майдонлари деярли икки баравар, қоракўл тери етиштириш 20 баравар, пахта етиштириш эса 26 баравар қисқарди. Ана шу даврда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50%га, савдо-сотиқ обороти эса 75%га тушиб қолди.[1]

Мамлакатда юзага келган инқирознинг олдини олиш учун БКП МҚ, Инқилобий Қўмита ва Халқ Нозирлари Кенгаши ўртасида ҳаракат бирлигини юзага келтириш мақсадида В.Куйбишев ҳокимиятнинг олий органи — Умумбухоро Инқилобий Қўмитасини тузишга эришди. Инқилобий қўмита аъзолари 11 кишидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ф.Хўжаев бошчилигидаги ёш бухороликлар партияси аъзолари эди.

1920 йилнинг кузида Бухорода аҳвол янада мураккаблашди. Миллий озодлик ҳаракати тобора авж олиб борди. Шу муносабат билан 1920 й. 4 октябрда Эски Бухорода фавқулодда ҳолат эълон қилинди ва зўрлик билан «халқ милицияси» тузила бошланди.[2] Москва эса, Бухорода «тартиб ўрнатиш» баҳонаси би-

---

[1] Бухара в государственном хозяйственном плане 1923—1924 гг. Старая Бухара. 1923. С.115—116.

[2] *Турсунов Х.Т., Макашов В.В.* Образование и деятельность Бухарской коммунистической партии. — Т., 1983. С. 89.

лан қўшимча қизил армия қисмларини юборди. Бу кучларнинг асосий вазифаси нафақат Бухорода ўрнатилган совет тузумини ҳимоя қилиш, шунингдек, бу ердаги мавжуд бойликларни, айниқса Амир Олимхон хазинасини тортиб олиб, Марказга жўнатишдан иборат эди.

Бухоро амирлигининг сарой хазинаси «инқилобгача» икки асрга яқин даврда дахлсиз сақланиб, фақат тўлдириб, бойитиб келинган эди. Бу бойликлар ҳар доим рўйхатга олиб борилар ва қаттиқ назорат қилинарди. 1914 йил арафасида амир хонадонига тегишли олтин, кумуш пуллар ва бошқа қимматбаҳо зеб-зийнатлар ҳисоби туширилган махсус дафтарлар тахининг ўзи бир ярим олчин (1 олчин — 70 см.га тенг) қалинликда бўлган.[1]

Бухоро амирлигининг мислсиз, сон-саноқсиз бойликлари ҳақидаги хабар «инқилоб»нинг эртасигаёқ Москвага етиб боради. Натижада, бу бойликлар РСФСР вакиллари томонидан зўрлик билан мусодара қилиниб, ҳар бири 10—13 вагондан кам бўлмаган бир неча қизил ҳарбий эшелонларда Москвага олиб кетилади.[2] Амир Олимхон авлодлари хазинасини зўрлик билан тортиб олиб, уларни ҳақиқий эгаси бўлган Бухоро халқидан сўрамасдан Москвага олиб кетилиши большевиклар ҳукуматининг бу ҳудудга қуролли ҳужумидан мақсади асосан босқинчилик ва талончилик эканлигидан далолат эди.

1920 йил 3 ноябрда Туркомиссия Бухоро Халқ Республикаси билан «ҳарбий-сиёсий битим» ва «Бухородаги собиқ рус аҳолиси посёлкалари ҳақида вақтинчалик шартнома» имзолади. Бу ҳужжатлар 1921 йил 4 мартда РСФСР билан БХСР ўртасида имзоланган «Иттифоқ шартномаси» ва «Иқтисодий битим» каби давлатлараро ҳужжатларга асос бўлиб хизмат қилди. Бу ҳужжатларда Бухоро мустақил давлат сифатида тан олинган бўлса-да, амалда улар Россия большевикларининг империяча сиёсат олиб боришларига «ниқоб» бўлиб хизмат қилди.

Марказий ҳукумат Бухоро Республикасида юзага келган танг ҳолатдан ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун Бухорода иқтисодий барқарорлик стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берди. Бу стратегияни амалга ошириш, бир томондан, миллий иқтисодиётни ва сиёсий барқарорликни тиклашга ёрдам берса, иккинчи томондан, советлар Россияси билан БХСР ўртасида империяча иқтисодий муносабатлар тизимини мустаҳкамлашга имкон бериши мумкин эди. Бу стратегия «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг Россия моделига асосланган бўлиб, аҳолининг аксарияти — 9/10 қис-

---

[1] *Йўлдошев Н., Ҳайдаров И.* Амир Олимхон хазинаси қаерда? //«Фан ва турмуш». 1991, №10, 10-бет.

[2] *Узоқов Х., Холбоев С.* Жумбоққа айланган хазина //«Иқтисод ва ҳисобот». 1993, № 3, 14-бет.

ми қишлоқ аҳли бўлган «деҳқонлар мамлакатида» социализмнинг иқтисодий негизини яратишга қаратилган эди.

Мамлакат халқ хўжалигининг асосини ташкил қилган қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан ёш бухороликлар ҳам манфаатдор эдилар. Лекин улар қишлоқлардаги аграр ва иқтисодий муносабатларни қайта қурмасдан, миллий иқтисодиётни бозорга мослаштириш ва жамиятни демократик асосда янгилашни хоҳлар эдилар.

РСФСР ҳукумати эса Бухоро Республикаси раҳбариятини, айниқса, коммунистларни қишлоқ хўжалигида кескин туб ислоҳотлар ўтказиш йўли билан Бухоро деҳқонларини совет ҳокимияти томонига оғдириб олиш йўлидан боришга ундади.

Буларнинг бари мамлакатни ривожлантириш борасида, назарий-услубий ёндашувлар бир хил эмаслигини кўрсатарди. Натижада, янги аграр сиёсатнинг дастурий қоидаларини ишлаб чиқишда кескин қарама-қаршиликлар юзага келди. Бу, айниқса, БКП МК билан демократик кайфиятдаги БХСРнинг бир гуруҳ ҳукумат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларда яққол кўзга ташланди.

Большевиклар таклиф қилган йўлни танлаган Бухоро компартиясидаги «сўллар» ерни ёппасига национализация қилиш ва қишлоқни социалистик асосда жадал қайта қуришни ёқлаб чиқдилар. Ҳукуматдаги демократик руҳдаги ёш бухороликлар эса, мўътадил ислоҳотлар ўтказиш йўлини таклиф қилдилар. Уларнинг фикрига кўра, барча ерларни, шу жумладан, вақф ва бойларнинг ерларини мусодара қилиш, ҳалокатли ижтимоий портлашга, Бухоро жамиятини синфий жиҳатдан парчаланишга, охир оқибатда эса, таназзулга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ёш бухороликлар биринчи босқичда фақат амир, унинг оила аъзолари, амалдорлари ерларини мусодара қилиш керак деб ҳисобладилар.

Сиёсий кураш воқеалари ўша даврда юзага келган ер қонунчилигида ҳам акс этди. 1920 йил 21 ноябрда Инқилобий Қўмита раиси А.Муҳитдинов томонидан имзоланган Бухоро Республикасининг ер тўғрисидаги қонуни ва амирга тегишли барча молмулклар, ерларни халқ мулки деб эълон қилишни, уларни мусодара қилиб, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ўртасида қайта тақсимлашни назарда тутган эди. Бўлиб берилган ерни сотиш ва олиш, гаровга бериш, инъом этиш ва васият қилиб қолдириш тақиқланди. Айни вақтда декретга мувофиқ экин майдонларидан олинадиган барча солиқлар ва ўлпонлар бекор қилинди.

Бироқ ер тўғрисидаги масалани ҳал этиш стратегиясига бу қадар мўътадил ёндашиш БКП МҚнинг изчил фикрловчи раҳбарлари томонидан кескин танқид қилинишига сабаб бўлди. «Сўл» коммунистлар тазйиқи билан Марказий Инқилобий Қўми-

та 1921 йил 2 февралда ер ҳақида янги декрет қабул қилди.[1] Янги декрет кенг инқилобий ўзгаришларни тантанали равишда эълон қилди, бу эса ўз ўрнида барча мол-мулкни, ерларни мусодара қилишни тақозо қилар эди.

Лекин ёш бухороликлар ҳукуматининг демократик йўл тутиши натижасида БХСРда мўлжалланган ислоҳотлар секинлик ва эҳтиётқорлик билан ўтказилди, белгиланган ишларнинг кўплари қоғозда қолиб кетди. Бу ислоҳотларни мўлжалдагича амалга ошириш учун «сўллар»да сиёсий куч ва имкониятлар етишмади. Бу эса, Бухорода совет ҳокимияти тузилмаларининг ҳали заифлигини билдирар эди.

БКПнинг II съезди (1921 й. декабр) «инқилобий» жараёнларнинг янада авж олишида сезиларли босқич бўлди. Унда қабул қилинган Бухоро коммунистлари дастурида Москванинг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ Бухоро Республикаси учун «тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб, хўжалик юритишнинг феодал-патриархал шаклларидан социализмга» ўтишнинг «сакрашсимон» стратегияси белгилаб берилди. Айни вақтда тактик жиҳатдан социалистик Россиядан андоза олиб янги иқтисодий сиёсат йўли эълон қилинди. Шунга мувофиқ иқтисодий сиёсат соҳасида завод ва фабрикаларни национализация қилиш вазифаси биринчи галдаги вазифалар сифатида илгари сурилмади. Аксинча, саноат соҳасида ҳам, савдо-сотиқдаги каби, хусусий хўжалик ташаббусини рағбатлантириш таклиф этилди.

Иқтисодий ёндашувлар бирмунча эркин бўлишига қарамасдан, БКПнинг дастурий ҳужжатида ифодалаб берилган умумий «халқ-демократик ривожланиш» йўли шаҳар ва қишлоқларда социализмга бориш жараёнида синфий курашни зўр бериб авж олдиришни назарда тутар эди.

Советларнинг II Умумбухоро қурултойида (1921 й. сентябр) миллий тафаккур тарзига мувофиқ ер сиёсатига тузатишлар киритиш тўғрисида қабул қилинган қарор ер ислоҳотида шак-шубҳасиз ижобий қадам бўлди. Бу борада, Инқилобий қўмита раиси А.Муҳитдиновнинг қурултойда сўзлаган нутқи эътиборга сазавордир. У, хусусан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Шариатга биноан, мусулмоннинг ҳеч қандай мулки унинг розилигисиз тортиб олиниши мумкин эмас. Мен ер эгаларининг қўлида мавжуд бўлган ерларини аввалги ҳолида қолдиришни ёқлаб фикр билдираман».[2] Ҳукуматнинг ер масаласи бўйича таклифи қурултой делегатлари томонидан якдиллик билан қабул қилинди, бу таклиф қишлоқда асосий сиймо ҳисобланган ўртаҳол деҳқон манфаатларига, ердан фойдаланишнинг азалий анъаналарига мос келарди.

---

[1] Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917—1926 гг.) Сбор. документов. — Т., 1962, С. 125—126.

[2] «Бухоро ахбори». 1921, 25 сентябр.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот

Абдулқодир Муҳитдинов (1892—1934) — Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, давлат арбоби.

А.Муҳитдинов 1892 й. Бухоро шаҳрида йирик савдогар Муҳитдин Мансуров оиласида туғилди. Айрим манбаларга қараганда, у Истанбул мадрасасида ўқиган. Отаси М.Мансуров Бухородаги илк жадид газетаси — «Бухорои шариф»ни моддий жиҳатдан таъминлаб турган, жадид мактабларига ҳомийлик қилган. Шунингдек, М.Мансуров 1917 й. Бухородаги апрел воқеаларидан кейин ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитасининг раиси вазифасини қисқа муддат бажарган эди. Маърифатли отанинг фарзанди бўлган А.Муҳитдинов жадидлар ҳаракатида фаол иштирок этди. 1910 йилда Оренбургдаги «Вақт» газетасида унинг дастлабки мақоласи эълон қилинди.

1918—1920 йилларда А.Муҳитдинов Бухоро жадидларининг фаол аъзоси сифатида Самарқанд, Тошкент ва Москвада муҳожирликда яшашга мажбур бўлди. У Туркистон мусулмонлари бюросининг аъзоси (1919—1920) эди. Бухорода амирлик қизил аскарлар кучи билан ағдарилгач, А.Муҳитдинов Умумбухоро Инқилобий қўмитаси раиси (1920 сентябр — 1921 й. сентябр), БХСР деҳқончилик нозири (1920 й. сентябрдан) каби масъул лавозимларда ишлади. А.Муҳитдинов БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқа ўрнатиш тарафдори, Бухоро Республикаси ҳудудидан босқинчи қизил аскар қисмларини олиб чиқиб кетишни ва Бухорода халқ милицияси сингари миллий армия тузишни қатъий талаб қилган раҳбар эди.

Шунинг учун ҳам Марказнинг Туркистондаги таянчи бўлган Турккомиссия томонидан А.Муҳитдинов ва унинг тарафдорлари «ўнг оғмачилик»да айбланди ва лавозимидан бўшатилди. Лекин, шунга қарамасдан, у 1921—1924 йилларда БХСР савдо ва саноат нозири, Меҳнат Кенгаши раиси, БХСР Нозирлар Кенгаши раисининг иккинчи муовини лавозимларида ишлади ва Бухоро Республикасининг мустақиллиги, эътиқод эркинлиги, демократик ислоҳотларни ёқлаб чиқди.

А.Муҳитдинов билан Ф.Хўжаев ўртасида айрим масалаларда келишмовчиликлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шундай бўлсада, улар Бухорода демократик тузумни қарор топтириш учун биргаликда фаолият кўрсатишди.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкил қилингач, А.Муҳитдинов Тожикистон АССР ХККнинг биринчи раиси қилиб тайинланди (1925—1929). Сўнгра у Ўзбекистон ССР таъминот комиссарлигида ишлади.

А.Муҳитдинов 1933 й. 21 августда қамоққа олинди ва 1934 й. 1 июнда отиб ташланди.

Қурултойда қабул қилинган БХСР Конституцияси ўзининг мазмуни жиҳатидан РСФСР Конституциясининг андозаси асосида яратилган эди. Лекин, шундай бўлса-да, унда баъзи демократик тамойиллар яққол сезилиб турарди. Конституцияда таъкидланишича, барча фуқаролар кўчмас мулкни, шу жумладан, ерга бўлган хусусий мулкчиликни тасарруф қилиш ва

ундан фойдаланишда чекланмаган ҳуқуқларга эгадирлар».[1] Шунга қарамасдан, коммунистик юқори табақа аграр ислоҳотларни қатъийлаштиришни қаттиқ туриб талаб қилди.

Шу асосда Бухоро Республикасидаги аграр ислоҳотлар дастлабки кунданоқ сиёсий тусга эга бўлган, Туркистондан фарқли ўлароқ концептуал ёндашув натижасида маданиятлироқ амалга оширилди. 1922 йил августида ер масаласи Советларнинг Умумбухоро III қурултойида яна кўриб чиқилди. Қурултой яроқсиз ерлар ҳисобига экин экиладиган майдонларни кўпайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилади. Амударёдан канал қазишга қарор қилинди. Деҳқончиликда серҳосил навларни, чорвачиликда сермаҳсул зотларни жорий қилиш, деҳқончилик усулларини такомиллаштириш ва янги иш қуролларини жорий этиш, деҳқонлар учун махсус мактаблар очиш ва асаларичиликни ривожлантириш назарда тутилди.[2]

Бу тадбирлар, шак-шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликнинг қайта тикланишида ирригация қурилишининг авж олдирилишида, айниқса, Бухородаги мавжуд 24 суғориш каналларининг[3] қайта тикланишида муҳим роль ўйнади. Лекин ирригация ишларининг бутун оғирлиги қишлоқ аҳолиси зиммасига юкланди. Бу ишлар қишлоқ аҳолиси учун натура тарзидаги мажбуриятни бажариш воситасида амалга оширилди. Бухоро аҳолисининг натура мажбурияти 20-йилларнинг бошларида 2.767.500 кишикунидан иборат қилиб белгиланиб, олтин билан 2.237.400 сўм қилиб баҳоланди. 1921 йилда аҳолининг натура мажбурияти бўйича ҳаражатлари 3 млн. сўмни, 1922 йилда 2.800 минг сўмни ташкил этди, ҳолбуки, давлат 1921 йилда ирригация қурилиши учун бор-йўғи 64 минг сўм, 1922 йилда эса 33 минг сўм сарфлади, холос. Бу эса, ирригацияни тиклаш учун сарфланган умумий харажатларнинг фақат 1,1%ини ташкил этар эди.[4] Бухородаги суғориш тизими, асосан, ҳашар йўли билан қониқарли аҳволда сақлаб туриларди. Лекин бу йўл янги ерларни ўзлаштириш дастурини таъминлаш учун етарли эмас эди.

Бухоро Республикасида амалга оширилаётган «аграр инқилоб» суръатлари ва унинг йўналиши москвалик раҳбарларни қониқтирмас эди. Чунки, Бухоро советларининг III қурултойида қабул қилинган амалий ҳаракатлар дастурида, ҳақиқатда, «эзувчи қатламлар» тилга олинмаганди. Айниқса, Ф.Хўжаев бошлиқ Бухоро «инқилобий-демократик» ҳукуматининг реал мустақилликни қўлга киритишга интилиши Кремлни янада кўпроқ ташвишга солиб қўйди ва уларни кескин чора кўришга «маж-

---

[1] Съезды Советов в документах (1917—1922 гг.) Т.2. — М., 1960. С. 567—568.
[2] «Бухоро ахбори». 1922, 28 август.
[3] Территория и население Бухары и Хивы. Часть I. Бухара. — Т., 1926. С. 36.
[4] «Бухоро ахбори». 1923, 28 август.

бур» қилди. Ҳатто, бухоролик «сўл» коммунистлардан янги ҳукуматни шакллантириш масаласи ўртага қўйилди. Лекин пировард натижада БХСР устидан сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий назоратни кучайтириш йўли танланди, бу йўл Бухоро Республикасини совет давлатига жадал интеграция қилишдан иборат эди.

Марказий ҳукуматнинг назорати фақат БХСР билан чекланмади. Умуман, Ўрта Осиё республикаларини барпо этилаётган коммунистик империя доирасида интеграциялаш кўзда тутилган эди. Бу жараёнга раҳбарлик қилиш учун РКП(б) МҚ кўрсатмаси билан 1922 йилда Москванинг назорати остида бўладиган ягона иқтисодий марказ — Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)ни ташкил этишга қарор қилинди.

Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш империя кучлари билан Бухоро ва Хоразм республикалари миллий раҳбарларининг кескин курашлари шароитида ўтди, улар, объектив жиҳатдан олганда, иқтисодий интеграция тарафдори эдилар, лекин шу билан бирга Москва томонидан тиқиштирилаётган совет Россияси ҳомийлигидаги «бирлаштириш» шаклининг яширин хавф-хатарини ҳам сезиб турардилар. Ҳақиқатдан ҳам бу вариант аслида БХСР ва ХХСРни давлат мустақиллигидан маҳрум этишга қаратилган эди. Фақат бир неча бор амалга оширилган сиқувлардан, партиявий куч ишлатиш, тазйиқлардан (у миллий суверенитетни ҳурмат қилиш ҳақидаги баландпарвоз сўзлар ва фаол моддий-молиявий ёрдам кўрсатиш билан бирга қўшиб олиб борилган эди) кейингина 1923 йил 5 мартда чақирилган Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I Иқтисодий конференцияси Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг (СредазЭКОСО) ташкил этилганлигини эълон қилди. 1923 йил 30 мартда эса, БХСР ҳукумати Республика Меҳнат ва Мудофаа Кенгашини — Бухоро Иқтисодий Кенгашига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу вақтдан бошлаб, Марказнинг Ўрта Осиёни «жиловлаш» учун ташкил қилган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси билан биргаликда СредазЭКОСО ҳам учта республикада амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий жараёнларни Москва андозаси асосида йўналтиришга киришди. Бу эса, Ўрта Осиёни советлаштириш ва «совет Шарқи»да «социалистик ҳўжалик юритиш», «коммунистик мафкура» таянч тузилмаларини қарор топтиришдан иборат стратегик манфаатларга мос келар эди.

1923 йил октябрда бўлган Советларнинг Умумбухоро IV қурултойида Москванинг 1923 йилда туқиб чиқарган «социалистик қурилишнинг кенг авж олдириш» йўлига амал қилиб БХСРнинг «халқ-демократик босқичи»дан «социалистик босқич»га ўтишини расмий равишда эълон қилиб, янги Ер кодек-

сини тасдиқлади.[1] Бунга кўра, «барча ерлар, улардан ким фойдаланишидан қатъи назар, ишчи-деҳқон давлатининг мулки», деб эълон қилинди. Ерга ким ишлов берса, унга эгалик қилиш ҳуқуқи ўшанга берилди. Битта хўжаликка мўлжалланган чекланган ер нормаси 30 таноб[2] (7,5 десятина) қилиб белгиланди. Янги Ер кодекси Бухорода аграр масалани ҳал қилишда синфий курашни чуқурлаштиришга, «эксплуататорлик» тамойилларини чеклашга ва бадавлат қатламлар иқтисодий қудратини синдиришга қаратилган эди. Қурултойда вақф тўғрисидаги сиёсат бирмунча юмшатилди. Шуни алоҳида айтиш жоизки, вақф масаласи Бухорода муҳим ва кескин бўлиб, бу ердаги вақф ерлари, яъни мачитлар, мактаб-мадрасалар, диний ва маданий-оқартув муассасаларига тегишли бўлган ерлар мутлақ мавқега эга эди. Расмий маълумотларга қараганда, 1921 йил 1 августга қадар фақат Бухоро шаҳрининг ўзида 208 та мачит ва 215 та мадрасага қарашли 200 та вақф муассасалари рўйхатга олинган эди. 1923 йилда БХСР да 278,5 минг десятина вақф ерлари мавжуд эди. Бундан ташқари, диний муассасалар ихтиёрида 2110 та савдо дўкони, 134 та мол-мулк, 210 та уй-жой, 28 та тегирмон, 50 та бозор жойлари бор эди. Вақф ерларидан олинадиган даромад олтин билан 267,8 минг сўмни, хўжалик тузилмаларидан олинадиган даромад эса, 118,2 минг сўмни ташкил этарди.[3] Бу даромад диний, маданий-маърифий муассасаларнинг эҳтиёжларига, уларни ривожлантиришга, руҳонийларни таъминлашга сарфланарди.

Шунинг учун ҳам республика советларининг IV қурултойида вақф масаласи асосий масалалардан бири сифатида қўйилди. Қурултой илгари мусодара қилинган ерларнинг бир қисмини қайтариб беришни, вақф ерларини ижарага олган деҳқонлар тўлайдиган солиқ миқдорини ҳосилнинг 40%и ўрнига, ҳосилнинг 1/10 қисмини тўлашга, лекин шу билан бирга, вақф ерларидан олинадиган даромадни фақат мактаб, мадраса, кутубхоналар, қироатхоналар, муаллимлар (ўқитувчилар) курсларига, маориф нозирлиги ходимларини таъминлашга тақсимлаш таклиф этилди.[4] Бошқача айтганда, советларнинг диндорлар таъсирини чеклашга ва черковнинг иқтисодий асосларига путур етказишга қаратилган йўли сақлаб қолинди. Бу эса, «социалистик қурилиш» мантиғига мос келар эди.

Кенг халқ оммасининг қаршилик кўрсатиши туфайли, БХСР да янги Ер кодекси асосида режадаги ер ислоҳотларини ўтказишга муваффақ бўлинмади. «Ҳозирги вақтдаги Бухоро шароитида, — деб эътироф этилган эди БКП МҚнинг партия IV

---

[1] ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 553-йиғма жилд, 150—162 варақлар.
[2] Бухорода 1 таноб ер 1/4 десятинага тенг эди.
[3] «Бухоро ахбори». 1923, 15 сентябр.
[4] ЎзР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 8-варақ.

съездига (1924 й. январ) ҳисоботида, — бу тадбирни ўтказиш сиёсий жиҳатдан фойдали эмас».[1]

Москва Бухоро Республикасида пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Пахта етиштиришни рағбатлантириш мақсадида РСФСР ҳукумати 1922 йил 19 июнда БХСР билан тузилган шартномага мувофиқ Бухорога совет пули билан 50 млрд. сўм миқдорида қарз берди.[2]

Бухоро Республикаси пахтачилигида Россия мавқеини кучайтириш борасида навбатдаги қадам 1923 йилда Рус-Бухоро давлат пахта ширкати (Бухпахта)нинг ташкил этилиши бўлди. Бу ширкат РСФСР Бош Пахта қўмитаси билан БХСР ўртасида ҳиссадорлик асосида таъсис этилди.[3] Бухпахтанинг асосий вазифаси Бухорода пахта етиштиришни ва пахта саноатини тиклаш, Бухоро пахтасини «хусусий» ва якка тартибдаги олиб-сотувчилардан «ҳимоя» қилиш эди. Бош Пахта қўмитаси Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бўлганидек, БХСРда ҳам, пахтага давлат монополиясини ўрнатиш ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини секин-асталик билан сиқиб чиқаришга қаратилган изчил сиёсатни олиб борди. Бунинг учун пахтакор деҳқонларни имкон даражада рағбатлантиришга ҳаракат қилди. Уларга биринчи навбатда дон маҳсулотлари, уруғлик чигит ажратди. БХСР Меҳнат Кенгашининг 1923 йил 25 февралдаги қарорига биноан пахтакор деҳқонларга ғўза майдонларини суғориш учун биринчи навбатда сув олиш ҳуқуқи берилди, улар пахта солиғи — ушрдан озод қилинди.[4]

Советларнинг устамонлик билан амалга оширган чора-тадбирлари натижасида 1923 йилдаёқ чигит экиладиган умумий майдон 80 минг танобга етди, ундан 1,6 млн. пуд пахта ҳосили олинди.[5] Фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони ҳам изчиллик билан қайта тикланиб борди. Агар 1915 йилда бундай майдон 800330 десятинани ташкил этган бўлса, 1924 йилга келиб, 704320 десятина ерда деҳқончилик қилинди.[6]

Чорвачилик муаммолари жуда қийинчилик билан ҳал этилди. 1914 йилда Бухоро амирлигидаги барча чорва моллари сони 6.077.290 бошни ташкил этарди. 1922 йилга келиб бутун республика бўйича 2.276,2 минг бош чорва қолган эди, холос, бу 1914 йилги даражанинг 37,4%га тенг келарди.[7] Айниқса отлар сони 62%га, қоракўл қўйлар сони 71%га камайди.[8] Бухоро чорвачилигининг бунчалик танг аҳволга келишига ҳарбий ҳаракат-

---

[1] ЎзР ПДА. 14-фонд, 1-рўйхат, 134-йиғма жилд, 9-варақ.
[2] ГАРФ, ф. 4085, оп. 18, д. 275, л. 9.
[3] ЎзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 113-йиғма жилд, 16—18 варақлар.
[4] ЎзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 176-йиғма жилд, 24-варақ.
[5] Ў ш а ж о й д а, 92-йиғма жилд, 45-варақ.
[6] *Алимов И.А.* Узбекское дехканства на пути к социализму. — Т., 1974. С. 155.
[7] *Эшонов О.Э.* Курсатиб ўтилган асар. 329-бет.
[8] «Народное хозяйство Средней Азии». 1924, № 3. С. 57.

лар, қизил армия эҳтиёжлари учун кўплаб мусодара қилиш, иқтисодий сиқувлар натижасида кўпчилик кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар ўз чорвасини сақлаш учун уларни тоғларга, чўлларга ёки қўшни мамлакатга олиб кетишлари сабаб бўлган эди. Буларнинг ҳаммаси Бухоро чорвачилигини ва унинг бой анъаналарини таназзулга олиб келди.

Чорвачиликни, айниқса қоракўлчиликни тиклаш учун (Марказ Ўрта Осиё пахтаси каби, унинг қоракўлига ҳам «қизиқар» эди) Россия ва Бухоро ҳамкорликда 2 млн. сўм асосий маблағга эга бўлган «Экспорт бўйича II ширкат» ташкил этилди. Бундан ташқари, давлат савдоси 400 минг сўмлик қўшимча товар кредити ажратди. Булар БХСРда қоракўлчиликни тиклашда ижобий аҳамиятга эга бўлди[1].

Республика ҳукумати чорвачиликни юксалтириш мақсадида 1924 йил 30 мартда чорва моллари эгаларини барча турдаги солиқлар ва йиғимлардан озод қилишга қарор қилди. Шунингдек, қоракўл териларининг ички йиғими ҳам бекор қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида муайян самаралар қўлга киритилди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро қишлоқ хўжалиги ва чорвачилиги тикланиб борган сари совет Россиясининг бу ердан олиб кетадиган қимматбаҳо қишлоқ хўжалик ва чорвачилик хом ашёси миқдори ҳам кўпайиб борди. Чунончи, 1924 йилда РСФСРнинг марказий минтақаларига жўнатилган пахта 1923 йилга нисбатан икки баровар ортди ва пахта толасининг ўзи 885 минг пудга етказилди. Қоракўл тери ташиб кетиш 1921 йилга нисбатан 10 баравар кўпайди ва 1 млн. донага етказилди. 1923—1924 йилларда Бухоро Республикасига келтирилган товар маҳсулотлари 7,5 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, Марказга олиб кетилган товар маҳсулотлари 70,5 млн. сўмни ташкил этди, яъни қарийб 10 баравар ортиқ миқдордаги бойлик Бухородан олиб кетилди.[2]

Бухоро аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган деҳқонларни «социалистик йўлга ўтказиш» мақсадида қишлоқда кооператив ҳаракатини кенг авж олдиришга аҳамият берилди. Бунинг учун 1921 йил декабрда «Бухцентрсоюз» таъсис этилди,[3] у асосан матлубот — ҳунармандчилик кооперациясини йўлга қўйишга эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалик кооперациясининг вужудга келиши 1923 йил ёзида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки Бухоро бўлимининг очилиши билан боғлиқ бўлиб, улар Бухорода кооперативлар ташкил этишнинг ўзига хос усулини ишлаб чиқдилар: кентлар (туманларга тенглаштирилган маъмурий бирликлар) бўйича кредит ширкатлари ташкил этишга қарор қилдилар. 1923 йилда қишлоқ хўжалик кредит ширкат-

---

[1] «Туркестанская правда». 1924, 11 марта.
[2] *Хўжаев Ф.* Танланган асарлар. 1-том. — Т., 1976. 274-бет.
[3] «Туркестанская кооперация». 1922, 9 мая.

ларидан 7 тасини ташкил этишга муваффақ бўлинди. 1924 йил 1 июлга келиб, Бухоро Республикасида қишлоқ хўжалик ширкатлари сони 64 тага етди,[1] уларга 9688 киши аъзо бўлган эди.[2] Шунингдек бу даврда Бухорода 26 пахта ширкатлари ҳам мавжуд эди.[3] Бу ширкатлар томонидан берилган кредитлар миқдори 1924 йил баҳорида олтин билан 80 минг сўмга етди. Лекин, бу кредитлар оғир аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалигини тиклаш учун ҳали мутлақо камлик қилар эди.

Бухоро Республикасининг иқтисодий ҳаётини жонлантириш учун солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар жиддий аҳамиятга эга бўлди. Ёш бухороликлар Бухоро жамиятини демократик тарзда янгилашни ёқлаб чиқар эканлар, солиқ тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини, уни давлат ва халқ манфаатларига мувофиқлаштиришни ўзларининг муҳим талабларидан бири сифатида қўйган эдилар. Халқ-демократик ҳукумати ташкил этилганидан кейин хирож тўплаш ва кўпгина ўлпонлар бекор қилинди. БХСРга большевиклар таъсирининг ортиб бориши натижасида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг «жадидча дастури» амалга оширилмади. Аксинча, «ҳарбий коммунизм»га хос солиқ тўплаш усуллари жорий этилиши билан вазият мураккаблашди. Бу даврга келиб 40 минг кишига етказилган босқични қизил аскар қисмларини таъминлаш ҳам аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушди. 1921 йил февралда тўпланган БКПнинг V (I) съезди мазкур масалани алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, «Ҳамма нарса қизил армия учун!» деган шиорни расман эълон қилди.[4] Бу «шиор» озиқ-овқат разверсткаси асосида, шафқатсиз тортиб олиш, мусодара қилиш усули билан амалга оширилди. Бутун оғирлик деҳқонлар зиммасига тушди. Биргина 1921 йилда фақат Шарқий Бухоронинг ўзида аҳолидан озиқ-овқат разверсткаси тарзида 1,5 млн. пуддан зиёд ғалла тортиб олинди.[5] Юз берган шароитдан ташвишга тушган БХСР ҳукумати раиси Ф.Хўжаев 1921 йил баҳорида марказий ҳукумат олдига республика ҳудудидаги Россия ҳарбийлари сонини 15 мингдан ошмаслиги керак деган талабни қўйди.[6]

БХСР ҳукумати солиқ сиёсатини маданий оқимга буриб юборишга, уни иқтисодий тамойиллар асосида амалга оширишга интилди. Совет Россияси раҳбарияти «социалистик қурилиш» тактикасини янгилаб, янги иқтисодий сиёсатга ўтгандан сўнг мазкур йўлни рўёбга чиқаришнинг муайян имкониятлари пайдо бўлди.1921 йил 26 ноябрда Халқ Нозирлари Кенгаши-

---

[1] ЎзР МДА. 48-фонд, 1-руйхат, 292-йиғма жилд, 43-варақ.
[2] У ш а ж о й д а, 274-йиғма жилд, 131-варақ.
[3] *Аминова Р.Х.* Аграрные преобразование в Узбекистане. С. 191.
[4] История гражданской войны в Узбекистане. Т.2. — Т., 1970. С. 321.
[5] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 2, д. 710, л. 216—218.
[6] История Бухарской Народной Советской Республики. Сбор. документов. — Т., 1976. С. 196.

нинг таклифи билан Умумбухоро МИҚ Раёсати қабул қилган давлат солиғи тўғрисидаги қонунда Бухоро Республикасидаги мавжуд «ҳам марказий, ҳам маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан ундириб олинадиган» солиқлар бекор қилинди[1] ва 1922 йил 1 январдан бошлаб 5 солиқ тури (деҳқонлардан 1/10 улушида олинадиган — ушр; чорвадан ҳар 40 бошдан бир бош олинадиган — закот; сармоянинг 1/40 улушини оладиган — ҳунармандчилик; ҳар бир таноб суғориладиган ердан бир танга (10 тийин) олинадиган — сув; мол-мулкдан 1/40 улуши олинадиган коммунал (шаҳар) солиқлари жорий этилди.[2]

1922 йилда давлатнинг турли тушумлардан олган даромади 1 млн. сўмни, 1923 йилда 3 млн. сўмни ташкил этди, бу урушдан олдин амирлик даврида олинадиган солиқ миқдорининг 10%ини ташкил қиларди. Ҳолбуки, армия, милиция ва давлат аппаратини таъминлашга сарф этиладиган харажатлар олтин билан 15 млн. сўмга етган эди.[3]

Солиқ тўғрисидаги қонунда аҳолидан солиқ олишда синфий ёндошув назарда тутилмаган эди. Бу ҳол Бухоро компартияси раҳбарияти томонидан кескин танқид қилинишига сабаб бўлди. Уларнинг фикрича, бюджет тушумларининг асосий қисми савдо аҳли ва бошқа «эксплуататор қатламлар» зиммасига юкланиши лозим эди.

РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси «меҳнаткаш деҳқонлар» орасида совет ҳукуматининг обрўсини оширишга интилиб БХСР ҳукуматидан қишлоқ ва шаҳар камбағалларидан олинадиган солиқларни камайтиришни талаб қилди.[4] Бу талабга биноан БХСР ҳукумати «меҳнаткаш деҳқонлар» учун ушр солиғи 35%га камайтирилди. Бироқ солиқнинг камомад қисми қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатламлари зиммасига юкланди.[5] Шу асосда тобора советлаштирилаётган Бухородаги аграр сиёсат каби, солиқ сиёсати ҳам «халқ-демократик» босқичидан «социалистик» босқичга ўтиш жараёнини ўзида акс эттирган эди.

Совет ҳокимиятининг қуролли босқини натижасида вужудга келган ижтимоий ларзалар бусиз ҳам қуввати ва миқдори жиҳатдан кам бўлган Бухоро саноатини издан чиқарди. 1921 йил 1 июнда БХСРда 4 ёғ заводи, 9 ғишт заводи, 5 тери заводи, 3 ичак, сопол, қизилмия илдизи заводлари, 4 ун тегирмони, 2 қоғоз фабрикаси, механика устахонаси, электростанция ва оҳак корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 5 мингга яқин ишчилар ишларди.[6] БХСР ҳукумати халқ хўжалигини тиклаш муаммолари-

---

[1] ЎзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 274-йиғма жилд, 331-варақ.
[2] ЎзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 165-йиғма жилд, 10—12-варақлар.
[3] *Эшонов О.Э.* Курсатиб ўтилган асар. 333—334-бетлар.
[4] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 53, л. 43.
[5] ЎзР МДА, 24-фонд, 1-рўйхат, 134-йиғма жилд, 23-варақ.
[6] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 4, д. 20, л. 1.

ни ҳал қилар экан, ишлаётган корхоналарни ҳисобга олишни ташкил этишга, ишламаётган завод ва фабрикаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун хусусий сармояларни жалб қилишга эътибор берди. Шунингдек, Москвадаги партия йўлбошчиларининг кўрсатмасига мувофиқ корхоналарни национализация қилиш амалга оширилди. 1923 йилда 23 саноат корхонаси давлат тасарруфига олинди. Бироқ национализация қилинган корхоналардан фақат 6 таси ишлар эди, холос. Қолганлари эса яроқсиз эди.[1]

РСФСР ҳукумати Бухоро Республикасини «қизил империя» «тўрига илинтириш» стратегиясидан келиб чиқиб, БХСРда совет ҳокимиятининг ишончли ижтимоий таянчи — «социалистик пролетариат»ни ташкил этишга ва советларнинг «байналмилал ёрдами»ни намойиш қилиш мақсадида Бухорога Россиянинг бир қатор саноат корхоналари, асбоб-ускуналарини юборишни зарур деб ҳисоблади. Хусусан, РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1922 йил 13 июлдаги қарорига биноан, РСФСР Олий Халқ Хўжалик Кенгаши БХСРга битта тўқимачилик, қоғоз ва совун фабрикалари учун асбоб-ускуналар юборди. 1923 йилда Зарайск тўқув-йигирув фабрикаси Бухоро Республикаси ихтиёрига утказилди, бу фабрика «Бухоро давлат-саноат тўқув-йигирув мануфактураси «Қизил Шарқ» бирлашмаси, деб қайта номланди. Айни вақтда бухоролик йигит ва қизлардан 70 нафарга яқини Венюковск тўқув ва читга гул босиш фабрикасида (Москва вилояти) тўқиш ишларини ўргана бошлади.[2] Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат ишлаб чиқаришида бирмунча жонланиш юз берган бўлса-да, бироқ Бухоро халқ хўжалигининг бу тармоғида умумий аҳвол 1924 йилда ҳам мураккаблигича қолган эди.

Ёш Бухоро Республикаси миллий-давлат қурилишига киришар экан, ҳукуматнинг демократик руҳдаги раҳбарлари мустақил ташқи ва ички сиёсатни амалга оширишга, мустақил ташқи савдо алоқалари ўрнатишга интилдилар. Бу борада, фақат анъанавий шериклар Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, мусулмон Шарқи ва бошқалар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйишга аҳамият берилмасдан, балки ривожланган ва йирик инвестиция имкониятларига, замонавий технологияларга эга бўлган Ғарб давлатлари билан ҳам ҳамкорлик қилишга эътибор қаратилди. Москвалик раҳбарлар эса, Ўрта Осиё бозорига инглизларнинг кириб келишидан ва Бухоро Республикасининг «ислом Шарқи» билан яқинлашишидан чўчир эдилар. Бу борада РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари Г.Чичерин Бухорони Буюк Британия

---

[1] *Вахабов М.* Формирование узбекской социалистической нации. — Т., 1961. С. 374.

[2] *Эшонов О.Э.* Курсатиб ўтилган асар... 340-бет.

«қуллаб-қувватлаши» ва «Бухоро панисломизми» Россия учун «энг реал хавф» бўлиб қолиши мумкинлигини таъкидлаган эди.[1] Большевиклар раҳбариятининг бу борадаги йўл-йўриқлари РСФСР билан БХСР ўртасида 1921 йил 4 мартда тузилган «Иттифоқ шартномаси»да ўзининг аниқ ифодасини топган эди. Шартномага кўра, Бухоро Республикаси ташқи савдони фақат Россия орқали амалга ошириши, Бухоронинг давлат чегараларини фақат Россия қўшинлари томонидан қўриқланиши белгилаб берилди.

Шундай бўлса-да, Бухоро Республикаси ҳукумати Россияга кўп йиллик анъанавий алоқа воситаси бўлган товар айирбошлашни таклиф қилди. Эришилган битим натижасида Бухоро билан Россия Федерацияси ўртасидаги дастлабки иқтисодий алоқалар кўпроқ молга мол айирбошлаш асосида амалга оширилди. Масалан, БХСРдан 122915 пуд пахта, 1387 пуд жун, 47432 дона қоракўл тери олиб кетилди. Бунинг эвазига, Россиядан Бухорога бир миллион аршин газлама, 10 минг пуд металл ва металл буюмлар, 47829 пуд керосин ва нефть, 8216 пуд тошкўмир, 1200 пуд машина мойи, бир миллион қутича гугурт келтирилди.[2] 1923 йилда, Бухоро Республикаси ҳукуматининг қарорига биноан товар-фонд биржаси ташкил этилиб, унда 14 хил молларни айирбошлаш ишлари амалга оширилди.[3]

Тикланаётган Бухоро-Россия иқтисодий алоқаларининг дастлабки босқичида маълум даражада тенг бўлган амалий шерикчилик вужудга келди. Бироқ вақт ўтиши билан бу шерикликка совет Россияси томонидан тобора яққолроқ сиёсий тус берилди ва империяпарастлик йўналишига эга бўлиб борди. Бу ҳол БХСР ҳукуматининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Ҳукумат раиси Ф.Хўжаев Россия раҳбарияти олдига Бухоро етказиб бераётган товарларга тенг товар эквивалентлари белгилаш зарурлиги ҳақидаги талабни бир неча бор қўйган эди.[4]

БХСР ҳукумати маориф ва маданият соҳаларини ҳам ислоҳ қилишга эътибор қаратди. Бу борада, Бухоро ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф нозирлиги, унинг биринчи нозири Абдурауф Фитрат фаоллик кўрсатди. Инқилобий қўмитанинг 1920 йил 20 октябрдаги қарорида республика ҳудудидаги барча эски мактаблар ва мадрасаларни ислоҳ қилиш ва уларда дунёвий билимларни кенгроқ ўқитишни жорий қилиш кўзда тутилди. Шу билан бир қаторда янги типдаги мактаблар ташкил қилиш, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1923 йилга келиб, Бухоро Республикаси-

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 61, оп. 1, д. 97, л. 5—6.
[2] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 71-а, л. 125.
[3] «Биржевая и оптовая торговля». 1997, 23 апреля.
[4] Қ а р а н г. История Бухарской Народной Советской Республики. Сбор. документов. — Т., 1976. С. 197.

да янги типдаги мактаблар сони 40 та бўлган бўлса, 1924 йилда 69 умумтаълим, 4 мусиқий, 3 ҳунар мактаблари, 13 интернат фаолият кўрсатди. Уларда жами 5604 ўқувчи таълим олди. Бироқ, бу рақам мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 3,1%ини ташкил қилар эди, холос.

Бухорода хотин-қизлар таълимига ҳам эътибор берилди. Улар учун махсус мактаблар ташкил этилди. 1923—1924 ўқув йилида республикада ана шундай мактаблардан 5 таси мавжуд бўлиб, уларда 306 хотин-қиз ўқиган эди. Умумий таълим мактабларини дарсликлар ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш ва ҳукумат томонидан халқ маорифи соҳасига ажратилаётган маблағ ҳажми ҳам ортиб борди. Масалан, 1922—1923 ўқув йилида давлат бюджетидан 5,6% миқдорида маблағ ажратилган бўлса, бу рақам 1923—1924 ўқув йилига келиб 21%ни ташкил этди.[1]

Бухоро Республикасида маориф ва маданиятни ривожланишида Абдурауф Фитратнинг хизматлари катта бўлди. Унинг ташаббуси билан 1922 йил 14 сентябрда БХСР МИҚ Бухоро дорилфунунини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.[2] Шунингдек, бу даврда Бухорода 2 ўқитувчилар институти ҳам фаолият кўрсатган эди.

Бухоро ҳукумати миллий ёшларни илғор хорижий давлатларда ўқиб замонавий билимлар олишига катта эътибор берди. 1921 йил А.Бурҳонов ва А.Фитратнинг ташаббуси билан 50 нафар бухоролик ёшлар Германияга ўқишга юборилди. Бухоро ҳукумати уларнинг ҳар бири учун 9—10 йилга етадиган маблағни Германия банкига ўтказди. РСФСР ҳукумати эса, бухоролик ёшларни хорижда ўқишларига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳатто, В.Куйбишев, Ф.Хўжаев ва М.Аминовдан Германияда таълим олаётган бухоролик ёшларни чақириб олишни талаб қилди. Унинг талаби қондирилмади. Лекин миллий чегараланиш амалга оширилиши натижасида Бухоро Халқ Республикаси тугатилганидан сўнг, Москва Бухоро ҳукуматининг Германияда ўқиётган талабалар учун юборган маблағларини қайтариб олди. У ерда таълим олган бухоролик ёшларнинг кейинги тақдири эса, фожиали якунланди.

Бухородаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва уларни муҳофаза қилиш мақсадида 1920 йил охирида Халқ маорифи нозирлиги ҳузурида тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш учун махсус шўъба ташкил этилди.[3] Ушбу шўъба ишида, айниқса, А.Юсуфзода фидойилик билан фаолият кўрсатди. Унинг ташаббуси билан 1924 йил 1 августда Москвада Бухоро-

---

[1] ЎзР МДА. 47-фонд, 16-рўйхат, 372-йиғма жилд, 5-варақ.

[2] *Болтабоев Х.* Талабни қондирмаган инқилоб // «Шарқ юлдузи». 1991, № 1, 136-бет.

[3] «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1992, 24 апрел.

даги мавжуд тарих ва маданият обидаларини таъмирлаш бўйича шартнома тузилди. Шунингдек, Бухоро ҳукумати мамлакатда маданий оқартув муассасалари ташкил қилиш ва улар фаолиятини яхшилашга ҳам эътибор қаратди. 1924 йилга келиб Бухорода 14 кутубхона, драма театри, музей ва клублар аҳолига хизмат кўрсатди. Янги газета, журналлар ва бошқа адабиётлар чоп этиш ҳам йўлга қўйилди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир кескин муаммоларни ҳал этишда муайян қадамлар қўйилди. Масалан, 1922—1923 йилларда БХСР ҳукумати безгак касалини тарқалишига қарши дори-дармонлар харид қилишга, касалхоналар ва профилактика муассасалари қурилишига 1 млн. олтин сўмдан ортиқ маблаг сарфлади. 1923 йил октябрга келиб республикада 240 ўринга эга бўлган 5 та касалхона ишларди, улар Бухоро, Қарши, Кармана, Когон ва Чоржуйда жойлашган эди. Шунингдек, 5 ўринли туғиш бўлимларига эга бўлган 2 амбулатория ва 8 фельдшерлик пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 1924 йил 1 январдан эса, Бухорода тропик институти ўз фаолиятини бошлади.[1]

Бухоро Республикасининг Ф.Хўжаев бошлиқ демократик рухдаги ҳукумати томонидан мустақил равишда «ўзбошимчалик» билан амалга оширилаётган ижобий ишлар, Марказнинг шовинистик йўлбошчиларига мутлақо маъқул келмас эди. Улар учун Бухорода «лаббай» деб қулоқ соладиган ҳукумат керак эди. Бухорода содир бўлаётган ўзгаришларни назорат қилиш ва республикани жадал суръатлар билан «социализм йўлига» солиш мақсадида РКП(б) МҚ ўзининг эмиссарларини Бухорога тез-тез юбориб турди. 1922 йил 14 мартда РКП (б) Марказий Тафтиш комиссияси аъзоси Я.Петерс келади. Улар кетидан, 29 апрелда РКП(б) МҚ нинг С.Оржоникидзе ва Ш.Элиавадан иборат комиссияси ташриф буюради. Марказ эмиссарлари Бухоро Республикаси билан танишиш баҳонасида ҳукумат раҳбарларини «яқиндан ўрганиш», уларнинг «мақсадлари»ни аниқлаш ва ҳукуматдаги миллий демократик руҳдаги раҳбарларни имкон даражада ишдан четлатишга ҳаракат қилдилар. Чунончи, С.Оржоникидзе Бухоро компартиясининг масъул ходимлари кенгашида сўзга чиқиб, биз ҳукуматни қариндошчилик алоқаларидан тозалашимиз керак, нозирлар албатта бухоролик бўлиши шарт эмас. У рус, ёки грузин бўлгани маъқул, деб марказий ҳукумат мақсадини очиб берган эди.[2]

Марказ комиссиясининг тафтиш материаллари асосида РКП(б) МҚ 1922 йил 18 майда «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида» қарор қабул қилди. Бу қарорда барча Урта Осиё республикалари коммунистларига жойларда жадаллик билан «со-

---

[1] ГАРФ, ф. 152, оп. 5, д. 77, л. 365.

[2] Қаранг: *Ишанов А.И.* Создание БНСР. 1920—1924. — Т., 1955. С. 147.

вет тузумини мустаҳкамлаш» ҳақида кўрсатма берилган эди. РКП(б) МҚ нинг 1923 йил 12 июнда қабул қилган «Бухоро масаласига доир» махсус қарори ва Бухоро коммунистларига «социализм йўлига» ўтиш борасида «амалий ёрдам бериш мақсадида юборилган РКП(б) МҚ котиби Я.Рудзутак Бухоро Республикасининг кейинги тақдири бутунлай бошқа издан кетишига асосий сабабчи бўлди.[1]

Москвадан келган эмиссарлар РКП(б) МҚнинг қарори асосида демократик мавқеда турувчи БХСР ҳукумати раҳбарларидан Фитрат, Аминов, Отахўжаев, Сатторхўжаев, Ёқубзодаларни ҳукумат таркибидан четлатдилар. Шунингдек, республикада барча ҳокимият бошқарув ва хўжалик тузилмаларини «совет ҳокимиятининг яширин душманлари»дан, «буржуа миллатчилари»дан, партократияга маъқул келмайдиган мансабдор шахслардан кенг миқёсли тозалаш кампанияси авж олдириб юборилди.[2] Шу тариқа, Бухоро Марказ йўлбошчиларининг иродаси билан кенг авж олдирилган социалистик ривожланиш оқимига йўналтирилди. Натижада савдони давлат назоратига олиш йўли кескин кучайди, кредитларни тақсимлашда ва солиқ сиёсатини амалга оширишда синфий ёндашув устун даражага кўтарилди, Бухоро жамияти ҳаётига Марказнинг давлат йўли билан аралашуви кенг кўлам касб этди. Бу йўл Бухоро давлатининг ўзига хос демократик йўлдан эмас, уни жадал суръатлар билан унитар (қўшма) Совет давлати доирасига тортишга, Бухоро Республикасининг ўз суверенитетини тўла-тўкис йўқотишга олиб келди.

5. БУХОРО ВА ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ ҚУРОЛЛИ МУХОЛИФАТ КУРАШИ (1920—1924 ЙИЛЛАР)

1920—1924 йиллар давомида, Бухоро ва Хоразм халқ совет республикаларидаги миллий мухолифатнинг озодлик курашлари алоҳида ўзига хос йўналишга ва хусусиятга эга бўлиб, ўта мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатларидан ажралиб турди. Большевиклар Бухоро ва Хива хонликларини куч билан ағдариб ҳокимиятни Бухорода асосан ёш бухороликлардан, Хоразмда эса, ёш хиваликлардан иборат демократик кучлар қўлига берди. Лекин бу ҳудудларда ҳокимият учун курашаётган бошқа кучлар ҳам мавжуд эди. Натижада миллий кучлар ўртасида бўлиниш, яъни ҳокимият масаласида ўзаро мухолифлик юзага келди.

---

[1] Қаранг: История коммунистических организаций Средней Азии. С.687.

[2] Қаранг: История коммунистических организаций Средней Азии. С.694.

1913 й. Усмон Хўжа Бухорога қайтади ва яна жадид мактаби очади. У 1910 й. тузилган «Тарбияи атфол» махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлади.

Усмон Хўжа ва унинг укаси Отахўжа (Отаулла Хўжаев, 1894—1938) ёш бухороликлар партиясининг йирик намояндаларидан эди. Колесовнинг Бухорога босқинидан сўнг (1918 й. март) Усмон Хўжа совет Туркистонига муҳожирликка кетишга мажбур бўлади. 1918 й. апрелда у Тошкентда ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузди. 1920 й. февралда Усмон Хўжа инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси бўлиб сайланади.

Усмон Хўжа БХСР тузилгач, молия нозири (1920), давлат назорати нозири (1921), БХСР МИҚнинг биринчи раиси (1921 й. август-декабр) каби лавозимларда ишлади. У Бухоро Халқ Республикасидан босқинчи қизил аскар қўшинларини олиб кетилиши, Бухоронинг ҳақиқий мустақиллиги учун курашади. 1921 й. декабрда Усмон Хўжа Шарқий Бухорода (Душанбе атрофида) истиқлолчилар сафига ўтади ва 1922 й. Афғонистонга ўтиб, Бухоро Республикасининг мустақил миллий армияси учун замонавий қуроллар сотиб олишга ҳаракат қилади.

Усмон Хўжа муҳожирликда Афғонистон, Польша, Эрон ва Туркияда бўлади. Усмон Хўжа энди Туркистон мустақиллиги учун курашни мафкура майдонига кўчиради. 1927—1932 йилларда у Истанбулда «Янги Туркистон» журналини нашр қилдирди. У Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар муаллифидир.

Усмон Хўжа 1968 й. Туркияда вафот этган.

Бухоро ватанпарварлари сафида ҳам Фарғона водийси истиқлолчилари сингари халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Бухорода ҳам Туркистондаги каби большевикча андоза асосида совет тузумининг ташкил қилинишидан, янги ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан норози бўлган, мол-мулкидан ажраган бойлар, деҳқонлар ва ҳунармандлар қўрбоши йигитларининг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган қўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, жадид ватанпарварлари, турли касб эгалари ҳам мавжуд эди.

«Босмачилик ҳаракати, — деб ёзган эди Файзулла Хўжаев «Катта Совет Қомуси»да, — шиддатли сиёсий, аксилсовет характер касб этди ва бутун Ўрта Осиёнинг мавжуд уч республикаси — Бухоро, Туркистон ва Хоразмдаги деҳқонлар аҳолисининг қарийб оммавий ҳаракатига айланди. Ҳаракатнинг доҳийлари фақатгина... Кўршермат, Иброҳимбек кабилар... бўлиб қолмасдан, балки унга маҳаллий миллий зиёлилар, мулла ва бойлар ҳам раҳбарлик қила бошладилар...»[1] Ф.Хўжаевнинг «Катта Совет Қомуси»да «босмачилик» ҳаракатининг деҳқонлар ўртасида оммавий тус олганлиги, ҳаракат доҳийларининг

[1] *Ходжаев Ф.* Басмачество // Большая Советская Энциклопедия. — М., 1927. Т. V. С. 36.

аксарияти миллий зиёлилар ва ватанпарварлардан иборат эканлиги тўғрисида айтган бу эътирофи ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Бухородаги мустақиллик учун курашнинг ўзига хос хусусияти бир гуруҳ қурбошиларнинг Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарларига йўллаган мактубида аниқ ифодасини топган эди. Бу мактубга Бухоро озодлик курашчиларининг бош қўмондони Ғози, Бухоро инқилобчиси Қори Абдулла, Норқул Ботир, Дониёлбек элликбошилар имзо чекишган эди. Мактубда ватанпарварлар Бухоронинг мустақиллиги, эркин ва ҳур Ватан қуриш учун курашаётганликлари, бундай Ватанда коммунистлар бўлмаслиги лозимлиги, «Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулки ва ҳаёти тортиб» олинганлиги, «большевиклар жабр ва зулмни авж олдириб» юборганликлари ва «Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб» қолганлиги, «ҳақиқатда ундан дарак йўқ»лиги таъкидланган эди.[1]

Шунинг учун ҳам Бухородаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олиб ҳатто Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан ҳам кучайиб борди. Ф.Хўжаевнинг таъкидлашича, «Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатдан қараганда, Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқ» эди.[2]

РСФСРнинг Душанбедаги бош консули Нагорнийнинг 1922 йил 20 апрелда ёзган «Шарқий Бухородаги босмачилик ҳақида» номли маълумотномасида айтилишича, 1921 йил ёзининг охирида Шарқий Бухородаги «босмачилик» оммавий равишда авж олиб кетган. Бу ҳаракат аҳолининг тобора кўпроқ янги табақаларини ўзига қамраб олган. Беклар ва уламолар томонидан бошқарилаётган «ташкилий» босмачилик билан бир қаторда янги ижтимоий табақа — маҳаллий деҳқонлар ҳам руслар ва янги Бухоро ҳокимиятига қарши курашга отланган.[3]

Бухородаги мухолифат ҳаракатининг йўлбошчилари турли сиёсий қарашлардаги кишилар бўлиб, улар орасида амир ҳузурида йирик амалдор ва лашкарбоши бўлиб ишлаганлардан тортиб, янги Бухоро ҳукуматининг юқори лавозимларида ўтирган таниқли давлат арбоблари, машҳур зиёлилар ва жадидларгача бор эди. Шунингдек, сиёсий курашда ҳеч қандай тажрибаси йўқ, ҳамда хат-саводи бўлмаган, фақат туғилган қишлоғи ва туманидагина «ўзига бек» бўлган айрим қурбоши ва сардорлар ҳам йўқ эмас эди.

Бухородаги қурбошилар орасида Иброҳимбек Лақай алоҳида салмоққа эга эди.

---

[1] *Хўжаев Ф.* Танланган асарлар. — Т., 1976. Т.I. 249-бет.
[2] *Хўжаев Ф.* Танланган асарлар. — Т., 1976. Т.I. 461-бет.
[3] *Ишанов А.И.* Бухарская Народная Советская Республика. — Т., 1969. С. 274—277.



Иброҳимбек.

Иброҳимбек (1889—1932) — Шарқий Бухорода қизил армия қисмларига қарши курашган истиқлолчилар қўшинининг бош қўмондони. Мулла Муҳаммад Иброҳимбек 1889 йилда Душанбе яқинидаги Кўктош қишлоғида, ўзбек лақайлари уруғининг эсонхўжа шахобчасига мансуб амир амалдори Чақабой тўқсабо хонадонида туғилди. У маҳаллий мадрасада сабоқ олади. Иброҳимбек 1919 йилда Ҳисор беги ҳузурида қилган хизматлари эвазига қоровулбеги даражасига, кейинчалик Бухоро амири томонидан мир девонбеги, тўпчибоши, лашкарбоши лавозимига кўтарилган. Иброҳимбек 1920 й. сентябрда амирлик тузуми ағдарилгач, Шарқий Бухородаги қўрбоши дасталарига раҳбарлик қилди, босқинчи қизил аскарлар ва совет тузумига қарши кураш олиб борди. У Бухорода амир режимини қайта тиклашга бел боғлаган эди. 1921 й. сентябрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг қурултойида «Ислом лашкарбошиси» деган унвонга сазовор бўлади. «Иброҳимбек — бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймо», деб тан олинади. 1925—1926 йилларда у ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистоннинг тоғлик вилоятларида кураш олиб боради. 1926 й. 21 июнда кескин жанглардан сўнг Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлади. 1926—1929 йилларда Кобул яқинидаги Қалъаи Фотуда собиқ амир Саид Олимхоннинг қароргоҳида яшайди. Бироқ Иброҳимбек бошчилигидаги бухоролик муҳожирлар Афғонистондаги сиёсий курашга тортилишади, ҳарбий можароларда қатнашишга мажбур бўлишади (1928—1929). Иброҳимбек узоқ тайёргарликдан сўнг, 1931 й. 30 мартда СССР чегарасидан ўтиб, Тожикистон ССР ҳудудига киради. Бу ерда у қизил аскарларга қарши жанг қилади. Иброҳимбек 1931 й. 23 июнда совет чекистлари томонидан Боботоғда қўлга олинади ва Тошкентга олиб келинади. У 1932 й. 31 августда қатл қилинади.

Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги қўрбоши гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб, Бухорода ўрнатилган большевикча тузумга қарши мустақиллик ва озодлик курашини бошлади. У ўз олдига Бухоро тупроғини қизил аскарлардан тозалаб, ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни собиқ амир Саид Олимхон қўлига олиб беришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки кунларданоқ собиқ Бухоро амири то-

монидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди.

Айтиб ўтилганидек, Иброҳимбек 1921 йил сентябрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг қурултойида «Ислом лашкарбошиси» унвонига сазовор бўлди. У қисқа муддат ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб Қоратегин ва Дарвоз вилоятларини қизил аскарлар қўлидан озод қилишга муваффақ бўлди.[1]

Амир Саид Олимхон Иброҳимбекка ёзган мактубларидан бирида уни «садоқатли ва жасур доҳий, мулла, бек, бий, девонбеги, лашкарбоши, тўпчибоши, ғозий», деб улуғлайди. Амирнинг ёзишича, у Иброҳимбекка қўшимча кучлар юбориш учун Афғонистон ҳукумати билан музокоралар олиб борган.[2] Лекин бу даврда Афғонистон ҳукумати билан РСФСР ўртасида муносабат яхши бўлганлиги сабабли Бухоро амири ихтиёрига ҳеч қандай ҳарбий куч берилмайди.

Амирнинг Иброҳимбекка нисбатан кўрсатган марҳаматлари ҳақида туркиялик тадқиқотчи олим Али Бодомчи ўзининг китобида ёзишича, Иброҳимбек амир Олимхоннинг кўп мартабаларига эришган, шунингдек, амир Шарқий Бухорода яшаган муддат ичида Иброҳимбекка ўхшаш ёвқур, қўрқмас кишиларга таяниб, советларга қарши жанг қилган. Китобда айтилишича, «Лақай Иброҳимбек сўнгги Туркистон миллий истиқлол курашининг ёрқин сиймоларидандир. Амир замонларидаёқ ўрис ҳарбийларига қиргин солишдан иш бошлаган ва қисқа фурсатда катта шуҳрат қозонган. Умумий аскарларининг сони саккиз мингдан зиёдроқ бўлган».[3]

Иброҳимбек қўрбоши ўз қўшини сафида қаттиқ тартиб-интизом ўрнатган эди. Тинч аҳолини талашда қатнашган ёки бегуноҳ мусулмонларни ўлдирган аскарлар айби маълум бўлгандан сўнг уларни шафқатсиз жазоларди. Иброҳимбекнинг ўз қўл остидаги қўрбошилари Абдулазиз ва Абдураҳмонбойга ёзган мактублари бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Иброҳимбек Абдураҳмонбойга «...Сиз аскарларни қишлоқларга махсус рухсатномасиз милтиқлари билан жўнатяпсиз — бу жуда ёмон», деб ёзган эди.[4] Демак, қўрбошилар ўз йигитларини қишлоқларга милтиқлари билан юборишса, уларга махсус рухсатнома беришган, ёки қуролсиз юборишган.

Иброҳимбек қўл остидаги Шарқий Бухоро ҳудудида ўзининг бошқарув усулини амалга оширади. Жойлардаги янги Бухоро ҳукумати тугатилиб, унинг ўрнига ва амирлик давридаги бошқарув усули жорий қилинган. Иброҳимбекни бу ердаги ма-

---

[1] Қ а р а н г: *Амир Саид Олимхон.* Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. — Т., 1991. 19—20-бетлар.

[2] Пограничные войска СССР. 1918—1928. Сборник документов и материалов. — М., 1973. С.601.

[3] Ali Bademci. 1917—1934. Turkistan milly Istiklal Hareketi ve Enver Paca.

[4] Пограничные войска СССР. 1918—1928. С. 675.

ҳаллий аҳоли, хусусан, лақайлар қўллаб-қувватлашарди. Бундан Туркистонда иш олиб бораётган марказий ҳукумат вакиллари қаттиқ ташвишга тушдилар. Шунинг учун ҳам Туркистон фронти сиёсий бошқармаси томонидан тузилган жосуслик ахборотларидан бирида Иброҳимбек фаолияти ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади, аҳоли ўртасида унинг нуфузи ошиб бораётганлигидан чўчиш ҳолати кўзга ташланади ва Иброҳимбек билан бошқа қўрбоши гуруҳлари ўртасида низо чиқариш учун тавсиялар берилади.[1]

Истиқлолчилар сафида туриб курашган хорижликлар

Анвар Пошо (1881—1922) — 1881 йил 14 июнда Истанбулда туғилди. У Туркиядаги усмонлилар султони Абдулҳамид II нинг ҳукмронлигига чек қўйган, 1908 йилдаги ёш туркlар инқилобини амалга оширган «Иттиҳод ва тараққий» партияси раҳбарларидан бири эди. Туркияга қарашли Македонияда 1908 йил 23 июнда ёш туркlар қўмитаси ҳокимиятни қўлга олгач, бу воқеалар марказида турган Анвар Пошо халқ қаҳрамонига айланиб кетди. Ҳали 27 ёшга тўлмаган Анварга генераллик («пошо») унвони берилди. 1913 йил январдаги ҳарбий тўнтариш натижасида Туркия тўлиқ ёш туркlар қўлига ўтди. Анвар Пошо, Талъат Пошо ва Жамол Пошодан иборат учлик Туркияни бошқара бошлади. Анвар Пошо 1911—1913 йилларда Туркиянинг Италия ва Болгарияга қарши урушида қаҳрамонлик кўрсатади. У Туркиянинг ҳарбий вазири, Биринчи жаҳон уруши бошлангач эса, турк армиясининг қўмондони қилиб тайинланади. Биринчи жаҳон урушида Туркия ва унинг иттифоқчиси Германия мағлубиятга учрагач, Анвар Пошо сафдошлари Талъат ва Жамол Пошолар билан биргаликда 1918 йил 3 ноябрда Туркия ҳудудидан чиқиб кетади. 1919 йил бошларида Анвар Пошо Берлинга келади. Шу йилнинг июл ойида Истанбул ҳарбий суди уч пошони ва уларнинг дўстлари Нозимни сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилади. Анвар Пошо немис коммунисти К.Радекнинг маслаҳатига биноан, 1920 йил ёзида Россияга (Москвага) келади. У 1920 йил 1—8 сентябрда Бокуда бўлган Шарқ халқлари қурултойида қатнашади. 1921 йил октябрда Анвар Пошо Боку ва Ашхобод орқали Бухоро шаҳрига келди. У Бухорода Ф.Хўжаев, Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва бошқалар билан учрашиб, босқинчи қизил аскарларга қарши курашаётган мухолифатчилар сафига қўшилади. 1921 йил декабрдан бошлаб, Анвар Пошо Шарқий Бухородаги қўрбоши дасталарига раҳбарлик қила бошлади. У Кўктошда, Шарқий Бухоро ва Ғарм вилоятида ҳаракат қилаётган, шунингдек, Фарғона ва Матчодаги барча қўрбошиларнинг қурултойини чақирди. 1922 йил март ойида Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб то Хоразм ва Шарқий Бухорогача бўлган ҳудудда Анвар Пошо бошчилигида истиқлолчи кучларнинг умумий фронти тузилди. 1922 йил 15 апрелда Бойсун атрофидаги Кофирун қишлоғида бўлган Туркистон қўрбошиларининг қурултойида Анвар Пошо олий бош қўмондон ва сиёсий раҳбар қилиб сайланди.

1922 йил 19 майда Анвар Пошо Озарбайжон Республикаси ХКК раиси Н.Наримонов орқали Москвадаги совет ҳукуматига талабнома (ультиматум) топшириб, Бухоро, Хоразм ва Туркистондан талончи қизил аскар-

[1] Пограничные войска СССР. 1918—1928. С. 675.

ларни олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Бироқ июн ойининг ўрталарида қизил аскар қисмлари шиддатли ҳужумга ўтдилар. 1922 йил 4 августда Шарқий Бухоронинг Балжувон атрофидаги Обидара қишлоғида бўлган жангда Анвар Пошо ҳалок бўлди.

Анвар Пошо Шарқий Бухорога келиб, ватанпарварларни озодлик курашига даъват қилган дастлабки кунлардаёқ уни Иброҳимбек ёқтирмай қолганди. Иброҳимбек билан Анвар Пошо ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб бўлган. Ҳатто, Анвар Пошо бир ойча вақтни Иброҳимбек қўлида тутқунликда ўтказади. Ўз навбатида Анвар Пошо томонидан Иброҳимбек ҳам кейинчалик беш кун қамаб қўйилган эди.

Анвар Пошо РСФСРга келган (1920 й. ёзи — 1921 й. сентябр) дастлабки даврида большевиклар йўлбошчиси Ленининг фикрларини тўғри деб ўйлади, у ҳатто Шарқ халқларини коммунизм байроғи остида Англия империализмига қарши курашга чақирди. Албатта, бу курашга даъват Ленин ва унинг сафдошлари томонидан Анвар Пошо онгига сингдирилган эди. Бироқ, жангу жадаллар ва турли саргузаштларга ўч, маълум маънода таваккалчи бўлган Анвар Пошо «Москвада хотиржам яшашни истамади», у 1921 йил июлида «Москвадан Ботумига келди» Бу пайтга келиб, Россия-Туркия ўртасида ўзаро дўстлик ҳақида шартнома тузилди. Натижада, «РСФСР ҳукумати Анкорада турган миллий турк ҳарбий кучларига қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмасликни Анвар Пошога айтди ва унга Анатолия Ботумиси ерларидан зудлик билан чиқиб кетишни буюрди. Анвар ушбу буйруқни олгач, Туркистонга жўнади ва Бухорога етиб келди...»[1]

1921 йил октябрда Бухоро шаҳрига етиб келган Анвар Пошо орадан кўп ўтмай Шарқий Бухородаги ватанпарварлар сафига қўшилди. Хорижлик тадқиқотчи Г.Фрэзернинг ёзишича, Бухорода большевикларга қарши курашнинг ҳаракатлантирувчи кучи «либерал жадидлар, консерватив мусулмон етакчилари ва тоғлик қабилалар мустақил доҳийларининг машаққатли иттифоқи... эди».[2]

Анвар Пошонинг саъй-ҳаракатлари билан Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этилди. Бутун Туркистон ҳудудида большевикларга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирилди. Анвар Пошо курсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм қўрбошиларининг учрашувлари мунтазам ўтказиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди. Анвар Пошо билан Шермуҳаммадбек ва Жунаидхон ўртасида доимий равишда ўзаро алоқалар бўлиб турган.[3]

---

[1] ЎзР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 26-йиғма жилд, 66-варақ.
[2] *Glnda Fraser.* Basmachi-I. P. 63.
[3] *Dr. Baymirza Hayit.* Turkistan Rusya ile Cin arasinda. Ankara.

Бухоро амири Саид Олимхон ҳам Анвар Пошо орқали Туркистондаги истиқлолчилар гуруҳлари билан мунтазам алоқани йўлга қўйиб турди. «Улар ўша пайтда миллатпарварлик ҳаракатининг энг қудратли, эҳтимол энг оммавий қисмини ташкил қила олдилар».[1]

Анвар Пошо ўзи башорат қилганидек, Туркистон тупроғида шаҳид бўлди. Бухоро телеграф агентлиги томонидан 1922 йил 16 августда чиқарилган шошилинч хабарномада қуйидагиларни ўқиймиз: «Балжувон ва Ҳовалинг атрофларида... босмачиларнинг йўлбошчиси Анвар Пошо қўл жангида бешта ҳалокатли жароҳат олиб, ўлдирилди».[2]

Анвар Пошонинг ўлими ҳақидаги хабар бутун Туркистон ўлкасига яшин тезлигида тарқалди. Унга атаб мотам марсиялари тўқилган. Ана шундай мотам марсияларидан энг машҳури Туркистоннинг буюк миллий истиқлол шоири Чўлпон қаламига мансуб «Балжувон» марсиясидир.[3] Ўзбек шеърияти тарихида мазмун моҳияти, маслак муросасизлиги жиҳатидан «Балжувон»-га ўхшаш ёки яқин келадиган иккинчи бир шеър ёзилмаган эди.

Анвар Пошонинг ўлими билан Бухородаги ватанпарварлар ҳаракати тўхтаб қолмади. Иброҳимбек билан бир даврда Ғарбий Бухорода (Бухоро ва Кармана вилоятлари) миллий-озодлик байроғини Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши кўтарган эди.

Истиқлол учун курашганлар

Мулла Абдулқаҳҳор (1884—1924) — Ғарбий Бухорода қизил армия қисмларига қарши курашган истиқлолчи кучларининг бош қўмондони. У 1884 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилди. Мулла Абдулқаҳҳор Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. Унинг раҳбарлигида 1920 йилнинг охирига келиб Бухоро, Кармана ва Нуротада ўнлаб қўрбоши дасталари фаолият кўрсатишди ва қизил аскар босқинчиларига қарши кураш олиб борди. Мулла Абдулқаҳҳор 4 йиллик курашлардан сўнг, 1924 йилнинг охирларида Қизилқумда бўлган тўқнашувларнинг бирида ҳалок бўлади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг қўл остида 20 та қўрбоши дасталари бирлашган.[4] Ўрмон Полвон, Метан Полвон, Наим Полвон, Шукур Хўжа, Жўра Амин, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги (Остонча), Саид Мансур, Мурод Мешкоб, Азимхўжа, Ҳамро Полвон, Тош Мурдашўй, Хушвақт ва Сирожхўжа каби сардорлар унинг энг нуфузли қўрбошилари са-

---

[1] *Glnda Fraser.* Basmachi — 1. P. 63.
[2] ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 343-йиғма жилд, 35-варақ
[3] *Чўлпон.* Балжувон //«Миллий тикланиш». 1995, 10 июн.
[4] РГВА, ф. 895, оп. 1, д. 12, л. 218.

налган.[1] Метан Полвон ва Наим Полвон Мулла Абдулқаҳҳорнинг туғишган укалари бўлиб,[2] душманга нисбатан шафқатсизликлари билан ном чиқарган эдилар. Улар асосан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитон туманлари ва Нуротада ҳаракат қилган эдилар.[3]

Агар Шарқий Бухорода Иброҳимбек бошчилигидаги ватанпарварларнинг энг зафарли ғалабаси Душанбенинг қўлга олиниши бўлса, Ғарбий Бухородаги қўрбоши гуруҳлари эса, Абдулқаҳҳор бошчилигида 1922 йил бошида Бухоро Республикаси пойтахти Бухоро шаҳри устига юриш қилдилар. Улар қизил аскарлар билан Сарипул-Меҳтар Қосим кўприги олдида бўлган икки кунлик шиддатли жанглардан сўнг Бухоро шаҳрининг катта қисмини эгаллашди ва бир неча соат мобайнида шаҳарни қўлдан беришмади. Мухолифат кучларининг ушбу ғалабаси ҳақида амир Саид Олимхон ўз хотираларида шундай деб ёзган эди: «Мулла Абдулқаҳҳор большевиклар устидан зафар қозонди, яна Бухоро шаҳри теварагини ўраб олди, натижада шаҳарнинг олти дарвозасини эгаллади. Шу билан у большевикларни сиқиб чиқариб, Бухорони бўшатди... Тўрт соатдан кўпроқ бу ерда туриб, кейин шаҳар ичкарисидан чиқиб Баҳоуддинга борди, у ерда ўн соат жанг қилиб, у ерни ҳам большевиклар қўлидан халос қилди. Абдулқаҳҳор Бухоро ва Баҳоуддиндан қўлига анчагина ўлжа киритди».[4]

Аммо зудлик билан Тошкент ва Москвадан етиб келган кўп сонли қизил аскарлар билан бўлган жангда ватанпарварлар Бухорои шариф ва Баҳоуддиндан чекинишга мажбур бўлишди. Уларнинг кўпчилиги асир олинди.

Бу воқеалардан сўнг Мулла Абдулқаҳҳор йигитлари яна икки йилдан зиёд вақт мобайнида қизил аскар қисмлари билан ҳаётмамот жангларини олиб боришди. Улар ўртасида 1924 йил ёзи ва кузида Ғиждувон туманининг Ғишти ва Катта Ғамхўр қишлоқларида, Нурота тоғларида, Шофиркон туманига туташ Қизилқумнинг Жилвон қумликларида, Боғиафзал ва Вардонзе қишлоқларида қаттиқ тўқнашувлар бўлди.[5] Кучлар тенг бўлмаган ушбу жангларда Ғарбий Бухоро ватанпарварлари мағлубиятга учради. Натижада Ғарбий Бухородаги қўрбоши дасталарига сезиларли зарба берилди. 1924 йилнинг охирида Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши Қизилқумда қизил аскарлар билан бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлди.[6]

Бухоро Республикасидаги ватанпарварлар қизил армия қисмларига қарши қарийб 5 йил давомида шиддатли жанг ҳаракат-

---

[1] РГВА, ф. 28113, оп. 7 , д. 90, л. 16, 31—32.
[2] ЎзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 627-варақ.
[3] Бухоро ВДА, 777-фонд, 2-рўйхат, 34-йиғма жилд, 1-2-варақлар.
[4] *Амир Саид Олимхон.* Бухоро халқининг ҳасрати тарихи... 24-бет.
[5] ЎзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 621—623-варақлар
[6] История Бухарской Народной Советской Республики. Сборник документов. — Т., 1976. С. 171; ЎзР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 779-йиғма жилд, 180-варақ.

ларини олиб боришди. Бу курашда бухороликлар фақат ўз кучлари ва ички имкониятларига суяниб, большевиклар қисқа муддат ичида ташкил қилган қудратли ҳарбий давлатнинг тиштирноғигача қуролланган армиясига қарши тура олдилар. 1924 йилнинг охири ва 1925 йилнинг бошларига келганда ҳозирги Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги мухолифат кучлари умуман мағлубиятга учради. Шундай қилиб, Бухоро Республикаси ҳудудидаги истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи даври поёнига етди.

Бухоро истиқлолчиларининг кўп қисми ўз юртлари мустақиллиги ва озодлиги учун курашларда қурбон бўлдилар. Тирик қолган ва беш йиллик тинимсиз жанглардан чарчаган ва толиққан фидойиларнинг аксарияти янги ҳукуматга таслим бўлдилар. Таслим бўлишни хоҳламаган минглаб ватанпарварлар эса, Афғонистон ва бошқа хорижий давлатларга муҳожир бўлиб кетишни афзал кўрдилар. Улар билан биргаликда ўн минглаб бухороликлар ҳам табаррук ва муқаддас Ватан тупроғини ташлаб, чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Манбаларда кўрсатилишича, бухоролик муҳожирларнинг сони 400.000 киши атрофида бўлган.

Лекин кураш ҳали бутунлай тўхтамаган эди. 1924 йилнинг охири — 1925 йилнинг бошида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегаралаш натижасида Бухоро Халқ Республикаси бутунлай тугатилди. Шунингдек, 20-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ССРга қўшиб юборилган собиқ Бухоро Республикаси қишлоқларида ўтказилган мажбурий жамоалаштириш натижасида аҳолининг аксарият қисми мол-мулкидан, еридан маҳрум этилди ва «қулоқ» сифатида сургун қилинди, қамоқларга ташланди. Оқибатда халқнинг норозилиги яна кучайди. Бухорода ўрнатилган совет тузумига қарши кураш янгитдан авж олди.

Бухорода янгитдан бошланган бу ҳаракат ватанпарварлар курашининг иккинчи даврини бошлаб берди. Бу давр 1925—1935 йилларни ўз ичига олди. Бу йилларда кураш асосан Шарқий Бухорода (ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳудудида) ва Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида авж олди. Бу йилларда истиқлолчилик ҳаракати биринчи даврдаги каби узлуксиз давом этмади, у узилишлар вақти-вақти билан кўтарилиб ва пасайиб туриши билан ажралиб турди. Қуролли мухолифат ҳаракатига умумий қўмондонлик Иброҳимбек қўлида эди. У айрим узилишлар билан ҳаракатни 1931 йилнинг ёзигача бошқаради. 1931 йил 23 июнда совет чекистлари томонидан Иброҳимбек қўлга олинади ва, орадан бир йил ўтгач, отиб ташланади.[1] Шу тариқа, Бухорода большевиклар режимига қарши озодлик курашига чек қўйилади.

---

[1] Пограничные войска СССР. 1929—1938. Сборник документов и материалов. — М., Наука. 1972. С. 197—199.

Хоразм Халқ Республикасидаги ватанпарварлик ҳаракати

1917 йил Туркистонда юз берган воқеалар натижасида Хоразмда ҳам демократик ҳаракат авж олди. Натижада, Хива хонлигида миллатлараро муносабатлар кескинлашиб, ҳокимият масаласида хоразмликлар билан туркманлар ўртасида жиддий рақобат юзага келди. Туркман уруғларидан бўлган ёвмутларнинг етакчиси Қурбон Мамед Сардор — Жунаидхон (1857—1938) бу масалада фаоллик кўрсата бошлади.

Жунаидхон Хива хонидан норози бўлган тарқоқ туркман қабилаларини қисқа муддат ичида бирлаштирди ва 1918 йил бошларида бир ярим мингдан ортиқ қуролли отлиққа эга бўлиб, Хива хонига жиддий хавф сола бошлади.[1]

1918 йил январида Хива хони Асфандиёрхон нуфузли эшон ва муллалар орқали Жунаидхон билан алоқа боғлаб, мамлакатни биргаликда идора қилиш ва большевикларга зарба беришни уюштириш ҳақида музокара ўтказиш учун уни пойтахтга таклиф қилди. Жунаидхон қасамёд қилганидан кейин у Хива хонлиги қўшинларининг қўмондони этиб тайинланди.

Бу пайтга келиб мамлакатдаги ташқи ва ички сиёсий вазият жуда кескинлашган эди. Хиванинг бевосита қўшниси бўлмиш Туркистоннинг Амударё бўлимида 1918 йил бошларида большевиклар ҳокимияти ўрнатилгач, хонликка унинг таъсири кучайди. Аммо иродаси заиф ва айш-ишратга ўч Хива ҳукмдори Асфандиёрхон большевиклар тажовузидан мамлакатни ҳимоя қилишга қодир эмас эди. 1918 йил 1 октябрда Хива хонини Жунаидхоннинг ўғли Эшим бошчилигидаги суиқасдчилар гуруҳи ўз саройида пичоқлаб ўлдирди.[2] Жунаидхон ўлдирилган хон ўрнига унинг акаси (жисмоний жиҳатдан ожиз, иродасиз) Саид Абдуллони Хива тахтига хон қилиб ўтқазди. Аслида, у «Жунаидхон қўлидаги қўғирчоқ хонга айланиб»,[3] амалда эса, хонликнинг мутлақ ҳукмдори Жунаидхон эди. У барча давлат ишларини ўзи бошқарар, масъул лавозимларга ўз кишиларини тайинларди.

Жунаидхон юзага келган ички сиёсий вазиятдан усталик билан фойдаланиб, айрим туркман қабилаларининг чуқур илдизга эга бўлган манфаатларини ўз мақсади сифатида кўрсатди ҳамда ўзини ушбу гояларни амалга оширишда қодир бўлган ягона киши сифатида намоён қилди. У нафақат кўчманчи туркман қабилалари ўртасида, балки қозоқ, қорақалпоқ уруғлари ва ўтроқ яшовчи ўзбеклар орасида ҳам катта шуҳрат қозонди

---

[1] *Ражапова Р.* Суронли замонлар //Хива — минг гумбаз шаҳри. — Т., 1997, 46-бет.

[2] *Муллаев Қ.* Жунаидхон босмачи ўтганми? //«Савдогар», №34, 1996, 26 август.

[3] Хоразм тарихи. II жилд. — Урганч, 1997, 19—20-бетлар.

ва уларнинг мададига таянди. Жунаидхон Хивада ҳукмронлик қилган даврда (1918 йил ноябр — 1920 йил январ) кечагина чор ва совет Россиясига қарам бўлган Хива хонлиги амалда мустақил давлатга айланди. Жунаидхоннинг қаттиққўл сиёсати бу борада муҳим роль ўйнайди.

Жунаидхон номи тарих саҳифаларига мураккаб ва зиддиятли шахс сифатида битилган. Унинг фаолияти ҳам шахсиятидек кескин ва фожиали, зафарли ва қайғули кечди. Олдин чор Россияси ва Хива хонига қарши курашган Жунаидхон 1918 йил ўрталаридан эътиборан қизил аскарларга қарши мустақиллик учун жангга кирди. Аҳмад Заки Валидий ўзининг «Хотиралар» китобида Жунаидхонни «Россия ҳукмронлиги олдида бўйин эгишни хоҳламаган давлат қаҳрамони»[1], сифатида таърифлаган эди.

Қисқа муддатда Жунаидхон ўз қўшинини 10.000 кишига етказди. Унинг қўшинлари Қизил Арват, Қозонжиқ, Марв ва бошқа жойларда совет қисмларига қарши жангга кирдилар.[2] Бироқ Амударё бўлими ҳудудида 1918 й. сентябр — 1919 й. мартида бўлган ҳарбий ҳаракатлар унинг аскарлари ҳали большевикларга қарши курашга тайёр эмаслигини кўрсатди. Жунаидхон чекинди ва большевиклар билан сулҳ музокаралари бошлашга рози бўлди.[3] Лекин музокарада РСФСРни хонликнинг ички ишларига аралашмаслиги ва Хоразмдан рус қўшинларини олиб кетиши зарурлигини кескин қилиб қўйиши, унинг большевиклар сиёсати билан муроса қила олмаслигини амалда кўрсатиши эди.

1919 йил 7 апрелда РСФСРнинг фавқулодда мухтор вакили А.Н.Христофоров Жунаидхон билан музокаралар ўтказиш учун унинг Тахта қалъасидаги қароргоҳига келди. 9 апрел куни Тахта қалъасида совет Туркистони билан Хива хонлиги ўртасида тинчлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Музокаралар пайтида Жунаидхон қизил аскар қўшинларини Хоразмдан олиб чиқиб кетиш масаласини яна кескин қилиб қўйди. Шартномага биноан, совет ҳукумати хонликдаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олди, иккала томон ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, бир-бирларига вакиллар юборишни йўлга қўйиш, иккала мамлакат фуқароларининг сув ва қуруқликдаги барча йўлларда эркин ва хавф-хатарсиз ҳаракат қилишини, ўз ҳудудларида тижорат мақсадларида алоқа ўрнатишларини кафолатлаш мажбуриятини олди.[4] Шартнома тез орада Туркистон МИҚ ва Хива хони Саид Абдуллохон томонидан тасдиқланди.[5]

---

[1] *Аҳмад Заки Валидий Тўғон.* Бўлинганни бури ер. — Т., 1997, 92-бет.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. III том — Т., 1971. 267—268-бетлар.
[3] *Ражапова Р.* Кўрсатилган асар. 47-бет.
[4] История Хорезма с древнейших времен до наших дней. — Т., 1976. С. 159.
[5] *Мухаммадбердиев К.Б.* История Хорезмской революции. — Т., 1986. С. 55—56.

Бироқ, иккала томон ҳам, хусусан, большевиклар бу шартнома талабларини бажариш у ёқда турсин, унга риоя қилишни ҳам ўйламадилар. Натижада, 1919 йил ёзида большевиклар Туркистони билан Хива ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашди. Жунаидхон советлар Россиясига қарши Бухоро амири Саид Олимхон билан ташқи сиёсий иттифоқ тузди. Халқ оммаси бу иттифоқни қўллаб, давлатни большевиклар босқинидан асрашга, энг аввало ўзининг мустақиллик ҳуқуқини ҳимоя қилишга аҳд қилди.

1919 йил ноябр — 1920 йил январ ойида бўлган кескин жанглар натижасида Жунаидхон қўшини мағлубиятга учради. Жунаидхоннинг қароргоҳи — Тахта қалъаси 20 январда қўлдан кетди. Қизил армиянинг Амударё (Хива) группаси қўшинлари (қўмондон Н.М.Шчербаков, сиёсий раҳбар Г.Б.Скалов) 1920 йил 1 февралда хонлик пойтахти Хива шаҳрини эгалладилар.[1] 2 февралда Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди. Туркистон қўшинлари штаби разведка бўлими бошлиғи Кувшиновнинг ўша кундаги маълумотларига қараганда, Жунаидхон Хўжайли ва Урганчда бўлган жангларда мағлубиятга учраган бўлса-да, Хивадаги бутун маҳаллий аҳолини қизил аскарларга қарши курашга чақириб, уларни ягона қўмондонлик остига бирлаштиришга ҳаракат қилган. Хивадан 25 чақирим шимоли-ғарбда жойлашган Ғозоватда Жунаидхон ўзининг 2.500 кишилик отлиқлари ва 3.000 кишилик ёвмутлар лашкарини тўплаб, қизил аскарларга қарши ташлаган.[2] Бўлиб ўтган шиддатли жанглардан кейин Жунаидхон асосий кучларини олиб, Қорақумдаги туркман овулларига чекинади.

Қизил армиянинг босқинчилик сиёсатидан норози бўлган Хоразм ватанпарварлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб Жунаидхон қўшинлари сафини тўлдира бошлади. Натижада, «Жунаидхоннинг большевикларга қарши тўплаган қўшинида ўттиз минг нафардан ортиқ мужоҳидлар жанг қилдилар. Уларнинг орасида нафақат туркманлар, балки ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қозоқлар ҳам бор эди».[3] Ўзбек ҳунармандлари ва деҳқонларидан ташкил топган қуролланган дасталарга Ота Махсум, Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилган эдилар.[4] Хусусан, Кўҳна Урганч, Иляли, Тошҳовуз, Манғит, Қўшкўпир, Чимбой, Қунғирот ва Тўрткўлда ҳаракат қилган ўнлаб ватанпарвар сардорларнинг дасталари қизил аскарларга қарши жанг қилдилар. Жунаидхон бошчилигидаги истиқлолчилар ҳужумга ўтиб, Кўҳна Урганч, Хўжайли, Иляли ва

---

[1] Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. II том. — Т., 1964. С. 491—495.

[2] РГВА, ф. 25859, оп. 4, д.73, л. 31 и обр ст.

[3] *Қурбонбой Самандар ўғли.* Отаюрт соғинчи //«Ватан», № 5—6, 1994 йил.

[4] Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари (давра суҳбати) //«Шарқ юлдузи», 1995, №11—12. 21-бет.

Тахтани қайта эгаллашди, кўплаб қизил аскарларни асирга олишди. Жунаидхон совет қўмондонлигига махсус мактуб юбориб, агар босқинчилар Хоразмдан чиқиб кетишмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди.

1920 йил 23 июнда Хива шаҳрида хон тарафдори бўлган руҳонийлар бошчилигида қўзғолон бошланди. Улар Муҳаммад Аминхон мадрасасига бир неча минг мусулмонни тўплаб, шариатни ҳимоя қилиш шиори остида ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариш ва хон ҳокимиятини тиклашни талаб қилиб чиқдилар. Жунаидхон пойтахт остоналарига ўз қўшини билан етиб келиб, қўзғолончиларни қўллаб-қувватлади. Лекин Хивага тез орада катта миқдордаги қизил аскар қўшинлари ташланганлиги сабабли қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди. Намойиш қатнашчилари зўрлик билан тарқатиб юборилди. Ҳарбий инқилобий трибунал ҳукми билан қўзғолон етакчилари ва унинг ғоявий раҳнамолари — Иброҳим Охун, Рафиқ Охун, Саиджон Қори, Мулла Муҳаммадниёз Бадирхонли, Муҳаммадамин Охун ва бошқалар отиб ташланди.[1] Бу қўзғолонга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам собиқ Хива хони Саид Абдулло[2] ва унинг қариндош-уруғлари, шунингдек, қозикалон Ҳикматулла Охун, Обид Охун ва бошқалар Хоразм Республикаси ҳудудидан бадарға қилиниб, Россия ва Туркистоннинг турли бурчакларига сургун қилинди.[3]

Туркистондаги большевиклар режими Жунаидхонга қарши курашда айтарли ютуққа эриша олмагач, маккорлик йўли билан айрим туркман уруғлари етакчиларидан фойдаландилар. Туркистон Автоном Республикаси раҳбарларидан бўлган Қ.Отабоевнинг айтишича, «Жунаидхонга қарши курашда қўққисдан унинг душманлари ҳисобланмиш Ғуломали ва Қўшмамедхон деган туркман йўлбошчилари қўшилиб қолишди. Натижада биз икки уруғнинг ўзаро курашувига эришдик».[4]

Бу хизматлари эвазига Хоразм Халқ Республикаси ҳукуматининг аъзолари бўлган Ғуломали (ижтимоий таъминот нозири) ва Қўшмамедхоннинг (Нозирлар Кенгаши раисининг 2-муовини) кейинги тақдирлари фожиали тугади. Қизил қўшин раҳбарлари Ғуломали ва Қўшмамедхон гуруҳларини тугатишга қарор қилдилар. 1920 йил сентябрда ҳеч нарсадан шубҳаланмай Хива шаҳрига қайтиб келган бу икки сардор йигитлари устига қўққисдан қизил аскарлар ташланишади. Хоинларча ҳибсга олинган Қўшмамедхон орадан бир неча соат ўтгач, чопиб ташланади. Ғуломали бўлса қочиб, истиқлолчилар томонига ўтиб кета-

---

[1] Хоразм тарихи. II жилд. 32-бет.

[2] Хиванинг сўнгги хони Саид Абдуллохон кейинчалик Россияда сургунликда азоб-уқубатда вафот этди.

[3] История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. — Т., 1976. С. 55.

[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 90-йиғма жилд, 326-варақ.

ди.[1] Қўшмамедхоннинг ҳамроҳлари бўлган 80 нафар нуфузли кишилар ва уруғ сардорлари ҳам қизил аскарлар томонидан кечаси қатл қилинади. Бундан ташқари икки ҳафтадан кейин бошқа уруғ сардори Шомурод Бахши ҳам ўзининг 16 нафар ҳамроҳи билан бирга ўлдирилади.[2]

Воқеаларнинг бундай тус олиши хоразмликлар орасида кучли норозилик уйғотди. Большевикларга, қизил аскарларга улар босқинчилар сифатида қарай бошладилар. Совет Россиясига қарши норозилик кайфияти кучайди. Натижада, мухолифат кучларининг сафи яна кўнгиллилар ҳисобига ошиб борди.

Аҳоли ўртасидаги бу кайфиятни тўғри идрок қила олган Жунаидхон 1920 йилнинг охири ва 1921 йил давомида истиқлолчилик ҳаракатини кучайтириб асосан ҳозирги Туркманистон тасарруфидаги ҳудудларда қизил аскар қўшинларига қарши муросасиз кураш олиб борди.

Маълумки, 1921 йил охири — 1922 йил бошларида Бухоро ватанпарварларининг бош саркардаси Анвар Пошо Фарғона ва Хоразм қўрбошилари билан алоқалар ўрнатиб, уларни ягона қўмондонлик остига бирлаштиришга ҳаракат қилган эди. Шу мақсадда Жунаидхон билан Анвар Пошо ўртасида ҳам ўзаро ёзишмалар бўлиб, томонлар бир-бирларига ишончли вакилларини жўнатганлар. Туркистон, Бухоро ва Хоразм истиқлолчиларининг ўзаро алоқалари натижасида 1922 йил кўкламида Жунаидхон Хоразмда ўз фаолиятини янада кучайтирди. Бу пайтда унинг қўшинлари сони 15.000 йигитдан иборат бўлиб, улар большевикларга қарши тура оладиган жиддий кучга айланган эди. Масалан, 1922 йил апрел ойида Жунаидхон қўшинлари Порсу шаҳри ва унинг атрофларини қизил аскарлардан озод қилишди. Кўҳна Урганч ёнидаги қишлоқларда ҳам улар шиддатли жанглар олиб бордилар.[3]

Хоразм Республикасида турган қизил армия қисмлари Жунаидхонга қарши барча воситаларни ишга солишди. Жунаидхоннинг рақиби бўлган Ғуломалихондан яна ватанпарварларга қарши курашда фойдаланишга қарор қилинди. Ўзаро келишувга мувофиқ Ғуломалихон совет ҳокимияти томонига ўтиб, Жунаидхонга қарши курашга рози бўлди. Большевикча режим ўзининг бутун макр-ҳийлаларини фидойилар ҳаракатини тор-мор қилишга қаратган бўлса ҳам бу даврда сезиларли ютуққа эриша олмади. 1922 йилнинг май ойида бўлган жангларда Жунаидхон чекинган ва ўзининг сараланган аскарларини йўқотган бўлса-да (масалан, Раҳмон Берди сардор ўз дастаси билан асир тушишга

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 90-йиғма жилд, 327-варақ.

[2] *Ҳамдамов Х.* Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши. — Т., 1960, 115-бет.

[3] ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 35-йиғма жилд, 1-варақ.

мажбур бўлган эди),[1] унинг қўшинлари сафига тобора янги кўнгиллилар келиб қўшилар эди. Хоразмнинг энг машҳур бойлари Бадримбой, Содиқбой, Матчонбек Тўра, Аҳмадбек ва Ортиқ Эшон истиқлолчиларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришди.

1922 йил 15 ноябрда Хоразм Компартияси МК Ижроия бюроси мажлисида «босмачи ва калтаманларга қарши кураш учун фавқулодда чора-тадбирлар» белгиланди. РКП(б) МҚ Ўрта Осиё Бюросининг тазйиқи билан Хоразм коммунистлари Давлат Сиёсий бошқармаси (ГПУ) ҳузурида «босмачиликка қарши кураш учун фавқулодда учлик (тройка)» тузиш зарурлигини Нозирлар Кенгашига топширди. Фавқулодда учлик зудлик билан ишга киришиши ва «босмачилар» ҳамда уларга ёрдам беришда шубҳаланган барча шахсларни 24 соат ичида отиб ташлаши шарт эди. Учлик таркибига Сиёсий бошқарма раиси (Бобо Муҳаммаджонов), инқилобий трибунал раиси (Мансуров), Қозоқ бўлими бошлиғи (Таган Абдуллаев) киритилди.[2] Хоразм, Бухоро ва Туркистон республикаларида тузилган бундай фавқулодда учликлар Ватанимиз тарихида ўта мудҳиш из қолдирди.

Марказ Хоразмда босмачилик ҳаракатини тезлик билан бартараф қилиш учун барча имкониятни ишга солди. Бу талаб, айниқса, 1923 йилдан бошлаб янада кучайди. 1923 йил 12 январда бўлган 3-чақириқ ХХСР МИК II сессиясида Хоразмда 4 йилдан буён давом этиб келаётган «босмачилик» ҳаракатига қарши мавжуд ҳукуматнинг ўзи кураш олиб боришга ожиз эканлиги очиқ айтилиб, РСФСР (аслида СССР) ҳукуматидан «шошилинч ҳарбий ёрдам» сўралди.[3]

Сессия қарорига асосан, Хоразм Республикаси МИҚ раиси Абдулла Ҳожиев 1923 йил 4 февралда махсус қарор билан РСФСРдан қўшимча равишда яна ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Мазкур қарорда «босмачилар» билан кураш ҳали кўнгилдагидек натижалар бермаётганлиги очиқ равишда эътироф этилган эди. Хоразм Республикасининг «илтимоси»га биноан Марказ зудлик билан Ашхобод ва бошқа шаҳарлардан Хоразмга аэропланлар юборди.[4] Халқлар, миллатлар ва гуруҳлар ўртасига нифоқ солишда «устаси фаранг» бўлиб кетган большевиклар Жунаидхонга қарши курашга туркман қабила бошлиқларини қўндиришга муваффақ бўлди. 1923 йил 8 августда Тахта Бозор қалъасида барча қабила доҳийларининг қурултойи бўлиб, унда 15 киши имзолаган тинчлик шартномаси қабул қилинди. Бу ҳужжатда «Жунаидхон туркман халқи ва Совет

---

[1] История ХНСР. С. 167—168.
[2] ЎзР ПДА, 361-фонд, 1-рўйхат, 112-йиғма жилд, 35—36-варақлар.
[3] ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 273—274-варақлар.
[4] Ў ш а ж о й д а. 25-йиғма жилд, 292—293-варақлар

ҳокимиятининг душмани деб эълон қилинди».[1] Август ойининг охирларидан бошлаб Жунаидхонга қарши жанг ҳаракатларида қизил аскарлар билан биргаликда туркман сардорларининг йигитлари ҳам қатнашишга мажбур қилинди. Большевикларнинг асосий мақсади воҳа қишлоқларидаги мавжуд «маҳаллий босмачилар»га қарши курашни фаоллаштириш ва уларнинг Қорақумдаги Жунаидхон қўшинлари билан алоқа ўрнатишига ва бу кучлар бирлашишига мутлақо йўл қўймаслик ва шу йўл билан Жунаидхонни яккалаб, унинг таянчи бўлган Хоразм халқидан ажратиб қўйишдан иборат эди.[2]

1923 йилдан бошлаб, Хоразм Республикасида ҳам, Туркистон, Бухоро республикаларида бўлганидек Россия қонунларини жорий қилиш бошланди, иқтисодий жиҳатдан РСФСР, Туркистон ва Бухоро республикалари билан бирлаштирилди, ягона пул ва солиқ тизими жорий қилинди ва, ниҳоят, 1923 йил октябр ойида большевиклар андозасидаги янги Конституция қабул қилинди. Охир оқибатда мустақил Хоразм Республикаси марказга бутунлай тобе қилиб қўйилди. Ҳукумат сиёсатидаги бу кескин бурилиш Ватани мустақиллигини қадрлаган Хоразм халқининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Натижада ҳукуматнинг бу сиёсатидан норози бўлган ватанпарварлар истиқлолчилар сафини яна тўлдирдилар. Мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмларида бир қатор қўрбоши ҳамда сардорларнинг ҳаракатлари яна авж олди.

Совет ҳукумати 1923 йил охирида Жунаидхон билан яна сулҳ музокараларини бошлашга уриниб кўрди. Бироқ Жунаидхон ўзининг олдинги талабини, яъни: 1)Россия қўшинларини Хоразмдан дарҳол олиб чиқиб кетиш; 2) шариатга тўла эркинлик бериш; 3) барча собиқ ҳокимлар ва оқсоқолларни яна ўз лавозимларига тиклаш; 4) солиқлар ва патентларни бекор қилишни қатъий қилиб қўйди.[3] Табиийки, бу талабларни совет ҳукумати рад қилди. Натижада музокаралар ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

Жунаидхон қўлида бу пайтда катта миқдорда ҳарбий куч тўплаган эди. Шу билан бирга 1923 йилнинг декабрида Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида янги совет ҳукуматига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунаидхон қўшинлари ҳам ғарб томондан, бир вақтнинг ўзида шаҳарга қараб ҳаракат бошлади.[4]

---

[1] История ХНСР. С. 230.
[2] ЎзР МДА. 71-фонд, 1-рўйхат, 172-йиғма жилд, 30—40-варақлар.
[3] Хива — минг гумбаз шаҳри. 52-бет.
[4] История Бухарской и Хорезмской народных советских республик. — Т., 1971. С. 162.

1924 йил 10 январдан бошлаб Жунаидхоннинг 15.000 кишилик пиёда ва отлиқлардан иборат қўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришди.[1] 16 январда Хоразм Республикасида ҳарбий ҳолат жорий қилинди. 17 январда Хоразм компартияси қарорига биноан Маткарим Абдусаломов бошчилигида Ҳарбий инқилобий қўмита тузилди. Лекин бу чораларга қарамасдан, қўзғолончилар январ ойининг охирларида шаҳарга киришга ва айрим кўчаларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. 26 январ кечқурун шаҳар ичида бўлган жанглар, айниқса, шиддатли бўлди. Бу жангда Жунаидхоннинг қариндоши Байрамалихон ўлдирилиб, унинг ўзи яралар қилинди.

Хоразм республикасида содир бўлаётган воқеаларнинг бундай жиддий тус олишидан ташвишга тушган РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси 1924 йил 6 январда бу масалани махсус муҳокама қилди.[2] Жунаидхон бошчилигидаги истиқлолчиларга қарши курашиш учун Э.Берзин (раис), Городецкий, Адинаев ва Хидиралиевдан иборат фавқулодда комиссия ташкил қилинди ва у Хоразм Республикасига жўнатилди.[3] Туркистон минтақасининг амалдаги ҳужайини бўлган Ўрта Осиё бюроси Жунаидхонга қарши Хоразм Республикаси ҳудудига қўшимча қизил армия қисмларини юборишга қарор қилди. Шунга биноан, феврал ойининг бошларига келиб Хива шаҳрига 4-Актюбинск ва 82-Туркистон отлиқлар полки ва авиаэскадрильяси, Тошкент ва Тўрткўлдан қизил аскар қисмлари келтирилди. Натижада, Жунаидхон қўшини қарийб бир ой давом этган қамални тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Катта кучга эга бўлган қизил армия қисмлари Жунаидхонга ва бошқа ватанпарвар кучларга қарши ҳужумга ўтди.

Питнак ва Ҳазораспда Оғажон Эшоннинг гуруҳи қизил аскарлар билан бўлган жангда фаол ҳаракат қилиб, уларни чекинишга мажбур қилди. Лекин 27 февралда Жунаидхоннинг Қуйи Балиқлидаги қароргоҳи қизил аскарлар томонидан босиб олинди.[4] 1924 йил март-апрел ойларида бўлган жанглар натижасида фақат самолётларнинг ёрдами билангина Қорақумдаги Жунаидхон қўшинларининг асосий қисми тормор келтирилди.[5] Оғажон Эшон ва бошқа сардорлар эса асир олинди.[6]

Жунаидхон 1924 йил 17 июнда ўзининг 20 та ҳамроҳи билан Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига қочиб ўтади.[7] Манбалар-

---

[1] РГВА, ф. 157, оп. 2, д. 752, л.148—151.

[2] ЎзР ПДА, 361-фонд, 1-рўйхат, 248-йиғма жилд, 11-21-варақлар.

[3] *Каландаров Н.* Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии. — Т., 1975. С. 257.

[4] РГВА, ф. 110, оп. 2, д. 532, л. 54.

[5] ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 42-йиғма жилд, 24-варақ.

[6] РЦХИДНИ. ф. 17, оп. 16, д. 1177, л. 19.

[7] История ХНСР. С. 262.

да айтилишича, у бу ерда туриб ўз қўшинлари сафини тўлдиришга ҳаракат қилган ва навбатдаги ҳарбий юришларга тайёрланган. Орадан кўп вақт ўтмасдан, Жунаидхон Хоразм Республикаси ҳудудига қайтиб келди ва истиқлолчилик ҳаракатига бошчилик қилишда давом этди. Жунаидхон Хоразм Республикасида турган қизил армия жангчиларига қарши курашда янгича тактика қўллаб, уларга тўсатдан зарба бергач, бепоён Қорақум саҳросида ғойиб бўлар эди. Совет Иттифоқининг бўлғуси маршали С.М.Будённийнинг сараланган махсус отлиқ қўшини ҳам Жунаидхонни қўлга тушира олмади.

1924 йил ноябр ойида совет ҳокимияти вакиллари билан Жунаидхон ўртасида музокаралар бошланди. 18 ноябрда Жунаидхоннинг 4 вакили Хива шаҳрига келиб, Хоразм Республикаси МИҚнинг фавқулодда учлик аъзолари билан учрашди.[1] Совет ҳокимиятига қарши 7 йилдан буён тинимсиз кураш олиб бораётган Жунаидхон ўз кучларини сақлаш учун музокаралар самарали тугашидан манфаатдор эди. Ниҳоят, узоқ давом этган музокаралардан кейин Жунаидхон совет ҳокимияти вакилларига таслим бўлди.

Шундай қилиб, Хоразм Республикасидаги истиқлолчилик ҳаракати 1924 йилнинг охирида асосан мағлубиятга учради. Лекин кураш бутунлай тўхтамаган эди.

Жунаидхон 1927 йил 19 сентябрда Тошҳовуз округидаги Тахта ва Кўҳна Урганч туманларида совет ҳокимиятига қарши яна қўзғолон кўтарди. Кўплаб овулларда совет ҳокимияти тугатилди. Лекин Жунаидхон қўшинлари кўп ўтмай мағлубиятга учради. Шу тариқа, Хоразм воҳасида вақтинча бўлса-да, тинчлик ўрнатилди.

Бироқ бу тинчлик узоққа бормади. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили тайёрлаган маълумотномада кўрсатилишича, 1929 йилда Ўзбекистон, Туркманистон ва Қирғизистон ҳудудларида қизил аскарларга қарши курашаётган 11 та қўрбоши дасталари мавжуд бўлган.[2] Уларнинг аксарияти Хоразм воҳасида ҳаракат қилган. 1929 йил 15 июнда Оқ Работда Жунаидхоннинг ўғли бошчилигидаги йигитлар билан қизил аскарлар ўртасида тўқнашувлар бўлди.[3] Жунаидхоннинг бошқа ўғли Эшим бошчилигидаги гуруҳ 1931 йил 4 майда Хива туманига келиб совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтарган маҳаллий бойлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаган.[4] 24 июнда эса Кўҳна Урганч қизил аскарлардан тозаланди. Шаҳар аҳолиси истиқлолчиларни хайрихоҳлик билан кутиб олган.

1931—1935 йиллар давомида Хоразм воҳасида Аҳмадбек, Дурди Мурод, Муродхон, Эйли Охун, Ўроз Гелди, Худойберди,

---

[1] Қаранг: ЎзР ПДА, 361-фонд, 1-рўйхат, 426-йиғма жилд, 106-варақ.
[2] Пограничные войска в СССР. 1929—1938. — М., 1972. С. 175.
[3] Ўша жойда, 145-бет.
[4] Ўша жойда, 188-бет.

Ражаб Қора каби 20 га яқин қўрбоши дасталари совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар. Лекин кучлар тенг эмас эди. Улар бу жангларда мағлубиятга учрадилар.[1]

Шундай қилиб, қизил армиянинг босқини ва совет ҳокимиятига қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракати Хоразм воҳасида, Шарқий Бухорода, бутун Туркистон минтақасида бўлгани каби, 1935 йилга келиб тамомила мағлубиятга учради. Лекин, авлодларимизнинг бу кураши зое кетмади, уларнинг бу саъй-ҳаракатлари ўзбек халқининг озодликка ва мустақилликка бўлган ишончини мустаҳкамлади.

6. МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ АҲВОЛИ

20-йилларнинг бошида Туркистонда маданий қурилиш ишлари халқ хўжалиги вайрон бўлган ва большевиклар атайлаб бошлаб берган синфий кураш кескинлашган мураккаб шароитда олиб борилди. Бу даврда Туркистон маданий ҳаёти ўзига хос зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи, салбий ва ижобий ҳолатларнинг ўзаро кураши тарзида намоён бўлди. Шунинг учун ҳам бу даврдаги маънавий-мафкуравий ҳолат Туркистонда ўша йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда рўй бераётган мураккаб жараёнларнинг мантиқий ўхшашлиги билан ҳамоҳанг бўлган эди.

Большевиклар яккаҳокимлиги тикланиб бўлингач, бу босқич маънавий ҳаётда большевикча «янги» билан маҳаллий ва миллий тарздаги «эски» ўртасидаги беомон кураш асосида тавсифланди. Чор ҳукумати сиёсатига монанд равишда советлар амалга оширган маданий сиёсатнинг устивор йўналиши миллат, миллий ўзлигини англашнинг муҳим шарти бўлган маданиятни йўқ қилиш, айниқса, унинг миллий сифатларини қўпориб ташлашга қаратилган эди. Мақсадга эришиш учун совет тузуми ўрнатилган дастлабки кунданоқ большевиклар партияси ягона, танҳо ҳукмрон партияга айланишни таъминлаш, большевизмга ёт бўлган барча назария ва ғояларга қарши курашиш, уларнинг таъсирини йўқотишга қаратилган сиёсатни олиб борди. Уларнинг бундан кўзлаган асосий мақсади тубида эса, сиёсий манфаатлар ётарди. Бу манфаатлар большевизмнинг ҳақиқий санъат намуналарини яратишдан кўра маданият ходимларини ҳукмрон мафкуранинг содиқ солдатларига айлантиришга қаратилган кейинги сиёсатида, айниқса, яққол кўринди.

Бироқ, шу нарсани таъкидлаш лозимки, ҳали 20-йилларнинг бошларида маданият ва санъат соҳасида, умуман барча соҳаларда нисбатан, маълум даражада бўлса-да, ижодий эркин-

[1] Ўша жойда, 205—251-бетлар.

лик ҳукм сурарди, маъмурий-буйруқбозлик тизими эса эндигина шаклланаётган эди.

Совет давлатининг Туркистон халқлари саводсизлигини тугатиш, мактаблар қуриш, мутахассис ходимлар тайёрлаш, маданият, санъатни ривожлантиришга бағишланган тадбирлари, маҳаллий миллий манфаатларни кўзлаб эмас, балки маданий-маърифий воситалар асосида ўлка аҳолисининг «коммунистик руҳда» қайта тарбиялаш ва социализмнинг «одобли» мутахассис кадрлари қилиб етиштиришга қаратилган эди. Мақсад барча ёшдаги аҳолини саводсизлигини тугатиш билан бир қаторда уларга ёппасига «коммунизм алифбоси»ни ўргатишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам саводсизликни тугатиш маданий қурилишнинг муҳим вазифаси сифатида қаралди. 1921 йил ноябрда Туркистон АССР ХКК республика аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет чиқарди. Декретга биноан, сакиз ёшдан қирқ ёшгача бўлган саводсиз фуқароларнинг ҳаммаси давлат мактабларида ва саводсизликни тугатиш курсларида ўқитилиши лозим эди. 1921 йилнинг охирларида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 100 та саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади. Айни пайтда Туркистон Республикаси бўйича 1000 дан ортиқ саводсизликни тугатиш мактаблари, турли тўгараклар фаолият кўрсатаётган эди.[1]

1923 йилда Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи ўлка фавқулодда комиссияси тузилди. Шундай комиссиялар маҳаллий советларнинг халқ маорифи бўлимлари ҳузурида ҳам ташкил этилди. Республикада амалга оширилаётган ҳар бир тадбир, албатта Россия андозаси асосида қилинар эди. Жумладан, РСФСРда «Битсин саводсизлик» жамияти тузилиши билан, бундай жамиятлар Туркистон Автоном Республикасида ҳам ташкил этилди. Жамият аҳолининг саводсизлигини тугатиш борасида «ҳафталиклар», «ойликлар» ўтказиб турди. Натижада саводсизликни тугатиш мактаблари сони ўлкада муттасил равишда ортиб борди. 1924 йилга келиб Туркистондаги мавжуд мактабларда 10200 киши саводини чиқарди.[2]

Совет ҳукумати саводсизликни тугатиш учун олий ўқув юртларидаги ва ишчи факультетларидаги талабаларни сафарбар қилди. Шу билан бирга, ўлкада саводсизликни тугатиш учун махсус ходимлар тайёрлашга ҳам эътибор берилди.

Умумий таълим мактабларини ташкил қилиш оммавий тус олди. Уларнинг сони кун сайин ортиб борди. 1924 йилнинг бошида, Туркистон Автоном Республикасида расмий рўйхатга

---

[1] Культурное строительство в Туркестанской АССР. Сбор. документов. — Т., 1973. С. 5.

[2] ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-руйхат, 2351- йиғма жилд, 77-варақ.

олинган мактаблар сони қарийб 1100 тага етди.[1] Лекин бу мактабларнинг ҳақиқий аҳволи анча оғир эди. Чунки, мактабларни ташкил қилиш ҳеч қандай режасиз, маблағсиз, ўқув анжомларисиз пала-партиш суратда олиб борилди. Кўп ҳолларда ташкил қилинган мактаблар қуруқ бинодан (бинолар ҳам кўпинча мактаб учун яроқсиз эди) иборат бўлиб, улар зарур жиҳозлар, ўқув воситалари ва қуроллари билан умуман таъминланмаган эди.

Янги иқтисодий сиёсат жорий қилиниши муносабати билан қишлоқ мактаблари давлат бюджетидан маҳаллий бюджетга ўтказилди. Оқибатда, қишлоқ мактабларининг аҳволи янада ёмонлашди, ўқитувчиларни маош билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келди. Натижада, Туркистон қишлоқларида совет мактабларининг сони қисқариб 1924 йилнинг охирида 908 га тушиб қолди.[2] Ота-оналар эса, фарзандларини яна «эски» мактабларга беришга мажбур бўлдилар.

Маориф тизимини пул маблағи билан таъминлаш масаласи ҳам жуда оғир кечди. Хусусан, 1922 йилнинг апрел-декабр ойларида мактаб учун зарур маблағнинг учдан бир қисмигина берилди, холос. Вазиятнинг мураккаблиги туфайли халқ маорифи тизими раҳбарлари ҳукуматдан қатъий равишда бюджет маблағини оширишни талаб қилдилар ва акс ҳолда «ўз ўринларида ишлаш ва масъулиятни ўз бўйинларига олишга маънавий ҳақлари йўқлигини» таъкидладилар.[3] Чунки маориф ходимларига белгиланган иш ҳақи бошқа соҳа ходимларига тўланадиган иш ҳақидан анча кам эди. Масалан, халқ хўжалигининг бир қатор тармоқлари ходимлари учун ўртага иш ҳақи 30 сўм белгиланган ҳолда, халқ маорифи соҳасида бу рақам 12 сўмга аранг етарди. Бунинг устига вақф мулкларига нисбатан давлат сиёсатининг ўзгариши оқибатида улардан олинадиган даромаднинг давлат ҳазинасига тушмаслиги, халқ маорифи учун ҳар йили олинадиган 22 млн. сўм маблағдан маҳрум этди.[4]

Таъминот масаласида шаҳар мактаблари устун даражада «имтиёзга» эга эди. Қишлоқ мактаблари эса, бундан мустасно бўлиб, асосий эътибор русийзабон аҳоли фарзандлари ўқийдиган шаҳар мактабларига қаратилганди. Мактабларга жалб қилинган ўқувчиларнинг аксарияти ҳам русийзабон ёшлар эди. Масалан, 1921—22 ўқув йилида Туркистон ўлкасида таълим олаётган 170105 ўқувчининг кўпчилиги руслардан иборат эди. Иккинчи босқич мактабларида эса бор-йўғи 994 та ўқувчи таълим оларди, холос.[5]

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. — Т., 1974. 377-бет.

[2] *Жураев М.* Повышение культурно-технического уровня колхозного крестьянство Узбекистана. — Т., 1987. С. 16.

[3] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат,1604-йиғма жилд, 82-варақ.

[4] «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1997, № 3—4. 80-бет.

[5] УзССР за 40 лет. — Т., 1957. С. 18.

Мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ўз-ўзидан бўлмади. «Совет тузумини қабул қилган ва унга хайрихоҳ бўлган «эски зиёлилар» дастлабки даврда янги мактабларда муаллимлик қилдилар. Лекин «сиёсий мулоҳазалар» туфайли улар «аксилинқилобий элементлар» сифатида мактаблардан четлатилди. Мактабларда (қишлоқ мактабларида) асосан қисқа муддатли курсларда ишчилар, деҳқонлар, косиб ва ҳунармандларни ўқитиш йўли билан тайёрланган, оддий ўқиш ва ёзишни, ҳисобда эса қўшув, айирув ва бўлувни билган муаллимлар ишлар эди.

Шунингдек, ўқитувчи кадрлар тайёрлашни тезлаштириш мақсадида 7 та билим юрти, шу жумладан, битта хотин-қизлар билим юрти, 5 та педагогика техникуми, 2 та педагогика билим юрти ва бир неча қисқа муддатли курслар очилди. Биргина 1921 йилнинг ўзида Туркистон Республикаси бўйича 850 та ўқитувчи ходимлар тайёрлаш қисқа муддатли курслари очилди. Шу билан бирга ўлкада 7 та маориф институтлари иш олиб борди ва уларда 1145 талаба таълим олди.[1] Лекин уларнинг кўпчилиги русийзабон аҳоли фарзандлари эди.

Маҳаллий хотин-қизларни маориф масканларига жалб қилиш осон бўлмади. Мавжуд мактабларда ва ҳунар-техника ўқув юртларида маҳаллий миллатларнинг қизлари ўқувчиларнинг 7—8% ини ташкил қилар эди. Қизларни мактабларга тортишда шошма-шошарлик, урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олмаслик бир қатор мураккабликлар туғдирди. Хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар, хотин-қизлардан ўқитувчи педагоглар бўлиши керак эди. Бу муаммони ҳал қилиш учун совет ҳукумати республиканинг бир қатор шаҳарларида хотин-қизлар учун махсус педагогика техникумлари очди.[2]

Умумий таълим мактаби билан бир қаторда ҳунар-техника таълими мактаблари ҳам очила бошлади. Ўлка шаҳарларида олтита қишлоқ хўжалик техникуми, битта медицина техникуми, 16 та ҳунар-техника мактаби ва бир неча курслар ташкил қилинди. 1924 йилнинг охирида ҳунар-техника таълими мактабларида 6800 дан кўпроқ ёшлар таълим олдилар.

Мактабларни дарсликлар ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш масаласи жуда оғир кечди. Айниқса бу масала маҳаллий миллат тилидаги адабиётларга кўпроқ тегишли эди. Масалан, 1924 йилда Ўрта Осиё коммунистик университетидаги мавжуд китобларнинг фақат 5 минги, яъни 25%игина ўзбек тилида эди, холос. Мактаб ва бошқа ўқув юртларини китоблар билан таъминлаш масаласида Туркистон сиёсий оқартув ташкилотининг 1924 йил октябрдаги қарори жуда мудҳиш роль ўйнади. Унга биноан, тузилган махсус комиссия мавжуд ку-

---

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 9120-йиғма жилд, 98-варақ.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. 378-бет.

тубхоналарни ўрганиб, тўпланиб қолган «эски» китобларнинг 50%ини йўқотишга кўрсатма берди.[1]

Туркистондаги олий ўқув юртлар халқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда халқ маорифи мактаблари учун ҳам малакали педагоглар тайёрлашга жалб қилинган эди. Шу мақсадда Ўрта Осиё Давлат университети қошида махсус педагогика факультети очилди. Лекин бу факультет бир йил ишлар-ишламас ёпиб қўйилди ва Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ташкил этилгунга қадар, республикада ўқитувчи кадрларни тайёрлаш мушкул муаммолардан бири бўлиб қолаверди. Яна энг муҳим муаммолардан бири шу эдики, олий ва махсус ўқув юртларига қабул қилинган ёшларнинг аксарияти русийзабон талабалар эди. Масалан, 1923—24 ўқув йилида Ўрта Осиё Давлат университетига ўқишга кирган 2047 талабадан фақат 51 нафаригина маҳаллий миллат ёшларидан эди, холос.[2] 1924/25 ўқув йилида бу университетда 2440 талаба ва ишчилар факультетида 889 ёшлар таълим олди.

Совет даври тарихий адабиётларида Ўзбекистонда гўё маҳаллий миллат вакилларидан зиёлилар бўлмаганлигидан, фан, маориф, маданият асосан рус миллатига мансуб зиёлилар ҳисобига ривожланганлиги тўғрисида турли ақидалар ёзилди. Бироқ, ҳаққоний тадқиқотлар шундан далолат берадики, 1921—1924 йилларда XIX асрнинг охирлари — XX аср бошларида пайдо бўлган жадидчиликнинг буюк маърифатчилик ҳаракати таъсирида шаклланган юзлаб, минглаб туркистонлик маҳаллий миллат вакиллари маънавият ва маориф жабҳаларда фаолият кўрсатганлар. Ана шу миллатпарвар зиёлилар совет тузумининг дастлабки йилларида большевиклар зуғумига қарамасдан миллатни маърифатли қилишга ҳаракат қилдилар.

Масалан, Тошкентнинг Хадра мавзесида жойлашган Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида фаолият кўрсатган Мунаввар Қори, Шорасул Зуннун, Қаюм Рамазон, Шоҳид Эсон, Маннон Рамз, Зиё Саид, Усмонхўжа, Муродхўжа, Салимхон, Маҳмудхўжа, Каримжон каби маърифатпарвар зиёлилар миллатнинг саводини чиқариш, уларни миллий уйғотиш борасида жиддий ишлар олиб бордилар.

1923 йилда ушбу техникумда «Мафкура майдонида кураш» мавзуида маъруза уюштирилади ва унда Мунаввар Қори танқид қилиниб, жадидлар бойлар малайи сифатида талқин этилади. Сўзга чиққан Мунаввар Қори: «Жадидлар янгилик тарафдорлари, халқ болаларини илмли, маърифатли қилишда жонимиз, молимизни аямадик. Тез ва осон илм бериш йўлларини қўлла-

---

[1] *Қасымова А.* История библиотечного дела в Узбекистане. — Т., 1981. С. 52.
[2] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3787-йиғма жилд, 9-варақ.

дик. Илгариги қўлланилган усуллар ўрнига янги усул қўллаб, тез саводли ва билимли қила бошлаганимиз учун бизларни янгичилар, яъни жадидлар деб аташди. Бу ишимизни амалга оширишда турли кимсалар ёрдам беришди. Моддий ёрдамни бойлар берди. Бу ёрдамларни ўқитув ишларига, китоб чиқариш, жой таъмирлаш каби ишларга сарфладик. Бу ишимизга раҳмат ўрнига «бой малайи» дейиш биз учун ҳақорат», деб қатъий жавоб берган эди.[1]

Совет ҳукумати Туркистон халқларини «социалистик қурилиш»га кенг жалб қилиш мақсадида, маҳаллий ёшлардан партия-совет ходимлари тайёрлашга катта эътибор берди. Мақсад, маҳаллий аҳоли орасидан большевикча режимни қўллаб-қувватлайдиган, совет тузумининг ишончли «қатлами»ни тарбиялашдан иборат эди. Шу мақсадни амалга ошириш учун 1923 йилда асосий ва тайёрлов курсларини ўз ичига олган икки курсдан иборат Туркистон Коммунистик университети (САКУ) иш бошлади. Шу билан бир қаторда туркистонда 2 та марказий, 5 та вилоят ва 5 та уезд партия-совет мактаблари ҳам ишламоқда эди. Буларда ўқиётган 1312 тингловчининг 10%и хотин-қизлар эди.

Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида эса, 1923 йилнинг кузида 77 нафар Туркистонлик ёшлар таълим олди. Улардан ўзбеклар 24, туркманлар 24, қозоқ-қирғизлар 29 киши эди.[2]

Туркистон ўлкаси қадимдан маданият ўчоғларидан бири бўлганлиги, унинг ҳудудида бебаҳо тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжудлигини ҳисобга олиб, уларни сақлаш ва ўрганишга эътибор қаратилди. Бу борадиги баъзи ишлар феврал инқилобига қадар «археологлар жамияти» ва баъзи олимларнинг шахсий ташаббуси билан амалга ошириб келинган эди. 1921 йилда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши бўйича Туркистон қўмитаси (туркомстарис) ташкил қилинди ва бу муҳим ишга давлат мақоми берилди. Қўмита, дастлаб ўлкадаги барча тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳисобга олиш, аҳволини ўрганиш ишлари билан шуғулланди ва Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хива, Марв ва Пишпек шаҳарларида ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш бўйича махсус комиссиялар ташкил қилди. Туркистон қўмитаси 1921—1924 йиллар давомида Туркистондаги илмий муассасалар ва Петербург, Москва олимлари иштирокида тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш масаласида 19 та илмий экспедиция уюштирди.[3]

---

[1] «Миллий тикланиш». 1997, 30 декабр.

[2] Ўзбекистон ССР тарихи... 379-бет.

[3] *Мирзаев М.А.* Становление и развитие дело охраны и изучения памятников истории и культуры в Узбекистане (1917—1941). Автореф. дисс. канд. ист. наук. — Т., 1994. С. 14—15.

Туркистон Автоном Республикаси Маориф комиссарлиги тузилиши (1918 й.) биланоқ унинг қошида «Туркий шўъба» ташкил қилинган эди. Бу шўъба 1920 йили «Илмий бўлим» номи билан иш юритди. 1921—1922 йилларда «Илмий Кенгаш», 1922—1924 йилларда эса «Давлат Илмий Кенгаши» деб аталди. «Илмий Кенгаш» ҳузурида «Музика-этнографик билим ҳайъати», «Ўзбек билим ҳайъати», «Театр-этнографик билим ҳайъати» ҳамда «Этнографик билим ҳайъати» бўлган. Элбек раиси бўлган «Ўзбек билим ҳайъати» таркибида Ғ.Юнусов, К.К.Юдахин, Е.Д.Поливанов, Ғ.Зафарий каби олим ва ёзувчилар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси янги мактаблар учун ўзбек тилида дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва илмий-оммабоп асарлар яратиш эди. «Ҳайъат» миллий фольклор намуналарини тўплаш ва чоп этиш, ўзбек тилининг имло қоидаларини ишлаб чиқиш ва янги ўзбек адабий тилининг шаклланишида фаол иштирок этди.

Ўрта Осиё Давлат университети ва Россия олимлари ҳамкорлигида Ўрта Осиё ўсимликларини ва тупроғини ўрганиш, шунингдек, гидрогеология ва гидротехника соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар бошлаб юборилди. Шифокор олимлар эса, Туркистон ҳудудида пайдо бўлган безгак ва болалар орасида тарқалган чечак касалликларига қарши илмий-изланишлар олиб бордилар. Туркистон халқларининг иқтисодий тарихини ва қадимий маданиятини ўрганиш борасида ҳам дастлабки қадам қўйилди.

Большевикларнинг «маданий қурилиш» стратегияси ўз олдига Туркистон халқлари онгидан «эскилик сарқитлари»ни сиқиб чиқариш ва унинг ўрнига «янги маданият»ни сингдириш баҳонасида асосан «коммунистик тарбия»ни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг учун Туркистон компартияси омма орасида коммунистик ташвиқот ва тарғиботни авж олдиришга катта аҳамият берди. Туркистон КП VIII съезди (1924 й. май) қарорида: «Туркистон коммунистик партияси маданий-тарбиявий, пропаганда ишларини партиялилар оммаси онгига коммунизм принципларини, марксизм-ленинизм назариясини сингдириш, аниқ шаклланган ташкилот тузиш, ҳамда уни партия программаси ва тактикасининг элементлари, ташкилий принциплари ва асослари билан таништириш мақсадини кўзлаб олиб бориши зарур»,[1] деб таъкидланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонда ташкил қилинган барча маданий-оқартув муассасаларининг ижтимоий ўрни ва роли партия VIII съезди қарори асосида белгилаб берилди ва бу муассасалар зиммасига дунёнинг биронта мамлакатида бўлмаган вазифа юкланди. Натижада, маданий-оқартув муассасалари кенг халқ оммасини сиёсий-ғоявий жиҳатдан тар-

[1] Ўзбекистон ССР тарихи... 379-бет.

биялаш, уларда большевистик ақидаларга нисбатан ишончни шакллантириш ва шу йўл билан ҳукмрон большевикларнинг сиёсий-ғоявий мавқеини мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинди.

Шунинг учун ҳам маданий-оқартув муассасалари фаолиятида сиёсий-ғоявий, большевикларга хос гегемончилик хусусиятига эга бўлган иш шакллари устивор аҳамият касб этди. 20-йиллар бошларида ташкил этилган «Қизил Шарқ» ташвиқот поезди, «Қизил карвон» ва «Қизил арава» ташвиқот гуруҳлари, «Ташвиқот поездлари», шунингдек, ташкил этилаётган агитпунктлар, кўргазмали ташвиқотлар, варақалар, мурожаатномалар, ёдномалар, сиёсий плакатлар, «жонли газеталар», бадиий-сиёсий публицистик, сатирик чиқишлар — буларнинг барчасидан кўзланган мақсад маданий-оқартув ишлари орқали совет ҳукумати хайрихоҳларини кўпайтириш, большевикларнинг афсонавий ғояларига ишонтириш эди.

Маданий-оқартув муассасалари ўз фаолиятларида турли хил ноанъанавий, маҳаллий халқ руҳиятига мос келмайдиган тадбирлар ҳам ўтказар эдилар. Масалан, «янгича турмуш» рукни остида ўтказилган қатор тадбирларда европача турмуш тарғиб қилиниб, ўзбекона урф-одатлар, оилавий муносабатлар ва диний маросимлар «хурофот» деб тарғиб қилинди. «Янги турмуш» рукнидаги тадбирлар кўпроқ эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги, аёлларни «озодлик»ка чиқариш ва янгича муносабатларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, асрлар давомида шаклланган оилавий муносабатлар масаласида маҳаллий халқ орасида бир қатор тушунмовчиликларни юзага келтириши табиий эди.

Шунга қарамасдан, маданий-оқартув ишлари шу руҳда янада кенгроқ ривожлантирилди. 1924 йилнинг майида Туркистон Автоном Республикасида ишлаб турган кутубхоналар сони 132 тага, клублар 21 тага, қизил чойхоналар эса, қарийб 200 тага етган эди. Кўпгина корхоналарда ва қишлоқларда «қизил бурчаклар» ташкил қилинди. Ҳар бир номга «қизил» сўзини ишлатиш билан маданият соҳалари дастлабки кунданоқ мафкура измига олинди, «қизил»нинг моҳияти ва қудратини халқ онгига мунтазам сингдириб боришга ҳаракат қилинди.

Туркистонда алоҳида хотин-қизлар клубларини ташкил қилишга кенг эътибор берилди. Биринчи хотин-қизлар клуби 1924 йилда Тошкентнинг эски шаҳрида очилди. Дастлаб бу клубга 250 маҳаллий хотин-қизлар жалб қилинди. 1924 йилнинг иккинчи ярмида хотин-қизлар клублари Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Марғилонда ва бошқа бир қатор шаҳарларда ташкил қилинди.

Қишлоқларда «деҳқонлар уйи», улар ҳузурида қизил бурчаклар очилди, қизил бурчаклар хотин-қизлар клуби вазифасини бажарди. Хотин-қизлар клублари ҳузурида болалар ва

оналарга тиббий маслаҳат ва тикувчилик шўъбалари ташкил этилди. Уларда болаларни қандай тарбиялаш, хотин-қизлар гигиенаси тўғрисида маслаҳатлар бериб борилди.

Хотин-қизлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини асосан европалик русийзабон аёллар олиб борарди. Бу билан улар маҳаллий хотин-қизлар орасида европача кийинишни, европача юриш-туришни ва муомалани жонли равишда намойиш қилишар ва шу йўл билан улар янгича маданиятни ёйишга ҳаракат қилардилар.

Ўзбекистон маънавий ҳаётига 20-йиллар биринчи ярмида большевиклар раҳбари Ленин томонидан ишлаб чиқилган «маданий инқилоб» сиёсати, айниқса, салбий таъсир кўрсатди. Бу сиёсат Туркистон халқларига «янги маданият»ни сингдириш ва халқнинг қадимий маданиятидан унинг асл моҳияти бўлган миллийликни чиқариб ташлашга қаратилган эди. «Маданий инқилоб» сиёсати заминида ўша даврда пайдо бўлган маданиятдаги «пролеткульт» (пролетар маданияти) йўналиши ётар эди. Бу йўналиш 1917 йил октябр тўнтариши арафасида Петербургда ташкил топган бўлиб, унинг «ғоялари» Ўзбекистонга ҳам етиб келган эди. «Пролетар маданияти» тарафдорлари (улар асосан европаликлар эди) 20-йиллар бошларидан «маданий нигилизм» сиёсатини юргизиб Туркистонда октябр тўнтаришигача яратилган барча миллий маънавий бойликни «феодал маданияти», деб эълон қилди. Бу, албатта, большевикларнинг «маданий инқилоб» сиёсатига мос тушар эди.

Шунинг учун ҳам Туркистон «пролеткульт»чилари тамомила янги маданият яратишга ва уни барча ўлка халқларига (ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик ва бошқаларга) ягона «либос» сифатида кийдиришга ҳаракат қилди. «Пролеткульт»чилар ташаббуси билан 20-йиллар бошларидан Тошкентда «пролетариатга маданий ёрдам» кўрсатувчи ходимлар тайёрлайдиган уч ойлик курслар ташкил этила бошланди. Туркистон «пролеткульт»чилари асосан европаликлардан иборат бўлганликлари сабабли маҳаллий, миллий урф-одатларни тан олмадилар. Улар фақат рус тилида иш олиб бордилар, улар «яратган» асарлардаги қаҳрамонлар рус ишчиси эди, акс эттирилган воқелик эса, рус ишчиси ҳаётидан олинган эди. Шу сабабдан ҳам бу ноилмий маданият дастлаб ўзбек халқи томонидан қабул қилинмади.

20-йилларнинг ўрталарида ўлкада ташкил топган маданий муассасалар Туркистон маданий ҳаётида аста-секин муҳим ўринга эга бўла бошлади. Маданий муассасалар қошида бадиий ҳаваскорлик таркиб топди. Ҳаваскор санъаткорлар профессионализм сари айнан ана шу муассасалар даргоҳида дастлабки қадамни қўйдилар. Шу йилларда Маннон Мажидов (Уйғур) Тошкентда драма труппасини ташкил этди. Ушбу труппада Муҳиддин Қориёқубов, Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбек театри биринчи марта Туркистонда рус театр санъати таъсирида пайдо бўлди. 1924 йилда, бундай театрлар Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда бор эди. Ўша йилларда театр ташкил қилиш, уларда ишлаш учун санъаткорларни, айниқса, хотин-қизларни жалб қилиш катта жасорат талаб қилар эди.

Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ҳам ўзига хос тарзда, миллийлик-анъанавийлик ҳамда совет ҳукуматининг «маданий инқилоб» сиёсати жабҳаларида намоён бўлди. 1920 йилнинг бошидан Ўзбекистонда миллий мусиқа асбобларида чалишни ўргатадиган махсус мактаблар очилди. Бироқ бу мактаблар европача услубда бўлиб, ўқувчиларга нота тизими, ҳамда европа мусиқа назарияси ўқитиларди. Хусусан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ташкил этилган махсус ўзбек ўқувчилари учун миллий мусиқа мактабида, скрипка синфида Дружинин, Карин-Каро, Дробничек, Пекарский, фортепиано синфида Карцева, Петлина, Кастальская, Кублицкая, Загурская, Даманская, вокал синфида Власов, Вайн, Карелин, мусиқа назарияси буйича Миренов, Романовская, Якубовский, Кулябко-Карельский ва бошқалар дарс берар эдилар.[1] Кўриниб турибдики, ўзбек миллий мусиқа мактабида на бирорта ўзбек миллий мусиқаси ўргатиладиган синф, на бирорта маҳаллий миллат вакилидан мусиқа ўқитувчиси бор эди.

1921—1924 йилларда Туркистондаги маориф институтларида ҳам мусиқа дарси мажбурий предмет сифатида ўқитиш бошланди. Бироқ бу институтларда ўқув режалари асосан рус билим юртлари учун мўлжалланган тарзда тузилган бўлиб, асосий предметлар нота саводи, рус мусиқа назарияси ва тарихи, инқилобий мазмундаги рус хоридан иборат эди. Фарғонада 1921/22 ўқув йилида фаолият кўрсатган миллий профессионал мусиқачилар тайёрлаш мусиқа мактабида 7 та синф бўлиб, улар: фортепиано, скрипка ва альт, виолончель, контрабас, духовой асбоблар, хор синфи ва халқ куйлари эди.[2] Шу асосда ўзбек миллий мусиқа маданиятини «шиддат» билан четлаштирилиб, унинг ўрнига «байналмилал» ниқоби остида рус мусиқий маданиятини киритиш дастлабки йиллардаёқ бошланган эди.

20-йилларнинг бошларидан бошлаб, Туркистонда адабий ҳаракат ташкилий асосга эга бўлиб борди. 1919 йилда Фитрат ташаббуси билан тузилган «Чиғатой гурунги» ташкилоти адабий ҳаракатга муайян йўналиш берди ва ўз атрофига шу даврнинг аксар истеъдодли намояндаларини тўплади. Аммо бу ташкилотнинг нафақат катта ижодий, балки сиёсий-ижтимоий кучга

---

[1] *Йўлдошев С.* Ўзбекистонда музика тарбияси ва таълимининг ривожланиши. — Т., 1985, 67-бет.

[2] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 716-йиғма жилд, 16-варақ.

эга бўлиб бораётганини кўрган ёш Совет давлати 1921 йилнинг охирлари — 1922 йилнинг бошларида унинг фаолиятига нуқта қўйди.

1921 йилда Туркистон Республикаси Маориф халқ комиссарлиги қошида адабиёт, тил ва имло масалалари бўйича ташкил қилинган «Ўзбек билим ҳайъати» «Чиғатой гурунги»нинг собиқ аъзолари томонидан тайёрланган «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламини 1922 йилда чоп эттирди. Фитрат ана шу тўпламга киритилган шеърларнинг бирини «Миррих юлдузи»га деб атади. Миррих Европа халқлари тилларида Марс деб аталади. Марс эса, юнон мифологиясига кўра, уруш худосидир. Фитратнинг ана шу Миррих юлдузига мурожаат этиши тасодифий эмасди. Унинг назарида ерда большевиклар туфайли рўй бераётган қонли воқеалар олдида Миррихдаги воқеалар ҳолва эди. Бу шеър 20-йилларда Туркистонда рўй берган қонли воқеаларга нисбатан Фитратнинг фаол муносабати, унинг Туркистонга экспорт қилинган инқилобни қоралаши ва рад этиши эди. Чўлпон Фитрат бошлаган фош этувчи шеърият анъаналарини давом эттириб, шу йили «Бузилган ўлкага» шеърини ёзди. Ёш Совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатини кескин қоралаган бу шеър айни пайтда большевизмга қўйилган айбнома ҳам эди.

Маълумки, 1920 йилнинг март ойида марказдан Тошкентга «Қизил Шарқ» поезди келган. Бу поезднинг асосий мақсади Совет давлати фойдасига тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, бошқача айтганда, Туркистонни секин-аста советлаштириш бўлган. Кейинчалик ҳам бундай поездлар ўзбек тупроғига кўплаб юборилди. Фитрат, Сайдали, Чўлпон, Элбек каби шоир ва олимлар ана шу агитпоездлар ёрдамида Туркистон халқларини советлаштириш ва руслаштириш жараёни куч олиб боришини ўша вақтдаёқ тушуниб етган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз ижодлари билан Совет давлати олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга алоҳида эътибор берган эдилар.

Туркистондаги моддий ва маънавий маданият бойликларини совуриб мустамлака кишанларини қуяётган советларга қарши курашиш Чўлпон ва Фитратнинг зиммасидагина қолган эди. «Менинг кечам» ва «Шарқ» каби шеърларида Фитрат «Миррих юлдузига» шеърида олға сурилган фикрни ривожлантириб, Туркистон узра янги зулм булути пайдо бўлгани ҳақида ватандошларини яна бир карра огоҳлантириб, уларда кураш туйғусини уйғотишга ҳаракат қилди. Чўлпон «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» сатрлари билан бошланувчи «Халқ» шеърида халқнинг тарихдаги ижодкорлик ролини очувчи сатрларни ёзди ва шундай сатрлар билан ўзини виждонли ҳисоблаган кишиларда ор-номус, ҳис-туйғусини уйғотишни ўзининг шоирлик бурчи деб билди. Шу тарзда унинг шеъриятида инсон руҳининг ҳурлиги ғояси ўзининг аниқ ифодасини топди.

Ҳамза ўзининг «Фарғона фожиалари» номли кўп серияли пьесасида «босмачилик» ҳаракатининг келиб чиқиш сабабларини тўғри оча билмагани сабабли «Қ.» исмли муаллиф матбуотда жиддий танқидий мақола билан чиқади. Айрим адабиётшунослар бу қисқартирилган исмнинг Чўлпонга мансублигини тасдиқлайдилар. Агар Чўлпон 1921 йили Фарғона водийсида юз берган фожиалар туфайли «Бузилган ўлкага» шеърини ёзганини эсласак, унинг Ҳамза қаламига мансуб пьесага нисбатан ўта салбий муносабатда бўлганига ишониш мумкин. Кечагина Чўлпон ва бошқа жадидлар билан маслакдош бўлган Ҳамза 1921 йили «босмачилик ҳаракати»нинг келиб чиқиши ва моҳияти масаласида улар билан тортишиб қолади ва жадидлар сафидан узоқлашади. У «босмачи» гуруҳлар фаолияти кучайган водийда ортиқ қолиши мумкин эмасди. Фарғона вилоят партия қўмитасининг ёрдамида у Хоразм Халқ Республикасига йўл олади, воҳанинг бир қатор шаҳарларида советча маданият ўчоқларини ташкил қилишда иштирок этади.

Шоирнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида бу ҳақда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «1921 йилда босмачилар ҳақларинда ёзилган асарларим, ҳаволарим (бизнингча, хабарлар бўлса, эҳтимол. — *Таҳририят*), шеър, мақолаларим ҳақинда чидамай очиқ ҳужумга тикланганларин билиб, Фарғона обкоми (орқали) Бухоро ва Хоразмга санойи нафиса материаллари тўпламоқ учун командировка қилиндим».[1]

Бинобарин, зикр этилган даврда ёш Совет давлати Туркистонни қароқчиларча талаган, обод ерларини вайронага айлантирганига, ўлкада зўравонлик билан советлаштириш ва руслаштириш сиёсатини олиб борганига қарамай, Чўлпон ва Фитрат сингари саноқли ёзувчиларгина ўз ижодлари билан бу салбий ҳодисаларга қарши мардона курашганлар. Ҳамза, А.Авлоний, С.Айний сингари ёзувчилар эса советлар томонига ўтиб, ўз истеъдодларини замон хизматига бахшида этганлар. Улардан кейинги адабий авлоднинг Боту, Ғайратий сингари вакиллари эса совет давлатининг «куйчилари»га айланибгина қолмай, Фитрат ва Чўлпонга қарши ошкора кураш ҳам олиб бордилар.

20-йилларнинг биринчи ярми адабий ҳаётида икки муҳим тамойил биринчи бор кўзга ташланади. Биринчиси шуки, шу йилларда «Инқилоб», «Билим ўчоғи», «Муштум», «Фарғона» сингари газета ва журналлар нашр этилиб, улар сафи тинимсиз ошиб борди. Бу нашрларни ташкил этишдан мақсад Совет давлатининг халқ ўртасидаги обрў-эътиборини кўтариш, унинг «ғоялари»ни кенг ёйиш бўлган. Аммо шу билан бирга бу нашр-

[1] *Ҳамза.* Тўла асарлар тўплами, 4-том. — Т., 1989, 296-бет.

лардан тараққийпарвар ёзувчилар ўз мақсадлари йўлида ҳам фойдаланганлар. Шу маънода «Муштум» журналининг кишилар ва жамият ҳаётидаги иллатларга қарши курашини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Абдулла Қодирийнинг бу журналдаги ҳажвнавислик фаолияти, айниқса, самарали кечиб, унинг Калвак махзум ва Тошпўлат тажанг ҳаётидан «олинган» туркум ҳикоялари асосида кишилар онгидаги, айниқса, совет жамиятидаги турли иллатларни фош этишда муҳим роль ўйнади.

Иккинчи тамойил шундаки, бу даврда замонавий адабий танқид ҳам шаклланиб борди, унинг Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Олим Шарафиддинов, Абдураҳмон Саъдий сингари вакиллари майдонга чиқди. Марксча танқидчиликни бошлаб берган бу мунаққид ва адабиётшуносларнинг саъй-ҳаракати билан ўзбек адабиёти секин-аста синфий кураш майдонига айлана бошлади.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг биринчи ярмида Туркистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган беқарорликлар унинг маданий қурилиш жабҳаларида ҳам ўз ифодасини топди. Маҳаллий «эски турмуш» билан большевикча «янги турмуш» ўртасида аёвсиз кураш борди. Совет давлатининг ҳукмронлиги, большевикча мафкуранинг яккаҳокимлиги «янги маданиятга» кенг йўл очиб берди. «Янги маданият» қанчалик миллий, анъанавий қадриятлар андозасига зид бўлмасин, миллийликка хавф солмасин, унга қанчалик қаршилик кўрсатилмасин, у Туркистон ҳаётига секин-аста кириб бораверди. Халқ эса, ўз одатига кўра ҳамиша янгилик сари интиларди.

7. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШИ: МАҚСАД ВА МОҲИЯТ. ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

РКП(б) МҚнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я.Э.Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди. Мазкур ғоянинг пайдо бўлиши ўзининг илк тарихига эга бўлиб, у 20-йилларнинг дастлабки давридаги воқеалар билан чамбарчас боғлиқ эди. Бироқ ҳақиқий сабаблари ўз илдизлари билан анча илгарига бориб тақалади. Большевиклар партиясининг марказий органи ўз қарори билан чоризмнинг Туркистон мустамлакасини бошқариш соҳасидаги империяча сиёсати принципларига содиқлигини исботлади, мазкур сиёсат Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга (1891 йил) мувофиқ утка-

зиб келинаётган эди. Ўрта Осиёнинг маъмурий-ҳудудий харитасини қайтадан тузиш борасидаги ўз миқёслари ва оқибатлари билан улкан бўлган большевикча бу ҳаракат чоризм низомининг такомиллашган шаклини амалда рўёбга чиқариш учун қўйилган дастлабки қадам эди.

Большевиклар Ўрта Осиё минтақаси халқларининг озодлик ҳаракатига чоризмга нисбатан кам бўлмаган изчиллик ва муросасизлик билан муносабатда бўлиб келаётган эдилар. Улар империячилик сиёсатининг чинакам ворислари сифатида Туркистон мустақиллиги учун кўтарилган ҳар қандай ҳаракатни панисломизм ва пантуркизмнинг ҳийла-найранглари деб баҳоладилар. Панисломизм билан пантуркизм империяча сиёсат учун халқни қўрқитадиган доимий «олабўжилар»га айлантирилганди. Уларни подшо ҳукмдорлари ҳам, большевиклар раҳбарияти ҳам мусулмон аҳолини Россиядан узоқлаштирадиган ва Туркия ҳомийлигида бирлаштиришга қаратилган ҳаракат деб ҳисобларди. Шарқий Россия халқларининг ўз куч-ғайратларини ислом дини ва туркизм асосида бирлаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишлари ташқи кучларнинг «ягона ва бўлинмас» Россияга тажовуз қилиши деб баҳоланарди.

Минтақадаги миллий озодлик ҳаракатининг барча оқимлари халқларни жипслаштириш мафкураси сифатида туркизмнинг реаллиги ва таъсирчанлигидан далолат берарди. Унинг шиорларини мазкур ҳаракатнинг айрим босқичларида иштирок этган барча ижтимоий кучлар, шу жумладан, Туркистон Мухторияти, миллий-демократик ҳаракат (жадидлар), истиқлолчилар ҳаракати («босмачилар» деб аталган ҳаракат) қўллаб-қувватлади. Коммунистик ҳаракат ҳам туркизм таъсиридан четда қолмаган эди. Большевикларнинг миллий масаладаги сиёсати моҳиятини ичдан билган, Россия большевиклар раҳбариятининг империяча жиззакилиги амалда кучайиб бораётганлиги ва дуч келиши муқаррар бўлган бу реал хавфга қарши курашни авж олдиришдан иборат қатъий эҳтиёжни ҳис қилган маҳаллий миллий-коммунистлар раҳбарлари учун туркизм ўз Ватани озодлиги ва мустақиллиги йўлида бирлашиш мафкураси сифатида улкан имкониятларга эга бўлган бирдан-бир восита бўлиб хизмат қилган эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Т.Рисқулов бошчилигидаги Туркистон миллий-коммунистларининг «Турк Совет Республикаси»ни ташкил этиш хусусидаги қатъий йўли батамом тушунарлидир (бу ҳақда олдинги бобларда сўз борган эди). Аслида, Турар Рисқулов ва маслакдошларининг 1920 йилдаги чиқиши туркий халқларнинг бирлиги ғоясини уларнинг сўнгги таянчи бўлган Туркистон минтақасида уларнинг ўз давлат тузумини Ўрта Осиё давлатчилигининг тарихан қарор топган шаклларига, турмуш тарзига, ижтимоий аҳволига, ахлоқи, иқтисодий ва маънавий маданиятига мувофиқ тарзда

барпо этиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга зўр бериб уринишдан иборат эди.

Маълумки, Россия раҳбарияти ўша вақтда миллий коммунистларнинг ўлка халқлари давлатчилигини туркийлар бирлиги принциплари асосида қуриш ҳақидаги даъволарини рад этиб, бундан кейин ҳам уларни бўлиб юбориш ва Россия таркибида айрим автоном, миллий давлат тузилмалари ташкил этиш йўлидан бориш ниятини қатъий баён қилган эди.

Марказнинг юқори сиёсий раҳбарияти учун Туркистонни бўлиб юбориш, уни ягона давлат тузилмаси сифатида йўқ қилиш ғояси устивор бўлиб қолди. У Туркистонни сақлаб қолиш ўзининг империяча мақсадларига хавф туғдиради деб ҳисобларди, чунки «Туркистон» унда яшовчи барча халқлар онгида уларнинг тарихий Ватани рамзи сифатида тушуниларди, унинг мустақиллиги ва озодлиги учун курашда доимо бирлаштирувчи таъсирчан омил бўлиб келган эди. 1920 йил 20 июнда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси мажлисида Туркистон масалалари юзасидан қабул қилинган тўртта қарор кейинчалик «РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида», деган умумий ном билан машҳур бўлиб, алоҳида бандида ТуркМИҚга «Туркистоннинг маъмурий округларини унинг миллий таркибига мувофиқ қайта тақсимлашга киришиш»[1] топширилган эди. «Туркистонни миллий автоном вилоятларга (республикаларга) бўлишни дарҳол амалга ошириб бўлмайди, — деб таъкидлаган эди Туркомиссия аъзоси Г.Сафаров МҚ га йўллаган мактубида, — бироқ у яқин орадаги давр учун ҳақиқий йўл-йўриқ сифатида қабул қилиниши лозим».[2]

Совет воқелигининг шундан кейинги тажрибаси бу башорат қилинган йўл-йўриқларни батамом тасдиқлади. 1920 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб большевиклар авж олдириб юборган амалий фаолиятнинг асосий мақсадини фақат ана шу асосда баҳолаш мумкин.

1920 йил сентябрда Советларнинг IX Умумтуркистон съезди ТАССР Конституциясини тасдиқлади, унинг лойиҳасини Туркомиссия тайёрлаган эди. Конституцияда айтилишича, «Туркистон унда яшовчи асосий халқларнинг, яъни: туркманлар, ўзбеклар, ва қирғизларнинг (қозоқларнинг. — *Таҳририят*) мухтор республикаси деб эътироф қилиниб, асосий миллий гуруҳлар, иқтисодий ва маиший уклади бўйича вилоятларга бўлинади ва РСФСРнинг Туркистон Автоном Республикаси деган ном билан аталади». Хуллас, Туркистон аҳолисининг бўлиниши, унинг этник номи бўйича маъмурий-ҳудудий, тузилиши Конституция асосида мустаҳкамланди, ҳолбуки, Ўрта Осиёлик халқлар учун бирлаштирувчи омил у вақтда диний ва ҳудудий

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 79, оп. 1, д. 158, рақамсиз варақ.

[2] Ўша жойда, 2-фонд, 1-рўйхат, 147-йиғма жилд, 1-варақнинг орқаси.

мансублик эди. Айнан ҳудудий, маданий-диний бирлик ўша вақтда Ўрта Осиёда яшовчи халқлар онгида ва ўз номида акс эттан бўлиб, «мусулмон», «туркистонлик», «самарқандлик», «фарғоналик», «бухоролик», «хивалик» каби номлар билан атаб келинар эди. Турли даврларда қарор топган Ўрта Осиё давлатлари, уларнинг ички маъмурий тузилиши ҳам ана шу ҳудудий, маданий, диний умумийликка асосланган эди.

Большевиклар Ўрта Осиёдаги халқларни миллий гуруҳларга ажратиш учун уларнинг этник жиҳатдан ўхшашларини бирлаштиришни лозим кўрди ва бу мақсадда тил воситасидан фойдаланди. Большевикларнинг бу соҳадаги фаолияти аниқ йўналишга эга бўлиб, туркий тилнинг айрим лаҳжаларини ислоҳ қилиш ва улар негизида ҳар бир миллий тузилма (ўзбек, туркман, қозоқ ва ҳоказо) мўлжалланган ўз миллий тилларини яратишдан иборат эди. 1922 йилдаёқ ўзбек тили ва грамматикаси бўйича биринчи ўлка съезди[1] ўтказилди, у ўзбек тилини сунъий равишда «классик европача грамматика тизими»га келтиришга асос солди. Ана шу грамматик сўз ясовчи моделлар таъсирида сўз иборалари ва грамматик қурилишнинг янги шакллари вужудга келди, бу ҳол ўзбек тили лексикаси асосини ташкил этувчи умумтуркий лексиканинг муайян даражада ўзгаришига таъсир қилмай қолмади.

Айни вақтда «ягона туркий тил бўлмаганидек, ягона туркий маданият ҳам бўлмайди» деган шиор остида тил ислоҳоти ўтказилиши билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари маданий меросининг асосий тарғиботчилари бўлган ислом ва унинг ташкилотларига қарши компания авж олдириб юборилди. 1923 йил мартда ТКП VII съезди Туркистоннинг маҳаллий халқлари ўртасида динга қарши тарғиботни авж олдириш масаласини қўйди.[2] Туркистон халқлари учун, шунингдек, бутун мусулмон олами учун фақат эътиқодгина эмас, балки уларнинг турмуш тарзи, маънавий маданияти бўлиб қолган исломга қарши ҳужум қилиниши аввало уларнинг умумий маданий меросини оёқости қилишга, онгига ва ўзлигини билишга путур етказишни мақсад қилиб қўйган эди.

Туркистон аҳолисини миллий белгиси бўйича гуруҳларга ажратишга қаратилган мафкуравий, сиёсий, тил-маданият ва бошқаларга доир бир қатор тадбирлар билан бирга 1920 йилдан эътиборан тажриба қилина бошланган туркман, ўзбек съездлари, конференция ва кенгашларини ўтказишга шак-шубҳасиз кенг ўрин ажратилди. Туркқомиссия ташаббуси билан чақириладиган бундай съездлар, конференция ва кенгашлар одатда

---

[1] Қ а р а н г: Постановление Первого краевого съезда по узбекскому языку и грамматике. — Т., 1922.

[2] Коммунистическая партия в резолюциях и решениях съездов и конференций. С. 256—257.

муайян миллий гуруҳнинг мустақил ҳудудий-маъмурий бирлик бўлиб чиқишга «истак билдирганлиги»ни намойиш қилишдан иборат эди. Шундай йўл билан Туркистон харитасида Туркманистон вилояти пайдо бўлди.

Туркистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи қозоқ ва қирғиз аҳолиси тўғрисидаги масалалар чўзилиб кетган мураккаб ҳусусият касб этди. 1920 йил 26 августда РСФСР БМИҚ ва ХКҚнинг «Қирғизистон (Қозоғистон) Автоном Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида»ги декрети муносабати билан Туркистон Республикаси таркибига кирувчи қозоқ ҳудудларининг «аҳолининг истак билдириши билан» янги тузилган республика ҳудудига қўшилиши тасдиқланди. Шунга биноан ТуркМИҚ 1920 йил октябрда Манғишлоқ уездини ва уезднинг икки волостини Қозоғистон Республикасига берди.[1] Бошқа ҳудудларнинг (Сирдарё ва Еттисув вилоятлари) тақдири тўғрисидаги масала 1921—1922 йилларда ҳар иккала республиканинг раҳбар органлари, Туркистонда яшовчи қозоқлар съездлари даражасида узлуксиз, кўп марта муҳокама қилинди. Бироқ у йилларда бу масала ўз ечимини топмади.

Қирғизистон тоғ вилоятининг ташкил топиши лойиҳаси теварагида ҳам кўпгина тортишувлар бўлди. Бу вилоятни таъсис этиш юзасидан 1922 йилда ўтказилган «буржуа-миллатчилик тамойилларига эга бўлган дабдабали характердаги» съездга асосланиб, туркистонлик раҳбар органлар вилоятнинг ташкил топиши учун ҳали шарт-шароитлар етилмаган деб топдилар ва бу масалани ҳам кечиктиришга қарор қилдилар.[2]

Туркистоннинг маъмурий округларга қайта тақсимланиши борасидаги амалга оширилган тадбирлар унинг миллий таркиби туфайли исёнчилик ҳаракатида алоҳида акс-садо берди. Туркистоннинг партия раҳбарияти 1920 йил кузига келиб Фарғона водийсида исёнчилик ҳаракатининг айниқса кескин тус олганлигини қайд қилиб, унинг асосий сабабларидан бири «Туркистон маҳаллий халқларининг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида»ги масаланинг қўйилиши эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлди.[3] Ана шу йилларда, яъни 1920 йил кузидан 1923 йилга қадар бу ҳаракат ўзига жалб қилинган иштирокчилар кўлами бўйича ҳам, курашнинг шиддатли тус олганлиги бўйича ҳам алоҳида миқёс касб этди. У Фарғона водийсидан кейин Самарқанд вилоятини қамраб олди. Бухоро ва Хоразм республикаларига ҳам ёйилди.

---

[1] Образование Казахской АССР. Сб. док. С. 221.

[2] Қаранг: История коммунистических организаций Средней Азии. — Т., 1967. С. 722.

[3] Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Т.II. — Алма-Ата, 1964. С. 680.

Хоразм ва Бухоро халқ республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб ниҳоятда хаёлий ҳусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди.

Мустақиллик секин-аста йўқолиши билан унинг учун кураш олиб бориш янада кескинлашди ва умумхалқ хусусиятини касб этди. Бу кураш қатнашчилари минтақадаги барча халқларнинг, барча ижтимоий қатламларнинг вакилларидан иборат эди. Янги ижтимоий-сиёсий тузумнинг ана шу ялпи ҳужуми шароитида Ўрта Осиё халқлари онгида ўзликни, маънавиятни ҳимоя қилиш билан, қадимий миллий давлатчиликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш ҳаракати узвий ҳолда мужассамлашиб кетган эди.

Ўрта Осиё давлатларининг ҳар бири ўзига хос ноёб, асрлар давомида қарор топган миллий тузилмалар бўлиб, уларда халқларнинг тарқоқ ҳолда (ора-сира) жойлашганлиги уларнинг умумий жамият бўлиб шаклланишида ўз изини қолдирган, улар тараққиётида иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш соҳаларида ва ўзаро муносабатларда анъанавий ўзига хослик ҳамиша сақланиб қолган. Ана шу ўзига хослик Ўрта Осиё халқларини 20-йилларнинг биринчи ярмидаги озодлик ҳаракатида бирлаштирувчи омил сифатида зўр куч билан намоён бўлди. Бу вақтда «Туркистон — туркистонлик халқлар Ватани. Ватан чегараларидан душманни қувиб чиқарамиз!» деган шиорлар остида барча Ўрта Осиёлик халқларнинг вакиллари ўз Ватани мустақиллиги учун бир сафда туриб кураш олиб бордилар.

Шу тариқа, РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Республикасини янгитдан чегаралаш ҳақидаги большевиклар ғояси 20-йилларнинг ўрталарига келиб, анча кенг миқёс касб этган вазифага — чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг ҳам тортилиши масаласига айланиб кетди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳуқуқий жиҳатдан ҳали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди.

РКП(б) МҚ нинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг раҳбар партия органлари унинг илгари сурган миллий-ҳудудий чегараланиш ғояларини амалга оширишга тортилди. 1924 йилнинг февралидаёқ Бухорога РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси, ТКП МҚнинг масъул котиби Абдулла Раҳимбоев юборилди, бу ерда у БХСР раҳбар ходимлари кенгашида миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисида маъруза билан сўзга чиқди. Кенгаш асосан чегараланиш ўтказишни маъқуллади.[1]

1924 йил 25 февралда бу масала Бухоро компартияси МҚ Пленуми муҳокамасига қўйилди. Пленумда Файзулла Хўжаев маъруза қилди. Пленумда асос сифатида қабул қилинган БКП МҚнинг тезислари БКП МҚ комиссияси томонидан қараб чиқилди ва қайта ишланди, унинг Ижроия бюроси мажлисида 1924 йил 10 мартда тасдиқланди.[2] БКП МҚ Ижроия бюроси Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишини компартия эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим босқичи сифатида талқин этиб, тезисларда қайд этилгандек, чегараланишнинг схемасини қуйидагича таклиф этди: Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркманистон иттифоқдош республикаларини, Ўзбекистон Республикаси таркибида автоном Тожикистон вилоятини тузиш, шунингдек, Туркистоннинг қозоқ туманларини Қозоғистон Республикасига бирлаштириш. Алоҳида бандда янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «ихтиёрий асосда» СССР таркибига кириши айтиб ўтилди.[3]

Туркистон Компартиясида ҳам бу масала худди шундай тарзда ривожланди. Бухорода бўлгани каби олдиндан 1924 йил 10 мартда ТКП ва ТуркМИҚ масъул ходимларининг кенгаши чақирилди. Маърузачи А.Раҳимбоев Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир чораси эканлигини яна бир карра таъкидлаб, бу тадбирнинг ҳақиқий мақсадини қуйидагича аниқ ифодалаб берди: «.... партиямиз нуқтаи назаридан бу ташкил этиш (бир хил миллий республикаларнинг тузилиши. — *Таҳририят*) шунинг учун ҳам қулайки, агар ўзбек камбағали ўзбек қулоғига қарши, туркман камбағали туркман қулоғига қарши, қирғиз камбағали қирғиз қулоғига қарши курашадиган бўлса, у ҳолда биздаги синфий кураш миллий жиҳатлар билан хаспўшлаб кетилмайди».[4]

Кенгашда Раҳимбоевнинг маърузасини муҳокама қилиш борасидаги музокаралар бир хил йўналишда бормади. Гарчи бир

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 5-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 41—42-варақлар.
[3] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 42—43-варақлар.
[4] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 5-варақ.

гуруҳ миллий партия раҳбарлари (Асфандиёров, Айтоқов, Жургенов, Оролбоев ва бошқалар) унинг миллий-ҳудудий чегараланиш ва миллий республикалар ташкил этилиши ҳақидаги таклифини маъқуллаган бўлсалар-да, лекин бу фикрга қўшилмаган мухолифлар ҳам бўлди. Жумладан, уларнинг бир гуруҳи (Паскуцкий, Цехер ва бошқалар) айрим миллий республикалар ташкил этилишига ҳали вақт эрта деб ҳисоблаб, улар учун тегишли иқтисодий база яратилмаганлигини айтдилар. Туркистон, Бухоро ва Хоразмни Кавказорти Федератив Республикасига ўхшаш битта республика қилиб сиёсий бирлаштиришни ёқлаб чиқдилар.

Натижада, музокараларда сўзга чиққанлар фикри бир жойдан чиқмади, кенгаш ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқа олмади. Кенгашда раислик қилган ТКП МҚнинг масъул котиби И.Варейкиснинг таклифи билан кенгашнинг стенографик ёзувини ТКП МҚ Ижроия бюросига топширишга қарор қилинди.

Миллий чегараланишни ўтказиш тўғрисидаги масала ТКП МҚнинг 1924 йил 23—24 мартда бўлиб ўтган пленумида узил-кесил ҳал қилинди. Пленум миллий чегараланиш зарурлигини эътироф қилиб, бироқ уни фақат Туркистон Республикаси доираси билан чеклади: унинг ҳудудида учта миллий республика — Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон республикаларини ташкил этиш мўлжалланди. Шу билан бирга пленум ТКП МҚга Бухоро ва Хоразмнинг партия органлари билан алоқа ўрнатиш, ҳамда биргаликда Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги масалани келишиб олишни топширди.[1]

Хоразм Компартиясининг раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартдаёқ партия МҚ Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди. Бироқ мажлис маърузани маълумот учун қабул қилиш тўғрисидаги кўрсатма билан чекланди.

Мартнинг ўрталарида Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаолдари йиғилишида бу масала яна қўйилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда эътироф қилинишича, «Хоразм Республикаси миллий белги бўйича чегараланади ва тегишли районлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига (Ўзбекистон, Туркманистон ва ҳоказо), борди-ю, шундай республикалар ажраладиган бўлса, киради».[2]

Шундай қилиб, икки ой мобайнида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси аъзолари Туркистон, Бухоро ва Хоразм компартиялари

---

[1] Қаранг: История коммунистических организаций Средней Азии. С.729; *Гордиенко А.А.* Создание советской национальной государственности в Средней Азии. — М., С. 156—157.

[2] ЎзР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 1229-йиғма жилд, 20-варақ.

РКП(б) МҚ нинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг раҳбар партия органлари унинг илгари сурган миллий-ҳудудий чегараланиш ғояларини амалга оширишга тортилди. 1924 йилнинг февралидаёқ Бухорога РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси, ТКП МҚнинг масъул котиби Абдулла Раҳимбоев юборилди, бу ерда у БХСР раҳбар ходимлари кенгашида миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисида маъруза билан сўзга чиқди. Кенгаш асосан чегараланиш ўтказишни маъқуллади.[1]

1924 йил 25 февралда бу масала Бухоро компартияси МҚ Пленуми муҳокамасига қўйилди. Пленумда Файзулла Хўжаев маъруза қилди. Пленумда асос сифатида қабул қилинган БКП МҚнинг тезислари БКП МҚ комиссияси томонидан қараб чиқилди ва қайта ишланди, унинг Ижроия бюроси мажлисида 1924 йил 10 мартда тасдиқланди.[2] БКП МҚ Ижроия бюроси Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишини компартия эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим босқичи сифатида талқин этиб, тезисларда қайд этилгандек, чегараланишнинг схемасини қуйидагича таклиф этди: Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркманистон иттифоқдош республикаларини, Ўзбекистон Республикаси таркибида автоном Тожикистон вилоятини тузиш, шунингдек, Туркистоннинг қозоқ туманларини Қозоғистон Республикасига бирлаштириш. Алоҳида бандда янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «ихтиёрий асосда» СССР таркибига кириши айтиб ўтилди.[3]

Туркистон Компартиясида ҳам бу масала худди шундай тарзда ривожланди. Бухорода бўлгани каби олдиндан 1924 йил 10 мартда ТКП ва ТуркМИҚ масъул ходимларининг кенгаши чақирилди. Маърузачи А.Раҳимбоев Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир чораси эканлигини яна бир карра таъкидлаб, бу тадбирнинг ҳақиқий мақсадини қуйидагича аниқ ифодалаб берди: «.... партиямиз нуқтаи назаридан бу ташкил этиш (бир хил миллий республикаларнинг тузилиши. — *Таҳририят*) шунинг учун ҳам қулайки, агар ўзбек камбағали ўзбек қулоғига қарши, туркман камбағали туркман қулоғига қарши, қирғиз камбағали қирғиз қулоғига қарши курашадиган бўлса, у ҳолда биздаги синфий кураш миллий жиҳатлар билан хаспўшлаб кетилмайди».[4]

Кенгашда Раҳимбоевнинг маърузасини муҳокама қилиш борасидаги музокаралар бир хил йўналишда бормади. Гарчи бир

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 5-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 41—42-варақлар.
[3] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 42—43-варақлар.
[4] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 5-варақ.

гуруҳ миллий партия раҳбарлари (Асфандиёров, Айтоқов, Жургенов, Оролбоев ва бошқалар) унинг миллий-ҳудудий чегараланиш ва миллий республикалар ташкил этилиши ҳақидаги таклифини маъқуллаган бўлсалар-да, лекин бу фикрга қўшилмаган мухолифлар ҳам бўлди. Жумладан, уларнинг бир гуруҳи (Паскуцкий, Цехер ва бошқалар) айрим миллий республикалар ташкил этилишига ҳали вақт эрта деб ҳисоблаб, улар учун тегишли иқтисодий база яратилмаганлигини айтдилар. Туркистон, Бухоро ва Хоразмни Кавказорти Федератив Республикасига ўхшаш битта республика қилиб сиёсий бирлаштиришни ёқлаб чиқдилар.

Натижада, музокараларда сўзга чиққанлар фикри бир жойдан чиқмади, кенгаш ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқа олмади. Кенгашда раислик қилган ТКП МҚнинг масъул котиби И.Варейкиснинг таклифи билан кенгашнинг стенографик ёзувини ТКП МҚ Ижроия бюросига топширишга қарор қилинди.

Миллий чегараланишни ўтказиш тўғрисидаги масала ТКП МҚнинг 1924 йил 23—24 мартда бўлиб ўтган пленумида узил-кесил ҳал қилинди. Пленум миллий чегараланиш зарурлигини эътироф қилиб, бироқ уни фақат Туркистон Республикаси доираси билан чеклади: унинг ҳудудида учта миллий республика — Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон республикаларини ташкил этиш мўлжалланди. Шу билан бирга пленум ТКП МҚга Бухоро ва Хоразмнинг партия органлари билан алоқа ўрнатиш, ҳамда биргаликда Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги масалани келишиб олишни топширди.[1]

Хоразм Компартиясининг раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартдаёқ партия МҚ Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлауқнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди. Бироқ мажлис маърузани маълумот учун қабул қилиш тўғрисидаги кўрсатма билан чекланди.

Мартнинг ўрталарида Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаолдари йиғилишида бу масала яна қўйилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда эътироф қилинишича, «Хоразм Республикаси миллий белги буйича чегараланади ва тегишли районлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига (Ўзбекистон, Туркманистон ва ҳоказо), борди-ю, шундай республикалар ажраладиган бўлса, киради».[2]

Шундай қилиб, икки ой мобайнида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси аъзолари Туркистон, Бухоро ва Хоразм компартиялари

---

[1] Қаранг: История коммунистических организаций Средней Азии. С.729; *Гордиенко А.А.* Создание советской национальной государственности в Средней Азии. — М., С. 156—157.

[2] ЎзР ПДА, 14-фонд, 1-руйхат, 1229-йиғма жилд, 20-варақ.

раҳбариятини Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги Марказ ғоясини амалга ошириш зарурлигига кўндиришга муваффақ бўлдилар. 1924 йил 5 апрелда Ўрта Осиё бюросининг аъзоси А.Раҳимбоев бу ҳақда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Мажлисида маъруза қилди. Гарчи мажлис бу масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилмаган бўлса-да, бироқ у Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг миллий чегараланиш ҳақидаги «таклифи»ни маъқуллашини билдирди.[1] Шу тариқа А.Раҳимбоевнинг «Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳақида (миллий республика тузилиши тўғрисида)» деган маърузасини РКП(б) МҚ олдига қўйиш билан гўё чегараланиш тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлишида ташаббус республикаларнинг ўзидан келиб чиқди, деган фикр туғдирилди.

Сиёсий бюро масалани узил-кесил ҳал қилиш учун ТКП, ХКП, БКП делегацияларига барча зарур материалларни тайёрлаш ва РКП(б) нинг XIII съездига келтириш вазифасини юклади, Ўрта Осиё бюросига миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини географик хариталарга тушириб уни илова қилган ҳолда, МҚ Сиёсий бюросига тақдим этиш топширилди.[2]

Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий чегараланишини амалга оширишнинг дастлабки босқичи шу билан тугалланди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг партия раҳбарияти РКП(б) МҚнинг хоҳиш-истагини итоат билан бажарди ва чегараланиш ҳамда миллий республикалар ташкил қилинишини ёқлаб фикр билдирди. Улар қабул қилган ҳужжатларда фикрлар ифодасининг ўхшашлиги жиҳатидан РКП(б) МҚ нинг ягона мақсади ва иродаси яққол сезилиб турарди, марказнинг бу иродасини содиқ бажарувчиси РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг раиси, Марказнинг партиявий дастёри, ўлканинг ўзига хос хусусиятларини заиф биладиган Я.Рудзутак бўлди.

1924 йил апрел-июн ойларида марказий органлар, минтақа коммунистик ташкилотлари ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросида миллий чегараланиш масалалари юзасидан амалий таклифлар ва тегишли материаллар тайёрлаш юзасидан зўр бериб иш олиб бордилар. Бундай материалларни тайёрлашни улардан РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1924 йил 5 апрелдаги мажлиси талаб қилган эди. Миллий чегараланиш масалаларини янада батафсилроқ, чуқурроқ ўрганиш учун Туркистон ва Бухоро компартиялари марказий қўмиталари ҳузурида махсус комиссиялар тузилди. Бундай комиссия Ўрта Осиё бюроси ҳузурида ҳам

---

[1] Ўша жойда, 361-фонд, 1-рўйхат, 555-йиғма жилд, 43-44-варақлар.

[2] *Турсунов Х.Т.* Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национально-государственного размежевания Средней Азии. — Т., 1963. С. 41.

иш олиб борарди, бу комиссия ҳузурида миллий кичик комиссиялар ҳам ташкил этилган эди.

Кичик комиссияларнинг маърузалари РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Комиссиясининг 1924 йил 10 майдаги мажлисида, 11 майда эса РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросида тингланди, бюро махсус комиссия ва унинг кичик комиссиялари ишининг якунларини муҳокама қилиб, улар ишлаб чиққан Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий чегараланишининг аниқ режасини тасдиқлади. Қабул қилинган қарорда бундай дейилган эди:

«1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини миллий-ҳудудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий-ҳудудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин. 2. Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил ССР ҳуқуқларига эга бўлсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон Республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти ташкил этилсин: Қирғизистон автоном вилояти қайси республика таркибига кириши масаласи очиқ қолдирилсин. 3. Туркистон Республикасида яшайдиган қозоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган Қозоғистон Республикасига киритилсин».

Бироқ Ўрта Осиё бюроси бу қарорни қабул қилар экан, вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олмаган эди. 1924 йил 8 майдаёқ Ўрта Осиё иқтисодий конференциясида қатнашиш учун Тошкентга келган Хоразм делегацияси аъзолари РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раисига «Хоразмда миллий масаланинг ҳал қилиниши тўғрисида мактуб» топширдилар, унда Хоразмни мустақил маъмурий район сифатида ўзининг доирасида қолдириш, шунингдек, Хоразм Республикаси билан Туркистон Республикасининг Амударё вилоятини бирлаштириш таклиф қилинган эди. Аслида, бу Хоразмнинг чегараланиш ўтказилишини рад қилиши эди. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиё бюроси бу фикрни инкор этди, ўз қарорларининг биринчи бандига Хоразм Республикасини ҳам киритди. Лекин июнда ХКП МҚ Ижроия бюроси ўзининг телеграммаси билан мактуб муаллифларининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан 1924 йил 12 июнда бўлиб ўтган РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг мажлисга тайёрлаган материалларига тегишли тузатишлар киритишига мажбур бўлди. Сиёсий бюро Хоразм Республикасини олдинги ҳолида қолдиришга қарор қилди.

Лекин РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси МҚ таркибини янгилашга киришди. Натижада 26 июнда Хоразм коммунистик партияси МҚнинг янгиланган таркиби 9 июндаги қарорни бекор қилди ва Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон

билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнига қўшди.

Аслида, РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1924 йил 12 июндаги қароридан бошлаб миллий-ҳудудий чегараланишни тайёрлаш жараёни янги босқичга кирди. 15 июлда МҚ Ўрта Осиё бюроси янги ташкил этиладиган миллий республикалар ва вилоятларнинг муваққат бюросини ташкил этди. Режалаштирилган янги миллий тузилмаларини мазмунан тўлдириш, уларнинг ҳудудларини аниқлаб чиқиш, чегараларни ажратиш ва белгилаш лозим эди. Бу иш бирмунча олдинроқ РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси ташкил этган ҳудудий комиссияда, унинг миллий кичик комиссияларида ва жанжалли масалаларни ҳал қилиш учун тузилган махсус комиссияларда бошланган эди.

Ҳудудий комиссия (унинг таркибига янги ташкил этилаётган республикалар ва вилоятларнинг вакиллари кирган эди) мажлисларининг стенографик ҳисоботлари[1] бугунги кунда бу ишни бажарганлардан бирининг образли ибораси билан айтганда, «аҳолини миллий гуруҳларга ажратиш» муаммоларининг мураккаблиги ва хилма-хиллигига чинакам баҳо бериш имконини туғдиради. Агар ўзбек ва туркман кичик комиссияларининг вакиллари умуман битта нуқтаи назарда: чегараланиш асосида мустақил «миллий совет» республикалари ва автоном вилоятлари ташкил этилишини ёқлаган бўлсалар, Хоразм делегацияси Хоразм Республикасининг дахлсизлигини ҳимоя қилишда давом этди, қозоқ кичик комиссияси эса Ўрта Осиё совет республикалари федерациясини тузиш ғоясини яна бир марта илгари сурди. Ўрта Осиё ҳудудини мўлжалланаётган миллий тузилмалар ўртасида чегараларга ажратиб олишда янада кўпроқ хилма-хиллик кўзга ташланди. Чегараланиш учун асос қилиб олинган икки принцип — миллий-ҳудудий ва иқтисодий принциплар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган шароитга тўғри келмади. Ҳудудий комиссия аъзолари олдига ҳал этилиши қийин бўлган вазифаларни келтириб чиқарди, улар ўртасида норозилик ва келишмовчиликларни чуқурлаштирди, баъзида эса ғалати ва жиддий вазиятларни юзага келтирди.

Мажлис қатнашчилари таянч масалаларни илмий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиб ўтирмасдан оддий овоз бериш йўли билан Ўрта Осиё федерацияси ташкил этилиши ғоясига (мажлисда бу ғояни С.Хўжанов асослаб берган ва ҳимоя қилган эди) қарши фикр билдириб, Ўзбекистон, Туркманистон республикалари ташкил этилиши ва уларнинг бевосита СССРга киришини, Ўзбекистон Республикаси таркибида Тожикистон автоном вилояти ва Қирғизистон автоном вилояти таркиб топишини ёқлаб чиқдилар.

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 2, д. 100, л. 9—39; ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3868-йиғма жилд, 22—29-варақлар.

Умуман олганда, РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг ҳудудий комиссияси мажлиси иштирокчилари миллий-ҳудудий чегараланиш масалалари етарли даражада тайёрланмаганлигини, бу масалалар тахминан ҳал этилганлигини, уларни илмий жиҳатдан асослаб бериш эҳтиёжи борлигини тушуниб етдилар, қўшимча материаллар, статистик маълумотлар жалб қилиш зарурлиги, тегишли хариталарга эга бўлиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Ана шуларга асосланиб, хусусан, янги тузилмаларнинг чегаралари ҳақидаги масалани қараб чиқиш қолдирилди.[1]

Ҳудудий комиссия фаолиятининг натижалари Ўрта Осиё бюросида ва Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари раҳбар органларида муҳокама қилинди. 1924 йил 14 сентябрда ТКП МҚ, ТАССР МИҚ ва Тафтиш комиссиясининг қўшма пленумида ҳудудий комиссиянинг иши тўғрисида комиссия раиси, ТКП МҚнинг масъул котиби И.Варейкис маъруза қилди.[2] Маърузанинг кириш қисмида унинг чегараланишни амалга оширишнинг чинакам механизмини очиб берадиган иккита мулоҳазаси эътиборни жалб қилади. У тўғридан-тўғри айтдики, «бу халқларнинг бахтига мазкур масала юзасидан ҳақиқатда **бир-дан-бир раҳбар** (таъкид бизники. — *Таҳририят*) бизнинг партиямиз ҳисобланади».[3]

Маърузада ҳудудий комиссияда юзага келган ихтилофларга бирмунча эътибор берилди.[4] Варейкис ўз маърузасида якунлаб берилган ҳудудий комиссия ишининг мазмунини таҳлил қилиб, миллий-ҳудудий чегараланиш сингари ғоят мураккаб масалага ёндашувда бирон-бир ишлаб чиқилган илмий услубнинг йўқлигини, бу ҳол айниқса жанжалли ҳудудларга доир масалаларни ҳал қилишда кўзга ташланганлигини кўрсатиб ўтди. Ўрта Осиёдаги янги миллий тузилмалар ҳудудини ва чегараларини белгилашда партия раҳбарлиги ҳақиқатда реал қийинчиликларга дуч келди. Минтақадаги турли халқларнинг асрлар мобайнида қарор топган тарқоқ ҳолда (ора-сира) жойлашганлиги, уларнинг хўжалик, соф турмуш алоқалари фақат миллий жиҳатни эътироф қилишни эмас, шу билан бирга халқларнинг тарихий ривожланишини, хўжалик, маиший шарт-шароитлар каби омилларини, ҳудудларнинг иқтисодий яхлитлигини, уларнинг иқтисодий интилишини ва ҳоказоларни ҳисобга олишнинг аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Бундай иш шак-шубҳасиз анча узоқ ва синчиклаб тайёргарлик кўришни, этнограф, иқтисодчи, тарихчи олимлар ва бошқаларнинг фикрларини ҳисобга олишни талаб қиларди. Ҳолбуки, улардан бирортаси ҳам ҳудудий комиссия таркибига киритилмаган эди, комиссия, юқорида айтиб

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3863-йиғма жилд, 22—29-варақлар.
[2] Ўша жойда, 3866-йиғма жилд, 5—10-варақлар.
[3] Ўз ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3866-йиғма жилд, 18-варақ.
[4] Ўша жойда, 18, 22, 40-варақлар.

ўтилганидек, фақат партия ходимларидангина ташкил топган эди.

ТКП МҚ, Турк МИҚ ва Тафтиш комиссиясининг қўшма пленуми Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг миллий-ҳудудий чегараланиши режасини умуман маъқуллади, ҳудудий комиссиянинг ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг қарорларини тасдиқлади ва мазкур режани қараб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун ТуркМИҚнинг фавқулодда сессиясини чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу тариқа, бунга қадар фақат партия ораганлари томонидан қараб чиқилган, тайёрланган ва узил-кесил ҳал этилган масалани тасдиқлаш учун совет органларига беришга қарор қилинди. Бундан ташқари, ТКП МҚнинг Қўшма пленуми бу масалага доир ўз резолюциясида «ишчилар ва деҳқонлар оммаси орасида кенг кампания очиш»ни таклиф қилди, чунки И.Варейкиснинг маърузасида таъкидлаб ўтилгандек: «Биз юқори органлар фикрига, партиянинг фикрига эгамиз, бироқ бизда бўлажак чегараланиш кенг деҳқонлар оммаси онгига қандай сингиши ҳақида аниқ тасаввур йўқ... Барча узил-кесил қарорлар қабул қилиб бўлингач, биз бутун аҳолини бу инқилобий ислоҳот билан таништириш юзасидан ғоят кенг кампания ўтказишимиз лозим бўлади».[1] Варейкиснинг бу мулоҳазаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳақиқатдан ҳам, ўлка аҳолиси ўша вақтга қадар ўз тақдири учун ғоят аҳамиятли бўлган масалани муҳокама қилишдан бутунлай четлаштириб қўйилган эди.

Ташвиқот компанияси партия органларининг ва аввало РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг қатъий назоратида амалга оширилди. Ҳамма жойда вилоят партия қўмиталари ҳузурида вилоятларнинг масъул ходимларидан иборат таркибда кампанияларни ўтказиш комиссиялари тузилди; йўл-йўриқ берадиган мажлислар, партия йиғилишлари ўтказилди, кампанияни ўтказиш режалари тайёрланди. Ташвиқот кампанияси жараёнида вилоят партия қўмиталарининг маълумотлари ТКП МҚ ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросига юбориларди. Кампанияни ўтказишдаги қаттиқлик минтақа партия раҳбарияти орасида бирмунча ишончсизлик, хавфсираш борлигидан далолат берарди. Ҳақиқатдан ҳам, партия ячейкаларида муҳокама қилиш босқичида бу хавфсираш учун замин мавжудлигини тасдиқловчи жиҳатлар намоён бўлди. 1924 йил 31 августда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш юзасидан ўтказилаётган ташвиқот кампанияси тўғрисидаги директиваларни тўлдириш ва аниқлик киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисда айрим ташкилотларда «миллий манфаатларни нотўғри тушунишдан келиб чиқиб, миллий ҳис-туйғулар авж олдирилмоқда, бунинг натижасида йўл қўйиб бўлмайдиган ке-

[1] «Туркестанская правда». 1924, 15 сентября.

лишмовчиликлар, партиямизнинг миллий масаладаги сиёсий йўлини бузиб кўрсатишлар вужудга келмоқда. Партиясиз оммани тарбиялаш ва ривожлантириш ўрнига бу омма миллатлараро курашга жалб қилинмоқда, сиёсий жиҳатдан бузилмоқда», деб таъкидлаб ўтилган эди.

Ўрта Осиё бюроси ТКП, БКП ва ХКП Марказий Қўмиталарига маҳаллий партия ташкилотларига «чегараланиш бўйича ҳам оғзаки, ҳам ёзма ташвиқот кампанияси ўтказиш вақтида байналмилал коммунистик жиҳатларга қатъий амал қилиш ва чегараланиш вақтида айрим миллатлар ўртасида қандайдир масалада бўлмасин келиб чиқадиган миллий оғмачиликка йўл қўймаслик... чегараланиш масалаларини кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш вақтида РКП(б) МҚ ва Ўрта Осиё бюросининг Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараланиши тўғрисидаги қарорларига қатъий амал қилиш...»[1] вазифасини юклашни таклиф этди.

Миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни қатъий тартибга солишга уриниш ўз самараларини берди. Ўрта Осиё республикалари партия раҳбарияти РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида жиддий ларзалардан холи бўлишга, партияли ва партиясиз оммадан миллий-ҳудудий чегараланиш ҳамда янги республикалар ва автоном вилоятлар ташкил этиш бўйича партия режаларини маъқуллаш ва қўллаб-қувватлашга эришишга муваффақ бўлдилар.[2]

1924 йил 15 сентябрда ТуркМИҚнинг навбатдан ташқари сессияси иш бошлади. Унинг кун тартибида битта масала: миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи турарди. Мазкур масала юзасидан Исломов маъруза қилди. Умуман, бу маъруза илгариги босқичларда илгари сурилган барча ғоялар ва қоидаларни яққол такрорлашдан иборат бўлди.[3] Маърузада миллий-ҳудудий чегараланишни «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи»ни тўлиқ амалга ошириш, янги «миллий-давлат тузилмалари»ни ташкил этиш сифатида тушуниш кераклигига асос солинди. Шу билан бирга Исломов маърузасида, миллий-ҳудудий чегараланиш, «халқларнинг хоҳиш-иродасини билдириш акти», деган тезис биринчи бор очиқ айтилди: «Туркистон халқлари билан биргаликда Бухоро ва Хоразм халқлари ҳам миллий чегараланиш тўғрисида ўз хоҳиш-иродасини билдирдилар. Улар ҳам барча ўзбеклар, қирғизлар ва туркманларни ягона давлатга бирлаштириш йўли билан қилинган тарихий адолатсизлик оқибатларини тузатишга интилмоқдалар». Бу 1924 йил 16 сентябрда ТуркМИҚ сессиясининг чегараланиш тўғрисида

---

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4270-йиғма жилд, 8, 9-варақлар.
[2] Қ а р а н г: «Туркестанская правда». 1924, 2, 5, 8 сентября и т.д.
[3] «Туркестанская правда». 1924, 17 сентября.

қабул қилган қарорида ўз ифодасини топди. Қарорда бундай дейилган эди:

«Совет Иттифоқи халқлари миллий муносабатлари ва миллий тузилишига асосланган принциплардан келиб чиқиб, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ишчи ва деҳқонлар оммасининг умумий иродасига асосланиб, ТАССР Марказий Ижроия қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбек халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг умумий иродасини бажариш мақсадида ўзбек халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи берилсин.

2. Туркман халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий иродасини бажариш учун туркман халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва мустақил Туркманистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи берилсин.

3. ТАССРнинг қирғиз (қозоқ) вилоятларини Қирғизистон (Қозоғистон) Совет Социалистик Республикаси билан бирлаштириш мақсадида қирғиз (қозоқ) халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий истагини бажариш учун қиргиз (қозоқ) халқига ТАССР таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қора қиргиз (қирғиз) халқи ишчи ва деҳқон оммасининг ифодаланган умумий хоҳишини бажариш учун қора қирғиз (қирғиз) халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва Қора Қирғизистон автоном вилоятини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Тожик халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий иродасини бажариш учун тожик халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва Тожикистон автоном вилоятини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Мазкур қарор Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасига навбатдаги сессияда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилсин».[1]

Бирмунча кейинроқ тожикларнинг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш шакли бир оз ўзгарди. 1924 йил 4 октябрдаги мажлисда миллий-ҳудудий чегараланиш бўйича Ўзбекистон бюроси шундай қарор қилди: Тожикистон комиссиясининг Тожикистон Автоном Республикаси ташкил этиш ва унинг Ўзбекистон иттифоқдош республикасига кириш тўғрисидаги қарорига розилик берилсин. Мана шу мажлиснинг ўзида узоқ тортишувдан кейин яна шундай қарор қилинди: Панжикент ва Ўратепа туманларининг Тожикистон таркибига киришига қаршилик қилинмасин.[2]

20 сентябрда Советларнинг V Умумбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда қуйидагилар қайд қилинган эди:

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 139-йиғма жилд, 250—270-варақлар.
[2] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 2, д. 1744. л. 14.

«...Умумбухоро қурултойи Файзулла Хўжаевнинг Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши тўғрисидаги маърузаси юзасидан қарор қилади:

I. а) Барча миллатларнинг ўз ҳаёти ва тақдири ўз қўлига берилсин, бунинг учун Ўзбекистон республикаси ташкил этилсин;

б) жуда тез вақт ичида Ўрта Осиё аҳолисини социалистик ҳаётга жалб қилинсин;

в) иқтисодий ва хўжалик асосларида уларнинг ифодаланган истаклари амалга оширилиши таъминлансин;

г) аввалги буюк ўзбек маданиятини тиклаш мақсадида Туркистон Бухоро ва Хоразмнинг ўзбек аҳолиси таркибидан Буюк Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилсин, бу вилоятда яшовчи тожиклардан Тожикистон Автоном вилояти ташкил этилсин...

IV. Ўрта Осиё вилоятларида яшовчи қозоқ-қиргизларнинг (қозоқларнинг. — *Таҳририят*) тенг ҳуқуқлилиги эътироф қилинади. Қурултой туркман халқи манфаатлари йўлида Туркманистон Республикаси ташкил этилишини мақсадга мувофиқ деб топади.

V. Ўзбекистон ва Туркманистон республикаларининг Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи таркибига кириши зарур деб ҳисоблансин».[1]

1924 йил 29 сентябр — 2 октябрда бўлиб ўтган Советларнинг Умумхоразм V қурултойи ҳам миллий-давлат чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди. Қурултой қарори асосида Хоразмда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларга Хоразм Республикаси таркибидан ажралиб чиқиб, тегишли миллий республикалар ва мухтор вилоятларга бирлашиш ҳуқуқи берилди.[2]

1924 йил 14 октябрда РСФСР БМИҚ II сессияси Туркистон Республикаси МИҚнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги қарорини тожик халқига нисбатан айрим ўзгаришлар билан тасдиқлади. Тожик халқига ТуркМИҚ сессияси ва Умумбухоро қурултойи қарорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон республикаси таркибида мухтор вилоят эмас, балки Тожикистон Автоном республикаси ташкил этиш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф қилди. Шу тариқа БМИҚ сессияси қарорига мувофиқ Ўрта Осиёда Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари, Тожикистон Автоном республикаси, Қорақалпоғитсон ва Қирғизистон Автоном вилоятлари ташкил топди.[3]

1924 йил 27 октябрда СССР БМИҚ II сессияси ТАССР Марказий Ижроия Қумитаси, Советларнинг Умумбухоро V

---

[1] ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 563-йиғма жилд, 7—8-варақлар.
[2] ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 32-варақ.
[3] «Народное хозяйство Средней Азии». 1924, № 4. С. 208.

қурултойи ва Советларнинг Умумхоразм V қурултойи фавқулодда сессиясининг миллий-ҳудудий чегараланиш ва янги республикалар ҳамда вилоятлар ташкил этиш тўғрисидаги илтимосини қондирди ва «меҳнаткаш халқнинг эркин хоҳиш билдирилиши энг юқори қонундир», деган ифода билан тасдиқлади.

СССР МИҚнинг қарорида «СССР МИҚ Раёсатига Ўрта Осиёда янги ташкил этилаётган республикаларни ана шу республикалар Советлар қурултойлари қарорларига мувофиқ расмийлаштиришни амалга ошириш» вазифаси топширилди.


Шундай қилиб, 1924 йил сентябр-октябрда миллий-ҳудудий чегараланиш Ўрта Осиё республикалари, Россия Федерацияси ва СССР Иттифоқи давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларида қонун йўли билан расмийлаштирилди.

СССР БМИҚ II сессияси қароридан кейин қисқа муддат ичида янги ташкил топган миллий тузилмаларнинг ҳақиқатда расмийлаштирилиши амалга оширилди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг 1924 йил ноябрда бўлиб ўтган махсус сессиялари ўз-ўзини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Янги ташкил этилган республикаларда инқилобий қўмиталар тузилиб, улар янги республикалар ва мухтор вилоятлар таъсис съездларини чақириш юзасидан тайёргарлик ишларига бошчилик қилдилар.

1925 йил 13 февралда Бухорода ЎзССР Советларининг I съезди очилди. У 17 фералда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисидаги декларация»ни қабул қилди. Декларация ЎзССР ташкил топганлигини қонунан расмийлаштирди ва ЎзССРнинг ихтиёрий равишда СССР таркибига кирганлигини эълон қилди. Декларацияда қайд қилиб ўтилганидек, «шу кундан эътиборан ўзбек халқи ҳудудида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларини ўз ичига олган бу халқ тарихида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг иттифоқдош Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таъсис этилади, унга Тожикистон Автоном ССР киради».

1925 йил 13 майда ССР Иттифоқи Советларининг III съезди Туркманистон ва Ўзбекистон республикасининг ССР Иттифоқи таркибига кириши тўғрисида шу республикалар «халқларининг эркин хоҳиши»ни инобатга олиб тасдиқлади.

Шу тариқа, Ўзбекистон иттифоқдош республикасининг қонунан расмийлаштириш жараёни тугалланди ва жаҳон харитасида СССР таркибидаги иттифоқдош республика бўлган Ўзбекистон миллий совет республикаси пайдо бўлди. Бу — кўп миллатли республика эди: жами 8131062 кишидан иборат бўлган Ўрта Осиё аҳолисидан 3963285 киши Ўзбекистон Республикасига ўтди, улардан ўзбеклар 3381579 кишини, яъни республика аҳолисининг 3/4 қисмини ташкил этарди. Ҳақиқатда, Ўрта Осиё ҳуду-



ЎзССР харитаси. Архив ҳужжати, 1956 йил.

дида яшовчи барча ўзбекларнинг қарийб 90%и Ўзбекистон ССР ҳудудида эди.[1]

Шундай қилиб, 1924 йилнинг охири большевизмнинг Ўрта Осиёни миллий-ҳудудий чегаралаш борасидаги сиёсати амалга оширилиши билан нишонланди. Бу большевизмнинг асосий мафкуравий ва сиёсий душмани бўлган туркизмга қарши кураш манфаатлари тақозоси билан моҳирона уйлаб топилган ҳаракат эди. Туркизм ўнлаб йиллар мобайнида чоризм ва большевизмнинг империяча муддаоларига қарама-қарши туришнинг ҳал қилувчи омили, бутун Ўрта Осиё минтақаси миқёсида қудратли миллий-озодлик ҳаракатининг асосий бирлаштирувчи кучи бўлиб қолган эди.

Минтақа халқларига мажбуран тиқиштирилган бу сиёсатни амалга ошириш учун вақт ва маблағ билан бир қаторда катта куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинди. Биринчи даврда — миллий чегараланиш ғояси пайдо бўлган 1920 йилдан 1924 йилгача, уни амалда рўёбга чиқариш бошланган пайтгача, унинг мафкуравий, сиёсий, маданий-маънавий асослаш ва шундан кейинги ҳаракатлар учун замин тайёрлаш механизми ишга туширилди. «Ягона туркий миллат бўлмаганидек, ягона туркий маданияти ва ягона туркий тил ҳам йўқ» деган шиорлар остида тўрт йил мобайнида дастлаб Туркистон, кейинроқ Бухоро ва Хоразм республикалари халқлари онгига кенг миқёсда тазйиқ ўтказилди, миллий ўхшаш тузилмаларнинг шаклланиш жараёнидаги интеграция сунъий равишда жадалаштирилди. Иккинчи давр, 1924 йилда бевосита миллий чегараланиш ўтказилди, уни бошдан охиригача РКП(б) МҚ раҳбарияти ва унинг мухтор вакиллари раҳбарлигида Ўрта Осиё партия ташкилотлари амалга оширдилар. Маҳаллий халқларнинг хоҳиш-иродаси мутлақо ҳисобга олинмади ва уларни ўрганиш механизми ишлаб чиқилмади.

Халқларни миллий чегаралаш ғояларини амалга ошириш большевикларнинг тактик устамонлиги билан муваффақиятли рўёбга чиқарилди. Аввало, бу ғоянинг дастлабки вазифаси ҳал этилди — туркийлар бирлиги мафкурасига ва амалиётига сезиларли зарба берилди. Миллий тузилмалар ташкил этилиши, уларга «миллий давлатчилик» мақоми берилиши билан Марказ минтақа халқларининг диққатини ташқи душмандан (улар учун ташқи душман Марказнинг ўзи эди) ички муаммоларга йўналтиришга муваффақ бўлди.

Лекин бу энг асосийси бўлиб, большевиклар бу ҳаракат билан ўзларининг стратегик ниятларида ҳам муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. РСФСРнинг Туркистон Автоном Республикаси билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланишига ҳуқуқий жиҳатдан мустақил Бухоро ва Хоразм республикаларининг ҳам

[1] *Вахабов М.Г.* Формирование узбекской социалистической нации. С. 398—399.

жалб қилиниши, уларнинг қисмларга бўлиниши ва улар асосида янги миллий тузилмаларнинг ташкил топиши, уларнинг СССР таркибига киритилиши натижасида Ўрта Осиёнинг бу икки қадимги давлати дунёнинг сиёсий харитасидан бутунлай йўқ қилинди. Шу тариқа, большевиклар чоризмнинг империячилик сиёсатига, унинг «Ўрта Осиё минтақасига бўлган геополитик даъволари»га садоқатларини яна бир карра тасдиқладилар. Шу даврдан бошлаб қадимий Туркистон ҳудуди большевиклар давлатининг икки ғилдиракли аравасига мустаҳкам боғлаб қўйилди.

Ўрта Осиё халқлари учун бу чегараланиш ва ташкил этилган янги «миллий давлатчилик» уларнинг бундан кейинги тараққиётига янги нозик фарқлар олиб кирди. Ўрта Осиё давлатчилигининг минг йиллик ривожланиш тарихига путур етказилди. Ҳукмрон сулолаларнинг тез-тез алмашишига, макон-ҳудуд мезонларининг ўзгаришига қарамай, Ўрта Осиё давлатчилигининг асосини ташкил қилган муҳит — унинг аҳоли тарихан турли этник гуруҳлардан ташкил топганлиги ва унинг тарқоқ ҳолда жойлашганлиги, унинг ўзига хос бўлган хўжалик, маиший, диний, маънавий-маданий ҳаётининг муштараклиги ўзгармай қолаверарди. Ҳар бир этник гуруҳ ўзининг муайян жойига эга бўлгани ҳолда бу муштаракликнинг таркибий, ўзгармас тенг қийматга эга бўлган қисми бўлиб тураверарди. Энди эса, иттифоқдош, мухтор республикалар ва вилоятларнинг ташкил топиши билан миллатларни фарқлаш, табақалаш жорий этилди. Бу фарқ фақат уларнинг ташкил топиш мақоми билангина эмас, балки унинг ичидаги мазкур тузилмага ном берган этноснинг номи ва «оз сонли миллатлар» билан ҳам яққол кўзга ташланар эди.

Шундай қилиб, миллатнинг бир қисми ўз ота-боболари ерида яшаб, меҳнат қилса-да, расмий таърифга кўра, «оз сонли миллат»га айланиб қолган эди, бу эса уларнинг онгига таъсир қилмасдан қолмасди, ўз ҳуқуқларининг қандайдир поймол қилинганлигида деб тушунардилар, бу ҳол тузилмалар ичидаги этно-миллий жараёнларга шак-шубҳасиз салбий таъсир кўрсатарди. Вазиятнинг мураккаблиги «бўлиб юборилган этнослар» муаммоси билан янада чуқурлашарди, чунки янги миллий тузилмалар «титулли» миллатнинг асосий қисмини ўзида жамлаган бўлса-да, тарқоқ ҳолда жойлашиш туфайли кўп этник гуруҳлардан иборат жамият ҳам бўлиб қолганди, уларнинг ҳар бирида ўхшаш этносларнинг маълум қисми мавжуд эди. *Аслида, большевиклар андозасидаги миллий-ҳудудий чегараланиш Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги бўлажак миллатлараро муносабатлар жараёнлари остига маълум вақтда портлайдиган мина қўйиш деган гап эди, улар фавқулодда вазиятларда портлаб, турли низолар ва кескин ҳолатлар келтириб чиқариши муқаррар эди.*

Шу билан бирга, янги тузилмаларни Ўрта Осиё халқларининг «миллий давлатчилиги» ташкил этилганлиги сифатида баҳолаш ҳам тўғри бўлмаса керак. Чунки СССР таркибига кириш ва СССРнинг ташкил топганлиги ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши, бу ерда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ва бошқа шунга ўхшаш бутуниттифоқ идораларининг сақланиб қолиши билан давлатга хос бўлган ҳокимият вазифалари ва ваколатларнинг барчаси Марказ ихтиёрида бўлиб қолди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг жонли ибораси билан айтганда, Ўрта Осиёда ташкил қилинган бу тузилмалар давлат бўлиб шаклланмаган (давлатга ўхшаш) тузилмалар эди.[1] Мазкур тузилмалар суверенитет ва мустақилликдан батамом маҳрум эдилар, улар аслида СССРнинг маъмурий-иқтисодий районлари даражасига туширилган бўлиб, ташкил этилаётган вақтларидаёқ уларга асосан Марказнинг манфатларига хизмат қилиш, хом ашё етиштириш каби вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилган эди.

8. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШИДДАТЛИ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА (1917—1924 ЙИЛЛАР)

1917 йил февралда чоризмнинг ағдарилиши мустамлака халқларнинг узоқ давом этган оғир, фидокорлик билан тўлиб-тошган миллий-озодлик ҳаракатидан иборат тарихий бир даврни якунлади. Аҳолининг феврал инқилобига жалб қилиниши қандайдир тасодифий ва тўсатдан бўлган нарса эмасди. Бу вақтга келиб Туркистон ўлкасининг Амударё бўлими ва Хива хонлигининг ватанпарвар кучлари миллий-озодлик ва мустақиллик учун кураш жабҳаларида бирмунча тажриба тўплаган эдилар. XX асрнинг бошларидаги Россия, Туркия, Эрон инқилоблари Қорақалпоғистон аҳолисининг кенг қатламларини (миллий зиёлиларни, диний арбобларни, жадидларни, деҳқонлар, чорвадорлар, балиқчилар, савдогарларни ва ҳоказоларни) уйғотди ва маълум даражада озодлик ҳаракатига жалб қилди. Миллий-озодлик кураши жараёнида Амударё бўлимининг аҳолиси 1913—1917 йилларда маъмурларнинг ўтказган қатағонлари натижасида 38626 кишига қисқарди[2].

Россиядаги октябр тўнтариши Қорақалпоғистонда ҳеч қандай шов-шувсиз, тўполонсиз қабул қилинди, чунки ҳокимият тепасида собиқ мустамлакачилар ва подшо амалдорлари турарди. Петро-Александровск шаҳар думаси таркибида нуфузли, бадавлат фуқаролар қатлами бўлишига қарамай, большевиклар-

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. 61-бет.

[2] Қорақалпоғистон МДА, 12-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 35-варақ.

нинг саъй-ҳаракатларини маъқулламади. Шундай бўлса ҳам ағдариб ташланган Муваққат ҳукуматнинг бу органи 1918 йилнинг охиригача мавжуд бўлиб турди.

1917 йил 31 октябрдан 1918 йил октябрга қадар Амударё бўлими комиссари лавозимини гидротехник В.Н. Памшев эгаллаб турди. Бу даврда ҳокимият тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлмади: Амударё бўлимининг комиссари, Чимбой ва Шўрахон уездларининг комиссарлари, Петро-Александровск шаҳар думаси, жамоат қўмитаси ўз вазифаларини давом эттириб турдилар. 1917 йил март ойида ташкил этилган Петро-Александровск шаҳар солдат депутатлари кенгаши фаоллик кўрсата олмади, шаҳардан ташқарида ўз ҳокимиятини ташкил қила олмади. Амударё бўлими тасарруфидаги овул ва қишлоқлар аҳолиси Петро-Александровск маъмурларидан ҳеч қандай ҳарбий ва моддий кўмак олмасдан ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядларини ташкил этди, уларга нуфузли уруғ бошлиқлари, чунончи Убайдулла Бауатдинов (Хон Махсум), Бола бий ва бошқалар бошчилик қилишди. Халқ уруғ йўлбошчилари теварагига бирлаша бошлади, чунки очлик, қароқчилик ҳужумлари, тартибсизлик ва қурғоқчилик хавф солаётган эди.

1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Амударё бўлимидаги вазият ўзгара бошлади. Хива хонлигида Қурбон Мамед (Жунаидхон)нинг ҳукмронлиги ўрнатилиши муносабати билан бу ерга сўл Хива соҳилидаги Россия фуқаролари кўчиб кела бошлади. Хива хонлигида ҳокимиятнинг алмашиниши Туркистон Автоном Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгашини ташвишга солиб қўйди. Амударё бўлимига Чоржўй ва Тошкентдан қизил гвардиячилар отрядлари жўнатилди. Петро-Александровск шаҳри ҳақиқатда большевиклар ҳокимиятининг қўрғони, унинг ҳарбий базасига айлантирилди.

Амударё кенгаши деб қайта номланган Петро-Александровск кенгаши қизил гвардиячи отрядларга таяниб, саноатчиларнинг 24 та ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик, пахта тозалаш заводларини, балиқчилик корхоналарини, бойларнинг уйларини, ўрмон бойликларини, бадавлат хўжалик ерларини, боғлар, дорихоналар, ҳарбий лазаретлар ва касалхоналарни национализация қилди. Умуман национализация қилиш, товон тўлаш, қизил гвардиячи озиқ-овқат отрядларининг зўравонлиги, Хива хонлиги билан Туркистон АССР ўртасида ҳарбий қарама-қаршилик — буларнинг ҳаммаси 1918 йил охири — 1919 йилнинг биринчи ярмида Амударё бўлимидаги ҳарбий-сиёсий аҳволнинг ҳақиқий кўриниши эди. Янги ҳокимият комиссарлари маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказдилар, сайловга савдогарлар вакиллари, ер эгалари, руҳонийлар қўйилмади. Большевикларнинг синфий принципи асосида ўтказилган маҳаллий кенгашларга сайловлар маҳаллий-миллий хусусиятни эътиборга олмади, жамиятнинг уруғчилик асосида тузилганлигига риоя қилинмади, ўзаро

келишувчилик ва порахўрликка йўл қўйилди. Янги ҳокимиятнинг дастлабки тадбирлари адолат ва тенглик ғояларини ўтказишдан кўра, асрлар давомида қарор топган анъанавий шарқона тузилмаларни барбод қилишга киришди. Бу жиҳатдан большевиклар комиссарлари подшо амалдорларидан ҳам ўтиб кетдилар.

Подшо маъмурияти Хоразм воҳасида жазо отрядларини мунтазам сақлаб турган эди, улар бу ерда большевиклар ҳокимияти ўрнатилишига қадар ҳукмронлик қилдилар. Большевиклар ҳокимияти чоризмнинг бу тажрибасидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди. 1918 йилнинг кузидан 1919 йилнинг августига қадар Петро-Александровскка қуролланган ишчилар, матрослар, хорижий легионерларнинг бир қанча отрядлари келди, уларга Н.А.Шайдаков, В.П.Коноплев, А.Н.Христофоров, В.Кемпчинский, С.Наумов, А.Л.Тимошенко, В.Церпицский ва бошқалар бошчилик қилди. Бу отрядлар Амударё бўлимидаги маҳаллий партия ташкилотларни, ҳарбий органларни «мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўришди», шунингдек, «Хива хонлиги ҳудудидаги инқилобчиларга қардошларча ёрдам» кўрсатиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Тиш-тирноғигача қуролланган отрядларнинг ўлкага келиши аҳолига аввалги тузумни, 1916 йилги фожиаларни эслатарди. Хоразм воҳаси халқларининг тилини, анъаналарини, турмушини билмасдан ўзига хос миллий тузилмалар ишига зўравонлик билан аралашиш ва уларга ҳужум қилиш жиддий низоларга олиб келди. Қизил гвардиячилар орасида ичкиликбозлик, ўғирлик, талончилик, хотин-қизларни зўрлаш авж олди. Ўтказилаётган тадбирларнинг маъмурий-буйруқбозлик оҳангида бўлиши кўп ўтмай аҳолининг кўпчилик қисмини янги ҳокимиятга нисбатан муносабатини кескин ўзгартирди.

Большевик комиссарлар диний мадрасаларни халқнинг ақлидроки учун курашда ўзларининг рақобатчилари деб билиб, ўлкадаги диний арбобларга қарши «отлиқ ҳужум» бошладилар. Шунингдек, партия-совет маъмурлари Қорақалпоғистонга 1874 йилда Уралдан кўчирилган казакларга черков хизматини бажо келтиришни, қўнғироқлар овози билан ибодатлар ўтказишни, пасхани байрам қилишни, Амударёда балиқ овлашни тақиқлаб қўйдилар. Большевик маъмурларнинг халққа қарши қаратилган бу тадбирлари ўлкада миллий-озодлик ҳаракатининг кўтарилишига сабаб бўлди. Қорақалпоғистондаги большевикларга қарши кўтарилган курашнинг биринчи босқичида аҳолининг барча қатламлари эшонлар бошчилигида фаол иштирок этди. Маҳаллий аҳолининг бу курашига Урал казаклари ҳам қатнашиб уларнинг мустақиллик ғояларини қўллаб-қувватладилар[1].

---

[1] *Сейтназаров М.С.* История национально-освободительного движения в Каракалпакистане (1917—1920 гг.) Автореф. дисс. канд. ист. наук. — Нукус, 1999. С. 16—17.

Амударё кенгашининг Закаспий фронти қўшинларига қарашли Хива гуруҳининг ҳарбий-оператив штабига берган фармойиши янги ҳокимиятга қарши навбатдаги кўтарилишга сабаб бўлди. Мазкур фармойишда «учинчи Заир казаклар ҳарбий бўлинмасидаги буржуа унсурларини қуролсизлантириш, агар талаб қилинса бутун бўлинмани қуролсизлантириш, шундан кейин буржуа унсурларга ҳақиқий товон тўлатишга киришиш» буюрилган эди.

Фармойишга биноан 1919 йил июн ойининг охирида Чимбой участкасининг Заир посёлкасига махсус ҳарбий комиссия жўнатилди. Комиссия таркибида қизил қўшинлар Хива гуруҳи штабининг бошлиғи М.Р.Ваничкин, Амударё кенгаши ижроқўмининг махсус вакили М.Липовский, Нукус ҳарбий гарнизони бошлиғи М.В.Гадецкий бор эди. Бўлинмадаги «буржуа унсурларини» жазолаш вазифасини ўз зиммасига олган комиссиянинг фаолияти амалда ижобий натижалар бермади. Чунки, учинчи Заир казаклар ҳарбий бўлинмаси махсус комиссияга бўйсунмасдан, Заирдан Чимбой шаҳрига кетиб қолди.

Большевикларнинг Амударё кенгаши 1919 йил 29 июлда яна махсус қарор қабул қилиб, унга биноан Чимбой шаҳрига Амударё бўлимининг 17 нафар партия-совет ва ҳарбий ходимларидан иборат фавқулодда комиссияси юборилди. Комиссияга Туркистон МИҚ аъзоси, РСФСРнинг Хива хонлигидаги мухтор вакили А.Н.Христофоров бошчилик қилди. Комиссия ихтиёрида байналмилал жангчилардан иборат 14 кишилик соқчилар ҳам бор эди.

Фавқулодда комиссиянинг ураллик казаклар атамани М.Фильчев билан олиб борган музокаралари муваффақият қозонмади. Шунда комиссия Чимбой кенгаши ижроқўмини тарқатиб юборди ва унинг ўрнига Чимбой участкаси инқилобий қўмитасини тузди. Чимбойдаги совет ҳукумати раҳбариятидаги бу ўзгартириш кучлар нисбатини ҳисобга олмасдан амалга оширилган эди. Шу сабабдан ҳам фавқулодда комиссия 10 август куни Петро-Александровскдан ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлди. У ердан Чимбойга 80 жангчидан иборат ҳарбий отряд юборилди, лекин бу отряд қамалга тушиб қолди. 14 августда қаршилик ҳаракати иштирокчилари фавқулодда комиссияни ҳибсга олдилар. Бу қаршилик ҳаракати отрядлари сафида 40.000 дан ортиқ киши бор эди. Тез орада қўзғолончилар Нукусни ишғол қилдилар ва 1919 йил 17 августда Чимбой участкасининг барча ҳудудлари, Муйноқ балиқчилик тумани ҳам большевиклардан озод қилинди. Шу тариқа, Амударё бўлимининг шимолий туманларида большевикларсиз халқ ҳокимияти ўрнатилди. Халқ ҳокимиятининг бошлиғи қилиб ураллик казак Михаил Фильчев сайланди. Ҳукумат таркибига нуфузли қорақалпоқлар Убайдулла Боуатдинов (Хон Махсум), Иброҳим Одилов, Иноят Ниёзов, Сейтназар Пирназаров, Бола бий, урал

казаклари — Шишенков, Сальников, Гутаров, Божедомов, Шевелев ва бошқалар кирди.

Истиқлол учун курашганлар

Убайдулла Боуатдинов (1887—1956) — халқ орасида Хон Махсум номи билан машҳур бўлган. Унинг бобокалони Имом эшон XVIII аср охири — XIX аср бошларида қорақалпоқ халқининг бирлашиш жараёнида иштирок этган. Хон Махсумнинг бобоси Отаулла Хоразм воҳасида катта нуфузга эга бўлган эшон эди, унинг ўғиллари халқ маорифи ишига бошчилик қилишган. Хон Махсум Хоразм воҳасидаги большевикларга қарши қуролли ҳаракатнинг таниқли ташкилотчиларидан бири бўлган.

Бола бий — Қўнғиротнинг собиқ беги. У мустақил ҳаракатлар ташкил этгани учун Хива хонига ёқмай қолган ва жазоланишдан қўрқиб, Амударё бўлимига қочиб ўтган. Заир ҳарбий бўлинмасини ташкил этиш вақтида Бола бий унга ўз навкарлари билан қўшилган.

Большевикларга қарши ҳаракат тобора кенг кўлам касб этиб борди. Қаршилик ҳаракати раҳбарлари Хоразм воҳасидаги советларга қарши курашаётган Жунаидхон билан алоқа ўрнатдилар. Жунаидхон халқ ҳокимиятини «Амударёнинг ўнг соҳилидаги бирдан-бир қонуний ҳокимият» деб эътироф қилди[1].

Бу даврда Жунаидхонни «оқлар ҳаракати» кенг қўллаб-қувватламоқда эди. 1919 йил 30 сентябрда собиқ Россия империясининг Осиё қисмидаги Россия олий ҳукмдори адмирал Колчак Омскдан Жунаидхонга мактуб юборади. Унда айтилишича, «Хива ерларида қуролли кучлар ташкил этишда ёрдам ва кўмак бериш мақсадида мен большевикларга қарши бўлажак кураш учун Хивага алоҳида ҳарбий миссияни жўнатмоқдаман». Тез орада полковник Худяков бошчилигидаги 8 зобит ва 130 урал казакларидан иборат бўлган миссия Хўжайли шаҳрига етиб келади. Ураллик оқларнинг алоҳида армияси қўмондони генерал Толстов Гурьевдан 1919 йил 2 октябрда Жунаидхонга йўллаган мактубида «иложи борича тезроқ манфур халқ комиссарлари зулмини ағдариб ташлаш ва йўқ қилиш» истагини билдирди ва 120 кишидан иборат казаклар отрядини юборди, бу отряд ҳам Хўжайли шаҳрига етиб келди.

Шундай қилиб, 1919 йил ноябрда Амударёнинг ўнг соҳилида большевиклар тузумининг мавжуд бўлиб туриши масаласи бутун кескинлиги билан кўндаланг бўлган эди. Туркистон АССР Ташқи ишлар халқ комиссари С.Турсунхўжаев мусулмонларнинг советларга қарши қўзғолонда иштирок этганлигини «ниҳоятда ачинарли ва бизнинг Хивадаги сиёсатимизни ўзгартиришни талаб қиладиган факт», деб эътироф этган эди. Бироқ қизил қўшинлар томонидан Колчак тор-мор қилинди. Натижада, «Осиё инқилоби»нинг сиёсий ва ҳарбий штаби бўлган Турк-

[1] *Кошанов Б.А.* Право на вторжение... Неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хоразма в 1919—1920 гг. — Нукус, 1993. С. 23.

комиссия олдида энди «Бухоро ва Хива — ички фронт» деган сиёсий формулани ечиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди[1].

Ана шу формулага мувофиқ Туркомиссия Хоразм воҳасидаги «жаҳон пролетар инқилобининг қўрғони» сифатида Амударё бўлимига катта эътибор берди. У бу ерга ўзининг ишончли вакили Г.Скаловни жўнатди.

Унинг Туркомиссия раиси Ш.Элиава томонидан имзоланган мандатида унга «Хиванинг Хива ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарган қабилаларига қуролли куч билан ёрдам кўрсатиш вақти масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи» берилган эди. Агар совет қўшинлари Хива чегарасидан ўтган тақдирда Г.Скаловга уларнинг ҳаракатларига умумий сиёсий раҳбарлик қилиш ҳам топширилган эди.

Г.Скалов ихтиёрига Н.Шербаков бошчилигидаги қизил аскарлар батальони берилди. Ўз навбатида Закаспий фронтининг Чоржўй кенгаши ижроқўмига «унинг гарнизонини жонли ва асосий сиёсий куч билан тўлдириш учун Чоржўй коммунистлар ротасини дарҳол қуроллантириш ва Петро-Александровскка юбориш»ни буюрдилар. Бу тумандаги барча совет қуролли кучлари қайта ташкил этилиб, Закаспий фронти Петро-Александровск гуруҳи»га айлантирилди, бу гуруҳ Н.Шайдаков ва Г.Рижков бошчилигида Амударё бўлимига 1919 йил 17 августда етиб келди. 11 ноябрда Н.Шайдаков Нукус қалъасини эгаллади, бироқ бу Хоразм воҳасидаги умумий ҳарбий-сиёсий аҳволга таъсир кўрсатмади. Орадан кўп ўтмай Туркомиссиянинг вакиллари қаршилик ҳаракати вакиллари билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлдилар. 1920 йил 18 февралда Туркомиссия вакили Г.Скалов билан Қорақалпоғистондаги қаршилик ҳаракатининг етакчиси ўртасида сулҳ битими тузилди. Чимбой участкасида муваққат инқилобий қўмита тузилди. Участканинг волостларида аҳоли томонидан 5 кишилик қўмиталар сайланди. Казакларнинг урф-одатлари ва турмуш хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг ўз-ўзини бошқарувига рухсат этилди. Қўзғолончиларга амнистия эълон қилинди. Заир казаклар ҳарбий бўлинмасидан кейинчалик фақат Амударё соҳилини муҳофаза қилиш учун фойдаланиш лозим деб топилди. Сулҳ битимини Туркомиссиянинг вакили Г.Скалов, Чимбой участкасидаги қорақалпоқлар вакиллари Боғли Охун Муҳамедов, Ҳасан мулла Осалиев, казаклар вакиллари — В.Егоров, Конев, Гушчин, Шапочников имзоладилар[2].

Мазкур битимнинг асосий қоидалари 1920 йил 20 майда, бир томондан, Закаспий фронти қўшинлари Амударё гуруҳи

---

[1] *Кошанов Б.А., Сейтназаров М.С.* Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве в 1919—1920 гг. — Нукус, 1997. С. 18.

[2] *Сейтназаров М.С.* История национально-освободительного движения в Каракалпакистане (1917—1920 гг.) Автореф. дисс. канд. ист. наук. — Нукус, 1999. С. 20—21.

қўмондонлиги билан, иккинчи томондан, қорақалпоқлар ва казаклар томонидан тузилган сулҳ шартномаси билан тасдиқланди. Шартномада шу нарса кўзда тутилган эдики, Чимбой участкаси ижроқўмига Заир казакларидан ва Амударёдаги рус аҳолисидан иккитадан вакил сайланиши, Амударё соҳилларини денгиз бўйидан Чимбойгача муҳофаза қилиш учун Заир казакларидан иборат чегара соқчилари отряди (40 кишигача) ташкил этилиши лозим эди. Бироқ, шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, шартномада Заирнинг чегара соқчилари отряди Хоразмдаги совет ҳокимиятига душман бўлган кучларга қарши ишлатилиши мумкинлиги айтилган эди.

Сулҳ шартномаси тузиш билан тугалланган умумхалқ қаршилик ҳаракати бир қадар ижобий натижалар ҳам берди. Амударё бўлимининг инқилобий қўмитаси қайта ташкил этилиб, Н.Солдатов (раис), М.Балжанов (ўринбосар), Ш.Ҳасанов, Г.Скалов, А.Макаев ва И.Митин аъзолари қилиб киритилди. Биринчи марта инқилобий қўмита раиси ўринбосарлари ва аъзолари қилиб қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, урал казаклари вакиллари тайинланди. Амударё бўлими советларини қайтадан сайлаш учун сайлов куни белгиланди.

Бироқ орадан кўп ўтмай большевик комиссарлар ўз ваъдаларини унутдилар. 1921 йил февралда Чимбой участкасидаги қаршилик ҳаракатининг фаол қатнашчиларидан 24 киши ҳибсга олинди. Хон Махсум ва бошқалар Сибирга сургун қилинди. Йирик ер эгалари ва савдогарлардан 75 кишидан 10 минг сўм Россия червонида товон пули ундириб олинди.

Амударё бўлимида большевиклар бошлаган тўнтариш ва «унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш» ўлка аҳолисига катта зарар ва азоб-уқубатлар келтирди. Агар тўнтаришга қадар бу ерда 232700 киши яшаган бўлса, 1920 йилга келиб улардан 113440 киши қолган эди, холос. Амударё бўлимининг аҳолиси ана шу фожиали йилларда 50%дан кўпроқ қисқарди. Бу большевиклар томонидан уюштирилган тўнтаришнинг оқибати эди[1].

Маъмурий жиҳатдан Амударё бўлими кўп поғонали бўйсунишга эга эди: маориф ва суд ишлари бўйича Самарқанд вилоятига, совет ҳарбий ва хўжалик ишлари бўйича Сирдарё вилоятига ва айрим фавқулодда ҳолларда бевосита Туркистон АССР МИҚ ва ХКҚга бўйсунар эди. Большевиклар ҳокимияти томонидан Амударё бўлимини бошқариш шу тариқа мураккаблаштирилган эди.

Шунинг учун ҳам 1920 йил октябр ойида ТуркМИҚ Амударё бўлимини олдинги ҳудуди доирасида унга вилоят мақомини берди ва унга вилоятларни бошқариш бўйича берилган

---

[1] *Таумуратов Н.* История милиции Каракалпакистана в период востановления национальной государственности (1917—1936 гг.) Автореф. дисс. канд. ист. наук. — Нукус, 1999. С.14.

барча ҳуқуқлардан фойдаланишга рухсат этди. Шўрахон ва Чимбой участкалари Шўрахон ва Чимбой уездларига айлантирилди. Вилоят маркази сифатида Тўрткўл шаҳри эълон қилинди. Янги вилоятнинг инқилобий қўмитасини ТуркМИҚ тайинлади.

Амударё вилоятининг ҳудудий-иқтисодий ва маъмурий-сиёсий бирлик сифатида ташкил топиши (у бевосита ТАССР МИҚ ва ХКҚга бўйсунар эди), биринчидан, катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчидан эса, қорақалпоқ халқини большевикларнинг ягона «миллий давлати»га, мустабид тузум исканжасига олиш учун дастлабки замин эди.

Большевиклар ҳукмронлиги Амударё вилоятининг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати шунга олиб келдики, экин экиладиган умумий майдон 1917 йилдаги 57950 десятинадан 1920 йилда 47000 десятинага; олинадиган ялпи пахта ҳосили 1917 йилдаги 433000 пуддан 1920 йилда 88000 пудга; ғалла экинлари деярли 3 баравар, озуқа экинлари 3,5 бараварга камайиб, чорва моллар сони 500000 бошдан 201000 бошга тушиб қолди. Вилоятдаги экин ерларининг 75%и чиғир усулида суғорилган бўлиб, илгари фойдаланилган 25000 чиғирдан 1921 йилда фақат бор-йўғи 9145 таси ишга яроқли эди, холос.

Амударё вилоятида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши дастлабки йилларда бир қадар ижобий силжишларга олиб келди. Вилоятдаги чорва моллар сони 1921 йилдаги 201000 дан 1922 йилда 233000 бошга етди. 200 тагача майда хусусий савдо корхоналари фаолият кўрсатди. Каналларнинг кенгайтирилиши ва узайтирилиши, янги дамбалар қурилиши ва эскиларининг мустаҳкамланиши қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонларни 5481 десятинага кўпайтириш имконини берди. 1923 йилда 224 десятина ерга чигит экилиб, 209797 пуд пахта олинди. Пахта вилоят товар маҳсулотининг 47,3%ни ташкил этди. 1923 йилда 22 та хусусий балиқчилик корхонаси фаолият кўрсатиб, вилоятда овланган жами балиқнинг 2,7%ини берган эди. 1921—1924 йилларда вилоятдан жами 339521 пуд балиқ Марказга олиб кетилди[1].

Шунга қарамасдан, Амударё вилоятида янги иқтисодий сиёсат ва ер ислоҳотининг ўтказилиши иқтисодий аҳамиятдан кўра кўпроқ сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бу сиёсатни ўтказиш жараёнида қишлоқ аҳолисининг унчалик кўп бўлмаган қисми ер олди, 507 та хўжаликка фақат 1147 десятина ер ажратиб берилди, холос. Шу сабабдан Амударё вилоятининг IV партия конференцияси резолюциясида вилоятда «ҳар йили камбағал ва ерсиз хўжаликлар камаймасдан, балки, аксинча, ортиб бораётганлиги» алоҳида кўрсатиб ўтилган эди.

---

[1] Қорақалпоғистон МДА, 25-фонд, 2-рўйхат, 86-йиғма жилд, 5-варақ.

Октябрдан кейинги олти йил ичида большевикларнинг Қорақалпоғистонда ўтказган сиёсатининг натижаларини атоқли қорақалпоқ арбоби А.К.Дўстназаровнинг 1924 йил октябрда Сталин ва Молотовга йўллаган мактубида айтилган сўзлари билан ифодалаш мумкин: «Бутун иш энг кам қаршилик кўрсатиш йўлидан, яъни инқилобдан олдиноқ мавжуд бўлган миллий муносабатларни сақлаб қолиш принципи бўйича йўналтирилди, бунда қорақалпоқлар оммаси партия ва советларнинг ишида иштирок этишдан мутлақо четлаштирилди ... Партиявий ишнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳокимият тепасига ҳар қандай ҳийла-найранглар ёрдамида ижтимоий зарарли унсурлар келди, улар вилоятдаги қорақалпоқ маҳаллий аҳолисининг талабларини бутунлай инкор қилиб ўтакетган андишасизлик билан орани бузиш, гуруҳбозлик билан шуғулландилар. Улар шундан кейинги йилларда ҳам мунтазам равишда ҳокимият тепасида қолдилар, чунки оми, саводсиз ва рус тилини билмайдиган қорақалпоқлар вилоят ижроқўмида совет йўли билан ҳам, вилоят партия қўмитасида партия йўли билан ҳам ёрдам ола билмадилар, чунки у ерларда миллий акулалар (бу ерда Марказ шовинистлари назарда тутилмоқда. — *Таҳририят*) ўтирган бўлиб, улар қорақалпоқ камбағалларига йўл бермадилар»[1]. Шунингдек, А.Дўстназаров яна шундай фактларни қайд қилиб ўтади: аҳолининг 80%га яқинини ташкил этган айнан қорақалпоқлар қишлоқ хўжалиги, балиқ саноати, пахтачилик билан шуғулланиб, ўз меҳнатлари маҳсулини ташқи бозорда сота олмасдилар, қорақалпоқлардан ҳеч ким партия ва совет мактабларида ўқишга қўйилмади, у ерга ўша-ўша ҳокимият тепасида турганлар ва ҳокимиятни қуршаб олган миллий гуруҳлар юбориларди. Натижада, қорақалпоқлар ўз миллати орасидан ходимлар етиштира олмадилар. Қорақалпоқ ёшларининг интилиши бутунлай бўғиб қўйилди. Большевикларнинг 1917—1924 йилларда Қорақалпоғистон муҳитига тиқиштирган совет ҳокимияти ва унинг миллий сиёсати қорақалпоқ халқининг асрий орзу-умидларига жавоб бермади. Миллий мустақиллик учун кураш давом этди...

---

[1] *Кошанов Б.А.* Информационный доклад А.К.Достназарова в ЦК РКП(б). // «Вестник ККОАН РУз». — Нукус. 1992, № 2. С. 23

Иккинчи қисм

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАБИД СОВЕТ ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА (1925—1991 ЙИЛЛАР)

Биринчи боб

Ўзбекистон 1925—1941 йилларда

1. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ. ОММАВИЙ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ АВЖ ОЛДИРИЛИШИ

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши республикадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кучайишига олиб келдики, уларга бир қанча омиллар таъсир кўрсатди. Бу омилларнинг энг муҳимларидан бири Ўзбекистон фақат номигагина СССР таркибидаги суверен республика ҳисобланганлиги, СССР эса ўз моҳияти билан унитар (қўшма) давлат эканлиги эди. Ўзбекистон иттифоқ партия-совет органларига тўла қарам бўлиб, унинг раҳбарияти ва директиваларини, шу жумладан, республиканинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли кўрсатмаларини оғишмай бажаришга мажбур эди, уларда эса республикадаги мавжуд воқелик ҳамиша ҳам ҳисобга олинмасди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга республиканинг ўз тараққиётида иттифоқнинг капиталистик ривожланиш босқичини ўтган ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бирмунча юқорироқ даражада турувчи марказий минтақалардан анча орқада қолганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказарди. Большевиклар таъбири билан айтганда, Ўзбекистон капитализмни четлаб, феодал ижтимоий-иқтисодий формациядан «сакраш» йўли билан бирданига «социализмга ўтиш»ни амалга ошираётган эди. Республикада шундай минтақалар, хусусан, илгари Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги таркибига кирган минтақалар ҳам бор эдики, улар ижтимоий-сиёсий ривожланиш борасида ҳали анча паст даражада эди.

Шунингдек, *Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши СССРда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топиши ва мустаҳкамланиши шароитида содир бўлди.* Ниҳоят, республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган шундай жиддий омил мавжуд эдики, у ҳам бўлса, совет мустабид давлати сиёсий тизимида синфий мафкурага эга бўлган коммунистик партиянинг мутлақ ҳукмронлиги эди. Компартия ўзи амалга оширган октябр тўнтариши туфайли ҳокимиятни қўлга олди ва «алоҳида олинган бир мамлакатда социализм қуриш»ни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйди. Лекин, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан сунъий равишда тезлаштириб, республикадаги ҳақиқий аҳволни эса назар-писанд қилмади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар таъсири остида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар анча зиддиятли хусусият касб этди. Ҳукмрон компартия жамият аъзоларини сунъий равишда «меҳнаткашлар» ва «меҳнаткаш бўлмаганлар»га ажратиб, улар ўртасида зиддиятни кучайтирди. Бир томондан, коммунистик режим кўр-кўрона «меҳнаткашлар оммаси»нинг сиёсий фаоллигини «қўзғаш»га, уларни партия-давлат тузилмаларига ва жамоат ташкилотларига кенг жалб қилишга интилса, иккинчи томондан, аҳолининг «меҳнаткаш бўлмаган» (мулкдорлар, диндорлар, амалдорлар ва ҳ.к.) қатламларини ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишини советча қонун асосида чеклаб қўйди. Шу билан бирга, уларга қарши доимий иш олиб борди. Бу кураш фақат «меҳнаткаш бўлмаган» қатламларга эмас, коммунистик режимга қарши чиққан барча кишиларга, ўзгача фикр юритадиганларга, ўзбек халқининг ва ўз республикасининг манфаатларини ҳимоя қилганларга қарши ҳам олиб борилди. *Мазкур муросасиз кураш 30-йилларнинг бошларида коммунистик режимнинг фақат ошкора ва «яширин» душманларига эмас, балки бутун халққа қарши оммавий қатағонларга айланиб кетди.*

Халққа қарши қаратилган курашда коммунистик партия ғоявий раҳнамолик қилди. Умуман, коммунистик режим ўрнатилган дастлабки кундан бошлаб жамият ижтимоий-сиёсий соҳаларида ҳаракатга келтирувчи куч сифатида компартия майдонга чиқди ва ҳал қилувчи роль ўйнади.

1925 йил февралда ўзининг I съездида ташкилий жиҳатдан расмийлашган республика партия ташкилоти ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ҳал қилувчи таъсир кўрсата бошлади. У ўзи ташкил топган вақтда нисбатан кам сонли эди — унда ҳаммаси бўлиб 16.570 нафар партия аъзоси ва номзоди бор эди[1].

Ўз КП(б) кенг «меҳнаткашлар» оммасини ўз таъсирига олиш учун сафларини «илғор» ишчилар, қишлоқ йўқсиллари ва ярим йўқсиллар, шунингдек, хизматчилар ҳисобига муттасил кенгайтириб борди. Натижада, 1941 йил 1 январга келиб партия аъзолари сони ўсиб, 72.068 кишига етди. Шу билан бирга, компартия ўзини байналмилал партия эканлигини, у фақат Россия тасарруфидаги барча халқлар партияси эканлигини кўрсатиш мақсадида сунъий равишда ўзининг миллий таркибига эътибор берди. Ўз КП(б) ташкил топгандан буён ўтган 15 йилдан кўпроқ вақт мобайнида унинг миллий таркиби ҳам сезиларли равишда ўзгарди. Партия аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг 60 %ини ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар, тожиклар ва бошқа маҳаллий миллатларнинг вакиллари ташкил этарди. Шу йўл билан рус коммунистларининг салмоғи 41,1%дан 24,6%га туширилди.

---

[1] Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах (Сборник стат. материалов. 1924—1977 гг.) — Т., 1979. С. 19—21.

Ўз КП(б) иложи борича кўпроқ корхоналар ва ташкилотларни ўзининг бевосита таъсири билан қамраб олишга, уларда партия ячейкалари ва ташкилотларини жорий этишга, шу йўл билан уларни бевосита бошқаришга интилди. 1941 йилнинг бошларида Ўз КП(б) таркибида 4.132 та партия ташкилоти мавжуд эди. Бу вақтга келиб 6 та вилоят қўмитаси, 1 та округ қўмитаси, 10 та шаҳар, 9 та шаҳар ичидаги туман партия қўмиталари ва 116 та туман партия қўмиталари орқали ҳудудий партия тузилмаларининг кенг тармоғи ташкил этилганди[1]. Ўз КП(б) бамисоли «ўргимчак уя» каби ўзининг раҳбарлик таъсири билан бутун республика ҳудудини, ундаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни қамраб ола бошлади.

ВКП(б)нинг таркибий ва ажралмас қисми бўлган ва вилоят партия ташкилоти ҳуқуқида иш олиб борадиган Ўз КП(б) Москвада партия МҚ кабинетларида республика партия ташкилоти вакиллари иштирокисиз ва унинг манфаатларини ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган (кўпинча бу манфаатларга зид келадиган) қарорларни амалга оширишга мажбур эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон компартиясининг фавқулодда XXIII съезди (1991 й. сентябр) таъкидлаб ўтганидек, «узоқ вақт мобайнида КПСС таркибида бўлиб келган Ўзбекистон компартияси амалда партиянинг стратегик йўлини ишлаб чиқишдан четлаштирилган эди. КПСС марказий органларининг ҳаётдан ажралиб қолган қарорларининг, уларда йўл қўйилган сохталиклар, кўплаб нуқсонлар ва хатоликларнинг гарови бўлиб қолган эди»[2].

Ўз КП(б) ва унинг аппарати республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида зиддиятли из қолдирди, бу ҳаёт аслида Марказ белгилаб берган ўзанда оқар эди. Ўзбекистон компартиясининг съездларида (1925 йилдан 1940 йилгача 9 та съезд бўлиб ўтган эди) ва МҚ пленумларида ВКП(б) белгилаб берган бош йўл асосида республиканинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланиш стратегияси белгиланди, уларда коммунистик режимни мустаҳкамлашга, «социалистик қурилиш»ни авж олдиришга, бошқа республикалар билан алоқалар ва ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган йўл ўз ифодасини топган эди. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари партия аппаратининг тазйиқи билан секин-аста унинг зулми остида қолиб, партия қарорларининг оддий ижрочиларига айландилар.

Ўзбекистон компартияси ўз йўлини деярли барча корхоналар ва муассасаларда иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотлари, раҳбар коммунистлар орқали (барча раҳбар лавозимларга фақат коммунист бўлган шахслар қўйилиши шарт эди) сўзсиз амалга ошираради. Партия қўмиталари бу раҳбар

---

[1] Коммунистическая партия... С. 96, 98—99.
[2] «Совет Ўзбекистони». 1991, 18 сентябр.

коммунистларни хўжалик, ижтимоий ва маданий қурилишнинг барча соҳаларига бошчи қилиб қўйган эди. Маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан иш олиб борган партия қўмиталари корхоналар ва муассасалар раҳбарлари ҳамда меҳнат жамоаларининг мустақиллигини чеклар, уларнинг ташаббусини бўғар, уларнинг фаолиятидаги демократик ва жамоа асосларни йўққа чиқарар эди.

Маълумки, СССР — советлар шаклидаги, ишчи ва деҳқон депутатлари советларининг ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирувчи ягона давлат тизимидан иборат. Иттифоқ давлатининг олий органи, дастлаб, Советларнинг Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси, кейинчалик СССР Олий Совети бўлиб, улар асосий «қонун чиқарувчи» ва ижро органлари ҳисобланган.

Аслида эса мустабид тузумнинг бутун «ҳаёти» тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат олий органи бўлган Олий Совет фаолиятини барча босқичларда партия бошқариб келган. Барча қонун ва қарорлар партия органлари томонидан тайёрланар, ёки уларнинг кўрсатмаси билан ёзилар, Олий Совет сессияларида эса улар номигагина тасдиқланар эди.

Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан сўнг республика давлат бошқаруви органлари иттифоқ органлари тартибида ва улар андозасида тузилди. Бу иттифоқдош республикаларни Марказдан туриб бошқаришнинг энг осон ва оддий, шу билан бирга, такомиллашган мустаҳкам шакли эди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг аппарати вужудга келтирилди, янги маъмурий-ҳудудий бўлиниш амалга оширилди. Олдинига республиканинг вилоят бўлинишидан округ бўлинишига ўтилди, кейин яна вилоят бўлинишига қайтилди, туманлар ва қишлоқ кенгашларининг кенг тармоғи тузилди. Маъмурий-ҳудудий ислоҳотлар советларни мустаҳкамлаш ва уларни аҳолига яқинлаштириш баҳонасида ўтказиларди. Аслида эса улар коммунистик режим томонидан партия-давлат аппаратининг чексиз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилар эди.

1927 йил март ойида Ўзбекистон Советларининг II қурултойи республика Конституциясини қабул қилди, бу Конституция қатъиян синфий тусда бўлиб, большевикча экстремизм мафкураси билан суғорилган эди. Конституцияга мувофиқ «меҳнаткаш бўлмаган» қатламлардан чиққан кўпгина ижтимоий табақалар, диндорлар ва бошқалар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганди («маҳрумлар»). Бу билан аҳолининг анчагина қисми коммунистик режим томонидан давлат қурилишида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишдан четлаштирилган эди. Фақат орадан 10 йил ўтгандан кейингина, Ўзбекистон ССРнинг 1936 йилги СССР Конституцияси асосида 1937 йил 12 февралда қабул қилинган Конституциясида бу ўтакетган адолатсиз-

ликка чек қўйилди, барча фуқароларга уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва қайси синфга мансублигидан қатъи назар, сайлов ҳуқуқлари берилди. Бироқ 1936 йилги СССР Конституцияси ва 1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясининг кўпгина моддалари, айниқса фуқароларнинг кенг ҳуқуқлари ва эркинликлари эълон қилинган моддалари, вақт ўтиши билан сохта эканлиги кўриниб қолди. Шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг ҳар иккала Конституцияда эълон қилинган суверенитети ҳам «ясама» ва сохта бўлиб чиқди. Мазкур конституцияларга мувофиқ, СССР Давлатининг «тенг ҳуқуқли» аъзоси бўлган Ўзбекистон ССР бутун ҳаёти давомида ҳақиқатда Марказга, унинг партия-давлат тузилмаларига мустамлака қарамлигида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолди.

Совет демократияси ҳамиша, айниқса, 20—30-йилларда жуда чекланган бўлиб, большевиклар тарғиботи эса унинг «буржуа» демократиясидан устунлиги ҳақида бутун дунёга жар солар эди. Партия-давлат тузилмалари советларга сайловларда ҳам депутатликка номзодлар орасида «синфий ёт унсурлар» бўлмаслигини, сайлов йиғилишларида ва советлар депутатлари сифатида аҳолининг фақат «меҳнаткаш» қатламлари (бу сўзнинг большевикча тушунилишида) иштирок этишларини ҳушёрлик билан кузатиб борарди. Ана шу мақсадда 20-йилларнинг иккинчи ярмида ҳар йили советларга қайта сайловлар ўтказилиб турилди, булар натижасида советлар «синфий ёт унсурлар»дан «тозаланди», депутатлар корпуси коммунистик режимга содиқ ишчилар, «меҳнаткаш» деҳқонлар, хизматчилар вакилларидан, энг аввало коммунистлардан тўлдириб борилди. Республика аҳолисининг 1%дан кўпроғини ташкил этувчи коммунистлар советларда, айниқса, Олий Кенгаш, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида аксарият кўпчиликни эгаллар эдилар. Раҳбар органлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, улар барча даражадаги партия қўмиталарининг кўрсатмаси ва раҳбарлигида одатда фақат коммунистлардан ташкил топарди. *Янги иқтисодий сиёсатга секин-аста чек қўйилиши жараёнида маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш қарор топиб борди, советлар таркиби ва раҳбарияти, айниқса республика сиёсатини белгиловчи поғонасидаги ўринларнинг аксарият қисми партия-совет аппарати, партия-совет амалдорлари қўлига ўтиб қолди.* Улар республика советларининг VI съездида (1937 й. феврал) 793 депутатдан 329 кишини ташкил этди, улардан кейин колхозчилар (205 ўрин) ва ишчилар (132 ўрин) турарди[1]. Ҳолбуки, 20-йилларнинг ўрталарида манзара бутунлай бошқача эди — «хизматчи»лар (партия-давлат амалдори деб ўқинг) Ўзбекистон Советларининг I съездида 83 ўрин ва деҳқонлар 246 ўрин олган эдилар. Лекин шуниси характерлики, «номенклатура»дан

[1] ЎзР МДА, 86-фонд, 10-рўйхат, 1083-йиғма жилд, 149—150-варақлар.

ташкил топган давлат ҳокимияти аппарати секин-аста бюрократлаша борди, халқдан тобора узоқлашиб, коммунистик режимга жон-жаҳди билан хизмат қилди.

Юқоридан белгилаб берилган ва муқобилликсиз номзодларни сайлашга ундаш ҳолларини кўрган халқ оммаси ўзининг «жонажон» совет ҳокимиятига унчалик ишонмас, сайловларда пассивлик кўрсатар, турли баҳоналар билан ўз «фуқаролик бурчи»ни бажармасликка ҳаракат қилар эди. Коммунистик режим сайловчиларнинг «фаоллиги»ни оширишга интилар, таргиботчиларнинг улкан гуруҳи сайловчилар сайлов қутилари ёнига келишини «ташкил этар», сайлов кунида сайлов участкаларида ҳар турли маданий тадбирлар ўтказилар ва камёб моллар савдосотиғи атайин ташкил қилинарди. Халқнинг тузум билан «бирдамлиги»ни, унга содиқлигини намойиш қилиш учун сайлов комиссиялари юқоридан бўлган кўрсатмага мувофиқ сайловларнинг натижаларини тўғридан-тўғри сохталаштиришдан, уларни бузиб кўрсатишдан ҳам тоймас эдилар. Ана шу барча тадбирлар ва кўзбўямачиликлар натижасида расмий маълумотларда сайловларнинг «ажойиб» натижалари кўрсатиларди. Улар «меҳнаткашлар»нинг юксак онглилиги ва сиёсий фаоллиги, уларнинг партия билан бирлигидан «гувоҳлик» берарди. Масалан, 1938 йил 25 июлда республика Олий Советига бўлган сайловларда расмий маълумотларга қараганда, сайловчиларнинг 97,33%и қатнашган. Шу билан бирга сайловларга келганларнинг 99,57%и «коммунистлар билан партиясизликлар блоки» номзодлари учун овоз берган[1].

Шу тариқа, «омма инқилобий ижоди»нинг органи бўлган советлар партия қўмиталарининг бутунлай таъсирига олиниб, уларнинг «қўғирчоғи»га айланиб қолган эдилар. Партиянинг советлардаги «бешинчи колоннаси» совет органларининг бошланғич партия ташкилотлари ва советлар съездларининг коммунистик фракциялари бўлишди. Советларга «партия раҳбарлиги» пировард натижада шунга олиб келдики, советлар амалда ўз мустақиллигини йўқотди, советлар партия билан омма ўртасидаги «алоқа воситаси»га, партия қарорларининг оддий ижрочиларига айланди.

Меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти — касаба уюшмалари ҳам партия қўмиталарига тўла-тўкис қарам бўлиб қолдилар. 1925 йилнинг бошларида Ўзбекистон касаба уюшмалари 90 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган эди. Бироқ уларда маҳаллий аҳоли «европалик»лардан бирмунча кам бўлиб, республикадаги касаба уюшмалари аъзолари умумий сонининг қарийб 40%ини ташкил этарди[2], ҳолбуки, маҳаллий аҳоли Ўзбекистон аҳолиси таркибида 90%дан кўпроқ эди. 1940 йилга ке-

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. III том. — Т., 1967, 622-бет.
[2] ЎзР МДА, 737-фонд, 2-рўйхат, 328-йиғма жилд, 65-варақ.

либ республика касаба уюшмалари ўз сафларида 600 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган эди[1], яъни 15 йил ичида Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзоларининг сони 6,5 баравар ортди. Тўғри, қишлоқ жойларида касабачилик ҳаракати кенг қулоч ёймаганди. Бу ерда асосан ер ва ўрмон ходимлари уюшмаси фаолият кўрсатарди, унга фақат ёлланма қишлоқ хўжалик ходимларигина бирлашган эди. Республика аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган деҳқонлар эса касаба уюшмаси «неъматлари»дан маҳрум эдилар.

Мамлакатда қарор топган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг раҳбар ўзаги ҳисобланган коммунистик партия касаба уюшмаларини қадамма-қадам ўз мақсадлари ва вазифаларига буйсундириб борди. Партия ҳукмронлиги мустаҳкамланиб борган сари касаба уюшмалари ёлланма ишчилар ва хизматчиларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашдан иборат ўзларининг азалий функцияларини бажаришдан, уларнинг ижтимоий муҳофазаланишига ёрдам беришдан маҳрум бўлиб бордилар. Охироқибатда, улар мутлақ ҳукмрон коммунистик партиянинг «дастёрига» айланиб қолдилар. Касаба уюшмалари маъмурий-буйруқбозлик тизимини меҳнаткашларнинг ҳар қандай «исёни»дан ҳимоя қиладиган, барча «зарба»ни ўзига оладиган воситага айланди. Мустабид тузум касаба уюшмаларига ижтимоий суғурта, меҳнаткашларнинг дам олиши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқаришини ташкил қилиш каби вазифаларни юклади. Партия улар зиммасига ишлаб чиқариш характеридаги — меҳнат унумдорлиги учун кураш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини арзонлаштириш сингари вазифаларни ҳам топширган эди. Касаба уюшмалари мустабид тузум шароитида омманинг меҳнат фаоллигини оширадиган ва улар ўртасида ҳукмрон партия йўлини ўтказадиган давлат тузилмасига айлантирилди.

Мустабид тузум ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаб боришга мунтазам эътибор қаратди. Ёшларни коммунистик мафкура билан заҳарлаш, уларни коммунистик жамият солдатларига айлантиришда коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол) муҳим роль ўйнади. Лекин комсомол партияга ва унинг ташкилотларига янада кўпроқ буйсундирилган эди. Партия уни ўзининг ёрдамчиси ва «жанговар резерви» деб ҳисобларди. Ўзбекистон комсомолининг сафлари юқори суръатлар билан ўсди ва 1940 йилда қарийб 400 минг кишини ташкил қилди[2]. Ҳолбуки, 1925 йилда унинг сафларида 30,2 минг аъзо бор эди. Партия қўмиталари комсомолни «синфий душман»га қарши курашда, «Ҳужум»ни, қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришни ва халққа сон-саноқсиз офатлар келтирган мустабид тузумнинг «социа-

---

[1] Ўша жойда, 1-фонд, 25-рўйхат, 377-йиғма жилд, 76-варақ.
[2] ЎзР ПДА, 15-фонд, 25-рўйхат, 3779-йиғма жилд, 9, 14-варақлар.

листик экспериментлари»ни маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан амалга оширишда ўзининг зарбдор муштига айлантирди.

Мустабид тузумнинг ғоявий раҳнамоси бўлган коммунистик партия меҳнаткаш халқни бутун имконияти билан турли хил сиёсий ва ижтимоий-оммавий ташкилотлар билан қамраб олиб, уларга мунтазам равишда ғоявий таъсир ўтказишга, уларни бир қолипда ушлаб туришга ҳаракат қилди. 20-йилларда Ўзбекистон деҳқонларини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган ташкилотлардан бири «Қўшчи» иттифоқи эди. 1925 йилда 157 минг кишини ўзига бирлаштирган оммавий «Қўшчи» иттифоқи ҳам Ўзбекистон деҳқонларининг оммавий ташкилотидан секин-аста қишлоқда мустабидчилик сиёсатининг тарғиботчисига айланди[1]. У 20-йилларнинг охирида қишлоқда большевиклар тузумининг аграр, иқтисодий ва маданий сиёсатининг, унинг қишлоқда синфий табақаланишини кучайтириш юзасидан деҳқонларга қарши қаратилган йўлининг оддий ижрочиси бўлиб қолди. «Қўшчи» иттифоқи секин-аста деҳқонларнинг оммавий ташаббускор ташкилотидан ўз сафларига, биринчи навбатда қишлоқ камбағалларининг энг қашшоқ қисмини бирлаштирувчи давлат сиёсий тузилмасига, ўта синфий ташкилотга айланиб борди, жамоалаштириш ва «қулоқлаштириш» даврида салбий роль ўйнади.

Республикада Марказ андозасида ташкил қилинган «Худосизлар иттифоқи», «Йўқолсин саводсизлик», МОПР (пролетар инқилобчиларнинг халқаро ташкилоти) ва бошқа ташкилотлар ҳам партия сиёсатини аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида амалга оширишда оддий воситачиларга айландилар.

Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизими қарор топиб мустаҳкамланиб бориши билан бир қаторда республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти муттасил сиёсийлаштирилиб ва байналминаллаштирилиб борилди ва ҳукмрон партия томонидан «социалистик қурилиш» ва мустабид тузумни мустаҳкамлаш вазифаларига буйсундирилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт шу қадар шиддат билан ўзгариб бордики, мавжуд ҳар бир масалага, муаммога сиёсий нуқтаи назардан қаралди. Бунинг натижасида миллийлик ўрнига амалда байналмилаллик устивор қилиб қўйилди, миллий қадриятлар, анъана, урф-одатлар оёқости қилинди. Асрлар бўйи мавжуд бўлиб келган диний байрамлар ва ана шундай байрамлар сифатида бир қатор халқ миллий байрамлари ҳам маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бекор қилинди, улар ўрнига «пролетар» байналмилал байрамлари тиқиштирилди.

Коммунистик партия ўрнатган ана шу мустабид тузумни, у амалга оширган «социалистик тажриба»ни маҳаллий халқ, аввало унинг илғор вакиллари зўр норозилик билан кутиб олдилар, улар халқнинг миллий маданиятини, анъаналари ва урф-

[1] ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4254-йиғма жилд, 12-варақ.

одатларини, кўп асрлик маънавий меросини сақлаб қолишга интилдилар, Марказнинг зўравонлигига қарши очиқ танқидий фикрлар билдирдилар. Советлар Иттифоқини ошкора равишда «қизил империя» деб атадилар, республика мустақиллигини қўлга киритишга ҳаракат қилдилар, Ўзбекистонда «социалистик ислоҳотлар» секин-аста, демократик йўллар билан, республиканинг муайян тарихий ва миллий-маиший шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши учун курашдилар. Ўз моҳияти билан мустабид империяча тузумга қарши миллий оппозиция (мухолифат) жамоат ва давлат арбобларини, ўқитувчиларни, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар ва шу кабиларни қамраб олди.

Бироқ мустабид тузум бошқача фикрлашга мутлақо тоқат қилолмасди ва унга қарши қатъий кураш олиб борди. 20-йилларнинг иккинчи ярми — 30-йиллар мавжуд тузумга мухолифатда турганларга қарши кенг қатағонлар ўтказиш даври бўлди. Республиканинг ватанпарварлик кайфиятидаги раҳбар ходимларни бирлаштирган «ғайрипартиявий» гуруҳлар («18лар гуруҳи», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик») бирин-кетин «фош этилди» ва бадном қилинди. 20-йиллар охири — 30-йиллар бошларида мустабид тузумнинг жазоловчи қиличи мустабид тузум кирдикорларига қарши фикр билдирган миллий ижодкор зиёлиларнинг кўпгина вакилларига зарба берди. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Саидносир Миржалилов, Маҳмуд Ҳодиев (Боту), Убайдулла Асадуллахўжаев, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Отажон Ҳошимов, Усмон Носир ва бошқалар қатағонга учради[1]. Фақат 1929 йил январдан 1933 йилгача мустабид тузум республика миллий зиёлиларнинг 217 вакилини — ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар ва ҳоказоларни қатағон қилди, улардан кўплари отилди[2].

«Иноғомовчилик» — мустабид Совет давлати жазо органлари томондан атайлаб тўқиб чиқарилган ва 1926—1931 йилларда бир қатор миллий раҳбар кадрлар ва зиёлиларни айбсиз қатағон қилинишига сабаб бўлган большевиклар режимининг бўхтонидир. «Иноғомовчилик»нинг сабабчиси Ўз КП(б) МҚ Ижроия бюроси аъзолигига номзод, Ўз КП(б) МҚ Матбуот бўлими мудири ва ЎзССР Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов эди.

Р.Иноғомов 1926 й. охирида «Ўзбекистон зиёлилари» рисоласини матбуотда эълон қилади. Унда «Октябрдаги ўзгариш ўзбек халқи учун кутилмаган воқеа бўлди ва унга ўзбек меҳнаткашлари тайёр эмас эди». Октябргача бўлган даврда «...рус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни зиёлилар ўйнаган», деган фикрни илгари суради. Шунинг-

---

[1] *Турсунов И.Й.* Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлол йўлидаги кураши тарихидан (1917—1930 йиллар): Тарих фанлари доктори... автореферати. — Т., 1995, 27-бет.

[2] *Узоқов Ҳ.* Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900—1940 йиллар): Тарих фанлари доктори... автореферати. — Т., 1996, 39—40-бетлар.

дек, Р.Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон компартиясини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётганликда, Марказнинг Средазбюро, СредазЭКОСО каби «назоратчи» органларини зўравонликда айблайди.

Р.Иноғомовнинг бу қарашларини Самарқанд, Фарғона, Тошкент округларидаги бир қатор партия ва совет идоралари раҳбар ходимларидан Н.Мавлонбеков. И.Исамуҳамедов, Шермуҳамедов, М.Алимов, Хўжаев, Бобоназаров ва бошқа фаоллар қўллаб-қувватлашади.

Р.Иноғомов «Қизил қалам» адабий жамиятининг мажлисига (1926 й. 10 декабр) раислик қилиш жараёнида Вадуд Маҳмудга сўз беради ва унга марксизм билан дин муносабатлари масаласида сўз юритишига «шароит туғдиради».

Ўз КП(б) МҚ ва ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Р.Иноғомов билдирган танқидий фикрларни ва унинг фикрига қўшилганларни партияга қарши «иноғомовчилик гуруҳи» деб сиёсий «тамға» осади ва уларга қарши республика партия ташкилотини оёққа турғазади.

1926 й. 12 декабрда бўлган Ўз КП(б) МҚ Ижроия бюроси «Р.Иноғомов фаолияти» ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, «иноғомовчилик»ни Ўзбекистон компартиясидаги «майдабуржуачилик, миллатчиликка томон оғиш» деб баҳолади ва республика партия ташкилотларида кенг муҳокама қилиб «иноғомовчилик»ка «баҳо бериш»ни топширади. Шунга биноан барча партия ташкилотлари (округ, район, шаҳар партия қўмиталари ва ҳатто партия ячейкалари) мажлисларида «иноғомовчилик» қораланади.

Средазбюро раиси И.Зеленский «иноғомовчилик» ҳақида ВКП(б) МҚга юборган ахборотномасида (1927 й. 13 январ) «Иноғомов бошчилик қилган элементлар» ҳеч қандай кучга эга эмас, лекин улар партияда ва омма орасида жиддий таянчга эга», деб ёзган эди. 1927 й. январ ойида «иноғомовчилик» масаласи ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросида махсус кўрилади. Унда «иноғомовчилик»нинг «троцкий-зиновьев оппозицияси билан ғоявий яқинлиги» «очиб берилади».

А.Икромов ўзининг 1927 й. 7 январда «Правда Востока» газетасида чоп этган «Партия учун кураш» мақоласида, ЎзКП(б) МҚнинг V Пленумида (1927 й. март) қилган маърузасида ва 1927 й. 11 майда халқ таълими масаласига бағишланган партия активида қилган «Маданий инқилоб вазифалари ҳақида»ги маърузасида Р.Иноғомовни «миллий оғмачилик» ва «миллатчилик»да айблайди.

ЎзКП(б) Марказий Назорат комиссияси Президиуми 1927 й. 16 октябрда Р.Иноғомов ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, уни партияга қарши гуруҳбозликда айблайди ва «қаттиқ хайфсан» эълон қилиб жиддий огоҳлантиради. 1927 й. қишида бўлган Ўз КП(б)нинг III съезди Р.Иноғомовни «ғоявий жиҳатдан» тор-мор қилинди деб ҳисоблайди ва уни Қашқадарё округининг энг чекка қишлоғида ишлаш учун юборади. Орадан маълум муддат ўтганидан сўнг 1930 й. 30 майда «Правда Востока» газетасида Р.Иноғомовнинг «очиқ хати» эълон қилинади. Унда «Партиянинг республикада миллий кадрлар борасидаги йўлини танқид қилганим нотўғри бўлган. Чунки мен партиянинг миллий сиёсатини, миллий кадрларни давлат ва партия ишларига жалб қилиш борасидаги фаолиятини яхши билмаганман», деб тавба қилдирилади.

Р.Иноғомов қарашларига қўшилган, уни давом эттирмоқчи бўлган Мавлонбеков, Эшонхўжаев ва Исомуҳамедовлар ҳам партиявий тазйиқ остига олинади. Чунки, улар Р.Иноғомов ишини давом эттириб, пахта етишти-

риш масаласида Марказ кўрсатмасини очиқдан-очиқ қоралаб, Ўзбекистонни СССРнинг «қизил мустамлакаси» деб атайдилар. 1931 й. 9 апрелда бўлган ЎзКП МҚ ва Марказий Назорат комиссияси Президиуми йиғилишида «Мавлонбеков, Эшонхўжаев ва Исамуҳамедовларни «иногомовчилик»да ва оғмачи гуруҳбозликда айблаб, уларга «қарши шафқатсиз кураш олиб боришни» топширади. Республикадаги барча партия ташкилотларида уларга қарши компания бошлаб юборилади. Йиғилишларда уларнинг хатти-ҳаракатларини фракцион, гуруҳбозлик деб тан олишга ва охир-оқибатда тавба-тазарру қилишга мажбур қиладилар.

«Иноғомовчиликни» Заки Валидий Тўғон ва Мустафо Чўқаевлар ўзбек коммунистларининг «Ўрта Осиё бюросига (Средазбюро) қарши дадил чиқиши» деб баҳолаган эдилар. М.Чўқаев Р.Иноғомовга Парижда чиқаётган «Яш Туркистон» мажмуасида иштирок этишни таклиф қилади.

«Қосимовчилик» — 1929—1930 йилларда советлар режими томонидан миллий кадрларни, зиёлиларни қатағон қилиш мақсадида атайлаб уюштирилган навбатдаги уйдирмаси эди.

1929 й. иккинчи ярмида ЎзССР Олий судининг раиси Саъдулла Қосимов қамалади. Большевиклар ҳукуматининг жазо органлари томонидан «тўқиб чиқарилган» айблов асосида бу ишга атайлаб сиёсий тус берилади. С.Қосимов билан бирга тарих ўқитувчиси Олимов, суд идораси ходимлари Мусабоев ва Спиридонов ҳам қамалади. Уларга «республикадаги миллатчи ташкилотлар билан алоқа қилганликда», гўё С.Қосимов «ўтиришларда» «аксилинқилобчилар» билан қўшилиб «миллатчилар партиясини тузиш ҳақида фикр билдирган», деган сохта ва асоссиз айблар қўйилади. Шунингдек, республика Бош прокурори Шарипов «панисломчиликда», тарих ўқитувчиси Олимов «миллатчи, аксилинқилобчи ғояларни тарғиб қилувчи босмачи» сифатида, Мусабеков эса, гўё «бирор-бир динни ҳақоратлаш жиноятдир» деганликда айбланадилар. Буларга қўйилган сохта айблар газеталарда атайлаб эълон қилиниб, халқ кўз ўнгида уларни «душманга» айлантирадилар. Ҳатто, ёлғон гувоҳлар-гача ўйлаб топадилар. Самарқанддаги 2-вино заводи ишчилари вакиллари судга келишиб «ишчилар номидан» судланувчиларни отиш керак деган талаб билан чиқишлари уюштирилади.

Натижада большевиклар режимининг «одил суди» сохта айблов ва сохта гувоҳлар берган кўрсатмага асосланиб С.Қосимов, Шарипов, Олимов, Мусабеков ва Спридоновларни отишга, қолганларини эса 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Қатагон балоси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмади, истибдоднинг оловида барча баравар ёнди. 20-йиллар охири — 30-йиллар бошларида деҳқонларга нисбатан ҳам мисли кўрилмаган қатағонлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш даврида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7 минги қатағон қилинган эди[1].

Большевиклар тузумининг 30-йиллар охирида ўз халқига нисбатан қилган қатагонлари айниқса кенг кўламда авж олди. Бир

[1] История коллективизации в союзных республиках. — М., 1969. С. 25.

туман ёки қишлоқ миқёсида бирорта раҳбар «халқ душмани»га айлантирилган бўлса, унинг «думи» сифатида яна 50—60 киши ўз юртидан бадарға қилинган ёки қамалган эди[1]. Шунинг учун ҳам қатағонлар республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ларзага келтирди, кишиларда доимий қўрқув, эртанги кунга ишончсизлик уйғотди. 1936 йилнинг охирида ўз конституциясида кенг ҳуқуқлар ва эркинликларни эълон қилган мустабид тузум орадан бир неча ой ўтгач оммавий террорни авж олдирдики, у ўзининг қонли панжалари билан Ўзбекистонни ҳам қамраб олди. Иттифоқнинг жазо органлари ва унинг республикадаги тузилмалари ҳеч бир айбсиз кишилар устидан сохта «ишлар»ни тўқиб чиқдилар, оммавий ҳибсга олишлар уюштирилди, минглаб жамоат арбоблари, йирик олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, хўжалик кадрлари, ишчилар, деҳқонлар, дин вакиллари ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа ташландилар. Коммунистик режим шу йўл билан мамлакатдаги ҳар бир миллатнинг энг илғор зиёли қисмини, мустабид тузум моҳиятини тушуниб етадиган қисмини йўқотишга ҳаракат қилди. Бу қабиҳликни амалга оширар эканлар, улар аввал ўз кабинетларида ўтириб ўнлаб сохта «аксилинқилобий ташкилотлар»ни ўйлаб топдилар ва уларни «фош этиш»га киришдилар, гўё улар империалистик давлатларнинг агентлари бўлган эмиш. Жумладан, 1937—1938 йилларда марказий ҳукуматнинг жазо органлари ва унинг республикадаги «назоратчилари» Ўзбекистондаги йирик аксилинқилобий тузилмаларни «фош этдилар» ва «тугатдилар», булар: республика раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев бошчилигидаги «Буржуа-миллатчилик аксилинқилобий ташкилоти маркази»; Абдурауф Қориев раҳбарлигидаги «Мусулмон руҳонийларнинг миллатчи-исёнчилар ташкилоти»; «Аксилинқилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази»; С.Хўжанов бошчилигидаги «Аксилинқилобий миллатчи қозоқлар ташкилоти»; «Бухоро ва Туркистон бахт-саодати» номли советларга қарши аксилинқилобий ташкилот; республика комсомоли МҚ котиби И.Ортиқов раҳбарлигида «Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти»; «Уйғурларнинг аксилинқилобий жосуслик-исёнчилик ташкилоти»; Мирзоян, Амельян ва бошқалар раҳбарлигидаги «Аксилинқилобий эсерлар жосуслик-қўпорувчилик ташкилоти»; «Инглиз жосуслик резидентураси»; «Япон жосуслик-қўпорувчилик резидентураси» эди. Эндиликда маълум бўлишича, буларнинг ҳаммаси тузумнинг жазо органлари кабинетларида атайлаб тўқиб чиқарилган бўлиб, ҳақиқатда бундай «аксилинқилобий ташкилотлар» республикада мутлақо бўлмаган экан.

---

[1] «Халқ сўзи». 2000, 13 май.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар



Акмал Икромов.

Акмал Икромов (1898—1938) — ўзбек халқининг давлат ва сиёсат арбоби.

А.Икромов 1898 йил Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласида Икром домла оиласида туғилди. Отасининг мактабида савод чиқарди. У 1918 йилда Тошкент ва Наманган шаҳарларида ўқитувчилик қилди. А.Икромов «Изчилар» тўдаси ва «Чиғатой гурунги»нинг аъзоси сифатида дастлаб совет тузумига қарши мақола ва шеърлар ёзди. У шеърларига Элхон тахаллусини қўллади (1919 й.). 1919—1920 йилларда Фарғона, Сирдарё вилоятларидаги партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. 1921 йилда Туркистон КП МҚ котиби лавозимига сайланган А.Икромов 1922—1924 йилларда Москвада ўқиди ва коммунистик ғоялар билан қуроллантирилди. Айнан Москвада олган ана шу коммунистик сабоқ А.Икромов сиёсий фаолиятининг кейинги даврини ва йўналишини олдиндан белгилаб берган эди.

1925 йил февралда А.Икромов ЎзКП МҚнинг масъул котиби, 1929 йилда МҚнинг биринчи котиби лавозимларига тайинланади. Ўзбекистон коммунистларининг етакчиси бўлган А.Икромов ўзининг фаолияти давомида совет ҳокимияти сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти, мажбурий жамоалаштириш, «қулоқларни синф сифатида тугатиш» каби тадбирларда фаол иштирок этди ва раҳбарлик қилди. Айни шу йилларда матбуот саҳифаларида ҳурфикрликка йўл берилиб, туркийлик, истибдод хусусида муайян фикрлар кўрина бошлаганда компартиянинг масъул котиби сифатида А.Икромов «Сиёсий кўрлармиз» деган мақола билан чиқиб, шундай «оғмачиликлар»ни кескин қоралайди. Натижада бир қатор миллий зиёлиларнинг қатағон бўлишига майдон ҳозирлайди. А.Икромов «иноғомовчилик»ка қарши бир неча бор чиқишлар қилиб, уларни «миллий оғмачиликда» ва «миллатчиликда» айблайди. 1927 йил октябрда Самарқандда бўлган ЎзССР маданият ходимларининг иккинчи қурултойида А.Икромов «Мафкуравий жабҳадаги кураш ва маданият ходимларининг вазифалари» мавзусидаги маърузасида миллий тараққийпарварларнинг ўша машъум илк қатағони учун ғоявий замин яратиб берган эди. Шундан сўнг 1929 йилда Мунаввар Қори бошлиқ тараққийпарварлар жисмоний қатағонга учрадилар. 20-йилларнинг охири — 30-йиллар ўрталарида бўлган бир қатор қатағонлар учун А.Икромов ҳам жавобгардир.

Бироқ большевиклар режимига сидқидилдан хизмат қилган А.Икромовни ҳам мустабид тузум қатағонлари аяб ўтирмади. У 1937 йил сентябрда Тошкентда ҳибсга олинади. Лекин шундай бўлса-да, у ўзининг ғоявий эътиқоди — марксизм-ленинизмдан қайтмади. Ана шундай коммунистик эъти-

қод соҳиби А.Икромов 1938 йил март ойида Москвада коммунистик ғоя «ниқоби»га ўралган мустабид тузум томонидан отиб ташланади.

А.Икромов бир қатор назарий мақолалар ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига бағишланган китоблар муаллифидир.

Сохта «ишлар» тўқиб чиқарилгани, ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда жазо органлари томонидан қамоққа олишлар амалга оширилгани ҳақида Ўзбекистон КП(б) МҚ биринчи котиби Усмон Юсупов Москвага қуйидагиларни ёзган эди: «Халқ комиссарлари органлари (НКВД кўзда тутилмоқда. — *Таҳририят*) фаолиятида жуда катта камчилик ва қонунбузарликка йўл қўйилмоқда... Оммавий қамоққа олишларга зўр берилган, кўп ҳолатларда улар етарли даражада асосланмаган. Ички ишлар халқ комиссарлигида, унинг районлардаги бўлимларида, хатто, энг кўп қамоққа олиш учун мусобақа эълон қилинди... Бу эса етарли даражада асосланмай қамашларга кенг йўл очди»[1]. *Мамлакатда тоталитаризм мустаҳкам қарор топган ўша вақтда ВКП(б) МҚга, шахсан Сталинга шу мазмунда хат ёзиш жасорат эди.*

Бироқ Усмон Юсуповнинг бу хатига Марказдаги сиёсий раҳбарият эътибор бермади. Аксинча, 30-йиллар охирига келганда, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам қатағонлар янада авж олди.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Усмон Юсупов (1900—1966) — давлат арбоби.

У.Юсупов 1900 йил 1 мартда Фарғона вилоят, Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида батрак оиласида дунёга келди. 1916 йил у Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри)даги пахта тозалаш заводида шиббаловчи бўлиб ишлади ва турли жамоатчилик ишларида фаол қатнашди.

У.Юсупов 1929—1931 йилларда Ўзбекистон Компартияси МҚ котиби, 1931—1937 йилларда ВЦСПС Ўрта Осиё бюросининг раиси, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимларида ишлади. 1937—1950 йилларда, яъни 13 йил давомида Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби, 1950—1953 йилларда СССР пахтачилик министри, 1953—1954 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси каби масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатди.



Усмон Юсупов.

[1] «Қизил Ўзбекистон». 1938, 28 декабр.

Лекин, 1954 йилнинг охирида СССР ҳукумати ва партия бошлиғи бўлган Н.Хрушчевнинг буйруғи билан У.Юсупов республика ҳукумати бошлиғи лавозимидан олиб ташланди. У 1955—1966 йиллар давомида «4-Боёвут» ва «2-Боёвут» пахтачилик совхозлари ҳамда Янгийўл туманидаги «Халқобод» аграр саноат бирлашмаси директори лавозимларида ишлади.

У.Юсупов республика раҳбари бўлиб ишлаган йилларда унинг ташаббуси асосида Ўзбекистонда халқ хашари йўли билан йирик сув иншоотлари қурилди (Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори ва б.). Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг ғарбий районларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган йирик корхоналарни тезлик билан жойлаштириш ва ишга тушириш, янги корхоналарни қуриш, фронтни озиқ-овқат, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашда, ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда, РСФСР, Украина, Белоруссиядан келган, уруш туфайли бошпанасиз қолган аҳолига, ота-онасиз қолган юз минглаб болаларга меҳрибонлик ва ўзбекларга хос бўлган юксак инсонпарварлик сифатларини кўрсатишда У.Юсупов бош-қош бўлди. У.Юсупов даврида Ўзбекистон аграр республикадан аграр-индустриал республикага айланди.

Бироқ У.Юсупов ўз фаолияти давомида жиддий хатоликларга ҳам йўл қўйди. У.Юсупов «қатағонлар асоссиз равишда» бўлаётганлигини айтишга ҳаракат қилди. Лекин, мустабид тузум унинг бу ҳаракатини инобатга олмади, олиши ҳам мумкин эмасди. Афсус, барча миллий раҳбарлар қатори У.Юсупов ҳам коммунистик ғояга ўта ишонганлиги сабабли мустабид тузумнинг асл моҳиятига умрининг охиригача тушуниб етмади. У.Юсупов 1966 йил 7 майда Тошкент шаҳрида вафот этди.

«Қизил террор» ўша даврда қанчалик оммавий тус олганлиги ҳақида қуйидаги маълумотлар далолат беради: 1936 йилнинг охиридан 1940 йилгача бўлган даврда республика бўйича ёзувчилар, журналистлар, давлат, жамоат арбоблари ва ҳоказолардан 5.758 киши қамоққа олинган, улардан 4.811 киши отиб ташланган[1]. Ўйлаб чиқарилган сохта айбловлар бўйича Ўзбекистонда 1937—1939 йилларда ҳаммаси бўлиб 41 мингдан зиёд киши қамоққа олинган, улардан 37 мингдан ортиқ киши жазоланган, 6 минг 920 киши эса отиб ташланган[2].

Шундай қилиб, 30-йилларнинг охири бутун Иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам мустабид тузум бошлаган репрессиянинг мислсиз бебошликлари, оммавий «қизил террор»нинг ваҳшийликлари билан нишонланди ва ўзбек халқи тарихида энг фожиавий саҳифаларни ташкил этди.

2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДАГИ ЗИДДИЯТЛАР

Миллий-ҳудудий чегараланишдан кейин аграр ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1924—1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқатли бўлган аҳолисининг 85%и банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун

[1] *Узоқов Ҳ.* Кўрсатилган асар, 40-бет.
[2] «Правда Востока». 1991, 15 сентября.

ялпи маҳсулотнинг қарийб 80%ини ташкил этарди. Саноатнинг 90%и қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди[1]. Бундай шароитда аграр ислоҳотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

20-йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволида бир оз силжишларга эришилди. Сабаби янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан деҳқон эркинроқ нафас олаётган эди. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларига ортиқча маҳсулотларини сотиш, қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш имконини берди. Натижада деҳқон хўжаликларини товар билан таъминланиши ошди, аҳолининг турмуш даражаси бирмунча кўтарилди. Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигини тиклашга доир асосий масалалар ҳали ечилмаган, вазият мураккаблигича қолаётган эди. 1924 йилда деҳқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7%инигина ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2%ини ташкил этарди[2].

Қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг устивор омилларидан бири ўша даврда кенг миқёсли аграр ислоҳотни авж олдиришдан иборат эди. Уни амалга оширишнинг зарурлигини вужудга келган муаммоларнинг кескинлиги тақозо қиларди. 1921—1922 йиллардаги ер ислоҳотига қарамасдан, ўзбек қишлоқларида ҳали олдинги мустамлакачилик даврига хос бўлган кўпгина ўзига хос хусусиятлар, биринчи навбатда, кам ерлилик ва ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8%ни ташкил этарди[3].

Ўзбекистон қишлоқлари ўзига хос майда ва тарқоқ ер участкаларига бўлинганлиги билан ажралиб туради. Майда деҳқон хўжаликлари асосан азалдан суғориладиган кичик ҳудудларда, кўпроқ Фарғона водийсида, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм воҳаларида тўпланган эди. Агротехниканинг ўта оддийлиги, ирригация тизимининг танг ҳолатдалиги, маблағларнинг камлиги янги ерларни жадал ўзлаштириш имконини бермаган эди. Буларнинг ҳаммаси ер масаласининг кескинлашувига олиб келди.

Камбағал деҳқонлар ва бадавлат қатламлар ўртасида большевик маъмурлар томонидан атайлаб авж олдирилган синфий қарама-қаршилик тангликнинг янада кучайишига сабаб бўлди.

Ер масаласи билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг товарлик хусусиятини ошириш муаммоси ҳам кескин бўлиб ту-

---

[1] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 16-варақ.
[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 788-йиғма жилд, 141-варақ.
[3] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3097-йиғма жилд, 122-варақ.

рарди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, аграр ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, ишлаб чиқариш муносабатларида феодал-патриархал шаклларининг устунлиги иқтисодий ўсиш жараёнларига, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигининг ошишига тўсқинлик қиларди. Бу эса, аграр муносабатларни тубдан янгилаш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш зарурияти етилганлигини англатарди. Барча ривожланган мамлакатлар ана шу босқични ўтганлар. Чунки биринчи бор «буржуа инқилоби» қўйган аграр вазифани ҳал қилмай туриб, чуқур бозор ислоҳотларини амалга оширишга йўл очиш мумкин эмасди. Афсуски, аввалбошданоқ большевиклар белгилаган аграр ислоҳотлар негизида чуқур назарий ва услубий хато ёндашувлар мавжуд эди.

Ҳокимият органлари, аграр ислоҳотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, «капиталистик мамлакатлар»да деҳқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини остонаданоқ инкор этдилар. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг хаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўравонликни танладилар. Чунки янги иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» даври учун хос бўлган усулларни бирмунча юмшатган бўлсада, умумий стратегик йўл ўзгармасдан қолган эди.

Большевиклар раҳбариятининг мулоҳазаси бўйича ислоҳот ўзбек қишлоқларининг социалистик ривожланиш йўлига қатъий тушиб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши, мафкура таъсирига олинган қишлоқ иқтисодиётининг таянч негизларини вужудга келтириши лозим эди.

«Аграр инқилоб»нинг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон компартиясининг II съездида (1925 й. ноябр) тасдиқланди. Съезд қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ер ислоҳоти шундай аҳволни таъминлаши лозим эдики, унда «хусусий мулкчилик муносабатлари... давлатнинг социалистик иқтисодиёт таъсирига бўйсундирилиши керак» эди[1].

Съезд дарҳол «Ўзбекистон ССР (ҳудуди) доирасидаги ер ва сувни национализация қилишга киришиш, ердан фойдаланувчи йирик хўжаликлар гуруҳи...»ни тугатишга даъват этди. «Меҳнаткаш» деҳқонларнинг ҳақиқатда доимий ёлланма ишчилар ва чорикорлар жалб қилмасдан ишлов берадиган майдонлари» уларга бириктириб қўйиладиган ер нормаси деб эълон қилинди. Бошқача айтганда, съезд деҳқонларни қатъий синфий позициядаги янги иқтисодий муносабатларга жалб қилишга интилди. Бундай икки томонламалик республика даражасида авж олиб

---

[1] Ўз КП(б) II съезди. Стеногр. ҳисоботи (1926 йил 22—30 ноябр). — Самарқанд, 1926, 143-бет.

кетган «бозор тарафдорлари» ва «ғайри бозорчилар» курашини акс эттирар эди. Бу курашда ўша йиллардаги мамлакат ҳаёти учун хос бўлган ўзаро боғлиқ бўлган икки жараён: бозор иқтисодиётини бузишга қаратилган йўл ва уни давом эттиришга қаратилган йўл ўз ифодасини топган эди.

Ер-сув ислоҳоти билан янги иқтисодий сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик даражаси масаласида умумлаштирилган ёндашув «18лар гуруҳи» нуқтаи назарида яққол намоён бўлди. У республиканинг 18 нафар масъул партия ва совет ходимларини ўз ичига олган эди (улар орасида ЎзССР Ер ишлари халқ комиссари И.Хидиралиев, Ички ишлар халқ комиссари Рафиқов ва бошқалар бор эди). ЎзССР ХКК раиси Ф.Хўжаев бу гуруҳга очиқ қўшилмаган бўлса-да, уларга ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилади.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар

Иномжон Ҳидиралиев (1891—1928) — давлат ва жамоат арбоби.

И.Хидиралиев 1891 йил Фарғона вилояти Наманган уезди Поп волости Исковат қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1903—1905 йилларда Попдаги, 1906—1907 йилларда Қўқондаги рус-тузем мактабида ўқиди. 1909—1917 йилларда Ўш ва Жалолобод шаҳарларида Бозорқўрғон ва Қўрғонтепадаги приставларда котиблик ва тилмочлик қилди. 1917 йил ноябрида уни Ўш шаҳар думасига аъзо қилиб сайлашади.

И.Хидиралиев 1919 йилдан бошлаб турли совет идораларида масъул лавозимларда меҳнат қилади. 1920 йил Қўрғонтепада туман инқилобий қўмита раиси, Фарғона вилояти партия қўмитаси раиси бўлиб ишлади. 1922 йил февралда Туркистон АССР Ер-сув ишлари халқ комиссари этиб тайинланди. У ўлкада пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик соҳасини қайта тиклаш борасида катта ишлар қилди. У Туркистон АССР МИҚ раиси (1922—1924), Туркистон АССР МИҚ ва ХККнинг РСФСРдаги Мухтор вакили (1924 й. январ—ноябр) бўлиб ишлади. И.Хидиралиев 1924 йил апрел-августда Лондонда бўлган Совет-Англия музокараларида иштирок этди. У бу лавозимларда ишлаган пайтда Туркистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилди. Ф.Хўжаев, Т.Рисқулов, Қ.Отабоевлар билан ҳамкорликда большевикларнинг шовинистик сиёсатини изчиллик билан фош қилди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қаради. У «ўн саккизлар гуруҳи»нинг ташкилотчиларидан бири эди (1925 й.), 1926 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги банки правления раиси лавозимида ишлади.

И.Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини амалга оширишда халқ комиссари сифатида фаол қатнашди. У большевиклар томонидан ўтказилаётган «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсатига қарши чиққан эди. Пахтакор деҳқонларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди.

Бироқ мустабид тузумнинг унга ўтказган руҳий тазйиқлари ва доимий таъқиб остига олишлари таъсир қилмасдан қолмади. И.Хидиралиев 1928 йил 31 декабрда Москвадаги «Национал» меҳмонхонасида ўз жонига суиқасд қилди.

Улар ердан баравар фойдаланиш амалиётидан эҳтиёт бўлишни, товар-пул муносабатлари имкониятидан тўлароқ фойдаланишни, бадавлат деҳқонларга авайлаб муносабатда бўлишни, барча жойларда аграр ислоҳотнинг боришида ўлканинг ўзига хос томонлари ҳисобга олинишини таклиф қилган эдилар. Бироқ уларнинг огоҳлантириши коммунистларнинг ортодоксал кайфиятдаги қисми томонидан ғазаб-нафрат билан кутиб олинди. «Гуруҳ» аъзолари «бой-қулоқ» ер эгалигини, феодал тартибларни сақлаб қолишга интилишда ва маҳаллий миллатчилик томонига оғишда айбланди. Бундай ёндашув ер тузилиши вазифаларини ҳал қилишда янги иқтисодий сиёсатнинг соғлом имкониятларидан фойдаланиш мумкинлигини сезиларли равишда чеклаб қўйди.

Ўзбекистон КП II съездининг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ 1925 йил 2 декабрдаёқ ЎзССР МИҚнинг фавқулодда сессиясида «Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида» декрет қабул қилинди. Айни вақтда республика советлари МИҚнинг ер-сув ислоҳоти ҳақидаги декрети эълон қилинди, унда ерни тортиб олиш шарт-шароитлари ва аграр ислоҳот босқичлари белгилаб берилган эди. Хусусан, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги 50 дес.дан ортиқ ери бор «помешчик типи»даги хўжаликлар ва Фарғона вилоятидаги 40 дес. ери бор хўжаликлар мусодара қилиниши кўзда тутилган эди. 7—10 дес.дан ортиқ ери бор хўжаликлар эса қисқартирилиши лозим эди[1].

Ислоҳотни ғоявий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун марказий партия-давлат комиссияси, жойларда эса вилоят, уезд ва волость комиссиялари ташкил этилди, улар ишончли партия-совет ходимларидан тузилган эди.

Ислоҳот бошланишига қадар Ўзбекистоннинг барча минтақаларида фаол ташвиқот-тарғибот ишлари авж олдириб юборилди. Ҳамма жойда «Қўшчи» иттифоқи аъзоларининг йиғилишлари, махсус қишлоқ йиғинлари бўлиб ўтди, уларда фаол чорикорлар, мардикорлар, ерсиз деҳқонлардан иборат ислоҳотга кўмаклашиш ячейкалари сайланди. Улар ёрдамида барча тоифадаги хўжаликларнинг рўйхатлари тузилиб, ерга муҳтож бўлганлар сони аниқланди, «ортиқча» иш ҳайвонлари ва зўрлик билан тортиб олиниши лозим бўлган «меҳнат билан шуғулланмайдиган» хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик асбоблари ҳам ҳисобга олинди.

Ҳокимият тузилмалари деҳқонларнинг камбағал қатламларини қишлоқнинг бадавлат гуруҳларига гиж-гижлатиш йўли билан барчани тенглаштириш кайфиятига таъсир этиш ва синфий нафратни авж олдиришга интилдилар, синфий тўқнашувлар келтириб чиқардилар. Бу нарса партия ҳужжатларида «син-

[1] «Правда Востока». 1925, 10 декабря.

фий табақаланишга ёрдам бериш» деб аталди. Қисқаси, партия қишлоқда совет ҳокимиятига қарши бўлган табақани, совет давлатига хайрихоҳ бўлган камбагал деҳқонлар табақаси қўли билан йўқотишга ҳаракат қилди.

Ўртаҳол деҳқонларга бирмунча эътибор берилди, сабаби улар ислоҳотни ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан кутиб олган эдилар, чунки улар ислоҳот натижасида ўзларининг чек ерларидан ажраб қолишдан чўчир эдилар. Ҳолбуки, ўртаҳол деҳқонлар қишлоқда асосий куч бўлиб, ислоҳотнинг бутун бориши ўртаҳол деҳқонлар қайси табақадан келиб чиққанига ва қайси қатламларга қўшилишига боғлиқ эди. Шу сабабдан ҳам большевиклар ўртаҳол деҳқонга устамонлик билан муносабатда бўлди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, партия уларни ўз томонига оғдиришга интилди. Ўша йиллардаги партия ҳужжатларида ўрта қатламларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишни намойиш қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Ўртаҳол деҳқон «иқтисодиётни ривожлантиришда... ва ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини амалга оширишда асосий, марказий фигура»[1], деб эълон қилинди. Уни мулкий манфаатлардан халос қилишга доир чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, республика бўйича ўртача «меҳнат учун ердан фойдаланиш» нормаси 4 дес.гача қилиб белгиланди. Хўжаликда иккита отга эга бўлишга рухсат этилган эди.

Модомики шундай экан, аграр ислоҳот «синфий зарбаси»нинг бутун кучи гўё йирик ер эгалигига қарши, «помешчик» типидаги хўжаликларни тугатишга қаратилгандек эди. Бироқ, ҳақиқий ҳаёт бу хилдаги талқинни рад этарди.

Албатта, Ўзбекистонда йирик ер эгаликлари бор эди. Бироқ большевиклар тасаввуридаги Россиядаги каби «помешчик»лар республикада йўқ эди. «Инқилобдан олдинги» Туркистон ҳудудида помешчик ер эгалиги умуман тарқалмаган, мазкур тоифага киритилган хўжаликлар эса асосан 1918 йилдаёқ тугатилганди. 1925—1929 йиллар давридаги ислоҳотларнинг боришида ери тортиб олинган хўжаликлар ер участкаларининг ҳажми ва бошқа курсаткичлар бўйича мутлақо помешчик хўжаликлари тоифасига киритилиши мумкин эмасди. Лекин шартли равишда (маҳаллий ўзига хосликни эътиборга олганда) уларни кўпроқ қулоқ хўжаликлари билан қиёслаш мумкин эди. Чунки «инқилобдан олдинги» Россиядаги ўртача помешчик хўжалиги қарийб 500 дес. ҳайдаладиган ерга, қулоқ хўжалиги эса 16—20 дес. ерга эга эди. Урта Осиё минтақасида (округига қараб) 10—15 десятина ерга эга бўлган хўжалик бой хўжалиги деб ҳисобланар эди[2]. Аслида, Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти ана шу бой деҳқонлар ёки қулоқ хўжаликларига қарши қаратилган эди.

---

[1] КП Узбскистана в резолюциях и решениях... Т.I. С.139.
[2] У ш а ж о й д а, 137-б.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи бадавлатроқ ўрта деҳқонларнинг бир қисми ҳам мусодара қилинувчилар қаторига қўшилди. Чунки Ўзбекистон коммунистларнинг II съездида қабул қилинган «Ер ислоҳоти тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ердан фойдаланиш «нормаси қисқартириладиган бой гуруҳига» ёлланма меҳнатни татбиқ қилган барча хўжаликлар ҳам киритилган эди[1]. Ҳолбуки, Ўрта Осиёдаги батракларни ёллаш, гапнинг пусткалласини айтганда, деҳқоннинг Россиядаги каби қулоқларга ижтимоий алоқадорлигини кўрсатувчи белги эмасди. Ғўзага ишлов бериш сермеҳнат жараён бўлиб, унинг уддасидан чиқиш учун ҳатто камбағал деҳқон ҳам баъзан мардикор ёлларди.

1925—1929 йиллар ислоҳоти оммавий жамоалаштириш (коллективлаштириш) йилларида амалга оширилган «қулоқлаштириш» сиёсатини маълум даражада бошлаб берган эди. Жамоалаштиришни ўтказиш жараёнида, худди «буюк бурилиш» даврида бўлгани каби, шахсий уч олиш, зуравонлик кўрсатиш каби кўпдан-кўп ҳолларга йўл қўйилган эди. Бунда совет ҳокимиятининг шу йиллардаги барча органлари учун хос бўлган «инқилобий-бюрократик» тафаккур мантиқига мувофиқ миқдорий кўрсаткичлар ортидан қувиш, «экспроприация» қилина-



Бой хўжалиги чорва моллари ва ишчи ҳайвонларини мусодара қилиш. Фарғона, 1925 йил.

[1] Қаранг: *Аминова Р.Х.* Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. — Т., 1995, С. 13.

диганлар рўйхатига иложи борича кўпроқ хўжаликларни киритишга интилиш авж олиб кетди. Масалан, агар дастлабки режага кўра 1925 йилда бутун Фарғона вилоятида 155 та хўжаликни тугатиш мўлжалланган бўлса, 1926 йилнинг 15 январига келиб, режадаги мулжаллар 3,5 баравардан кўпроқ бўлиб чиқди. Тугатилган хўжаликлар сони 575 тага етди[1]. Бу хилдаги манзара ҳамма жойда мавжуд эди. Натижада «экспроприация қилинадиганлар» жумласига кўп ҳолларда ўртаҳол деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто қишлоқ камбағал хўжаликлари ҳам кириб қолган эди. Вақф ер эгалигига жиддий путур етказилди, диний мактаблар, мадрасалар ва бошқа муассасаларни таъминлашга ишлатиладиган диний ташкилотлар ерлари, мол-мулки мусодара қилинди.

Ислоҳотнинг яққол ифодаланган синфий йўналиши, уни ўтказишда экстремистик тажрибага асосланиш, қишлоқдаги сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштирди. Ҳамма томондан таъқиб остига олинган бадавлат деҳқонлар ер комиссияларига қаршилик кўрсатишар, ер ва қишлоқ хўжалик асбобларини яширишар, қўлларида қурол билан ислоҳотга қарши курашардилар.

Давлатнинг бутун қудрати «қулоқ-бой унсурлар»га қарши курашга қаратилди. Масалан, 1926 йилда ЎзССР Советлари МИҚ Жиноят кодексининг 80-моддасига қўшимча киритди, унда ер майдонини яширган ёки қишлоқ хўжалик асбоблари сони ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун 3 йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилиниши назарда тутилган эди. Бу ишларнинг барчаси Адлия халқ комиссарлигининг махсус расмий хатига кўра «ниҳоятда шошилинч ва ҳеч қандай навбатсиз» қараб чиқилар, улардан энг характерлилари намунали суд жараёнларида кўриларди[2].

Маъмурларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари қишлоқ аҳолисининг жуда кенг қатламлари орасида, ҳатто деҳқонларнинг энг камбағал қисмлари орасида қораланди. Камбагал деҳқонларнинг айримлари ахлоқий ва диний қоидаларга амал қилиб, яқин кишиларидан тортиб олинган ерларни олишдан бош тортдилар. Мисол учун, Самарқанд уездининг Оқтош қишлоғи камбагаллари қишлоқ йиғинида «бегонанинг еридан фойдалангандан кўра очликдан ўлганимиз афзал», дедилар[3]. Бироқ, маъмурлар бу хилдаги «ислоҳотга қарши» кайфиятларга қатъиян зарба берардилар.

Умуман, Ўзбекистон бўйича 1925—1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти натижасида «помешчик типи»даги 1492 та хўжалик тугатилди. 27992 та хўжаликнинг ери тортиб олинди ёки қисқар-

---

[1] «Қизил Ўзбекистон». 1926, 28 январ.
[2] «Қизил Ўзбекистон». 1926, 25 декабр; 1926, 5 март.
[3] «Правда Востока». 1925, 30 декабря.

тирилди[1]. 89492 та ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликлари чек ерлари олишди[2].

Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлган 1925—1929 йиллар аграр ислоҳоти ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зиддиятли тусда эди. Ислоҳот натижасида, бир томондан, ерсиз камбагал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, иккинчи томондан, асрлар мобайнида ўзбек қишлоқларида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятлар бузилишини бошлаб берди. Натижада ислоҳот ўзбек қишлоқларининг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилишига ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришлар киритди.

Аграр ислоҳот натижасида кўпгина камбағал хўжаликлар ер олгач, фаол товар ишлаб чиқарувчиларга айландилар, хўжалик юритишнинг натура шаклларидан бозор шаклларига ўта бошладилар. Ўртаҳол деҳқонларнинг хўжалик самарадорлиги кўтарилди. Буларнинг ҳаммаси республика қишлоқ хўжалигининг товар даражасини ўсишига, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари, қисман бўлса-да, ривожланишига ёрдам берди.

Шу билан бирга аграр ўзгаришлар стратегиясига синфий-мафкуравий ёндашув сиёсати ер ислоҳотидаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга йўл қўймади. Хусусан, у сақланиб қолган «феодал-патриархал» муносабатларга зарба берса-да, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан тўлиқ таъминлай олмади. Ислоҳот жараёнида шаклланган кам қувватли хўжаликлар тортиб олинган 474893 дес. ер фондидан бор-йўғи 10%ини олдилар, холос[3]. Камбағаллар қатлами ислоҳотдан кейин ҳам кўпчиликни — умумий деҳқон хўжаликларининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этарди. Мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми эса колхоз ва совхозларга берилди.

Ер ислоҳоти ўзининг бутун мазмуни билан бадавлат хўжаликларни чеклашга ва қишлоқда синфий курашни авж олдиришга қаратилган эди. Бу йўл қишлоқдаги мулкдорларга қарши террорни авж олдиришда, «қулоқлар»ни тугатишда ўз ифодасини топди. Натижада, ислоҳот тамом бўлгандан кейин қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатлами улуши 1,4%ни ташкил этди, холос. Булар асосан 5—10 дес.дан ерга эга бўлган ва шу билан бирга ишчи кучи, от-улов ва қишлоқ хўжалик асбоблари билан етарли даражада таъминланмаган деҳқонлар эди.

Ислоҳот жараёнида ерни ижарага олишнинг мавжуд иқтисодий имкониятлари сезиларли равишда секинлашди. Ерни ижарага олишнинг синфий жиҳатдан қоралаш йўли шунга

---

[1] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 5565-йиғма жилд, 34—35-варақлар.

[2] Российский Государственный Экономический архив (РГЭА), ф. 77, оп. 3. д. 543, л. 1.

[3] ЎзР ПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 584-йиғма жилд, 94—95-варақлар.

олиб келдики, у амалда барҳам топа бошлади. Масалан, ислоҳотга қадар 42,4% хўжалик ерни ижарага олган бўлса, ислоҳотдан кейин бор-йўғи 5,7 % хўжалик ерни ижарага оладиган бўлди[1].

Вақф ерларининг мусодара қилиниши, улар мачитлар, мадраса ва мактабларни иқтисодий жиҳатдан таъминловчи восита эканлигини ҳисобга олмаслик мусулмонлар диний ҳистуйғуларини таҳқирлашга олиб келди. Бунинг устига диний муассасаларнинг иқтисодий негизига путур етказилиши, руҳонийларнинг жамият ҳаётидаги ролини пасайтириб юборди. Диний масаладаги сўл оғмачилик нафақат диний арбоблар, шунингдек, диндор деҳқонларнинг ҳам ижтимоий норозилигини кучайтирди.

Коммунистик партиянинг ер-сув ислоҳотларини ўтказишдан мақсади камбағал деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаб, унинг иқтисодий аҳволни яхшилаш эмас эди. Унинг асосий мақсади, аввало қишлоқда «социалистик ижтимоий тузум»нинг моддий асоси бўлган жамоа бўлиб, хўжалик юритиш шаклларини ривожлантиришдан иборат эди. У деҳқонларнинг ерга, меҳнат асбобларига, иш ҳайвонларига, кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш ўрнига жамоа хўжаликлари ташкил этиш суръатларини жадаллаштиришга, аграр тармоқдаги «социалистик сектор»ни мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу билан аграр ислоҳот ер-сувни национализация қилишни асосан тугаллаб, қишлоқ хўжалигини давлат монополиясига олиш учун моддий шарт-шароитлар яратди.

Мамлакат сиёсий раҳбарияти кооператив ҳаракатни авж олдиришни деҳқон хўжаликларини «социалистик ривожлантириш» йўлига ўтказишнинг таъсирчан воситаси деб ҳисоблади.

Кооперация ўзига хос синфийликдан ташқари хусусиятга эга эканлигини айтиб ўтиш ҳам муҳимдир. Объектив жиҳатдан олганда, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида кооперация қишлоқда бозор муносабатларини тиклаш ва хўжалик ҳаётини жонлантириш борасида муҳим воқеа бўлди. Бироқ кооперация аҳолини мустақил, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқарувчи субъектлар сифатида ташкил этган тақдирдагина ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди. Афсуски, коммунистик раҳбарият кооперация орқали қишлоқ оммасини социалистик қурилишига жалб қилишга интилиб, кооператив ҳаракатга бозор иқтисодиётига ёт бўлган сиёсийлашган унсурларни киритди, кооператив бирлашмаларнинг иқтисодий ва ижтимоий мустақиллигини чеклаб қўйди. Буларнинг ҳаммаси хўжалик юритишнинг кооператив принципларини сийқалаштириб юборди.

Кооператив қурилиш амалиётида соғлом негизлар 20-йилларнинг ўрталарида анча тўлиқроқ намоён бўлганди, бу вақт-

[1] Советское крестьянство. — М., 1973, С. 199.

да янги иқтисодий сиёсат ҳали ўз ҳолича амалга оширилаётган эди. Янги иқтисодий сиёсат йилларида давлат билан кооперациянинг муносабатлари кўп жиҳатдан иқтисодий негизга қўйилди, дастлаб қишлоқ аҳолисини ихтиёрий равишда кооперациялаш принципи қўлланилди. Шу билан бирга, бозор хўжалиги ҳали етарли иқтисодий қудратга ва тажрибага эга бўлмаса ҳам, қишлоқдаги майда ишлаб чиқарувчилар кооперативларга бирлашишдан манфаатдор эдилар, чунки улар шу йўл билангина кескин бозор рақобатида хусусий мулкдорларга қарши тура олар эдилар. Ўз навбатида давлат ўз мақсадларини кўзлаб, қишлоқ кооперативларини деҳқон хўжалиги учун фойдали бўлган шартлар асосида кредитлар билан, ишлаб чиқариш-тайёрлов ташкилотларининг тармоқларини авж олдириш билан қўллаб-қувватлаб турди, у кооперативлардан етиштирган маҳсулотларини сотиб олар ва сўнгра бошқа ижтимоий-мафкуравий таъсир кўрсатиш чораларини ишга соларди. Булар қишлоқда кооперациянинг жадал ўсишига ёрдам берди. 1927 йилга келиб кооперацияларга бирлаштирилган деҳқон хўжаликларининг республикадаги салмоғи 55%ни ташкил этди, 1929 йилга келиб эса 81%га кўтарилди[1].

Кооператив бирлашмаларнинг давлат манфаатдор бўлган шакллари анча кўпроқ ривожланди. Давлатнинг иқтисодий манфаати эса аввалгидек биринчи навбатда пахтачиликка қаратилган эди. Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонга асосий пахта етказиб берувчи республика сифатида қараб, ўлкада пахта етиштириш ҳажмини жадаллик билан оширишга кўпроқ аҳамият берарди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан ҳукумат пахтачилик кооперациясининг имкониятларидан фойдаланиш, бу стратегик вазифани ҳал қилиш кафолати деб билди. 1927 йилда республикада 386 та пахтачилик кооперативлари мавжуд эди[2].

Пахтачилик кооперацияси ёрдамида ғўза экинлари ҳосили учун олдиндан шартномалар (контрактация) тузиш амалга оширилди, хом ашёни сотиб олиш ташкил этилди, хўжаликни асбоблар ва жиҳозлар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Кооперация органларини таркибий жиҳатдан қайта қуриш уни ривожланишида сезиларли туртки бўлди. 1925 йил бошларида республика ҳудудида кооператив ташкилотларининг фақат икки тури: универсал қишлоқ хўжалик («Ўзбекқишлоқиттифоқ») ва матлубот кооперациялари мавжуд эди. 1927 йил февралга келиб «Ўзпахтасоюз» пахтачилик кооперацияси, 1928 йил мартда — «Колхозцентр» ва «Колхозиттифоқ», октябрда — «Чорваиттифоқ» кооперациялари ташкил топди. Кейинроқ боғдорчилик-узумчилик бирлашмалари вужудга келди. Уму-

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 151-йиғма жилд, 97-варақ.
[2] ЎзР МДА, 88-фонд, 1-рўйхат, 1403-йиғма жилд, 120—121-варақлар.

ман, 1928 йилнинг охирига келиб 1888 та пахтачилик, 442 та ғаллачилик, 263 та ипакчилик, 250 та чорвачилик, 205 та мева-узумчилик ва 223 та мелиоратив ширкатлар фаолият кўрсатаётган эди[1].

Тез ривожланиб бораётган кооперация тизими қишлоқнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ўзгаришида сезиларли омил бўлиб қолди. Унинг воситасида хусусий сектор фаолияти тартибга солиб турилди, товар оборати таъминланди, давлат кредити тақсимланди, деҳқонларнинг хўжалик юритишга жалб қилиниши амалга оширилди.

Кооператив ҳаракатни авж олдириш соҳасида кўрилган чоратадбирлар ўзбек қишлоқларини маълум даражада бозорга тортишга, майда товар хўжалигини жонлантиришга ёрдам берди. Шу билан бирга, кооперацияда мавжуд бўлган ижобий имкониятлардан кўпинча чекланган тарзда фойдаланилди, у бузилган синфий негизда намоён бўлди. Масалан, синфий ёндашув йўли кредит сиёсатида яққол ифодаланди. Мисол учун, 1927—1928 йилларда камбағаллар гуруҳи узоқ муддатли ссуданинг 92,5%ини ва қисқа муддатли ссуданинг 89,7%ини олди. Ўртаҳол деҳқонлар гуруҳи тегишли равишда 4,8 ва 10,3% ссуда олди, бадавлат хўжаликлар эса бутунлай олмади[2].

Контрактация тизими жиддий камчиликларга эга бўлиб, деҳқонлар унга кооперация орқали ёппасига жалб қилинган эди. Бу тизим қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига ҳамиша ҳам фойдали бўлавермади ва давлатнинг қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга бўлган монополиясини ўрнатишга ёрдам берди, бундан коммунистик метрополия манфаатдор эди. Хусусан, 1928 йилда давлат контрактацияси билан пахта ва пилла тайёрлаш деярли 100%, қоракўл тери 82% ва жун тайёрлаш 70% қамраб олинган эди[3].

Қишлоқ ҳаётига мос бўлган кооператив-жамоа хўжалик типларини объектив зарурат тарзида излаш, тадрижий танлаш жиддий издан чиқди. Маъмурларнинг тазйиқи остида кооперациянинг энг оддий шакллари табиий равишда анча мураккаброқ шаклга ўтди, аграр ишлаб чиқаришнинг социалистик усулини мустаҳкамлаш йўлга қўйилди. У ерга биргаликда ишлов бериш ширкатлари ташкил этишдан қишлоқ хўжалик артеллари ва социалистик жамоа хўжаликларининг бошқа шаклларига ўтишда ўзининг яққол ифодасини топди. Тўғри, деҳқонларнинг якка тартибдаги хўжаликлардан янги иқтисодий сиёсат шароитидаги жамоа хўжаликларига ўтиши ҳали оммавий маъмурий-мажбурий хусусият касб этмаганди. Давлат уни колхозларга бериладиган имтиёзлар тизими билан, колхозчиларни биринчи навбатда

---

[1] РГЭА, ф. 1562, оп. 72, д. 500, л. 71.
[2] РГЭА, ф. 1562, оп. 72, д. 560, л. 82—84.
[3] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 970-йиғма жилд, 122-варақ.

қишлоқ хўжалик техникаси ва шу кабилар билан таъминлаш орқали рағбатлантирди, бироқ 1928 йилдан бошлаб колхозларни жадал суръатлар билан ташкил этиш сиёсати ўтказила бошланди. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида ислоҳот жараёнида ерга эга бўлган 4382 та хўжаликдан 1125 таси мажбурий равишда қишлоқ хўжалик артелларига бирлаштирилди, лекин бу ҳол Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ер-сув ислоҳоти ўтказиш вақтида бўлмаган эди[1]. Натижада, республикадаги колхозлар сони 1927 йилдаги 839 тадан 1929 йилда 1665 тага етди. 30 минг киши уларга аъзо бўлиб кирган эди[2]. Ўрта ҳисобда битта колхозга амалда 12 та деҳқон хонадони ва 42 одам тўғри келарди[3]. Колхозларга одатда батраклар ва кам ерли деҳқонлар кирган эди.

Айни пайтда совхозлар ҳам тузила бошлади. Уларнинг сони 1927 йилнинг охиридаги 41 тадан 1929 йилда 66 тага етди[4]. Булар асосан пахтачилик хўжаликлари эди.

Янги иқтисодий сиёсат йилларида иқтисодий рағбатлантириш омилларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берди. Масалан, суғориладиган ерларда 20-йилларнинг иккинчи ярмида экин майдонларининг ҳар йилги ўсиши 10%дан кўпроқни ташкил этди. Айниқса чигит экиладиган майдонлар тез кўпайтирилди, бу эса давлатнинг бу экиндан кўпроқ манфаатдор эканлиги билан изоҳланарди. Чорва моллари сони изчиллик билан тикланиб борди, шунингдек, қоракўл тери олиш, пилла, сабзавот ва мевалар етиштириш ҳам кўпайди.

Бироқ вақт ўтиши билан хўжалик қурилишида маъмурий-буйруқбозлик тазйиқи кучайиши билан иқтисодий усулларидан чекиниш тобора кўпроқ кўзга ташлана борди. Ҳокимият теппасида мустаҳкамланиб олган Сталин ва унинг тарафдорлари яна «коммунизмга сакраш» ғояларига кўпроқ берила бошладилар, улар иқтисодий ривожланишнинг объектив қонуниятларини назар-писанд қилмаслик йўлидан бордилар.

Маъмурий-буйруқбозлик усуллари томон сезиларли равишда бурилиш айниқса 1927—1928 йиллар чегарасида намоён бўлди. Худди ўша вақтда Сталин «йирик хўжаликлар» масаласи асосан ҳал бўлди деб ҳисоблаб, партияни аграр секторда майда товар негизини сунъий равишда чеклашга ва ўртаҳолларни унинг моддий омили сифатида иқтисодий жиҳатдан бўғишга йўналтирди. Натижада орадан кўп вақт ўтмай ўзбек қишлоқларида сталинча «юқоридан бўлган инқилоб»нинг қонли қуюни айлана бошлади. «Фавқулодда ҳолат» замонлари етиб келди.

---

[1] *Юсупов Э.Ю.* Переход к социализму, минуя капитализм. — М., 1987. С. 170.
[2] РГАЭ, ф. 1562, оп.72, д. 746, л. 18.
[3] ЎзР МДА, 775-фонд, 1-рўйхат, 361-йиғма жилд, 58-варақ.
[4] *Аминова Р.Х.* История совхозов Узбекистана. 1917—1960. — Т., 1993. С. 22, 33.

3. РЕСПУБЛИКАДА САНОАТ ҚУРИЛИШИНИНГ СУНЪИЙ ЖАДАЛЛАШТИРИЛИШИ

20-йилларнинг ўрталарига келиб Совет давлатида халқ хўжалигини тиклаш асосан тугалланди. Янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш иқтисодиётнинг аксарият соҳаларида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистон саноатида ҳам муайян муваффақиятларга эришилди. 1925/26 хўжалик йилидаёқ саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи маҳсулоти 1913 йилги ҳажмнинг 79,4 %ини ташкил қилди. Ишчилар сони бу вақтда 11.900 кишига етди[1]. Улардан 29,3%ини маҳаллий миллатларнинг вакиллари ташкил этарди[2].

Тиклаш даврининг муваффақиятли тугалланиши кун тартибига саноат қурилиши кўламини жиддий равишда кенгайтиришдан иборат янги вазифани қўйди. Чунки СССР кўпроқ аграр мамлакат бўлиб қолаётган эди. 1925 йил декабрда ВКП(б) XIV съезди «социалистик индустрлаштириш» йўлини авж олдиришни эълон қилди.

Аввалига индустрлаштиришнинг ўта юқори суръатлари ҳақида гапирилмади. Аммо кейинроқ иттифоқ партия раҳбариятининг ва айниқса унинг етакчиси Сталиннинг тутган сиёсий йўлида саноат қурилиши суръатларини асоссиз равишда жадаллаштиришга интилиш кўзга ташланди.

Қабул қилинган беш йиллик режа ва унинг бир қатор топшириқлари эскириб қолган деб эълон қилинди. «Индустриал ўсиш»нинг янги дастури асоссиз равишда кўпайтириш томонига қайта қуриб чиқилди. 1930 йилнинг ёзида ВКП(б) XVI съездида Сталин қатъий қилиб, бир қатор етакчи тармоқлар бўйича беш йиллик режа 2,5—3 йилда бажарилади, деди. Сталинча субъектив жадаллаштириш усули бутун совет мамлакатида, шу жумладан, Ўзбекистонда бош усул бўлиб қолди. Шу билан бирга, республикамизда унинг салбий кўринишлари ўлканинг ўзига хос иқтисодий аҳволи туфайли янада ортди, энг асосийси — СССРнинг халқ хўжалик мажмуида Ўзбекистоннинг роли ва ўрни иттифоқ ҳукумати томонидан мажбуран белгилаб берилди.

Дарвоқе, Ўзбекистон учун саноат қурилишини кенг суръатда жадаллаштириш ниҳоятда зарур эди. Чунки республика иқтисодиёти 20—30-йиллар чегарасида ҳам аграр хусусиятига эгалигича қолаётган эди. 1927 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 62,6%, саноатнинг салмоғи 38,4%ни ташкил этар, шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришининг 90%и қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди[3]. Иқтисодиёт хом ашё йўналишида

---

[1] Материалы к отчету правительства УзССР ЦИК Советов СССР. — Т., 1927. С. 12.

[2] История рабочего класса Узбекистана. Т.1. — Т., 1965. С. 112.

[3] ЎзР МДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 15-йиғма жилд, 3-варақ.



Терини қайта ишлаш заводи. Самарқанд, 1925 йил.

бўлганлиги сабабли республика саноати фақат бир томонлама ихтисослаштирилаётган эди: унинг 2/3 қисмига яқини пахта тозалаш саноати ҳиссасига тўғри келарди, у бутунлай метрополия эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиларди, унинг бошқа тармоқлари ўз ҳолича ривожланиб, умуман, Ўзбекистон иқтисодиёти билан заиф боғланган эди. Бу ерда ўлкамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантиришни таъминлайдиган, шаҳар ва қишлоқдаги мавжуд ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини ва техникавий негизини тубдан ўзгартирадиган, замонавий техника билан муомала қилишга қодир етарли миқдордаги миллий кадрларни вужудга келтира оладиган саноатни жойлаштириш муҳим эди.

Бироқ иттифоқ ҳукумати аввалбошданоқ буни истамаган эди. Шунинг учун ҳам Марказ Ўзбекистон саноатини фақат ўзининг манфаатлари йўлида ривожлантиришни амалга ошириб келди. Ўзининг моҳияти жиҳатидан унитар давлат бўлган Совет давлатининг ягона халқ хўжалик мажмуида Ўзбекистонга чоризм давридагидек хом ашё етказиб берувчилик вазифаси юклатилди, лекин, шу билан бирга саноат потенциалининг ривожланиши ҳам кўзга ташланиб турди.

Бундай ёндашув биринчи беш йиллик режасида ўзининг яққол ифодасини топди. Пахта дастури ва қишлоқ хўжалигини қайта қуриш юзасидан қўйилган вазифаларга мувофиқ, режада аграр ишлаб чиқариш, айниқса пахтачиликка хизмат кўрсатадиган саноат тармоқларини биринчи навбатда ривожлантириш назарда тутилган эди.

Биринчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда 289 та саноат корхонаси қурилди ва ишга туширилди, 79 та корхона қайта ташкил этилди, саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 3 баравар, нефть қазиб чиқариш 2,5 баравар, металл ишлаш саноати маҳсулотлари 6 баравар, цемент ишлаб чиқариш 3,5 баравар ортди. Енгил саноатнинг кўнчилик, пойабзал ишлаб чиқариш, тикувчилик соҳалари ва ип газлама ишлаб чиқариш суръатлари муттасил ошиб борди[1]. Ана шу даврда Ўрта Осиёда пахтачилик машинасозлигининг тўнғичи бўлган «Тошқишлоқ-

[1] ЎзР МДА, 89-фонд, 1-руйхат, 1947-йиғма жилд, 38—39-варақлар.

маш», Қувасой цемент заводлари барпо этилди. «Чирчиққурилиш», Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши тез суръатлар билан олиб борилди. Фарғонада тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда тикувчилик фабрикалари ишга туширилди.

Саноатнинг ривожлантирилиши энергетика базасини кенгайтиришни талаб қиларди. Янги электр станциялари Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда қурилди. 1932 йилда барча электр станцияларининг сони 1928 йилдаги 16 та ўрнига 49 тага етди, электр қуввати ишлаб чиқариш эса 7 баравардан зиёдроқ ошди[1]. 1932 йилда республикада 89,7% пахта толаси, 54,2% цемент, 56,4% ўсимлик ёғи, 47,2% ипак хом ашёси ишлаб чиқарилган эди[2].

Тўғри, индустрлаштиришни сунъий жадаллаштириш ошкора маъмурий тазйиқ ўтказиш, ҳайбаракаллачилик билан таъминланар, бу эса саноат қурилиши сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Корхоналарнинг аксарият қисми технологик жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналар билан жиҳозланарди.

Бироқ бутун иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам биринчи беш йилликнинг ўта юқори қилиб белгиланган режаларини амалга оширишнинг иложи бўлмади. Саноат қурилишидаги зарур нисбатларнинг бузилиши, ноаниқ топшириқлар, мутахассис кадрларнинг йўқлиги саноатни ривожлантиришга ажратилган маблағлардан тўлиқ фойдаланиш имконини бермади. Бундай шароитда мамлакат юқори сиёсий раҳбарияти умуман индустрлаштириш сиёсатини бўлмаса-да, унинг амалга ошириш суръатларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Иккинчи беш йиллик (1933—1937 йиллар)нинг дастлабки топшириқлари кескин пасайтирилди, хўжалик ҳисобида иш юритишнинг айрим томонларини тиклашга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистонда иккинчи беш йиллик режада республикани мамлакатнинг асосий пахта базаси сифатида ихтисослашувини янада кучайтириш, маҳаллий ресурслар: мис олиш, қўрғошин ишлаб чиқариш, азот тайёрлаш ва ҳоказолар асосида саноатни бутун чоралар билан ривожлантириш кўзда тутилган эди. Тўқимачилик, озиқ-овқат саноатини, машинасозлик, энергетика, кимё саноатини, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик ва аграр мажмуанинг бошқа тармоқларини, бирламчи қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш суръатларини ошириш мўлжалланган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, беш йиллик режаларида асоссиз ва амалий жиҳатдан бажариб бўлмайдиган вазифалар белгиланган бўлиб, тарғиботчиликдан бошқа нарса эмас эди.

Иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда барпо қилинадиган саноат корхоналари маҳаллий шароит ва миллий манфаатлар-

---

[1] ЎзР МДА, 88-фонд, 1-рўйхат, 2455-йиғма жилд, 120-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 120—125-варақлар.

ни эмас, балки Марказ эҳтиёжлари ҳисобга олиниб режалаштирилган эди. Масалан, Чирчиқдаги азотли ўғитлар заводи ва Тошкент тўқимачилик комбинатини барпо этиш Ўрта Осиё минтақасида пахтачиликни ривожлантиришдан иборат бўлган. Умуман, иккинчи беш йиллик даврида 189 та турли саноат корхоналари ва электр станциялари барпо этилди. Улар орасида Фарғонадаги йигириш-тўқиш фабрикаси, Хавдоғ, Учқизил нефть конлари, Тошкент матбаа комбинати, Қўқон суперфосфат заводи, Бухородаги иссиқлик электр станцияси, Қодирия ва Бўржар станциялари, Тошкент лак-буёқ заводи ва бошқалар бор бўлиб улар асосан иттифоқ эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилди.

Кўплаб янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши республикада икки беш йиллик мобайнида унинг учун мутлақо янги бўлган, чунончи ип, газлама, ипак йигирув, тикувчилик, мўйначилик, пойабзал, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқа тармоқлар ташкил этилди.

Урушдан олдинги учинчи беш йилликда саноат ривожланишида янги қадам қўйилди. Урушнинг бошланишига келиб 134 та саноат корхонаси қўшимча равишда ишга туширилди. Улар орасида Чирчиқ электр-кимё комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати, Мўйноқдаги йирик балиқ-консерва заводи бор эди. Чирчиқ ГЭС, Олмалиқ мис эритиш комбинати, Қувасой ГРЭСи, Товоқсой ва Самарқанд ГЭСларини қуриш, Ангрендаги кўмир конини ишга тушириш жадал суръатлар билан борди[1]. Лекин бу саноат корхоналарининг кўпчилиги (Чирчиқ электр-кимё комбинати, Олмалиқ мис комбинати ва бир қатор ГЭСлар) иттифоқ тасарруфида бўлиб, унинг хоҳиш-иродаси билан иш юритар эдилар.

Урушдан олдинги беш йилликлар даврида саноатнинг халқ хўжалигида эгаллаган салмоғи 1928 йилдаги 43%дан 1940 йилда 70%га етди. Уруш бошланиши вақтига келиб республиканинг саноат потенциали 1445 та йирик ва ўртача саноат корхоналарини ва 19 мингта майда корхоналарни ўз ичига оларди. Ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқарадиган тармоқлар ўртасидаги нисбат жиддий равишда ўзгарди. Йирик саноат салмоғи 1928 йилдаги 16,3%дан 1940 йилда 32,8%га кўтарилди[2].

Шунга қарамасдан, Марказ билан республикамиз ўртасидаги империяча муносабатлар тизими, «юқоридан» тазйиқ қилиш амалиёти, раҳбарликнинг буйруқбозлик-расмиятчилик усуллари Ўзбекистон саноатида чуқур из қолдирди.

Мустабид тузум томонидан Ўзбекистон саноатини жадаллаштириш сиёсатининг олиб борилиши натижасида Ўзбекис-

---

[1] Узбекистан за 15 лет. Стат. сборник. — Т., 1939. С. 34.

[2] ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 448-йиғма жилд, 44-варақ.

тон метрополиянинг рангли ва нодир металлар, олтингугурт, озокерит, вольфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминловчи йирик саноат хом ашёси минтақасига айланди, бу эса Совет давлатини бошқа мамлакатларга хом ашё қарамлигидан халос қилди. Чунки Ўзбекистон ҳудудида қурилган саноат корхоналарининг аксарияти хом ашё ёки, нари борса, чала маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган эди. Шу сабабли ҳам тайёр маҳсулотдан тушадиган мумай даромад, Ўзбекистон хом ашёсини қайта ишлашга мослашган марказий корхоналар чунтагига тушарди. Шу боисдан ҳам СССРнинг умумий халқ хўжалик мажмуида Ўзбекистоннинг ихтисослашуви охиригача бутунлай ўзгармади, у чоризм даврида қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Ўзбекистон иқтисодиётининг атайлаб индустриал-аграр йўналишга бурилиши Иттифоқнинг марказий минтақалари саноат жиҳатидан ривожланишини таъминлаш билан мустаҳкам боғлиқ эди. Натижада республиканинг ўзига хос иқтисодий манфаатлари назар-писанд қилинмади, унинг табиий иқлими, хом ашё ресурсларидан аёвсиз фойдаланилди, бу эса аграр секторда тубсиз ўпирилишларга олиб келди.

Урушдан олдинги беш йилликларда (ундан кейинги йилларда ҳам) Ўзбекистонда барпо қилинган саноат қайд қилинганда, ташкил этилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам унинг ўзига тегишли эмаслигини, улардан кўплари, аввало, энг муҳимлари ва Иттифоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлганлари Марказ тасарруфига олинганлигини назарда тутишимиз лозим. Агар 1928 йилда Ўзбекистондаги мавжуд корхоналарнинг 81,7%и иттифоққа тегишли, 14,5%и республика ва 3,8%и маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бўлса, 30-йилларнинг ўрталарига келиб иттифоқ тасарруфида бўлган корхоналар 90%ни ташкил қилган эди[1].

Жадал индустрлаштириш усуллари жуда катта миқдордаги маблағларни талаб қилар, бу эса меҳнаткаш кишилар елкасига оғир юк бўлиб тушар эди. Кенг халқ оммасининг ижтимоий эҳтиёжлари Совет давлатининг бюджет сиёсатида иккинчи ўринга тушиб қолган эди.

Саноатни кадрлар билан таъминлаш жараёни зиддиятли хусусиятга эга бўлди. Умуман, шиддатли индустрлаштириш суръатлари ишчилар ва муҳандис-техник кадрлар билан таъминлашнинг миқдор жиҳатидан ўсишига объектив шароит яратди. Масалан, йирик саноатда ишчилар синфининг сони биринчи беш йилликдаги 17,9 мингдан 62,4 минг кишига етди ёки деярли 3,5 баравар ортди[2]. 1937 йилга келиб саноат ишчиларининг умумий миқдори 181 минг кишидан иборат бўлди[3]. Лекин улар орасида маҳаллий миллат вакиллари озчиликни ташкил қилар эди.

---

[1] *Файзулла Ходжаев.* Изб. труды. В 3-х томах. Т. 2. — Т., 1972. С. 247.
[2] ЎзР МДА, 386-фонд, 1-рўйхат, 937-йиғма жилд, 12—13-варақлар.
[3] Узбекистан за 15 лет... С. 71.

Мутахассис кадрлар тайёрлашда сезиларли ишлар амалга оширилди. Масалан, 1929 йил 1 октябргача саноат соҳасида ҳаммаси бўлиб 232 муҳандис-техник ходим ишлаган бўлса, улардан фақат 94 нафари олий ва 95 нафари ўрта махсус маълумотга эга эди, қолганлари амалиётчилар эди[1]. 1937 йилга келиб улар 6 минг кишидан ошди[2]. 1940 йилнинг охирига бориб Ўзбекистон халқ хўжалигида 649 минг ишчи ва хизматчи банд бўлди. Саноат ишлаб чиқаришида 5,3 минг олий маълумотли муҳандис ва 6,1 минг ўрта махсус маълумотли техник ходимлар меҳнат қилди.

Бироқ миқдор жиҳатдан жадал ўсиш сифат соҳасидаги жиддий камчиликлар билан боғлиқ бўлди. Ўзбекистон саноат кадрларининг шаклланиш жараёнлари саноат қурилишини сунъий жадаллаштиришнинг экстенсив йўлига асосланган бўлиб, ҳукмрон Марказ манфаатларига мос ишлаб чиқарувчи кучларни минтақавий жойлаштиришнинг ўзига хос томонларини акс эттирар, совет раҳбарияти олиб борган миллий кадрлар сиёсатининг ички зиддиятларини ўзида ифодалар эди.

Ишчилар синфи сафларини тўлдиришнинг асосий манбалари — ишсизлар, деҳқонлар, уй бекалари бўлган аёллар, ёшлар эди.

30-йилларнинг бошланғич босқичида ишчилар сафларини тўлдиришнинг ўзига хос манбаи сифатида ишсизлардан фойдаланилди. Кейинроқ асосий манба вазифасини деҳқонлар адо эта бошладилар. Лекин 20-йилларда улар асосан четга бориб ишлаган бўлсалар, жадал жамоалаштиришга ўтилиши билан саноатга режали асосда ишчи кучи етказиб бериш колхозлар билан тузилган жамоа шартномалари асосида ёллаш усуллари тобора кенгроқ ёйилди. Мазкур манба саноатда миллий кадрларнинг ўсишида устивор восита эди.

Республикада саноат ишчиларини шакллантириш жараёнига иттифоқ республикаларидан, асосан РСФСРдан ишчи кучининг оқиб келиши сезиларли таъсир кўрсатди. 1926 йилдан бошлаб 1940 йилгача Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10%дан ортиқроқ кўпайди[3]. СССРнинг марказий районларидан аҳолини сунъий равишда оммавий олиб келиниши халқ хўжалик мулоҳазаларидан эмас, балки сиёсий мулоҳазалар тақозосидан эди. Жойларнинг ўзида малакали ишчи кадрларни кенг миқёсда тайёрлаш ташкил этилганда бу ҳол анча оқилона ва тежамли бўлиши мумкин эди. Бироқ совет тузуми шароитида мафкура иқтисодиётдан устун-

---

[1] *Бейлин А.Е.* Кадры специалистов СССР, их формирование и рост. — М., 1935. С. 202.

[2] *Ульмасбаев Ж.Н., Слива С.А.* Индустриальное развитие Узбекистана за годы советской власти. — Т., 1966. С. 185.

[3] *Мулляджанов И.Р.* и др. Население Узбекистана. — Т., 1973. С. 113.

лик қиларди. Москва миллий ўлкаларда империя тузумининг таянч ижтимоий қатламларини вужудга келтиришдан манфаатдор эди. Сунъий миграция сталинча маъмурият руслаштириш сиёсатининг муҳим воситаси, маҳаллий миллатлардан малакали ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар тайёрлашга тўсиқ қўйишнинг ўзига хос йўли эди. Шу асосда маҳаллий аҳоли билан европалик аҳоли ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти қарор топди. Маҳаллий аҳоли асосан қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, бу тармоқ ҳаддан ташқари марказлашувдан, пахта яккаҳокимлигидан зарар кўраётган, оғир меҳнат талаб қиладиган ва кам ҳақ тўланадиган тармоққа айланиб бораётган эди. Европалик аҳоли вакиллари эса саноатнинг муҳим тармоқларида ва ақлий меҳнат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида, яъни аграр секторга қараганда анча юқори ҳақ тўланадиган, яхшироқ шароитга эга бўлган тармоқларда ишлар эди. Бу тамойил жамият тараққиётига тўсқинлик қилар, маҳаллий аҳоли орасида норозилик келтириб чиқарар, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви учун омил бўлиб хизмат қиларди.

Совет давлатининг сиёсий раҳбарияти халқ хўжалигини бошқаришда ўзлари йўл қўйган хато ва камчиликлар натижасида юзага келган йўқотишлар ўрнини маъмурий-буйруқбозлик орқали мажбурлаш ва юқоридан ташкил қилинган «социалистик мусобақа», «зарбдорлик», «стахановчилик» ва бошқа бир қатор ишчилар ҳаракатлари воситасида «омманинг инқилобий ғайрат-шижоати»ни авж олдириш билан қоплашга интиларди. Бу ҳаракатлар ёрдамида сталинча маъмурият навбатдаги «катта сакраш»ни, саноат ишлаб чиқаришини бир йўла кескин оширишни назарда тутган эди.

Умуман иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам кўзга ташланиб турган саноат соҳасидаги янгиланиш сурури, халқнинг уюштирилган муайян «ғайрат-шижоати»дан партия-давлат раҳбарияти ҳеч тортинмай фойдаланиб қолишга интилди. Лекин, аслини олганда, «социалистик меҳнат мусобақаси»нинг ишлаб чиқариш самараси қатнашчиларнинг кўпчилик бўлишига (умумий ишловчиларнинг 70% ва ундан ҳам кўпроғи) қарамай, паст эди. «Социалистик мусобақа» аввалбошданоқ расмиятчилик билан суғорилган ижодкорлик эди, у хўжалик юритишнинг ўта мафкуралашуви туфайли, меҳнаткашларнинг ташаббускорлик ижодини етарли даражада очиб беришга ва ҳаддан ташқари марказлаштирилган совет иқтисодиёти бошқарувидаги бюрократик иллатларни енгишга қодир эмасди. Аслида, у ҳайбаракаллачиликнинг қонунлаштирилган шакли эди.

Саноат қурилишини сунъий жадаллаштиришнинг чуқур нуқсонлари Совет давлати ҳудудидаги барча саноат ишлаб чиқаришида сифат кўрсаткичларининг паст бўлишини тақозо этди.

Сталинча маъмурият вужудга келган вазиятдан қутулиш йўлини маъмурий зўравонлик кўрсатиш йўлларидан қидириш-

га уринди. У совет халқ хўжалигининг самарасизлиги сабабларини «синфий душманларнинг саботаж қилиши»да ва «зараркунандачилик»да, мусобақани ташкил этишдаги камчиликларда, омманинг «социалистик онгсизлиги»да деб билди. Шу сабабдан мустабид тузумнинг мустаҳкамлаш учун «инқилобий ғайрат-шижоат»ни рағбатлантириш йўлини қўллаш билан бир қаторда, қатағонлар ва мажбурловчи тазйиқ ўтказишни кучайтириш усули ҳам амалга оширилди. Масалан, иттифоқ сиёсий раҳбарияти саноатдаги қўнимсизликка қарши курашда ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини етарли даражада яхшилаш ўрнига корхоналар маъмуриятини маъмурий тазйиқ ўтказиш чораларини фаоллик билан қўллаш зарурлигига йўналтирди. Бу чоралар ҳам ниқобланган, ҳам ошкора хусусиятга эга эди. Ниқобланган чораларга завод ва фабрикалардаги «ўзўзини мустаҳкамлаш» кирарди. Умумий йиғилишларда ишчилар корхонани узоқ муддат ташлаб кетмаслик мажбуриятини қабул қилар эдилар. Лекин бу хилдаги чоралар кам самара берарди. Шу сабабли 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб иттифоқ ҳукумати бир қатор қарорлар қабул қилиб, уларда «учар»ларга қарши қаттиқ қатағон чоралари, яъни улар имтиёзлардан маҳрум этилиб, янги иш жойини олишда сунъий тўсиқлар жорий қилинган эди.

Маъмурий зўравонлик ўтказиш тажрибаси машъум уруш яқинлашган сари тобора ортиб борди. СССР Олий Советининг 1940 йил 26 июндаги меҳнат интизомини яхшилашга бағишланган фармонига мувофиқ ишга кечикиб келганлик учун жиноий жавобгарлик жорий қилинди[1]. Бу фармонни амалга ошириш шунга олиб келдики, миллий саноат қурилиши соҳасидаги минглаб ишчилар ва техник ходимлар турмаларга ташланиб, маҳбусларга айлантирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда «социалистик саноатлаштириш» Марказнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатлари асосида амалга оширилди. Саноат ишлаб чиқаришини белгилаш ва ишчи, мутахассис кадрларни шакллантиришда империяча мақсадлар устиворлик қилди. Шу йўсиндаги ёндашув Совет давлатининг кейинги босқичларида ҳам намоён бўлди. Буларнинг барини октябр тўнтаришидан кейин қарор топган ижтимоий тузум, Ўзбекистон ССР билан коммунистик метрополия ўртасидаги империяча муносабатлар мантиқи юзага келтирган эди.

4. МАЖБУРИЙ ЖАМОАЛАШТИРИШ ФОЖИАЛАРИ

Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш истиқболларига ёндашиш жараёнида коммунистик мафкурачилар йи-

[1] РГЭА, ф. 8115, оп. 1, д. 40, л. 7—8.

рик аграр жамоа корхонаси якка деҳқон хўжалигидан яхшироқ, деган фикрга қатъий асосланиб иш кўрдилар. Чунки ердан фойдаланишнинг жамоа тизими марказлашган режалаштиришни ва кўпмиллионли қишлоқ меҳнаткашларини бошқаришни осонлаштирар, қишлоқдаги кенг қамровли ижтимоий-сиёсий ишларини бутун мамлакат миқёсида тезроқ амалга ошириш имконини берарди. Энг асосийси, жамоа хўжаликлари марксча тасаввурга кўра, социализм идеалларига ёт бўлган «майда буржуа психологияси» билан «заҳарланган» деҳқонни социалистик йўлга солишни тезлаштирар эди.

Оммавий жамоалаштириш ғояси, умуман олганда, «ленинча кооператив режа»да ўз ифодасини топган бўлиб, унда деҳқонларни босқичма-босқич кооперациялаш йўли таклиф қилинган эди, у деҳқонларнинг энг оддий шакллар орқали юқори ва мураккаб шакл бўлган жамоа хўжаликларига бирлашувини назарда тутарди.

1929 йилнинг кузидан эътиборан совет давлати кооперативлаштиришнинг хилма-хил шаклларини тугатиш, мавжуд бўлган бир қанча кооператив тизимларини (матбуот, ишлаб чиқариш ва ҳоказо) давлатлаштириш йўлига ўтди. Кооперацияни барча турлари ва соҳалари бўйича ривожлантириш сиёсатини ёппасига жамоалаштириш йўли билан алмаштирди. Бу йўл эса ихтиёрийлик принциплари асосида эмас, балки «юқоридан белгилаш» йўли билан амалга ошириларди.

Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрда босилиб чиққан «Буюк бурилиш йили» деган мақоласи жадал жамоалаштиришни «назарий» жиҳатдан асослаб берди. Унда, кенг қишлоқ оммаси колхозларга кириш учун етилди, деб айтилган эди[1]. ВКП(б) МҚнинг 1929 йилги ноябр пленуми «доҳий» фикрини партия директивасига айлантирди. Пленум жамоалаштириш суръатларини ҳалдан ташқари кучайтириш, унга оммавий тус беришдан иборат аниқ вазифани қўйди. 1929 йил 27 декабрда аграр марксчилар конференциясида сўзга чиққан Сталин «ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш» шиорини эълон қилди.

Ҳокимият органлари «доҳий»нинг кўрсатмасини бажариш учун жадал жамоалаштиришнинг бошида туриб асосан зўравонлик усулларига эътиборни кучайтирдилар. Қишлоқда анъанавий иқтисодий муносабатларни ёппасига бузиш авж олдирилди. Давлат қишлоқ меҳнаткашларига қанча ва нима экишни, етиштирилган маҳсулотни қандай нарх билан топширишни айтиб турадиган бўлди. Қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатламларига қарши мислсиз қувғинлар уюштирилди, қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга киритиш бошланди.

[1] «Правда». 1929, 7 ноября.

Аграр сиёсатдаги янги йўл Ўзбекистонда оғир оқибатларни келтириб чиқарди.

ВКП(б) МҚнинг 1930 йил 5 январдаги «Жамоалаштириш суръатлари ва давлатнинг колхоз қурилишига ёрдам кўрсатиш чоралари тўғрисида»ги қароринининг дастлабки таҳририда Ўзбекистон ССР ҳудудида жамоалаштиришни иккинчи беш йиллик мобайнида тугаллаш мўлжалланган бўлишига қарамай, «буюк дарға» бу ҳаракат бирмунча эртароқ тугалланиши мумкин деган «башорат»ни ўртага ташлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, республикамизнинг айрим раҳбарлари (хусусан, Ф.Хўжаев ва А.Икромов) волюнтаристик усулларга қарши туришга интилдилар, рақамларга ва муддатига тузатиш киритиш фикрини билдирдилар. Бироқ уларнинг таклифларига умуман эътибор берилмади. Натижада ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг қарори билан 1932 йилнинг бошларига келиб деҳқон хўжаликларининг 68%ини колхозларга бирлаштириш режаси қабул қилинди[1].

Ёппасига жамоалаштиришга раҳбарлик қилиш учун республика ва вилоят штаблари тузилди. Ҳамма жойда оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ҳаракатга келтирилди. Қишлоқ аҳлини колхозларга «гайратлантириш» учун ишчилар синфи ҳам жалб қилинди. ВКП(б) МҚ 1929 йил ноябр пленуми қарори билан «якка хўжалик» қишлоқларига камида 25 минг ишчини юбориш таклиф этилди, улар жойларда «аграр инқилоб»ни авж олдиришни таъминлашлари лозим эди. Хусусан, Ўзбекистонга Россиянинг марказий районларидан 437 ишчи юборилди. Улар билан биргаликда маҳаллий ишчилар синфи ўз сафларидан 263 кишини жалб қилди[2]. «Йигирма беш мингчи» ишчилар партия ташкилотларига колхозлар тузишда ёрдам кўрсатдилар, камбағал фаолларни «қулоқлар»га қарши бирлаштирдилар, қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий шароит ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаса-да, «йигирма беш мингчи» ишчилар янги ташкил этилган қишлоқ хўжалик артелларига бошчилик қилдилар. Оқибатда, шошма-шошарлик билан дастлаб ташкил қилинган колхозларнинг кўпчилиги ишни эплай олмай тарқаб кетди.

Ўзбек қишлоғининг кенг батрак камбағаллари оммасини ҳам «буюк бурилиш»нинг «инқилобий» ҳаракатларига фаол жалб қилишга алоҳида эътибор берилди. Бу вазифани ҳал қилиш бўғинларидан бири 1929 йил октябрда қайта ташкил этилган «Қўшчи» иттифоқи асосида «Камбағаллар уюшмаси»нинг таъсис этилганлиги бўлди. Улар билан бир вақтда қишлоқ советлари қошида, кооперативларнинг бошқарувида, колхозларда ва бошқа хўжалик-сиёсий тузилмалари қошида камбағаллар гуруҳлари тузила бошлади.

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 2549, л. 74.

[2] ЎзР МДА, 736-фонд, 1-рўйхат, 1158-йиғма жилд, 1-варақ.

Жамоа хўжаликларига бирлаштириш учун деҳқон хўжаликларига бевосита ҳужум қилиш амалий жиҳатдан бузғунчилик ҳаракатига айланиб кетди. Рақамлар ортидан қувиш бошланди. Совет давлатининг ҳамма жойида бўлгани каби Ўзбекистондаги жамоалаштириш ҳам «ҳарбий коммунизм» йилларида синовдан ўтган кампаниябозлик, «ҳужум ва тазйиқ» усуллари билан амалга оширилди. Деҳқонларни зўрлик билан колхозларга киришга мажбур этдилар. Қаршилик кўрсатганлар ижтимоий мансублигидан қатъи назар «қулоқ қилинди». Кўпинча қишлоқларнинг аҳолисини бу ердан кўчириб юборамиз, озиқ-овқат таъминотидан, сувдан маҳрум этамиз, деб қўрқитиб колхозларга ёзилишига мажбур қилардилар[1]. Шундай ҳоллар ҳам бўлар эдики, колхозларни ташкил этиш у ёки бу қишлоқдаги деярли деҳқон хўжаликларининг колхозга кириш-кирмаслик истагидан қатъи назар сунъий равишда варақа тўлдиришдан иборат бўларди[2].

Маъмурий тазйиқ натижасида орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин ҳали бирорта ҳам колхоз тузилмаган айрим туманлар жамоалаштиришни тугатганликлари ҳақида маълумот бердилар. Чунончи, Андижон округининг Асака туманида деҳқон хўжаликларининг «юз фоиз жамоалаштирилиши» ҳақидаги маълумотлар республика штабига 1930 йил февралнинг бошларида келиб тушди. Хоразм округининг Шовот ва Ғозовот туманларида тўлиқ жамоалаштириш уч ҳафта ичида тугалланди. Самарқанд округи бўйича 1929 йил 2 июлгача 3602 та хўжалик, 1930 йил 15 мартгача 51 минг хўжалик жамоалаштирилди[3].

Жамоалаштиришнинг «жадал суръатлари» натижасида республика бўйича 1930 йил мартда деҳқон хўжаликларининг 47%и жамоалаштирилди, ҳолбуки, 1929 йил 10 октябрга қадар колхозлар деҳқон хўжаликларининг бор-йўғи 3,4%ини қамраб олган эди, холос[4]. Шу билан бирга ишлаб чиқариш воситаларининг умумийлаштириш масаласидаги ноаниқлик туфайли якка хўжаликдан бирданига жамоа хўжалигининг олий шакли бўлган коммуналарга сакраб ўтиш ҳоллари содир бўлди. Коммуналар ташкил этилган жойларда дарҳол турар-жойларни, майда ҳайвонларни, паррандаларни ва ҳоказоларни умумийлаштириш кўзда тутилган эди. Қишлоқ хўжалик артелларини ташкил этиш вақтида ҳам жойларда чорва моллари ва паррандаларни умумийлаштиришга интилиш содир бўлди. Шундай қилиб, жамоалаштириш деҳқонларга зўравонлик қилиш йўли билан амалга оширилди.

Бадавлат хўжаликларининг мол-мулкини тўлиқ мусодара қилиш «бой-қулоқлар» оилаларини ўзга юртларга сургун қилиш

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 4400-йиғма жилд, 286-варақ.
[2] У ш а ж о й д а, 6-рўйхат, 556-йиғма жилд, 296—298-варақлар.
[3] Самарқанд ВДА, 125-фонд, 1-рўйхат, 257-йиғма жилд, 374-варақ.
[4] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 4400-йиғма жилд, 136-варақ.



Мажбурий ташкил қилинган жамоа хўжаликларида ер ҳайдаш. Хива, 1930 йил.

оммавий қонунсизликлар асосида амалга оширилди. «Қулоқлар»га қарши кураш ниқоби остида асосан тадбиркор, ишбилармон деҳқонларга нисбатан ялпи уруш эълон қилинди. Диндор бўлгани учун, маъмуриятнинг хатти-ҳаракатига норозилик билдиргани учун шахсий ўч олиш мақсадида қулоқ қилиш ҳоллари ҳам учраб турарди.

Ижтимоий жиҳатдан эса, асосан ўртаҳол деҳқонлар ашаддий «қулоқ қилиш» зарбасига учрадилар. Аслида бойлар ва қулоқлар «инқилобдан кейинги» дастлабки йилларда ва 20-йилларнинг аграр ислоҳотлари жараёнида тугатилган эди. Аввало, бунга асосий сабаб «қулоқлар»ни аниқлаш учун давлат томонидан ишлаб чиқилган қатъий мезоннинг йўқлиги эди. «Қулоқлар»ни белгилашда улар ижтимоий жиҳатдан эмас, кўп ҳолларда хўжаликларнинг аҳволига қараб баҳоланди. Натижада «қулоқ» тоифасига дастлабки ислоҳотлар жараёнида олинган ерда ўз меҳнатлари билан хўжаликларни ўртача ва ўртачадан юқори даражага кўтаришга муваффақ бўлган деҳқонларни ҳам киритиш ҳоллари юз берди.

Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, жамоалаштиришнинг бошларида Ўзбекистонда шартли равишда «қулоқ» хўжалигига киритиш мумкин бўлган хўжаликларнинг салмоғи принцип жиҳатидан 5%дан камроқни ташкил этарди. Бироқ «буюк бурилиш» бошланиши билан 15%дан ортиқ хўжа-

ликлар «қулоқлаштириш»га дучор бўлди[1]. Аслида эса, булар ўртача хўжаликлар эди. Фақат 1930 йилнинг ўзида республикада «бой» ёки «қулоқ» хўжаликлар тоифасига киритилган 2648 та ўртача хўжалик тугатилган эди.

Бироқ ҳокимият органлари қишлоқ аҳолисининг анча бойроқ ва камбағалроқ қатламларига нисбатан зўравонлик қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Тез орада «қулоқларнинг думи» деган атама пайдо бўлдики, уни ҳар қандай одамга, ҳатто энг камбағал хўжаликка нисбатан ҳам ишлатиш мумкин эди.

Оммавий «қулоқлаштириш» фуқаролар уруши қонунлари асосида ҳаддан ташқари зўравонлик билан ўтказилди. Бу ҳаракат жойларда амалда қандай ўтказилганини Зарафшон вилоятидаги «колхоз фаоллари»нинг Сталинга йўллаган хатлари асосида тасаввур қилиш мумкин: «Биз қулоқлар ва бойларга нисбатан замонавий сиёсатнинг барча қоидалари асосида муомала қилмоқдамиз, фақат чорва моллари, гўшт, асбобларни эмас, балки уруғлик, озиқ-овқат ва қолган мол-мулкни ҳам олиб қўймоқдамиз. Онаси қандай туққан бўлса, ўшандай ҳолда қолдирмоқдамиз»[2].

Руҳонийлар ҳам кучли таъқиб остига олинди, дин хизматчиларининг мол-мулки хатга олиниб, ерлари тортиб олинди. Масжид ва черковлар оммавий равишда ёпиб қўйилди.

Жадал жамоалаштиришга, қулоқ қилишга, ўртаҳол қатламларга шубҳа билан қарашга, қишлоқ аҳолисининг бошқа қатламлари инсоний ҳуқуқларининг поймол этилишига қаратилган йўл қишлоқда сиёсий вазият кескин тус олишига сабаб бўлди. Расмий тарғибот бу ҳолни синфий курашнинг кучайиши деб атади. Ҳақиқатда эса қатағонлар исканжасида сиқиб қўйилган ва эзилган тинч қишлоқ аҳлининг норозилиги эди. Қишлоқ аҳолиси орасидаги бу ижтимоий норозилик қудратли портлашни келтириб чиқарди. 1930 йил 15 июнда Исковат қишлоқ совети ҳудудидан қўлларида кетмон, болта кўтарган 2 минг кишилик қишлоқ одамлари йўлга чиқиб, туман марказига шикоят билан юриш қилдилар. Туман раҳбарияти тўпланганларга қараб ўт очишга буйруқ берди. Бир неча батраклар яралар бўлди, 20 дан ортиқ хотин-қизлар ҳибсга олинди[3].

Бу хилдаги чиқишлар Фарғона, Бағдод туманларида, Ойимда, Чустда, Хатирчида ҳам рўй берди. Фақат Қашқадарё округида 1929 йил — 1930 йилнинг бошларида деҳқонларнинг 14 марта оммавий чиқиш ҳоллари содир бўлиб, уларда 3,7 минг киши иштирок этган эди[4]. Колхозларга қарши чиқиш ҳоллари

---

[1] РГЭА, ф. 7995, оп.1, д. 228, л. 73.
[2] У ш а ж о й д а, л. 44—45.
[3] ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 775а-йиғма жилд, 96-варақ.
[4] У ш а ж о й д а, 5-рўйхат, 226-йиғма жилд, 26—27-варақлар.

ОГПУнинг маълумотларига қараганда, республикада бу даврда 240 марта содир бўлган[1]. Умуман олганда, СССР бўйича 1930 йил мартининг ўрталарига келиб 2 мингдан ортиқ қуролли чиқишлар қайд этилган[2]. Ғазаб-нафрат аломатлари бутун «совет қишлоқлари бўйлаб» етилаётган эди. 1921 йил баҳори (бу ерда «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан норози бўлган деҳқонлар ғалаёнлари кўзда тутилмоқда. — *Таҳририят*)нинг яна такрорланиш хавфи аниқ бўлиб қолаётган эди.

Қишлоққа «қизил гвардия ҳужуми» сиёсатининг барбод бўлганлиги мамлакатнинг юқори сиёсий раҳбариятини ташвишга солди. 1930 йил 2 мартда «Правда»да Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» номли мақоласи босилиб чиқди, унда жамоалаштириш давридаги «қинғирликлар» учун бутун айб маҳаллий ходимларга тўнкалди. Сталин уларга нисбатан ғоят қаттиқ чоралар кўрилишини талаб қилди.

«Аграр инқилоб» йўлини бўшаштириш бўйича айрим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, жамоалаштиришни жадаллаштириш суръатлари секинлаштирилди. 1930 йилнинг март-апрелида «қулоқ қилиш» аксарият тўхтатилди. Барча туманларда, қишлоқ советларида қулоқ қилинган ва ҳуқуқлардан маҳрум этилганларнинг рўйхатини текшириш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Бу рўйхатга тушган ўртаҳол деҳқонларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди, уларнинг тортиб олинган чорваси ва мол-мулклари қайтариб берилди.

Бироқ бу хилдаги «тузатиш киритиш» большевик маъмурлар нуқтаи назаридан «нохуш оқибатлар»га олиб келарди. Маъмурий усуллар билан тузилган колхозлар тарқалиб кета бошлади. Масалан, Фарғона округининг Бағдод туманида 20 феврал кунига деҳқон хўжаликларининг 80%и жамоалашган бўлса, март ойига келиб улардан фақат 10%и қолган эди[3]. Республика бўйича эса жамоалаштириш даражаси 1930 йил мартдан майгача 47,8%дан 27,5%га тушиб қолган[4].

Бундай манзарани бутун мамлакатда кузатиш мумкин эди. Колхозлардан кетиб қолиш натижасида, 1930 йилнинг ёзи охирларига келиб СССРнинг қишлоқ хўжалик артелларига ёзилганларнинг учдан бир қисмидан камроғи (мартдаги 60%дан 21%га)[5] қолган эди. Бундай ҳолат сталинча раҳбариятни мутлақо қаноатлантирмасди.

1930 йилнинг сентябридаёқ ВКП(б) МҚ барча ўлкалар, вилоят қўмиталарига ва иттифоқдош республикалар компартиялари МҚга «жамоалаштириш тўғрисида» мактуб йўллади, унда

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 447-йиғма жилд, 133—134-варақлар.
[2] РГЭА, ф. 7995, оп. 1, д. 229, л. 47—48.
[3] ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 477-йиғма жилд, 133-варақ.
[4] «Народное хозяйство Средней Азии». 1930, № 5. С. 12.
[5] *Голованов А.А.* Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917—1937 гг. — Т., 1992. С. 159.

«колхоз ҳаракатини янгидан қудратли юксалтиришга эришиш» учун деҳқонлар орасида фаол сиёсий ва ташкилотчилик ишларини авж олдириш тавсия қилинган эди[1].

Марказнинг партиявий директиваси жамоалаштириш суръатларини қайта тиклаш, қишлоқ аҳлини нафрат уйғотувчи колхозларга «ҳайдаб кириш» учун яна синаб кўрилган маъмурий-буйруқбозлик усулларидан ҳам тап тортмасликка даъват этган эди.

Москванинг тазйиқи билан 1931 йилнинг баҳоридан эътиборан Ўзбекистонда ёппасига жамоалашган туманлар ташкил этиш тажрибаси қайта тикланди. Иттифоқнинг ғаллакор туманларини жамоалаштириш суръатлари бўйича «қувиб етиш ва ўзиб кетиш» шиори яна илгари сурилди. Бу вазифани таъминлаш илгари ишлаб чиқилган режа бўйича амалга оширилди. Натижада, агар 1930 йил июнда республикада 6124 та колхоз мавжуд бўлиб, уларга жалб қилинганлар деҳқон хўжаликларининг 27,1%ини ташкил этган бўлса, йилнинг охирига бориб, у 37,7% га, 1931 йилнинг майида 56,7% га етди. 1 декабрда эса 68,2% бўлди[2].

Ёппасига жамоалаштириш яна авж олиши билан «қулоқбой унсурлар»га қарши кураш чора-тадбирлари ҳам сезиларли кўламда олиб борилди. Одатда таъқиб қилинганлар туман ташқарисига, республиканинг аҳоли кам яшайдиган минтақаларига чиқариб юбориларди, у жойларда 17 та махсус посёлкалар ташкил этилган эди[3]. Шунингдек, улар Ўзбекистондан ташқарига: дастлаб қўшни Ўрта Осиё республикаларига, 1931 йилдан бошлаб эса Шимолий Кавказ, Украина, Сибирга ҳам сургун қилиндилар.

«Сургун қилинганлар» ва «махсус сургун қилинганлар»нинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Уларга «ҳомийлик»ни ОГПУ амалга оширарди, «посёлка»лар концлагерлардан деярли фарқ қилмасди. Етарли даражада овқат ва тиббий хизматнинг йўқлиги сабабли кўплар меҳнат қобилиятини йўқотарди, касалликлардан сон-саноқсиз ҳалок бўлардилар, қолганлар эса доимо ҳаёт ва мамот чегарасида туришар, омон қолиш учун курашардилар. Лекин «қулоқ қилинган» деҳқонларнинг кўпчилик қисми жиноятчи эмас эди. Улар колхозга киришни истамаганликлари, ҳаддан ортиқ солиқларни тўлаш учун маблағлари йўқлиги ва шунчаки ижтимоий келиб чиқишлари учун жазоланган эдилар.

«Қулоқлар»га қарши кураш Ўзбекистонда кун сайин кенгайиб борди. 1931 йилнинг августига келиб яна 3828 та «қулоқ хўжаликлари» тугатилди, республикадан ташқарига — Украи-

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 21, д. 678, л. 133—134.

[2] ЎзР МДА, 837-фонд, 9-рўйхат, 410-йиғма жилд, 3-варақ; 400-йиғма жилд, 80-варақ; 10-рўйхат, 535-йиғма жилд, 28—30-варақлар.

[3] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 7985-йиғма жилд, 24-варақ.

нага, Сибирь ва Шимолий Кавказга 3871 «қулоқ оиласи» сургун қилинди[1]. 1933 йилда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликлари сони расмий маълумотларга қараганда 5500 тага етган эди[2].

Жамоалаштиришни жадаллаштиришнинг «иқтисодий» усулларидан ўзига хос тарзда фойдаланилди. Бу усуллар аслида якка хўжалик секторини иқтисодий жиҳатдан бўғиб қўйиш сиёсатидан иборат эди. Якка деҳқонлар учун қишлоқ хўжалик солиғи миқдори кескин кўпайтирилди, фақат уларнинг ўзидан олинадиган бир галги солиқлар ҳам жорий қилинди. Мажбурий тус олган давлат тайёрловлари ҳажми ҳам тўхтовсиз ортиб борди.



Якка хўжалик бошлиғи Тошхўжаев ер ҳайдамоқда.
Тошкент вилояти, Қуйлиқ, 1932 йил.

Маъмурий тазйиқ, ошкора зўравонлик, қишлоқ меҳнаткашларини колхозларга «ҳайдаш»нинг иқтисодий террор усуллари расмий белгиланган «колхоз қурилиши» режаларини сезиларли равишда ошириб бажариш имконини берди. 1932 йилнинг охирларига келиб умуман республикада ижтимоий сектор барча деҳқон хонадонларининг 81,7%ни бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжаликлари негизида 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди[3].

«Колхоз тузуми» мустаҳкамланиб бораётган шароитда республиканинг сиёсий раҳбарияти «қулоқларни синф сифатида

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 245-йиғма жилд, 13—31-варақлар.
[2] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 7985-йиғма жилд, 13—16-варақлар.
[3] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 6377-йиғма жилд, 25-варақ.

тугатиш» якунловчи босқичга кирди, деган хулосага келди. Шунинг учун ҳам колхозларни «ғоявий-ташкилий» жиҳатдан мустаҳкамлашга катта эътибор берила бошланди. Ўз КП(б) МҚ Марказий партия органлари йўл-йўриқларига таяниб, жамоатчилик онгига «бой ва қулоқлар» ошкора жангда мағлубиятга учраб, ўз тактикаларини ўзгартирдилар, эндиликда улар «колхозларга, совет аппаратига ва ҳатто партияга яширин қўпорувчилик иши олиб бориш учун суқилиб киришга уринмоқдалар»[1], деган фикрни зўр бериб сингдира бошладилар.

Эндиликда партия ташкилотлари колхозларга суқилиб кириб олган «душман ва синфий жиҳатдан ёт унсурлардан» «тозалаш» борасида зўр куч-ғайрат сарфладилар. Мазкур ҳаракат қишлоқ хўжалик артелларини хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун кураш воситаси деб ҳисобланди.

«Тозалаш» стратегиясининг муҳим таркибий қисми колхозларни бадавлат қатламлардан чиққанлар, савдогарлар, диндорлардан тозалаш эди. 1932 йилда ўтказилган «тозалаш» кампанияси жараёнида республика колхозларидан 3550 «қулоқ» ҳайдаб чиқарилди, улардан 306 нафари колхозларнинг раислари, 756 нафари бошқарув аъзолари, 425 нафари бошқарув котиблари эди[2].

Машина-трактор станцияларининг (МТС) сиёсий бўлимлари колхозларни «мустаҳкамлаш»нинг самарали воситаси бўлиб, улар 1933—1934 йилларда партиянинг қишлоқдаги фавқулодда органи сифатида фаолият кўрсатди. МТСларнинг сиёсий бўлимлари Москва раҳбариятининг йўлини амалга ошириб бориб, кенг миқёсли жазолаш ҳаракатларини амалга оширдилар. Улар фаолиятининг фақат биринчи йилидаёқ колхозлардан 7700 киши «тозаланди». Ҳужжатли маълумотларга қараганда, 1930—1933 йиллар даврида колхозларга, ўша вақтда айтилишича, «суқилиб кириб олган» қулоқлар ва «ёт унсурлар»дан 30 мингдан ортиқ киши ҳайдаб чиқарилган. Улардан аксарият қисми бир қолипда «жамоалаштиришга қарши фаол чиқишлари учун»[3] деган айблаш бўйича қатағон қилинди.

Шундай қилиб, колхоз қурилиши суръатларини сунъий равишда авж олдириш, колхозларни «социалистик асосда мустаҳкамлаш», кўп сонли одамларнинг қурбон бўлишига, уларнинг бегуноҳ қони тўкилишига сабаб бўлди. Оқибатда республикада фақат бир хил шаклдаги колхоз тузуми қарор топди. Бироқ сталинча маъмурият «ўзбек қишлоғининг социалистик асосда қайта тузилиши» ҳаракатидан хурсанд бўлмади, қишлоқ жойларида «синфий душман» билан кураш кўламидан кўнгли

---

[1] «Узбекистанская правда». 1931, 28 сентября.

[2] *Алламурадов Д.* Советы в борьбе за победу социализма в Узбекистане (1924—1937 г.г.) — Т., 1970. С. 166.

[3] РГЭА, ф. 446, оп. 1, д. 187, л. 22—23.

тўлмади. 1934 йилда Сталин Ўзбекистонга В.В.Куйбишев бошчилигидаги махсус бригадани жўнатади. Бригада олдига республикани бу ерда ўтказилаётган сиёсатдан норози кишилардан қатъиян тозалаш вазифаси қўйилган эди. Бригада «зарбдорчасига» ишлади. Фақат 1934 йил ноябр-декабрда унинг раҳбарлигида 2 мингдан ортиқ «душман унсурлар» аниқланиб, турмалар ва лагерларга юборилди[1].

Умуман, 1937 йилга келиб «колхозга қарши кайфиятда бўлганлик учун», «қарзларни тўламаганлик учун», «қулоқлар»га мансублиги учун жамоалаштиришнинг аввалги йилларини ҳам ҳисобга олганда 60 мингдан ортиқ киши қатағонга учради[2]. Шундай қилиб, «қулоқларни синф сифатида тугатиш» масаласи узил-кесил ҳал қилинди.

Марказнинг республикамиз ҳукуматига тазйиқ ўтказишининг кучайиши, «қулоқ қилиш» йўлининг фаол тус олиши, яккаҳол деҳқонларга маъмурий-иқтисодий сиқувнинг қаттиқлашуви уларни колхозларга мажбурий равишда жалб қилиш суръатларини жиддий равишда оширишга ёрдам берди. Масалан, 1937 йилда деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш даражаси 95%га етган бўлса, 1939 йилда бу кўрсаткич 99,2%ни ташкил этди[3].

Якка деҳқон хўжаликларининг тўла-тўкис тугатилиши ва колхозлар йирик умумлашган ишлаб чиқаришнинг ягона шакли сифатида қарор топиши совет ҳокимиятининг «колхозлардан олдинги қишлоқ»ни социалистик ўзгартириш борасидаги сиёсатининг тантанаси, деб баҳоланди. Аслида эса Совет давлатининг бу сиёсати қишлоқдаги бозор муносабатларининг барбод бўлишига, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тугатилишига, охир-оқибатда, аграр ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига олиб келди.

Умуман, жамоалаштириш ўзбек қишлоғи тарихий ривожланишининг соғлом жараёнларига тўсқинлик қилди. У деҳқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди. Колхозларга зўрлик билан ҳайдаб кирилган деҳқонлар барча асосий фуқаролик ҳуқуқларидан ва аввало кўчиб юриш эркинлиги, касб фаолиятини танлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар. «Бахтли» колхозчилар «бадавлат турмуш»дан қочиб кетишларидан хавфсираб, Сталин уларнинг паспортларини олиб қўйишни буюрди. Колхозчиларнинг колхоздан кўнгилли равишда чиқишлари тақиқланди. Уларнинг норозилигини босиш учун 1932 йил 7 августдаги фармон билан кимда-ким деҳқонларни колхозлардан чиқишга «мажбур» қилар экан, 5 йилдан 10 йилгача

---

[1] *Голованов А.А.* Кўрсатиб ўтилган асар... 136-бет.

[2] *Аминова Р.Х.* Кўрсатиб ўтилган асар... 49-бет.

[3] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 6377-йиғма жилд, 25-варақ; 122-фонд, 1-рўйхат, 414-йиғма жилд, 15—16-варақлар.

муддат билан «концентрацион лагерлар»га ташланишга ҳукм қилинади, деб кўрсатма берди.

Жамоалаштириш қишлоқ хўжалигига жуда оғир зарар бўлиб тушди. Республикада очарчилик бошланди (1933 йил). Ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди[1].

Жамоалаштириш тўс-тўполонлари пахтачиликка ҳам таъсир кўрсатди, пахта яккаҳокимлигининг ялпи оммалашувига олиб келди. 1930 йилнинг баҳоридан бошлаб СредазЭКОСО республика ҳукуматидан ёппасига жамоалашган туманларда «тўртдан уч қисм майдонга чигит экиш»ни талаб қилди.

Республика раҳбарияти имкони борича ялпи пахтачиликни авж олдиришдан иборат ҳалокатли жараённи тўхтатиб қолишга уриниб кўрди. Улар пахта билан бир қаторда ғалла экиш, сабзавот етиштириш, чорвачиликни юксалтириш учун мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш каби оқилона таклифларни қўйди. Бироқ Кремлдаги сиёсий раҳбарият «жойлар»дан бўлган таклифларга қулоқ солишни истамади. Сталин пахта мустақиллигига эришиш шиори остида республикамизни пахта яккаҳокимлигига фаоллик билан мажбур этди. Унинг тазйиқи билан 1933 йилдаёқ пахта республика тайёрлаб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 81,5%ини ташкил этди. 1937 йилга келиб бу кўрсаткич 93,4%га етди[2].

«Жамоалаштириш»нинг ажралмас бўғини бўлган давлат хўжаликларини МТС ва совхоз шаклидаги агрокорхоналарни ташкил қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда дастлабки машина-трактор станцияси 1929 йилда Асака туманида ташкил этилган эди. 1931 йилда машина-трактор станциялари 48 та туманда ташкил қилинди. 1937 йилга келиб МТСлар сони 163 тага, 1940 йилда эса 189 тага етди[3].

Совет аграр сиёсати тизимида МТСлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатиши керак эди. Хусусан, улар қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик соҳасидаги бир қатор ишларда механизацияни қўллашда ёрдам бердилар, механизатор кадрларни кўпайтиришга имкон яратдилар. Шу билан бирга, техникани машина-трактор станцияларида жамлаш йўли билан иш ташкил қилиш унинг барча имкониятларини бутунлай очиб бера олмади. МТСлар ташкил этилиши билан, шартли қилиб айтганда, иккита «хўжайин» қарор топди — бири техникага жавоб берса, иккинчиси қолган барча ишларга жавобгар эди, лекин аслини олганда колхозлар ҳам, МТСлар ҳам ҳақиқий «хўжайинлар» эмасдилар, ҳақиқий хўжайин давлатнинг ўзи эди. Вужудга келган «қўш ҳокимиятчилик»

---

[1] «Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана». 1939. №11—12. С. 97—98.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. — Т., 1967. 609-бет.
[3] *Ризаев Г.* Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. — Т., 1957. С. 133—134.



Трактор билан ер ҳайлаш. 1930 йил.

натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва техникадан фойдаланишда хўжасизлик юзага келди, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги учун жавобгарликни колхозчилар ҳам, станция ходимлари ҳам ўз зиммасига олмади, катта ва кераксиз харажатларга сабаб бўлди.

30-йилларда совхоз қурилиши тез суръатлар билан амалга оширилди. У кўп жиҳатдан «СССРнинг пахта мустақиллигини қўлга киритиш» вазифаларини таъминлашга буйсундирилган эди.

1940 йилга келиб совхозларнинг умумий сони республикада 85 тага етди[1]. Бироқ уларнинг колхозлар сингари жадаллик билан қурилиши қишлоқ хўжалигининг тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беролмади. Совхозлар сиёсий раҳбарият «орзу қилганидек» самарали аграр ишлаб чиқариш намунаси бўла олмади. Колхозчилар сингари совхоз ишчилари ҳам ишлаб чиқариш воситалари ва ердан бегоналаштирилган бўлиб, ўзларини «хўжайин» деб ҳис қилишмас ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда лоқайдлик ва боқимандалик ҳукм сурарди.

«Жамоалаштириш» натижасида мажбуран ташкил қилинган «колхоз-совхоз тузуми» ердан фойдаланишнинг яроқсиз шакли бўлиб, охир-оқибатда аграр ишлаб чиқаришни таназзулга олиб

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статежегодник. — Т., 1967, С. 144.

келиши муқаррар эди. Давлатнинг қишлоқдаги азалий анъанавий хўжалик алоқалари тизимига ёппасига аралашуви, қишлоқ хўжалиги учун мутлақо зарарли бўлган социалистик муносабатларнинг мажбуран тиқиштирилиши мустақил ривожланишнинг ички имкониятларини барбод қилди, қишлоқ меҳнаткашларининг онги эса бузилиб борди. Деҳқонлар ерга ва ишлаб чиқаришга эгалик туйғусини, минг йиллардан буён сингиб келган меҳнатсеварлик фазилатларини йўқотиб бордилар, улардаги меҳнатга, касб маҳоратига бўлган меҳр-муҳаббат совиб борди. Бу бузилиш жараёнларининг таъсири ҳали-ҳануз барҳам топган эмас. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, бозор-аграр ислоҳотларининг замонавий тажрибасида совет ўтмишидан мерос бўлиб қолган жиддий тўсиқ «ҳар қадамда учраётган расмиятчилик, кўзбўямачилик, ишимизга юзаки қарашдир»[1]. Бу зарарли иллатларнинг илдизи зўравонлик билан амалга оширилган жамоалаштиришда яширинган эди.

5. ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Октябр тўнтариши ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат деган жозибали шиорлар остида содир қилинган эди. Янги ҳокимият ижтимоий кафолатларни реал амалга оширишни, «жамиятдаги барча меҳнаткаш қатламлар» ҳаётий неъматлардан баравар баҳраманд бўлишини эълон қилди. Бу вазифани ҳал қилишнинг устивор воситалари хусусий мулкчиликни тугатиш, «эзувчи синфларни» йўқотиш, хўжалик юритишнинг товарсиз, бозорсиз механизмини мустаҳкамлаш негизида тенг адолат принципларини таъминлашдан иборат бўлиши керак эди. Лекин орадан кўп ўтмай «инқилобдан кейинги» социалистик қурилишнинг ҳаётий тажрибаси жиддий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасида большевиклар ваъда қилган адолатли ёндашувнинг қуруқ ваъда эканлигини кўрсатди.

Жозибали шиорларга амал қилмаслик 20—30-йиллар чегарасида яққол намоён бўла бошлади. «Социалистик қурилиш» стратегиясидаги янги бурилиш янги иқтисодий сиёсат принципларидан алоқани узишга, «товарсиз социализм»нинг аввалги андозасини тиклашга, тенг тақсимот ғоясига ва «фавқулодда ҳолат» амалиётига мурожаат қилишга олиб борар эди. Давлат эса секин-аста ишлаб чиқариш воситаларининг мутлақ олий мулкдори бўлиб борди. Ҳаддан ташқари марказлашув ва қаттиқ расмий режалаштириш қарор топдики, улар халқнинг миллий ҳуқуқлари ва қадр-қимматини поймол қилишга сабаб бўлди.

Оддий меҳнаткашнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди. Сталинча

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. — Т., 1996, 163-бет.

«казарма социализми» тизимида инсон тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш тобора орқа ўринга суриб қўйила бошлади, тараққиётнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари ўртасидаги узилиш кучайди. Атайлаб тўқиб чиқарилган «синфий душманларнинг ҳийла-найранглари»га қарши кураш кампанияси кенг авж олди. Бундай шароитда ижтимоий-иқтисодий соҳада айрим «муваффақиятлар» кўзга кўринган бўлса-да, бу ютуқларга катта йўқотишлар, халқ манфаатларига зид бўлган тадбирлар эвазига эришилди. Ижобий ўзгаришлар эса жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги чуқур бузилиш жараёнлари билан ҳамоҳанг боришига тўғри келди.

Халқнинг моддий аҳволидаги ўзгаришлар

«Ҳарбий коммунизм» режими етказган зарар ниҳоятда катта эди. Бундай шароитда янги иқтисодий сиёсатнинг ислоҳотчилик таъсири дарҳол намоён бўлолмасди. Бунинг устига Туркистонда янги иқтисодий сиёсат йўлига ўтилиши журъатсизлик билан олиб борилди. 1921—1922 йилларда республикада амалга оширилган барча ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг ўзида аввалги сиёсий экстремизм таъсири сақланиб қолган эди. Натижада кенг халқ оммасининг моддий аҳволи ҳалокатли тарзда ёмонлашиб борди. Оммавий очлик 20-йиллар бошларида 1 миллион 200 мингдан ортиқ кишини қамраб олган эди[1].

Қишлоқдаги вазият айниқса ташвишли эди. Очарчилик туфайли авж олган ўлим ўлкамиз маҳаллий аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи қишлоқ аҳолисидан кўпларининг ёстиғини қуритди[2]. Масалан, фақат 1921 йилнинг сентябр-октябрида Фарғона вилоятида очларнинг сони 227059 нафар бўлиб, очликдан 64336 киши ўлган бўлса, 159959 киши ўлиш хавфи остида қолганди[3].

Бу вақтга келиб Туркистонда озиқ-овқат соҳасидаги ғоят оғир аҳвол қаттиқ қурғоқчилик туфайли яна ҳам кескинлашди, қургоқчилик Россиянинг марказий районларини қамраб олган эди. Қурғоқчилик туфайли ҳосилнинг бўлмаслиги, амалда республикамиздан олиб кетилган пахта эвазига айирбош қилиниб олиб келинадиган ғалланинг тўхтаб қолишига ва айни вақтда Россиядаги очларнинг Туркистонга оқиб келишига сабаб бўлди. Москванинг империячи раҳбарияти Туркистондаги вазиятнинг бирмунча қулайлигини эътиборга олиб, ТАССР ҳукуматидан Россиянинг очарчиликка йўлиққан районларидан «икки юз мингга яқин деҳқонлар, ишчилар, уларнинг хотинлари ва бо-

---

[1] Среднеазиатский экономический район. Очерк по экономике Средней Азии. — Т., 1922. С. 41.

[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1197-йиғма жилд, 18—19-варақлар.

[3] У ш а ж о й д а, 19—21-варақлар.

лаларини»[1] қабул қилишни талаб этди. Ҳақиқатда эса улар бундан анча кўпроқ бўлиб чиқди. 1921 йилнинг октябрига келиб республикага 330 минг оч қолганлар келган эди[2]. Улар асосан қишлоқ туманларига жўнатилди. Деҳқонлар анъанавий юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён қилиб, россиялик очларни бағрикенглик билан кутиб олдилар. Лекин бу ҳол шусиз ҳам вайрон бўлган Туркистон қишлоқлари учун оғир юк бўлиб тушган эди.

Бироқ Кремлдаги олий сиёсий табақа Туркистон аҳолисининг ночор ҳолатда эканлиги билан ҳисоблашиб ўтирмади. В.И. Ленин Туркистон ўлкасига ўз вақтида «ғалла билан катта ёрдам» кўрсатилганлигини пеш қилиб, ТАССР раҳбариятига «Россиянинг оч қолган районларига» юбориш учун ўлканинг озиқ-овқат ресурсларини энг кўп миқдорда сафарбар қилишни талаб қилди. Мазкур расмий кўрсатмани бажариш учун 1921 йил кузининг бошларида Туркистондан Марказнинг очларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига 600 минг пуддан ортиқ ғалла юборилди[3]. Ҳолбуки, бу ғаллага ночор аҳволда турган Туркистон аҳолисининг ўзи муҳтож эди.

Москванинг ташаббуси билан 1922 йил 1 январдан бошлаб республика аҳолисига, айниқса, унинг қишлоқдаги қисмига оғир юк бўлиб тушган алоҳида «очлик солиғи» жорий қилинди. Ҳатто Фарғона вилоятининг ниҳоятда оч қолган аҳолисидан ҳам 6600 пуд турли-туман маҳсулотлар ана шу солиқ йўли билан ундириб олинган эди[4].

Ҳаддан ортиқ солиқ юки кўп минг кишилик қочоқлар оқимини қўшган ҳолда 1922—1923 йилларда оммавий очликнинг янгидан авж олишига сабаб бўлди. Хусусан, Фарғонада 500 мингга яқин, Самарқанд вилоятининг Жиззах ва Ўратепа уездларида 30 мингдан ортиқ очлар бор эди ва ҳоказо[5].

1923 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳвол бирмунча тузала бошлади, бу вақтга келиб, ниҳоят, янги иқтисодий сиёсат механизмлари ишлай бошлади, қишлоқ хўжалиги ва саноат тикланишга юз тутди.

Қишлоқларда деҳқон хўжаликларининг мустаҳкамланиши, озиқ-овқат солиғи жорий қилиниши, ижара муносабатлари тизими тикланиши, қишлоқ аҳолисининг меҳнат унумдорлигини, қисман бўлса-да, оширишга, иқтисодий жиҳатдан тартибга солинишига ижобий таъсир кўрсатди.

1925—1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнларига сезиларли

---

[1] «Известия» (ТуркМИҚ органи). 1921, 11 ноября.
[2] ЎзР МДА, 22-фонд, 1-рўйхат, 54-йиғма жилд, 15-варақ.
[3] «Известия» (Тошкент). 1922, 15 января.
[4] История гражданской войны в Узбекистане. Т.II. — Т., 1970. С. 261.
[5] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 93-йиғма жилд, 93—94-варақлар.

таъсир қилди. Унинг ўтказилиши жараёнида ер олган деҳқонларга маълум даражада иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Масалан, янги ерларда барпо этилган хўжаликлар дастлабки йилларда солиқдан озод қилиндилар. «Бойлар»нинг ерларида барпо этилган янги хўжаликлар белгиланган солиқнинг фақат 25%ини, қўшимча ер олганлар эса — 75%ини тўлар эдилар[1]. Айни вақтда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд иш қуроллари яроқсиз эканлиги сабабли республика сиёсий раҳбарияти ер берилган қишлоқ аҳолисини «жонли» ва «жонсиз» иш қуроллари билан таъминлаш чораларини кўрди. Меҳнат қуроллари асосан бадавлат хўжаликлардан мажбуран тортиб олинди. Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги деҳқон хўжаликларининг 79,9%и ана шу йўл билан иш ҳайвонларига эга бўлдилар. 25586 хўжалик ем-хашак ва ер ҳайдаш қуроллари сотиб олиш учун қарз олди. 11154 хўжаликка озиқ-овқат ссудаси берилди, шундан қарийб ярми қайтариб бермаслик шарти билан берилган эди[2].

Ислоҳот жараёнида қишлоқ ҳаёти тузилишида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Аввало деҳқонларнинг ўртаҳол бўлиб бориш жараёни кўзга ташланди. Оммавий жамоалаштиришни амалга ошириш вақтига келиб Ўзбекистон қишлоқларида ўртаҳол деҳқон асосий сиймо бўлиб қолди. Лекин, умуман олганда, қишлоқ аҳолисининг умумий аҳволи пастлигича қолаверди.

Мустабид тузум биринчи галда дон экинларини эмас, пахта экинини тиклашга эътибор қаратди. 1928 йилнинг охирига келиб лалми экинлар экиш «урушдан олдинги» даражага нисбатан 82%ни, суғориладиган экинлар 81%, пахта 122%, қора моллар 94%ни ташкил этди, холос. Оқибатда 1929 йилда ҳам Ўзбекистонда бир қатор озиқ-овқат маҳсулотларига карточка тизими сақлаб қолинди.

20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, саноат молларининг давлат чакана нархлари пасайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи эса оширилди. Масалан, 1926—1929 йиллар мобайнида республикада саноат молларининг чакана нархлари 11,6% пасайтирилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи эса 45,3% оширилган эди[3]. Бу тадбирлар қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволи бирмунча яхшиланишига олиб келди.

Янги иқтисодий сиёсат туфайли рўй берган ўзгаришларнинг муҳим натижаларидан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги сезиларли бурилиш бўлди. Очарчилик даҳшати енгиб ўтилди. Эркин хўжалик юритиш, товар-пул муносабатларининг тикланиши қишлоқ меҳнатчиларининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини бир оз бўлса-да яна авж олдирди.

---

[1] ЎзР МДА, 327-фонд, 1-рўйхат, 79-йиғма жилд, 77-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 78—85-варақлар.
[3] РГЭА, ф. 4377, оп. 10, д. 468, л. 89—90.

Шаҳар аҳолисининг ижтимоий аҳволида ҳам сезиларли силжишлар кўзга ташланди. Аввалги даврдан мерос бўлиб қолган ишсизлик, асосан маҳаллий аҳолининг малакасиз қисми орасида мавжуд бўлиб, жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. 1924 йилнинг охирига келиб Туркистонда 9 мингдан ортиқ ишсиз расман ҳисобга олинган эди[1].

Республика раҳбарияти ишсизлик натижасида ижтимоий портлаш келиб чиқиши мумкинлигини тушуниб, 20-йилларда ишсизликни юмшатиш юзасидан айрим чора-тадбирлар белгилади. Хўжалик органлари, артеллар ва жамиятларга ишламай турган биноларни, хом ашё ва ускуналарни, меҳнат биржалари эса қарз бериб турдилар. Моддий ресурслар чекланган бўлишига қарамасдан ишсизларга иложи борича ёрдам кўрсатилди[2]. Асосий маблағлар ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари жамғармаларидан ва бюджет дотацияларидан келиб тушарди, ишсизларга ёрдам кўрсатиш ойликлари ўтказиб турилларди.

Ўша йилларда ишсизликнинг тугатилиши ва аҳолининг моддий аҳволини яхшилашнинг муҳим шарти — саноат ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилиши бўлди. Агар 1923/24 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражанинг 25,1%ини ташкил этган бўлса, 1926/27 йилларда 74,4%ни ташкил этди[3]. Бундай ўсиш саноат моллари танқислигини камайтиришга, истеъмол бозорининг нисбатан тўлишига имкон берди. Иш ҳақи ҳам ошиб борди. Масалан, 1923 йилдан 1930 йилгача ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 36 сўмдан 87 сўмгача кўтарилди[4]. Лекин ишчилар иш ҳақи ошиб боргани билан, у пулнинг қадрсизланиши суръатидан орқада қолаётган эди.

Иқтисодиётнинг тикланиши ва мустаҳкамланишига қараб республиканинг миллий даромади ортиб борди, у 1924/25 хўжалик йилидаги 20338 минг сўмдан 1932 йилда 837,8 млн. сўмга етди[5]. Улардан 1932 йилда ижтимоий эҳтиёжларга 332,7 млн. сўм ажратилди[6].

Шу билан бирга Ўзбекистон ССРнинг суверен ҳуқуқлари йўқлиги туфайли бюджет маблағларидан мустақил фойдалана олмасди. Ҳамма нарсани расман Москва белгилаб берарди, миллий республикалар билан ўз муносабатларини синфий ва империяча негизларда амалга ошириб, республикалар ҳуқуқларини мутлақо чеклар эди. Бундай ёндашув республиканинг

---

[1] «Народное хозяйство Средней Азии». 1925, № 7. С. 48.

[2] ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 113-йиғма жилд, 14-варақ; 144-йиғма жилд, 129-варақ.

[3] Материалы к отчету правительства УзССР ЦИК Советов СССР. — Т., 1927. С. 19.

[4] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2171-йиғма жилд, 59-варақ; 737-фонд, 1-рўйхат, 133-йиғма жилд, 53-варақ.

[5] История народного хозяйства Узбекистана. Т. I. — Т., 1962. С. 262.

[6] Узбекистан за 15 лет. Стат. сборник. — Т., 1939. С. 27.

ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари доирасидан айрим ижтимоий гуруҳларни чиқариб ташлаш ва миллий камситишларнинг кўпдан-кўп намоён бўлишини келтириб чиқарарди.

Мустабид тузумнинг ижтимоий сиёсати, унинг амалиёти ва халқ моддий фаровонлигини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишдаги нуқсонлари аҳолини ижтимоий таъминлашни ташкил этишда айниқса яққол намоён бўлди.

Аввал, бошданоқ Совет давлати «меҳнаткаш бўлмаган» қатламлардан ташқари ўлка маҳаллий аҳолисининг асосий қисми бўлган ўзбек деҳқонларини ижтимоий таъминлаш доирасидан чиқариб ташлаган эди. Фақат шаҳар аҳолиси, асосан ишчилар, «қизил жангчилар» ва уларнинг оила аъзолари (улар асосан европаликлар эди) ижтимоий таъминот тизими билан қамраб олинган эди. Мазкур йўл янги иқтисодий сиёсат йилларида ҳам, шунингдек, кейинги ўн йилликлар давомида ҳам сақланиб қолди. Қишлоқ аҳолиси давлат томонидан ҳеч қандай ижтимоий тўловлар билан таъминланмаган эди, улар ўзлари ҳақида ўзлари ғамхўрлик қилишлари лозим эди.

Ижтимоий таъминотнинг устивор турларидан бири нафақа билан таъминлаш эди. 1932 йилда нафақанинг ўртача миқдори 32,9 сўмни ташкил этди[1]. Бу одамлар эҳтиёжларини қондиришга мутлақо етмас эди. Бунинг устига жамиятнинг кўпгина қатламлари пенсия ва нафақалар олиш ҳуқуқидан амалда фойдаланмас эдилар. Улар орасида деҳқонлардан ташқари диний муассасаларнинг хизматчилари ва бошқалар бор эди.

Кенг аҳоли оммасидан пул олишнинг усуллари орасида заёмлар муҳим рол ўйнарди, улар кўпинча бусиз ҳам жиддий молиявий муаммоларни бошдан кечираётган кишиларга мажбуран тиқиштириларди. Бунинг учун аҳолига мафкуравий, кўпинча эса маъмурий таъсир кўрсатишнинг турли-туман шакллари қўлланарди. Натижада 1924—1929 йиллар даврида заёмлар сотиш 45 баравар кўпайди[2].

Савдо-сотиқни ва маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар бир текисда кечгани йўқ. Хусусий мулк эгаси, ҳатто ўзининг нафи тегиши муқаррар бўлган соҳаларда ҳам сиқиб чиқарилди. Ҳолбуки, Ўзбекистонда савдо-сотиқ маҳаллий аҳоли фаолиятининг фахрли ва анъанавий соҳаси бўлиб келганлиги маълум.

Савдо-сотиқдаги хусусий секторга қарши кураш янги иқтисодий сиёсат йилларида ҳам асосан давлат ва кооператив савдони мустаҳкамлаш йўли билан олиб борилди. Бу даврда давлат савдосининг асосий тарғиботчиси бўлиб шаҳарда «Ўзбексавдо», қишлоқда «Ўзбекбирлашув» майдонга чиқди.

---

[1] ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 511-йиғма жилд, 35—36-варақлар.
[2] Ў ш а ж о й д а, 837-фонд, 1-рўйхат, 160-йиғма жилд, 45—48-варақлар.

Янги иқтисодий сиёсат даврининг воқеликлари шунга имкон берди-ки, 20-йилларнинг иккинчи ярмида озиқ-овқат ва саноат молларининг хиллари, уларнинг олиб келиш миқдори кўпайиб борди. Буларнинг барини аҳолининг харид қилиш қобилиятини бирмунча усганлиги билан бирга қўшиб баҳоланса, унинг турмуш даражасида қандайдир ижобий силжишлар бўлганлигини сезиш қийин эмас.

Афсуски, сталинча маъмурият бошқача йўлдан борди. 20-йилларнинг охирига келиб, янги иқтисодий сиёсат жадаллик билан сиқиб чиқарила бошлади. Навбатдаги «коммунизмга сакраш» устунлик қилди, у раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини мустаҳкамлаш билан бирга «буюк бурилиш» йўлида ўз ифодасини топди.

Ҳамма жойда «гайкаларни қаттиқроқ бураш», иқтисодий волюнтаризм сиёсати кучайтирилди, бу эса аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Чунки «буюк бурилиш» йўли ўз моҳиятига кўра халқни талашга асосланган эди. Давлат хазинасини тўлдиришнинг фавқулодда воситаси қоғоз пулларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайтирилиши бўлди, улар товарлар билан таъминланмади. Натижада сўмнинг ҳақиқий қиймати тезда пасайиб кетди. Биринчи беш йилликда у 60%дан кўпроқ пасайди. Нарх-наво шиддат билан кўтарилиб кетди. Озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат нархи ўнларча баробар ортди[1]. Инфляциянинг юқори суръатлари иш ҳақининг реал қийматини таъминлай олмади. Биринчи беш йиллик охирига келиб, ишчилар ва хизматчиларга тўланадиган реал иш ҳақи камида 20%га пасайди.

Айниқса қишлоқларда оғир вазият вужудга келди, у ерда ялпи камбағаллик: очлик, кенг деҳқонлар оммасининг қашшоқлиги кўзга ташланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбуран етказиб беришдан иборат ярамас тажриба деҳқонларнинг аҳволини янада мушкуллаштирди. Москва белгилаб берган нореал режа топшириқларини қандоқ қилиб бўлса ҳам бажаришга интилган маҳаллий ҳокимият органлари жамоа хўжаликларидан ҳам, давлат хўжаликларидан ҳам, жамоалаштирилмаган якка хўжаликлардан ҳам улар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини битта қўймай «супириб оларди». Бундай тажриба кескин аграр тангликка, аҳолининг озиқ-овқат таъминотини ниҳоятда ёмонлашиб кетишига, халқнинг, айниқса, ўзбек деҳқонларининг турмуш даражаси ҳалокатли тарзда пасайиб кетишига олиб келди.

Совет давлатининг бутун ҳудудида деҳқонларни бу тарзда эзишнинг сталинча усули 1932—1933 йилларда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди ва яна очарчилик фожиаларини

---

[1] Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. — М., 1989. С. 141.

келтириб чиқарди. Хорижий тадқиқотчиларнинг баҳосига кўра, сунъий ташкил қилинган очарчилик қурбонлари сони умуман Иттифоқ бўйича камида 7 млн. кишини ташкил этган[1]. Ўзбекистон ҳам бу фожиадан четда қолмади.

Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги ўша қайғули йилларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг хотираларига кўра, «кўчаларда ва йўлларда сон-саноқсиз жасадлар уюми ётарди». Халқ томонидан «ўлим араваси» деб аталган юк машиналарида уларни «худди ўтин каби ортишар... ва бир амаллаб умумий чуқурга кўмишарди»[2].

Қишлоқларда бир илож қилиб омон қолишга интилган меҳнаткашларга ёрдам бериш ўрнига уларга қарши қатағон чоралари кучайтирилди. Очлик гирдобига тортилган қишлоқ аҳолиси далалардан дон, картошка ва бошқа маҳсулотларни олиб кетишга мажбур бўлардилар. Шундай мушкул аҳволда қолган деҳқонларнинг бу ҳаракатларига жавобан 1932 йил 7 августда СССР ҳукумати социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу қонунда «колхоз... мулкини талон-торож қилганлиги учун суд жазо сифатида отиш ва барча мол-мулкини мусодара қилиш», юмшатувчи ҳолатларда эса — «10 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ва бутун мол-мулкини мусодара қилиш» белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда мазкур қонунга мувофиқ 1933 йилнинг ўзида 2,5 минг деҳқон маъмурий жавобгарликка тортилди[3].

1935 йил февралда қишлоқ хўжалик артелининг янги низоми қабул қилингандан кейин аҳвол бирмунча юмшади. Низомга мувофиқ қишлоқ меҳнаткашларига томорқа участкалари ажратиб бериш ва чорва молига эга бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган эди. Айни вақтда колхоз ва совхозларга белгиланган солиқлар бир оз камайтирилди, колхоз тузумини хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун бюджетдан маблағлар ажратиш кенгайтирилди, қишлоқ хўжалиги учун техникалар етказиб бериш кўпайтирилди.

«Социалистик типдаги агрокорхоналар»ни мустаҳкамлашга қаратилган маъмурий-хўжалик чораларининг мажмуи бу корхоналарнинг даромадли бўлишига туртки берди. Агар 1935 йилда Ўзбекистон колхозларининг умумий даромади 347,7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1937 йилга келиб бу даромад 2190 млн. сўмга етди. Меҳнат кунига бериладиган пулнинг салмоғи янада тўлақонли бўлиб борди. 1937 йилда бир меҳнат кунини баҳолаш ўрта ҳисобда 4 сўм 15 тийинни ташкил этди, ҳолбуки, 1933 йилда у 75 тийин бўлган эди[4]. Бироқ ёзилган меҳнат кунларига

---

[1] Урок даёт история. — М., 1989. С. 178.
[2] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 4, д. 3421, л. 17—20.
[3] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 5, д. 640, л. 74—75.
[4] ЎзР ПДА, 58-фонд, 13-рўйхат, 10-йиғма жилд, 4—5-варақлар.

тўланадиган умумий пул миқдори кўп болали деҳқон оилаларининг яшаши учун керак бўладиган энг кам миқдордаги маблағни ҳам таъминламас эди.

Бу жиҳатдан шахсий томорқа участкалари деҳқон хўжаликларига қисман бўлса-да ёрдам бериши мумкин эди. Бироқ Ўзбекистонда томорқа участкаларининг ҳажми умумиттифоқ нормасидан (0,5 га) тахминан 2 баравар кам эди. Бунинг устига томорқа участкалари билан ҳамма деҳқонлар ҳам таъминланган, деб бўлмасди. Масалан, 1937 йилда ўзларининг ёрдамчи хўжаликларига эга бўлмаган деҳқон оилаларининг салмоғи 28,7%ни ташкил этарди. Томорқа участкасига эга бўлмаган 42,3% деҳқон хўжаликлари, ўша йиллар атамаси билан айтиладиган бўлса, «сигирсиз эдилар»[1]. Давлат, деҳқон хўжалиги эгалик қилиши мумкин бўлган чорва моллар сонини ва томорқа участкалари ҳажмини қатъий чеклаб қўйган, жонликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун ҳалокатли солиқлар белгилаган эди. Натижада уларнинг салмоғи қишлоқ оилалари даромадининг умумий таркибида бор-йўғи 14—15%ни ташкил этарди. Деҳқонлар фаровонлигининг асосий манбаи, сиёсий раҳбариятнинг фикрича, ижтимоий ишлаб чиқаришдан иборат бўлиши керак эди. Лекин у иқтисодий эрксизлик исканжасига олинган бўлиб, инсонга муносиб турмуш шароитларини таъминлай олмасди.

Гарчи 30-йилларнинг ўрталарида рўй берган айрим ижобий ўзгаришлар шаҳар аҳолисининг моддий таъминотини яхшилашга нисбатан таъсир кўрсатган бўлса ҳам, унинг аҳволи мураккаблигича қолаётган эди. 1933 йилда ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи 1929 йил даражасидан 168%ни, 1937 йилда эса у 280%ни ташкил этди[2] (бу ўсиш пулнинг қадрсизлигидан эди). Ижтимоий эҳтиёжлар учун қилинадиган харажатлар ҳам ортиб борди. Агар 1932 йилда Ўзбекистондаги ижтимоий-маданий тадбирларга давлат бюджетидан 188,4 млн. сўм ажратилган бўлса, 1938 йилда 824,3 млн. сўм ажратилди[3].

Бироқ амалга оширилган чора-тадбирлар аввалгидек асосан ишчилар синфининг аҳволини бир оз ўзгартиришга қаратилган бўлиб, қишлоқ аҳолиси эса барқарор ижтимоий таъминот доирасидан четда қолаверди. Шуни ҳам айтиш керакки, ижтимоий эҳтиёжлар учун бюджет маблағларининг кўпайишини давлат эзилган деҳқонларни, шу жумладан, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини талаш ҳисобидан қоплади. Шунингдек, саноат моллари таннархини пасайтириш, мукофотлашларни бекор қилиш, кенг халқ оммасини ҳақ тўланмайдиган меҳнатга (шанбаликларга) жалб қилиш, сифатини яхшилаш баҳонасида кўпгина товар-

[1] РГЭА, ф. 7733, оп. 8, д. 374, л. 71.
[2] «Плановое хозяйство». 1940, № 1. С. 90.
[3] Узбекистан за 15 лет... С. 76.

ларнинг нархини яширин равишда ошириш ҳисобига қоплаб борди.

Социалистик давлат ролини кучайтиришнинг умумий жараёни савдо соҳасига ҳам таъсир қилди. 30-йилларда савдо ва умумий овқатланиш узил-кесил давлат ихтиёрига ўтказилди. Ўзбекистон чакана савдосида «хусусий» унсурларнинг улуши 1939 йилга келиб 1,4%гача тушиб қолди[1]. Товарларнинг, айниқса саноат товарларининг хиллари унчалик кўп эмаслигига қарамасдан давлат ва кооператив савдосининг ҳажми секин-аста ортиб борди. Иккинчи беш йиллик мобайнида у уч баравардан зиёд кўпайди[2]. Савдо-сотиқнинг кўпайиши билан давлат дўконлари ва савдо чодирларининг тармоғи кенгайди. 1928 йилдан 1938 йилгача уларнинг сони Ўзбекистонда 4,9 баравар ортди — 2713 тадан 13322 тага етди[3].

Уй-жой масаласи

Совет даврининг барча босқичларида товарлар танқислиги ва озиқ-овқат масаласи билан бир қаторда уй-жой муаммоси ҳам ҳамиша кескин бўлиб қолаверди. Октябрдан кейинги дастлабки йилларда бу муаммо фақат мусодара йўли билан ҳал қилиб келинган эди. Бадавлат табақалардан тортиб олинган уйлар ва хонадонлар кўпроқ сиёсий жиҳатдан фаол ишчилар ва мансабдор шахсларга ажратилди. Фақат 1924 йилдан бошлаб давлат янги уй-жойлар қурилишига маблағлар ажрата бошлади. Лекин бу маблағлар арзимас даражада эди, шунинг учун ҳам давлат уй-жой қурилиши фақат Тошкент ва Самарқанддагина олиб борилди.

Уй-жой сиёсати, «социалистик қурилиш»нинг бутун стратегияси каби яққол ифодаланган синфий хусусиятга эга эди. Уни амалга оширишда «ишчи шаҳарчалари» деб аталган шаҳарчалар яратишга алоҳида эътибор берилди, ҳокимият органларининг фикрига кўра, бу шаҳарчалар бўлажак социалистик шаҳарларнинг таянч ячейкалари эди. Тошкентда дастлабки ана шундай «шаҳарча» 1922 йилда «Тезиков боғ ҳовлиси»да собиқ «Первушенский ерлари»да қурила бошлади[4]. Бу шаҳарча темирйўл ишчиларига мўлжалланган эди. Орадан икки йил ўтгач, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ана шундай иккинчи «шаҳарча» қурилишига киришилди. Турар-жой фонди якка тартибда уйлар қуриш ҳисобига ҳам ўсиб борди.

Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, уй-жой масаласининг кескинлиги камаймади. Аввало бу нарса маҳал-

---

[1] ЎзР МДА, 837-фонд, 16-рўйхат, 15-йиғма жилд, 164-варақ.
[2] Ўзбекистон КП(б) XVII съездига ҳисобот маърузаси. — Т., 1938, 16-бет.
[3] Узбекистон за 15 лет... С. 69.
[4] ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 2216-йиғма жилд, 9—10-варақлар.

лий аҳолига тааллуқли эди, чунки турар-жой кўпинча Марказдан келган ишчилар ва мутахассисларга бериларди. Бошқа салбий ҳолатлар ҳам мавжуд эди. Гап шундаки, 20-йилларнинг бошларидаёқ «эски» ва «янги» шаҳарчаларни бирлаштиришга қаратилган қатъий кампания авж олдирилган эди. Бу тадбир халқ ҳаётининг барча соҳаларини «байналмилаллаштириш» мақсадида амалга ошириларди. Шаҳар қурилиши сиёсати асосан европача типдаги бинолар қуришни назарда тутар эди. Бундай йўл маҳаллий аҳоли учун анъанавий бўлган шаҳар ва маҳалла ҳаётининг кўпгина шаклларини эсдан чиқаришга, шаҳарсозликнинг бирхиллашуви ва камбағаллашувига, бой миллий анъаналарнинг камситилишига олиб келди.

30-йилларда уй-жой муаммоси жадал саноат қурилиши туфайли янада чуқурлашди, бу тадбир республика шаҳарларига келгиндиларнинг оммавий равишда оқиб келишига сабаб бўлди, натижада ишчи ва хизматчиларнинг аксарият қисми зич тарзда ва коммунал-маиший қулайликлар йўқ бўлган шароитда яшашга мажбур бўлдилар. Киши бошига ҳисоблаганда бир одамга мўлжалланган уй-жой майдонининг ўртача ҳажми шиддат билан қисқариб борди: 1928/29 йилдаги 4,47 кв. м.дан 1939 йилда 2 кв. м га тушиб қолди[1]. Шаҳарларнинг кўпгина аҳолиси (асосан келгиндилар) баракларда, ертўла биноларда истиқомат қилишарди.

Ўзбек қишлоқларидаги вазият, сиртдан қараганда, анча яхшидай туюларди. Бу ерда биринчи беш йиллик даврида умумий майдони 630 минг кв. м бўлган эски уйлар таъмирланиб қўшимча равишда ишга туширилди, иккинчи беш йиллик даврида эса 1220 минг кв. м уй-жой фойдаланишга топширилди[2]. Лекин деҳқон яна давлатдан ҳеч қандай ёрдам олмасдан қолаверди. Қишлоқ аҳолиси уй қуришни асосан анъанавий ҳашар усули билан амалга оширар эди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари

Республика аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш жараёнлари бу даврда бир хилда кечмади. 1924 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 2135 ўринга мўлжалланган 53 та касалхона ишлаб турарди. Тўғри, яна 185 амбулатория ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари ҳам фаолият кўрсатарди. Бироқ улар асосан шаҳарларда жойлашганлиги сабабли чекланган миқдорда шаҳар аҳолисига хизмат қиларди[3]. Қишлоқ аҳолиси эса аслида барқарор тиббий хизмат кўрсатиш доирасидан четда қолган эди. Ҳатто 1925 йилнинг бошларида ҳам республикада фақат 86 та

---

[1] ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 2216-йиғма жилд, 14, 28-варақлар.
[2] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. — Т., 1967. С. 207.
[3] ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 138-йиғма жилд, 100—104-варақлар.

қишлоқ даволаш участкаси ва 44 та фельдшерлик пункти мавжуд эди[1]. Қишлоқ аҳолисининг кўп миллионли эканлигини ҳисобга олганда, булар, айтиш мумкинки, «денгиздан томчи» эди. Мавжуд тармоқлар деҳқонларнинг ҳатто озгина эҳтиёжларини ҳам таъминлай олмасди. Қишлоқлар ва овулларнинг аксарият кўпчилиги тиббий хизмат кўрсатишдан мутлақо маҳрум эди.

Тиббиёт ходимлари ниҳоятда етишмасди. Масалан, Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 1924 йилда бор-йўғи 371 шифокор, 436 эркак фельдшер ва 105 аёл фельдшер, 134 акушер, 40 тиш шифокори ва 202 фармацевт меҳнат қиларди[2]. 10 минг киши ҳисобига фақат 0,9 шифокор тўғри келарди[3]. Қишлоқ жойларида айниқса аянчли манзара кўзга ташланарди. Бу ерда 35 минг аҳолига битта шифокор, 10 минг қишлоқ аҳолисига битта касалхона ўрни тўғри келарди[4]. Натижада қишлоқ аҳолисининг асосий кўпчилиги ўз соғлиғини муҳофаза қилишдек мураккаб муаммоларни давлат ёрдамисиз ҳал қилишга мажбур эди.

20-йилларнинг иккинчи ярмида иқтисодиётни соғломлаштириш шароитида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ижобий силжишлар кўзга ташланди. 1928 йилнинг октябрида республикада 82 та касалхона, 5 та амбулатория ва 13 та биринчи ёрдам кўрсатиш пунктлари иш олиб борди[5].

Анъанавий маҳаллий касалликларга қарши кураш фаол тус олди. Аҳоли оммавий равишда вакцинациядан ўтказилди. Масалан, 1928—1932 йиллар мобайнида республикада 28 та тропик станция ва 250 дан ортиқ ихтисослашган тропик пунктлар, Бухорода тропик институт очилди, у безгакнинг олдини олишга ихтисослаштирилган эди[6]. Айни пайтда сил касалликлари ва тери-таносил касалликлари диспансерлари ташкил этилди. Чечакка қарши эмлаш пунктлари тармоғи кенгайтирилди. 1935 йилга келиб, уларнинг сони 400 тага етиб, аҳолидан 3 млн. кишини қамраб олган эди[7]. Бундай кенг қамровли ёндашув республикада безгак, сил, чечак, ришта каби хавфли касалликларни қисқартиришга ёрдам берди.

Йирик корхоналарнинг кўпайиши, хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришга ва жамоат ҳаётига жалб қилиниши оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари тармоғини ташкил этиш ва кўпайтиришни тақозо этарди. 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб она ва бола уйлари, болалар маслаҳатхоналари

---

[1] Ўша жойда, 1-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 63, 145-варақлар.
[2] ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 378-йиғма жилд, 208—210-варақлар.
[3] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 200.
[4] ЎзР МДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 63—65-варақлар.
[5] Ўша жойда, 80-фонд, 1-рўйхат, 607-йиғма жилд, 50-варақ.
[6] Ўша жойда, 1-фонд, 1-рўйхат, 160-йиғма жилд, 150-варақ.
[7] Ўша жойда, 3-рўйхат, 415-йиғма жилд, 16—17-варақлар.

очила бошлади. 1927 йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари сони ҳам сезиларли равишда ортди. 1930 йил 1 апрелга келиб шифокорларнинг умумий сони 1770 га, фельдшерлар 1219 га, акушерлар 684 га, тиббиёт ҳамширалари 989 га етди[1].

Бироқ, булар аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида қўйилган дастлабки қадамлар эди. Ўша йилларда республикада ташкил этилган даволаш муассасалари тармоғи ҳали зарур эҳтиёжларни қондира олмасди. Тиббиёт муассасаларининг моддий базаси ҳам қониқарсиз аҳволда бўлиб, улардан кўплари мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган эди.

Қишлоқдаги ташвишли аҳвол сақланиб қолаётган эди. Касалхоналар ва улардаги ўринлар сони умуман ортиб бораётгани ҳолда улар қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини ҳатто энг кам даражада бўлса ҳам қондира олмасди. Айниқса, тиббиёт ходимлари билан таъминлаш қишлоқда паст даражада қолаётган эди. 1929 йилнинг охирига келиб, умумий ихтисосдаги 1508 шифокордан атиги 180 нафари қишлоқ жойларида ишларди. 203 тиш шифокоридан 7 нафари, 846 фельдшердан 99 нафари, 899 тиббиёт ҳамширасидан 54 нафари қишлоқда ишларди. Қишлоқдаги болалар ва аёллар маслаҳатхоналари сони атиги 23 та эди[2]. Натижада қишлоқларда стационар тиббий хизмат кўрсатиш билан фақат ҳомиладор аёлларнинг 1,8%и қамраб олинган эди, холос.

30-йилларда тиббиёт муассасалари тармоги бирмунча кенгайтирилди. Бироқ булар республиканинг саноат корхоналари қошида қурилган даволаш муассасалари ҳисобига кўпайган эди. Ўзбекистон қишлоқларида эса аҳвол ҳали айтарлик даражада ўзгармаган эди.

Соғлиқни сақлаш тизимини кадрлар билан таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. 1940 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг иккита тиббиёт олий ўқув юртида 2755 талаба ўқир эди. Ўқувчилари сони 4900 кишидан иборат 30 та ўрта тиббиёт мактаби мавжуд эди. Республиканинг даволаш муассасаларида 2561 шифокор ва 11536 ўрта тиббиёт ходимлари ишлаётган эди[3].

Лекин соғлиқни сақлаш кадрларини тайёрлашдаги айрим силжишларни қайд қилиш билан бирга, буларнинг ҳали етарли эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Айниқса, ўзбеклардан шифокорлар тайёрлаш иши ёмон аҳволда эди. Уларнинг салмоғи 7%дан камроқни ташкил этарди[4]. Бу аҳолининг 70%дан кўпроғини ўзбеклар ташкил этган республикада содир булаётган эди.

[1] ЎзР МДА, 63-фонд, 1-рўйхат, 5607-йиғма жилд, 58—59-варақлар.
[2] Узбекистан за 15 лет... С. 40—43.
[3] ЎзР МДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 442-йиғма жилд, 10-варақ.
[4] ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 88-йиғма жилд, 28-варақ.

Соғлиқни сақлашдаги кескинликни етарли даражада барҳам топтиришга муваффақ бўлинмади. Касалхоналар ва поликлиника муассасалари ҳам етишмас эди. Малакали тиббиёт ходимлари танқислиги жиддийлигича қолаётганди. 1940 йилда Ўзбекистоннинг 10 минг аҳолисига ўрта ҳисобда 4,5 шифокор, 12,2 ўрта тиббиёт ходими ва 10 та касалхона койкаси тўғри келарди[1].

Соғлиқни сақлаш муаммолари аввалгидек, айниқса, ўзбек қишлоқларида яққол намоён бўлаётган эди. Қишлоқ тиббиёт муассасалари тармоғи ортиб бораётгандай туюлишига қарамасдан, уларнинг сони (республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқда яшашини ҳисобга олганда) бутунлай чекланган эди. Шу билан бирга, қишлоқ тиббиёт-профилактика муассасаларининг асосий кўпчилиги туман марказларида қурилган бўлиб, қишлоқлар эса аввалгидек тиббий назорат доирасидан ва малакали тиббий ёрдам кўрсатилишидан маҳрум эди.

Аҳолининг ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар

Социалистик давлат доирасида жамиятнинг ижтимоий тузилиш борасидаги ўзгаришининг устивор мақсадини сиёсий раҳбарият жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан бирхиллашувидан иборат деб билди. Ижтимоий тафовутларга барҳам берилиши кишилар ижтимоий тенглигига эришишнинг зарур шарти деб қаралди. Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига барҳам бериш, ҳаммани ялпи мулкий тенглаштириш фуқаролар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаб беради деб ҳисобланди. Амалда эса, умуман, «тенглик» аҳоли барча қатламлари эҳтиёжларини бир хиллигини, ўхшашлигини ва улар манфаатларини бутунлай мослаштиришни билдирарди. Бир хилликка интилиш меҳнатни, турмушни, дам олишни ташкил этиш шаклари ва турларини қисқартиришга, маданият ва маънавий ҳаётдаги фикрлар хилма-хиллигини бўғишга имкон яратди.

Ҳокимият тузилмалари жамиятни жиловлаш ва бирхиллаштириш учун жазоловчи чора-тадбирларга мурожаат қилар эканлар, бутун-бутун ижтимоий гуруҳлар ва қатламларни асоссиз равишда йўқ қилдилар, жамиятнинг табиий ижтимоий табақаланиш негизини ўзбошимчалик билан буздилар. Ижтимоий бўлинишнинг бутун хилма-хиллиги энг оддий табиий негиздан: иккита «социалистик» синф — ишчилар ва колхозчи деҳқонлар, шунингдек, ижтимоий қатлам бўлган «социалистик» зиёлиларга ажратган ҳолда қатъий қилиб қўйилди. Бундай аснода ёндашиш аҳолининг «эзувчилар» тоифасига киритилган кўпдан-кўп гуруҳлардан қонли ўч олишга ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий кучларни тўғри аниқлашда бир қатор чалкашликларга олиб келди.

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Стат. сборник. — Т., 1984. С. 316.

Натижада, кўпгина ижтимоий гуруҳлар, масалан, руҳонийлар, таклиф қилинган андозага «сигмаганлиги» учун диққат-эътибордан бутунлай четда қолди.

Иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг синфий таркиби 30-йилларнинг охирига келиб тубдан ўзгариб кетди. 1939 йилги аҳоли рўйхати материалларида республикада 6,2 млн.дан ортиқ (1926 йилда — 4,5 млн.) аҳоли мавжуд бўлиб, улардан 1,64 млн. шаҳарларда ва 4,8 млн.дан кўпроғи қишлоқларда яшаганлиги қайд этилган. Мустабид тузумнинг аҳолини янгича рўйхатга олиш усулига биноан умумий аҳолининг 67,1%и колхозчи ва кооперациялашган ҳунармандлар, 11,6%и хизматчилари, 2,6%и якка деҳқонлар ва ҳунармандлар деб номланган ижтимоий қатламларга бўлинган[1].

Советлар андозасида аҳолини табақалаш оқибатида қишлоқ аҳолиси, қудратли ижтимоий ларзаларни бошдан кечирди. Ёппасига жамоалаштириш натижасида ўзбек қишлоғида «бойлар, қулоқлар» тугатилди, иккита «дўстона» синф: «социалистик» типдаги «колхозчи деҳқонлар» ва «қишлоқ хўжалик ишчилари» таркиб топди. Бу ўзгаришлар совет даврида социализмнинг энг катта ютуғи сифатида қаралди.

Бугунги кунда мустабид тузумнинг бу хилдаги талқинлари мутлақо хато эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қишлоқ аҳолисининг ҳақиқатан ижтимоий таркиби ўзгарди, лекин зўрлик билан қилинган бу ўзгариш ижтимоий-маънавий жиҳатдан ўзини оқламади. Ташқи қиёфа ўзгарган бўлса-да, моҳият ўзгармади. Чунки «инқилобдан олдинги эксплуататорлар» ўрнига мамлакат иқтисодиётида «социалистик ишлаб чиқариш» усули ғалаба қилиши билан давлатнинг ўзи шафқатсиз эксплуататор сифатида майдонга чиқди. Қишлоқ аҳолисининг колхозчи деҳқонларга ва қишлоқ хўжалик ишчиларига (уларга совхозлар, МТСлар ва бошқа давлат агрокорхоналарининг ишчилари кирарди) бўлиниши сунъий-расмий хусусиятга эга эди. Реал ҳаётда эса, деҳқонларни ёппасига давлат таъсирига олиш, уларни давлатнинг ёлланма ходимларига, унга тўлатўкис қарам бўлган меҳнаткашларга айлантириш содир бўлди. Оқибатда деҳқонлар ўзининг анъанавий табиий тафаккур тарзини йўқота бошлади.

«Социализмнинг ғалабаси» шароитида ишчилар синфи ҳам бир хилда ривожланмади. Расмий мафкура уни социалистик жамиятнинг етакчи кучи деб эълон қилди. Бироқ ишчиларнинг асосий қисми аҳолининг бошқа гуруҳлари сингари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсиз бўлиб қолди. Бу йилларда ишчилар синфи ривожланишининг фарқ қилувчи асосий хусусияти унинг миқдор жиҳатдан ўсиши бўлди. 1940 йилга келиб Ўзбекистон ишчилар синфининг индустриал отряди 165 минг ки-

[1] Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 г. — М., 1962. С. 43.

шини ўз ичига оларди. Бироқ бевосита миллий ишчилар унинг таркибида унчалик катта салмоққа эга эмасди.

Зиёлилар таркибидаги ўзгаришлар ҳам бир йўсинда кечмади. Ижобий томонлардан бири Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-синфий тузилишида зиёлилар салмоғининг маълум даражада ортиши бўлди. Статистик маълумотларга қараганда, ақлий меҳнат билан банд бўлган шахсларнинг улуши 1939 йилда 14,5%ни ташкил этди, ҳолбуки, 1926 йилда улар 3,6%ни ташкил этган эди. Мутлақ ифодада бу кўрсаткичлар 63 ва 400 минг кишини ташкил этган эди[1]. Ўзбекистон зиёлилари миллий гуруҳининг миқдор жиҳатдан кўпайишида айрим силжишлар рўй берди. Улар 1939 йилда барча зиёлиларнинг 8,8%ини ташкил қилар эди[2]. Булар советлар режимини, социалистик ғояни тан олган ва унга хизмат қилишга бел боғлаган зиёлилар эди. Шунга қарамасдан, миллий кадрлар ҳали жуда оз эди. Бунга асосий сабаб, биринчидан, мазкур кадрларни тайёрлашга атайлаб етарли эътибор берилмаганлиги бўлса, иккинчидан эса, ўзбек зиёлиларининг анчагина қисми мустабид тузумнинг кенг миқёс касб этган қатағонлари қурбони бўлганлиги эди.

Совет, партия, хўжалик ва ижтимоий-сиёсий аппарат ходимлари ўзига хос ижтимоий гуруҳни ташкил этарди. Совет жамиятининг юқори сиёсий табақасини ташкил этган бу ходимлар коммунистик мафкуранинг пойдевори эдилар. Уларни танлашда ишчилар ва камбағал деҳқонлар орасидан чиққанларга устиворлик бериларди. «Раҳбарлик ишларига кўтариш» тажрибаси раҳбарлик лавозимларига чаласавод, билимсиз кишиларни кўтаришга йўл очиб берди. Масалан, 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларида ана шундай «кўтарилганлар» орасида фақат 4%и ўрта маълумотли, кўплари — 93%и қуйи маълумотга эга эди[3]. Улар ўзларининг бошқарувга яроқсизликларини партия «йўли»ни ўтказишда, раҳбарликнинг мустабид-буйруқбозлик усулларини қўллашда қатъийликлари билан қоплар эдилар.

Шундай қилиб, янги иқтисодий сиёсатдан чекиниш ва мустабид-империяча тузумни мустаҳкамлаш шароитида совет ижтимоий сиёсатида аввалбошдан хос бўлган бузилишлар ва иллатлар сезиларли равишда кучайди. Мустабид давлат турмушнинг барча томонларини тўлиқ назорат остига олган шароитда, партия аппарати ва бюрократик номенклатуранинг чексиз ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон аҳолиси ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маиший соҳаларини маданиятли тарзда ислоҳ қилиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

---

[1] Узбекистан за 15 лет... С. 72.

[2] Ўша асар, 65-бет.

[3] *Аманов К.* Производственно-техническая интеллигенция Узбекистана. — Т., 1975. С. 51—52.

6. «ҲУЖУМ»ГА ЗАРУРАТ БОРМИДИ?

Хотин-қизлар масаласи инсоният тарихида ҳамиша ўзига хос мураккаб муаммо бўлиб келган. Миллонлаб Туркистон аёллари қисматини ўз ичига олган бу ижтимоий-сиёсий масалани 20-йилларнинг иккинчи ярмида большевиклар ўз андозалари асосида кескин ҳал қилдилар.

Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти қадимдан мусулмончилик қонуниятлари ва анъаналари асосида қурилган бўлиб, совет даврида ана шу диний қадриятлар ва анъаналар «хурофот» сифатида қораланиб келинди. Анъаналаримиздаги, қадриятларимиздаги миллийлик, аёлларга бўлган ҳурмат ва эъзозлаш сифатлари мутлақо унутилди.

Совет ҳукумати ўрнатилгач, аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани уйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Октябр тўнтаришидан сўнг Совет давлати Туркистонда хотин-қизлар тенг-ҳуқуқлилигини таъминлаш, балоғатга етмаган қизларни эрга беришни тақиқлаш каби масалалар бўйича бир қатор қонун ва йўл-йўриқларни қабул қилди.

Лекин бу масалалар жамиятни фақат советлар давридагина қизиқтирди дейиш хато бўларди. XX аср бошларида Ўзбекистонда пайдо бўлган миллий-тараққийпарвар ҳаракатлар дастурида аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши ва ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши масаласи ўз аксини топган эди. Масалан, жадид ташкилоти «Шўрои Ислом» ўзининг дастурида биринчи бўлиб аёлларга сайловларда қатнашиш ҳуқуқини бериш масаласини қўйди. Жадидчилик раҳбарлари М.Беҳбудий, А.Фитрат, Ф.Хўжаев, А.Чўлпон, А.Авлоний каби тараққийпарварлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ниҳоятда юқори баҳолаб, уларни ижтимоий озодликка чиқариш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Уларнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш маънавий ва маданий-маиший ҳаётнинг тубдан ислоҳ қилишдан бошланиши керак. Яъни хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир[1]. Шунинг учун 20-йилларда амалга оширилган тадбирлар нафақат хотин-қизлар, айни пайтда жамиятнинг

---

[1] Қаранг: *Беҳбудий М.* Ҳифзи сиҳати оила // «Ойна». 1914, № 48, 49, 50; *Фитрат А.* Оила ёки оила бошқариш тартиблари. — Боку, 1915 (тожик тилида); *Авлоний А.* Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. — Т., 1992.

прогрессив руҳдаги эркаклари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган эди.

20-йилларда республика, вилоят, туман ва қуйи совет ташкилотлари қошида ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари бу жабҳада, умуман олганда, тўғри ишларни амалга оширди. Фаоллар масалага дастлабки йилларда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашдилар, ҳар бир хонадонга кириб, тушунтириш ишлари олиб бордилар, махсус хотин-қизлар клублари, артеллар, дўконлар ташкил этдилар, бу ерларда улар савод чиқардилар, тикишни ва савдо-сотиқни ўргандилар. Барча тадбирлар Туркистон хотин-қизлари турмуш тарзига хос хусусиятларга, миллий анъаналарга мутаносиб ҳолда олиб борилди. Ўша пайтларда ҳеч ким паранжи ташлаш ҳақида гап-сўз юритмасди. Фаоллар кўпроқ ишонтириш усулига суянишарди. Шунга кўра, хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, уларни яратувчилик ва жамоатчилик ишларига жалб этиш борасида муайян муваффақиятларга эришилди.

Лекин эришилган бу ютуқлар мустабид тузумни қониқтирмас эди. Бу жараённи сунъий равишда тезлаштириш мақсадида унга зарбдор сафарбарлик хусусиятини бера бошлади. 1926 йилнинг сентябр ойида Ўрта Осиё партия комитетларининг хотин-қизлар бўлимлари ходимлари иштирокида кенгаш ўтказилди ва у ерда хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш ва уни мажбурий равишда ўтказишга қарор қилинди. Бу мажбурий тадбир «Ҳужум» деб аталди, яъни ҳужум услубида аёллар муаммосини ҳал қилиш сиёсати устун ола бошлади. Бу кампанияни ўтказиш учун 1926 йил декабр ойида Ўрта Осиё республикалари ва хусусан Ўзбекистонда махсус комиссиялар тузилди[1]. Хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг энг муҳим вазифаларидан бири паранжига қарши кураш эди. Бу тадбирни аёллар нақадар қувонч билан қаршилаб олганликларини айтиб ўтмаслик нохолислик бўлар эди. Чунки қора чимматни ташлаш ёруғ-оламни очиқ юз билан кўриш, илм олиш, ҳаётда эркаклар билан баравар ҳуқуққа эга бўлиш уларнинг асрлар давомидаги орзуси эди. 1927 йил 8 март куни Ўзбекистонда бўлган юзлаб митингларда қатнашган минглаб хотин-қизлар ўз паранжиларини ташладилар. Лекин бу ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда ўша даврда мавжуд бўлган ижтимоий аҳвол, миллий-маънавий дунёқараш, оиладаги ниҳоятда нозик бўлган эркак билан аёл ўртасидаги муносабат, кишилар онгига сингиб қолган ислом қадриятлари, оила ва аёллар масаласидаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар эътиборга олинмади.

1927 йилга келиб, ўз сафида маҳаллий миллатлардан 25 минг аъзога эга бўлган Ўзбекистон компартиясига «Ҳужум»нинг таш-

---

[1] *Аминова Р.Х.* Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. — Т., 1975. С.38.

килотчиси бўлиш ва намуна кўрсатиш вазифаси юкланди[1]. Улар коммунист сифатида ўз хотинларини паранжи ёқиладиган жойларга мажбуран олиб келиб паранжиларини ташлатишар, эртасига эса яна паранжи ёпинишга мажбурлардилар. ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг XIV Пленуми (1927 й. октябр) партия аъзоларининг ана шу ишларини «маиший жиноят» сифатида баҳолади ва уларга партия сафидан ўчиришгача бўлган жазони қўллашга қарор қилди[2]. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш баҳонаси билан партия сафларида «тозалаш» ўтказилди. Партия сафларини тафтиш қилиш жараёнида айрим масъул ходимлар совет ҳукумати ўрнатилгандан кейин ҳам қалин пули бериб уйланганликлари, мерос сифатида хотин олганликлари ва бир қатор ходимлар қўш хотинли эканликлари маълум бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси, ҳатто инқилобга қадар қалин тўлаганлар ҳам партия томонидан жазоландилар. Мана шундай текширувлар натижасида баъзи бир партия ташкилотларида масъул ходимларнинг аёллари ҳам партия сафига кириш учун аризалар бера бошладилар.

«Ҳужум»нинг моҳиятини тушуниб етмаган баъзи партия ходимлари ўзлари билмаган ҳолда унга зид ҳаракатлар қилганликлари архив ҳужжатларидан маълум. Масалан, МИҚ аъзоси Каримов «Тоштрам» ишчиси ўз хотинига паранжисини ташлашга рухсат бергани учун уни қамоққа олган. Тошкент вилояти Яллама қишлогида эса масъул ходимлар батраклар хотинларига паранжи ташлашни ман этганлар[3].

Паранжи ташлашда ихтиёрийлик ва эҳтиёткорлик, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш ўрнига, зўравонлик, мажбурлаш, қўрқитиш ва жазолаш усуллари устиворлик қилди. Тарғибот-ташвиқот ишлари фақат аёллар ўртасида олиб борилди. Айрим масъул ходимларнинг тушунтириш ишларини аввало эркаклар ўртасида олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрлари эса инобатга олинмади.

«Ҳужум» шу қадар шиддатли тус олдирилдики, ҳатто хотин-қизлар юзини очиш буйича Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ўртасида «социалистик мусобақа» ҳам ташкил қилинди. У тарихга «миллионлар шартномаси» номи билан кирган. Мусобақага республикаларнинг совет суд органлари ҳам қўшилдилар. Улар чиқарган қарорларнинг бирида: «Ажралиш ишлари бир ҳафтадан кечиктирмай кўриб чиқилсин», деган банд мавжуд эди[4]. Гап шундаки, «Ҳужум» бошланиши билан аёллар номидан судларга ажралиш хусусида кўплаб аризалар тушган бўлиб, улар совет ҳукуматининг балоғатга етмаганлар-

---

[1] «Худжум» — значит наступления. — Т., 1989. С. 10.
[2] «За партию». 1927, № 3. Илова.
[3] «Коммунистка». 1927, № 8. С. 52—53.
[4] «Народное хозяйство Средней Азии». 1930. № 9—10. С. 35.

ни эрга узатиш, қалин бериш, қизларнинг рухсатисиз никоҳ ўқитишни тақиқлаш ҳақидаги янги қонунларига таяниб ўзларининг мутаассиб ёки кекса эрларидан ажратишни истаган аёлларнинг мурожаати эди. «Одил» совет суди худди ана шуларни дастак қилиб, юқоридаги мантиқсиз қарорни чиқарган эди. Бу қарор натижасида Ўзбекистонда минглаб оилалар бузилди, болалар эса ота-оналар ўртасида сарсон-саргардон бўлди. Шошма-шошарлик билан қўйилган қадам ана шундай мудҳиш оқибатларга олиб келди. Судга ажралиш ҳақида ариза берган бир қатор аёллар ўша даврда мусулмон одатига кўра эрлари ёки ака-укалари томонидан жазоландилар.

Лекин, шундай бўлса-да, «Ҳужум» дастлаб катта муваффақиятларни қўлга киритди. 1927 йил баҳорига келиб 100 минг аёл паранжисини ташлади, 5 минг аёл саводсизликни тугатиш курсларида таҳсил олди, 5202 нафар аёл вилоят, шаҳар, туман судларига халқ маслаҳатчилари қилиб сайландилар[1]. Бироқ бу ютуқлар фақат «Ҳужум»нинг таъсир кучи билан боғлиқ эмасди, ёки баъзи бир москвалик шарқшунос олимлар таъкидлаганларидек, аёлларимизнинг фаоллиги фақат ёпинчиқ ичида ўтаётган умрга нисбатан норозилик туфайли ҳам эмасди. Бунинг ўзига хос сабаби аёлларимиз табиатида адолатсизликка қарши кураш туйғусининг мавжудлиги эди. Акс ҳолда, 1916 йилда эрларини, ака-укаларини мардикорликка жўнатишни истамай қўзғолон кўтаргани учун рус аскарлари томонидан отиб ташланган Рузвонбиби Аҳмаджонова, Зуҳрабиби Мусаеваларни ёки мустамлака зулмига қарши курашган Қурбонжон додхо каби жасур аёлларни бир эсга олайлик-чи, улар нималарга қарши исён кўтарган эдилар?

Советларнинг хотин-қизларни озодликка чиқариш борасида шошма-шошарлик ва зўравонлик усулида амалга оширган сиёсати аёлларнинг бегуноҳ қурбон бўлишига сабаб бўлди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1927 йил 27 июнда Қўқон вилояти Бувайда туманининг Полосон қишлоғида деҳқон Абдуқодир Ҳожиматов ўз аёлини паранжи ташлаб фаоллик кўрсатгани учун осиб ўлдирган[2]. Шу ойда Бешариқ туманининг Янгиқўрғон қишлоғида ҳам шундай воқеа содир бўлди[3]. Андижон вилоятининг Назар Маҳрам қишлоғида эса хотин-қизлар орасида иш юритувчи фаоллардан Хадича Эшбоева ва унинг турмуш ўртоғини ўлдирадилар[4]. Тошкентда Кўкалдош мадрасаси минорасидан реакцион диндорлар аёлни қопга солган ҳолатда ерга ташладилар[5]. Бундай даҳшатли воқеаларни кўплаб кел-

---

[1] «Правда Востока». 1927, 7 октября.
[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 1423-йиғма жилд, 65—66-варақлар.
[3] Ў ш а ж о й д а.
[4] Ў ш а ж о й д а, 1879-йиғма жилд, 64-варақ.
[5] *Шукурова Х.С.* Социализм и женщины Узбекистана. — Т., 1970. С. 191.

тириш мумкин. Умуман, расмий ҳужжатларда кўрсатилишича, «Ҳужум» кампанияси (1927—1928) йилларида Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар, қишлоқ, туман кенгашларининг аъзолари, хотин-қизлар клублари ва кутубхоналар мудирлари ўлдирилган[1]. Албатта, бу рақамлар совет статистик маълумотларида атайлаб камайтириб кўрсатилганлиги ҳозирги кунда ҳаммага маълум.

Хотин-қизлар бундай қийноқларга, тазйиқ ва терроргa қарши норозилик билдирдилар. Аксарият вилоятларда хотин-қизларнинг терроргa қарши намойишлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг ҳукумат хотин-қизларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ишларини кучайтиришга мажбур бўлди. Биргина 1928 йилнинг ўзида аёлларга нисбатан ноқонуний иш тутганлиги учун 671 киши қамоққа олиниб, ҳар хил муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар, шулардан 7 киши отувга ҳукм этилди[2].

Афсуски, масаланинг нозик жиҳатлари билан қизиқмаган, «Ҳужум» муваффақиятларидан эсанкираб қолган компартия ва унинг сиёсий раҳбарияти Ўрта Осиё халқлари қонига сингиб кетган ислом омилини бутунлай инкор этди. Унга беписанд қараш, ерга уриш, ошкора тан олмаслик, уни қўпориб ташлаш йўлини танладилар. Шунингдек, ижтимоий омилга ҳам эътибор берилмади. Бундай шошма-шошарлик аҳоли орасида совет ҳукуматига нисбатан душманлик муносабатини кучайтирди. Улар хотин-қизларнинг озодликка чиқарилишига очиқдан-очиқ қарши чиқа бошладилар. Ҳукумат вакиллари паранжисини ташлаган хотин-қизларга нисбатан қилинган жиноятларни руҳонийлардан кўрдилар, уларни бош айбдор деб ҳисобладилар. Лекин диндорлар орасида ҳам паранжи ташлашга қарши туриш қандай салбий оқибатларга олиб келишини ҳис этган анчагина тараққийпарвар руҳонийлар бор эди. Дарвоқе, муқаддас Қуръон ҳам аёлларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда иштирок этишини тақиқламайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир қатор тараққийпарвар руҳонийлар диний бошқармалар қошида «Хотин-қизлар бўлимлари» ташкил этишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Фарғона водийси қишлоқларида «Диний бошқарма хотин-қизлар бўлими мудираси Мурсали биби» имзоси билан аҳоли ўртасида даъватномалар тарқатилган[3]. Унда паранжи ташлашга қаршилик кўрсатмаслик, айни чоғда диний тарбияни унутмаслик таъкидланган. Таассуфки, партия-совет ташкилотларининг муттасадилари тараққийпарвар руҳонийларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватламадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятдаги ўзгаришларни тўлиқ ҳис этаолган баъзи руҳонийлар «Ҳужум» кампанияси-

---

[1] *Польванова Б.П.* Эмансипация мусулманки. — М., 1982. С. 197.
[2] «Правда Востока». 1928, 21 декабря.
[3] *Любимова С.Т.* За новый быт. — Т., 1926. С. 38.

дан аввалроқ, яъни 1925 йилда катта ёшдаги аёллар ва қиз болалар учун мактаблар ташкил этишни бошлаб юборган эди. Марказий диний бошқарма барча мусулмонлар, имомлар, муҳтасибларга мурожаатнома қабул қилиб, унда ислом эркаклар билан бир қаторда аёлларга ҳам ўқиш ва ёзишни ўрганиш мажбуриятини қўяди деб кўрсатилди, аёлларни ўқишдан маҳрум этувчи ўрта аср мутаассиблигига берилмаслик тавсия этилди. Манбаларга кўра, руҳониятнинг айрим илғор вакиллари ўзлари хотинлари бошидан паранжини ечганлар[1]. Қўқон руҳониятининг раҳнамоси Тўрахон Махсум диндорларнинг вазифаси ҳукумат билан аҳоли ўртасида воситачилик қилишдан иборат деб таъкидлаган эди. Андижон ва Наманган аҳолиси орасида катта обрўга эга бўлган, Андижон руҳонияти раҳбари Шайх Мавлони ҳам аёлларни озодликка чиқаришга қаратилган ҳукумат тадбирларига қаршилик кўрсатмасликка чақирган[2]. Баъзи тараққийпарвар руҳонийлар ҳатто паранжи ташлашни диний йўл билан қонунлаштириш мақсадида «фатво» чиқаришга ҳаракат қилган эдилар.

Совет ҳокимияти ва унинг сиёсий раҳбарияти руҳонийларни тараққийпарварларга ва реакцион руҳониятга ажратиб ўтирмади. Уларнинг барчасини синфий душман деб ҳисоблаб, уларга қарши ёппасига кураш олиб борди. Натижада бутун «Ҳужум» тадбири давомида кечириб бўлмас стратегик хатоларга йўл қўйилди: маъмурий тазйиқ ўтказиш, дўқ-пўписа қилиш, жарималар солиш, аёлларни мажлисларга милиция ёрдамида куч ишлатиб зўрлаб олиб келиш шулар жумласидан эди. Масалан, Наманганда деҳқонларни мажлисга туппонча ўқталиб олиб боришган. Самарқандда аёллардан паранжини зўрлик билан ечиб ташлаш воқеалари юз берган. Табиийки, аҳоли бундай адолатсизликларга қарши норозилик билдира бошлади. Большевикларнинг бундай хатти-ҳаракатларига қарши оммавий чиқишлар Ёрқишлоқ, Наманган, Чуст, Бувайда, Риштонда ва бошқа жойларда содир бўлди[3]. Совет ҳокимияти томонидан масжидларда диний мавзуга бағишланган мажлислар ўтказишни ман этилганлиги муносабати билан Андижонда норозилик намойиши бўлиб ўтди. Андижоннинг учта қишлоғида эса маҳаллий советларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун аҳоли уларни қайта сайлашга эришди[4]. Наманганда ҳар бирида камида 500 киши иштирок этган учта норозилик чиқиши юз берди. Бу жойларда ҳам юқори ташкилотлар рухсатисиз қишлоқ советлари ва «Қўшчи» қўмиталари қайта сайланди[5].

---

[1] «Правда Востока». 1927, 10 мая.
[2] *Каррыева Р.* От бесправия к равенству. — Т., 1989. С. 121.
[3] *Каррыева Р.* Ўша асар, 123-бет.
[4] Ўша жойда.
[5] ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1598-йиғма жилд, 15-варақ.

Оқибатда республикада мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият юзага келди. Бунга қарши ҳокимият тузилмалари ва компартия томонидан кескин чоралар кўрилди. Натижада большевиклар билан диндорлар ўртасидаги бу кураш очиқдан-очиқ уруш шаклига кирди.

Шу билан бир қаторда бу йилларга келиб мусулмон оламида бир қадар жонланиш юз бера бошлаган эди. 1926 йил июнда Маккада халқаро мусулмонлар анжумани бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон руҳонияти вакиллари ҳам иштирок этишди. Баъзи маълумотларга кўра, Совет Иттифоқи делегацияси собиқ Россия империяси туркийзабон халқлари миллий тараққийпарвар ҳаракатининг йирик арбоби, ўша йилларда муҳожирликда яшаган Аҳмад Заки Валидий билан учрашади[1]. Табиийки, анжуманнинг дунё халқлари, хусусан, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар ўртасида тинчликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўзбекистонлик тараққийпарвар руҳоният интилишларига ҳамнафас эди. Бироқ совет ҳокимияти буни руҳониятнинг омма ўртасида обрў-эътибор қозониш учун, атайлаб партия органлари усулларидан фойдаланиб уларга хотин-қизлар муаммолари борасидаги ўз интилишларини қарама-қарши қўйиш учун ҳаракат деб баҳолади. Бу интилишни тўғри тушуниб, манфаатлар умумийлиги сифатида қабул қилган баъзи партия ходимлари қаттиқ жазоланди. Аслини олганда, тараққийпарвар руҳонийлар ҳаракати хотин-қизлар озодлиги масаласида содир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, қон тўкилишларнинг, олдини олиш ва бу кескин вазиятларни юзага келтирмасликка интилиш туфайли юзага келган эди.

Динга ва руҳонийларга қарши кураш «Қурашчан худосизлар» уюшмаси фаолиятида ўзининг аниқ ифодасини топган. 20-йилларда ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари динга қарши тарғиботда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш юритган бўлса-да, 30-йиллар бошларига келиб бунинг бутунлай акси бўлди. Уюшма раиси К.Макаров эҳтиётқорликни тўғридан-тўғри бемаънилик деб баҳолади[2]. Диндорларга мачитларни қайтариб бериш ҳақидаги талаблар эса худосизларга, «комсомол ва клубларга қаршилик» кўрсатиш деб қабул қилинди. Тараққийпарвар руҳонийларнинг хотин-қизлар юзларини очишда жамоатчилик идоралари билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифларига эътибор берилмади. Ўша йиллари Ўзбекистон КП(б) МҚ, сўнгра Ўрта Осиё бюросида хотин-қизлар бўлимини бошқарган С.Любимова шундай ёзади: «Қуръон ва шариатни тарғиб этадиган руҳонийлар хотин-қизлар юзини очишда бизга ҳеч қачон мададкор бўла

---

[1] *Каррыева Р.* Ўша асар, 119-бет.

[2] *Макаров К.* Отчетный доклад о деятельности республиканской организации союза «Курашчан худосизлар» Узбекистана за 1930—1931 гг. — Т., 1931. С. 24.

олмайдилар»[1]. ВКП(б) МҚ тарғибот ва ташвиқот бўлимининг сектор мудири С.Диманштейн эса, гарчи тараққийпарвар руҳонийлар жадидчилик унсурларини дин билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилаётганликларини таъкидласа-да, барибир, уларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини таклиф этади[2]. Умуман, хотин-қизлар озодлиги большевикча синфий ёндашув асосида «Ҳужум» душманлари — руҳонийлар ва бойлардир» деган шиор остида амалга оширилди.

«Ҳужум»ни амалга ошириш жараёнида, хотин-қизлар бўлими (женотдел) ходимларининг ҳар бир яхши ташаббуслари мафкуравий ниқобга олинди, оқибатда бу ҳаракатга зиён келтирилди. Масалан, оилавий маърифий тўгарак ташкил қилиниб, унда маълум бир маҳалладаги эр-хотинлар биргаликда тўпланиб, аёлларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётга жалб қилиш каби масалалар ҳақида суҳбатлар қилинган. 1927 йилда ана шундай тўгараклардан Ўзбекистонда 200 таси фаолият кўрсатган эди[3]. Бу усул эркакларга руҳий таъсир кўрсатувчи ажойиб тадбирлардан бири эди. Бироқ, «партия тартиби қўриқчилари» «майда буржуа кайфияти» хавфини сезиб қолдилар. Чунки, бундай учрашувларда ҳукуматнинг хотин-қизларни озод қилиш борасидаги номақбул ҳаракатлари ҳам муҳокама этилиши табиий эди. Охир-оқибатда тўгаракларда «синфий душманлар» тўпланишидан чўчиган компартия уларни тарқатиб юборди.

Хотин-қизлар озодлиги учун кураш аслида синфий кураш эмас, дунёқарашлар кураши эди. Мазкур кураш асрлар оша ислом онгига муҳрланган ўзбек халқининг ўз тасаввурларидан мажбуран воз кечишига қаратилган эди. Бу кураш партия қўмиталарининг нотўғри иш услублари асосида сунъий равишда синфий курашга айлантирилди. Тарғибот юритиш учун мачитлар танланди, паранжи ташлаш бўйича таркибига милиция бошлиғи кирган «учликлар» тузилди, муллалардан ўз хотинлари юзини очиш тўғрисида мажбуран тилхатлар олинди. Бундай зўравонликлар хотин-қизлар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатди.

«Ҳужум» ҳаракатининг асл мақсади фақат паранжи ташлашдан иборат эмасди. Унинг асосий мақсади хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш эди. Шу мақсадда ўша йилларда Ўзбекистонда ва унга қўшни республикаларда бир қатор хотин-қизлар артеллари ташкил қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дастлабки йилларда хотин-қизлар кучидан кенг фойдаланиш масаласига эҳтиёткорона ёндашилди. Улар бирданига фабрика ва заводларнинг оғир иш-

---

[1] *Любимова С.Т.* Ўша асар, 38-бет.

[2] *Диманштейн С.* Против мулл и ишанов // «Коммунист». 1929, № 56. С. 49—51.

[3] *Каррыева Р.* Ўша асар, 117-бет.

ларига тортилмади. Аёллар оғир юк кўтарадиган ва соғлиғига зарарли, мураккаб соҳаларда ишламаслиги алоҳида таъкидланди. Бироқ 20-йиллар охирига келиб бу ёндашув кескин ўзгарди. Аёллар ва эркаклар меҳнатини том маънода тенглаштириш ғояси устиворлик қилди. Натижада аёлларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига фаол жалб этиш бошланди. Ўзбекистонда кўплаб ишчи кучи етишмаслигини ниқоб қилиб аксарият партия ва совет раҳбарлари уни хотин-қизлар ҳисобига тўлдиришни таклиф этардилар. Жумладан, қурилиш ишларини аёллар зиммасига юклаш мумкин: улар ғишт ташишни, теришни ва дурадгорликни уддалай олади, деган хулоса чиқарилди. Аёлларни оғир саноатга жалб этиш ҳам узлуксиз амалга оширилди. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги хотин-қизлар меҳнати ва турмушини яхшилаш комиссияси раиси А.Вольний аёллар металл ва ёғочни қайта ишлаш саноатида ҳам бемалол ишлай оладилар, деб таъкидлади[1]. Бундай бир томонлама ёндашув ўзбек халқининг миллий қадриятларини билмаслик, ёки билган тақдирда ҳам уни менсимаслик оқибати бўлиб, ўзбек аёли кўникмасига мутлақо зид бўлган оғир меҳнатга жалб қилиш ва улар эвазига саноатни жадал ривожлантиришдан иборат эди. Шунинг учун ҳам А.Вольний: «Биз металлни қайта ишлаш саноатига 10 минг ишчи тайёрлашимиз зарур, уларнинг 15%и аёллар бўлиши керак. 7000 шофёрнинг — 50%и, 27000 тракторчининг 20 минги хотин-қизлар бўлади», деб айтган эди[2].

Советларга хос «тенгҳуқуқлилик»ка эришиш оқибатида, 1939 йилга келиб, аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50%ини эгаллашди. Бу курсаткич айниқса қишлоқ хўжалигида яққолроқ кўзга ташланди. 1930 йили Ўзбекистон ва Туркманистоннинг пахтакор туманларида яшовчи аёллар жамоа ва давлат хўжаликларидаги ишчи кучининг 80%ини ташкил қиларди. Улар қишлоқ хўжалик ишларининг 15 соҳасида: уруғ тозалашдан тортиб, ер ҳайдаш, экин экиш, унга ишлов бериш ва териб олишгача бўлган барча ишларда қатнашарди[3]. Ёппасига жамоа хўжаликларига аёллар маиший шарт-шароитлар, хусусан, болалар боғчаси йўқлигидан бир қўлида ёки елкасида боласини кўтариб далада ишлардилар. Бу партия-совет ташвиқотчилари томонидан «колхозчиларнинг юксак онглилиги» сифатида талқин қилинарди. Совет «ғамхўрлиги»нинг энг зўр тимсоли, аёллар учун махсус «енгил кетмонлар» ишлаб чиқарилгани эди[4].

Лекин 30-йилларнинг бошларидан бошлаб аёллар масаласи мамлакатдаги социалистик қурилишнинг умумий жараёнида ўзи-

---

[1] *Вольный А.* Женский труд в промышленности // Чачваны горят. — М., — Т., 1931. С. 25.

[2] *Вольный А.* Кўрсатилган асар, 25-бет.

[3] *Ризель Ф.* Женщина — националка в борьбе за хлопкоуборочную // «Революция и национальности». 1932, № 9. С. 31.

[4] «Правда Востока». 1932, 10 июля.

нинг дастлабки аҳамиятини йўқота бораётганлиги сезила бошлади. Натижада, 1930 йилда хотин-қизлар бўлимлари бекор қилинди, сўнгра хотин-қизлар учун махсус журналлар чоп этиш ҳам тўхтатилди. Булар орасида Ўзбекистондаги биринчи аёллар газетаси «Янги йўл» ҳам бор эди. Муаммога сўнгги нуқтани ВКП(б) нинг XVII съездида А.Каганович қўйди: «Ҳозирги пайтда хотин-қизлар шу қадар ўсиб кетганки, улар масаласи ҳақида гапириш ўринсиздир»[1]. Озодликка эришган аёллар меҳнатга шу даражада берилган эдики, эркаклар ҳам ортда қолиб кетарди. «Правда Востока» газетаси 1932 йил 10 июлдаги сонида ёзишича, қишлоқ хўжалигида аёллар эркаклар учун мўлжалланган нормаларни ҳам ошириб бажара бошлаганлар.

«Ҳужум» кампанияси жараёнида жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Энг аввало бу тадбир шошма-шошарлик билан, ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, урф-одатлар ўрганилмасдан амалга оширилди. Шунга қарамасдан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Ҳужум» кампанияси фақатгина коммунистик мафкуранинг «ижтимоий буюртмаси» асосида юз бермади, у хотин-қизларнинг ўзларидаги мавжуд ижтимоий тенглик, эрк учун интилишлари ва ҳаракатларининг мантиқий якуни сифатида ҳам намоён бўлди.

Ўзбекистон хотин-қизларининг билим савияси 30-йилларнинг иккинчи ярмига келиб анча ўсганлиги кўзга ташланди. Масалан, 1937 йилга келиб саводсизликни тугатиш мактабларини Ўзбекистоннинг 273.637 хотин-қизлари битирдилар. 183 аёл колхоз раисаси, 242 аёл раис муовини, 606 аёл эса бригада бошлиғи лавозимларида ишладилар[2]. 1938 йилда тикувчилик ишлаб чиқаришида банд бўлган ишчиларнинг 82,3%ини, қандолатчилик ишлаб чиқаришида 65,5%ни ва тўқимачилик ишлаб чиқаришида қарийб 88,0%ни хотин-қизлар ташкил этди[3]. 1940 йилга келиб хотин-қизлардан етишиб чиққан ишчи ва хизматчилар сони 232 минг нафарга етди[4]. Бу республикадаги барча ишчиларнинг 40,7%ига тенг бўлиб, шу жумладан, маҳаллий хотин-қизлар 21,1%ни ташкил этди[5]. Ўзбек аёлининг шижоати ва меҳнатсеварлиги фан ва маданият соҳаларида ҳам намоён бўлди. 1937 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтган олима аёллар биринчи конференциясига 400 га яқин хотин-қизлар қатнашдилар. Улар орасида биринчи ўзбек аёлларидан кимё фани соҳасида тадқиқот олиб борувчи М.А.Ҳожинова, З.Саидносирова, тиббиёт фани соҳасида З.Умидова ва бошқалар бор эди. Адабиёт ва санъат соҳасида Зулфия, Ойдин, С.Эшонтўраева, Ҳ.Носирова каби аёллар ижод қилдилар.

---

[1] «Партработник». 1934, № 3—4. С. 33.
[2] *Каррыева Р.* Кўрсатилган асар, 136-бет.
[3] *Шукурова Х.С.* Социализм и женщины Узбекистана. — Т., 1970. С. 234—235.
[4] Женщина в СССР. Стат. материалы. — М., 1985. С. 8.
[5] УзР МДА, 1669-фонд, 12-рўйхат, 178-йиғма жилд, 48—99-варақлар.

«Қатағон» йилларида «Ҳужум»ни қувонч билан қабул қилиб, унга ўз кучини, шижоатини, ҳаётини бағишлаган аёлларнинг кўпчилиги қурбон бўлдилар. Адолатсизлик асосида қурилган мустабид тузумнинг жазо қонунлари жамият ҳаётидаги энг табаррук инсон, гўзаллик тимсоли бўлган аёлларга ҳам раҳм қилмади. 1937—1938 йилларда «Ҳужум»нинг фаолларидан Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Маръям Султонмуродова, Хайринисо Мажидхонова ва бошқа минглаб оддий ишчи-деҳқон аёллар, маданият ва фан арбоблари қатағон қилиндилар[1]. Мустабид Совет давлати ва унинг ғоявий раҳномаси большевиклар партияси ўзи илгари сурган «Ҳужум» кампаниясини қўллаб-қувватлаган ўзбек аёллари жасоратига шу услубда «ташаккурлар» билдирди. Лекин, зиддиятлар ва йўл қўйилган жиддий хатоларга, жисмоний ва маънавий йўқотишларга қарамасдан, «Ҳужум» ўзбек аёлининг озодликка чиқишида, тенг ҳуқуқликка эришишида, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан баробар мавқега эга бўлишида муҳим тарихий босқич бўлди.

7. ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ҲУКМРОН МАФКУРА ИЗМИДА

20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йиллар совет ҳокимияти учун ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада мустаҳкамлаши даври бўлди. Истиқлолчилар кураши, барча ихтилофдаги сиёсий партиялар тугатилиши натижасида большевиклар мутлақ яккаҳоким партияга айланди. У жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Айниқса бу кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълимда, илмда ва маданиятда жиддий тус олди. Дастлабки йилларда маданият ва уни бошқариш жабҳаларида демократик тамойиллар бирмунча мавжуд бўлиб, ҳокимият маҳаллий урф-одатлар ва хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик эса, маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қулоч отиб мустаҳкамланиб бориши билан ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, большевикча «маданий инқилоб» йўли ва усуллари устиворлик қила бошлади. Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши ҳукмрон кучлар томонидан узоқни кўзламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида сиёсий манфаатлар йўлига бурилди. Янги зиёли кадрларни шакллантириш, эски мавжуд миллий зиёлиларни йўқ қилиш ана шу мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Саводхонлик даражасининг ўсиши бюрократик бошқарув тизимининг мустаҳкамланиб бориши, техника тараққиёти томон юриш ва илмий муассасаларнинг ташкил топиш жараёнлари улар ус-

[1] «Совет Ўзбекистони». 1991, 15 сентябр.

тидан қаттиқ мафкуравий назоратнинг ўрнатилиши билан ҳамоҳанг равишда юз берди.

Шундай шароитларда маданиятнинг ривожи жамиятнинг маънавий ўсишига халал берувчи ва ҳатто баъзи ҳолларда уни тўхтатиб қолувчи механизмга айланар эди. Бундай аҳвол халқ таълими соҳасида ҳам мавжуд эди. Умумий бошланғич таълимни жорий этиш, саводсизликни тугатиш каби ислоҳотлар ҳам ижобий, ҳам салбий тарзда кечди. Масалан, янги совет мактаблари муаллимларга муҳтож бўлса-да, эски мактаблар ва жадид усулидаги мактаблар муаллимларидан фойдаланмади, аксинча, уларга «душман» сифатида қаралди. 1927 йилда «За партию» журнали орқали сиёсий доиралар эски усулдаги ва жадид мактабларига қарши кураш эълон қилдилар[1]. Натижада, улар совет маъмурлари томонидан аста-секин беркитилди ва 20-йиллар охирига келиб бу мактаблар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлди.

30-йилларда совет мактаблари дарсликларга муҳтож бўлиб турган бир пайтда, жадид муаллифлари ёзган ва мусулмон болаларининг турмуши ва психологиясига мослаштирилган дарсликлардан фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Мактабларда эса кўп ҳолларда махсус тайёргарлик ўтмаган, маълумоти паст, малакасиз кишилар муаллимлик қилдилар. Масалан, Избоскан туманидаги мактабларнинг таълим аҳволини текшириш жараёнида ўқитувчилар арифметиканинг тўрт амалидаги масалани қийналиб ечиши, бўғинларга бўлиб ўқиши маълум бўлган[2]. Тошкент шаҳар Октябр туманидаги 74-мактабнинг математика ўқитувчиси математикани умуман тушунмаслигини, дарс беришга мажбур қилинганлигини очиқ-ойдин тан олган. Шу туманнинг яна бир мактабига математикадан дарс бериш учун магазин сотувчиси юборилган[3]. Умуман, 1932 йилда республика педагогика ўқув юртларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 72%ини бошланғич маълумотга эга бўлганлар ташкил қилган эди[4]. Бунинг устига мактаблар ёмон аҳволда бўлиб, оддий жиҳозлар, дарсликлар етишмас, ўқитишнинг аниқ дастури ва услуби ҳали ишлаб чиқилмаган эди.

Шунга қарамасдан, ўзбек халқининг билимга бўлган интилиши 30-йилларнинг бошларига келганда республикада саводхонлик учун умумхалқ юришини бошлаб берди. Биргина 1932 йилда 707 минг киши, шу жумладан, қишлоқларда 615,4 минг аҳоли саводсизликни тугатиш курсларида ўқитилди[5].

---

[1] «За партию». 1927, № 4. С. 130.

[2] *Галузо П.* Очередные задачи школьного строительства в республиках Средней Азии // «Социалистические строительства в Средней Азии». 1934. № 2—6. С.26.

[3] *Сафурди А.* К некоторым итогам политехнизации национальных школ // «Революция и национальности». 1932, № 7. С. 108.

[4] Ўша жойда.

[5] Ўзбекистон ССР тарихи. — Т., 1974, 446-бет.

Совет давлатининг статистик маълумотларида кўрсатилишча, 1925—1941 йиллар давомида халқ таълими мактаблари сони муттасил ортиб борган. Масалан, 1924—25 ўқув йилида Ўзбекистонда 160 та совет типидаги мактаблар ташкил қилиниб, уларда 17209 ўқувчи таълим олган бўлса[1], 1941 йилга келиб мактаблар сони 5504 тага ва уларда ўқитилаётган ўқувчилар сони эса 1 млн. 315 минг кишига етган[2].

Бироқ рақамлар ортидан қувиш ва шошма-шошарлик оқибатида умумий таълимни жорий қилишда кўпгина жиддий хатоларга йўл қўйилди. Жумладан, мактаб ёшидаги болаларнинг бир қисми ўқишга тортилмай қолди, ўқишни ташлаб кетаётган ўқувчилар сони (айниқса маҳаллий миллат ёшлари орасида) ортиб борди, кўпгина мактабларда ўқитиш савияси мутлақо талабга жавоб бермасди, чунки муаллимларнинг билим даражаси етарли эмасди. Айниқса уларнинг моддий аҳволи ёмон эди, мактаблар сон жиҳатдан муттасил ошиб бораётган бўлса-да, уларнинг ўқув-моддий базаси эса ночор аҳволда қолаётган эди.

Советларнинг «маданий инқилоб» тадбири жамиятнинг барча жабҳаларини, айниқса фан ва маданиятни ўта мафкуралаштириб, унинг ҳар бир соҳасини қамраб олди. Большевиклар тарбиянинг дастлабки ва таъсирчан ўчоғи бўлган халқ таълимини биринчи кунданоқ мафкура измига солиш учун бутун имкониятини ишга солди. Мактабларда сиёсий тарбияни йўлга қўйишга ва уни такомиллаштириб боришга эътибор берди.

Маълумки, большевиклар мафкураси негизида асосан синфий кураш ғояси устиворлик қилган. Ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш «синфий душман қаршилиги» деб баҳоланди. Гўё, «синфий душман» ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, таълимда, фанда, адабиёт ва санъатда, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлиб, уни қидириб топиш, барчани шубҳа остига олиш одат тусига кириб борди.

Таълим соҳасини «синфий душмандан» тозалаш мақсадида, ҳатто махсус қарорлар ҳам қабул қилинди. Масалан, ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси 1933 йил 27 мартда ўқитувчи кадрлар сафини тозалаш ҳақида қарор қабул қилади ва унинг дастлабки натижалари шу йилнинг 25 апрелида бўлиб ўтган Ўрта Осиё бўйича партиянинг маданий соҳага бағишланган кенгашида муҳокама қилинади[3]. Бу «тозалаш» натижасида биргина Қорақалпоғистон бўйича мавжуд 700 ўқитувчидан фақат 120 таси мактабларда ишлашга лойиқ деб топилди[4].

---

[1] Узбекистан за 15 лет. — Т., 1939. С. 79; Народное образование в Узбекистане. — Т., 1947. С. 18—19.

[2] Ўзбекистон ССР тарихи... 460-бет.

[3] *Галузо П.* Курсатилган асар, 27-бет.


[4] О некоторых итогах и перспективах культурного строительства в УзССР // «Социалистическая наука и техника». 1934, № 5. С. 7—9.

Зиёли кадрларни тайёрлашда синфий жиҳатдан ишончли, аҳолининг «меҳнаткаш» табақаларидан чиққан кишиларни танлаб олиш керак, деган ғоя илгари сурилди. Чунки, аввалдан яхши маълумки, ақлий ва мантиқий мушоҳада этиш даражаси қанча паст бўлса, саволлар ҳам, норозиликлар ҳам шунча кам бўлади. Шунинг учун ҳам маданият ходимларининг таркибини ижтимоий жиҳатдан ишончли бўлган «меҳнаткашлар» ҳисобига соддалаштириш, улар орасидаги энг заковатли ва омилкор қатламни сиқиб чиқариш мақсад қилиб қўйилди. Бу «маданий инқилоб»нинг асосий тезисларидан бири бўлиб, «шаклан миллий, мазмунан пролетар маданияти»ни вужудга келтиришдан иборат эди. Бу ғоя совет давлатининг барча ўн йилликлари давомида яшаб келди. 30-йилларда уни амалга ошириш борасида қўйилган дастлабки қадам маданиятнинг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлаш, юқорида айтганимиздек, «меҳнаткашлар», яъни, «пролетар қатламдан» бошланганлиги ҳам бежиз эмас эди.

Ўша йилларда комсомол сафига ижтимоий жиҳатдан фақат «меҳнаткашлар» қатламидан қабул қилинганлигини эътиборга оладиган бўлсак, нима учун комсомолларни сафарбар қилиниб, уларни қисқа муддатли курсларда ўқитиб мактабларга муаллим сифатида юборилганлигини англаб етамиз. Бунинг натижасида республикада ўқитувчилар сони 1928/29 ўқув йилидаги 5,5 минг кишидан 1932/33 ўқув йилида 19 минг кишига[1], 1941 йилда эса 42 минг кишига етган[2]. Бу рақамлар шундан далолат берадики, 1933 йил бошларида халқ таълими тизимларида ўтказилган «тозалаш» оқибатида ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан «ишончсиз» бўлган минглаб билимдон ва тажрибали муаллимлар ҳайдалиб, улар ўрнига қисқа муддатли курсларни битирган савияси паст, лекин ижтимоий жиҳатдан «ишончли» қатламлардан қўшимча муаллимлар тайёрланиб, улар мактаблар ва маданиятнинг бошқа соҳаларида ишлаш учун юборилдилар.

30-йилларнинг биринчи ярмида авж олган бу тадбир амалда зиёлилар сафини малакаси ва савияси паст кишилар билан тўлдиришга, юзакилик, омилсизлик, қоғозбозлик каби номаъқул иллатларнинг илдиз отишига олиб келди. Кишининг қобилияти, маданий савияси ва маълумот даражаси эмас, балки ижтимоий келиб чиқиши асосий мезон қилиб олинди. Кўпчилик партия ходимларига одат бўлган расмий қарашлар ва фикрларга қаттиқ риоя қилган ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленский халқ таълими бўйича 1928 йилда ўтказилган Ўрта Осиё кенгашида педагогика техникумида таълим олаётган талабалар бўйича қуйидаги маълумотларни келтирган эди: «Биз маданий соҳада ижтимоий келиб чиқиши

[1] Ўзбекистон ССР тарихи... 445-бет.
[2] Ў ш а ж о й д а, 406-бет.



Бошланғич мактаб. Бухоро вилояти, 1935 йил.

жиҳатидан қуйидаги шахсларни тайёрладик: йирик савдогарларнинг фарзандлари 37%, майда ва ўрта савдогарларнинг фарзандлари 27%, қишлоқ бойлари фарзандлари 18%, деҳқон фарзандлари 9%, ҳунармандлар фарзандлари 9%»[1]. Ўрта Осиё бюроси раиси республика халқ таълими ва маданият соҳаларида ишлаш учун тайёрланган мутахассисларнинг кўпчилиги «бегоналар», яъни ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан тузум мафкурасига тўғри келмайдиганлардан иборат бўлиб қолганлигини, улар ижтимоий муҳитга ўрнашиб бораётганлигини кескин танқид қилган эди.

Бу йилларда республика олий ўқув юртлари тармоғи ҳам ортиб борди. Самарқандда Ўзбекистон Давлат университети, Бухоро, Фарғона, Наманган, Андижон, Марғилон, Тошкент, Нукус, Хива, Урганч шаҳарларида олий мактаблар ташкил этилди. Агар 1932 йилда республикадаги 31 та олий ўқув юртида 12,2 минг талаба ўқиган бўлса[2], 1941 йилга келиб уларда таълим олаётган талабалар сони 18 минг кишига етди. Шу йили олий ўқув юртларини 7373 мутахассис битириб чиқди[3]. Шу билан бирга бу йиллар давомида 100 га яқин ўрта махсус ўқув юртлари ташкил қилиниб, уларда 15 мингга яқин ёшлар турли малакаларга эга бўлдилар. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бу йиллар давомида ўзбек миллатига мансуб талабалар сони

---

[1] *Зеленский И.* В борьбе за культуру // «За партию». 1928, № 7. С. 12.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи... 447-бет.
[3] У ш а ж о й д а, 460-бет.

ҳам ортиб борди. Лекин шуни қайд этиш керакки, олий ўқув юртларидаги мавжуд профессор-ўқитувчилар ўзагини асосан рус зиёлилари ташкил қилар эди. Биргина Ўрта Осиё Давлат университетида 1933 йилда фаолият кўрсатаётган 65 профессор, 75 доцент ва илмий унвонга эга бўлмаган 175 ўқитувчилардан жуда озчилигини маҳаллий миллатга мансуб профессор-ўқитувчилар ташкил қиларди[1].

20-йиллар ўрталаридан бошлаб мустабид тузум Ўзбекистонда қатор илмий-тадқиқот институтлари ташкил қилди. Чунки бу институтлар, бир томондан, Ўзбекистоннинг хом ашё соҳасидаги янги-янги имкониятларини очишга ёрдам берса, иккинчи томондан, олинаётган ва Марказга олиб кетилаётган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини туширишга ёрдам берар эди. Ташкил қилинган илмий муассасалар орасида Ўзбек Давлат илмий-тадқиқот институти (УзНИИ), Пахтачилик илмий-текшириш институти (СоюзНИХИ) кабилар бор эди. Йирик илмий кучларни ўзида бирлаштирган Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ)да Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, иқлим ва тупроқ хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси кенг ўрганила бошлади. Бу даврда геология қидирув ишлари бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди, хусусан, ўнлаб нефть конлари топилди. 1927 йили Шўрсув нефть ҳавзасида қудратли нефть захираси очилди. Цемент ишлаб чиқариш учун хом ашё захиралари қидириб топилди ва улар асосида Хилков цемент заводи кенгайтирилди, Қувасой цемент заводи қуриб битказилди. Бундан ташқари, нодир металлар, қалай, мис, олтин, мармар конлари топилди[2]. Лекин бу бойликлар Ўзбекистон иқтисодиётига эмас, иттифоқ иқтисодиётига фойда келтирди.

Бир қатор илмий изланишлар ижтимоий фанлар соҳасида ҳам амалга оширилди, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимий, ўрта асрлар ва янги тарихининг айрим масалаларига доир асарлар нашр этилди, қадимий шарқ қўлёзмаларини тўплаш, Самарқандда ва Термиз туманида археологик қазиш ишлари бошлаб юборилди, халқ оғзаки ижоди, этнография, тил ва адабиёт ҳамда санъат соҳаларини тадқиқ қилиш кенгайиб борди. Бу каби ишларни 1921 йилда таниқли маърифатчи олим Мунаввар Қори Абдурашидхонов раҳбарлигида тузилган Давлат Илмий Кенгаши (ГУС) амалга ошираётган эди.

1932 йилга келиб Ўзбекистон олимлари Республика Фанлар Академиясини ташкил этиш ишига киришдилар[3]. Бу йўлда илк ташланган қадам Марказий Ижроия Қумита қошида 1932 йил 11 октябрда Ўзбекистон илмий-текшириш муассасаларига раҳбарлик қилувчи республика қумитасининг тузилиши бўлди. 40-

[1] Ташкентский Государственный Университет. — Т., 1970. С. 48.
[2] *Абдуллаев Х.М.* 40 лет советской науки в Узбекистане. — Т., 1958. С. 41.
[3] Академии Наук Узбекистана 50 лет. — Т., 1993, С. 8.

йилларнинг бошида Ўзбекистонда олтмишдан ортиқ махсус илмий-текшириш муассасалари, лаборатория ва станциялари мавжуд бўлиб, уларда назарий ва амалий фан соҳалари бўйича турли йўналишларда илмий тадқиқотлар амалга оширилди. 1940 йил 9 январда Фан Қўмитаси Иттифоқ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига айлантирилди[1].

20-йиллар охирида партия мафкура майдонига яна бир ғояни — маданий меросни инкор этиш ғоясини ташлади, бу аслида «маданий инқилоб»нинг асосий мақсадларидан бири эди. Бироқ совет маданияти назарияси (доктринаси) унинг айрим ғоявий раҳнамолари орзу қилганидек маданий меросни бутунлай инкор этиш йўли билан борган, деб айтиш нотўғри, албатта. Маданий меросдан фойдалиларини олиб, кераксизларидан воз кечиш, ёки уларни замонга мослаштириш ҳақидаги фикрлар ҳам бўлган. Партия раҳбарларидан бири бўлган И.А.Зеленский бу ҳақда шундай ёзади: «Эски маданият икки қисмдан иборат: моддий қисмдан, биз ўзлаштирган ишлаб чиқариш аппаратидан хўжалик ва техник асос (базис)га бевосита йўлдош бўлган аниқ фанлардан; ғоявий қисмдан, ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидагина эмас, балки ишлаб чиқариш кучлари ва қуроллари тақсимотидан келиб чиққан (қуроллар ва воситаларга хусусий эгалик) ғоявий қисмидан иборат. Маданиятнинг айнан шу қисмини, яъни меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгалик фактидан келиб чиққан қисмини биз улоқтириб ташлашимиз зарур»[2]. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мустабид тузум мафкураси томонидан сунъий равишда бўлиб ташланган бундай маданият нафақат қарам халқлар учун, шу билан бирга рус халқи учун ҳам маънавий зарардан бошқа ҳеч нарса келтирмади.

Компартиянинг маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қарорда ҳам ўз аксини топди. СССР МИҚ ва ХКҚнинг ушбу қарори 1929 йил 7 августда қабул қилинди. Аслида ўзбек ёзувини лотинлаштириш ғояси 1921 йилда ўзбек тили ва унинг имлосига бағишланган 1-Ўлка қурултойида ўртага ташланган бўлиб, кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган эди. Кенгаш иштирокчиси Абдурауф Фитрат ўз нутқида араб графикасини босмалашда ва қўллашда бир қатор қийинчиликлар борлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга, уни соддалаштириш зарурлигини таклиф қилган ҳолда араб графикасини сақлаб қолиш лозимлигини таъкидлайди. Лекин кейинчалик А.Фитрат ўз фикрини ўзгартириб, ўзбек ёзувини лотинлаштириш тарафдори бўлган. 1922 йилнинг охирига келиб алфавитни ўзгартириш масаласида мунозаралар янада кучайди. Маориф ва маданият ходимлари-

---

[1] Академии Наук Узбекистана 50 лет. — Т., 1993. С. 8—9.

[2] *Зеленский И.* В борьбе за культуру // «За партию». 1928, № 7. С. 12.

нинг съездида бу масалада жуда кескин тортишувлар бўлди. Асосий маърузачи Ўрта Осиё халқлари тиллари билимдони машҳур олим, профессор Е.Д.Поливанов[1], Ўрта Осиё халқлари учун араб имлосидан воз кечиш оғир эканлигини айтса-да, лекин араб ёзувини алмаштириш ғоясининг ташаббускори бўлиб чиқди. Шу билан бирга, у ўз маърузасида «анъанавий арабча ёзув фақатгина диний мусулмон анъаналари нуқтаи назаридангина қимматлидир», деб араб ёзувининг мавқеини пасайтиришга ҳаракат қилди[2]. Кескин мунозара ва баҳслардан сўнг Туркистон Автоном Республикаси Халқ маорифи комиссариати қошидаги Давлат Илмий Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланган араб ёзувини енгиллаштириш тарафдорлари ғалаба қилдилар. Съезд қабул қилган 6 банддан иборат қарорда ўзбек ёзувини араб имлоси асосида сақлаб қолиш, бироқ ўқиш ҳамда ёзувни ўрганишни енгиллаштириш мақсадида уни бир оз соддалаштириш зарурлиги таъкидланди.

1926 йил мартда Боку шаҳрида бўлиб ўтган I Умумиттифоқ туркшунослар съездида ҳам бу муаммо қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Албатта, ислоҳот ўтказишдан мақсад, аввало араб имлосига қараганда анча енгил ўзлаштириладиган лотин имлосини ўрганиш билан саводсизликни мумкин қадар тезроқ тугатиш учун интилиш эканлигини сезиш қийин эмас. Аммо ёзувнинг лотинлаштирилишига қарши турган мухолифлар, советларнинг бу йўли кўп миллатли Совет Ўрта Осиёси халқларини Шарқ мусулмон мамлакатларидан сунъий равишда ажратиб олиб, улар учун алоҳида янги маданият ва тарих яратишни мақсад қилиб қўйганлар, деган фикрлари мутлақо тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Иккинчи томондан, ёзувнинг лотинлаштирилиши динга қарши ташвиқотнинг бир шакли эди, большевиклар таъбирига кўра, араб ёзуви диндорларга, уламоларга «хизмат қилар» эди. В.В.Бартольд, С.Ф.Ольденбург, А.Н. Самойлович каби таниқли шарқшунос олимлар бу масалага холисона ёндашмадилар. Ислоҳот ҳақидаги расмий кўрсатмага амал қилган ҳолда, Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини ўзида мужассам қилган минглаб араб ёзувидаги қимматбаҳо манбалардан Ўзбекистон халқларини маҳрум қилишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Араб ёзувини лотинлаштириш сиёсатига Ўзбекистонда, шу жумладан, таниқли тилшунос олимлардан луғатшунос, 2 жилдлик биринчи ўзбекча-русча луғатнинг ўзбек муаллифи — Ғози Олим Юнусов, педагог ўқитувчилар — Қаюм Рамазонов, Абдураҳим Йўлдошев, Пўлатхон Қаюмов ва бошқалар қарши турган эдилар. Улар бу ислоҳотни маданий

---

[1] *Поливанов Е.Д.* О принципах построения турецкой грамматики / Тезисы доклада на заседении педагогической комиссии Научного Совета // «Наука и просвещение». 1922, № 1. С. 12.

[2] Ў ш а ж о й д а, 13-бет.

билимсизлик деб баҳоладилар. Айниқса, 1921 йилда тил ва имлога бағишланган 1 Умумўзбек съездида араб ёзувини бир шаклга келтириш ва ўзбек тилининг сўз бойлиги, луғат таркиби (лексикаси) ҳақида қимматли таклифлар билан чиққан Ашурали Зоҳирий бу курашга кўп куч сарфлади.

Бироқ, ёзув масаласи атрофидаги барча шов-шувлардан тортиб то ҳукумат, оддий ташкилотлар, ислоҳотни ташкил этувчилар меҳнати, ғоявий тарғибот ишларининг бари 30-йиллар охирига келиб мутлақо кераксиз бўлиб қолди. Ёзувни лотинлаштириш учун ишлатилган катта маблағлар эса бекор кетди. Чунки бу даврга келиб, ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйруқ тарзида ёзувнинг навбатдаги янги ислоҳоти — кириллицага ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1940 йил май ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессиясида Т.Н.Қориниёзовнинг маърузаси бўйича ёзувнинг рус графикасига ўтказиш ҳақида кўрсатма берилди. Қарорда «ўзбек халқи кенг оммасининг ташаббуси, халқнинг хоҳиш-истаги», деб алоҳида таъкидланди. Шунингдек, кириллицага ўтиш «халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш» воситаси деб талқин қилинди. Янги ислоҳот лотин имлосига ўтишда назарда тутилмаган сиёсий сабабларга ҳам эга эди. Маълумки, 20-йиллар охирида Туркия лотин имлосига ўтган бўлиб, марказий ҳукумат СССР таркибидага Ўрта Осиё республикаларини буржуа мамлакати бўлган Туркия ва бошқа капиталистик дунё мамлакатлари ёзувидан фойдаланишга йўл қўя олмас эди. Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан ўзбек тили хусусиятларини ҳисобга олиб бир неча ислоҳот лойиҳаси ишлаб чиқилди ва улардан турли хил тиллар гуруҳига кирувчи, бир-биридан фарқ этувчи ўзбек ва рус тилларини «яқинлаштирадиган», умумлаштирадиган варианти танлаб олинди. Фикримизча, таниқли ва хизмат кўрсатган олим, профессор Т.Н.Қориниёзовни асосий маърузачи сифатида танлаб олишдан мақсад имлони ўзгартиришга нисбатан бўлиши мумкин қаршиликнинг таъсирини камайтириш бўлган. Аммо Ўзбекистон зиёлиларининг энг илғор вакиллари бу даврда қатағон этилган бўлиб, қаршилик кўрсатиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Таассуфлар бўлсинки, катта-катта харажатлар маориф ва маданият равнақи учун эмас, балки мустабид режим сиёсатига маъқул келадиган ислоҳотларга сарф этилди.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Марксизмга асосланган совет мафкурачилари исломнинг юксак илмий-маданий қимматини инкор этиш учун унга нисбатан «социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган» эски, қолоқ, реакцион қарашлар деган устқурмани танлаб олдилар. Марказнинг бу устқурмаси Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг исломни жаҳон тарихининг бир кўриниши бўлган мусулмон маданияти сифатидаги таърифи эътиборга олинмади.

Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслаҳатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислоҳотларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу, янги шароитга мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳолади[1]. Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди[2]. Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 30-йилларда очиқдан-очиқ «совуқ уруш» эълон қилинди. Бунинг учун махсус «Курашчан худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлимлари барча корхона ва муассасаларда ташкил этилди. «Курашчан худосизлар» иттифоқи умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш ҳолларига қаршилик кўрсатиш каби ишларда ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бироқ руҳонийлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб боришда салбий роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан 1931 йилнинг ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентда бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди[3]. Тошкентнинг Октябр тумани аҳолиси комсомол клубларига айлантирилган масжидларни халққа қайтаришни талаб қилиб чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб баҳоланди. «Курашчан худосизлар» иттифоқи ҳисоботига кўра, 1931 йилда беш йиллик режа бажарилган бўлиб, унинг сафига Ўзбекистонда 90.000 киши аъзо бўлган, улардан 60.000 нафари ёшлар эди[4]. Лекин, шунга қарамасдан, Ўзбекистон халқлари диний эътиқоддан, диний қадриятлардан мутлақо воз кечмади. Большевикларнинг динга қарши зўравонлиги ва таъқиблари остида бўлса-да, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Бироқ большевистик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин — партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъи назар, «халқ душмани» деб эълон қилинди.

---

[1] *Икрамов А.* О духовенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах. — Т., 1972. Т. 1. С. 280—297.

[2] *Хансуваров И.* Мусдуховенство // «Коммунистическая мысль». Кн. 5. — Т., 1927. С. 60—102.

[3] *Макаров К.* Отчетный доклад о деятельности Республиканской организации «Курашчан худосизлар» за 1930—31 гг. — Т., 1931. С. 14.

[4] Ў ш а ж о й д а, 19-бет.

Ижтимоий ҳаётнинг марксизм-ленинизм мафкураси измига солиниши айниқса адабий жараёнда яққол кўзга ташланди. 1925—1934 йилларни ўз ичига олган дастлабки давр марксча-ленинча мафкура измидаги ёзувчилар ташкилотини тузиш йўлидаги изланишлар билан характерли бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, РКП(б) МҚнинг 1925 йил 18 июндаги «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги қарори ўзбек адабиётининг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу қарорга кўра, пролетар манфаатига хизмат қилмайдиган адабиёт намуналари буржуа мафкурасининг . кўринишлари деб эълон қилинди ва уларга қарши кескин кураш бошланди. 1928 йилнинг 30 апрел — 5 май кунларида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилари қурултойида Россия пролетар ёзувчилари уюшмаси тузилди. Пролетар адабиётини яратишни ўзига мақсад қилиб қўйган бу ташкилотнинг бўлимлари, бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам ташкил этилди. Россияда бўлганидек Ўзбекистонлик ёзувчилар ҳам пролетар ёзувчилари, йўловчилар (попутчиклар) ва бошқа гуруҳларга ажратила бошланди. Бу даврда Ўзбекистонда марксча танқидчилик ва адабиётшуносликни бошлаб берган ҳамда адабий жараёнга ғоявий раҳбарлик қилган кишилардан бири Сотти Ҳусайн бўлиб, у Тошкент пролетар ёзувчилари уюшмаси ўзбек сектори йигилишида қилган маърузасида пролетар адабиётини яратиш учун: а) мавзунинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор бериш, б) «миллионлар англайдиган» бадиий шакл «ижод қилиш» ва бу шаклни унга монанд мундарижа билан таъмин этиш вазифасини қўйди. Умуман, пролетар адабиётини яратиш шиори билан чиққан назариётчилар Марксниng қуйидаги фикридан келиб чиққан эдилар: «Ҳокимиятга чиққан синф,— деган экан у, — синф бўлибгина чиқмайди. Балки бутун жамият вакили бўлиб чиқади»[1]. 1917 йил октябрида ҳокимиятни ўз қўлига олган большевиклар ана шу тарзда ўзларини ҳокимият тепасига чиққан жамият вакиллари деб ҳисобладилар ва фақат ўз манфаатларига хизмат қилувчи адабиётни яратиш ишига киришдилар.

Сотти Ҳусайн «Пролетар адабиёти» деб номланган мақоласида: «Ўзбек адабиётида ҳали ҳам катта ўринни мафкуравий ижодий ёқдан миллий буржуазия руҳидаги ва кўпинча йўловчи адабиёт ишғол қилади. Ўзбек пролетар адабиёти ва санъати жуда-жуда заиф, энди бош кўтариб келмоқдадир.... Бунинг сабаби нимадир? ...Чунки пролетар ҳали ҳокимиятни ушлаб қолиш учун овора бўлиб, санъат бобида кўп иш қилолмади. Айниқса, миллий жумҳуриятларда янги ўсмакда бўлган ижодий кучларга таъсир бера олмади»[2], деб ёзган эди.

---

[1] *Сотти Ҳусайн.* Танланган асарлар. — Т., 1974, 30-бет.
[2] У ш а а с а р, 34-бет.

Пролетар адабиётига қарши қўйилган ва соф миллийлик таъсиридан холи бўлмагани учун ёт ҳисобланган адабиётнинг А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари вакиллари шу даврдан эътиборан «йўловчи» деб эълон қилинди ва уларнинг ижод этишларига турли йўллар билан монелик кўрсатила бошланди. С.Ҳусайн юқорида тилга олинган мақоласида ёзувчиларнинг гуруҳларга ажратар экан, бундай ёзади: «....Ҳозирги адабиётимизда ўнг бурилишдаги йўловчи Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпондир. А.Қодирий ўнгчиликдан бирмунча қайтиб келмоқдадир...

Фитрат, Чўлпонлар инқилоб бошида ўта ўнг эдилар. Кейин-кейин миллий бойлар томони енгилиши билан сўниб қолдилар. Сўнишлари табиий эди. Уларга бир чора инқилоб билан бирга бориб, ёзувчиликда кучайиш бўлса, иккинчи чора бутунлай сўнишдир.....

Давр буйруғини (заказини) қабул қилиб ёзиш ёки бутунлай қочиб, орадан чиқишга тўғри келади...

Шокир Сулаймон, Элбек, Ойбек, Н.Раҳимов сўллашмакда бўлган йўловчилардир. Булар ичидан Шокир Сулаймон мафкуравий ёқдан ўсиб, сўллашиб келмоқда...»[1]

РКП(б) МҚ қароридан кейин барча ўзбек ёзувчиларини совет даврини куйлаш, пролетар адабиётини яратиш ишига жалб этиш бошланди. Бунга жавобан Чўлпоннинг яқин дўсти, Наримонов номидаги таълим ва тарбия техникумининг мудири Эсон афанди: «Шоир ямоқчи эмас, у буйруқни қабул қилмайди», деб чиқди. Чиндан ҳам, на Чўлпон, на Фитрат ижодида советлашиш жараёни кўринди. Шундан кейин уларга қарши ошкора кураш бошланди. 1927 йил октябрида республика маданият ходимларининг Самарқандда бўлган қурултойидан мунақкид Вадуд Маҳмуд шармандаларча ҳайдаб чиқарилди. Чўлпон ва унинг маслакдош дўстлари ўзбек адабиётидаги ёт унсурлар деб эълон қилиндилар. Ўша йилнинг бошларида Айн (Олим Шарафиддинов) ва Усмонхон (Эшонхўжаев)нинг Чўлпонга қарши қаратилган мақолалари билан бошланган тазйиқ ва таҳдид шу тарзда давом этди ва кучайиб борди.

Мазкур кураш натижасида Фитрат диний догмаларни фош этувчи, халқ оммасини реакцион руҳонийлар таъсиридан халос этишга қаратилган ҳикоялар ёзишга ўта бошлади. Ўз тақдирини театр санъати билан боғлаган Чўлпон эса замонавий мавзуларда «Ўртоқ Қаршибоев» ва «Муштумзўр» сингари пьесаларни ёзди. А.Қодирий ва С.Айний тарихий мавзуларда асар ёзишда давом этдилар. Пролетар адабиётининг мафкурачилари эса ўз эътиборларини ёш авлодга қаратиб, «Ёш ленинчи» газетаси қошида тўгарак ташкил этдилар, Самарқандда «Қизил қалам» ташкилотини тузиб, шу номда иккита мажмуа

---

[1] *Сотти Ҳусайн.* Ў ш а ж о й д а, 3-бет.

чиқардилар, Тошкентдаги «Сельмаш» каби завод ва фабрикалар қошида адабий тўгараклар очиб, ўзбек адабиётининг янги авлодини ишчилар орасидан етиштирмоқчи бўлдилар. Аммо бу тўгаракларга бириктирилган ва завод-фабрикаларга ишга қабул қилинган Ғиёс Соатий, Фатҳулла Ғулом, Солиҳ Собирий, Ҳошим Зоҳидов сингари ёшлардан истеъдодли шоир ва ёзувчилар чиқмади. Ўз моҳияти билан хато бўлган бу уриниш натижа бермади. Айниқса Чўлпон ва Фитратларни бўғишга, улар ижодини совет манфаатлари йўлига буришга қаратилган уринишлар миллий адабиётимизга катта зарар келтирди.

Пролетар адабиётини яратиш ғояси гарчанд сунъий бўлсада, октябр тўнтаришининг моҳияти ва ленинча-сталинча социализмнинг табиати билан уйғун бўлган эди. Большевиклар ҳокимият теппасига келишлари биланоқ халқни бойлар ва камбағалларга ажратиб, бойларни қулоқ сифатида тугатган бўлсалар ҳам адабиётда сўнгги вақтларга қадар бойлар кишилик жамиятининг йиртқич қисми сифатида тасвирланди. Беҳбудийнинг «Падаркуш» пъесасида ним қора буёқлар билан тасвирланган бой образининг салбий моҳияти Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасида янада қуюқлаштирилди. С.Айний «Одина», «Дохунда», «Қуллар» каби қисса ва романларида бойларни жамиятнинг текинхўр унсурлари сифатидагина тасвирлаб, уларнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, тежамкорлиги орқасида бойликка эга бўлганлиги масаласини эса атайлаб четлаб ўтишга мажбур бўлган эди.

«Қизил қалам» ташкилоти, Ўзбекистон пролетар ёзувчилари уюшмаси ва унинг айрим вилоятлардаги бўлимлари ҳам адабий жараёнга тўғри йўналиш бера олмади. Шунинг учун ВКП(б) МҚ 1932 йил 23 апрелдаги «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида»ги қароридан кейин улар ўз фаолиятларини тўхтатдилар. 1934 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси вужудга келди.

Мазкур уюшма СССР Ёзувчилар уюшмасининг таркибий қисмига кирувчи бўғин бўлиб, Совет ҳукумати ва коммунистлар партиясининг адабиёт соҳасидаги сиёсатини амалга ошириши, социалистик реализм услубининг барча совет ёзувчилари учун ягона ижодий усулга айланишини таъминлаши, аъзоларининг социалистик идеалга садоқатли бўлишига эришиши лозим эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси бу идеалдан узоқ бўлган Чўлпон ва Фитрат сингари ёзувчиларни ўз сафига қабул қилмади. Уюшма раҳбарияти яратилажак асарларда янги инсон — совет кишисининг идеаллашган образи бўлишини, совет воқелигидаги нохуш манзараларнинг бадиий тасвир доирасига тортилмаслигини назорат этиб борди. Бу шартлар озми-кўпми бузилган ҳолларда партия ўз қарорлари билан Ёзувчилар уюшмасини жиддий равишда силкитиб, «гуноҳ» қилиб қўйган ёзувчиларни мунтазам равишда жазолаб турди.

Ўзбек адабиётининг Фитрат ва Чўлпон каби «кекса» авлоди вакилларининг 30-йилларда эркин ижод этишига йўл қўйилмади. Уларнинг совет воқелигини тасдиқловчи, аммо бадиий жиҳатдан саёз асарларигина эълон қилинди. Партия ўз эътиборини Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яшин, Абдулла Қаҳҳор каби шоир ва ёзувчиларнинг коммунистик руҳда шаклланишига қаратди. Шу мақсадда рус мумтоз ва замонавий адабиётининг советларга мос асарларини миллий тилларга таржима этиш ва улардан ўрганиш ишлари рағбатлантирилди. Шоир ва ёзувчиларнинг ўз асарларида Ленин ва Сталин образларини яратишларига алоҳида эътибор қаратилди, коммунист образи ўзбек адабиётининг асосий образига айланди, ўзбек киши-си онгининг шаклланиши, албатта, рус «оға»сининг иштироки ва таъсирида рўй бериши лозимлиги адабиёт олдига қўйилган асосий талаблардан бири эди. Ана шу тарзда бадиий асар стереотипи пайдо бўлди. Қуруқ схемадан иборат, ҳақиқий ҳаёт нафасидан маҳрум бўлган асарлар тинимсиз равишда яратилибгина қолмай, адабиётнинг улкан ютуқлари сифатида баҳоланди, муаллифлари эса мукофотланди.

Аммо шу билан бирга бу давр адабиёти катта муваффақиятларга ҳам эришди. Аввало шуни айтиш керакки, 30-йилларда таржима бадиий ижоднинг муҳим соҳаларидан бири сифатида ривожлана бошлади. Рус ва жаҳон адабиётининг кўзга кўринган намуналари ўзбек тилига тинимсиз равишда таржима этилди. Адабий алоқаларнинг шундай шакллари таъсирида ўзбек адабиётида шу пайтгача мавжуд бўлмаган роман, қисса, сонет, терцет, баллада сингари янги жанрлар ўзбек ёзувчилари ижодига кириб келди. Рус ва жаҳон адабиёти таъсирида ўзбек адабиётининг реализми кучайди.

Адабиётимизнинг қайси бир турини олмайлик, 30-йилларда бу турларда қатор умрбоқий асарлар яратилди. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»дан кейин «Меҳробдан чаён» романини ёзиб, ўзбек романчилигини жаҳон маданияти даражасига олиб чиқди. Кўп ўтмай, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» (биринчи китоби), Ойбекнинг «Қутлуғ қон», шунингдек, С.Айнийнинг тарихий ва автобиографик романлари майдонга келди. Шеърий жанрларда Ойбекнинг «Чимён дафтари» туркуми ва достонлари, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир, Усмон Носир ва бошқа шоирларнинг лирик ҳамда лиро-эпик асарлари яратилди. Драматургия асарлари орасида эса Ҳамзанинг «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёхуд Яллачилар иши», Ғ.Зафарийнинг «Ҳалима» сингари узоқ йиллар мобайнида томошабин эътиборини қозониб келган пьесалари пайдо бўлди.

Совет тузуми, бир томондан, ўзбек адабиётининг рус ва жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишига имконият туғдирган бўлса, иккинчи томондан, унда эрксеварлик, мил-

латпарварлик ва миллий тараққиёт ғояларининг қўланишига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди. Бадиий ижод биринчи навбатда инсон қалбининг ҳурлигини, пок ва олижаноб интилишларини, она-ватаннинг босқинчилар эркига қарши ўлароқ озод ва обод бўлишини тараннум этувчи ҳодиса бўлгани учун бу ғоялар билан яшаган ёзувчилар мустабид тузумга душман бўлиб кўринди. 1929 йили турли баҳоналар билан уюштирилган «тозалаш» кампанияларида ўзбек зиёлиларининг дастлабки авлоди маҳв этилди. Улар орасида Боту сингари совет тузумига содиқ ёш ёзувчилар ҳам бор эди. Аммо 1929—1930 йиллардаги «тозалаш» билан ўзбек халқи ва унинг маданиятини советлаштириш маҳол эканини тушунган давлат ва партия 1937 йилда адабиётимиз ва умуман маданиятимизнинг энг сара арбобларини йўқ қилиб, ҳатто улар номини тарихдан ўчириб ташлаш учун барча чораларни кўрди. А.Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Усмон Носир, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий сингари ёзувчилар «халқ душманлари» деб эълон қилинди.

Советлаштириш сиёсати санъатнинг барча соҳаларига шу жумладан кино санъатига ҳам кириб борди. Кино санъатини социалистик мезонда ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат уни ўз тасарруфига олди, чунки ундан халқ оммасини коммунистик мафкура измига солишда кенг фойдаланиш кўзда тутилган эди. 20-йиллар ўрталарида Ўзбекистонда давлат кинотрести ва «Шарқ юлдузи» кинофабрикаси ташкил қилинди. Бу даврда ва кейинчалик машҳур бўлган — Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Сулаймон Хўжаев, Малик Қаюмов, Эргаш Ҳамроев каби машҳур «социалистик» руҳдаги киночилар шаклланди. Бир гуруҳ ёш киночилар (Й.Аъзамов, С.Искандаров, М.Раҳимов, А.Раҳимов, А.Умаров, Р.Пирмуҳамедов ва бошқалар) 1927 йилда Москва ва Ленинград кинематография институтларига ўқишга юборилди[1].

Шу йилларда Қори Ёқубов томонидан биринчи бўлиб ўзбек халқ мусиқа ансамбли ташкил этилди, 1926 йилда эса биринчи ўзбек мусиқа театри юзага келди. У ерда К.Яшин, М.Муҳамедов, Т.Жалилов, Т.Содиқов ва Р.М.Глиэр либретто ва мусиқалари асосида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» каби биринчи миллий опералар қўйилди. 1928 йил Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон халқлари мусиқаси институти очилди. Унинг биринчи талабалари орасида Т.Содиқов, М.Бурҳонов, М.Ашрафий каби машҳур бастакорлар бўлган. Шу йилларда республикада бир қатор мусиқа мактаблари очилди. Бу ишда Ҳамза, Фитрат ва Ғулом Зафарийлар фаол иштирок этдилар. 1927 йилда А.Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси тарихи» монографияси нашр этилди.

1937 йилда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўзбек миллий санъатининг ҳар бир соҳаси етук талант-

[1] *Абдул-Касымова Х.* Рождение узбекского кино. — Т., 1965, С. 3.



Халқ артисти Ҳалима Носирова опера театри саҳнасида рол ўйнамоқда. Тошкент, 1938 йил.

ларга эга эканлигини намоён қилди. Сиёсий мафкура миллийликни ўз таъсирига олишга қанчалик уринмасин халқ миллий маданияти, халқ миллий санъати ўзини намоён қила олди. Декада кунлари концерт берган Ҳалима Носирова овозига ҳаттоки «халқлар доҳийси» тан бериб, уни «Шарқ булбули» деб атагани маълум.

30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда тасвирий санъат ҳам «социалистик реализм» асосида ривожланди. Бу йилларда Ў.Тансиқбоев, Б.Ҳамдамий, Уста Мўмин ва бошқа бир қатор ёш ўзбек рассомлари ижод қилишга киришган эдилар. Биринчи ўзбек аёл рассом Ш.Ҳасановнинг таланти ҳам ўша йилларда намоён бўлди. Ўзбек тасвирий санъатида эришилган ютуқлар ва истеъдодли рассомлар етишиб чиққанлиги сабабли 1932 йилда Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмаси ташкил қилинди.

Мустабид совет тузуми йилларида вақтли матбуот ва маданий-оқартув муассасаларига ҳам кенг эътибор қаратилди. Чунки Ўзбекистон аҳолисини унинг учун ёт бўлган марксизм-ленинизм ғоялари асосида тарбиялашдек муҳим сиёсий вазифа ана шу «маданий ўчоқлар» зиммасида эди. Бу, муҳим сиёсий соҳа бўлганлиги учун ҳам унга раҳбарлик қилишни партия ўз қўлига олган ва унга муттасил диққат эътибор қаратиб, ҳатто маблағни ҳам аямаган эди.

Айниқса, вақтли матбуот марксизм-ленинизм ғояларини халқ онгига сингдириш, синфий курашни авж олдириш бобида совет тузумига жон-дили билан хизмат қилди. Ўзгача фикрловчиларга қарши курашда, «синфий душманни» қидириб топишда матбуот олдинги сафда бўлди. 30-йилларда газета ва журналлар саҳифаларида чоп этилган мақолаларнинг бир хил турда номланишиданоқ уларнинг мазмунини аниқлаб олиш қийин эмасди. Масалан, «Маданий инқилоб фронтидаги ғоявий тусиқлар», «Миллатчи аксилинқилобчилар ва уларнинг биздаги гумашталари», «Ўзбекистон мактабларини политехникалаштиришда миллатчи оғмачиларга қарши кураш» ва бошқалар фикримизга далилдир.

Ана шу оғир шароитда, мафкуравий қолиплар занжирида Ўзбекистон маданияти ривожланди. Бу ажабланарли эмас, чун-

ки ўзбек халқининг билимга, маданият ва тараққиётга интилиши қадимдан жушқин бўлган. Шу боис совет тузуми йилларда ҳам, сиёсий мафкура тазйиқларига қарамасдан маданият майдонида талантли ўқитувчилар, маорифчилар, олимлар, актёрлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, мусиқачилар, бастакорлар, қўшиқчилар ва раққослар етишиб чиқиб, улар Ўзбекистон фани, ўзбек миллий маданияти ва санъати ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Бироқ бу ютуқлар ўзбек халқи томонидан бой берилган улкан йўқотишлар ва кучли ижтимоий силсилалар эвазига қўлга киритилди. Ҳукмрон ва мустабид коммунистик тартибот (режим) томонидан буюрилган мафкуравий йўл-йўриқлар, ғоялар ва кўрсатмалар маданий жараённинг тўлақонли тараққиётига йўл бермади. Ўзбек маданияти бундан ҳам етук, янада теран ва юксак бўлиши мумкин эди.

8. МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

Совет ҳукумати миллий республикаларни мустабид тузум исканжасида мустаҳкам ушлаб туриши учун, энг аввало, «социализм» ниқобига ўралган янги мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини яшириши, унинг ошкор бўлиб қолишига йўл қўймаслиги зарур эди. Бунинг учун большевиклар партияси миллий сиёсатни ҳар бир тарихий босқичда, ҳар бир вазиятда шароитдан ва асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда унинг йўналишини, мақсадини ва моҳиятини ўзгартириб борди. Масалан, 1917—1924 йиллар давомида партия миллий сиёсатининг асосий негизи бўлган «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи»нинг кун тартибига қўйилиши ва унинг большевиклар «андозаси» асосида амалга оширилиши натижасида сунъий равишда миллий республикалар ташкил қилинган бўлса, 1925—1941 йиллардаги миллий сиёсатнинг асосий йўналиши ва мақсади миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишга барҳам беришга қаратилган бўлиб, бунинг учун миллий республикаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлигига барҳам бериш вазифаси қўйилди. Бу вазифа партия X, XII, XIV съездлари қарорларида ўз аксини топди. Мазкур вазифани амалга ошириш жараёнида давлат қурилиши ишларига маҳаллий миллат кишиларини кенг жалб қилиш, давлат аппаратини «маҳаллийлаштириш»га муҳим аҳамият берилди. Давлат аппаратини «маҳаллийлаштириш» давлат, жамоат ва хўжалик аппаратига маҳаллий миллат вакилларини кенг жалб этишдан, иш юритишда ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларни жорий қилишдан иборат бўлди.

1924 йилда ЎзССР МИҚ ҳузурида давлат аппаратини ўзбеклаштириш Марказий комиссияси ташкил этилди, шунингдек,

бу хилдаги комиссиялар жойларда ҳам ташкил топди. 1928 йилга келиб Ўзбекистон ССР ҳукумати «Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди[1]. Мазкур қарорга мувофиқ ўзбек аҳолиси кўпроқ бўлган туманлардаги барча давлат, жамоат, кооператив муассасалари ва ташкилотлари иш юритишни ўзбек тилида ёки бу ерда кўпчиликни ташкил қилган элат тилида олиб боришлари шарт эди.

Маҳаллийлаштириш масалаларига эътиборни кучайиши бошқарув соҳасидаги миллий кадрлар қатламини кўпайтириш, ўзбек тили татбиқ этиладиган ҳудудларни кенгайтириш тадбирларини кенг қулоч ёйдиришга имкон берди. Натижада республиканинг марказий муассасаларида ўзбек ходимлар сони 1924—1927 йилларда 2,5 баравар ортди. 1930 йилнинг охирига келиб қуйи аппарат 75%га миллийлаштирилди[2]. Айни вақтда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш ҳам бошлаб юборилди. Шу муносабат билан ЎзССР ХКҚнинг «ЎзССР муассасалари, корхоналари, ташкилотлари хизматчи ходимларининг ўзбек тилини мажбурий равишда ўрганишлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Асосий миллат тилига давлат тили мақомини бериш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам кўрилди: ўзбек тилини ўрганиш буйича турли курслар, тўгараклар ташкил этилди, европалик миллатлардан чиққан ходимларнинг бу тилни ўрганиши улар маошига устамалар тўлаш билан рағбатлантирилди. Барча расмий ва меъёрий ҳужжатлар рус ва ўзбек тилларида нашр этила бошлади.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аппаратни «миллийлаштириш» жараёнида унинг мазмуни бирмунча ўзгартирилди, бунда асосий эътибор маҳаллий аҳолини давлат бошқарувига жалб қилиш эмас, балки, фақат давлат аппаратини аҳолига яқинлаштиришга қаратилди. Бунинг учун давлат муассасаларидаги европа миллатига мансуб ходимлар учун ўзбек тилини ўрганиш тизими ишлаб чиқилди[3]. Аммо маҳаллий миллат вакилларидан ходимлар тайёрлаш ва уларни марказий округ ташкилотлари ва муассасаларига жалб этиш масаласи секин-аста республика раҳбариятининг диққат-эътиборидан четда қолди. ХКК ҳузуридаги ўзбеклаштириш Марказий комиссиясининг 1930 йил 1 октябргача бўлган маълумотларига қараганда, ЎзССР МИКда ишлаётган 97 кишидан фақат 43 таси маҳаллий миллат вакиллари эди; ЎзССР ХКҚдаги 75 ходимдан фақат 21 таси, Саноат халқ комиссарлигидаги 63 ходимдан 5 таси, Адлия халқ комиссарлигидаги 51 кишидан 5 таси маҳаллий миллат вакиллари эди, холос. Республика Давлат режа қўмитасида эса 50 кишидан иборат умумий ходимлар орасида бирорта ҳам маҳаллий аҳоли

---

[1] «Революция и национальности». 1931, № 12. С. 22.
[2] «Советское правительство и право». 1933, № 3—4. С. 35—36.
[3] «Революция и национальности». 1931, № 12. С. 23

вакили бўлмаган[1]. Умуман олганда, «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» — большевиклар миллий дастурининг энг асосий талабларидан бири бўлса-да, бу талаб амалда рўёбга чиқарилмади. 20—30-йилларда ўз тақдирини ўзи белгилаш концепцияси ҳам, шунингдек, бу ҳуқуқни таъминлаш амалиёти каби ўз мазмунини бутунлай ўзгартирди ва амалга оширилмайдиган шиорга айланди. Ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилашга, суверенитетга, ўзини-ўзи бошқаришга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ва унинг умумиттифоқ ҳокимият органларида конституциявий тарзда вакил бўлиб қатнашувидан иборат бир галги ҳужжатда намоён бўлиши билан чегараланди, холос. Ўзбек халқининг амалдаги сиёсий тенглиги ана шу билан ниҳоясига етди. Кейинги йилларда республика суверенитети ва унинг халқлари ҳуқуқларини кенгайтириш учун умуман уриниб кўрилмади. Аксинча, реал ҳуқуқларни камайтириш, уларни поймол қилиш амалга оширилди — Марказнинг турли ваколатли органлари (ВКП(б) МҚнинг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши, Ўрта Осиё Давлат режа қўмитаси) ташкил этилиб, улар маҳаллий ҳукумат фаолиятини бутунлай чеклаб, унинг арзимас мустақиллигини ҳам кучайиб бораётган партия яккаҳокимлиги қўлига топширди. Умуман олганда, большевикларнинг миллий масала соҳасидаги ана шу тактикасининг мафкуравий асоси — синфий манфаатлар ва пролетар интернационализмининг устунлигини эътироф қилиш, уйғонаётган миллий гояларни ва маҳаллий аҳоли илғор қисмининг интилишларини ўзида ифодалайдиган ижобий мазмунни инкор этишдан, миллий ҳаракатлар мазмунини рад қилишдан иборат эди.

20-йилларнинг ўрталарида бошланган маҳаллийлаштириш ҳам ўз олдига қўйилган вазифларни ҳал қилмасдан, 20-йиллар охирига келиб тўхтатиб қўйилди. Республика ва округ ташкилотларига бошчилик қила оладиган етарли миқдордаги миллий кадрлар тайёрланмади. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда раҳбар лавозимларда аввалгидек, асосан европаликлар ўтирар, шу сабабдан иш юритиш ишлари ҳам аввалгидек рус тилида олиб бориларди. 1928 йилда давлат ташкилотларининг фақат 8,6%и ва жамоат ташкилотларининг 7,7%и бу ишни ўзбек тилида олиб борарди, холос[2]. Буларнинг ҳаммаси ўзбек тилининг давлат тили сифатида тан олмаслик, уни иккинчи ўринга суриб қўйишнинг бошланиши эди. 1929 йилда ўзбек ёзувини араб алифбосидан лотин имлосига, 1940 йилда эса кирилл ёзувига ўтказилиши ҳам ана шунга ёрдам берди. Айни вақтда 1939 йилдан бошлаб мактабларда рус тилини мажбурий ўргатиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди.

---

[1] ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 673-йиғма жилд, 17, 18, 21-варақлар.
[2] «За партию». 1929, № 3—4. С. 86.

Совет давлати миллий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири иқтисодий жиҳатдан республикаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг тенгсизлигига ва қолоқлигига барҳам беришдан иборат эди. 20-йилларда бу сиёсат СССР саноат марказларининг қолоқ республикаларга ёрдам кўрсатиши, давлатнинг катта миқдорда капитал маблағлар ажратиши ва ҳоказо йўллар билан амалга оширилди. Саноатни жойлаштириш, уни хом ашё манбаларига яқинлаштириш фақат Марказ манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилди. Марказий районлар Ўзбекистонга саноатнинг тўқимачилик ва бошқа тармоқларини ривожлантиришда ёрдам кўрсата бошлади. 1926—27 йилларда Олий Халқ Хўжалик Кенгаши Ўзбекистонга 3 та тўқимачилик фабрикасини топширди. Киевдан Тошкентга целлюлоза заводи, Вологдадан ёзув қоғозлари фабрикаси кўчириб келтирилди. 30-йилларнинг охирига келиб республиканинг ўзида тўқимачилик фабрикалари қурила бошлади.

Бироқ саноат ишлаб чиқаришини маҳаллий хом ашё манбаларига яқинлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш таркибини белгилашда миллий хусусиятлар эътиборга олинмади, Марказ эҳтиёжлари асосида ҳал қилинди. 30-йилларда республикани сунъий равишда пахта етиштиришга ихтисослаштириш кучайди, оғир саноатни хом ашё билан таъминлаш мақсадида республика ҳудудидан фойдали қазилмаларни излаб топиш ишлари бошлаб юборилди. Ўзбекистонда эса фақат саноатнинг хом ашёга бирламчи ишлов бериш тармоқларини ривожлантиришга эътибор берилди. Натижада тайёр маҳсулотдан тушадиган мўмай даромад Россиянинг ўзида қоладиган бўлди. Бу — большевикларга хос миллий республикаларни талаш услуби эди. Буни енгил саноат мисолида ҳам кўриш мумкин. 20—30-йилларда Ўзбекистонда хом ашёни фақат бирламчи ишлов берадиган енгил саноат тармоқларининг барпо қилиниши натижасида етиштирилган пахтанинг 93%и бошқа республикаларнинг тўқимачилик корхоналарида қайта ишланадиган бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80%идан кўпроғи ҳеч бир ишлов берилмасдан республикадан ташқарига ташиб кетилди. Республика иқтисодиёти чоризм замонида бўлгани каби хом ашё етиштирувчи ҳудуд хусусиятини сақлаб қолаётган эди. Унинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, моддий ва турмуш даражасини марказий республикалар аҳолисининг турмуш даражасида кўтариш мутлақо кўзда тутилмаган эди.

Шу билан бирга республикада оғир саноат тармоқлари ҳам ривожлантирилди, уларда ишлаш учун кадрлар, асосан мамлакатнинг Европа қисмидан «келтириларди». Бу ҳол Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг ўзгаришига таъсир кўрсатди: аҳоли таркибида европаликлар салмоғи кўпайиб борди. Маҳаллий мил-

лат вакиллари оғир саноат тармоқлари ишчилари орасида
лақ камчиликни ташкил этарди.

20—30-йилларда СССР халқлари иқтисодий ҳаётини ке
йинги даври учун бир хил йўналишда қилиб ташкил
қаратилган йўл қарор топди. Иқтисодиётни бошқариш
янги тизими кўпроқ «демократик централизм» принци
автономлаштириш ғояларига асосланган, унда Марказ
ғуми, маҳаллий ўзига хослик ва манфаатларининг ин
лиши намоён бўлди. Расмий режалаштиришга асосланган
дан ташқари марказлаштириш миллий республикалар
рини чеклашга олиб келди. Тармоқ тузилишини белгилаш
қурилишларга рухсат бериш ва уларнинг устиворлиги
сини ҳал қилиш марказий ташкилотлар томонидан амал
риларди, республикаларнинг хусусиятлари, уларнинг
лари, кўникмалари, улар афзал кўрадиган меҳнат турлари
топган меҳнатни ташкил этиш, уни тақсимлаш шакл
усуллари ҳисобга олинмасди. Ўзбекистонда бой ҳунарм
лик анъаналари, тажрибали ҳунармандлар ва уларнинг
кўникмалари мавжуд эди. Шу боисдан ҳунармандчили
чиқаришини кенг ривожлантириш, ҳунармандларни
цияларга кенг жалб қилиш ва улар фаолияти учун
яратиб бериш минтақа учун жуда муҳим эди. Бироқ
МҚ Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиёни индустрлаштириш
катни умумий иқтисодий ривожлантириш негизида амал
рилиши лозимлиги ҳақида кўрсатма берди. Бунинг оқ
аҳоли учун анъанавий бўлган ишлаб чиқариш турларидан
ва шу билан бирга ёт бўлган турларига ўтиш жараёнида
ҳунармандчилик ривожлана олмади ва у инқирозга юз

20—30-йилларда қишлоқ хўжалик тармоқларини ҳар
лама ва бир хилда ривожлантириш ўрнига пахта мустақ
учун кураш бошланиб кетди, у пировард натижада пах
ҳокимлигига олиб келди. Пахта қишлоқ хўжалигидаги
барча анъанавий экинларни ва чорвачиликни сиқиб
Совет ҳукуматининг бу сиёсати кейинги барча ўн йилликлар
мобайнида Ўзбекистонни озиқ-овқат соҳасида Марказ
лақо қарам қилиб қўйди. Бу сиёсат аниқ мақсадга қ
нархлар сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилди. П
харид нархи паст бўлганлиги сабабли большевикларнинг
қонларни пахта экишга даъват қилиб «фаровон турмуш
шасиз» деган ваъдаси бундай турмушни таъмин этмади. Пахт
майдонининг мунтазам кенгайтирилиши фақат Россия
чилик саноати манфаатларига хизмат қилди, холос.
тонда Иккинчи жаҳон урушидан олдинги беш йилликларда
етиштирилган пахта Марказнинг барча тўқимачилик
эҳтиёжларини қондира бошлади. Аммо, илгари чет эл
мачилик саноати учун пахта харид қилишга сарф этилган
ва пахта мустақиллигига эришилиши натижасида тежа

ган ана шу катта миқдордаги маблағдан Ўзбекистонга «сариқ чақа» ҳам ажратилмади.

Урушдан олдинги йиллар давомида Ўзбекистондан шу даражада кўп миқдорда пахта ташиб кетилдики, бунча миқдордаги пахта бутун чоризм мустамлакачилиги йилларида ҳам етиштирилмаган эди.

Мустабид тузумнинг иқтисодиёт соҳасидаги миллий сиёсати вазифаларидан бири барча республикаларнинг ихтисослашуви ва кооперациялашувига эришишдан иборат эди, бундан кўзланган мақсад республикаларни ягона умумиттифоқ халқ хўжалик мажмуига маҳкам боғлаб қўйиш эди. 20-йилларнинг иккинчи ярми — 30-йилларда янги ҳудудий меҳнат тақсимоти, республикаларнинг шакллантирилаётган умумиттифоқ халқ хўжалик мажмуида ихтисослашуви қарор топди. Ўзбекистонга мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиш вазифаси юкланди. 30-йилларда республика мамлакатда етиштирилаётган бутун пахтанинг қарийб 60%ини берарди. Саноатнинг бир қатор тармоқлари республикалараро аҳамият касб этган бўлиб, бу улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни кўшни республикаларга ташиб кетилишини назарда тутарди. Ўзбекистон — Қирғизистон ва Тожикистонга кимё маҳсулотлари (минерал ўғитлар), тўқимачилик саноати маҳсулотлари (хом ип ва ип газламалари) етказиб бера бошлади. Ўзбекистон мамлакатда ягона қишлоқ хўжалик машиналари ва ғўзани парвариш қиладиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи республика сифатида бу маҳсулотлар билан пахта етиштирувчи республикаларни таъминларди. Бу республикаларга цемент ҳам Ўзбекистондан ташиб кетиларди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ҳам бошқа республикалардан турли маҳсулотлар оларди. Жумладан, РСФСРдан завод ва фабрикалар учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, ёғоч, ғалла, нефть, тўқимачилик буюмлари келтириларди. Украинадан ғалла, шакар-қанд олиб келинарди. Бу республикалар янги қурилаётган корхоналарни техникавий жиҳозлар билан таъминлашда муҳим роль ўйнарди. 1932 йилда бундай жиҳозларнинг 90%и РСФСР, Украина ва Белоруссиядан келтирилган эди[1]. Ўрта Осиё республикалари билан яқин иқтисодий алоқалар ўрнатилган бўлиб, улар Ўзбекистонга кўмир, нефть, ғалла, чорва маҳсулотлари етказиб беришарди.

Минтақа халқлари ҳамкорлигининг муҳим шакли — йирик халқ хўжалик вазифаларини биргаликда ҳал этишдан иборат бўлди. Бу вазифаларни фақат биргаликда меҳнат сарфлаш билангина ҳал қилиш мумкин эди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг бирлашган куч-ғайрати билан Фарғона водийсида бир қатор ирригация иншоотлари

[1] *Джамалов О.Б., Блиндер И.Б.* Экономические закономерности и преимущество некапиталистического пути развития. — Т., 1972. С. 190.



Ўзбек халқи Катта Фарғона канали қурилишида. 1939 йил август-сентябр.

бунёд этилди. Тожикистоннинг саҳро ерларини ўзлаштиришда Фарғона водийси пахтакорлари фаол қатнашдилар. Бунга мисол тариқасида 1939 йил 1 августда бошланган ва 45 кунда 270 км узунликда умумхалқ ҳашари йўли билан қуриб битказилган Катта Фарғона каналини келтириш мумкин. Бу канал Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларидан ўтган бўлиб, Ўзбекистоннинг 32 та пахтакор туманларини, 5 шаҳрини, Тожикистоннинг 4 та туманини сув билан таъминлай бошлади[1]. Ўша давр коммунистик мафкураси турли миллат вакиллари қатнашган бу қурилишни «халқлар дўстлигининг ёрқин тимсоли» сифатида талқин қилди. Чунки бу қурилишга Ўзбекистондан 160 минг, Тожикистондан 20 минг аҳоли жалб қилинган эди. Умуман, 1938—1940 йиллар давомида Ўрта Осиё халқларининг тинимсиз қилган меҳнатлари эвазига бунёд этилган Лангар, Лоғон, Катта Фарғона ва бошқа бир қатор каналлар ва сув иншоотлари натижасида 70 минг га.дан ортиқ янги ерлар ўзлаштирилди, 500 минг га.дан ортиқ ерларни сув билан таъминлаш яхшиланди[2]. Бу ерларнинг барчасига Марказнинг кўрсатмаси билан пахта экилди. Натижада партиянинг миллий сиёсатидан

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврдан ҳозирги кунгача. — Т., 1974, 425—426-бетлар.

[2] Ў ш а ж о й д а, 427-бет.

фақат мафкуравий мақсадлар йўлидагина эмас, балки Марказнинг иқтисодий манфаатлари йўлида ҳам фойдаланилди.

Қушни халқларнинг қадимдан юзага келган муносабатлари янада мустаҳкамланишига минтақадаги сув ресурсларидан биргаликда ҳамжиҳат фойдаланиш анъанаси ёрдам берди. Сувдан фойдаланишни тартибга солиш чегара туманларида ташкил қилинган миллатлараро нуфузли комиссиялар томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистон ҳудудида кўпгина миллатларнинг вакиллари йиғноқ гуруҳлар сифатида истиқомат қилишарди. 1926 йилги аҳоли рўйхатига биноан бу ерда 490 минг тожик, 130 минг қозоқ, 81 минг қиргиз, 72 минг араб, 36 минг уйғур мавжуд эди ва ҳоказо.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлик анъанаси туфайли Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча кам сонли миллатлар (миллий гуруҳлар) ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатилди, улар маълум даражада йиғноқ тарзда яшайдиган туманларда суд органлари, она тилида ўқитиладиган мактаблар уларга хизмат кўрсатишга мослаштирилди.

20-йилларда республикада 10 та миллий ва 4 та аралаш туманлар, 333 та қишлоқ кенгаши мавжуд бўлиб, улардаги иш юритиш, йиғилишлар кўпчиликни ташкил қилувчи гуруҳлар тилида (тожик, қозоқ, туркман, уйғур, араб ва бошқа тилларда) олиб борилди[1]. Республика МИҚ ҳузурида кам сонли миллатлар ишлари бўйича комиссия фаолият кўрсатди, 41 та туман ижроқўми ҳузурида ва 9 та шаҳар кенгашида бу ишни штатдаги вакиллар амалга оширди.

Кам сонли миллатлар учун она тилида мактаблар, шунингдек, техникумлар ва маориф институтлари очилди. 1925—26 йилларда кам сонли миллатлар учун 127 та мактаб бор бўлиб, улар республика мактаблари умумий сонининг 10,7%ини ташкил этарди[2]. 20-йилларда Тошкентда тожик, татар, қозоқ-қирғиз, туркман, маҳаллий яҳудий маориф институтлари очилган бўлиб, уларда миллий ўқитувчи кадрлар тайёрланарди, шунингдек, уйғур, маҳаллий яҳудий, қозоқ, эрон, тожик техникумлари ҳам мавжуд эди. 1932 йилда турли миллатлар таълим оладиган мактабларда ишлаш учун 4085 ўқитувчи ҳар хил қисқа муддатли курсларда тайёрланди[3]. Уларга ҳар йили турли олий ўқув юртларида таълим олишлари учун ўрин ажратиларди.

Ўзбекистонда турли халқлар тилларида китоблар, газеталар ва журналлар нашр этиш йўлга қўйилди. 1932 йилда ана шу кам

---

[1] «Революция и национальности». 1932, № 9. С. 78.

[2] *Сербов П.И., Никифоров А.Д.* Народное просвещение в Узбекистане. — Т., 1927. С. 56.

[3] Ўша жойда, 80-бет.

сонли миллатлар учун 15 номда газеталар чоп этилди. Миллий гуруҳларнинг бадиий ижоди учун шарт-шароитлар яратилди, миллий зиёлилар отрядлари таркиб топди.

1937—1938 йилларда мустабид тузум зўравонлик билан Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкасидан 74500 корейс аҳолиси мажбурий равишда кўчирилиб Ўзбекистон ҳудудига олиб келинди[1]. Узоқ Шарқ ўлкасидан корейс аҳолисини мажбурий кўчирилишига асосий сабаб СССР билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви эди. Чунки, бу даврда Корея яриморолининг бир қисми Япония томонидан босиб олинган бўлиб, бу ердаги корейс аҳолиси билан Узоқ Шарқ ҳудудидаги корейсларнинг этник келиб чиқиши бир эди. Шу сабабдан мустабид Совет давлати 1937 йил 21 августда қабул қилган «Узоқ Шарқ ўлкаси чегара районларидан корейс аҳолисининг кўчириш тўғрисида»[2]ги қарорига биноан 170 минг корейслар Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудига мажбуран кўчириб олиб келинган эди. Бу даврда Ўзбекистон ССРнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари шунчалик кўп миқдордаги корейс аҳолисини қабул қилиш ва жойлаштиришга қурби етмасди. Лекин шунга қарамасдан ўзбек халқи корейс аҳолисига нисбатан марказий ҳукуматнинг «муносабатидан» қатъи назар уларга ўзининг миллий меҳмондўстлигини, бағрикенглигини кўрсатди. Уларни уй-жой, иш билан имкон даражасида таъминлади, уларга маиший хизмат, маданий ўчоқлар яратди, болаларининг ўқиши, таълим олиши учун мактаблар қуриб берди.

30-йилларда қарор топаётган мустабид тузумнинг зўравонлик белгилари яққол сезила бошлади, ҳаётнинг барча жабҳаларидан демократик асослар секин-аста сиқиб чиқарила бошлади. Буларнинг ҳаммаси миллатлараро муносабатларда ҳам ўз ифодасини топди. Миллатлар орасида мунтазам олиб бориладиган кўп қиррали ишлар қисқара бошлади. Кам сонли миллатларга нисбатан эътибор пасая борди. 30-йилларга келиб шундай тажриба қарор топган эдики, кичик элатларнинг вакиллари ўзларини катта элатнинг вакили қилиб кўрсатиш одат тусига киритилди, бу эса уларни мажбурий равишда бир-бирига сингиб кетиш жараёни (ассимиляциялашуви)нинг бошланишига сабаб бўлди. 1937 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясида ёзиб қўйилган республиканинг суверенитети, эркинлиги, тенглиги ва мустақил ривожланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги қоидалар фақат «қоғозда» эди, холос. Амалда эса, Ўзбекистон мустамлака мавқеини эгаллаб, ҳамма жиҳатдан метрополияга бутунлай қарам бўлиб қолган эди. 20-йилларнинг бошларида партия X, XII, XIV съездлари томонидан илгари

---

[1] *Ким П.* Корейцы Республики Узбекистана. — Т., 1993. С. 25.

[2] Белая книга. О депортации корейского населения России в 30—40-х годах. Книга первая. — М., 1992. С. 64—65.

сурилган халқларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш вазифаси ҳам ҳал қилинмади, бу борадаги партия қарорлари бажарилмади. Бу даврга келиб миллий республикалар ҳуқуқлари бутунлай чеклаб қўйилди. Улар, янги Конституцияга мувофиқ энг муҳим ва асосий масалаларни ҳал қилиш у ёқда турсин, ҳатто, вилоят ва туман бўлинишлари чегараларини белгилаш ҳуқуқига ҳам эга эмасдилар.

9. 20—30-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Туркистон АССР даврида (1918—1924 йилларда) Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Германия каби бир қанча хорижий давлатлар билан бир қадар мустақил илмий-маданий алоқалар олиб бориш имкони бўлган эди. Чунки, Совет ҳокимияти бу йилларда ҳали ўзининг мавқеини бутунлай тиклаб олмаганлиги, большевиклар партияси эса барча мухолиф партияларни енгиб ҳукмрон партияга айланмаганлиги сабабли демократик жараёнларга, миллий республикаларнинг баъзи эркин фаолиятига чек қўйиш имкониятига эга эмасди. Шунинг учун ҳам дастлабки йилларда Туркистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан қисман бўлса-да, мустақил алоқа қилишга муяссар бўлган эди. Жумладан, 1919—1920 йилларда таниқли ўзбек маърифатпарвари ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний Афғонистонда РСФСР элчисининг ўринбосари, сўнгра бош консули бўлиб ишлади. Шу йилларда Афғонистонда яшаган иккинчи бир ўзбек шоири Муҳаммад Шариф Суфизода Афғон амири Омонуллахон томонидан Советлар Туркистонига Афғонистоннинг консули вазифасига тайинланади. Тошкентлик маориф раҳбарларидан Миён Бузрук Солиҳов туркиялик Жамол пошо Тошкент орқали Афғонистонга бораётганида унга ҳамроҳлик қилиб бирга боради. Улар ўзбек ва афғон юртларининг ўзаро ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларининг яхшиланишига хизмат қиладилар. Бу борада, мазкур йилларда Абдулла Авлоний фаол иш олиб боради. У ўзининг «Афғон саёҳати» хотирасида Туркистондан Афғонистонга қилган илк сафар кунлари, ўша вақтда ўзи билан бирга бораётган совет элчихона раҳбарлари ва ходимлари ҳақида тўхталиб: «1919 йил милодий, 15 июнда, кеч соат 6 да Тошкентдан Афғонистонга қараб ҳаракат қилдук. Бизим ила бирга машҳур муташриқлардан ўртоқ Бровин ҳам бор эди. Ўртоқ Бровин бир неча европа тилларини билмоқ ила баровар мукаммал форсий тилини (ҳам) билурди. Бизлар ила бирга Туркистон Жумҳуриятининг «военни атташе» — ҳарбий комисари ўртоқ Иванов, савдо ва тижорат шўъбаси тарафидан ўртоқ Куликоф, сиёсий комиссар ўртоқ Зиборўфлардан бошқа бир неча техниклар, ҳаво телегромчилари, авто-

мобил усталари, ўн бир нафар қизил аскарлар ҳам бўлуб, буларнинг 9 нафари мусулмон эди. Булардан бошқа, Афғонистондан Туркистонга келмиш афғон ҳайъати ваколасидан Абдураҳимхон ила бирга элли(к) афғон аскари ва бир сартарош ҳам бор эди.

Булардан бошқа ҳинд инқилобчи фирқасиндан З.Ҳ.Зикриё афандида бизлар ила йўлдош эди. Ўртоқ Зикриё афанди лисони форсийни мукаммал билмоғи ила баровар инглизча мукаммал сўзлаша биларди, оз-моз русчадан суйлашурди»[1], деб хотирлайди. Мазкур кундаликда у Афғонистон сафари давомида РСФСР Ташқи ишлар комиссари вакили бўлган Н.З.Бровиннинг муовини сифатида олиб борган элчилик хизматлари, бу борада йўлда учраган айрим қийинчиликлар, Бровиннинг шовинизм руҳидаги баъзи ножўя хатти-ҳаракатларининг элчилик ишларида туғдирган қийинчиликларини баён қилади. Бровин афғон тупроғига ўтгандан сўнг ўзини «генерал-чорноил», деб эълон қилгани ва ўзининг хатти-ҳаракатларида собиқ Чор Россияси генералларининг совуқ қилиқларидан қолишмаслигини афсус билан қайд қилиб шундай дейди: «Афғонистона чиққан беш ҳайъати ваколанинг ичида биргина мусулмон ман ўлдуғимдан ҳар бир оғир меҳнатлар, ҳар бир кулфат ва офатлар менинг устимга юкланди. Ҳиротга яқин Парвона қишлоғиндан бошлаб товаришларимизнинг ораларига тафриқа[2] тушди. Тафриқанинг сабаби ўртоқ Бровин афғон тупроғига ўтгандан сўнг ўзининг генерал-чорноил эълон қилмиш эди, ҳамда бутун тутқан тактика, хатти-ҳаракатида Никўлайнинг генералларининг рафториндан қолишмас эди. Бу ҳаракат бошқа ўртоқларимизга оғир келуб Парвонада мажлис асносинда шу борада сўз очилди... Ўртоқ Бровин менга қараб, бир неча калима оғир сўзларнида сўйлаб олди. Ҳолбуки, ман Тошкандан чиқғондан бу она қадар ҳеч кима малол келадурғон сўзда сўйламамиш, оғир келадургон иш-да қилмамиш эдим»[3].

Худди шу йилларда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм халқ республикаларидан Туркияга Холид Саид Хўжаев, Эсон Мусаев, Миён Бузрук Солиҳов, Мулло Бекжон Раҳмонов, Германияга Абдуваҳоб Муродий, Саидали Хўжа Усмоний, Шамсулбанот Ашират қизи, Саттор Жаббор, Аҳмаджон Иброҳимов, Маръям Султонмуродова каби бир қанча ўзбек йигит ва қизлари хориждаги илм-фан ютуқларини эгаллаш учун ўқишга юборилдилар. Улар Туркиянинг Истанбул, Измир, Анқара, Германиянинг Берлин, Ҳайделберг, Дрезден, Штутгарт каби шаҳарларидаги турли университет ва олий техника ўқув юртларига, муҳандис-

---

[1] *Абдулла Авлоний.* Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. — Т., 1998, .237—238-бетлар.

[2] *Тафриқа* — ажралиш; паришон бўлиш, ажратиш.

[3] *Абдулла Авлоний.* Ўша асар, 278—279-бетлар.

лик, кимё, медицина, зироат, фалсафа ва педагогика соҳалари бўйича ўқишга жойлашадилар. Бу ёшларни Германияга ва Туркияга ўқишга юбориш ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаш ва маънавий қўллаб-қувватлашда Туркистон АССР раҳбарларидан Турар Рисқулов, А.Раҳимбоев, С.Қосимхўжаев, Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматининг раиси Файзулла Хўжаев, маориф нозирлари Абдулвоҳид Бурҳонов ва Абдурауф Фитратлар катта роль ўйнадилар.

1922 йил охирларида Файзулла Хўжаев, 1923 йил куз ойларида Турар Рисқулов, 1926—1928 йилларда Ўзбекистон ССР раҳбарларидан Абдулла Раҳимбоев, маориф ва матбуот раҳбарларидан Мажид Қодирий, Холмуҳаммад Охундий ва бошқалар Германияда бўлиб қайтдилар. Улар Германияда бўлган вақтларида Ўзбекистондан келиб таълим олаётган талабаларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётлари, ўқиш шароитлари ва аҳволлари, эҳтиёжлари билан яқиндан танишадилар. Берлиндаги қатор ўқув юртлари, клуб, кутубхона ва илмий муассасаларида ҳам бўладилар. Жумладан, 1923 йил сентябр ойида Германияда бир ой бўлиб қайтган Турар Рисқулов бу ҳақда шундай деб ёзади: «Германияда Туркистон ўқувчилари 11, Бухоро ўқувчилари 47 кишидир. Туркистонликларнинг 7 таси ўзбек, 4 таси қозоқдир. Туркистон ўқувчилари ўз вазифаларини яхши тушунадилар. Кейин юртларига қайтиб ўз халқи ва ҳукуматига фойда келтириш ҳаракати бор: 4 ўзбек технический академияда (бу мактаб Германияда атоқли бўлиб, 4 йил назария ва бир йил амалий иш қилинадир). Икки қирғиз қишлоқ хўжалиги академиясида (2 йил ўқиш, 1 йил амалий машғулот) ...Икки ўзбек (бири қиз) гимназияда (1 йил ўқиш, 2 йил тажриба) ва бир ўзбек дорилфунунда (тиб шўъбасида, 5 йил ўқиш ва бир йил тажриба оладир). Бухоро ўқувчилари: Берлин дорилфунунида бухороликлардан 7 киши бўлиб, ҳар қайсиси турли факультетларга бўлинган: тиб, фалсафа, сиёсий иқтисод, олий техника мактабининг бинокорлик шўъбасида... Бухороликлардан ўзбеклар — 35, татарлар 8 (буларнинг 4 таси қиз), туркманлар 5, яҳудий 1 киши... Немис тилини тезроқ ўрганиш учун бутун ўқувчилар оилаларга жойлашганлар...»[1]

Хорижда таълим олаётган талабаларга моддий жиҳатдан ёрдам бериш мақсадида Туркистонда бир қатор тадбирлар уюштирилди. Жумладан, 1921 йил бошларида Тошкентда Саидалихўжа Усмонхўжаев раислигида ташкил бўлган «Кўмак» уюшмаси ҳам бу ишда уларга яқиндан ёрдам кўрсатди. Мазкур уюшма ўша йилларда Туркистонда турли адабий кечалар, театр ва спорт ўйинларидан тушган пулларидан муайян қисмларини Туркия ва Германияда ўқиётган талабаларимизга кечиктирмай юбориб

[1] *Турар Рисқулов.* Германиядаги ўқувчиларимиз //«Туркистон». 1923, 19 декабр.

турдилар. Бундан ташқари, бу даврда илғор ўзбек зиёлиларидан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Саидносир Миржалилов, Салимхон Тиллахонов, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) ва бошқалар ҳам шахсий жамғармаларидан хорижда ўқиётган ўзбек ёшларига юбориб турдилар. Туркистондан хорижга тобора кўпроқ ёшларни ўқишга юбориш, юртимизнинг келгуси истиқболи учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тарғиб ва ташвиқ қилиб бордилар[1].

Манбаларда Туркистон ва бухоролик талабалар ҳақида бир қатор муҳим маълумотлар учрайди. Жумладан, «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил 17 март сонида босилган «Германияда Бухоро талабаси» мақоласида берилган маълумотга қараганда, 1922—1923 йилларда Бухоро Халқ Республикасидан Берлинга талабалар олиб бориш, уларни у ердаги турли олий, ўрта махсус ўқув юртларига жойлаштириш машҳур татар зиёлиси Олимжон Идрисов, Бухоро ХСР Марказий Ижроқўм аъзоси Бурҳонов ва РСФСР ваколатхонасининг собиқ ходими Кеминицкийлардан иборат комиссияга топширилган. Бухоро талабалари Германияга бориб етганда дастлаб тил ўргана бошлаганлар, улар орасида тезда немис тилини яхши ўзлаштириб, имтиҳон топширувчилар ҳам бўлган. Шамсулбанот Ашират қизи билан Саидали Усмон мактаб мудири Расма ҳузурида имтиҳон бериб, Шамсулбанот дорилфунуннинг тиббиёт факультетига, Саидали олий муҳандислик мактабига қабул қилинган. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, 1923 йил 19 февралда бўлган Бухоро Халқ Совет Республикасининг МИҚ ва Халқ Нозирлари Кенгашининг бирлашган мажлисида «Германиядаги маориф ваколати»нинг тарихий хати ўқиб берилади. Хатда ёзилишича, Германиянинг маориф вакиллари, Бухоронинг Германиядаги тижорат ва маориф ҳайъатига «марди шоён», яъни ўз ташаккурларини маълум этганлар[2]. Тижорат ва маориф ҳайъати ёрдамида Германиядаги туркистонлик ва бухоролик талабалар яхши ўқишлари билан бирга, маданий-маърифий ишларда ҳам фаол қатнашганлар. 1923 йилда улар Берлинда ўзларининг илмий-маърифий журналлари «Кўмак»нинг биринчи сонини чиқардилар. Машҳур маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини (1923), Садриддин Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида» (1924) ўқув китобларини нашр эттириб, хорижий талабаларимиз ва бошқа туркийшунос немис, турк олимларига тақдим этганлар.

Берлиндаги Зироат академиясида ўқиётган Абдуваҳоб Му-

---

[1] Қаранг: «Кўмак»нинг жавоби // «Туркистон», 1922, 18 декабр; *Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон).* Истиқбол учун кураш //«Қизил байроқ», 1922, 2 сентябр; *Салимхон Тиллахонов.* Четга кўпроқ ўқувчилар юбориш керак //«Туркистон». 1923, 11 март.

[2] ЎзР МДА, Р-47-фонд, 1-рўйхат, 441-йиғма жилд, 50а-варақ.

родий 1926 йил ёзида Ўзбекистон ССР ҳукумати томонидан Миср зироати ва пахтачилиги тажрибаларини ўрганиш мақсадида Мисрга амалий тажриба ишлари олиб бориш учун юборилади. 1925—1926 йилларда Германиянинг Штутгарт педагогика билим юртида ўқиётган Хайриниса Мажидхонова ва Маръям Султонмуродова ёзги таътил вақтида Францияда бўлишади ва Парижда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг собиқ раиси Мустафо Чўқай билан учрашадилар.

20—30-йилларда Ўзбекистонга германиялик олимлардан доктор Кон Виннер, профессор Энгланд келиб, бу ердаги ўзбек олимлари билан ҳамкорлик ўрнатадилар. Айниқса, 30-йилларнинг бошида Берлин университетининг медицина факультетини битириб қайтган ўзбекистонлик Саттор Жаббор билан бирга ишлаган таниқли немис химик олими, профессор Энгланд бир неча йил давомида Тошкент Давлат медицина институти кимё кафедрасида ишлайди ва у ёш ўзбек химик олимларидан Саттор Жаббор, Маҳмуд Ҳакимов, Зарифа Саидносирова ва бошқаларга ўзининг илмий-амалий тажрибаларини ўргатади. Шунингдек, 1930—1931 йилларда Ўзбекистоннинг ипакчилик соҳасида ишлаётган олимлари Япониянинг бир қатор олимлари билан илмий ҳамкорлик қилдилар.

Ўзбекистон бу йилларда хорижий давлатлар билан фақат илм-фан соҳасидагина эмас, адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам бирмунча яқин муносабатда бўлган. 1925 йили машҳур ўзбек қўшиқчиси Муҳиддин Қори Ёқубов ва унинг рафиқаси таниқли раққоса Тамарахоним СССР артистлари группаси таркибида Бутунжаҳон амалий санъат виставкасида бўладиган концертларда қатнашиш учун Франция пойтахти Парижда бўладилар. Улар бу ерда катта концерт томошалари бериб, қайтишда Берлинда ўқиётган ўзбекистонлик талабалар ва немис томошабинларини ҳам ўз санъатлари билан таништирадилар. У ерда ўқиётган ўзбекистонлик талабалар иштирокида Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» саҳна асарини кўрсатдилар. 1935 йилда Ўзбекистондан Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Абдуқодир Исмоилов ва бошқалар Англияда бўлишиб, Лондонда ўзбек миллий санъатини намойиш қиладилар.

20—30-йилларда Ўзбекистонда Туркиянинг машҳур шоир ва адибларидан Номиқ Камолнинг «Ватан ёки Силистра» (1921), Абдулҳақ Ҳомиднинг «Ҳинд қизи» каби саҳна асарлари театрларимизда қўйилди. Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқ, Холида Адиб, ҳинд адиби Рабиндранат Тагор, Прем Чандлар ҳақида тарғибот мақолалар босилди. Эрон ёзувчиси Мушфиқ Козимийнинг «Қўрқинчли Теҳрон» (1928), немис драматурги Ф.Шиллернинг «Қароқчилар» драмаси (1921), Генрих Гейне шеърлари (1927), инглиз драматурги В.Шекспирнинг машҳур «Ҳамлет» асарлари Ғафур Ғулом, Ғулом Зафарий ва Чўлпонлар томонидан таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилди ва ўзбек

театр саҳналарида ўйналди. Шу билан бирга, бу йилларда Германия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистонда ҳам ўзбек адибларидан Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, С.Айний, Ойбек, F.Fуломнинг айрим асарлари пайдо бўла бошлади. Бундан ташқари, хорижда ўқиган ва кейинчалик ватанлари — Ўзбекистонга қайтолмай Германия, Туркия, Францияда қолиб кетган Усмонхўжа, Аҳмад Наим, Тоҳир Шокир, Абдуваҳоб Ўқтойлар учун хорижда ташкил қилинган айрим матбуот нашрлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, 1929—1939 йилларда Мустафо Чўқай томонидан ташкил қилинган ва Парижда нашр қилинган «Ёш Туркистон» мажмуаси саҳифаларида Туркистонда миллий истиқлолчи шоирлардан Фитрат, Чўлпон, Элбек, Мағжан Жумабойларнинг шеърлари босилиб турди. Бу жиҳатдан, айниқса, ўша даврларда советларнинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсати Ўзбекистоннинг хорижий дунё билан алоқаларига қилинаётган тўсқинликларни фош қилувчи Тоҳир Чиғатойнинг «Большевик жиноят қурбонлари», «Миллий туйғу ва миллий руҳ ўлдирилмас» (1932), «Имло масаласи атрофида» (1934), Абдуваҳоб Ўқтойнинг «Туркистон тўғрисида бир олмон профессорининг асари» (1935), «Туркистон адиблари вазияти» (1937) каби мақолалари, ўзбек шоирларидан Фитратнинг «Миррих юлдузига», Чўлпоннинг «Япроқлар» (1929), Элбекнинг «Қуролга» (1930), қозоқ шоири Мағжон Жумабойнинг «Туркистон» (1929), «Олисдаги бовиримга» (1930) каби миллий истиқлол руҳидаги шеърларининг босилиб чиқиши ва тарқалиши ўша даврда мустабид совет тузуми учун катта зарба бўлган эди.

Бироқ 20-йилларнинг охирларида, СССРнинг барча республикаларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам бошланиб кетган «буржуа идеологиясига» ва чет элнинг «зарарли душманчилик таъсирига» қарши кураш жараёнининг кучая бориши натижасида Ўзбекистоннинг хориж билан бўлаётган дастлабки алоқалари тобора сусая борди.

20-йилларнинг охирлари — 30-йилларнинг бошларида Туркия ва Германияда ўқиган бир қанча ўзбекистонликлар «хориждаги турк ва немис жосуслари билан алоқада бўлган», деган сохта айблов билан қатағон қилиндилар. Германиядан келиб Тошкент Давлат тиббиёт институтида ишлаётган немис олими Энгланд ватанига қайтариб юборилди, улар билан илмий алоқада бўлган шогирдлари Саттор Жаббор, Хайринисо Мажидхоновалар эса «немисларнинг жосуси» сифатида отиб ташландилар.

Германия ва Туркияда ўқиб қайтган ўзбекистонлик талабаларни шубҳа ва гумон остига олиш, уларни Россияда ўқиган талабаларимизга қарши қўйиш, бу даврдаги республика матбуоти саҳифаларида ҳам очиқ кўрина бошлади. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» газетаси ўзининг 1931 йил 4 феврал сонидаги бир

мақоласида: «Миллатчи-аксилинқилобчи Ботулар ўзларининг қаторларига ёшларни тортиш, уларни ўз мақсадлари йўлида хизмат қилдиришлари учун уриндилар. Буржуазия Германияси ва Туркияга ўзлари ишонган ёшларни ўқишга юбордилар. Шўро Москваси томонларига ўқишга борувчиларга нисбатан ўзларининг қаттиқ норозиликларини баён қилиб, уларга ўз баҳоларини бердилар», деб ёзган эди. Ўзбекистонда содир бўлаётган бу воқеалардан хабардор бўлган Аҳмаджон Иброҳимов, Аҳмад Наим, Иброҳим Ёрқин, Тоҳир Шокирлар Германиядан Ўзбекистонга қайтмай, 30-йилларнинг бошлари ва ўрталарида Туркияга ўтиб, у ердаги Истанбул, Анқара университетларида кимё, зироатчилик, социология ва фалсафа соҳасида тадқиқотлар олиб бордилар ва фан докторлари ва профессорлари каби илмий даража ва унвонларга эришдилар. Улар Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва чорвачилиги бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб бордилар, ўзга юртнинг олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмалари ёздилар, шогирдлар етиштирдилар. Лекин, шунга қарамасдан, улар бу даврда Ўзбекистон билан бевосита илмий-маданий алоқа боғлашдан бутунлай узилиб қолдилар, миллатимиз фани, маданияти, тарихини ўрганиш ишига бевосита хизмат қила олмадилар.

Шу тариқа, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дастлабки «мустақил» алоқалар ўрнатиш учун қилган мазкур саъй-ҳаракатлари кейинчалик мустабид коммунистик тузумнинг аёвсиз зарбасига учради ва бутун мамлакат каби у ҳам «темир парда» билан хориждан бутунлай ажратиб қўйилди.

10. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН 20-ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ — 30-ЙИЛЛАРДА

Ўрта Осиёда тўсатдан пухта тайёргарлик кўрилмасдан бошланган миллий-ҳудудий чегараланиш совет империясининг бўлажак иттифоқдош республикаларда ва миллий-маданий мухториятларида ўз «миллий хонадони» учун кескин курашни ва бир қатор зиддиятларни келтириб чиқарди. Ўрта Осиё — Туркистон халқларининг кўп асрлар давомида қарор топиб келган тарихи, хўжалиги, анъаналари, ҳудуди, дини ва маданиятининг яхлитлиги бошшевиклар томонидан назар-писанд қилинмади. «Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил» деган принцип Марказнинг бу масаладаги ҳақиқий ниятини акс эттирарди. Миллатлар ва элатларнинг тарихий ватани тўғрисида мунозаралар авж олди, тарихий маълумотлар тўплаш, ҳудудлар, хўжаликлар маданий бойликларни ҳисобга олиш бошланди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида мажбуран икки қисмга бўлинган қорақалпоқ халқи ҳам ана шу ўзига хос «миллий мусобақа»га тортилди.



ВКП(б)нинг Қорақалпоқ автоном вилояти бўйича ташкилий бюроси аъзолари. 1925 йил.

РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Марказий комиссиясининг қорақалпоқ кичик комиссияси тўплаган статистик маълумотларга қараганда, қорақалпоқлар Туркистон АССР Амударё вилоятининг Чимбой (бутун аҳолиси 81096 киши бўлиб, қорақалпоқлар 58604 киши, яъни 71%ни ташкил қиларди), Шўрохон уездларида (бутун аҳолиси 90736 киши бўлиб, улардан қорақалпоқлар 81100 кишини, яъни 72%ни ташкил қиларди) ва Қунғирот (бутун аҳолиси 80988 киши, шундан қорақалпоқлар 79,5%ни ташкил қиларди) округида зич яшардилар[1].

Бу статистик маълумотлар Хоразм, Қорақалпоғистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон вакиллари ўртасида мунозаралар ва шиддатли тортишувлар объекти бўлди. Қорақалпоқ халқининг энг яхши фарзандлари — Оллоёр Дўстназаров, Абу Қудабоев, Отаниёз Бекимбетов, Ўроз Ирмонов, Ибраим Бекимбетов, Каримберди Саъдуллаев, Қосим Авезов ва бошқаларнинг қатъияти, собитқадамлиги, сабот-матонати иттифоқ раҳбар органларини кўп асрлар мобайнида ўз миллий мустақиллиги учун курашиб келган қорақалпоқ халқининг овозига қулоқ солишга мажбур этди. 1924 йил 14 октябрда Бутуниттифоқ Советлари МИҚнинг иккинчи сессияси Россия Федерациясининг Қозоғистон Автоном Республикаси таркибида Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилганлигини тасдиқлади. Қорақалпоқ халқининг эзгу орзуси ушалгандай бўлиб туюларди. Бироқ бу ўз моҳияти билан унитар (қўшма) давлат бўлган СССРдаги дав-

[1] *Алланиязов Б.* Аллаяр бас болды Қорақалпаққа. — Нукус, 1996, 17-бет.

латчилик қурилишининг большевиклар андозасидаги «матрёшка» принципи эди: иттифоқдош республика — автоном вилоят — автоном округлар ва туманлар. Қорақалпоқлар чинакам мустақиллик ва ҳақиқий суверенитетга эришиш учун узоқ машаққатли йўлни босиб ўтишлари лозим эди.

1925 йил 12—19 февралда вилоят маркази Турткул шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон автоном вилояти Советларининг биринчи съезди «Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил топганлиги тўғрисида Декларация» қабул қилиб, «қорақалпоқ халқининг миллий давлатчилиги» ташкил этилганлигини қонунан расмийлаштирди. Қорақалпогистон автоном вилояти Ижроия қўмитасининг раиси қилиб А.Қудабоев, раис ўринбосарлари қилиб А.Айтешов ва Т.Непесов, аъзолари қилиб А.К.Дўстназаров, И.Бекимбетов, Қ.Авезов, Д.Аташев, О.Бекимбетов, У.Ирмонов, Е.Кожуров, Д.Қурбонбоев ва бошқалар сайланди.

Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот



Оллоёр Дўстназаров.

Оллоёр Куразович Дўстназаров (1896—1937) — давлат ва жамоат арбоби.

О.К.Дўстназаров 1896 й. Амударё вилояти (ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси) Кукузак волостининг Чимбой уездида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди.

1913—1918 йилларда у бойлар қўлида чўпонлик қилди, Хивадаги «Ярослав» пахта тозалаш заводида ишчи, Турткулда дорихона қоровули бўлиб ишлади.

1918—1921 йилларда армия сафида хизмат қилди. 1921 й. Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетига ўқишга кирди. 1921—1924 йилларда Кўнгирот тумани партия қўмитасининг биринчи котиби, Чимбой уездида шаҳар партия қўмитасининг бўлим мудири, Амударё вилоят партия қўмитасида назорат комиссиясининг раиси бўлиб ишлади.

О.Дўстназаров Қорақалпоғистон автоном вилоятини ва партия ташкилотини тузишда ва ташкил қилишда фаол қатнашди. У 1924—1925 йилларда Қорақалпоғистон автоном вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимида ишлади.

1926—1930 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университетининг талабаси бўлди. У ўқишни тамомлагандан сўнг Бошқирдистон АССРда ишчи-деҳқон инспекциясининг раиси вазифасини бажарди. О.Дўстназаров 1931—

1935 йилларда Москвадаги «Металлстрой» трести бошқарувчисининг муовини, сўнгра «Металлист» заводининг директори лавозимларида фаолият кўрсатди.

О.Дўстназаров 1935 й. 25 январда Москвада «контрреволюцион ташкилотлар билан алоқа боғлаган»ликда айбланиб НКВД томонидан ҳибсга олинади ва 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Лекин, 1937 й. 10 ноябрда НКВДнинг Ленинград вилоят бошқармасидаги «учлик» гуруҳи О.Дўстназаров «ишини қайта кўриб», уни «халқ душмани» сифатида айблаб, отишга ҳукм қилади. Ҳукм 1937 й. 8 декабрда ижро этилади.

Қорақалпогистон автоном вилояти 160000 кв. км.дан ортиқ ҳудудни эгаллаган бўлиб, тўртта маъмурий округ — Турткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қунғирот округларидан ташкил топган эди. Вилоят кўп миллатли эди: қорақалпоқлар — 38,1%, қозоқлар — 28,5%, ўзбеклар — 27,5%, туркманлар — 3,2%, бошқа миллатлар — 2,7%ни ташкил этарди, Қорақалпоғистон автоном вилоятининг бойлиги унча катта эмасди: 5% ўрмон массивлари, 280745 бош чорва, 800000 сўм пул бўлиб, улар чегараланиш вақтида тақсимланган эди[1].

Большевиклар партиясининг сталинча раҳбарияти «жаҳон пролетар инқилоби» ғоясидан вақтинча воз кечиб, алоҳида олинган мамлакат — СССРда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган, феодал-патриархал муносабатлар ҳукмронлик қилган Қорақапоғистонда социализм қуришга киришди.

Мамлакат сиёсий раҳбариятининг «социалистик индустрлаштириш қорақалпоқ халқининг ҳақиқий тенгсизлигига барҳам бериш»ни таъминлаши лозим, деган баландпарвоз сўзларига қарамай, реал ҳаётда эса бу истак қоғозда қолаётган эди. Лекин шунга қарамасдан мухтор вилоятнинг, кейин эса республиканинг саноат потенциали маълум даражада ривожлантирилаётганлиги ҳар ҳолда кўзга ташланаётган эди.

1925—1926 йилларда Қорақалпоғистонда 16 та ишлаб турган саноат корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 3824 т. пахта толаси, 6332 т. уруғлик чигит, 691 т. пахта ёғи, 113 т. совун, 2422 т. чигит кунжараси ва ҳоказолар ишлаб чиқарилган эди. Вилоят саноатида 435 нафар ишчи ишлаган бўлса, маҳаллий ҳунармандчилик саноатида эса 4516 киши ишларди. 1927—1928 йилларда саноатни ривожлантириш учун 183900 сўм миқдорида маблағ ажратилди[2].

Қорақалпоғистон иқтисодиётининг ривожланиши бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, собиқ СССРнинг марказий минтақалари саноатини ривожлантириш эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган эди, вилоятнинг ўз манфаатлари бутунлай назарписанд қилинмас, унинг табиий иқлими ва хом ашё ресурсларидан шафқатсизлик билан фойдаланиларди.

---

[1] *Досумов Я.М.* История Каракалпакской АССР. — Т., 1960. С. 85.

[2] *Сарыбаев М.К.* История хлопководства Каракалпакистана (1873—1941 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. — Нукус, 1998. С. 15.

30-йилларнинг ўрталарига келиб Қорақалпоғистон саноатининг ишлаб чиқариш қуввати ошганлиги кўзга ташланди: 1934 йилнинг охирида Нукусда СССРда энг йирик беда уруғи тозалайдиган завод ишга туширилди, пахта тозалаш заводлари, Муйноқда балиқ консерваси комбинати, Тўрткўл электр станцияси, Нукус шаҳрида матбаа комбинати барпо этилди. Бироқ саноатда банд бўлган миллий муҳандис-техник ходимларни шакллантириш муаммоси кескинлигича қолаётган эди: масалан, 940 нафар муҳандис-техник ходимлардан фақат 37 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди, холос.

Автоном вилоят саноатининг етакчи тармоқлари пахта тозалаш ва балиқ консерва корхоналари эди. Саноатни ривожлантиришдаги айрим силжишларга қарамасдан, Қорақалпоғистон бу соҳада жуда орқада қолаётган эди: бу жиҳатдан аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий саноат маҳсулоти бор-йўғи 36 сўмни ташкил этарди, ҳолбуки, умуман, иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 273 сўмни, Ўрта Осиё республикалари бўйича эса 71 сўмни ташкил қиларди.

Қорақалпоғистон саноати ривожининг ўзига хос хусусияти шунда эдики, у ирригация ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан, айниқса, унинг асосий тармоғи бўлган пахта, беда ва қоракўлчилик билан мустаҳкам боғлиқ эди.

Автоном вилоятнинг табиий ресурсларини ўрганишга совет ҳукумати катта эътибор берди, чунки Марказ учун кўплаб хом ашё керак эди. РСФСРнинг геолог олимларидан — академик А.Е.Ферсман, А.Н.Чистяков. А.Ф.Сособко ва бошқалар ўлкада қидирув ишларини ўтказиб, тальк, фосфорит, гипс, мармар ва бошқа табиий қазилмаларнинг бой конларини топдилар. Буларни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш учун саноат корхоналари керак эди. Шу боисдан ҳам Қорақалпоғистон саноатига капитал маблағлар ажратиш муттасил ортиб борди. Улар биринчи беш йилликда 6 млн. сўмни, иккинчи беш йилликда 22 млн. сўмни ташкил этди. 30-йилларнинг ўрталарига келиб маҳаллий хом ашёга асосланган пахта тозалаш заводлари ва бошқа корхоналар қурилиши кенг миқёсда авж олдирилди. Саноат корхоналари сони 1940 йилга келиб 89 тага етди.

ВКП(б) Қозоғистон Ўлка Қўмитаси 1927 йил 22 сентябрда Қорақалпогистонга вилоят партия ташкилотининг биринчи котиби қилиб П.И.Варламовни (1930 йил охиригача ишлаган) юборди, бундан мақсад «партия ташкилотини ва пахта тайёрлаш ишини оёққа қўйиш»дан иборат эди. Ўша пайтдан бошлаб амалий ишлар асосан «қулоқлар хавфи»га қарши курашга қаратилади. 1927 йилги сайлов кампаниясидан бошлаб асосий эътибор «овулларни советлаштириш»га қаратилди. Ўша йилларда Қорақалпоғистон бўйича 5920 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. «Маҳрум этилганлар» тоифаси 17 банддан иборат

бўлиб, уларга собиқ волость бошқарувчилари, бойлар, подшо маъмурияти хизматида бўлган зобитлар, савдо ходимлари, ижарачилар, косиб-ҳунармандлар, руҳонийлар вакиллари, халқ табиблари ва бошқалар киритилган эди[1].

Қишлоқ ва овулларга «синфий кураш» сиёсатини киритиш ер-сув ислоҳотини тайёрлаш ва ўтказишдан бошланди. «Ер тузилишидан фарқли ўлароқ, — деган эди бу кампаниянинг раҳбарларидан бири У.Жондосов, — ер ислоҳоти миллий қишлоққа синфий курашни олиб киришнинг синалган воситаси ва усули бўлиб, деҳқонларнинг барча ва ҳар қандай эксплуататорларга қарши курашини бошлаб беради».

П.И.Варламов бошчилигидаги Марказ эмиссарлари автоном вилоят давлат аппаратини «тозалаш» жараёнида унинг «руҳан аксилинқилобчи ёт, жиноятчи ва яроқсиз унсурлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юборилганлигини, улар хизматчилар умумий сонининг 20%ини ташкил этган»лигини аниқлади. ВКП(б) вилоят қўмитасининг ва Қозоғистон Автоном Республикаси МИҚ Раёсатининг аъзолари У.Бекимбетов, Ф.Маткаримов, туман муассасалари раҳбарлари Г.Абдуллаев, И.Жилқибоев, Ю.Матёқубов, Токмамбетов, Қурбонбоев, Эшимбетов, Бобониёзов ва бошқалар «саидваққосовчилик»[2] билан боғлиқ эканликда айбланди, уларга «ўнг оғмачилар» ёрлиғи ёпиштирилди. «Бойларга шерик бўлгани», ижтимоий келиб чиқишини яширгани, ишдаги синфий йўлни хаспўшлагани учун Кегайли туман қўмитаси котиби С.Елтезеров, Қипчоқ туман қўмитаси котиби Бойбозоров, Қўнғирот туман қўмитаси котиби Исамов, Чимбой туман партия қўмитаси котиби Тожибоев, Қипчоқ тумани РИҚ раиси Рўзибоев, Қораўзак туман РИҚ раисининг ўринбосари Бекназаров ва бошқалар ишдан олиниб, партиядан ўчирилди ва судга берилди. «Партия ва ҳукумат йўлини бузганлиги учун (бу ғалла тайёрлаш ва экиш кампаниялари вақтида бойларни ҳимоя қилишда ифодаланган)» биринчи тоифа бўйича прокурор ўринбосари К.Ирмонов, собиқ прокурор Х.Юсупов, вилоят судининг собиқ раиси Ш.Ўрумбоев ва бошқа «ёт унсурлардан тозаланди».

Ер-сув ислоҳоти ва ёппасига жамоалаштириш асосида «қулоқлар ва ярим феодал хўжаликлар»ни тугатиш Қорақалпоғистонда 1930 йил баҳорида бир вақтнинг ўзида амалга оширилди. «Капиталистик унсурларни аниқлаш» бўйича комиссиялар ва «бойлар хўжаликларини тугатиш» бўйича учликлар тузилди. ВКП(б) Қозоғистон Ўлка Қўмитасининг 1930 йил 9 февралдаги курсатмасида 300 та ана шундай «хўжаликлар» аниқланган эди. Қорақал-

---

[1] *Нуржанов С.У.* Каракалпакская автономная область: история и источники (1925—1932гг.) — Автореф. дисс... канд. наук. — Нукус, 1998. С. 16.

[2] Қозоғистон Автоном Республикасида 1920—1930 йилларда Марказнинг шовинистча сиёсатига қарши курашган миллий раҳбарлар, зиёлилар гуруҳи.

поғистон автоном вилояти ижроқўми 1930 йил мартда 298 та «қулоқ хўжалиги»ни Қорақалпоғистон ичкарисига ва Қозоғистоннинг Актюбинск округига сургун қилди. Шу билан бирга Марказ кўрсатмасини бажариш жараёнида 9 десятинадан камроқ ерга эга бўлган хўжаликлар ҳам «бойлар — ярим феодаллар» тоифасига киритилди. 1929 йил 1 январдан 1930 йил 1 майга қадар Қорақалпоғистондаги «бойлар — ярим феодаллар»дан 147 нафари отилди, 29 киши концлагерларга юборилди[1]. Жамоалаштиришни сунъий равишда жадаллаштириш натижасида қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга олиб киришга, унинг бажарилиш даражасининг сунъий оширилишига сабаб бўлди. Агар 1930 йил январда Қорақалпогистонда барча хўжаликларнинг 12,5%и жамоалаштирилган бўлса, апрелда 52%и жамоалаштирилди. Фақат Қипчоқ туманида 20 та, Чимбой туманида 71 та жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Томди ва Хўжайли туманларида эса жамоалаштириш юз фоиз ўтказилди. Деҳқонлар қуролли милиция ёрдамида колхозларга ҳайдаб киритилди, жамоа хўжаликларига киришдан бош тортганлар қамоққа олинди, ортиқча солиқлар солиниши билан қўрқитилди.

Лекин Марказнинг кўрсатмаси билан деҳқон хўжаликларини мажбур қилиш йўли билан ёппасига ташкил қилинган бу жамоа хўжаликлари мустаҳкам эмасди, улар заиф хўжаликлар эди. Бу хўжаликлар тарқаб кета бошлади. «Юз фоиз жамоалаштирилган» биргина Хўжайли туманида фақат 18,9% деҳқон хўжалигини қамраб олган 33 та колхоз қолганди. 740 та деҳқон хўжаликлари эса колхозлардан чиқиб кетган эди. Умуман, вилоятда бор-йўғи 12079 та деҳқон хўжалигини бирлаштирган 210 та колхоз қолган эди, холос.

ВКП(б) вилоят қўмитасининг «овулларнинг бой-бадавлат табақасига большевистик сиқув»ни кучайтириш ҳақидаги қатъий кўрсатмаси маҳаллий аҳолининг Қорақалпоғистон ҳудудидан оммавий равишда кўчиб кетишига сабаб бўлди. Фақат 1931 йилнинг феврал-мартида Қипчоқ туманидан 680 га яқин хўжалик Туркманистон ва Хоразм вилоятига кўчиб кетди. Чимбой туманидан 460 та хўжалик, Томди туманидан 263 та хўжалик кўчиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда жамоалаштиришнинг сунъий равишда жадаллаштирилиши фожиавий оқибатларга олиб келди.

ВКП(б) МҚ ва Қозоғистон Ўлка Қўмитасининг 1928 йил январ қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистонда ғалла тайёрлаш тадбирлари амалга оширила бошланди, бунга кўра Қорақалпогистонда мустақил солиқ солиш ва сув йиғими жорий қилинди. Ҳолбуки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўхшаш бўлган қўшни ҳудудларда — Хоразмда (Ўзбекистон) ва Тошҳовузда

---

[1] *Нуржанов С.У.* Новые документы периода становления каракалпакской государственности // «Вестник ККОАНРУз». — Нукус, 1996, № 3. С. 68—72.

(Туркманистон) ғалла тайёрлаш ҳам, мустақил солиқ солиш ва сув йиғими ҳам ўтказилмасди.

1929 йил солиқ кампаниясида Чимбой ва Кегайли туманларининг кўпгина овулларида бирмунча ҳаддан ошишларга, аҳолига ўзбошимчалик билан солиқ солишга йўл қўйилди. Ҳадлан ошишлар шу даражада бўлдики, хонадонларни тинтув қилишда ўрта ва камбағал хўжаликлар ҳам қамраб олинди, батраклар туман вакиллари раҳбарлигида ёппасига тинтувлар ўтказишди, ўртаҳол ва ҳатто экин экмаган хўжаликларга ҳам ғалла топшириш мажбурий равишда татбиқ қилинди.

Бош сиёсий бошқарманинг Қорақалпоғистон вилоят бўлими ахборот тармоқларида 1929 йил августнинг охирларида Чимбой ва Кегайли туманлари аҳолиси орасида сезиларли равишда норозилик кучайганлигини қайд қилди, ҳатто аҳоли совет ҳокимияти сиёсатидан норози бўлган бошқа кишилар билан алоқа боғлашга интилаётгани, аҳолида сақланиб қолган энг яхши отларни, қуролларни сотиб олинаётгани, одамларни ёллаш, кенгашлар ўтказиш рўй бераётгани қайд этилади. Шу тариқа, совет ҳокимиятига қарши қўзғолонга кенг миқёсда ҳозирлик кўрилди. Амударёнинг сўл соҳилидаги Хўжайли ва Қўнғирот округлари (бу ерларда Шалтай ботир отрядлари ҳаракат қиларди), ўнг соҳилдаги Қораўзак, Кегайли, Чимбой, Тахтакўпир, Турткул, Шурохон, Шоббоз туманлари қамраб олинди (бу ерларда Бутабек Бекниёзов, Қилишбой Жумамуротов, Матқурбон Ҳакимниёзов, Мадиёр, Қурмиш ва бошқа қўзғолончи отрядлар ҳаракат қиларди). Ҳаракатнинг гоявий раҳбари Абдужалил махсум Исматуллаев эди. Қўзголончилар 1929 йил июл-августда Чимбой шаҳрида яширин кенгашлар ўтказиб, ҳаракатлар режасини белгилаб олдилар. Ана шу кенгашда халқ ҳукумати ташкил этилиб, Абдужалил махсум Исматуллаев — хон, Каримберди охун — қози-адлия вазири, Борлиқбой Нуримов — ҳарбий вазир лавозимларига сайландилар[1].

Вилоят сиёсий бошқарма бошлиғи Белоносов Чимбойдаги «аксилинқилобий ташкилот» раҳбарларини қамоққа олиш тўғрисида фармойиш берди: 21 сентябрда қамоққа олиниши лозим бўлган 44 кишидан 35 таси қўлга олинди.

Қамоққа олинишдан қочиб қолган Абдужалил махсум ва Борлиқбой 26 сентябрда Тахтакўпир яқинидаги Андаткўлга келдилар. 27 сентябрда соат 12 да исёнчилар отряди Каримберди охун бошчилигида Тахтакўпирни қўлга олдилар, бу ерда уларга 150 кишидан иборат деҳқонлар қўшилди, улар таёқлар билан қуролланган эди. Қўзғолончилар ВКП(б) туман қўмитаси, туман ижроқўми, туман комсомол қўмитаси, «Қўшчи» иттифоқи, туман суди, туман молия бўлими биноларини тор-мор қилди-

---

[1] *Алланиязов Т.К.* Тахтакупырское выступление 1929 года // «Вестник ККОАНРУз». 1986, № 2. С. 53—56.

лар. Суд ишлари ҳужжатлари, маош варақалари, солиқ ҳужжатлари ёқиб юборилди. Қурбонлар бўлди.

1929 йил 28 сентябрда ВКП(б) Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси котибияти Чимбой ва Тахтакўпирдаги воқеалар муносабати билан Қорақалпоғистон пойтахти Турткўлда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Қўзғолонни бостириш учун Тахтакўпирга йўл олган жазо отрядини таъминлаш учун Турткўл шаҳар аҳолисидан ҳар бир қизил аскар учун уч сўмдан пул йиғишга мажбур қилинди. Вилоят раҳбарлари телеграф орқали Ўрта Осиё бюросидан ҳарбий самолёт, 200 та милтиқ, 400 комплект кийим, Ўрта Осиё ҳарбий округи бюджетидан 30000 сўм пул юборишни сўрадилар.

1929 йил 2 октябрда ВКП(б) Қозоғистон Ўлка Қўмитаси бюро мажлисида ВКП(б) Қорақапоғистон вилоят қўмитаси котиби П.Варламовнинг Тахтакўпир қўзғолони ҳақидаги ахбороти тингланди. Вилоят раҳбарлари П.Варламов ва К.Оллабергенов содир бўлган воқеаларни «эксплуататорлар юқори табақасининг қаршилик кўрсатишининг олий шакли, Қорақалпогистонда партия ва совет ҳокимиятининг ўтказаётган синфий тадбирларига... қарши ҳужуми» сифатида таърифладилар. Қозоғистон Ўлка Қўмитасининг раҳбари Ф.Голошчекин қўзғолонни «ўта сиёсий хусусиятига эга бўлган босқинчилик чиқиши» деб баҳо берди.

Хоразм, Тошҳовуз округларида, Қорақалпоғистонда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиб бораётганидан ташвишга тушган ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Урганч шаҳрига ўз вакили Шубриковни юборди, у 1929 йил 5 октябрда кенгаш ўтказиб, унда қўзғолонни бостириш юзасидан барча операцияларга ҳарбий раҳбарлик қилишни Ўрта Осиё ҳарбий округининг 84-отлиқ полки қўлида бирлаштириш зарурлигини эътироф қилди, Ўрта Осиё бюроси олдига «босмачиликнинг жонланиши» муносабати билан ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун ўз масъул вакилини ажратиш, унга қўзғолончиларга қарши қатъий ва шафқатсиз уч олиш ҳуқуқи берилиши масаласи қўйилди.

Тахтакўпир воқеаси фақат Тошкент ва Қизил Ўрдани эмас, балки Москвани ҳам таҳликага солди: ВКП(б) МҚ Хоразм воҳасига Гричманов бошчилигида махсус гуруҳ юборди. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларига эса К.Оллабергенов, К.Мамбетов ва Холковскийдан иборат махсус бригада сафарбар қилинди.

Мустабид тузум ҳарбий ва сиёсий чора-тадбирларни бирга қўшиб олиб бориши натижасида қўзғолон қатъиятлик билан бостирилди. ОГПУнинг вилоят бўлими ҳарбий жазо операциялари вақтида Хўжайли туманида 74, Қўнғирот туманида 64, Турткўл туманида 7, Тахтакўпир туманида 44 кишини қўзғолонда иштирок этганлиги учун ҳибсга олди. Шунингдек, Қора-

қалпоғистонда 1917—1920 йиллар миллий-озодлик ҳаракатининг етакчиси Убайдулла Боуатдинов (Хон Махсум) ҳам қамоққа олинди, у сургундан эндигина ватанига қайтиб келган эди.

Қозоғистон Олий судининг сайёр сессияси 16 кишини олий жазо — отишга, 25 кишини турли муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди, қатнашчилардан тўрт киши оқланди. «Чимбой аксилинқилобий ташкилоти»нинг 36 аъзоси суддан ташқари учлик томонидан отишга, 13 киши мол-мулки мусодара қилинган ҳолда беш ва уч йил концлагерларга юборишга ҳукм қилинди. Қорақалпоғистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг бу саҳифасига ана шу тариқа нуқта қўйилди. 1929 йилги қўзғолонга баҳо берганда, шуни назарда тутиш керакки, у аввало овул ва қишлоқлардаги деҳқонларнинг Марказ томонидан сунъий равишда ўтказилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштирилишига нисбатан қатъий жавоби эди[1].

1933 йилнинг бошларида жамоа ва давлат хўжаликларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида улар қошида сиёсий бўлимлар ташкил қилиш бошлаб юборилди. Сиёсий бўлимлар Қорақалпоғистон колхозлари ва совхозларига ҳам жорий қилинди. ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг сиёсий бўлимларга юборган вакилларининг «куч-ғайрати» билан «бой ва эшон унсурлари» тоифасига киритилган 1246 киши жамоа ва давлат хўжаликларидан чиқарилди.

1936 йили Қорақалпоғистонда жамоалаштириш якунланди. Колхозлар деҳқон хўжаликларининг деярли 90%ини бирлаштирган ва барча экин майдонларининг 96%ини қамраб олган эди. Жамоа хўжаликлар сони 1100 тага етди. 14 та МТС ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигида 980 та трактор, 220 та насос қурилмаси, 7 та экскаватор, 11 та землесхоз, 374 та юк ва 66 та енгил автомашина ишлаб турар эди[2].

1932 йил 20 мартда СССР МИҚ Раёсати «Қорақалпоғистон автоном вилоятини Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш ва унинг РСФСРга кириши тўғрисида» қарор қабул қилди. Аввалгидек Марказ режаларига мувофиқ автоном республикага қишлоқ хўжалик хом ашёси ва чала маҳсулотлар етказиб бериш вазифаси ажратилди. Пахта тозалаш ва балиқчилик автоном республика саноатининг етакчи тармоқлари бўлиб қолди.

20—30-йилларда Қорақалпоғистонда маданий қурилиш, мустабид тузумнинг барча ҳудудларида бўлганидек, большевикларнинг «маданий инқилоби» андозаси доирасида амалга оширилди. 20-йилларнинг бошларида «Йўқолсин саводсизлик»

---

[1] *Алланиязов Т.К.* Контрреволюция в Казахстане: Чимбайский вариант. — Алматы, 1999. С. 125.

[2] *Джумашев А.М.* История Каракалпакистана в правительственных документах (1932—1941 гг.) Автореф. дисс... канд. ист. наук. — Нукус, 1996. С. 17.

бутуниттифоқ жамиятининг Қорақалпоғистон бўлими ўз фаолиятини бошлади. Унинг район ва овул бўлимлари аҳоли саводсизлигини тугатишда фаол иштирок этди.

1924 йили қорақалпоқ халқи араб ёзуви асосида ишлаб чиқилган алифбега ўз тарихида биринчи марта эга бўлди. Бу саводсизликни тугатиш тармоқлари ишини анча енгиллаштирди. 1928/29 ўқув йилида Қорақалпоғистон вилоятида 3 минг киши саводсизликни тугатиш тармоқларини битириб чиқди ва яна 4 минг киши ўқишни давом эттирди. Хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга алоҳида эътибор берилди. ҚҚАССР МИҚнинг 1935 йил декабрда қабул қилган махсус қарорига мувофиқ, хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга тўсқинлик қилувчи ҳар бир шахсни жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилди. 1928 йили фақат 1815 хотин-қиз саводли бўлган бўлса, 1935 йилда уларнинг сони 13644 нафарга етди. Бу даврга келиб саводсизликни тугатиш учун ўқув қўлланмалари чоп этиш кўпайди. Қорақалпоқ тилидаги ҳар хил дарсликлар асосан Москва нашриётларида чоп этилди. Совет статистик маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон аҳолисининг умумий саводхонлиги 1937 йили 43%ни, 1939 йилда 60%ни ташкил қилган. Саводсизликни тугатиш тармоқларида 1940 йилда 50 минг киши ўқир эди.

Лекин саводсизликни тугатиш юзасидан ташкил қилинган қисқа муддатли курслар халқ таълими муаммосини ҳал қилолмас, узлуксиз таълим тизимини ташкил қилиш керак эди. 1924/25 ўқув йилида вилоятда 2,5 минг ўқувчи 49 та мактабда таълим олди. 1927/28 ўқув йилида эса 75 та мактаб фаолият кўрсатган бўлиб, улар мактаб ёшидаги болаларнинг тахминан 16%ини қамраб олган эди, холос. Қорақалпоғистон маорифини ривожлантиришга А.Есемуратов, П.Сейтмуратов, А.Айтешев, Х.Умаров каби ўқитувчилар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

30-йилларда умумий бошланғич таълим жорий қилинди. Етти йиллик мактаблар сони кўпайди. 1940 йил охирига келиб бундай мактаблар сони 108 тага етди. 1936/37 ўқув йилида биринчи ўн йиллик мактаб ҳам пайдо бўлди. Мутахассислар тайёрлаш учун Қорақолпоғистонда педагогика, молия-режа, қишлоқ хўжалиги техникумлари ва тиббиёт ўқув юрти очилди. 1934 йили Тўрткўл педагогика техникуми базасида Қорақалпоқ давлат ўқитувчилар институти очилди, унда физика-математика, қорақалпоқ тили ва адабиёти бўлимлари ва кейинчалик эса рус тили ва адабиёти ҳамда тарих факультетлари очилди. Шунингдек, маҳаллий миллат вакиллари Тошкент, Самарқанд, Москва, Ленинград, Қозон, Олмаота, Ашхабод, Самара ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга юборилди.

1931 йили вилоятдаги бир қатор илмий муассасаларни бирлаштирган Қорақалпоқ кенг тармоқли илмий-тадқиқот институти иш бошлади. Қорақалпоғистоннинг Ж.Урумбоев, К.Аим-

бетов, Т.Бекимбетов. Н.Довкараев, Б.Ергалиев, Я.Дўсумов каби таниқли олимлари шу даврларда вояга етди.

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъатининг большевиклар мафкураси ғоялари билан суғорилган янги жанрлари ва шаклларининг таркиб топиш жараёни 20—30-йилларга тааллуқлидир. Шеърият билан бир қаторда драматургия, проза, адабий танқид соҳалари ҳам юзага келди ва ривожланиб борди. Янги қорақалпоқ совет адабиётининг шаклланиш жараёнида А.Мусаев ва С.Мажитов каби шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди.

Бадиий ижодиётнинг мусиқа, амалий санъат ва бошқа анъанавий турларини ривожланиши билан бирга қорақалпоқлар учун санъатнинг янги тури — театр пайдо бўлди ва ривожланди. Олдинига ёшларнинг драматик тўгараклари, кейинчалик кичикроқ труппалар, 1930 йилда эса «Тонг нури» номли драматик труппа базасида давлат мусиқали драма театри ташкил қилинди. Т.Сейтмуратова, М.Матчанов, Б.Сейтов, Ж.Сейтовалар янги театрнинг биринчи актёрлари эдилар. Кейинчалик бошқа театрлар, шунингдек, мусиқа ўқув юртлари ва консерватория ташкил этилди. Шу билан бир қаторда халқ оқинлари (жирау) ва халқ бахшиларининг анъанавий санъати ҳам ривожланди.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси маданий-оқартув муассасалари: кутубхоналар, клублар, қироатхоналар, «қизил бурчаклар», «қизил чойхоналар», «қизил ўтовлар», деҳқон уйлари, радио шахобчалари, кино қурилмалари тармоқлари фаолиятидан мустабид тузум мафкурасини омма орасида тарғиб қилишда, улар онгига мунтазам сингдириб боришда кенг фойдаланилди. Кўпгина газета, журналлар, бадиий, сиёсий ва илмий адабиёт қорақалпоқ ва рус тилларида неча юз минглаб нусхада чоп этилиб, улар орқали омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маърифий ишлар олиб борилди.

20—30-йилларда мустабид тузум амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тадбирлар қорақалпоқ халқининг анъанавий турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди, миллий қадриятлар оёқости қилинди. Большевиклар режимининг бу сиёсатига қарши чиққан миллий зиёлилар ва миллий раҳбар кадрлар қувғин остига олинди.

Қонунсизлик, қатағоннинг оммавий авж олиши натижасида ҳеч бир айбсиз минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Мустабид тузум қийноқхоналарида Қорақалпоғистоннинг ажойиб фарзандлари бўлган истеъдодли раҳбарлар Қ.Авезов, Қ.Нурмуҳамедов, А.Дўстназаров, К.Алимов, К.Аҳметов, С.Туреев, А.Бекмуротов, А.Қудабоев, С.Қличев, И.Бекбавлиев, Такимбетов ва бошқа кўпгина кишилар ҳалок бўлдилар[1]. Миллий зиёли кадрларга

[1] Ҳозирги кунгача тўпланган маълумотларга кўра, Қорақалпоғистонда 1937—1938 йилларда 10 мингдан ортиқ киши ноҳақ қатағон қилиниши оқибатида ҳалок бўлган. Маълумот тўплаш давом этмоқда.

қўйилган сиёсий айблар ва уларга қарши қатағонлар атайлаб қилинган зўравонлик оқибати эди.

Шундай қилиб, 30—40-йиллар чегарасида СССРда ўта марказлашган ва зўравонликка асосланган мустабид тузим шаклланди. Узил-кесил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи фақат Марказга берилди. Ҳудудий бирликлар — республикалар, ўлкалар, вилоятлар доирасида эса бевосита тайинланган ва Марказга ҳисобот берадиган кишилар «биринчи шахслар»га айлантирилди. Сталинча сиёсий таълимотнинг зўрлик билан амалга оширилиши натижасида 30-йиллар охирига келиб халқ ўзига ёт бўлган зўравонликка асосланган ва ўта мафкуралашган давлат таркибида яшашга мажбур қилинди.

1936 йил 5 декабрда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди, унда Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Бу Марказнинг ўз манфаатларини кўзлаб «СССРнинг пахта мустақиллиги»ни қўлга киритиш учун Ўрта Осиё республикалари зиммасига режалаштирган навбатдаги афсонавий вазифани қонунлаштириши эди. Ана шу вазифа барча Ўрта Осиё халқларини бир-бири билан яқинлаштирди ва бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кириб, кўп нарсаларга эга бўлди. Ҳудудий яқинлик, ягона тарих ва маънавий қадриятлар, ислом дини, эркинлик туғрисидаги асрий орзулар ва унга интилиш, миллий мустақиллик учун олиб борилган кўп йиллик кураш бу қардош халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлади.

Иккинчи боб

Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941—1945 йиллар)

1. УРУШНИНГ БОШЛАНИШИ. РЕСПУБЛИКА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ФАШИЗМГА ҚАРШИ САФАРБАР ҚИЛИНИШИ

Жаҳон уруш бўсағасида

Иккинчи жаҳон уруши XX асрнинг энг катта фожиаси бўлди. Инсоният ушбу урушда ўлганлар ҳисобидан 50 млн.дан ортиқ кишидан ажралди — бу Биринчи жаҳон урушида ўлганлардан 5 баравар кўпдир. Вайронгарчиликдан кўрилган зарар ва уруш олиб бориш учун сарфланган маблағлар миқдори 4 триллион долларни ташкил қилди.

Ҳалокатли жаҳон можароси 20—30-йиллар чегарасида жаҳоннинг асосий минтақаларини қамраб олган чуқур сиёсий ва иқтисодий тангликнинг оқибати эди. Лекин ҳарбий зўравонликнинг ортишида Европа, Осиё ва АҚШ мамлакатлари ҳукмрон доираларининг геополитик даъволари ҳам сезиларли роль ўйнади.

Иккинчи жаҳон уруши оловининг авж олишида фашистлар Германияси ва милитаристик Япониядан ташқари «урушдан аввалги» Англия ва Франциянинг сиёсий етакчилари зиммасида ҳам катта жавобгарлик бор эди. Улар «большевизм балоси»-ни йўқ қилишга интилиб, қарши туриш тафаккури мантиқидан келиб чиққан ҳолда, кўпинча тарихан оқланмаган хатти-ҳаракатларга интилдилар ва Германияда «уруш партияси»ни мустаҳкамлашга, гитлерчилар режимини қўллаб-қувватлашга кўп жиҳатдан ёрдам бердилар. Бундан руҳланган Гитлер, большевизмни, марксизмни тугатувчи халоскор сифатида майдонга чиқди. Аслида эса, унинг асосий мақсади «учинчи герман рейхи»ни вужудга келтириш, ҳамма жойда Германияга ҳудудий қарам ерлар плацдармини кўпайтиришдан иборат эди.

Ғарбий мамлакатлар ҳукмрон доираларининг Германияни «келиштириш» сиёсати Австриянинг Германия таркибига қўшиб олинишига (1938 й. март) ва Мюнхен битишувига (1939 й. сентябр) йўл очиб берди. Бу эса, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Гитлерчилар Германияси раҳбариятининг ошкора ҳудудий даъволари олдида СССРнинг ташқи сиёсий йўли тинчликсевар йўл бўлиб туюларди. Бироқ Советларнинг юқори сиёсий табақаси ҳам халқаро кескинлик кучайганлиги ва уруш бошланганлиги учун анча-мунча жавобгардир.

Совет давлати ташқи сиёсатининг стратегияси бу давлат пайдо бўлган дастлабки дамларданоқ «жаҳон пролетар инқилоби» мафкурасига таяниб, умумпланета коммунистик империясини тузишга қаратилган эди. Сталин фашистлар Германиясини Англия ва Францияга қарши гижгижлашга, уларнинг кучи ўзаро тугаши билан қизил армиянинг қақшатқич зарбасини ёғдиришга интилди.

Англия, Франция ва СССРнинг ўзаро узоқлашиб боришининг кучайиши фожиавий жаҳон ихтилофи арафасидаги сиёсий ҳаётнинг фарқ қилувчи хусусияти эди. Аксинча, Сталин билан Гитлер ўртасидаги яқинлашув ортиб борди. ВКП(б) XVIII съездида (1939 й.) мамлакат сиёсий раҳбарияти Европада уруш хавфи кучайгани учун Германияга нисбатан Англия билан Франция кўпроқ жавобгардирлар, деб уларни очиқдан-очиқ айблади. Бу давлатларнинг жавоби ҳам шунга мувофиқ бўлди. Натижада фашизмга қарши ягона блок тузишга доир бўлажак коалиция жараёни барбод қилинди.

1939 йил 23 августда Сталин таклифи билан Германия Ташқи ишлар вазири Риббентроп Москвага келди. Бўлиб ўтган музокаралар жараёнида 10 йил муддатга ҳужум қилмаслик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Илгари совет тарих фанида «август битими» мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлади, совет-герман урушининг бошланишини орқага сурди, деб муттасил таъкидланарди. Энг янги тарихий тадқиқотлар коммунистик тарғиботининг тўқиб чиқарган бу афсонасини фош қилмоқда. Эндиликда, шу нарса яхши маълумки, Германия 1939 йилда СССРга ҳужум қилишга тайёр эмас эди. Сталин маъмурияти эса, қўшнининг уйида ёнғин чиқаришга умид қилиб, ўз уйидаги ёнғинни тезлаштирди, холос.

Урушдан кейинги бутун тарихий давр мобайнида ҳужум қилмаслик ҳақидаги совет-герман битимининг ҳақиқий мазмуни зўр бериб яшириб келинди. Тўғри, 1939 йил 24 августда шартнома эълон қилинган эди. Бироқ, шартномадаги махфий қўшимча баённома сир сақланган бўлиб, унда Польша давлатининг тақдири ҳақида гап борган эди. Айнан шу ҳужжатда Германия давлатининг ҳам, Совет давлатининг ҳам стратегик мақсадлари акс эттирилган эди.

1939 йил шартномаси фожиавий ечимни жадаллаштирди. Шартнома имзолангандан кейин воқеалар жадал ривожланиб борди. 1 сентябрда Германия хавфли «шарқий қўшниси»ни бетараф қолдириб, Польшага қарши ҳужум бошлади. 3 сентябрда Англия ва Франция Германияга уруш эълон қилдилар. Польша армияси мардона қаршилик кўрсатса-да, гитлерчилар рейхининг батартиб, юксак техникали ҳарбий машинасига қарши тура олмади.

Совет газеталари немис қўшинларининг босқинчилик юриши ҳақидаги хабарни Германияга хайрихоҳлик билдириш оҳан-

гида бердилар. Бунинг сабаби ҳам эндиликда тушунарли бўлиб турибди. Чунончи, махфий баённомага мувофиқ Германия билан СССР таъсир кўрсатиш доираларини бўлиб олишган эди. Совет ва герман манфаатларини чегаралаш йўли бевосита Польша ҳудуди орқали ўтарди. Совет томони манфатлари Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудларини қамраб оларди. Қизил армия 1921 йилда поляк-совет урушида мағлубиятга учрагандан кейин бу ҳудудлар Польша давлатига қўшиб олинган эди. Германия Болтиқбўйи мамлакатларига даъво қилишдан ҳам воз кечган эди.

Германия билан СССР шартномага мувофиқ Польшага бир вақтда қўшин киритишлари лозим эди.[1] Бироқ Сталин Гитлер билан ёвуз ҳазил қилган эди. Германия ҳукумати бир неча марта — 3, 8 ва 10 сентябрда — қизил армиянинг Польша давлати ҳудудига тезлик билан кириши масаласини кўтарди. Совет раҳбарияти эса нуқул қўшинлар ҳали тайёр эмас, деб жавоб қайтарди. Гитлер урушни якка ҳолда бошлади. Натижада, фақат у жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ҳалокатли уруш ёнғинининг асосий айбдори бўлиб намоён бўлди. Сталин эса, (унинг Кремлдаги кабинетида Германия билан Польшани бўлишган эди) охир-оқибатда Шарқий Европанинг халоскори деган шон-шуҳратига сазовор бўлди. Шу билан бирга, Сталин кўзлаган бошқа мақсадига ҳам эришди. У ўзи истаган урушга эришди, Ғарбдаги кишилар бир-бирларини ўлдириб, шаҳарлар ва заводларни вайрон қилдилар, СССР эса, қулай пайтни кутиб, бетараф қолди. Бунинг устига Польшага қарши уруш бошлаган Гитлер шу заҳотиёқ икки фронтда уруш олиб боришига мажбур бўлди: Франция ва Англия у билан қарши курашга киришди.

Сталин анчадан буён ўзининг манфаатли режаларини рўёбга чиқариш учун қулай пайтни кутиб келар эди. Унга «капиталистлар итлар сингари бир-бирини ғажийдиган»[2] вазият керак эди. 1939 йилги битим айнан худди шундай вазиятни вужудга келтирди.

Совет экспансиясининг биринчи ҳаракати 1939 йил 17 сентябрда Польшага қўшин киритиш билан бошланди. Кўп ўтмай Брестда машҳур немис қўмондони Г.Гудериан ва совет генерали С.М.Кривошеин қўмондонлигида Польшанинг бўлиниши муносабати билан қўшма совет-фашист паради ўтказилди. Сўнгра қизил армия қисмлари Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудини босиб олди. Орадан кўп ўтмай улар расмий равишда СССРга қўшиб олинди. Биринчи экспансия «ютуқларидан» илҳомланган СССР давлати навбатдаги хуружини Финляндияга қаратди. Бундан кўзланган мақсад Ленинграднинг хавфсизлигини таъминлаш эди. Чунки СССРнинг шимолий давлат чегара-

[1] Политическая история России и СССР. — М., 1991. Вып. 4. С. 35.
[2] «Правда». 1939, 14 мая.

лари «доҳий» номидаги шаҳардан 32 км масофадан ўтган эди. 1939 йил охири — 1940 йил бошларида бўлган совет-фин уруши оқибатида Финляндия давлати Ленинград ва Мурманск оралиғидаги ўз ҳудудини СССРга беришга мажбур бўлди. Натижада Совет давлати Ленинград шаҳари яқинидан ўтган шимолий чегарасини узоқлаштиришга ва мустаҳкамлаб олишга эришди.

1940 йилнинг ёзида Совет Иттифоқининг чегараларини янгидан ўзгартириш юз берди. Совет ҳукуматининг расмий талаби билан Руминия Бессарабия ва Шимолий Буковинани СССРга берди. 1940 йил июнда «советларга қарши авж олиб кетган фаолиятдан ҳимоя қилиш» баҳонасида Эстония, Латвия ва Литва ҳам совет қўшинлари томонидан босиб олинди. Августда барча учта Болтиқбўйи республикалари расман СССР таркибига киритилди.

Европанинг ғарбида немис қўшинларининг голибона ҳужуми борарди. 1939—1940 йиллар мобайнида фашистлар Германияси Польша, Норвегия, Франция, Бельгия, Голландия, Дания, Люксембургни босиб олди. Совет ҳукумати эса, немис қўмондонлигини Европанинг навбатдаги пойтахтини босиб олиш муносабати билан мунтазам табриклаб борди.

Ҳудудларни кенгайтириб бориш сиёсати СССР билан Германияни фақат сиёсий жиҳатдан эмас, балки мафкуравий жиҳатдан ҳам бир-бирига яқинлаштирди. Гитлернинг «иттифоқчи»лик туйғулари жўш уриб, ҳатто «национал-социализм ва марксизм асос эътибори билан айни бир нарсадир»[1], деб эътироф қилган эди. Ўз навбатида иттифоқ ичидаги таргибот ҳам тубдан қайта ўзгартирилди. Сталин ва совет ташқи сиёсий идорасининг бошлиғи Молотов «катта муваффақият»ни ошкора тарзда табриклаб бордилар. Коммунистик Интернационалнинг директиваларида фашизмга қарши қаратилган тарғиботни тўхтатиш талаблари пайдо бўлди. Мамлакат ичкарисида фашизм билан дўстликка ишонмаганларга қарши қатағонлар авж олдирилди.

Сталин Гитлернинг ҳарбий машинаси Ғарбдаги ҳарбий ҳаракатлар майдонига ниҳоятда боғланиб қолган, фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилмайди, деб ишонган эди, чунки ҳали забт этилмаган Буюк Британия турарди, унинг орқасида эса қудратли АҚШ яширинган эди. Айни вақтда совет раҳбарияти доирасида курашаётган томонларнинг имкониятлари яқин орада тугаб битади, деган ишонч ҳам бор эди. Европа уруши сиёсий тангликнинг ортиши ва кенг халқ оммасининг норозилиги — инқилобий вазиятни вужудга келтиради, деган марксча режага мос келгандай бўлиб туюларди. Бундай шароитда ўз қудратини сақлаб қолган СССР заифлашиб қолган «капи-

[1] Иқтибос қуйидаги манбадан олинган: *Хайек Ф.* Дорога к рабству //«Вопросы философии». 1990, № 2. С. 129.

талистик мамлакатлар»ни оммавий равишда советлаштиришни бемалол таъминлашга қодир эди. Бунинг устига, «муваффақиятлар» «яққол» кўзга ташланиб турарди: нисбатан қисқа муддат ичида совет империясининг чегаралари жиддий равишда кенгайди.

Сталин Гитлер август шартномаси бандларини сўзсиз бажаради, деб умид қилган эди. Лекин ҳар иккала мустабид ҳукмдор бир-бирига ўхшаш тамойиллар асосида фикрлар эди. Уларнинг ҳар бири «ҳужум қилмаслик ҳақидаги битим»ни ўзи учун қулай бўлган пайтда бекор қилишни оқилона иш деб ўйларди. Сталиннинг мўлжалларига зид ўлароқ, фюрер 1940 йилнинг ўрталаридан эътиборан аввалги йўлидан четга чиқа бошлади. Гитлер Сталиндан хавфсирарди, шунинг учун у масалани ундан кўра бошқачароқ ҳал қилишга уринди. Натижада, жаҳон урушининг оловлари СССР чегараларига яқинлаб кела бошлади.

Совет-герман урушининг бошланиши: халқ танлаган тарихий йўл

Фашистлар Германияси 1941 йил ёзида, 22 июн якшанба куни тонготарида ҳужум қилмаслик ҳақидаги август шартномаси шартларини бузиб, Совет Иттифоқи ҳудудига ҳалокатли уруш оловини ёғдирди, СССРга ҳужум бошлади. Совет Иттифоқи халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари учун оғир синовлар вақти ва уларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши фидокорона кураши бошланди.

Гитлерчиларнинг Шарққа доир ҳарбий муддаоларини ўзида гавдалантирган «Барбаросса» режасига «яшин тезлигидаги уруш» ғояси асос бўлган эди. Совет мамлакатини битта қисқа муддатли кампания жараёнида мағлуб қилиш ва урушни 1941 йил кузида тамомлаш мўлжалланган эди.

Бошланган уруш давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ўзгаришлар қилишни, шиддатли мудофаа учун куч-ғайрат сарфлашни талаб этарди. Юқори ҳокимият эшелонида эса, саросималик кўзга ташланарди. Фақат 29 июндагина Халқ Комиссарлари Кенгаши номидан жойларга кўрсатмалар жўнатилиб, унда уруш аҳволни кескин ўзгартириб юборганлиги, Ватан жиддий хавф остида қолганлиги, барча ишларни ҳарбий изга солиш учун тез ва қатъий равишда қайта қуришни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ҳужжатларнинг асосий талаби «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган чақириқда ўз ифодасини топган эди.

1941 йил 30 июнда И.В.Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа Қўмитаси (ДМҚ) ташкил топди. ДМҚ қўлида давлат, ҳарбий ва партиявий ҳокимият тўпланган эди. Бошланган уруш шароитида совет қуролли кучларига стратегик раҳбарликни амалга оширувчи фавқулодда орган сифатида Сталин бошлиқ Олий

Бош Қўмондон Қароргоҳи ташкил этилди. 8 августда Сталин Олий Бош Қўмондон лавозимини қабул қилди. Барча муҳим ҳарбий-сиёсий қарорларни қабул қилиш ҳақиқатда унинг қўлида тўпланган эди, бу қарорлар ДМҚ буйруқлари ёки ВКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг қарорлари сифатида расмийлаштирилади. Сталиннинг фақат йирик масалаларнигина эмас, балки майда-чуйда масалаларни ҳам ҳал қилишга уриниши кўплаб раҳбарларнинг ташаббусини бўғиб қўйган эди. Фақат 1941 йил 3 июлдагина Сталин халққа мурожаат қилишга қарор қилди. У ўзининг радио орқали сўзлаган нутқида ҳақиқий аҳволини айтишга мажбур бўлган эди.

Урушнинг дастлабки, оғир кунлариданоқ совет халқи босқинчилар устидан ғалабага эришишга бутун кучларини бағишлашга интилдилар. Ўзбекистон халқи мустабид тузум таркибида бўлганлиги учун бу даҳшатли уруш ғам-ғуссасидан четда қола олмади.

Ҳозирги кунларда, империяча-коммунистик режим қулагандан кейин, совет ўтмишига, шу жумладан, уруш даврига янгича баҳо берилмоқда. Нуқтаи назарлар бир хил эмас, албатта. Баъзан шундай фикрлар ҳам билдирилмоқдаки, уларнинг моҳияти — эзилган Ўзбекистон халқи совет империяси исканжасида қолиб «социалистик ватан»ни ўзининг она-Ватани сифатида ҳимоя қила олмасди, ёт мустабид-мустамлакачилик режимини сақлаб қолиш учун жон-дилидан кураша олмас эди, шунинг учун чинакам ватанпарварлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди, деган маънони англатмоқда. Аксинча, ўзбек халқи кўп йиллар мобайнида миллий озодликни орзу қилиб юрар ва совет тузумининг қулашидан объектив равишда манфаатдор эди. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак адо этган ўзбек халқи фашизмдан фақат СССРни эмас, энг аввало, Ўзбекистонни ҳимоя қилишни, уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эди, десак хато қилмаган бўламиз.

Албатта, қудратли мустабид давлат машинасининг тазйиқ ўтказиб келганини инкор этиш хато бўлар эди. Лекин мазкур ўринда халқнинг Иккинчи жаҳон уруши хусусиятини ва фашизм билан курашдаги ўз ўрнини идрок этишдаги ахлоқий-ғоявий қарашларини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур.

Оғир уруш йилларини ўз бошидан кечирган кишиларнинг хотираларидан маълум бўлишича, одамлар ўша вақтда «социализмнинг афзалликлари», совет режимини ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида кам ўйлар эдилар. Халқнинг аксарият қисми мустабид тузумни қоралар эди. Чунки республикада ҳали Туркистон Мухториятининг қонга беланганлиги, озодлик учун кураш ҳаракатининг зўравонлик билан бостирилиши, диний эътиқодлар учун таъқиб қилишлар эсдан чиқмаган эди. Жамоалаш-

тиришнинг сталинча зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида юз берган жиноятлар хотирадан кўтарилмаганди. 1937—1939 йиллардаги оммавий қатағонлардан халқда қолган яралар ҳали битмаганди.

Бироқ, ўз юртига бўлган чинакам юксак муҳаббат туйғуси, жонажон заминга тажовуз қилган душманга нафрат ҳисси мустабид тузум етказган ғам-аламни орқа ўрингa суриб қўйди. Халқ ўзини душманни тўхтатишга ва улоқтириб ташлашга қодир бўлган бирдан-бир куч деб ҳис қилди. У коммунистик тизим фойдасини эмас, балки фашизмга қарши курашнинг адолатли эканлиги ғоясини танлади. Шу жиҳатдан ҳам И.А.Каримовнинг «уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратларини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни ... камроқ айтиш»га доир чақириғи ниҳоятда долзарб бўлиб жаранглайди. Президент ҳақли равишда бундай деб таъкидлаган эди: «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз!»[1]

Ўзбек халқи гитлерчиларга қарши коалициядаги бошқа халқлар билан елкама-елка бир сафда туриб «жигарранг вабо»ни йўқ қилишга муносиб ҳисса қўшди. Унинг кўрсатган жасоратини фақат эрксиз ҳаракат тарзида, маъмурларнинг ўч олиши олдида қўрқишнинг оқибати деб тасаввур қилиш, жанг майдонларида ҳалок бўлганлар хотирасини ҳақоратлаш, мамлакат ичкарисидаги миллионлаб меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнатини назар-писанд қилмаслик, Ватанни асраш ва ҳимоя қилишдан иборат буюк инсоний фазилатларни намойиш қилган кенг халқ оммасининг мислсиз қаҳрамонликларини камситишдан иборатдир.

Ватанга бўлган муҳаббатдан иборат муқаддас туйғу оғир уруш даврида Ўзбекистон халқининг ижтимоий хулқ-атворини намоён қилувчи асосий маънавий талаб, бу халқ ватанпарварлигининг битмас-туганмас манбаи бўлди. Шу билан бирга, гитлерчи босқинчиларнинг босиб олинган ҳудудларда қилган ашаддий жиноятлари ҳақидаги, фашизм ўзи билан бирга олиб келган «янги тартиб» тўғрисидаги маълумотлар ҳам омманинг ватанпарварлик руҳига таъсир қилувчи туртки бўлди. Натижада ватанпарварлар ҳаракати тобора чуқурлашиб, чинакам умумхалқ хусусиятини касб этди.

Фашист золимларига қарши курашда Ўзбекистон халқининг фаол иштирок этиши унинг миллий руҳининг қудратли намо-

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т., 1996. 81-бет.

ён бўлиши эди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам партия ташкилотлари томонидан митинглар ва йиғилишлар ташкил қилинди, уларнинг қатнашчилари фашистлар Германиясининг тўсатдан ҳужум қилишига ўз ғазаб-нафратларини ифодаладилар, барча кучларини, агар лозим бўлса ҳаётларини ҳам ғалаба ишига бағишлашга азму қарор қилганликларини якдиллик билан баён этдилар. Чунончи, 1941 йил 22 июнда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ана шу дақиқадан бошлаб ўзларини Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган деб ҳисоблашларини билдирдилар. «Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари» заводи, «Қизил тонг» фабрикаси ишчилари душманни тор-мор қилиш учун ҳар қандай вазифани шараф билан бажаришга, бутун куч ва воситаларини багишлашга қарор қилганликларига ҳукуматни ишонтирдилар.[1]

23—24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтди. Уларда сўзга чиққанларнинг нутқлари Ватанни кўкракларини қалқон қилиб ҳимоя қилишга, мамлакат ичкарисида ва фронтда ёвуз босқинчилар устидан ғалабани таъминлашга қаратилган оҳанг билан тўлиб-тошган эди.

Ҳар куни фронтга жўнатиш истаги билан ҳарбий комиссарликларга келиб турган аризалар оқими ўзбекистонликларнинг миллий ватанпарварлик руҳи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Мазкур аризаларни турли касбдаги ва ҳар хил миллатга мансуб кишилар, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар, партияли ва партиясизлар йўллар эдилар.

Архив ҳужжатларининг далолат беришича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига кўнгиллилардан 14 мингдан ортиқ ариза тушган.[2]

Кўнгиллилар ва хизматга чақирилганларни ҳаракатдаги армия сафларига кузатиш партия органлари томонидан сиёсий тадбирга айлантирилди, митинглар ташкил қилинди. Ўзбекистон халқи фашистлар босқинини ўз юртига, жонажон ерига қилинган тажовуз деб тушунди. Шунинг учун ҳам ота ва оналар ўз ўғлонларини фронтга кузатар эканлар, уларга босқинчиларга қарши шараф билан курашиш, Широқ, Спитамен, Жалолиддинларнинг Чингизхон олчоқларига ва ўтмишдаги бошқа манфур босқинчиларга қарши курашларда ғолиб чиққан қаҳрамонларнинг жанговар жасоратларидан намуна олишни тилаб қолардилар.

Ўлка аҳолиси анъанавий ватанпарварлигининг ажойиб намуналаридан бири фронтга умумхалқ ёрдами кўрсатиш эди. Ўзбе-

---

[1] Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. — Т., 1966. С. 15.
[2] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 8, д. 95, л. 13.

кистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданоқ мудофаа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этдилар.

Омманинг ташаббуси билан бундай жамғарма яратишнинг тобора янги ва янги шакллари вужудга келтирилди. Мудофаа жамғармасига ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, «коммунистик шанбаликлар»да ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари топшириларди. Умуман, урушнинг дастлабки кунларида республика аҳолисидан 30 млн. сўмлик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо бойликлар тушди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн. сўм пул, 22 кг. олтин ва кумуш топширди.[1]

Фронтга ёрдам кўрсатиш ватанпарварлик ҳаракатида аҳолининг барча табақалари қатнашди. Бунда диний уюшмалар ҳам фаол иштирок этдики, бу ҳақда совет тарихшунослигида шу давргача ҳеч нарса дейилмаган. Турли динларга эътиқод қилувчи диндорлар маъмурларнинг хафа қилиши ва таъқибларини ҳам унутиб, меҳр-шафқат ҳақидаги ақидаларга таянган ҳолда инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга, мамлакатни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилдилар. Диний ибодатхоналарнинг хизматчилари қимматбаҳо диний ашёлар, муқаддас эсдаликларни топширдилар.



Тошкент вилояти колхозчилари жангчиларга ўз маблағлари ҳисобидан тайёрланган танкларни топширмоқда. 1943 йил.

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 18-рўйхат, 117-йиғма жилд, 72-варақ.

Ўзбекистонда ҳарбий техника, асосан танк колонналари ва жанговар самолётлар эскадрилиялари қурилишига маблағ тўплаш ҳаракати кенг қулоч ёзди. Масалан, «Ўзбекистон колхозчиси» танк колоннаси қурилишига республика колхозчилари ўзларининг шахсий жамғармаларидан 1942 йил декабрда 260 млн. сўм тўпладилар.[1]

Аҳоли томонидан иссиқ буюмлар тўплаш ва тайёрлаш ватан ҳимоячилари ҳақида инсоний ғамхўрликнинг ёрқин кўриниши бўлди. Фронтга пахтали курткалар, калта пўстинлар, кигиз этиклар, шарфлар, қўлқоплар, пайпоқлар, қулоқчин қалпоқлар, жемперлар ва ҳоказолар жўнатиб турилди. Жангчилар учун тўпланган буюмлар ва озиқ-овқатларни ЎзССР Олий Совети Президиумининг раиси Й.Охунбобоев раҳбарлигидаги делегация фронтнинг олдинги марраларигача олиб борган эди. Республика аҳолиси урушнинг фақат дастлабки олти ойи мобайнида фронтга 421,5 мингта турли иссиқ буюмлар юборди, якка тартибда ва жамоат йўли билан юборилган посилкалар, турли озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар буларга кирмайди.[2]

Йўлдош Охунбобоев



Йўлдош Охунбобоев.

Й.Охунбобоев (1885—1943) — давлат арбоби. Йўлдош Охунбобоев 1885 й. Марғилон уездининг Жўйбозор қишлоғида аравасоз уста Охунбобо оиласида туғилди. Й.Охунбобоев 16 ёшидан бошлаб Марғилон бойларидан бирининг пахта заводида юк ташувчи бўлиб ишлади, сўнгра акаука Крафтлар заводида меҳнат қилди. Ўзгандаги Холматбой қулида батрак бўлди. У 1916 йилдаги халқ қўзғолонида фаол иштирок этди.

1917 й. октябр тўнтаришидан кейин Й.Охунбобоев округда биринчи тузилган қишлоқ шўроси раисининг ўринбосари бўлди. Сўнгра М.Фрунзе штабида хизмат қилди. 1919 й. Фарғона водийсида дастлабки ташкил қилинган «Қўшчи» уюшмасини бошқарди.

Й.Охунбобоев 1925 й. февралда Ўзбекистон ССР МИҚ раиси лавозимига сайланди. Бу масъул лавозимда умрининг охиригача меҳнат қилди.

---

[1] *Джураев Т.Д.* Коммунистическая партия Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. — Т., 1964. С. 233-234.

[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 18-рўйхат, 177-йиғма жилд, 114—116-варақлар.

Й.Охунбобоев ўз фаолияти даврида хатоларга ҳам йўл қўйди. Назарий билимнинг етишмаслиги, давлатни бошқариш соҳасида тажрибанинг озлиги унга панд берди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини амалга ошириш, лотин алифбосини кирилл алифбоси билан алмаштириш, пахта экин майдонларини кенгайтириш масалаларида муросачиликка борди. Шу билан бир қаторда у, миллий зиёлиларни, бир қатор мулкдорларни мустабид тузум қатағонидан сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Й.Охунбобоев 1943 й. 23 февралда оғир хасталикдан кейин Тошкент шаҳрида вафот этди. У Тошкент шаҳридаги Биродарлик қабристонига дафн қилинган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида яққол намоён бўлган қудратли ватанпарварлик ўзбек халқининг маънавий соғломлигидан далолат эди. Большевистик маъмурларнинг кўпдан-кўп руҳий таъсир кўрсатишига, мустабид тузумнинг атеистик ва маънавий экстремизмига қарамасдан, ўзбек халқи ўзининг чуқур миллий-маънавий негизларини сақлаб қолди. Булар унинг кўп минг йиллик тарихи ва инсонпарварлик анъаналарига, умуминсоний ва миллий қадриятларига узвий равишда сингиб кетган эди.

2. ҒАЛАБА ЙЎЛИДАГИ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ

Совет-герман уруши бошланғич даврининг энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларидан бири иқтисодиётни ҳарбий изга солишдан иборат эди.

Шуни айтиш керакки, мамлакат халқ хўжалигини қайта қуриш оғир шароитларда кечди. Моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини фронт эҳтиёжларига мувофиқ қайта тақсимлаш, ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва одатдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қисқартириш, ишлаб чиқаришни ғарбдан шарққа кўчириш, уни мамлакат ичкарисидаги районларда тезлик билан ишга тушириш зарур эди. Буларнинг ҳаммасини фақат ҳаддан ташқари қисқа муддатларда, лекин шу билан бирга урушдан олдинги Совет Иттифоқининг қарийб 40% аҳолиси истиқомат қиладиган, кўмирнинг 63%и қазиб олинадиган, пўлатнинг 50%и, доннинг 38%и ишлаб чиқариладиган, қудратли машинасозлик базаси, шу жумладан, кўпгина мудофаа корхоналари жойлашган ҳудудни босқинчилар босиб олган бир шароитда амалга ошириш керак эди[1].

Урушнинг бориши мамлакат ичкарисидаги ишларга тўғридан-тўғри боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам сиёсий раҳбарият иқтисодиётни қайта қуришга устивор аҳамият берди. Қайта қуриш гражданлар уруши йилларида синовдан ўтган ҳарбий-коммунистик усуллар билан амалга оширилди. 26 июндан бошлабоқ мам-

[1] Политическая история России... С. 35—36.

лакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Ҳақиқатда эса у 12—14 соатга етар эди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. Бу ҳол ишчи хизматчиларнинг сонини кўпайтирмасдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмини тахминан 1/3 га ошириш имконини берди.

Бироқ, ишчи кучининг етишмаслиги тобора сезилиб борди. Идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб қилинди. 1941 йил декабрда ҳарбий корхоналарнинг барча ходимлари сафарбар деб эълон қилинди ва мазкур корхоналарга бириктириб қўйилди. Меҳнат интизомини бузганлар учун жазо чоралари кескин қўйилди. Корхоналардан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлар 5 йилдан 8 йилгача муддат билан қамоққа ҳукм қилинарди. Бироқ одамлар мамлакат ичкарисида, шу жумладан, Ўзбекистонда «юқоридан» ортиқча қистовсиз озодлик ва мустақиллик йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

Республика ҳукумати 1941 йил сентябр-декабрда Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришни ҳарбий изга мослаб қайта қуришнинг умумий режаларини белгилаб берди. Қабул қилинган қарорларда халқ хўжалигини қайта қуришга доир аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, уларда саноат корхоналарини мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш муддатлари кўрсатилган, ички ресурсларни сафарбар қилиш соҳасидаги чоралар таклиф қилинган эди.

Кадрларнинг кескин суратда танқислиги, саноат хом ашёси, ёқилғи, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда етишмаслигига қарамасдан, 1941 йил декабрга келибоқ, Тошкентдаги 63 та корхона ва республикадаги бошқа 230 та корхона мудофаа маҳсулотлари бера бошлади.[1] Улар орасида «Тошқишлоқмаш», паровоз таъмирлаш заводлари, Чирчиқ электр-кимё комбинати ва бошқа корхоналар бор эди. Тўқимачилик ва тикувчилик саноати ҳам фронт эҳтиёжларига хизмат қилишга киришди.

Иттифоқнинг ғарбий вилоятларидан республикага кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш, монтаж қилиш ва ғоят қисқа муддатларда ишга тушириш ўзбекистонликлардан катта куч-ғайрат сарф этишни талаб қиларди. Бу вазифани ташкилий жиҳатдан таъминлаш иши билан Усмон Юсупов бошчилигидаги комиссия шуғулланди.

Ўзбекистонга ҳаммаси бўлиб 104 та завод ва фабрика эвакуация қилинди.[2] Улар орасида Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, «Россельмаш», «Қизил Оқсой», Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги «Элект-

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 17-рўйхат, 21-йиғма жилд, 4-варақ.

[2] Закон о пятилетнем плане восстановления и развития народного хозяйства СССР на 1946. — М., 1946. С. 6.

рокабель» ва «Подъёмник» заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, «Красный путь» заводи, Киевдаги «Транссигнал» заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар бор эди.[1]

Эвакуация қилинган завод ва фабрикаларни тиклашда талабалар, ўқувчилар, уй бекалари, фан ва маданият ходимлари, хизматчилар ва колхозчилар қўлга белкурак, кетмон, лом олиб чарчаш нималигини билмай меҳнат қилдилар. Урушдан олдинги вақтда йиллар мобайнида қилинадиган ишлар бу вақтда кунлар ва ойлар мобайнида бажарилди. Чунончи, «Россельмаш» заводи 25 кунда, «Қизил Оқсой» заводи бу ерга етиб келгандан кейин орадан 29 кун ўтганда маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 1941 йил декабрга келиб эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди.[2] 1942 йилнинг ўрталарига келиб республика индустрияси мамлакат шарқидаги ҳарбий саноат базасининг таркибий қисми бўлиб қолди. Республикада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ривожланиб бориши билан бир қаторда хом ашё ва ёқилғи-энергетика базасини кенгайтириш вазифаси ҳам кескин бўлиб турди.

Уруш рангли металлар қазиб чиқаришни жадаллик билан кўпайтиришни зарур қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам 1942 йилда Лангар молибден конини фойдаланишга топшириш соҳасидаги ишлар тез суръатлар билан бошланиб кетди. Бу ерда мисли кўрилмаган қисқа муддатда молибден фабрикаси барпо этилди. Айни вақтда Қўйтош конининг ишлаб чиқариш қуввати ва Қоратепа рангли металлар конининг қуввати кескин оширилди. Олмалиқда йирик қурилиш ишлари авж олдириб юборилди, бу ерда мис ва бошқа рангли металларнинг бой конлари топилди. Ангрен кўмир разрези республиканинг биринчи кўмир марказига айланди. Гидроэнергетика ресурсларини ишга солиш юзасидан фаол куч-ғайрат сарфланди. Масалан, 1942 йилнинг бошларида Оқтепа ва Оққовоқдаги 1-сон ва 3-сон гидростанциялар қурилиши қайта тикланди. Фарҳод ГЭСни бунёд этиш умумхалқ ҳашар йўли билан бошлаб юборилди. Бу ГЭСларнинг республика энергетика тизимига қўшилиши электр энергияси ишлаб чиқаришнинг бирмунча ўсишига имкон берди. 1942—43 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш 4 баравар кўпайди.[3]

Саноат қурилишида ўлка аҳолисининг барча қатламлари фаол иштирок этди. Меҳнат ресурсларининг энг йирик базасини ташкил этган қишлоқ меҳнаткашлари бу ишга айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Фақат 1941 йилнинг иккинчи ярмида ҳарбий

---

[1] *Ульмасбаев Ш.Н.* Промышленное развитие советского Узбекистана. — Т., 1958. С. 166.

[2] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. — Т., 1975. С. 50, 61.

[3] Узбекистан в годы Великой Отечественной войны... С. 59.

объектлар қурилишига қарийб 500 минг колхозчи жалб қилинган.[1]

Оғир уруш даврида ривожланаётган саноатни ишчи кучи билан таъминлаш вазифаси айниқса кескин бўлиб турди. Кўп минглаб тажрибали ишчиларнинг фронтга кетиши натижасида вужудга келган жуда катта етишмовчилик саноат корхоналарига янги келган ва тажрибага, меҳнат малакасига эга бўлмаганларни ғоят қисқа муддат ичида турли ишлаб чиқариш касбларига ўргатиш ва ўқитиш йўли билан тўлдириб борилди. Шунингдек, ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 13 февралдаги Фармони билан уруш даврида ишламаётган меҳнатга лаёқатли аҳоли — хотин-қизлар, ўсмирлар, нафақахўрларни сафарбар қилиш ҳисобига ҳам ишчилар сафи кенгайиб борди.



Ҳарбий завод ишчиси М.Алиева иш устида. Тошкент, 1943 йил.

Саноат ишлаб чиқаришига хотин-қизлар айниқса фаол жалб қилинди. Агар 1940 йилда саноатда ишловчилар орасидаги хотин-қизлар салмоғи 34,0%ни ташкил этган бўлса, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич усиб, 63,5%га етди.[2]

Республика ишчилар синфининг кескин ортиб бориши асосан ёшлар ҳисобига рўй берди. Ёшлардан ишчи кадрлар тайёрлашда меҳнат резервлари тизими салмоқли роль ўйнамоғи керак эди. Ана шу мақсадда 1942 йилнинг охирида қўшимча 31 та

[1] ЎзР МДА, 2061-фонд, 1-рўйхат, 62-йиғма жилд, 1-варақ.

[2] Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы советской власти. — Т., 1984. С. 80.

ФЗО (фабрика-завод таълими) мактаби очилди, уларда таълим олувчилар 15320 ўқувчидан иборат бўлиб, 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар эди. Ана шу вақтга келиб республикада жами 14 та ҳунар мактаби ва 45 та ФЗО мактаби ишлаб турди. Уларда таълим бериш жадаллашган дастур бўйича олиб борилди. Урушнинг дастлабки босқичида ишчиларни қисқа муддатли курсларда оммавий тайёрлаш, якка тартибда ва бригада шогирдлиги усуллари билан тайёрлаш айниқса кенг қулоч ёзди. Уруш даврининг 17 ойи ичида ёшлардан (14, 17 ёшлилар) оммавий касблар бўйича 23300 ишчи тайёрланди.[1]

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида урушнинг фақат икки йили мобайнида Ўзбекистонда оммавий касбларда 105673 саноат ишчиси тайёрланди, улардан 73 минг нафари ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳунар эгаллади.[2] Бунинг натижасида ишчилар синфининг умумий сони ортди. Агар 1940 йил сентябрда республика саноатида 141,6 минг ишчи ва хизматчи банд бўлган бўлса, урушнинг охирига келиб 196,2 минг ишчи ва хизматчи бор эди.[3] Лекин буларнинг аксариятини Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корхоналар билан бирга келган ишчилар, инженер-техник ходимлар ташкил қилар эди.

Шак-шубҳасиз, уруш даврининг мураккаблиги ҳам республика, ҳам бутун мамлакат ҳарбий иқтисодиётининг аҳволига таъсир кўрсатди. Саноат объектлари мажбурий равишда ишга туширилди, цехлардаги станоклар деворларни тиклаш билан бир вақтда ўрнатилди, ҳатто томи йўқ биноларда ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, ҳаво эса ниҳоятда совуқ эди, малакали ишчилар ўрнида эндигина ўқишни тамомлаган ўсмирлар ва хотин-қизлар ишларди, ишлаб чиқариш сифати талаб даражасида бўлмасди.

Бироқ уруш ва иқтисодиётнинг барча қийинчиликларига қарамай, мамлакат халқлари асосий вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлдилар: СССР иқтисодий салоҳиятининг ярмини йўқотган бўлса-да, қуролланиш пойгасида ғалабага эришди. Душманни тор-мор келтиришнинг моддий-техник шароитларини яратишда мамлакатдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги миллионлаб меҳнаткашларнинг меҳнати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Уларни бўлажак ғалабага ишонч илҳомлантирган, ёт босқинчиларга бўлган чуқур ғазаб-нафрат ғайратлантирган эди. «Тоштрам» вагон таъмирлаш заводининг темир рандаловчиси Пушкарева икки станокда ишлаб, 1941 йилнинг июл кунларида ишлаб чиқариш топшириғини 350—470%дан адо эта бошлади. «Тошқишлоқмаш» қолипловчилар бригадаси жанговар вах-

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 19-рўйхат, 6-йиғма жилд, 161-варақ; 1001-рўйхат, 150-йиғма жилд, 33—34-варақлар.

[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 123-рўйхат, 9-йиғма жилд, 2-варақ.

[3] История рабочего класса Узбекистана. Т.II. — Т., 1965. С. 106.



Фронт учун самолётлар тайёрланмоқда. 1944 йил.

тада туриб ишлаб, кундалик ишлаб чиқариш режасини 260—300% қилиб бажарди.[1] Шунингдек, Наманган вилоятидаги «Янги турмуш» ҳунармандчилик артелининг аъзолари Қирғизбоев, Юсупов, Нишонов, Ҳамроев, Қодиров ва бошқалар ишлаб чиқариш топшириқларини 500% қилиб бажара бошладилар.[2]

Бундай мисоллар оммавий тус олган эди. Уруш йиллари мобайнида республика индустриясининг ходимлари ҳаддан ташқари оғир меҳнат қилиб жасорат кўрсатдилар. Лекин ҳамма ҳам ҳаддан ташқари зўриқиб ишлашга бардош беролмасди, баъзилар ҳолдан толиб ҳалок бўлишарди. «Меҳнат қочоқлари» бўлган ишчиларни, ишга кечикиб келганларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари учраб турарди. Лекин бу уларнинг ўз айблари билан бўлмасди. Чунки заводларга одатда 12—16 км. масофани пиёда босиб боришга тўғри келарди. Транспорт эса йўқ эди. Кийим-бош, пойабзал етишмасди, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ҳам бир ҳолатда эди.

Очлик ва ниҳоятда чарчаб-толиқишдан силласи қуришига қарамасдан саноат ходимлари фронтни қурол-яроғ, жанговар техника, моддий ресурслар билан таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солардилар. Улар уруш давомида фронтга 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ

[1] «Правда Востока». 1941, 12 июля.

[2] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны 1941—1945 гг. Т.I. — Т., 1981. С. 137.

қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. радио лампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий-санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2200 та кўчма ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб бердилар.[1] Фақат республика енгил саноат халқ комиссарлиги корхоналарининг ўзи 1941—1945 йиллар мобайнида 7518,8 мингта гимнастерка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб бердилар.[2]

Ўзбекистонда уруш йилларида 280 та янги корхона барпо этилди. Республиканинг саноат потенциали 1945 йилга келиб 1940 йилдагига нисбатан деярли икки баравар кўпайди, нефть қазиб олиш 4 баравардан зиёд, металл ишлаш тармоқлари маҳсулотлари 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4 баравар, кўмир қазиб чиқариш 30 баравардан кўпроқ, пўлат ва прокат эритиш 2 баравар, электр энергия ишлаб чиқариш 2,42 марта ортган.[3]

Душманни тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашида ўзбек деҳқонлари фахрли ўрин тутдилар.

Республика қишлоқ хўжалиги олдида уруш бошланиши билан фронт ва мамлакат ичкарисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, саноатни хом ашё билан барқарор таъминлашдан иборат масъулиятли вазифа кўндаланг бўлиб турди. Бунинг учун аграр ишлаб чиқаришни ғоят қисқа муддат ичида, бутун халқ хўжалиги каби, ҳарбий изга ўтказиш лозим эди. Қишлоқ хўжалигининг барча моддий ресурсларини сафарбар этиш, техника экинлари, дон, картошка ва сабзавотлар экишни кўпайтириш зарур эди. Республика чорвадорлари олдида ҳам жиддий вазифалар турарди, улар армия учун ҳам, аҳоли учун ҳам гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари керак эди.

Бу вазифаларни ҳал қилиш бир қатор омиллар туфайли мураккаблашиб кетган эди. Биринчидан, Марказнинг кўп йиллардан буён пахта яккаҳокимлигини ўтказиб келаётганлиги сабабли республика деҳқончилигининг бутун таркиби асосан пахта етиштиришга мослаштирилган эди. Дон экинлари етиштириш иккинчи даражали ўрин эгалларди. Ғалла асосан РСФСР ва Украинадан ташиб келтириларди. Ғалла етиштирадиган районларни душман босиб олганлиги Ўзбекистоннинг аграр тармоғи олдига республикани ўз ғалласи билан ўзини таъминлаш вазифасини қўйди. Ҳолбуки, бунинг учун зарур техника, мутахассислар йўқ эди, аждодлар тажрибаси анча унутилган эди. Бунинг устига сталинча маъмурият Ўзбекистон раҳбарияти олдига «озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлаш» вазифасини қўяр

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 25-рўйхат, 12-йиғма жилд, 34, 35, 307-варақлар.
[2] Ў ш а ж о й д а, 307-варақ.
[3] Вклад трудящихся Узбекистана в победу... С. 86.

экан, асло пахта экишни камайтиришни истамасди, пахтачилик ўлка қишлоқ хўжалигининг етакчи йўналиши сифатида қараларди, уни етиштиришни кўпайтириш зарур эди. Чунки уруш шароитида пахта мудофаа саноати учун ғоят муҳим хом ашё ҳисобланарди.

Иккинчидан, уруш бошланиши билан аграр ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси заифлашиб қолганди. Объектив воқеликлар туфайли МТС, колхозлар, совхозларнинг транспорт воситалари изчиллик билан қисқариб борди. Тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилиши амалда тўхтатилди. Аграр корхоналарни эҳтиёт қисмлар, ўғитлар ва ёнилғи билан таъминлаш кескин камайтирилди. Натижада қўл меҳнатининг улуши ҳаддан ташқари ортиб кетди, от-улов билан бажариладиган ишлар ҳажми кўпайди. Асосан сигирлар билан ер ҳайдаларди. Ота-боболаримиздан қолган омоч каби оддий меҳнат қуролидан кенг фойдаланилди.

Учинчидан, кадрлар масаласи сезиларли равишда кескинлашди. Уруш фронтга малакали кадрлар ва меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг анчагина қисмини жалб қилган эди. 155 мингдан ортиқ ишга яроқли ўзбекистонликлар меҳнат батальонларига (трудовиклар) мардикор сифатида сафарбар қилиниб, Россиянинг ҳарбий саноати ва қурилиш ишларига юборилди. Бунинг натижасида 1941—1942 йиллардаёқ Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли колхозчиларнинг сони 20%, 1945 йилга келиб деярли 40% қисқарди.[1] Айниқса механизаторлар корпуси сезиларли суратда қисқарди. Масалан, агар урушнинг бошларида механизаторлар ва комбайнчиларнинг умумий сони 27888 кишини ташкил қилган бўлса, 1942 йилда эса уларнинг сони 2775 кишига тушиб қолди, 1943 йилга келиб бундан ҳам камайиб кетди[2]. Ишлаб чиқаришга хотин-қизлар, кексалар, ўсмирлар кенг жалб қилинди, улар ҳисобига саноатда бўлгани каби, қишлоқ хўжалигида ҳам эркаклар ўрни анчагина қопланди.

«Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш» соҳасида, айниқса ҳаддан ошишлар содир қилинди. Бироқ, барча қийинчиликлар ва маҳрумликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашлари қалб, бурч ва ор-номус давъати билан фронтга ёрдам кўрсатиш учун умумхалқ юришига фаоллик билан қўшилдилар. Чунончи, Сариосиё туманидан колхозчи аёл М.Хидирова 40 кунда 10800 кг пахта териб берди. Шу тумандаги «Иттифоқ» қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари Ш.Бобожонова, А.Ёқубова, М.Азимовалар фронтчасига меҳнат қилишди. Улар кундалик нормани 2—3 баравардан кам бажармас эдилар.

Бу хилдаги фидокорона меҳнат намуналарини ҳамма жойда кузатиш мумкин эди. Натижада 1941 йилнинг пахта тайёрлаш

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 19-рўйхат, 176-йиғма жилд, 51-варақ.
[2] Ў ш а ж о й д а, 112-рўйхат, 54-йиғма жилд, 103-варақ.

режаси 1940 йилдагига нисбатан 45 кун илгари бажарилди. Давлатга 1646 минг тонна «оқ олтин» топширилди.[1] Аграр ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари буйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Деҳқонлар 1942 йил ҳосилига зарур шарт-шароит яратиш учун курашга дарҳол киришдилар. Аввало ғалла ва техник экинлар майдонларини кенгайтириш учун қўшимча ерлар ўзлаштиришга ва ер фондидан самаралироқ фойдаланишга катта эътибор берилди. Натижада 1942 йилнинг баҳорига келиб қўшимча равишда 220,5 минг га янги ҳосилдор ерлар ўзлаштирилди.[2]

Қишлоқ хўжалик экинларининг нисбати сезиларли равишда ўзгарди. Агар урушдан олдин ҳар бир туманда экин экилган майдонларнинг 90%и пахта ҳисобига тўғри келса, уруш йилларида бу майдонлар бирмунча камайди. Масалан, Фарғона вилоятида пахта экиладиган майдонлар 51% га тушиб қолди. Қолган суғориладиган ерларга бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, 25% ерга ғалла, 4% ерга сабзавот ва полиз экинлари, 16% майдонга беда экилди.[3] Бу тадбир, шак-шубҳасиз, ижобий хусусиятга эга бўлди. Пахта яккаҳокимлигининг чекланиши озиқ-овқат ресурсларини зарур миқдорда кўпайтириш имконини берди. Уруш даврида республика ғаллакорлари мамлакатга 82 млн. пуд ғалла, 213 минг центнер шоли етказиб бердилар.[4]

Республика деҳқонлари қанд лавлаги етиштиришни жадал ўзлаштиришга катта эътибор бердилар. Уни етиштиришга Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида энг ҳосилдор ва сув билан таъмин этилган ерлар ажратилди. 1943 йилда қишлоқ меҳнаткашлари давлатга 1565 минг центнер қанд лавлаги топширдилар.[5] Республика бутун мамлакатда етиштириладиган қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса, фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш заводларинигина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлагиси билан таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари озиқ-овқат экинларидан бўлган кунгабоқар етиштиришни муваффақиятли ўзлаштирдилар, шунингдек, зигир ва каноп сингари техника экинларини ҳам етиштира бошладилар, маккажўхори, кунжут етиштиришни кескин кўпайтирдилар. Хусусан, 1942 йилда республикадаги кунжут экилган майдонлар бутун СССРдаги кунжут экиладиган майдонларнинг 50%ини ташкил қилган эди.

Ипакчилик уруш йилларида муҳим стратегик аҳамият касб этди. Деҳқонлар бу тармоқни юксалтириш учун ғайратларини

---

[1] Узбекиская ССР в годы Великой Отечественной войны Т.1... С. 94.
[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 18-рўйхат, 6-йиғма жилд, 9—10-варақлар.
[3] Узбекиская ССР в годы Великой Отечественной войны Т.1. С. 79.
[4] Ў ш а ж о й д а, С. 96.
[5] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 1, д. 2113, л. 87—88.

аямадилар. Натижада, агар, Ўзбекистоннинг пилла етиштириш бўйича бутуниттифоқ миқёсидаги салмоғи 1940 йилда 47,8%ни ташкил этган бўлса, 1945 йилга келиб, у 59,3%га етди.[1]

Уруш даврида республикамизнинг мамлакатдаги йирик мева, сабзавот ва полиз экинлари етиштирувчи сифатидаги роли яна ҳам ошди. Чунончи, 1942 йилда сабзавотлар экиладиган майдонлар 1939 йилдаги 16 минг 517 гадан 29 минг гектарга етди.[2] Картошка экиладиган майдон урушдан олдинги даврга нисбатан 15 минг га кўп бўлди. Узумзорлар майдони йилдан-йилга кўпайиб борди. Бу майдонлар 1940 йилдаги 26 минг 661 га ўрнига 1943 йилда 31 минг 723 гани ташкил этди.[3]

Лекин уруш йилларида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш муҳимки, республика қишлоқ иқтисодиётининг умумий аҳволини ютуқларнинг узлуксиз занжири сифатида тасаввур қилиш хато бўлур эди. Уруш даврининг қийинчиликлари, совет деҳқончилик тизимининг ички иллатлари ўз таъсирини ўтказиши шак-шубҳасиз эди. Аграр соҳада жараёнлар бир хилда кечмади. Бу соҳада яққол кўзга ташланиб турган ютуқлар билан бир қаторда сезиларли йўқотишлар ҳам кўзга ташланди. Жумладан, уруш йилларида боғдорчилик катта зиён кўрди. Натижада республикада 1940 йилдагига нисбатан ҳўл мева етиштириш 1945 йилда 3 баравар кам бўлди.[4] Кўпинча режадаги топшириқларни бажариш қишлоқ меҳнаткашларининг ёрдамчи хўжаликларида етиштирган маҳсулотларини мусодара қилиш йўли билан амалга оширилди, бу эса уларнинг озиқ-овқат соҳасидаги аҳволига сезиларли салбий таъсир қилди.

Уруш даврининг зиддиятлари айниқса пахтачиликда яққол намоён бўлди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимининг ўзгаришига қарамасдан, пахта республика қишлоқ хўжалик экинлари орасида устун мавқеда бўлиб қолаверди. Мамлакат раҳбарияти эса пахта етиштиришни сезиларли равишда оширишни қатъиян талаб қиларди. Республика пахтакорлари урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳар бир килограмм пахта учун зўр бериб курашдилар. Шунга қарамасдан, пахта етиштириш ҳажми йил сайин қисқариб борди.

1943 йил республика пахтакорлари учун энг қийин йил бўлди, бунга сабаб экин майдонлари тузилишининг ўзгариши, озиқ-овқат экинлари салмоғининг кўпайиши муносабати билан Ўзбекистон бўйича пахта майдонлари камайтирилиб, 1940 йилдаги 927690 гадан 625343 гектарга тушиб қолди.[5] Айниқса пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетганлиги яна ҳам

---

[1] *Ризаев Г.* Курсатиб ўтилган асар... 192-бет.
[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 17-рўйхат, 1099-йиғма жилд, 7-варақ.
[3] Узбекиская ССР в годы Великой Отечественной войны... С. 105.
[4] ЎзР ПДА, 58-фонд, 123-рўйхат, 261-йиғма жилд, 18, 35-варақлар.
[5] Ўша жойда, 20-рўйхат, 9-йиғма жилд, 161-варақ.

ташвишли эди. 1942—1943 йилларда ўрта ҳисобда ҳосилдорлик колхозларда 17,4 ц/га.дан 7,1 ц/га, совхозларда 27,1 ц/га.дан 8,8 ц/га тушиб қолди. Натижада 1943 йилда, ҳаммаси бўлиб 495 минг тонна пахта териб олинди, бу режанинг 57,7%ини ташкил қиларди.[1]

Юқорида санаб ўтилган сабаблар билан бир қаторда тармоқларнинг ривожланишига ишчи кучининг етишмаслиги, минерал ўғитларнинг камлиги, механизация даражасининг кескин қисқарганлиги жиддий таъсир қилди. Раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими камчиликлари ҳам чуқур салбий таъсир кўрсатди. Урушнинг дастлабки йилларида ўзбек деҳқонлари енгиши лозим бўлган улкан қийинчиликларни ҳисобга олганда, 1942—1943 йилларда эришилган натижалар қишлоқ меҳнаткашларининг жуда катта жисмоний ва маънавий куч-ғайрати туфайли, бутун ўзбек халқининг берган қурбонлари ва маҳрумликлари эвазига қўлга киритилганлигини айтиб ўтиш жоиз бўлади. Бироқ Марказ объектив воқелик билан ҳисоблашишни истамасди. 1944 йилнинг бошларида Ўзбекистон раҳбарияти шошилинч равишда Москвага, ВКП(б) МҚ Ташкилий бюроси мажлисига чақиртирилди. Мажлисда раислик қилаётган А.С.Шчербаков Ўз КП МҚнинг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг ҳисоботини қўполлик билан бўлиб: «Ўртоқ Юсупов, мамлакат учун оғир бўлган шундай вақтда сиз армия ва халқни иштонсиз қўймоқчимисиз?»[2] деган эди. Республикадаги ҳақиқий аҳволни англаб етишни истамаган Ташкилий бюро У.Юсуповни пахта экин майдонларини асоссиз қисқартирганликда айблаб, унга «қаттиқ ҳайфсан» эълон қилди. ВКП (б) МҚ махсус қарор қабул қилиб, унда 1944 йилнинг ўзидаёқ пахтачилик Ўзбекистонда урушдан олдинги даражага етказилиши, кейинчалик эса пахта етказиб беришни мунтазам кўпайтириб бориш вазифа қилиб қўйилди.

Мазкур қарорга биноан республикада пахтачиликни тиклашга қаратилган кенг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Пахтакорларнинг фидокорона меҳнати натижасида 1944 йил декабрнинг охирига келиб Ўзбекистон ССР пахта тайёрлаш режасини 101,4% қилиб адо этди, давлат хирмонига 820 минг т. пахта топширилди, бу 1943 йилдагига нисбатан 325 минг т. кўп эди. Ҳосилдорлик 1,5 баравар ортди.[3] Бу ўзбек деҳқонининг эришган катта ғалабаси эди.

1945 йилда Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатга 824 минг 200 т. «оқ олтин» топширдилар. Шундай қилиб, қийинчиликларга қарамасдан, ўзбек пахтакорлари фронт ва мамлакат ичкарисининг пахтага бўлган асосий эҳтиёжларини таъминлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

---

[2] ЎзР МДА, 1619-фонд, 10-руйхат, 766-йиғма жилд, 2—3-варақлар.
[3] *Муҳитдинов Н.* Кремлда ўтказган йилларим. 1 китоб. — Т., 1994, 106-бет.
[2] *Ризаев Г.* Кўрсатиб ўтилган асар... 186-бет.

Уруш йилларида мудофаа ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқларидан бири чорвачилик эди. Лекин бу тармоқ Совет давлатининг дастлабки йилларида йўл қўйган жиддий хатолари туфайли ҳали ўзини ўнглаб олишга улгурмаган, уруш бошланишидан эътиборан эса яна катта қийинчиликларни бошдан кечираётган эди. Натижада республикада чорва моллари сони кескин қисқариб кетди. Агар 1941 йил 1 январда жамоат секторида 8403,1 минг бош чорва моллари бўлган бўлса, 1944 йил 1 январга келиб бу рақам 7798,9 минг бошга тушиб қолди. Шунингдек, шахсий секторда ҳам сезиларли қисқаришлар рўй берди. 1941 йил 1 январда шахсий фойдаланишдаги барча турдаги чорва моллар сони 3249,7 минг бошни ташкил қилган бўлса, 1944 йилга келиб улар сони 1385,8 минг бошга тушиб қолди, ёки 1941 йилдаги миқдорнинг 46,2%и қолган эди.[1]

Уруш йиллари мобайнида республика деҳқонлари давлатга 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т. мева, 36 минг т. қуритилган мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар.[2] Бу Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг ўзи емай-ичмай, душманни тор-мор қилиш учун умумхалқ курашига қўшган муносиб ҳиссаси эди.

3. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЮКСАК ГУМАНИЗМИ

Урушнинг оғир йилларида ўзбек халқининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлди. И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Бизнинг халқимиз воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошдан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди». Лекин «тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига дог туширолмади».[3]

Ўзбек халқи Шарқ маънавиятининг энг яхши анъаналарига амал қилиб, урушнинг аянчли йилларида иттифоқнинг душман вақтинча босиб олган ҳудудларидаги аҳолига дўстона бағрини кенг очди, ўз юртидан айрилган қувғинларни, уруш қурбонларини қалб ҳарорати билан иситди, уларни ғамхўрлик ва меҳмондўстлик билан кўнглини кўтарди, қардош халқларга иқти-

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 92-рўйхат, 142-йиғма жилд, 12—15-варақлар.

[2] «Қизил Ўзбекистон». 1946, 16 январ.

[3] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.I. — Т., 1996. 77-бет.

эди. Манбаларнинг далолат беришича, 4 йил уруш мобайнида колхозлар деҳқонларга амалда пул тўламаганлар ва меҳнат кунларига ниҳоятда кам миқдорда маҳсулот берганлар. Бундай шароитда қишлоқ меҳнаткашлари овқат сифатида қичитқи ўт, шўра ўт, ловия, дарахтларнинг янчилган пўстлоғи ва шу кабиларни истеъмол қилишга мажбур бўлган.

Оғир моддий шароит мураккаб эпидемия вазияти билан янада чуқурлашиб борди. Кўпгина қишлоқ туманларида бирорта ҳам санитария шифокори йўқ эди, тиббий ходимлар йўқлигидан тиббиёт пунктлари ишламасди, улар дори-дармонлар, маблағлар йўқлиги туфайли ёпиб қўйилган эди. Натижада касалликлар ва ўлим шиддат билан авж олиб борди. Республикада болалар боғчалари ва яслилари мутлақо етишмасди. Маиший хизмат кўрсатиш хизмати амалда тўхтаб қолган эди.

Ўзбекистон халқларининг инсонпарварлик — ватанпарварлик фаолиятига мурожаат қилганда, бунга миллатлараро муносабатлар нуқтаи назаридан янгича ёндашиш ҳам ғоят муҳимдир.

Маълумки, гитлерчи стратеглар Совет Иттифоқига қарши агрессияни бошлар эканлар, ўзлари тахмин қилган СССР халқлари ўртасидаги миллатлараро тўқнашувлардан ўз мақсадларида фаол фойдаланишни ният қилган эдилар. Гитлернинг фикрича, «Россиянинг кенг ҳудудларида жойлашган халқларга нисбатан олиб бориладиган сиёсат келишмовчиликлар ва ажралишнинг ҳар қандай шаклини рағбатлантиришдан иборат бўлиши лозим» эди. Ана шу мақсадда фашистлар миллатчиликдан иборат иғвогарликларни режалаштирган бўлиб, улар исёнларга, қўпорувчиликка, мамлакатнинг парчаланиб кетишига олиб келиши керак эди. Гитлерчилар қўмондонлигининг директив ҳужжатларида ҳамма жойда «рус халқига рус бўлмаган халқлар»ни қарама-қарши қўйиш, уларни бир-бирига қарши заҳарлаш қатъият билан таклиф этиларди.

Бироқ урушнинг дастлабки кунларидаёқ нацист босқинчиларнинг миллатлараро уруш чиқариш нияти пуч эканлиги маълум бўлди. Гитлерчиларнинг босқинчилиги миллий ватанпарварлик туйғуларининг ҳаддан ташқари қудратли кучини намойиш қилди. Умумий қулфат иттифоқдаги барча миллатлар ва халқларни жипслаштирди. Ўлим хавфи олдида қардошларча бирдамлик туйғулари бош ахлоқий мезон бўлди. Халқнинг азалий инсонпарварлиги фашизм мафкурасидан ҳам, коммунистик мустабидчилик зулмидан ҳам устун келди.

Ўзбек халқининг ватанпарварлик фаолияти қардошларча бирдамлик ва чинакам байналмилалчилик туйғулари билан омухталанган эди. Бу туйғулар турли шаклларда ифодаланди ва кўп томонлама хусусиятга эга бўлди.

Узбек халқининг бирлик ва қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг ёрқин тимсоли, улкан ахло-

қий куч-қудрати ва ҳақиқий самимий олижаноблигининг чин маънодаги исботи Иккинчи жаҳон уруши туфайли жонажон ерларини тарк этишга мажбур бўлган кишилар тўғрисида, ярадорлар ва ногиронлар ҳақида, фронтга кетганларнинг хотинлари ва болалари ҳақида қилинган ғамхўрлигида ўз ифодасини топди.

Эвакуация қилинган аҳолига кўрсатилган самимий ғамхўрлик

Мамлакатнинг душман вақтинча босиб олган ҳудудларини ва фронт яқинидаги туманларни ташлаб чиққан дастлабки ўн минглаб кишилар республикага 1941 йилнинг ёзидаёқ кела бошлаган эди. Ўзбекистон уруш йиллари Россиянинг босиб олинган районларидан — Украинадан, Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди.

Республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси бу ерга келган фуқароларни меҳмондўстлик билан қарши олди. Аҳоли уларга турар-жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охирги бўлак нонини ҳам бўлиб берди, улар учун пойабзал, кийим-бош тўплади. Кўчириб келтирилганларга ёрдам бериш мақсадида Фарғона вилоятидаги «Биринчи май» қишлоқ хўжалик артели меҳнаткашларининг ташаббуси билан шаҳарларга дон, сабзавот, картошка, гўшт маҳсулотлари ортилган карвонлар етиб кела бошлади.

Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзига 1941 йил 24 ноябрдан 31 декабргача 37,6 мингдан ортиқ киши, 1941—1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.[1]

Ўзбекистон аҳолиси ота-онасидан ва уйидан ажралган болаларни айниқса самимий ғамхўрлик билан қабул қилди. «Сен — етим эмассан!» — ўзбек шоирининг қалб қаъридан отилиб чиққан бу самимий сўзлар бутун ўзбек халқининг ҳаяжонли ҳис-туйғуларини ифодалар эди. Ўзбекистонликлар бахтсиз болаларни ўз қучоғига олиш, уларнинг кунглини кўтариш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш учун қўлларидан келган, мумкин бўлган ва ҳатто мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам қилдилар.

Кўчириб келтирилган болаларни қабул қилишни тартибли йўсинда ташкил этиш мақсадида республика ҳукуматининг қарори билан 1941 йил октябрда эвакуация қилинган болаларни қабул қилиш учун марказий пункти ташкил этилди. Ўша йилнинг декабрида эвакуация қилинган болаларни жойлаштиришга раҳбарлик қилиш учун республика, вилоят, шаҳар ва туман

[1] Тошкент ВДА, 18-фонд, 29-рўйхат, 43-йиғма жилд, 41-варақ.

комиссиялари ташкил этилди. Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда махсус штаблар кеча-кундуз ишлаб турди. Фақат 1941 йил 25 ноябрдан 1942 йил октябрга қадар республиканинг эвакуация пунктлари орқали 15649 нафар бола ўтди.[1] Етиб келган болалар дарҳол самимият ва оналарча меҳрибонлик билан қуршаб олинди. Кўчириб келтирилган болалар ва фронтга кетганларнинг болалари ҳар куни Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон ва Наманганда ташкил этилган ошхоналардан бепул овқат олишарди. Бемор ва заифлашиб қолган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиларди.

Юзлаб ўзбек оилалари кўчириб келтирилган, уруш туфайли ота-оналаридан ажралган болаларни ўз тарбияларига олдилар. Айниқса келтирилган болаларга жамоатчиликнинг ёрдам кўрсатишидан иборат ватанпарварлик ҳаракати 1942 йил 2 январда Тошкентда шаҳар хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб ўтгандан кейин республикада кенг қулоч ёйди, бу йиғилиш Ўзбекистон хотин-қизларини ота-онасиз болаларга оналари ўрнида оналик қилишга чақирган эди.

Кўпгина оилалар иккита ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри опа Акромованинг ном-



Киев шаҳрида уруш туфайли ота-онасиз, бошпанасиз қолиб, эвакуация қилинган болалар Тошкент шаҳридаги болалар уйларининг бирида. 1943 йил.

[1] Коммунистическая партия Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Летопись событий. Ч.5. (июнь 1941—1945 гг.). — Т., 1980. С. 59.

лари кўпчиликка танишдир, улар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Янгийўлда 9 та колхоз жамоаси кўчириб келтирилган 169 болани ўз тарбияларига олишди. Бухоролик Муаззам Жўраева ва Ашурхўжаевалар ўз бағирларига 8 нафардан бола олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса, 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди.[1]

Республикада аста-секин болалар уйлари, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва яслилари тармоғи кенгайтирилди, улар биринчи навбатда кўчириб келтирилган болаларни ва фронтга кетганларнинг болаларини қабул қилдилар. 1945 йилда, Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 268 та болалар уйи мавжуд бўлиб, улардаги тарбияланувчилар сони 31.300 болани ташкил этди, ҳолбуки, уруш арафасида республикада фақат 106 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 12 минг бола тарбияланарди.[2]

Давлат томонидан болалар муассасаларига ажратилган маблағлар етишмаётганлигини ҳисобга олиб, республиканинг кўпгина меҳнат жамоалари уларга қўлларидан келганича ёрдам беришни ўз зиммаларига олишди. Корхоналар ва ташкилотларда болалар уйларининг филиаллари ташкил этилиб, улар тўла-тўкис меҳнат жамоалари маблағи ҳисобидан таъмин этиларди.

1942 йилнинг бошларида республиканинг барча газеталарида ЎзССР ХКК ҳузуридаги эвакуация қилинган ва етим болаларни жойлаштириш ҳамда тарбиялаш Комиссияси Давлат банкининг шаҳар бошқармасида 160676-рақамли жорий ҳисоб очганлиги ҳақидаги эълон босилиб чиқди. Болалар фойдаси учун бўладиган барча хайриялар ана шу кўрсатиб ўтилган ҳисобга топширилиши илтимос қилинган эди.

Мазкур даъват жавобсиз қолмади. 1942 йилнинг март ойига келиб 160676-рақамли ҳисобга 2 млн. 74 минг сўм маблағ тушди. 1943 йилга келиб бу жамғарма фонди 3,5 млн. сўмга етди.[3]

Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар талабалар ва мактаб ўқувчиларининг оталиқ ёрдам кўрсатиш шакллари кенгайди. Масалан, Тошкент вилоят пахта тайёрлаш трести колхозчилари 1942 йилнинг баҳорида клуб биносини интернатга айлантириб, қайта жиҳозладилар ва бу ерда Белоруссиядан келган 25 болани тарбияладилар. Бу намунага шаҳардаги деярли 70 та корхона қўшилди[4]. Айни вақтда кўпгина корхоналар ва муассасаларда, йирик қишлоқ хўжалик артелларида болалар боғчала-

---

[1] ЎзР ПДА, 15-фонд, 25-руйхат, 4364-йиғма жилд, 129-варақ.
[2] Ўша жойда, 4015-йиғма жилд, 5-варақ.
[3] «Правда Востока». 1995, 5 апреля.
[4] *Ахунбабаев Ю.* Трудящиеся Узбекистана фронту. — М., 1942. С. 30.

ри ва яслилари очилди. 1943 йилда болалар боғчаларида тарбияланаётган 53072 боладан 15108 нафари эвакуация қилинган болалар эди.[1]

Яродор жангчиларга ёрдам кўрсатиш умумхалқ ҳаракати

Ўзбекистонликлар уруш фронтларида яродор бўлган қизил армия жангчиларини чуқур самимий эътибор ва қалб ҳарорати билан қуршаб олдилар. Аслида, Ўзбекистон уруш йилларида умумиттифоқ госпиталига айланган эди. Бу ерда юзларча турли-туман тиббий муассасалар — шифохоналар, профилакторийлар, илмий-тадқиқот муассасалари иш олиб борди.

Уруш бошлангандан кейин дарҳол республика ҳукуматининг госпитал базасини ташкил этишга киришилди. Эвакуация қилинган госпиталларга Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларидаги энг яхши бинолар ажратиб берилди. 1942 йилнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 113 та эвакуация госпитали жойлаштирилган эди.[2]

Даволанаётган жангчилар учун тўлақонли овқатланишни ташкил этиш тўғрисида бутун халқ ғамхўрлик кўрсатди. Республиканинг барча бурчакларидан ҳар куни улар учун озиқ-овқатлар ортилган карвонлар жўнатиб турилди. Масалан, 1941 йил ноябрда Андижондан яродор жангчиларга 5 минг шишадан ортиқ турли узум винолари, 7000 кг ҳўл ва қуруқ мевалар, 2 минг кг гуруч, 1800 кг асал, кўп миқдорда тамаки, майиз ортиб юборилди. Бухоро вилоятининг деҳқонлари яродор жангчиларга 18 вагон совға ва озиқ-овқат юбордилар. Бу юклар орасида 800 бош қўй ҳам бор эди.[3]

Ҳамма жойда меҳнат жамоалари, оммавий жамоат ташкилотлари госпиталларни оталиққа олдилар. Одатда битта госпиталга бир неча ташкилот оталиқ қиларди, улар оталиққа олинганлар ҳаётида ниҳоятда фаол иштирок этишар, биноларни жиҳозлашда, таъмирлашда, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда, кутубхоналарни китоблар билан тўлдиришда, ёқилғи билан таъминлашда, маданий-оммавий тадбирлар ўтказишда ва ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишда қатнашардилар. Мисол учун, Когон шаҳридаги госпиталга Когон темирйўл узели, пахта ва ёғ заводлари оталиқ қилишди. Бухоро тикувчилик фабрикаси оталиқдаги госпиталга рояль совға қилди, клубни жиҳозлаб берди, тузалиб чиқаётганларга буюм сумкалари тайёрлаб берди. Фарғона вилоятининг меҳнаткашлари 1942 йилда оталиқдаги госпитални 80% ёқилғи билан таъминладилар.[4]

---

[1] ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 20-йиғма жилд, 294-варақ.
[2] ЎзР МДА, 2096-фонд, 1-рўйхат, 68-йиғма жилд, 54-варақ.
[3] «Қизил Ўзбекистон». 1941, 7 ноябр.
[4] РЦХИДНИ, ф. 717, оп. 88, д. 628, л. 90—92.

Ўзбекистон тиббиёт ходимларининг қаҳрамонона меҳнати ва жамоатчиликнинг жуда катта ёрдами туфайли республика госпиталларида бўлган ярадор аскарлар ва зобитларнинг аксарият кўпчилиги ўз соғлигини тиклаб, яна сафга қайтдилар. 1941—1942 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг эвакуация госпиталларида 100 мингга яқин ярадор ва беморлар даволанган эди. Улардан 88 минг киши даволанишни муваффақиятли ўтказди. Умуман олганда, уруш йиллари давомида ярадорларнинг 44,6%и армия сафига ва 52,2%и меҳнатга қайтди.[1]

Жангчи аскарларнинг оилаларига инсонпарварлик ёрдами

Ўзбекистонликлар уруш қаҳрамонларини ўз сахий қалбларининг ҳарорати билан иситишга интилдилар. Республика меҳнаткашлари фронтга кўп марталаб совғалар билан делегациялар юбориб турдилар, бу совғаларни Ўзбекистон колхозчилари, ишчилари, ўқувчилари, зиёлилари тўплаган эдилар. Мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашлар билан жонли алоқада бўлиш, уларнинг кундалик оғир меҳнати ҳақидаги ҳикоялари жангчиларда катта тассурот қолдирарди. Улар мамлакат ичкариси билан мустаҳкам алоқани ва жипсликни амалда ҳис қилдилар. 1941 йил декабрга келиб Андижон вилоятининг аҳолиси фронтга 1562 та посилка жўнатди. Самарқанд вилоятининг меҳнаткашлари жангчиларга инъом тариқасида 6751 кг майиз, 22809 кг қуруқ мева, 5914 кг сабзавот, 1034 кг гуруч совға қилдилар.[2]

Ўзбекистонликлар фронтчиларнинг оилаларига оммавий ғамхўрлик қилдилар. Бу ғамхўрлик давлат бюрократик машинасининг иллатларини кўп жиҳатдан ёпиб кетарди. 1941 йилда ҳарбий хизматчилар ва уруш ногиронлари оилалари учун жамоатчилик ёрдамида 40 минг хонадон таъмирланди, 25 минг куб ўтин, 280 минг пуд ғалла, 1250 бош чорва моллари, 22 минг комплект кийим-бош етказиб берилди.[3] 1942 йилда ҳаддан ташқари муҳтож бўлганларга 5920 квартира берилди, 81 минг квартира таъмирланди. Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қарийб 330 т. ғалла, сабзавот ва бошқа озиқ-овқатлар берилди, 313 бош чорва моллари тарқатилди, 7833 оилага томорқа участкасига ишлов беришда ёрдам кўрсатилди.[4]

Ўзбек халқининг олижаноблик хусусияти, ҳатто кекса авлодни ҳам бефарқ қолдирмади. Уч фарзандини фронтга жўнатган Тошкент шаҳридаги Янгийўл маҳалласида яшовчи 70 ёшли

---

[1] «Правда Востока». 1995, 5 апреля.
[2] «Қизил Ўзбекистон». 1941, 26 декабр.
[3] «Правда Востока». 1942, 31 января.
[4] *Воскобойников Э.А.* Узбекский народ в годы Великой Отечественной войны... С. 33.

Аҳмат ота Холмуродов ўз тенгдошлари билан бригада бўлиб, 1943 йилда фронтчилар оилаларига қарашли 26 та хонадонни таъмирлаб бердилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биргина 1943 йилда фронтчилар оилаларининг 177908 хонадони таъмирланган эди[1].

Шунингдек, 1943 йил мобайнида ёрдам жамғармаси томонидан фронтчиларнинг оилаларига республика бўйича қарийб 28 млн. сўм пул, 500 мингдан ортиқ кийим-бош, 50 минг бош чорва моллари, 40 минг центнерга яқин ғалла, 33 минг центнердан ортиқ сабзавот ва 5 минг центнерга яқин бошқа маҳсулотлар тўпланди[2].

1944—1945 йилларда жангчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш давом эттирилди. Уларнинг фарзандларидан 149 минг нафари болалар боғчалари ва яслиларига ўрнаштирилди. Бу йилларда жангчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш жамғармасининг фонди 18 млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, уларга 711 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 21 минг бош қўй ва эчки, 72 минг жуфт пойабзал, 300 минг кийим-бош тарқатилди. 166 мингта квартира таъмирланди, 677 та уй берилди.[3]

Ўзбекистон халқининг озод қилинган районлар иқтисодиёти ва маданиятини қайта тиклаш соҳасидаги инсонпарварлик ёрдами

Ўзбек халқига хос инсонпарварлик мамлакатнинг босқинчилардан озод қилинган районларида зарар кўрган иқтисодиётни ва маданиятни тиклаш борасида кўрсатилган ёрдамида ўз ифодасини топди. Масалан, РСФСР, Украина, Белоруссия мактабларини, мактабгача тарбия муассасаларини қайта тиклашда Ўзбекистон аҳолисининг инсонпарварлик фаолияти яққол намоён бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, озод қилинган районларда мактаблар фаолиятини қайта тиклаш йўлида жуда катта қийинчиликлар турарди: ўқитувчилар, моддий-техника воситалари етишмасди, кўплаб болаларда оддий кийим-бош ва пойабзал ҳам йўқ эди, мактаб ўқувчиларининг мунтазам овқатланиб туришини йўлга қўйиш қийин эди, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ҳоказолар етишмасди. Ўзбек халқининг инсонпарварлик ҳаракатлари бу соҳадаги кескин муаммоларни бирмунча осонлаштирди. Бу йилларда Ўзбекистоннинг ўзи қийин аҳволда бўлса-да, ўзи емай-ичмай, кийинмай РСФСР, Украина ва Белоруссия мактаблари ва бошқа соҳалар учун

---

[1] ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 3874-йиғма жилд, 126-варақ.

[2] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 21, д. 1017, л. 14—15; ЎзР МДА, 837-фонд, 27-рўйхат, 420-йиғма жилд, 27-варақ.

[2] Вклад трудящихся Узбекистана в победу... С. 160.

пул ва моддий воситалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, китоблар, озиқ-овқатлар, кийим-бош, пойабзал ва шу кабиларни етказиб берди.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, уруш йилларида Ўзбекистон учун ҳам оғир давр бўлди, озод қилинган районларга кўрсатилган ёрдам осонликча бўлмади. Одатда бундай «ёрдамлар» марказий сиёсий раҳбариятнинг кўрсатмаси билан қилинар эди. Қанчалик оғир бўлмасин «кўрсатмани» бажариш шарт эди. Бу тадбир бошида ҳар доим партия ташкилотлари раҳнамолик қилар, кенг жамоатчилик жалб қилинарди.

1942 йил 10 майда Тошкент шаҳар Пушкин номидаги 115-мактаб ўқувчилари Ўзбекистоннинг барча мактаб ўқувчиларига мурожаат қилиб, Ленинград ва Ленинград вилояти болаларига совғалар ва маблағлар тўплашга фаол қўшилишга чақирдилар. Мактаб ўқувчилари икки кун ичида 7 минг сўмлик озиқ-овқат, ўқув қўлланмалари, адабиётлар тўпладилар.[1] Тошкентлик мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлик ташаббусини республикадаги барча мактабларнинг ўқувчилари қўллаб-қувватладилар. Республика ёшлари Ленинград болаларига ҳаммаси бўлиб 250 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 10 минг жуфтдан ортиқ пойабзал ва кийим, 2 млн. сўмдан ортиқ пул тўпладилар ва топширдилар[2].

Ўзбекистон меҳнаткашлари РСФСРнинг Воронеж ва Курск вилоятлари мактаблари ва болалар уйларини ташкил этиш ҳамда уларни мустаҳкамлашда, Украинанинг халқ таълими тизимини қайта тиклашда катта ёрдам кўрсатдилар. Масалан, республика ўқитувчилари, тарбиячилари халқ таълими органлари ходимларининг ташаббуси билан фақат Харьковнинг ўзига 10 та болалар уйи учун жиҳозлар тўпланди ва жўнатилди, тарбияланувчиларни Ўзбекистон болалар уйлари ёрдамчи хўжаликларидан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш таклиф этилди.[3]

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия топшириғига биноан озод қилинган ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигини тиклашга ёрдам кўрсатиш ҳаракатида фаол қатнашдилар. 1942 йилнинг баҳоридаёқ ўзбек деҳқонлари мудофаа жамғармаси ва озод қилинган туманларга ёрдам кўрсатиш жамғармаси ҳисобига 100 минг гектардан ортиқ ерга ғалла ва полиз экинлари экдилар.[4] 1943 йилда Ўзбекистон колхоз ва совхозларидан немис-фашист босқинчиларидан озод қилинган туманларга 1152 та трактор, 25 та комбайн, 1138 та плуг, 379 та сеялка, кўп миқдордаги бошқа

---

[1] «Қизил Ўзбекистон». 1942, 10 май.
[2] ЎзР ПДА, 15-фонд, 25-рўйхат, 4204-йиғма жилд, 1-варақ.
[3] Ў ш а ж о й д а, 4297-йиғма жилд, 143—144-варақлар.
[4] Коммунистическая партия Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Ч. 5. С. 58.

техника жўнатилди.[1] Шу билан бирга, Ўзбекистон озод қилинган ҳудудлардаги колхоз ва совхозларга турли ихтисосдаги малакали кадрлар билан ҳам ёрдам кўрсатди. 1943 йил 1 мартга қадар Ўзбекистондан Украинага ва Ставрополь ўлкасига 1595 нафар комбайнчи, 41 нафар механик, 30 нафар агроном, 11 нафар бухгалтер юборилди.[2]

Ўзбекистон меҳнаткашлари РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи халқ хўжалигини, вайронага айланган шаҳарларини тиклаш ишларида фаол иштирок этдилар, шунингдек, ишчи кучига эҳтиёж сезаётган мамлакат ичкарисидаги ҳудудларда ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Россия Федерациясининг фақат Москва, Свердловск, Оренбург, Куйбишев, Пермь, Горький ва бошқа вилоятлари саноат корхоналари ва қурилишларида 60 мингдан ортиқ ўзбекистонлик меҳнат қилди[3].

Қатағон қилинган халқларга самимий меҳр-шафқат кўрсатилиши

Ўзбек халқининг ижтимоий байналмилал ёрдами мамлакат учун оғир бўлган уруш даври ва урушдан кейинги даврда тиклаш ишларини муваффақиятли авж олдиришнинг муҳим омили бўлди.

Бироқ уруш даврида СССР халқларининг мустаҳкамланиб борган байналмилал бирлиги, фақат гитлерчи босқинчилар томонидан эмас, шу билан бирга коммунистик истибдод тузуми томонидан ҳам ниҳоятда синовларга дучор қилинди. 1941 йилда асоссиз айблар билан Волгабўйидаги немислар шарққа сургун қилинди. 1943 йилда ва шундан кейинги йилларда қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, қрим татарлари, қорачойлар, балкарлар ўз она юртларидан асоссиз равишда бадарға қилиндилар. Болгарлар, юнонлар, поляклар, месхети туркларидан иборат этник гуруҳлар ҳам мажбурий равишда кўчишга мубтало бўлдилар. Бу ғайри инсоний ҳаракатлар мазкур халқларнинг вакиллари бўлган жангчилар уруш жанггоҳларида мардона жанг қилиб, ҳалок бўлаётган пайтларда содир қилинди. Сталинча раҳбарият «кичик халқлар»ни зўравонлик билан кўчирилишини, улар фашист босқинчилари билан «ҳамкорлик қилганлар» деб оқлашга уринди.

Барча кўчирилган халқлар ўзларининг миллий-давлат тузилмалари ва конституцион ҳуқуқларидан маҳрум этилдилар. Махсус равишда кўчириб келтирилганлар ўзлари учун белгиланган репрессив режимга қатъий риоя қилишлари ва НКВДнинг махсус комендатуралари фармойишларига буйсунишлари шарт эди.

---

[1] «Правда Востока». 1943, 10 мая.
[2] Узбекиская ССР в годы Великой Отечественной войны... С. 114.
[3] Ўша жойда, 191-бет.

Кўчишга маҳкум этилганларни «эвакуация» қилиш улар учун чинакам фожиага айланди. Расмий статистика маълумотига кўра, кўчириш жараёнида, махсус посёлкалар ва лагерларда деярли 200 минг чечен ва ингуш, 120 минг қалмиқ (ёки халқнинг деярли ярми), 40 минг қорачойлик (миллатнинг учдан бир қисми), 20 минг балкар (миллатнинг ярми) ҳалок бўлган эди.[1]

Депортация қилинган халқларни бошқа жойларга тарқатиб жойлаштириш Жанубий Уралнинг улкан ҳудудидан тортиб бутун Қозоғистон чўллари ва Олтой тизма тоғларининг одам оёғи етмаган тоғолди қисмлари бўйлаб ўтказилди.

Кўчирилганларни ўрнаштириш учун танланган жойлардан бири Ўзбекистон эди. СССР НКВД махсус жойлаштириш бўлимининг иши тўғрисидаги маърузадан маълум бўлишича, фақат 1944 йил мартдан 1945 йил октябрга қадар мамлакат бўйлаб махсус кўчирилганлар сони 2.230.500 кишини ташкил этган бўлиб, улардан республикамизга жойлаштирилганлар сони 200 мингдан ортиқ кишидан иборат эди.[2] Лекин уларнинг умумий сони амалда бундан кўпроқ эди. Қримдан — 151.604 қрим татарлари, Грузиядан 110 мингга яқин месхети туркlари, Шимолий Кавказдан 20 мингдан ортиқ ингуш, 4,5 минг арман, греклар кўчириб келтирилган эди.[3] Кўчириб келтирилганлар орасида бошқа элатларнинг вакиллари ҳам оз эмас эди.

Совет тарих фанида «махсус кўчирилганлар» масаласи ҳақиқатда тақиқланган мавзу эди. Ҳолбуки, бу мавзу уруш йилномасининг зиддиятли, қора доғли муҳим саҳифасини ташкил этади. Бу мавзу бутун-бутун халқларга «сотқин» тамғасини қўйган коммунистик тузумнинг ғайри инсоний жиноятларини яққол кўрсатиш билан бир қаторда ўзбек халқининг бу халқларга нисбатан намоён қилган меҳр-шафқат ва инсонпарварлик жасоратини ҳам намойиш этади.

Мустабид тузум махсус кўчирилганларни ўз жонажон ерларидан мажбуран олиб кетиб, бегона юртларда азоб-уқубатли ҳаётга мубтало қилди. Россия Федерацияси Давлат архивининг маълумотларига қараганда, 1943—1944 йилларда Ўзбекистонга махсус кўчириб келтирилган қрим татарлари, чеченлар, месхети туркlари, курдлар ва бошқалар орасида эркаклар фақат 18%ни ташкил этарди. Аслида, улар «бронь» бўйича урушдан қолдирилган илғор колхозчилар, совет ва партия ходимлари, ички органларнинг ходимлари, болаликдан ногирон ва уруш ногиронлари, қариялар эди. Хотин-қизлар тахминан 30%, қолганлар, яъни ярмидан кўпроғи болалар эди. Бундай нисбатни

---

[1] *Долуцкий И.И.* СССР во второй мировой войне (1941—1945 гг.) — М., 1992. С. 141.

[2] *Бугай Н.Ф.* К вопросу о депортации народов СССР в 30—40-годы //«Вопросы Истории». 1989, № 6. С. 141, 143.

[3] «Московские новости». 1989, 9 апреля.

Қирғизистон ва Қозоғистонга келтирилганлар орасида ҳам кўриш мумкин.[1]

Маъмурлар махсус кўчириб келтирилганларга нисбатан «умумий нафрат» тўлқинини вужудга келтириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Давлат органлари ходимлари маҳаллий аҳолининг махсус кўчириб келтирилганлар билан муомалада бўлишига шубҳа билан қарардилар.

Лекин маъмурий-тақиқловчи тўсиқларга, марказий давлат органларининг «душманнинг шериклари»га нисбатан ўтказган геноцид сиёсатига қарамасдан, ўзбек халқининг бу ижтимоий таҳқирланган кишиларга ҳам чинакам меҳр-шафқат кўрсатиши тобора таъсирлироқ бўлиб борди. Булар етиб келгандан кейин кўп ўтмай, маҳаллий аҳоли уларга энг сўнгги бурда нонигача тақсимлаб бера бошлади. Ўзбекистонликлар қалб даъвати билан уларга бошпана (бараклар) қуришда ёрдам кўрсатдилар, бусиз ҳам ўзлари учун тор бўлган хонадонларидан жой бердилар, анъанавий қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш тажрибасини баҳам кўрдилар, ишчи касбларини ўрганишда ёрдамлашдилар, қўлларидан келганча тиббий ёрдам кўрсатдилар. Махсус кўчириб келтирилганларнинг кўплари колхоз ва совхозларга ишга жойлашдилар. Мирзачўлни ўзлаштиришда иштирок этдилар.

Ўзбек халқининг эвакуация қилинганларни ва қочоқларни ўз хонадонида самимий кутиб олганлиги, озод қилинган районлар иқтисодиёти ва маданиятига душман етказган яраларни даволашдаги беғараз ёрдами, қувғин қилиниб махсус кўчириб келтирилганларга кўрсатган эътибори жаҳон солномасига инсон маънавиятининг юксак намуналари, ҳақиқий инсонпарварликнинг ёрқин тимсоли сифатида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

4. ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ УРУШ ЖАНГГОҲЛАРИДАГИ ЖАСОРАТЛАРИ

Урушнинг дастлабки босқичидаги кўтаринкилик ва фожиалар

Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши фронтларида она юртлари учун олиб борилган аёвсиз жангларда, кучли ва маккор душманга қарши қонли урушда ўзбек халқига хос бўлган қаҳрамонлик ва мардлик, қўлда қурол билан жонажон заминни ҳимоя қила олишлик бутун қудрати билан намоён бўлди.

Энг янги тарихий тадқиқотларнинг кўрсатишича, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 млн. 433230 киши қатнашди. «Бир қараганда, — деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, — ...бу

---

[1] ГАРФ, Коллекция документов. Т. 38.

рақам унча катта туюлмаслиги мумкин». Лекин «1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи... 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади».[1]

Келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Ўзбекистон аҳолисининг 22%и жанг қилган. Агар аҳолининг ярмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олинадиган бўлса, меҳнатга яроқли аҳолининг 40—42%и фронтда жанг қилганлиги аниқ бўлади. Курашувчиларнинг бундай юқори салмоғи фақат фашизмга қарши коалициядаги чекланган миқдордаги иштирокчи мамлакатлар учунгина хос бўлган.

Босқинчиларга қарши қўлга қурол олиб жанг қилган ўзбекистонлик жангчиларнинг умумий таркибидан 263005 киши ҳалок бўлган, 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 ватандошимиз ногирон бўлиб қолган.

Уруш қурбонлари айниқса қайғули 1941 йилда кўп бўлди, бу вақтда фавқулодда қисқа муддат ичида Ватан мард ҳимоячиларининг кўрсатган қаҳрамонона қаршилигига қарамасдан, фашистлар армияси мамлакат ичкарисига кириб келибгина қолмасдан, шу билан бирга Совет давлатининг ҳаётий муҳим марказларига ниҳоятда кучли хавф туғдирди.

Бугунги кунда шу нарса аниқ бўлдики, СССРга ҳужум қилишга пухта ва олдиндан тайёргарлик кўрган нацистлар Германиясидан фарқли ўлароқ сталинча раҳбариятнинг айби билан Совет Иттифоқининг агрессияни қайтаришга тайёрлиги паст даражада бўлган, айнан мустабид совет давлати юқори партия-давлат табақаси урушнинг бошланғич босқичида сонсаноқсиз ва асоссиз қурбонлар учун тарихан жавобгардир, бу вақтда коммунистик раҳбариятнинг нуқсонлари қон дарёлари билан ёпиб кетилди, айнан шу даврда яхши ўргатилмаган ёш аскарларнинг янги ва янги сафлари урушнинг ҳалокатли гирдобига ташланди.

Бироқ СССР урушга умуман ҳозирлик кўрмаган эди, дейиш хато бўлур эди. Сталинча маъмурият «жаҳон социалистик инқилоби»ни авж олдириш стратегиясидан келиб чиқиб, ҳарбий салоҳиятни ривожлантиришга устивор даражада аҳамият берган эди. 30-йилларда мамлакатда йирик ҳарбий ишлаб чиқариш авж олдирилиб, бир қатор янги ҳарбий қурол ва техникалар кашф этилди. Афсуски, бу янги техниканинг анчагина қисми жангчиларга 1941 йилнинг ёзида эмас, балки анча кечроқ етиб борди, бунинг оқибатида улардан кўплари ҳаётлари билан жавоб бердилар. Бу ўринда саноат раҳбарларига, ҳарбий техника конструкторларига, муҳандисларига нисбатан қилинган қатағонлар ҳам катта роль ўйнади.

---

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. III. — Т., 1996. 80-бет.

Армиядаги оммавий қатағонлар ҳам совет қуролли кучларининг жанговар қобилиятига ҳалокатли зарбалар берди. Фақат 1937 йилнинг майидан сентябрига қадар полк қўмондонларининг деярли ярми, дивизия ва бригадаларнинг деярли барча қўмондонлари, корпусларнинг барча қўмондонлари, ҳарбий округларнинг барча қўмондонлари, — ҳаммаси бўлиб 40 мингдан ортиқ киши қатағонга учради. Қўмондонлик таркибининг ниҳоятда паст касбий тайёргарлиги урушнинг дастлабки кунларида катта қурбонлар берилишига сабаб бўлди. Урушнинг бошларида қизил армия қўмондонларининг фақат 7%и олий ҳарбий маълумотга эга эди, 37%и эса, ҳатто ўрта ҳарбий ўқув юртларида тўлиқ курсни ўтмаган эди.[1] Қўмондон кадрлар замонавий урушнинг оғир мактабини уруш майдонларида ўташларига тўғри келди.

Ҳарбий қурилишдаги қатағонлар уруш арафасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятдаги кўпол нуқсонлар билан қўшилиб кетган эди. Совет ҳарбий разведкаси агентларининг қатъият билан огоҳлантиришларига қарамасдан, нацистлар Германиясининг СССРга қарши бошлаётган уруш хавфи тўғрисида чет эл антифашистларининг огоҳлантиришларини писанд қилмас-



Ўзбекистонда ташкил қилинган отлиқ корпус. 1941 йил декабр.

[1] *Проэктор Д.М.* Фашизм: путь агрессии и гибели. — М., 1989. С. 304.

дан сталинча раҳбарият гўё хавф-хатар биринчи навбатда Япониядан бошланади, деган йўлга қатъий амал қилди. Сталин Германия 1941 йилда Иттифоққа ҳужум қилмайди, деб бир неча марта кўпчилик олдида айтган эди. Натижада, ғарбий чегараларнинг мудофаасини мустаҳкамлашга етарли даражада эътибор берилмади ва мудофаа узоқ муддатли ҳимояга тайёр бўлмай қолди. Сиёсий раҳбариятнинг хатолари ва нуқсонлари мамлакатга, шу жумладан, Ўзбекистон халқига қимматга тушди.

Республикада умумқўшин тузилмаларидан ташқари 14 та миллий қўшилма ва қисмлар ташкил этилган эди. Республикада тузилган кўпгина жанговар бўлинмалар Иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи операцияларида фаол иштирок этдилар ва Москвадан Берлингача жанглар билан қаҳрамонона йўлни босиб ўтдилар. Ўзбекистонлик жангчилар нацист босқинчиларни тор-мор қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиб, урушнинг дастлабки давридаги фожианинг аччиқ таъмини ва урушнинг ғалаба билан якунланиш зафарларини татиб кўрдилар.

Маълумки, босқинчиларни биринчи бўлиб чегарачилар қарши олдилар. Тарих уларнинг мардлиги, қатъияти ва фидокорлиги ҳақидаги миннатдорчилик хотирасини сақлаб қолган. Қаҳрамон чегарачилар қаторида кўпгина ўзбекистонлик жангчилар ҳам бор эди. Масалан, 22 июн тонготарида Гродно яқинидаги чегара заставаси жангни биринчилардан бўлиб қабул қилди. Заставанинг қаҳрамонона мудофаасига лейтенант Усов ва сиёсий раҳбар Шарипов бошчилик қилдилар. Бир гуруҳ мардлар ўлимга қарши турдилар. Жангда заставанинг охирги ҳимоячиси ҳам ҳалок бўлгандан кейингина фашистлар заставага ёпирилиб киришга муваффақ бўлдилар.[1]

Ватан ҳимоячиларининг фидокорона ва қаҳрамонона жасорати рамзи бўлиб қолган афсонавий Брест қалъасини мудофаа қилишда ўзбекистонлик жангчилар ҳам фаол иштирок этдилар. Гарнизонда ўзбекистонлик жангчилардан Аҳмад Алиев, Дониёр Абдуллаев, Бобокомил Кашанов, Узоқ Ўтаев, Нурум Сиддиқов, Мадамин Ҳожиев, Е.Я.Лисс, Раҳимбой Арслонбоев, Саидаҳмад Бойтемиров, Ф.И.Лаенков ва бошқалар бор эди.[2]

Дастлабки мудофаа жанглари ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, аскарларнинг қаҳрамонлиги, афсуски, урушнинг дастлабки кунларидаги тартибсизликлар билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетган эди. Қизил армиянинг ялпи мудофаа фронти йўқ эди, душман ташаббусни ўз қўлига олиб, зар-

---

[1] По следам героев. — М., 1967. С. 24—125.

[2] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. — Т., 1965. С. 172—173.

ба кетидан зарба берарди. Қизил армия чекинишда давом этиб, катта миқдордаги одам ва техникасидан ажралди. Ташлаб чиқилган ҳудуддан ҳарбий анжомлар ва ўқ-дорилар захираларини олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмади.

Ҳарбий ҳаракатларнинг дастлабки уч ҳафтаси мобайнида босқинчилар армияси мамлакат ичкарисига юзлаб километр кириб келди. Душманнинг ҳужум қилиш суръати суткасига қарийб 30 км. ни ташкил этарди. Латвия, Литва, Эстониянинг, Молдавия, Белоруссия ва ўнг соҳил Украинанинг жанубий қисмлари босиб олинди. Урушнинг бошланиш вақтида қизил армиянинг ғарбий чегарадаги мавжуд 170 дивизисидан 28 таси тўлиқ сафдан чиққан, 70 таси ярмигача одами ва жанговар техникасидан маҳрум бўлган эди.

Сталин ҳарбий муаммоларнинг мураккаб чигалини синалган маъмурий-қатағон воситалари билан ҳал қилишга интилди. Деярли ҳар куни армиялар, фронтларнинг қўмондонлари алмаштириларди. Улардан бир қисми қўмондонлар таркибини қўрқитиш учун отиб ташланарди.

Сталин ҳаракатдаги армиянинг ўрта ва оддий таркибига нисбатан ҳам ялписига қўрқитишнинг золимона чоралар тизимини татбиқ этди. Масалан, 1941 йил 16 августда 270-сонли буйруқ эълон қилиниб, унга биноан асирга тушганлар ўта кетган дезиртирлар (ҳарбий хизматни ташлаб кетганлар) деб эълон қилинган, уларнинг оилалари эса «қасамёдни бузганларнинг ва Ватанни сотганларнинг оиласи сифатида қамаш»га маҳкум этиларди. Бирмунча кейинроқ Сталин тўсиқчи отрядлар ва жаримачи батальонлар ташкил этишни таклиф қилди. 1,5 млн.дан ортиқ киши жаримачи (штрафной) батальонлар сафида бўлган эди.[1]

Фронтдаги аскарлар оилаларини гаровга олиш сталинча тартиби, ҳужум қилаётган совет жангчилари орқасидан тўсиқчи отрядларнинг ўт очиши, жаримачи батальонлар оқимининг ортиб бориши 1941 йилнинг ёзи ва кузидаги воқеаларнинг фожиали ҳалокатига ҳал қилувчи ўзгаришлар киритмади. 1941 йилнинг октябрига келиб жанговар ҳаракатлар бораётган фронтлардаги вазият ниҳоятда оғир эди. Стратегик жиҳатдан ғоят муҳим марказлар ва аҳоли пунктлари босиб олинган эди. СССР бу вақтга келиб 2 млн.дан ортиқ одамидан ёки мавжуд ҳарбий контингентнинг 70%и дан кўпроғидан ажралиб қолган эди, шунингдек, 8,3 мингта танкидан, 43,3 мингта тўпидан, 8,2 мингта самолётидан маҳрум бўлганди. Агар таққослайдиган бўлсак, душманнинг йўқотишлари унчалик гангитиб қўядиган даражада эмасди. Хусусан, улар одамлар таркиби бўйича 0,5 млн. кишига (қарийб 20%), танклар бўйича 1,8 минг (қарийб

---

[1] *Волкогонов Д.* Триумф и трагедия. Политический портрет И.В.Сталина. Кн.2. — М., 1992. С. 205, 213—214, 220.

60%), самолётлар бўйича 1,6 минг дона (30%дан ортиқ)га тенг эди.[1]

Шундай қилиб, сталинча раҳбариятнинг қусурлари миллионларча аскарларнинг нобуд бўлишига, кўплаб қон тўкишларга сабаб бўлган эди. Шунга қарамасдан, урушнинг дастлабки онларидаги ҳаддан ташқари оғир шароитда жангчиларнинг галабага, ўз ишининг ҳақлигига бўлган ишончига путур етмади. Барча фронтларда ниҳоятда чарчаган, ўқ-дорилар ва қуроллар билан яхши таъмин этилмаган ватан ҳимоячилари ўз мақсадларига эришиш учун мумкин бўлмаган жасоратларни кўрсатдилар. Чунончи, Смоленск жанги амалда уч ой — 10 июлдан 10 октябргача давом этди. Совет қисмлари бутун бир ой мобайнида Одесса остоналарида душманнинг аёвсиз ҳужумларини қайтардилар. Гитлерчилар 1941 йил 8 сентябрда қамал қилган Ленинградни босиб олиш учун уч йил беҳуда уриндилар. Бундай мисоллар оммавий тусда содир бўлди. Мард жангчилар уруш ҳаракатлари олиб борилган барча ҳудудларда душманга ана шундай қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Улар сафида ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Халқ она ерини кўкрагини қалқон қилиб ҳимоя қилар экан, қамчи билан раҳбарлик қилишдан иборат ашаддий усулларга муҳтож эмасди. Аждодларнинг жанглардаги қаҳрамонликлари ҳақидаги муқаддас хотира, оиласи, мамлакатини манфур босқинчиларнинг зўравонлигидан ҳимоя қилиб қолиш истаги жанговар ватанпарварликнинг ички сабаблари сифатида намоён бўлди.

Москва жанги. 1942 йилнинг фожиали кунлари

Агрессияни даф қилишнинг ҳарбий-моддий базасини таъминлашда сталинча раҳбариятнинг йўл қўйган қўпол хатолари, урушдан олдинги ҳарбий сиёсатдаги зиддиятлар қўшилиб жиддий оқибатларга олиб келди. Ватан ҳимоячиларининг мардона қаршилик кўрсатишига қарамай, 1941 йилнинг кузига келиб, фронтдаги вазият ҳамон немислар фойдасига ҳал бўлаётган эди. Душман Москвага зўр бериб яқинлашиб келди. Мамлакатнинг кенг халқ оммаси, шу жумладан, ўзбекистонликлар мислсиз куч-ғайрат сарфлаш, сон-саноқсиз одамларни қурбон бериш ҳисобига Москва остоналарида душманни фақат тўхтатибгина қолмай, шу билан бирга Берлин томонга ғолибона юриш бошлашга муваффақ бўлдилар.

Москва жанги кунлари мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан, шу жумладан, Ўзбекистондан пойтахт ҳимоячиларига кўмак тариқасида узлуксиз ёрдамчи кучлар келиб турди, ҳарбий эшелонлар жўнатилди. Натижада, қаршилик кўрсатиш кучлари кун сайин ортиб борди. Аксинча, босқинчиларнинг ҳужумкорлик қуввати сезиларли равишда камайиб борди.

---

[1] История Второй Мировой войны. 1939—1945 гг. — М., 1975. Т. IV. С. 88.

1941 йил 5 декабрда Москва остоналаридаги жангда бурилиш палласи бошланди. Совет қўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар. 1942 йил январ ойининг бошларида душман 100—250 км орқага улоқтириб ташланди. Москвага бўлаётган бевосита таҳдидга барҳам берилди. Бу гитлерчиларнинг Иккинчи жаҳон урушидаги биринчи йирик мағлубияти бўлиб, «яшин тезлигидаги уруш» режасининг тўла-тўкис инқирозга учраганлигини билдирарди.

Москва ҳимоячиларининг жанговар сафларида Ўзбекистон вакиллари ҳам муносиб ўрин эгалладилар. Масалан, мудофаа жангларининг боришида Туркистон ҳарбий округида ташкил этилган 316-ўқчи дивизияси мислсиз жасорат кўрсатди. Тошкентдаги ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий билим юртларининг 180 нафар тингловчилари дивизиянинг қўмондонлик ва сиёсий тарқиби ўзагини ташкил этди. Дивизияга генерал-майор И.В.Панфилов қўмондонлик қилди. Унинг қўмондонлигида дивизия душманнинг бир неча баравар устун кучларига қарши олиб борилган жангларда қаҳрамонона курашди. Жанговар ҳаракатлар мобайнида панфиловчилар 114 та танк, 26 мингдан ортиқ аскар ва зобитларни, 5 та самолётни ва бошқа кўпгина техникани ишдан чиқардилар.[1]

Панфиловчиларнинг Волоколамск ёнида, Дубасеково разъезди яқинида, Ново-Петровск ёнида кўрсатган жасоратлари юксак ҳарбий маҳорат ва ватанпарварлик тимсоли сифатида Иккинчи жаҳон уруши тарихига ёзиб қўйилди. Панфиловчилар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Масалан, Абдулла Тоғаев билан Мамадали Мадаминов шафқатсиз жанглар жараёнида Волоколамск шоссесида 35 фашистни йўқ қилдилар. Лейтенант Пилюгин тўққиз жангчиси билан оғир мудофаа жангларида 43 нафар гитлерчини ер тишлатди, 150 та автомат, 11 минг ўқни, душманнинг озиқ-овқат ва кийим-кечак ортилган юк карвонини қўлга киритди.[2]

Москва жанги фронтларида ўзбек халқининг шонли қизлари ҳам мардона жанг қилдилар. Улар орасида 28 фашистни қирган Зебохон Ғаниева ҳам бор эди. У мардлиги ва жасорати учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.[3]

Москва остоналарида фашистлар тор-мор келтирилишининг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, совет ҳукумати «Москва мудофааси учун» деган махсус медаль таъсис этди. Бу медаль билан мукофотланганлар орасида Ўзбекистон жангчиларидан 1753 киши бор эди.[4]

---

[1] *Джураев Т.Д.* В боях за Советскую Родину. — Т., 1970. С. 35—40; «Қизил Ўзбекистон». 1961, 9 май.

[2] Материалы к истории Советского Узбекистана. Сб. статей. — Т., 1957. С. 221.

[3] «Қизил Ўзбекистон». 1965, 24 апрел.

[4] Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. — Т., 1966. С. 23.

Совет қўшинларининг Москва остоналарида эришган ғалабаси гитлерчилар қўшинларининг енгилмаслиги ҳақидаги афсонани узил-кесил чиппакка чиқарди. Бу ғалаба СССРнинг халқаро обрў-эътибори ошишига имкон берди, бошқа фронтлардаги иттифоқчиларнинг жанговар ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатди, фашизмга қарши коалиция тузилишини жадаллаштирди. 1942 йил 1 январда 26 та давлат, шу жумладан, СССР, АҚШ, Англия ва Хитой фашистлар блокини тор-мор қилиш учун ҳарбий ва иқтисодий ресурсларни бирлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. 1942 йилнинг кузига келиб фашизмга қарши коалицияга 34 та давлат қўшилди, уларнинг аҳолиси қарийб 1,5 млрд. кишини ташкил қилар эди.[1]

Сталин Москва жангининг ғалаба билан тугашини дарҳол мамлакатни жадаллик билан озод қилишдан иборат стратегик йўлга буриб юборишга қарор қилди. У 1942 йилдаёқ душманни тор-мор келтиришни охирига етказиш учун барча фронтларда ҳужум бошлаб юбориш тўғрисида буйруқ берди. 1942 йилнинг январида 2000 км масофадаги фронт чизиғида тўққиз фронт қўшинларининг ҳужуми бошланди.[2]

1942 йил қишки ҳужум кунларида ўзбек халқининг шонли фарзанди Қучқор Турдиевнинг номи бутун Жанубий-ғарбий фронтга ёйилди. У жангларда бир неча марта мардлик ва жасорат кўрсатган, юксак даражада ўзини дадил тутиш ва маҳорат намунасини кўрсатган эди. Немис-фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мардлик ва жасорати учун Қучқор Турдиевга 1942 йил май ойида Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвон берилди[3].

Афсуски, ватан ҳимоячиларининг жанговар жасоратлари совет раҳбарияти йўл қўйган хатолар ўрнини тула-тўкис қоплай олмади. 1942 йил май-июн ойларида қизил армиянинг барча ҳужумкор операциялари мағлубият билан тугади. Хусусан, Ленинград қамалини навбатдаги ёриб ўтишга уриниш барбод бўлди. Қрим фронти қақшатқич зарбага учради. Харьковни озод қилишга уриниш муваффақиятли бўлмади. Деярли чорак миллион киши қурбон бўлди. Ҳалок бўлганлар орасида ўн минглаб ўзбекистонлик жангчилар ҳам бор эди.

Урушдаги туб бурилиш: ғолибона ҳужумларнинг аҳамияти

1942 йилнинг биринчи ярмидаги ҳужум операцияларининг мағлубиятга учраши совет-герман фронтидаги вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди. 25 июнда душман Волга ва Шимолий Кавказга ҳужум бошлади. Совет қўшинларининг

---

[1] Политическая история России... С. 50.
[2] *Жуков Г.К.* Воспоминания и размышления. — М., 1990. Т. II. С. 259.
[3] Вставай страна огромная. Сб. документов и материалов. — Т., 1990. С. 63—65.

бир қисми қуршовда қолди. Июл ойининг ўрталарида гитлерчилар Дон дарёсининг катта бурилиш жойига чиқиб олдилар. Шаҳарларни қолдириб чекиниш тўғрисидаги аччиқ маълумотлар яна эшитила бошлади. Мамлакат устига ўлим хавфи босиб кела бошлади.

1942 йилнинг ёзи ва кузидаги даҳшатли кунларда ватан тақдири яна бир бор ҳал қилинаётган бир пайтда мамлакат халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон халқининг яна бир олижаноб хислати намоён бўлди. Октябрда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига очиқ мактуб билан мурожаат қилди. Мактубга республиканинг 2.412 минг аҳолиси имзо қўйган эди. Мактубда бундай дейилган эди: «Ўзбек халқининг шонли анъаналарига содиқ бўлингиз, жангда қўрқиш нималигини билмангиз!»[1]

Республика ва мамлакат тақдиридан чуқур ташвишга тушган, жонажон уйининг осойишталигини сақлашга интилган ўзбекистонлик жангчилар оталарча қилинган насиҳатни шараф билан бажардилар. Ўзбекистонлик жангчилар Кавказни ҳимоя қилишда ҳам юксак жанговар таълим ва маҳоратларини намойиш қилдилар. «Кавказ мудофааси учун» медали билан мукофотланганлар орасида 2974 нафар ўзбекистонлик жангчиларнинг борлиги Ўзбекистон вакилларининг фидокорона хатти-ҳаракатларидан далолат эди.[2]

Ватан ҳимоячиларининг Кавказ йўналишида олиб борган қаҳрамонона кураши Сталинград ҳудудида немис қўмондонлигининг ҳужумкорлик имкониятларини чеклаб қўйди. Волгадаги суянган тоғи бўлган Сталинград мамлакат халқлари қаҳрамонлигининг намойиши, улар ўғлонларининг мислсиз жасорат кўрсатиш тимсоли бўлиб қолди.

Волга ва Дон дарёлари соҳилларида манфур душман билан олиб борилган муқаддас жанг йилномасига Ўзбекистон вакиллари ҳам ёрқин саҳифалар ёздилар. Ўзбек халқининг мактубига жавоб хатида ғарбий фронтда жанг қилган ўзбек жангчилари «Бизнинг муқаддас курашимиз тобора янги ва янги паҳлавонларни вужудга келтирмоқда», деб ёзган эдилар. Улар қаторида Аҳат Бобомуротовнинг номини айтиб ўтиш мумкин. У биргина жангнинг ўзида 4 та душман танкини йўқ қилган эди. Бобоқул Абзалов эса 51 фашистни ер тишлатди. Ғарбий фронтда Қўзибоев, Тошпулатов, Абдурасулов ва бошқалар ҳам ботир жангчилар шуҳратига ҳақли равишда сазовор бўлдилар.[3] Сталинград фронти қўшинлари қўмондони генерал Еременко ўзбекистонлик жангчилар тўғрисида зўр фахр билан фикр билдирган эди. У Ўзбекистон ССР ҳукумати номига йўллаган мактубида «ўзбек-

[1] Вставай страна огромная... С. 87—92.
[2] ЎзР МДА, 1735-фонд, 1-рўйхат, 40-йиғма жилд, 10-варақ.
[3] Вставай страна огромная... С. 110—11.

нинг юраги — шернинг юрагидир», деб таъкидлаганди. Бинобарин, булар оддий сўзлар эмасди. Фақат «Сталинград мудофааси учун» медали билан Ўзбекистон жангчиларидан 2733 киши мукофотланган эди.[1]

Волгадаги қалъа ёнида қозонилган ғалаба катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. У урушнинг боришида йирик бурилишга асос яратди. Германиянинг ҳарбий қудратига ва ҳарбий нуфузига путур етказди. Бу ғалаба натижасида СССРнинг ва унинг қуролли кучларининг халқаро обрўси ошди. Ғалаба Европада озодлик ҳаракатининг юксалишига, фашизмга қарши коалициянинг мустаҳкамланишига имкон берди.

Курскдаги жанг бурилиш йили бўлган 1943 йилнинг муҳим воқеаси бўлди. У техника билан таъмин этилганлиги, жалб қилинган кучлар ва воситалар миқдорига кўра барча аввалги жангларни ортда қолдириб кетди. Курск остонасидаги жангда фашистлар Германиясига шундай зарар етказилган эдики, у энди ўзига келолмасди. Гитлерчилар қарийб 500 минг аскар ва зобитларидан, 3 мингта тўпи, 1500 та танки, 3,7 мингдан кўпроқ самолётларидан ажралган эди.[2]

Курск ёнидаги ғалабадан сўнг совет қўшинлари ҳужумни давом эттирдилар. 23 августда улар Харьковни озод қилдилар, ноябрда Киевни, ўнг соҳил Украинасини озод қилиш бошланди. Айни вақтда ҳужум бошқа йўналишларда ҳам ривожланиб борди.

1943 йилдаги ёзги-кузги ҳужумлар ҳаммаси бўлиб 2000 км фронт чизиғида авж олдирилди. Натижада Донбасс, Таман яримороли, Украинанинг сўл соҳили, Смоленск, Брянск озод қилинди, Днепр кечиб ўтилди. Унга фашистлар қўмондонлиги катта умид боғлаган эди. 1943 йилнинг охирига бориб илгари душман босиб олган ҳудуднинг учдан икки қисмини озод қилишга муваффақ бўлинди.

Эришилган ғалабага ўзбекистонлик жангчилар сезиларли ҳисса қўшдилар. 1943 йил ёзги-кузги жанговар ҳужум операцияларида Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий қўшилмалар фаол иштирок этдилар. Улар орасида 29, 62, 69, 162-ўқчи дивизиялар ва бошқалар ҳам бор эди. Уларнинг шахсий таркиби жанг майдонларида юксак ҳарбий таълим ва жасорат намуналарини кўрсатди. Жумладан, 69-икки марта Қизил Байроқ орденли Севск ўқчи дивизияси Орёл-Курск йўналишидаги жанглар вақтида фақат 1943 йил феврал-мартида 39 та аҳоли пунктини озод этди, душманнинг 2 мингдан ортиқ аскар ва зобитларини йўқ қилди.

Орел-Курск жангида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров, Вольдемар Шаландин, Мансур Абдуллин, Ата-

---

[1] Вклад трудящихся Узбекистана в победу... С. 190.
[2] История Второй Мировой войны... Т. VII. С. 96—128.

улла Солиҳов ўз номларини сўнмас шон-шуҳратга буркадилар. Минглаб ўзбекистонлик жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланди.[1] Днепрни кечиб ўтиш ва бунда фидокорлик, қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Қамбарали Дўсматов, Худойберган Шониёзов, Хайрулло Аминов, О.Қосимхўжаев, П.Нурмонов, В.Набиев, Элбой Қорабоев, Ф.Йўлдошев, П.М.Ржевский, А.Узоқов, Н.А.Сараев, Н.А.Трайнин, М.Т.Кошелев ва бошқа кўплаб ҳамюртларимиз — ҳаммаси бўлиб 100 га яқин киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.[2]

Курск ёнидаги ғалаба ва изма-из совет қўшинларининг ҳужуми совет-герман урушининг боришидаги туб бурилишга якун ясади. Стратегик ташаббус тўлалигича совет қўмондонлиги қўлига ўтди, у мазкур ташаббусни урушнинг охиригача сақлаб келди. Совет қуролли кучларининг 1943 йилги жангларда эришган ғалабаси гитлерчилар коалициясининг барбод бўлишини тезлаштирди. Европада инглиз-америка қўшинлари операцияларини муваффақиятли авж олдириш учун қулай вазият яратилди. 1943 йил сентябрда иттифоқчилар қўшинлари келиб тушгандан кейин Италия Буюк Британия ва АҚШ билан яраш битимини имзолади, октябрда эса, Германияга уруш эълон қилди (13 октябрда), Муссолини режими қулади.

Ўзбекистонликлар мамлакатни озод қилиш учун олиб борилган жангларда

1944 йилнинг бошларига келиб, немис-фашист армияси сезиларли равишда мағлубиятга учрашига қарамасдан ҳали жанговар қобилияти юқори даражада бўлиб, йирик мудофаа вазифаларини ҳал қилиш учун етарли кучга эга эди. Гитлерчилар Германияси ва унинг иттифоқчилари қўшинлари ҳали Украина, Белоруссия, Болтиқбўйининг бирмунча қисмларини ўз қўлида сақлаб, Ленинград деворлари ёнида, Карелия остонасида турарди. Европанинг бир қанча қисми гитлерчилар қўл остида эди.

1944 йилда совет-герман фронтининг шимолий ва жанубий қанотларида бир вақтнинг ўзида кенг миқёсли ҳужум операциялари бошланди. Январ-февралда Ленинград, Волхов ва 2-Болтиқбўйи фронтларининг қўшинлари Болтиқ флоти билан биргаликда «Шимол» армиялари гуруҳига зарбалар бериб, Ленинград қамалини узил-кесил олиб ташладилар. Ленинград ва Новгород вилоятларини озод қилдилар. Эстония ҳудудига кириб, Финляндия чегарасига чиқдилар.

Украинанинг ўнг соҳилини озод қилиш операциялари авж олдириб юборилди. 1-Украина фронти ва 2-Украина фронти-

---

[1] Узбекистан в годы Великой Отечественной войны... С. 29.
[2] Вклад трудящихся Узбекистана в победу... .С. 193.

нинг қўшинлари душманнинг Корсунь-Шевченко гуруҳини ўраб олдилар. Апрелнинг ўрталарида 1-Украина фронтининг қўшинлари Карпат тоғлари ёнбағирларига яқинлашиб қолдилар. 25 март охирига бориб 2-Украина фронтининг қўшилмалари давлат чегарасига чиқдилар.

1944 йилнинг ёзида Белоруссия озод қилинди. Қизил армиянинг Карелия бўйнидаги муваффақиятли операциялари Германиянинг иттифоқчиларидан бири бўлган Финляндиянинг урушдан чиқишига олиб келди. Душманнинг Болтиқбўйидаги 30 дан ортиқ дивизияси Латвиянинг кичик бир ҳудудига сиқиб қўйилди ва бу ерда 1945 йилнинг майида асир олинди. Вильнюс, Таллин, Рига озод этилди. Шундай қилиб, мамлакат ҳудуди нацист босқинчиларидан тўла-тўкис тозаланди.

СССР чегараларини тиклаш ва мамлакатни тўлиқ озод қилиш вазифаларини таъминлашда ўзбекистонлик жангчилар ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг жанговар жасоратлари совет-герман фронтининг барча қисмларида амалга оширилган озод қилиш операциялари қаҳрамонона жангномасининг муҳим таркибий қисми бўлди.

Украина тупроғида мардона жанг қилган қисмларнинг жанговар сафида Туркистон ҳарбий округида ташкил этилган 13-гвардиячи отлиқ Ровно дивизияси, 213-янги Украина дивизияси, 563-отлиқ дивизия алоҳида ўрнак кўрсатди. Мазкур дивизия Корсунь-Шевченко операциясида фаол иштирок этганлиги учун Корсунь дивизияси деган фахрли номга сазовар бўлди.

Белорус халқини озод қилиш учун олиб борилган жангларда 14-гвардиячи отлиқ дивизия шуҳрат қозонди. У билан бир қаторда Белоруссия ерларини фашист манфурлардан тозалашда Ўзбекистон ҳудудида тузилган 69 ва 194-гвардиячи дивизиялар фаол иштирок этдилар. Немис қўшинларининг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, мазкур дивизияларнинг жангчилари қисқа муддат ичида Белоруссиянинг фашист босқинчилари қўлида бўлган Ковель, Туров, Бобруйск, Барановичи, Слоним ва бошқа шаҳарлари аҳолисини озод қилишга муваффақ бўлдилар.

Ўн минглаб ўзбекистонликлар бошқа ҳарбий тузилмалар таркибида ботирларча жанг қилдилар. Масалан, Гомель вилоятидаги Шари дарёсини кечиб ўтиш чоғида Одил Воҳидовнинг бўлинмаси алоҳида ажралиб турди. Икки кун давомида оз миқдордаги жангчилар гуруҳи фашистлар билан қаттиқ олишди. Улар душманнинг 11 та аёвсиз ҳужумини қайтардилар. Жанг тамом бўлганда фақат икки киши — Воҳидов ва унинг ҳамшаҳари Йўлдош Баҳромов тирик қолишган эди. Улар танкка қарши охирги гранаталарини белга боғлаб ўз ҳаётлари эвазига душманнинг иккита танкини йўқ қилдилар.

Бошқа ҳарбий бўлинмаларда ҳам ўзбекистонлик қаҳрамонлар сони ортиб борди. Хусусан, Белоруссияни озод қилиш учун олиб борилган жангларда кўрсатган мардлик ва жасорати учун

сержант Соли Адашев, Рўзи Азимов, артиллериячи М.П.Акимов, капитан П.А.Арефьев, ефрейтор М.А.Арутюнов, генерал-майор А.И.Баксов, старшина И.Хўжаев, капитан Ғулом Ёқубов ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.[1]

Ўзбекистонлик жангчиларнинг Болтиқбўйи республикаларини фашист босқинчилардан озод қилиш учун олиб борган фидокорона жанги Иккинчи жаҳон уруши тарихига сўнмас саҳифа бўлиб кирди. Болтиқбўйи жангларида ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сафи анчагина тўлди. Ҳукуматнинг олий мукофотига сазовор бўлган жангчилар орасида ўқчи Ўринбой Абдуллаев, старшина Е.И.Иванин, сержант Е.А.Воиншин, майор Б.А.Виненский, капитан А.И.Волков, старшина О.П.Дадаев, старшина А.И.Шипин, катта сержант Неъматжон Ҳакимов, А.Шокиров ва бошқалар бор эди.[2]

Қизил армиянинг ғолибона ҳужумига бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва маънавий омиллар ҳам сабаб бўлган эди. Улар орасида партизанлар ҳаракати муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонликларнинг душман орқасидаги кураши

Совет-герман уруши тарих саҳифаларига умумхалқ уруши сифатида киргани бежиз эмас. Фашистлар босқинчилигининг дастлабки кунларидан бошлаб немислар ўзлари учун кутилмаганда аҳолининг фаол қаршилик кўрсатишига дуч келдилар. Фашизмга қарши курашнинг барча фронтларида бўлгани каби партизанлар ҳаракатида ҳам ўзбек халқининг шонли фарзандлари фаол иштирок этдилар.



Мамадали Топиболдиев.

Ўзбекистонлик партизанларнинг кўп киши иштирок этган отряди беҳисоб жафо чеккан Ленинград тупроғида, хусусан, 2-Ленинград партизанлар бригадаси таркибида бўлди. 1942 йил февралда мазкур бригада район марказида ва йирик те-

---

[1] Архив Министерство обороны Российской Федерации (МОРФ), ф. 1207, оп. 1, д. 1, л. 21; оп. 2, д. 118, л. 69—70.

[2] Герои Советского Союза — узбекистанцы — Т., 1984. С. 70—73, 88, 207—209, 299, 337, 352, 356.

мир йўл станцияси Деловичида жойлашган душман гарнизонини тор-мор келтириш юзасидан ажойиб операция ўтказди. Партизанлар разведкасининг маълумотларига қараганда, фашистлар бу ерда катта кучга эга эдилар. Операция тунда бошланди. 22 февраль кундузи соат 11 ларда эса душман гарнизони тор-мор келтирилди. Натижада 650 немис аскари ва зобити, йирик ўқдори омбори йўқ қилинди, 13 та дзоти ишдан чиқарилди. Шелонь дарёси устидаги кўприк портлатилиб душман ўтадиган йўл издан чиқарилди. Бу операция вақтида ўзбекистонликлардан Одамбой Муротов, Ниғмон Ражабов, А.А.Васильев, Юнус Нигматуллин ва бошқалар алоҳида ўрнак кўрсатишди.[1]

Ўзбекистон вакиллари оммавий партизанлар урушининг маркази бўлиб қолган Белоруссияда ҳам ана шундай фидойилик билан жанг қилдилар. Ўзбек халқининг жасур ўғлони Мамадали Топиболдиев белорус партизанлари орасида ҳақли равишда обрў-эътибор қозонган эди. У ўзининг жанговар жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Белоруссия партизанларининг қаҳрамонона ҳаракати йилномасига Ғаффор Султонов, Турсун Исломов, Евгений Дудкин, Холмат Турсунов, Владимир Алёхин, Жонибек Отабоев, Охунжон Қаххоров ва бошқа юзлаб ўзбекистонлик қаҳрамонларнинг номлари олтин ҳарфлар билан битилди. Улар Белоруссия тупроғида мардларча жанг қилган эдилар.

Ўзбекистонлик партизанлар Украина тупроғида юксак ҳарбий шон-шавкат намуналарини кўрсатдилар. Улар С.А.Ковпак, А.Н.Сабуров, А.Ф.Федоров ва бошқаларнинг Украина ҳудудида жанг қилган партизан қисмлари, ҳарбий қўшилмалари отрядларида жанг қилдилар.[2] Ўзбекистонлик партизанларнинг жанглардаги жасоратлари кун сайин ортиб борди. Бу жасоратлар Иккинчи жаҳон уруши тарихида муҳим ва ўчмас саҳифа бўлиб қолди.

Европа халқларининг фашизмга қарши курашига ўзбекистонликларнинг қўшган ҳиссаси

1944 йил кузининг ўрталарида СССР чегаралари деярли бутунлай тикланди. Душман қувиб чиқарилди. Лекин совет мамлакати ҳудудини озод қилиш айни вақтда қўшни Польша, Руминия, Болгария, Венгрия, Чехословакия давлатлари ҳудудларини ҳам озод қилиш билан биргаликда олиб борилди. Бу ҳол бутунлай бошқача вазиятни юзага келтирди. Қизил армия Шарқий Европа халқларига нима олиб борди? Совет қисмлари ки-

---

[1] Вклад трудящихся Узбекистана в победу... С. 202; *Виноградов И.В.* На берегах Шелони. — М., 1963. С. 69—71.

[2] *Бакман Я.* Узбекистанцы в партизанском движении в годы Великой Отечественной войны. — Т., 1975. С. 34—37.

риб борган мамлакатлар аҳолисининг мутлақ кўпчилиги немис-фашист босқинчилари режимини қабул қилмаган эди. Шунинг учун ҳам совет қўшинлари Шарқий Европага озод қилувчи армия сифатида кириб борган эди.

Европани озод қилишга ўзбекистонлик жангчилар ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар, улар қаҳрамонона жанглар йилномасига кўпгина шонли саҳифалар битдилар. Польшани озод қилиш учун олиб борилган оғир жангларда биринчи ўзбек генерали Собир Умарович Раҳимов қўмондонлигидаги 37-гвардиячи Речицк ўқчи дивизияси ажралиб турди. Дивизия қўмондонининг ишни кўзини билиб ва тезкор қилган ҳаракатлари натижасида оз миқдордаги йўқотишлар билан йирик таянч пунктлари эгалланди. Улар Польшанинг Грудзендзе, Дзялдово ва бошқа шаҳарларида жойлашган эди. 1945 йилнинг мартида генерал Раҳимов дивизияси Данциг остоналарига яқинлашиб борди, бу ерда душман 50 мингдан ортиқ аскарларини, кўп миқдордаги артиллерия ва ҳарбий-денгиз флоти кемаларини тўплаган эди. Жанглар жуда оғир кечди, лекин С.Раҳимовнинг дивизияси гитлерчилар қўшинларининг қатъий қаршилигини барбод қилиб, шаҳарга биринчилардан бўлиб кирди. Афсуски, у 1945 йил 25 мартда қаттиқ яраланди ва ҳалок бўлди. Раҳимовчилар севимли қўмондонлари ўлимига душмандан уч олиш билан жавоб бердилар. Лекин ўзбек генералининг жанговар жасорати ўз вақтида тақдирланмади. Фақат орадан йигирма йил ўтганидан сўнг, 1965 йил 6 майда унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди[1].

Ўзбекистонда ташкил этилган 298-гвардиячи ўқчи дивизияси, 16-гвардиячи Умань механизациялашган дивизияси ва 30-гвардиячи Таганрог ўқчи дивизияси жангчилари Жануби-шарқий Европа халқларини озод қилишда шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар. Улар Руминия, Болгария, Югославия, Венгрияни озод қилишда иштирок этдилар. Фақат «Будапештни озод қилиш учун» медали билан ҳамюртларимиздан 2430 киши мукофотланди.

Апрелнинг ўрталарига келиб совет-герман фронтида немис-фашист қўшинларининг асосий гуруҳлари тор-мор келтирилди, деярли бутун Польша, Венгрия, Чехословакиянинг шарқий қисми ва Австрия озод қилинди. Сўнгги ҳал қилувчи жанг — Берлин учун жанг олдинда турарди. Бу жанг ҳаддан ташқари шафқатсиз жанг бўлди. Ўзбекистоннинг кўпгина тузилмалари ўзларининг шонли йўлини шу ерда тугаллади. Булар 12-гвардиячи II даражали Суворов орденли ўқчи дивизия бўлиб, сўнгги жанглар вақтида унинг жангчиларидан Тошпўлат Ашуров, Умар Ашуров, Раҳмон Қурбонов, Нишон Усмонов, Абдувоҳид Йўлдошев ва бошқалар мукофотланган эди. 162-ўқчи дивизиядан ўзбе-

[1] Герои Советского Союза — узбекистанцы. — Т., 1984. С. 258.



Генерал Узоқов (ўнгдан иккинчи, телпакда) бир гуруҳ жангчилар билан Рейхстаг олдида. Берлин, 1945 йил.

кистонлик жангчилар Ҳамроқул Бобоев, Қодир Муминов, Саул Ражабов, 389-ўқчи дивизиядан М.И.Каримов, Ф.Х.Давлетшин, И.Е.Дуков, Н.А.Куценко, М.М.Мирзакалонов, Н.И.Чурсин жангларда алоҳида ўрнак кўрсатдилар ва жанговар мукофотлар билан тақдирландилар.

Берлин осмонида кузатувчи-учувчи Плис Нурпеисов ҳалок бўлди, у Германияда ҳаво разведкаси олиб бориб, 256 соат учди, жанговар топшириқларни қойил қилиб бажарди. Плис Нурпеисовга ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Мотоўқчи батальони отувчиси Туйчи Назаров ҳал қилувчи пайтда атакага кўтарилди ва ўз ортидан бошқа жангчиларни эргаштирди, бу эса взводга Одер дарёсининг ғарбий соҳилида мустаҳкамланиб олиш ҳамда қолган бўлинмаларнинг кечиб ўтишини таъминлаш имконини берди. Т.Назаров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Юксак жанговар ҳарбий маҳорати учун С.Лутфуллин, И.Мурзин, А.Раҳимов, М.Фаёзов, А.Ҳакимов ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузига сазовор бўлдилар.[1]

1945 йил 2 майда Берлин мағлуб бўлди, 9 майда эса Германиянинг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйилди. Бу ғалаба Ватан ҳимояси, уни фашизмдан озод қилиш йўлида олиб борилган оғир ва қонли курашнинг якуни эди.

---

[1] Герои Советского Союза — узбекистанцы. — Т., 1984. С. 28—50.

Ўзбекистонликларининг қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этиши

Кучли ва маккор душманнинг мағлубиятга учраши СССР ва Европа халқларининг озодлик учун олиб борган мардонавор курашининг бирга қўшилиши натижаси бўлди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, совет-герман фронтида душман қўшинлари билан шафқатсиз қуролли тўқнашувда совет аскарларининг жанговар жасоратлари асосий ҳал қилувчи роль ўйнади. СССРнинг Европа халқларига герман фашизми зулмидан озод бўлишида кўрсатган ёрдами беҳисоб бўлди. Бу ёрдам жанговар ҳаракатлар майдонида душманнинг қуролли кучларини фаоллик билан тор-мор келтириш билан бир қаторда иттифоқ ҳудудида, шунингдек, Европа давлатлари ҳудудида миллий тузилмалар ташкил этишда, партизанлар ҳаракатини қўллаб-қувватлашда, ҳарбий кадрлар тайёрлашда, қаршилик кўрсатиш ҳаракатларига ёрдам беришда ўз ифодасини топди.

Совет қуролли кучларининг душманни тор-мор келтиришдаги ҳал қилувчи ролини таъминлашда Ўзбекистон халқининг сезиларли ўрни бор. Унинг Европа халқларига байналмилал ёрдам кўрсатишнинг бошқа шаклларини намоён қилишдаги роли ҳам салмоқлидир. Масалан, Ўзбекистон иттифоқчилар армияларига ва СССР ҳудудида ташкил этилган миллий ҳарбий тузилмаларга ҳарбий кадрлар тайёрлашда кўмак берди. Бу ёрдам мутахассис кадрларни, қўмондонлик таркибини билим юртларида ўқитиш, мактаблар ва курсларда таълим бериш, тузилаётган қўшилмаларнинг зобитлар корпусини жанговар ҳаракатларда ўзини кўрсатган ўзбекистонлик энг яхши ҳарбийлар билан тўлдиришда намоён бўлди.

Ўзбек халқининг ёрдами Европадаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатини авж олдиришда ҳам яққол кўзга ташланди. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, партизанлар тузилмаларида, Европа давлатларидаги яширин қўпорувчилик гуруҳларида 40 мингдан ортиқ совет фуқаролари иштирок этган. Улардаги салмоқли ўринни ҳамюртларимиз эгаллашган.[1]

Ватандан узоқда бўлган ўзбекистонликлар урушнинг бошланғич босқичида Польшада қаршилик кўрсатиш ҳаракатини авж олдиришда айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар деярли ҳар бир партизанлик тузилмасида жанг қилдилар.[2] 1941—1943 йиллар даврида асирликдан қочган ўзбекистонликлар гитлерчилар томонидан босиб олинган барча Европа мамлакатларидаги «қаршилик кўрсатувчилар» сафларини тўлдирган эдилар. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, Югославиядаги халқ озодлик армияси қисмларида ва партизанлар тузилмаларида камида 6100 совет

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 58, оп. 8, д. 117, л. 21.
[2] Братство по оружию. — М., 1975. С. 131.

фуқароси қатнашган. Улар орасида 260 дан кўпроғи ўзбекистонликлар эди.

Словения, Босния-Герцоговина, Сербия, Македония ҳудудларида фашистларнинг сараланган дивизияларига қарши аёвсиз жангларда самарқандлик Лев Калонтаров, Галина Гриценко, фарғоналик Ўсканбой Холматов, каттақўрғонлик Қулмамадалиев, тошкентлик Ю.Ф.Рижок, андижонлик Маматхон Жалилов ва бошқа кўпгина ўзбекистонлик ўғлонлар ва қизлар ўз номларини абадий шарафга буркадилар.[1]

Бизнинг ҳамюртларимиз Ғарбий Европа мамлакатларининг Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол иштирок этдилар. Ўзбекистонда туғилиб вояга етган, уруш туфайли Италия, Франция, Норвегия, Австрия, Германияга бориб қолган ҳамюртларимиз фашизмга қарши олиб борилаётган курашга қўшилдилар. Улар бузғунчиликларда иштирок этдилар, қўпорувчилик ишларини уюштирдилар, қўлда қурол билан гитлерчи босқинчиларга қарши партизанлар отрядларида жанг қилдилар. Масалан, Италиядаги гарибальдичилар сафларида ўзбекистонлик Степан Опавасенко, Аҳмад Мамажонов, Михаил Мирумянц, Владимир Греев, Турғун Қўчқоров, Шарип Саматов, Омон Бердиев,



Италиядаги партизанлар ҳаракати иштирокчилари. Улар орасида ўзбекистонлик Тўрабеков ҳам бор. 1943 йил.

[1] Архив МОРФ, ф. 1299, оп. 2, д. 57, л. 55—56.

Петр Колесников ва бошқа мард ҳамюртларимиз қаҳрамонона жанг қилдилар. Раҳмон Раҳимов, Сергей Петров, Насиб Амиров, Серибой Шомуродов, Ҳасан Жабборов, Тожибой Зияев, Андрей Айрапетов, Ҳошим Исмоилов каби ўзбекистонлик жангчиларнинг номлари Франциядаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати тарихига абадий ёзиб қўйилди[1].

Совет кишиларининг Германия тупроғида фашизмга қарши кураши ўзига хос шакл касб этди. Бу ҳаракат асосан душман томонидан асирликка олинган жангчилар ва ҳайдаб кетилган совет фуқаролари орасида юз берди. Ватанпарварлар ҳарбий асирлар ва концентрацион лагерларда яширин ташкилотлар туздилар, ишлаб чиқаришда бузғунчилик уюштирдилар, бутун кучлари билан душман уясидаги гитлерчилар армиясининг жанговар қудратини заифлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Муса Жалил герман канцлагерида ташкил этган яширин гуруҳнинг жасорати бутун дунёга машҳур бўлди, унинг жанговар сафдошлари Ўзбекистоннинг жасур ўғлонлари — Фуат Сайфулмулюков, Гариф Шабаев, Ғани Қурбонов, Фарим Султонбеков, Ғаффор Фахритдиновлар эди.[2]

Маълумки, немис қўмондонлиги ўзининг ҳарбий-сиёсий манфаатларини таъминлаш мақсадида «оқ» муҳожирлар ва СССР аҳолисининг турли қатламлари орасида советларга қарши кайфиятдагилардан фаол фойдаланишга уринди. Худди шундай «воситадан» фашизмни тугатишда ва Германияда «янги ҳукумат ташкил қилиш»да Сталин ҳам фойдаланган эди.

1941 йил декабрида гитлерчилар раҳбарияти асир олинган совет генерали Лукинга ва у билан бирга қўлга тушган ҳарбий бошлиқлар гуруҳига сталинизмга қарши кураш олиб борувчи русларнинг мухолиф ҳукуматини ташкил этишни таклиф қилди.[3]

Германияда истиқомат қилаётган Туркистон мухожирларига ҳам муайян таклиф қилиб кўрилди. Большевиклар режими томонидан қувғин қилинган Туркистон миллий зиёлилари вакиллари уруш бошланиши билан Ўрта Осиё халқларини зулмкор коммунистик диктатурадан халос бўлиш имкониятларини кўрдилар. Улар орасида 1941—42 йиллар бўсағасида миллий ваколатхона тузиш ҳаракати кўзга ташланди. Нацистлар раҳбарияти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Миллий ғояни ўзларининг узоқни кўзлаган ғаразгўйлик режаларини амалга оширишнинг самарали воситасига айланишига умид боғладилар. 1942 йил ноябрда

---

[1] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны ... Т. III. С. 270—272.

[2] У ш а ж о й д а.

[3] *Долуцкий И.И.* СССР во Второй Мировой войне (1941—1945 гг.). — М., 1992, С. 104.

Берлинда «Туркистон миллий қўмитаси» ташкилий жиҳатдан қарор топди, унинг президенти қилиб Вали Қаюмхон тайинланди. У тошкентлик ўзбек бўлиб, 1922 йили 17 ёшида Бухоро Халқ Совет Республикасининг ёшлари қаторида Германияга ўқишга келган эди. Бироқ мустабид тузум ҳукмдорининг «буржуа» олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларга нисбатан қатағонлар уюштириши (бу ҳол 20-йилларнинг иккинчи ярмида яққол намоён бўлган эди), уларнинг ўз ватанларига қайтишларига имкон бермади.

Гитлерчиларнинг юқори сиёсий табақасини совет режимига муқобил бўлган ҳукуматлар ташкил қилиш эмас, балки қаршилик кўрсатувчи жанговар қобилиятга эга бўлган кучларни вужудга келтириш кўпроқ қизиқтирарди, бу кучлар миллий ғоя байроғи остида унитар Совет давлатининг кенг миллий қатламларини ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлиши лозим эди. Ана шу мақсадда миллий ҳарбий тузилмалар ташкил этишга кўпроқ эътибор қаратилди.

Бу хилдаги ҳарбий қисм Туркистон батальони бўлиб, у 1941 йил кузида ташкил қилинган эди. Лекин у ҳали мунтазам ҳаракатдаги бўлинма эмасди.[1] Фақат 1942 йил декабрда Вермахтнинг Олий қўмондонлиги ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлардан иборат «Туркистон легиони»ни ташкил қилиш тўғрисида расман фармойиш берди. Айни бир вақтда «Грузин» ва «Арман» легионерлари ҳам тузилди. Бу миллий легионерлар расмий жиҳатдан ўша даврда ташкил этилган рус озодлик армияси (РОА) таркибига кирарди, унга генерал А.А. Власов раҳбар қилиб қўйилган эди.[2]

Миллий ҳарбий бўлинмаларга асосан ҳарбий асирлардан хоҳловчиларни, бундайлар топилмаса, мажбурий асосда ёзиб қўйилар эди. Бундай ҳаракатлар муайян миқдорий натижалар берди. Турли «миллий» тузилмаларда урушнинг охирига келиб, совет ҳарбий асирларидан 1 млн. га яқин киши бор эди.[3] Бироқ улар гитлерчилар кутган «зарбдор кучга» айланмадилар. Душман томонига онгли равишда ўтган ва қўлида қурол билан нацистларнинг «янги тартиби»ни ўрнатишга фаол ёрдамлашишга қарор қилган ҳарбий асирларнинг салмоғи унчалик кўп эмасди. Асосан, легионерлар фронтга юборишса ўзимиз томонга ўтиб оламиз, деган умид билан ёзилган эдилар.

Легионерларга ижтимоий-сиёсий баҳо бериш ҳам мураккаблигича қолмоқда. Совет тарихшунослигида улар бир хилда, совет халқининг «сотқинлари» деб таърифланган. Ғарбий тарих-

---

[1] *P. Von Zur Muhlen.* Zwischen Hackenkreuz und Sowjetstern. Der Nationalismus der sowjetischen Orientvolker im Zweiten Weltkrieg. Dusseldorf. 1971 S.69.

[2] *G.W. Hostler.* Turken and Sowjets. Die Histirische — Lage und politisehe Bedeutiung der Turken in der heutigen Welt. — Trankfurt Main. 1960. S.215.

[3] *Долушкий И.И.* Ўш а а с а р, 104-бет.

шуносликда, кейинги вақтларда эса, бизнинг матбуотимизда «кўнгиллилар» — булар мустабид тузумга қарши ғоявий курашчилар, немис армияси ёрдамида сталинча зулмдан мамлакатни озод қилиш учун қуролли кураш олиб боришга тайёр турган кишилар эди деб баҳоланмоқда. Умуман, «Туркистон легиони» масаласида турлича фикрлар мавжуд. Бу масалани чуқур ўрганиш ва холисона баҳо бериш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Легионерлар немис қўмондонлигининг сиёсий декларациялари сохта ва хом хаёлдан иборат эканлигини яхши тушуниб, жон-диллари билан жанг қилмас эдилар. Ўз навбатида гитлерчилар раҳбарияти ҳам «Туркистоннинг мустақиллиги учун янги курашчилар»га унчалик ишониб қарамасди. Қўмондонликнинг фармойишига кўра, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, ҳар бир ротага немис зобитлари бошчилик қилган. Ўрта Осиёликлардан жуда борганда рота ёки взвод командирининг ўринбосари лавозимига қўйилган, холос. Масалан, туркистонлик легионерларнинг юқори командирларидан бири Ўрта Шарқ бўйича йирик немис мутахассиси, профессор, генерал Оскар Диттер Нидермайер бўлган, 450-Туркистон батальонига эса, майор Молер қўмондонлик қилган ва ҳоказо.[1]

Шу сабабдан ҳам «Туркистон легиони» мавжуд бўлиб турган қисқа вақт ичида унинг қошида «кўнгиллилар»нинг кўпгина яширин гуруҳлари етишиб чиқди, улар қаршилик кўрсатиш ҳаракати жангчилари ва партизанлар билан алоқа ўрнатдилар. Масалан, 1943 йил ёз фаслида 3-Туркистон батальонининг бир гуруҳ аскарлари Белоруссиянинг Речица шаҳрида бўлиб, партизанлар билан алоқа ўрнатдилар ва гитлерчиларга қарши ҳамкорликда курашдилар. Бироқ, нацист агентлари яширин гуруҳни топишга муваффақ бўлди. «Кўнгиллилар» батальони тарқатиб юборилди, унинг шахсий таркиби Германиядаги каторга ишларига жўнатилди.

1943 йил сентябрда Десна дарёси ёнида Богдан Хмельницкий орденли 74-ўқчи дивизияси жанг қиларди. Аёвсиз жанглар авж олган бир пайтда Купчиха қишлоғи ҳудудида дивизия томонига Абдулла Отахонов бошчилигида тўлиқ қуролланган, артиллерия ва юклари билан 370 кишидан иборат Туркистон батальони ўтади. Кейинчалик бу қисмлар совет қўмондонлиги томонидан «ишончсиз» сифатида Шарқий фронтдан четлатилади.

1944 йилнинг баҳорида «Туркистон легиони»да яна фашистларга қарши яширин ватанпарварлар гуруҳи ташкил қилинади. Бироқ, фашист агентлари бу гал ҳам бундан хабар топадилар. Гестапо май ойида шубҳа остига олинган тўрт кишини, шу жумладан, яширин ҳаракатнинг фаол қатнашчиси Раҳмонқул

---

[1] *C.W. Hostler.* Tuken und Sowjets... S. 215.

Худойберганови отиб ташлайди. Лекин бу ҳол кишиларнинг иродасини буколмади. Легионерлар жанговар ҳаракатларда иштирок этиб, ҳар бир қулай фурсатда маҳаллий партизанлар билан боғланиб турдилар ва уларнинг томонига ўтдилар. Масалан, 1944 йилнинг январида «Туркистон легиони» югослав партизанларига қарши курашиш учун Черногорияга юборилган пайтда легионерларнинг катта отряди (улар таркибида ўзбеклардан 28 киши бор эди) С.Файзиевнинг ишораси билан фашистларни йўқ қилдилар ва қуроллар ҳамда ўқ-дориларни отларга ортиб тоғдаги партизанлар ҳузурига жўнаб кетдилар.[1]

Ўзбекистонликлар СССРдаги бошқа халқларнинг вакиллари каби Европа мамлакатларининг қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида фаол иштирок этиб, умумий душманни тор-мор келтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонлик жангчиларнинг совет-япон урушидаги иштироки

Немис-фашист қўшинларининг Европада тор-мор келтирилиши Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги ўчоғини Осиё минтақасида тугатиш учун қулай шароит яратди.

Японияга қарши уруш 1945 йил 9 августга ўтар кечаси совет қўшинларининг ҳужуми билан бошланди. Улар режага кўра асосий зарбани Маньжурияда жойлашган ва 1 млн.дан ортиқ аскарга эга бўлган Квантун армиясига қаратдилар. Жангларда Монголия халқ-инқилобий армияси қўшинлари ҳам қатнашди. Мутаасибларча кайфиятдаги япон қисмлари, айниқса, ўлимга маҳкум этилган бўлинмалар зўр бериб қаршилик кўрсатдилар. Совет қўшинлари куч жиҳатдан устунлик қилсалар ҳам сезиларли талафот кўрдилар. Ҳар икки томондан қурбон бўлганлар оқими ортиб борди. 17 августда Квантун армиясининг Бош қўмондони генерал О.Ямада ўз қўшинларига қаршилик кўрсатишни тўхтатишга буйруқ берди. Шунга қарамасдан, Олий Бош қўмондон фармойишига кўра совет қўшинларининг ҳужум операциялари давом эттирилди.

Августнинг охирида совет армиясининг бўлинмалари Жанубий Сахалинни, Куриль оролларини эгалладилар. Кореяга десант туширдилар, унинг бутун шимолий қисмини то 38-параллелгача эгалладилар. 1945 йил 2 сентябрда Токио бухтасидаги Американинг «Миссури» крейсери бортида Японияга қарши урушда қатнашган барча мамлакатлар вакиллари иштирокида Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлди. Совет қўшинлари Узоқ Шарқдаги уруш кампаниясини 24 кун ичида якунладилар.

Шундан кейинги тараққиёт сиёсий жиҳатларининг зиддият-

---

[1] *Семиряга М П.* Советские люди в европейском Сопротивлении. — М., 1970. С. 149—150.

ли эканлигига қарамай, халоскор жангчиларнинг мардлиги билан Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги ўчоғи тугатилди.

Ўзбекистонлик жангчилар Квантун армиясини тор-мор келтиришга озмунча улуш қўшмадилар. Улар Узоқ Шарқ ҳудудидаги барча жангларда фаол қатнашдилар. Масалан, Қизил Байроқли 22-Ҳарбий ўқчи дивизияси 246-ўқчи полки 3-ўқчи батальонидан кичик сержант Холдоров жангда аниқ ҳаракат қилиб, 13 нафар япон аскарини ер тишлатди.[1] Аргун дарёсини кечиб ўтишда бу дивизия жангчиларидан Ғафуров алоҳида ўрнак кўрсатди, у душман дзотини ер билан яксон қилди.

Япония билан олиб борилган жангларда ҳамюртларимиз юксак жанговар фаоллик ва ҳарбий маҳоратни намойиш қилдилар. Улар орасида лейтенантлар Н.Латипов, А.А.Каримов, кичик лейтенат У.Дониёров, жангчи П.Рисматов, катта сержант В.И. Зеленский, ефрейтор У.Асанов, санитар Эшонов ва Ўзбекистоннинг бошқа жасур ўғлонлари бор эди.[2]

Шундай қилиб, Ўзбекистон жангчилари герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган ғалабага, Европа ва Осиё халқларини чет эл босқинчиларидан озод қилишга муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонликларнинг жангларда кўрсатган жасорати Иккинчи жаҳон уруши ғолибона якунланишининг муҳим таркибий қисми бўлди.

СССР ва Европадаги кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари Ўзбекистон халқлари ўғлонлари ва қизларининг жанговар ҳаракатлар фронтида кўрсатган мислсиз мардлик ва жасурлигини юқори баҳолаб, уларни юксак мукофотлар билан тақдирладилар. 120 минг ўзбекистонлик жангчилар ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланди. Ўзбекистонликлардан 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, улардан 75 нафари ўзбек эди. Ўзбекистон жангчиларидан 82 киши «Шуҳрат» орденининг учала даражаси билан мукофотланди. Ҳамюртларимиздан бир неча минг киши Италия, Англия, Франция, Югославия, Польша, Чехословакия, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг орденлари билан мукофотландилар.[3]

Афсуски, «социалистик ватан» ҳамма учун ҳам илтифотли бўлгани йўқ. Ўн минглаб мард жангчилар ҳеч бир гуноҳсиз таҳқирлаш ва хўрлашларга дучор бўлдилар, турмаларга ташландилар. Совет тарихшунослигида уруш тарихининг мазкур саҳифалари амалда ўрганилмаган. Бирор сабаб билан душманга асир тушган юз минглаб собиқ аскарларнинг урушдан кейинги оғир қисмати ҳамма жойда яшириб келинган.

Қизил армия жангчиларининг анчагина қисми совет-герман урушининг энг оғир бошланғич даврида асирга тушиб қол-

---

[1] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. III. С. 287.
[2] Ў ш а ж о й д а, 38-бет.
[3] Вклад трудящихся Узбекистана в победу... С. 233.

ган эди. Германия маълумотларига қараганда, қизил аскар ва зобитлардан деярли 3,6 млн. киши асирда бўлган. Нюрнберг судида 3,9 млн. асир борлиги айтилган эди, улардан 1942 йилнинг бошларида 1,1 млн. киши омон қолган. Фронтда ҳам, тинч ҳаёт вақтида ҳам асирга тушганлар бор, лекин ҳамма ҳам қаҳрамон бўлаверган эмас. Қўрқоқлар ҳам, аблаҳлар ҳам, тепса-тебранмаслар ва журъатсизлар ҳам — ҳар хил тоифадаги кишилар бўлган. Лекин асирларнинг асосий қисми ярадорлар, қуролсизлар, қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаганлар эди. Сталин эса асирга тушганларнинг ҳаммасини «қўрқоқ ва сотқинлар» деб эълон қилди. Сталинча мантиққа биноан уларнинг ҳаммаси йўқ қилиниши лозим эди.

Айрим маълумотларга кўра уруш йилларида асирга тушганларнинг умумий сони 6,2 млн. кишини ташкил қилган.[1]

Ҳарбий асирлар немисларнинг концлагерларида бўлиб, барча дўзах азобларини ўтаганлар. Бунга ҳамма ҳам бардош берган, деб бўлмайди. Лекин асирларнинг асосий қисми қаршилик кўрсатган, имкон бўлиши билан қочган. Кейинги маълумотларга қараганда, қочишга уриниш вақтида деярли 1 млн. асир ўлдирилган. Фақат, 200 мингга яқин киши «ўзимиз»никиларга келиб қўшилишга муваффақ бўлган. Улар учун махсус текшириш лагерлари ташкил этилган, бу текшириш кўпинча фашистлар лагерини совет лагери билан алмаштиришга олиб келган.[2]

Сталиннинг давлат машинаси озод қилинган ҳарбий асирларга нисбатан жуда қаттиққўллик қилган.

Умуман, урушнинг охирига келиб 6,2 млн. асирдан 4 млн. киши ҳалок бўлди. Тахминан бир миллион киши «власовчилар»га қўшилишди. Шундай қилиб, омон қолган асирлар сони бор-йўғи бир миллиондан сал кўпроқ эди. Сталин эса улар билан «сталинчасига» муомала қилди: улардан 60%и дан кўпроғи «ГУЛАГ архипелаги» турмасига юборилди.[3] Айбсиз ҳукм қилиниб, совет концлагерларига жўнатилган ёки отиб ташланганлар орасида ҳамюртларимиз ҳам озмунча эмасди. Улардан тошкентлик С.Абдуллаевни, Нукусдан Л.Поповни, Андижондан К.Абрамович ва П.Рустамовни ва бошқа кўплаб сталинча қатағон қурбонларини санаб ўтиш мумкин. Тахминий ҳисобларга қараганда, ўзбекистонлик ҳарбий асирлардан 15 мингдан ортиқ киши «сотқинлик»да айбланиб, совет концлагерларига юборилган.[4] Орадан кўп йиллар ўтгандан кейингина улар оқланишди.

Уруш оқибатларининг зиддиятли манзараси ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам кўзга ташланди. Энг асосийси,

---

[1] *Воробьев К.* Убиты под Москвой. Это мы, Господи. — М., 1957. С. 29, 35, 102.
[2] Белое и черное //«Известия». 1988, 4 февраля.
[3] Берия: конец карьеры. — М., 1991. С. 84—85.
[4] ГАРФ, Коллекция документов.

мамлакат 1945 йилга келиб яхшилик сари қатъий ўзгаришларни кутаётган эди. Бироқ сталинча-коммунистик тузум чуқур ўзгаришлар қилишга қодир эмасди. Тўғри, уруш бу тузумга жуда кучли зарба берди, улкан ҳудудларни, ўн миллионлаб кишиларни назоратдан чиқариб юборди, тузум обрўсига путур етказди, жамиятнинг ҳамма даражаларида нисбатан эркин ҳаракат қилиш ва танлаш эркинлигига йўл қўйишга мажбур этди. Уруш йилларида бошқарувчиларнинг янги авлоди вояга етди, улар масъулиятни ўз зиммаларига олишга тайёр турган ташаббускор кишилар ва ёшлар эдилар. Халқ қўрқувдан халос бўла бошлади — уруш дўзахини ўтаб бўлгандан кейин яна нимадан қўрқиш мумкин? Уруш ғалаба билан тугаган бўлса-да, тузумнинг пойдеворида ёриқлар пайдо бўлган эди.

Лекин уруш 30-йиллар танглигини бўғиб, тузумни вақтинча сақлаб қолди ҳам. Уруш мустабид тузумга анча мос келадиган объектив яшаш муҳитини вужудга келтирди: буйруқ берилдими — бажарилиши шарт, бажарилмадими — ўлим кутарди. Халқ қонига тўйиб олган тизим омон қолди, ёшарди, ўз чегараларини кенгайтириб олди. Бироқ бу ички зиддиятларни ўзида вақтинча яширган барқарорлик эди, унинг қулаши муқаррар эди.

5. ЎЗБЕКИСТОН ФАН ВА МАДАНИЯТИ УРУШ ЙИЛЛАРИДА

Иккинчи жаҳон уруши бошланган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон халқлари маънавий маданиятининг бой салоҳияти инсониятнинг энг ёвуз душмани бўлган фашизмни тезроқ тормор қилиш ишига сафарбар қилинди. Ўзбекистон маданиятининг барча йўналишлари унинг арбоблари ва ходимларининг фидойилиги ва ватанпарварлиги туфайли жуда қисқа муддатларда уруш даври эҳтиёжлари ва талаблари оқимига йўналтирилди.

Илмий-тадқиқот ишларини умумий мувофиқлаштиришни СССР Фанлар академиясининг 1940 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Филиали (ЎзФАН) амалга оширди. Уруш бошланиш вақтига келиб Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали таркибига геология, энергетика, кимё институтлари, ботаника ва тупроқшунослик институти, тил, адабиёт ва тарих институти, иқтисодий тадқиқотлар бюроси, физика-математика сектори ва бошқа илмий бўлинмалар кирарди.[1] 1943 йил ноябрда ЎзФАН базасида республика Фанлар академияси ташкил топди.[2] 1944 йилда ЎзФА таркибида 818 нафар илмий ва илмий техник ходимлар бор эди. Олий таълим тизимида ҳам олимлар-

---

[1] ЎзР Фанлар академияси Марказий архиви (ЎзР ФАМА), 1-фонд, 1-рўйхат, 76-йиғма жилд, 4—6-варақлар; 85-йиғма жилд, 16—18-варақлар.

[2] УзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 3745-йиғма жилд, 41-варақ.

нинг йирик отряди ишларди. Улар педагоглик фаолияти билан бир қаторда самарали ижодий тадқиқотлар билан ҳам шуғулланишарди.

Республика олимлари фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири иқтисодиётни уруш даври андозасига солиб қайта қуришда иштирок этиш, мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳаллий хом ашёни ўрганиш ва ўзлаштириш, янги ресурсларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва деҳқончилик хўжаликларига амалий илмий-техникавий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Масалан, Ўрта Осиё индустриал институти ва САГУ (Ўрта Осиё Давлат университети) ходимлари Ангрен кўмиридан, каучукли ўсимлик ва алинутлардан фаоллик билан фойдаланиш юзасидан тадқиқот ишлари олиб бордилар. Аграр ихтисосдаги институтларнинг олимлари ҳосилдорликни ошириш ва янги қишлоқ хўжалик экинларини жорий қилиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш усулларини ишлаб чиқдилар.

Кимёгар олимлар кам учрайдиган материалларнинг ўрнини босувчи ва турли чиқиндилардан қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш усулларини топдилар. Чунончи, академик О.С.Содиқов ва у бошчилик қилган гуруҳ таклифи билан сутли казеин чигит кунжарасидан олинадиган оқсиллар билан, қуйиш саноатида ишлатиладиган сульфатли ишқор эса пахта ёғи кунжарасидан олинадиган оқсилли елим билан алмаштирилди, бу эса, йилига 2,5 млн. сўмни тежаш имконини берди.[1] Айни вақтда этил спиртини, сирка кислотасини ва қамишни қуруқ қайта ишлаш натижасида кўмир брикетини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди.

ЎзССР ФАнинг академиги С.Ю.Юнусов раҳбарлигида Ўзбекистон ўсимликларининг алколоидлик хусусиятини ўрганиш юзасидан катта ишлар олиб борилди.

Республиканинг геолог олимлари саноатни зарур хом ашё билан таъминлаш учун фойдали қазилмалар қидириб топишни кучайтирдилар. Фақат 1943 йилнинг ўзида Ўзбекистон тоғлари ва чўлларида 35 та геология экспедицияси иш олиб борди.[2]

Республика ботаниклари ёввойи тарзда ўсадиган каучукли ўсимликларнинг бой чангалзорларини топдилар, бедадан ва шолининг тозалаш саноати чиқиндиларидан витаминлар олиш усулларини ишлаб чиқдилар, енгил саноатни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берадиган ўсимлик хом ашёси бўйича материалларни умумлаштирдилар ва эълон қилдилар.

Дори-дармон ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. САГУнинг кимё факультетида уруш даври медицинаси учун зарур бўлган наркоз эфири, хлорли кальций,

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 43, д. 2118, л. 40.
[2] Ў ш а ж о й д а 48-варақ.

кофеин, стрептацид, сульфидин, никотин кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкент фармацевтика институтининг ходимлари маҳаллий хом ашёдан 15 та янги дори препаратларини ишлаб чиқаришга топширдилар.[1]

Металлургия ва машинасозлик соҳасидаги олимлар катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар Ўзбекистоннинг металлургия базасини яратиш устида иш олиб бордилар, қуюв ишлаб чиқаришини ва металларга ишлов беришнинг анча арзон усулларини жорий қилдилар. Улар амалга оширган ишланмалар янги усулда юқори сифатли чўян эритиш имконини берди ва ҳакозо.

Т.А.Саримсоқов, В.И.Романовский, М.Камолов, Н.Н.Назаров ва бошқа олимлар раҳбарлигида амалга оширилган тадқиқотлар ўқ-дорилар, ҳарбий техника сифатини ошириш, ватан авиациясини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшди. Хусусан, ўзбек олимларининг эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси соҳаларидаги ижодий изланишлари артиллерия отишмалари ва бомба ташлаш аниқлигини, жанговар самолётларнинг юк кўтариш имкониятини оширишга, республикада ишлаб чиқарилаётган ҳарбий техниканинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берди.[2]

Уруш йилларида республиканинг тиббий олимлари астойдил меҳнат қилдилар: тананинг ўқ теккан жойлари тез тузалишига доир энг янги усуллар, турли касалликларни даволаш, газ гангренаси, шок, сепсис сингари оғир ярадорлик оқибатларига қарши кураш олиб бориш усуллари ишлаб чиқилди, тиклаш жарроҳлиги усуллари, нейрожарроҳлик усуллари такомиллаштирилди, таъсирчан дезинфекция воситалари излаб топилди, ярадор бўлганларни даволаш учун маҳаллий ресурслардан тайёрланадиган доривор препаратлардан самарали фойдаланиш дозировкаси ўрганилди, больнеотерапия, иқлим терапияси, электр терапияни қўллашнинг даволаш тизими ва тиббиёт муассасалари тажрибасида жорий қилиш учун даволашнинг бошқа энг янги усуллари ишлаб чиқилди.[3]

Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари — тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар файласуфлар коммунистик мафкура доирасида бўлса-да, ўз олдиларига уруш даври қўйган вазифаларнинг масъулиятлилиги ва муҳимлигини тушунган ҳолда ижодий куч-ғайратларини фашизм мафкурасига қарши курашга, гитлерчиларнинг босқинчилик сиёсатини фош қилишга, халқи-

---

[1] «Правда Востока». 1942, 28 август.

[2] Наука в Узбекистане. Т.I. Естественные науки. — Т., 1974. С. 28.

[3] ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги архиви, 1-рўйхат, 651-йиғма жилд, 55-варақ.

мизнинг юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга қаратдилар.

Республика тарихчилари «Ўзбекистон халқлари тарихи» — икки жилдлик фундаментал асарни яратишга киришдилар. Бу асарни ёзишда олимлардан Я.Ғ.Ғуломов, Т.Н.Қори Ниёзов, С.П.Толстов, М.Э.Воронец, Э.Ш.Ражабов, А.Ю. Якубовский, В.И.Зоҳидов, В.А.Шишкин, К.Б.Тревер ва бошқалар қатнашдилар.[1] Лекин биринчи бор яратилган бу фундаментал асар коммунистик мафкура асосида ёзилган бўлиб, унда тарихий воқеийликлар сохталаштирилган, ғоявий жиҳатдан нохолис илмий хулосалар қилинган эди.

Шу билан бир қаторда археолог олимлар Улуғбек расадхонаси ва Улуғбекнинг шаҳар атрофидаги боғ-саройи иншоотларида, Афросиёб ва Варахша шаҳарларида қазиш ишлари олиб бордилар, Я.Ғ.Ғуломов ва С.П.Толстов бошчилигида Хоразмда археологик-этнографик экспедиция ишлари қайта тикланди, қадимги Хоразм цивилизациясининг катта миқдордаги археологик ёдгорликлари очилди ва ўрганилди

Шарқшунос олимлар ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганишга катта эътибор бердилар. А.Расулов, В.Зоҳиджонов, Э.Муҳамедхўжаев, А.А.Семенов, Д.Г. Вороновский ва бошқалар қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва илмий изоҳлаш ишлари билан самарали шуғулландилар.[2]

Адабиётшунос ва тилшунослардан Ҳ.Т.Зарипов, Ғ.К.Каримов, Ҳ.Р.Ёқубов, А.К.Боровков ва бошқалар ўзбек адабиёти тарихи ва ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаси соҳасида тадқиқотлар олиб бордилар, ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғатлар, Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатини тузиш ва ҳоказолар устида ишладилар.[3]

Ўзбек фольклорини тўплаш, тартибга солиш ва нашр этишга эътибор кучайди. Уруш йилларида «Ширин билан Шакар», «Қундуз билан Юлдуз», «Далли», «Муродхон», «Малика айёр» ва бошқа халқ достонлари босиб чиқарилди. Уларда инсонпарварлик, озодлик, Ватанга муҳаббат ҳамда душманлар ва ёвузларга нисбатан ғазаб-нафрат туйғулари тараннум этилган эди. Адабиётшунослар ўзбек мумтоз адабиётининг бир қанча асарларини (Лутфий, Бедил, Гулханий ва бошқалар) нашрга тайёрладилар.[4]

Жамиятшунос олимларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-фалсафий (И.М.Мўминов) ва табиий-илмий тафаккури тарихи (Т.Н.Райнов) масалалари муҳим ўрин

---

[1] *Садиков А.С.* Рожденная в войну // «Звезда Востока». 1975, №12. С. 124.

[2] *Ахунова М.А., Лунин Б.В.* История исторической науки. — Т., 1970. С. 104.

[3] ЎзР ФАМА, 1-рўйхат, 669-йиғма жилд, 46-варақ; 76-йиғма жилд, 8-варақ.

[4] ЎзР ФАМА, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд, 56-варақ.

эгаллади. Бир қатор фалсафий-публицистик асарлар эълон қилинди, уларда фашизмнинг ирқчилик ғоялари, жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъволари фош этилди.[1]

Иқтисодчи олимларнинг асосий диққат-эътибори саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш захираларини қидириб топишга, республика халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини асослаб беришга қаратилди, улар меҳнат ресурсларининг аҳволи ва улардан янада оқилона фойдаланиш принципларини ўргандилар.[2]

Ўзбекистон олимлари ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий-салоҳиятини ривожлантиришга қимматли ҳисса қўшдилар, самарали ишлари билан мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ҳарбий қудратини оширдилар ва мустаҳкамладилар, оммага инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик ғояларини сингдирдилар. Бу ишда уруш йилларида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган (эвакуация қилинган) Россия Федерацияси ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг олимлари анчамунча ёрдам кўрсатдилар. Фақат Тошкентнинг ўзига мамлакатнинг таниқли илмий ходимларидан 375 киши келган бўлиб, улар республика имкониятларини иложи борича уруш эҳтиёжларига кўпроқ жалб қилиш йўлларини қидириб топишга, илмий муаммоларни ҳал қилишга ва маҳаллий илмий кадрлар тайёрлашга ёрдам берган эдилар.[3]

Уруш даврининг қийин шароитида республиканинг олий ўқув юртлари ва техникумлари ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Талабалар ва ўқитувчиларнинг талайгина қисми фронтга кетди. Кўпгина ўқув юртларининг бинолари госпиталларга ва бошқа ҳарбий ташкилотларга берилди. Дарсликлар, кўргазмали қўлланмалар, асбоб-ускуналар етишмасди. Шу муносабат билан ихтисослиги бир-бирига яқинроқ бўлган институтлар ва факультетлар бирлаштирилди, улардан айримлари бутунлай ёпилди.

Уруш йилларида республикамизга Москва, Ленинград, Киев, Минск, Воронеж ва бошқа шаҳарлардан 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия эвакуация қилинди. Кўчириб келтирилган олий ўқув юртлари, кўпгина илмий педагогик жамоаларнинг республикада бўлиши Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртларининг бутун ўқув ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини Марказ андозасига яна ҳам яқинлаштириш имконини берди.

Республика олий ўқув юртлари уруш даври мобайнида 11.750 нафар юқори малакали мутахассис, ўрта махсус ўқув юртлари эса 6673 нафар кадр тайёрлади.[4]

---

[1] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.III. — Т., 1985. С. 162.
[2] ЎзР ФАМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд, 55-варақ.
[3] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 43, д. 2118, л. 35—36.
[4] Советский Узбекистан за 40 лет. Стат.сб. — Т., 1964. С. 107.

Уруш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, олий мактаб ривожланиб борди. 1945 йилда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларнинг сони фақат тикланиб қолмасдан, шу билан бирга урушдан олдинги даврга нисбатан 3 тага кўпайди. (Марказдан кўчириб келтирилган институтлар ҳисобига. — *Таҳририят*). Талабалар сони 19.061 тадан 21.195 тага етди.[1]

Уруш халқ таълими муассасалари фаолиятини ҳам мураккаблаштириб юборди. Кўпгина ўқитувчилар ҳаракатдаги армия сафига чақирилди, юқори синфларнинг ўқувчилари ишлаб чиқаришга сафарбар қилинди. Мактаб биноларининг анчагина қисми госпиталларга, эвакуация қилинган ҳарбий қисмларга, болалар уйлари ва ҳарбий-ўқув пунктларига берилди. Натижада республикадаги мактабларнинг умумий сони 1942/43 ўқув йилида 1940/41 йилидагига нисбатан қисқариб, 4795 тадан 4374 тага тушиб қолди. Бинолар ва ўқитувчилар етишмаслиги туфайли кўпчилик мактабларда машғулотлар 3 сменада олиб бориларди. Дарсликлар, ўқув қуроллари ва бошқалар етишмасди.

Лекин барча қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон мактабларининг жамоалари госпиталларни оталиққа олдилар, ярадорлар ҳузурида концертлар қўйиб бердилар, фронтга кетганларнинг оилаларига, уруш ногиронлари оилаларига ёрдам бердилар. Ҳаракатдаги армия жангчилари учун совғалар тайёрладилар, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этдилар.[2]

Оғир синов йилларида ёвуз душманга қарши умумхалқ курашига ўзбек адабиёти ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Ёзувчи ва шоирлар қаламлари билан ёвга қарши курашдилар. Урушнинг иккинчи куниёқ «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида Ойбекнинг «Ёвга ўлим!» деган шеъри босилди. Ўша кунларда «Навоий» романини ёзиш билан банд бўлган шоир халқни уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлар ва мақолалар ёзишга киришди. Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ сингари шоирлар ҳам ҳарбий лириканинг майдонга келишида фаол иштирок этдилар. Ғафур Ғуломнинг ўзбек халқининг буюк фазилатларини тараннум этган «Сен — етим эмассан» ва «Мен яҳудий» каби тарихий шеърлари урушнинг дастлабки йилларида яратилди.

Ҳамид Олимжон уруш йилларида халқ оғзаки ижодидан бошқа мақсадда фойдаланди. У ўз шеърларини халқ шеъриятига яқинлаштириб, унга хос поэтик образлар ва поэтик тилдан истифода қилган ҳолда «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» сингари шеър ва балладаларини яратди. Унинг бу асарлари билан ўзбек шеъриятига

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Стат. сб. — Т., 1967. С. 182; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971 г. Стат. ежегодник. — Т., 1972. С. 287, 291.

[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 17-рўйхат, 902-йиғма жилд, 9-варақ.

халқчил бир руҳ кириб келди ва ана шу руҳ ўзбек шеърияти, хусусан, Ҳамид Олимжон шеърларининг курашаётган халққа айрича таъсир ўтказишига сабабчи бўлди.

Бу давр адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, М.Исмоилий, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Н.Сафаров, Иброҳим Раҳим, З.Фатхуллин, Адҳам Ҳамдам сингари ёзувчи ва журналистлар армия сафларига жалб этилиб, «Қизил Армия», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Суворовчи», «Ватан шарафи учун» сингари ўзбек тилида нашр этилган фронт газеталарида хизмат қилдилар ва юртдошларининг ҳарбий жасоратларини ўз кўзлари билан кўриб, улар ҳақида шеърлар ва очерклар ёздилар. Айни пайтда, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Амин Умарий, Раъно Узоқова сингари шоир ва ёзувчилар ҳукумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб курашаётган юртдошлари билан бевосита жанг майдонида танишдилар. Сўнг улар ҳақида фронт ҳақиқати билан йўғрилган асарларини ёздилар.

Ойбек Иккинчи жаҳон урушининг кўпгина халқлар тақдирида улкан роль ўйнашини сезиб, у ҳақда роман ёзиш иштиёқида бўлди. У шу мақсадда Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек қисмларга бориб, бўлажак қаҳрамонларининг ҳарбий ҳаётини яқиндан ўрганди. 1942 йил декабридан 1943 йил мартининг сўнгги кунларига қадар фронтда бўлди, ана шу сафар чоғида урушнинг аччиқ ҳақиқати билан тўйинган туркум шеърларини ёзди.

Афсуски, ўша йилларда Совет давлати учун катта фалокатлар келтирган уруш ҳақидаги ҳақиқатни айтишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам Ойбек «Қуёш қораймас» романини тугатмай, «Навоий» романи устидаги ишини давом эттирди. 1944 йили мазкур роман нашр этилиб, тез орада уруш даври ўзбек адабиётининг юксак намунаси сифатида эътироф этилди. Ойбек уруш даврида фақат ҳарбий мавзудаги асарлар эмас, балки умуминсоний ғоялар билан тўйинган, халқнинг ҳамиша барҳаёт фарзандлари ҳақида, халқ тарихининг нурли саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий полотнолар ҳам зарур ва фойдали эканини исботлаб берди. Унинг тасвиридаги Алишер Навоий нафақат улуғ шоир ва давлат арбоби, балки шаҳзодалар ўртасидаги ҳисобсиз низолар ва урушларни бартараф этувчи, улус (халқ) манфаатини кўпроқ ўйловчи улуғ инсон сифатида ҳам китобхонларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Энг муҳими, бу асарнинг пайдо бўлиши билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига асос солинди.

Уруш йилларида Ўзбекистон немис фашистлари чангалидан омон қолишни истаган минглаб кишилар учун нажот соҳили бўлди. Фақат уруш етимлари эмас, балки кўплаб ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар ҳам Ўзбекистонга кўчириб кел-

Уруш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, олий мактаб ривожланиб борди. 1945 йилда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларнинг сони фақат тикланиб қолмасдан, шу билан бирга урушдан олдинги даврга нисбатан 3 тага кўпайди. (Марказдан кўчириб келтирилган институтлар ҳисобига. — *Таҳририят*). Талабалар сони 19.061 тадан 21.195 тага етди.[1]

Уруш халқ таълими муассасалари фаолиятини ҳам мураккаблаштириб юборди. Кўпгина ўқитувчилар ҳаракатдаги армия сафига чақирилди, юқори синфларнинг ўқувчилари ишлаб чиқаришга сафарбар қилинди. Мактаб биноларининг анчагина қисми госпиталларга, эвакуация қилинган ҳарбий қисмларга, болалар уйлари ва ҳарбий-ўқув пунктларига берилди. Натижада республикадаги мактабларнинг умумий сони 1942/43 ўқув йилида 1940/41 йилидагига нисбатан қисқариб, 4795 тадан 4374 тага тушиб қолди. Бинолар ва ўқитувчилар етишмаслиги туфайли кўпчилик мактабларда машғулотлар 3 сменада олиб бориларди. Дарсликлар, ўқув қуроллари ва бошқалар етишмасди.

Лекин барча қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон мактабларининг жамоалари госпиталларни оталиққа олдилар, ярадорлар ҳузурида концертлар қўйиб бердилар, фронтга кетганларнинг оилаларига, уруш ногиронлари оилаларига ёрдам бердилар. Ҳаракатдаги армия жангчилари учун совғалар тайёрладилар, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этдилар.[2]

Оғир синов йилларида ёвуз душманга қарши умумхалқ курашига ўзбек адабиёти ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Ёзувчи ва шоирлар қаламлари билан ёвга қарши курашдилар. Урушнинг иккинчи куниёқ «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида Ойбекнинг «Ёвга ўлим!» деган шеъри босилди. Ўша кунларда «Навоий» романини ёзиш билан банд бўлган шоир халқни уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлар ва мақолалар ёзишга киришди. Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ сингари шоирлар ҳам ҳарбий лириканинг майдонга келишида фаол иштирок этдилар. Ғафур Ғуломнинг ўзбек халқининг буюк фазилатларини тараннум этган «Сен — етим эмассан» ва «Мен яҳудий» каби тарихий шеърлари урушнинг дастлабки йилларида яратилди.

Ҳамид Олимжон уруш йилларида халқ оғзаки ижодидан бошқа мақсадда фойдаланди. У ўз шеърларини халқ шеъриятига яқинлаштириб, унга хос поэтик образлар ва поэтик тилдан истифода қилган ҳолда «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» сингари шеър ва балладаларини яратди. Унинг бу асарлари билан ўзбек шеъриятига

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Стат. сб. — Т., 1967. С. 182; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971 г. Стат. ежегодник. — Т., 1972. С. 287, 291.

[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 17-рўйхат, 902-йиғма жилд, 9-варақ.

халқчил бир руҳ кириб келди ва ана шу руҳ ўзбек шеърияти, хусусан, Ҳамид Олимжон шеърларининг курашаётган халққа айрича таъсир ўтказишига сабабчи бўлди.

Бу давр адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, М.Исмоилий, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Н.Сафаров, Иброҳим Раҳим, З.Фатхуллин, Адҳам Ҳамдам сингари ёзувчи ва журналистлар армия сафларига жалб этилиб, «Қизил Армия», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Суворовчи», «Ватан шарафи учун» сингари ўзбек тилида нашр этилган фронт газеталарида хизмат қилдилар ва юртдошларининг ҳарбий жасоратларини ўз кўзлари билан кўриб, улар ҳақида шеърлар ва очерклар ёздилар. Айни пайтда, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Амин Умарий, Раъно Узоқова сингари шоир ва ёзувчилар ҳукумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб курашаётган юртдошлари билан бевосита жанг майдонида танишдилар. Сўнг улар ҳақида фронт ҳақиқати билан йўғрилган асарларини ёздилар.

Ойбек Иккинчи жаҳон урушининг кўпгина халқлар тақдирида улкан роль ўйнашини сезиб, у ҳақда роман ёзиш иштиёқида бўлди. У шу мақсадда Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек қисмларга бориб, бўлажак қаҳрамонларининг ҳарбий ҳаётини яқиндан ўрганди. 1942 йил декабридан 1943 йил мартининг сўнгги кунларига қадар фронтда бўлди, ана шу сафар чоғида урушнинг аччиқ ҳақиқати билан туйинган туркум шеърларини ёзди.

Афсуски, ўша йилларда Совет давлати учун катта фалокатлар келтирган уруш ҳақидаги ҳақиқатни айтишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам Ойбек «Қуёш қораймас» романини тугатмай, «Навоий» романи устидаги ишини давом эттирди. 1944 йили мазкур роман нашр этилиб, тез орада уруш даври ўзбек адабиётининг юксак намунаси сифатида эътироф этилди. Ойбек уруш даврида фақат ҳарбий мавзудаги асарлар эмас, балки умуминсоний ғоялар билан туйинган, халқнинг ҳамиша барҳаёт фарзандлари ҳақида, халқ тарихининг нурли саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий полотнолар ҳам зарур ва фойдали эканини исботлаб берди. Унинг тасвиридаги Алишер Навоий нафақат улуғ шоир ва давлат арбоби, балки шаҳзодалар ўртасидаги ҳисобсиз низолар ва урушларни бартараф этувчи, улус (халқ) манфаатини кўпроқ ўйловчи улуғ инсон сифатида ҳам китобхонларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Энг муҳими, бу асарнинг пайдо бўлиши билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига асос солинди.

Уруш йилларида Ўзбекистон немис фашистлари чангалидан омон қолишни истаган минглаб кишилар учун нажот соҳили бўлди. Фақат уруш етимлари эмас, балки кўплаб ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар ҳам Ўзбекистонга кўчириб кел-

тирилди. Улар орасида таниқли ёзувчилар, танқидчилар, адабиётшунослар, жумладан, А.Ахматова, Н.Вирта, С.Городецкий, А.Дейч, К.Зелинский, Я.Колас, Б.Лавренев, В.Луговской, Н.Погодин, И.Сельвинский, А.Толстой, В.Ян ва бошқалар бор эди. Улар Ўзбекистоннинг адабий ҳаётига жалб этилиб, ижод қилишлари учун барча шароит яратиб берилди. Шу йилларда республика Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган Ҳамид Олимжон ўзининг катта ташкилотчилик истеъдодини намойиш этиб, уларни ўзбек маданияти тараққиёти йўлида ҳам ишлашга сафарбар этди. Зикр этилган ёзувчиларнинг бир қисми ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарини рус тилига таржима қилди. Ҳамид Олимжоннинг ташаббуси асосида Ойбек А.Дейч билан ҳамкорликда «Алишер Навоий» адабий-танқидий очеркини ёзди, Уйғун А.Толстой кумагида «Она» пьесасини, Ҳоди Зариф билан В.Жирмунский «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси» китобини яратдилар. Ойбек Л.Батнинг «Ҳаёт бўстони» қиссасининг майдонга келишига яқиндан ёрдам берди. Шу тарзда Ўзбекистонга вақтинча кўчириб келтирилган ёзувчилар ўзбек ҳамкасблари билан бирга ижод қилиб, уруш даври ўзбек адабиёти, маданияти ва фанининг янада тараққий этишига ўз улушларини қўшдилар.

Драматургия бадиий ижоднинг кенг халқ оммасига таъсир ўтказувчи оммабоп турларидан бўлгани учун уруш йилларида унинг кенг қанот ёзишига алоҳида эътибор берилди. Шу боис республика партия ташкилоти ёзувчиларга ижтимоий топшириқ бериб, у ё бу асарнинг ғоят қисқа бир муддатда яратилиши ва намойиш этилишини ўз назоратига олди. Шунинг учун ҳам урушнинг дастлабки йилларида «Ўзбекистон қиличи» (Н.Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдулла асари), «Қасос» (Туйғун ва Амин Умарий асари), «Даврон ота» (Яшин ва Собир Абдулла асари) каби бир неча драмалар яратилди ва саҳналаштирилди. Драматургия жанговар ва мафкуравий тарғиботнинг қудратли воситаларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам плакат характерида бўлган бу асарлар ўзбек театрлари саҳнасида узоқ яшамади.

Ўзбек ёзувчилари тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳақиқий адабий асар учун даврнинг ўткинчи мавзуси ва ўткинчи қаҳрамонлари эмас, балки халқ хотирасидан мустаҳкам ўрин олган тарихий воқеалар ва тарихий шахслар мавжуд бўлиши, ёзувчилар эса ана шу ёрқин ҳаётий материалга асосланиши лозим. Бу ҳақиқатни теран ҳис қилган ёзувчилар шу йилларда халқимизнинг тарихий ўтмишига мурожаат этиб, курашаётган халқнинг руҳига руҳ, ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшувчи тарихий шахсларни ўз асарлари учун қаҳрамон қилиб олдилар. Уйғун ва Иззат Султон «Алишер Навоий», Ҳамид Олимжон «Муқанна», Мақсуд Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди», Ойбек эса «Маҳмуд Торобий» драмаларида (сўнгги

асар шу номдаги опера либреттоси) ўзбек халқига хос даҳони, босқинчиларга қарши олиб борилган курашнинг жонли тимсолларини бадиий гавдалантиришда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бу асарларда тарихий материал замонавий муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар яратувчи майдон бўлиб хизмат этди.

Шундай қилиб, уруш даври ўзбек адабиёти халқ ва армияни душман устидан эришилажак ғалабага сафарбар этиш, халқнинг руҳий қудратини рўёбга чиқариш, оламшумул тарихий воқеаларга оз бўлса-да таъсир ўтказишга қодир куч эканлигини намойиш этди.

Ўзбекистоннинг театр ва мусиқа санъати арбоблари ҳам фашизмга қарши фаол курашчилар сафида бўлдилар. Уруш даври шароитида Ўзбекистонда 51 та театр (шундан 35 таси маҳаллий ва 16 таси эвакуация қилинган театрлар эди) ишлади, шу жумладан, Ҳамза номидаги Академик театр, А.Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри (бу театрнинг янги биноси уруш йилларида қурилган эди), М.Горький номидаги рус драма театри ва бошқа театрлар иш олиб борди. Бу театрлар саҳналарида томошабинлар олқишига сазовор бўлган спектакллардан К.Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга» ва «Офтобхон», И.Султоннинг «Бургутнинг парвози», Ҳ.Олимжоннинг «Муқанна», Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий», С.Абдулла ва Чустийнинг «Қурбон Умаров», Ҳ.Олимжон, Уйғун ва С.Абдулланинг «Ўзбекистон қиличи», Туйғун ва А.Умарийнинг «Қасос», Исмоилзоданинг «Фарзанд» ва бошқалар қўйилди. Умуман, 1941 йил июлдан 1944 йилгача Ўзбекистон театрлари 203 та янги постановка қўйдилар, 13568 та спектакль ва концерт кўрсатдилар, 6.667.303 томошабинга хизмат кўрсатдилар.[1]

Ўзбекистон театр жамоалари, санъат усталари ҳарбий оталиқ ишларида фаол иштирок этдилар, ҳарбий қисмларга, госпиталларга, ишлаб чиқариш корхоналарига, деҳқончилик хўжаликларига, халқ қурилишларига бориб, чиқишлар қилдилар. Уруш йилларида республика санъат ходимлари 30 дан ортиқ концерт бригадалари таркибида фронтларда ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ концерт, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисмларида ва госпиталларда 26 мингта концерт бердилар.[2] Бу концерт бригадалари таркибида Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Мукаррама Турғунбоева, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Гавҳар Раҳимова, Муҳиддин Қори Ёқубов, Карим Зокиров, Шукур Бурҳонов ва ўзбек санъатининг бошқа арбоблари иштирок этдилар.

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 19-рўйхат, 946-йиғма жилд, 79-варақ.

[2] *Воскобойников Э.А.* Узбекский народ в годы Великой Отечественной войны.— Т., 1947. С. 38.

Маданият арбобларининг ватанпарварлик кўтаринкилиги мусиқа ижодкорлигида ҳам яққол намоён бўлди. Т.Содиқов, Д.Зокиров, Т.Жалилов, Н.Ҳасанов, М.Бурҳонов, Ю.Ражабий, М.Ашрафий ва бошқаларнинг асарларида эпик қудратга эга бўлган мусиқий образлар, қаҳрамонлик оҳанглари, муҳаббат, дўстлик, садоқат сингари юксак мавзулар билан уйғунлашиб кетган эди.

Ватанпарварлик ва инсонпарварлик мавзулари тасвирий санъатнинг барча жанрларида асосий ўрин эгаллади. Уруш ва мамлакат ичкариси қаҳрамонларининг ҳайкалтарошлик ва рангтасвир портретлари, аскарлар ва партизанларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи полотнолар, душманни фош қилувчи карикатура, жанговар, даъваткор плакатлар инсоний эҳтиросни акс эттирди. А.Абдуллаев, Ч.Аҳмаров, Ў.Тансиқбоев, М.Набиев, О.Татевосян, В.Уфимцев ва бошқаларнинг асарлари жаҳон уруши бадиий йилномасига муҳим ҳисса қўшди.

Ватанпарварлик мавзуси ҳужжатли ва бадиий кино санъатида ҳам етакчи мавзу бўлиб қолди.

Ўзбек киноматографияси ходимлари уруш йилларида қисқа метражли фильмлар туркумини — киноновеллалар, киноҳикоялар, очерклар, сатирик саҳначалар, шунингдек, фронт жангчилари учун махсус фильм-концертлар — «Фронтдаги дўстлар», «Ватан армуғони», «Фронтга концерт» ва бошқаларни яратдилар. Киножурналлар саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, халқ ирригация қурилишлари меҳнаткашларининг ишини, фан ва маданият, санъат ходимлари фаолиятини акс эттирди. Ҳужжатли фильмлар студияси ҳар бир кино журналдан олинган нусхаларни мунтазам равишда фронтга юбориб турди. Бир қатор қисқа метражли ва бадиий фильмларда Ўзбекистон жангчиларининг уруш фронтларидаги қаҳрамонона жасоратлари ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Тошкент студиясида эвакуация қилинган таниқли кинематографлардан Я.Протазанов, Л.Д.Луков, Е.Габрилович, И.Е.Хейфиц, Н.А.Зархи ва бошқалар ижод қилишди. Машҳур ўзбек режиссёрлари И.Аъзамов, Н.Ғаниев, К.Ёрматов, С.Муҳамедовлар билан биргаликда улар 10 та овозли бадиий фильм яратдиларки, бу фильмлар республика кинематографиясининг олтин хазинасига кирди. Улар орасида «Сухе-Ботир», «Икки жангчи», «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра» фильмлари халқ оммасининг меҳрини қозонган эди.

Умуман, республиканинг оғир уруш давридаги маънавий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларига баҳо берганда шуни айтиш керакки, уруш йиллари яратилган бадиий асарлар ўлка аҳолиси ҳаётидаги инсонпарварлик фазилатларини улуғлашга қаратилган эди.

Бадиий ва илмий ижодда инсонпарварлик асосларига бўлган эътибор бу қадар кучайишига имкон берган муҳим омил урушнинг бошланғич даврида мустабид тузумнинг мафкуравий таз-



Кинорежиссёр Наби Ғаниев «Насриддин Бухорода» бадиий фильмини суратга олиш жараёнида. Тошкент, 1946 йил.

йиқлари бирмунча заифлашиб қолганлиги эди. Инсонпарварлик йўналишидаги асарларда «доҳийлар» шаънига мақтовли сўзлар айтишга, дабдабабозликка, расмиятчиликка тобора кам-роқ ўрин берила бошланди. Урушнинг боришида бурилиш бошланиши биланоқ, юқори табақаларда мафкура фронтида партия раҳбарлигига «етарли баҳо бермаслик» ва унинг заифлашиб қолганлиги, омма орасида ғоявий-сиёсий ишларга етарли эътибор берилмаётганлиги тобора кўпроқ сезила бошлади. Айниқса, юқори доираларда халқимизнинг «инқилобдан олдинги» ўтмишидан фахрланиши норозилик уйғотган эди. Бунга тегишли жавоб таъсири содир бўлди. Бир қатор директив қарорлар қабул қилиниб, уларда иттифоқдош республикаларнинг кўпчилигида тарихчилар ва ёзувчилар «феодал ўтмишни марксча-ленинча илмий таҳлил қилиш» ўрнига уни идеаллаштиришга маҳлиё бўлганликлари кўрсатиб ўтилди. «Айбдорлар» орасида Ўзбекистон ҳам тилга олинган эди. «Очиб ташланган камчилик»ларга берилган баҳонинг «тўғрилиги»ни текшириш учун Ўз КП(б) МҚнинг махсус комиссияси тузилди. Бу комиссиянинг «аниқлашича», республика ижодий зиёлиларининг айрим намояндалари ҳақиқатан ҳам партия амалга ошириб келаётган йўлга зид ўлароқ «инқилобдан олдинги ўтмишни идеаллаштиришга ва эски маданият олдида қулларча сажда қилишга йўл қўйганлар».

Бироқ мафкура соҳасидаги қаттиққўлликка қарамай, Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари уруш йилларида ўзбек халқи-

Мамлакат ичкарисидаги мислсиз ватанпарварлик ёлчиб овқат емаслик, тўйиб ухламаслик ва ҳаддан ташқари толиқтирувчи оғир меҳнат эвазига намоён бўлди. Меҳнатга қобилиятли кишилар билан бир қаторда кексалар ва ўсмирлар ҳам меҳнат қилишди. Тинкаси қуриган одамлар кўп ҳолларда касал бўлишар, шифокорлар ва дори-дармонлар ниҳоятда етишмасди. Ана шундай шароитда 1943—1944 йилларда республикада тошма ва ич терлама эпидемияси пайдо бўлди ва авж олди. 1945 йилда эса, ўлат касали тарқалди. Халқнинг мамлакат ичкарисидаги йўқотишлари фронтлардаги йўқотишлардан қарийб уч баравар кўп бўлди. Уруш йилларида ана шу ва бошқа касалликлардан, очлик ва сурункали ёлчиб овқат емаслик, ҳолдан тойдирадиган оғир меҳнат натижасида Қорақалпоғистонда 90 мингдан ортиқ киши вафот этди.

Натижада, ярим миллион аҳолига эга бўлган республика уруш йилларида 124 мингдан ортиқ кишидан ажради, яъни ҳар тўрт кишидан бири ҳалок бўлди. Бу инсоний йўқотишлар Белоруссиянинг ва урушдан янада кўпроқ зарар кўрган давлатларнинг йўқотишлари билан тенг қиёсласа бўладиган йўқотишлар эди. Қорақалпоғистон аҳолисининг урушдан олдинги даражасига фақат уруш тамом бўлгандан кейин орадан 15 йил ўтгач, яъни 1959 йилдагина эришилди.[1] Чунки уруш йилларида ўн мингларча ёш эркаклар ва аёлларнинг ҳалок бўлиши аҳолининг табиий ўсишига бевосита таъсир кўрсатган эди.

Шундай қилиб, 1941—1945 йилларда мустабид тузум сиёсий раҳбарияти йўл қўйган хатолар сабабли бошланган уруш натижасида иттифоқнинг барча халқлари қатори Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқлари ҳам даҳшатли хун тўладилар.

---

[1] Народное хозяйство Каракалпакской АССР. Стат. сб. — Нукус, 1971. С. 7.

Учинчи боб

Ўзбекистон 1946—1985 йилларда: мустабид тузум асосларига дарз кетиши

1. УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТИКЛАШДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Беш йил давом этган машаққатли урушнинг ғалаба билан тугалланиши келажакка катта умид уйғотди, бутун куч-ғайратни фақат тинч ҳаёт маромини тиклашга, иқтисодиётни тинч ҳаётга мослаштиришга, уруш оқибатларини барҳам топтиришга йўналтириш имконини берди. Вазифа ниҳоятда мураккаб эди ва уни урушдан кейинги ғоятда оғир (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий) шароитда ҳал этиш лозим эди. Республика тинч ҳаётга ишлашга мослашаётган саноат учун, аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш учун ёқилғига, электр қувватига, хом ашёга катта эҳтиёж сезарди, шунингдек, малакали ишчилар ва муҳандис-техник кадрлар етишмасди. Бунинг устига Ўзбекистон Россия, Украина, Белоруссиянинг урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашда ҳам ёрдам бериши керак эди. Шу боисдан ҳам биринчи навбатда республиканинг умумий аҳволини, табиий-иқлим шароитини, миллий анъаналарини, халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ дастурини белгилаб олиш талаб қилинарди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Чунки мустабид тузум ҳукмрон бўлган мамлакатда (Ўзбекистон унинг таркибий қисми эди) империяча-мустамлакачилик режими, қаттиқ марказлаштирилган бошқарув тизими ҳукмрон бўлиб, у республиканинг ҳуқуқсиз аҳволини янада мустаҳкамлаб, унинг ижтимоий ривожланишини тўла-тўкис метрополия манфаатларига боғлиқ қилиб қўйган эди.

Уруш йилларида ҳукмрон партиянинг сиёсий мавқеи янада ошди, у ҳақиқатда давлат устидан мутлақ ҳукмрон бўлган органга айланиб, диктаторлик билан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодий соҳада ҳам ўзининг маъмурий-буйруқбозлик — тақсимлаш сиёсатини ўтказа бошлади. Совет империясининг республикалари «социалистик» халқ хўжалик тизимининг ягона тугунига қаттиқ боғлаб қўйилган бўлиб, унинг иродасини сўзсиз бажарар эдилар. Шулар қаторида Ўзбекистон ҳам ўз ҳудудидан анча узоқда, унинг имкониятлари ва миллий манфаатларини мутлақ ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар исканжасига олинганди.

Урушдан кейинги халқ хўжалиги қурилишининг (у аввал бошданоқ яроқсиз эди) ўзига хос хусусияти узоқ муддатли режалаштиришни беш йиллик режа билан бирга қўшиб олиб боришдан иборат бўлди. У большевизмнинг социалистик қурилиш ва социализмнинг табиати тўғрисидаги волюнтаристик ақидапарастлик концепциясига, унинг коммунизмга «сакраш»-дан иборат хаёлий ғоясига асосланган эди. Мустабид давлат иқтисодий сиёсатининг яқин 15 йилга мўлжалланган асосий йўналиши, масалан, (урушдан олдинги даражага нисбатан) саноат ишлаб чиқаришини уч бараварга оширишни, озиқ-овқат ва хом ашё ресурсларининг мўл-кўллигини таъминлашни назарда тутган эди. Бу ноилмий лойиҳада яна илгаригидек Ўзбекистонга СССР пахта мустақиллигининг гаранти сифатида асосий ўрин ажратилди. Бироқ уни амалга ошириш учун мамлакатнинг ҳам, хусусан, барча ришталар билан Марказга маҳкам боғлаб қўйилган ҳуқуқсиз миллий республиканинг ҳам, ўша йилларда ва ундан кейинги йилларда реал имкониятлари йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Шу билан бирга партократларнинг улкан режаларида Ўзбекистон хом ашё етказиб берувчи ёрдамчи вазифанигина бажарди. Бироқ бу жараён тугалланмаган технологияга асосланганлиги учун иқтисодиётни фақат бир томонлама ривожлантириб, республикадаги бой хом ашё ресурсларини тайёр маҳсулотга айлантириш имконини бермасди. Бу ҳол миллий-ижтимоий дастурларнинг ривожланишини орқага сурарди, чунки бундай шароитда аҳолининг бандлиги муаммосини амалда ҳал қилиш, унинг иш билан таъминлаш, улар учун муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини яратиб бериш мумкин эмасди.

Мустамлакачи сиёсат, раҳбариятнинг тафаккурига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан қайта қуриш ва уни аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш учун биринчи навбатда саноат ишлаб чиқаришини, асосан қишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган бўлиши, бунда республиканинг давлатнинг асосий пахта базаси сифатидаги анъанавий ўрни ҳақидаги қатъий қарор ҳисобга олиниши зарур эди. Лекин бу ўринда республиканинг унинг аҳолисининг ҳам миллий-тарихий хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари эътиборга олинмади.

Саноатни тинч ҳаётга мослаб қайта қуриш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлди, у халқнинг ҳисобсиз моддий ва жисмоний харажатларини талаб қиларди. Уруш тугаган вақтга келиб Ўзбекистонда ҳам мустабид тизим мустаҳкам ўрнашган ва янада шижоат билан амал қилаётган эди. Натижада, шу йиллардан бошлаб у жамиятни янги куч билан ривожланиш жараёнларини издан чиқара бошлаган, сусайиш механизми янада авж олаётган эди. Қаттиқ марказлашган бошқарув тизими,

юқоридан раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари энг самарали иқтисодий омиллардан кенг фойдаланиш имконини бермас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг беш йиллик режаларини тузиб чиқиш вақтида хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш, ижара принциплари, хўжалик фаолиятида ташаббус ва ижодкорлик жиҳатларини таъминлайдиган, ижобий натижалар берадиган бошқа шакллари ҳаракатга келтирилмаган ва ҳисобга олинмаган эди.

Шу билан бирга, иқтисодиётда мутаносиблик бузилган, катта моддий воситалар, омилкор малакали кадрлар ва ҳоказолар етарли бўлмаган бир шароитда, одатдагидек яна совет империя тузуми манфаатларини кўзлаб Ўзбекистон олдига амалга ошириб бўлмайдиган вазифалар, жумладан, қисқа муддатларда пахтачиликни, айниқса, пахтани йиғиб-териб олишни комплекс механизациялашни тугаллаш вазифаси қўйилди.[1]

Республика саноатини, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш пахтачилик манфаатларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди ва у «пахта учун кураш»нинг таркибий қисмига айлантирилди. Бундай шароитда пахтачилик ва ирригация қурилиши учун машиналар, шу жумладан, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит экиш сеялкалари, кўрак териш машиналари, экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган машинасозлик заводларини қайта қуриш ва янги заводларни яратиш юзасидан катта ишларни авж олдириб юбориш кўзда тутилди.

«Тошқишлоқмаш» заводига пахтага бирламчи ишлов бериш ва пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш, «Тоштўқимачиликмаш» заводига — тараш машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш топширилди.

Мустабид тузум пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида бир қатор машинасозлик заводларни («Тошқишлоқмаш», «Ўзбекқишлоқмаш», «Красный двигатель», «Подъёмник» ва бошқалар) тракторлар учун тиркама механизмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирди, қишлоқ хўжалик хом ашёсини (асосан пахтани ва чорвачилик маҳсулотларини) қайта ишлайдиган корхоналарга айлантирди, шунингдек, ёғ ишлаб чиқариш корхоналари, тўқимачилик ва бошқа корхоналарни ташкил этди. Пахтачиликни ривожлантириш даражасини ошириш мақсадида Чирчиқ электр кимё комбинати ҳарбий буюртмаларни бажаришдан қисқа муддатларда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Енгил ва маҳаллий саноат корхоналари кенг миқёсда хилма-хил буюмлар (землесослар, бороналар, куч трансформаторлари ва ҳоказолар) ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Республиканинг

---

[1] Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 2. — Т., 1988. С. 364.

энергетика ва ёқилги базаси анча-мунча кенгайтирилди. Буларнинг ҳаммаси бир мақсадда, яъни хом ашё етиштиришни кўпайтириш учун қилинди.

Бироқ республика саноатини, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тубдан қайта қуриш тўла маънода амалга ошмади. Чунки урушдан силласи қуриб чиққан давлат учун халқ хўжалигининг барча соҳаларини қайта қуриш мушкул эди. Лекин мустабид тузум ҳокимият тузилмалари, оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, ташвиқот, тарғибот ва ҳоказолар)нинг бутун силсиласи халқ хўжалигини қайта қуришда социализм имкониятлари чексиз эканлигини тарғиб қилишга сафарбар қилинган бўлиб, улар халқ оммасининг онгига мафкуравий жиҳатдан «ишлов» беришга ва алдашга, уни «ёрқин келажакка» ва белгиланган марраларга эришишнинг муқаррарлигига ишонтиришга йўналтирилган эди. Шу билан бирга, мустабид тузум белгиланган маррага етиш учун Ўзбекистон халқларига замон «синови»дан ўтган яна «гайкаларни бураш» усуллари, сабр-тоқат қилиш, «камарларни қаттиқроқ боғлаш», «социалистик мусобақалар» ва бошқа воситалар зўр бериб тиқиштирилар эди.

Қўлланилган бу усуллар барибир натижа бермади, кўзлаган маррага эришилмади. Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари барча мезонлари (миллий даромад, меҳнат унумдорлиги ва ҳоказолар) бўйича умумиттифоқ даражасидан кўп марта пастлигича қолаверди. Бунга ишлаб чиқариш воситаларининг бевосита ишлаб чиқарувчилардан бегоналаштирилиши, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорликнинг йўқлиги, мустақиллик ва тадбиркорликнинг етишмаслиги, ажратилган маблағлардан самарасиз фойдаланилиши сабаб бўлди, натижада капитал қурилиш режаларининг мунтазам барбод бўлишига олиб келди. Республика саноати одатда «ялпи» маҳсулот учун ишларди, миқдор кўрсаткичлари сифат кўрсаткичларидан, иккинчи даражали маҳсулот чиқариш асосий маҳсулот ишлаб чиқаришдан устунлик қиларди. Саноат ишлаб чиқариши суръатларининг мунтазам қисқариб боришидан иборат барқарор тамойил одат тусига айланди. Агар 1950 йилда саноат ишлаб чиқариш суръатлари 171%ни ташкил этган бўлса, 1955 йилда 161, 1960 йилда 120%ни ташкил этди ва ҳоказо.[1]

Ишлаб чиқариш техникаларини ва технологияларини ривожлантириш эътибордан четда қолди, унинг даражаси талабга жавоб бермай қўйди. Қўл меҳнатининг улуши бир қатор саноат тармоқларида асосий ишлар бўйича 40—70%ни ташкил қилди. Ҳатто республика енгил индустриясининг Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари каби гигантларининг ҳам техника билан таъмин этилиши 50%дан ошмасди.[2]

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР. Стат. сборник. — Т., 1959. С. 26.
[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 22-рўйхат, 918-йиғма жилд, 29-варақ.

Бироқ саноатни ривожлантиришдаги сезиларли натижалар жуда катта куч-ғайрат сарфлаш ва маҳрумликлар, халқнинг оғир меҳнати эвазига қўлга киритилди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда 150 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилган эди. Улар орасида Бекобод металлургия, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари ва бошқа корхоналар бор эди. Янги нефтни қайта ишлаш корхоналари қурилди, Олмалиқ мис эритиш комбинатининг қурилиши бошлаб юборилди. Республика учун янги бўлган — газ, олтин қазиб чиқариш ва бошқа тармоқлар вужудга келди. Ўзбекистонда урушдан кейинги қурилишнинг муҳим объектлари — Фарҳод, Оққовоқ, 2-Бўзсув гидроэлектр станциялари ва ҳоказолар бўлди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, металлга ишлов бериш ва кимё саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилди.

Шу билан бирга, Совет давлати маблағларни Ўзбекистон учун ноанъанавий бўлган тармоқларга (аввало оғир саноатга — унинг салмоғи 1950 йилда 1940 йилдаги 13,5% ўрнига 47,2%га етди)[1] йўналтириши, уларни ривожлантириш суръатларининг кескин ошириши, республика ва унинг ижтимоий соҳалари манфаатларидан ажралиб қолишига олиб келди. Натижада халқ хўжалигининг бир қатор кўрсаткичлари (аввало аграр сектор кўрсаткичлари) бўйича маҳсулдорликнинг қисқариши ва жиддий равишда орқада қолишига олиб келди, бу эса мустабид тузумга хос бўлган қўшиб ёзишлар, коррупция, бошқа салбий ҳодисалар учун субъектив шарт-шароитлар билан бир қаторда объектив шарт-шароитлар ҳам яратдики, улар иқтисодиётни ривожлантиришнинг кенг миқиёслилиги ва сунъий равишда жадаллаштирилиши билан, шунингдек, кадрларнинг кескин равишда етишмаслиги билан боғлиқ эди. Бироқ, шунга қарамасдан, урушдан кейинги дастлабки йилларда республика олдига қўйилган тинч ҳаётга ўтиш вазифалари бажарилди: корхоналарнинг асосий қисми тинчлик даври учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтди, жамият ҳаётининг тинчлик шароитига ўтиши билан боғлиқ бўлган масалалари қисман ҳал қилинди.

Урушнинг оғир оқибатлари ва бунга қўшимча Марказ якка-ҳукмронлигининг тобора кучайиб бориши халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади. Бу ҳол биринчи навбатда саноат учун хом ашё, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган муҳим тармоқ (асосан пахта етиштирадиган) қишлоқ хўжалигига тааллуқли эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкилий-хўжалик жиҳатидан ўта заифлашиб қолган эди, меҳнат ресурслари қисқарган, пах-

[1] Экономическая история советского Узбекистана (1917—1965 гг.). — Т., 1966. С. 236.

та ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш камайиб кетган эди. Бироқ бутун халқ хўжалигида бўлгани каби, республика аграр секторини қайта қуриш йўналишлари ҳам метрополия томонидан кўрсатиб бериларди, у эса Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини ривожлантириш йўлини қатъий қилиб белгилаб қўйган эди.

Уруш тамом бўлгандан кейин кўп ўтмай (1946 йил феврал) марказий сиёсий раҳбарият махсус қарор қабул қилиб, унда Ўзбекистонда 1946—1953 йиллар даврида пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш соҳасидаги режалар ва тадбирларни белгилаб берди. Марказнинг бу ҳужжати, Ўзбекистон халқлари манфаатларини асло ҳисобга олмаган ва мажбурий хусусиятга эга бўлган қарор эди. Юқоридан юборилган қарорлар одатда Ўзбекистонда муҳокама қилиб ўтирилмасди, балки амалдаги дастурий ҳужжат сифатида унинг бажарилишига доир тадбирлар ишланиб, «ҳаракатга йўлланма» берилар эди.

Республика қишлоқ хўжалигини қайта қуришдаги асосий мезон пахта экиладиган майдонларни изчиллик билан кенгайтириб бориш ва умумий экин экиладиган майдонларда унинг салмоғини оширишдан иборат эди. Маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига суғориладиган ерларда дон экинлари экишни қисқартириш ва бу экинларни бошқа ерларга кўчириш, чигит ва беда учун суғориладиган ерлардан 218 минг гектарини бўшатиш чораларини кўриш вазифаси юкланган эди.

Пахта экиш режа-топшириқлари юқоридан мажбурий тартибда белгиланарди ва республика вилоятларига юборилларди. Масалан, 1946 йил учун Тошкент вилоятига 86 минг га, Фарғона вилояти учун 108 минг га, бутун республика бўйича эса 779 минг га ерга чигит экиш ҳақидаги топшириқлар Марказдан келган эди.

Пахта экиладиган майдонларнинг тўхтовсиз ошириб борилиши республикада чорвачиликни ривожлантиришга ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга тўғаноқ бўлди, бу эса Ўзбекистон аҳолисининг, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволига салбий таъсир қилди. Марказнинг республика қишлоқ хўжалигига ана шундай бир томонлама ва волюнтаристик ёндашуви жамоат хўжалигини ҳар жиҳатдан кўп тармоқли бўлиб ривожланишига тўсқинлик қилди, унга фақат мустамлакачилик хусусиятини бағишлади.

Пахтачиликни сунъий равишда жадал юксалтириш мустабид тузумнинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришдаги устивор йўли бўлиб, унинг бир томонлама ривожланишини мустаҳкамлади. Бу ҳол республика ҳаётига кўпгина салбий хусусиятларни олиб кирди: республиканинг олға томон ривожланиши мунтазам секинлашиб борди, иқтисодиётда бузилиш ва турғунлик жараёнлари бошланди, экологияга путур етди, аҳолининг турмуш даражаси ва саломатлиги ёмонлашди.

Бироқ ҳаёт давом этаверди, Ўзбекистон халқи жуда катта куч-ғайрат сарфлаш ва муҳтожликларга қарамасдан, урушдан кейинги қийинчиликларга барҳам берди ва сиёсий раҳбариятнинг янги-янги катта миқёсли «йўл-йўриқлари»ни амалга оширишда фидокорона меҳнат қилишдан тўхтамади.

2. СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ ЯНГИ ПАЛЛАСИ

40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошларида мустабид тузум «мафкура майдони»да кенг ҳужумни авж олдириб, ўзининг асосий зарбасини бошқача фикрловчи ижодкор ва илмий зиёлиларга, «КПСС тарихи»да ёзилганидек, «буржуа қарашлари ва нуқтаи назарлари қолдиқларига, реакцион буржуа маданиятига танқидий баҳо бермасликка қарши, фан, адабиёт ва санъатда марксизм-ленинизмдан чекинишларга қарши» қаратди. Ана шу даврда ВКП(б) МҚ адабиёт ва санъат масалалари юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилган бўлиб, уларда мамлакат ижодкор зиёлиларининг кўпгина вакиллари ўз асарларида «ғоясизлик»ни тарғиб қилганликлари, «адабиёт ва санъатни сиёсатдан ажратиб қўйишга уринганликлари» учун, бадиий ижоддаги партиявийлик принципларидан узоқлашганликлари учун бадном этилади. Партия МҚ ташаббуси билан фалсафа ва иқтисодий фанлар бўйича мунозаралар уюштирилди, улар ўша давр руҳида ўтди. Партия мафкура муассасаларининг кўрсатмаси билан мунозараларда ўз асарларида «марксизм-ленинизмнинг асосий принципларидан» чекинишга йўл қўйган ижтимоий фанлар вакиллари, уларнинг қарашларидаги субъективизм ва шу кабилар танқид қилинди. Партия МҚнинг «мафкуравий масалаларга доир» бу йўл-йўриқлари ва уларнинг амалда рўёбга чиқарилиши адабиёт, санъат ва ижтимоий фанларни демократик асосда ижодий ривожлантиришга кўп йиллар мобайнида тўсиқ бўлди, жойларда ижодкор ва илмий зиёлиларнинг бошқача фикрловчи вакилларини йўқ қилишга олиб келди. Бу ҳалокатли жараёндан Ўзбекистон ҳам четда қолмади. ВКП(б) МҚ директиваларини амалда рўёбга чиқариш жараёнида «миллатчилик»ка қарши кураш ниқоби остида 40-йиллар охири — 50-йилларнинг бошларида мустабид тузум ва унинг мафкуравий муассасалари ўзбек халқининг маданий меросига ҳужум қилишни кенг авж олдириб юбордилар, бадиий ва илмий зиёлиларнинг бир қатор вакилларига қарши ваҳшийларча бедодлик қилдилар.

Мавзуга оид тарихий ҳужжат

Мустабид Совет давлати иттифоққа қўшиб олинган барча миллат ва миллий республикаларнинг иқтисодий ва маданий тенгсизлигини бартараф қилиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширган бўлса-да, асли-

да «енг ичида» бу халқларга қарши, уларни камситиш, иттифоқ таркибида мажбуран ушлаб туриш, уларга ишонмаслик, уларни назорат қилиб туриш сиёсатини олиб борди.

Қуйида, юқоридаги фикримизга далил сифатида Совет давлатининг ўзига қарам бўлган ҳудудларда, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада ташкил қилинган социалистик мамлакатларда қатъий амал қилинадиган йўриқномасидан парча келтирамиз:

(Москва, 06, 1947; Приказ НК (003) 47)

...

5. Барча партия ва ташкилотларни бирлаштиришга шошилиш керак ва, шундай қилиш керакки, махфий хизматимиздаги кишилар муҳим лавозимларни эгалласинлар...

7. Халқ депутатлари сайлаган партсъезд делегатлари ўз мандатларини охирги муддатигача сақлаб қололмаслигини уюштириш ва кузатиб бориш керак. Депутатлар бир неча корхоналарнинг биргаликдаги мажлисини ўтказишларига мутлақо йўл қўйилмасин. Агар бундай мажлислар барибир ўтказиладиган бўлса, унда келгуси режалар билан астойдил қизиқувчи ва талабномалар билан чиқувчи кишиларни қамаб қўйиш зарур. Барча кенгашларга янги вакиллар сайланиши ва улар қатъиян махфий хизматимиз тавсия қилган кишилардан иборат бўлиши шарт.

8. Ташкилотчилик қобилиятига эга ва халқ орасида машҳур бўлган кишиларга алоҳида эътибор бериш керак. Бундай кишиларни ёллаб олишга уриниш зарур, мабодо рад этишаркан, уларнинг юқори лавозимлар томон йўлини тўсиб қўйиш лозим бўлади.

9. Шундай бир вазият яратиш керакки, давлат хизматчиларининг даромадлари (махсус хизмат ва ҳарбий саноатдан ташқари) жуда оз миқдорни ташкил этсин. Бу аввало соғлиқни сақлаш, суд ва мактабларга, бундан ташқари, барча раҳбар ходимларга тааллуқлидир.

10. Бошқармалар ва кўпгина корхоналар идораларидаги барча лавозимларга (жойлардаги ҳукумат органлари билан келишувсиз) махсус хизматингиз билан ҳамкорликда бўлган кишиларни тайинлаш зарур...

14. Ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий буйруқлар ва қарорларда албатта ноаниқ қисмлар мавжуд бўлиши учун барча ҳаракатларни қилиш керак.

15. Шундай қилиш керакки, ҳар қандай масала билан бир пайтнинг ўзида бир қанча қўмиталар, муассасалар ва ташкилотлар шуғуллансин, аммо уларнинг бирортаси корхона фаолиятига ёрдам бериш ҳуқуқига эга бўлмасин. Раҳбарларнинг хизмати фақат топшириқларни бажариш билан чегараланиши керак.

16. Мустақил корхоналарнинг раҳбарларида шу корхона ишларига таъсир ўтказа олиш ҳуқуқи ҳаргиз бўлмаслиги лозим. Раҳбариятнинг хизмати фақат буйруқни бажаришдан иборат қилиб қўйилсин.

17. Ҳеч бир ҳолда ҳам касаба ташкилотлари ўзини корхона раҳбариятига қарши қўя оладиган ҳуқуқларга эга бўлмаслиги керак. Уларни бошқа ишлар билан, масалан, бўш вақт ва таътиллар уюштириш, пенсия, кредит аризаларини ҳал қилиш, саёҳатлар, маданий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказиш, камёб молларни тақсимлаш сингари юмушлар билан банд қилиб қўйиш керак. Улар сиёсий раҳбарият қарорларини ёқлаб чиқишлари ва тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

18. Ўз вазифаларини тиришқоқлик билан бажарадиган, аммо фаолият доирасига кирмайдиган муаммоларни таҳлил қила олмайдиган раҳбарларгина хизмат бўйича кўтарилишлари учун ҳаракат қилиш керак бўлади.

19. Партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлаётган туб ерли кишиларни шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қул остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврларига қайтиш учун ҳам имконлари қолмасин.

20. Фақат махсус хизматимиз одамлари бор жойлардагина маҳаллий офицерларнинг юқори лавозимгача кўтарилишига йўл қўйиб бериш мумкин.

21. Қўшин туринининг қандайлигига қарамасдан, барча қуролли тадбирларда патронларнинг аниқ ҳисоби юритилсин.

22. Барча илмий текшириш институтлари ва лабораторияларни доимий кузатиб бориш зарур...

24. Қандайдир товарларни етказишда узилишлар бўлишига эришиш лозим (НК552-46 сонли буйруқда кўрсатилган товарлар бундан мустасно).

25. Саноат корхоналарида мажлислар уюштирилиб, шу соҳага тегишли ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинишини ташкиллаштириш керак. Бунда таклиф ва мулоҳазаларни ҳам, уларни киритган кишиларни ҳам қайд этиб бормоқ зарур.

26. Ишлаб чиқаришнинг қизғин масалалари ҳақида, ўтмиш ва маҳаллий турмушни танқид қилишга имкон берадиган ишлар тўғрисида гапирадиган ишчиларни қўллаб-қувватлаш лозим. Камчиликларни юзага келтирган сабабларнинг барҳам топишига йўл қўймаслик керак.

27. Маҳаллий аҳоли орасидан етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий буёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак.

28. Шундай қилиш керакки, шаҳарлардаги тикланишлар ва янги қурилишлардан кейин умумий водопровод системасига кирмайдиган сув қувурлари тармоғи пайдо бўлмасин. Ягона сув қувурлари тармоғига кирмайдиган қудуқ ва қувурларни доимий равишда йўқ қилиб бориш керак.

29. Саноат объектларини тиклаш ва қуриш чоғида ишлаб чиқариш чиқиндилари аҳоли ичадиган сув ҳавзаларига тушадиган бўлиши учун ҳаракат қилиш лозим.

30. Хусусий корчалонлар ва ҳунармандларни шундай машиналар ва хом ашё билан таъминлаш керакки, сифатли маҳсулот тайёрлашларининг имкони бўлмасин. Уларнинг маҳсулотлари нархи давлатникидан юқори бўлиши керак...

32. Барча соҳаларда мумкин қадар кўпроқ маъмурий бошқарувларни тақдирлаш керак. Бошқарувни танқид қилишга йўл қўйилади, аммо маъмурий бошқарувчиларни қисқартиришга, уларнинг кўнгилдагидай ишларига тўсқинлик қилишга ҳеч бир йўл қўйилмасин...

34. Черковга алоҳида диққатни қаратиш лозим. Маданий ва тарбиявий ишларни шундай ташкил қилиш керакки, натижада диний қадамжоларга нисбатан нафрат ҳисси пайдо бўлсин, черков адабиётини, архивни, диний таълим ишларини ва ҳатто кўмиш маросимларини ҳам кузатиб ва текшириб бориш керак.

35. Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал, ўрта ва олий

ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак. Фанлар орасидаги фарқ текислаб юборилиши, оригиналлар нашри чекланиши, лотин ва эски грек тиллари, умумий философия, мантиқ ва генетика фанларининг ўтилмоғи тўхтатилиши шарт. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлар кимлар ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чегаралаб ўтилиши керак.

36. Маҳаллий халқнинг чет элликлар босқинига, айниқса немис босқинчиларига қарши курашига бағишланган (русларга қарши курашни четлаб ўтиб) ва социализм учун курашни мадҳ этувчи маданий-соғломлаштириш тадбирларини қўллаб-қувватлаш лозим.

37. Маҳаллий халқ орасидан чиққан ва инқилобга қадар ёки Иккинчи жаҳон урушигача Совет Иттифоқида яшаган жамоат арбобларининг асарларини нашр қилишга рухсат берилмаслиги керак.

38. Агар бир ташкилот тузилиб, бизнинг давлатимиз билан ҳамкорлик қилиб турса-ю, аммо расмий раҳбариятнинг иқтисодий фаолиятини назорат қилишга интиладиган бўлса, уни зудлик билан миллатчилик ва шовинизмда айблаш зарур...

40. Сиёсий рақибларнинг ҳаммаси қамалган бўлиши борасида ҳам қайғуриш лозим. Маҳаллий аҳоли ихлос қўйган ғанимларимизни оғдириб олмоқ ёки калтакламоқ зарур. Уларни қандайдир қонунни бузганликда айблаб қамаш ёки бахтсиз ҳодиса аталмиш баҳонаи сабаб билан йўқ қилиб юбормоқ керак.

41. Сиёсат туфайли қамалиб кетган фуқароларни оқлашдан мумкин қадар қочиш керак. Мабодо оқлаш лозим бўлиб қолса, у ҳолда янги суд жараёнисиз (судьяларни, айбдорни қораловчи ва маълумот берувчини чақирмасдан), суднинг хатосини тузатиш сифатида иш кўриш мумкин.

42. Партия томонидан тайинланадиган раҳбарлар ишимизга зиён келтиришса ҳам, ўзига бўйсунадиган кишилар ўртасида норозилик уйғотса ҳам, барибир судланмаслиги керак. Ўта кўпол хатоларга йўл қўйишса, уларни мансабидан бўшатиб бошқа бир шундай мансабга ёки бундан-да баландроғига қўйиш лозим бўлади. Бунинг имкони бўлмаган пайтда уларни бирон-бир раҳбарлик лавозимига белгилаб, захирадаги кадрлар ҳисобига киритиб қўйиш керак.

43. Айниқса, армия хизматчиларига, нозирликларга, олий давлат муассасаларига ва таълим соҳасига кўпроқ тегишли раҳбарлар устидан бўлган суд жараёнларини матбуотда ёритишда фақат халққа, социализмга ва саноатлаштиришга қарши жиноий ҳаракатда айбланганларни ёзмоқ лозим. Бу меҳнаткаш оммани қизиқтиради.

44. Иш жойларида етакчи мутахассислар ишдан олинишига ҳамда уларнинг ўрнига чаламулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор.

45. Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатламидан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин.

Мустабид тузум ўзининг биринчи зарбасини республиканинг бир гуруҳ ёзувчилари ва шоирларига қаратди, чунки уларнинг дунёқараши ҳамда адабий ижоди коммунистик партиянинг мафкуравий андозасига мос келмас эди. Бадном қилиш учун асосий баҳона шу бўлдики, гўё улар ўз асарларига миллатчилик ғояларини «олиб кирган» эканлар. Ёзувчилар ва шоирлардан кимда-ким ўз ижодида ўз халқининг тарихи саҳифаларига мурожаат қилган бўлса борми, уни дарҳол феодал ўтмишни «идеаллаштириш»да айблашар, унга «миллатчи» ёрлиғи ёпиштирилар ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дучор қилинарди. Коммунистик мафкура миллий ўзликни англашни онгли равишда «миллатчилик» билан аралаштириб, ҳаёсизларча, далил-исботсиз ҳаракат қилиб, уларга қарши курашнинг «қизил империя»да мавжуд бўлган ҳар қандай шакллари ва усулларидан кенг фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари орасида пайдо бўлган ҳурфикрлиликнинг барча кўринишларини йўқ қилишга интилди.

1949 йил 25 июнда Ўз КП(б) МҚнинг бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокама қилинди[1]. Бу масаланинг махсус кўрилиши республиканинг бир қатор таниқли бадиий зиёлилари бадном қилинишига сабаб бўлди. МҚ бюроси муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда ўзбек ёзувчиларидан айримларининг ижодида «миллатчилик ва миллий маҳдудлик, феодал ўтмишни кенг суратда идеаллаштириш ва эски феодал маданияти олдида қулларча сажда қилиш элементлари мавжуддир» деб таъкидлади.

Қарорда ёзувчи Абдулла Қаҳҳор қаттиқ танқид остига олинади, у ўзининг «Қўшчинор» романида гўё «ўзбек кампири тили билан унинг келини рус бўлгани учун ғийбат қилиб камситади». Ёзувчи Миркарим Осим «сиёсий жиҳатдан ишончсиз... миллатчилик хато фикрларидан халос бўлмаган» сифатида таърифланди. МҚ бюроси Ойбек, Миртемир, Туйғун, Шарипов, М.Бобоев, Ў.Рашидов, Ҳамид Ғулом, А.Қаюмов, М.Шайхзода асарларидаги «жиддий хатолар ва бузилишлар»ни кўрсатиб ўтди. Шунингдек, «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари мутлақо асоссиз равишда танқид қилинди. «Звезда Востока» ўз саҳифаларида «космополитизм ва журналхонларни чалғитувчи руҳдаги» мақолаларни эълон қилгани учун танқид қилинди. Қарорда ҳаммадан кўпроқ «Шарқ юлдузи» журнали («собиқ муҳаррири Ойбек»)га гап тегди, у гўё «нотўғри, хато йўлда турган» эмиш. «Кейинги вақтларда, — дейилади ҳужжатда — бу журналда миллий маҳдудлик кўриниши яққол ифодаланди».[2]

---

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 128-рўйхат, 43-йиғма жилд, 71—73-варақлар.
[2] Ў ш а ж о й д а.

Ўз КП(б) МҚ бюросида бошланган миллий бадиий зиёлиларни бадном қилиш ижодий ташкилотларда ва матбуот саҳифаларида ҳам давом этди. 1951 йил августда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг VI пленуми бўлиб ўтди. Пленум ҳайъати раисининг маърузасида айрим ёзувчилар ва шоирларнинг ижодидаги мафкуравий тусдаги камчиликлар очиб ташланди. «Туроб Тўланинг ижодида буржуа-миллатчилик руҳидаги жиддий мафкуравий бузилишлар, айниқса, хосдир». Сўнгра «Собир Абдулланинг феодал ўтмишни идеаллаштирувчи «Алпомиш» пьесасининг зарарли» эканлиги, М.Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романининг биринчи варианти ҳақида И.Султон ёзган мақоланинг фақат мақтовдан иборат эканлиги қайд этиб ўтилди. Пленум қатнашчиларининг нутқлари ҳам ана шундай «фош этувчи» руҳда бўлди. Уларда М.Ойбекнинг «қўпол мафкуравий хатолари», Р.Бобожон, Ғ.Ғулом, Зулфия, Асқад Мухтор ҳамда бошқа бир қатор ёзувчи ва шоирларнинг ижодида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.[1]

Партия органларининг кўрсатмаси ва раҳбарлигида бадиий зиёлилар орасида мавжуд «миллатчилик», пантуркизм ва космополитизм кўринишларини «фош қилиш» юзасидан республика матбуоти саҳифаларида кенг кампания авж олдириб юборилди. Унинг қандай йўналишда бўлганлиги ҳақида қуйидаги мақолаларнинг номларидан хулоса чиқариш мумкин: «Айрим шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бузилишлар тўғрисида», «Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда» ва ҳоказо.[2] Мақолаларда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Р.Бобожонов, Собир Абдулла, Ҳабибий ва бошқа айрим ўзбек ёзувчилари ва шоирлари беҳаёларча бадном қилинди. Республика Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг ходимлари М.Ойбек, Ҳ.Зарифов, Ҳ.Ёқубов, И.Султонов ва бошқалар «жиддий мафкуравий хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганлик»да айбланган эди.

Мустабид тузум эркин фикрлайдиган ўзбек ёзувчилари ва шоирларини бадном қилиб, уларни қоралаш билангина чекланиб қолмади. Улардан бир қанчалари қатағон қилинди. Республика давлат хавфсизлиги органлари 1951 йилда «Ёзувчилар уюшмасида ва айрим матбуот органларида «уя қурган» 12 кишидан иборат «советларга қарши миллатчилар гуруҳи»ни «фош этди». Бу гуруҳга шоир ва ёзувчилардан Шукрулло Юсупов (Шукрулло), Ғулом Алимов (Шуҳрат), Мақсуд Шайхзода ва бошқалар, шунингдек, журналистлардан Ёнғин Мирзаев, Абдураҳмон Алимуҳамедов, Наби Алимуҳамедов, Ҳусанхўжаев ва бошқалар киритилган эди. Давлат хавфсизлик органлари тўқиб чиқарган

[1] «Қизил Ўзбекистон». 1951, 28 август.
[2] «Правда Востока». 1951, 10, 24 августа.

«иш»га кўра Шукрулло, Шуҳрат, Шайхзода, адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймон ва гуруҳнинг бошқа аъзолари қамоққа олиниб, «советларга қарши миллатчилик фаолияти»да айбланиб, 25 йилга ҳукм қилиндилар.[1]

Ўша йиллари ёзувчилар ва шоирлар билан бир қаторда республика мусиқа маданияти арбоблари ҳам кенг «фош қилинди». 1951 йил 8 апрелда Ўз КП(б) МҚ бюроси «Ўзбекистон ССРда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда «афсонавий-хаёлий сюжетлар асосида» опера, балет ва мусиқали драма асарлари яратиш ва кенг тарғиб қилишдан иборат «зарарли тажриба» («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», «Гуландом» ва бошқалар), кўпгина санъат ташкилотлари ва мусиқали театрлар ходимлари томонидан «эски архаик мусиқа ва энг ғамгин ва мунгли оҳангдаги мақом намуналари»нинг кенг тарғиб қилиниши қораланди. Буларнинг ҳаммасидан МҚ бюроси «Ўзбекистон мусиқа маданияти ҳаётдан орқада қолмоқда, ўзбек халқини коммунистик руҳда тарбиялаш мақсадлари ҳамда вазифаларига хизмат қилмаяпти»[2] деб хулоса чиқарди.

Ўзбекистон гуманитар ва ижтимоий фанларининг кўпгина арбоблари ҳам қораланди. Ўз КП(б) МҚ бюроси 1950 йил 1 сентябрда «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида»ги масалани тинглаб, бу масала юзасидан қабул қилган қарорида Республика Фанлар академиясининг гуманитар фанлар бўлими ва унинг институтлари «ўз ишларини ВКП(б) МҚ нинг масалаларга доир қарорларига мувофиқ равишда қайта қурмадилар», бу институтларга «сиёсий ишончга сазовор бўлмаган ва буржуа объективизми ҳамда космополитизм ғоясини ташиб юрадиган кишилар жойлашиб олганлар»,[3] деб кўрсатиб ўтди.

Мустабид тузум 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида республикада ижодий ва илмий муассасалардаги «миллатчилар», «пантуркчилар», космополитларни «фош қилиш», Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари ва олимларини бадном қилиш юзасидан кенг суратда ўтказган сиёсий кампаниянинг чўққиси 1952 йил 21—22 февралда бўлиб ўтган Ўз КП(б) МҚнинг X пленуми бўлди.

Пленумда Ўз КП(б) МҚ биринчи котиби А.Э.Ниёзовнинг «Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги маърузаси тингланди ва муҳокама этилди. Маърузада, нутқларда ва муҳокама этилган масала юзасидан

---

[1] Сталин вафотидан сўнг уларнинг иши қайта кўрилиб, 1954—1955 йилларда озод этилдилар.

[2] ЎзР ПДА, 58-фонд, 27-рўйхат, 54-йиғма жилд, 151—152-варақлар.

[3] Ў ш а ж о й д а, 26-рўйхат, 121-йиғма жилд, 18—21-варақлар.

қабул қилинган қарорда республика миллий бадиий ва илмий зиёлиларининг кўпгина таниқли намояндалари қаттиқ танқид остига олинди.

Чунончи, маърузада қайд этилишича, Ўзбекистонда «адабиётчи ходимлар орасида советларга қарши миллатчилик кайфиятидаги бир гуруҳ шахслар бўлган. Бу гуруҳ совет давлатига қарши душманлик ишини олиб борган. Бу гуруҳ қатнашчилари илгари фош қилинган миллатчилар билан яқин алоқада бўлганлар, тушкунлик руҳидаги ва мафкуравий жиҳатдан зарарли мазмундаги шеърларни тарғиб қилганлар, миллатчиларнинг советларга қарши асарларини оммалаштирганлар. Бу ва уларга ўхшаш миллатчи унсурларнинг мақсади Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан зўрлик билан ажратиб олишдир». Маърузада Туроб Тўла «қўпол миллатчилик хатолари»га йўл қўйганликда, Темур Фаттоҳ — «миллий маҳдудлик»да, М.Ойбек — «жиддий мафкуравий айниш»да, М.Шайхзода — «ўтмишни идеаллаштиришда, тарихий шахсларни нотўғри тасвирлаш»да, уларнинг ҳаммалари биргаликда «буржуа-миллатчилик қарашларининг намоён бўлиши»да айбланди. Маърузада республикадаги бошқа бир қанча шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ҳам аёвсиз танқид қилинди. «Алпомиш» пьесасида ва «Озода чеҳра» балетида «ўтмиш идеаллаштириб кўрсатилганлиги» «аниқланди».

Пленумдаги «фош қилувчанлик» ўзбек илмий зиёлиларига ҳам кенг суратда тегиб ўтди. А.Э.Ниёзовнинг маърузасида В.Зоҳидовнинг асарларига «жиддий буржуа-миллатчилик хатолари» тўнкалди, тарихчи А.Х.Бобохўжаев пантуркизмни тарғиб қилишда, иқтисодчи О.Аминов эса буржуа миллатчилари билан алоқада бўлганликда айбландилар.

Пленум қатнашчиларидан кўпларининг нутқлари, шунингдек, муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарор республиканинг миллий илмий ва бадиий зиёлилари намояндаларини бадном қилиш руҳи билан суғорилган эди. Қарорда олим ва адиблардан М.Ойбек, О.Аминов, А.Х.Бобохўжаев, В.Ю.Зоҳидов «сиёсий ва ишчанлик хислатларига кўра ўз вазифаларига мос келмайдиган» шахслар сифатида қораланди. Туроб Тўла, М.Шайхзоданинг эълон қилинган шеърлари ва қўшиқлари «ғоясиз ва қабиҳ» деб эътироф этилди ва ҳоказо.

Пленумда, айниқса, Ўзбекистон халқлари тарихини ёритиш масаласида жиддий танқидий фикр билдирилди. Жумладан, маърузада таъкидланишича, бир қатор муаллифлар «Чор Россиясининг Шарқдаги босқинчилик сиёсати оқибатларини характерлаб, масаланинг фақат бир томонини — чоризм томонидан Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг миллий жиҳатдан жабрланганлигини таъкидлаб кўрсатганлар, аммо Ўзбекистоннинг Россияга қўшилганлиги прогрессив аҳамиятга эга бўлган воқеа эканини мутлақо қониқарсиз ёритганлар...» Тарихчи олимлар «тарихнинг мана шу актуал масалаларини чу-

қур ёритиб бериш ўрнига кўпинча узоқ даврлардаги тарих ва маданиятни ўрганишга берилиб кетмоқдалар. Ўзбекистоннинг феодал ўтмишини идеаллаштириш ҳолларига йўл қўймоқдалар»[1]. Хусусан, «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобининг иккинчи жилдида (муҳаррирлар В.Я.Непомнин ва В.А.Шишкин) принципиал хатоликларга, Темур давлатининг маданияти ва аҳамиятини ошириб кўрсатилганлиги, кўплаб хон, амир, бек, сарой шоирларининг ишларини бўяб, кўкларга кўтариб мақтаганлиги пленумда «очиб ташланди».

Шунингдек, тарихчи олимлар томонидан миллий озодлик ҳаракатларига баҳо беришда нотўғри ёндашилганлиги, айниқса, «эшон Муҳаммад Али раҳбарлигидаги 1898 йилда бўлган Андижон қўзғолони ва бошқа баъзи бир ҳаракатлар ўз характери эътибори билан революцион ҳаракат эди, халқ озодлик ҳаракати эди деб кўрсатилади. Ҳақиқатда эса, бу ҳаракатлар реакцион ҳаракатлар бўлган, феодал-миллатчилик ҳаракатлари бўлган»[2] деган, аслида ҳақиқатни инкор этувчи коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баҳо берилди.

Пленумда Ўзбекистон халқлари тарихининг совет даврига бағишланган китоблар ҳалигача яратилмагани танқид қилиниб, «Бизда тарих масалаларида яна бошқа муҳим камчиликлар ҳам бор. Ўзбекистон тарихи совет даври ҳақида бирорта ҳам йирик асар ёзилган эмас. «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг совет даврига бағишланган III жилди ва «Ўзбекистон КП(б) тарихи очерклари» жуда секин ёзилмоқда.

Бизнинг тарихчиларимиз ВКП(б)нинг раҳбарлик ва йўл кўрсатувчилик ролини, Ўзбекистонни социалистик негизда ўзгартиришда буюк рус халқи, ВКП(б) Марказий Комитети, улуғ йўлбошчиларимиз Ленин ва Сталин берган ғоят катта ёрдамини ҳар томонлама кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қилишлари керак»[3], деб олимларга тарихимизни қандай ёзиш кераклиги ҳақида махсус «кўрсатма» берилди.

Ўз КП(б) МҚ нинг X пленуми бу билан чекланмасдан юқорида кўрсатиб ўтилган фан арбобларидан айримларига нисбатан ташкилий хулосалар ҳам чиқарди. Хусусан, пленум МҚ бюросига «кўпол сиёсий хатолар ва буржуа-миллатчилик тарзидаги мафкуравий айнишларга йўл қўйган О.Аминов, В.Зоҳидов ва А.Бобохўжаевлар ҳақидаги масалани кўриб чиқиш»ни топширди.[4]

Ўз КП(б) МҚ X пленумининг қарори илмий ва бадиий зиёлилар вакилларини таъқиб қилишни кучайтиришга янги турт-

---

[1] «Қизил Ўзбекистон». 1952, 24 феврал.

[2] Ў ш а ж о й д а.

[3] Ў ш а ж о й д а.

[4] *Нурулин Р.* Как навешивали ярлыки. Документальные свидетельства о X пленуме ЦК КП (б) Узбекистана, состоявшемся в 1952 году //«Правда Востока». 1989, 5 июля.

ки бўлди. Пленум кўрсатмалари асосида ва уларни амалга ошириш учун баъзи бир олимларга нисбатан жиддий ташкилий хулосалар чиқарилди.

Ўз КП(б) МҚ X пленуми бўлиб ўтгандан кейин орадан кўп ўтмай МҚ бюросида 1952 йил 17 мартда «Ўзбекистон КП(б) МҚ бюросининг 1950 йил 1 сентябрдаги «ЎзССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида»ги қарорининг қониқарсиз бажарилаётгани ҳақида» қарор қабул қилинди. Унда академиянинг кўпгина институтларига «сиёсий ва ишчанлик ишончига сазовор бўлмаган шахслар жойлашиб олганлиги» кўрсатиб ўтилди. Тарихчи А.Х.Бобохўжаев, файласуф В.Ю.Зоҳидов, адабиётшунос О.Усмоновнинг илмий ижодида пантуркчилик ва миллатчилик руҳидаги жиддий камчиликлар борлиги учун «фош қилинди». Ўз бадиий асарларида «жиддий мафкуравий айнишлар»га йўл қўйганликда Ойбек, Ҳ.Ёқубов ва бошқалар айбланди. Чунончи, А.Х.Бобохўжаевга у ўзининг 1918—1924 йилларда «Афғон-Бухоро муносабатлари ва инглиз империализмининг Ўрта Осиёдаги найранглари» номли ишида пантуркчилик ва панисломчиликнинг реакцион моҳиятини» бежаб кўрсатган, «пантуркчилик»нинг сотқинчилик ролини фош этмаган, «оқ муҳожир» Ражаб Бойсуннинг ва собиқ Бухоро амири Саид Олимхоннинг асарларидан «кўп цитата келтирган», деб айб қўйилди. В.Ю.Зоҳидов ўз асарларида «буржуа-миллатчилик руҳидаги жиддий хатолар»га йўл қўйганликда, Навоийни идеаллаштириб, уни салкам демократ деб тақдим этганликда, компартиянинг «жадидларнинг аксилинқилобий фаолиятига ва уларнинг буржуа миллатчилик мафкурасига қарши» бирон-бир асосли фикр айтмаганликда, «Ўзбекистонни социалистик жиҳатдан ўзгартиришда ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг буюк роли»ни дудмал тасвирлаганликда, «буржуа миллатчиларининг аксилинқилобий фаолияти»ни хаспўшлаб кетганликда айбланди ва ҳоказо.[1]

Орадан кўп ўтмай Ўз КП(б) МҚ пленумида бадном қилинган айрим олимларга нисбатан ташкилий хулосалар чиқарилди. МҚ бюросининг 1952 йил 27 июндаги қарори билан «ўз асарларида йўл қўйган қўпол сиёсий хатолар ва мафкуравий бузилишлар учун ҳамда уларни тан олишни ва тузатишни истамаганлиги учун иқтисодчи олим О.Аминов партиядан чиқарилди. Айни вақтда республика прокуратурасига уни жиноий жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилди.[2] Ўша йили 22 августда Ўз КП(б) МҚ нинг бюроси «Ўрт. В.Ю.Зоҳидовнинг хатолари ва мафкуравий айниши тўғрисида» қарор чиқарди. Бу қарорга мувофиқ республиканинг таниқли файласуф ва адабиётшуноси В.Ю.Зоҳидов «қўпол сиёсий ва миллатчиликдан иборат хато-

[1] ЎзР ПДА, 58-фонд, 155-рўйхат, 87-йиғма жилд, 165—172-варақлар.
[2] Ў ш а ж о й д а, 144-йиғма жилд, 155—156-варақлар.

ларга йўл қўйганлиги учун» партиядан ўчирилди, САГУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети) ўқитувчиси ва Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими лавозимидан бўшатилди[1].

40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида Ўзбекистон илмий ва бадиий зиёлиларининг таъқиб қилиниши ўша вақтда СССРда ҳукм сурган мустабид тузумнинг ўзбошимчалиги ва зўравонлигининг ҳақиқий кўриниши эди. Бу тузум ўзининг охирги йилларини яшаётган сталинизмнинг энг қабиҳ ифодаси, унинг бошқача фикрловчиларга нисбатан қилган сўнгги оммавий қатағонлари бўлди. Бошқача фикрловчиларнинг республикадаги вакиллари сифатида ўз халқининг манфаатларини акс эттирувчи, ўзбек халқининг маънавий меросини, унинг тили, маданияти, асрий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш учун муросасиз кураш олиб борувчи миллий зиёлилар майдонга чиқди. Уларнинг ватанпарварлик кайфиятидаги кўпгина вакиллари ўз эътиқодлари учун мустабид тузум йилларида ўз озодлиги, бахти ва ҳатто ҳаётлари билан товон тўладилар.

40-йиллар охири — 50-йиллар бошлари сталинизм даврида мустабид тузум ўз халқига қарши ўтказган оммавий қатағонларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Бу қатағонлар СССРда 1930 йилдан 1953 йилгача 3.778.234 кишига дахлдор бўлди, улар ҳуқуқ органлари томонидан «аксилинқилобчи» ва «халқ душмани» сифатида айбланган эдилар, улардан 786.098 киши отиб ташланди.[2]

Мустабид тузумнинг қонли супургиси ўша даврда Ўзбекистон бўйлаб ҳам супуриб ўтди. 1937 йилдан 1953 йилгача республикада НКВД «учлиги» томонидан 100 минг киши қамоққа олинди ва турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди, улардан 15 минг нафари отиб ташланди.[3] Сталинизм қурбонлари орасида турли даражадаги раҳбар ходимлар, адабиёт ва фан арбоблари, ўқитувчилар ва журналистлар, ишчилар ва деҳқонлар, турли қатламлар ва миллатларнинг вакиллари бор эди.

Бу даҳшатли ҳолатни тарифлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида «Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг...»[4] қанча-қанчалари жисмонан йўқ қилинди. «Мана шулар қатори-

---

[1] Ўша жойда, 188-йиғма жилд, 182—184-варақлар.
[2] «Известия». 1990, 14 февраля.
[3] «Правда Востока». 1991, 15 сентября.
[4] «Халқ сўзи». 2000, 13 май.

да сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир»[1], деб коммунистик режим қатағонларининг асл моҳиятини очиб берган эди.

Асоссиз қатағон қилинганларни оқлаш «халқлар отаси» вафотидан кейин бошланди. Натижада Ўзбекистон бўйича қатағон қилинган тириклар ва ҳалок бўлганлардан 40 мингга яқини оқланди. Лекин уларни оқлаш ҳам коммунистик мафкура андозаси асосида амалга оширилди. Мустабид тузумга маъқул бўлган шахсларгина фақат фуқаро сифатида оқланди, ёки қисман оқланди, холос. Шуниси таажжубликки, Сталиннинг вафотидан кейин ҳам бошқача фикрловчиларга нисбатан таъқиб қилишлар тўхтамади. Аксинча, яна давом этди. Н.А.Муҳитдинов Ўзбекистон зиёлиларининг I съездида (1956 й. октябр) сўзлаган нутқида «миллатчи, аксилсоветчи сифатида шубҳа остига олинган йирик олимлар, шоирлар ва ёзувчилардан иборат 60 кишининг руйхати тузилгани»[2], бу руйхат қандай қилиб бекор қилингани ҳақида гапирган эди. Умуман, ўз моҳиятига кўра зуравонлик ва ўзбошимчаликка асосланган мустабид коммунистик тузум ўзининг сўнгги дақиқасига қадар бу қабиҳликни давом эттирди.



Нуритдин Муҳитдинов (минбарда). 1958 йил.

[1] Ўша жойда.
[2] Ўзбекистон зиёлиларининг I съезди. Стен. ҳисобот . — Т., 1957, 66-бет.

Лекин, шунга қарамасдан, республикада мустақиллик, озодлик учун ҳаракат тўхтамади. 60-йилларга келиб бундай ҳаракат ташаббускорларидан бири ТошДУнинг сиёсий иқтисод кафедрасининг ўқитувчиси Миртемир Мирабдуллаев эди. У ўзининг бир неча ҳамфикрлари билан «Озод уюшма» деб номланган норасмий, яширин ташкилот тузади[1]. Уюшма аъзолари Ўзбекистонни СССРдан ажралиб чиқиши ва мустақил давлат барпо қилиши, ўзбеклар бошқаларнинг ёрдамисиз ҳам ўз иқтисодиётини ривожлантиришга, мамлакатни ўзлари бошқаришга қодир, деган ғояга асосланган эди.

Бироқ «Озод уюшма» оёққа турмасдан, унинг ташкилотчиларидан бири М.Мирабдуллаев мустабид тузум томонидан қамоққа олинади ва 1971 йил 31 августда Тошкент шаҳар суди томонидан унга «миллатчи» тамғаси босилиб, жиноий жавобгарликка тортилади. Фақат Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг адолат қарор топиб, М.Мирабдуллаев 1992 йил баҳорида оқланди[2].

Нуриддин Акрамович Муҳитдинов

Н.А.Муҳитдинов — таниқли давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек дипломати.

Нуриддин Муҳитдинов 1917 й. 19 ноябрда Тошкент яқинидаги Аллон маҳалласида туғилди. Москвадаги савдо-кооператив институтини 1938 йилда тамомлаб, Бухорога йўлланма олади. У вилоят матбуот уюшмасининг кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари ва ўқув комбинати раҳбари қилиб тайинланади.

Н.Муҳитдинов II жаҳон уруши бошлангач, кўнгилли бўлиб армия сафига кетади. У Киевдаги махсус ҳарбий мактабда таълим олади (1939 й.) 1941—1945 йилларда ҳаракатдаги армия сафида бўлиб, фашизмга қарши курашда фаол қатнашади. У 1946 йилда Тошкентга келганидан сўнг унинг сиёсий фаолияти бошланади. Н.Муҳитдинов Наманган вилояти партия қўмитаси котиби, биринчи котиби (1947—1950), Ўзбекистон компартияси МҚ котиби (1950—1951), Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси (1951—1953, 1954—1955), Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри (1953—1954), Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи котиби (1955—1957), КПСС МҚ котиби (1957—1961) ва бошқа масъул лавозимларда меҳнат қилди.

Н.Муҳитдинов республиканинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини яхши билиши билан алоҳида ажралиб турарди. У Ўзбекистонда қатағон қилинган миллий раҳбар кадрлар ва зиёлиларнинг табаррук номларини оқлашда ташаббускорлик қилди.

1961 й. октябрда бўлган КПСС XXII съездида Н.С.Хрушчевнинг талаби билан Н.А.Муҳитдинов мамлакатнинг олий сиёсий раҳбарияти таркибига

---

[1] *Ҳўжамбердиев Ё.* Сиёсий маҳбус //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1992, 5 сентябр.

[2] Ў ш а ж о й д а.

киритилмади. У «Центросоюз» раиси ўринбосари (1962—1966), СССР Министрлар Кенгашининг хорижий мамлакатлар билан маданий-алоқалар қўмитаси раисининг 1-ўринбосари (1966—1968), СССРнинг Суриядаги элчиси (1968—1977), СССР савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари (1977—1986) каби лавозимларда фаолият кўрсатди.

1986 й.да Тошкентга қайтиб келган Н.Муҳитдинов Ўзбекистон ССР ҳукумат маслаҳатчиси, сўнгра узоқ йиллар Ўзбекистон Ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти раиси бўлиб ишлади. У ҳозирги мустақиллик йилларида ҳам жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. Н.Муҳитдиновнинг «Кремлда ўтган йилларим» китоби ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди.

Мустақил фикрловчи шахсларга нисбатан қатағонлар 70—80-йилларда ҳам сталинизмнинг даҳшатли давридаги каби оммавий тарзда ва қонли тус олмаган бўлса-да, лекин якка-якка тартибда уларни таъқиб қилишлар, улар устидан махсус «жиноий ишлар» уюштиришлар, коммунистик мафкура андозасига «сиғмай» қолган айрим шахсларни руҳий касалликлар шифохоналарига беркитиб қўйиш каби жиноят-корона ишлар СССР барбод бўлгунга қадар мунтазам давом этди.

3. РЕСПУБЛИКА САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БИР ТОМОНЛАМА ХУСУСИЯТИ

Мустабид тизим ва унинг зўравонлик усуллари, иқтисодиётнинг қаттиқ марказлашган ҳолда режалаштирилиши Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Совет империясининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон Марказ томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл-йўриқларга амал қилишга мажбур эди. Урушдан кейинги беш йилликлар ана шундай тарзда режалаштирилган бўлиб, уларга маҳаллий шароитда республика раҳбарияти томонидан баъзи аниқликлар киритиш ҳам Марказнинг рухсати билан қилинарди.

Режалаштирилган йўл-йўриқлар одатдагидек жадаллаштириш ва «қисташ» сиёсатига асосланган бўлиб, Ўзбекистон учун саноатни ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва суръатларида белгиланарди. Одатда, режа йўналишларини ҳаракатга келтирувчи механизм давлат томонидан ажратилган ёпирилма капитал (70%гача) бўлиб, улар асосан оғир индустрия тармоқларига мўлжалланарди. Бу нарса оғир саноатда янги техникани, ишчи кучларини, малакали мутахассисларни жамлаш имконини берарди. Бироқ саноат қувватларини ошириш эса экстенсив усуллар билан, яъни асо-

сан янги саноат объектлари қуриш, шунингдек, ишлаб турган саноат объектларини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига амалга ошириларди.

Саноатни ривожлантиришда Ўзбекистон метрополиянинг саноат жиҳатидан ривожланган минтақаларининг пахтага бўлган ортиб борувчи эҳтиёжини таъминлашидек ярамас концепцияга қатъий амал қилинарди. Шунингдек, Ўзбекистон бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёси билан бир қаторда стратегик хом ашё ҳам етказиб бериши лозим эди.

Бироқ Ўзбекистон ССР саноатига билдирилаётган юксак талаблар бу ерда янги (илғор) технологияларни, замонавий фан ва техника ютуқларини жорий қилиш билан ҳамоҳанг эмасди. Бу эса муқаррар равишда белгиланган режанинг бажарилмаслигига ва бошқа номутаносибликларга олиб келарди, булар айниқса саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида аниқ кўзга ташланар эди.

Беш йиллик режаларнинг бажарилиши бир томонлама ҳусусиятга эга эди. Асосий эътибор машинасозликни, металлургия, кимё саноатларини, шунингдек, ёнилғи-энергетика мажмуи тармоқларини ривожлантиришга, айниқса, газ қазиб олишни кўпайтиришга қаратиларди. Марказнинг фикри ва мулжалларига кўра, 1970 йилга келиб Ўзбекистон газ қазиб олиш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш буйича иттифоқда учинчи ўринни, машинасозлик ва металлга ишлов бериш ҳажми буйича тўртинчи ўринни эгаллаб, иттифоқни газ ва бошқа хом ашё билан таъминловчи республикага айланиши лозим эди. Республиканинг етакчи вилоятлари (Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро) ҳудудларида ягона энергетика тизими яратилган бўлиб, у иқтисодиётни, биринчи навбатда унинг устивор тармоғи — пахтачиликни юксалтириш учун база яратиши керак эди.

Индустрияга моддий ресурсларнинг қудратли оқим бўлиб келиб туриши, хўжалик-бошқарув тузилмалари механизмини ислоҳ қилишга уринишлар, шунингдек, тинкани қуритувчи социалистик мусобақалар тизими ва халқнинг зўр бериб қилган меҳнати Ўзбекистон саноати потенциалини сезиларли суръатда ошириш имконини берди. Урушдан кейинги ҳар бир беш йилликда ўрта ҳисобда 100 тагача ва ундан ҳам кўпроқ саноат объекти ишга туширилди. 1985 йилга келиб Ўзбекистонда бир ярим мингдан ортиқ йирик ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинат ва корхоналар бор эди.[1] Бу даврга келиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1940 йилдагига нисбатан 20 баравардан зиёдроқ ошди. Фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган, айниқса пахтачилик эҳтиёж-

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 г. Стат. ежегодник. 1985. — Т., С. 43.

ларига мўлжалланган тармоқлар жадал ривожлантирилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоги деярли 75%га етди. Булар асосан енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари суръатлари ва салмоғини қисқартириш (1984 йилда 25,2%гача)[1] ҳисобига содир бўлди, бу тармоқлардаги ишлаб чиқариш белгиланган режа марраларига етиш у ёқда турсин, балки амалда турғунликка учради. Ҳатто уларни ривожлантиришга ажратиладиган арзимас дотациялар ҳам вақт ўтиши билан олиб ташланди ва бошқа (асосан энергия кўп сарфланадиган) тармоқларга берилди. Асбоб-ускуналар йиллар мобайнида янгиланмади, янги технологиялар жорий этилмади. Енгил саноатда «қолдиқ принцип» бўйича муносабатда бўлиш жойларда ишлаб чиқариладиган истеъмол молларининг ўсишини тобора қисқартириб, уларни четдан келтиришни кўпайтирди. Бу ҳол ижтимоий муаммоларнинг, аҳоли бандлиги ва миллий муносабатларнинг кескинлашувига шарт-шароит яратди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатига қараганда, кўп тармоқли машинасозлик индустрияси (шу жумладан, унинг янги тармоғи — тракторсозлик), кимё, нефть, кўмир, газ, кон-руда, олтин қазиб олиш ва айниқса энергетика саноатлари жадал ривожлантирилди. 60—80-йилларда Ўзбекистонда Ангрен, Навоий, Чорвоқ, Тошкент ва бошқа йирик электр станциялар барпо этилди ҳамда ишга туширилди. Шунингдек, Чирчиқ-Бўзсув гидроэлектростанциялар каскади тикланди, унинг умумий қуввати 300 минг квт.дан ортиқроқ эди. Марказий Осиё минтақасида энг йирик бўлган ва қуввати 3 млн.квт. бўлган Сирдарё ГРЭСи барпо этилди. Натижада республикада электр қуввати ишлаб чиқариш 1985 йилда 1940 йилдагига нисбатан деярли 180 баравар кўпайди.[2] Ўзбекистонда энергетика тармоғининг бу даражада ривожлантирилишига сабаб Марказнинг кундан-кунга хом ашёга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, республика ҳудудидаги ер-ости ва ер-усти бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш учун эса катта миқдорда электр қуввати керак бўлганлигида эди.

Машинасозлик ва металлга ишлов бериш Ўзбекистон саноатининг энг муҳим тармоқларига айланди, улар халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантиришда ҳам етакчи ўрин эгалладилар. Уларнинг улушига республикадаги ялпи маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи (57,7%), асосий ишлаб чиқариш фондларининг 1/3 қисмидан кўпроғи — 35,1%и тўғри келди. Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳолининг 66,3%и машинасозлик заводларида меҳнат қилди.

Лекин республикадаги машинасозлик том маънодаги маши-

[1] Народное хозяйство СССР в 1984 году. С. 45.
[2] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году. С. 47.

насозлик эмас эди. Машинасозлик учун зарур бўлган барча эҳтиёт қисмлар мамлакатнинг Европа қисмидан олиб келинар, Ўзбекистонда эса йиғилар эди. Металлга ишлов бериш соҳаси ҳам шу йўсинда эди. Металл ҳам Ўзбекистонга асосан Россиядан келтирилар эди.

80-йилларнинг бошларида республикада эҳтиёт қисмлар олиб келиниб йиғиладиган 100 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатди. Улар орасида пахтачиликка мўлжалланган қудратли тракторлар ишлаб чиқарадиган Тошкент трактор заводи (ТТЗ), пахта териш машиналари чиқариладиган «Тошқишлоқмаш» заводи, бошқа қишлоқ хўжалик қуроллари ва асбоблари ишлаб чиқарадиган «Ўзбекқишлоқмаш» ва «Чирчиққишлоқмаш», Тошкент экскаватор заводлари ва бошқа кўпгина корхоналар бўлиб, уларнинг маҳсулотларига республикада ва унинг ташқарисида талаб катта эди.

Машинасозлик корхоналаридан кўпларининг иши бевосита пахтачилик билан боғлиқ эди. Бу корхоналар асосан пахта етиштириш, териб олиш ва бирламчи ишлов бериш жараёнларини бажарадиган механизмлар ишлаб чиқарар эди, холос. Республиканинг тўқимачилик саноати эса, асосан ип йигирув, қисман тўқув билан шуғулланар, бунинг учун эса Ўзбекистонда етиштириладиган пахта толасининг арзимас қисми ишлатилар эди. Пахтага ундан кейинги ишлов бериб, пировард маҳсулотга айлантириш ҳуқуқи метрополия тўқимачилик саноати корхоналарига берилган эди. Шунинг



«Тошқишлоқмаш» заводида пахта терим машиналари ишлаб чиқариш. 1981 йил.



Навоий кимё комбинати. 1971 йил.

учун ҳам 70—80-йилларда Ўзбекистон иттифоқда пахтачилик учун мўлжалланган қишлоқ хўжалик машиналарининг бутун мажмуини, тўқимачилик саноати учун деярли 40%ини ишлаб чиқарди.[1]

Ўзбекистон ССРда боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик учун мўлжалланган машиналар, пиллачилик ва чорвачиликдаги жараёнларни механизациялаш машиналари ишлаб чиқарилмасди. Машинасозликнинг бир томонлама хусусиятга эга эканлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга халақит берарди, бу жараён бошқа республикаларга нисбатан анча-мунча паст эди. Ривожланган капиталистик мамлакатларни гапирмаса ҳам бўлади.

---

[1] Қаранг: Народное хозяйство СССР в 1985 году. — М., 1986. С. 135, 137, 139; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 году. — Т., 1986. С. 54, 154 (Биз томонимиздан ҳисоблаб чиқилган. — *Таҳририят.*)

Ўзбекистон метрополия учун бой минерал хом ашё базаси ҳам бўлиб қолаётган эди. Бу ерда кўпгина нодир фойдали қазилмалар: олтин, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, уран, табиий газ, кўмир конлари очилди. Ана шу конлар негизида заводлар, нефть ва газ саноати корхоналари қурилди, янги шаҳарлар ва посёлкалар бунёд этилди.

60—70-йилларда республикада йирик олтин қазиб чиқариш саноати яратилди ва нуфузли тарзда ривожлана бошлади, олтин чиқариш мажмуалари фабрикалари, олтин саралаш комбинатлари, шунингдек, мис рудасини қайта ишлаш комбинатлари фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, жаҳон андозаларига жавоб берадиган юқори сифатли олтин олина бошланди. Лекин бу бойликлар тўлалигича Марказга олиб кетилар, Ўзбекистонга эса ҳеч қандай нафи тегмас эди.

Чунки мустабид тузумнинг мустамлакачилик исканжасида сиқиб қўйилган Ўзбекистон ўз заминидан олинадиган бирорта бойликнинг хўжайини эмасди ва унинг неъматларидан мустақил фойдалана олмасди. Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим тармоқлари ва йирик корхоналарининг аксарият қисми (қарийб 70%), шу жумладан, рангли металлургия корхоналари бевосита иттифоқ вазирликларига бўйсунарди; республика ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг эгаси эмасди. Олтин, уран, рангли металлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ташиб кетиш билан марказий органлар Ўзбекистон раҳбар органларининг розилигисиз ва уларнинг назоратисиз ўзлари шуғулланиш-



Тошкент авиация заводининг йиғув цехи. 1974 йил.

шар ва тасарруф қилишарди. Олинадиган фойданинг арзимаган озгина қисмигина номига республика бюджетига ўтказиларди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кимё индустрияси устивор ўринлардан бирини эгалларди. Ўзбек кимёсининг тўнғичи Чирчиқ электр кимё комбинати бўлиб, у уруш арафасида (1940 йил) ишга туширилган эди. Урушдан кейинги йилларда Қўқон суперфосфат заводи (1947) ва Самарқанд суперфосфат заводи (1955) барпо этилди ҳамда фойдаланишга топширилди, сўнгра бирин-кетин Фаргона азотли ўғитлар заводи, Навоий кимё комбинати ва Олмалиқ кимё заводи ишга туширилди.

50—60-йилларда Ўзбекистонда кимё индустриясининг янги тармоғи — гидролиз саноати яратилди. Ана шу йилларда Андижон гидролиз заводи, Фарғонадаги фурун бирикмалари заводи, Янгийўл биокимё заводи барпо этилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб республикада пластмасса, сунъий толалар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган 20 та саноат корхонаси ишлаб турарди. Ўша вақтда биринчи бўлиб Навоий кимё комбинатида ғўза зараркунандаларига қарши курашиш учун самарали восита бўлган которан ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1985 йилга келиб Ўзбекистоннинг кимё корхоналари умуман СССРда жойлашган корхоналарнинг 10%ини ташкил этарди.

Кимё саноатининг ривожлантирилиши ижобий натижалар билан бир қаторда республика учун жиддий салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Унинг кўпгина объектлари аҳоли зич яшайдиган шаҳарларда жойлашган бўлиб, айни вақтда атроф муҳитни ифлослантирар, экологик вазиятни мураккаблаштирар эди. Атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилардан табиат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси шикаст топарди, ҳаво, сув, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари заҳарланар, бу эса одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатиб, ўлим даражаси ортишига, айниқса, болалар ўлими кўпайишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси кимё корхоналарида чанг сўрувчи ва газларни тозаловчи қурилмаларнинг етарли эмаслиги ёки бутунлай йўқлиги, аҳоли хавфсизлиги ва атроф муҳитнинг тозалигини таъминлайдиган техникавий иншоотларнинг йўқлиги билан боғлиқ эди.

Совет хўжалик тизимининг мустабидчилик хусусиятга эга бўлганлиги нафақат республика саноатининг, шу билан бирга бутун иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишини олдиндан аниқ белгилаб қўйди ва Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан иқтисодий муносабатларида жиддий қийинчиликлар тугдирди. Ўзбекистон иттифоқнинг таркибий қисми сифатида бошқа минтақаларга минерал ва стратегик хом ашё, чала маҳсулотлар, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари учун зарур асбоб-ускуналар етказиб бериш билан бир қаторда республикага металлга ишлов берувчи станоклар ва механизмлар, нефть маҳсулотлари, ёғоч-тахта, дон ва бошқа материаллар ҳам

келтирарди. Бу ҳукмрон доираларнинг узоқни кўзлаган сиёсати бўлиб, у халқлар ўртасидаги дўстона ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ниқоби остида ҳақиқатда республика индустриясини унинг чегараларидан ташқарида ишлаб чиқариладиган бутловчи деталларга (масалан, машинасозлик ва авиация саноати учун) бутунлай боғлиқ қилиб қўйиб, бу билан уни ҳар қандай иқтисодий мустақилликдан маҳрум этишни назарда тутган эди.

70—80-йилларда саноат ишлаб чиқариш ривожи, унинг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги суръатлари пасайиб, маҳсулотлар сифати, бошқа энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашиб кетди. Агар урушдан кейинги дастлабки йилларда ялпи саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10—15%ни ташкил этган бўлса, эндиликда улар 5—7% даражасига тушиб қолган эди.[1]

Марказлашган режалаштириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот Марказнинг қатъий назоратида бўлиши халқнинг ташаббускорлиги ва ижодини тобора бўғиб қўя бошлади, мавжуд қийинчиликларни енгиш имконини бермади, чақириқлар, чиройли шиорлар ва мажбуриятлар билан ниқобланган муаммолар ҳал этилмасдан қолаверди. Ўзбекистон саноатида ва бутун иқтисодиётида турғунлик тамойиллари муқаррар равишда ортиб бораверди. Умуман, саноат секинлик билан, катта узилишлар ва таназзуллар билан ишлаётган эди.

Ўзбекистондаги завод ва фабрикаларнинг кўпчилиги давлат (ишлаб чиқариш) режаларини бажаришни уддалай олмасди. Биргина 1975 йилда республикадаги 527 та корхона ишлаб чиқариш режасини бажармади. Асбоб-ускуналар кўп вақт бекор туриб қолар, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмасди. Саноат корхоналарининг кўпчилиги бир маромда ишламас, сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқарарди. Техникавий жиҳатдан қолоқлик ва мутаассиблик ҳоллари қийинчилик билан барҳам топтириларди. Машинасозлик ва бошқа заводлар эскириб қолган конструкциядаги маҳсулотлар чиқаришарди. Енгил ва озиқ-овқат саноати эса «қолдиқ» принципига боғлаб қўйилган эди.

Булар кўп жиҳатдан фан-техника тараққиётига етарли баҳо бермаслик ва мустабид тузумнинг ҳуқуқсиз миллий мустамлаканинг мўл, арзон ишчи кучидан фойдаланишга асосланиши билан боғлиқ эди.

Ўзбекистон саноати ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг жуда паст даражаси билан ажралиб турарди. Қўл меҳнати билан банд бўлган ишчиларнинг салмоғи ўрта ҳисобда 48,7%га етарди. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларининг кўпи билан 70%идан фойдаланиларди ва улар ҳам тўлиқ иш билан таъмин этилмаганди.[2] Иш вақти-

---

[1] Ўзбекистон тарихи (1917—1993 йиллар). 9-синф. — Т., 1995, 252-бет.
[2] «Ташкентская правда». 1990, 12 декабря.

нинг ҳаддан ортиқ бекор сарфланишига йўл қўйилди, кадрлар қунимсизлиги юқори эди. Мисол учун, 80-йилларнинг фақат биринчи ярмида саноатдаги иш вақтининг бекор сарф бўлиши оқибатида саноат ўрта ҳисобда бир йилда 100 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулотни кам берди.[1]

Бу ҳол саноатга йўналтирилган маблағлардан самарасиз фойдаланишга, меҳнат унумдорлигининг сезиларли пасайишига олиб келди. Меҳнатнинг энергия билан таъминланиши соҳасидаги ютуқларга қарамасдан, кўпгина янги саноат объектлари қурилиши ва фойдаланишга топширилиши, ўртача йиллик суръатлари, меҳнат унумдорлигининг ўсиши 1971—1975 йилларда 4,8%ни, 1976—1980 йилларда 2,2%ни ташкил этди[2], 1981—1985 йилларда эса 1,3%га тушиб қолди[3]. Ўзбекистондаги 180 та корхонанинг меҳнат унумдорлиги 1981—1985 йилларда олдинги даражада турди, 270 та корхонада эса, ҳатто сезиларли пасайди.

Совет маъмурлари саноатдаги қолоқликни ишчи ва муҳандис-техник ходимларнинг ташаббускорлигини ошириш, «социалистик мусобақа»ни кенг жорий қилиш, «алоҳида танлаб олинган» илғор ва жонкуяр ишчиларни «байроқ» сифатида уларни меҳнат қаҳрамонлари, Олий Совет депутатлари даражасига кўтариб, бошқаларга «ўрнак» қилиб кўрсатиш йўли билан бартараф қилишга ва саноатни турғунлик ҳолатидан олиб чиқишга ҳаракат қилдилар. 60—80-йилларда Ўзбекистон саноатида Т.Кардаш, М.Йўлдошева, Д.Қулматова, А.Девятова, М.Жўраева, Л.Казанцева, М.Муйдинов, Е.Губина, Ш.Холмуҳамедова ва бошқа кўплаб илғор ишчилар, муҳандис-техник ходимларнинг номлари маълум. Улар ҳалол меҳнатлари билан республика саноати ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Лекин уларнинг ташаббусини «байроқ» қилиш, ишчилар ўртасида «оммалаштириш» Ўзбекистон саноатини турғунлик ҳолати-



Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Л.П.Казанцева иш устида. 1974 йил.

[1] «Совет Ўзбекистони». 1985, 15 май.

[2] Узбекистан в годы десятой пятилетки (1976—1980 гг.). Стат. сборник. — Т., 1986. С. 31.

[3] Узбекистан в годы одиннадцатой пятилетки (1981—1985 гг.). Стат. сборник. — Т., 1986. С. 31.

дан олиб чиқа олмади, олиб чиқиши ҳам мумкин эмасди. Чунки, саноатдаги умумий муаммонинг моҳиятини тушуниб етишни, ҳар бир ишчи ҳам юқорида номлари санаб ўтилган ишчилар каби илғор бўлиш қобилиятига эга эмаслиги ҳақидаги оддий ҳақиқатни англаб етишни, асосий масала моддий манфаатдорликда, иқтисодий муносабатларни тўғри ва маданий изга солишда эканлигини мустабид тузум сиёсий раҳбарияти ва коммунистик мафкура билишни ва тан олишни истамаслигида эди.

Қаттиқ иродавий тазйиқ ўтказиш, инсон шахсига, унинг манфаатлари ва ижодий фаолиятига бефарқ қараш шароитида индустриядаги ижтимоий мулк хўжасиз мулкка айланиб қолди. Ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашиб қолган ишчилар хўжайинлик туйғусини йўқотдилар, бу ҳол мисли кўрилмаган хўжасизликка, уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини пасайиб кетишига олиб келди.

70-80-йилларда Марказнинг буйруғи билан пахтага ихтисослашув қаттиқлашуви муносабати билан Ўзбекистонда аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан туриб саноат ишлаб чиқариши таркибида бузилишлар содир бўлди. Аҳвол шундай эдики, Ўзбекистон ҳудудининг беш фоизида унинг саноат потенциалининг 65%и тўпланган эди. Тошкентда ва Тошкент вилоятида, қисман Фарғона водийсида саноат қурилиши ҳаддан ташқари кўп жойлаштирилди.



Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати. 1974 йил.

Айни вақтда саноат қурилиши даражаси республиканинг шимолий ва жанубий вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистонда айниқса паст даражада қолаётган эди. Бу ҳудудларда аҳолининг 40%идан кўпроғи истиқомат қиларди, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 37%и шу ерда эди, лекин бу ерга миллий даромаднинг бор-йўғи 31%и тўғри келарди, ҳолбуки, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларига (аҳолининг 34%и шу ерда яшар ва халқ хўжалигида бандларнинг 38%и шу ерда эди) миллий даромаднинг деярли 45%и тўғри келарди.

Баъзи вилоятларнинг саноати аниқ ифодаланган хом ашё йўналишига эга эди. Бу ерларда асосан қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бирламчи ишлов берадиган тармоқлар (пахта тозалаш, пиллакашлик, кунчилик, ёғ ишлаб чиқариш ва бошқа) жойлашган эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, масалан, пахта тозалаш тармоғига Қорақалпоғистонда 50%, Қашқадарё вилоятида 51%, Сурхондарё вилоятида қайта ишлаш саноати ялпи маҳсулоти бутун ҳажмининг 56%и тўғри келарди[1]. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари тағин ҳам пастроқ даражада эди (масалан, Қашқадарё вилоятида — 0,3% ва ҳоказо).

Ўзбекистон саноатининг тузилиши ва ҳудудий жойлаштирилишида йўл қўйилган нуқсонлар шунга олиб келдики, 80-йилларда республика саноат ишлаб чиқаришидаги деярли барча ўсишлар хом ашё ва ресурс тармоқлари (пахта тозалаш, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия) ҳисобига таъминланди. Уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 60%га етди, ҳолбуки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатининг салмоғи фақат 16%ни ташкил этган бўлиб, бу икки банддан камроқ кўтарилганлигини англатарди. Бу ҳол республикалараро ноэквивалент, нооқилона алоқаларга олиб келди, бундай шароитда Ўзбекистондан хом ашё ва чала маҳсулотлар ташиб кетилар, бу ерга эса бошқа ресурслар ва асбоб-ускуналар билан бир қаторда ўзи чиқарган хом ашё ва чала маҳсулотларни тайёр маҳсулотларга айлантирилиб қайтариб олиб келинарди. Ўзбекистоннинг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжининг деярли учдан бир қисми бошқа республикалардан келтириш ҳисобига қондириларди. Иқтисодиётнинг ривожланишидаги бундай бир томонламалик ишлаб чиқарувчиларга ўз меҳнатлари натижаларини ҳис қилиш имконини бермасди, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлай олмасди, бинобарин, халқ фаровонлигини ошириш имконини бермасди, республиканинг иқтисодий тараққиёти ва изчил ривожланиши оқсаб қолаётган эди.

Бундай камситиш сиёсатининг салбий оқибатлари айниқса аҳолининг табиий ўсиши ва меҳнат ресурсларининг кўпайиш суръатлари юқори бўлиши билан янада яққолроқ сезилди. Би-

[1] «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1988, № 1, 7-бет.

роқ мустабид тузум раҳбарлари Ўзбекистон саноати ривожланишини белгилашда бир томонлама ёндашиб, минтақанинг ана шу демографик ривожланиш хусусиятларини эътиборга олмадилар. Республикада аҳолининг ўсиш суръатлари барқарор юқори (йилига 2,5—3%) бўлгани ҳолда бу ерда бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш дастури ишлаб чиқилмади[1]. Шу билан бирга, саноатнинг кўп меҳнат талаб қилинадиган тармоқларининг чекланганлиги, саноат ишлаб чиқаришига маблағларнинг етарли даражада берилмаганлиги меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келди. Бу ҳол банд бўлмаган аҳоли сони кўпайишини олдиндан белгилаб берди, янги ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди ва илгари мавжуд бўлган муаммоларни янада кескинлаштирди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланганлиги ҳам меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришга фаол жалб қилинишига тўсқинлик қилди. Республикада, айниқса, қишлоқ жойларида, бир қатор вилоятларнинг кичик шаҳарлари ва туман марказларида уй-жой, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, ижтимоий, маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган бошқа муассасалар жуда кам қурилди, ҳолбуки, бу жойларда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ишга жалб қилиш мумкин эди. 1983 йилда фақат Ўзбекистон шаҳарларининг ўзида 836 минг меҳнатга лаёқатли аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмади. Айни вақтда саноатда, қурилишда, турмушнинг бошқа соҳаларида кадрларнинг, айниқса миллий кадрларнинг етишмаслиги қайд этилди. Бу етишмовчиликни империя раҳбарияти СССРнинг Европа қисмидан ва бошқа республикалардан ишчи кучи олиб келиш ҳисобига қоплашга уринди. Ўзбекистонга ташқаридан ишчилар ва мутахассисларнинг оқиб келиши тўхтовсиз ўсиб борди, банд бўлмаган маҳаллий аҳоли сони эса тобора кўпайиб борди.

Иқтисодий муаммолардан ташқари янги ижтимоий, миллий, экологик ва бошқа муаммолар ҳам вужудга келдики, бу омиллар умумий вазиятни янада мураккаблаштирди. Бироқ бу ҳол иттифоқ раҳбариятини камроқ қизиқтирарди, чунки маҳаллий халқнинг манфаатлари, уларнинг эҳтиёжлари ва талаблари уларга бегона эди. Республика раҳбарларининг кадрлар сиёсатини ўз халқи манфаатлари йўлида ҳар қандай, ҳатто журъатсизлик билан тўғрилашга бўлган озгина уриниши ҳам Марказ томонидан миллатчилик кўриниши, умумиттифоқ манфаатларини писанд қилмаслик деб баҳоланарди.

Ўзбекистоннинг индустриал ривожланиши ишлаб чиқаришга малакали ишчилар ва мутахассислар доимий равишда келиб туришини талаб қиларди. Урушдан кейинги йилларда ана шу мақсад учун ҳунар-техника таълими (ҲТТ) тизими, бевосита

[1] Ўзбекистон тарихи. 9-синф. 254-бет.

ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида эса алоҳида бригада ва курс таълими ташкил қилинган эди. 1940 йилда ташкил этилган давлат меҳнат резервлари гизимига ҳунар, темирйўл, қурилиш билим юртлари, шунингдек, фабрика-завод таълими (ФЗТ) мактаблари кирарди, улар республиканинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳузурида ўқув-ишлаб чиқариш базалари сифатида ишлаб турарди. Фақат урушдан кейинги дастлабки беш йил ичида билим юртлари ва ФЗТ мактаблари 45 минг ёш малакали ишчилар тайёрлаб берди, бу ишчилар Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Ёшларни ўқитиш жараёнида умумтаълим ва техник тайёргарлик дастлаб устахоналарда, кейин эса бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида ижтимоий фойдали меҳнат билан бирга қўшиб олиб борилар эди.

Бироқ билим юртлари ва ФЗТ мактабларининг аксарият қисми яхши жиҳозланган биноларга, махсус безатилган кабинетлар ва устахоналарга эга эмасди, ўқув қўлланмалари, малакали ўқитувчилар етишмасди. Билим юртларида маҳаллий миллат ўқувчиларининг салмоғи ниҳоятда паст даражада (20—25%дан ошмасди), айниқса, қизлар жуда кам эди. Дуруст турар-жой, маиший шарт-шароитларнинг йўқлиги туфайли ёшларнинг муайян қисми ишлаб чиқаришда муқим ўрнашиб қолмасди.

Саноат ривожланишининг юқори суръатлари ишчи кадрлар тайёрлашнинг доимий тармогини кенгайтиришни тақозо этди. Фақат 1980—1985 йилларнинг ўзида Ўзбекистон ҲТТ тизимида 687,5 минг киши таълим олди, ҳунар-техника билим юртлари сони 488 тадан 567 тага етди[1]. Ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари мутахассислик билан бир қаторда ўрта маълумот ҳам олишарди. Бироқ ҲТТ тизими ўқув юртларининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги учун ишчилар тайёрлашга йўналтирилган эди. Саноатда малакали ишчи кадрларнинг танқислиги сезила бошлади. Шунинг учун саноат корхоналари ўзлари учун бевосита корхоналарда кадрлар тайёрлашга мажбур бўлдилар. 60—80-йилларда Ўзбекистон корхоналарида республикадаги ишчиларнинг 3/4 қисми тайёрланди. Ишчиларни ишлаб чиқаришда жадаллик билан тайёрлаш амалда назарий билимлар бермасди, ишчилар фақат муайян касблар бўйича шунчаки амалий кўникма олардилар, холос.

Саноатни ривожлантиришнинг муҳим омили малакали мутахассислар бўлиб, уларни республика олий ва ўрта махсус таълим тизими тайёрлаб берарди. Фақат 1985 йилнинг ўзида ўқув юртларининг 13 мингдан ортиқ битирувчилари саноат корхоналаридаги, қурилиш ташкилотларидаги, транспорт ва алоқа хизматларидаги мутахассислар сафини тўлдирдилар. Бироқ уларнинг кўпчилик қисмидан қишлоқ хўжалигида ва савдо соҳаси-

[1] Народное хозяйтство Узбекской ССР в 1984 г. — С. 228.

да фойдаланилди. Ўқитувчилар таркиби ҳам етарли даражада юқори эмасди, ўзбек тилида чекланган фанлар ўқитиларди. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг кўпгина битирувчилари ўз мутахассисликларини халқ хўжалигида амалда татбиқ эта олмадилар, турли идоралар ва бошқармаларнинг аппаратида ўтириб қолдилар. Мустабид тузум олий ва ўрта махсус таълим тизими орқали оммавий касблар бўйича кадрлар тайёрлаш каби «ялпи миқдор» учун, маблағларни тақсимлаш вақтида эса «қолдиқ» принципи бўйича ишлашни давом эттирди. Кадрлар сиёсатидаги бузилишлар, хато ва нуқсонлар йилдан-йилга ортиб борди, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига туғаноқ бўлди. Ўзбекистон ССР раҳбарияти эса Марказнинг иродавий йўл-йўриқларига мослашиб қолганлиги сабабли бу камчиликларга барҳам бериш юзасидан қатъий чоралар кўрмади. Фақат кадрлар сиёсатидагина эмас, балки Ўзбекистон ҳаётининг бутун тизимида қатъий ва кечиктириб бўлмайдиган ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилинарди.

4. АГРАР ТАНГЛИКНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ. ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Марказнинг иқтисодий жабҳадаги ўзбошимчалиги уруш йилларида эътиборсиз қолган ўзбек қишлоқларига салбий таъсир кўрсатган эди. Чунки уруш даврида имкон даражада қишлоқдан (озиқ-овқат, хом ашё, ишчи кучлари ва ҳ.к.) олинди, лекин қишлоққа эса ҳеч нарса берилмади. Оқибатда қишлоқ хўжалигида совет аграр сиёсатининг тобора янги-янги зарарли иллатлари ўзини намоён қила бошлади.

Сталин маъмурияти коммунизмга жадал юришдан иборат хаёлий режаларини рўёбга чиқариш мақсадида одатдагидек қишлоқда маъмурий-тазйиқ ўтказишга зўр берди. Жамоа ва давлат хўжаликларидан давлатга маҳсулот етказиб беришни кескин ошириш талаб қилинди, бунда хўжалик имкониятларидан эмас, балки давлат эҳтиёжларидан келиб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун йирик капитал маблағлар талаб қилинарди. Бироқ улар етарлича берилмасди. Урушдан кейинги даврда Ўзбекистоннинг аграр ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун умумий маблағлар ҳажмининг бор-йўғи 7%и ажратилди[1]. Давлатнинг жамоа хўжаликларига «ёрдами» асосан техника етказиб беришдан иборат бўлди, бу техника эса МТСлар тасарруфида эди. Шу билан бирга, жамоа хўжаликлари маҳсулотларига белгиланган харид нархлари урушдан олдин қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолди, ваҳоланки, деҳқон хўжаликлари оладиган саноат маҳсулотларининг нархлари эса 20

[1] ЎзР МДА, 90-фонд, 9-рўйхат, 480-йиғма жилд, 9—10-варақлар.

баравар ортди. Натижада давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деярли текинга оладиган бўлди[1].

Давлатнинг деҳқонларни талашга қаратилган сиёсати улар тўлашга қурби етмайдиган солиқлар солиш билан бирга қўшиб олиб бориларди. Қишлоқ аҳли биттадан ортиқ сигир сақлаши мумкин эмасди. Мева берадиган ҳар туп дарахтдан ҳам солиқ ундириларди. Шу билан бирга шахсий томорқа хўжалиги миқдори ҳам доимий равишда қисқартириб борилди. Агар 1950 йилга қадар томорқа участкалари нормаси 0,15 га.дан 0,25 га миқдор атрофида белгиланган бўлса, 1950 йил январдан бошлаб томорқа участкалари қисқартирилиб, 0,12—0,15 га келтирилди. Деҳқон хўжаликларидан кесиб олинган суғориладиган ерлар, боғлар, узумзорлар жамоа хўжаликларига берилди. Урушдан кейинги йилларда томорқа участкалари ҳақиқатда қишлоқ меҳнаткашларининг қўшимча маҳсулот олиш манбаи бўлиб турган бир пайтда бу сиёсат амалга оширилган эди. Бунинг устига жамоа хўжаликлари ўз аъзоларининг қилган меҳнатларига ҳақ тўлаш имкониятларига эга эмасдилар. Ёзиладиган меҳнат кунлари эса аввалидек рамзий хусусиятга эга эди.

Урушдан олдинги тартиблар сақлаб қолинди, улар колхозчиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб бориш эркинлигини чеклаб қўйган эди. Улар, аввалгидек паспортга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун ҳақ тўлаш, меҳнат таътили, пенсия таъминоти уларга татбиқ этилмасди, ўзбек қишлоғининг ижтимоий соҳаси бутунлай эътиборсиз ҳолатда эди. Қишлоқ аҳолисининг бир қисми ярим хароба биноларда, ертўлаларда, чайлаларда яшарди. Маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш тизими ниҳоятда паст даражада эди.

Бундай муносабатда бўлиш қишлоқ хўжалиги ҳалокатли тарзда инқирозга учрашини, қишлоқ аҳолисининг қашшоқлашувини, меҳнат унумдорлигининг кескин пасайишини муқаррарлаштирарди. Уруш тамом бўлгандан кейин Марказнинг пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги сиёсати ўта тажовузкор хусусият касб этди. Мустабид тузумнинг пахта маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида иттифоқ директив органлари 1946 йил февралда махсус қарор қабул қилди, унда Ўзбекистонда пахта етиштиришни беш йилликда 2,5 баравар кўпайтириш қатъий талаб қилинди. Марказ бу қарор қандай бажарилаётганлигини доимий равишда назорат қилиб турди. Режа топшириқларини бажармаслик «жиноий иш» деб баҳоланди. Пахта йиғим-терим вақтида деҳқон хўжаликларига партия томонидан назоратчи вакил билан бир қаторда Л.Бериянинг даҳшатли «идораси» ходимлари ҳам юборилардилар.

Республикада пахтачиликни юксалтириш учун барча ташкилий ва моддий ресурслардан кенг фойдаланилди. Айниқса омма-

[1] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 8, д. 708, л. 64.

вий ахборот воситалари кенг ишга солинди, қишлоқ хўжалик ходимларининг слётлари чақирилди, пахта етиштириш соҳасидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, ер участкаларини муайян звенолар ва бригадаларга аниқ бириктириб қўйиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Аграр секторни техника билан таъминлашга эътибор берилди. 1949 йилда СХМ-48 русумли пахта териш комбайнлари далаларга чиқди. 1953 йилда пахта териш машиналари сони 13813 тага етди[1]. Айни вақтда қўсак чувиш, қўсак териш машиналари ва бошқа техникаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тиклаш даврининг кўп қиррали муаммоларини ҳал этишда ирригация ва мелиорация муҳим роль ўйнарди. Минглаб колхозчилар кетмон, чўкич, белкурак ва аравачалар билан каналлар ва суғориш тизимлари қурилишида меҳнат қилишди. 1949 йил апрелда республика ҳукумати томонидан «Мирзачўлни янада ўзлаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиниши сув муаммосига бўлган эътиборни янада кучайтирди. 1950 йилда ўзлаштирилган ер майдонлари 281,4 минг га. ни ташкил этди[2]. Янги ўзлаштирилган ерларга асосан пахта экиларди.

Ўзбекистон раҳбарияти қишлоқ иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эди, шунинг учун ҳам пахта етиштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг



Пахта теримида асосий куч аёллар эди. Тошкент вилояти, Калинин жамоа хўжалиги, 1950 йил.

---

[1] ЎзР МДА, 88-фонд, 9-рўйхат, 436-йиғма жилд, 22,36-варақлар.

[2] *Ризаев Р.* Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. — Т., 1978, С. 150—155, 169.

бошқа тармоқларини маълум даражада бир хил қийматга эга бўлган ресурслар билан таъминлашга интилди. Хусусан, республика аҳолисининг моддий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган озиқ-овқат экинларини маълум миқдорда етиштиришга эътибор берди. Бироқ бу ҳол Марказнинг пахта яккаҳокимлигини кенгайтиришга қаратилган империяча йўлига зид келарди. 1947 йилда Ўзбекистоннинг масъул ходимларини Москва «маҳаллий вазифалар фойдасига умумдавлат манфаатларини унутиб қўйиш»да[1] айблади. Марказнинг директив йўл-йўриқларига мувофиқ устунлик фақат пахтачиликка қаратилди. Шунингдек, белгиланган режани бажариш йўлида миллий раҳбарларга ва бусиз ҳам пахтазорларда оғир меҳнат қилаётган қишлоқ меҳнаткашларига нисбатан жазо тазйиқлари кучайтирилди. Натижада 1952 йилда Ўзбекистон давлатга 2 млн. 367 минг т. пахта топширди, бу 1940 йилдагига нисбатан деярли икки баравар кўп эди. Бироқ бу ўсишга аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги объектив соғлом жараёнлар туфайли эмас, балки ўзбек деҳқонларини аёвсиз ишлатиш ҳисобига эришилди.

Пахта яккаҳокимлигини мустаҳкамлашга қаратилган бу империяча сиёсат республика қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, 50-йилларнинг бошларида Ўзбекистон экин майдонларини урушдан олдинги даражасига етказиб бўлмади. Дон экинлари ялпи ҳосили 1940 йилдаги 615,1 минг т.дан 443 минг т.га, узум 1302 минг т.дан 840,2 минг т.га, полиз экинлари 331,9 минг т.дан 153,4 минг т.га тушиб қолди. Айни вақтда сабзавотлар ҳосилдорлиги гектарига 152 т.дан 73 т.га, полиз маҳсулотлари 84 т.дан 66 т.га тушиб қолди ва ҳоказо[2].

Чорвачилик инқироз ёқасига келиб қолган эди. Унда меҳнатни ташкил этишнинг эскича усуллари ҳукмрон эди. «Чорвачиликдаги сермеҳнат жараёнларни механизациялашга» амалда ўтилмаганди. Фермаларнинг аксарият қисми механизациялаш у ёқда турсин, ўзлари ниҳоятда ночор аҳволда эди. Масалан, «Савой» давлат хўжалигида 571 бош қорамол бўлгани ҳолда фақат 80 бош сиғадиган битта молхона мавжуд эди. Қолган сигир ва бузоқлар вақтинча мослаштирилган биноларда сақланар, ҳатто уларнинг эшик ва ромлари ҳам йўқ эди[3]. Кўпгина хўжаликларда аҳвол бундан ҳам ёмон эди. Республикада муттасил ем-хашак етишмасди, чунки пахта яккаҳокимлиги авж олдирилиши сабабли ем-хашак экинлари ва яйловлар йилдан-йилга қисқариб бораётган эди.

Табиийки, бундай шароитда чорва моллари сони ва уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб боради. Шуни айтиш кифояки,

---

[1] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 8, д. 1204, л. 18—19.
[2] ЎзР МДА, 1916-фонд, 10-рўйхат, 4112-йиғма жилд, 110—115-варақлар.
[3] Ў ш а ж о й д а, 737-фонд, 3-рўйхат, 5224-йиғма жилд, 13-варақ.

50-йилларнинг бошларида жамоат чорва моллари сони урушдан олдинги даражага ҳали етмаган эди. 1953 йилда республикада барча турдаги хўжаликларда 1321 минг бош қорамол мавжуд бўлиб, 1940 йилдагига нисбатан 372,1 минг бош кам эди. Бунинг натижасида гўшт маҳсулоти сезиларли равишда пасайиб борди, айниқса, қорамоллардан олинадиган гўшт камайиб кетди. Агар 1945 йилда ялпи гўшт етиштириш 73,5 минг т. бўлган бўлса, 50-йилларнинг бошларига келиб фақат 57 минг т. гўшт етиштирилди. Сут соғиб олиш 316,2 минг т.дан 300,2 минг т.га тушиб қолди[1]. Бундай хавфли тамойиллар бутун совет қишлоқ хўжалигини қамраб олган эди. Аграр соҳада юзага келган кескин танглик Сталин вафотидан кейин ҳокимиятни эгаллаган янги сиёсий раҳбариятни қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатни жиддий равишда янгилашга мажбур қилди.



Бухоро чорвадорлари Марказга юбориш учун қоракўл териларини сараламоқдалар. Конимех тумани, 1952 йил.

Қишлоқ хўжалигида янгиланган устивор йўналишлар дастури коммунистлар партиясининг 1953 йил сентябр пленумида қўйилган эди. У «коммунизмга сакраш»га уринишлардан чекинишни, аввалги аграр йўлни юмшатишни назарда тутарди: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жонлантириш учун жамоа хўжаликларининг қарзлари бекор қилинди, давлатга маҳсулотлар етказиб бериш ҳажми бирмунча камайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи бир оз оширилди. Шу билан бир-

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50-лет. — Т., 1967. С. 117.

га, қишлоқ аҳолисининг парранда, майда уй ҳайвонларини кўпайтириши рағбатлантирилди, томорқа участкаларидан олинадиган солиқлар камайтирилди.

Ҳукмрон органларнинг қишлоқ хўжалигига ажратиладиган капитал маблағларни кўпайтиришга, қишлоқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга интилиши яққол кўзга ташланди. Пахтачиликни механизациялаш, янги машиналар ва механизмларни ўзлаштириш, деҳқон хўжаликларининг техника билан таъмин этилишини кучайтириш соҳасида ташкилий чора-тадбирлар белгиланди. Аграр ишлаб чиқаришни электрлаштириш соҳасида ҳам муайян силжиш кўзга ташланди. Шунингдек, айрим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Қишлоқ жойларида касалхоналар, мактаблар, уй-жойлар аввалгига нисбатан кенгроқ миқёсда қурила бошлади, ходимларнинг айрим тоифаларига пенсиялар жорий этилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқ иқтисодиётининг жонланишига бирмунча туртки берди. 1960 йилда республикада етиштирилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 1950 йилдагига нисбатан сезиларли даражада ортиқ бўлди. Чорвачиликда ҳам баъзи умидбахш силжишлар кўзга ташланди.

Бинобарин бу билан қишлоқ хўжалигидаги ҳалокатли ҳолатлар бирмунча камайтирилди, холос. Лекин улар ҳали мавжуд эди. Улар тараққиёт йўлида кучли тўсиқ бўлиб турарди. Амалга оширилган чора-тадбирлар эса қишлоқ иқтисодиётини етарли даражада юксалтиришни объектив равишда таъминлай олмади. Бу тадбирлар асосан расмиятчиликдан иборат бўлиб, мустабид тузумнинг мафкураси ва руҳини акс эттирар, ердан фойдаланиш ва бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими негизларига мутлақо дахл қилмасди. Ҳаёт маъмуриятчиликка эмас, балки иқтисодий ва демократик усуллар ҳамда воситаларга таянувчи раҳбарлик тизимини жорий этишни астойдил талаб қиларди. Маъмуриятчиликдан бутунлай воз кечиш, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, у ерда мулкчилик шаклларини соғлом тарзда қайта қуриш олға томон шиддатли ҳаракат қилишни таъминлаши мумкин эди. Аммо бундай аҳвол содир бўлмади. Аксинча, йиллар мобайнида буйруқбозлик механизмлари, қишлоқдан ресурсларни тортиб олиш тажрибаси борган сари янада кучайиб борди. Ҳокимият тузилмаларида аввалгидек бозорга, товар-пул муносабатларига нафрат кўзи билан қараш ҳукм сурарди, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларига менсимасдан қараш давом этди.

50-йилларнинг охирига келиб Н.С.Хрушчевнинг хатти-ҳаракатларида ва унинг энг муҳим муаммоларга ёндашувида ўзбошимчалик, тоқатсизлик, «коммунизмга қаттиқ ҳужум ва шиддат билан ўтиш»ни сунъий равишда тезлаштириш яққол намоён бўла бошлади.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсатидаги йўл қўйилган хатолар аҳволни янада мураккаблаштирди. 1950 йилда У.Юсупов республика компартияси МҚ биринчи котиби лавозимидан бўшатилганидан сўнг бирмунча вақт мобайнида юқори раҳбарият бир неча марта алмаштирилди. Кадрлар сиёсатидаги беқарорлик республикадаги маънавий-сиёсий вазиятга, энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда салбий таъсир кўрсатди.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Совет давлатининг сиёсий раҳбариятида «коммунизмга жадал юриш» мафкурасида колхоз-кооператив мулки ўз имкониятларини тугатди, деган фикр устунлик қила бошлади. Кооператив мулкни ижтимоий мулкка жадал «етказиб олиш» йўли билан «социалистик мулк»нинг икки шакли ўртасидаги тафовутни барҳам топтиришга қарор қилинди.

Колхоз-кооператив мулкини жадал давлат тасарруфига ўтказиш стратегиясининг яққол намунаси оммавий совхозлаштириш йўлида ўз ифодасини топди. 1957 йилдаёқ республикадаги 479 жамоа хўжалиги негизида 82 та совхоз (давлат хўжалиги) ташкил этилди. 1960 йилга келиб Ўзбекистондаги жамоа хўжаликлари сони 1950 йилдагига нисбатан қисқартирилиб, 3316 тадан 978 тага қисқарди. Совет хўжаликлари сони эса аксинча 98 тадан 192 тага ортди, 1965 йилга келиб 297 тага етди[1]. Бу ҳол деҳқонларни «ишчиларга айлантириш»дан иборат сунъий жараёнларни кучайтирди, деҳқонларнинг азалий турмуш тарзига путур етказилди.

МТСларни қайта ташкил этиш ва улар ихтиёрида бўлган техникаларни қишлоқ хўжалик артелларига мажбуран топшириш соҳасида 1958 йилда амалга оширилган тадбир жамоа хўжаликлари иқтисодиётига жиддий зарар етказди. Марказий ҳукумат ташаббуси, маъмурий сиқуви билан Ўзбекистоннинг «қолоқ» жамоа хўжаликлари 358,8 млн. сўм миқдорида қарздор бўлишларига қарамай, 1958 йил 1 майгача 78 та МТС ўзлари хизмат кўрсатадиган 700 та жамоа хўжалигига техникани тўлиқ сотиб бўлдилар[2]. Натижада қишлоқ хўжалик артеллари сотиб олинган техникаларга тўлаш учун йиллар давомида тўплаган бўлинмас жамғармаларининг анчагина қисмини сарфладилар. Ажабланарлиси шундаки, жамоа хўжаликларини эскириб қолган машина ва механизмларни, очиғини айтганда, яроқсиз техникани сотиб олишга мажбур қилдилар. Бунинг устига, 1958 йилда қишлоқ хўжалик техникасининг нархи икки марта оширилди. Эҳтиёт қисмлар, ёқилғи нархлари анча юқори қилиб белгиланди. Давлат яна бир марта ўзининг иқтисодий аҳволини қишлоқ меҳнаткашлари ҳисобига яхшилаб олишга уринди.

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 140—146.
[2] ЎзР МДА, 90-фонд, 9-рўйхат, 6433-йиғма жилд, 57-варақ.

Агар «Хрушчев ўн йиллиги» бошларида қўпол ғайри иқтисодий мажбурлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига ёндашувда озиқ-овқат развёрсткаси усулларини қўллаш стратегияси бирмунча бўшаштирилган бўлса, 60-йилларнинг бошларида партия «коммунистик жамият қурилишини жадаллаштириш» йўлига ўтиши билан мазкур стратегия яна аввалги ҳолига қайтди.

Етарли даражада ресурслар билан таъмин этилмаган ва ҳаддан ташқари ошириб юборилган режа топшириқлари, моддий рағбатлантириш принципларини жорий қилиш ўрнига «омма инқилобий шижоати»ни авж олдириш учун уни фақат саробдан иборат «коммунистик меҳнат ҳаракати» шакли билан алмаштириб, хўжаликлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг озиқ-овқат развёрсткаси сифатида тортиб олиниши аграр соҳада туғаноқлик механизмини янада кучайиб боришига кўмаклашди. Масалан, гўшт-сут маҳсулотлари бўйича давлатга маҳсулот топшириш мажбуриятини бажариш учун аҳолидан чорва моллари, тухум, сут маҳсулотлари мажбуран олинди, жамоа ва давлат хўжаликларининг урғочи моллари эса гўштга топшириб юборилди. Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари кенг тус олди. Бундай «қоғоз»даги фаровонлик деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлиши, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига сабабчи бўлди.

Жамиятнинг «коммунизмни жадал барпо этишга» йўналтирилиши ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликларни таъқиб қилишни тақозо этди, ўйламай-нетмай сўлларча йўл тутилиши ҳамма жойда томорқа ерларини қисқартириш, чорва молларини чеклашга олиб келди. Хусусан, агар колхозчиларнинг 20—25 сотих томорқа ери бўлса, шундан қарийб 10 сотихи, давлат хўжалиги ишчиларида эса 9 сотихи қолдирилди.

«Коммунистик жадаллаштириш» томон йўл тутиш қишлоқ хўжалигида кутилаётган «кескин юксалиш» ўрнига унинг мунтазам равишда пасайиб боришига олиб келди. Масалан, 60-йилларнинг бошларида давлат хўжалиги ишлаб чиқаришидаги меҳнат унумдорлиги 1950 йил даражасида бўлди. Дон экинлари ҳосилдорлиги хўжаликларнинг барча тоифалари бўйича 1960—65 йилларда қисқариб, 7,8 ц/га. дан 5,0 ц/га га тушиб қолди, картошка ҳосилдорлиги 69 ц/га. дан 57 ц/га, полиз экинлари 66 ц/га.дан 62 ц/га, илдизмевалар 156 ц/га.дан 114 ц/га тушди. Чорвачиликда ҳам орқага кетиш кузатилди. Мазкур даврда гўшт етиштириш жамоат секторида 128,3 минг т.дан 104,2 минг т.га, сут 338,4 минг т.дан 324,9 минг т.га, жун 19,8 минг т.дан 15,3 минг т.га, қорамоллар 1221,7 минг бошдан 1184,4 минг бошга тушиб қолди[1].

Пахтачиликда зиддиятли жараёнлар содир бўлди. Пахтачи-

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50-лет... С. 96, 117.

ликни ривожлантириш мантиғи унинг империяча йўналишини сақлаб қолди. Хрушчев партия ва мамлакатга раҳбарлик қилишга келгач, Ўзбекистон ҳукуматидан пахта етиштиришни кўпайтириш, чигит экишга ажратиладиган майдонларни кескин кенгайтиришни анъанавий равишда талаб қилди.

Пахтадан тобора кўпроқ ялпи ҳосил олишга эришиш сиёсатининг яққол ифодаси янги ўзлаштирилган ерларда пахта етиштирадиган хўжаликларни жадаллик билан ташкил этиш бўлди. Иттифоқ директив органлари 1956 йил 6 августда «Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорни қабул қилгандан кейин пахтачилик хўжаликлари ташкил этиш айниқса кенг кўлам касб этди[1]. Мазкур қарорга мувофиқ 1962 йилга келиб Мирзачўлда 300 минг гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилиши ва 34 пахтачилик давлат хўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган эди. Қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун ЎзССР Министрлар Кенгаши ҳузурида Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш бўйича бошқарма – «Главголодностепстрой» ташкил этилди. «Главголодностепстрой» негизида ирригация ва совхозлар қурилиши бўйича Ўрта Осиё Бош бошқармаси — «Главсредазирсовхозстрой» юзага келди.

Мирзачўл билан биргаликда Марказий Фарғона ерлари ҳам фаоллик билан ўзлаштирилди. Сурхондарё, Зарафшон воҳаларида, Амударё этакларида ҳам йирик ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилди. Қарши ва Шеробод чўлларига ҳужум кенг авж олдирилди.

Ирригация ишларининг қизғин тус олдирилиши 1955—1959 йилларда 160 минг га. янги ерларни ишга туширишга имкон берди. 1965 йилда Ўзбекистоннинг экин экиладиган майдонлари 350 минг га.га кўпайди, шу жумладан, суғориладиган ерлар 200 минг га.га ортди. Йирик қўриқ ва бўз ерлар массивларининг қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши республикада пахта экин майдонларини кенгайтиришга ёрдам берди. Натижада пахта етиштириш ҳажми 1953 йилдан 1964 йилгача 2525,5 минг т.дан 3671,4 минг т.га етди. Лекин ҳосилдорлик пасайиб кетди. Масалан, 1956 йилда республика бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 22,0 ц. пахта ҳосили олинган бўлса, 1962 йилда у пасайиб, 19,2 ц.ни ташкил қилди[2]. Кўпгина хўжаликларда ҳосилдорлик бундан ҳам камроқ бўлди.

Вақт масофасидан туриб назар ташлаганда, шу нарса яққол кўзга ташланадики, Ўзбекистонда ҳам, умуман, бутун СССРда бўлганидек, қўриқ ерларга оммавий равишда қилинган ҳужум режалаштириш вақтида мўлжалланган натижаларни бермади.

---

[1] ЎзР МДА, 1619-фонд, 10-рўйхат, 4112-йиғма жилд, 140—143-варақлар.

[2] ЎзР МДА, 2743-фонд, 1-рўйхат, 2670-йиғма жилд, 10—12-варақлар.



Ўзбек халқи пахта ҳосилини йиғиб олиш учун машаққатли меҳнатда. Тошкент вилояти, Ўртасарой тумани, 1957 йил.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш жамият тараққиётини экстенсив андоза бўйича олиб боришнинг яққол ифодаси бўлди. У чуқур ва ҳар томонлама илмий асосда ишлаб чиқилмаган бўлиб, кўп жиҳатдан субъективизм асоратидан холи эмасди. Амалга оширилаётган тадбирларнинг экологик оқибатларини ҳисобга олмаслик аҳволни янада мушкуллаштирди. Экология муаммоларига эътиборсизлик билан қараш дарҳол кўзга ташланмади. Лекин у секин-аста авж олиб, Оролнинг ҳозирги вақтдаги фожиасига замин ҳозирлаб борди.

Иттифоқ сиёсий раҳбариятининг ерларни дренажсиз ўзлаштириш соҳасидаги Лисенко «назарияси»га хайрихоҳлик билан қараши тупроқнинг ҳолатига салбий таъсир қилди. Бу назариянинг расмий равишда қўллаб-қувватланиши тупроқнинг шўрланиши ва ботқоқлашувига қарши муҳандислик усуллари, дренажлар қуриш йўли билан кураш олиб бориш ишларини тўхтатиб қўйишга олиб келди. Оқибатда ҳосилдор ерлар миқдорининг камайиб бориши яққол сезила бошлади. Масалан, 1965 йилда биргина Бухоро вилоятида шўрланмаган ерлар салмоғи бор-йўғи 9,8%ни ташкил этди[1].

1964 йил октябрда «сарой тунтариши» натижасида Н.С.Хрушчев ҳамма лавозимлардан бўшатилиб, Л.И.Брежнев сайланди, у Совет давлатининг «турғун»лик даври тарихида янги саҳифа очди.

---

[1] «Советская Бухара». 1966, 30 марта.

Мамлакат иқтисодий аҳволидаги мураккаблик янги сиёсий раҳбарият олдига хўжалик механизмини, айниқса, аграр ишлаб чиқариш механизмини янгилаш вазифасини қўйди. 1965 йилнинг март ойида таклиф этилган аграр йўл миллий даромадни қишлоқ хўжалиги фойдасига қайта тақсимлашни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини оширишни, бошқаришнинг маъмурий усулларидан иқтисодий усулларига ўтишни, шахсий ёрдамчи хўжаликларга нисбатан қилинган ноҳақликларни бартараф этишни, аграр тармоққа фан-техника тараққиётини жорий этишни назарда тутар эди.

Бироқ, ўйлаб топилган бу тадбирларнинг кўплари амалга оширилмади. Маъмуриятчилик, хўжаликларнинг ва умуман қишлоқ меҳнатчиларининг ишларига уқувсизлик билан аралашиш давом этарди. Энг асосийси, ердан фойдаланишнинг социалистик тизими сақланиб қолган бўлиб, қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни ердан ва ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштириб қўйган эди. Бунинг оқибатида салбий ҳолатлар кўпайиб борди. Натижада 80-йилларнинг бошларига келиб Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалиги танглик ҳолатига тушиб қолди.

60—80-йилларда аграр қурилиш стратегиясининг навбатдаги муҳим йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш сиёсати майдонга чиқди.

Бугунги кунда маълум бўлишича, совет режими шароитида юзага келган аграр ишлаб чиқаришнинг индустрлаштириш концепцияси ўзининг жиддий камчиликларига эга бўлган. Унинг ижобий томонларидан бири сифатида илғор технологияларни жорий этишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, иттифоқ раҳбарияти аввалбошданоқ яроқсиз бўлган ва марксча ғояга асосланган қишлоқ хўжалигини улкан «аграр фабрика»лар шаклида ташкил этиш сиёсатини амалга ошириб, унинг цехлари ёлланма меҳнатга ва ишни саноат негизида ташкил этишга таянувчи «йирик жамоа хўжаликлари»дан иборат бўлишини таъминлашга ҳаракат қилди. Бундай ёндашув, биринчидан, хўжалик юритишнинг индустриал-оилавий шаклларини ривожлантиришга халақит берар, иккинчидан, қишлоқ хўжалик меҳнатининг ўзига хос томонларини, унинг жонли табиат билан боғлиқлигини инкор қиларди.

Катта миқдорда капитал маблағ сарф этишни талаб қилувчи қишлоқ хўжалигини индустрлаш режаси иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб чиқди. Иттифоқ бўйича ҳам, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ажратилган маблағларнинг анчагина қисми катта чиқимни талаб қилувчи гигант мажмуалар қурилишига сарфланди, ҳолбуки, улар ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни механизациялашга, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга ёки маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш каби тармоқларни ривожлантиришга сарфланиши лозим

эди. Саноат типидаги улкан агрокорхоналар катта маблағ сарф этилишига қарамай самарасиз эди, чунки улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайишини зарур даражада таъминлай олмасди.

Мустабид тузумнинг илм-фанга маъмурий-буйруқбозлик усули билан муносабатда бўлиши унинг ижодий парвозига жиддий тўсиқ бўлди. Бунинг устига Марказ қишлоқ хўжалик фани эҳтиёжларига етарли эътибор бермади. Бу фан расмий тус олган бўлса-да, у курсаткичлар учун хизмат қилишга қаратилган, жаҳон илмий тажрибасидан узоқлашган, ундан ажралиб қолган эди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жорий этишни қийинлаштирди, фандаги муҳим янгиликлар қишлоқ хўжалигига мунтазам татбиқ этилмади.

Ўзбекистон ҳукумати бу йилларда ўзининг диққат-эътиборини комплекс механизацияни жорий этишга, техника ва энергетика билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратди. Шу билан бирга, умумиттифоқ йўл-йўриқларига мувофиқ пахтачиликни жадал ривожлантиришга мажбур бўлди.

Пахтачиликни ривожлантиришга республикадаги мавжуд илмий кучлар жалб қилинди. Курсатиб ўтилган йилларда ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳаларида кўзга кўринарли илмий силжишлар рўй берди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг экспериментал биология институтида истиқболли ва вильтга чидамли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» каби (ҳозирги кунда бу навлар ҳам касалланиб, ёки бошқа навларга чатиштирилиши натижасида ўз аҳамиятини йўқотди) чигит навлари яратилди. СоюзНИХИ мутахассислари чигитнинг яхши сифатли тола берадиган юқори ҳосилли навларини етиштирдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг яратувчилик куч-ғайратлари туфайли 80-йилларнинг ўрталарига келиб республика қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, қудратли пахта мажмуига асос солинди. Янги чўл массивларини ўзлаштириш юзасидан анчагина ишлар амалга оширилди. Бу борада ўша йиллари ЎзКП МҚнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган Ш.Рашидов ташаббускорлик қилди.

Шароф Рашидович Рашидов

Ш.Р.Рашидов (1917—1983) — таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи. 1917 й. Жиззах шаҳрида туғилган. Ш.Р.Рашидов 1933 й. етти йиллик мактабни тугатиб Жиззахдаги педагогика техникумига ўқишга киради, уни тугатгач ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилади. 1937—1941 йилларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг филология факультетида ўқиди. Университетда ўқиш даврида Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, ўқишни тугатгач, 1941 й. газетанинг масъул муҳаррири бўлиб ишлади. 1941 й. ноябр ойида, урушнинг энг даҳшатли кунларида Ш.Рашидов

ҳаракатдаги армияга чақирилди. 1942 й. оғир яраланиб Ватанига қайтиб келди ва Жиззахдаги ўрта мактабда директорлик қилди. 1943 й. яна «Ленин йўли» газетасида масъул муҳаррир, 1944 й. Самарқанд вилояти партия қўмитасида котиб лавозимларида ишлади. 1947—1949 йилларда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарув раиси (1949—1950), 1950 й. ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси, СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари, 1959 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиби лавозимларида ишлади. 1961 й. КПСС МҚ аъзоси, 1961 й. КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига номзод эди. Ш.Рашидов республикага деярли чорак аср раҳбарлик қилди. Ана шу йиллар Ватанимиз тарихининг мураккаб даврини ташкил қилади. Бу йиллар Иттифоқ раҳбариятининг «ҳужум ва тазйиқ билан» «коммунизмга сакрашни» амалга ошириши ҳамда тўқиб чиқарилган «ривожланган социализм» режаларини жорий қилиш билан, волюнтаризм ва субъективизмнинг кучайиши билан, совет давлати ҳаётининг барча соҳаларида танглик ҳолатларининг авж олиши билан ажралиб турди.



Шараф Рашидов.

Ўз даврининг фарзанди бўлган Ш.Рашидов ўша мустабид тузумга садоқат билан хизмат қилишга, Марказнинг буйруқларини ҳаётга татбиқ этишга мажбур эди. Марказий сиёсий раҳбариятнинг тазйиқи билан Ўзбекистон манфаатларига зид боришга ҳам тўғри келарди. Лекин у иттифоқ раҳбариятининг империяча хатти-ҳаракатлари туфайли етказилаётган зарарни энг кам миқдорга туширишга интилди, республика учун зарур маблағлар ва моддий ресурсларни ундиришга ҳаракат қилди. Кўпгина муҳим объектлар (қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, сув иншоотлари қуриш, Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш ва шаҳарни қайта қуриш, Тошкент метрополитени қурилишини йўлга қўйиш ва ҳ.к.) қурилиши, Ўзбекистоннинг кўп қиррали салоҳияти ривожланиши унинг номи билан боғлиқдир.

«Шараф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги алоҳида хизмати шундан иборатки, — деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов, — у ишлаб турган даврда ўзбек халқи бутун дунёга машҳур бўлди. Халқаро тинчликсеварлик ҳаракатини ифодаловчи ва республикамиз заминида вужудга келган машҳур «Тошкент руҳи» тушунчаси бевосита Рашидов номи билан боғлиқдир». Рашидов ўзбек халқининг пок номини улуғлаш, унинг ажойиб фазилатларини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатиш учун ҳаракат қилди.

Аммо, шу билан бирга Ш.Рашидов раҳбарлик қилган йилларда Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги узил-кесил қарор топганлиги, республиканинг марказга сиёсий, айниқса, иқтисодий қарамлиги кучайганлиги, озиқ-овқат, гўшт маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлашга мажбур бўлганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда экстенсив йўлдан борилгани, Орол денгизи ҳалокат ёқасига олиб келинганлиги, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар содир бўлганлиги тарихий ҳақиқатдир. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Мустабид тузум Ш.Р.Рашидовнинг Ўзбекистон миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, Марказга қарамликни, гарчи имкон даражасида бўлса ҳам, заифлаштиришга интилиши билан келиша олмасди. У вафот этгандан кейин, республиканинг иқтисодий ривожланиши кескин равишда секинлашган бир пайтда иттифоқ раҳбарияти ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги мағлубияти сабабларини «маҳаллий кадрлар»га ағдариш мақсадида Ш.Рашидовга қарши туҳмат тошларини ёғдирди. Ҳатто «шароф рашидовчилик» деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлиқ тўқиб чиқарилди. Оқибатда кўп азоб-уқубатлар чеккан Ўзбекистон халқи бошига яна оғир фалокатлар ёғилди, республика империяча Марказнинг сиёсий найранглари қурбони бўлди, ёвуз экспериментлар майдонига айланди. Миллий қадр-қиммати оёқости қилинди. Фақат Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейингина Ш.Рашидовнинг номи оқланди.

Ш.Рашидов «Ғолиблар» (1951), «Кашмир қўшиғи» (1956), «Қалб амри билан» (1982) қиссалари, «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўлқин» (1964) романлари, бир қанча публицистик китоблар ва бошқа асарлар муаллифи.

Шароф Рашидов 1983 й. вафот этган ва «Чиғатой» қабристонига дафн қилинган.

Ўзбекистон халқларининг фидокорона меҳнати туфайли 1985 йилда республикада 900 та суғориш тизими, 92 та гидротехника иншооти қишлоқ хўжалиги учун ишлаётган эди. 23 та сунъий денгиз — сув омбори камсувликка мустаҳкам тўсиқ бўлиб, уларда ерларни суғориш учун қарийб 10 миллиард куб метр сув жамланган эди. Бундай сунъий денгизлар орасида Ўрта Осиёда энг йирикларидан ҳисобланган Чорвоқ сув омбори, Хоразм ва Амударёнинг қуйи оқимидаги Туямўйин сув омбори, Қорадарёдаги Андижон сув омбори ва бошқалар бор эди. Бу вақтга келиб жуда катта ер массивлари қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Масалан, агар 1946—1965 йилларда 600 минг га ер ўзлаштирилган бўлса, 1966—1985 йилларда 1,6 млн. га ер ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 6,9 млн.га ердаги яйловларга сув чиқарилди.

Республиканинг қўриқ ерларида 160 та давлат хўжаликлари (совхоз) ташкил этилди, 7,7 млн. кв. метр уй-жой бинолари, 37 минг ўринли мактабгача болалар тарбия муассасалари, 102 минг ўринли умумтаълим мактаблари барпо этилди[1]. Ўзлаштирилган ерларда асосан пахтазорлар, боғлар бунёд этилди, озиқ-овқат

[1] ЎзР Давлат режа қўмитаси жорий архиви. 1986 йил ҳисоботи. 2 жилд. 92—93-варақлар.

экинлари етиштирилди. Қўриқ ерларда йирик қишлоқ хўжалик туманлари вужудга келтирилди, янги шаҳарлар қад кўтарди. Масалан, фақат Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида Пахтакор, Ильич, Дўстлик, Арнасой, Оқолтин, Меҳнатобод ва бошқа туманлар билан бир қаторда Янгиер, Гулистон, Пахтакор, Дўстлик, Ширин, Бахт каби шаҳарлар пайдо бўлди.

Республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, унинг моддий базасини яратиш ва мустаҳкамлашда қўриқ ерларнинг аҳамияти катта бўлганлигини таъкидлаб, И.А.Каримов бундай деган эди: «Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш Ўзбекистоннинг келажаги билан бевосита боғлиқ эди... Кечаги қўриқ чўллар бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллиги учун ишлаб турибди»[1].

Ўзбекистоннинг миллий раҳбарияти Марказ олдига фақат пахтачиликни юксалтиришга эмас, шу билан бирга шоличилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва бошқа аграр тармоқларни ривожлантиришга ҳам эътиборни кучайтириш зарурлиги тўғрисида ташаббуслар билан чиқди. Республика ҳукумати ресурслар имконияти доирасида озиқ-овқат экинлари етиштиришнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, замонавий чорвачилик мажмуалар қурилиши, паррандачиликни ривожлантириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борди. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилиш бошлаб юборилди. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб чорвачилик жиҳозлари ва биноларидан самарали фойдаланиб барча чорва молларини битта жойда марказлаштирган ҳолда ихтисослашган бригадалар, бўлимлар ва хўжаликлар ташкил этилди. Масалан, 70-йилларнинг бошларига келиб, Ўзбекистонда 18 та гўштчилик, 8 та чўчқачилик ва 34 та қоракўлчилик давлат хўжаликлари ишлаб турарди[2]. 80-йилларнинг ўрталарига келиб сутчилик йўналишидаги давлат хўжаликлари — 103 тага, паррандачилик хўжаликлари 63 тага етказилди[3].

Ўша йилларда хўжаликлараро бўрдоқичилик корхоналари ташкил этилди, улар қорамолларни семиртириб боқиш, чўчқа ва паррандалар етиштиришга қаратилган эди. 1967 йилнинг ўзида бундай бирлашмалар Ўзбекистонда 55 тага етказилди. 1980 йилга келиб моддий воситаларни бир жойга жамлаш ва тармоқ самарадорлигини ошириш мақсадида «Ўзглавмежхозживпредприятие» ташкил этилди. У 91 та корхонани ўз ичига олган бўлиб, 865 та жамоа ва давлат хўжаликлари уларнинг пайчилари эди. 1981 йилда бундай корхоналарнинг умумий сони 115 тага етди[4].

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура... 89-бет.

[2] «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 1985. №7. 2-бет.

[3] ЎзР МДА. 365-фонд, 2-рўйхат, 128-йиғма жилд, 69-варақ.

[4] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. С. 180.

Бу даврда қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг таъсирчан воситаси агросаноат интеграциясидан иборат деб ҳисобланди, у йирик давлат-кооператив бирлашмалари ва корхоналарини ташкил этишни назарда тутарди. 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб уларни жорий қилиш юзасидан ҳаракат бошланди. Хусусан, Ўзбекистонда агросаноат кооперациясини ривожлантириш учун 1975 йилда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика агросаноат бирлашмаси ташкил этилди, у мева, узум, сабзавот, картошка ва полиз экинларини етиштириш билан шуғулланарди. Мазкур бирлашма негизида 1981 йилда республика мева-сабзавот хўжаликлари вазирлиги ташкил этилди. У 275 та ихтисослаштирилган давлат хўжалигини, 18 та виночилик ва 11 та консерва заводларини бирлаштирди, уларда 190 мингдан ортиқ киши меҳнат қиларди. Республика агросаноат бирлашмаси таркибига илмий-ишлаб чиқариш бўлимлари (ИИБ) ҳам кирган эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, 15 та ишлаб чиқариш-аграр бирлашмалари (ИАБ) мавжуд бўлиб, улар 79 та боғдорчилик-узумчилик хўжаликларини, шу жумладан, 10 та совхоззаводни, шунингдек, 7 та виночилик ва 6 та консерва заводларини ўз ичига олган эди[1].

Умуман, Ўзбекистонда агросаноат интеграциясини амалга ошириши лозим бўлган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар сони сезиларли равишда ортди. Улар республика иқтисодининг яхшиланишида, қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказишда асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жамоат сектори билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришда якка тартибдаги хўжаликлар ҳам муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон раҳбарияти бу вазифани ҳал этилишини қишлоқ аҳолисининг бандлиги муаммоси билан мустаҳкам боғлаган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилди.

Бу йилларда бандлик муаммоси тобора жиддийроқ бўлиб борарди. 70-йиллар ўрталаридан эътиборан аҳолининг бандлик даражаси аввал шаҳарларда, кейин қишлоқларда пасайиб боришидан иборат хавфли тамойил кўзга ташлана бошлади, бу ҳол аҳоли табиий ўсиш даражасининг юқори суръати ва республикада иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларининг ёмонлашуви оқибати эди. Вазият яна шу билан чуқурлашдики, Совет давлатида ҳақиқатда меҳнат потенциалининг асосий негизи ҳисобланган аҳолининг ривожланиш жараёнларини бошқариш масалаларига мутлақо эътибор берилмади. Касбга йўналтириш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, таркибий ва инвестиция сиёсати аслида ҳақиқий аҳволни ҳисобга олмасди. Иқтисодиёт ва инфратузилмани ривожлантириш ҳамда режалаштириш жонли инсонга, унинг анъанавий руҳи-

[1] *Эргашев А.* Научно-технический прогресс и социально-экономическое развитие села. — Т., 1984. С. 51—52.

ятига мослаштирилмаган эди. Аксинча, инсон онги ва ҳаёти кабинетларда мувофиқлаштириларди. Ҳолбуки, ҳақиқий аҳвол шароитни ҳисобга олиш, аҳоли бандлигини кучайтириш чоратадбирларини кўриш лозимлигидан далолат берарди. Аҳолининг асосий қисми эса қишлоқларда истиқомат қиларди. Ўзбекистон шароитида эса қишлоқ аҳолиси асосан туб миллат одамларидан иборат бўлиб, ўз руҳиятига кўра кўчиб юришга камроқ мослашган эди. Шу жиҳатдан ўрта ва кичик саноат корхоналарини қишлоқ жойларида жойлаштириш лозим эди. Қишлоқларда йилдан-йилга ишчи кучи кўпайиб, ўзини жамоат ишлаб чиқаришига бағишлай олмасди, чунки ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда (айниқса, Фарғона водийсида) улардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш имкониятлари йўқ даражада эди.

Ўзбекистон ҳукумати мазкур муаммони ўз кучи ва имкониятлари даражасида ҳал этишга уринди. 70—80-йиллар чегарасида республикада корхоналар филиалларини жадаллик билан барпо этиш чораларини кўрди, улар одамларни иш билан таъминлаш масаласини маълум даражада ҳал этиши мумкин эди. Лекин Ўзбекистоннинг имкониятлари чекланган эди. Шунинг учун ҳам Ш.Рашидов қишлоқда бандлик муаммоси кучайган шароитда бирдан-бир илож — томорқа участкаларида меҳнат қилишга зарур шароитлар яратиб беришдан иборат деб билди. Ҳаёт шуни тасдиқладики, ерга иш кўзини билиб муносабатда бўлиш яхши, барқарор ҳосил олиш имконини бераркан. Жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган кишилар ўз томорқаларида ишлаб, 80-йилларнинг бошларида 2,5 миллиард сўм миқдорда маҳсулот етиштирдилар, бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли тўртдан бир қисмини ташкил этарди.

Ўзбекистонда маҳаллий раҳбариятнинг хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиши туфайли шахсий ёрдамчи хўжаликларда сабзавот ва гўштнинг ярми, сутнинг 66%и, тухумнинг 30%и, жуннинг 60%и етиштирилди. Шахсий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотнинг кўпчилик қисми қатъий харид нархларида давлатга топширилди. Бироқ мустабид империя тузумининг воқелиги ўз таъсирини кўрсатди: шахсий ёрдамчи секторнинг бой имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмади[1].

Аграр ишлаб чиқаришни кадрлар билан таъминлаш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Масалан, сиёсий раҳбарият олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашга алоҳида диққат эътибор берди. Ана шу мақсадда олий ўқув

---

[1] *Ризаев С.* Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. — Т., 1992. С. 85—86; Фарғона ВДА, 1-фонд, 24-рўйхат, 1704-йиғма жилд, 165-варақ; 251-рўйхат, 10-йиғма жилд, 172, 466-варақлар.



Ўзбекистон чорвадорлари яйловда. Сурхондарё вилояти, 1972 йил.

юртлари ва техникумларда қишлоқ хўжалик соҳалари бўйича таълим олувчи талабалар сони мунтазам равишда ошириб борилди, абитурентлар орасида қишлоқ ёшлари сони анча кўпайди. Амалга оширилган ишлар натижасида қишлоқлардаги ишлаб чиқариш-техника зиёлилари сафи сезиларли равишда ортди. Натижада, Ўзбекистоннинг аграр соҳасида олий маълумотли ходимлар сони 1985 йилда 47,8 минг кишига, ўрта махсус маълумотли ходимлар сони 83,5 минг кишига етди[1].

Оммавий касбларга ходимлар тайёрлаш сезиларли равишда ортди. Касб таълими бериш шакли ва усуллари ҳам хилма-хил бўлиб борди. Масалан, 1970—1980 йиллар оралиғидаги ўн йил мобайнида тракторчилар тайёрлаш 23,4 мингдан 68,9 минг нафарга, комбайнчилар тайёрлаш 2,8 мингдан 19,5 минг нафарга, автомобиль ҳайдовчилар тайёрлаш 2,8 мингдан 8,1 минг нафарга ўсди[2]. Умуман, 1981—1985 йилларда эса ҳунар-техника билим юртлари ва ишлаб чиқариш тайёргарлигининг бошқа шаклларини тамомлаб чиққан механизаторларнинг умумий сони 657,2 минг кишини ташкил этди. Ана шу даврда республика жамоа хўжаликларида 149,6 минг киши янги касбни эгаллади ва 381,7 минг киши малакасини оширди[3].

---

[1] ЎзР ҚХВ жорий архиви, Х беш йилликда мутахассислар тайёрлаш тўғрисида ҳисобот. 1-т, 74-бет; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 г. — Т., 1986, С. 229.

[2] ЎзР МДА, 90-фонд, 10-рўйхат, 749-йиғма жилд, 17—20-варақлар.

[3] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. — Т., 1981, С. 169—171.

Янги ерларни ўзлаштиришни авж олдириш, аграр ишлаб чиқаришни механизациялаш, кенг миқёсдаги хўжалик объектларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигидаги кадрлар потенциалининг кўпайиши, энг муҳими, ўзбек деҳқонининг яратувчилик меҳнати қишлоқ иқтисодиётида муайян силжишлар рўй беришига олиб келди.

Бироқ Ўзбекистон аграр секторида эришилган айрим ижобий силжишлар билан бир қаторда турғунлик жараёнлари, танглик ҳолатларининг авж олаётганлиги ҳам кўзга яққол ташланарди. Бундай аҳволнинг асосий сабаблари мустабид империяча ҳокимият тизимининг иллатлари, жамият тараққиётидаги коммунистик андозанинг хомхаёлдан иборат эканлиги эди. Бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳақида гап борар экан, бунга бир қатор салбий иллатлар ўз таъсирини кўрсатарди. Булар орасида деҳқон хўжаликлари иқтисодий ҳуқуқларининг поймол қилиниши, хўжаликларнинг ўзи яратган моддий бойликлардан четлатиб қўйилганини айтиб ўтиш керак.

Хўжаликларнинг молиявий маблағларини тортиб олишнинг асосий воситаларидан бири қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат маҳсулотлари нархининг мунтазам оширилиши бўлди. Масалан, 1965 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда техника, минерал ўғитлар, омухта ем ва бошқа саноат маҳсулотлари турлари нархи 5 баравар ортган бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи атиги икки баравар кўпайди.

Бошқарувда маъмуриятчиликнинг авж олиши, умуман соғлом бозор муносабатларининг йўқлиги оқибатида фан-техника тараққиётини амалга ошириш дастурида ҳам жиддий тўсиқлар юзага келган эди. Бу ҳол техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришдаги сусткашликда, уларнинг жаҳон даражасидан орқада қолишида, сифат кўрсаткичларига эмас, балки асосан, ялпи миқдорий кўрсаткичларга эътибор берилишида намоён бўларди. Хўжаликлар қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишга ҳаддан ташқари кўп маблағ сарфлар, таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоятда қимматга тушарди.

Жамоа ва давлат хўжаликларининг кўпгина раҳбарлари йиллар мобайнида «механизацияга қарши» кайфиятда юрардилар. Гап бу ерда фақат «эскича фикрлаш»да эмас, балки қишлоқ хўжалик техникасининг шиддат билан қимматлашиб бориши ва уни ишлатишнинг иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигида ҳам эди. Деҳқонларнинг оддий жисмоний меҳнати анча арзонга тушарди. 1984 йилда хўжаликларнинг барча турлари бўйича пахтани машинада териш 1980 йилга нисбатан 63%дан 31%га тушиб қолди[1]. XI беш йиллик якунида Ўзбекистонда мавжуд 37 мингта пахта териш машинасидан 13 мингтаси умуман ишламаган[2].

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г... С. 40.
[2] «Правда Востока». 1986, 3 марта.



Пахтани машиналарда териш. Мирзачўл, 17-совхоз, 1965 йил.

Техника сиёсатидаги камчиликлар туфайли вазият янада чуқурлашди. Пахта етиштириш устивор йўналиш ҳисобланган сабабли директив органлар пахтачиликни комплекс механизациялашга асосий эътиборни қаратдилар. Бошқа тармоқлар эса эътибордан четда қолаверди. Натижада, сабзавотлар экишнинг механизациялаш даражаси фақат 24%ни, пичан тўплашда 24%ни, чорвачилик фермаларида ва қорамолларни бўрдоқига боқиш мажмуаларида 39%ни, паррандачиликда 42%ни ташкил этди ва ҳоказо[1]. Бу йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 90%и асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланарди. Республиканинг илмий-техникавий имкониятларидан эса етарли даражада фойдаланилмади.

Аграр соҳани кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар кескинлигича қолаверди. Юқорида санаб ўтилган ютуқларга қарамасдан, партиянинг кадрлар сиёсатидаги турғунлик ҳоллари тобора расмий тус олиб борди. Одатда кадрлар масаласидаги кўпол хатоликлар ҳақида лом-мим дейилмас ёки улар маҳаллий бошқарув органларининг ташкилий ишидаги «камчиликлар» дейиларди, холос, хўжаликларнинг амалий фаолиятидаги хато ва камчиликлар улар маъмурияти ҳамда мутахассис-

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г... С. 40.

ларининг самарали ишламаганлиги оқибати деб кўрсатиларди. Ҳолбуки, бу хатолар партиянинг кадрлар сиёсатидаги жиддий камчилиги, кадрлар етиштириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш усулининг ярамаслигида эди. Ҳозирги вақтга келиб, шу нарса маълум бўлдики, қараб чиқилаётган даврда олий ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ортиб бораётган талабларга жавоб бермасди, ўқув юртлари зарур ўқув моддий базага эга эмасди, таълим жараёни мафкуралашган хусусиятга эга бўлиб, унда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги жаҳон тажрибаси ҳисобга олинмасди. Айниқса, фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқларда мутахассислар тайёрлаш анча чекланган эди. Аграр хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар орасида «амалиётчилар», яъни тегишли маълумотга эга бўлмаганлар сони анча юқори даражада бўлган.

Статистика маълумотларининг кўрсатишича, 80-йилларнинг бошларида жамоа хўжаликлари раислари, давлат хўжаликлари директорлари, бош мутахассислари, агрономлари, ветеринария шифокорлари ва зоотехниклар орасида амалиётчилар сони 1,3%дан 5,7 %гача эди, жамоа хўжаликларидаги муҳандис техникларнинг 34,0% ва давлат хўжаликларидаги муҳандис-техникларнинг 36,3%, деҳқончиликдаги бригада бошлиқларининг тегишли равишда 74,7 ва 54,5%, чорвачиликдаги ферма мудирлари ва бригада бошлиқларининг 73,1 ва 52,4%и амалиётчилардан иборат эди[1].

Дипломли мутахассисларнинг (айниқса, янги ерлар ўзлаштирилган туманларда) қўнимсизлиги жиддий муаммо ҳисобланарди. Ҳокимият органлари ва кўпчилик агрохўжаликларнинг раҳбарлари ижтимоий бошқариш шаклларидан бири бўлган ёш мутахассисларнинг ишда муқим қолиши учун шароит яратиш билан шуғулланмас эдилар. Олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб қишлоқларга юборилган ёш мутахассислар уй-жой билан етарли таъмин этилмас, улар кўпинча ўз мутахассислиги бўйича ишламасди. Уларга етарли даражада ғамхўрлик кўрсатишмасди. Натижада улар қисқа муддат ишлагач хўжаликларни тарк этишарди. Масалан, 1971—1975 йилларда Сирдарё вилоятининг хўжаликларига олий маълумотли 511 ёш мутахассис юборилган бўлиб, улардан фақат 10%игина хўжаликларда муқим бўлиб қолди. Бошқалари эса ишлаб чиқариш ва уй-жой маиший шароитларининг қониқарсиз эканлиги туфайли кетиб қолган[2].

Механизатор ва оммавий касб кадрларини тайёрлашда 20—30-йиллар усулларидан фойдаланилди, натижада мазкур кадрлар малакаси шу кунги талабларга жавоб бермай қўйди. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 80-йилларнинг бош-

---

[1] «Правда Востока», 1986, 3 марта.
[2] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г... С. 40—41.

ларида банд бўлган тракторчи-механизаторлар умумий сонидан 63,8%и энг қуйи — III разряд малакасига эга эди[1].

Ирригация ва мелиорация соҳаларида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Бунинг ёрқин ифодаси — ерларнинг иккиламчи шўрланиши, суғориладиган гектарлар ҳосилдорлигининг пасайиб кетганлиги, сарфланган харажатларнинг пировард натижаларига тўғри келмаслиги эди. Масалан, 1986 йилда такрорий шўрланиш туфайли суғориладиган экин майдонларининг учдан бир қисми зарар кўрди. 70—80-йиллар чегарасида мелиоратив ҳолатнинг ёмонлашганлиги сабабли қарийб 5 минг га суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқарилди[2]. 1985 йилда 2,3 млн. га ерда комплекс таъмирлаш ва капитал яхшилаш ишлари олиб борилиши талаб қилинарди[3]. 1965—1985 йиллар оралиғидаги даврда 1,6 млн. га суғориладиган ер майдонлари ишга туширилди, агрокорхоналарнинг асосий фондлари 6 баравар ўсди, лекин ялпи маҳсулот эса фақат 78%га ортди[4].



Андижон сув омбори қурилишида. 1978 йил.

Бундай ҳалокатли ҳолатни вужудга келтирган сабаблар орасида ўзлаштирилаётган ерларнинг муҳандислик-техник томондан таъмин этилиши масалаларига юзаки қаралганлиги, дренаж тизимини ташкил этишдаги кўзбўямачилик ва хатоликлар, сув хўжалиги қурилишининг комплекс тарзда амалга оширилмаганлиги, ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, ғўзаларни назоратсиз равишда кўллатиб суғориш, қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги эскича ёндашувлар бор эди. Лекин энг ҳалокатли таъсир кўрсатган сабаб пахта яккаҳокимлигининг мажбурий тарзда авж олдирилиши бўлди.

Сув хўжалиги қурилишида нуқсонлар ағрар ишлаб чиқаришни кимёлаштириш дастури-

---

[1] ЎзР ҚХВ жорий архиви. Х беш йилликда мутахассислар тайёрлаш тўғрисида ҳисобот. — Т., 74-бет.

[2] ЎзР МДА. 90-фонд, 10-рўйхат, 7505-йиғма жилд, 1—3, 21, 33-варақлар.

[3] *Абдушукуров К.* Развитой социализм: повышение идейно-политического и культурного уровня тружеников села. — Т., 1984. С. 65.

[4] ЎзР Сув хўжалиги вазирлиги жорий архиви. 1986 йил 14 феврал.

ни амалга оширишдаги жиддий камчиликлар билан ҳам чуқурлашди. Шуни айтиш керакки, қараб чиқилаётган йилларда кимёлаштириш иттифоқ сиёсий раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг, деҳқончиликдан юқори ва барқарор ҳосил олишнинг самарали воситаси деб қаралган эди. Натижада кимёлаштириш йўли ялпи хусусият касб этди. Айниқса, пахтачиликда кимёвий моддалар фаоллик билан қўлланилди. Масалан, 1965 йилда Ўзбекистон жамоа хўжаликларида ишлатилган 1463,4 минг т минерал ўғитдан 1324,7 минг т. пахтачиликда ишлатилди. Ўша йиллардаёқ сарфланаётган минерал ўғитлар даражаси илмий асосланган нормаларга мос келмасди. Хусусан, иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги самарали ривожланаётган мамлакатларда бир гектар ерга ўрта ҳисобда кўпи билан 100 кг минерал ўғит сарфланди. Ўзбекистонда эса бу миқдор 60-йилларнинг ўрталарида гектар ҳисобига 268 кг.ни ташкил этди[1]. Кимёвий моддаларни ишлатиш динамикаси ва заҳарли воситалар миқдори йилдан-йилга ортиб борди. Фақат 1970—1975 йилларнинг ўзида заҳарли кимёвий моддалар ишлатиш олдинги беш йилликка нисбатан 16,5 баравар ортди. Бу вақтга



Пахта экин майдонларига заҳарли дефолянтлар сепиш. Қозоғистоннинг Кустаной авиаотряди учувчилари Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, «Қизил Шарқ» жамоа хўжалигида. 1966 йил.

[1] «Ўзбекистон коммунисти». 1985, № 5, 25-бет.

келиб энг заҳарли ва хавфли моддалардан бири бутифос бўлиб, у юқори даражада заҳарли эканлиги билан ажралиб турарди ва кучли таъсир қилувчи дефолиант сифатида ишлатиларди.

Шуниси характерлики, бу даврда авиация воситасида заҳарли кимёвий моддаларни ғўзаларга сепиш жадал равишда ортиб борди, фақат 60-йилларнинг иккинчи ярмидаги бир беш йилликнинг ўзида авиация билан бажариладиган кимёвий ишлар ҳажми 34,3% кўпайган[1]. Буларнинг ҳаммаси одамлар яшайдиган табиий муҳитга ҳалокатли тарзда салбий таъсир қилди, хавфли касалликлар ва ўлим даражасининг ортишига сабаб бўлди, инсоннинг ген тузилишида хатарли ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Республиканинг таниқли олимлари, миллий зиёлилари ўз халқининг тақдирига бефарқ қараб тураолмади, огоҳлантирувчи хатлар билан иттифоқ органларига мурожаат қилдилар. Масалан, 1969 йил 17 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президенти О.С.Содиқов бошлиқ бир гуруҳ таниқли олимлар иттифоқ раҳбар органларига ёзма маълумотнома йўллаб, унда қишлоқ хўжалигида оммавий равишда қўлланилаётган пестицидлар ва заҳарли кимёвий моддалар инсон саломатлигига ва атроф муҳитга ҳалокатли таъсир этаётганлигини маълум қилган эди[2]. Бироқ Марказ бундай огоҳ этишларга акс-садо бермади. Аксинча, Ўзбекистон раҳбарияти қишлоқ хўжалик ишларида энг заҳарли кимёвий воситаларни ишлатишни мустақил равишда чеклашга уринганда иттифоқ раҳбар доиралари уларни кенгроқ қўллашни қаттиқ туриб талаб қилдилар.

Бундай ёндашув шунга олиб келдики, Ўзбекистондаги вазият фожиавий тус ола бошлади. Қишлоқда кескин эпидемиологик шароит вужудга келди, заҳарланишлар сони кескин ортди, вирусли гепатит билан оғриганлар кўпайди, бошқа хавфли касалликлар ҳам тарқала бошлади. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарига келиб Хоразм, Бухоро ва Қорақалпогистон Автоном Республикасида катта ёшдагиларнинг 70%дан ортиқроғи ва болаларнинг 80%дан кўпроғи битта ёки бир нечта касалликлар билан оғриган эди[3]. Ўзбек қишлоқларига дизентерия, туберкулёз (сил) каби ярамас касалликлар шиддат билан тарқала бошлади. Хусусан, 1980—1985 йиллар оралиғидаги даврда ҳар 10 минг киши ҳисобига зарарли ўсимталар билан оғриган беморлар сони 204 кишидан 242 кишига етди, фаол туберкулёз билан касалланиш 1985 йилга келиб қишлоқ жойларида 5,4 минг кишига етди[4]. Болалар ўлимининг ортиши чидаб бўлмайдиган ҳоллардан бири бўлди.

---

[1] *Обламуродов Н.* Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971—1990 гг. Опыт, уроки и проблемы. Автореф. дисс. докт. ист. наук. — Т., 1994. С. 26.

[2] ЎзР МДА, 90-фонд, 10-рўйхат, 617-йиғма жилд, 1—2-варақлар.

[3] Ўша жойда.

[4] ЎзР МДА, 90-фонд, 41-рўйхат, 1686-йиғма жилд, 33—36-варақлар.

Аграр ишлаб чиқаришдаги доимий танглик ҳолати иттифоқ раҳбариятини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий рағбатлантирувчи омилларини қидириб топишга ундади. Шуни ҳам айтиш керакки, советлар тарихида ишлаб чиқариш — иқтисодий муносабатлар тизимини янгилашга, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик амалиётини юмшатишга уринишлар бир неча марта қилинган. Лекин буларнинг ҳаммаси қисқа муддатли бўлиб, мағлубиятга учраган, чунки мустабид социалистик тузумнинг ўзи хўжалик юритишнинг оқилона тизимига зид эди.

Мустабид тузумнинг ана шу иллатлари 1965 йилда эълон қилинган навбатдаги «янги» аграр йўлни ҳам «аяб» ўтирмади, ўша вақтда қишлоқ хўжалигини юксалтиришга доир таклиф этилган дастурда иқтисодий муносабатлар механизмини янгилаш, моддий рағбатлантириш имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган ижобий чора-тадбирларни, яъни жамоа ва давлат хўжаликларига бирмунча иқтисодий мустақиллик беришни назарда тутган эди. Афсуски, бу чора-тадбирлар лозим даражада амалга оширилмади. Иқтисодий омиллардан фойдаланишга қаратилган бу чоралар мустабид гузумнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Лекин, шундай бўлса-да, айрим ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамоа хўжаликларида колхозчилар меҳнатига натура шаклида ҳақ тўлаш билан бир қаторда, пул билан ҳақ тўлаш ҳам жорий этилди. Хўжалик ҳисоби асосларини фаоллаштиришга, меҳнатни ташкил этишнинг айрим илғор шаклларини жорий этишга диққат-эътибор кучайтирилди. Булар орасида бригада-жамоа пудрати шакли истиқболли деб эътироф қилинди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон раҳбарияти қишлоқ иқтисодиётини юксалтириш вазифаларини ҳал қилиш борасида аграр соҳага баъзи янги элементларни жорий этишни қўллаб-қувватлади, аммо пахта терими даврига келиб «оталиқ ёрдами» ниқоби остида саноатдаги юз минглаб ишчи-хизматчиларни, талабаларни, мактаб ўқувчиларини ва шаҳар аҳолисининг бошқа табақаларини узоқ муддатга шаҳардан қишлоққа юборишдек эски иллатни яна давом эттираверди. Бу тадбир миллий иқтисодиётнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, пахта таннархининг қимматлашиб кетишига олиб келди. Айниқса, талаба ва мактаб ўқувчилари таълимининг сифатига жиддий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон ҳукумати бу аҳволга барҳам бериш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш ўрнига қуруқ гапдан нарига ўтмади. Чунончи, Ўз КП МҚнинг Жиззах вилояти ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинаётган бюро мажлисида Ш.Рашидов сўзга чиқиб: «Талабаларни яна неча йил Сирдарё ва Жиззах вилоятларига юбориш мумкин? Бундан воз кечиш вақти келди, чамамда, бу фақат зарар келтиради. Биз ўзимиз совхозлар бир маромда фойда келтириб ишласин,

деймиз-у, айни вақтда у ерларга кўп миқдорда талабаларни юборамиз, бу эса транспорт ва бошқа харажатлар, зарарлар билан боғлиқ. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бригада усулига ўтишлари, хўжалик ҳисоби асосида пахта етиштиришлари лозим. Агар бригадаларни бригада пудратига ўтказсак, уларнинг ўзлари талабалар юборилишига эътироз билдирадилар»[1]. Лекин Ўзбекистон ССР ижтимоий сиёсий ҳаётининг 80-йилларига назар ташлайдиган бўлсак, юқоридаги фикрлар қоғозда қолиб кетганини кўрамиз.

XI беш йилликнинг охирига келиб жамоа пудрати асосида ишлаётган бўлинмаларнинг умумий сони республикада 30,6 мингтага, уларда банд бўлганлар сони 799,3 минг кишига етди. 1985 йилда жамоа ва давлат хўжаликларида жамоа пудрати асосида ишлаётган бригадалар ва звеноларга экин майдонларининг 47,7%, тракторларнинг 41,6%, қорамолларнинг 15,8%, чўчқаларнинг 9,7% ва майда молларнинг 40,4%и бириктириб қўйилган эди[2].

Бироқ пудратни жорий қилишдан кутилган натижаларга эришиб бўлмади. Бунга сабаб, пудрат жамоаларининг аъзолари энг муҳим ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш соҳасида етарли даражада мустақилликка эга бўлмадилар. Улар аввалгидек маъмуриятчилик кишанида қолавердилар. Хўжалик ҳисоби ҳам расмиятчилик асосида жорий этилди. Раҳбарлик ва бошқарувнинг ҳукмрон, бир қолипдаги маъмурий-буйруқбозлик усуллари, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги нотенг айирбошлаш, ресурсларнинг қолдиқ принципи асосида ажратилиши, қишлоқ меҳнатчилари ишлаб чиқариш фаолиятининг соғлом моддий асосда рағбатлантирилмаслиги, ҳамма соҳада ялпи чеклашлар оғир оқибатларга олиб келди. Бу эса айниқса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иккита муҳим таянч негизи бўлган ерга ва инсонга муносабатда яққол кўринди. Бунга яна катта миқдордаги ер майдонларининг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетиши, тупроқ ҳосилдорлигининг пасайиши ва таркибининг ёмонлашуви қишлоқ меҳнаткашларида хўжайинлик ҳис-туйғусининг йўқлиги ва мутлақо бефарқ бўлиб қолганлиги ҳам қўшилди. Ўзбекистонда ўлка иқтисодиётининг мустамлака йўналишида бўлиши, пахта монополиясининг ортиб бориши аҳволни янада мураккаблаштирди. Умуман, мамлакат ва республика қишлоқ хўжалигида вужудга келган вазиятга баҳо бериб, шуни айтиш керакки, унда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари тобора пасайиб борганлиги кузатилган. Масалан, тўққизинчи беш йиллик (1971—1975)нинг СССР қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги режа топшириқлари фақат

---

[1] *Васильев А., Кранс А.* Арал: варианты решений // «Коммунист». 1990, № 2. С. 56.

[2] *Ризаев С.* Кўрсатиб ўтилган асардан иқтибос олинган. 84-бет.



Ўзбекистон пиллакорлари ҳосил йиғмоқдалар. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, 1975 йил.

64%, ўнинчи беш йилликда (1976—1980) 56% адо этилди. Жамоа хўжаликларидаги ялпи рентабеллик 1970 йилдаги 34%дан 1980 йилда 0,4%га тушиб қолди, давлат хўжаликларида тегишли равишда 22%дан 1,0%га камайди. Агар 1970 йилда мамлакатдаги жамоа хўжаликлари 8,1 млрд. сўм фойда олган бўлсалар, 1980 йилда 0,2 млрд. сўм зарар кўрдилар[1].

Ўзбекистонда ҳам шундай аҳвол юз берди. Чунончи, меҳнат унумдорлиги бу ерда 1970—1980 йиллар оралиғида фақат 17% ортди, бу режадагидан 2,5 баравардан зиёд кам эди[2]. Зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар сони ҳам ортиб борди. 80-йилларнинг бошларида республикадаги давлат ва жамоа хўжаликларининг учдан бир қисмидан кўпроғи зарар кўриб ишлаётган эди. Озиқ-овқат масаласи йилдан-йилга кескинлашиб борди.

Қишлоқ хўжалигининг турғун ҳолатини, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қодир эмаслигини ҳисобга олган иттифоқ раҳбарияти озиқ-овқат ва донни четдан сотиб олиш йўли билан эҳтиёжни тўлдиришга уринди. Чунончи, 20 йил мобайнида Совет давлатида гўшт, балиқ, ёғ, шакар, донни четдан келтириш 10 баравардан зиёдроқ ошди. Лекин, шунга қарамасдан, вазият сезиларли равишда жиддийлашиб борди.

1982 йилда бўлиб ўтган КПСС МҚнинг май пленумида совет қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг паст даражада эканлиги

---

[1] «Ўзбекистон коммунисти». 1985, № 2, 51-бет.
[2] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г... С. 187.

сабаблари яна бир бор мулоҳаза қилиб кўрилди, унда махсус озиқ-овқат дастури қабул қилинди. Бироқ мазкур дастур туб ўзгаришларга олиб келмади. Аввалгидек бу дастур ҳам бошқарувнинг эскича тизими андозасида ишлаб чиқилган бўлиб, ўзида турғунлик даври изларини сақлаб қолган чала-ярим ҳолда эди. У қишлоқ хўжалигининг асосий ҳаракатлантирувчиси бўлган қишлоқ меҳнаткашлари манфаатларини, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартиришни, хўжалик ва бошқарув механизмини тубдан қайта қуришни назарда тутмаган эди. Масалан, дастурдаги ишлаб чиқариш демократиясини чуқурлаштириш, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашишдан воз кечиш, қишлоқ оммасининг аграр ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши зарурлиги ҳақидаги баландпарвоз сўзларга қарамасдан, реал ҳаётда ҳамма нарса аввалги маъмурий-буйруқбозлик йўлидан боришда давом этаверди. Натижада дастурда кутилган юксалиш ўрнига таназзул юз берди. Бу нарса айниқса аграр ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва интенсивлиги соҳасидаги кўрсаткичларда яққол намоён бўлди. Масалан, меҳнат унумдорлиги республикада беш йиллик мобайнида 13% камайиб кетди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти ўртача йиллик ҳажмнинг режа топшириқларига нисбатан 7% пастроқ бўлди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сезиларли равишда пасайиб кетди. Жумладан, 1980 йилда пахта ҳосилдорлиги 29,7 ц/га.ни ташкил этган бўлса, 1986 йилда фақат 24,3 ц/га тенг бўлди. Донли экинлар ҳосилдорлиги беш йилликда 21,4 ц/га.дан 15,9



Узбеклар диёрида етиштирилган ширин-шакар мевалар.
Тошкент тумани, 1978 йил.

ц/га, сабзавот экинлари ҳосилдорлиги 221 ц/га.дан 196 ц/га, полиз экинлари ҳосилдорлиги 126 ц/га.дан 102 ц/га тушиб қолди. Бу айниқса қишлоқ хўжалик экинлари ялпи ҳосили кўрсаткичларига таъсир қилди. Хусусан, пахтанинг ялпи ҳосили 1985 йилда 1980 йилдагига нисбатан 197,2 минг т., дон тегишли равишда 977,1 минг т., шоли 22,9 минг т., сабзавотлар 73,5 минг т., озиқ-овқат полиз экинлари 255 минг т. кам олинди[1]. Ана шундай танглик жараёнини чорвачилик соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Натижада, 80-йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонда, умуман иттифоқда бўлгани каби, бир қанча маҳсулотлар турлари бўйича нормалаштирилган таъминот жорий этилди, яна карточкалар пайдо бўлди.

«Эришилган даража»дан навбатдаги режа топшириқларини белгилашдан иборат ярамас тажриба қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлди. У, бир томондан, «узоқни кўра биладиган» раҳбарларнинг хўжаликларда маҳсулот ўсишидаги ресурслар имкониятларини яширишига олиб келди. Улар мазкур имкониятларнинг чекланмаганлигини тушунишар эди. Иккинчи томондан, бу ҳол оммавий қўшиб ёзишларга, кўзбўямачилик, алдашга олиб келарди. Хўжаликлар шундай қилишга мажбур эдилар, чунки нореал режа топшириқларини бажаришнинг барча манбалари тугаган эди. Ўзбекистонда бу ҳол пахтачиликда содир бўлди, чунки иттифоқ раҳбарияти пахта етиштиришни муттасил кўпайтириб боришни қаттиқ туриб талаб қиларди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб пахта экиладиган майдон 3 млн. га.ни ташкил этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати пахта якқаҳокимлигининг салбий оқибатлари ортиб бораётганидан ташвишга тушиб, ҳар йили Москва олдига пахта режасини камайтириш масаласини қўйиб келди. Бироқ Москва бунга йўл бермас, пахтани экспорт қилиш мамлакатга тақчил валютани қўлга киритиш имконини беради, деб баҳона қиларди. Марказнинг иштаҳаси эса йилдан-йилга ортиб борарди. Эришилган даражадан бошлаб режалаштириш, маблағларни биринчи галда пахтачиликни ва пахта етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга ажратиш, амалда, ялпи пахта ҳосили кетидан қувишга олиб келди. Республикадаги барча ташкилотчилик ва сиёсий ишлар биринчи навбатда пахтачиликни «юксалтириш» ва режаларнинг бажарилиши билан боғлиқ эди. Пахта бўйича режаларнинг таъмин этилиши партия раҳбариятининг юқори баҳосига сазовор бўларди, олий мукофотларга тақдим этиларди.

Республика раҳбариятининг пахта етиштиришни реал мувозанатда сақлаш учун мардонавор уринишларига қарамасдан,

[1] Погружение в трясину. — М., 1991. С. 112—113.

унинг салмоғи йилдан-йилга ортиб борди. Айтайлик, унинг салмоғи, ҳатто, чор Россияси ҳукмронлик қилган (1913 й). даврда 33,2%ни ташкил этган бўлса, 1950 йилга келиб 56,6%га тенг бўлди, 80-йилларнинг ўрталарга келиб 75%га, бир қанча вилоятларда эса ундан ҳам юқорига кўтарилди[1]. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пахта экини нисбати 60%дан ошмаслиги лозим экан. Бироқ Иттифоқ сиёсий раҳбариятини бу ҳақиқат камроқ қизиқтирарди. Ўзбекистоннинг амалда пахта етиштиришни кўпайтириш имконияти тугаган ва режа топшириқлари нореал тус олган бир шароитда Марказ Ўзбекистонда 2000 йилга бориб пахтанинг ялпи ҳосилини 8 млн. т.га етказиш дастурини ишлаб чиқди. Пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатларини оқлаш ва ўзбек халқини мафкуравий таъсир остида сақлаб туриш мақсадида Марказ Ўзбекистоннинг СССР халқ хўжалик мажмуида тутган алоҳида аҳамиятини зўр бериб тарғиб этарди. Мафкуравий таъсир кўрсатишнинг гурли-туман воситаларини ишлатиб, жамоатчиликнинг фикрига «Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори», «Пахта — Ўзбекистоннинг байналмилал бурчи» каби шиорларни тинимсиз сингдиришга ҳаракат қилди. Л.Брежневнинг «Оқ олтинни олтин қўллар яратади» деган «қанотли» сўзлари кўп қаватли уйларнинг тепасида неон чироқлари билан ёниб турарди, бу сўзлар минглаб улкан паннолар ва плакатларда такрорланган эди.

Бироқ ана шу яққол кўзга ташланувчи шиорлар ортида ўзбек халқининг олижаноб туйғулари ва меҳнатсеварлигидан аёвсиз фойдаланишдек империяча тамагарлик, унинг ҳаққоний эҳтиёжларини назар-писанд қилмаслик ётарди. Бу вақтга келиб пахта яккаҳокимлиги миллий иқтисодиётни ва қишлоқ аҳолиси саломатлигини зарарли ўсма каби кемирарди. Марказ эса озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш соҳасидаги шартномаларни борган сари барбод қилиб келарди. Бунинг устига минтақаларга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъмин этишни тобора қаттиқроқ талаб қилинди. Бу эса ихтисослашув принципига мутлақо зид эди. Бошқача айтганда, «сувга чўкаётганларни қутқариш» уларнинг ўзларига ҳавола қилинган эди.

Адолатсиз нарх сиёсати туфайли аҳвол янада мураккаблашиб борди, чунки қайта ишловчилар манфаатларини ўйлаб, пахта етиштиришнинг ниҳоятда сермеҳнат, серчиқим жараён эканлигини амалда эътиборга олинмас, бу эса пахтакорлар манфаатларини тўғридан-тўғри чеклаб қўйишга олиб келарди. Республиканинг пахтанинг харид қилиш нархларини қайта кўриб чиқиш, уларни пахтанинг сермеҳнат экин эканлигига мослаштириш ҳақида бир неча бор қилган таклифларига қарамасдан, нархлар ниҳоятда пастлигича қолаверди. Айтайлик, бир тонна пахтани етиштиришга 340 киши соат вақт сарфлангани ҳолда

[1] *Ризаев С.* Кўрсатиб ўтилган асар... 73-бет.

бир тонна буғдойга нисбатан бу кўрсаткич фақат 12 киши соатни ташкил этарди. Сотиш нархлари эса фақат 5 баравар фарқ қиларди. Ҳолбуки, меҳнат сарфлаш ва нархларни бундай нисбатда белгилаш, пахта етиштирувчи республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги паст, деган тасаввурни юзага келтириши табиий эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, 80-йилларда ўзбек пахтасининг харид нархи жаҳон нархларидан 5 баравар камроқ эди. Тўғри, ҳар йили иттифоқ бюджетидан 1,5—2 миллиард сўм маблағ Ўзбекистонга қайтиб келарди, лекин бу халқнинг нафсониятига тегадиган дотациялар тарзида қайтариларди. Бундай сиёсат натижасида Ўзбекистон иттифоқ раҳбарияти наздида ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини таъминлашга қодир бўлмаган, аҳолиси кам самарали меҳнат қиладиган, «боқиманда» республика сифатида тасаввур қилинарди. Ҳолбуки, ўзбек халқи пахта майдонларида ниҳоятда оғир меҳнат қиларди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг пахта етиштиришга йўналтирилганлиги жамият ҳаётининг барча соҳаларида оғриқли жараёнларни кучайтирди. Ўзбекистоннинг бойлиги ҳисобланган пахта унинг учун ташвишга айланди. «Оқ олтин» йўлида ўн минглаб катта ёшдаги кишилар ва болалар қурбон қилинди, ўзбек халқига нисбатан қилинган бу зўравонликни «пахта фронти — фронт эса қурбонсиз бўлмайди», деб изоҳладилар.

Деҳқонларнинг томорқа участкалари қисқартирилиб, уларга ҳам пахта экилди. Деҳқон фарзандлари «бахтли болалик»ни бутифос сепилган пахта далаларида ўтказдилар. Кўплари сариқ касаллигидан вафот этдилар, заҳарли моддалардан шикастландилар. Пахта туфайли эпидемиялар пайдо бўлди, деҳқон дастурхонидан қут-барака кетди.

Иқтисодиётдаги, маънавиятдаги, ижтимоий онгдаги ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Мамлакат 80-йиллар ўрталарига келиб ғоят кескин танглик ёқасида турарди.

5. ОРОЛ ФОЖИАСИ

Мустабид тузумнинг 70 йилдан кўпроқ давом этган мустамлакачилик сиёсати, унинг Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа республикаларнинг табиий хом ашё ресурсларидан ўйламай-нетмай фойдаланиши, пахта яккаҳокимлигининг изчиллик билан жорий этилиши бу ерда кўп асрлар мобайнида вужудга келган ва мавжуд бўлган табиий мувозанатни издан чиқарди, жуда мураккаб экологик муаммоларни вужудга келтирди, шулар сабабли Орол муаммоси ҳалокатли тус олди.

Орол денгизи — ноёб табиат неъмати бўлиб, унинг пайдо бўлиши Ўрта Осиёдаги иккита дарё — Амударё ва Сирдарё

туфайли бундан 2—2,5 млн. йил муқаддам рўй берган. Ўрта Осиёдаги турт халқ — ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва туркманларнинг тарихи энг қадим замонлардан буён Орол билан боғлиқ бўлиб келган. Оролбўйи ана шу халқлар қадимги босқичининг шаклланиш бешиги ҳисобланади. Уларнинг аждодлари бу ерда, ўша вақтдаги Хоразм воҳасида юксак маданияти билан ажралиб турувчи қадимги цивилизацияни яратган. Ўзининг расадхонасига эга бўлган Қўйқирилган қалъа-шаҳарчасининг харобалари (милоддан аввалги IV аср) ана шундан далолат беради, бу ердаги расадхона нафақат мамлакатимизда, шу билан бирга бутун Ўрта Осиё минтақасидаги энг қадимги расадхона ҳисобланади.

Бу ҳудудда энг қадимги замонлардан бошлаб суғорма деҳқончилик ривожланган. Пахта, узум, шафтоли, ўрик ва бошқа деҳқончилик ва мева турлари етиштирилган, улардан юқори ҳосил олинган. Бунга воҳанинг ўзига хос қулай микроиқлими сабаб бўлган, у ана шу ерда Орол денгизини ҳосил қилган. Шундай қилиб, энг қадимги замонлардан буён Оролбўйида яшаб келган халқларнинг тақдири Амударё, Сирдарё ва Орол билан ниҳоятда боғлиқ бўлган.

XIX асрнинг охирида рус иқлимшуноси, географи, Петербург академиясининг аъзоси Александр Иванович Воейков Орол денгизини кераксиз денгиз сифатида уни қуритишни таклиф қилади[1]. Подшо ҳукумати унинг алаҳсираб айтган бу таклифини амалга оширишга улгура олмаган эди. Бироқ, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини ўзига хос усулда давом эттирган совет ҳокимияти мазкур таклифни жуда устамонлик билан амалга оширди.


Чоризмнинг Марказни бойитиш соҳасидаги олиб борган сиёсати миллий чекка ўлкаларнинг табиий ресурсларини талон-торож қилишга олиб келди. СССР раҳбарияти миллий республикаларни, шу жумладан, Ўзбекистонни мустамлака чекка ўлка деб билар, иттифоқ учун хом ашё базаси сифатида фойдаланарди. Бу ерда асосан Россия учун сув ва ҳаводек зарур бўлган пахта етиштирилди — у эса секин-аста деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини сиқиб чиқарди. «Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, — деб ёзади И.А.Каримов — табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди»[2].

---

[1] *Воейков А.И.* Избранные сочинения / Под. Ред А.В.Григорьева. Т.III. — М., 1952. Кн.3. С.497, 500.

[2] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997, 110-бет.

1960 йилдан бошлаб Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида янги ерларни ўзлаштириш соҳасида кенг миқёсли ишлар бошлаб юборилди, булар учун дарё сувини қўшимча равишда тортиб олиш талаб қилинарди. Натижада, Қорақалпоғистонда пахтачилик билан бир қаторда шоличилик ҳам юксак суръатлар билан ривожланди. Бироқ ерларни ўзлаштириш илмий асосда олиб борилмади. Деҳқончиликни ривожлантириш ҳам экстенсив усулда амалга оширилганлиги сабабли, сув ресурсларининг асоссиз равишда ҳаддан ортиқ даражада исроф қилинишига олиб келди. Оролга эса унинг «улуши» бериб турилмади, бу эса денгизнинг қуриб боришига сабаб бўлди. 80-йиллар ўрталарига келиб Орол денгизининг сатҳи 13,8 метр пасайиб кетди, сув ҳажми 390 млн. куб. метр, майдони 40 минг кв. м. камайди[1]. Натижада Орол ва Оролбўйи муаммоси жиддий равишда пайдо бўлди. Эндиликда юзага келган ана шу экологик ва иқтисодий муаммолар фақат Оролбўйи учун эмас, балки бутун Марказий Осиё ва унинг атрофидаги мамлакатлар учун ҳам яққол кўзга ташланиб турган муаммо бўлиб қолди.



Оролнинг қуриб қолган туби. 1990 йил.

Орол денгизининг қуриб бориши бир қатор салбий ҳодисаларга олиб келди:

Биринчидан, сувдан фойдаланишда ва ерларни ўзлаштиришда илмий асосларнинг мавжуд эмаслиги, сувнинг талон-

[1] ЎзР Сув хўжалиги вазирлигининг жорий архиви. Вазирнинг 1986 йил учун маърузаси.

торож қилинишига, қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши экин майдонларининг шўрланишига, бу майдонлар бир қисмининг қишлоқ хўжалик оборотидан бутунлай тушиб қолишига сабаб бўлди. Масалан, Ўзбекистондаги бутун экин майдонларининг 60%, Туркманистондаги экин майдонларининг 80%и ўртача ва кучли даражада шўрланган. Олимларнинг гувоҳлик беришича, бундай шароитда Ўзбекистондаги экин майдонларининг 30%, Туркманистондаги экин майдонларининг 40%и ҳосил бермайди. Бинобарин, ана шу ерлардаги сув ва бошқа ресурслар ҳам лозим даражада самара келтирмайди. Қорақалпоғистонда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Республикада 1965—1985 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш фондлари, электр қуввати, 1 га майдонга минерал ўғит етказиб бериш, бошқа фондлар билан таъминлаш даражаси, битта ўртача йиллик ходимнинг фонд билан қуролланиши ва унинг энергия билан таъмин этилиши даражаси бир неча марта ортган, бироқ қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса мазкур даврда қиёсий нархларда фақат 45% ўсган, холос, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса, ҳатто 6%га камайган. Жамоа ва давлат хўжаликларидаги меҳнат унумдорлиги ўша йилларда 11% пасайган. 1 га суғориладиган майдон ҳисобидан олинадиган ялпи маҳсулот деярли учдан бир қисмга камайган. Республика жамоа ва давлат хўжаликларида 1 т. озуқа бирлиги ҳисобига ялпи чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш миқдори бутун Ўзбекистон бўйича деярли икки баравар кам бўлган. Бу ўринда оғир экологик ўзгаришлар ҳам маълум даражада роль ўйнаган.

Иккинчидан, денгиз сувининг шиддат билан пасайиб бориши натижасида 3 млн. га.дан ортиқ қуриган денгиз тубини қумли саҳрога айлантирди. Кучли бўронлар пайдо бўлиб, тузли қумларни 4 км юқорига ва 200 км кенгликка тарқата бошлади. Бундай бўронлар ҳар йили 6—9 марта, кейинги вақтларда эса 15 мартагача бўлмоқда. Жанубий Оролбўйидаги тузли чанглар эса 500 км гача бўлган масофага ёйилмоқда. Бу тузли чанг бўронлари шарққа томон 800 км.гача, яъни деярли Тошкент шаҳригача етиб келиши мумкин. Кучли бўронлар ёрдамида ҳар йили қуриб қолган денгиз тубидан 150 млн. т.га қадар тузли чанглар атроф муҳитга тарқатилмоқда. Оролнинг ҳалокатли нафасига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг кўпгина туманлари дучор бўлмоқдалар. Туз бамисоли осмондан тўкилгандек, далалар устини, яйловларни оппоқ қатлам билан қоплаб олган. Бундай шароитда нафақат деҳқончилик экинлари, шу билан бирга чорва моллари ҳам деярли ёппасига касалга йўлиққан. Денгиз тубининг қуриган шўрхок ерларидан кўтарилган туз ҳатто электр симларига ва юқори вольтли симларнинг чиғаноқларигача ўтириб, таянч ёғочларни емириб, яроқсиз ҳолга келтирмоқда.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориши саҳро майдонларининг ортиб, тўқайзорларнинг, кўпгина ўсимлик турлари, қушлар ва ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Қизилқум ва Устюртнинг шарқий қисмидаги ўсимликларнинг сийраклашиб боришини кучайтирди, бунинг натижасида яйловларнинг табиий имконияти пасайиб кетди, ўртача йиллик ҳисобга кўра қарийб 5 млн. т. қимматли озуқалар йўқолиб бормоқда. 800 минг га майдондаги қамиш ўсадиган массивлар нобуд бўлди, қадимдан сақланиб келаётган тўқай ўсимликлари (0,3 млн. га) йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон доривор ўсимликларининг қимматли турлари, чунончи, сариқ нилфия, оқ кузача, дала қирқбўғини, қиздирувчи қичитқи ўт, ботқоқ шиповниги ва бошқалар йўқолиб кетиш арафасида турибди. Саҳрога айланиш жараёни кучайиши натижасида энтомофаунанинг маданий минтақага ҳужуми кучаймоқда. Масалан, Орол яқинида қамишзорларнинг йўқолиб бориши билан Осиё чигирткаси ва чақадиган ҳашаротларнинг инлари маданий минтақаларда ҳам тез-тез учраб турибди. Унга қарши кураш мураккаблашиб бораётир. Ўлатга қарши станциянинг берган маълумотларига қараганда, дельтанинг саҳролашиб бориши янги ўлат ўчоқларининг пайдо бўлиши хавфини туғдиради. Дельтанинг саҳролашиб бориши эса Орол бўйидаги кўпгина ҳайвонларнинг йўқолиб кетишига ҳам сабаб бўлди. Оролнинг ўзидаги маҳаллий ихтиофауна қирилиб кетди. 1960 йилга қадар денгиз 450 минг ц. балиқ бериб турган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Орол денгизидан тутиладиган сўзанабалиқ, лешч, судак, сазан ва бошқа балиқлар иттифоқда овланадиган балиқларнинг анчагина қисмини ташкил этарди.



Орол денгизидаги кемалар аҳволи. 1990 йил.

Тўртинчидан, денгиз суви сатҳининг мунтазам пасайиб бориши минтақанинг иқлим шароитларининг ўзгаришига олиб келди. Оролбўйининг иқлими янада кескин континенталроқ бўлиб қолди. Совуқ бўлмайдиган кунлар сони ортиб кетди, ёзда эса ҳаво ҳарорати 2 даража иссиқроқ бўлиб, қишда 2 даража совуқроқ бўлиб турибди, атмосферанинг қурғоқ бўлиши кучайди. Баҳор чўзилиб кетадиган бўлиб қолди. Натижада кейинги йилларда Қорақалпоғистонда пахтанинг пишиши қийинлашди.

Орол ҳалокатини муқаррар қилиб қўйган сабаблар мажмуи-

ни тизимли тарзда таҳлил қилиш, шунингдек, кейинги йилларда мазкур масала бўйича тақдим этилган кўп сонли илмий тадқиқотлар ва эксперт хулосалари натижаларининг кўрсатишича, Оролнинг қуриб бориши Ер барқарорлигининг бузилиши ва глобал иқлимнинг издан чиқиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Орол янада қуриб борган тақдирда мўлжалланаётган Ер иқлимининг бузилиш тамойиллари фақат кучайиши мумкин.

Бешинчидан, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида дарёларга фойдаланилган коллектор сувларининг ташланиши натижасида сувнинг таркиби ёмонлашиб борди. Дарё қуйи оқимининг сувларида минералларнинг ҳаддан ташқари ортиши сувни амалда ичиш у ёқда турсин, ҳатто суғориш учун ҳам яроқсиз қилиб қўйди. Дарё сувининг минераллашуви туфайли ер остидаги тоза линзалар ҳам минераллашди. Бу ҳол Оролбўйининг эпидемиологик ва санитария-гигиена шароитини кескинлаштириб, касаллик ва ўлимнинг ортишига олиб келди. Табиатдаги салбий ўзгаришларнинг таъсири остида 1980 йилдан бошлаб камқонлилик билан хасталаниш 550 баравар ортди ва 10 минг аҳоли ҳисобига 1160 киши даражасига етди. Бу кўрсаткич Россияда ана шунча аҳоли сонига 2—3 ҳолатгина тўғри келади. Қон босимининг ошиши касаллиги билан оғриш кейинги 20 йил мобайнида 60 баравар, сийдик тоши ва жигар тоши касалликлари билан хасталаниш 7 баравар ошган. Қорақалпоғистон ошқозон раки, туберкулёз, вирусли гепатит, аллергия, қорин тифи каби касалликлар бўйича СССРда энг юқори ўринни эгаллади. Айниқса бу ерда болалар ва хотин-қизлар орасида ўлим кўп бўлди. Болалар она сутининг заҳарли эканлиги билан ҳам вафот этарди. Ҳар ойда касалликлар 5 минг кишининг ўлимига сабаб бўлдики, уларнинг кўпчилик қисми болалар эди. Ўлим ва касаллик даражасининг ниҳоятда юқори эканлиги шундан далолат берадики, инсон организми эндиликда экологик ҳолатлар вужудга келтираётган зарбаларга бардош бераолмаяпти. Бу ерда инсон кўпайишининг заифлашуви ва маҳаллий аҳоли генофондининг таназзули жараёни содир бўлди.

Олтинчидан, ерларнинг кучли шўрланиши тарихий-маданий муҳитга ва унинг таркибий қисми бўлган маданият ёдгорликларига тузатиб бўлмас даражада зарар етказмоқда. Масалан, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида суғориладиган майдонларнинг яқинлиги, уларнинг кучли шўрланиши натижасида милоддан аввалги IV асрга тааллуқли Қўйқирилган қалъадаги энг қадимги расадхона тиклаб бўлмас даражада шикастланди. Элликқалъада 50 дан ортиқ энг қадимги маданият ёдгорликлари бор эди. Ҳозир улардан фақат 10 таси қолган, Хоразмшоҳларнинг қадимги қароргоҳи бўлган Тупроққалъа (милодий I—IV асрлар) ҳам ҳалокат ёқасида турибди. Худди шундай аҳволни Хоразм ва Тошҳовуз вилоятларида ҳам кўриш мумкин. Қо-

рақалпоғистоннинг шимолий қисмида эса аҳвол бундан ҳам ёмонроқ.

Табиий иқтисодий ва санитария-эпидемиология шарт-шароитларининг ёмонлашуви аҳолининг, айниқса, унинг малакали қисмининг бошқа жойларга кетиб қолишига сабаб бўлди. Мустабид тузумнинг мустамлакачилик сиёсати туфайли Орол денгизи ҳавзасига етказилган умумий иқтисодий зарар Оролни тиклаш ва мазкур минтақада экологик мувозанатни мувофиқлаштириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажмига тенгдир. Оролбўйи халқларига етказилган маънавий зарарни эса умуман тўлдириб бўлмайди. «Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан бири, — деб ёзади И.А.Каримов. — Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 3,5 млн. киши унинг таъсирида қолди»[1].

Мустабид империяча тузум Орол муаммосини узоқ вақт махфий сақлаб келди. СССРнинг юқори сиёсий раҳбарияти олимлар ва аҳолининг таҳликали овозларига ўз вақтида ҳеч қандай эътибор бермади. Фақат 1986—1988 йилларга келиб мазкур муаммони ҳал қилишга қаратилган иккита қарор қабул қилди, лекин булар маблағ билан таъминланмади. 80-йилларнинг ўрталарига келиб ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган иттифоқнинг бу қарорларни амалга оширишга қурби етмас эди. Шунинг учун булар «қоғозда» қолиб кетди.

6. ЖАМИЯТ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА «РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ» ҒОЯСИНИНГ СИНГДИРИЛИШИ

Иккинчи жаҳон урушини ғалаба билан тугаллаган СССР ўзини янада мағрур тута бошлади. Олий сиёсий раҳбарият фашизм устидан қозонилган бу ғалабани «социализмнинг империализм — капитализм устидан қозонган ғалабаси», марксизм-ленинизм-сталинизм ғоясининг «мардонавор тантанаси», коммунистик мафкуранинг енгилмас кучи сифатида изоҳладилар.

Совет қўшинлари фашистлардан озод қилган бир қатор Европа мамлакатларида (Болгария, Венгрия, Германиянинг бир қисми, Польша, Руминия, Чехословакия ва бошқалар) «советларча» янги ҳукуматлар ташкил қилиниб, улар «социалистик йўлдан» бора бошладилар. Бу жараённи коммунистик мафкура раҳнамолари «социализмнинг жаҳон миқёсида ғалабаси», «социализмнинг бир неча мамлакатларда бирданига ғалаба қилиши», «социалистик системанинг юзага келиши» деб баҳоладилар. Урушдан кейинги йиллардан бошлаб коммунистик мафкура ўзининг халқаро ва ички миқёсдаги барча тарғибот-ташвиқот,

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997, 124-бет.

оммавий-сиёсий ишлар олиб борувчи улкан механизмини ана шу ғояни халқ оммаси онгига сингдиришга сафарбар қилди. Натижада уруш туфайли бир оз бўлса-да сусайган ғоявий-сиёсий тазйиқлар, чеклашлар яна авж ола бошлади.

Шуниси ҳайратланарлики, ҳар бир тарихий босқичда коммунистик ғояфурушлар янги-янги ақидаларни ўйлаб топардилар.

50-йилларнинг охирларида «СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қилган»лигини КПСС XXI съезди (1959 й. январ-феврал) тантанали равишда эълон қилди. Шу билан бирга, сиёсий раҳбарият «80-йилларда совет халқи «коммунизмда яшайди», деб ваъда берди. Ҳатто, бўлажак коммунизм кишисининг «ахлоқ кодекси» ҳам ишлаб чиқилди, барча маданий-маърифий, оммавий-сиёсий ишлар халқ оммасини «ахлоқ кодекси» руҳида қайта тарбиялашга сафарбар қилинди.

Бироқ мустабид тузум ўз моҳиятига кўра унитар (қўшма) давлат бўлганлиги учун ҳам бундай «эркин жамиятни» ярата олиши мумкин эмасди. 60-йиллардаёқ жамият тараққиётида кундан-кунга секинлашиш механизми тобора кучайиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам беқарор ривожланиш кўзга ташланди ва СССРда 80-йилларга келиб «ваъда қилинган коммунизм» бўлмаслиги яққол сезилиб қолди. Шу боисдан ҳам Марказ сиёсий раҳбарияти совет халқларини «коммунизмда яшашига» ишонтирган Н.Хрушчевга барча айбни қўйиб, «коммунизмга эришиш» учун яна бир босқич — «ривожланган социализм» босқичини босиб ўтиш зарурлиги, бусиз «коммунизмга ўтиб бўлмаслиги» айтилди. Шу асосда «коммунизм ғояси» ўрнига навбатдаги ақида — «ривожланган социализм» ғояси совет жамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига сунъий равишда киритилди. Бу партиянинг навбатдаги ғоявий-сиёсий ўйини, халқ оммаси эътиборини мустабид тузумнинг иллатлари оқибатида юзага келган, жамият тараққиётига, фуқароларнинг кундалик ҳаётига тўғаноқ бўлаётган муҳим муаммолардан чалғитиши эди. 60—80-йилларда партия «ривожланган социализмга» эришиш учун ўзининг барча имкониятларини ишга солди, оммавий ахборот, тарғибот-ташвиқот воситалари халқ оммаси онгига «ривожланган социализм» босқичида социализм ўзининг энг юқори «фазаси»га эришади, бу даврда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, маданият-маърифат имкон даражада ривожланади, халқнинг турмуш даражаси мунтазам ошиб боради, совет кишиларининг янги «социалистик турмуш тарзи» шаклланади, деган сохта, амалга ошириб бўлмайдиган ғояларни сингдиришга ҳаракат қилди.

1946—1985 йиллар оралиғида Марказ идеологлари томонидан ўйлаб топилган ана шу хаёлий ва ноилмий ақидалар гирдобида, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам маориф, олий таълим, илм-фан, санъат ўта сиёсийлашган ҳолда ривожланишга мажбур қилинди.

Яна энг муҳими шундаки, бу даврда барча миллий республикалар ва миллатлар маданиятини ўзида мужассамлаштирган ягона «совет маданияти» яратилганлигининг эътироф этилиши СССРга бирлаштирилган барча халқлар маънавиятининг бундан кейинги йўналишини белгилаб берди. Ушбу даврда маданиятга хос, унинг ривожланиши учун муҳим омил бўлган эркинлик, демократия батамом йўқ қилинди. Маданият, айниқса, миллий маданиятнинг «ривожи» махсус қолипга солинди. Сиёсий ўлчовларга, коммунистик мезонга жавоб бермаган ҳар қандай асар йўққа чиқарилди, унинг муаллифи эса жамиятга яроқсиз шахс сифатида «четга суриб» қўйилди.

Айни пайтда, 1946—1985 йилларни ўзбек маданияти учун тўлиқ тушкунлик даври дейиш ҳам хато бўлур эди. Чунки бу даврда мафкуравий тазйиқлар, қолипга солишлар кучайган бўлса-да, маданият маълум даражада ривожланди. Бу йилларда яратилган ижобий ишлар, омма орасида олиб борилган маданий-маърифий тадбирлар ўта сиёсийлашган ва мустабид тузум учун хизмат қилган бўлса ҳам, у барибир ўзбек халқининг шу даврдаги миллий маданияти бўлиб қолди, халқнинг маданий-маърифий савиясини оширишга хизмат қилди. Хусусан, бу маориф, олий таълим муассасаларига тегишлидир.

Республика халқ таълими урушдан кейинги йилларда бир қатор жиддий қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келди. Уруш йилларида таълим тизимига эътибор берилмади. Ана шу «одат» урушдан кейинги дастлабки йилларда ҳам давом этди.

Уруш даврида ўқишга жалб этилмаган мактаб ёшидаги болаларни урушдан кейинги дастлабки йилларда таълим тизимига тортиш жуда муҳим масала бўлиб қолди. Бундан ташқари, уруш йилларида таълим сифати ҳам жуда пасайиб кетган бўлиб, 20-йиллардаги қолоқ услубларда олиб бориларди. Бу эса ўқувчиларни ўқишдан бездирар, ўқишни ташлаш ва синфда қолиш ҳоллари кўпаймоқда эди. Масалан, 1945/46 ўқув йилида Ўзбекистон мактабларидаги ўқувчилар сони режадаги 1 млн. 10 минг киши ўрнига 823 минг кишидан иборат бўлди. Синфда қолган ўқувчилар сони ҳам кўп бўлиб, 1946 йилда у барча ўқувчиларнинг 37%ини ташкил этарди. Айниқса қиз болаларни мактабга жалб қилиш, уларни ўқишни тугатгунча ушлаб туриш алоҳида муаммо сифатида кўндаланг бўлиб турарди.

Ўқитувчи ходимлар масаласи урушдан кейинги йиллардаги энг жиддий муаммолардан бири эди. Чунки малакали ўқитувчилар асосан урушга юборилган, уларнинг кўпчилиги ҳалок бўлганди. Хусусан, 1947 йилда республика бўйича 4 минг ўқитувчи етишмасди. Туман халқ маорифи бўлимлари мудирлари, мактаб директорлари ва таълим бўйича директор муовинларнинг 60%дан кўпроғи тегишли маълумотга эга эмасди. 1950 йилда 7125 мактаб ўқитувчиларга муҳтожлик сезарди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1957 йил 1 октябрдаги

сессиясида «Ўзбекистон ССРда мажбурий етти йиллик таълимни тўлиқ амалга ошириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мактабларда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган дастлабки қадам бўлди. Янги қонунга кўра умумтаълим мактаби ҳамма учун мажбурий бўлиб қолди. Бироқ бу билан республика мактабларида мавжуд бўлган камчиликлар барҳам топмади. Аксинча, мактаб ҳақиқий ҳаётдан ажралиб қолди, ўқувчиларга берилаётган билимлар фан-техника тараққиёти даражасига тўғри келмасди. Шунинг учун ҳам 1959 йил мартда Ўзбекистон Олий Совети «Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида» янги қонун қабул қилди. Аммо, совет мустабид тузумига хос бўлган бошланган ишни охирига етказмаслик одати бу гал ҳам муаммони ҳал қилиш йўлида тўғаноқ бўлиб хизмат қилди, оқибатда халқ таълимида аҳвол ўзгармади.

60-йиллар Ўзбекистонда «ривожланган социализм» босқичи деб эълон қилинди. Жамият мамлакат раҳбариятидан ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда жиддий сифат ўзгаришларни амалга оширишни кутмоқда эди. Бироқ, амалда ундай бўлмади. Лекин бунинг ўрнига сиёсий раҳбарият ақидапарастликни, оммавий-сиёсий ишларни авж олдирди. Халқ таълим тизими ҳам ана шу «гирдобга» ташланди.

Расмий ҳокимият сохта пролетар байналмилаллигини амалда кучайтириш мақсадида мактабларда рус тили ва адабиётини кенгроқ ўқитишга урғу берди. Натижада 60-йилларда Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллари, мусиқа ва қўшиқчилик дарслари ҳажми кескин қисқарди ва улар ўқув режасида белгиланганидан ҳафтасига 16,5 соатга камайиб кетди. Улардан бўшаган соатларда эса рус тили ва адабиёти предмети ўқитилди. Масалан, ўқитувчилар «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида ўзбек адабий-бадиий муҳити», «Миллий маданий жараёнлар» тўғрисидаги мавзуларда дарс ўтиши лозим бўлган соатларда рус маданиятининг «прогрессив» аҳамиятини кўрсатиб беришга мажбур бўлдилар. Ниҳоятда бой ва кўҳна ўзбек халқи тарихини ўрганишга 52 соат ажратилган ҳолда бошланғич мактабларда рус тили ва адабиёти предметлари учун 1600 соат ажратилди[1].

70—80-йилларда Ўзбекистон мактабларида аҳвол сифат жиҳатидан ўзгармай қолаверди. Мактаблар жаҳон тажрибаларидан, замонавий техника ва ўқитиш воситаларидан фойдаланмади. Уларнинг моддий-техника базаси яхшиланмади. Тўғри, бу йилларда мактаблар, ўқувчилар, ўқитувчилар сони йилдан-йилга ортиб борди, сон кўрсаткичлари кишини ҳайратга солар даражасида ортди. Масалан, Ўзбекистонда 1945/46 ўқув йилида жами 4525 мактаб

---

[1] *Насыров Р.* Социальное развитие села Узбекистана (1965—1985) — Т., 1994. С. 27—28.

бўлиб, уларда қарийб 998 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1970/71 ўқув йилида республиканинг умумий таълим мактаблари сони 7072 тага, уларнинг ўқувчилари эса 3 млн. 164 минг кишига етди.

Бироқ, уларнинг сифат даражаси (айниқса, қишлоқ мактаблари) анча паст эди. Чунки, кўкларга кўтариб мақталган «ривожланган социализм» босқичи ҳам 20—30-йилларда шаклланган «қолдиқ принципи»нинг ижтимоий оқибатларини йўқота олмаган эди. 1970—1980-йилларда халқ таълими учун давлат томонидан ажратилган маблағ 11%дан 8%га камайиб кетди. Республиканинг барча вилоятларидаги мактабларнинг 20—60%и зарур ўқув қуроллари, асбоб-анжомлар билан жиҳозланмай қолаверди, 50%дан ортиқ мактабларда иссиқ овқат буфетлари ташкил этилмади. Куни узайтирилган гуруҳлар иши айниқса ўлдажўлда қолди. 70—80-йилларда 1-8-синф ўқувчиларининг атиги 8—9 %ини бундай гуруҳларга жалб этилган эди, холос[1].



Хоразмнинг машҳур гиламлари. Хива. 1974 йил.

Умумтаълим мактабларининг фаолияти асосан «ривожланган социализм» ғоясини ўқувчиларга сингдириш, уларни «коммунистик руҳда» тарбиялашдан иборат бўлди. «Коммунистик тарбия»дан кўзланган мақсад эса ёшларни «пролетар интернационализми»га, «катта оғага» содиқлик, синфийлик, партиявийлик руҳида тарбиялашдан иборат эди. Миллийлик эса ўзбек мактаблари мазмунидан чиқарила бошланди. Мактаблардаги тарбия Европа

[1] *Эргашев К.* Развитие общеобразовательной школы в Узбекистане. 70-е—90-е гг.: проблемы и тенденции. — Т., 1996. С. 20.

тарихи мисолида олиб борилди. Европа маданияти, тарихи амалда байналмилаллик намунаси сифатида талқин этилди.

Натижада, ўзбек ўқувчиларида миллий ўзликни англаш, урф-одат, миллий анъаналарга содиқлик кайфиятидан ажралиш ҳоллари рўй бера бошлади. Мактаб ўқувчиларининг ўқув режасидаги соатларини ўзлаштира олмаслиги одатий ҳол бўлиб қолди. Бу уларни пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларига кўпроқ жалб қилиниши билан изоҳланади. Ўқув йилининг 3—4 ойи ана шундай мажбурий тадбирлар билан банд бўлишга кетар эди. Бу эса ўзбек ўқувчисини жаҳон стандартларидан ортда қолдириб, замонавий фан соҳаларини ўзлаштиришга имкон бермасди.

Иккинчи жаҳон урушидаги катта йўқотишлар олий маълумотли ходимларнинг сон ва сифат жиҳатидан камайиб кетишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида урушдан кейинги йиллардаёқ олий таълимни ривожлантириш зарур эканлигини тақозо этарди.

1950 йилда республика халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда 26 та олий ўқув юртлари, шунингдек, 2 та университет фаолият кўрсатди. Шу билан бирга 92 та техникум ўрта махсус таълим тизимида иш олиб борди. 1950—1953 йилларда республика олий ўқув юртларида 16.600, ўрта махсус билим юртларида 19 минг мутахассис тайёрланди. Бироқ, ўзбек қишлоқлари ва шаҳарларидаги оғир иқтисодий аҳвол маҳаллий аҳоли ёшларини олий мактабларда ўқишга имкон бермас, улардан юқори малакали мутахассис ходимлар тайёрлаш ишига тўсқинлик қиларди. Хусусан, 1950—1953 йилларда олий ўқув юртларини битирганларнинг атиги 30%ини, ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларнинг эса 33%ини ўзбеклар ташкил қилди, холос.[1]

Ўзбек миллатига мансуб ёшларни олий ва ўрта махсус таълим масканларига бунчалик кам жалб этилишининг яна бошқа ўзига хос сабаблари ҳам бор эди, албатта. Булардан биринчиси, ўқув юртларига кирувчи ёшлар ўрта мактабларда оммавий-сиёсий тадбирларга, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга (айниқса, қишлоқ ёшлари) асоссиз равишда кўплаб жалб қилиниши оқибатида улар олий ўқув юртларига кира олишлари учун талаб қилинадиган билимни олиш имкониятига эга бўлмасдилар. 60-йиллардан бошлаб олий ўқув юртлари қошида махсус тайёрлов курсларининг ташкил қилиниши ва уларга асосан қишлоқ ёшларидан жалб қилиниши фикримизнинг тўғрилигидан далолатдир. Яна муҳим сабаблардан бири, олий ўқув юртларига кириш учун синов сифатида хорижий тиллардан имтиҳон қўйилиши ва талабаларга рус тилида (80-йиллардан бошлаб) дарс ўтилиши эди. Натижада республика олий ўқув юртларида қишлоқ ёшларининг салмоғи камайиб кетди. Чунки, қишлоқ мактабла-

[1] Советская интеллигенция Узбекистана. Кн. II. — Т., 1979. С. 89.

рида на хорижий тиллар, на рус тили (бу соҳа ўқитувчиларининг етишмаслиги ёки уларнинг қишлоқ мактабларида ишлашни хоҳламасликлари натижасида) етарли даражада, айрим мактабларда эса умуман ўқитилмас эди. Бу ҳол олий мактабларда шаҳарлик ёшларнинг кўпайиб боришига, қишлоқларда эса олий маълумотли мутахассислар муаммосининг юзага келишига олиб келди.

Айни пайтда, қайд этиш лозимки, республикада йилдан-йилга олий ўқув юртлари сони ҳам ортиб борди. Янги институтлар — Андижон медицина институти, Ўрта Осиё Медицина-педиатрия институти, Тошкентда физкультура ва электротехника институтлари очилди. 1959 йилда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 31 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларда 88 минг киши таълим олган бўлса, 1985 йилга келиб олий ўқув юртлари сони 42 тага, талабалар сони эса 285,5 минг кишини ташкил қилди. Шунингдек, республикадаги 249 ўрта махсус билим юртларида 281,7 минг ўқувчи билим олди.

Бироқ булар миқдор кўрсаткичлардаги айрим силжишлар эди. Лекин масаланинг асосий жиҳати — олий таълим муассасаларини битириб чиқаётган мутахассисларнинг сифати ва савияси масаласида кўплаб муаммолар мавжуд эди. «Социализмнинг афзаллиги»ни «кўз-кўз» қилиш мақсадида асосий эътибор олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг сон кўрсаткичларига қаратилди. Бу эса мутахассисларнинг жаҳон талабларидан жиддий ортда қолишига, халқ хўжалиги учун кераксиз мутахассисларнинг тайёрланишига, маблағларнинг беҳуда сарфланишига, мутахассислардан ишлаб чиқаришда самарасиз фойдаланишга олиб келди.

Шу билан бирга, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув-тарбиявий ишларни мафкуравий андозаларга солиш кучайди; мутахассислик бўйича асосий фанларни ўқитишни такомиллаштириш ўрнига барча олий ўқув юртларида коммунистик мафкурани шакллантирувчи КПСС тарихи, марксизм-ленинизм фалсафаси, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, жамиятшунослик фанларини ўқитишни янада яхшилаш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Ўқув жараёни учун муҳим бўлган демократик ва ижодий жиҳатлар инкор этилди. Натижада олий таълим тизимида масъулиятсиз, ташаббуссиз, лоқайд, «ўртамиёна» мутахассислар тайёрлаш механизми юзага келди. Марказий ҳукумат сиёсий раҳбарияти халқ хўжалигининг барча тармоқларини, ҳатто илм-фанни ҳам мустабид тузумни мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштириш учун сафарбар қилди. Иттифоқ халқ хўжалиги мажмуида барча миллий республикаларнинг алоҳида вазифаси белгилаб берилганидек, ҳар бир республиканинг илм-фанига ҳам алоҳида йўналишлар кўрсатилди, улар республиканинг иттифоқ

миқёсидаги вазифасидан келиб чиқар эди. Жумладан, уруш йилларида ташкил этилган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зиммасига қишлоқ хўжалиги тармоқларининг, энг аввало пахтачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, уни механизациялаш, ғўзани парвариш қилиш агротехникасини, уруғчиликни яхшилаш, чорва молларининг зотини яхшилаш, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш каби муҳим ва долзарб муаммоларни ҳал қилиш вазифаси юкланди. Республика олимлари халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган 230 дан кўпроқ мавзуни ишлаб чиқиш билан шуғулландилар. Шунингдек, фан ва техника ютуқларини саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилиш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Масалан, ипакчилик саноати илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан кашф этилган, пилладан ипак олишни тезлаштирадиган автомат станок қисқа муддатларда ўзлаштирилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шу асосда пилладан ипак олишда ишлатилиб келган қўл меҳнатини машина билан алмаштириш вазифаси жаҳонда биринчи бўлиб Ўзбекистон олимлари томонидан ҳал этилди.

50—60-йилларда Ўзбекистонда ядро физикаси, кимё, ўсимлик хом ашёси ва пахта, сув проблемалари ҳамда гидротехника, нефть ва газ, ўлка медицинаси, астрономия, биохимия, кибернетика, электротехника, сейсмология, фалсафа ва ҳуқуқ, санъатшунослик, археология, Қорақалпоғистон комплекс илмий тадқиқот институти каби катта илмий даргоҳлар ташкил қилинди. 1959 йилда Ўзбекистонда биринчи атом реактори ишга туширилди. Бу институтларда илмий тадқиқотлар блан бир қаторда илмий кадрлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Илмий кадрлар тайёрлаш асосан аспирантура орқали амалга оширилди. Аспирантлар сони йилдан-йилга ошиб борди. Биргина Фанлар академиясида уларнинг сони 1958 йилда 370 та бўлган бўлса, 1973 йилга келиб 839 кишига етди. Бироқ фан докторлари тайёрлаш, 1956 йилда республикада докторантура тизимининг бекор қилиниши натижасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Ўзбекистон олимларининг ҳисоблаш математикаси ва техникаси, радиотехника, қаттиқ жисмлар физикаси ва чала ўтказгичлар соҳасидаги тадқиқотлари муҳим натижаларга эга бўлди.

Ядро физикаси проблемаларини, космик нурларни, самовий жисмларни, эҳтимоллик назариясини ва математик статистикани ўрганишда, геофизиканинг турли соҳаларида Ўзбекистон олимлари катта ютуқларга эришдилар. Академия олимлари геология фанининг назарий масалаларини ҳал этишга маълум даражада ҳисса қўшдилар. Ер бағрида ёнилғи ва металл қазилмалар пайдо бўлиши ва жойланишининг қонуниятларини очиб беришда геологлар эришган ютуқлар Газли ҳудудида табиий

газнинг катта конларини, Чотқол-Қурама тизма тоғларида, Шимолий Нурота ва шу каби жойларда рангли ва нодир металлар конларини топиш учун асос бўлди.

70—80-йилларда минералогия ва геохимия, математика, алкалоидлар кимёси, назарий ва амалий механика, биология, геофизика ва бошқа фанлар соҳасидаги тадқиқотлар муваффақиятли давом эттирилди.

Академия олимлари томонидан уруғлик чигитни экишдан олдин туклarини батамом тозалаб берадиган машина яратилганлиги, ўғитларнинг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, цементнинг ҳар хил турларини ҳосил қилиш усуллари ишлаб чиқилганлиги қимматли самаралар берди.

Бу йилларда Ўзбекистонда илмий-тадқиқот муассасаларининг сони ҳам ортиб борди. Улар 1960 йилда 64 тага, 1970 йилда 90 тага етди, 80-йиллар ўрталарида эса улар сони 100 тадан ортди. Уларда фаннинг турли соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борилди, юқори малакали, жаҳон тан олган олимлар етишиб чиқди.

Бироқ мустабид тузум иллатлари фан тараққиётига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қўймади. Бу нарса, эркинлик, ижодий муҳит яратиш ўрнига, маъмурий-буйруқбозлик усулини қўллашда, фанга ҳам юқоридан туриб «кўрсатма» беришда, айниқса, олимлар томонидан яратилган янгиликларни ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий қилинмасликда яққол кўринди. Қанча-қанча, катта иқтисодий самаралар берадиган илмий кашфиётлар амалиёт билан илмий муассасалар ўртасида узвий боғлиқлик бўлмаганлигидан ишлаб чиқаришга жорий қилинмади.

Айниқса, бу даврда ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан «зўравонлик», уларни коммунистик мафкура «андозасига» солиш янада кучайди. Ўзбек халқининг бой ўтмиш тарихини, миллий маданиятини ва қадриятларини камситиш, уларни сохталаштириш айнан шу йилларда авж олган эди. Қадимий тарихимизни ўрганиш, «ўтмишга сажда қилиш» деб қораланди. Ижтимоий-гуманитар фан олимларига «ривожланган социализм» даврини, унинг «тарихий аҳамияти»ни, «афзалликлари»ни ўрганиш ҳақида махсус «кўрсатма» берилди. Натижада бу йилларда ижтимоий-гуманитар фан олимлари томонидан «ривожланган социализмни» мадҳ этувчи кўплаб илмий, илмий-оммабоп асарлар яратилди.

Лекин, барча олимлар ҳам партия «кўрсатмалари»га амал қилавермас, виждон амри билан иш тутадиганлар ҳам йўқ эмасди. Ўзбекистонда археология илмининг отаси Я.Ғуломов ана шундай олимлар тоифасидан эди. Тарихий ёдгорлик сифатида ҳисобга олинган тепаликларнинг жойларда пахта майдонларига айлантирилишига, аждодларимиз яратган маданий ва меъморий обидаларнинг қаровсизлик оқибатида вайронага айланишига қар-



Академик Яҳё Ғуломов Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти олимлари даврасида. Тошкент, 1958 йил.

ши туриб, республика сиёсий раҳбариятига халқимизнинг маданий-маънавий бойлигини асраб-авайлаш зарурлигини очиқ айтган олим эди.

1946—1985 йиллар орасида ўзбек адабиёти ўз тараққиётининг мураккаб ва турли босқичлардан иборат даврини босиб ўтди. Булар Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш йилларини (1945—1956); Сталин шахсининг фош этилиши ва хрушчевча «илиқлик» йилларини (1956—1964); «Ривожланган социализм» ғояси олға сурилган йилларни (1964—1985) ўз ичига олган ва ҳар учала босқич шу йилларда рўй берган ижтимоий воқеаларга кўра номланган бўлиб, ўзбек адабиётининг тараққиёт йўли ва тамойиллари ҳам шу даврда турлича кўринишга эга бўлди.

Ўзбекистон адиблари урушдан кейинги мамлакатнинг ҳақиқий аҳволини яхлит билганликлари учун ҳам айрим шоирларнинг лирик шеърларида маъюсона оҳанглар, ёзувчиларнинг очерк ва ҳикояларида мамлакат кечираётган қийинчилик тасвири йўқ эмас эди. Партия 1946—1948 йилларда санъат ва адабиётга оид бир неча қарорлар қабул қилиб, ёзувчиларга воқеликдаги ижобий кўринишлар, кишиларнинг хурсандчилик ҳолатлари ва кайфиятлари ҳақида асарлар ёзиш, совет воқелиги учун типик бўлмаган нуқсонлар ва қийинчилик тасвиридан қочиш, ҳаётни «гулгун» ранглар билан акс эттириш вазифаси топширилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган ва ўз лавозимига кўра партия даъватига

«лаббай» деб жавоб берган Ойбек 50-йиллар арафасида «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзди. Бу асар уруш туфайли хўжалиги издан чиққан колхоз ҳаётининг айрим манзараларини акс эттирди. Аммо роман нашр этилар-этилмас, таниқли мунаққид В.Зоҳидовнинг «Шарқ юлдузи» журнали (1950 йил, 11-сон) ва «Қизил Ўзбекистон» (1950 йил 10, 15, 17 декабр сонлари) газетасида танқидий мақолалари эълон қилинди. Мунаққид ўша даврнинг мафкуравий талабларидан келиб чиққан ҳолда асарда партиянинг «доҳиёна раҳбарлик роли» етарли кўрсатилмаганини, илғор қизларнинг озгина ўғит учун талашишлари тасвирланган эпизодда «реал ҳаёт қийшиқ ойнада кўрсатилган»лигини қаттиқ танқид қилади.

Ўша кезларда советлар мамлакати бўйлаб янги қатағон палласи бошланган бўлиб, Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Шукрулло сингари ёзувчиларни «темир парда» орқасига ташлашга улгурилган эди. Ана шундай шароитда В.Зоҳидовнинг «Олтин водийдан шабадалар» романини ҳар томонлама яроқсизга чиқарган мақолалари Ойбек тақдирида фожиали роль ўйнаши табиий эди.

Урушдан кейинги даврда Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди», Парда Турсуннинг «Ўқитувчи», Иброҳим Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари», Ойбекнинг «Нур қидириб» қисса ва романлари яратилганини ва ўзбек адабиётида бундай «мўл ҳосил» илк маротаба бўлганини алоҳида қайд этиш жоиздир. Тўғри, бу асарларнинг бирортасини «Ўтган кунлар» (Абдулла Қодирий) ёхуд «Навоий» (Ойбек) билан ёнма-ён қўйиш мумкин эмас. Лекин яқин-яқингача ўзбек адабиётининг ночор соҳаси бўлиб келган йирик насрда миқдор ўзгаришлари бўлаётганининг ўзиёқ ижобий ҳодиса эди.

Шеъриятда эса Ғафур Ғуломнинг «Вақт», «Соғиниш», Ойбекнинг «Раиса» сингари мағзи тўқ шеърлари майдонга келдики, улар ҳам, ўз навбатида, шеъриятимизнинг эртасига умид уйғотмай қўймасди.

Ана шундай шароитда коммунистлар партиясининг XX съезди ўтказилиб, унда Сталин шахсининг фош этилиши советлар мамлакати тарихига «хрушчевча илиқлик йиллари» деб кирган янги давр бошланди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шунда кўриндики, Н.С.Хрушчев, Сталин шахсига сиғиниш даври иллатларини фош этибгина қолмай, мамлакатда бир оз бўлса-да, демократик нормалар тикланиши, инсон ҳуқуқлари муҳофаза-ланиши ва бошқа ижтимоий муҳим ҳодисалар рўй беришига кафолат берди. Қатағон этилган ёзувчиларнинг тирик қолганлари озодликка чиқарилиб, улар бошига тушган кулфатлар ҳам матбуот саҳифаларида ёритила бошлади.

50-йилларнинг иккинчи ярмида шеъриятда «Қорақалпоқ дафтари» туркумининг, Шайхзода, Зулфия, Шукрулло, М.Бобоев

қаламига мансуб шеърларнинг юзага келиши, насрда «Қуёш қораймас» романи (Ойбек), драматургияда «Шоҳи сўзана» (Абдулла Қаҳҳор), «Юрак сирлари» (Б.Раҳмонов) пьесаларининг пайдо бўлиши билан ўзбек адабиёти тараққиёти тарихида янги давр бошланди. Бу асарларда инсон, унинг руҳий олами, инсонийлик моҳияти, қувончи ва қайғу-аламлари бутун мураккаблиги билан ифодалана бошланди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», П.Қодировнинг «Уч илдиз», О.Ёқубовнинг «Муқаддас» каби қисса ва романларида ўзгариб бораётган совет жамиятидаги янги ҳаётий тамойиллар ўз ифодасини топди.

Хрушчевча «илиқлик» йилларида совет жамиятида пайдо бўлган ўзгаришлар ўзбек адабиёти ва санъати арбобларини социалистик реализм қобиқларини ёриб чиқиб, «дунёвий реализм» сари боришга ундади. Ойбек совет даври ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган достонларини ёзишга киришди. Афсуски, бу ҳар иккала асар тугалланмай қолди. Аммо, ҳатто, адиб вафотидан кейин унинг 20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»нинг сўнгги жилдида (1985 й.) ҳам коммунистик мафкура бу тугалланмай қолган асарни босиб чиқаришга йўл қўймади.

Совет жамиятида ўта қийинчилик билан бўлаётган баъзи ижтимоий ўзгаришлар таъсирида Абдулла Қаҳҳор 1967 йили, таваллудининг 60 йиллигига бағишланган юбилей кечасида нутқ сўзлаб, «Мен партиянинг оддий солдати эмас, балки онгли аъзосиман», деган сўзларни айтди. Аслида, ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқлари замирида ётган бу ҳақиқат коммунистик партиянинг Ўзбекистондаги раҳбарлари назарида партияга қарши исён шаккоклик эди. Шунинг учун ҳам улар Абдулла Қаҳҳорга бўлган муносабатларини кескин равишда ўзгартирдилар. Унинг асарлари нашр ва тарғиб этилмай қўйди. Ўша кезларда босмадан чиққан «Ёшлар билан суҳбат» китоби эса тақиқланди.

Умуман, сиёсий таъқиб ва таҳдид яна партиянинг санъат ва адабиётга бўлган сиёсатининг асосий белгиларидан бири сифатида қайта тикланди. 20-йиллар арафасида ва кейин ҳам яшаган шоирларнинг асосан Ленин, октябр ва партияни олқишловчи шеърларидан иборат «Тирик сатрлар» алманахида Чўлпоннинг «хавфли» номи тилга олингани учун у китоб дўконларидан йиғиштириб олинди. «Ўзбегим» қасидасини ёзгани ва бутун бир халқнинг миллий уйғонишига туртки бергани учун Эркин Воҳидов таҳдид ва тазйиқлар остида қолди. «Мен энди кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим» деган сатрлари билан гўё партиянинг улуғвор ролидан кўз юмгани учун Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббат» шеъри сиёсий хатодан иборат деб топилди. Унинг ўша давр «руҳига» тўғри келмаган «Жаннатга йўл» драматик достони, бутун умри давомида сиёсий назорат остида яшаган адиб Мақсуд Шайхзоданинг сўнгги «Абу Райҳон

Беруний» тарихий трагедияси сирли равишда қўлёзма ҳолида «йўқолди». Тўғри, Абдулла Ориповнинг асари кейинчалик қайтариб берилди. Аммо Шайхзоданинг йўқолган асари ҳанузгача топилган эмас.

Совет жамиятидаги ижодкорни ҳақорат этувчи ана шундай воқеалар адабиёт ва санъатнинг шу даврдаги тараққиётига монелик қилмай қолмаган, албатта.

60-йилларнинг бошларига келиб ўзбек ёзувчилари социалистик реализм «очиқ система»га айлангандагина бадиий бақувват асарлар беришига ишонган эдилар. Шунинг учун ҳам адабиётимизнинг истеъдодли вакиллари Л.И.Брежнев томонидан олға сурилган «ривожланган социализм» ғоясини бадиий асарлари қатига сингдиришга ортиқча эҳтиёж сезмадилар. Фақат Ш.Рашидов ва В.Зоҳидовнинг публицистик чиқишларидагина бу «ғоя» ўз аксини топди. Шунингдек, Асқад Мухторнинг «Аму» ва Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романларидаги Афғонистон воқеалари ва Россиянинг ноқоратупроқ зонасидаги ерларнинг ўзбек мелиораторлари томонидан ўзлаштирилиши тасвирланган лавҳаларда бу ғоянинг бевосита акс-садоси эшитилиб турди.

60-йилларнинг иккинчи ярми ва 70-йилларда яратилган ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари мавжуд тузумга нисбатан мухолифат мақомида майдонга келган. Шунинг учун ҳам бу даврда ёзилган аксар асарлар ҳали ўз қимматини йўқотган эмас.

Ўзбекистон санъати урушдан кейинги йилларда ўзининг мураккаб ва зиддиятли даврини босиб ўтди. Айниқса, бу театр санъатида яққол намоён бўлди. Социалистик реализм услубининг тобора мустаҳкам ўрнашиб бориши театр саҳнасининг миллий-анъанавий асосларда ривожланишига имкон бермади. Тўғри, бу йилларда «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин» «Алпомиш», «Равшан ва Зулхумор», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Навоий Астрободда», «Муқимий» каби миллий-тарихий асарлар саҳна юзини кўрди. Лекин булар «партиявийлик», «синфийлик»ка мослаштирилган, «эзувчи синфни» яққол кўрсатган ҳолда намойиш этилди. Лекин шулар билан бир қаторда «Олтин девор», «Тошболта ошиқ», «Келинлар қўзғолони» ва бошқа бир қатор миллий руҳдаги саҳна асарлари ҳам яратилдики, улар халқ эътиборига сазовор бўлди.

Санъатдаги «ижтимоий буюртма» амалиёти айниқса ўзбек театри тараққиётида турғунлик ҳолатини юзага келтирди. Бу айниқса, Ўзбекистон КП МҚнинг 1983 йилда қабул қилган «Театр санъатининг аҳволи ва уни янада такомиллаштириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда уни ролини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида аниқ ифодаланди. Қарорга биноан театр санъати ходимлари, драматурглар, режиссёрлар зиммасига энг аввало инқилобий, совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар сонини кўпайтиришга

устивор аҳамият бериш вазифаси юкланди. Миллий-тарихий мавзуларга эътибор бериш эса «буржуа мафкурасига сажда қилиш» деб баҳоланди.

«Ижтимоий буюртма» натижасида ўзбек театр саҳналарида Н.Погодиннинг «Қора қушлар», А.Островскийнинг «Сўнгги қурбон», М.Горькийнинг «Душманлар», А.Толстойнинг «Шоҳ Федор Иванович», А.Арбузовнинг «Ёмон уйинлар» каби асарлари қўйила бошлади. Лекин бу асарлар ўзбек миллий турмуш-тарзидан узоқ бўлганлиги учун маҳаллий томошабин томонидан қабул қилинмади. Натижада, халқнинг театр санъатидан безиши кучайди. Фақат халққа яқин, миллий руҳдаги саҳна асарларгина ўзининг томошабинини топаолди, байналмилал ва сиёсий руҳдаги асарларга эса партия ташкилотларининг «кўрсатмаси» ва «топшириғи» билан ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар касаба уюшмалари ҳисобидан ишчи ва хизматчиларнинг жамоа бўлиб театрга тушишлари ташкил қилиниб, шу йўл билан уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш одат тусига кирди.

Ўзбек маънавий маданиятининг муҳим тармоғи бўлган қўшиқчилик санъати урушдан кейинги йилларда ўзига хос йўналишда ривожланди. Бу даврда санъаткорларнинг янги-янги авлодлари вояга етди. Улар миллийликка қарши байналмилалликни қўйилишига қарамай, ўзбек миллий анъанавий қўшиқчилик санъати ривожига катта ҳисса қўшдилар.



А.Тошкентбоев бошчилигидаги дорвозлар Москвада санъат декадасида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. 1959 йил февраль.

Бироқ, ҳукмрон мафкура қўшиқчилик санъатида миллий руҳни йўқ қилишга бор имконияти билан ҳаракат қилди. Ўзбек бастакорлари ўз ижодларида замонавий қўшиқлар яратиш йўли билан, уларда миллийлик услубларини сақлаб қолишга интилдилар, бироқ бунга эриша олмадилар. Масалан, М.Бурҳонов, С.Юдаков, М.Левиевларнинг «Ленин», «коммунистик партия» ҳамда «социалистик ватан»га бағишланган асарлари ўз тингловчиларини топа олмади.

50—60-йилларда ўзбек қўшиқчилик санъатининг ривожи 1951 йил 8 апрелда республика ҳукумати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистонда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарор билан бевосита боғлиқ бўлди. Унда рус мумтоз ва совет мусиқасининг устивор суратда ривожлантириш масаласи қўйилдики, бу нарса ўзбек қўшиқчилик санъатида унинг анъанавий миллий турларидан аста-секин воз кечиб, замонавий жанрларга алоҳида эътибор беришни таъминлаб берди. Натижада, республика ташкилотлари ва хўжаликларида «юқори»нинг топшириғи билан хор жамоалари ҳамда турли европача жанрларга асосланган гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Булар қошида 1946—1955 йилларда 700 га яқин янги «замонавий» қўшиқ асарлари, айниқса, хор қўшиқлари пайдо бўлди.[1] Ҳар бир ўзбек қишлоғида хор жамоаларини ташкил этиш учун махсус топшириқнинг берилиши «совет турмуш тарзи»ни улуғлаш, социализм хайрихоҳларини кўпайтириш, «ривожланган социализм» ғоясини ижтимоий зарурий эҳтиёжга айлантиришга бўлган мажбурий ҳаракатдан бўлак нарса эмасди. Яратилган бу асарлар сон жиҳатдан жуда катта рақамда бўлсада, бироқ улардаги мазмуннинг номутаносиблиги, миллий руҳга тўғри келмаслиги, бундай асарлар халқнинг эҳтиёжини қондира олмаслиги яққол сезилди.

Шу билан бир қаторда бу даврда ўзбек бастакорлари, мафкуравий сиқув кучли бўлса-да, ўзбек миллий мақом йўлларидаги қўшиқларнинг мумтоз жанрларига катта эътибор бера бошладилар. Масалан, 1958 йилда И. Икромов Фурқат шеърига «Истар кўнгил» ва «Сўлим» каби миллат қалбига кириб борадиган қўшиқлар яратди. Ҳар икки қўшиқ ҳам халқ орасида шуҳрат қозонди.

Ўзбек анъанавий қўшиқчилик санъати Юнус Ражабий номи билан бевосита боғлиқдир. Бу улкан санъаткор О.Ҳошимов билан ҳамкорликда «Нодира», «Қўчқор Турдиев» мусиқали драмаларини, «Фабрика алласи», «Тонг навоси», «Баҳор келди», «Офарин» каби 100 дан ортиқ қўшиқларни яратди. Унинг ижодий фаолиятида, айниқса, мақомлар муҳим ўрин тутади. У 5 жилдли «Ўзбек халқ мусиқаси» тўпламини, «Шашмақом»нинг 6 жилдини нашр эттирди. Унинг «Мусиқа меросимизга бир назар» асари мазкур китобларга изоҳ тарзида ёзилган эди.

---

[1] История Узбекской ССР. Т.IV. — Т., 1968. С. 214.

Ўзбек қўшиқчилик санъатида Отавали Нуриддинов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиқов, Саиджон Калонов каби бастакорларнинг асарлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Уларнинг миллий мумтоз санъати замонавийлик билан уйғунлашганлиги учун ҳам халқ эъзозида бўлиб келмоқда. Ўзбек қўшиқчилик санъатидаги бу ютуқлар ҳеч бир муаммосиз қўлга киритилди, деган хулосани бермайди. «Ривожланган социализм» ғояси 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек мусиқа қўшиқчилик санъатини тўлиқ ўз исканжасига олди. Қўшиқчилик санъати совет маданиятидаги «шаклан миллий, мазмунан социалистик» тамойилларга мажбуран бўйсундирилди. Анъанавий мумтоз қўшиқчилик санъатига европача хор, опера санъати қарама-қарши қўйилди. Жаҳон халқлари орасида ўзига хос ўрин эгаллаган бу санъат турини ўзбек халқи томонидан нисбатан бўлса-да, қабул қилинишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим. Аммо, маънавий жиҳатдан уларнинг халқ томонидан ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, А.Навоий номидаги опера ва балет театрига томошабинларни «буюртма» асосида ташкил қилишлар бу санъат турини аҳолининг аксарият қисми онгига сунъий равишда ва маъмурий усуллар билан сингдиришга ҳаракат қилинганлигидан далолат эди.

Маданий-маърифий муассасалар ҳам ўз фаолиятларини «ривожланган социализм» ғоясини жамият ҳаётига татбиқ этишга қаратди. Лекин бу муассасаларнинг Ўзбекистон маданиятини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини камситиш мумкин эмас. Чунки ўнлаб, юзлаб таниқли санъаткорлар катта санъат йўлида айнан ана шу маданият масканларида дастлабки қадамни қўйганликларини айтиш муҳимдир.



Кулол А.Мухторов лойдан турли ўйинчоқлар ясамоқда. Самарқанд вилояти, 1970 йил.

Аммо, урушдан кейинги, айниқса, 60—80-йилларда маданий-маърифий муассасалар иш шакли, услублари кўпроқ бадиийликдан сиёсатлашган «маданий йўлга» мослаша борди. Натижада ҳар бир клуб ва бошқа маданият масканларининг иш фаолияти натижалари унинг қанчалар даражада халқ маданий савиясини оширганлигига қараб эмас, аксинча, қай йўсинда коммунистик мафкуранинг тарғиботчиси сифатида иш олиб борганлигига қараб баҳоланди.

Бу нарса 60-йилларнинг иккинчи ярмида қишлоқ маданий-оқартув муассасалари иш фаолиятини яхшилашга қаратилган қарорларда, 70-йилларда маданият масканларининг таркибий-ташкилий тузилишларига ўзгартиришлар киритиш борасидаги ҳаракатларда, 80-йилларда клубларда сиёсий-ғоявий ишларни кучайтиришга қаратилган сиёсатда ўзининг аниқ ифодасини топди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон рассомлари, ҳайкалтарошлари, халқ амалий санъати усталари совет воқелигини, республика меҳнаткашларининг «социализм ва коммунизм» учун курашдаги «фидокорона» меҳнатини акс эттирувчи асарлар яратдилар. Уларнинг ижоди, асосан, партия ўша йилларда ўртага ташлаган асосий вазифаси, яъни пахта муаммосига, чўлларни ўзлаштиришга, «ривожланган социализм» даврини улуғлашга бағишланган мавзуларни ҳал этишга қаратилди.

Кино, радио, телевидение маҳнаткашларни «коммунистик» руҳда тарбиялашда, халқ онгига рус маданиятини сингдиришда катта роль ўйнади. Мустабид тузумнинг сиёсийлашган оммавий ахборотлари мунтазам равишда республика матбуоти орқали халқ оммасига етказиб берилди. Шунингдек, совет матбуоти «социалистик маданият»нинг фаол тарғиботчиси, сиёсий ташвиқотчиси сифатида партиянинг «ўткир» мафкуравий «қуролига» айланди. Бу вазифани республикада миллион-миллион нусхада чиқарилиб, халқ орасида арзон нархда тарқатилаётган 130 дан ортиқ номдаги газеталар ва 60 га яқин номдаги журналлар бажарди.

1946—1985 йилларда Ўзбекистон маданиятининг ривож топишига маданият ва санъат соҳасини моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, 1940 йилдан бошлаб сурункали равишда мазкур соҳа учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш камайиб борди: 1940 йили республика аҳолиси талаб-эҳтиёжлари учун ижтимоий-маданий тадбирлар ва фаннинг ривожига сарфланган харажатлар республика бюджети умумий харажатлар қисмининг 67,9%ни ташкил этган бўлса, бу рақам 1970 йилда 49,6%, 1975 йилда 48,6%, 1980 йилга келиб 46,9%ни ташкил этди[1]. Фан ва маданият учун ажратилган маблағнинг мунтазам камайиб боришига сабаб давлатнинг бу соҳа учун маблағ ажратишни истамаганлигидан эмас, балки совет давлати иқтисодий аҳволнинг тобора ёмонлашиб бораётганлигидан далолат эди. Айниқса, бу 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб кескин тус ола бошлади.

Шундай бўлса-да мустабид тузум ўзининг мафкуравий чеклашларидан, коммунистик ғояга зид бўлган қарашларга муросасиз бўлишдан воз кечмади. Аксинча, ижтимоий-иқтисодий турғунлик йилларида сиёсий ақидапарастлик янада кучайди. Бу

[1] Қаранг: Народное хозяйства Узбекской ССР в 1980 г. — Т., 1981. С. 328.

йилларда намоз ўқиш, ислом фарзларига риоя қилиш, мусулмончиликнинг барча кўринишлари яна бир карра «эскилик сарқити» сифатида қораланди. Бундай ҳол, айниқса, 80-йилларнинг ўрталарида, давлат ва жамоат арбоби, ЎзР КП МҚнинг биринчи котиби Шароф Рашидов вафотидан сўнг сиёсий ҳокимият теппасига келган И.Усмонхўжаев маъмурияти даврида яққол сезилди. Республиканинг янги раҳбарияти, асосан, Марказнинг «кўрсатмаси»ни тўхтатмасдан бажариш, уни ҳаётга татбиқ қилиш билан шуғулланди, холос. Халқнинг тақдири ижтимоий-маданий аҳволи Усмонхўжаев маъмуриятини қизиқтирмади. Бу йилларда республикада кўплаб масжидлар, мадрасалар ёпиб қўйилди, улар яна омборхоналарга айлантирилди. Диний маросимлар қатъий чекланди, жаноза ўқиш, марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш, диндорларни муборакбод этиш тақиқланди. Ўрта Осиё халқларининг қадимий, исломгача мавжуд бўлган миллий-анъанавий байрами «Наврўз» таъқиб остига олинди. Гўё, Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш бошланганидан буён республикада «динга ишонувчилар сони кўпайган» эмиш. Коммунистик ақидапарастлар Наврўзни тақиқлаб, унинг ўрнига «Навбаҳор» байрамини ўйлаб топдилар. Лекин, ўзбек халқи юқоридан «туширилган» янги байрамни қабул қилмади.

Умуман, урушдан кейинги мураккаб ва ўта зиддиятли йилларда ўзбек халқи ўзлигини, қадимий миллий маданияти ва қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Лекин бу осон кечмади. Бу йўлда ўзига хос курашлар ва йўқотишлар содир бўлди. Коммунистик мафкура маҳаллий халқнинг миллий ғурурини синдиришга уринди. Халқни миллий маданиятдан, миллий анъаналардан чалғитиш учун «коммунизм» ва «ривожланган социализм» каби хаёлий ақидаларни ўйлаб топди. Уларни халқ оммаси онгига сингдириш учун барча чоралардан, воситалардан ва усуллардан фойдаланди. Лекин ўзбек халқи буларнинг барчасига бардош берди. Чунки халқ ижтимоий-сиёсий ҳаётда муқаррар ўзгаришлар содир бўлишига ишонар эди.

7. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

30-йилларнинг охирларидан бошлаб мустабид тузумнинг миллий сиёсати коммунистик партиянинг миллий масалани тўлиқ ҳал қилиш, коммунистик жамият қурилиши жараёнида мамлакатдаги барча «миллатларнинг қўшилиб кетиши» ҳақидаги асосий қоидалари негизида юритила бошлади. Урушдан кейинги йилларда партиянинг миллий тафовутлар ва хусусиятларни диққат-эътибор билан ҳисобга олишга қаратилган йўл-йўриқлари секин-аста совет миллатларининг ҳар томонлама бирлигига эришиш, келгусида уларнинг тўлиқ бир-бирига қўшилиб кетишига қаратилган йўли билан алмашди. Ўша вақтдаги КПСС

МҚ биринчи котиби Н.Хрушчевнинг таг-заминсиз режаларида буларнинг ҳаммаси 1960—1980 йиллар оралиғидаги даврда амалга оширилиши лозим эди. Сталин давридан бошлаб сўзда халқларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш ҳақида баланд-парвоз гаплар гапириларди, амалда эса ниҳоятда марказлашган, қўшма (унитар) давлат яратилаётган эди. Ваколатларнинг Марказ билан республикалар ўртасида тўғри тақсимланишини назарда тутувчи федератив иттифоқ ўрнига ўта марказлашган бошқарувга эга бўлган унитар тизим қарор топди, у республикаларнинг конституцияда ёзиб қўйилган озгинагина «мустақиллигини» ва ташаббусини ҳам бўғиб ташлар эди. Миллий манфаатлар деярли ҳисобга олинмасди, кўп ҳолларда, ҳатто, оёқости қилинарди. Миллий республикаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам раҳбарлари мамлакат юқори сиёсий раҳбариятида унчалик роль ўйнамасдилар, унинг режаларини ишлаб чиқишда қатнашмасдилар.

Бошқа республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам партия МҚ, вилоят, туман партия қўмиталари иккинчи котиби лавозимини одатда рус бўлган кишилар эгаллар эдилар. Республикадаги давлат мансабларининг муайян доираси албатта бевосита Москвадан тайинланадиган кишилар билан тўлдириларди. Рус тили ҳақиқатда давлат тили вазифасини бажарар эди. Республика газеталари, журналларининг анчагина қисми рус тилда нашр этилар, иш юритиш шу тилда олиб борилар, радио ва телевидение вақтининг кўпроқ қисмини ҳам рус тилидаги эшиттиришлар эгалларди.

Республикадаги миллий ўзбек зиёлилари орасида она тилини билмайдиган рус тилида сўзлашувчи қатлам вужудга келганди. Ўзбек халқи ҳаётида рус тилининг тутган алоҳида ўрнини тарғиб қилиш кучайган бўлиб, ўзбек халқи онгига тенглар ичида биринчи бўлган «катта оға»нинг идеаллаштирилган турмуш тарзи сингдириларди, бу ҳол ўзбек халқи миллий онгининг умумий ошиб бориши негизида бу сиёсатга нисбатан салбий муносабатни вужудга келтирарди.

Иқтисодиёт соҳасидаги сиёсатнинг асосий вазифаси барча республикаларни иқтисодий ришталар билан ягона мажмуага боғлаш, уларнинг Марказга ўзаро боглиқлигини мустаҳкамлашдан иборат эди. Бундан мақсад уларни мустақил ҳолатда яшаши учун ҳеч қандай имконият қолдирмаслик эди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатнинг ягона халқ хўжалик мажмуи вужудга келтирилди, Ўзбекистон эса унинг таркибий қисми ҳисобланарди. Республикалар ўртасида қарор топган иқтисодий иттифоқ тенгсизлик негизида ташкил қилинган ва ривожланган эди.

Халқ хўжалигини бошқаришда қаттиқ марказлашув қарор топтирилди, унда ижтимоий адолат принциплари бузилар, республиканинг манфаатлари эътиборга олинмасди. Корхоналарни

қуриш, тармоқларни ривожлантириш масалалари Москвада ҳал этилар, бунда кўпинча Ўзбекистоннинг имкониятлари, унинг меҳнат ресурслари, бу ерда мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат тақсимоти шакллари ҳисобга олинмасди. Бунинг натижасида ҳудудий режалаштиришда ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда табиий ҳолда хатоларга йўл қўйиларди. Ҳаддан ташқари марказлашув республиканинг ўз иқтисодиётини ривожлантириш соҳасидаги ҳуқуқсиз аҳволини англатарди.

Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш қуйидаги йўналишлар бўйича борди: ҳудудларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришни янада кенгайтириш ва чигит экиладиган майдони кўпайтириш; йирик энергетика ва хом ашё базаларини, янги индустриал марказларни, айниқса, бирламчи саноатни ташкил этиш.

Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш Ўзбекистон хўжалик анъаналарини, унинг иқтисодиётидаги ўзига хос томонларини ҳисобга олмасдан амалга оширилди. У биринчи навбатда мамлакат марказий районларининг манфаатларини акс эттирган бўлиб, аввалбошданоқ Ўзбекистонга хом ашё етказиб бериш вазифасини юклаш кўзда тутилган эди.

Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистон Марказнинг енгил саноати учун ўсимлик ва чорвачилик хом ашёсини (пахта, ипак, қоракўл тери) ишлаб чиқарувчи эди, бу эса республикада аввало хом ашёга бирламчи ишлов берадиган тармоқларни ривожлантиришни тақозо этарди. Айни вақтда енгил саноатнинг тайёр маҳсулотини ишлаб чиқариш даражаси жуда паст эди. Бутун иттифоқдаги пахтанинг қарийб 70%и етиштириладиган Ўзбекистоннинг умумиттифоқда пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги улуши фақат 45%нигина ташкил этарди. Республика 1970 йилда аҳоли жон бошига пахта истеъмол қилишда мамлакатда 3-уринни эгалларди. Ўзбекистонда аввалгидек асосан етиштирилган хом ашёга бирламчи ишлов бериш ривожланган бўлиб, пировард маҳсулот ва тайёр маҳсулотни (тўқимачилик ва ҳоказо) тайёрлаш билан боғлиқ катта фойда мамлакатнинг марказий саноат вилоятларида қоларди. Енгил саноатнинг бир қатор асосий маҳсулот буюмларини ишлаб чиқариш бўйича республика барча ресурсларга эга бўлгани ҳолда СССРда энг охирги ўринлардан бирида турарди.

Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида бир қатор саноат объектлари қурила бошланди, янги саноат тармоқлари вужудга келтирилди, улар учун меҳнат ресурслари маҳаллий ишчилар ҳисобидан эмас, балки бошқа республикалардан келган ишчи кучи ҳисобидан таъминланди.

Бутуниттифоқ меҳнат тақсимоти бўйича республикада қишлоқ хўжалик машинасозлиги тез ривожлантирилди. Натижада

70-йилларнинг ўзидаёқ республика пахтачилик учун қишлоқ хўжалик машиналари (пахта териш машиналари, кўрак чувиш машиналари, тракторга тиркаладиган чигит экиш механизмлари), пахта тозалаш асбоб-ускуналари (СССРда ишлаб чиқариладиган умумий ҳажмнинг 87%и), йигирув-тўқув машиналари (99,6%) ишлаб чиқариш буйича мамлакатда етакчи ўринни эгаллади[1]. Умумиттифоқ ихтисослашуви тартибида Ўзбекистон электрон-техника асбоблари, кабель ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарарди. Айни вақтда Ўзбекистонда ишлатиладиган маҳсулотларнинг ярмидан кўпроги мамлакатнинг бошқа минтақаларидан келтириларди. Уларнинг ўзимизда ишлаб чиқариладиган салмоғи умумиттифоқ ҳажмининг фақат 2,5%ини ташкил этарди.

60-йилларда Ўзбекистон саноатининг янги тармоғи — газ индустрияси таркиб топди. У дарҳол бутуниттифоқ аҳамиятини касб этди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида Газли, Муборак, Жарқоқ каби йирик газ конлари ўзлаштирилди. 1961—1963 йилларда Газли-Челябинск газ қувури барпо этилди, шунингдек, Бухоро-Урал газ қувури қурилди, улар орқали ҳар йили Магнитогорск, Челябинск, Орск ва Уралнинг бошқа корхоналари, мартенлари ва домналарига 20 млрд. куб м. газ юборилиб турил-



Бухоро-Урал газопроводи қурилиши. 1980 йил.

[1] Производительные силы Узбекистана и перспективы их развития. — Т., 1974. С. 220.

ди. Шундан кейинги йилларда Муборак-Тошкент-Олмаота газ қувури ҳамда Ўрта Осиё-Марказ газ қувури барпо этилди. Ўзбекистон газини қазиб чиқариш ва уни газ қувурлари орқали ёқилғи масаласи кескинроқ бўлган районларга (Урал, Марказга) юбориш кўмир ва нефтга қараганда бир неча баравар арзонга тушар эди.

Республикада ривожланиб бораётган кимё саноати ҳам умумиттифоқ меҳнат тақсимотида етакчи ўрин эгалларди. Минерал ўғитлар, пластик масса, кон-кимё саноати ҳам иттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, у нодир металларнинг маълум қисмини мамлакатга етказиб берарди. Ўзбекистон 60—70-йилларда хом ашёнинг қимматли турларига эга бўлган ва иттифоқ аҳамиятидаги энг бой ҳудудлардан бири ҳисобланарди. Очилаётган хом ашё конлари базасида рангли металлургия пайдо бўлди, унинг умумиттифоқ иқтисодий мажмуига қимматли мис, вольфрам, молибден, қўрғошин-руҳ саноатининг бебаҳо маҳсулотларини бера бошлади. Қўчбулоқ, Мурунтов ва бошқа конлар негизида олтин маъданли саноат жадал суръатлар билан ривожланди.

Шундай қилиб, урушдан кейинги даврда Ўзбекистоннинг умумитттифоқ халқ хўжалик мажмуига қўшадиган ҳиссаси мумкин қадар ошди. Бироқ, ажабланарлиги шундаки, республикада фаоллик билан ишлаб чиқилаётган фойдали қазилмалардан олинадиган мўмай даромадлар республика бюджетига эмас, балки умумиттифоқ бюджетига бориб тушарди. Ўзбекистон ҳудудидаги ана шу тармоқларда умумиттифоқ вазирликларининг кўп миқдордаги саноат корхоналари тўпланган бўлиб, булар республика ҳукуматига бўйсунмас, улар олдида ҳисоб бермас эди. Улар республика бюджетига жуда кам миқдорда, белгиланган нормада арзимаган маблағ ўтказардилар, холос, бу ҳол республиканинг миллий даромадига таъсир қилмай қўймасди.

Қишлоқ хўжалик соҳасида Ўзбекистон ўзининг яққол ифодаланган ихтисослашувига эга бўлиб, у республиканинг умумиттифоқ иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасини белгилаб берган эди. Республика мамлакатга унда етиштирилаётган пахтанинг 70%ини берарди, бу билан СССРнинг жаҳонда етиштириладиган пахта толаси соҳасида етакчи ўринлардан бирини, уни жаҳон бозорига экспорт қилиш бўйича эса 2-ўринни эгаллашини таъминлаган эди. Ҳар йили пахта маҳсулотини сотишдан иттифоқ бюджетига қарийб 5 млрд. сўм маблағ тушиб турарди.[1] Бундан ташқари, Ўзбекистон мамлакатнинг жаҳон бозорига чиқариладиган пилла, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анчагина қисмини етказиб берарди.

Шу асосда Ўзбекистон чор Россияси даврида бўлганидек умумиттифоқ меҳнат тақсимоти бўйича асосан хом ашё етказиб

[1] Среднеазиатский экономический район. — М., 1972. С. 136.

берувчи ҳудудлигича қолаверди, фарқи шундаки, совет даврига келиб, қишлоқ хўжалик хом ашёсига кон қазиш саноати хом ашёси ҳам қўшилди. Бу аслида СССРнинг халқ хўжалик мажмуидаги Ўзбекистоннинг мустамлакачилик аҳволини кўрсатарди. Республикада яратилган миллий даромаднинг анчагина қисми иттифоқ вазирликлари орқали мамлакатнинг бошқа минтақаларига юборилар эди. Ўзбек халқи тер тўкиб етиштирган, унинг ер ости бойликларидан келадиган даромаддан ўзи баҳраманд бўлмасди. Бу ҳол бир қатор вилоятларнинг иқтисодий жиҳатдан орқада қолишига, муҳим кўрсаткичлар бўйича эса Ўзбекистоннинг умумиттифоқ даражасидан паст бўлишига сабаб бўлган эди. Масалан, 1958—1961 йилларда СССР бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ўртача йиллик даромад миқдорини 100% деб оладиган бўлсак, РСФСР бўйича 110,4%ни, Латвияда 133%ни, Эстонияда 126,4%ни, Туркманистонда 74,7%ни, Ўзбекистонда эса 65,6%ни ташкил этган.[1] Республика 1970 йилда аҳоли жон бошига миллий даромад ҳажми бўйича 11-ўринни эгаллаган эди.

Иттифоқнинг барча республикаларидаги иқтисодий ўсиш улар ўртасидаги интеграцияни янги даражага кўтарди. Миллатлараро хўжалик алоқалари энди оддий ҳамкорлик сифатида эмас, балки республикада маҳсулотни такрор ишлаб чиқаришнинг зарур, ҳаётий муҳим шарти сифатида майдонга чиқди. Москва томонидан ишлаб чиқилган ва қатъий амалга оширилган СССРнинг ягона халқ хўжалик мажмуидаги меҳнат тақсимоти кенг кооперацияга олиб келди, бунинг натижасида бир қатор республикалар ва минтақаларнинг биргаликдаги куч-ғайрати билан йирик саноат корхоналари қурилди, уларнинг маҳсулотидан биргаликда фойдаланилди. Республиканинг саноат корхоналари (айниқса, оғир саноат тармоқларида ташкил этилган корхоналар) ўзаро хом ашё, машиналар ва механизмлар етказиб берувчилар орқали республикадан узоқда бўлган саноат объектлари билан алоқа ўрнатдилар. Баъзида бу ҳол маҳсулотларни узоқ масофаларга ташиш туфайли ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги принципига зид келарди ёки ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш муддатларини барбод қиларди, маҳсулотнинг таннархини оширарди.

Бинобарин, республикаларнинг биргаликдаги ҳаракати билан Тошкентда 1966 йилда бўлган зилзила оқибатлари тугатилди, 70-йилларда Тошкент метрополитенининг биринчи йўли қуриб ишга туширилди.

Маълумки, республикалараро алоқаларнинг анъанавий шакли (интеграцияси) товар айирбошлаш ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам барча республикалар билан ва мамлакатнинг кўпчилик минта-

---

[1] Национальные отношения в СССР на современном этапе. На материалах республик Средней Азии и Казахстана. — М., 1979. С. 95.



Тошкент метрополитенининг Ҳамза бекати. 1977 йил ноябр.

қалари билан турли маҳсулотларни айирбош қилабошлади. Лекин, республикада янги-янги саноат объектлари қурилаётган, саноатнинг янги тармоқлари вужудга келаётган бир пайтда республика четга маҳсулот чиқаришдан кўра кўпроқ уларни четдан олиб келиш устиворлик қиларди. 1960 йилда Ўзбекистонга бошқа иттифоқдош республикалардан 17,1 млн. сўмлик товарлар келтирилган бўлса, фақат 7,6 млн. сўмлик маҳсулот четга чиқарилган, 1970 йилда эса тегишли равишда 29,1 млн. сўмлик маҳсулот келтирилган ва 15,7 млн. сўмлик маҳсулот четга чиқарилган.[1] 60—70-йилларда Ўзбекистонга бутун қора металлар прокатининг 100%, завод асбоб-ускуналарининг 80%га яқини РСФСР ва Украинадан олиб келинган эди.[2]

Ўзбекистонга четдан келтириладиган маҳсулотлар орасида тайёр кенг истеъмол моллари, рангли ва қора металлар, машиналар, станоклар, асбоб-ускуналар, ёғоч-тахта, ғалла, нефть маҳсулотлари устунлик қилса, четга чиқариладиган маҳсулотлар орасида пахта толаси, ип-газлама, хом ипак, табиий газ, рангли металлар, кимё хом ашёси асосий ўринни эгалларди. СССР Давлат режа қўмитаси томонидан республикадан четга ташиб кетиладиган қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё, чала маҳсулотлар билан Ўзбекистонга келтириладиган тайёр маҳсулотларга белгиланган нархлардаги асоссиз катта фарқлар рес-

[1] Народное хозяйство СССР в 1970 году. — М.,1971. С. 446—449.

[2] Национальные отношения на современном этапе. На материалах республик Средней Азии и Казахстана. — М., 1979. С. 68.

публикалар ўртасидаги нотенг айирбошлашни тақозо этарди, бу эса ўз навбатида бир қатор республикаларнинг иқтисодий жиҳатдан орқада қолишига сабаб бўлар ва ҳақли равишда норозилик келтириб чиқарарди. Республикалар ўртасида эса бевосита иқтисодий алоқалар йўқ эди. Улар Марказ орқали амалга ошириларди. Марказ эса бундан манфаатдор эди.

Республикалар ўртасидаги ихтисослашув ва кооперациялашувнинг янги шакллари вужудга келган бўлса-да, лекин бу жараённи бошқариб турувчи иттифоқ органлари эса заиф тарзда ишлаётган эди. Натижада, янги интеграция республикалар манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлай бошлади. Бу эса республикаларнинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштириб юборди. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистон техникага, асбоб-ускуналарга, халқ истеъмол моллларига, озиқ-овқатга бўлган ўз талабларини интеграциянинг заиф ишлаши оқибатида қондира олмади.

Республикалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни амалда иттифоқ партия ва давлат органлари ташкил этарди ва йўналтириб турарди. Лекин бу ишлар бўйича қарорлар ва истиқболли режалар ишлаб чиқишда республикалар иштирок этмасди, шунинг учун ҳам уларнинг манфаатлари ва имкониятлари ҳисобга олинмасди. Кўпинча ҳамкорлик сиёсий тусда бўлиб, объектив



Ўзбекистонлик деҳқонлар Россиянинг ноқоратупроқ ерларида янги хўжаликлар қуришмоқда. 1980 йил.

иқтисодий аҳвол эътиборга олинмас ва шу сабабли кўплаб маблағлар сарф этилар, лекин кутилган хўжалик натижаларини бермасди.

70-йиллар ўрталарида Ўзбекистон фаол иштирок этган зарбдор қурилишлардан бири Россиядаги ноқоратупроқ минтақанинг ўзлаштирилиши бўлди. Москва томонидан белгиланадиган бошқа кўпгина йирик миқёсли тадбирлар қатори ноқоратупроқнинг ўзлаштирилиши ҳам «қардош республикалар» ҳисобидан амалга оширилди, республикаларга бериладиган инвестициялар, техника ва ҳоказолар камайтирилиб, улар ноқоратупроқни ўзлаштиришга юборилди. Бу тадбир гўё қуйидан келаётган «оталиқ ёрдами» сифатида амалга оширилди. Ана шу асосда Ўзбекистон ҳам меҳнат ресурсларини, техника, қишлоқ хўжалик материалларини ва бошқа кўплаб маблағларни ажратиб Россиянинг ноқоратупроқ минтақасига юборди. Ўзбекистондан юборилганлар оғир ва одатдан ташқари ноқулай иқлим шароитларида Иваново, Новгород ва Владимир вилоятларида бир қатор совхозлар қурдилар, ўн минглаб гектар ерларни ўзлаштириб, суғориш иншоотлари бунёд этдилар. Уй-жойлар, ижтимоий, маданий-маиший объектлар ва ҳоказолар барпо этдилар.

Шунингдек, 70—80-йилларда ўзбекистонлик минглаб ёшлар комсомол йўлланмаси билан Байкал-Амур магистраль (БАМ) йўли, унга боғлиқ бўлган аҳоли пунктлари, маъмурий, маданий-маиший бинолар қурилишида иштирок этдилар. Республикамизнинг қурувчи-мутахассислари РСФСРнинг Сибир ўлкасидаги Тюмень-Урунгой қурилишида ҳам фаол қатнашиб, ўлканинг ноқулай иқлим шароитларига қарамай табиий ресурсларни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатдилар.

70-йилларда иттифоқнинг юқори сиёсий раҳбарияти республикалар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро муносабатлар янги босқичга кўтарилганлиги, уларнинг янада яқинроқ бирлиги юзага келганлиги ҳақидаги қоидани ўртага ташлади. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги сифатида ягона «совет халқи» ғояси илгари сурилди, унда барча миллий масалалар ҳал этилди деб ҳисобланиб, миллий ўзига хослик, миллий ҳис-туйғуларни сунъий равишда бараварлаштириш бошланди, бунда, айниқса ўзбекларга хос бўлган «киндик қони тўкилган» жойи бефарқ қилиб қўйилди, у ўзининг республикасида яшайдими, ёки СССРдаги бошқа бирорта минтақада яшайдими — бунинг аҳамияти йўқ, деб эълон қилинди. Миллатлар ва миллий муносабатларни бундай тушунишда иттифоқдош республикалар ўртасида меҳнат ресурсларини янгича тақсимлаш ғояси ётарди. Бунинг натижасида мамлакат раҳбарияти Ўрта Осиёнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ишчи кучи кўп жойлашган туманларидаги меҳнат ресурсларини РСФСРнинг турли минтақаларига — Шарқий Сибирга, Узоқ Шарққа кўчириш тўғрисида волюнтаристик қарорлар қабул қила бошлади. Қарорга биноан кўплаб ўзбек оилала-

рини улар учун одатдан ташқари иқлим шароитига ва бошқача хўжалик турига, улар учун нотаниш этник маданиятга эга бўлган муҳитга зўрлик усуллари билан жойлаштириш сиёсатини амалга оширишга уринишлар бўлди. Бироқ бу сиёсат асоссиз бўлгани учун кутилган натижа бермади, у мағлубиятга учради. Ўзбекистон вакилларининг кўплари тез орада ўз юртига қайтиб келдилар.

Республикада оғир саноатнинг бир қатор тармоқларини ривожлантирилиши Ўзбекистонга иттифоқнинг бошқа минтақаларидан, биринчи навбатда, Россиядан кўплаб ишчилар ва хизматчиларнинг уюшган ҳолда ёки стихияли тарзда келтирилишига сабаб бўлди. Натижада урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг бир қатор саноат шаҳарларининг аҳолиси асосан кўчиб келганлардан иборат бўлиб қолди. 1970 йилда руслар, украинлар, белоруслар республика пойтахти — Тошкент аҳолисининг 44,1%ини, ўзбеклар эса 37%ни ташкил этди.[1] Ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисми (қарийб 80%) қишлоқ жойларда яшарди, у ерларда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар шаҳарларга нисбатан бирмунча ёмонроқ бўлиб, бу ҳол маҳаллий аҳолининг муайян даражада норозилигига сабаб бўлди ва келиб чиқиши мумкин бўлган миллатлараро келишмовчиликлар учун асос яратди.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан волюнтаристик йўл билан Волгабўйидан, Шимолий Кавказдан, Қрим яриморолидан, Грузиядан бир қатор халқларнинг (немислар, қрим татарлари, месхети турклари, қорачайлар, чеченлар ва б.) мажбуран депортация қилиниши Ўзбекистонда этнодемографик вазият янада кескинлашувига сабаб бўлди.

Аслида мустабид тузум ўзининг миллий сиёсати давомида бу ерда кўп миқдорда халқлар яшашини инкор қиларди. Ўзбекистон ҳудудида азалдан истиқомат қилиб келган кўпгина халқлар миллий ривожланиш учун имкониятга эга эмасдилар. Чунки амалда миллий талаблар ва манфаатларни қондириш соҳасидаги барча ишлар ва тадбирлар урушдан олдиноқ тўхтатиб қўйилган эди.

Шу билан бирга, мустабид тузум даврида миллий муаммоларга шунчаки ёндашув устунлик қиларди, чунки СССРда миллий масала ҳал этилган деб расмий равишда эълон қилинган эди, бу нарса миллий гуруҳлар орасида иш олиб боришни заифлаштирди, кейинчалик эса бутунлай йўққа чиқарди, миллий гуруҳларнинг кўплари ҳуқуқий мақомдан ва расмий миллий сиёсат эътиборидан четда қолган, уларнинг миллий манфаатлари ва талаблари рад этилган эди. «Миллатларнинг равнақи ва таъсири» сиёсати оқимида бу миллатлардан айримлари ривожланиш ва равнақ топишга эмас, балки атрофдаги бошқа халқлар билан қўшилиб кетишга маҳкум этилди. Мил-

[1] Итоги Всесоюзной переписи населения 1970 года. Т. IV. — М., 1973. С. 218.



«Ўзновгородқурилиш» трести мелиораторлари Новгородда. 1976 йил.

лий гуруҳларнинг ўзига хос талабларини ҳисобга олиш ва уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш масаласини кўтаришга уриниш фақат қоғоздагина қолиб кетган эди.

Иттифоқ сиёсий раҳбариятининг шовинистик миллий сиёсати республика иқтисодиётининг хом ашё йўналишига маҳкум қилишга, унинг барча бойликларидан беҳисоб фойдаланишга қаратилган эди. 70-йилларда — 80-йилларнинг биринчи ярмига келиб бундай ҳалокатли ривожланиш миллий даромаднинг умумий даражасига таъсир қила бошлади, Ўзбекистоннинг «тенглар ичида тенг» эмас, аслида унинг нотенглигини белгилаб берди. Бу эса ўзбек халқида миллий норозилик туйғуларининг ортиб боришига сабаб бўлди. Мустабид тузумнинг этнодемографик сиёсати, меҳнат ресурсларининг қайта тақсимланиши, «ягона совет халқи» ва «халқларнинг бузилмас дўстлиги» қарор топди каби мафкуравий сохта гаплар билан ниқобланди, амалда эса бу халқларнинг этник турмуш тарзининг ўзига хос томонлари ва миллий манфаатлари инкор қилинишини билдирарди ва пировард натижада миллий норозиликни юзага келтириши табиий эди.

8. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИ БЎЛГАНМИ?

Иттифоқ конституциясига мувофиқ Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан ташқи муносабатларга мустақил равишда киришиш, улар билан шартномалар тузиш ва дипломатия ваколатларини айирбошлаш, халқаро ташкилотларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган суверен республика ҳисобланарди. Бироқ конституцион тарзда эълон қилинган ташқи сиёсий ташаббус ҳуқуқи қуруқ тарғибот хусусиятига эга бўлиб қолаверди. Реал ҳаётда Ўзбекистон унитар (қўшма) Совет давлати бўлган мустабид тузумнинг империяча кишанида бўлиб, халқаро майдонга мустақил равишда чиқиш имкониятларидан бутунлай маҳрум эди, ташқи сиёсатга доир давлат институтларига, ташқи алоқаларни ўз ихтиёри билан ўрнатиш ҳуқуқига эга эмасди. Халқаро

алоқалар фақат Москванинг рухсати ва қаттиқ назорати остида амалга ошириларди. Натижада республиканинг ташқи алоқалари, борди-ю, намоён бўлса ҳам ниҳоятда чекланган ва синфий-мафкуравий йўналиши билан ажралиб турар, аввалбошданоқ мустақилликдан маҳрум этилганди. Аслида, умуммаънавият нуқтаи назаридан олганда, мустақиллик ва тенгҳуқуқлик мезонларидан келиб чиқиб, бу алоқаларни ҳақиқий халқаро ҳамкорлик деб таърифлаб бўлмасди. Чунки улар совет тизими мантиқига асосланган ва Марказнинг зуғуми таъсирида бўлиб, унинг стратегик сиёсий йўл-йўриқлари билан белгиланарди.

Шу билан бирга, совет ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётдаги иштирокини бутунлай инкор қилиш ҳам хато бўлур эди. Бундай инкор бизнинг тарихимизни камбағаллаштириб қўяр, ҳатто мураккаб империяча-мустабид тузум шароитида ҳам халқаро майдонда ўзини кўрсата олган, республиканинг обрў-эътиборини кўтаришга ҳаракат қилган ўзбек халқининг миллий интилишларини назар-писанд қилмаслик бўларди. Ислом Каримов асосли тарзда таъкидлаб ўтганларидек, «диёримиз кишилари қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар»[1]. Бинобарин, яқин ва узоқ халқлар ҳаётини билишга бўлган қизиқиш туйғусини, улар билан ҳамкорлик қилишга бўлган эҳтиёжни ҳатто совет мустабид давлат машинаси ҳам йўқота олмади. Эрксиз ҳолатда бўлган Ўзбекистон халқи, гарчи айтарлик даражада бўлмаса ҳам, мустабид тузум назоратида бўлса ҳам, халқаро алоқалар ўрнатишнинг тобора янги-янги шаклларини излаб топди. Улар империя тузуми томонидан коммунистик схемаларнинг зўрма-зўраки андозаларига солинган экан, бу халқнинг айби эмас. Замон масалаларидан туриб назар ташлаганда, шу нарса яққол кўзга ташланадики, ўзбек халқининг миллий руҳига хос бўлган ижодкорлик даҳоси, азалий инсонпарварлиги туфайли, империя зўравонлигининг оғир йилларида ҳам Марказ томонидан қилинган ўзгаришлар ва қинғирликларга қарамай, унинг тўплаган халқаро ҳамкорлик тажрибаси салмоқли яратувчанлик имкониятларига эга бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шундай бўлса ҳам, мустабид даврнинг табиати ўз изини қолдирди. Ўзбекистоннинг совет тузуми доирасидаги халқаро алоқалари ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, бу алоқаларнинг ривожланиш ва ифодаланиш шакллари Совет давлати ташқи сиёсатининг қинғирликлари билан мустаҳкам боғланиб кетган бўлиб, иттифоқ раҳбариятининг стратегик йўл-йўриқларини ва мустабид ўтмиш бурилиш босқичларидаги жамият аҳволининг ўзига хос томонлари таъсирини бошдан кечирди.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т., 1996, 78-бет.

Совет давлатининг хорижий мамлакатлар билан халқаро муносабатлари тарихидаги энг оғир давр Сталин ҳукмронлик қилган йиллар бўлди. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлабоқ Сталин маъмурияти хорижий мамлакатлар билан илмий-маданий алоқаларни тўхтатиш, халқаро иқтисодий маконни кескин торайтириш йўлини тутди. Мамлакат теппасига «темир парда» тортилиб, у «совет кишилари»ни маъмурлар нуқтаи назарида, ташқи олам билан боладиган нохуш алоқалардан ишончли тарзда тусиб турарди. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши яқинлашган сари чет эл ажнабийлари билан маълум даражада алоқада бўлган кишиларга қарши қатағонлар йилдан-йилга зўр куч билан авж ола бошлади, жосусликда айблаш, «душман» қидириш васвасаси сунъий равишда кучайтирилди.

Бундай жиноятқорона хатти-ҳаракат Ўзбекистонга ҳам ўзининг ҳалокатли таъсирини кўрсатди. Республиканинг ташқи алоқалари бутунлай умумиттифоқ узанлари орқали ўтадиган ва аҳён-аҳёнда рўй берадиган бўлди. Ўзбекистоннинг бутун халқаро фаолияти асосан айрим савдо-иқтисодий кўргазмалар ва ярмаркалардагина иштирок этишдан иборат бўлиб, уларда баъзида «социалистик Ўрта Осиё»нинг эришган ютуқлари намойиш қилинар, шунингдек, айрим хорижий делегацияларни, асосан коммунистпараст йўналишдаги делегацияларни қабул қилиш учун республикага жой ажратиларди, бунда «феодализмдан социализмга сакраш»нинг «ажойиб натижалари» Ўзбекистон мисолида намойиш этиларди.

Шу билан бирга, унитар Совет давлатининг ҳарбий қудратини кучайтириш ва экспорт потенциалини оширишдан иборат стратегик вазифаларни амалга ошириш учун ўлкамиз ресурслари ва табиий бойликларидан аёвсиз фойдаланиш кескин оширилди. Пахта, ипак, қоракўл тери, олтин, доривор препаратлар, ҳунармандчилик буюмлари, қайта ишлаш саноати маҳсулотлари «советлар мамлакати» республикамиздан экспорт қиладиган асосий товарлар эди. Масалан, 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистон пахтаси иттифоқ экспортининг 80%ини ташкил қиларди. Унинг қиймати қатъий валютада ўнларча миллион сўмни ташкил этарди. Бироқ Ўзбекистон Марказга қарам бўлганлиги сабабли экспортдан олинган даромадларни халқ фаровонлигини оширишга, миллий иқтисодиётни юксалтиришга сарфлай олмасди. Мумай даромад мустамлакачи Марказда қолар эди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва айниқса уруш йиллари мобайнида республикамиз жаҳон сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этишининг сезиларли омили фашизмга қарши курашдан иборат бўлди. Уруш арафасида бу ҳолат бутун дунёни ларзага солган Испания воқеалари вақтида яққол кўзга ташланди.[1] Кўп асрлик инсонпарварлик анъаналарига содиқ қолган Ўзбекистон

[1] «Правда Востока». 1972, 14 июля.

халқи фашистлар зўравонлигига қарши курашаётган испан халқига маънавий, сиёсий ва иқтисодий ёрдам кўрсатди. Кўплаб ўзбекистонликлар 1936 йилда Испанияга юборилган байналмилал батальонда иштирок этдилар.

1936 йил 4 августда Тошкентда «Испания фожиаси»га бағишланган кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтди. Худди шундай митинглар республиканинг бошқа шаҳарларидаги корхоналар ва муассасаларда ҳам ўтказилди. Уларда қабул қилинган қарорларда Испания халқи билан бирдамлик, немис ва италян фашизмига қарши норозилик туйғулари ифодаланган эди. Митинг иштирокчилари жанг қилаётган испан ватанпарварларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ярим ойлик иш ҳақларини юборишга қарор қилдилар. Тошкентдаги корхоналарда бўлиб ўтган умумий йиғилишларнинг «Испан ишчиларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қарори муносабати билан Ўзбекистон касаби уюшмалари қўмитаси Давлат банкида испан халқига ёрдам кўрсатиш учун маблағ тўплаш бўйича алоҳида жорий ҳисоб очди. Фақат 1936 йил 5 августдан 20 сентябргача бўлган даврда испан курашчиларининг оилаларига ёрдам кўрсатиш жамғармасига Ўзбекистондан 470878 сўм пул тўпланди[1].

1936 йил ёз фаслида испан болалари Ўзбекистонга келишди, улар Тошкент ва Самарқандда бўлишди, бир ой мобайнида республика оромгоҳлари ва сиҳатгоҳларида дам олишди.

Урушдан кейинги йилларда дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгарди. Сталинча раҳбарият совет армиясининг куч-ғайратидан фойдаланган ҳолда Шарқий Европа ва Осиё мамлакатларига коммунистик режимни зўрлик билан сингдиришга муваффақ бўлди. Натижада жаҳонда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки лагер: «социалистик» ва «капиталистик» лагер вужудга келди.

Дунёнинг бўлиниши ва «Ғарбий блок» мамлакатлари томонидан СССР, Шарқий Европа ва Осиёдаги барча социалистик йўналишдаги мамлакатларнинг иқтисодий бойкот қилиниши халқаро иқтисодий алоқаларнинг умумий қайта йўналишини белгилаб берди: айирбошлаш энди фақат бир-бирига қарши турувчи «лагерлар» ичидагина амалга оширила бошлади. 1949 йил январда Москвада Совет давлати ҳомийлигида Ўзаро Иқтисодий ёрдам кенгаши (ЎИЁК) ташкил этилиб, унинг таркибига СССР, Чехословакия, Польша, Венгрия, Руминия, Болгария кирди. Кейинчалик ЎИЁКга Албания ва ГДР қўшилди. Лекин бу ташкилот бир неча йиллар мобайнида фаол ишламай келди. Ҳолбуки, Ғарбий Европа иқтисодиётини тиклашда, замонавий бозор тузилмаларини ташкил этиш ва иқтисодни ривожлантиришда АҚШнинг иштироки салмоқли бўлди.

«Совуқ уруш» кўпгина мамлакатларнинг халқаро муносабатларига таъсир қилиб қолмасдан, шу билан бирга, уларнинг

[1] «Правда Востока». 1936, 18, 26, 28 сентября.

ички ҳаётига ҳам кириб борди. Хусусан, СССРда (Ўзбекистон унинг таркибида эди) ташқи алоқа масаласида мафкуравий чеклашлар авж олди, хорижий мамлакатлар билан илмий-маданий алоқаларга тўсқинлик қилинди, хорижликларнинг, ҳатто «социалистик давлатлардан» келганларнинг ҳам барчасига шубҳа билан қараш кучайтирилди, «темир парда» қўрғонлари мустаҳкамланди, ташқи мафкуравий таъсир кўрсатиш йўллари батамом беркитилди. Бундай йўл тутиш шу нарса билан боғлиқ эдики, Кремлдагилар Ғарб цивилизациясининг ҳалокатли таъсир кўрсатишидан чўчир эдилар, чунки у «советлар мамлакати» коммунистик мафкурасини ҳалокатга олиб келишга қодир эди. Шунинг учун ҳам олимларнинг ўз асарларида хорижий илмий манбалардан, хорижлик ҳамкасбларнинг тажриба ва ютуқларидан фойдаланишлари чеклаб қўйилган эди. Театр санъати арбоблари жаҳон адабиёти классиклари асарларига мурожаат қила олмас эдилар. Айниқса Ғарб билан маданий алоқаларга чек қўйилди. Сталинча тарғибот одамларнинг онгига Ғарб мамлакатларининг агрессивлиги ҳақидаги сийқа тушунчаларни, улар билан битим тузишнинг имконияти йўқлиги ҳақидаги сохта фикрларни зўр бериб сингдирарди. Ўз навбатида Ғарбда СССР «ёвузлик империяси» сифатида таргиб қилинарди. Ижтимоий тараққиётнинг совет андозаси, жамоалаштириш, маданий ҳаётни мафкуралаштириш ва ақидапарастлаштириш, зиёлилар қатламига нисбатан қатағонлар Чехословакия, Венгрия, ГДРда ҳам зўравонлик билан жорий этила бошлаганлиги 40—50-йиллар чегарасида оммавий норозиликларга сабаб бўлди, ўтказилган намойиш ва иш ташлашлар қурол кучи билан бостирилди.

50-йиллар бошларида, Сталин вафотидан кейин, янги совет раҳбарияти халқаро муаммоларда юзага келган кескинликни юмшатиш йўлидан боришга мажбур бўлди. «Жаҳон социализми» позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатни тубдан ўзгартирмаган ҳолда совет раҳбарияти, «совуқ уруш»ни тўхтатиш, халқаро алоқаларни кенгайтириш йўлини маъқул кўрди. 1953 йил апрелда СССР «тинч-тотув яшаш» доктринасини эълон қилдики, у фақат «социалистик давлатлар» билан эмас, балки Ғарб мамлакатлари билан дипломатик, иқтисодий ва маданий-илмий муносабатларни йўлга қўйишни назарда тутар эди.

Халқаро муносабатлардаги «илиқлик» реал воқеаликка айланди ва кўп мамлакатларнинг фуқаролари бир-бирларига бошқача назар билан қарай бошладилар. Шунга қарамасдан, иккита сиёсий тизимнинг бир-бирига кескин қарши туриши сақланиб қолди. 1949 йилда АҚШ ҳомийлигида тузилган НАТО ҳарбий-сиёсий блокига жавобан социалистик мамлакатларнинг СССР ташаббуси билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ — Варшава Шартномаси ташкилотининг тузилиши (1955 й.) бу қарама-қаршиликни яна кучайтириб юборди. Иккита қудратли ҳарбий

иттифоқнинг дангал қарама-қарши туриши халқаро кескинликнинг ортишига янги туртки берди. Натижада, «қуролланиш пойгаси» авж олдирилди. Қарама-қарши томонлар ўртасидаги халқаро алоқаларга путур етди.

Қарама-қарши туриш ва кескинликни юмшатиш борасида 60—70-йилларда умидбахш қадамлар қўйилди. Бу йилларда СССР билан АҚШ ўртасида, Варшава шартномаси билан Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО) ўртасида ҳарбий-стратегик тенглик ўрнатилди. Мазкур мувозанат объектив тарзда қисман бўлсада халқаро тинчликни юзага келтирди. Лекин у мустаҳкам эмас эди. Ядро қуроли миқдори бутун тасаввур доираларидан ўзиб кетди. Қўрқитиш стратегияси, бир-бирига ўзаро дўқ қилиш билан даҳшат солиш, беъмани бир нарсага айланди. СССР ва АҚШ ракеталарининг бир-бирига қарши туриши нуқтаи назаридан дунёга назар солинадиган бўлса, у гўёки икки қарама-қарши қутбли тузилма сифатида намоён бўлди. Буларнинг ҳаммаси Ер юзи аҳолиси орасида атом урушининг дунё кулини кўкка совурадиган даҳшатли алангаси қўрқувини уйғотарди. Бундай шароитда бир-бирига қарама-қарши турувчи ҳукмрон доиралар, аввало, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида ишонч ва ҳамкорлик йўлларини ўрнатишга қаратилган оқилона ва реалистик ечимларини излашга интилиш кучайди.

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши халқаро барқарорликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатди. Халқаро муносабатларнинг сиёсий соҳасидаги кескинлик юмшатилиши СССРнинг эркин дунё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг ҳам халқаро ҳаётда бевосита иштирок этишига ўз таъсирини кўрсатди.

Бироқ, 50—80-йилларда Ўзбекистон халқаро алоқаларининг йўлга қўйилиши зиддиятли тарзда кечди. Марказга қарамлик, ўз ташқи сиёсий давлат институтларининг йўқлиги мазкур алоқаларнинг соғлом намоён бўлишига жиддий тўсиқ бўлди. Бу нарса айниқса иқтисодий соҳада сезиларли равишда намоён бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жаҳон сиёсий ҳаётида 50-йиллардан бошлаб кўзга ташланган ўзгаришлар Совет давлатининг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш маконини сезиларли равишда кенгайтирди. СССРнинг экспортга мол чиқариши кескин ортди, бунда Ўзбекистоннинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди.

Иттифоқ органларининг қатъий назорати остида амалга ошириладиган Ўзбекистон халқаро хўжалик алоқаларининг ривожланиши учун моддий асос унинг ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши бўлди. Марказ аввалгидек Ўзбекистонга хом ашё базаси ролини юклаб, даставвал республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини: пахта толаси, линт, қоракўл тери ва ипакни

экспорт қиларди. Шу билан бирга, ЎИЁК ташкил топгандан кейин Ўзбекистоннинг Москва белгилаб берадиган экспорт таркибида саноат маҳсулотини кўпайтиришга интилиши кўзга ташланди. Масалан, 1949—1955 йилларда республиканинг ўз маҳсулотларини ЎИЁК мамлакатларига етказиб берадиган корхоналари сони 57 тадан 88 тага етди.

Ўша йилларда «социалистик лагер» мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш СССР ташқи иқтисодий фаолиятининг устивор йўналиши бўлди. Ўзбекистоннинг бевосита хўжалик алоқалари ҳам айнан шу йўналишга эга эди. Иттифоқ сиёсий раҳбарияти амалга ошириб келган социалистик мамлакатлар билан иқтисодий интеграция асосида 50—60-йиллардаёқ бу давлатларга Ўзбекистон экспортининг 70%дан кўпроғи юборилларди. Унинг социалистик мамлакатларга жўнатиб турган экспорт маҳсулотлари ичида пахта толаси 80%дан зиёдроқ эди. Болгария ва Венгрия тўқимачилик корхоналарининг 90%, Чехословакия тўқимачилик корхоналарининг 70%и Ўзбекистон пахтаси билан ишларди. Бошқа «социализм мамлакатлари»нинг аксарияти ҳам Ўзбекистон пахта хом ашёсини олиб турарди[1]. Ҳақиқатда, Ўзбекистон совет ҳокимиятининг охирги ўн йиллигида фақат иттифоқнигина эмас, балки ЎИЁК аъзолари бўлган давлатларнинг ҳам асосий пахта базасига айланиб қолган эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бир қаторда саноат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам ортиб борди. Фақат 1950—1960-йилларнинг ўзида ЎИЁК мамлакатларига машиналар ва асбоб-ускуналарни экспорт қилиш 10 баравар кўпайди. Асосан тўқимачилик машиналари, кимё маҳсулотлари, экскаваторлар, электр-кўприк кранлари, пахта териш комбайнлари, насослар, кабель маҳсулоти, киноаппаратуралар экспорт қилинарди. Шу билан бирга, социализм мамлакатларига чиқариладиган саноат маҳсулотларининг хиллари ҳам изчиллик билан кўпайиб борди. 70-йилларда бундай маҳсулотлар хиллари 100 та бўлган бўлса, 80-йиллар бошларида 142 тани ташкил этди[2].

Умуман, Ўзбекистон ўзининг кўп тармоқли иқтисодий салоҳияти, малакали кадрлари билан СССРнинг ЎИЁК мамлакатлари билан ишлаб чиқариш алоқалари тизимида нуфузли ўринлардан бирини эгалларди. У экспорт маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми бўйича иттифоқдош республикалар орасида Россия Федерацияси ва Украинадан кейин учинчи ўринда турарди, пахтачилик учун машиналар, тўқимачилик ускуналари, пахта толаси, қоракўл тери, бошқа қатор товарлар етказиб беришда биринчи ўринни эгалларди.

Халқаро кескинликнинг юмшатилиши, жаҳон сиёсий харитасининг Африка, Осиё, Лотин Америкаси халқлари озодлик

---

[1] Великая сила дружбы народов. — Т., 1973. С. 333.
[2] Узбекская ССР. — Т., 1979. С. 149.

курашлари билан боғлиқ равишда ўзгариб бориши билан бир қаторда социалистик лагер мамлакатлари билан иқтисодий интеграциянинг нуфузи ортиб борди, шунингдек, совет ташқи сиёсий доктринаси «ривожланаётган» мамлакатлар, шулар қатори «капиталистик» мамлакатлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишни назарда тута бошлади. Бу эса республикадан четга чиқариладиган маҳсулотлар жуғрофиясини бирмунча кенгайтиришни тақозо этди. Масалан, 50-йилларда Ўзбекистон дунёнинг 32 мамлакатига ўз маҳсулотларини етказиб берган бўлса, 80-йилларнинг бошларида республика иттифоқ органлари орқали деярли 90 та хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқа ўрнатган эди[1]. Етказиб берилган товарлар 250 хилдан ортиқ эди[2].

Келтирилган бу фактлар Ўзбекистон ўз халқининг яратувчанлик меҳнати туфайли иттифоқнинг экспорт имкониятларига жуда катта ҳисса қўшганлигидан далолатдир. Бироқ мустамлакачиликнинг эрксизлик тизимида бўлган республика ўзи юборган маҳсулотлар ўрнига унинг ўрнини қопламайдиган оз миқдордаги моллар ва валютани оларди. И.А.Каримов адолатли равишда таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистон мустабид тузум даврида доимий равишда ўзида ташқи савдо соҳасида Марказ яккаҳокимлигининг қаттиқ тазйиқини сезиб турарди. Ҳамма валюта ҳисоб-китобларини фақат иттифоқ идоралари амалга оширар эдилар. Республика ўзининг табиий бойликлари, хом ашё ресурслари ва етиштирган маҳсулотлари қаёққа кетишини, уни экспорт қилишдан тушган маблағ кимга тегишини билмасди[3].

Турли мамлакатлар билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда маърифатли амалий ҳамкорлик қилишни ривожлантиришда илмий-техникавий ва маданий алоқалар катта аҳамиятга эгадир. Илмий-техникавий ва маданий айирбошлаш жараёнида халқлар жаҳон илм-фани, адабиёти, санъати, соғлиқни сақлаш ва таълими соҳасидаги ютуқлардан баҳраманд буладилар. Афсуски, совет воқелиги шароитида СССР, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари узоқ ўн йилликлар мобайнида ташқи дунёдан сунъий равишда ажратиб қўйилган бўлиб, умуминсоний маданий қадриятлардан фойдаланишдан, жаҳон илмий тафаккурининг ютуқларидан ва илғор технологиялар билан танишиш имкониятларидан маҳрум этилган эди. Натижада иттифоқдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги фан ва техника анча орқада қолди. Фақат 50-йилларнинг бошларидан эътибо-

---

[1] *Киргизбаев А.К.* Научно-техническое и культурное сотрудничество Узбекистана со странами Азии в 80-и годы. Автореф. дис. канд. ист. наук. — Т., 1991. С. 20.

[2] ТА Управления уполномоченного министерства внешней торговли СССР при Совете Министров Узбекской ССР. Годовой отчет за 1981 г. С. 14—16.

[3] *Каримов И.А.* Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 50-бет.

ран «темир парда» кўтарила бошлади. Бироқ бу жараён мустабид-империя тузумининг таянч тузилмалари сақланиб қолган шароитда зиддиятли, чекланган хусусиятга эга бўлди. Айрим объектив равишда пишиб етилган ижобий ўзгаришларга қарамасдан, хорижга чиқиш мураккаблигича қолаверди. Кўпгина мафкуравий тўсиқлар ва маъмурий чеклашлар мавжуд бўлиб, улар халқаро алоқаларни йўлга қўйишда тўғаноқ бўларди. Асосан социалистик йўналишдаги ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш рағбатлантириларди. Иттифоқ раҳбарияти бу мамлакатларни «жаҳон империализми»га қарши курашда потенциал иттифоқчилар деб қарарди. Миллий республикалар хўжалик алоқалари соҳасида бўлганидек, халқаро илмий-техникавий ва маданий алоқаларни мустақил равишда ўрнатиш ҳуқуқига ҳам эга эмасдилар. Ҳамма нарсани Москва ҳукмронлик билан белгилаб берар ва тартибга соларди.

Шунга қарамасдан, мустабид тузумнинг бутун зуғумли таъсири шароитида «илиқ» шабадалар эса бошлади. Вақт ўтиши билан халқаро илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг заиф ирмоқлари сунъий тўсиқларни енгиб борди ва куч тўплай бошлади. Бу жиҳатдан халқ дипломатияси муҳим омил бўлиб майдонга чиқди.

Масалан, жаҳонда «Тошкент руҳи» сифатида машҳур бўлган тушунча республика тупроғида юзага келди[1]. Ўзбекистоннинг фаол иштироки билан 1966 йилда Тошкентда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги тинчлик битими имзоланди; Осиё, Африка, Лотин Америкаси фан ва маданият ходимларининг халқаро симпозиумлари, конференциялари, ижодий учрашувлари, кинофестиваллари ўтказилди.

Ишлаб чиқариш-техникавий ҳамкорлик тизимида мутахассис кадрлар айирбошлаш сезиларли ўрин эгаллади. 50—60-йилларда бундай айирбошлаш асосан социалистик мамлакатлар билан амалга оширилди. Ўзбекистон уларга завод ва фабрикалар, хўжалик объектлари барпо этадиган, асбоб-ускуналарни монтаж қиладиган, уларни ишлатишни йўлга қўядиган мутахассисларни юборарди. Масалан, «Тоштекстилмаш» заводи 1958—1967 йилларда социалистик мамлакатларга тўқимачилик жиҳозларини ўрнатиш ва ишга туширишда қатнашиш учун ўзининг 44 нафар вакилини юборди. Ўзбекистонлик мутахассислар Болгария, Куба, Вьетнам, Мўғулистон деҳқонларига республикамиздан етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникасини ўзлаштиришда, мелиорация-ирригация ишларини ташкил этиш, пахта ва бошқа экинларни етиштириш тажрибасини эгаллашда катта ёрдам кўрсатдилар. Ўз навбатида ЎИЁК мамлакатлари ҳам Ўзбекистонга ўз мутахассисларини юбордилар, улар республикага

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 94-бет.

етказиб берилган саноат жиҳозларини ўрнатишда, корхоналар барпо этиш ва ишга туширишда техникавий маслаҳатлар бердилар.

60—70-йиллар чегарасида қўлланилаётган «социалистик интеграция» билан бир қаторда иттифоқ раҳбарияти мустамлакачилик қарамлигидан озод бўлган ва ривожланиб бораётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларини советлар таъсирига тортиш вазифасини ҳал қилишга тобора кўпроқ эътибор бера бошлади. Шунга мувофиқ СССРнинг «учинчи дунё» билан ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилиши кенг миқёс касб эта бошлади. «Жаҳон социалистик инқилоби»ни авж олдиришнинг навбатдаги стратегиясида коммунистик ақидага кўра «капитализмни четлаб феодализмдан социализмга сакраган» Ўзбекистонга Африка-Осиё мамлакатларида, айниқса, аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларда жамият тараққиётининг советча андозасини, «нокапиталистик тараққиёт йўли» тажрибасини тарғиб қилиш вазифаси ажратилди. Бу ҳол ўзбекистонлик мутахассисларнинг навбатдаги оқимини ўша мамлакатларга юборишни тақозо этарди. Хусусан, Ўзбекистон вакиллари «ўзларининг байналмилал бурчлари»ни бажара бориб, Афғонистон ва Непалда, Шри Ланка ва Ҳиндистонда, Эрон ва Ироқда, Сурия ва Кампучияда, Лаос ва Жазоирда, Гвинея ва Малида, Тунисда ҳамда бошқа кўпгина мамлакатларда юзларча муҳим хўжалик объектларини (завод ва фабрикалар, гидростанциялар, ирригация иншоотлари, кон-қазиб чиқариш корхоналари, йўл ва кўприклар, совхозлар ва шу кабиларни) барпо этишда фаол иштирок этдилар. Ўзбекистонлик мутахассислар иштирокида Афғонистонда Нагла ГЭСи қурилди, Ангола, Жазоир, Яман Араб Республикасида қишлоқ хўжалик тажриба станциялари ташкил этилди[1].

Республика қишлоқ хўжалиги, ирригация ва мелиорация мутахассислари Мескалада (Сурия) йирик қўриқ массивларини ўзлаштириш ва суғоришда иштирок этдилар. Барча зарур иншоотларга эга бўлган магистрал канал қазишда ёрдам бердилар, тегишли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, деҳқонлар учун обод қўрғонлар, гидроқурувчилар ва ирригаторлар тайёрлаш марказини барпо этишда кўмаклашдилар[2].

1974 йилга келиб Осиё ва Африканинг деярли 20 та мамлакатида Ўзбекистонлик 400 дан ортиқ мутахассис меҳнат қиларди. 80-йилларда эса республикамиздан юборилган мутахассислар 46 та мамлакатда фаолият кўрсатдилар[3].

---

[1] *Исоходжаев А.А.* Узбекистан — страны арабского Востока и Африки. — Т., 1980. С.30—32.

[2] ТА Управлений внешних сношений Минвуза РУз 1981—1990 гг.

[3] «Звезда Востока». 1974, № 10. С. 129.; ТА Кабинета Министров Узбекистана. Отчет за 1985 г., д. 6535. л. 4—5.

Албатта, иттифоқ раҳбариятининг «учинчи дунё» мамлакатлари билан ишлаб чиқариш-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасидаги ҳаракатлари заминида узоқни кўзлаган мақсадлар ётган бўлиб, у асл моҳияти билан мустамлакачилик хусусиятига эга эди. Лекин ўзбекистонликлар ўзларининг бунёдкорлик меҳнатлари билан объектив равишда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини юксалтиришга беғараз ёрдам бердилар.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан, аввало социалистик йўналишдаги ва «учинчи дунё» мамлакатлари билан ўзаро муносабатларида республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиш тизими орқали мутахассислар тайёрлаш тажрибаси қўл келди. 60-йилларнинг биринчи ярмидаёқ Ўзбекистон олий ўқув юртларида Шарқий Европа мамлакатларидан келган 50 дан ортиқ талаба таълим олди, улар пахтачилик, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳаларига ихтисослашган эдилар. 80-йилларда Ўзбекистонда 25 та олий ўқув юртида ҳар йили жаҳоннинг 84 та мамлакатидан, шу жумладан, Осиё минтақасидаги 21 мамлакатдан келган 3 мингдан ортиқ талаба билим олди. Улар, олий ўқув юртларининг шарқ, юридик, фалсафа, иқтисод, кимё, биология, география, журналистика, амалий математика ва механика каби факультетларида турли мутахассисликларни эгалладилар. Шунингдек, ҳар йили Ўзбекистоннинг ўрта махсус ўқув юртларида 270 дан ортиқ хорижлик ёшлар ўқидилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда хорижлик мутахассисларнинг тайёрланиши одатда ўзаро манфаатли асосда эмас, балки Марказ кўрсатмаси билан бепул асосда олиб борилди. Марказ совет гегемонлиги сиёсатини амалга ошириб, бу соҳада «жаҳон капитализми»га қарама-қарши турувчи сиёсий иттифоқчилар сафларини кўпайтиришдан манфаатдор эди. Бироқ бундай тажриба республика сарфлаган харажатларнинг ўрнини қопламас эди. Иккинчи томондан, хорижий ёшлардан «социализм тарафдорларини» тарбиялашни мақсад қилиб қўйилган бўлиб, бунинг учун ўқув-тарбиявий жараёнда асосий эътибор коммунистик мафкура асосларини сингдиришга қаратилган фанларни ўқитишга кенг эътибор берилди, хорижий мутахассисларнинг касб маҳоратларини оширадиган фанлар эса иккинчи даражали бўлиб қолган эди.

Илмий алоқалар борасида ҳам кўп жиҳатдан шунга ўхшаш вазиятни кузатиш мумкин. Бу йилларда илмий ҳамкорлик асосини республиканинг мавжуд илмий салоҳияти ташкил қилар эди. Масалан, 1965 йилда Ўзбекистонда илмий ходимларнинг умумий сони 16329 кишидан иборат бўлса, 80-йилларнинг бошларига келиб 37 минг кишидан ортиб кетди.[1] Республика илмий тафаккурининг қўлга киритган сезиларли муваффақиятла-

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 г. — Т., 1983. С. 22.

ри Ўзбекистон Фанлар академияси ва мавжуд университетларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг таркибида 120 академик ва мухбир аъзолар, 4 мингдан ортиқ фан докторлари ва номзодлари меҳнат қиларди. Республика олимлари қўлга киритган кўпгина ютуқлар халқаро миқёсда эътироф этилди. Бироқ мустабид империя режими шароитида Ўзбекистон илмий салоҳияти республика учун, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалари учун ишламади, фақат Марказ учун ишлади. Ўзбекистон олимларининг эришган ютуқлари эса иттифоқ фани «соясида» қолиб кетди. Шунингдек, бутун СССРда бўлгани каби, республика фани ҳам жаҳон фани амалиётидан ажратиб қўйилди.

Фақат эллигинчи йилларнинг охирларидан эътиборан вазият бир қадар ўзгара бошлади. Бу вақтда кўзга ташланган «илиқлик» шароитида иттифоқ юқори табақаси, ниҳоят, халқаро илмий ҳамкорликнинг муҳимлигини англаб етди. Шундай бўлса ҳам, асосан социалистик йўналишдаги мамлакатлар билан илмий алоқаларни йўлга қўйишга аҳамият берилди. Фақат 60—70- йиллар чегарасида носоциалистик мамлакатлар билан илмий ҳамкорликни авж олдиришда бирмунча силжишлар кўзга ташланди. Бу ҳамкорлик асосан Марказ илмий муассасалари ва олимлари томонидан амалга оширилди. Лекин бунда чет элга борадиган олимлар «сиёсий қарашлари» жиҳатидан мустабид тузумнинг тегишли соқчилик ва мафкуравий органлари томонидан синчиклаб текширишдан ўтар эдилар. «Айбдор» деб топилганлар чет элга «чиқмайдиганлар» тоифасига киритилди. «Айбдорлар» кўпроқ рус бўлмаган миллатлардан «топилар» эди. Бундай амалиёт Ўзбекистоннинг жаҳон илмий марказлари билан объектив равишда алоқалар ўрнатиш жараёнларига салбий таъсир қиларди. Лекин барибир империя тузумининг ғоявий-маъмурий тусиқларига қарамасдан, илмий алоқалар секин-аста ривожланиб борди. Масалан, агар 1959—1972 йилларда республика олимларидан 153 киши хорижга хизмат сафари билан борган бўлса, шундан кейинги йилларда 300 дан ортиқ олим шундай сафарда бўлдилар. Хусусан, 50—60 йилларда академик Т.Н.Қори Ниёзий Умумҳиндистон илмий конгрессида иштирок этди; академик Ё.Х.Тўрақулов ва профессор Р.Қ.Исломбеков Дания ва Японияда бўлган жаҳон эндокринологларининг I ва III халқаро конгрессларида маъруза қилдилар. Академик У.Орипов, профессорлар О.Жамолов, А.Х.Зоҳидов БМТнинг заиф ривожланган мамлакатларда илмий ва техникавий билимлардан фойдаланиш масалалари юзасидан Женева конференциясида, академик Х.С.Сулаймонова социологларнинг Амстердамда бўлиб ўтган Халқаро конгрессида иштирок этдилар.[1]

[1] Текущий архив АН РУз. Годовые отчеты о деятельности АН Узбекистана 1958—1980 гг.



Академик Х.Сулаймонова Осиё ва Африка юристлари конгресси иштирокчилари орасида. Дамашқ, 1957 йил.

70—80-йилларда хорижий мамлакатларга илмий хизмат сафарларига юборилган таниқли ўзбек олимлари орасида сейсмологлар А.Н. Султонхўжаев ва В.В.Шчеглов, академиклар С.А. Азимов, Б.О.Тошмуҳамедов, Ғ.О.Мавлонов, Ҳ.Ф.Фозилов, И.Ҳ.Ҳамробоев ва бошқалар бор эди. Ўша даврда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий ҳамкорликни йўлга қўйишда олимлардан И.М.Мўминов, М.К.Нурмуҳамедов, Э.Ю.Юсупов, Р.Х.Аминова, С.А.Азимжонова ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўз навбатида хорижий мамлакатлар илмий делегацияларининг Ўзбекистонга келиши ҳам ортиб борди. Фақат 1971—1975 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг турли институтларига 1000 дан ортиқ олимларни ўз ичига олган 328 та делегация ташриф буюрди. Халқаро алоқаларнинг кучайиши, илмий оламнинг Ўзбекистонни ўзига хос тарзда «кашф этиши» билан бир қаторда, Тошкент ана шу йилларда халқаро учрашувлар, конференциялар ва семинарлар ўтказиладиган марказлардан бири сифатида дунёга танилди. Фақат 1969—1970 йилларда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ, кейинги ўн йилликларда эса 10 дан ортиқ йирик халқаро анжуманлар ўтказилди. 1969 йилда ўтказилган «Темурийлар даври маданияти ва санъати»га бағишланган халқаро симпозиум, «Зилзила даракчиларини излаш» бўйича 1 халқаро илмий анжуман, «Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари», Абу Али Ибн Сино

ва Берунийнинг 1000 йиллигига бағишланган конференциялар, Осиё ва Африка мамлакатлари ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссиясининг I минтақавий конференцияси, биологик кимё ва молекуляр биологиянинг истиқболли йўналишлари бўйича IV Совет-Француз симпозиуми, юқори молекулали бирикмалар кимёси бўйича 25-юбилей симпозиуми, ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтган назарий ва амалий кимё халқаро иттифоқи доирасидаги «Макро-78» симпозиуми ва бошқалар шулар жумласидандир.[1]

80-йилларнинг ўрталарига келиб бу алоқалар кўрсатиб ўтилган шакллар билан бир қаторда ўзбек олимларининг хорижий мамлакатларда лекция ва маърузалар билан чиқишлари, хорижий аспирантларнинг Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида ва университетларда стажировкадан ўтишлари, биргаликдаги илмий экспедициялар ўтказиш йўлга қўйилди. Ўзбек олимларининг илмий тадқиқотларига бўлган қизиқиш уларнинг хорижий нашрларда босилиб чиқишига имкон яратди. Масалан, 1980 йилгача ана шундай ишлардан 300 таси эълон қилинган эди.

Лекин совет тузумининг мустабидчилик табиати халқаро илмий ҳамкорликнинг кенг суръатларда бўлишига йўл қўймади. Чунки, республикамиз олимлари қайси мамлакатда бўлмасинлар, илмий тафаккур эркинлиги ҳуқуқига эга эмасдилар, улар ўзбек олими сифатида эмас, совет олими сифатида чиқар, доимий равишда мафкура ва партиянинг қатъий назорати остида



Ҳабиб Абдуллаев (минбарда). 1956 йил.

[1] Текущий архив АН РУз. Годовые отчеты о деятельности АН Узбекистана 1958—1980 гг.

бўлар эдилар. Илмий алоқалар хусусиятини эса қатъиян Марказ белгилаб берарди. Шунинг учун ҳам ўзбек олимларини хорижда яқин-яқингача ҳеч ким танимас эди. 1953 йилда Мексикада бўлган жаҳон геологларининг XX Конгрессида илмий маъруза билан иштирок этган ёш ўзбек олими Ҳ.М.Абдуллаев ўз хотираларида шундай ёзган эди. «Мен минбардан тушишим билан Америка делегациясининг бошлиғи ёнимга келиб қўлимни сиқди-да, «Жаноб Абдуллаев, Сиз ким бўласиз?» — деб сўраб қолди. Шунда мен: «...ўзбек геологи бўламан, — дедим. У эса: «Йўқ, сиз ўзбек эмассиз. Сиз тайёрланган (поставной) одамсиз, ҳали ўзбеклардан Сиздек олимлар етишиб чиққан эмас», — деб қолди. Шунда мен фахр билан баралла: «Мен ҳақиқий ўзбек фарзандиман», — деб жавоб бердим»[1].

Мустабид тузум йилларида илмий алоқалар сингари маданий-маънавий соҳалардаги ҳамкорлик ҳам зиддиятли хусусиятга эга бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўп йиллик тарихга, буюк ўтмишнинг ноёб маънавий меросига, жаҳонга машҳур бўлган қадимий меъморий ёдгорликларга эга бўлган Ўзбекистон хорижий олимлар, саёҳатчилар, адабиёт ва санъат арбоблари учун совет даврида узоқ йиллар давомида ёпиқ бўлиб келди. Фақат 50-йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро маданий алоқаларини йўлга қўйишда айрим ижобий силжишлар рўй берди. Шунга қарамасдан, бу силжишлар империя марказининг қаттиқ назорати остида «социалистик интеграция» ва «пролетар интернационализми» манфаатларини кўзлаб амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларининг ривожланишида 1958 йилнинг охирларида Тошкентда чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон жамиятининг ташкил этилганлиги кўп жиҳатдан ёрдам берди. Унинг бўлимлари жамоатчилик асосларида Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро ва Хоразмда иш олиб борди. Бу жамият ўз моҳиятига кўра мафкура исканжасида ва Марказнинг мунтазам назоратида бўлса-да, хорижий мамлакатларга Ўзбекистонни, ўзбек халқини танитишда ўз ҳиссасини қўшди. Агар ташкил этилган пайтда жамият дунёнинг 27 та мамлакати билан алоқани йўлга қўйган бўлса, 1980 йилга келиб, у 118 та мамлакат билан алоқа ўрнатган эди[2].

Жамият фаолиятининг кенг тарқалган шаклларидан бири дунёнинг бир қатор мамлакатларида «совет мамлакати кунлари»нинг ўтказилиши бўлди. Ўзбекистоннинг иштироки билан СССРнинг маданият кунлари Венгрия, Болгария, ГДР, Мўғулистон, Чехо-

---

[1] Хизир назар қилган олим (Академик Ҳ.М.Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланади). — Т., 1992, 4-бет.

[2] ТА Минкультуры РУз, оп. 3, д. 5965. л. 115.

славакия, Руминия, Югославия, Афғонистон, Ироқ, Мали, Ҳиндистон, Швеция ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлигида адабий алоқаларнинг роли айниқса сезиларли бўлди. Бунга Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси туртки бўлиб хизмат қилди. Конференцияда «Тошкент руҳи» деб аталган дўстлик, тараққиёт, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тинчлик руҳи қарор топди. Конференция мислсиз даражада кенг акс-садо берди, чунки унда халқларнинг тинчлик, озодлик ва демократияга бўлган интилиши янги куч билан намоён бўлди.

Ўзбек адабиёти арбобларининг ижодини хориждаги китобхонлар зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганишарди. 70-йилларнинг ўрталарида республикамизда нашр этилган китоблардан 20 дан ортиғи хорижий тилларга таржима қилинган бўлиб, улар дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларига тарқалди. Булар Ғ.Ғулом, П.Турсун, Ойбек, А.Қаҳҳор, Зулфия, Ш.Рашидов, Ҳ.Ғулом, А.Мухтор, Р.Бобожон, П.Қодиров, О.Ёқубов ва бошқаларнинг асарлари эди. Ғ.Ғуломнинг «Шум бола», Х.Олимжоннинг «Лирика», Р.Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Р.Бобожоннинг «Обиҳаёт», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асарлари ва бошқалар хорижий китобхонларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Ўзбек адабиёти арбобларидан айримлари хорижий давлатларнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Хусусан, шоира Зулфия Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаол хизматлари учун Ж.Неру номидаги мукофот совриндори бўлди. У яна Болгариянинг Кирилл ва Мефодий ордени билан ҳам мукофотланган эди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқаларида санъат соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Булар хорижлик ёзувчилар саҳна асарларининг Ўзбекистонда қўйилиши ва ўзбек драматурглари пьесаларининг хорижда қўйилиши, саҳна усталарининг гастроллари, республикада хорижий фильмлар кинофестивалларининг ташкил этилиши, хорижий мамлакатларда ўзбек кинофильмларининг кўрсатилиши, халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши ва шу каби тадбирларда ўз ифодасини топди.

60—70-йилларда Ўзбекистоннинг театр жамоалари, етакчи саҳна усталари хорижий мамлакатлар — Венгрия, ГДР, Чехословакия, Польша, Мўғулистон, Жазоир, Япония, Франция, Англия, АҚШ ва бошқа мамлакатларга гастролга бордилар. 1965—1975 йилларда Ўзбекистон театр санъати ходимларидан 100 дан ортиқ киши Европа ва Осиёнинг 40 та мамлакатига сафар қилдилар. Улар орасида халқ артистлари Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Бернора Қориева, Саодат Қобулова, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним ва бошқалар бор эди[1].

[1] Ташкент в период развитого социализма. — Т., 1983. С. 304—308.



Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» ансамбли саҳнада. 1958 йил.

«Баҳор» халқ рақс ансамбли беш қитъа мамлакатлари — Ҳиндистон, Швеция, Венгрия, Болгария ва бошқа давлатларда берган концертларда зўр олқишларга сазовор бўлди, ўзбек халқининг рақс санъатини дунё халқларига танитди. Фақат 1978 йилнинг ўзида ансамбл Италиянинг 15 та шаҳрида, Мальта оролида ва Францияниг 14 та шаҳрида концертлар берди. 1979 йилда АҚШда мазкур жамоанинг гастроллари муваффақиятли ўтди. 1984 йилда ансамбл дунёнинг 8 та мамлакатида — Иордания, Перу, Греция, Австралия, Янги Зеландия, Нидерландия, Португалия, Эфиопияда бўлиб ўтган СССР кунларида (Ўзбекистон иштирокида) қатнашди[1]. «Ялла» давлат вокал-чолғу ансамбли ГДРда бўлиб ўтган энг машҳур ёшлар жамоаларининг чиқишларида зўр муваффақият қозонди.

Гарчи мураккаб шароитларда, иттифоқ тузилмалари орқали ва жиддий «кузатишлар» остида бўлса ҳам, кўпгина ҳолларда маданий тадбирларда иштирок этиш Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига ва умуминсоний маданиятига танитди ва янгитдан уни кашф этди. Халқлар ўртасида маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришда биродарлашган шаҳарларнинг ҳам роли маълум даражада аҳамиятли эканлигини айтиб ўтиш жоиздир.

[1] ЎзР МДА, 2487-фонд, 3-рўйхат, 5965-йиғма жилд, 15-варақ.

Шундай қилиб, 50—80-йилларда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илмий ва маданий алоқалари иттифоқ тасарруфида, унинг мафкуравий андозалари ва кўрсатмалари асосида амалга оширилган ва «социализм ютуқларини» жаҳонга танитишга хизмат қилган бўлса-да, лекин унинг заминида ўзбек халқининг буюк аждодлари, унинг илғор зиёлилари ва уларнинг ижодий ютуқлари ва кашфиётлари, ноёб намуналари ётар эди. Ана шу миллий намуналар мафкуравий чеклашларга ва миллат сифатида камситишларга қарамасдан, ўзбек халқини, унинг миллий маданиятини дунёга танитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

9. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН 40-ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ — 80-ЙИЛЛАРДА

Қорақалпоғистон ҳам бошқа иттифоқдош республикалар қатори Кремлда ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар исканжасида қолган эди. Унга КПССнинг «улкан режалари»да хом ашё етказиб бериш вазифаси ажратилган эди. Бу ҳол Қорақалпоғистон иқтисодиётининг фақат бир томонлама ривожланишини таъминлаб, унга ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, бой ресурсларни тайёр маҳсулотга айлантириш имконини бермас эди.

Иттифоқ сиёсий раҳбариятининг фикрига кўра, 1946 йил пахтачиликни ривожлантиришда ҳал қилувчи бурилиш йили бўлиши лозим эди. Натижада пахта яккаҳоким экинга айлантирилди, автоном республика «иқтисодиётининг ўзаги», унинг «фахри» бўлиб қолди.

1946 йилда Қорақалпоғистонда 425 та жамоа хўжалиги бўлиб, 154,8 минг га суғориладиган ерга, шу жумладан, чигит экиладиган 54,0 минг га майдонга эга эди. 1946—1950 йилларда 42 минг га ер ўзлаштирилди, 1950—1960 йилларда эса чигит экиладиган майдон яна 35 минг га кўпайтирилди, 1960 йилга келганда чигит экиладиган майдон 131,5 минг га.ни ташкил қилди[1].

Тиклаш даврининг кўп қиррали муаммоларини ҳал қилишда қаровсиз қолган ва фойдаланмай келинган суғориладиган ерларни ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1947 йилнинг баҳорида Туямўйин каналининг биринчи навбати ишга туширилди (унинг узунлиги 11,5 км эди). «Шуманай» канали қурилди. 1950 йилдан эътиборан биринчи марта қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ирригация тармоғини тозалаш ишлари бошланди[2].

---

[1] Очерки истории Каракалпакской АССР. Т.1. 1917—1963. — Т., 1964. С. 86.

[2] *Сарыбаев К.С.* История орошения Каракалпакстана с древнейших времен до наших дней. — Нукус, 1995. С. 105.

1950 йилда Марказнинг Бош Туркман канали қурилиши тўғрисидаги қарори қабул қилинди, бу канал Хоразм воҳаси орқали Шимолий Туркманистон бўйлаб ўтар ва Амударёнинг қадимги Ўзбой ўзани бўйлаб Каспий денгизигача борар эди. Белгиланган режалар, агар кейинги даврда ҳам амалга ошириладиган бўлса, минтақадаги экологик вазиятни жиддий равишда ўзгартирарди, лекин Орол денгизини ҳалокатга олиб келмас эди. Бироқ 1952 йилда Бош Туркман каналининг қурилиши бошқа лойиҳа бўйича борди, уни амалга ошириш натижасида Қорақум канали юзага келди.

1949 йилда суғориш тизимларининг туртта бошқармаси ташкил этилди: Пахта-арна (Тўрткўл ва Беруний туманлари учун), Ленин номли канал (Хўжайли ва Қўнғирот туманлари учун), Кегайли (Чимбой ва Кегайли туманлари учун), Қуваниш-жарма (Тахтакўпир ва Қораўзак) бошқармалари. Биринчи марта суғориш тармоқларини тозалаш мақсадида машина-трактор станцияси ташкил этилди. 1950 йилда жамоа хўжаликларини йириклаштириш кампанияси бошланди. Республикада мавжуд 410 та жамоа хўжалиги асосида 200 та колхоз ташкил қилинди. Натижада улар ҳар бирининг ўртача экин майдони ортиб, авалги 364 га ўрнига 883 га ер тўғри келадиган бўлди.

Жамоа хўжаликларини бирлаштириш юзасидан Марказ йўлини амалга ошириш кўпгина қийинчиликлар билан боғлиқ бўлди. Деҳқонлар ўзларининг жонажон кичик овулларидан йирик хўжалик посёлкаларига кўчиб ўтишга психологик жиҳатдан тайёр эмас эдилар. Биринчидан, улар Марказнинг бу «ташаббусини» салбий идрок қилдилар, иккинчидан эса, белгиланган бу ишларни ниҳоятда қисқа муддатларда амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларининг сунъий равишда жадаллаштиришга уринишлари вазиятни янада мураккаблаштирди.

Бу йилларда совет ҳокимияти деҳқонларга қарши қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилди. Деҳқонлар ва фермерлардан 2622 га ер тортиб олинди, бу ерлар уларга Иккинчи жаҳон уруши вақтида ёрдамчи хўжаликлар, якка ва жамоа тартибида деҳқончилик қилиш учун вақтинча берилган эди. Аҳоли жамоа хўжаликларига 1083 бош қорамолни, 4146 бош майда ҳайвонларни, 180 бош отни қайтариб топширди.

Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида маҳсулдор чорвачиликни ривожлантиришда муайян натижаларга эришилди. Чимбой туманида Бутуниттифоқ чорвачилик илмий тадқиқот институтининг таянч пункти ташкил қилинди. Чимбой туманидаги наслчилик давлат хўжалигига Россиядан 104 бош қизил-чўл зотли бузоқлар келтирилди, республика жамоа хўжаликларнинг 80%и учтадан маҳсулдор моллар фермаларига эга эди. 219 та йилқичилик ва 48 та туячилик фермалари ташкил этилди.

50-йилларнинг ўрталарига келиб республика чорвачилигидаги мутаносиблик бузилди. Чорвачилик пахта яккаҳокимлиги кучайиб бориши билан сиқиб чиқарила бошлади. Шу йиллардан бошлаб хўжаликларда чорва моллари сони муттасил камайиб борди. Чорвачиликдаги бу ҳолат 60—70-йиллар ва ундан кейинги даврда ҳам давом этди. Ҳатто шахсий хўжаликларда ҳам чорва моллари сони қисқариб борганлиги кузатилди. Бу эса, деҳқонлар ва чорвадорлар моддий аҳволига, турмуш даражасига таъсир қилмай қўймас эди.

Пиллачилик соҳасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Республикадаги 36 та жамоа хўжалиги 1948 йилда ҳар қути уруғдан 55 кг. дан пилла олдилар. 50-йилларда пиллачилик янада ривожлантирилди. 1957 йилнинг мартида республика пиллакорларининг XII Қурултойи бўлиб ўтди, унинг қатнашчилари пилла етиштиришни йилига 319 т.гача кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Ўша йилнинг ўзида давлатга 410 т пилла топширилди, бу 1953 йилда олинган пиллага нисбатан 49% кўп эди.

Урушдан кейинги ўн йилликлар давомида Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги зиддиятлар янада кўпроқ чуқурлашди. Режалаштирувчи Марказ озиқ-овқат экинларини сиқиб чиқариш ҳисобига чигит экиш салмоғини муттасил ошириб боришга мажбур қилди.

«СССРнинг пахта мустақиллигига эришиш тўғрисида»ги машъум тезис Қорақалпоғистоннинг 50-йиллар бошидаги халқ хўжалиги ривожланишида устун даражада устиворлик қилди. Марказ пахта етиштиришни 1950 йилдаги 139 минг т.дан 1955 йилда 207 минг т. га етказишни белгилаб берди. Бироқ Қорақалпоғистон уч йил сурункасига (1951—1953) пахта тайёрлаш режасини бажармади, фақат 1954 йилда колхозчилар мамлакат хазинасига 199 минг т. пахта топширдилар. 1955 йилда чигит экиладиган майдон 114,3 минг га етказилган бўлишига қарамай, 207 минг т. ўрнига фақат 137 минг т. пахта териб топширилди, холос.

50-йилларнинг ўрталари бутун Иттифоқ бўйича «қўриқ ерларга юриш» даври бўлди. Марказий ҳукуматнинг «1954—1958 йилларда ЎзССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида», «ЎзССР ва Қозоғистон ССРда Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш тўғрисида»ги ва ана шу йилларда қабул қилган бошқа қарорларида асосий эътибор умуман Ўрта Осиёнинг, хусусан Амударё дельтасидаги қўриқ ва бўз ерларнинг катта массивларидан фойдаланиш истиқболига қаратилди. Мазкур қарорларга мувофиқ Қорақалпоғистонда чигит экиладиган майдон, агар 1953 йилда 92,9 минг га бўлган бўлса, орадан ўн йил ўтгандан сўнг 1963 йилда бу майдон 135,4 минг га етказилди. Бироқ ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик эса, бу йилларда 15,8 центнердан ошмади[1].

---

[1] *Камолов К.* Ел хызметинде. Еске тусириўлер. — Нукус, 1995, 61-бет.

50-йилларнинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистонни ҳақиқий «қайта ташкил этиш эпидемияси» ларзага келтирди, бу кўп жиҳатдан вилоят партия ташкилотига Тошкентдан Носир Маҳмудовнинг биринчи котиб лавозимига тайинланиши (1956—1963 йиллар) билан боғлиқ бўлди. Бу раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари волюнтаризм, ўйламай-нетмай қилган тадбирлари билан ажралиб турарди: у Қорақалпоғистоннинг иқлим шароитининг совуқ келишини ҳисобга олмасдан чигитни чуқур эмас, ер сиртига юзароқ қилиб экишни жорий қилди, республиканинг шимолий туманларидаги жамоа хўжаликлари тарқатиб юборилди, уларнинг ўрнига давлат хўжаликлари ташкил этилди. Натижада 475 та колхоздан фақат 38 таси қолдирилди, қолган 437 жамоа хўжалиги негизида 20 дан ортиқ йирик давлат хўжаликлари ташкил қилинди. Масалан, биргина Кегайли тумани миқёсида битта «Кегайли» давлат хўжалиги ташкил топди. Республика давлат хўжаликлари биргина 1958 йилнинг ўзида давлатга 108 млн. сўм миқдорда зарар етказдилар. Шунингдек, давлат хўжаликларида мавжуд бўлимлар қисқартирилиб, улар ўрнига экин майдони 250—500 га дан бўлган йириклашган бригадалар ташкил этилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Қунғирот туманлари битта йирик Хўжайли тумани қилиб, Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманлари битта Тўрткўл тумани қилиб, Чимбой, Кенес, Қораўзак ва Тахтакўпир туманлари битта Чимбой тумани қилиб бирлаштирилди. Йириклашган туман раҳбарининг хўжаликларни айланиб, улар билан танишиб чиқиши учун камида 15 кун керак бўларди. «Қайта ташкил этиш эпидемияси» халқ хўжалигига катта зарар етказди.

1962 йилда Марказ томонидан партия органларининг саноат ва қишлоқ хўжалик органларига бўлиниши ва халқ хўжалик кенгашлари тизимининг ташкил этилиши мутлақо тушунарсиз бўлган «бошқарувни такомиллаштириш» концепцияси эди. Бу ноилмий концепция натижасида Қорақалпоғистон миқёсида саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича вилоят қўмиталари, туманларда эса қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари лавозимлари пайдо бўлди, айни вақтда собиқ туман партия қўмиталари раҳбарлари иккинчи лавозимларга ўтказилди. Бу янги ташкилий тузилишлар бор-йўғи икки йил умр кўрди, шунга қарамасдан, халқ хўжалигига жуда катта зиён-заҳмат келтирди.

60-йилларда, бутун мамлакатда бўлганидек, Қорақалпоғистон яна экспериментлар гирдобига тортилди. Бу гал «бош маккажўхорикор» Н.С.Хрушчевнинг талабига кўра маккажўхори етиштиришга, ҳатто, республиканинг шимолий туманларида ҳам катта эътибор берилди. Маккажўхори экилган майдон 1957 йилда 2067 га, 1958 йилда 5772 га.ни ташкил этди, яъни бир йил ичида деярли 3 баравар кўпайтирилди.

Шунингдек, 60-йилларнинг ўрталарида республикада қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган шоликорликнинг ривожланишига эътибор кучайди. Махсус шоликорлик хўжаликлари ташкил қилинди. 1980 йилда республикада шоликорликка ихтисослашган 17 та давлат хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланди. Натижада, 1965 йилда 25,7 минг т. шоли етиштирилган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 332,3 минг т. ни ташкил қилди[1].

Умуман, 50—60-йиллардаги қишлоқ хўжалигига баҳо берганда айтиб ўтиш жоизки, бу давр қорақалпоқ халқининг хўжалик ҳаётида асрлар мобайнида қарор топиб келган анъанавий жуғрофий ва иқлим шарт-шароитларини эътиборга олмаган хилма-хил экспериментлар кўп ўтказилди. Деҳқонларнинг шахсий хўжаликлари ҳар томонлама чеклаб қўйилди. Бир деҳқон хўжалиги 1956 йилда бор-йўғи 15 сотих ёрдамчи хўжаликка эга эди, 1 бош сигир ва 4—5 бош қўй сақларди, бир қатор хўжаликлар (8775 хўжалик) умуман чорва моллариға эга эмасди.

Шунга қарамасдан, Қорақалпоғистонда пахта етиштириш муттасил ошириб борилди. 1964—1984 йиллар мобайнида республикада 7 млн. 144 минг тонна пахта етиштирилди, Марказнинг тўқимачилик фабрикаларига 2 млн. 219 минг тонна пахта толаси жўнатилди. Фақат 1963, 1969 ва 1978 йилларда иқлим шароитларининг ноқулай келиши ва сув тошқинлари туфайли пахта тайёрлаш режалари бажарилмади[2].

60—80-йиллар мобайнида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосан экстенсив усуллар ҳисобига муайян силжишлар рўй берди. Қишлоқда эса бир қатор ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, айниқса, фермерлик хўжалиги асосларини кенгроқ жорий этила борганда бу ўзгаришлар янада сезиларли бўлиши мумкин эди. Лекин мустабид тузум шароитида, коммунистик мафкура яккаҳокимлигида бундай ўзгаришларнинг самарали бўлиши мумкин эмасди.

Қорақалпоғистон саноатининг ривожланиши пахтачилик билан бутунлай боғлиқ қилиб қўйилган эди. 1946—1950 йилларда Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой шаҳарларида ёғ ишлаб чиқариш заводлари ишга туширилди, Порлитай посёлкасида балиқ заводи, Оқтов посёлкасида оҳакли материаллар комбинати, Қорақалпоғистон пойтахти — Нукусда мотор таъмирлаш, ёғ-сут, пиво заводлари, электр станциялар қурилди ва ишга туширилди. Натижада пахта ёғи ишлаб чиқариш 1940 йилдаги 30 т.дан 1950 йилда 6,9 минг т.га, балиқ ва гўшт консервалари 20 минг банкадан 10,6 млн. банкага етказилди.

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Стат. сбор. — Т., 1984. С. 129.
[2] *Камолов К.* Ел хызметинде. Еске тусириулер. — Нукус, 1995. 63-бет.

Урушдан кейинги йилларда автомобиль транспортини ривожлантиришга ва тупроқли йўлларни асфальтлашга бирмунча эътибор кучайтирилди. Узунлиги 164 км бўлган Хўжайли-Пристань-Нукус-Халқобод-Чимбой магистрал автомобиль йўли қурилди. Бироқ бу асосий муаммони ҳал қилолмади, халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган Чоржўй шаҳридан Хоразм ва Қорақалпоғистон орқали Қозоғистонга темир йўл қуриш зарур эди.

Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби Усмон Юсупов бу темир йўлнинг жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Марказ билан келишиб ўтирмасдан ва унинг розилигисиз Чоржўй-Қўнғирот темир йўли линиясини қуриш тўғрисида фармойиш берган эди. Қурилиш 1947 йилда бошланди. Ўша йили Хоразм, Шимолий Туркманистон ва Қорақалпоғистоннинг 100 мингдан ортиқ аҳолиси бу қурилишда қатнашиб, 40 кун ичида 5 млн. куб метрдан кўпроқ тупроқни рельслар остига ётқиздилар[1].

Автоном республика ҳукуматининг раҳбари Наврўз Жапақов бошчилигида 20.000 га яқин қорақалпоғистонликлар Дархонота-Урганч участкасида зарбдорларча меҳнат қилдилар. Бироқ Ўзбекистон раҳбариятининг бу ташаббуси Марказ томонидан қаттиқ қораланди. Усмон Юсупов 1947 йилнинг охирида ВКП(б) МҚ Сиёсий бюросида ҳайфсан олди, чунки ўша йили Ўзбекистон пахта тайёрлаш режасини бажармаган эди. Бундан фойдаланган Марказ У.Юсуповга пахта терими вақтида колхозчилар ва ишчиларнинг бутун кучи Чоржўй-Қўнғирот темир йўл қурилишига жалб қилинган, деб айб қўйди.

Шу тариқа, Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан ўлка тарихида биринчи марта Қорақалпоғистонда темир йўл қурилиши авж олдириб юборилди. Қурувчиларнинг меҳнат қаҳрамонлиги натижасида қисқа муддат ичида темир йўл магистрали Қорақалпоғистон чегараларига кириб борди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг Ўрта Осиё саҳролари орасида жуғрофий биқиқлиги даври тугади.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар шундай давр бўлдики, мафкуравий ҳаётда ижодкор зиёлиларнинг айрим вакиллари — Д.М.Дарибоев, Н.Довқораев ва бошқаларга нисбатан қувғинлар бўлди, кутубхоналардан «эскиликка сажда қилиш» деган баҳона билан «Алпомиш», «Едиге», «Маспатша» каби халқ оғзаки ижодининг дурдона асарлари олиб ташланди, қорақалпоқ халқи миллий-маънавий бойлигидан маҳрум қилинди.

Хуллас, Қорақалпоғистоннинг урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларидаги ривожланиши анча зиддиятли бўлди. Бу ҳол шундан кейинги даврда ҳам сақланиб қолди.

---

[1] *Сейтимбетов М.* Железнодорожное строительство в Каракалпакстане (1946—1975). Автореф. дисс. канд. ист. наук. — Нукус, 1994. С. 17.

Қорақалпоғистон ўзининг саноат жиҳатдан ривожланишида Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан орқада қолган эди. Бунинг сабабларидан бири энергетика базасининг қуввати етарли эмаслигида эди. Бош Туркман канали қурилишининг режасида қуввати 24 минг квт бўлган Тахиатош иссиқлик электр станциясини қуриш ҳам мўлжалланган эди. Гарчи Бош Туркман канали қурилиши бошқа жойда бунёд этилаётган бўлса ҳам орадан бир неча йил ўтганидан кейин Тахиатош ИЭСни барпо этиш бошланди. Бунинг учун махсус «Тахиаташгидроэнергострой» қурилиш трести ташкил этилди, у ўлкадаги энергетика саноатини барпо этишга асос солди. 1958 йилга келиб Қорақалпоғистонда 48,3 млн. квт соат электр қуввати ишлаб чиқарилди. 1956 йилда республикада Тахиатош ГРЭСни қуриш бошланди. Қисқа муддат ичида энергетиклар шаҳри вужудга келди. Тахиатош ГРЭСнинг биринчи навбати 1961 йилда фойдаланишга топширилди.

Марказ Ўзбекистон каби Қорақалпоғистон саноатини ҳам асосан пахтачилик билан боғлаган ҳолда ривожлантиришни мўлжаллаган бўлиб, саноатнинг бошқа тармоқларига эътибор қаратилмади. Ўлкада енгил саноат корхоналари секин суръатлар билан ташкил этилди. Султонуиздаг, Устюртнинг бой маъдан захираларидан эса умуман фойдаланилмади. Бу эса республика ва унинг аҳолиси моддий ва ижтимоий аҳволига анчагина зиён келтирди. Бунга қўшимча Қорақалпоғистоннинг урушдан кейинги йиллардаги сиёсий ҳаётидаги беқарорлик, маҳаллий кадрларга ишончсизлик билан қараш, туман раҳбарларидан тортиб республика миқёсидаги раҳбарларгача бўлган юқори лавозимларга Марказ вакилларининг қўйилиши автоном республика халқ хўжалигидаги аҳволига, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди.

60-йилларнинг бошларидан эътиборан иттифоқ сиёсий раҳбарияти томонидан ўйлаб чиқарилган машҳур «буюк ўн йиллик» сакрашлари бошланди, улар Қорақалпоғистонни ҳам четлаб ўтмади. Унинг олдига атайлаб амалга ошириб бўлмайдиган қуйидаги вазифалар қўйилди:

— Саноат соҳасида 20 йил мобайнида қамишдан фойдаланиш асосида учта корхона — целлюлоза-қоғоз комбинати, дунёда энг йирик целлюлоза-картон комбинати ва гидролиз заводи қуриш. 1980 йилда улар 122 млн. сўмлик, яъни 1960 йилда бутун Қорақалпоғистон саноати ишлаб чиқарган миқдорда маҳсулот бериши лозим эди. Натрий ва бошқа тузлардан, шунингдек, табиий газдан фойдаланиш асосида иккита кимё корхонаси қурилиши мўлжалланди. Натижада кимё саноати йигирма йилликнинг охирига бориб Қорақалпоғистон саноати 1960 йилда ишлаб чиқарган бутун маҳсулотнинг қийматидан деярли 3 баравар кўп маҳсулот чиқариши лозим эди. Йигирма йил мобайнида иккита йирик металл ишловчи корхона, 13 та пахта тозалаш

заводи, тўқимачилик ва пиллакашлик комбинатлари, чарм заводи, пойабзал ва тикувчилик фабрикалари, устки трикотаж фабрикаси, мўйначилик комбинати барпо этиш мўлжалланди; республика электр станцияларининг умумий қуввати 1350 минг квтни ташкил этиб, йилига 7400 млн. квт электр қуввати ишлаб чиқариши керак эди. Натижада республикада электр қуввати ишлаб чиқариш 130 баравардан кўпроқ ортиши лозим эди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида. Йигирма йилликнинг охирига бориб Қорақалпоғистонда 500 минг т.га яқин пахта, 100 минг т. шоли, 115 минг т. гўшт ва 220 минг т. сут ишлаб чиқариш мўлжалланди Экин экиладиган майдонлар эса 20 йил мобайнида 80% ортиши, шу жумладан, чигит экиладиган ерлар 45%, шоли экиладиган майдонлар 13,5 баравар ортиши лозим эди. Республика жамоа ва давлат хўжаликларида қорамоллар сонини 20 йил ичида 1,6 марта, шу жумладан, сигирларни 1,8 марта, қўйларни 4,4 марта (қоракўл терини — 6 марта), чўчқаларни 2,7 марта, паррандаларни 5 марта кўпайтириш режалаштирилди.

СССР сиёсий раҳбариятининг йигирма йил ичида Қорақалпоғистонда амалга оширилиши лозим бўлган «бош» режалари ана шулар эди[1]. Бироқ улар ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиқди, одатдагидек улар қогозда қолиб кетди.

60—70-йилларда Қорақалпоғистон саноатининг ривожланиши асосан енгил саноат, яъни пахта тозалаш ва озиқ-овқат саноатларини устивор ривожлантирилиши эвазига анча юқори бўлганлиги кузатилди.

Озиқ-овқат саноатида Муйноқ балиқ консерва заводи ўзининг ривожланиш чўққисига эришди, унинг ҳар йилги қуввати 17,4 млн. банкага етказилди. Бироқ Оролнинг қуриб бориши натижасида унинг балиқ захиралари ҳам кескин камайиб кетди. Шунинг учун 1975 йилдан бошлаб етишмайдиган хом ашё океан балиқлари билан тўлдирилди. Ана шу вақтдан бошлаб балиқ овлаш ички кўлларга ўтказилди, аҳоли балиқчиликдан астасекин шоличилик ва чорвачиликка ўта бошлади.

Қорақалпоғистон ишлаб чиқарувчи кучларининг янада ривожланиши Тахиатош ГРЭСи қувватининг ортиши билан (1970 йилда 769,7 млн. квт соат) мустаҳкам боғлиқ бўлди. У Ўзбекистоннинг энергетика тизими орқали Ўрта Осиё энерготизимига қўшилди, бу эса шаҳарлар, аҳоли пунктлари, саноат ва маданий объектларнинг электр қуввати билан мустаҳкам таъмин этилишига имкон берди. 1970 йилда республиканинг барча қишлоқ туманлари асосан электрлаштирилди.

Бухоро-Урал ва Ўрта Осиё-Марказ газ қувурлари қурилишида Қуйиамударё иқтисодий районининг эҳтиёжлари ҳисобга олинди: газ қувурлари қурилиши тажрибасида биринчи марта

[1] Очерки истории Каракалпакской АССР. Т.1. — Т., 1964. С. 202.



Тахиатош гидроузели. Қорақалпоғистон, 1985 йил.

Қизилқум ва Қорақум саҳроларининг қумлик барханлари, Устюртнинг тошли ясси тоғликлари, Оролбўйининг сувсиз кенг чўлларини енгиб ўтилди. Қорақалпоғистоннинг саноат корхоналари ва аҳоли пунктлари секин-аста газ билан ишлашга ўтказила бошланди.

Амударёнинг ҳар икки соҳили бўйлаб замонавий автомагистраллар: Газли-Урганч-Тахиатош-Қўнгирот-Муйноқ (қарийб 450 км), Дулдул-Тўрткўл-Беруний-Нукус-Қозоқдарё (330 км) ва Тошкент-Орол денгизи йўлларининг қурилиши 70-йилларда республиканинг ягона Ўзбекистон транспорт тизимига қўшилганини билдирар эди.

60—80-йиллардаги ислоҳотлар ўзининг бутун зиддиятли эканлигига қарамай, ҳар ҳолда Қорақалпоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини нисбатан ривожлантиришга ёрдам берди. Халқ хўжалигининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди, ирригация-мелиорация иншоотларининг бутунлай янгича тизими ташкил этилди. Бу ҳол қўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғоришда муҳим омил бўлди.

Айни вақтда Марказнинг моҳият эътибори билан мустамлакачиликдан иборат сиёсати туфайли республиканинг табиий-иқтисодий салоҳияти тўлиқ фойдаланилмади. 80-йилларда республика раҳбарларининг Султонуиздаг конининг фойдали қазилмаларини ўзлаштиришни жадаллаштириш борасидаги ташаббуси Марказ томонидан қўллаб-қувватланмади, бу ҳол Қорақалпоғистоннинг аҳолиси зич жойлашган ва меҳнат ре-

сурслари ортиқча бўлган жанубий туманларидаги бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш имконидан маҳрум этди.

Республикада индустриянинг машинасозлик, электротехника, кон-руда, кимё саноати каби тармоқлари ривожланмади. Саноат фақат бир томонлама, пахтачиликка ихтисослашган тармоғи, шунингдек, қисман бўлса-да, озиқ-овқат саноати ривожлантирилди. Бу бир томонлама ривожланиш республика иқтисодига путур етказди. Чунки Қорақалпоғистон хом ашёни четга чиқариш ҳисобигагина аҳолисининг фаровонлигини яхшилай олмасди.

40—80-йилларда Қорақалпоғистон маорифи, олий таълими, фани, маданияти ва санъати ўзига хос йўналишда ривожланди.

Халқ таълими мактаблари ва ўқувчилар сони муттасил ошиб борди. Агар 1940/41 ўқув йилида автоном республикада 603 умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда 91,9 минг ўқувчи таълим олган бўлса, 1983/84 ўқув йилида мактаблар сони 857 тага, ўқувчилар сони эса 284, 4 мингтага етди[1]. Лекин ҳамма мактабларнинг аҳволи бир хилда эмасди. Айниқса, қишлоқ мактабларининг аҳволи яхши эмас эди. Уларнинг кўпчилиги мослашмаган биноларда жойлашган, маъқул бинога эга бўлган мактабларнинг моддий-техника базаси талабга жавоб бермас, ўқитувчилар етишмасди. Қишлоқ мактабларининг бу аҳволга тушишига Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммолар ҳам анчагина таъсир қилган эди.

Уруш даврининг оғир шароитига қарамасдан, 1944 йилда Қорақалпоғистонда давлат педагогика институти очилди ва у республика учун ўқитувчилар тайёрлаб берадиган асосий маконга айланди. 1976 йилда педагогика институти Қорақалпоғистон Давлат университетига айлантирилди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон давлат педагогика институти ҳам фаолият кўрсатди. Автоном республика олий ўқув юртларида 1963/65 ўқув йилида 4,6 минг талаба ўқиган бўлса, 1983/84 ўқув йилида 6,1 минг талаба таълим олди[2]. Шунингдек, республикада 28 та ўрта махсус ўқув юртлари: учта педагогика билим юрти, тўртта қишлоқ хўжалик техникуми, автомобиль йўллари техникуми, гидротехникум, энергетика қурилиш техникуми, мусиқа-хореография ва медицина билим юртлари, маданий-оқартув техникуми ва бошқа ўқув юртлари фаолият кўрсатиб халқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаб бердилар. Уларда 80-йилларнинг охирига келиб 20 мингдан ортиқ талаба ўқиди. Қорақалпоғистоннинг кўпгина ёшлари иттифоқнинг турли шаҳарларидаги институт ва техникумларда ҳам таълим олдилар.

---

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Стат. сборник. — Т., 1984. С. 293—294.

[2] Ўша жойда, 300—301-бетлар.

Қорақалпоғистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги тил ва адабиёт илмий-тадқиқот сектори негизида 1939 йилда илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди, бу институт 1947 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси (ЎзССР ФА) таркибига кирди ва у Қорақалпоғистон экономика ва маданият институти деб аталди. 1956 йилда эса ЎзССР ФАнинг Қорақалпоғистон филиали ташкил қилинди[1]. Филиал таркибида тиббиёт фанлари комплекси институтлари, тарих, тил ва адабиёт институтлари, Ботаника боғи фаолият кўрсатди. Шунингдек, 1958—1972 йиллар давомида Қорақалпоғистонда Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг бир қатор филиаллари ҳам ташкил қилинди. Натижада Қорақалпоғистон олимлари фаннинг ботаника, химия, геология, физика, математика, экономика, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, педагогика, санъатшунослик ва бошқа соҳалари бўйича илмий-тадқиқот олиб бориш имконига эга бўлдилар. Бу йилларда Н.Довқораев. Я.Досумов, М.Нурмуҳамедов, С.К.Камолов, Қ.Аимбетов, Қ.М.Мақсетов каби бир қатор таниқли олимлар етишиб чиқди.

Қорақалпоғистон адабиётида анъанавий жанрлар билан бир қаторда драматургия, проза, танқидчилик каби янги жанрлар ҳам ривожланди. Миллий тилда матбуот ва китоблар нашр қилиш йўлга қўйилди. Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси тузилди. Қорақалпоқ адабиётининг А.Мусаев, С.Мажидов, А.Утепов, Қ.Авезов ва бошқа ёзувчи, шоирлари совет жамиятидаги ўзгаришлар ва «янги турмуш» куйчилари бўлиб майдонга чиқдилар. И.Каипназаров, Х.Сеитов, Ж.Сейтназаров, Х.Турумбетов, Д.Айтмуратов ва бошқалар 70—80-йиллар қорақалпоқ адабиётининг таниқли намояндалари эди.

Қорақалпогистонда мусиқа ва амалий санъат ҳам совет андозаси асосида ривожланди. Анъанавий миллий санъат турлари билан бир қаторда театр, рассомчилик, ҳайкалтарошлик каби муҳим соҳалар ҳам юзага келди ва ривожланди. Қорақалпоғистон рассомлари асарлари 1969 ва 1970 йилларда Москвада ташкил қилинган тасвирий санъат кўргазмаларида муваффақият қозонди.

Бинобарин, 40—80-йиллардаги оғир шароитда мустабид тузум томонидан алданиб ва бор-йўғидан айрилиб келган Қорақалпоғистон халқи ҳарбийлаштирилган тинч меҳнатнинг ҳаддан ташқари оғир бўлишига қарамасдан, барча қийинчиликларга бардош берди ва фидокорона меҳнат қилди. Шундай бўлсада, халқнинг ғайриинсонийликнинг барча шаклларига қаршилик кўрсатиш руҳи бекор кетмади, муқаддас озодлик олови одамлар қалбида сўнмади.

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврдан ҳозирги кунгача. — Т., 1974. 633-бет.

Тўртинчи боб

Ўзбекистон мустақиллик йўлида (1985—1991 йиллар)

1. СОЦИАЛИЗМНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА СЎНГГИ УРИНИШ: «ҚАЙТА ҚУРИШ» СИЁСАТИ

80-йилларнинг ўрталарига келиб СССРда танглик ҳолати кескин кучайди, у мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Мустабид тузум шароитида давлат мулки монополияси ва бошқарувда маъмурий — тақсимлаш тизими ҳукмронлиги тобора кучайиб борди, натижада ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, ялпи маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги шиддат билан пасайиб кетди, ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат самаралари ва шу кабилардан бегоналашуви янада ортиб борди.

Халқ хўжалигини таназзулга олиб келган чуқур издан чиқиш жараёнлари, халқ ижтимоий манфаатларининг назар-писанд қилинмаслиги каби бошқа омиллар билан биргаликда КПССнинг улкан, лекин кутилаётган натижаларни бермаётган иқтисодий сиёсати бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг оқсашини олдиндан белгилаб берди. Чунки бу вақтга келиб, халқнинг бунёдкорлик ғайрати партия-давлат тузилмаларининг сиёсий ҳукмронлиги билан бутунлай сиқиб қўйилган эди.

Сарф-харажатларга тўлиб-тошган совет иқтисодиётининг жиддий нуқсонлари, бошқарув тизимининг ўта марказлашганлиги ва тараққиётга тўғаноқ бўлаётганлиги марказий сиёсий раҳбариятни бу йўналишда муайян ислоҳотлар ўтказишга ундади. Масалан, 50-йил ва 60-йилларнинг ўрталарида совет жамиятини бир оз бўлса-да демократлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш жараёнларини ислоҳ қилишга уринишлар бўлган эди. Вақт жиҳатидан фарқ қилувчи ана шу ислоҳотлар стратегиясида халқ хўжалиги ва сиёсий соҳада, шунчаки жузъий ўзгаришлар қилиш билан чекланилган эди. Эскиликка ёпишиб олган ҳолда маъмурий тизим доирасида, иқтисодиётга партия раҳбарлиги ва унинг ҳаддан ташқари мафкура измида бўлиши шароитида қилинган ислоҳотлар кутилган натижа бермади, иқтисодиётнинг жонланишига эришиб бўлмади. «Аксинча, — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, — сўнгги ўн йиллар мобайнида сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб

юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига олиб келди».[1]

Мустабид тузум ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати, фан-техника тараққиёти бўйича бирин-кетин мавқени қўлдан бой бера бошлади, жаҳоннинг анча ривожланган мамлакатларига нисбатан орадаги фарқ хавфли равишда ортиб борди. Совет иқтисодиёти жаҳонда бу борада юз бераётган янгиликларга бутунлай эътибор бермайдиган бўлиб қолди, мутаассиблиги ва пухта эмаслиги билан ажралиб турди.

Бироқ, асосий хавф шундан иборат эдики, меҳнатга нисбатан қизиқтириш тизимининг нуқсонлари одамлар руҳиятининг бузилишига, боқимандалик кайфиятларининг авж олишига олиб келди. Яъни, И.А.Каримов сўзлари билан айтганда, «Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, ҳўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётининг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди»[2].

Ҳўжалик организмига мустабид тузум даврида ўрнашиб қолган иллатлар Ўзбекистон иқтисодиётига тагин ҳам кўпроқ даражада зарар етказарди. Йўл қўйилган қўпол хатолар, нуқсонлар, маданий ҳўжалик юритиш принципларининг тўғридан-тўғри бузилиши натижасида иқтисодиёт олға томон силжишида энг муҳим бўлган йўналишлар барбод бўла бошлади.

80-йилларнинг ўрталарида асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича республика иттифоқда охирги ўринлардан бирини эгаллар эди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ҳосил қилиш Ўзбекистонда ўртача иттифоқ даражасига қараганда икки баравар кам эди. Ўзбекистон аҳолисининг мамлакатдаги бошқа минтақаларга нисбатан моддий ва ижтимоий неъматлар билан таъминланиш даражасидаги фарқ жиддий равишда ортиб кетган эди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг янги мустамлакачилик режасига кўра республика иқтисодиёти учун бир томонлама, фақат «хом ашё» йўналишида бўлиш олдиндан белгилаб қўйилган эди. Натижада, республикада саноатнинг хом ашёга бирламчи ишлов бериш билан боғлиқ тармоқлари кўпроқ ривож топди. Саноатдаги тайёр маҳсулотнинг салмоғи умумий маҳсулотларнинг фақат 25%ни, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш эса ўртача иттифоқ даражасининг фақат 40%ини ташкил қиларди. Иқтисодиёт тизимидаги ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувидаги хатоликлар Ўзбекистон ресурс имко-

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 280-бет.

[2] Ўша жойда.

ниятлари ва экологик иллатларининг ортишига, моддий ва молиявий аҳволнинг ёмонлашувига олиб келди. Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришининг кўпайиши, асосан пахта тозалаш, ёқилғи саноати, ресурс соҳалари, қора ва рангли металлургия тармоқлари ҳисобига таъмин этилди. Қора ва рангли металлургия тармоқларининг улуши 60—65%га етди. Ҳолбуки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш салмоғи кўпи билан 2 банд юқори кўтарилиб 16%дан кўпроқни ташкил этган эди.[1]

Марказнинг ўта худбинлик асосида, фақат ўз манфаатини кўзлаб юритган сиёсати натижасида минтақалараро нооқилона алоқалар юзага келтирилди, бундай шароитда Ўзбекистондан унинг миллий манфаатларига зарар етказган ҳолда кўпроқ миқдордаги хом ашё ва чала маҳсулотлар олиб кетиларди, четдан эса асосан асбоб-ускуналар ва тайёр буюмлар келтирилар эдики, бу бошқа иттифоқдош республикалар билан ўзаро муносабатларда зиддиятларни чуқурлаштирар, жойларда ижтимоий-миллий тангликни вужудга келтирарди.

Республика халқ хўжалигининг бир томонлама (пахтачиликка) ихтисослашганлиги, инсон соғлиги учун зарарли бўлган кимё ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг ўйламасдан аҳоли зич яшайдиган жойларда қурилиши, қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачиликда кимёвий моддалардан, заҳарли пестицидлардан кенг фойдаланиши атроф муҳит, атмосфера, миллионлаб кишиларнинг яшаб турган жойларининг экологик аҳволини мураккаблаштириб юборди. Орол денгизининг шиддат билан қуриб бориши аҳволни янада қийинлаштирди, бу ҳол бутун Марказий Осиё минтақаси учун экологик муҳитни ҳалокат ёқасига олиб келди.

Ўзбекистондаги иқтисодий ва экологик кескинликни юмшатиш, миллий ўзликни англаш, Марказ томонидан ўтказилаётган тазйиқни бўшаштиришга бўлган уринишларни, республикага энг мақбул ва хос бўлган йўлларни белгилашга интилишнинг ҳар қандай кўриниши «маҳаллийчилик», «миллатчилик» деб қаралди ва қаттиққўллик билан барҳам топтирилди (ҳатто марказлашган ҳолда ажратиладиган маблағлар ва ресурсларни чеклашгача бориб етилди).

Мустабидчилик мероси ва иқтисодий танглик оқибатларини барҳам топтириш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриш ўрнига вақтли матбуотда, радио, телевидение ва шу каби воситалар орқали совет жамиятининг «муаммолардан холилиги», мутлақо «тангликсиз» ҳолда ривожланаётганлиги ҳақидаги, КПСС танлаган «социалистик тараққиёт йўлининг тўғрилиги» хусусидаги илгаридан ҳаммага маълум бўлган ақидалар, сафсаталар янграшда давом қилди. Бироқ унитар Совет давлатининг ўз халқига, ҳатто энг оз миқдордаги ҳаётий неъматларни, маданий дав-

[1] «Иқтисод ва ҳаёт». 1990, №5, 3-бет.

латларда бериладиган ижтимоий кафолатлар ва эркинликларни ҳам таъминлашга қодир эмаслиги кун сайин яққол маълум бўлиб борди. Халқ хўжалигидаги танглик ҳолатларининг шиддат билан ортиб бориши ижтимоий кескинликнинг авж олиши билан биргаликда қўшилиб социалистик тизимнинг таянч негизларига таҳдид солувчи хатарли сиёсий тангликка ўсиб ўтиш хавфини туғдирди. Бутун жамият ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлигини тақозо қила бошлади. Бироқ марказий мустабид давлатнинг М.С.Горбачев бошчилигидаги юқори партия-совет раҳбарияти жамиятда туб ислоҳотлар ўтказишни тезлаштириш зарурлигини фаҳмласа-да, лекин уни амалга оширишда шошилмади ва бу масалага ёндашувда жиддий хатоларга йўл қўйди.

Туб ислоҳотлар ўтказишда сусткашлик қилиш, ички вазиятнинг кескинлашувига, ёмон оқибатларга олиб келиш хавфини туғдирарди.[1] Боши берк мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини қийинчилик билан излаш бошланди. Ниҳоят, 1985 йилнинг баҳорида КПСС МҚнинг апрел пленуми совет жамиятини тубдан қайта қуриш, унинг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди. «Қайта қуриш» совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи, унда яшовчи миллатлар ва халқлар манфаатлари тақозо этган ҳаётий зарурат сифатида таърифланди.

Аввалги тугалланмаган ислоҳотлардан фарқли ўлароқ 1985 йилда жамиятни ҳар томонлама янгилашга ўтиш зарурлиги эътироф қилинди. Қайта қуришнинг таркибий қисмлари сифатида жамият ҳаётини демократлаштириш ва туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдир, деб эълон қилинди.

Ўша йиллардаги партия-ҳукумат ҳужжатларида жамиятни «турғунлик» иллатларидан тозалашга, уни «инқилобий янгилаш»га, оддий инсон эҳтиёжларига диққат-эътиборни кучайтиришга чақириқлар янги куч билан янгради.

Раҳбарликнинг эскириб қолган шакллари ва усуллари, туғаноқлик ва танглик ҳолатларининг мавжудлиги, жамиятда ошкора танқиднинг, фикрлар хилма-хиллигининг, ҳокимият тузилмаларида ва иқтисодиётни бошқаришда демократиянинг, Марказ билан миллий ўлкалар манфаатларида оқилона нисбатнинг йўқлиги, инсон омилининг етарли даражада ҳисобга олинмаслиги қораланди.

Бинобарин, сиёсат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида фикр эркинлигига, раҳбар лавозимларга сайлашнинг муқобиллигига йўл қўйиш, маҳаллий совет органлари ваколатлари ва масъулиятининг кенгайтирилиши назарда тутилди. Хусусан, маҳаллий совет органлари саноат корхоналарининг ўзларига бўйсунишидан ташқари улар фаолиятини назорат қилишлари, жойларда

[1] «Правда». 1987, 5 апреля.

кенг истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини қидириб топишлари, уларнинг сотилишини назорат қилишлари лозим эди. Давлат тизимини ислоҳ қилишда устиворлик миллий республикаларга кўпроқ мустақиллик берилишига қаратилмоғи керак эди. Иттифоқдаги мавжуд яккапартиявийликнинг сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини ҳеч бўлмаганда чеклаш, эквивалентли бўлмаган иқтисодий айирбошлашга, қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришга, республикалар, айниқса, Ўзбекистон учун зарарли бўлган ана шундай иқтисодий йўналишга барҳам берилиши зарур эди.

Бироқ қайта қуриш «концепцияси» аввалбошданоқ ноилмий бўлиб, у мағлубиятга маҳкум эди. Қайта қуриш борасидаги дастлабки тажрибаларнинг кўрсатишича, мамлакат сиёсий раҳбарияти биринчи кунданоқ «қайта қуриш» мафкурасини англаб етишда ниҳоятда соддалашган нуқтаи назар билан ёндашди. Қайта қуриш «концепцияси» «қардош» иттифоқдош республикаларнинг ҳаётий манфаатлари ва муаммоларини чуқур илмий таҳлил қилишга, уларни билишга асосланмаган эди. Уша даврда совет социалистик тузуми иқтисодий, сиёсий жиҳатдан улкан имкониятларга эга деб ҳисобланди, тарихий истиқбол социализм томонида деб қаралди. Социализмга сунъий равишда демократик қиёфа берилиб, мустабид тузумнинг мавжуд ярамас иллатларини «тасодифий ҳол», улар учун «социалистик жамиятда асос йўқ», шунинг учун уларни, айниқса, бошқарув тизимидан олиб ташлаш кифоя дейилди. Шу билан бирга, совет иқтисодиётининг, бутун хўжалик тизимининг ана шу иллатлари келиб чиқиши жиҳатидан социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятига, бозор иқтисодиёти имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишни инкор қилувчи коммунистик мафкура монополиясига боғлиқ эканлиги тан олинмади.

Мамлакатда қарор топган хўжалик юритиш тажрибаси СССР раҳбариятига социализм ривожланиб борган сари мулкчилик муносабатларининг тузилиши оддийлашади, унинг турли-туман шакллари бир-бири билан яқинлашиб қўшилиб кетади, иқтисодий жараёнлар давлат тасарруфига ўтади, деб даъво қилишларига имкон берди. Ана шунга асосланиб марказлашган раҳбарлик усуллари узлуксиз кучайиб бориши лозим, деган узоқни кўзловчи хулоса чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси социалистик ижтимоий тузумнинг, истисносиз барча ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилиги сақланиб қолган тақдирдагина, КПСС етакчилиги ҳеч нарса билан чекланмаган шароитдагина шундай бўлиши мумкин эди. Бошқача айтганда, «қайта қуриш» тажрибаси фақат партиянинг ижтимоий-сиёсий раҳбарлигини мустаҳкамлашни, жамиятни социалистик асосда ташкил этишни янада такомиллаштиришни, унинг фақат қис-

мангина, шунчаки, «пардоз бериш» тарзида янгиланишини назарда тутган эди.

Эскича услубда ёндашувлар таъсири шунга олиб келдики, ҳатто амалдаги хўжалик юритиш механизмини шунчаки ўзгартиришга қаратилган оддий бир концепция ҳам таклиф қилинмаган эди. Мулжалланган ислоҳотларнинг туб моҳияти ва хусусиятлари тўғрисидаги тасаввур ҳам қарор топмаган эди. Жамият ҳаётини тубдан қайта қуриш йўлидаги асосий тўсиқ мустабид тузум иллатлари, совет иқтисодиёти самарасизлиги, «қайта қуриш» ишбошиларининг мавжуд тузумни ўзгартиришга қодир эмаслиги ва буни мутлақо истамаслигида эди.

80-йилларнинг иккинчи ярми мобайнида рўй берган «қайта қуриш» ислоҳотлари туркуми субъектив тарзда, фақат ички ҳис-ҳаяжонга асосланиб, ихтиёрий равишда шунчаки синаб кўришлар ва хато усуллар билан ташқи томондан таъсирчан бўлишини умид қилиб, аниқ илмий жиҳатдан саводли ишлаб чиқилган, сиёсий жиҳатдан асослаб берилган дастурсиз амалга оширилди.

И.А.Каримов қайта қуриш сиёсати даврида иқтисодиётда рўй берган бузилишларни таърифлар экан, бундай деб таъкидлаган эди: «Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда бўлиб, авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга оғишлардан бошқа нарса эмас эди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлари лойиҳаларининг кўплиги ислоҳотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатлари — «беш юз кун» деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгартиришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаганлигидан далолат берар эди».[1] Шу билан бирга, иқтисодиётда, ижтимоий-маданий соҳада амалга оширилаётган, ҳатто энг юзаки «қайта қуриш» жараёнлари ҳам одатда шунчаки, ошкора сиёсий тус берилган жараёнлар эди.

Одатда, марказда ишлаб чиқиладиган дастурларда, аслида федерация субъектлари бўлган республикаларнинг манфаатлари назар-писанд қилинмасди. Бунинг устига, Марказ ўзининг кўпгина нуқсонларини республикалар зиммасига юклашга интиларди, ҳатто уларни ишлаб чиқаришнинг умумий инқирози, сўмнинг қадрсизланиши шароитида ҳам озиқ-овқат билан, халқ истеъмол моллари ва моддий ресурслар билан ўзларини таъминлашга мажбур қилди. Бу ҳол вужудга келган хўжалик алоқаларининг бузилишига, товар айирбошлаш тадбирларининг натура (маҳсулот билан айирбош қилиш) шаклига ўтишига олиб

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т., 1996, 280—281-бетлар.

келди, минтақавий хўжалик юритиш ғоясини вужудга келтирди ва ғайриинтеграцион жараёнларнинг кучайишига туртки бўлиб хизмат қилди. Бу ва кўпгина бошқа омиллар «қайта қуриш» тақдирини — мустабид тузумнинг социализмни ислоҳ қилишга қаратилган сўнгги уринишларини дастлабки кунданоқ зарба остига қўйди.

2. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА «ҚАЙТА ҚУРИШ»НИНГ САМАРАСИЗЛИГИ. ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МАРКАЗ МАНФААТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ

Иқтисодий ва илмий-маданий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳам қайта қуриш оқибатида пухта ўйлаб кўрилмаган волюнтаристик ислоҳотлар оқимига жалб қилинди.

Совет раҳбариятининг 1985 йилда мамлакатни ижтимоий-иқгисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан илгари сурган вазифасини бажариш борасидаги дастлабки уринишлари омад келтирмади. Иқтисодий тизимни қайта қуриш, унинг моддий базасини қайта кўриб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш, юқори даражадаги бошқарув тизими асосида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш мўлжалланган эди. Масалан, Ўзбекистон халқ хўжалигини жадаллаштириш умумдавлат дастурини таъминлаш режасида 1990 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 24—27%га оширишга эришиш, тармоқда меҳнат унумдорлигини 19%га, қурилишда 14%га кўтариш назарда тутилган эди. Айни вақтда 300 дан ортиқ йирик саноат объектини ишга тушириш, фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи саноат тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни 1,4 баравар ошириш мўлжалланди.

Маррага эришиш учун асосий восита сифатида «режалаштириш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш», «ижтимоий негизда соғлом товар-пул муносабатларининг амал қилишини» таъминлаш, «хўжалик ҳисоби» асослари имкониятидан фойдаланиш белгиланди. Корхоналарнинг «хўжалик ҳисобига», «ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга» ва «ўз-ўзини бошқаришга» ўтказилиши дастлабки вақтларда меҳнат жамоалари орасида ўз ҳуқуқларини тўлароқ амалга ошириш билан боғлиқ бўлган катта умидлар уйғотди. Бу эса республикада хўжалик ҳисобида ишлашга ўтиш ташаббусининг авж олишига сабаб бўлди. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3 минг киши меҳнат қиладиган ва хўжалик ҳисобида ишлайдиган 76 та бригада ташкил этилди. Энг муҳими шундаки, корхонада хом ашёни, материалларни тежашга бўлган эътибор кучайди. Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бошқармасида 1988 йилда «ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш» усулида ишлашга ўтилди ва кейинги

йилда олинган фойда 31,6 млн. сўмни ташкил этди, бу мўлжалланганидан деярли 11 млн. сўм ортиқ эди.[1] Лекин, зўр бериб қилинган даъватларга қарамасдан, «хўжалик ҳисобида ишлаш»-ни жонлантириш соҳасидаги ишлар амалда унчалик авж олиб кетмади. У фақат айрим ишлаб чиқариш жамоаларини меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада шаклига ўтказишдагина ўз ифодасини топди, холос.

Бироқ меҳнат жамоаларидаги айрим ходимларнинг қўлга киритган юқори ишлаб чиқариш натижалари ҳам оқсаш жараёнларининг ортиб боришини яшира олмади. Пухта ўйлаб кўрилмаган қарорлар, уларни жорий қилишдаги жиддий нуқсонлар, маъмурий сиқувнинг давом этиши, жадаллаштириш концепциясидаги камчиликлар халқ хўжалигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, қайта қуриш дарҳол оқсай бошлади. Марказ томонидан ўйлаб топилган «пахта иши» туфайли юз бераётган қонунбузарлик тўлқини, республиканинг И.Усмонхўжаев бошлиқ раҳбариятининг Москва олдида «қуллуқ» қилиб, унинг иродасини бажаришга «жон-дили» билан киришгани, Ўзбекистонда Марказ нима хоҳласа шуни қилганлиги республиканинг ижтимоий-сиёсий аҳволини янада мураккаблаштирди.

Зиддиятли «қайта қуриш» сиёсати оқибатида республика иқтисодиётида танглик ҳолати чуқурлашиб, саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайиб кетди. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлари ҳам кескин ёмонлашди, фондлар ҳисобидан келадиган фойда камайди. Республика иқтисодиётининг, шу жумладан, саноат тармоқларининг ривожланиши муттасил экстенсив омиллар, уюштирилган қийин-қистов ҳисобига амалга оширила бошланди. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ҳам сезиларли равишда пасая бошлади. Масалан, ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи Ўзбекистонда умумиттифоқ бўйича 1975 йилдаги 93,7%дан 1987 йилда 81,3%га тушиб қолди, аҳоли жон бошига истеъмол фонди ҳажми тегишли равишда 66%дан 58%га камайди. Натижада халқнинг давлат томонидан эълон қилинаётган ўзгаришларига ишончи йўқола борди, унинг қайта қуришга бўлган муносабати ўзгара бошлади.

Буларнинг ҳаммаси иттифоқ ҳукуматини 1988 йилда «турғунлик»нинг ҳақиқий сабабларини аниқлашга объективроқ ёндашишга, янгиланиш «концепцияси»ни янада чуқурроқ ишлаб чиқишга ундади. Бошқача айтганда, қайта қуриш мантиғи ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг кескинлашуви бутун иқтисодий тизимда ва хўжаликни бошқариш механизмида жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлигини тушунишга олиб келди.

Иқтисодий ислоҳотнинг янгиланган концепцияси бошқаришнинг маъмурий усулларидан кўпроқ иқтисодий усулларига ўтишга йўналтирди, лекин бу чора-тадбирлар коммунистик маф-

[1] «Правда Востока». 1989, 18 ноября.

кура йўл-йўриқлари доирасида амалга оширилганлиги сабабли кўпгина илғор ташаббуслар кутилган натижа бермади.

Бошқарувнинг юқори поғонасини «такомиллаштириш»ни диққат марказига қўйган олдинги тадбирлардан фарқли ўлароқ ислоҳотларнинг янгиланган дастури биринчи навбатда иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган корхоналарни (бирлашмаларни) ўзгартиришга қаратди. «Совет иқтисодиётини қайта қуриш»нинг йўналишини белгилаб берувчи ҳужжатлар қаторига 1987 йил июн ойида қабул қилинган «Давлат корхонаси тўғрисидаги» қонун етакчи ўрин эгаллади. Унда таъкидланишича, хўжалик юритишнинг шарт-шароитлари ва усулларини тубдан ўзгартириш, корхоналар фаолиятида марказлаштириш билан «тўлиқ хўжалик ҳисоби»ни бирга қўшиб олиб бориш, мустақиллик ва масъулият, буларнинг ҳаммаси меҳнат жамоалари учун янги шаклда ўз-ўзини бошқаришнинг кундалик қоидасига айланиши лозим эди. Бироқ бу қонунни ва қайта қуришга доир бошқа ҳужжатларни («Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги қонун ва ҳоказоларни) тузиб чиқишдаги услубий ёндашувнинг ўзи «социалистик хўжалик юритиш», директива асосида режалаштириш ва давлат мулкнинг барча шаклларига ҳукмрон бўлиши зарурлиги каби аввалги эски тасаввурларга асосланган эди. Бу ҳол мазкур қонун ва ҳужжатларнинг аввалбошдан зиддиятли, чала-ярим ва яроқсиз бўлишини белгилаб берди. Корхоналарнинг чекланган мустақиллиги объектив иқтисодий қонунларга амал қилишга имкон бермасди. Корхоналарни тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш ҳам ўзини оқламади, чунки «социалистик хўжалик юритиш» тизими раҳбарликнинг буйруқбозлик усуллари объектив жиҳатдан соғлом товар-бозор муносабатларининг намоён бўлишига тўсқинлик қиларди.

Интилишлар ижобий бўлишига қарамасдан, ислоҳотларнинг самараси унчалик катта бўлмади. 1988 йилда Ўзбекистонда мавжуд 1267 та йирик саноат корхонасидан атиги 320 таси (25,3%) тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлар эди. Бу корхоналардаги ишлаб чиқариш ҳажми (улар республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 55,7%ини тайёрлаб берарди) ўтган йилнинг аввалги давридагига нисбатан 4,7%и ортди, ҳолбуки, бу кўрсаткич хўжалик ҳисобига ўтказилмаган корхоналарда 0,7%га қисқарди. Бироқ республика саноати шартнома мажбуриятлари асосида маҳсулот сотиш режасини фақат 98,6% қилиб бажарди, янги шароитда ишлаётган корхоналар эса 98,4% қилиб адо этди.[1]

Кўпгина корхоналарда ички имкониятларни сафарбар қилишни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратилмаган эди. Масалан, «Ўзбекрези-

[1] «Ўзбекистон коммунисти». 1988, №11, 22-бет.

нотехника», «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Наманган машинасозлик заводида дастлабки хўжалик ҳисобидаги буғинлар моддий ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш ва сақлаш учун зарур шарт-шароитларга, иш ҳақининг узоқ муддатга мўлжалланган барқарор норматив фондларига эга эмас эдилар.

Давлат буюртмалари тўғрисидаги масала анча мураккаб эди, у расмий режалаштириш ўрнини эгаллаши лозим эди. 1988 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган бутун товар маҳсулотининг 39,2%и давлат буюртмаси ҳисобланарди.[1] Бироқ ишлаб чиқариш дастури ва маҳсулот етказиб беришнинг давлат буюртмалари билан қамраб олиш даражаси юқори бўлса-да, режалиликни етарли даражада таъминлай олмасди. Бунга сабаб шу эдики, тармоқ вазирликлари ва идоралари ҳукмрон мафкура тафаккуридан келиб чиқиб, давлат буюртмаларини расмийлаштириш вақтида кўпинча бундай буюртмалар билан корхоналарнинг барча ишлаб чиқариш қувватларини банд қилиб, асосан харидоргир бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мажбур қилардилар. Масалан, 1988 йилда қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари бўйича давлат буюртмалари бутун ишлаб чиқариш дастурининг 90%дан ортиғини, станоксозлик саноатида эса 85%ни эгаллади.

Одат бўлиб қолган кампаниябозлик хўжаликни бошқариш механизмини қайта қуришга салбий таъсир кўрсатди. Кўпгина тармоқларда хўжалик ҳисобини ташкил этиш хўжакўрсинга қилинди. Шундай ҳоллар ҳам учраб турардики, меҳнат жамоалари ҳисоботларида янги иқтисодий шароитда ишлаётгандек қилиб кўрсатиларди, ҳақиқатда эса у ерда хўжалик ҳисоби асослари бутунлай жорий этилмаган бўларди. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа жойларда хўжалик ҳисобида ишловчи бригадаларни ташкил этишга юзаки ёндашдилар. Барҳам бериш қийин бўлган ярамас одатлардан бири яхши ишлаётган корхоналарнинг маблағларини кам самара билан ишлаётган корхоналар фойдасига қайта тақсимлаш принципи эди.

Сифат муаммоси ҳаддан ташқари кескин тус олиб кетди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида маҳсулотнинг давлат қабули жорий этила бошланди. 1986 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини давлат қабули бўйича 27 та пост назорат қилган эди. 1987 йилда давлат қабули шароитида ишловчи корхоналарда яроқсизга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 833 минг сўмликни ташкил этди. Давлат қабули жорий этилган 33 корхонада ҳар ойда ўрта ҳисобда 0,9 млн. сўмлик маҳсулот қабул қилинмас эди.[2]

---

[1] Ў ш а ж о й д а. 24-бет.

[2] «Правда Востока». 1987, 28 июля.

Ҳаётий тажриба шуни тасдиқладики, ҳақиқий маъмурий чора ҳисобланган давлат қабули ишлаб чиқаришдаги таназзулни тўхтатиш у ёқда турсин, ҳатто бу жараённи секинлаштира олмади. Маҳсулотлар юқори сифатли бўлиши учун ишлаб чиқариш жараёнини тубдан янгилаш билан боғлиқ бўлган ғоятда кенг тадбирлар мажмуини амалга ошириш талаб қилинарди. Бир томондан, молиявий маблағлар ва моддий ресурсларнинг йўқлиги, иккинчи томондан, расмий ҳокимият органлари режа топшириқларининг бажарилишини қатъият билан талаб қилиши давлат қабулининг юзакилашувига олиб келди. Маъмуриятнинг тазйиқ кўрсатиши оқибатида сифат масаласи секин-аста иккинчи даражали масала бўлиб қолди. Агар 1986 йил декабрида давлат қабули талаби билан 60% маҳсулот қабул қилинган бўлса, 1987 йилнинг январига келиб 48,5% маҳсулот давлат қабули талабига жавоб берди.[1]

Фондлардан олинадиган самара ўсишидан корхоналар ишининг сменалилик даражасини оширишга катта умид боғланган эди. 1986 йилдан бошлаб республиканинг қарийб 300 та корхонаси сменалилик тартибида ишлаш режимига ўтди. Натижада 1986—1987 йиллар мобайнида фондлардан олинадиган самара ўрта ҳисобда 16% ўсди, қўшимча равишда 30 млн. сўмлик маҳсулот чиқарилди, ижтимоий ишлаб чиқаришга 20 мингдан ортиқ киши жалб қилинди.[2] Ресурсларни, материалларни, ёқилғини ва энергияни тежаш соҳасидаги ишлар бирмунча фаоллаштирилди. Бироқ бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси амалий тусда бўлмади.

Иқтисодиётни тартибга солиб турувчи ҳақиқий қонунларнинг йўқлиги товар ва пул массаси ўртасидаги номутаносиблик, меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақи ўртасидаги нисбатнинг бузилишига олиб келди. Кўпгина маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми пасайди, моддий ва молиявий номутаносиблик кучайди, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб кетди, товарлар танқислиги тобора кенгайиб борди. Масалан, 1989 йилда ҳар икки муҳим маҳсулотдан бири бўйича топшириқ бажарилмади, ҳар уч маҳсулотдан бири бўйича ишлаб чиқариш ҳажми пасайди. «А» гуруҳи тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режадагидан 3 баравар кам бўлди. Машинасозлик, кимё ва агросаноат мажмуи корхоналари режа топшириқларини бажаришни таъминлай олмадилар.

Энг зарур товарларни ишлаб чиқариш соҳасидаги аҳвол ниҳоятда огир бўлди. Енгил саноат корхоналари 52,5 млн. сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар, шу билан бирга, ҳар саккиз корхонадан бири режани барбод қилди.[3]

---

[1] «Правда Востока». 1987, 24 апреля.
[2] Ўша жойда.
[3] «Правда Востока». 1989, 22 декабря.

80-йилларнинг охирларига келиб шу нарса яққол кўзга ташландики, «иқтисодий ислоҳотлар» мустабид сиёсий тузумнинг эскилик тарафдори эканлигини, партиянинг диктаторлиги энди қўл келмаётганлигини кўрсатди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида 1989 йилдан бошлаб иқтисодиётда, ижтимоий ва маданий соҳаларда таркибий ўзгаришлар қилиш учун айрим ҳуқуқий шарт-шароитлар яратила бошланди. Ана шу мақсадда бир қатор муҳим ҳужжатлар тасдиқланди. Бу жараён И.А.Каримов Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби бўлиб сайланганидан сўнг (1989 й. июн) сезиларли миқёсда фаоллашди. Унинг ташаббуси билан ҳўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини ўзгартириш борасидаги ишлар жиддий тус олди, иқтисодиётдаги маъмуриятчилик ва салбий ҳодисаларга қарши кураш кенгайиб борди. Ижара ҳақидаги, мулкчилик ва ер тўғрисидаги қонунлар ўша йилларда ўта мураккаб бўлган Ўзбекистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, «қайта қуриш»нинг «якунловчи» босқичида мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шакллари соҳасида қўлдан бой берилган фикр эркинлигининг тикланиши эътиборга лойиқ ҳодиса бўлди. 20-йиллардаги янги иқтисодий сиёсатдан кейин биринчи марта давлат ва колхоз-кооператив мулкидан ташқари мулкчиликнинг жамоа, ҳиссадорлик, шахсий шакллари ҳам қонуний мақомга эга бўла бошлади. Марказий раҳбариятдан фарқли ўлароқ мулкчилик муаммосига Ўзбекистонда анча жиддийроқ ёндашилди, бу ерда юқорида санаб ўтилган мулкчилик шакллари билан бир қаторда хусусий мулкчилик ҳам жорий этила бошланди.

Гарчи «социалистик» тушунишда бўлса ҳам, бозор муносабатларига ўтилиши, бу жараёнда корхоналар ва ишлаб чиқариш жамоаларининг тутган ўрни тўғрисидаги масалани кескин қилиб қўйди. 1990 йил июн ойида қабул қилинган «СССР корхоналари тўғрисида»ги қонун[1] корхоналарнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини анчагина кенгайтирди. Ўша вақтдан бошлаб корхоналар мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига асосланадиган, солиқларни тўлагандан кейин қолган соф фойдадан мустақил фойдаланадиган, ўзларининг давлат билан муносабатларини фақат бозор асосларида белгилайдиган бўлдилар.

Афсуски, ҳатто қисман ислоҳ қилинган совет ижтимоий ва давлат тузуми ҳам давлат тасарруфидаги иқтисодиётдан ҳаётий жиҳатдан муҳим бўлган бозорга ўтишга объектив равишда қийинчилик туғдирди. Мустабид тузумнинг «социалистик» бозорни таркиб топтиришга интилиши илғор ташаббусларни ва «қайта қуриш»ни тўла-тўкис барбод қилишни назарда тутар эди. Миллий республикаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг чинакам иқтисодий ва сиёсий мустақил эмаслиги бозор муносабатларига ўтишга тўсқинлик қилди.

---

[1] «Известия». 1990, 13 июня.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги яроқсиз ёндашувлар халқ хўжалигини, унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришдаги номутаносиблик Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда кескинликни авж олдирди. Иттифоқ билан минтақавий халқ хўжалик алоқаларининг бузилиши, ҳамма жойда режалаштирилган асбоб-ускуналар, бутловчи материаллар ва ҳоказолар етказиб беришнинг барбод бўлишини чуқурлаштирди. Буларнинг ҳаммаси республика сиёсий раҳбариятининг салбий тамойилларни тўхтатиб қолиш, миллий иқтисодиётни соғломлаштириш борасидаги имкониятларини чеклаб қўйган эди.

Шунга қарамасдан, 1989 йилнинг охирларидан эътиборан самарали мустақил иқтисодиётга эришишга қаратилган йўл тобора яққолроқ кўзга ташлана бошлади. Саноат ишлаб чиқариши соҳасида корхоналарнинг зарар кўриб ишлашига барҳам беришга, уларнинг рентабеллигини оширишга, товарлар танқислиги ва шу кабиларга барҳам беришга қаратилган чоратадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Зарар кўриб ишлаётган бир қатор корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатилди, кўпгина саноат жамоаларига банк кредити очилди, корхоналарнинг кооператив шаклларига ва ижара муносабатларига ўтиши рағбатлантирилди. Ижара пудратига ўтказилган корхоналар умидбахш натижалар берди. Масалан, ижара муносабатлари асосида ишлайдиган 15 та корхонада 1989 йилнинг охирига келиб маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиши 6,2%ни ташкил этди.[1] Халқ истеъмол моллари ҳажмини кўпайтиришда ижобий тамойиллар кўзга ташланди. «Б» гуруҳи тармоқларининг салмоғи 1988 йилдаги 26,7%дан 1989 йилда 28,7%га кўтарилди.[2]

Бироқ «оғирлашиб», серхаражат бўлиб қолган совет иқтисодиётининг иллатларини барҳам топтириш эндиликда мумкин эмасди. Чунки республика иқтисодиётининг барча соҳаларида таназзул давом этмоқда эди. Масалан, кейинги совет беш йиллиги мобайнида фондлардан олинадиган самара 11% пасайиб кетди, ёқилғи-энергетика мажмуидаги мавжуд қувватлардан ўрта ҳисобда 81%, қишлоқ хўжалик машинасозлигидаги қувватлардан 72%, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги қувватлардан 90% фойдаланилди, холос.[3] Меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳаларида ҳам сифат ўзгаришлари кўзга ташланмади.

«Қайта қуриш»нинг сўнгги йилларида республика ишчилари ва хизматчиларининг ижтимоий ривожланишида мураккаб

---

[1] «Правда Востока». 1989, 22 декабря.

[2] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статежегодник. — Т., 1991. С. 198, 218.

[3] Ўша жойда, 194, 199, 200-бетлар.

ва зиддиятли жараёнлар содир бўлди. Уларнинг миқдор жиҳатидан ўсишида сифат ўзгаришлари юз бермади, бу кўрсаткич аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолди, бу ҳол ишчи кучининг анча ортиқча бўлиб қолишига олиб келди. Айниқса, бу ҳол Фарғона водийси вилоятларида жиддийроқ тус ола бошлади. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши бу зиддиятли жараённи юмшата олмади. Кадрлар тайёрлашда уларнинг иш ҳақи даражаси, меҳнат шароитлари, турли мутахассисликлардаги ходимларнинг нуфузи ва ҳоказолар каби талаблар қондирилмади. 80-йилларнинг охирига келиб қарийб 20 минг олий маълумотли мутахассис ва 140 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли мутахассислар ақлий меҳнат билан эмас, балки жисмоний меҳнат билан банд бўлдилар.[1]

Миллий ишчи кадрларни шакллантириш муаммоси аввалгидек кескин бўлиб қолаётган эди. Саноатда банд бўлган маҳаллий миллат кишиларининг салмоғи ниҳоятда кам эди. Масалан, Тошкент трактор заводида ўзбек ишчиларининг салмоғи 80-йилларнинг охирида қарийб 17%ни, «Эталон» ишлаб чиқариш бошқармасида 22%ни ташкил этди.[2] Миллий меҳнат ресурсларининг саноатга келишига қўл меҳнатининг юқори даражада эканлиги, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат жараёнларининг бир хилдалиги, уй-жой олишнинг, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан жой олишнинг узоқ муддат кутилиши халақит берарди.

Иш билан банд аҳоли меҳнатдаги фаоллигининг пасайиб кетиши салбий ҳолатлар ортиб боришининг таҳликали белгиларидан бири эди. Меҳнат унумдорлигининг режалаштирилган 18% ўсиши ўрнига саноатда ўрта ҳисобда 1985 йилга нисбатан фақат 12%, қурилишда 7% бўлди, енгил саноат тармоқларида эса ҳатто 2% камайиб кетди.[3]

Шундай қилиб, мустабид Совет давлатида қарор топган ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари саноат ишлаб чиқаришининг юқори самарада ривожланишига объектив равишда тўсиқ бўлди. Марказнинг амрига бўйсунган республика индустрияси маҳаллий аҳолининг туб манфаатларини ҳисобга олишга мўлжалланмаган эди, шу сабабдан уни социалистик асосда ислоҳ қилишга уриниш муқаррар равишда барбод бўлди.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби, Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ҳисобланган аграр соҳа ҳам шундай қисматга учради. Ўзбекистондаги бу соҳадаги сиёсат стратегияси «қайта қуриш» йилларида умумиттифоқ аграр сиёсатидан амал-

---

[1] ЎзР Давлат статистика қумитаси жорий архиви. 1990 йилги материаллар. 20-25-бетлар.

[2] *Таксанов А.* Социальная политика и рабочий класс. — Т., 1991. С. 92.

[3] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. С. 203, 320.

да фарқ қилмас эди. Аввалгидек бу сиёсат Марказ манфаатлари йўлида пахтачиликни жадал ривожлантиришга қаратилган эди.

80—90-йиллар чегарасида мустабид-империяча режим сақлаб қолиниши оқибатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси чинакам ислоҳотчилик мазмунига эга бўла олмади. Қишлоқ хўжалигида рўй берган кескин вазият муқаррар равишда қўшимча жиддий чора-тадбирлар белгилашни талаб қиларди. Муаммодан қутулишнинг бирдан-бир йўли фақат формацион ўзгаришлар қилиш, маданий бозор муносабатларини қарор топтириш, ерга бўлган муносабатни қатъиян ўзгартиришдан иборат эди, бу эса ўша шароитда мумкин эмасди.

«Қайта қуриш» ислоҳотлари тажрибаси шуни ишонарли тарзда кўрсатдики, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш режаси ҳам, аграр ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратлар ҳам, кенг миқёсда ирригация-мелиорация ишларини ташкил этиш ҳам, кадрларга доир муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуи ҳам қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлай олмади. Нисбатан озгина юксалишдан кейин яна муқаррар таназзул бошланар эди.

Бунинг сабаби аграр соҳада ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларнинг характерида эди. Уларнинг ўзагини деҳқончиликка ва умуман қишлоқ хўжалигига маъмурий-буйруқбозлик билан ёндашув ташкил этарди. Иқтисодий муносабатларнинг келиб чиқиш жиҳатидан яроқсизлиги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги нотенг айирбошлаш, қишлоққа ресурсларнинг қолдиқ принципи бўйича ажратиб берилиши, хўжалик ҳисоби асосларининг йўқлиги тенглаштириш принципини, ижтимоий пассивликни келтириб чиқарди, бу эса ўз навбатида шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг мос келишига халақит берди.

Совет давлатининг иқтисодий бошқарув тузилмалари бу иллатнинг ҳақиқий барҳам топиш воситаси бригада пудратини ташкил этишдан иборат деб билдилар, бу меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради деб ҳисобладилар. Бу ҳол бошқарув тизимини ўзгартиришни талаб қиларди, бу эса пировард натижада мазкур буғиннинг янги шакли РАПО (район агросаноат бирлашмалари)нинг пайдо бўлишига олиб келди. РАПОлар қишлоқ хўжалигини «юксалтириш»нинг навбатдаги «қутқарувчи» воситаси бўлиб, ҳақиқатда янги маъмурий-бошқарув органи, аграр сектордаги янги маҳкама диктатурасига айланиб қолди.

Жамоа пудрати ғояларининг бой имкониятларини ҳам рўёбга чиқариш имкони бўлмади. Бригада ва звено пудратлари шошилинч равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида қўллана бошланди. 80-йилларнинг ўртала-

рига келиб бригада пудрати асосида ишлаётган қишлоқ аҳолисининг умумий салмоғи республика агрохўжаликлари ходимларининг умумий миқдорида 44,5%ни ташкил этди.[1]

Айрим пудрат бўлинмаларининг юқори кўрсаткичларга эришишларига қарамасдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмади.

1986 йил мартда бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда «бошқарувнинг иқтисодий усулларига» ўтилганлиги «тантанавор» эълон қилинди. Ҳужжатларда қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг асосий воситаси режали ишларни такомиллаштиришдан иборат деб ҳисобланди: режа топшириқларини «эришилган даражадан» белгилаш принципи қораланди. Бироқ бу усул ҳам бир маъмурий восита ўрнига бошқа, ундан кўра «такомиллашган» воситани юзага келтирди. Бошқа бир қатор янгиликлар, хусусан, АСМ (агросаноат мажмуи)нинг тақдири ҳам ана шундай бўлди, у аслида бошқариб бўлмайдиган тизимга айланиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўшимча тўсиқ бўлиб хизмат қилди.

Хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини қайта қуриш, «социалистик» товар-пул муносабатларининг имкониятидан фойдаланиш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳам кутилган натижа бермади. Қисман хўжалик ҳисобидан тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиш товар-бозор муносабатларининг фаол қўшилишидан иборат устивор йўналиш бўлиб қолади, деб тахмин қилинган эди. Унинг асосий мазмуни АСМнинг барча бўғинларини ўз харажатларини ўзи қоплашга, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш, нарх, кредит, фойда, рентабеллик каби иқтисодий омиллардан кенг фойдаланишдан иборат деб ҳисобланган эди.

Хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришга қаратилган «порлоқ келажак» ваъда қилувчи чора-тадбирлар одатда чекланган тарзда амалга оширилди.

Қишлоқда «қайта қуриш» асосидаги хўжалик юритиш шаклларини ва меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш соҳасидаги ташқи жиҳатдан жўшқин бўлиб кўринган фаолият заминида аввалги йиллардаги каби кўп учрайдиган кўзбўямачилик, расмиятчилик, деҳқонларнинг манфаатларини эсдан чиқариб қўйиш, АСМ раҳбарларининг тезроқ рапорт беришга интилиши каби иллатлар яширинган эди. Афсуски, жорий қилинган янгиликлар (масалан, ижара, хўжалик ҳисоби) сунъий хусусиятга эга бўлиб, меҳнатни ташкил этишнинг эскириб қолган шаклларига асосланган эди, улар пировард натижаларни, маҳсулот сифатини ҳисобга олмас эди. Самаранинг йўқлигига сабаб мустабид тизимнинг иқтисодий янгиликларни тан олмаслигида, деҳқонга ҳақиқий эркинлик беришни истамаслигида эди.

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. С. 187.

Салбий ҳолатларнинг ортиб бориши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги йилдан-йилга пасайиб борди. 1989 йилнинг бошларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳатто ўртача йиллик даражага ҳам бормади, 3 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот берилмай қолди. Ғалла, пахта, полиз экинлари тайёрлаш режалари сурункасига бажарилмай келди. Фақат 1986—1987 йиллар мобайнида етказиб берилмаган пахтанинг миқдори 1.576 минг тоннадан ортиқ эди. Асосий деҳқончилик экинларининг ҳосилдорлиги барқарор пасайиб борди.

Пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ иллатлар республиканинг қишлоқ иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишда давом этди. Чигит экиладиган майдонлар кўп бўлишига (75%) қарамасдан, пахта экиладиган ерлар доимий равишда кўпайтириб борилди. Айни вақтда пахта етиштириш режа топшириқлари ҳам кўпайди, бу Ўзбекистоннинг имкониятларига мутлақо мос келмас эди. Мазкур муаммони қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар, пахта терими даврида шаҳарликлар, талабалар, мактаб ўқувчиларининг меҳнатидан сурункали фойдаланиш эвазига ҳал қилишга интилдилар. «Ялпи» пахта ҳосили, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори ортидан қувиб, кўпгина хўжаликлар уларни етиштириш технологиясини буздилар, экинларга оширилган миқдорда азотли ўғитлар солинди, айниқса, пахта зараркунандаларига қарши курашда, унинг баргини тўкишда заҳарли кимёвий моддалардан меъёрсиз фойдаланилди. Натижада атроф муҳит заҳарланди, ернинг таркиби бузилди, инсонлар соғлигига зарар етказилди.

Меҳнатни ташкил этишдаги, айниқса меҳнатга ҳақ тўлашда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар қишлоқ меҳнаткашларини лоқайд қилиб, уларни бефарқликка маҳкум этди.

Ўзбекистондаги кескин аграр муаммолар, айниқса республика қишлоқларида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятни юмшатиш учун дастлабки ҳаракат фақат республика юқори раҳбарияти алмаштирилганидан сўнг бошланди. Республиканинг янги раҳбарияти дастлабки кунданоқ Ўзбекистон халқлари миллий манфаатларини ҳимоя қилиб чиқди, уларнинг азалий, йиллар давомида тўпланиб қолган эҳтиёжларини изчил ҳал қилишга интилди. Диққатга сазовори шундаки, янги раҳбарият пахта яккаҳокимлигига қарши кескин кураш олиб боражагини ўша мустабид тузум «ҳаётлиги»даёқ очиқ эълон қилди. И.А.Каримов ачиниш билан қайд қилиб ўтганидек, «Пахта яккаҳокимлиги республикага Марказ амри билан тиқиштирилган бўлиб, Ўзбекистонга, унинг аҳолисига беҳисоб зарар келтирди».[1]

Республика раҳбариятининг кўрган чора-тадбирлари нати-

[1] «Ўзбекистон коммунисти». 1990, № 8, 19-бет.

жасида (чигит экиладиган майдонларнинг камайтирилиши, пахта тайёрлаш режасининг муътадиллашуви ва ҳоказолар) 1990 йилдаёқ экин экиладиган майдонларнинг умумий миқдорида пахтанинг салмоги 63,9%га туширилди.[1]

Айни вақтда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг бошқа турлари маҳсулотлари нархларини қайта кўриб чиқиш масаласи кўтарилди.

1989 йилда хўжалик юритишнинг янги шакли — фермерлик вужудга келди. Ўзбекистонда ўша йилларда фермер хўжаликлари сони бирмунча камроқ эди. Улар ҳали кўп жиҳатдан агрокорхоналар маъмуриятига боғлиқ эди. Ерга, маблағларга эгалик қилиш, етиштирилган маҳсулотларни тасарруф қилиш ҳуқуқининг йўқлиги деҳқонни ҳақиқий деҳқон бўлиш имкониятидан маҳрум этган эди.

Лекин шундай бўлса-да, 70 йил давомида «советча» «колхозчи» бўлишга одатланиб қолган ўзбек деҳқони учун фермер хўжаликларини тузишдек «янги йўл» уларни келажак сари илҳомлантирди. Шунинг учун ҳам бу янгилик қисқа муддат ичида кенг тус олди. 1991 йил 1 апрелда республикада 6143 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улардан 4666 таси сут етиштиришга, 1477 та фермер хўжалиги эса қорамолларни бўрдоқига боқиб парвариш қилишга ихтисослаштирилган эди.[2]

Аграр сиёсатда янгича ёндашувларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигидаги юзага келган таназзулни маълум маънода тўхтатиб туриш имконини берди. Масалан, агар 1987 йилда аграр тармоқларда меҳнат унумдорлиги фақат 2% ошган бўлса, 1990 йилга келиб 10% ошди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти бу вақтга келиб 11,1 млрд. сўмга етди.[3]

Бироқ аграр сектордаги бу ижобий ҳолатлар жуда сустлик билан, ноизчил ва ўз-ўзича борарди. Чунки қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги ўша одатдаги ҳукмронлик тизими ҳамон сақланиб турган эди.

Кадрлар муаммоси аҳволни янада чуқурлаштириб юборди. Совет ҳокимияти йилларида қарор топган қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими замон талабларига мос келмай қолган эди, уни замонавий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва фан-техника инқилоби талабларини ҳисобга олган ҳолда тубдан қайта қуриш зарур эди. Кенг ихтисосдаги механизаторлар, шунингдек, ўрта ва юқори бўғин мутахассислари жиддий етишмасди. Бироқ мутахассис кадрлар ва оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг турли шаклларини қайта ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар юзаки,

---

[1] «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 1990, № 8—9, 41-бет.
[2] «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 1990, № 3, 18-бет.
[3] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. С. 228, 307.

кампаниячилик хусусиятига эга эди. У товар-бозор муносабатлари тизимидаги иқтисодиётни ривожлантиришга мослашмаган, жаҳон тажрибасини ҳисобга олмаган эди.

Қишлоқ хўжалигининг бундай оғир аҳволда эканлиги, фақат империяча «қайта қуриш» сиёсатининг ноилмийлиги ёки сохталиги эмас, балки бутун совет хўжалик юритиш тизимининг, ижтимоий тузумнинг ноқобиллигида, етилган масалаларни ҳал қилишга қодир эмаслигида эди.

Умуман, «қайта қуриш» жараёнида Марказ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда азалдан мавжуд бўлган зиддиятлар ошкоралик ва демократиялаштириш туфайли яққол кўзга ташланиб қолди. Жумладан, «социализм қурилиши» йилларида КПСС маблағларни қайта тақсимлашнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи ниҳоятда марказлашган тизимни вужудга келтирдики, халқ оммасининг ўзи бу маблағларни тақсимлашни юқори партия раҳбариятининг тор доираси қўлига ўз «ихтиёри» билан топширишга мажбур қилинди. Миллионлаб кишиларнинг меҳнати, давлатнинг, яъни иттифоққа кирувчи республикаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг даромадлари мафкуравий фаҳм-идрок, мудофаа манфаатлари, Марказда ишлаб чиқилган ва етарли даражада асосланмаган техникавий ва хўжалик лойиҳалари хизматига, ҳатто бошқа мамлакатларнинг коммунистик партияларига ёрдам кўрсатишга сарфланарди. Мавҳум умумиттифоқ манфаатлари республика манфаатларидан мутлақ устун қўйиларди, айрим ижтимоий ва миллий гуруҳларнинг, қолаверса айрим шахснинг манфаатлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

80-йилларнинг иккинчи ярмида Марказ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган номутаносибликлар, номувофиқликлар ва ҳал қилинмаган масалалар бошқа муаммолар билан қўшилиб қонуний равишда мустабид тузумни инқирозга олиб борувчи омил сифатида майдонга чиқди.

Бироқ бу муносабатларда энг асосий нарса иқтисодий масалалар бўлиб, улар узоқ муддатга чўзиладиган муаммоларнинг ҳақиқий занжирига боғланган эди:

— Республикадаги ишлаб чиқариш тармоқларининг муайян фойдадан маҳрум бўлиши (масалан, пахта ва бошқа хом ашёлар ишлаб чиқариладиган жойда эмас, балки уларни сотиш жойида оборот солиғининг бекор қилиниши, маҳсулот етиштиришга сарфланган ҳақиқий харажатларни акс эттирмайдиган улгуржи ва харид нархларнинг, транспорт тарифлари тизимининг амал қилиши ёки республика ҳудудида жойлашган иттифоққа бўйсунувчи корхоналар даромадидан маҳаллий бюджетга ажратиладиган маблағлар норматив миқдорининг иттифоқ вазирликлари томонидан пасайтирилиши натижасида). Бу ҳол Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги томонидан истаганича мамлакатга етказиб бериладиган пахтанинг асосий қисмининг (61,5%), хом ипакнинг (50%) кўпроғини, қоракўл терини (33%), шунинг-

дек, каноп, сабзавот, меваларни, саноатда-пахта териш машиналарини, пахта тозаловчи механизмлар, трактор, пахта сеялкаларни, текисловчи машиналарни (86%), йигирув машиналарни (38,6%) асосий ишлаб чиқарувчи республика ҳисобланган шароитда рўй берган эди. У ўз маҳсулотларига нарх белгилаш ҳуқуқидан мутлақ маҳрум қилинган эди.

— Бунинг натижасида Ўзбекистон Марказдан дотация олишига мажбур қилинди ва, энг ажабланарлиси, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун маблағнинг ҳақиқатда етишмаслигини сунъий равишда келтириб чиқарилди. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача тарбия болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши умумиттифоқ даражасидан уч баравардан юқори бўлса-да, қарамоқдагилар улуши эса (кичик ёшдагилар ҳисобига) аҳолининг 40%идан ортиқ эди, бу эса республикадаги ижтимоий кескинликни йил сайин кучайтирди.

— Пахта яккаҳокимлиги, шуни айтиш кифояки, чигит экиладиган майдонлар Ўзбекистонда 1970 йилдаги 1 млн. 709 минг га.дан 1988 йилда 2 млн. 17 минг га бўлди, яъни 18%дан кўпроқ ошди.[1] Бундан ташқари, ҳисобга киритилмаган майдонларни қўшганда (1987 йилда қарийб 23 минг га) бундан ҳам ортиқ бўлар эди. СССР бўйича пахта етиштирадиган хўжаликлар сони 1155 тадан 2294 тага етди (ҳолбуки, АҚШда пахта етиштирадиган хўжаликлар сони шу даврда мунтазам қисқариб борди ва пахта етиштириш марказлашди)[2], республика машинасозлиги эса асосан етиштирилган пахтани йиғиштириб олиш учун ва уни қайта ишлашнинг хилма-хил турлари учун техника ва механизмлар ишлаб чиқаришга буйсундирилди.

— Шунга бевосита мувофиқ равишда Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларини, аввало донни четдан келтиришга қарам бўлиб қолди. Беда ва бошқа озуқа экинлари экиладиган майдонларнинг кескин камайиши чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бутунлай қисқартиришга олиб келди. Республикада ўртача бир киши истеъмол қиладиган гўшт иттифоқ бўйича ўртача 62—64 кг ўрнига 30 кг.дан, сут 341 ўрнига 186 кг.дан, шу жумладан, ўз ресурслари ҳисобига 137 ўрнига 21 кг.дан ошмади, мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш республикада 170—173 кг, иттифоқда эса 260—270 кг.ни ташкил қилди.[3]

— Пахтачиликда пестицидларни ҳаддан ташқари ишлатиш оқибатида бевосита кўзга ташланиб турувчи ижтимоий-экологик офат юз берди, яъни атроф муҳит (тупроқ, сув манбалари,

---

[1] *Тухлиев Н.* Экономикани интенсивлаш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик //«Ўзбекистон коммунисти». 1990, №6. 13-бет.

[2] Қаранг: *Иноятов И.* СССР ва АҚШда пахтачиликни ривожлантиришнинг айрим муаммолари //«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1988, №9. 19—20, 23-бетлар.

[3] «Правда Востока». 1988, 23 апреля.

ҳаво) йўл қўйиб бўлмас даражада ифлосланди. Экологик танглликнинг иккинчи сабаби — вазирликларнинг зарарли кимёвий корхоналарни Чирчиқ, Самарқанд, Навоийда, шунингдек, кўпроқ экологик тизим жуда заиф бўлган ва аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлаштирилиши бўлди: Фаргона водийси ана шундай жойлардан бўлиб, бу ерда «Фарғонаазот», «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмалари, Қўқон кимё заводи, Янги Қўқон кимё комбинати ва бошқа корхоналар жойлаштирилган эди.[1]

— Орол денгизининг қуриши халқаро аҳамият касб этган жиддий муаммо сифатида намоён бўлди, у бутун бир минтақанинг яшаш муҳитига ҳалокатли таъсир кўрсатди, бунга кўп жиҳатдан нооқилона ва зўрлик билан амалга оширилган пахтачилик экспансияси сабаб бўлди. Бу жиҳатдан, айниқса, Қорақалпоғистон жиддий зарар кўрди.

— Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари СССР ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа тегишли иттифоқ ташкилотлари назоратида ва бошқарувида бўлди. Бутун валюта ва экспорт-импорт операциялари, даромад олиш ва фойдани тақсимлаш улар томонидан амалга оширилди, бу маблағлардан биринчи навбатда умумиттифоқ дастурлари таъминланди. Мамлакатнинг марказлашган ташқи иқтисодий фаолияти қай даражада сақланиб қолган бўлса, уни ташкил этувчи республикаларнинг ишлаб чиқаришида танглик ҳолатлари ҳам, бу соҳадаги ислоҳот ҳам шундай даражада кечди.

— Ўзбекистонда мазкур ислоҳот бутунлай муваффақиятсиз бўлди, республика экспортининг хом ашё йўналишини, унинг тузилишини ва товарларнинг муайян гуруҳини четдан келтиришдан иборат анъанавий қарамлигини ўзгартирмади. Ўзбекистоннинг чет элга тайёр тўқимачилик маҳсулотларини сотиши ва ундан келадиган фойдадан баҳраманд бўлиш имкониятини ўзгартира олмади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашё йўналишида бўлиши умумиттифоқ меҳнат тақсимоти билан мустаҳкамланди ва уни ривожлантириш пахтачилик билан қатъий боғланди, «қайта қуриш» йилларида эса пахта агросаноат мажмуининг хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилди, бу механизм Россия ва айрим социалистик мамлакатлар тўқимачилик саноатини зарур миқдорда ва турдаги тола билан таъминлашдан иборат вазифани бажарди. Ўзбекистонни шу йўсинда ихтисослаш ва унинг миллий даромади, демак, аҳолининг турмуш даражаси ҳам паст бўлишини олдиндан белгилаб берди. Маълумки, бу ихтисослашувни сақлаган ҳолда саноат ва

---

[1] Қаранг: *Шафир В.В.* О расширении компетенции местных советов в области использования охраны недр (на примере республик Средней Азии и Казахстана) //«Общественные науки в Узбекистане». 1998, № 7. С. 21, 22.

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни, замонавий фан-техника негизига ўтказишни, шунингдек, мутахассисларга таълим бериш ва тайёрлаш тизимини янги даражага кўтариш ва бу йўл билан қолоқликнинг боши берк кўчасидан чиқиб олиш амалда мумкин эмасди; Марказ эса бу борада ғоят самарасиз сиёсат ўтказарди. Республикада керагидан ортиқча меҳнат сарфланиши ва ишсизлик (биргина Фарғона водийсининг ўзида камида 1 млн. ишсиз бор эди), буларга яна бир қатор муаммоларнинг — кўп миқдордаги аҳолининг, айниқса, маҳаллий аҳолининг қишлоқ жойларда тўпланганлиги каби эски муаммонинг қўшилиши, жамоа қадриятлари ва манфаатларининг (уруғчилик, оилақариндошчилик) шахсий манфаатлардан устиворлиги, ёшларда истиқбол ва келажакка умидворликнинг йўқлиги, масалан, уларнинг Фарғона водийсида ва бошқа жойларда кўпроқ намоён бўлиши[1], Ўзбекистондаги вазиятнинг ҳаддан ташқари кескинлаштириб, уни ички томондан зиддиятли ва беқарор қилиб қўйди.

Бир томондан, республиканинг ўзида анча кучли ишлаб чиқариш — иқтисодий база таркиб топди. Унинг қишлоқ хўжалиги, саноати фақат иттифоқ доирасидагина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, халқаро миқёсда ҳам сезиларли даражада иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб борди. Ўзбекистон ўзининг саноат маҳсулоти билан (мустақил равишда бўлмаса-да) жаҳон бозорига чиқишга муваффақ бўлди. Чунончи, республиканинг электротехника буюмлари дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатига чиқариларди. Ўзбекистон пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар ва пахта билан боғлиқ бошқа техникани Болгария, Югославия, Кубага етказиб берадиган бирдан-бир республика эди, Шарқий Европа мамлакатларига табиий газ етказиб бериш, рангли металлургия ва кимё саноати маҳсулотларини экспорт учун ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Ривожланган капиталистик мамлакатларга машина-техника буюмлари, кимёвий маҳсулотлар, газлама, чинни идишлар, ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалик машиналари, кимё ва тўқимачилик саноати учун асбоб-ускуналар, дизеллар, компрессорлар, экскаваторлар, киноаппаратура экспорт қилинди[2]. Бироқ Ўзбекистон маҳсулотларининг кўпгина турлари унчалик рақобатбардош эмас, шу билан бирга, бу маҳсулотлар «СССР» номидан чиқариларди, лекин шунга қарамасдан уларни жаҳон бозорида билишарди.

Иккинчи томондан, республика иқтисодиёти СССРнинг бошқа хўжалик районларига боғлиқ бўлиб қолиши ҳаётий за-

---

[1] Қаранг: *Абдуллаев Ш.М.* Кўрсатиб ўтилган асар, 57-бет.

[2] Қаранг: *Алимов А.М.* Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг ташқи иқтисодий омили тўғрисида //«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1988, №4, 5—8-бетлар.

рур эди. Бу боғлиқлик чуқурлашиб бораётган ихтисослашув ва кучайиб бораётган ишлаб чиқариш кооперацияси таъсирида янада мураккаблашиб борди. Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалардан машиналар, турли асбоб-ускуналар кенг истеъмол моллари олиб туришга мажбур эди. Мустабид тузум томонидан кундан-кунга кучайиб бораётган ихтисослашув ва кооперациялаш Ўзбекистонни эркин хўжалик юритиши учун имкон бермас эди. Бу эса Ўзбекистон билан Марказнинг миллий манфаатлари ўртасида зиддиятни янада кучайтириб юборди.

КПСС раҳбарияти «қайта қуриш»ни эълон қилган вақтда унда «иттифоқ» федерациясини демократик янгилашнинг ҳуқуқий концепцияси йўқ эди. Партиянинг ўша вақтдаги етакчиси М.С.Горбачев жойлардаги маъмурларга қарата «Кўпроқ ҳуқуққа эга бўлинг!» деб ўртага ташлаган шиор икки тиғли қурол эди. Марказ демократик миллий кучларнинг ривожланиб боришига, шу жумладан, коммунистлар ўртасида ҳам авж олишига қараб, республикаларнинг ўзларига кўпроқ мустақиллик бериш ҳақидаги талабларига ён босди, лекин миллий республикаларга ён босиш айнан миллатлараро низоларнинг кучайган пайтига тўғри келган бўлиб, Марказ бу низоларни ҳал қилишдан дастлаб ўзини атайлаб «четга» олди, сўнгра бу низоларни қурол билан бостириб (Сумгаит, Тоғли Қорабоғ, Фарғона, Ўш-Ўзган ва ҳоказо) шу йўл билан республикаларнинг ҳуқуқларини кучайтириш ҳақидаги ғояни қадрсизлантирди. Бу Марказнинг эскилик тарафдори эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

КПСС раҳбарияти янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш жараёнини ўз қўлига олишга ва бошқаришга интилди, иложи борича кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатларни ўзида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

1990 йил ноябрда эълон қилинган иттифоқ шартномаси лойиҳасида устиворлик яна иттифоқ марказига берилди, республикаларнинг ҳуқуқлари эса яна чўлтоқ ва чекланганлигича қолаверди. Оммавий ахборот воситаларида лойиҳадаги мақбул бўлмаган шартнома қоидалари асосли равишда танқид қилинди: республикалар хорижий давлатлар билан алоқа қилишда овоз ва ҳуқуқдан яна аввалгидек маҳрум эдилар, иттифоқдош республиканинг ваколатлари ҳақидаги модда эса бутунлай тушиб қолган эди, иттифоқ қонунчилигининг республика қонунчилигидан устун туриши тўғрисидаги тезис баён қилинган, республикаларнинг ерга, ер ости бойликларига ва бошқа табиий ресурсларига бўлган мулкчилик муносабатларини тартибга солиши СССР ваколатларининг амалга оширилишига халақит бермаслиги (худди шундай тажриба Ўзбекистонни экологик ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган эди) лозим эди[1] ва ҳоказо.

---

[1] *Валиев А.* Не ущемлять права республик //«Правда Востока». 1990, 8 декабря.

Марказда эса бу вақтда ҳокимият тузилмаларини қайта қуриш бошлаб юборилди. СССРнинг сиёсий раҳбари М.С.Горбачев Федерация Кенгашини республикалар билан ўзаро муносабатларни тартибга солувчи органга айлантиришни, давлат назорати янги институтини жорий қилишни таклиф этди, бу институт Марказдан бўладиган йўл-йўриқларни жойларда амалга оширувчи бўлиб қолиши керак эди.[1] Лекин иттифоқ раҳбариятининг барча куч-ғайратига қарамасдан, СССРнинг парчаланиб кетиш жараёни бошланди: унинг таркибидан Болтиқбўйи республикалари — Литва, Латвия, Эстония, кейин Грузия чиқишди. 1990 йил охирларидан бошлаб хўжалик алоқаларининг узилиши кучайди, давлат буюртмаларини ва республикалар ўртасидаги иқтисодий битимларни мувофиқлаштириб туришнинг иложи бўлмади. Мамлакат секин-аста иқтисодий тартибсизлик томон кета бошлади.

Ўзбекистонда янги раҳбарият томонидан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани давлат йўли билан бошқариш органлари мустаҳкамланди, солиқ назорати ва жойларда ҳокимлар лавозимлари жорий қилинди. 1991 йил мартда республикалар вакиллари томонидан иттифоқ шартномасининг бошқа лойиҳаси тайёрланди, бу лойиҳа «Суверен республикалар иттифоқи тўғрисида» деб аталди. Мазкур ҳужжатнинг асосий ғояси — кўп миллатли иттифоқ давлатини федерация сифатида сақлаб қолиш ва шу билан бирга республикалар суверенитетини рўёбга чиқариш туфайли Марказнинг янги вазифасини ҳам белгилаш эди[2]. Гарчи лойиҳа республикаларнинг суверенитет тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олган бўлса-да, бу суверен «давлатлар» эмас, балки «республикалар» иттифоқи тўғрисидаги шартнома эди. СССР Президенти ва тўққизта иттифоқдош республика раҳбарлари иштирокида Ново-Огаревода бўлиб ўтган йиғилишда принципиал низоли масалалар юзасидан томонларни қаноатлантирадиган битимга келинди — «Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартномани тузишга келишиб олинди. Ўзбекистон делегацияси музокараларнинг бориши жараёнида янгиланган иттифоққа киришнинг ўзи учун жуда муҳим бўлган шартини — барча республикалар аҳолиси учун ягона бўлган пенсия билан таъминлаш, даромадларни индексация қилиш ва кун кечириш учун зарур бўлган кафолатланган энг кам миқдор тартиби амал қилишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Аслини олганда, ҳатто янгиланган иттифоқ ҳам Ўзбекистон ва бошқа республикаларни мустабид тузумнинг қайта тикланиш хавфидан сақлаб қололмасди. Бироқ жамиятнинг демократиялашуви натижасида бу тузумнинг қудрати анча зил кетди, ижтимоий тузумнинг ва миллий муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги тамойилларига ўтиш учун реал имкониятлар очилди.

---

[1] Қаранг: «Правда Востока». 1990, 14 декабря.
[2] «Правда». 1991, 9 марта.

3. «ҚАЙТА ҚУРИШ» ВА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ

80-йилларнинг ўрталаридан бошланган «қайта қуриш» маданият соҳасини ҳам қамраб олди. Мамлакат сиёсий раҳбариятининг маданият соҳасини «қайта қуриш»и аслида маънавий жабҳада маъмурий-буйруқбозлик тизими, ривожланишнинг экстенсив йўли яроқсиз бўлиб қолганлигидан далолат эди. Ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Чунки узоқ йиллар давомида мустабид тузумнинг миллий республикалар маданиятини инкор этиб, бутун мамлакатда ягона «социалистик маданият»ни шакллантириш борасида олиб борган ғайриилмий сиёсати маданиятда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўлганидек тушкунлик, турғунлик механизмини юзага келтирди. Бундай механизм 80-йиллар ўрталарига келиб тўлиқ пишиб етилган бўлиб, уни бартараф қилиш керак эди. Шу боис таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларида ҳам «қайта қуриш», яъни, мамлакат сиёсий раҳбариятининг таъбири билан айтганда, унинг «ривожини сунъий равишда жадаллаштириш» лозим эди.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маданият ривожи, маънавий жараёнлар жамиятнинг ўзига хос ички, табиий қонунлари асосида рўй беради, уни сунъий жадаллаштириш учун кўр-кўрона аралашув салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Яна шуни ҳам тан олиш керакки, қайта қуриш Ўзбекистонда миллий маданиятни, айниқса, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, халқнинг ўзлигини англаш жараёнини тезлаштириш йўлида маълум қадам бўлди. Қайта қуриш муносабати билан маданиятда миллийлик тиклана бошлади, маданий меросга муносабат ўзгарди, ижтимоий ҳаётда миллийлик ва байналмилаллик нисбатида, қисман бўлса-да адолат тикланиши содир бўлди. Бироқ, қайта қуриш ўзбек халқи маданиятини ривожлантиришни, уни ҳақиқий халқ маънавиятига айлантиришни бош мақсад қилиб қўймаганди.

Маданиятдаги «қайта қуриш» ҳукмрон мафкуранинг ўз сиёсий барқарорлигини тиклаш йўлидаги навбатдаги уриниши эди, холос. Унинг мақсади маданиятдаги шаклланиб бўлган секинлаштириш механизмининг «кўзга ташланиб» турган айрим «қусурларини» енгил таъмирлашдан бошқа нарса эмасди. Бу нарса, айниқса, халқ таълими ва олий таълим тизимида яққол кўзга ташланиб қолди.

1985—1990 йиллар халқ таълими тизимидаги айрим силжишлар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг зўр бериб қилган ҳаракати билан тавсифланади. Лекин бу даврда таълим ва тарбия соҳасида зиддиятли ҳолатлар янада кескинлашди. Мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизими моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланмади. Совет таълим тизими жаҳон андозасидан ажралиб қолди, жаҳоннинг илғор тажрибаларидан баҳра-

манд бўлмади. Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий фаоллиги ортиб борган сари таълим тизимининг концептуал тарзда чекланиши халқ маорифидаги энг катта муаммога айланди. Таълим, тарбия соҳаси кадрларини сифат жиҳатдан қайта кўриб чиқолмади, мафкуравий чеклашлар тобора кучайиб борди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошланган халқ маорифидаги ислоҳотлар жузъий аҳамиятга эга бўлиб, мавжуд муаммони ҳал қилишдан кўра уни кенг халқ кўз ўнгидан яшириш, «буяббежаб» кўрсатиш маъқулроқ кўринди. Аслида, ислоҳотдан кўзланган мақсад «совет таълими тизими»ни халқаро даражага кўтариш, мутахассис ва ўқувчилар билим савияси сифатини ошириш, таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришдан иборат эди.

Аммо кўзланган мақсадга эришиб бўлмади. Бунинг сабаби ислоҳотнинг ўлиб бораётган коммунистик «таълимот»га, мустабид жамиятнинг тафаккурига асосланганлиги бўлди. Булардан ташқари, ислоҳотни қуруқ ваъдаларга асосланиб ўтказиб бўлмасди, у кучли моддий базага эга бўлиши керак эди. Лекин у моддий жиҳатдан таъминланмади, шунинг учун ҳам у кутилган натижа бермади.

Масалан, халқ таълими соҳасида белгиланган ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Маориф вазирлиги республикадаги табиий ўсишни эътиборга олган ҳолда юқори савиядаги таълим тизимини яратиш мақсадида 1985—1990 йилларга мўлжаллаб тузилган истиқболли режада 3693 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар қуришни кўзда тутган эди. Лекин Марказ ислоҳотни таъминлаш учун етарли маблағга эга бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистонда янги мактаблар қурилишини 920 минг ўринга туширди.[1] Ҳолбуки, бу пайтда республика қишлоқларидаги мавжуд мактабларнинг 20%и ҳалигача мослаштирилмаган биноларда фаолият кўрсатаётган эди.[2]

Ўқитувчи кадрлар тайёрлашда ҳам номутаносиблик юзага келган эди. 1985 йилда республика мактабларида ишлаётган ўқитувчилар сони 268,4 минг кишини ташкил қилган ҳолда,[3] бу рақам 1990 йилга келганда 243,9 минг нафарга тушиб қолди.[4] Бунинг сабаби, биринчидан, аҳоли ўртасида асосий зиё тарқатувчи ўқитувчига нисбатан эътиборсизлик бўлса, иккинчидан, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашдаги йўл қўйилган жиддий хатолар бўлди.

---

[1] ЎзР Халқ таълими вазирлиги жорий архиви, 217-йиғма жилд, 4-варақ.

[2] Ў ш а ж о й д а, 124-йиғма жилд, 1—2-варақлар.

[3] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Стат. ежегодник. — Т., 1986. С. 301.

[4] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. — Т., 1991. С. 121.



Ўзбекистон ФА «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари яратган «Қуёш» комплекси. Тошкент вилояти, 1987 йил.

И.А.Каримов бошлиқ сиёсий раҳбарият халқ хўжалигини қайта қуриш доирасида мутахассислар тайёрлаш тизимига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритди. Баъзи бир мутахассисликларни тайёрлаш қисқартирилди, янги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди ва ана шу йўналишда олий ўқув юртларининг таркиби қайта кўриб чиқилди (янги институтлар ва университетлар очилди, бир қатор институтларнинг йўналиши ўзгартирилди).

1989—1991 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг янги истиқболли йўналишини ҳисобга олган ҳолда олий таълим тизимида амалга оширилган бу тадбирлар кейинги йилларда ўзининг ижобий натижаларини берди.

1985—1990 йилларда Ўзбекистон фанида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси, олий ўқув юртлари тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари, илмий лабораториялар ўз фаолиятларини «қайта қуриш» талаблари асосида такомиллаштиришга ҳаракат қилдилар. Таъкидлаш лозимки, бу даврда Ўзбекистон фани ўзининг уйғониш даврини бошидан кечираётган, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича жиддий изланишларга қўл урилаётган эди. Хусусан, 1987 йилда Тошкент вилоятининг Паркент туманида ниҳоятда ноёб илмий-экспериментал мажмуа — бизеркаль оптика — энергетика қурилмаси фойдаланишга топширилди. 1991 йилда ФА таркибида Сув муаммолари институти ташкил этилди. Фан билан ишлаб чиқаришни яқинлаштириш мақсадида баъзи институтлар қошида ишлаб чиқариш бирлашмалари, марказлари ташкил қилинди.

Айниқса астрономия соҳасида катта ишлар амалга оширилди. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Астрономия институти олимлари француз олимлари билан ҳамкорликда Қуёшнинг глобал тебранишини тадқиқ этиш соҳасида кенг кўламли ишлар олиб бордилар. Қуёш фаолиятини текшириш соҳасида Ю.Солоним, И.Сатторов, З.Коробова, Ш.Эгамбердиев кабиларнинг хизмати катта бўлди. 1986 йилда эса юксак энергияли астрофизика бўлими ташкил қилинди, унда гамма — астрономия соҳасида

тадқиқотлар ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, биология, кибернетика, ядрофизика, кимё ва медицина фанлари соҳаларида ҳам бир қатор муҳим ва долзарб муаммолар устида илмий изланишлар олиб борилди.

Ижтимоий гуманитар фанлар соҳаси учун «қайта қуриш» уйғониш ва ҳурфикрлилик даври бўлиб хизмат қилди. Илгари мумкин бўлмаган мавзуларни ўрганишга қисман бўлса-да имкон яратилди. Фалсафа, тарих, айниқса, Ватан тарихини ўрганиш, унинг услубиятига, «оқ доғлари»га доир масалалар фаол муҳокама этила бошланди. Ижтимоий-гуманитар фанларда жамият ва шахс масалалари, маданий мерос, тил муаммолари каби масалаларни ҳал этишга интилиш юзага келди. Бу масалаларга бағишланган илмий, айниқса, публицистик мақолалар газета ва журналлар саҳифаларида мунтазам босилиб турди.

Бироқ, коммунистик мафкура яккаҳокимлиги шароитида мазкур масалаларни тўлиқ ҳал этиш мумкин эмасди. Мустабид тузум миллий ўзликни англаш жараёнига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатар, жамиятдаги мавжуд зиддиятлар, нуқсонлар, иллатлар аслида мустабид совет тузуми, коммунистик мафкура яккаҳокимлиги туфайли юзага келаётганлигини яширишга, ниқоблашга уринар эди.

«Қайта қуриш» йилларида ўзбек зиёлиларининг саъй-ҳаракатлари билан миллий-маданий меросни тиклаш, тарихий-маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва сақлаш, Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган тарихий-маданий ёдгорликларни қайтариш муҳим масалалардан бирига айланди. Шу маънода, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистонда «Мерос» дастури амалга оширила бошлади. Бу ҳаракат республика бўйлаб кенг ёйилди. Жумладан, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш Тошкент вилояти кенгаши ҳузурида тузилган янги ташкилот — «Бобур жамияти», 1989 йилда биринчи жамоат экспедицияси сифатида ташкил этилган «Бобур йўли» илмий-маърифий уюшмаси[1], айни шу пайтларда Фарғонада фаолият кўрсатган «Фарғона маданиятини тиклаш», Тошкент шаҳридаги 254-ўрта мактабда вужудга келган «Маданий меросга ихлос» марказлари халқимизда, айниқса ёшларда миллий ғурур, фахр-ифтихор, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришда муҳим роль ўйнади.[2] «Қайта қуриш» йилларида бундай марказ, ташкилот ва уюшмалар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташкил этилган эди.

«Қайта қуриш» йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза этиш, айниқса, музейлар фаолиятини яхшилаш муаммоси энг муҳим масалалардан бири сифатида кун тартибида турди. Маълумки, музейлар халқ миллий ўзлиги-

---

[1] «Тошкент ҳақиқати». 1990, 19 декабр.
[2] «Ёш ленинчи». 1991, 27 апрел.

ни англашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, «қайта қуриш» йилларида ҳам илгариги даврда бўлгани каби республика музейлари асосий эътиборни инқилобий-сиёсий, «социализмнинг афзалликларини» тарғиб қилишга қаратди. Агар, 1985 йилда Ўзбекистонда 46 музей фаолият кўрсатган бўлса, 1989 йилга келиб улар сони 58 тага етди.[1] Лекин, юқорида қайд этганимиздек, улар асосан ҳали ҳукмрон бўлиб турган коммунистик мафкуранинг «тарғиботчилари» сифатида фаолият кўрсатар эди.

Аммо, шундай шароитда ҳам тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш масаласига бўлган коммунистик муносабат ўзгармади, ёдгорликларни ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишдек муҳим ва мураккаб жараёнга эътиборсизлик билан қаралди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда 9310 та тарихий ва маданий ёдгорлик ҳисобга олингани ҳолда улардан фақат 6466 тасигина (70%) давлат муҳофазасига ўтказилди, холос.[2]

Яна шуниси таажжублики, миллий маънавиятнинг асоси бўлган ёдгорликларни сақлашга давлат томонидан арзимаган маблағ ажратилар, у ҳам бўлса йилдан-йилга камайиб борарди.

XX асрнинг бошларидан бошлаб адабиёт муайян маънода жамият ҳаётининг барометри бўлиб келган. Бу ҳол қайта қуриш йилларида айниқса яққол кўзга ташланди.

Агар ўзбек адабиёти намояндалари сиёсий-ижтимоий тузумнинг «қош-қовоғи»га қарамай, уруш давридан эътиборан тарихий мавзуларга катта эътибор берган ва бу соҳада Ойбек, Миркарим Осим, Мақсуд Шайхзода каби ёзувчилар фаоллик кўрсатган бўлсалар, қайта қуриш йилларида тарихий мавзуларга эътибор янада кучайди. Жумладан, Мирмуҳсин шу йилларда «Темур Малик» романини эълон қилди. Муҳаммад Али «Сарбадорлар» романини, Азим Суюн шу номдаги драматик достонини яратди. Шу тариқа, тарихий мавзуларга ўзбек адабиётининг янги авлоди ҳам қўл ура бошлади.

Қайта қуриш даври тарихий мавзуда ижод этувчи ёзувчилар учун қанчалик кенг имконият яратганига қарамай, бир томондан, Ойбек, М.Осим, М.Шайхзода сингари ўзбек халқи тарихини пухта билган ёзувчиларнинг бу даврга етиб келмаганлиги, иккинчи томондан, П.Қодиров ва О.Ёқубов сингари ёзувчиларнинг бошқа юмушлар билан банд бўлиб бу мавзуда асар яратмаганликлари сезилди. Ёзувчилар, гарчанд қисқа вақт давом этган бўлса-да, совет жамияти ҳаётида бурилиш ясаган қайта қуриш даври имкониятларидан шу маънода етарли фойдалана олмадилар.

Аммо шу билан бирга қайта қуриш даври берган иккинчи муҳим имтиёз ошкоралик эди. Коммунистик мафкура ҳукм-

---

[1] «Ёш ленинчи». 1991, 27 апрел.

[2] Ўша жойда.

ронлик қилган йилларда жамиятда кечаётган ҳаётий ҳодисаларни фақат шарҳловчи ёхуд ижобий бўёқлар билан тасвирловчи асарларгина яратилди, холос. Ёзувчилар бу ҳодисаларга теран назар ташлаш ва бадиий таҳлил этиш имкониятига эга бўлмадилар. Шунинг натижасида совет воқелигини идеаллаштирувчи, реал ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлган асарлар кўплаб майдонга келди. Ҳолбуки, совет даври нафақат айрим шахслар, балки бутун-бутун халқларнинг фожиаси билан тўла бўлган. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сингари тадбирлар оқибатида қанчадан-қанча кишиларнинг ёстиғи қуриган. Миллий республикаларнинг ҳуқуқлари топталиб, ҳатто уларнинг маҳаллий раҳбарлари ҳам ўз халқини, республикадаги ер ости ва ер усти бойликларини, халқнинг ақлий салоҳиятини ўзида мужассамлантирган юзлаб ва минглаб кишиларни ҳимоя қилиш имконига эга бўлмадилар.

Қайта қуриш йилларида берилган энг катта имконият совет жамияти ҳаётида юз берган ана шундай воқеаларга ҳушёр назар ташлаш, республика тарихининг сохталаштирилган ва нотўғри тасвир этилиб келинган саҳифаларини қайта баҳолаш бўлди. Ёзувчиларнинг аксар қисми диққат-эътиборларини худди шу нарсага қаратдилар.

50-йилларнинг бошларидаги қатағон қурбонларидан бири Шукрулло «Кафансиз кўмилганлар» хотира-романини ёзиб, унда совет тузумининг инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш эвазига «янги тарихий бирлик» — совет халқини яратишга қаратилган аксилинсоний мақсад-моҳиятини очиб ташлади. Шу йилларда майдонга келган қатор роман, қисса ва ҳикояларда совет жамиятининг қонли тарихи, сиёсий тузум томонидан мажақланиб ташланган тақдирлар ҳаққоний тасвирини топди. Ёзувчилар етмиш йиллик тарихий жараённи янги тафаккур асосида тасвир ва талқин этишга фаол киришдилар. Тўғри, шу йилларда совет жамиятининг яқин тарихини бир томонлама тасвирлаган «Жимжитлик» (Саид Аҳмад асари), «Чорраҳа» (Асқад Мухтор асари) сингари романлар ҳам пайдо бўлди. Аммо, аксар асарларнинг муаллифлари кечаги тарихнинг мураккаб ички зиддиятларини тўғри кўра ва акс эттира олдилар. Шу маънода, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романлари шу даврнинг адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Агар бу асарларнинг биринчисида қайта қуриш даври арафасидаги республика ҳаёти, тўғрироғи, шу даврдаги айрим тарихий шахсларнинг фаолияти ҳаққоний тасвир этилган бўлса, иккинчисида совет даврида рўй берган айрим воқеаларнинг ақл ва заковат қонунидан четда кечганлигига урғу берилди. Ў.Ҳошимов романнинг марказий қаҳрамонини танлашда ҳам, муҳим ҳаётий масалаларни талқин этишда ҳам янгича йўлдан борди. Чунончи, у афғон урушига ҳам, Иккинчи жаҳон уруши-

га ҳам янги нуқтаи назардан ёндашиб, инсон табиати ва руҳиятининг сиёсий қолипларга тушмайдиган қирраларини очиб берди.

Умуман, қайта қуриш арафасида адабиётимизга кириб кела бошлаган оддий инсон образи бу даврда янги мазмун билан бойиди. Шу нарса муҳимки, агар адабиётимиз тарихининг олдинги даврларида ёзувчилар ҳаётий жараённинг етакчи тамойилларини акс эттиришга бирор мансабдор шахсни қаҳрамон сифатида жалб этишни лозим, деб билган бўлсалар, бу даврда худди шундай бадиий вазифани бажаришда оддий кишининг мураккаб тақдиридан маҳорат билан фойдаландилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа» романи ҳам эътиборга сазовордир.

Романда олға сурилган ғоя истеъдодли кишиларнинг совет даврида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум этилганини кўрсатишга қаратилган. Ёзувчи ана шу бадиий ниятини рўёбга чиқариш учун реалистик тасвир усулига мистик тасаввурлар ва талқинлар оқимини олиб кирган. Замон Абдулла Ҳаким ва Бурҳон Шариф каби кишиларни қиёфасиз ҳолга олиб келганини кўрсатиш орқали совет даврида иймонсизлик, эътиқодсизликнинг оммавий ҳодисага айланганини шу даврнинг бош фожиаси сифатида очишга эришган.

Шу йилларда ижод қилган А.Орипов, Э.Воҳидов, Ҳ.Худойбердиева, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Х.Султонов, Тогай Мурод, У.Азимов, Назар Эшонқул каби ёзувчи ва шоирларнинг шеърий асарлари, қисса ва ҳикояларида ҳам совет даври иллатларини фош этиш истаги устиворлик қилди. Чунончи, Э.Воҳидов «Донишқишлоқ латифалари» ҳажвий шеърлар туркумида, А.Орипов «Ранжком» достонида совет даврининг самараси бўлган жамият ва кишилар ҳаётидаги нохуш манзараларга китобхон эътиборини қаратди.

Қайта қуриш даври адабиётида публицистика етакчи ўринга кўтарилди. Гарчи бу даврда йирик насрий асарлар, шунингдек, ҳикоялар, шеър ва достонлар ҳам муайян миқдорда яратилган бўлса-да, публицистика ўзбек адабиётининг пешқадам жанрига айланди. Ошкоралик шиори остида республика матбуотида майдонга келган қатор мақолалар 80-йилларнинг муҳим ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий ва маънавий масалаларини ўз қамров доирасига олди. Публицистика фақат партия съездларида кўтарилган масалаларни шарҳловчи ва шу баҳона Совет давлати ва коммунистик партия шаънига «ҳамду сано» айтувчи жанрдан воқеликнинг «чирсиллаб турган» муаммоларига жамият эътиборини қаратувчи, Орол фожиаси ва бошқа фожиалар тўғрисида бонг урувчи жанговар жанрга айланди. Ҳали мустақиллик шамоли эсмай туриб, публицистлар ўзбек тилининг давлат тили мақомига эришиши учун курашни бошлаб бердилар. Аграр мамлакат бўлган Ўзбекистоннинг совет тузуми дав-

рида экологик ҳалокат ёқасига келтирилганлиги публицистиканинг бош мавзуи сифатида намоён бўлди. Ў.Ҳошимов, Э.Воҳидов, А.Орипов, П.Шермуҳамедов, Муҳаммад Али, Хуршид Даврон, А.Иброҳимов, Дадахон Нурий, Тоҳир Қаҳҳор ва бошқалар шу йилларда ўзларининг публицистик чиқишлари билан ўзбек адабиётининг мамлакат тақдири учун куюнчаклик руҳини кучайтириб юбордилар. Адабиёт публицистиканинг фаоллашуви ҳисобига халқ ва мамлакат ҳаётига жиддий равишда кириб борди.

Ёзувчилар ва жамоат арбоблари публицистик чиқишлар билангина чекланиб қолмай, шу йилларда СССР халқ депутатлари съездларида ҳам ўзбек халқининг тарихий тақдирига алоқадор муҳим муаммоларни кўтариб чиқдилар. Уларнинг шу даврда қилган катта хизматларидан бири Бўстонликда стратегик аҳамиятга молик бўлган ҳарбий заводнинг қурилишига қарши халқни уйғотиши ва бу қурилиш билан боғлиқ фалокатнинг олдини олиши бўлди.

Шу давр адабий ҳаракатида рўй берган инқилобий воқеа қатағон қурбонлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг тикланишидир.

Маълумки, Совет давлати ўз тарихининг дастлабки давридан бошлаб узлуксиз равишда миллий кадрлар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари сафини «тозалаб келган». Ана шундай «тозалаш» кампаниялари натижасида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир сингари қатағон қурбонларигина эмас, балки ўз ажаллари билан вафот этган М.Беҳбудий, А.Авлоний, А.Алавий сингари ўнлаб ёзувчилар ҳам «халқ душмани» деб эълон қилинди ва улар адабиётимиз тарихидан сунъий равишда чиқариб ташланди. Коммунистик партиянинг XX съездидан кейин бегуноҳ қамалган қатор ёзувчилар оқланганига қарамай, Чўлпон ва Фитрат сингари ёзувчиларнинг адабий хизматларини тиклаш осон бўлмади. Совет тузумининг маҳаллий «посбонлари» уларнинг ижодкор сифатида оқланиши ва асарларининг халққа қайтарилишига тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатдилар.

Қайта қуриш ва ошкоралик даврида ўзбек адабиёти эришган энг салмоқли ютуқлардан бири номлари юқорида қайд этилган ана шу жабрдийда ёзувчилар ижодининг қайта баҳоланиши бўлди. Зикр этилган ёзувчиларнинг «оқланиши» билан улар адабиётимиз тарихидаги қонуний ўрнини эгалладилар ва уларнинг асарлари газета ва журнал саҳифалари орқали халққа қайтарилди. Шу тарзда М.Беҳбудий, А.Авлоний, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Элбек сингари ёзувчиларнинг асарлари ва улар тўғрисидаги мақолалар мунтазам равишда эълон этилиб борилди. Айни пайтда бу ёзувчилар ижоди умумтаълим мактабларининг адабиёт дастурларидан қонуний ўрнини ҳам топди.

Шу тариқа, қайта қуриш даврида ўзбек адабиёти янги изга тушиб, ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаш, ҳаётий жараённинг яширин жиҳатларига эътиборни қаратиш, яқин ва олис ўтмишни марксча-ленинча догмалардан холи ҳолда акс эттириш йўлидан ривожлана бошлади. Айни пайтда у ўзининг жанговар руҳини тиклаб, жамият ва халқ ҳаётининг пассив кузатувчисидан фаол курашчига айлана борди.

Ўзбекистон маънавий маданиятида театр санъатининг ўрни ва роли муҳимдир. 80-йиллар ўрталаридан бошлаб, қайта қуриш туфайли театрда «реал ҳаётга» мурожаат қилиш ҳоллари кўрина бошлади. М.Бобоев, Шукрулло, С.Аҳмад, Р.Абдуллаев ва бошқалар асарларида маъмурий-буйруқбозлик даврида республикада пайдо бўлган ва шаклланган муаммолар танқид қилинди, ўтмиш маданий мероси, халқ тарихи, пахта яккаҳокимлиги, экологик муаммолар каби халқни ташвишга солаётган ижтимоий масалаларга қизиқиш кучайди. Айниқса Ш.Бошбековнинг «Темир хотин» асарида биринчи бор муҳим ижтимоий масалалар устида фикр юритилди.

Қашқадарё вилоят мусиқали ва драматик театридан ёш, иқтидорли режиссёр А.Абдуназаров бошчилигида бир гуруҳ санъаткорларнинг ажралиб чиқиб, янги «Мулоқот» театр студиясини ташкил этиши театр санъатида демократик жараёнларнинг бошланганлигидан далолат берарди.

Бироқ театр санъати, умуман олганда, жуда чуқур буҳронли ҳолатда эди. Бунинг сабаби театр ва томошабин, репертуар муаммоларида эди. Мазкур санъат турининг табиий ривожланишига, айниқса унга коммунистик мафкуранинг тазйиқлари, унинг ижтимоий буюртмаси катта тусиқ бўлган эди. Натижада республика театрлари ўз томошабинларини йўқота бошлади. Масалан, 1985 йилда Ўзбекистондаги 30 театрга 4802 минг томошабин ташриф буюрган бўлса, бу рақам 1989 йилга келиб 4387 мингга тушиб қолди. Бу шароитда театр ўз томошабинини «қидириб» қишлоқларга боришга ва асосан концерт дастурлари билан маблағ ишлашга мажбур бўларди. Биргина 1988 йилда республика театрлари 5534 концерт томошалари билан чиқдилар. Бу эса ўз нав-



Зардузлик фабрикаси устаси М.Темирова дугонаси билан иш устида. Бухоро, 1975 йил.

батида спектакллар сифати ва сонига салбий таъсир қилди. Хусусан, 1989—1990 йилларда ҳаммаси бўлиб 43 саҳна асари яратилди, холос.[1]

Театр санъатида буҳронни юзага келтирган сабаблардан яна бири маданиятда миллийлик ва байналмилаллик нисбатининг бузилиши эди. Масалан, 80-йиллар ўрталарида Ўзбекистон театрлари репертуарларига киритилган 600 та пьесадан атиги 55 тасигина маҳаллий драматург, адибларнинг асарлари эди, холос.[2] Муқимий номли ўзбек давлат мусиқали драма театрида анъанавий қўйиб келинган «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Нурхон», «Лайли ва Мажнун», «Тошболта ошиқ» каби саҳна асарлари ўрнига «Полтавалик Наталка», «Боядеро», «Чўри», «Мовий Дунай», «Хотинимнинг эри», «Елғончи даркор» каби қатор таржима асарларнинг пайдо бўлишини шу маънода тушуниш лозим.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган театрлар сони бу ерда истиқомат қилаётган миллатлар сонига нисбатан ҳам тўғри келмасди. Масалан, 1989 йилда Озарбайжонда бир рус театрига 10 та озарбайжон тилидаги, Арманистонда эса бир рус театрига 18 та арман театри тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда бу рақам 9—18 тани ташкил этарди.[3] Бошқача сўз билан айтганда, шу йили Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 1653 минг рус аҳолисига 9 та рус театри тўғри келган ҳолда, 14,1 млн.ли ўзбек аҳолисига 18 та миллий тилдаги театр тўғри келарди. Бу салбий ҳолатлар табиий ҳолда аҳолининг норозилигига сабаб бўлар, театрга бўлган қизиқишини пасайтирар эди.

«Қайта қуриш» сиёсати маданий-маърифий муассасалар фаолиятига ҳам таъсир қилмай қўймади. Бу, айниқса маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техника базаси масаласига, айниқса таллуқли эди. Маданият соҳасига маблағ сарфлашнинг «қолдиқ» принципи туфайли 1985—1990 йилларда маданият масканлари сонининг камайиши кузатилди. Масалан, кўрсатилган даврда республикада клублар сони 55 тага, кутубхоналар сони эса 93 тага камайди.[4] Бинобарин, Ўзбекистонда маданий-маърифий мақсадлар учун аҳоли жон бошига 1989 йилда 3,6 сўм пул ажратилди, холос.[5] Бу рақам иттифоқ республикалари орасида энг паст кўрсаткич эди. Юқорида келтирилган рақамлар мазкур масаланинг фақат ташкилий жиҳатлари эди. Маданий-маърифий муассасалар ҳаммадан кўпроқ мазмун жиҳатдан оқсаётган эди. «Қайта қуриш» маданий-маърифий муассасалар ишида бир оз жонланиш содир этгандек бўлди: ўтказилаётган тад-

---

[1] «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1991, 29 март.

[2] Социально-культурный облик советских нации. — М., 1986. С. 324.

[3] Народное образование и культура в СССР. Стат. сборник. — М., 1989. С. 349.

[4] Народное хозяйство УзССР в 1990 г. Стат. ежегодник —Т., 1991. С. 123—125.

[5] Социальное развитие СССР в 1989 г. Стат. сборник. — М., 1991. С. 11.

бирлар мазмуни ўзгара бошлади, илгари мумкин бўлмаган мавзулар хусусида фикр юритиш имкони туғилди, кишиларда ижтимоий фаоллик жонлана бошлади.

Аммо, 1985—1990 йилларда давлат расмий сиёсатининг ўзгармай қолиши, қайта қуриш туфайли пайдо бўлган «эркинлик» клублар, кутубхоналар ишини етарли даражада жонлантириш учун камлик қилди, улар мазмунидаги «сиёсийлашув» яна авж олди. Маданий-маърифий муассасалар ҳукмрон сиёсий кучнинг ижтимоий буюртмасини яна бажаришда давом этди. Бу эса аҳолининг клублар ишидан безишига олиб келди. Юқори ташкилотлар турли сунъий йўллар билан улар ролини оширишга, иш фаолияти мазмунини бойитишга ҳаракат қилдилар. Лекин уюштирилган суҳбатлар, маърузалар эски қолипда, коммунистик ақидалар асосида тузилганлиги сабабли улар зерикарли бўлди ва маданият муассасалари фаолияти сифатига салбий таъсир қилди. Натижада клублар, ҳашаматли маданият саройлари яна «эгасиз» бўлиб қолди.

Миллий маънавий маданият таркибида тасвирий санъатнинг ўрни алоҳидадир. Қайд этиш лозимки, 80-йиллар, айниқса, унинг иккинчи ярмида тасвирий ва ифодали воситаларни бойитиш ва янгилаш, ижодий изланишларга қизиқиш ортди. «Қайта қуриш» йилларида, айниқса, рассомлар ижодида миллий бадииятга хос бўлган ифода воситаларига эътибор, азалий анъанавий руҳий қадриятларга интилиш кучайди. Тасвирий санъатда миллийлик руҳи билан бир қаторда авангард йўналишлари (символизм, модернизм ва бошқа)га ҳам эътибор берилди. Бу В.Охунов, М. Тўхтаев, Ш.Бобожонов, А.Икромжонов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, И.Исаев, А.Мирзаев ижодига тааллуқлидир.

«Қайта қуриш» йилларида замонавий воқелик, сиёсий ҳаёт ва муҳит, демократик ҳаракат ва сўз эркинлиги туфайли тасвирий санъатга ёш ижодкорларнинг кириб келишини жадаллаштирди, янги изланишлар ва ғояларни ифодалаш билан бойитди. Рассомлар сафига А.Ҳазратов, А.Умаров, Ҳ.Ҳасанов, К.Одилов, Ш.Қўзиева, Б.Шодиева каби кўплаб ёш ижодкорлар қўшилди. Уларнинг асарларида Афғонистондаги қонли уруш фожиаси, табиатга етказилган зарар, Орол денгизининг қуриб бориши, пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатлари каби ижтимоий муаммолар ўз аксини топди, маънавий қадриятларга етказилган путур, уларнинг топталгани ҳақидаги дард-алам билан ифодаланган асарлар яратилди. М.Тўхтаев, В.Охунов, Т.Аҳмадалиев, А.Нуриддинов, Ғ.Қодиров каби санъаткорлар асарлари ёрқин рамзий ифода воситалари орқали теран ва чуқур фалсафий маъноларга бой бўлди.

Шундай қилиб, 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган «қайта қуриш» ўзбек миллий маданиятида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал эта олмади, аксинча, уларни янада кескинлашти-



Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси. 1986 йил.

риб юборди. Чунки «қайта қуриш» маданият борасидаги мустабид совет тузуми сиёсатини тамомила инкор этиш асносида юз бермади: аксинча, илгариги сиёсат янги шаклда, эски мазмунни мустаҳкамлаш тарзида давом этди. Шунинг учун ҳам, «қайта қуриш» миллий маданият тақдирида айтарлик даражада ижобий роль ўйнамади.

4. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ ДЕМОКРАТИЯЛАШУВИ. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ОНГИНИНГ ЎСИШИ. МУСТАБИД ТУЗУМ ИНҚИРОЗИНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ

«Горбачевча» қайта қуриш натижасида мамлакатда ялпи коммунистик цензура заифлашди ва деярли йўқ ҳолига келтирилди, узоқ вақтдан буён кутиб келинган ҳурфикрлилик ва матбуот эркинлиги палласи бошланди. «Қайта қуриш»нинг энг биринчи натижаси «ошкоралик» бўлди. Ошкоралик тазйиқи остида социалистик мафкура ўзининг «жозибадорлигини» тобора йўқотиб борди. Ошкоралик натижасида совет жамиятининг аҳволини таҳлил қилиш ва мамлакат олий даражасидаги сиёсий раҳбариятнинг йўл қўйган хатоларига биринчи бор очиқчасига баҳо беришга қўл урилди. Лекин шу билан бирга, «ошкоралик» Ўзбекистон учун ўзининг бир қатор салбий томонлари билан

ҳам намоён бўлди. 1983 йилда Марказ томонидан атайлаб уйлаб топилган уйдирма асосида Ўзбекистонда пахтани териш ва қайта ишлашдаги «ўғирлик», «қўшиб ёзиш», молиявий бузилишларни тергов қилиш билан марказий прокуратура ва ички ишлар органлари махсус шуғулланди. Бунинг натижасида республикадаги жамоа хўжаликлари раислари ва совхоз директорларининг 60%идан кўпроги, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг қарийб 45%и, ҳар уч пахтачилик бригадаси бошлиғидан бири вазифасидан олиб ташланди (жами 40 мингга яқин фуқаролар тергов қилинган эди)[1]. Уларнинг аксарият кўпчилиги тергов изоляторларида бўлишди, турмалар ва лагерларга юборилди. Агросаноат ходимларига нисбатан қилинган бу қатағонлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида кадрлар салоҳиятини сезиларли равишда заифлаштирди.

Бошқа республикаларда ҳам катта «жиноятлар» очиб ташланди. Бироқ «пахта иши» энг шов-шувли иш сифатида бутун иттифоққа намоён қилинди. Бир қатор Россия газеталарининг зўр бериши туфайли «пахта иши» «ўзбеклар иши»га айлантирилди. Матбуотдаги шовқин-суронли кампания онгли равишда атайлаб ташкил этилганлиги яққол сезилиб турарди, Ўзбекистон аҳолисининг қандайдир мисли кўрилмаган тарзда «бойиб» кетганлиги ҳақида афсоналар тўқиб чиқарилганди. «Пахта иши»ни умумий қоралашнинг салбий руҳи бутун ўзбек халқига нисбатан татбиқ этилди, бу ўз-ўзидан адолатсизлик эди. Бундан ташқари, яна шу нарса ҳам маълум эдики, қўшиб ёзишлар, порахўрлик маълум даражада социализмни «кўз-кўзлаш» мақсадида бутун мамлакат халқ хўжалиги ҳисоботларига хос оддий воқеаларга айланиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмасди. Ўзбекистонга ва ўзбек халқига нисбатан қилинган бу адолатсизлик халқ оммасини советлар режимига нисбатан нафратини оширди, муносабатини ўзгартирди.

«Қайта қуриш» жараёни аввалбошданоқ асосан сиёсий соҳани қамраб олди. Иқтисодий ислоҳотлар эса, оқибатда буйсунувчан аҳамият касб этди, у иқтисодиёт қонунлари асосида эмас, балки мафкуравий андозалар тарзида амалга оширилди. Орадан кўп вақт ўтмай жадаллашиб бораётган сиёсий жараёнлар билан суст ривожланаётган иқтисодиёт ўртасида катта фарқ кўзга ташлана бошлади.

СССРнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон ҳам «қайта қуриш» гирдобига тортилди, унинг «қонунларига» амал қилди. Жамият ҳар томонлама демократиялашувининг эълон қилиниши энг аввало социалистик халқ ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш ривожланишидан иборат деб тушунилди. Шунинг учун ҳам у аввало совет сайлов тизимини такомиллаштириш, депутатликка номзодларнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини

[1] ЎзР ҚХВ ЖА, вазирликнинг 1992 йилги йиллик ҳисоботи. 2-том, 295-бет.

эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилишни таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим эди. Бироқ, 1987 йил июн ойида маҳаллий советларга бўлиб ўтган сайлов ҳали бу жараён «демократиялашувдан» анча узоқ эканлигини кўрсатди. Ўзбекистонда 1987 йил 21 июнда бўлиб ўтган сайловда маҳаллий советларга 106484 киши сайланган бўлиб, улардан 37709 нафари, яъни 35,7% ишчилар, 29209 нафари ёки 27,7% колхозчилар эди.[1] Таажжублиги шундаки, республика ишчилари таркибида маҳаллий миллат вакилларининг улуши доимо озчиликни ташкил қилганлиги маълум. 1985 йилда республика ишчилари орасида ўзбеклар 45,7% бўлса, аҳоли таркибида эса улар 70%дан ортиқ эди. Демак, сайланган депутатлар орасида ўзбек миллатига мансуб ишчилар озчиликни ташкил қилган. Ёки бошқа бир нисбатни олайлик: 1987 йилда сайланган депутатлардан 47046 нафари КПСС аъзолари ва аъзоликка номзодлар бўлиб, (44,6%), партиясизлар эса, 58 448 депутатдан иборат эди (55,4%). Ўзбекистон компартиясининг аъзолари сони 642 мингдан ортиқ эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳокимият органларидаги бундай нисбат партиянинг республика аҳолиси орасидаги салмоғига мутлақо тўғри келмасди, яъни партия аъзолари республика аҳолисининг 3,3%дан камроғини ташкил қилгани ҳолда депутатларнинг асосий қисмини ташкил этарди. Аслида эса, Ўзбекистон компартияси ҳам бутун иттифоқда бўлганидек республикада ягона ҳукмрон партия бўлиб, коммунист бўлмаганлар учун ҳокимиятда қатнашиш аввалгидек қаттиқ чекланган эди.

Ўзбекистонда сайлов тизимини демократиялаштириш мақсадида 1990 йил феврал-апрелда республика Олий Советига кўп мандатли округлар бўйича эксперимент сифатида сайлов ўтказиб кўрилди. Бироқ яккапартиявийлик тизими шароитида бу янгилик расмиятчиликдан нарига ўтмади. Чунки бу сайловлар Олий Совет таркибини демократлаштирмади, аксинча, аввал ишлаб турган Олий Советга нисбатан депутатлар орасида ишчилар, колхозчилар, хотин-қизлар, ёшлар сони камайиб кетди, аввалгидек давлат ҳокимиятининг олий органи деярли мутлақ партия аъзоларидан иборат бўлиб қолди, депутатларнинг қарийб 95%и коммунистлар эди. Лекин, бу сайловда кўпгина округларда биринчи бор депутатлик мандатига бир нечтадан номзодлар даъвогарлик қилди. Шунга қарамасдан, 500 округдан 174 тасида муқобил номзодлар кўрсатилмади[2].

Шунингдек, депутатлик ваколатларининг тўхтатилиши ва сайловчиларнинг депутатни чақириб олиши тўғрисидаги масала ҳам депутатликка номзодларни кўрсатиш тартиби каби (ном-

---

[1] Қаранг: «Правда Востока». 1987, 27 июня.

[2] Ўзбекистон тарихи (1917—1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. — Т., 1994. 342-бет.

зодларни партия қумиталари кўрсатарди) аввалгидек партия қумиталари тасарруфида қолаверди. Лекин сайлов тизимида «демократия»га амал қилинаётганини кўрсатиш мақсадида матбуот саҳифаларида фақат депутатларни чақириб олиш ҳолларининг ўсиш динамикасини намойиш қилиш билан чекланди: 1985 йилда Ўзбекистонда турли даражадаги советлар депутатларининг ваколатлари 1216 кишида, 1986 йилда 2877 кишида тўхтатилган.[1] Лекин бу ваколати тўхтатилган депутатларнинг аксарияти ўзларининг депутатлик бурчларини ёки сайловчиларнинг наказини бажармаганлиги учун улар томонидан чақириб олинганлигида эмас, балки «пахта иши» билан боғлиқ бўлганлиги учун чақириб олинганлиги ҳозирги кунда маълум.

Ижтимоий-сиёсий соҳада «қайта қуриш» сиёсатининг асосий зиддияти (айниқса, унинг дастлабки даврида) КПССнинг «раҳбарлик роли»ни ва унинг яккаҳукмронлигини тўла сақлаган ҳолда совет жамиятини демократиялашга интилишдан иборат эканлигида эди. КПССнинг «раҳбарлик роли» унинг мутлақ яккаҳокимликка интилишида ўз ифодасини топган. Партия нафақат мафкуравий ҳукмронликни, шунингдек, давлат органлари, советлар ва касаба уюшмаларининг вазифаларини, ишлаб чиқаришни бошқаришни ҳам ўз қўлига мустаҳкам олган эди. Ҳар қанча «қайта қуриш»лар амалга оширилмасин, партия ўзининг чекланмаган ҳукмронлигини қўлдан бермаслиги табиий эди. Масалан, XIX партия конференцияси (1988 й. июн-июл) ҳам совет федерациясини демократик принциплар асосида қайта қуриш масаласига тўхталар экан, «социалистик қардошлик негизи» бўлган «республикаларнинг ноёб иттифоқи»ни заифлаштириб қўйиш мумкин деган мафкуравий ақидалар билан муаммони ҳал қилишни расмиятчилик томонига буриб юборди. Шунингдек, иттифоқдош республикалар ўртасидаги бевосита (Марказ иштирокисиз) алоқалар ўрнатиш масаласига, уни «ҳуқуқий жиҳатдан чуқур англаб чиқиш»ни талаб қилади, деб таъкидлади, конференция миллий республикаларда миллий — рус икки тилликни ёқлаб чиқди[2]. Партия конференциясининг «қайта қуриш» масаласига бундай ёндашуви ҳукмронликни қўлдан бермасликдан далолат эди.

Республикада тобора кучайиб бораётган демократик жараёнлар мустабид тузум даврида йиллар давомида тўпланиб қолган салбий иллатларнинг юзага чиқишига сабаб бўлди. 1989 йил май-июн ойларида Фарғона, Тошкент вилоятларида ва Андижон шаҳрида миллатлараро можаролар рўй бердики, у республикада ва бутун мамлакатда ғоят даражада катта шовшувга сабаб бўлди ҳамда республикада сиёсий вазиятнинг кес-

---

[1] Ўша жойда.
[2] «Правда». 1988, 5 июля.

кин тус олишига олиб келди. Бу можаро шунчаки, оддий безориликдан иборатдек кўринса-да, лекин унинг заминида мустабид совет тузуми йилларида тўпланиб, пишиб етилган, эртами-кечми «портлаши» кутилган миллий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ётган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан депортация қилинган бир қатор халқлар қаторида месхети турклари ҳам бўлиб, улар асосан аҳоли зич яшайдиган Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларига жойлаштирилган бўлиб, бунинг оқибатида ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда қўшимча муаммоларни юзага келтирган эди. Бу муаммоларга Совет давлати ўз вақтида эътибор бермади. Аксинча, «ривожланган социализм» даврига келиб СССРда «миллий масала бутунлай ҳал қилинди» деб «тантана» қилинди. Бироқ 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида (Р.Нишоновнинг таърифича, «бир банка қулпиной» учун) бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олди. Республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолай олмади. Натижада, оддий можаро Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Қўқон, Андижон, Наманган, Тошкентда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг оммавий чиқишларига, миллатлараро тўқнашувларга сабаб бўлди[1].

Фарғона фожиалари ҳақида республика матбуотида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тўғри маълумот берилмаганлиги, бу можароларнинг келиб чиқишида асосан «маҳаллий аҳоли айбдор» деб бир томонлама ва нохолис баҳоланиши вазиятни янада кескинлаштирди. 11 июнда Тошкент шаҳрида ишлаётган ва ўқиётган фарғоналик ёшлардан 100 га яқини «қизил майдонда» намойиш уюштириб, Фарғона воқеалари ҳақида «нотўғри маълумот беришларга қарши фикр билдирдилар ва бошқа бир қатор талаблар қўйдилар[2].

Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига қарши боришларга «кўникмаган» мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намойишчиларга қарши ҳарбий қисм ташлади. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намойишчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди, натижада 50 дан зиёд намойишда қатнашган аҳоли ҳалок бўлди (уларнинг кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиги эса яралар қилинди. Умуман 3—12 июн кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларни ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқиба-

---

[1] *Бобобеков Ҳ.* Фарғона фожиалари кундалиги //«Фан ва турмуш». 1990, №4, 26—29-бетлар; Ўша жойда, №5, 16—18-бетлар.

[2] Ў ш а ж о й д а, 17-бет.

тида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон қилинган[1].

Фарғона фожиаларига тааллуқли маълумотларнинг (лекин маълумотлар йўқ даражада) таҳлили шуни кўрсатдики, месхети турклари учун бу можаро мустабид тузум айби билан уруш даврида мажбуран ташлаб чиқилган она ватанларига қайтиб боришлари учун баҳона сифатида керак бўлган. Маҳаллий аҳоли эса бу можарога табиий равишда қўшилиб кетган. Чунки жойларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига эътибор берилмаган, маҳаллий ёшлар ўртасида ишсизлик кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб борган, аҳоли уй-жойлар билан таъминланмаган, уй қуриш учун участкалар ажратилмаган, пахта яккаҳокимлиги, экология муаммолари ҳал қилинмаган, порахўрлик, кўзбўямачилик, қонунбузарлик авж олган. Бу муаммолар тўпланиб, охир-оқибатда миллатлараро тўқнашувларни юзага келтирди, натижада бегуноҳ қурбонлар берилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан мажбуран ўз ватанидан бадарға қилинган месхети турклари Фарғона вилоятидан мамлакатнинг бошқа ҳудудларига кўчишга мажбур бўлдилар.

Мудҳиш воқеалардан кейин берилган расмий баёнотларга кўра, республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий кескинликдан оммавий тартибсизликларни, миллатлар ўртасида нифоқ ва тўқнашувларни келтириб чиқаришга уринган экстремистик кучлар турган. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки урушнинг азоб-уқубатларига қарамасдан, мажбуран кўчириб келтирилган, оч-яланғоч, ҳолдан тойган, хўрланган халққа нисбатан ўзининг инсонпарварлик хислатини кўрсатган ўзбек халқи, ўзининг табиий меҳмондўстлигини неча бор бутун жаҳонга намойиш қилган халқ учун ҳеч қандай ижтимоий муҳтожликлар миллатлараро жанжал туғдиришга баҳона бўлиб хизмат қила олмас эди. Бу атайлаб уюштирилган сиёсий иғвогарлик эди. Фарғонадаги мудҳиш воқеа Сумгаит, Боку, Тоғли Қорабоғ, Ўш-Ўзган ва бошқа минтақаларда худди шундай тарзда уюштирилган иғвогарликлар билан бир қаторда турар эди. Туб халқларнинг миллий уйғонишини, тобора ўсиб бораётган миллий ўзликни англаш жараёнини бостириш, асосий ва ҳаётий муаммолардан, «инқилобий қайта қуриш» режаларининг аниқ барбод бўлганлигидан мамлакат аҳолисининг эътиборини чалғитиш учун қора ниятли кучлар томонидан атайлаб уюштирилган фавқулодда ҳолат эди.

Лекин Фаргона фожиалари содир бўлган вақтда Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби лавозимида ўтирган Р.Нишонов ва у бошлиқ сиёсий раҳбарият бу мудҳиш ҳодисалар-

---

[1] *Бобобеков Ҳ.* Фарғона фожиалари кундалиги // «Фан ва турмуш». 1990, №5. 17-бет.

нинг аниқ моҳиятини тушуниб етмади, уни сиёсий жиҳатдан тўғри баҳолай олмади. Оқибатда бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмди.

Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби лавозимига сайланган И.А.Каримов ва у бошлиқ сиёсий раҳбарият бу масалада принципиал мавқени эгаллади. Ана шу фожиали воқеалардан кейин тез орада республика Компартияси МҚ, Олий Совети Раёсати ва ҳукуматининг қўшма мажлисларида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг аҳволини холисона, танқидий нуқтаи назардан баҳолашга биринчи бор уриниб кўрди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганиб, унга тўғри баҳо берар экан, И.А.Каримов матбуот конференциясида: «Ўзбекистон яна бир «Фарғона»га чидаб тура олмайди», деган эди. Бу, аслида, янги раҳбарнинг республикадаги аҳволни тубдан ўзгартиришга азму қарор қилганлигидан далолат эди.

Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳамиша ҳам холисона ёритиб берилмаган ана шу ҳодисалар ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англашини кучайтириб, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бурилиш бошланишига сабаб бўлди. Республика зиёлилари ва сиёсий кучлари ана шу таҳликали кунларда сиёсий ва маънавий жиҳатдан юксак мавқени эгалладилар. Фожианинг асл сабабларини очиб ташлаш, ўз халқининг шон-шуҳрати ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш йўлидаги ўзларининг машаққатли уринишларида улар республиканинг энг кескин муаммоларини биринчи бор ошкора равишда муҳокамага қўя бошладилар.

Республикада кенг мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи бўлди. Бу муаммо юзасидан демократик кучлар томонидан бошланган ҳаракат қудратли тус олди, унда зиёлилар, талабалар ва ёшлар фаол иштирок этдилар. Р.Н.Нишонов бошчилигидаги республика раҳбарияти бу ҳаракат ўртага ташлаган муаммони ҳал қилишга эмас, аксинча, бу ҳаракатни «жамиятга қарши» қаратилган хатти-ҳаракат деб баҳолаб, уни барҳам топтиришга, қонунчилик, ошкоралик ва оммавийлик талабларига риоя қилиш оқимига буриб юборишга уринди. Матбуотда, телевидения ва радиода ўзбек тилини ривожлантириш муаммолари, давлат тили ва бошқа тилларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, рус тилининг вазифалари ва мақоми ҳусусида мунозаралар авж олдирилди. Айниқса, рус тилининг мақоми тўғрисидаги масала теварагида қизғин тортишувлар бўлди — бу тил иккинчи давлат тили бўлиши керакми ёки миллатлараро алоқа тили бўлиб қолиши керакми, деган масала ҳаммани ўзига жалб қилган эди.

Демократик кучлар қўйган масалани И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият ўз вақтида англаб етди ва уни ҳал қилишга киришди. Натижада, «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили

тўғрисида»ги қонун 1989 йил октябрда қабул қилинди. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Иш юритиш секин-аста ўзбек тилига ўтказила бошланди, уни ўрганишни яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Айни вақтда рус тилини ва республикада яшовчи бошқа халқларнинг тилларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилиши лозим эди, тилни ўрганишнинг ихтиёрийлиги ва уни танлаш ҳуқуқи қонунда белгилаб қўйилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи, шу халқ миллий ўз-ўзини англашининг ўсиши, республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикада яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий қадам қўйилди. 12-чақириқ Олий Советнинг биринчи сессияси СССР доирасида биринчи бўлган сиёсий ҳужжатни — Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. 1990 йил 24 мартда Олий Совет депутатлари республика Компартияси МҚнинг биринчи котиби И.А.Каримовни Ўзбекистон ССРнинг Биринчи Президенти қилиб сайладилар. Шу тариқа, Ўзбекистон — СССР республикалари ичида биринчи бўлиб ўзининг миллий ҳуқуқий ва демократик давлатига мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий қилинишини бир қанча омиллар, энг аввало, СССРда 1990 йил бошларига келиб мустабид давлат сиёсий инқирозининг кучайганлиги тақозо этди. Шунингдек, бу инқироз иқтисодиётда ва ижтимоий-сиёсий соҳада қилинган ва Марказнинг иттифоқчи республикалар билан алоқаларни янгилашга қаратилган ислоҳотларининг барбод бўлиши билан ҳам намоён бўлди. 1990 йил мартда Литванинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, Латвия билан Эстониянинг СССР таркибидан чиқишга фаоллик билан очиқчасига тайёргарлик кўраётгани унитар (қўшма) Совет давлатининг ҳақиқий емирилиши бошланганидан далолат эди.

Ўзбекистон халқи ошкоралик ва демократиялаштиришдан, миллий ва маънавий қадриятларини тиклашдан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, жумладан, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан иттифоқ ҳокимияти тузилмаларига қарамликдан халос бўлиш ҳуқуқларини амалга оширишдан тобора кўпроқ манфаатдор эканликларини очиқ намоён қила бошладилар.

1990 йил июнда КПССнинг навбатдаги съездига тайёргарлик кўриш доирасида Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди бўлиб ўтди. Съездда республика янги раҳбариятининг шижоати ва ташаббускорлиги яққол сезилиб турди. Съезд

И.А.Каримовнинг сиёсий маърузасини тинглади. Унда республикадаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятга қуйидагича баҳо берилган эди:

— Мамлакатда мураккаб танглик вазияти вужудга келди. Шу билан бирга, жамиятни инсонпарвар, демократик принциплар асосида тезлик билан тубдан янгилаш учун иттифоқ сиёсий раҳбариятида тайёр муқобил йўл йўқ эди, бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ўзбекистон ҳам танглик ҳолатини бошдан кечираётган эди. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг танглик ҳолатини таърифлар экан, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Шундай катта ресурсларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятига, қулай табиий-иқлим шароитларига ва, энг асосийси, шундай меҳнатсевар халқига эга бўлган республика қандай қилиб асосий иқтисодий ва ижтимоий мезонлар буйича мамлакатда энг охирги ўринлардан бирида бўлиб қолди, ҳақли суратда танглик ҳолати деб аталадиган ҳолат даражасига бориб қолди?»[1] Бу савол аввало Марказга қаратилган эди

— Республикадаги Фарғона воқеаси ва бошқа драматик воқеалар (булар ҳақида очиқдан-очиқ айтиб ўтилди) маҳаллий партия, совет идоралари, жамоат ташкилотлари халқдан ажралиб қолганлиги, унинг дардлари ва эҳтиёжларидан бутунлай бехабар эканликлари, мансабдорларга оид ҳуқуқбузарликлар ва коррупциянинг кўпайганлиги, ижтимоий-маиший соҳанинг ҳаддан ташқари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани туфайли рўй берди. Шошилинч тарзда кўрилган чора-тадбирлар: пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиши, уни тайёрлашнинг барқарорлаштирилиши, пахта терими учун тўланадиган қўшимча ҳақлар ва пахта нархининг қайта кўриб чиқилиши, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатилиши, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ер майдонларининг кенгайтирилиши ва бошқа бир қатор чора-тадбирлар республикада кескинликнинг ортиб боришини маълум даражада пасайтиришга ёрдам берди.

Маърузада республикада бозор муносабатларини жорий қилишнинг объектив зарурлиги алоҳида кўрсатилиб, унда шундай нуқтаи назар таъкидлаб ўтилдики, унга мувофиқ бозор иқтисодиётига ўтиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар мажмуи билан биргаликда амалга оширилиши зарур эди.

Съезд республикани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал қилишда муҳим бўғин Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашдан, унинг чинакам сиёсий мустақиллигини таъминлашдан иборат деб ҳисоблади. Бироқ мафкуравий фаолиятнинг яхлит ва барқарор концепцияси ҳали йўқ эди. Шу боис миллий маданиятни қайта

[1] «Правда Востока». 1990, 5 июня.

тиклаш компартиянинг асосий мафкуравий муаммоси сифатида илгари сурилди. Ўзбек тилини давлат тили сифатида татбиқ қилиш соҳасини кенгайтириш, республикада яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг тилига доир, шунингдек, миллий-маданий талабларини қондириш юзасидан катта ишлар амалга оширилиши лозим эди.

Ўзбекистон компартиясининг XXII съезди КПССнинг бўлажак XXVIII съезди якунлари бўйича ўзининг яна бир мажлисини ўтказиш, унда республика партия ташкилотининг дастурий ва устав ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолди.[1]

И.А.Каримов бошчилигидаги сиёсий раҳбарият республикада юзага келган ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиш чораларини Марказдан сўрамаган ҳолда мустақил равишда белгилаш йўлидан борди. Шунга кўра, республика халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос йўлини мустақил тарзда белгилай бошлади. Дастлаб «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепциясини» тайёрлашга киришилди. Концепция республика, Давлат режа қўмитаси, молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Шунинг асосида «Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари» ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.[2] Республика аҳолиси бу муҳим ҳужжатни муҳокама қилишда фаол иштирок этди.

Кўриниб турибдики, республиканинг янги сиёсий раҳбарияти вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятдан чиқиш учун халқ оммасига таянган ҳолда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни илдам ва самарали қилиб амалга ошириш, фуқароларни давлат йўли билан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига эришиш асосида миллий давлатчиликни барпо қилиш йўлида мустақил ҳаракат қила бошлади.

Ўзбекистон халқларининг манфаатларини кўзлаб И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган ана шу дастлабки тадбирларнинг ўзиёқ Президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганлигидан далолат берарди. 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» ана шундай тадбирлардан эди. Бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири эди.

---

[1] Қаранг: «Правда Востока». 1990, 5, 12 июля.

[2] *Акрамов З., Ишмухамедов Ш.* Ўзбекистан на пути к рынку. — Т., 1993. С. 54.

Мавзуга оид тарихий ҳужжат

Мустақиллик декларацияси

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:

ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсади ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинди.
Тошкент шаҳри, 1990 йил 20 июн.

Суверенитет ҳақида Декларация қабул қилар экан, Олий Совет давлат қурилишининг тарихий тажрибасига ва ўзбек халқининг шаклланган анъаналарига, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи таъминланишига, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий нормаларга, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланди. Ўзбекистоннинг эълон қилинган давлат суверенитети унинг ўз ҳудуди барча таркибий қисмларида ва барча ташқи алоқаларида устиворлиги билан шаклланди. Декларацияга мувофиқ республиканинг давлат ҳокимияти унинг бутун ҳудудий қисмлари устидан амалга ошириладиган ва унда истиқомат қилаётган бутун аҳолига тааллуқли бўлди. Ички ва ташқи сиёсатининг барча масалалари республика давлат ҳокимияти ихтиёрига берилди. Ўзбекистон ўзининг иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан алоқа принципларини шартнома асосида белгилади ва сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларни шартнома асосида амалга оширадиган бўлди, у ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилади, ўзининг давлат рамзларини таъсис этди. Декларация Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ва янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асос бўлди.[1]

Республика раҳбарияти декларацияни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Хитой ва Афгонистон билан ташқи савдони ва чегара яқинидаги савдони фаоллаштириш, хорижий фирмалар ва компаниялар билан қўшма корхоналар ташкил этилиши, ташқи иқтисодий фаолиятни қонун йўли билан тартибга солиш (бу фаолиятни қатнашувчи томонларнинг мулкчилик шаклларига боғлиқ қилиб қўймасди), хорижий инвесторлар учун халқаро нормалар ва қоидаларга риоя қилиш кафолатлари, республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши ва уни ўташ тартибининг ўзгариши — буларнинг бари суверенитетни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлар эди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар бирмунча қарор топиб борди, улар ҳар икки томоннинг суверенитетини эътироф қилишга асосланган эди. Ўзбекистон билан Ленинград, шунингдек, Ленинград вилояти ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома 1990 йил 1 январдан амал қила бошлади ва бевосита алоқаларни (яъни Марказни четлаб ўтувчи алоқаларни) бошлаб берди.[2]

Ўзбекистондаги жамоат ташкилотлари тизими ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзгариб борди. Улардан ўта сиёсий тус берилганлари — касаба уюшмалари ва комсо-

---

[1] «Ўзбекистон овози». 1990, 22 июн.

[2] *Мачин Г.В., Назаралиева Г.Н.* Равноправное сотрудничество Узбекистана с Россией //«Общественные науки в Узбекистане». 1993, № 2. С. 8.

мол ташкилоти бўлиб, улар «турғунлик» йилларидан бошлабоқ аҳолининг ва ёшларнинг кенг қатламлари орасида ҳақиқатан ҳам чинакамига ишончни йўқота бошладилар. Комсомол ва халқ назорати органлари партиянинг раҳбарлик таъсири, ҳомийлиги ва обрўси тобора заифлашиб бораётганини ҳис қилиб, 90-йилларнинг бошларида одатдаги ижтимоий-сиёсий мавқеларини йўқотдилар ва шунчаки, расман мавжуд бўлиб, фаолиятсизлик қила бошладилар. «Эски» жамоат ташкилотлари — ўртоқлик судлари, халқ дружиналари, фахрийлар кенгашлари билан бир қаторда, қайта қуриш йилларида пайдо бўлган атроф муҳитни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотлари, совет маданий фонди каби ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатди. Лекин улар пайдо бўлгани билан аҳоли ўртасидаги уларнинг ижтимоий фаолияти самарасиз бўлди.

Шу билан бирга, анъанавий миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган, аҳолига яқин ва тушунарли бўлган жамоат ташкилотлари ҳам бор эди. Бундай ташкилотлардан бири хотин-қизлар кенгашлари бўлиб, улар ўз фаолиятларини мазмун ва сифат жиҳатдан анча бойитдилар. Лекин ҳаммадан кўра кўпроқ аҳоли орасида маҳалла қўмиталарининг таъсири кун сайин орта бошлади. Чунки маҳалла миллий анъаналар негизини ташкил қиларди. Республика матбуотида маҳалла қўмиталарининг ижтимоий аҳамияти ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини муҳокама қилиш авж олдириб юборилди, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг кўпгина вазифалари улар зиммасига секин-аста ўта бошлади.

Ўзбекистонда демократиялаш ва миллий ўз-ўзини англаш жараёнининг тобора авж олиши жамоат ташкилотларининг ёки ўша вақтда «оммавий норасмий» ташкилотлар деб аталган ташкилотларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлди. Жумладан, «Бирлик» халқ ҳаракати 1989 йил май ойида ташкил бўлди. Ўзига, асосан рус тилида сўзлашувчи зиёлиларни қамраб олган «Интерсоюз» (Ўзбекистон халқларининг байналмилал иттифоқи) ва «Эрк» халқ ҳаракати (1990 йил февралдан «Эрк» демократик партияси) юзага келди. Улар билан бир қаторда «Ўзбекистон эркин ёшлари бирлашмаси» (у 1990 йилда «Ўзбекистон эркин ёшлар иттифоқи»га айлантирилган бўлиб, ВЛКСМдан очиқдан-очиқ узоқлашди) ва Ўзбекистон хотин-қизларининг «Тумарис халқ ҳаракати» деган хотин-қизлар ташкилоти ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Бу жамоат ташкилотларидан кўплари ўз фаолиятининг дастлабки босқичида муайян ижобий роль ўйнадилар, жамоатчилик диққат-эътиборини республиканинг долзарб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий, тилга доир муаммоларга қаратдилар.

Бироқ вақт ўтиши билан улардан айримлари, аввало «Эрк» ва «Бирлик» ўзларининг дастлабки ижобий аҳамиятини йўқот-

дилар. Уларнинг раҳбарлари жамиятни бирлаштириш, долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлини эмас, балки уни бўлиб юборишга, зиддиятларни келтириб чиқаришга қаратилган йўлни, танқидбозлик ва қарама-қаршилик йўлини тута бошладилар. Уларнинг фаолияти амалда бунёдкорлик хусусиятига эга бўлмади, аксинча, тобора бузғунчилик хусусиятига эга бўлиб борди. Улар Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал қилишга очиқдан-очиқ тўғаноқ бўла бошладилар.

Республикада жамиятни кенг демократиялаш, СССР таркибида Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиш ва шундан кейин миллатларнинг маънавий ва моддий тенглигига эришиш, И.А.Каримов бошлиқ сиёсий раҳбариятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Фарғона воқеаларидан сўнг, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берди. 1990 йилнинг охирида Ўзбекистон Президенти Кенгашида миллий-маданий марказлар ва уларнинг ишини такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Маҳаллий кенгашлар, вазирликлар ва идораларга миллий-маданий марказлар томонидан қўйилаётган муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш ва ҳар бир халқнинг маданиятини, ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қараш тавсия этилди.

ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларига миллий тилларда ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш, Тошкент Давлат университетида уйғур филологияси кафедрасини ташкил этиш вазифаси топширилди. ЎзССР Давлат матбуот қўмитасига республикада яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ўқув ва бадиий адабиётларни нашр этишни, шу билан бирга уларни республика ташқарисидан келтиришни кучайтириш, маданий марказлар маблағларини кооперациялаш асосида «Миллатлар ҳаёти» ҳафталик газетасини чоп этиш имкониятларини қараб чиқиш тавсия қилинди. Бу газета Республика байналмилал маданият марказининг органи бўлиши керак эди.

Ўзбекистон Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш қўмитасига қозоқ, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа тилларда кўрсатувлар ва эшиттиришлар ҳажмини кенгайтиришни таъминлаш, Халқлар дўстлиги бош муҳариятини таъсис этиш юклатилди. Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг Халқлар Дўстлиги музейини Республика байналмилал маданият маркази эҳтиёжлари учун Халқлар дўстлиги уйига айлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Миллий муносабатларни ривожлантиришни етарли даражада ташкилий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминламай туриб, фақат тарғибий-ташвиқий таъсир йўли билан миллатлараро му-

носабат соҳасидаги юксак маданиятни шакллантириш мумкин эмасди. Бунинг учун миллатлараро муносабатларни бошқаришнинг яхлит тизимини яратиш керак эди. Ва бундай тизимлар республикада 1990—1991 йилларда яратила бошланди. Ўзбекистон ССР Президенти девонида Миллатлараро муносабатлар бўлими ташкил этилди. Бундай бўлимлар Қорақалпоғистон Автоном Республикаси Министрлар Кенгашида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталарида тузилди.

Шунингдек, жойларда жамоатчилик тизимлари — меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, аҳоли истиқомат жойларида «Дўстлик кенгашлари» шакллана бошлади. Улар таркиби турли миллатлар вакилларидан иборат эди. 1991 йилнинг январида фақат Сирдарё вилоятининг ўзида 32 та йирик корхона, муассаса ҳамда 4 та ўқув юртида «Дўстлик кенгашлари» ташкил этилди.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятлар даражасида — жамоатчилик асосида миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбияни такомиллаштириш бўйича туман шаҳар, вилоят кенгашлари тузила бошлади. Масалан, Жиззах вилоятининг кўплаб миллат вакиллари бирга яшайдиган Мирзачўл, Ғаллаорол, Пахтакор каби туманларида «Дўстлик кенгашлари» тузилди. 1991 йилнинг дастлабки ойида вилоят бўйича уларнинг сони 675 тага етди.

Ана шу давлат ва жамоатчилик асосида ташкил қилинган янги тизимлар миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ечишда, зиддиятларни бартараф этишда катта роль ўйнадилар.

Иттифоқ сиёсий раҳбарияти мамлакатда тобора жиддий тус олаётган вазиятни бартараф қилишнинг ҳам назарий, ҳам амалий йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Бу йўл-йўриқлар заминида КПССни ҳокимиятга, ягона «иттифоқ» давлатчилигига бўлган ҳуқуқдан ва социализмдан узоқлаштиришдан иборат бўлган ғоя ётгандек эди. Лекин 1990 йил июлда бўлган КПСС XXVIII съезди «Инсонпарвар, демократик социализм сари» деган дастурий баёнот қабул қилди. КПСС бор кучи билан социализмни қандай бўлса шундайлигича сақлаб қолиш учун унинг «қиёфаси»ни безаб, уни янада жозибадор ва замонавий қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди, бироқ партия жамиятдаги назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилотчилик вазифаларини бажаришдан воз кечишга интилмади.[1]

КПСС МҚ ва сиёсий раҳбариятининг белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги ноизчиллиги ва ишдаги жиддий камчиликлари Ўз КП МҚнинг биринчи котиби, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг съезддаги нутқида ўз аксини топди ва кескин танқидий оҳангни белгилаб берди. Ўзбекистон делегациясининг нуқтаи назари иттифоқдош республикалар ком-

[1] «Правда». 1990, 17 мая.

партиялари мустақил бўлиши, мамлакатда кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган миллатлараро зиддиятлар ва тўқнашувларни инкор қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги масалаларни қўйишдан иборат бўлди. Ўзбек делегацияси бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли янги иттифоқ шартномасини шошилинч равишда ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисоблади, унда ҳар бир республиканинг суверенитети ва миллий давлат тузилиши қатъий белгиланган бўлиши керак эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш масаласида делегация уни фақат халқнинг розилигини олгандан кейингина амалга ошириш мумкин деган фикрни айтди.[1]

КПСС съездининг қарорлари ва кўпгина бошқа муҳим масалаларнинг ечими Ўзбекистон вакилларини қаноатлантирмади. Шу сабабдан, илгари қарор қилинганидек, 1990 йил декабрда Ўзбекистон компартиясининг XXII съезди яна бир мажлис ўтказди, унда барча муҳим муаммолар юзасидан ўзининг нуқтаи назарини мустақил равишда белгилаб олди. Съезд «Сиёсий ва иқтисодий суверенитет учун, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароитини яратиш учун» деган ҳаракатлар дастурини қабул қилди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқа республикалардан орқада қолаётганлигини эътироф қилиб, съезд бу орқада қолишнинг сабабларини аниқлаш, жамиятни бирлаштириш йўлини топиш, фуқаролар тинчлигини ва миллий тотувлигини таъминлаш, барча динларнинг мухлислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, оила, хотин-қизларнинг аҳволи ва ёшларнинг келажаги тўғрисида ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатиш кераклигини кўрсатиб ўтди.[2]

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жонланиш партия ва халқ депутатлари съездларига сайланган республика вакилларининг ҳам фаоллигини оширди, улар ўз республикаларининг манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилдилар. Бу жиҳатдан СССР халқ депутатларининг IV съезди (1990 й. декабр) характерлидир. Нотиқлар съездда асосан мамлакатдаги ғоят оғир вазиятни қайд қилиб ўтдилар. И.А.Каримов съездда махсус кўриб чиқиш учун тангликдан чиқиш чора-тадбирлари сифатида интизомни, ҳокимиятни, ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлашни таклиф қилди.[3]

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий мустақилликни, сиёсий суверенитетни таъминлаш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлади. Бунинг сабаби Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга

---

[1] «Правда Востока». 1990, 6 июля.

[2] «Правда Востока». 1990, 8 декабря.

[3] Қаранг: *Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ.* Ўзбекистон тарихи. (11-синф учун). — Т., 1998, 23-бет.

олишга, унинг манфаатларини кўзлаб иш қилишга ҳаракат қилганлигида эди.

Масалан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг ҳамфикр бўлиб мустақиллик сари қадам қўяётганлигини 1991 йил 17 мартидаги умумхалқ референдуми якунларидан ҳам яққол кўриш мумкин. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсатининг йиғилиши бўлиб, унда СССР Олий Совети томонидан белгиланган референдумга овоз беришга мўлжалланган асосий бюллетень билан бирга «Ўзбекистонни янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли республика бўлиб қолишига розимисиз?», деган савол қўйилган қўшимча бюллетень киритишга қарор қилинди.[1]

Бўлиб ўтган референдум якуни шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика бўлишига доир қўшимча бюллетень бўйича 9 млн. 215 минг 571 нафар фуқаро, ёки овоз беришда қатнашганларнинг — 93,9% овоз берди.[2]

Бинобарин, бу референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистонни мустақил республика бўлиши тарафдори бўлиб овоз берганлигининг ўзиёқ республика раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ифодаси эди.

Жамиятдаги ички зиддият ва кескинлик ниҳоятда кучайди, эски тузумнинг портлаши ва бузилиши муқаррар бўлиб қолган эди. Чунки тайёрланган янги иттифоқ шартномаси мустабид давлат тузилмаларидаги эскилик тарафдорлари ва реакцион кучлар учун маъқул келмади. СССРнинг юқори раҳбарларидан бир гуруҳи 1991 йил 19—21 августда ўзларини фавқулодда ҳолат Давлат қўмитаси (ГКЧП) деб атаб, давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрди, лекин бу уриниш барбод бўлди. Бу коммунистлар ҳокимиятининг 73 йиллик даври ва мустабид СССР давлатининг тугаганлигини, у билан биргаликда эса «қайта қуриш» ҳам барбод бўлганлигини англатарди.

Фавқулодда ҳолат муносабати билан мамлакатда (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) ўта мураккаб вазият юзага келди. Ўзбекистон халқининг кейинги тақдири ана шу мураккаб шароитда қайси йўлни танлашига боғлиқ бўлиб қолган эди. И.А.Каримов бошлиқ Ўзбекистон раҳбарияти «Мустақиллик Декларацияси»ни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ қилиш ва миллий давлатчилигимизни тиклашдек ўта мураккаб ва масъулиятли, шу билан бирга адолатли йўлни танлади. Ўзбекистон халқи буюк тарихий воқеа арафасида турар эди.

Хуллас, 80-йилларнинг иккинчи ярми — 90 йилларнинг бошларида СССРдаги «қайта қуриш» аввалбошданоқ хомхаёлдан иборат эканлигини кўрсатди ва шунга кўра у амалга ошма-

---

[1] Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — Т., 1991. № 4, 4-бет.
[2] Ўша жойда, № 5, 7—8-бет.

ди. Бу нарса нафақат СССРга, шунингдек, Шарқий Европа мамлакатларига ҳам тааллуқли эди.

«Қайта қуриш» берган асосий тарихий сабоқ шундан иборат бўлдики, социализм жамиятнинг асосини ташкил этадиган бирдан-бир ва барча жабҳаларни қамраб олувчи тузум бўлишга қодир эмаслигини кўрсатди. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳозирги замон жамияти — бу кўпроқ ўзаро чекловчи ва тенглаштирувчи тамойилларнинг, капитализация ва социализациянинг турлича уйғунлашиб кетиши, классик марксча назарияга сиғишмайдиган ижтимоий принциплар элементларининг фақат чатишиб кетишидан иборат бўлиши мумкин. Бунда эса бирон-бир мафкура ёки сиёсий кучнинг яккаҳокимлигига ўрин бўлмайди.

Иккинчи сабоқ — эркинлик ва демократия алоҳида қисмларга бўлиниши мумкин эмас. Эркинлик ва демократия шахснинг ва сиёсий гуруҳларнинг ижтимоий, миллатлар ва миллий давлатларнинг табиий эҳтиёжларини қондириш учун фақат тўлиқ бўлиши лозим.

Лекин шундай бўлса-да, «қайта қуриш» СССР халқлари миллий ўзлигини англаш жараёнини тезлаштирди, уларнинг сиёсий фаоллигини оширди. Объектив жиҳатдан олганда, «қайта қуриш» мустақилликка эришиш учун тайёргарлик тадбирлари эди. Кўп миллатли Ўзбекистон жамияти мустақиллик ғоясини қабул қилди, бу тарихан буюк ва узоқ кутилган воқеанинг муқаррарлигини ҳис этди. Ўзбекистонни Марказ билан ўн йиллар мобайнида боғлаб турган занжир узиб ташланди. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига кириш жараёнини тўхтатиб қолиш ёки орқага буриб юбориш мумкин эмасди. СССР инқирозга юз тутган эди.

Хулоса

1917—1991 йиллар Ўзбекистон тарихида сезиларли даражада мураккаб из қолдирди. Ана шу даврда ўзбекистонликларнинг бир неча авлодлари куч-ғайрати билан бир қадар иқтисодий ва маънавий салоҳият яратилди. Бироқ буларнинг ҳаммасига халқнинг жуда катта зўр бериши ва меҳнати билан эришилди, бунинг учун у кўп маҳрумликларга дучор этилди ва ҳатто қурбонлар беришга мажбур бўлди.

Мустабид тузум 1917 йилги октябр тўнтариши натижасида 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида халқ устидан зўравонлик қилиш билан сақланиб турди, бу айниқса мазкур режимнинг Туркистон Мухториятига, истиқлолчилик ҳаракатига қарши курашида, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш даврида, 30-йилларнинг охирида ва 50-йиллар бошида рўй берган оммавий қатағонлар даврида, 80-йилларнинг биринчи ярмида Москвада тўқиб чиқарилган «пахта иши» ёки «ўзбеклар иши» деб аталган буҳронларда, фожеий тарзда намоён бўлди. Мустабид тузум бошқача фикрлашнинг энг арзимас кўринишига, унинг империяча сиёсатига билдирилган шунчаки норозиликка, республиканинг мустақиллиги ва манфаатларини ошкора ҳимоя қилиш каби кўринишларга шафқатсизлик билан зарба берди.

Республиканинг Марказга мустаҳкам боғлиқлиги, Марказ эса биринчи навбатда ўз манфаатларини кўзлаши натижасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши ниҳоятда зиддиятли тарзда кечди:

— Коммунистик партия Ўзбекистон ва бошқа миллий республикалар Совет Иттифоқига қарамлигининг янгича давлат шаклини вужудга келтирар экан, у Ўрта Осиё классик мустамлакачилиги даврида вужудга келган ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва иқтисодий алоқаларига асосланди. Бинобарин, барча иттифоқдош республикаларнинг иқтисодиётини бараварлаштириш ғояси ўн йилликлар мобайнида фақат номигагина амалга оширилди, уларнинг тенгсизлиги эса барибир амалда сақланиб қолди.

— Ўзбекистонга Конституция бўйича берилган суверен ҳуқуқлар ҳам фақат кўр-кўрона эди, аслида эса республика метрополия мустамлакасига айлантирилиб, бундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дучор қилинди.

— Мустабид тузум «халқ ҳокимияти» сифатида «меҳнаткашлар оммаси»ни давлат қурилишига кенг жалб қилар экан, айни вақтда ўзининг 70 йилдан кўпроқ ҳукмронлик даврида аҳолининг «эксплуатация қилувчи», «меҳнаткаш бўлмаган» синфларини ва ижтимоий гуруҳларини энг оддий фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этди.

— Ўзбекистонни дабдабали равишда ишчилар ва деҳқонлар республикаси, кейин эса «меҳнаткашлар» ва ниҳоят «халқ оммаси» республикаси деб эълон қилган «халқпарвар» тузум уни мамлакатда ҳукмрон бўлган коммунистик партиянинг қатъий бошқарувига, «партия-совет номенклатураси» қўлига топшириб қўйди, барча жамоат ташкилотлари эса партиянинг оддий «дастёрига», унинг ҳаракатлантирувчи воситасига айлантирилди.

— Марказ республикада саноатни жадал суръатлар билан ривожлантирар экан, айни вақтда унга бир томонлама, мустамлака хусусиятини бағишлади.

— Совет давлати қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, унга маълум даражада маблағ ажратар экан, бу ерда метрополия манфаатлари йўлида республика иқтисодиёти аграр секторининг бошқа анъанавий тармоқларига зарар етказган ҳолда пахтачиликни юқори суръатлар билан ривожлантирди, бу эса пировард натижада оғир ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатларга эга бўлган пахта яккаҳокимлиги қарор топишига олиб келди. Москванинг империяча иқтисодий сиёсати натижасида Ўзбекистон совет ҳокимияти йилларида метрополиянинг хом ашё базасига айлантирилди. Иттифоқнинг саноат марказларига ва озиқ-овқат минтақаларига тула-тукис боғлиқ қилиб қўйилди.

— Мустабид тузум Ўзбекистонда умумий, ўрта махсус ва олий таълимни, фан ва маданиятни кенг ривожлантира бориб, уларни кўп даражада мафкуралаштириш, сиёсий ва байналмилал тус беришга ва ҳатто руслаштиришга, халқни кўп асрлик маънавий меросидан, миллий анъаналари ва урф-одатларидан бебаҳра қилишга интилди.

Буларнинг барчаси охир-оқибатда мустабид Совет давлатини таг-томири билан емирадиган ички зиддиятларга айландики, бу иллатлар тузум инқирозини муқаррар қилиб қўйди.

Совет империяси инқирозининг асосий сабаблари нималардан иборат эди?

Биринчидан, «иттифоқ»нинг инқирозга учрашига шу нарса сабаб бўлдики, у аввалбошданоқ ихтиёрий асосда эмас, балки зўравонлик, тазйиқ ўтказиш йўли билан «иттифоқ»қа кирган халқларнинг хохиш-иродасига зид равишда ташкил этилган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ўз моҳиятига кўра бу қатъий марказлаштириш тамойиллари асосида қурилган ва ҳар қандай демократик нормаларни рад этувчи давлат эди. «Иттифоқ»нинг «иттифоқдош социалистик республикалар» номи билан аталувчи субъектлари амалда зарур ҳуқуқларга эга бўлмай, Марказ билан субъектлар ўртасидаги муносабатлар эса қонунлар билан эмас, балки КПССнинг кўрсатмалари ва буйруқлари билан тартибга солинар эди. Бундай «иттифоқ»нинг келажаги бўлмаслиги, инқирозга юзтубан кетиши муқаррар эди.

Иккинчидан, совет империяси аслида чор самодержавиесининг «меросхўри» сифатида мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди, у бутун-бутун халқларнинг миллий манфаатларини поймол қилди, бутун «иттифоқ» ҳудудида бу халқларга ёт бўлган советлар шаклидаги давлат ҳокимияти тизимини ташкил этди. Совет давлатида раҳбарлик вазифаси географик, сиёсий, иқтисодий ва этник жиҳатлардан иттифоқ маркази қўлида мустаҳкамланди, улар аслида, рамзий жиҳатдан олганда, қандайдир «марказ»га уюшган эди. Шунга биноан, Марказ билан этник чекка жойлар (шу жумладан, Ўзбекистон) ўртасидаги муносабатлар асосан империяча муносабатлар, яъни адолатсиз ва Марказга мутлақ бўйсунган ҳолда бўлиб келди.[1] Миллий масаланинг ҳал қилинмаганлиги, этник кескинликнинг яширин тарзда ортиб бориши, умуман олганда эса, «СССР» деган ном остидаги бутун тизимнинг тенгсизлиги, замонавий шарт-шароитлар билан ўзгариб туриши кўп миллатли Совет давлатининг инқирозини қонуний равишда олдиндан белгилаб берди.

Учинчидан, СССР жаҳонга ҳукмрон бўлишга, ривожланган капиталистик мамлакатлардан устунликка даъво қилган эди, лекин у замон синовига бардош беролмади. Бозор иқтисодиётига эга бўлган ва тараққиётнинг демократик йўлини танлаган мамлакатлар устун бўлиб чиқди. Жаҳон халқлари сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг совет андозаси истиқболсиз эканлигини тушуниб етдилар. Бу ҳам инқирозга учрашнинг муҳим сабабларидан бири бўлди, чунки СССР жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб кетаолмади, жаҳон ҳамжамиятида қаршилик курсатиш омили бўлиб майдонга чиқди. Бу эса ўз навбатида жуда катта ва тобора ортиб борувчи моддий-молиявий ва ҳарбий чиқимларни талаб қиларди, мустабид тузум эса мазкур чиқимларга бардош бераолмади.

Тўртинчидан, «Иттифоқ» инқирозга учрашининг асосий сабабларидан яна бири шу бўлдики, *мустамлакачилик аҳволига ва турли-туман коммунистик «эксперимент»ларга дучор қилинишига қарамасдан, ўзбек халқи ўзининг миллий ғурурини, келажакка, озодликка бўлган ишончини йўқотмади, мустақиллик пойдеворини қийинчилик ва катта йўқотишлар билан бўлса-да, қадамба-қадам қўйиб борди. Буюк авлодлардан мерос бўлиб қолган маънавий етуклиги, сабр-тоқати, Ватанга муҳаббати, меҳнатсеварлиги ва бунёдкорлиги халқни мустабид тузумнинг даҳшатли қатағонларидан омон сақлади, тобе бўлиб яшашни истамаслигини очиқ намойиш қилди.*

Шу сабабдан ҳам Марказнинг ўз моҳият эътибори билан империяча сиёсати халқларнинг тобора норозилигига сабаб бўлиб

---

[1] Қаранг: *Абдуллаев Ш.М.* Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70—80-е годы XX в.) Автореф. дисс. докт. ист. наук. — Т., 1994. С. 12.

борди, улар онгида Марказнинг зуғумидан озод бўлиш, республиканинг унитар Совет Иттифоқи таркибидаги мустамлакачилик аҳволига барҳам бериш, тўла давлат мустақиллигига эришиш зарурати аввалдан шаклланиб борди. Жамиятдаги бу ватанпарварлик кайфиятлари Ўзбекистон раҳбариятига И.А.Каримов келгандан сўнг янада кучайди, янги мазмун билан тўлиб борди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистон буюк яратувчилик ишлари, чинакам тарихий ўзгаришлар ва том маънодаги давлат мустақиллиги арафасида турган эди.

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ХРОНИКАСИ

1917 йил (13 март) 28 февраль	Россияда Феврал инқилоби ғалаба қилди.
1917 йил 14 март	Тошкентда «Шўрои Ислом» (мусулмонлар совети) ташкилоти тузилди.
1917 йил 7—15 апрел	Туркистон Советларнинг I Ўлка съезди бўлди.
1917 йил 16—23 апрел	«Шўрои Ислом» ташаббуси билан Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг биринчи съезди бўлди. Унда Ўлка муссовети тузилди.
1917 йил июн	«Шўрои Уламо» жамияти ташкил бўлди.
1917 йил 7—11 сентябр	Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II Ўлка съезди бўлди.
1917 йил 1 (8) ноябр	Большевиклар томонидан Тошкентда ҳарбий тўнтариш қилинди.
1917 йил 15—22 ноябр	Тошкентда Туркистон ўлка Советларнинг III съезди бўлди. Съезд Туркистонда бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтганлигини тасдиқлади.
1917 йил 26—28 ноябр	Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг IV Фавқулодда съезди бўлди. Съездда «Туркистон Мухторияти» ҳукумати тузилди.
1918 йил 19—22 феврал	Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан тор-мор қилинди ва қонга беланди.
1918 йил феврал охири	Туркистонда большевиклар ҳокимиятига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланди.
1918 йил 21 апрел	Тошкентда Туркистон Халқ университети очилди.
1918—1921 йиллар	Большевиклар томонидан «ҳарбий коммунизм» сиёсати жорий қилинди.
1918 йил 30 апрел	Ўлка Советларининг V съезди бўлиб, унда Туркистон ўлкаси РСФСРнингТуркистон Совет Республикаси деб эълон қилинди.
1918 йил 18 июн	Тошкентда мусулмон ўқитувчилар институти иш бошлади.
1918 йил ноябр	Тошкентда Туркистон Шарқ институти ташкил қилинди.
1918—1923 йиллар	Фарғона водийсида оммавий очарчилик бўлиб, 1 млн.дан ортиқ аҳолининг ёстиғини қуритди.
1919 йил март	Туркистон Ўлка мусулмонлар бюроси (Мусбюро) ташкил қилинди.

1919 йил 2 сентябр	Жалолободда Мадаминбек қўшинлари билан К. Монстровнинг крестьянлар армияси ўртасида большевиклар тузумига қарши ўзаро битим тузилди.
1919 йил 22 октябр	Помирнинг Эргаштом овулида Мадаминбек бошчилигида «Фарғона Муваққат Мухтор ҳукумати» тузилди.
1919 йил	Фитрат ташаббуси билан «Чиғатой гурунги» ташкилоти тузилди.
1920 йил 18 февral	Қорақалпоғистонда Советлар тузумига қарши кўтарилган қуролли ҳаракат йўлбошчилари билан Туркомиссия вакили Г.Скалов ўртасида сулҳ битими имзоланди.
1920 йил 2 февral	Хива хонлиги қизил аскарлар томонидан тугатилди.
1920 йил 26 апрел	Хивада халқ вакилларининг I Бутунхоразм қурултойи бўлди. Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинди.
1920 йил 14 май	Қоровул қишлоғида Шермуҳаммадбекнинг кўрсатмаси билан Холхўжа Эшон томонидан Мадаминбек қатл қилинди.
1920 йил 3 май	Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Ғарибота қишлоғида водий истиқлолчиларининг навбатдаги қурултойида «Туркистон Мустақил Ислом Жумҳурияти» тузилди.
1920 йил 2 сентябр	Большевиклар томонидан Бухоро амирлиги тугатилди.
1920 йил 6 октябр	Бухорода халқ вакилларининг I Умумбухоро қурултойи бўлди. БХСР ташкил қилинди.
1921 йил 10 март	ХХСРнинг Полвонниёз Юсупов бошчилигидаги ҳукумат қизил аскарлар томонидан ағдариб ташланди.
1921 йил	Янги иқтисодий сиёсат жорий қилинди.
1921 йил август	Бухорода Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти тузилди.
1921 йил сентябр	Хивада Халқ университети очилди.
1921 йил	Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши буйича Туркистон қўмитаси (Туркомстарис) ташкил қилинди.
1921—1922 йиллар	Туркистон АССРнинг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида дастлабки ер-сув ислоҳоти ўтказилди.
1922 йил 15—20 апрел	Самарқанд шаҳрида ярим яширин Туркистон мусулмонларининг II қурултойи бўлди. Унда барча қурбошилар қатнашдилар.
1922 йил 14 сентябр	БХСР МИҚ Бухоро дорилфунунини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

1923 йил январ	СССР ҳукумати Туркистон Республикаси ҳудудида пахтани харид қилиш давлат монополиясини бекор қилди.
1923 йил 5—9 март	Тошкентда Ўрта Осиё республикаларининг I Иқтисодий конференцияси бўлди. Унда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) тузилди.
1923 йил	Бухорода товар-фонд биржаси ташкил қилинди.
1924 йил 1 август	Москвада Бухородаги тарих ва маданият обидаларини таъмирлаш буйича шартнома тузилди.
1925 йил феврал	Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил қилинди.
1925 йил 12—19 феврал	«Қорақалпоғистон Советларининг I съезди Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилганлиги тўғрисида Декларация» қабул қилди.
1925—1929 йиллар	Ер-сув ислоҳоти ўтказилди.
1927 йил март	Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилинди.
1927 йил	Ўзбек аёлларини озодликка чиқариш учун «Ҳужум» кампанияси бошланди.
1928 йил	Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон халқлари мусиқаси институти очилди.
1929 йил 7 август	Араб имлосидаги ўзбек ёзувини лотин графикасига ўтказиш ҳақида СССР МИҚ ва ХКК қарор қабул қилди.
1929 йил август-сентябр	Қорақалпоғистон деҳқонлари совет ҳокимиятининг мажбурий жамоалаштириш сиёсатига қарши исён кўтарди.
1929—1930 йиллар	Мажбурий жамоалаштиришга қарши Ўзбекистон ССРда 240 марта деҳқонларнинг оммавий чиқишлари юз берди.
1929 йил охири	Мунаввар Қори бошчилигидаги «Миллий истиқлол» ташкилотининг аъзолари қамоққа олинди ва қатағон қилинди.
1930—1931 йилларда	«Кулоқларни синф сифатида тугатиш» кампаниясида 60 мингдан ортиқ киши қатағон қилинди.
1932 йил 11 октябр	Ўзбекистон ССР МИҚ қошида Фан қўмитаси ташкил этилди.
1934 йил март	Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ташкил қилинди.
1936 йил 5 декабр	СССРнинг янги Конституциясига кўра Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилди.
1937—1939 йиллар	Ўзбекистонда совет режими томонидан оммавий равишда қатағонлар ўтказилди.
1938 йил 13 март	СССР ХКК «Миллий республикалар ва вилоятлар мактабларида рус тилини мажбурий ўрганиш ҳақида» қарор қабул қилди.

1940 йил 9 январ	Ўзбекистон ССР МИҚ Фан қўмитаси СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига айлантирилди.
1940 йил май	Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессияси ўзбек ёзувини криллицага ўтказиш тўғрисида кўрсатма берди.
1941 йил 22 июн	Фашистлар Германиясининг СССРга ҳужуми муносабати билан мустабид тузум таркибида бўлган Ўзбекистон ҳам қонли уруш гирдобига тортилди.
1941 йил июн-декабр	СССРнинг душман босиб олиши мумкин бўлган районларидан 104 та завод ва фабрика Ўзбекистонга кўчириб келтирилди.
1941 йил июл-декабр	Ўзбекистондаги ҳарбий объектлар қурилишига 500 минг колхозчи жалб қилинди.
1941 йил 16 август	СССР Мудофаа Қўмитаси 270-сонли буйруғида «асирга тушганлар ўтакетган дезиртирлар, уларнинг оилалари эса қасамини бузганларнинг ва ватанини сотганларнинг оиласи сифатида қамашга» маҳкум этилди.
1941—1945 йиллар	Ўзбекистон ССР Россия, Украина ва Белоруссиянинг душман босиб олган районларидан 1 млн.дан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди.
1942 йил октябр	Ўзбек халқи 2.412 минг аҳоли имзолаган мактуб билан ўзбек жангчиларига мурожаат қилди.
1943 йил 4 ноябр	Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил қилинди.
1945 йил 2 сентябр	Иккинчи жаҳон уруши Япония милитаризмининг тор-мор келтирилиши билан якунланди.
1947 йил	Чоржуй шаҳридан Хоразм ва Қорақалпоғистонни боғловчи «Чоржуй-Қунғирот» темир йўли Марказ рухсатисиз ҳашар йўли билан қурилди.
1949 йил 25 июн	ЎЗ КП(б) МҚнинг бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокама қилинди ва кўплаб ёзувчи ва шоирлар бадном қилинди.
1950 йил сентябр	Ўз КП(б) МҚ бюросининг «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида»ги қарорида гуманитар институтлар фаолияти кескин қораланди.
1952 йил 21—22 феврал	Ўз КП(б) МҚнинг X пленумида «Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масала кўрилиб, бир қатор ижодий ва илмий зиёлилар танқид ва бадном қилинди.

1966 йил 26 апрел	Тошкентда кучли зилзила содир бўлди.
60-йиллар охири	Орол денгизининг қуриши бошланди. Минтақада экологик вазият кескинлашди.
1977 йил 6 ноябр	Тошкент метрополитенининг биринчи навбати ишга туширилди.
70-йиллар	Ўзбекистон ССРдаги муҳим ва йирик корхоналарнинг 70%и бевосита иттифоқ вазирликларига бўйсунарди.
1985 йил	Озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги муносабати билан бир қанча маҳсулотлар турлари бўйича нормалаштирилган таъминот (карточкалар) жорий этилди.
1987 йил июн	«Давлат корхонаси тўғрисида»ги қонунга биноан корхоналар, бирлашмалар тўлиқ хўжалик ҳисобида ишлашга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши кўзда тутилди.
1989 йил 23 июн	И.А.Каримов Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби лавозимига сайланди.
1989 йил	Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг янги шакли — фермерлик жорий қилинди.
1989 йил октябр	«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида» қонун қабул қилинди.
1990 йил март	Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари И.А.Каримовни Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайлади.
1990 йил 20 июн	Ўзбекистон ССР Олий Совети «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилди.
1990 йил октябр	И. А. Каримов бошчилигидаги раҳбарият ташаббуси билан «Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари» ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди.
1991 йил 31 август	Ўзбекистон ССР Олий Совети «Узбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» қарор қабул қилди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 3

Биринчи қисм

Тарихнинг бурилиш нуқтаси: Ўзбекистон 1917—1924 йилларда

Биринчи боб. Шиддатли ўзгаришлар даври (1917—1920 йиллар)

1. Россиядаги Феврал инқилоби: Туркистонда сиёсий жараёнларнинг жадаллашуви 10
2. Туркистонда мухториятчилик ҳаракатининг шаклланиши. Икки муқобил ёндашув 33
3. Ҳокимиятнинг большевиклар ва сул эсерлар томонидан қўлга олиниши . 41
4. Туркистон Мухторияти — миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси 51
5. Советлар «андозаси» асосида Туркистон Автоном Республикасининг ташкил этилиши 68
6. Большевикларнинг мустабид тузумига қарши кураш. Истиқлолчилик ҳаракати 83
7. Халққа қарши қаратилган «ҳарбий коммунизм» сиёсати 102
8. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг қизил армия томонидан тугатилиши. ХХСР ва БХСРнинг ташкил топиши 113
9. Миллий маданият шиддатли ўзгаришларнинг дастлабки даврида 132

Иккинчи боб. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги беқарорлик (1921—1924 йиллар)

1. Туркистонда 20-йиллар бошларидаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари 161
2. Янги иқтисодий сиёсат ва унинг зиддиятлари. Иқтисодий ҳаётнинг жонланиши 178
3. Туркистонда миллий мухолифат ва истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши 194
4. Хоразм ва Бухоро республикаларидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар 213
5. Бухоро ва Хоразм республикаларидаги қуролли мухолифат кураши (1920—1924 йиллар) 249
6. Миллий маданият ва маънавиятнинг аҳволи 270
7. Урта Осиё халқларининг миллий-ҳудудий чегараланиши: мақсад ва моҳият. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши 282
8. Қорақалпоғистон шиддатли ўзгаришлар даврида (1917—1924 йиллар) . . 302

Иккинчи қисм

Ўзбекистон мустабид Совет давлати таркибида (1925—1991 йиллар)

Биринчи боб. Ўзбекистон 1925—1941 йилларда

1. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт. Оммавий қатағонларнинг авж олдирилиши . . . 312
2. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги зиддиятлар 326
3. Республикада саноат қурилишининг сунъий жадаллаштирилиши 339
4. Мажбурий жамоалаштириш фожиалари 346
5. Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий ўзгаришлар 359
6. «Ҳужум»га зарурат бормиди? 375
7. Таълим, фан ва маданият ҳукмрон мафкура измида 385
8. Миллий сиёсат ва миллий муносабатлар 401
9. 20—30-йилларда Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари 410
10. Қорақалпоғистон 20-йилларнинг иккинчи ярми — 30-йилларда 416

Иккинчи боб. Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941—1945 йиллар)

1. Урушнинг бошланиши. Республика ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг фашизмга қарши сафарбар қилиниши 429
2. Ғалаба йўлидаги машаққатли меҳнат 439
3. Ўзбек халқининг юксак гуманизми 450
4. Ўзбекистонликларнинг уруш жанггоҳларидаги жасоратлари 463
5. Ўзбекистон фан ва маданияти уруш йилларида 487
6. Қорақалпоғистон АССР уруш йилларида 498

Учинчи боб. Ўзбекистон 1946—1985 йилларда: мустабид тузум асосларига дарз кетиши

1. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклашдаги қийинчиликлар 501
2. Сиёсий қатағонларнинг янги палласи 507
3. Республика саноати тараққиётининг бир томонлама хусусияти 520
4. Аграр тангликнинг кескинлашуви. Пахта яккаҳокимлиги ва унинг салбий оқибатлари 533
5. Орол фожиаси 563
6. Жамият маданий-маънавий ҳаётига «ривожланган социализм» гоясининг сингдирилиши 569
7. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар 586
8. Ўзбекистоннинг мустақил ташқи алоқалари бўлганми? 596
9. Қорақалпоғистон 40-йилларнинг иккинчи ярми — 80-йилларда 613

Тўртинчи боб. Ўзбекистон мустақиллик йўлида (1985—1991 йиллар)

1. Социализмни ислоҳ қилишга сўнгги уриниш: «қайта қуриш» сиёсати . . 624
2. Халқ хўжалигида «қайта қуриш»нинг самарасизлиги. Ўзбекистон билан Марказ манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши 630
3. «Қайта қуриш» ва Ўзбекистон маданияти 648
4. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократиялашуви. Халқ миллий онгининг ўсиши. Мустабид тузум инқирозининг муқаррарлиги 659

Хулоса 677

Муҳим воқеалар хроникаси 681

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Иккинчи китоб

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Муҳаррир *Барнобек Эшпўлатов*
Бадиий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Компьютерда саҳифаловчи *Татьяна Огай*
Мусаҳҳиҳ *Жамила Тоирова*

Теришга берилди 15.08.2000. Нашрга рухсат этилди 5.10.2000. Бичими 60x90 $^{1}/_{16}$. «Таймс», «Прагматика» гарнитуралари. Офсет босма. Шартли босма табоғи 43,0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 47,2. Адади 10.000 нусха. Буюртма № 840. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳари, Буюк Турон кўчаси, 41.**